

# НАНИ РОДАРИ

---



# ДИМ ЭРТАКЛАРИ



«РАДУГА» НАШРИТИНИНГ ТОШКЕНТ БУЛИМИ  
ТОШКЕНТ 1989

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши . . . . .	3
Телефонда айтилган эртақлар (қайта нашр) <i>Хусан Раҳиматов таржимаси</i>	5
Жельсомино ёлгончилар мамлакатда (қайта нашр) <i>Собир Юнусов тар- жимаси</i> . . . . .	81
Янги Пил арчалари сайёрасида. <i>Азиз Бобохонов таржимаси</i> . . . . .	157
Осмондаги горт. <i>Азиз Бобохонов таржимаси</i> . . . . .	211
Телевизорга кириб қолган Жип. <i>Азиз Бобохонов таржимаси</i> . . . . .	263
Қандай хатолар бўлади. <i>Азиз Бобохонов таржимаси</i> . . . . .	289
Рим эртақлари. <i>Азиз Бобохонов таржимаси</i> . . . . .	329
Учтадан охири бор эртақлар. <i>Амир Файзуллаев таржимаси</i> . . . . .	473
Сўнги сўз . . . . .	560

## ДЖАННИ РОДАРИ

### РИМСКИЕ ФАНАЗИИ

*На узбекском языке*

Перевод сделан в издании: Москва Издательство «Правда» 1987

Редакторлар А. Файзуллаев, М. Турсунов  
Расҳом А. Саломов  
Расмий редактори С. Силко  
Техник редактор К. Бабамухамедова  
Корректор Ш. Сабитова

ИБ № 5229

Тиражи берилди 16.06.89. Босилган рухсат этилиди 19.09.89. Формати 60×90<sup>1/8</sup>. Босмакони қото-  
ж № 1. Адабий гарнитурани раҳбарлик қилиб босма усулида босилди. Шартли босма л. 56,0. Шартли буюқ  
оғт. 36,50. Ҳисоб-китобнинг л. 41,76. Тиражи 30000 (1-завад 30000). Заказ #074. Баҳоси 4 с. 70 т.  
Нашр № 30063

СССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети, «Радуга»  
нашриятининг Тошкент бўлими, Тошкент, 700011, Ц-14, 33-уй.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети,  
Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бirlашмасининг 1-босмахонасида бо-  
силди. Тошкент, 700002, Қамза кўчаси, 21.

© «Радуга» нашриятининг Тошкент бўлими 1989 й.

4703000ХЮ—645

Р 03J (U1)—08 без объектини 09

## СУЗБОШИ

Менинг ёзувчи бўлиб қолишим деярли тасодифан юз берган. Аввалига гижжакчи бўлишни орзу қилардим ва шу орзуда бир печа йил камон тортишни ўргандим. Лекин 1943 йилдан бери бу нарсага қайта қўл урганганимни эслолмайман. Гижжак ўша пайтдан бери уйимда чанг босиб ётибди. Ҳар доим ундаги етишмайдиган торларни қўшиб қўйишга, синган бўйинни тузатишга, бутунлай титиллиб кетган эски камон ўрнига янгисини сотиб олишга ва шу билан ҳаммасини бошқатдан бошлашга жазм қиламан-у, қани бунга қўл тегса. Балки бир пайти келиб бу армоним ҳам ушалар, лекин ҳозирча вақтим тақозо қилганича йўқ. Мен яна расом бўлишни ҳам орзу қилардим. Иқроор бўлишим керакки, мактабда расмдан доим ёмон баҳо олардим, шунга қарамасдан гоҳ қаламда, гоҳ мойбўёқда расм чизишни қанда қилмасдим. Афсуски, мактабда шунақанги зерикарли ишлар бажаришга мажбур қилишардики, тоқатимиз тоқ бўлиб кетарди. Хуллас, бошқа болалар сипари мен ҳам кўп нарсаларни орзу қилардим, бироқ кейинчалик бу орзуларимдан қанчаси рўёбга чиқмай, орзулғича қолиб кетди, қайтанга нимани камроқ ўйлаб, камроқ орзу қилган бўлсам, шулар кўпроқ амалга ошди.

Лекин кўнглимнинг бир чеккасида қандайдир ишонч билан мен ўзимнинг ёзувчилик фаолиятим сари узоқ тайёргарлик кўрдим. Масалан, мактабда ўқитувчилик қилдим. Тўғри, ҳар жиҳатдан бекаму кўст ўқитувчи бўлган эдим деб айтолмайман: мен ҳалл жуда ёш бўлиб, фикрларим мактаб доирасидан узоқларда чарт уриб юрарди. Эҳтимол, қувноқ табиатли ўқитувчи бўлгандирман, чунки болаларга турли-туман кулгили воқеаларни кўп сўзлаб берардим, сўзлаб берганларимнинг бари маъносиз воқеалар бўлиб, улар қанча бемаъни бўлса, болалар шунчалик кўпроқ кулар эдилар. Бундоқ олиб қараганда шунинг ўзи катта гап эди. Мен билган кўпгина мактабларда, янглишмасам, болалар жуда кам кулишарди. Гоҳ аччиқ ва беҳуда кўз ёши тўкиб бўлса ҳам кулги билан одам кўп нарсаларни ўрганиши мумкин.

Келинг, гапни бошқа ёққа бурмайлик-да, мен сизга ушбу китоб хусусида икки оғиз гапириб берай. Ҳозирданоқ мен унинг сизларга бир ўйинчоқдай эрмак бўлишини кўз олдимга келтириб турибман. Дарвоқе, ўзимни бағишламоқчи бўлган яна бир эрмакни эътиборингизга ҳавола қиламан, бу — ўйинчоқ ясаш. Мен ўйинчоқ-

ларнинг ҳар бир кишига ёқимли бўлишини, ҳар бир кишининг дядьга мос тушишини ўйлаб туриб, бошқа ўйинчоқларга асло ўхшамайдиган қилиб ясалишини хоҳлар эдим. Бундай ўйинчоқларнинг умри узоқ бўлиб, ҳеч қачон кўнгилга урмайди. Бу ёғини сўрасангиз, ҳунар бобида шунчалик нўноқманки, на ёғоч билан, на темир билан ишлаш қўлимдан келади, шунинг учун энди сўзлардан ўйинчоқ ясашга уриниб кўраётирман. Худди китоб сингарга ўйинчоқлар ҳам озмунча муҳим нарса эмас, агар шунчалик бўлмаганда болалар уни бу қадар эъозлашмасди. Модомики шундай экан, бошқа йўл билан ўрганолмаган нарсаларни улар ўйинчоқлар воситасида ўрганиб олсалар, бунинг нимаси ёмох экан?

Мен ўйинчоқларнинг катталарга ҳам, болаларга ҳам бирдай ҳаёлол хизмат қилишини, уни бутун оила билан биргаликда, бутун синф ўқувчилари бир бўлиб ўйнашларини истардим. Езган китобларим ҳам худди шундай бўлса дердим. Жумладан, қўлингиздаги китобни ҳам. Биргаликда ўйнаб-кулишда, ота-оналарнинг ўз фарзандлари кўнглига йўл топишда китобимнинг ёрдам беришини истардим. Эртақларимни қандайдир бола мароқ билан тинглаётганини кўрсам, умримдан мингдан-минг рози бўлардим. Эртақларим бошқаларнинг ўз фикрларини баён қилишларида, сўзлашишларида, катталарга савол беришларида, уларнинг жавоб беришларини талаб қилишларида далда ё туртки бўлганини кўрсам, ўй чандон суянган бўлардим.

Китобим Совет Иттифоқида чоп этилаётир. Мен бундан гоётада хурсандман, чунки совет болалари — ажойиб китобхон. Кутубхоналарда, мактабларда, Пионер саройларида, Малайият саройларида, хуллас, қаерга боришга муяссар бўлган бўлсам, ўша ерда кўплаб совет болаларига кўзим тушган. Энди мен Совет Иттифоқига борган чоғимда қаерларда бўлганимни айтиб ўтмоқчиман. Мана, ўша шаҳарлар: Москва, Ленинград, Рига, Олмаота, Краснодар, Симферополь, Артек, Ялта, Севастополь, Нальчик. Артегда мен Чекка Шимол ва Узоқ Шарқдан келган болалар билан танишганман. Уларнинг ҳаммаси китоб деса ўзини томдан ташлайдиган болалар эди. Китоб хоҳ қалин бўлсин, хоҳ юпқа бўлсин — кўришни яхшими, ёмонми, бундан қатъи назар, унинг витрина ё жовонда чанг босиб ётиши учун эмас, балки зўр иштаҳа билан паққос туширилиши, тановвул этилиши, юз минглаб болаларни осонлик билан ҳазм қилиб юборишлари учун чоп қилинишини тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди.

Шунинг учун ушбу китобни тайёрлаган ва таъбир жойиз бўлса, энди иштаҳа билан туширмоқчи бўлган кишиларни чин дилдан қутлайман. Ўйлайманки, китобимнинг мазаси барчангизга, албатта, хуш ёқади.

Сизга гоёибона «Ош бўлсин!» деб қолгувчи  
*Жанни Родари*



ТЕЛЕФОНДА  
АЙТИЛГАН  
ЭРТАКЛАР

Варезе шаҳрида синьор Бьянки деган одам яшаркан. У доридармон сотадиган савдо фирмаларидан бирида ишларкан. У бир ҳафтада олти кун бутун Италияни айланиб чиқаркан. Бьянки шарқда ҳам, ғарбда ҳам, жанубда ҳам, шимолда ҳам бўларкан, мамлакатнинг чекка-чекка жойларига бораркан, ҳамма жойда доридармонларнинг намуналарини кўрсатиб битим тузаркан. Яқинда кунни уйига қайтиб келаркан, душанбадан яна сафарга чиқиб кетаркан. Қизчаси дадаси билан ҳар гал хайрлашаётиб, шундай деркан:

— Дадажон, ҳар кун менга биттадан эртак бериб туринг.

Шуни билиб қўйингки, қизча эртаксиз ухлаёлмас экан, ойиси бўлса ҳамма билган-эшитганларини айтиб бўлибди, ҳатто уч мартаб айтибди. Синьор Бьянки қаерда бўлмасин, ҳар кун кечкурун уйига телефон қилиб, қизига телефонда эртак айтиб берадиган бўлибди. Синьор Бьянки айтиб берган эртакларнинг ҳаммаси шу китобчага тўпланган. Узингиз ўқиб биларсиз, эртаклар унчалик узун эмас. Тўғри-да, бошқача бўлиши ҳам мумкинмас. Ахир синьор Бьянки ҳар гал телефонда гаплашгани учун ёнидан пул тўларкан-да, шунинг учун ҳам у узоқ гаплашолмас экан, Тўғри, баъзида қўнғилдагидай битим туза олса, у сал кўпроқ, бир-икки минут ортиқ гаплашаркан. Менга гапириб беришди: синьор Бьянки Варезе шаҳрини қақриши биланоқ марказий станциядаги телефонист қизлар, бошқа қўнғироқларга жавоб бермай, унинг эртакларини тинглашаркан. Дадил айтишим мумкинки, эртакларидан баъзилари чиндан ҳам жуда мароқ, завқ билан ўқилади.

## ИШИ ЮРИШМАГАН ОВЧИ

Бир кун эрталаб ойиси ўғлига бундай дебди:

— Жузеппе, милтиқни олгину, овга боргин. Эртага опанг турмушга чиқяпти, у қуён гўшти солинган жўхори бўтқа пишириб беринг деяпти.

Жузеппе милтиқни олиб, овга кетибди. У уйдан чиқиши биланвоқ қуёнини кўриб қолибди. Қуён буталар орқасидан чиқибди-ю, дала томонга ўқдай учиб кетибди. Жузеппе милтиқни тўғрилади

қуённи мўлжалга олибди-ю, тепкини босибди. Бироқ милтқ ўқ отиш ўрнига, бирдан тилга кириб, «Пақ!»—дебдию, ўқни овчининг оёғи тагига ташлабди.

Жузеппе қангу манг бўлиб, ағрайиб қолибди. У ўқни қўлига олиб, бир оз айлантириб кўрибди, кейин милтиқни роса синчиклаб кўздан кечирибди. Қизиқ! Милтиқмисан милтиқ, ҳеч нуқсонни йўқ...

Лекин, қанча айлантириб кўрмасин, ўқ отиш ўрнига қандайдир шўх овоз билан «пақ» деб қичқириб юборган ўша милтиқ-да! Ахир, битта-яримтанинг милтиқ ичига яшириниб олиши мумкин эмас-ку. Тавба, одамнинг хаёлига нималар келмайди. Жузеппе ҳар эҳтимолга қарши милтиқнинг оғзига қарабди. Нима бўларди, топ-тоза, ҳеч ким ва ҳеч нима йўқ! «Ойям энди нима дейди?—ўйлабди ўзинча Жузеппе.—Қуён отиб келгин деб жуда тайинланганди-я. Опамчи? Қуён гўштли бўтқани жудаям егиси келганди».

Жузеппе, энди нима қилсам экан деб ўйлаб турганида, яна ўша қуён дик этиб чиқиб қолибди. Фақат энди унинг бошида шаффоф тўр рўмоли бор эмиш, рўмолига ранг-баранг гуллар қадалганмиш. У уялиқириб, бошини қуйи солганича, бир-бир қадам ташлармиш.

«Ана холос!—дебди Жузеппе ичида.—Ахир, бу урғочи қуён-ку? У ҳам никоҳдан ўтгани кетяпти! Қойил-е!.. Ҳа, майли, қирғовул отиб оларман».

У ўрмонга кирибди. Сал юриб, бундай қараса, чиндан ҳам сўқмоқ йўлдан қирғовул йўргалаб келаётганмиш, сира ҳам ҳайиқмасмиш. Қирғовуллар овнинг биринчи куни, ҳали милтиқ нималигини билишмаганида, ана шундай бежавотир юришган экан.

Жузеппе яккатинг милтигини шартта мўлжалга тўғрилэб, тепкисини босибди, худди ёғоч милтиқдан отган боладай милтиқ бирдан «Пақ! Пақ!» деб қичқириб юборибди. Уқ шундай ёнгинасига, нақ чумолилар устига тушибди. Чумолилар қўрқиб кетишиб, дарров арчалар тагига яширинишибди.

— Ие, буниси қизиқ бўлди-ю!—деб тўнғиллабди Жузеппе жаҳли чиқиб.—Уйга қуп-қуруқ борсам, ойим жуда хурсанд бўлса керак-а!

Қирғовул «Пақ! Пақ!»ни эшитиб шу заҳотни буталар орасига кириб кетибди, лекин яна зум ўтмай қайтиб чиқибди. Бола бундай қараса, у яна ёлғиз йўлда турганмиш. Энди у бир ўзи эмас, ёнида жўжалари бор эмиш. Жўжалари отасининг орқасидан пилдираб боришармиш, отасининг панасида маза қилиб ўйнаётганларидан жуда хурсандмиш, улардан кейин она қирғовул чиқиб келибди. У ўзида йўқ хурсандмиш, гўё ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ, биричи мукофотни олгандай оғзи қўлоғида эмиш.

— Ҳа, сен хурсандсан,—деб гўлдирабди Жузеппе.—Сенга маза, аллақачон эрга тегиб олгансан. Хўш, мен опамга нима дейман? Энди кимки отаман?

У шундай дебди-ю, яна милтигини ўқлаб, атрофига алаанглабди. Теварак-атрофда қимир этган тирик жон йўқ эмиш, фақат бир дарахт новдасида майна ўтирганмиш. Ҳадеб ҳуштак чалиб, гўё «Қани отгин! Қани, мени отгин!» деяётгандай бўлармиш.

Жузеппе шартта тенкини босибди. Лекин милтиғи бу ғал ҳам отмай, худди ўғри-қуроқчиларнинг расми бор кигобчани завқ билан томоша қилаётган боладай «Бах!» деб қичқириб юборибди. У, «Бах!» деб кетидан яна аллақандай ғалати бир овоз чиқарибди: худди ҳиринг-ҳиринг кулаётгандай бўлибди.

— Узим билувдим-я!— дебди Жузеппе.— Бугун милтиқлар отмаймиз деб ғалаён қилишганга ўхшайди.

— Хўш, бугун овинг қандай бўлди?— деб сўрабди ойиси унда уйига келганидан кейин.

— Ҳа, ойижон. Буни қарап, гўшти учиб кетди-ю, патлари қолди. Бўтқага пат солиб пиширса ширин бўладими-йўқми, билмадим.

## МОРОЖНИЙДАН ҚУРИЛГАН УЙ

Бир кун Болоньяда, катта майдоннинг ўртасида морожнийдан уй қуришибди. Бу тотли уйни бир ялаб кўриш учун ҳамма ёқдан, ҳатто узоқ жойлардан ҳам болалар тўп-тўп бўлиб келишибди.

Уйнинг томи мармеладдан экан, каминининг мўриларидан тутум ўрнига ажойиб қуюқ қаймоқ буралиб-буралиб чиқар, печлари шакар сепилган мевадан ясалганмиш, қолган ҳамма нарсаси морожнийдан қилинганмиш — эшиклари ҳам, деворлари ҳам, ҳатто стол-стуллари, каравоту шкафлари ҳам морожнийдан эмиш.

Битта митти бола овқат столига худди елимдай ёпишиб олибди. У столнинг тўрт оёғини бошини кўтармай, зўр бериб ялайверибди, эҳири, стол дош беролмай устидаги катта-кичик ликочалар билан боланинг бошига ағдарилиб тушибди. Ликочалар шоколада морожнийдан ясалган экан. Яна қанақа шоколад денг! Энг зўрдан!

Қуллардан бир кун шаҳар миршаби уй деразаларидан битта-сининг эриб оқаётганини сезиб қолибди. Бу деразага қулупнайлик морожнийдан ясалган ойна қўйилган экан, у эриб пушти рангда ёлғир сувидай оқиб тушаверибди.

— Тезроқ!— деб қичқирибди миршаб.— Тезроқ келинглар!

Ҳамма оёғини қўлга олиб чопиб келибди-ю, бу шириндикнинг бир томчиси ҳам нероф бўлмасин дейишиб, бир чеккадан ялашга тушибди.

— Курсини!— деб ялиниб-ёлвориб сўрабди бир кампир, оломини эриб ўттишга қуввати етмай.— Мен бечора кампирга ақалли бир курсини беринглар! Оҳ, қани энди, курсини менга ким олиб чиқиб беради? Йложи бўлса, банди борини олиб чиқса!

Шу пайт бир олийҳиммат ўт учирувчи уйга чопиб кирибди-ю, кампирга морожнийдан ясалган битта курси олиб чиқиб берибди. Курси крему, писталар билан хўп безатилганмиш. Бечора кампирнинг хурсанд бўлганини бир кўрсангиз энди! У курсини бандида ялашга тушибди.

Роса ҳам катта зиёфат бўлибди! Ҳеч кимнинг қорни оғримабди ҳам, чунки докторлар жуда тайинлашган экан-да.



Шу-шу, то ҳозиргача: агар боллар морожнийни еб бўлиб ян: сўраб ўжарлик қилишса, ота-оналари бир хўрсиниб шундай де- йишаркан:

— Ҳа, ёқмай кетсин! Сенга Болонья шаҳридагидай морожний- дан қурилган бутун бир уй бўлса-я?

## БУРЧАҚЛАРИ ЙЎҚ ШАҲАР

Ялқов Жованнино саёҳат қилишни яхши кўрар экан. У саёҳат қилиб юравериб, бир ажойиб мамлакатга келиб қолганини ўзи ҳам сезмай қолибди. Бу мамлакатдаги ҳамма уйларнинг бурчақ- лари юмалоқ эмиш, томларининг чети бошқа мамлакатлардагига ўхшаб олдинга чиқиб турмас, ҳаммаси юқорига қайириб қўйилган- миш. Кўча ёқалаб атиргул буталари чопиб келаётганмиш. Жован- нино атиргудан биттасини юлиб олиб, камзулига тақиб қўй- илқочи бўлибди. Қўлнини чўзибди-ю, лекин тикани ҳечам қадалмаб- ди. Нега десангиз, тикалларнинг учи ўтмас эмиш, улар худди резинкадан қилингандай, қўлни қитиқлармиш.

— Бу мўъжиза-ку!— дебди Жованнино.

Шу гапни айтиб тугатмасданоқ буталар орқасидан тиржайган- ча миршаб чиқиб келибди.

— Атиргулни узини мумкин эмаслигини сиз билмагандирсиз- а?— деб сўрабди у.

— Буни қаранг, бу гап хаёлимга ҳам келмабди-я. Яхши иш бўлмади,— деб жавоб берибди Жованнино.

— Ундай бўлса, штрафнинг ярмини тўлайсиз,— дебди миршаб ёқимли кулимсираб. Бу одам Пинноккони кўғирчоқлар мамлака- тига олиб кетган ўтакетган хушомадгўй одамдан сира қолишмас экан. Миршаб ёнидан дафтарчасини олиб, квитанция ёза бошлаб- ди. Шу пайт Жованнино бирдан унинг учи чиқарилмаган, ҳа, ҳа, мутлақо учи чиқарилмаган қаламда ёзаётганини сезиб қолибди.

— Вой!— деб юборибди Жованнино бейхитёр.— Кечирасиз, қи- личингизни бир кўрсам майлими?

— Марҳамат, бемалол,— дебди миршаб.

Ҳа, худди шундай. Ҳатто қиличининг ҳам учи, тини йўқ эмиш.

— Бу қанақа мамлакат ўзи?—деб сўрабди Жованнино ҳайрон бўлиб.

— Бурчақлари йўқ мамлакат,— деб жавоб берибди миршаб. У бу сўзларни шундай бир назокат, илғиёт билан айтибдики, ҳар бир сўзни катта ҳарф билан ёза бўлармиш.

— Унда миҳни қандай қоқасизлар?

— Биласизми, биз миҳни аллақачон ишлатмай қўйганмиз. Ур- ниға елим ишлатамиз. Энди, сиздан илтимос, чеккамга икки тар- саки туширсангиз.

Жованнино оғзини очганича анграинб қолибди.

— Кечирасиз,— дебди гўлдираб.— Ўз вазифасини ўтаётган дав- лат кишисини ҳақорат қилиб, қамоқда ўғирришга тоқатим йўқ. Бундан ташқари, аслида мен тарсаки ейишим кераг-у.

— Йўқ, бизда шу расм бўлган,— деб тушунтирибди миршаб хушмуомалалик билан.— Тўла штраф— тўрт тарсаки, ярим штраф — икки тарсаки.

— Миршабни-я?

— Ҳа, миршабни.

— Ахир, бу адолатдан эмас-ку! Бу даҳшат-ку.

— Жуда тўғри, бу адолатсизлик, бу даҳшат,— деб маъқуллабди миршаб.— Одамларимиз бу урф-одатни жудаям ёмон кўришадди, ҳеч бир гуноҳи йўқ одамларнинг юзига тарсаки тушириш улар учун жуда оғир, шунинг учун улар қўлидан келганча қонуннинг бирор ҳарфини ҳам бузмасликка ҳаракат қилишадди. Агар ҳозир сиз юзимга икки тарсаки туширсангиз, келгуси сафар эҳтиётроқ бўласиз.

— Сизнинг юзингизга тарсаки туширишни ҳечам истамайман! Ҳатто чертмайман ҳам! Сялаб қўйишим мумкин...

— Ундай бўлса,— дебди миршаб,— мен сизни мамлакатимиздан ташқарига чиқариб қўйишим керак.

Жованнино новлож бурчаклари йўқ мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлибди. Бироқ ўша ёққа қайтиб боришни, дунёдаги энг одобли одамлар орасида, битта ҳам бурчаги бўлмаган чиройли, ҳашаматли уйда озгина бўлсаям яшашни ҳозиргача орзу қиларкан.

## БУЗИЛАДИГАН УИ

Бир замонлар Бусто Арсицо шаҳрида болалар ҳамма нарсани бузиб, синдириб, йиртиб, шу қадар расвосини чиқаришга бошлабдики, ҳатто шаҳарликлар ташвишга тушиб қолишибди. Сиз тагчарм, шим, иштон, ўқувчиларнинг жилдларини гапиряпти деб ўйламанг. Йўқ! Бу болалар футбол ўйнашгундай бўлишса, дераза ойналари чил-чил синармиш, уйда стол ёнида ўтирганда тарелкаларнинг, қаҳвахонада стаканларнинг бутуни қолмасмиш. Деворларни бузишмаганидан ҳайрон бўлманг, агар қўлларини болгалари бўлганида-ку, деворларнинг ҳам соғи қолмасди.

Ота-оналар нима қилишларини билмай, роса гаранг бўлишибди, охири шаҳар ҳокимияга арз қилишибди.

— Уларга штраф солсак-чи?— деб таклиф қилибди шаҳар ҳокими.

— Раҳмат сизга!— дейишибди ота-оналар.— Ундай бўлса, штрафни сопол ёки чинни парчаси билан тўлаймиз.

Бахтларига у томонларда бухгалтерлар жуда кўп экан. Ҳар уч кишига биттадан бухгалтер тўғри келаркан. Бу бухгалтерларнинг ҳаммаси ҳисоб-китобга жуда уста экан. Бироқ кекса бухгалтер синьор Гамберонининг олдига тушадигани йўқ экан. Гамберонининг неваралари жудаям кўп экан. Шунинг учун ҳам у сопол ёки чинни парчалари тўплашда анча тажриба орттирган экан. У бир кун қалам-қоғоз олиб, Бусто Арсицодаги болаларнинг ҳисобсиз чиройли ва зарур буюмларини синдириб, бузиб, қанча зарар етти-

заётганини ҳисоблаб чиқибди. У ҳаммасини жамлабди, қанча бўлибди денг? Шу қадар кўпки, сира ақлга сиғмайди? Қарамасълярд пастильярд мармелион ўттиз уч!

— Ахир, тушунсангиз-чи,—деб куйиб-пишиб гапирибди синьор Гамберони,—биласизми, бу пулнинг ярмисига бутун бошли бир уй қуришимиз мумкин-а, бузиш учун қурамыз-да, кейин болаларимизни ўша уйнинг кулини кўкка созуришга, парча-парча қилиб ташлашга мажбур этамиз. Агар ўшандан кейин ҳам қуюлишмаса, демак уларни ҳеч нима билан даволаб бўлмайди.

Бухгалтернинг бу таклифини қабул қилишибди. Уй қуришибди. Уй етти қават бўлиб, тўқсон тўққиз хонаси бор экан, ҳар бир хонада сон-саноқсиз ойна, кран ва кранчалар бор эмиш, уй жиҳозларининг-ку ҳисоби йўқ эмиш. Ҳар бир стол ва шкаф идиш-товоқ, ҳайкалчаларга, майда-чуйда безакларга тўлиб-тошиб кетганмиш. Уй тахт бўлгандан кейин болаларга болгалар берилшибди, кейин шаҳар ҳокимининг сигнали билан ҳамма эшиклар лапг очиб юборилбди.

Минг бир афсуски, телекамераларни вақтида олиб келишолмай, бу ажойиб, антиқа томошани телевизорда кўрсатишолмабди. Бу томошани ўз кўзи билан кўрган, ўз қулоғи билан эшитган ҳар бир одам, биз учинчи жаҳон уруши бошлангандими деб ўйлагандик, деб ҳамман ишонтирмоқчи бўлишибди. Ҳолбуки, учинчи жаҳон уруши ҳеч қачон бўлмаган.

Болалар худди жасур, саркаш Аттиланнинг қўшвилари сингари хонадан-хонага бостириб киришармиш, йўлларнда учраган ҳамма нарсаларни болгалар билан чил-парчин қилишармиш. Болгаларнинг зарбасини бутун Ломбардия ва Швейцариянинг ярми эшитганмиш. Муштдай-муштдай болалар тоғдай келадиган шкафларга ташлашибди, уларни ҳафсала билан бузишибди, полда қуруқ қипиқ уюмлари қолгунча улар бир зум тиниб-тиничибди. Олдиларига пушти ранг ва ҳаво ранг фартук тутиб олишган, яслига қатнайдиган дўмбоқ-дўмбоқ, ёқимтой ўғил-қизчалар чиройли идиш-товоқларни оёқлари билан шундай топташармиш, худди кукунга, юзга суртадиган упага айланиб кетармиш.

Куннинг охиригача уйда ҳам стул бутун стакан қолмабди. Иккинчи кун кечқурунгача битта ҳам стул қолмабди. Учунчи кун болалар деворга ёпирилишибди. Улар биринчи қаватдан бошлашибди, лекин тўртинчи қаватга етганда бўшашиб, қуроқларини ташлашибди. Улар тинка-мадори қуриб, чалажон бўлиб, саҳрода қолган Наполеон солдатларидай чангга ботиб, гандираклар уйларига тарқалишибди. Уйларига киришибдию, каравотларига муккасидан тушибди, овқатланишга ҳам ҳоллари келмай, донг қотиб ухлаб қолишибди. Энди бузиш-синдириш уларнинг роса кўнглига тегиб, ҳеч нарсага қўл ургилари келмасмиш. Бирпасда бутундай ўзгариб қолишибди, анча эҳтиёткор ва капалакдай ювон, беозор бўлиб қолишибди; агар ҳозир уларга биллур стаканлар тегиб чиқилган майдонда футбол ўйнашлар деб буюришса, битта ҳам стакани синдиришмасди.

Бухгалтер Гамберони ҳисоб китоб қилиб чиқиб. Бусто Арсицно шаҳари икки триюфельярд пул фойда кўрганни ҳаммага исботлаб берибди.

Шаҳар кенгаши бузишга мўлжалланган уйдан бутун қолган парсаларни шаҳарликлар ихтиёрига топширибди. Бу ёғи нима бўлибди денг? Орадан бир соат ўтар-ўтмас харобани чарм папка қўлтиқлаган, тилла ранг кўзойнак таққан туппа-тузук синьорлар— турли муниципалитет маслаҳатчилари, адвокатлар, директору амалдорлар босиб кетибди. Улар болға олишиб девор ва зиналарни буза кетишибди. Бу иш уларга шундай ёқибдики, ҳар болға зарбидан улар гўё яшараётгандай бўлишибди.

— Арзимаган синиқ бир кулдон ёки Мирина хола совға қилган ликопчани деб хотин билан жанжаллашгандан кўра бу иш минг марта афзал-ку,— дейишармиш улар хурсанд бўлиб ва болғаларни яна ҳам зарб билан уришармиш.

Буисто Арсицно шаҳри аҳолиси бухгалтер Гамберонига мин-патдорчилик билдиришиб, кумуш медаль ҳадя қилишибди.

## ҚЕЛ, РАҚАМ ЎЙЛАБ ТОПАМИЗ

— Қел, рақам ўйлаб топамиз!

— Бўпти. Мен биринчи! Салкам бир, салкам икки, салкам уч, салкам тўрт, салкам беш, салкам олти...

— Э! Бу жудаям кам-у. Мана, меникини эшит: биллиарду миллиард, саксиллярду сексиллион, квинтильон биквинтильярд.

— Қўп керилмагин! Мен карра жадвални ўзимча тузиб бераман. Мана, эшит:

Уч карра бир «Баққа кир»

Уч карра икки «Бургут ва укки»

Уч карра уч «Шерда бор куч»

Уч карра тўрт «Дарахт мўрт»

Уч карра беш «Дарёни кеч»

Уч карра олти «Бошим қотди»

Уч карра етти «Кема кетди»

Уч карра саккиз «Қирғоқда қолдик биз»

Уч карра тўққиз «Икки болаю бир қиз»

Уч карра ўн «Энди ечилди тўн».

— Сомса неча пул туради, қани шуни тез айт-чи?

— Бурунга икки марта чергиш.

— Бу ердан Милангача қанча?

— Қирқ тўққиздан қирқта ва ўн икки дюжина янги километр, битта эски ва учта янги шоколад.

— Бир томчи кўз ёшнинг оғирлиги қанча?

— Ҳар кимнинг кўз ёши ҳар хил-да. Инжиқ, серхархаша қизнинг кўз ёши шабададан ҳам енгил, оч боланики бутун ер куррасидан ҳам оғир.

— Эртак жуда чўзилиб кетди-я?

— Жудаям.

— Билмасам, тепаликда яна бир неча рақам ўйлаб толамиз. М-десизда қанақа санашади? «Бирлам, иккилам, учлам — тўрт каллаверам, беш — қайиқини эш».

— Сенга Римда қанақа санашларини айтиб бераман. «Бирдур, иккидур, учдир — калласи пучдир, олтидур, еттидур — маррага еттидур, тўққиздур, ўндир — ҳаммаси жўндир, мана шу ҳисоб — йўлни ўзинг топ».

## ШОКОЛАД ЙЎЛ

Бир бор экан, бир йўқ экан, Барлеттада уч ака-ука яшаган экан. Улар бир куни шаҳар чеккасида айланиб юриб, бехосдан бир йўлга чиқиб қолишибди. Бу йўл жуда галати экан — кафтдай текис-у, жигар ранг тусда эмиш.

— Бу йўл нимадан қилинган?— деб сўрабди кенжа укаси.

— Тахтага ўхшамайди-ку,— дебди ўртанчаси.

— Тишқолга ҳам ўхшамайди,— дебди энг каттаси.

Роса ўйлашибди, ҳар хил тахмин қилишибди, кейин чўккалашибди-да, йўлни ялаб кўришибди. Шоколад. Йўл шоколад. Йўл шоколаддан эмиш! Ака-укалар узоқ ўйлаб ўтиришмабди-да, маза-сини тотиб кўрмоқчи бўлишибди. Жиндак-жиндак синдириб еб кўришибди. Кейин яна озгинадан синдириб ейишибди, кейин япа... Қош қорайиб, кеч кирибди-ю, улар бўлса ҳамон эмаклаб юриб шоколаддан ейишармиш, оғизлари бир зум тинмасмиш. Хуллас, йўлдан зиғирдак ҳам қолмабди. Энди йўл ҳам, шоколад ҳам йўқ эмиш.

— Биз қаерга келиб қолдик?— деб сўрабди кепжатоё укаси.

— Барлеттада эмасмиз, ҳа,— дебди ўртанчаси.

— Мальфеттида ҳам эмасмиз,— дебди катта акаси.

Нима қилишларини, қаёққа юришларини билишмай роса гаранг бўлишибди. Шу пайт бахтларига бир деҳқон аравасида даладан қайтиб қолибди. Уларни аравачасига ўтқазиб Барлеттага-ча — то эшикларининг олди-гача олиб бориб қўйибди.

Ака-укалар аравадан тушаётганларида араванинг асл печениедан эканлигини пайқаб қолишибди.

Ака-укалар ўзларида йўқ хурсанд бўлишиб, узоқ ўйлаб ўтиришмасдан аравани икки томонидан ейишга тушишибди. Ҳаммасини ейишибди, ҳеч нима қолдиринмабди: гилдиракларини ҳам, шотисини ҳам қўйишмабди.

Барлетталик ака-укаларнинг ўшанда кўп омади келган экан. Бошқа гал ҳам шунақа омади келадими-йўқми, билмадим.

## ХАЕЛИ ПАРИШОН БОЛА

— Ойи, мен бир ўйнаб келаман.

— Майли, бера қол. Жованни, фақат йўлдан ўтаётганингда эҳтиёт бўл, ағрайма.

— Хўп, ойижон. Мен кетдим.

— Дони хаёлинг паришон бўлиб юради.

— Ҳа, ойижон. Хайр, ойижон.

Жованнино уйдан хурсанд бўлиб чопиб чиқибди. Биринчи қаргалдан ўтгунча анча эҳтиёт бўлишга ҳаракат қилибди. У дам-бадам тўхтаб, у ёқ-бу ёғини ушлаб кўрибди.

— Ҳаммаси жойидами? Жойида!— Узича кулиб қўйибди.

Бола ўзининг шу қадар ҳушёрлигидан хурсанд бўлиб, худди қушчадай дик-дик сакрабди, бир зум ўтмай витриналар, машиналар, булутларга қараб, ҳамма нарсаи унутибди. Кўнгилсизлик, фалокат худди шу ерда бошланибди.

Қандайдир синьора унга мулойимлик билан танбеҳ берибди.

— Одам деган шунчалик ҳам паришон бўладими? Қара, бармоқларингдан биттаси ҳам қолмабди, қаердадир тушириб қўйибсан!

— Вой, ростдан ҳам йўқ-а! Жудаям паришонман-а!

У бармоқларини қидиришга тушибди, лекин уларнинг ўрнига бўш банка топиб олибди. Наҳотки у чиндан ҳам бўш бўлса. Қани, кўрайлик-чи. Қизиқ, илгари пчида нима бўлганикин? Ахир у дони ҳозиргидай қуп-қуруқ, бўш бўлмаган-ку...

Бармоқларини қидириш кераклиги Жованнинининг эсидан чиқиб кетибди, кейин банка ҳам хаёлидан кўтарилибди, чунки кўзи чўлоқ кучукка тушиб қолибди. Бу ёғи энди маълум, бола кучукнинг орқасидан физиллаб чопибди, кўчанинг муюлишига етмасдан бутун қўлини тушириб қўйибди. Қўлсиз қолганини пайқайди деб ўйлайсиз? Қаёқда. Гўё ҳеч гап бўлмагандай орқа-олдига қарамай чопиб кетгерибди.

— Жованни,— деб чақирибди бир кўнгилчан аёл.— Қўлингни йўқотиб қўйдинг.

Қаёқда, унинг қулогига гап кирармиди. Эшитмайди ҳам.

— Ҳа, майли,— дебди кўнгилчан аёл.— Қўлини ойисигача олиб бориб бераман.

Бу аёл Жованнинининг ойисининг олдига борибди.

— Синьора, ўглингизнинг қўлини олиб келдим.

— Вой, худойим! Вой довдир-ей! Шунақаям паришон, шунақаям лавашангки, нима қилишимга ҳам ҳайронман, жуда бошим қотди.

— Э, парво қилманг! Ҳамма болалар шунақа.

Кейин бир яхши аёл келибди.

— Синьора, мен оёқ топиб олдим. Кўринг-чи, мабода ўглингиз Жованнинининг оёғи эмасми?

— Ие бўлмасам-чи, ўшаники-да. Унинг оёғини илма-тешик ковушидан дарров таниб оламан. Вой, шунақаям довдир, шунақаям овсарки, нима қилишимга ҳайронман, бошим қотиб қолди.

— Э, қўяверинг. Ҳамма болалар ҳам шунақа.

Бир оздан кейин бир кампир келибди, сал ўтмай нонвойнинг югурдаги, кейин вагон вожатийси, охирида пенсияга чиққан кекса ўқитувчи аёл келибди. Уларнинг ҳар бири Жованнинининг бирор бўлагини олиб келибди. Биттаси оёғини, бошқаси қулогини, яна биروي бурнини.

— Бу дунёда ўғлимчалик паришон бола бормикни?

— Э, куйниманг. Ҳамма болаларнинг аҳволи шу.

Мана, ниҳоят Жованнино бир оёғида дик-дик сакраб кириб келибди, на қулоқлари, на қўли бор, лекин парвойи палак, бурунгидай хурсанд. Ойиси бошини чайқаб, унинг аъзоларини тартибга солибди. Аввал қўлини, кейин оёғини ёпиштирибди..

— Ҳаммаси жойидами, ойижон? Ойи, мен зўрман-а?

— Ҳа, Жованни, сен жуда зўрсан!..

## МИТТИ АЕЛ

Бир бор экан, бир йўқ экан, Говерат шаҳрида бир митти аёл яшаган экан. У шу қадар кичкина, шу қадар нимжон эканки, ҳамма уни отини атамай, Миттихон деб чақираркан. Унинг қиладиган иши куни билан кимнинг неча марта аксирганини ҳисоблаб ўтириш экан. Ҳисоблаб чиқиб, кейин дугоналарига гапириб бераркан, сўнгра улар ярим кечгача ҳамманинг гийбатини қилиб ўтиришаркан.

— Аптекачи,— деб ҳикоя қиларкан Миттихон,— кетма-кет етти марта аксирса бўладими.

— Э, бўлмаган гап.

— Вой худойим-ей. Ёлгон гапирсам, тил тортмай ўлай. У еттинчи марта аксирганда чошгоҳга беш минут қолувди.

Улар роса гийбат қилиб бўлишганидан кейин, охирида аптекачи сурги дорига совуқ сув қўшиб сотади, деган хулосага келишибди.

— Бизнинг попимиз бўлса, ўн тўрт марта аксирди,— дебди Миттихон ҳаяжондан қизариб-бўзариб.

— Сен мабодо янглишмадингми?

— Вой худойим-ей! Агар атиги битта кам бўлса ҳам тил тортмай ўлай.

— Бунақада бориб-бориб ҳолимиз нима бўлади!

Роса гийбат қилишиб, охири, поп салатга ёғни кўп қуйяпти, деб уни ўлгудай қарғашибди.

Бир куни Миттихон дугоналари билан (улар ўн нафарга яқин эди) синьор Делио уйининг деразаси тагига бекиниб олишибди. Синьор Делионинг эса ҳечам аксиргиси йўқ экан, чунки у ҳеч қачон нос ҳидламаган, шамолламаган ҳам экан.

— Буни қаранглар! Аксирмаяпти-ю!— дебди Миттихон тоқати тоқ бўлиб.— Йўқ, бу ерда бир гап бор.

— Ие, бўлмасам-чи,— деб унинг гапини маъқуллабди дугоналари.

Синьор Делио бу гапини эшитиб, пуркагичга бир чимдим майда гаримдорини олибди-да, деразаси тагида бекиниб ўтирган чақимчиларнинг бошларига селиб юборибди.

Биринчи бўлиб Миттихонининг ўзи аксирибди.

— Апчхи!

Ундан кейин бошқалари кетма-кет аксиришибди.

— Апчхи! Апчхи! Апчхи!

Аксираверишибди, аксираверишибди, аксираверишибди, ўзларини аранг тўхтатишибди.

— Мен сизлардан кўп аксирдим,— дебди Миттихон.

— Йўқ, биз кўп аксирдик,— деб эътироз билдиришибди дугоналари.

Аввалига роса тортишибди, жанжаллашибди, кейин бир-бирларининг сочларидан тортишиб, юмдалашиб кетишибди, қўлларига илдинган нарса билан уришибди. Хуллас, бир-бирларини шунақаям дўппослашибдики, асти қўяверасиз. Афти-ангорларига қараб бўлмасмиш: кўйлаклари пора-пора бўлиб кетибди, ҳар қайсиси биттадан тишидан ажралибди.

Шу-шу Миттихон дугоналари билан гаплашмай қўйибди. У ён дафтар, қалам сотиб олибди-да, шаҳарни якка ўзи кезадиган бўлибди. Битта-яримтанинг аксирганини эшитиши билан дарров дафтарчасига белги қўйиб қўяркан. Яна бошқа одам акирса, дарров яна бир белги қўшиларкан.

У ўлгандан кейин одамлар унинг ён дафтарини топиб олишибди. Дафтарчасини очиб қарашса, ичи ғиж-ғиж белгиларга тўлиб кетганмиш.

— Буни қаранглар,— дейишибди одамлар.— Ўзининг яхши эзгу ишларини ёзиб борганга ўхшайди. Қаранг, қилган яхшиликлари шу қадар кўп-а! Агар у жаннатга кирмаса, демак бошқалар умид қилмаса ҳам бўларкан.

## САҚАЛА, ПАҚАЛА

Бир кун икки бола тинч, сокин ҳовлида ўтиришиб, ўзларича янги тил тўқишибди. Бу тилни дунёда икковидан бўлак ҳеч бир зот билмаслиги, тушунмаслиги керак экан.

— Сакала, пакала,— дебди биттаси.

— Пакала, сакала браф!— деб жавоб қилибди иккинчиси.

Иккови ҳам қотиб-қотиб кулишибди.

Улардан сал нарида, иккинчи қаватнинг балконида кекса хушфёъл синьор газета ўқиб ўтирган экан. Қаршидаги уйнинг деразасидан кекса синьора қараб турган экан, у оддий аёллардан экан: кўнгилчан ҳам, сержаҳл ҳам эмас экан.

— Бу болалар шу қадар тентакки,— дебди кекса синьора.

Бироқ, хушфёъл синьор унинг гапига қўшилмабди.

— Йўқ, унақа эмас,— дебди у.

— Уларнинг нималар деб жавраётганини тушунаман деб ишонтиролмасиз, албатта.

— Нега энди тушунмас эканман,— деб эътироз билдирибди очиқкўнгил синьор.— Ҳаммасини тушунаман. Биттаси: «Бугун ҳаво миҳдай-а» деди, иккинчиси: «Эртага бундан ҳам яхши бўлади», деб жавоб қилди.



Синьора энсаси қотиб юзини бужмайтирибди-ю, лекин ҳеч нима лемабди, чунки болалар яна ўзларининг тилида гаплашиб кетишибди.

— Мараски, барабаски, пимарамаски,— дебди биттаси.

— Бамбарамбам, кумпараски, бруф!— деб жавоб қилибди иккинчиси.

Кейин улар яна хахолашиб кулишибди.

— Бу гал ҳам ҳамма гапни тушундим дерсиз?— дебди синьора жаҳди чиқиб.

— Ие, бўлмасам-чи, албатта тушундим,— деб жавоб қилибди кекса синьор кулимсираб.— Улардан биттаси: «Бу дунёда яшаётганимиз қандай яхши-я!»,— деди, иккинчиси: «Ҳа, бу дунё жуда ажойиб!»— деб жавоб қилди.

— Наҳотки, бу дунёмиз шунчалар ажойиб бўлса?— деб бўш келмабди синьора.

— Бамбарамбам баски, браф, бриф, бруф,— деб жавоб қилибди кекса синьор.

## МОЙ ОДАМЧАЛАР

Буюк саёхатчи, машҳур кашфиётчи нима бўлибди-ю, мой одамчалар мамлакатига бориб қолибди. Улар офтобда юришса бирпасда эриб кетишаркан. Шунинг учун улар доим соя-садқин жойда бўлишга мажбур эканлар. Улар хавф-хатарсиз, бемалол яшайлик деб уй ўрнида холодильниклар бўлган шаҳарга жойлашиб олишибди. Жованнино шу шаҳар кўчаларидан кезиб, деразаларга мўралаб, мой одамчаларнинг ўз уй-холодильникларида бошларига муз солинган грелка қўйиб ўтирганларини кўрибди. Ҳар бир холодильник эшингига телефон осиб қўйишганмиш, телефонда уй эгаси билан гаплашиш мумкин экан.

— Алло!

— Алло!

— Бу гапираётган ким?

— Мой одамчалар қироли. Энг ёгли қаймоқдан қилинганман. Сути Швейцария сигириняки. Менинг холодильникимни яхшилаб кўриб олдингизми?

— Ҳа, жуда синчиклаб кўрдим. У шундайгина, қуйма олтиндан ясалган. Лекин жаноби олиёлари, мен бир нарсага ҳайрон бўлиб турибман. Наҳотки, сиз ҳеч қачон кўчага чиқмасангиз?

— Фақат қиш кунлари, совуқ кўнгилдагидай бўлганда, ўшанда ҳам муз автомобилда чиқамиз.

— Борди-ю, сиз жаноби олиёлари сайрга чиққанингизда, булут орасидан тўсатдан қуёш мўралаб қолса, нима бўлади?

— Бундай қилишга ҳаққин йўқ. Бу тақиқланган. Агар қуёш бебошлик қилиб, гапимга қудоқ солмаса, солдатларимга буюриб, қаматиб қўяман.

Жованнино телефон трубкасини «тақ» этказиб қўйибди-ю, шу заҳоти бошқа мамлакатга жўнаб кетибди.

## ҒАЛАТИ ЁМҒИР

Бир кунн Пьомбинода ғалати ёмғир — обакн ёмғир ёғибди. Улар худди дўлдай дув-дув тўкилаверибди: фақат бу дўллар оқ бўлмай, хилма-хил рангда эмиш — яшили ҳам, қизғини ҳам, би-нафша ранги ҳам, кўкн ҳам бормиш. Бир бола, бу нимакин, деб жуда қизиқиб қолибди. У обакнини яшилини олибди-да, шартта оғзига солибди. Шу заҳоти оғзи яллизли обакн егандагидек, муз-лаб кетибди. Бошқа бир бола қизғинини еб кўрган экан, шу за-хоти қулупнай ҳиди келибди.

— Бу конфет! Бу конфет! — деб қичқиришибди болалар.

Ўша заҳоти катталар ҳам, болалар ҳам кўчага чопиб чиқишибди-да, обакиларни териб чўнтақларига солаверишибди. Бироқ улар қанчалик уринишмасин, елиб-югурншмасин конфетларнинг ҳам-масини териб олишолмабди, чунки ёмғир жала бўлиб қуйган экан-да.

Бу ғалати ёмғир бирпасда тинибди, лекин кам ёғса ҳам кўча-ларга конфетлар тўлиб кетибди. Худди гиламдай тўшалиб, одам-ларнинг оёғи тагида ғирч-ғирч қилармиш. Мактабдан қайтиб ке-лаётган ўқувчилар ҳам жилд ва портфелларига конфет тўлдириб олишга улгуришибди. Кампирлар бўлса, бошларидан рўмоллари-ни ечиб тўлдириб конфет тугиб олишибди. Кўплигидан рўмоллари йиртилиб кетай-йиртилиб кетай дермиш.

Ажойиб кун бўлибди-да! Чинакам байрам!

Кўплар ўша кунни ҳали-ҳали эслаб юришармиш, яна қачон осмондан конфет ёғаркин деб кутишармиш. Бироқ кейин на Пьом-бино, на Турино, на Кремено тепасида конфетли булут ҳосил бў-либди.

## АЛИСА ГУП-ГУП

Мен сенга Алиса гуп-гуп ҳақида гапириб бераман. Нега энди Алиса гуп-гуп? Чунки у ҳар қадамида гуп-гуп йиқиларкан.

— Алиса! Қаердасан? Алиса?

— Мен бу ердаман, буважон.

— Бу еринг қаер?

— Будильникдаман.

Ана холос, будильникда эмиш! Будильникнинг ичида донм «тик-тик» қиладиган нарсанинг нималигини билгиси келибди. Шун-дай билгиси келибдики, ўзини тиёлмабди. У будильникнинг орқа қопқоғидаги дарчани очиб қараши билан тишли гилдиракчалар-у, пружиналар орасига тушиб қолибди. Энди у «чиқ-чиқ», «чиқ-чиқ» деб чарчашни билмай, тинимсиз айланаётган ақлли механизмлар орасида ҳалок бўлмаслик учун у ёқдан-бу ёққа дик-дик сакрашга мажбур экан.

Бошқа бир кунн буваси уни нонуштага чақирибди:

— Алиса! Қаердасан? Алиса!

— Бу ердаман, буважон.

— Бу еринг қаер?

— Вой, шундай ёнгинаиғиздаман! Шишанинг ичидаман.

— Қандай тушиб қолдинг?

— Жуда чанқадим, сув ичгим келди, ичаман деб энгашдим-у, «лўп» этиб тушиб кетдим.

Ҳа, сув солинган шишага тушиб кетибди. Мана энди, чўкиб кетмай деб ҳадеб қўл-оёқларини қимирлатармиш. Яхшиямки, ёзда Сперловга боришганида сузишни ўрганиб олган экан.

— Яна бир оз сабр қил, ҳозир чиқариб оламан.

Буваси шишанинг ичига чилвир туширибди. Алиса чилвирдан чаққон ўрмалаб ташқарига чиқиб олибди. Ана ўшанда у гимнастика билан шуғулланишнинг қанчалик фойдали эканлигини билиб олибди.

Бир куни Алиса йўқолиб қолибди. Уни буваси ҳам қидирибди, буваси ҳам қидирибди, қирқ тийинни тежаб, ҳар куни кириб бувасининг газетасини ўқиб турадиган қўшниси ҳам қидирибди.

— Вой худойим, бу қандай кўргилик!— деб шивирлабди қўрқиб кетган бувиси.— Ота-онаси ишдан келгунча тополмасак, уларга нима деймиз?

— Алиса! Алиса! Қаердасан? Алиса!

Бу гал жавоб бермабди. Жавоб қилолмас экан ҳам. У ошхонада айланаб юриб, дастурхону қўл сочиқлар турадиган яшикка мўралаб қарабди-ю, лўп этиб ағдарилиб тушибди. Тушибди-ю, юмшоқ қўл сочиқлар устида ухлаб қолибди. Қимдир ёнидан ўтаётиб, яшикни суриб қўйибди. Алисанинг у ердалиги кимнинг ҳам хаёлига келибди дейсиз? Алиса уйғониб қараса, атрофи қоп-қоронғи эмиш. Лекин у ҳечам қўрқмабди, пинагини ҳам бузмабди. Аввал у водопровод раковинасига тушиб кетибди, у ерда бундан ҳам қоронғу, зимистон экан.

«Ҳадемай кечки овқатга ўтиришса керак,— деб ўйлабди Алиса.— Дастурхон олгани келишади-ю, мени кўршади».

Лекин Алиса йўқолиб қолганда, уларнинг эсига овқат келармиди? Ҳозир ҳеч кимнинг кўнглига овқатланиш сиғмасди, албатта. Кечқурун ота—онаси ишдан келишиб, бувиси билан бувасини кўйишибди:

— Болага қараганларнинг шуми?

— Бизнинг болаларимиз раковинага тушишмагани,— деб эътироз билдиришибди бувиси билан буваси.— Бизнинг вақтимизда болалар жуда зўр келса қаравотдап йиқилиб тушишарди, пешонаси гурра бўларди, холос, бошқа ҳеч ери лат эмасди.

Алисанинг кутавериш тоқати тоқ бўлибди. У дастурхон, қўл сочиқларни ковлаштириб, яшикнинг тагига етибди-да, кучининг борица депсинаверибди.

«Тук! Тук! Тук!»

— Жим!— дебди дадаси.— Менимча, қаердадир тақиллатиш-япти.

Алиса бўлса яна қаттиқроқ депсинибди:

«Тук! Тук! Тук!»

Уни яшикдан топиб олишганда дадаси, оинси, буваси, бувиси

роса қучоқлаб ўпишибди. Алиса-чи? Бу бўлса пайтдан фойдаланиб дадасининг камзулининг чўнтагига тушиб олибди. Уни чўнтакдан тортиб олишса, ҳамма ёғи сиёҳ эмиш, дадасининг шарикли ручкасини ўйнаган экан.

## СТОКГОЛЬМНИ СОТИБ ОЛГАН КИШИ

Гавират шаҳрининг бозорида ҳар хил фирибгар-муттаҳамлар озми-кўпми, ҳар ҳолда ҳозир ҳам учраб тураркан. Кўзингни бақрайтириб туриб, қаёқдаги нарсаларни сизга пуллаб кетишаркан. Булақанги устаси фаранг савдогарлар етти иқлимда топилмас экан.

Бир куни бозорга ана шундай фирибгар савдогарлардан бири келиб қолябди. У ҳеч ақлга сиғмайдиган нарсалар билан савдо қилаётганмиш: Монблан тоғи, Ҳинд океани, мовий денгизлар... Бу гандон савдогар ўз молини шу қадар кўкларга кўтариб мақтабдики, шундай безаб таърифлабдики, бир соат ўтар-ўтмас қўлида Стокгольм шаҳридан бўлак ҳеч нима қолмабди.

Бу шаҳарни бир сартарош сотиб олибди, ҳақиқа қув савдогарнинг соқол-мўйловини олиб, массаж қилибди. Сартарош энг кўринадиган жойга, икки ойнанинг ўртасига гувоҳномами олиб қўйибди.

Гувоҳномада: Стокгольм шаҳрининг хусусий эгаси деб ёзиб қўйилганмиш.

Сартарош ўз мижозларига гувоҳномасини ҳўп мақтаркан, уларнинг ҳамма саволларига жавоб топаркан.

— Бу шаҳар Швецияда, ҳатто уни пойтахт деса ҳам бўлади, — дебди у мижозларидан биттасига.

— У шаҳарда сал кам бир миллион одам яшайди, шубҳасиз, уларнинг ҳаммаси меннинг хусусий мулким, — деб тушунтирибди у бошқасига.

— У ерда денгиз ҳам бор, албатта, лекин унинг кимга қарашлигини айтилмайман, — дебди у учинчисига.

Сартарош мулкдор бўлганидан буён пул йиға бошлабди. Ҳар куни озгина бўлса ҳам ташлаб қўяркан. У ўтган йили ўз мулкни кўриб келгани Швецияга жўнабди. Стокгольм шаҳри унга афсонавий бир салтанатдай бўлиб кўринибди, шведлар эса дунёдаги энг хушфезъл, хушмуомала одамлар бўлиб туюлибди. Бироқ шуниси ёмон бўлибдики, улар бунинг битта ҳам сўзига тушуншмабди, бу бўлса уларнинг жавоби билан ярим сўзига ҳам тушунмабди.

— Мен бу шаҳарнинг эгасиман, шуни биласизларми-йўқми? — дебди сартарош. — Бу ҳақда сизларга хабар қилинганми?

Шведлар кулимсираб, бошини ликиллатишармиш. Улар бунинг битта сўзига тушуншмаса ҳам, жуда одоб сақлашиб, ҳурматини ўрнига қўйишибди. Сартарош мамнун бўлганидан қўлларини шиқармиш ва ўзинча: «Шундай шаҳарни-я? Яна нима учун денг? Соқолини олганим-у, арзимаган массаж учун-а! Сувтекинга тушди деса бўлади».

Сартарош ўзида йўқ хурсанд-у, лекин ҳечам фойда қилмагани хэлига ҳам келмабди. Аксинча, қимматга тушди! Чунки бу оламга кадам қўйишниг билан у сеники бўлиб қолади. Ҳа, ҳа, бутунилай! Сеники ҳам, уники ҳам, буники ҳам, ер юзида яшаётган ҳамма болалариники ҳам. Унинг учун сариқ чақа ҳам тўламайсан. Ишлашга қулай бўлсин учун енгини шимариб олсанг, бас, қўлиниги чўз-у, уни олавер, ҳа, бемалол олавер!

## АЛИСА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ДЕНГИЗГА ТУШИБ ҚЕТДИ

Бир кун Алисаи денгизга олиб келишибди. Денгиз унга шунақаям ёқибдики, сувдан ҳеч чиққиси келмабди.

— Алиса, бўлди, чиқ энди!— деб қичқирибди ойнаси.

— Ҳозир, ҳозир! Мана чиқяпман,— деб жавоб берибди Алиса.

Ўзи бўлса: «Елкаларимдан сузгич қапотлар ўсиб чиқиб, балиққа айланмагунимча сувда ўтиравераман» деб ўйлабди.

Ўша кундан бошлаб ҳар кун иттиш олдидан у елкадан сузгич қанот ўсиб чиқмаяптими-йўқми, деб ойнага қараркан. Ҳеч бўлмаса тапгача пайдо бўлмаяптими деб қараркан. Лекин ҳар гал бир печа қум довасидан бўлак ҳеч нарса тополмасмиш, буни ҳам душда яхшилаб ювишишга эринган кунлари топаркан.

Бир кун эрталаб Алиса соҳилга одатдагидан бурунроқ келибди-да, бир болани учратибди. У денгиз тирратикони ва еса бўладиган майда моллюскалар териб юрган экан. Бу бола балиқчининг ўғли экан, денгизга онд ҳамма нарсани беш қўлдаи билгани учун ҳар қандай одамни баҳса енгаркан.

— Қандай қилиб балиққа айланишни биласанми?— деб сўрабди Алиса ундан.

— Э, бундан осони борми,— дебди бола.— Ҳозироқ кўрсатишим мумкин.

У денгиз кирчилари, моллюскалар солинган рўмолчасини тош устига қўйибди-да, ўзини денгизга отибди. Орадан бир минут ўтибди, икки минут ўтибди, лекин бола сув юзига чиқмабди. Мана, унинг ўрнига бирдан дельфин шўнғиб чиқибди-да, осмонга сув сачратиб, тўлқинлар қўйнида ўмбалоқ ошаверибди. Дельфин худди Алисанинг оёқлари тагида шўхлик қилиб ўйнармиш, Алиса ундан заррача ҳам қўрқмабди.

Дельфин роса ўйпабди-да, кейин думини бир силкитиб, денгиз қўйнига шўнғиб кетибди. Ҳозиргина дельфин шўнғиган жойда бола пайдо бўлибди.

— Кўрдингми, жуда осон-а?— деб сўрабди бола кулимсираб.

— Кўрдим,— деб жавоб қилибди Алиса.— Лекин мен урдасидан чиқолмасам керак.

— Бир уришиб кўр.

Алиса ўзини сувга шалоп этиб ташлабди-да, денгиз тагига туша бошлабди. Кўнглида ақалли оддийгина денгиз юлдузи бўлишни орзу қиларкан. Лекин буниги ўрнига худди шу пайт эсаяётган катта чиганоққа тушиб кетибди. Алиса моллюсканинг юмшоқ та-

насига сал тегини билан чиганоқнинг икки табақаси ёпилибди-ю, қиз бечора кўнглидаги орзу-ниятлари билан унинг ичида қолибди.

«Яна бошимга фалокат тушди-я», деб ўйлабди қизча.

Лекин денгизнинг таги, чиганоқнинг ичи қандай маза, жимжит! Қани энди, бир умрга шу ерда қолсанг, жуда роҳат бўларди-я, чуқур денгиз тагида қадим замондаги сув париларидай яшайверардинг.

Алиса бир хўрсичиб қўйибди. Ойиси эсига тушиб кетибди. Бечора ойиси, қизим ҳали ҳам ўрнида ётибди, деб ўйласа керак. Кейин Алиса дадасини эслабди. Худди шу бугун кечқурун у шаҳардан келиши керак, чунки бугун шанба.

«Уларни ёлғиз ташлаб қўёлмайман.— деб ўйлабди Алиса. Улар мени қандай яхши кўришади-я! Майли, бу сафар ер юзига қайтиб чиқаман».

Алиса қўл-оёқларини чиганоқнинг тавақаларига тираб, бир кучаниб уларни очибди-да, ташқарига чиқибди. Алиса чиганоқнинг ичидан чиқибди-да, тезда юқорига суза бошлабди. У сув бетига чиқиб қараса, балиқчининг ўғли соҳилдан анча узоқда дик-дик сакраб кетаётганмиш.

Алиса ҳам уйига чолиб кетибди, денгиз тагида кўрганларини ҳеч қачон, ҳеч кимга гапирмабди.

## КЎК СВЕТОФОР

Миланда, Дуомо майдонида осиглиқ светофор бир кун тўсатдан айнаб қолибди. Унинг ҳамма чироқлари — қизил ҳам, сариғи ҳам, яшил ҳам — ҳаммаси кўкка айланиб қолибди. Буни кўрган миланликлар нима қилишларини билмай, гангиб қолишибди.

— Утсак бўладими, йўқми?

— Машинани тўхтатайми ё кетавермайми?

Светофор кўзларини тўрт томонга фақат ўша битта сигнал — кўк сигнал йўналтираверибди. Шунақаям кўк эмишки, ҳатто Милан осмони ҳам ҳеч қачон бунчалик кўк бўлмаган.

Шоферлар нима гапигига сира тушунмай, машиналарнинг деразаларидан бошларини чиқариб бақиривар ва сигнал беришар, мотоциклларнинг тариллашидан қулоқлар қар бўлай дебди, энг семиз ва гердайдган йўловчилар:

— Бу қанақа бемазагарчилик? Сиз менинг кимлигимни биласизми?— деб қичқиришаркан.

Қизиқчилар бўлса бекорчиликдан бу ҳақда ҳар хил қочирмалар тўқишаркан:

— Менга қаранг, яшил чирогни коммендаторе<sup>1</sup> чўнтакка уриб қолмаганмикни? Ахир, бечоранинг вилласи олдидаги майдонда битта ҳам кўкат бўлмаса нима қилсин?

<sup>1</sup> Коммендаторе — бой мулкдор одамга бериладиган унвон.

— Эшитдингларми, қизил рангнинг ҳаммасини мусодара қилишганмиш, у билан Марказий паркдаги балиқчани бўяшармиш.

— Ҳа, айтмоқчи, сариқ рангнинг нимага ишлатилганини биласизми? Бу энди ўтакетган қабиҳлик. Уни зайтув мойига қўшишармиш.

Нихоят полициячи югуриб келибди-да, чорраҳада туриб, ҳаракатни кузатибди. Бир оздан кейин бошқа бир полициячи келиб, светофорнинг ишини бошқариб борадиган асбоб ўринатилган яшикни ковлаштира бошлабди. Асбобнинг у ёқ-бу ёғини кўриш учун полициячи токни узиб қўйибди, албатта.

Бироқ светофор ўчишдан аввал ўзича ўйлабди: «Бечоралар! Ахир, уларга: «Осмонга йўл очик» деб сигнал бердим-у, улар бўлса... Агар, улар мени тушунишганда, аллақачон кенг осмон қўйнида эркин қушдай сайр қилиб юришарди. Ҳа, эҳтимол уларнинг юраклари дов бермагандир?»

## ЖОВАННИНО ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҚИРОЛНИНИ БУРНИНИ УШЛАБ ҚУРДИ

Кунлардан бир кун Жованнино Римга бориб, қиролнинг бурнини ушлаб кўришга аҳд қилибди. Дўст-биродарлари буни эшитишиб, уни ниятидан қайтармоқчи бўлишибди.

— Ҳой, менга қара,— дейишибди унга,— бу жуда қалтис иш-а. Борди-ю, қиролнинг жаҳли чиқиб кетса-чи? Ана унда ўз бурнингдан ажралиб қолишнинг ҳеч гап эмас, бошнинг ҳам кетади.

Лекин Жованнино ўлгудек ўжар экан. У, дўстларининг гапига кирмай, йўлга ҳозирлик кўриб, чамадонини йиғиштира бошлабди. Бу орада у черков руҳонийси, шаҳар ҳокими ва муниципалитет маслаҳатчисининг олдига кириб чиқибди, сал тажриба орттириш ниятида учаласининг ҳам бурнига бирма-бир қўл текизиб кўрибди.

Жованнино буни шу қадар эҳтиётлик, эпчиллик билан қилибдики, уларнинг ўзлари ҳам сезмай қолишибди.

«Э, бунинг ҳеч қийин жойи йўқ экан!»— деб ўйлабди Жованнино ва йўлга тушибди.

У қўшни шаҳарга келибди-да, даставвал одамлардан шаҳар ҳокими, прокурор ва судьянинг уйи қаердалигини кўрсатиб беришларини сўрабди, кейин сира ҳаялламай ўша мўътабар зотларнинг ҳузурига жўнабди. У уччаласининг ҳам бурнига битта бармоғини, агар иложи бўлса иккита бармоғини теккизмоқчи бўлибди. У улуг зотлар жуда ҳайрон бўлишибди, чунки Жованнино уларга жуда одобли, тарбия кўрган, хулқ-атвори яхши, ҳар қандай мавзуда гаплаша оладиган ўсмир бўлиб кўринган экан. Прокурор ҳатто бир оз ранжибди ҳам.

— Бу нима қилиқ?— деб қичқирибди у.— Бурнини ушладингиз шекилли!

— Кечиргайлар, мен ҳеч ҳам текканим йўқ!— деб жавоб берибди Жованнино.— Бу ахир пашша-ку.

Судья теваарак-атрофга аланглаб қарабди-ю, лекин кўзига на пашша, на чивин кўринибди. Жованнино бўлса шоша-пиша таъзим қилибди-да, лип этиб чиқиб кетибди, эшикни ёпиш ҳам эсидан чиқмабди.

Жованнинонинг ён дафтарчаси бор, экан. У қўл теккизган бурунларининг ҳисобини ана шу ён дафтарчасига ёзиб бораркан. Бу ён дафтарчада битта ҳам оддий одамнинг бурни йўқ экан — ҳаммаси ҳам таниқли, нуфузли, обрўли одамларнинг бурни экан.

Бироқ Римда бурунлар сонн шу қадар тез ўсибдики, Жованнино қалин дафтар тутишга мажбур бўлибди. Ҳа, бунинг ҳечам «жабланадиган ери йўқ. Пойтахтда шундай кўчага чиқишинг билан, кўчанинг у муюлишидан бу муюлишига етгунингча албатта икки жаноби олийларини, бир қанча вице-министрларни, ўнга яқин стаж-секретарларни учратасан. Ҳар хил бошлиғ-у, раисларни гапириб ўтирмасанг ҳам бўлади. Римда камбағаллардан кўра ана шунақа улуғ зотлар кўп. Шундай қўлингни узатдингми, албатта бирор улуғ одамга тегиб кетасан.

Турган гапки, Жованнино мана шунақанги юқори мартабали бурунлардан биронтасини ҳам ўтказиб юбормасликка ҳаракат қилибди. Буни қарангки, бу бурунларнинг эгалари, Жованнино шу йўл билан бизга ўз ҳурмат-эҳтиромини билдирипти деб ўйлашибди. Айримлари ҳатто қўл остидаги одамларига:

— Бугундан, менга таъзим қилиш ўрнига, шундай бурнини ушлаб қўйсаларинг бўлади. Энди бу энг нозик одат, — дейишгача ҳам боришибди.

Аввалига тобе одамлар ўз бошлиқларининг бурунларига қўлларини теккизишга юраклари дов бермабди, улуғ зотларнинг ўзлари самимий табассумлари билан уларга далда беришга мажбур бўлишибди. Ушайдан кейин тобе одамларда журъат пайдо бўлиб, улар ўз бошлиқларининг бурунларини ушлаб кўриш, қиссиш, чертишга шундай иштиёқ билан киришибдики, олийжанобларнинг бурунлари ҳузур-ҳаловатдан дарров ялтираб, қизариб кетибди.

Лекин сиз, Жованнино ўз асл мақсадини — қиролнинг бурнини ушлаб кўришни унутибди деб ўйламанг. Ҳечам унутгани йўқ. У қулай пайт пойлаб юрибди. Қирол сафарга чиққанида ана шундай қулай пайт келибди. Вақти-вақти билан оломон орасидан бир одам ўртага тушиб, қирол каретасининг зинасига чиқиб, қиролга гламқандай конверт (ҳар ҳолда ариза бўлса керак) бераётганини Жованнино сезиб қолибди. Жаноби олийлари бўлса конвертни аулимсираб биринчи министрига узатаркан.

Жованнино каретанинг яқинроқ келишини кутибди, сўнгра зинасига лип этиб сакраб чиқибди-да, қирол унга кулимсираб боққанида: «Мени кечиргайлар?» — дебди-да, қўлини чўзиб, кўрсаткич бармогини жаноби олийларининг бурунларига теккизибди.

Ҳангу манг бўлиб қолган қирол бурнини ушлаганча энди бақирмоқчи экан, Жованнино ерга лип этиб сакраб тушибди-да, ўзини оломон ичига уриб, кўздан гойиб бўлибди! Атрофдаги одамлар бараварига чалак чалиб юборишибди, шу заҳоти бир неча шаҳарликлар қиролнинг бурнига қўл теккизиш учун каретага



ёпирилишибди. Улар бир-бирларига гал бермай, карета зинасига чиқишиб, қирол бурнини ушлашаркан. Хуллас, қирол роса таъзинин ебди.

— Ташвиш тортманг, жаноби олийлари, бу ҳурмат-эҳтиромнинг янги усули,— деб қулоғига шивирлабди биринчи министри кулимсираб.

Лекин энди қиролнинг кулишга ҳоли йўқ экан. Унинг бурни қаттиқ оғрибди, худди жўмракдан тушгандай чак-чак сув томибди. Жаноби олийлари бўлса бурнини артиб олишга ҳам имкон тополмабди, чунки унинг содиқ фуқаролари қиролни бир зум ўз ҳолига қўймай устма-уст бурнидан тортишармиш.

Жованнино уйига жуда хурсанд бўлиб қайтибди.

## ОСТИЯ ПЛЯЖИДА

Агар сиз Римдан чиқиб, Тибра соҳили ёқалаб қуёш денгиз қўйнига чўкадиган томонга қараб юрсангиз, тўппа-тўғри Остия пляжининг ўзига борасиз. Қишда худди саҳродай ҳувиллаб ётади, ёзда ўнг минглаб римляклар офтобда қорайишади: тонг саҳардан то қуёш botгунча тангадек бўш жой бўлмайди деб, истаган одам билан гаров ўйнаш мумкин. Кеч қолиб ҳаммадан кейин келган одам зонтини санчиб қўйишга ҳам жой тополмайди.

Бир кун Остия пляжида жуда галати бир синьор пайдо бўлибди. Борди-ю, у жуда галати бўлмаганида ҳам ҳар ҳолда алча тонқир, тадбирли одам экан. У зонтини қўлтиғига қивгапича ҳаммадан кейин келибди, албатта зонти санчиб қўйгани жой тополмабди. Ушандан кейин у нима қилибди, биласизми? Зонтини очибди-да, қўлида бир оз айлантириб турибди, кейин зонт бирдан ҳавога учиб кетибди. Мииг-минглаб зонтларнинг устидан учиб ўтиб, соҳил бўйигача борибди-да, ердан чамаси нкки-уч метр баландликда муаллақ туриб қолибди. Кейин тадбиркор синьор ҳавода осилиб қолган курсичасини тўғрилабди-да, унга бемалол ястаниб ўтириб олибди, сўнг ён чўнтагидан китобча олиб, зонт соясига ўқишга тушибди. У томоқни сэл қичитувчи ажойиб денгиз ҳавосидан мириқиб, тўйиб-тўйиб нафас оларкан.

Аввалига уни ҳеч ким пайқамабди. Одамлар ўз зонтларининг тагига яшириниб олиб, кроссворд ечишар ёки олдинда ўтирган одамларнинг бошлари орасидан денгизнинг бир парчасини кўришга ҳаракат қилишаркан. Ҳеч ким осмонга қарамас экан.

Бирдан синьорлардан биттаси ўз зонтининг устига нимадир тап этиб тушганини эшитиб қолибди. У тўп бўлса керак деб ўйлаб безори болаларни койиб қўйгани зонтининг тагидан чиқибди. У аввал бир томонга, кейин бошқа томонга қарабди, битта ҳам бола кўрмабди. Кейин тепасига қараб, худди боши тепасида учиб юрган тадбиркор синьорни кўрибди.

— Кечирасиз, синьора,— дебди у бир оз энгашиб,— китобим тушиб кетди. Илтимос, сизга малол келмаса, менга ташлаб юборсангиз.

Синьора ҳайратдан қумга гуп этиб ўтириб қолибди, шундан кейин бошқа туролмабди. Чунки, мен сизга айтсам, синьора жуда-ям семиз экан. Ермамга қариндош-уруғлари чолиб келишибди, нима бўлди деб сўраб-суриштиришибди. Бироқ синьора бир оғиз сўз айтолмабди. У оғзини овозсиз очибди-ю, бармоғи билан тепада учиб юрган зонтикни кўрсатибди.

— Илтимос,— гўё ҳеч гап бўлмагандай синьор яна такрорлабди,— китобимни ташлаб юборинг.

— Ахир, кўрмаяпсизми, холамизнинг ўтакасини ёрвордингиз-у?

— Жуда афсусланияпман-у, лекин гапимга ишонинг, мен атайлаб қилганим йўқ.

— Ундай бўлса пастга тушинг. Бу ерда учиб мумкинмас.

— Бекорларни айтибсиз! Пляж ғиж-ғиж одам, нинга тушадиган жой йўқ. Хўш, мен нима қилишим керак. Жойсиз қолайми? Шуни биллиб қўйингки, мен ҳам солиқ тўлаб тураман.

Бу можарони эшитиб пляждаги ҳамма римликлар бирин-кетин осмонга қарай бошлашибди. Улар кулишиб, қўллари билан ғалати синьорни кўрсатишармиш.

— Тавба, унга бир қаранг-а,— дейишаркан улар,— унинг зонтиги реактив бўлса керак!

— Ҳой, Гагарин,— деб қичқиришибди унга,— мени ҳам ёнингга олсанг-чи, нима, бирор еринг камайиб қоладими?

Бир бола ердан китобни олибди-да, синьорга ташлабди. Синьор китобни жаҳл билан варақлаб, келган жойини топибди-да, пишиллаб яна ўқишда давом этибди.

Одамлар аста-секин унга кўникиб, эътибор бермай қўйишибди. Фақат болалар баъзан ҳаваслари келиб қарашар, энг довуракларни у билан гаплашмоқчи ҳам бўлишаркан.

— Синьор, ҳой синьор!— деб қичқиришаркан улар.

— Хўш, нима дейсизлар?

— Илтимос, ўргатиб қўйинг, қандай қилсак биз ҳам ҳавода уча оламиз?

У жавоб бериш ўрнига жаҳли чиқар, ўзинча алланима деб мингилларкан-да, яна китобини ўқишга тушаркан. Кунботар пайтида зонтик енгилгина бир силкинибди-ю, учиб кетибди. Тадбиркор синьор мотоциклининг ёнига қўнибди, кейин унга ўтирибди-да, жўнаб қолибди.

Шундай қилиб унинг кимлигини, бу учар зонтикни қаердан олганини ҳеч ким билломай қолибди.

## ҚУНҒИРОҚЛАР ЖАНГИ

Кунлардан бир кун жуда қаттиқ, даҳшатли жанг бўлибди. Солдатман деганинг икки томондан ҳам тутдай тўкилибди. Биз шу ерда турардик, душманамиз эса рўпарада эди. Биз бир-биримизни кеча-кундуз ўққа тутардик. Уруш ҳали-вери тугамайдиганга ўхшарди. Ахири замбарак қилишга бронзамиз, найза ясашга пўлатимиз қолмади.

Бош қўмондонимиз бехато урадиган полковник Бомбасто Гумбасто Чилпарчин Басто қўнғироқхоналардан ҳамма қўнғироқларни йиғиштириб олиб, битта отишда душманни ер билан яксон қиладиган биргина, лекин тоғдай келадиган тўп қуйишни буюрибди.

Бу тўпни юз минг юк кўтарадиган кран кўтарибди. Фронтга саксон етти темирйўл составида олиб борилибди. Бехато-полковник ўзида йўқ севиниб дебди:

— Маана кўрасиз, тўпимнинг садосини эшитиши биланоқ душманлар қўрққанларидан Ойга қочиб чиқиб кетишади.

Ниҳоят, кутилган ўша улуғ дақиқалар етиб келибди. Тўпнинг оғзини душманга тўғрилаб қўйишибди, биз ҳаммамиз қулоғимизга пахта тиқиб олдик. Ахир, унинг даҳшатли гумбур-гумбуридан кар бўлиб, қулоқдан ажраб қолиш ҳеч гап эмасди-да.

Бехато-полковник Бомбасто Гумбасто Чилпарчин Басто буйруқ берибди.

— Огоны!

Тўпчи тепкини босибди, бирдан:

«Дин! Дан! Дон!» деб жаранглаган овоз чиқарибди.

Бутун фронтни, еру кўкни қўнғироқлар садоси босиб кетибди. Қулоғимиздан пахтани олиб, диққат билан тинглаймиз. Тўп худди момақалди роқдай гумбурайди:

«Дин! Дан! Дон!»

Тоғ ва водийларда минг бир хил овозда акс садо берибди.

«Дин-дин! Дан-дан! Дон-дон! Дон!»

Бахто-полковник Бомбасто Гумбасто Чилпарчин Басто иккинчи марта:

— Огоны! Огоны, жин ургурлар!— деб команда берибди.

Тўпчи яна тепкини босибди.

Яна окопдан-окопга қўнғироқларнинг шўх жаранги учиб ўтибди. Гўё тўп ўқ узаётгани йўғ-у, ер юзидаги барча қўнғироқхоналар занг ураётгандай бўлибди.

Бехато-полковник ғазабидан сочини юла бошлабди. Бошида битта толаси қолгунча юлибди.

Бу орада ҳамма ёққа сукунат чўкибди. Лекин бошқа томондан, душманнинг окопидан худди бир даъватдай, бирдан қулоқни кар қилувчи шўх садо эшитилибди:

«Дин! Дан! Дон!»

Сизга шуни айтиб қўяйликки, душманларнинг бош қўмондонини обер урядитмейстер фон Бомбах Гумбах Куппаякун ҳам ўз мамлакатининг ҳамма қўнғироқларидан битта тўп қуюшни буюрган экан.

Ана шундан кейин жаранг-журунг бошланибди. «Дин! Дан!» деб гумбураибди бизнинг тўпимиз.

«Дон!» деб жавоб қилибди душман тўпи.

Солдатлар окопларидан чиқишиб, бир-бирларининг истиқболга қолишибди. Чолиб боришармишу дик-дик ўйин тушишармиш.

— Тинчлик! Тинчлик!— деб қичқаришибди.— Қўнғироқлар! Эшитяпсизми? Қўнғироқлар овозини эшитяпсизми? Байрам бўлди! Қўнғироқлар занг уриб, байрамга чорляпти! Тинчлик!

Бехато-полковник билан обер-урйиқитмейстер машиналарига тушиб, қочиб қолишибди! Улар жуда узоқларга кетишибди, бошқа борадиган ерлари йўқ экан, қўнғироқлар садоси эса ҳамон эшитилиб турганмиш. Афтидан бутун ер юзидан на қуруқликда, на сувда, хуллас, қўнғироқлар садоси етиб бормаган бирор жой қолмаган бўлса керак.

## МЕЧКАЙЛАР ҚИРОЛЛИГИ

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда, қуёш ботар томонда, Оливония князлигининг шарқида Мечкайлар қироллиги бўлган экан. Бу Мечкайлар қироллигини биринчи бўлиб Иштаҳаси Қарнай Қорин идора қилган экан. Бу қирол макаронга қўшиб тарелкани ҳам еб юборгани учун унга шундай ном қўйишган экан. Тарелкани еб бўлганидан кейин у яна ҳам семиз, янаям бақувват бўлиб кетибди, шундан бери биқиним санчияпти, деб шикоят қилмайдиган бўлибди.

Иштаҳаси Қарнай Қориндан кейин тахтга Иккинчи Мечкай ўтирибди. Унга Уч Қошиқ деб ном беришибди, чунки у шўрвани бирданига учта кумуш қошиқда ичаркан: бир қошиқни ўнг қўлида, иккинчисини чап қўлида ушлаб тураркан, учинчисини қиролича оғзига тутаркан. Агар қошиқ сал тўлмаса ҳам қиролича балого қоларкан.

Ундан кейин Мечкайлар қироллигини (ҳа, шунини ҳам айтиб қўйликки, тахт атайлаб тўрга — стол юқорисига қўйиларкан, столни эса кечаю кундуз турли ноз-неъматлар билан ясатиб қўйишаркан) қуйидаги қироллар идора қилибди.

Ширинтомоқ деб ном олган Учтинчи Мечкай;

Қотлетхўр деб ном қўйишган Тўртинчи Мечкай;

Очифат деб ном беришган Бешинчи Мечкай;

Товуқхўр деб ном олган Олтинчи Мечкай;

Еттинчи Мечкайга «Яна борми?» деб ном беришибди. Бу Мечкай тунука қоплаб темирдан ясалган тожини ҳам ютиб юборибди-ю, жуда машхур бўлиб кетибди.

Пишлоқ Пўсти деб ном олган Саккизинчи Мечкай бир куни стол устида емишлик ҳеч нима тополмай дастурхонни еб қўйибди.

Пўлат Жағ лақабли Тўққизинчи Мечкай тахтни болишлари билан қўшиб еб қўйибди.

Бу қироллик династияси ана шундай тугабди.

## ҚИСҚИЧБАҚА ҲАҚИДА

— Нега менинг ҳамма қариндош-уруғларим нуқул орқага юришади?— деб ўйлабди бир куни ёш қисқичбақа.— Мен бундай юришни истамайман. Бақаларга ўхшаб олдинга юришни ўрганман. Агар шу ишнинг урдасидан чиқмасам, думим қовжираб қуриб тушсин!»

Қисқичбақача шундай деб ўйлабди-да, ҳаммадан яширинча ўзи тугилиб ўсган анҳорчада, тошлар орасида машқ қйла бошлабди. Дастлабки кунлари жуда қийналибди. Доимо ўзини нимагадир уриб олибди, у ёқ-бу ёғи тирналибди, косаси эзилибди. Минут сайин ўз оёғини ўзи босиб оларкан. Бироқ бор-бора ниши юришиб, сира қоқилмай-сурилмай юрадиган бўлибди, чунки хоҳиш бўлса ҳамма нарсапи ўрганishi мумкин экан.

Мана, шарманда бўлмаслигига қаттиқ ишонгач, ўз санъатини қариндош-уруғларига кўрсатмоқчи бўлибди, ҳамма оила аъзолари тўпланиб бўлишгач:

— Қани, бир томоша қилинглар-чи!— дебди у.

Қисқичбақа шундай дебди-ю, уларнинг олдидан ғизиллаб чопиб ўтиб кетибди, яна қандай ўтибди денг! Орқасига тисарилиб эмас, худди бақадай олдинга юрибди.

Унинг бу юришини онаси кўрибди-ю, кўзига ёш олибди.

— Вой, ўғлим, ўғлим,— дебди онаси,— қандай жин урди сени? Ақлингни йиғ, отанг, мен — онанг қандай ўргатган бўлсак, шундай юргин. Акаларинг, опаларингга ўхшаб юргин. Ахир, улар сени жуда яхши кўришади-ку.

Яхши кўрган акалари билан опалари бўлса уни роса калака қилишиб, юзларини бужмайтиришибди.

Отаси ўғлига жаҳл билан тикилиб, индамай турибди. Анчагача индамай турибди-да, кейин шундай дебди:

— Бўлди, бас қил. Биз билан қоламан десанг, ҳамма қисқичбақаларга ўхшаб юрасан. Агар ўз ақлим билан, ўз билганимча яшайман десанг, анҳор катта, истаган томонингга жўнайвер. Лекин қайтиб келма.

Шоввоз қисқичбақа ота-онасини жуда ҳам севаркан, лекин у ўзининг ҳақлигига шундай қаттиқ ишонган эканки, бир зум ҳам иккиланмабди. У онасини қучоқлабди, отаси билан хайрлашибди, акалари билан опаларига бош ирғабди-да, боши оққан томонга жўнаб кетибди.

Ҳамма қисқичбақаларга ўхшаб у орқага қайтишни хаёлига ҳам келтирмай, тўғри кетаверибди. Оқ нилуфар барги тагига ғийбат қилгани тўпланишган аҳил, сергап бақалар уни кўришибди-ю, ҳангу манг бўлиб, серрайиб қотиб қолишибди.

— Вой аявини қаранглар!— деб қичқирибди битта бақа.— Нима, охир замон бўлдимиз? Бир қаранглар-а, аявини қисқичбақага қарасаларинг-чи! Хўш, энди нима дейсизлар? Қани энди мен билан биров тортишиб кўрсин-чи!

— Катталарга ҳечам ҳурмат қолмабди-да,— деб маъқуллабди бошқа бир бақа.

— Ана холос! Ана холос!— дебди учинчиси.

Қисқичбақа бўлса ҳеч нимага перво қилмай олдинга сузаверибди. Бирдан кимдир уни чақираётганини эшитиб қолибди. Уггирилиб қараса, каттакон бир харсанг тош ёнида кекса қисқичбақа турганмиш. У бир ўзи турар, жудаям ғамгин, жудаям хафа экан, кўриб ҳар кимнинг ҳам раҳми келаркан.

— Салом!— деб кўришибди қисқичбақача.

Кекса қисқичбақа унга узоқ тикилиб турибди-да, оғир хўрсиниб дсбди:

— Хўш, энди бу ёғига нима қилмоқчисан? Агар билсанг, мен ҳам ёшлнгимда қисқичбақаларни олдинга юришга ўргатишни орзу қилгандим. Оқибати нима бўлганини мана кўриб турибсан. Гаппмга қулоқ сол, ҳали ҳам кеч эмас, бу ниятнигдан қайт, бу ишинини ташла, ҳамма қатори яша, вақти-соати келиб, маслаҳатим учун раҳмат дейсан.

Қисқичбақача унинг бу гапларига нима жавоб қилишини билмай, индамай қўя қолибди. Лекин кўнглида: «Йўқ, бари бир мен ҳақман», деб ўйлабди.

У кекса қисқичбақа олдида бир оз турибди-да, кейин одоб билан хайрлашиб, кўнгли енгил тортиб, ўз йўлида равона бўлибди.

У узоқ-узоқларга бора олармикни? Омади келармикни, иши юришиб кетармикни. Бу дунёмизда ҳали ҳам жуда кўп учрайдиган беаъниликларни, беазааликларни у тузата олармикни? Буни ҳеч ким билмайди. Мен ҳам билмайман. Чунки бизнинг қисқичбақачамиз ҳамон дадил олдинга юрармиш, ўзининг ҳақлигига биринчи кун қандай ишонса, ҳали ҳам шундай қаттиқ ишонармиш.

Биз бўлсак унга чин кўнглимиздан:

— Сафаринг бехатар бўлсин,— деб оқ йўл тилаб қолишимиз мумкин, холос.

## ҚОЧОҚ БУРУН

Колледж ассессори Ковалевнинг бурни билан боғлиқ бўлган ўша ғалати воқеани эслаймизми? Ҳа-да, қонуний эгасини ўз ҳолига ташлаб қўйиб, каретада бутун Петербургни сайр қилган ўша бурунни гапиряпман-да. Унинг ҳақида Николай Васильевич Гоголь ҳам жуда қизикарли қилиб гапириб берувди. Эсингиздами?

Италиядаги энг катта кўл — Лагомаджоре кўли соҳилидаги Ловено шаҳрида ҳам шундай воқеа содир бўлибди.

Паромлар жўнайдиган пристань рўпарасида яшовчи бир синьор кунлардан бир кун эрталаб ўрнидан турибди-да, соқол-мўйловини олгани ваннага кириб кетибди. У ойнага кўзи тушиши биланоқ бирдан бақриб юборибди:

— Ҳой, ким бор? Буруним...

Бурун гойиб бўлибди. Унинг ўрни, икки чаккасининг ўртаси топ-тоза, кафтдай сип-силлиқ бўлиб қолибди. Синьор эғнидаги ҳалати билан балконга чопиб чиқибди-ю, қочоқни кўриб қолибди. Бурун эндигина майдондан ўтиб пристань томонга кетаётган экан. У паромга ортिलाётган юк машиналари орасидан эпчиллик билан ўтиб, тез-тез қадам ташлармиш.

— Уни ушлашлар, ушлашлар!— деб қичқирибди синьор.— Буруним! Меннинг буруним! Ҳой, ким бор, ёрдам беринглар! Ўғри тушди!

Одамлар қайрилишар, осмонга қарашар ва қотиб-қотиб кулишаркан.

— Бурнингизни ўғирлаб, бошингизни ташлаб кетишибди-да? Жуда хушук иш бўлибди-ю.

Синьорнинг кўчага чопиб чиқиб, безорининг орқасидан ўзи ягуришдан бошқа иложи қолмабди. У гўё бирдан тумов бўлган одамдай рўмолчасини юзига босганича қуюндай учиб кетибди. Лекин пристанга келиб, соҳилдан узоқлашган паромнинг фақат қўйруқ томонини кўрибди, холос. Синьор узоқ ўйлаб ўтирмасдан, олиб олиш умидида ўзини шартта сувга отибди.

— Ҳа, ҳа, тезроқ! Тезроқ!— деб қичқаришибди унга йўловчилар билан туристлар.

Бироқ паром юришини тезлатибди, капитан кеч қолган аллақандай бир лавашигнни деб паромни тўхтатишни хаёлига ҳам келтирмабди.

— Бошқа паромни кутгин!— деб қичқарибди унга магрос.— Ахир, ҳар ярим соатда келиб туради-ку.

Синьорнинг ҳафсаласи пир бўлиб, энди соҳилга қайтмоқчи бўлган экан, бирдан буринни кўриб қолибди. У плашни сув бетига ёниб, афсонадаги авлиё Юлиандай паром орқасидан шошмай, секин сузиб кетаётганмиш.

— Э, сен паромга ўтирмаган экансан-да, мени алдамоқчи бўлибсан-да,— деб қичқарибди синьор.

Бурин жавоб бермабди. У ҳали ҳам баъзида кўлда сузиб юрадиган кекса тажрибали матросдай олдинга тикилиб, хўжайинига қайрилиб ҳам қарамабди. Унинг плаши худди океандаги медузага ўхшаб тўлқинлар қўйнида енгил чайқалармиш.

— Ҳеч бўлмаса қаёққа сузиб кетаётганингни айтсанг-чи?— деб қичқарибди синьор.

Бурин жавоб бермабди. Ниҳоят унинг бебахт хўжайини тақдирига тан бериб соҳилга қайтиб келибди. У синчков ва эрмакталаб бекорчи одамлар орасидан ўтиб уйига кетибди. У уйига кирибди-да, ҳамма эшик-деразаларини беркитиб олибди, хизматкорига ҳеч кимни қўйма деб буюрибди-да, қўлига ойна олиб, бурунсиз юзини томоша қила бошлабди.

Орадан бир неча кун ўтибди. Бир куни ранколик бир балиқчи сувдан тўрини олса, балиқлар орасидан ўша қочоқ бурун ҳам чиқиб қолибди. Бечора бурун кўлнинг ярмига ҳам сузиб боролмабди, чунки эски плаши илма-тешик бўлиб кетган экан. Балиқчи бир оз ўйлаб турибди-да, бурунни Лавенгога — бозорга олиб бориб сотмоқчи бўлибди.

Буни қарангки, худди ўша куни синьорнинг хизматкори ҳам бозорга янги балиқ олгани тушган экан. Бозорга кириб, нимани кўрибди денг? Чўртон балиғу танга балиқлар ичида хўжайинининг бурни ётганмиш.

— Бу ахир хўжайинимнинг бурни-ку,— дебди хизматкор ўтакаси ёрилгудай бўлиб.— Бурунни бу ёққа беринг, уни ҳозироқ синьорга олиб бориб бераман.

— Бу кимнинг бурни эканлигини билмайман,— дебди балиқчи.— Тўринга тушди, энди сотаман.

— Неча пул сўрайсиз?

— Неча пул бўларди? Қанча сўрашим маълум Битта тиллага сотаман. Нима деб ўйлаяпсиз? Бу сизга арзимаган балиқ эмас.

Хизматкор ҳамма гапни хўжайинига айтгани уйига чопиб кетибди.

— Сўраганини бер!—деб қичқирибди синьор тутоқиб.—Ахир, мен бурунсиз юролмайман-ку.

Хизматкор неча пул тўлашини ҳисоблаб кетибди. Ҳисоблаб чиқса, дунёнинг пули бўлармиш. Санаб саногига етолмабди. Ахир, синьорнинг бурни унча-мунча бурунлардан эмас экан-да, анча катта, ваҳимали экан. Шунча пул тўплаш учун хизматкор аёл ҳатто зирагни ҳам сотиши керак экан. Лекин у хўжайинини шундай ҳурмат қиларканки, бир оз хўрсиниб турибди-ю, ахийри бор-е, кетса-кетар, деб зираklarини пуллабди.

Хизматкор бурунни олибди-да, уни рўмолга ўраб уйга олиб келибди. Буни қарангки, синьор қалтироқ қўллари билан буруннинг учини ушласа, миқ этмасмиш-а, ҳатто жаҳли ҳам чиқмабди-я.

— Хўш, жиннивой, нега энди қочиб кетдинг?—деб сўрабди синьор.— Сенга нима ёмонлик қилдим.

Бурун эгасига бир ўқрайиб қарабди-да, эисаси қотиб мингиллабди:

— Менга қара, буруннинг бошқа ковлама. Ақалли тирноғинини олиб юргий.

## ПОЛВОННИНГ СОЧИ

Бир бор экан, бир йўқ экан, тўрт ака-ука яшаган экан. Учаси кичкина, пакана экан-у, бироқ айёрликда тулкидан ҳам ўтаркан. Тўртинчиси жуда паҳлавон, тоғни урса талқон қиладиган кучи бор экан-у, лекин ўлгудек содда экан, бунақаси етти иқлимдан топила-мас экан.

Унинг бутун кучи қўлларида, ақли — сочида экан. У доим аҳмоқ бўлиб қолсин деб айёр укалари унинг сочинни қирдириб ташлашибди. Сочинни қирдириб ташлашар экан-у, кейин ҳамма ишни унга ташлаб қўйишаркан. Бахтига унинг кучи бор экан. Ўзлари бўлса қўлларини қовуштирганларича, унинг ишлашини томоша қилиб ўтиришаркан, ҳамма пулни эса ўзаро бўлиб олишиб, ҳамёнларига солишаркан.

Айёр ака-укалари полвонни хўп ишлатишаркан, қилдирмаган ишлари қолмас экан. У далада ер ҳайдаркан, ўтин ёраркан, тегирмон тошини айлантларкан. Ҳатто уни от ўрнида аравага ҳам қў-шишибди. Уччалоқи аравадаги қоплар устига ўтириб олишиб, қам-чинни полвоннинг бошида тинмай силкитишаркан. Улар полвон-нинг бўйинига қарашиб:

— Сочининг калталиги қандай яхши-а, — дейишаркан.

— Ҳа, тўғри гап тўғрилигинча қолади. Ҳусн сочда эмас, деб бе-кор айтишмаган-да.

— Мана буни қара, шу ҳам соч бўлди, ҳурпайиб турибди, жудаям ўсиб кетибди-я, ўрса бўлади-я. Бугун кечқурун, қайтиб боришимиз билан қириб ташлаш керак.



Шундай дейишаркану, бир-бирларига кўзларини қисиб, тирсақлари билан бир-бирларини туртишиб, хахолаб кулишаркан. Полвон уларни бозорга олиб келаркан, ака-укалари молларини сотишиб, ҳамёнларини пулга тўлдиришиб, тўғри қовоқхонага кетишаркан. Ҳазлари кетишаркан, аҳмоқ полвон бўлса аравани кўриқлаб қоларкан.

Тўғри — унга овқатни тўйгунча беришаркан, чунки у тўрт кишининг ишини қиларкан-да. Ичкиликни ҳам аяшмас экан, вино текин бўлгани учун истаганча беришаркан.

Кунлардан бир кун полвон касал бўлиб қолибди. Ака-укалари жуда кўрқиб кетишибди, ўлиб қолса жуда алам қилади-да. Ахир, у хали қанча ишлаши керак. Ака-укалари уни даволагани энг қимматбаҳо дори-дармонлардан олишибди, ҳатто нонуштасини ҳам ётган жойига олиб келиб беришаркан. Биттаси ёстигини тўғрилаб қўйса, иккинчиси кўрпасини яхшилаб ёпиб қўяркан. Атрофида парвона бўлишиб, ҳадеб шундай дейишаркан:

— Кўрдингни, сени қанчалик яхши кўраминиз? Илтимос, ўлмагин, бунақа аҳмоқлик қилмагин.

Улар полвоннинг соғлиғи ҳақида қайғуришиб, унинг сочига бутунлай қарамай қўйишибди. Соч бўлса ўсаверибди, ўсаверибди, шунақаям узун бўлиб кетибдики, ҳеч қачон бунчалик узун бўлмаган экан. Сочи билан полвон ақл-ҳушини ҳам йиғиб олибди. У секин ака-укаларининг хатти-ҳаракатини кузатиб, кўрган-билганларини кўнглига тугиб қўяверибди.

Кўп ўтмай у ака-укаларининг ёвузлигини, ўзининг соддалигини, гўллигини фаҳмлабди. Лекин сир бой бермабди. Уринда жим ётаверибди. Роса куч-қувватга тўлишини кутибди. Бир куни эрталаб ўридан турибди-да, ҳали ширин уйқуда ётган ака-укаларини худди колбасага ўхшатиб боғлабди-ю, аравага ортибди.

— Бизни қаёққа олиб кетаяпсан, меҳрибон укажон, сени жондан ҳам ортқ сеувчи акаларингни қаёққа олиб кетаяпсан?

— Шошманглар, ҳаммасини ўз кўзларинг билан кўрасизлар, — дебди у.

У акаларини станцияга олиб келибди-да, тойга ўхшаб тахлабди-ю, вагонга ортибди. Хайрлашаётиб, шундай дебди:

— Истаган томонларингга кетинглар, фақат узоқроқ бўлсин, бу ерларга бошқа қадам босмаларинг. Мени шунча эрмак қилганларинг етар. Энди мана мен хўжайинман.

Шу пайт паровоз гудок чалиб, поезд ўридан жилибди-ю, айёр ака-укаларни номаълум томонларга олиб кетибди. Шу-шу улардан ҳеч қандай дарак йўқ эмиш.

## ҚУТЪДАГИ ГУНАФША

Бир куни эрталаб Шимолий қутбда катта айиқ уйқудан уйғонибди. Уйғонибди-ю, ҳавони ҳидлай бошлабди. Унг томонга қайрилиб ҳидлабди — ҳеч ниманинг иси келмабди, чап томонга ўғрилиб ҳидлабди — бирдан ғалати бир ҳид сезибди.

— Ҳм,— деб тўнгиллабди айиқ ёнидаги урғочи айиққа,— бу томонга бирор экспедиция келиб қолганга ўхшайдими?

Лекин шу пайт айиқ бодалари сал наридан бинафша ранг гунафша топиб олишибди. Гунафша жуда нимжон, пояси ҳам ингичка экан. У совуқда дир-дир қалтирармиш, лекин сира бўш келмай, дадил ҳид таратармиш, чунки бу унинг бурчи экан-да.

— Ойи! Дада!— деб қичқиришибди айиқчалар.

— Шу атрофда ғалати бир нарса бор деб дарров айтдим-а,— дебди оқ айиқ онласига.— Лекин менимча, бу балиққа ўхшамайди.

— Албатта, балиқ эмас,— дебди она айиқ.— Қуш ҳам эмас.

— Ҳа, тўғри айтдинг,— дебди айиқ, хотинининг гапини чуқур ўйлаб олгач.

Кечга бориб бу янги гап бутун қутбга тарқалибди. Белоён, кўз илғамас муз саҳросида ушоққина бинафша ранг жонивор пайдо бўлиб, чор атрофга ғалати бир ҳушбўй ҳид таратаркан. У биргина ингичка оёқчасида қад кўтариб турармиш ва ўлмас эмиш.

Гунафшани томоша қилгани келганларнинг сон-саногини йўқ эмиш. Сибирдан буғулар чолиб келишибди. Америкадан ҳукизсинмон ҳайвон дарак топиб келибди, морж ва тюленлар сузиб келишибди, қаёқдандир узоқ-узоқлардан оқ шимол тулкиси келиб қолибди, бўрилар етиб келишибди, биринчи бўлиб албатта чақимчи денгиз зағизгонлари етиб келишибди. Ҳамма бу ғалати, ёввойи гулли, унинг ингичка қалтироқ поясини кўриб қангу манг бўлибди, унинг нафис ҳушбўй ҳидидан тўйиб-тўйиб нафас олишибди. Шуниси қизиқки, унинг ҳиди кеч келганларга ҳам етибди. Энг сўнги дақиқада ҳам у аввалгидай ҳид таратиб турибди.

— Донмо шундай хушбўй ҳид таратиб туриш учун,— дебди тюлень,— бутун бир омборхонага эга бўлиш керак. Унинг муз тағида, қаердадир ҳойнаҳой омбори бўлса керак.

— Мен буни дарров сезгандим, ўша заҳоти айтдим-а,— дебди оқ айиқ.— Ўша ерда бир нимаси бор!

Айиқ дечам бунақа демаганди, албатта, лекин ҳеч ким унинг гапирган-гапирмаганини эслаёлмабди.

Ҳаммадан кейин чайка қайтиб келибди, уни ғалати нотаниш ҳақида бирор нарса билиб келгин, деб жанубга жўнатишган экан, у нафасини ростлаб олгач, бу кичкина хушбўй жониворнинг гунафша деб аталишини, бошқа жойларда — жанубда улар миллионлаб топилишини гапириб берибди.

— Юборган элчимизни қаранг-у,— дебди тюлень энсаси қоғиб.— Биз бирор янги гап билганимиз йўқ. Хўш, бу гунафша бошқа ерга эмас, худди шу жойга қандай келиб қолди? Йўқ, тўғриси-ни айтсам, шима гаплигига ҳеч ақлим етмай қолди, жуда ҳайрон бўлиб қолдим.

— У нима деди, нима бўлиб қолдим деди?— шивирлаб сўрабди айиқ хотинидан.

— Ҳайрон бўлиб қолдим деяпти,— урғочи айиқ ҳам шивирлаб жавоб берибди.— Хуллас, боши қотиб қолганмиш-да, қайси оёғини босишни билмасмиш.

— Ҳа, ҳа,— деб гапни илиб кетибди айиқ.— Мен худди шундай деб ўйловдим-а, кўнглимда худди ўша сўзларни такрорловдим-а.

Ўша кун и кечаси бутун қутб кучли қарс-қурс ва гумбурлашдачларзага келибди. Бутун-бутун муз парчалари дағ-дағ қалтираб, юпқа ойнадай чирс-чирс синибди. Бечора гунафша муздай ҳавога ўзидаги бор муаттар ҳидини таратибди, гўё у бу бепоён муз саҳросини бир зумда эритиб, илиқ мовий денгизга ёки кўм-кўк майса билан қопланган поёнсиз кўкаламзорга айлантирмоқчи бўлаётгандай эди. Кейин гунафша ҳолдан тойиб, бошини эгиб, қаддини букибди-ю, шу-шу бошқа ўрнидан туролмабди.

Тонгда ҳамма гунафшанинг сўлиб қолганини кўрибди, у ниғичка толасида эгилиб, оппоқ қор устида рангсиз ва жонсиз ётганмиш. Агар унинг охириги ўй-фикрларини сўзда ифодалаш мумкин бўлса, биз, ҳойнаҳой қуйидаги сўзларни эшитган бўлардик:

«Мана, мен ўляпман. Лекин кимдир бошлаши керак эди-да. Қачонлардир бу ерда миллион-миллион гунафша очилиб ётади. Музлар эрийди, ороллар ҳосил бўлади, улардан болаларнинг қўнғироқдай шўх кулгиси эшитилиб туради».

## ҚУРИҚЧИ

Бир онлада етти ака-ука бор экан. Энг кенжасининг оти Гонарио экан. Уни ўқинишга беришга ота-онасининг пули йўқ экан. Шунинг учун ҳам уни катта бир фермага ишга юборишибди. Бошиқарувчи унга бошдан-оёқ разм солибди-да, кўриқчилик вазифасини берибди. Гонарио далама-дала юриб, қушларни ҳайдаркан.

Ҳар кун эрта саҳарда унга қоғоз халтада милтиқ дори беришиб, ишга жўнатишаркан. У кенг даланинг у бошидан-бу бошига юриб, ўқтин-ўқтин тўхтаб бир чимдим милтиқ дорини портлатаркан. Кўрқиб кетган қушлар гур этиб кўтарилишиб, ҳар томонга пнтраб кетишаркан, чунки улар овчилар келиб қолди деб ўйлашаркан. Ахир қушлар дунёда ҳаммадан ҳам овчилардан кўрқишадди-да.

Бир кун учқун Гонарионинг камзулига тушиб, ёниб кетибди. Яхшиямки, бола довдираб, шошиб қолмабди, ўзини сув тўла чуқурга отибди. Бир зум ҳаяллаганда ўзи ҳам куйиб кул бўларкан.

У, чуқурга шалоп этиб тушибди-ю, ҳамма бақаларни кўрқитиб юборибди. Бақалар кўрқинганидан бараварига қуриллашиб, ҳар томонга пнтраб кетишибди. Уларнинг қуриллашини чигиртка ва саратонлар эшитиб, чирилламай қўйишибди.

Лекин Гонарионинг ўзи ҳаммадан кўпроқ кўрқибди. У ҳамма ёни жикқа ҳўл, худди жирканч ўрдакчадай чуқур четида ўтирганича ачиқ ачиқ йиғлабди. У яккаю ёлғизлигидан, уст-боши жулдур-жулдур ифлос бўлганидан, жуда қорни очганидан йиғлабди. У шу қадар ўқсиб-ўқсиб зорлашиб йиғлабдики, ҳатто бир зум тиниб-тинчимайдиган чуичуқлар ҳам дик-дик сакрамай, бир-бирларни билан уришмай, дарахтларда тинч қўниб ўтиришибди. Улар

Говариюга тенадан қараб ачинишиб чирқиллашар, унга тасалла бермоқчи бўлишаркан. Бироқ чумчуқлар қўриқчига тасалла бера олишармиди?

Ана шунақа гаплар. Бу воқеа қаерда бўлган, биласизми? Сардинияда.

## ҲЕЧ ҚАЁҚҚА ОЛИБ БОРМАЙДИГАН ЙЎЛ

Уйлар тамом бўлгандан кейин қишлоқнинг катта кўчасидан уч йўл ажралиб чиқаркан. Бир йўл деңгизга олиб бораркан, бошқаси тўғри шаҳарга бораркан, учинчиси ҳеч қаёққа олиб бормас экан.

Мартино буни жуда аниқ биларкан, чунки унинг сўрамаган одами қолмабди, ҳаммаси ҳам бир хил жавоб қилибди.

— Қайси йўл, ҳув анови йўлми? Ҳеч қаёққа олиб бормади. У йўлдан юрсанг бекор чарчаганинг қолади.

— У йўл қаергача боради?

— Ҳеч қаерга бормади деяпман-у, тушундингми?

— Унда нега қуришган?

— Уни ҳеч ким қурган эмас. У донмо бўлган.

— Наҳотки битта-яримта бориб кўрмаган ҳам?

— Вой, жудаям ўжар экансан-да! У ерда ҳеч нима йўқ деяпман-ку сенга, демак кўрадиган нарсанинг ўзи йўқ.

— Сиз қаёқдан биласиз, сиз ахир у ерда ҳеч қачон бўлмагансиз-ку.

У шунақаям ўжар, сўзини ўтказадиган, саботли эканки, қишлоқда ҳамма уни Мартин ўжар дейдиган бўлибди. Лекин у бу лақабга ҳечам хафа бўлмабди, ҳамон ўша ҳеч қаёққа олиб бормайдиган йўл ҳақида ўйлайверибди.

Орадан озми-кўпми вақт ўтибди. Мартино ўсиб, улғайиб, кўчадан бувасининг қўлидан ушламай ўтадиган ёшга етибди. Қушлардан бир кун у саҳарлаб туриб, қишлоқдан чиқибди-да, ўйлаб-печиб ўтирмай, ўша сеҳрли йўлдан кетаверибди. У сира тўхтамай олдинга кетаверибди, кетаверибди, йўл бўлса тобора ёмонлаша борибди. У ер-бу ерда тарақайлаб ўсган ўтлар пайдо бўлибди, ўнқир-чўнқирларнинг ҳисоби йўқ эмиш. Яхшиямки ҳаво иссиқ экан, бўлмаса ҳамма ёқини кўлмак сув босиб, ўтишнинг иложини қолмасди. Аввалига йўлнинг икки томонида ҳам чаңгалзор бошланибди, бир оздан кейин ўрмон келибди. Осмонлар баҳайбат дарахтлар бақувват шохларини бир-бирларига чўзишиб, йўл устида балаңликда маташиб кетишганмиш: кўрнинишдан у ҳечам йўлга ўхшамасмиш, кўпроқ қоронғи, зах туннелга ўхшаб кетармиш. Уқтин-ўқтин қуёш нури барглар орасидан ерга тушаркан, худди кечаси деңгиздаги маёқдай олдинда порлаб тураркан.

Мартино юраверибди, лекин туннель тугамабди, йўлнинг ҳам кети кўрнинмабди. Жуда тинка-мадори қурибди, оёқларини кўтаролмай қолибди. Энди орқага қайтмаса бўлмас деб ўйлабди. Тўсатдан, қаёқдандир ит пайдо бўлиб қолибди.

«Бўлди,— деб ўйлабди Martino,— ит бор жойда хонадон, жуда бўлмаса одам бўлади».

Ит унинг олдига чошиб келибди, думини ликиллатиб, қўлини ялабди-ю, яна қоронғи йўлдан чошиб кетибди. Ит чошиб бораётиб Martino келяптими-йўқми деб орқасига қараб-қараб қўярмиш. Озгина юриб, яна тўхтаб қарармиш.

— Ҳа, мен кетяпман, кетяпман,— дебди Martino, лекин ўзича: «Тавба, бу қандай мўъжиза?» деб ўйлабди.

Мана, ўрмон анча сийраклашиб осмон кўрина бошлабди. Пул каттакон темир дарвозага келиб тақалибди-ю, кўздан гойиб бўлибди.

Martino йўғон пўлат панжарадан мўралаб қарабди — парк ўртасида сарой турганмиш. Саройнинг эшик ва деразалари ланг очиб қўйилганмиш, мўриларида буралиб-буралиб тугун чиқаётганмиш, балкондан эса чиройли бир синьора қўл силтаётганмиш — синьора шунақа гўзал, шунақаям барно эканки, Martino бунақанги соҳибжамолин ҳеч кўрмаган экан.

— Қир, киргин, Мартин ўжар!— деб қичқирибди синьора.

— Ана, холос,— деб гўлдирабди Martino хурсанд бўлиб.— Бу ёққа келиб қолишимни ўзим ҳам билмагандим, у бўлса мен дарров таниди-я.

Martino узоқ ўйлаб ўтирмай, эшик тавақасини итариб очибди, паркдан ўтиб сарой залига кирибди. Шундай кириши билан синьора чиройли зинадан тушиб, унга пешвоз келаётганмиш. Шундай дилбар, чиройли эканки, таърифига тил ожизмиш. Кийимини айтмайсизми. Фаришта-ю, маликалар унинг олдида ип эшолмасмиш. У зинадан тушиб келаётиб, ичаги узилгудай бўлиб, қотиб-қотиб кулармиш. Синьора жудаям шўх, қувноқ бўлса керак.

Martino унга таъзим қилибди-да, қани бу ёғи нима бўларкан деб кутиб турибди.

— Шундай қилиб,— дебди синьора қувноқлик билан,— ишонмадинг-а?

— Нимага?

— Нимага бўларди? Йўлнинг ҳеч қаёққа олиб бормаслигига-да.

— Бу бир бемаънилик-да, шунинг учун ҳам ишонмадим. Мен ўзимча шундай ўйлайман: бу дунёда хилма-хил жойлар сон минг, тўлиб-тошиб ётибди, йўллар жуда оз.

— Тўғри. Довм бирор янгилик кўриш мумкин, хоҳиш бўлса бас. Энг муҳими — бир жойда ўтирмаслик керак. Юрган дарё, ўтирган бўйра деган гап бор-ку. Энди юр, мен сенга саройни кўрсатаман.

Вой-вуй, саройда хона, зал, бўлмалар шунақаям кўпки, сапогига етиб бўлмайди! Юздан ошиқ бўлса ошиқки, кам эмас. Ҳар хонада зеб-зийнат, қимматбаҳо буюмман деганинг тикилиб ётганмиш. Худди уйқудаги малика ёки бутун умри бефойда бойликларини деб сўлиб, адоин-тамом бўлган ўлмас Кашчейнинг афсонавий қасрига ўхшайди-я!

Бу ерда истаган нарсани топиш мумкин экан! Бебаҳо олмос

дейсизми, чақнаб турадиган тошлар дейсизми, олтину кумушларни гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

У қувноқ синьора билан сарой залларини айланиб юраркан, сянбора ҳадеб такрорлабди:

— Ол, олавер, кўнглингга ёққанини олгин, сира тортинма. Олиб кетишга қийналсанг каретамни бераман.

Мартинонинг кўп нарса сўраб ўтиришига жонат ҳам қолмабди. У кетаётганда бундай қараса, карета олтину қимматбаҳо тошларга тўлиб-тошиб ётганмиш. Извошчи ўтирадиган жойда ит ўтирганмиш. Узимизнинг хонаки оддий ит эмас, ўқдиган ит эмиш. У отларни жуда усталик билан ҳайдаб борибди, отлар юришни секинлатса ёки йўлдан четга чиқса, ит қаттиқ вовиллармиш.

Туғилиб ўсган қишлоғида эса ҳамма Мартинони ўлдига чиқариб қўйибди, уни тирик кўришга ҳеч ким умид қилмай қўйган экан. Мартино ўжарнинг қишлоққа пиёда эмас, каретада кириб келганини кўриб ҳамма ҳангу манг бўлиб қолибди, одамлар кўзларига шиошишмабди. Извошчи ит каретадан ҳамма бойликларни ерга туширибди-да, ҳурмат-эҳтиром юзасидан думини икки марта ликиллатибди-ю, каретага ўтириб жўнаб қолибди. У бир зумда кўздан ғойиб бўлибди, орқасидан чанг тўзони кўтарилиб қолибди.

Мартин дўстларига ҳам, душманларига ҳам талай совға-салом берибди, бошидан кечирган саргузаштларини уларга юз марталаб ҳикоя қилибди. У ҳикоясини тугатар-тугатмас эшитиб ўтирганлардан гоҳ биттаси, гоҳ бошқаси уйига чопиб бораркан-да, отни ара-васига қўшиб, ҳеч қаёққа олиб бормайдиган йўлдан чоптириб кетаркан. Бироқ ўша кун кечқурун улар ҳориб-чарчаб, дарғазаб бўлишиб қуп-қуруқ қайғиб келишаркан. Улардан баъзилари йўл ўрмон ўртасида дарахтлар орасида йўқолиб қолди, бошқалари йўл ўтиб бўлмас чангалзорга бориб тақаларкан деб ҳикоя қилишаркан. Ҳеч ким ҳеч қандай темир дарвозани, шоҳона саройни, гўзал шўх синьорани кўрмабди! Чунки шундай хазиналар бор эмишки, улар ҳамма машаққатларни енгиб ўтиб, ўша ерга биринчи бўлиб борган одамгагина очиларкан. Мана, масалан, Мартин ўжарга ўхшаган одамлар ўша хазинадан баҳраманд бўларкан.

## ҲАССА

Бир кун кичкина Клаудио дарвоза тагида ўйнаб юрганлида, кўзига кўзойнак таққан нуроний бир чол кўчадан ўтиб қолибди. У букчайиб, ихраб-сихраб борар, ҳар қадамда йўғон ҳассасига таяниб, бир зум туриб қоларкан. У Клаудиоларнинг дарвозаси рўпарасига келганда ҳассаси кўлидан чиқиб кетиб, ерга тушибди. Клаудио гизиллаб чопиб келибди-да, ҳассасини ердан олиб, чолга берибди. Бироқ чол кулимсираб дебди:

— Раҳмат, менга энди ҳасса керак эмас. Ҳассасиз ҳам ҳали бемалол юра оламан. Агар сенга ёқса ола қол.

Чол шундай дебди-ю, жавобни ҳам кутмай кетиб қолибди. Қизик, энди у ҳассасиз боягидан камроқ букчайармиш. Клаудио бўлса

ҳассани ушлаганича нима қилишини билмай, дарвоза тагида туриб қолибди. Бу дастаси қайрилган, учига темир поянак кийдирилган оғдийгина ёғоч ҳасса экан. Бошқа ҳассалардан фарқи йўқ экан.

У ҳассани ерга бир урибди, учининг тупроққа қанча кирганини кўрибди, яна бир марта урибди, кейин ўзича ўйнаб, уни от қилиб минибди, бирдан ҳасса кўздан ғойиб бўлибди. Клаудио қараса, мешанасида оқ юлдузи бор қоп-қора аргумоқ устида ўтирганмиш. Аргумоқ бир пишқирибди-ю, ҳовли атрофида чопиб кетибди. Унинг туёқлари тагидан ўт чақнариши, ўзи қаттиқ кишнариши.

Ана мўъжиза-ю, мана мўъжиза! Клаудио ҳатто бир оз кўрқиб кетибди, аргумоқ қадамини секинлатиши билан чаққон сакраб тушибди. У ерга тушиши билан от яна ҳассага айланибди. Энди унинг дупур-дупур қилувчи туёқлари йўқ эмиш, уларнинг ўрнида сал занг босган темир учи қолибди, қалин, узун ёли ўрнида қайрилма дастаси турганмиш.

— Қани, яна бир синаб кўрай-чи, — дебди Клаудио, сал ўзига келиб, юраги бетлаб.

Айтганидай қилибди. Ҳассасига минибди-ю, лекин у... йўқ, бу гал ҳасса отга эмас, кўш ўркачли баҳайбат туяга айланибди, ҳовли ўрнида эса бепоён чўл пайдо бўлибди. Клаудио чулнинг бу бошидан кириб, у бошидан чиқиши керак экан, лекин у ҳечам чўчимабди ва воҳа кўрниармикин деб узоқ-узоқларга тикилибди.

«Бу ҳасса сеҳрли, албатта»,—деб ўйлабди Клаудио, ҳассасига учинчи марта минаркан. Бу сафар ҳасса оловдай қип-қизил, қано-тида катта оқ номери бор пойгачи автомобилга айланибди, ҳовли ўрнида каттакон трек пайдо бўлибди, Клаудионинг ўзи бўлса, энди қатнашаётган янги пойгачига эмас, тажрибали, маррага биринчи бўлиб келадиган ҳақиқий пойгачига айланибди.

Кейин ҳасса қайнққа айланибди-ю, ҳозиргина ҳовли ўрнида ҳосил бўлган каттакон, сокин кўл қўйнида сузиб кетибди. Сўнгра ҳасса бепоён фазо қўйнида, кўзни қамаштирувчи жимирлаган юлдузлар орасида учувчи ярқироқ ракетага айланибди.

Уйин билан бўлиб Клаудио вақтнинг қандай ўтганини сезмай ҳам қолибди. Клаудио қош қорайганда кўчага чиқиб тўсатдан ўша кўзойнакли синьорни кўриб қолибди. Клаудио унга зўр қизиқиш билан тикилибди-ю, лекин айтарлик ҳеч нимани пайқамабди. Рўпарасидан оддий, фақат сайр қилиб бир оз чарчаган синьор келатганимиш.

— Хўш, ҳасса сенга ёқдими?—деб сўрабди чол кулимсираб.

Клаудио, дарров синьор ҳассасини қайтиб олмоқчи экан деб ўйлабди-да, қизариб-бўзариб уни эгасига узатибди. Бироқ синьор, олмайман, керак эмас деган маънода бош чайқабди.

— Йўқ, менга керак эмас, ўзингга олиб қол,—дебди у.—Бу таёқнинг энди менга нима кераги бор? Сен уни миниб чопишинг, учининг мумкин, хўш мен-чи? Жуда зўр келганда, унга суяниб юрман, холос. Бироқ мен деворга суянишим ҳам мумкин, иккони ҳам бир нарса.—У шундай дебди-ю, йўлида давом этибди. У ўзида йўқ хурсанд экан, чунки бу дунёда болага бирор нарса совга қила олган чолда ҳам бахтли одам топилмас экан.

## КЕКСА МАҚОЛЛАР

— Кечаси,— деб ўргатаркан Кекса Мақол,— ҳамма мушуклар кулранг бўлади.

— Мен қораман,— дебди худди ўша пайт йўлни кесиб ўтаётган қора мушук.

— Бундай бўлиши мумкин эмас. Кекса Мақол доим тўғри гадиради.

— Бари бир мен қораман,— деб такрорлабди мушук.

Кекса Мақол ажабланганидан ва хафа бўлганидан томдан йиқилиб, оёғини майиб қилиб олибди.

Бошқа бир Кекса Мақол бир куни футбол ўйинини томоша қилгани борибди. У бир ўйинчини танлаб, уни четга имлаб чақирибди-да, шивирлаб дебди:

— Бир ўзинг ўйнагани, албатта ютасан.

Футболчи унинг гапига ишониб, бир ўзи ўйнабди, тўпни ўзи телибди, ҳеч кимга қўшилмабди. Лекин бундан ҳеч нш чиқмабди, у ўлгудай зерикибди, ютолмабди, албатта, ютиши ҳам мумкин эмас экан, чунки у бир ўзи экан-да. Футболчи ноилож ўз командасига қайтиб келибди. Кекса Мақол бўлса, алаmidан касал бўлиб қолибди, томоғидаги безни олдириб ташлашга тўғри келибди.

Кунлардан бир кун уч Кекса Мақол учрашиб қолишибди. Улар бир оз гаплашгани тўхташибди, лекин оғизларини очишлари биланоқ уришиб кетишибди.

— Ҳар ишнинг бошланishi яхши,— дебди биттаси.

— Э, ишни ўртасидан бошлаган маъқул,— деб эътироз билдирибди иккинчиси.

— Ишнинг охирига нима етсин!— деб қичқирибди учинчиси.

Улар бир-бирларининг сочларидан юмдалашиб кетишибди, ажратининг иложи бўлмабди. Улар шу кунгача уришишаётганмиш.

Олма емоқчи бўлган Кекса Мақолга нима бўлибди денг? У олма дарахти тагига ўтириб олиб, ўзича гўлдирабди:

— Олман хомлигида силкитма, пишганда ўзи тўкилади.

— Буни қаранг, чидан ҳам олма тушибди. Лекин қачон? Чириб-риб кетганидан кейин.

Мақол жуда қаттиқ раижибди-ю, аламига чидолмай истеъфoga чиқиб кетибди.

## МУРАББО ПИШИРИШГА ПАЗАНДА АЁЛ

Лагомаджоре кўли бўйидаги Сант-Антонид шаҳрида бир хотин яшар экан. У мураббо пиширишга шунақаям уста эканки, бирор хонадонда усиз мураббо пиширишмас экан. Бугун ҳамма буюк Ботқоқлик деб ном қўйган Валкувияга чақириб кетишса, эртага — Чақамуғга олиб кетишаркан, кейин Сувсиз водийдан, яна бир оздан сўнг Гадолар жаридан чақириб келишаркан.



Мавсум бошланиши билан ҳар томондан унинг олдига одамлар шошиб келишаверар экан. Улар панжара олдига ўтириб олишиб, кўлни бир оз томоша қилишаркан, кейин малина бутасидан бирикки дона мевасини узиб олиб, чақиршига тушишаркан:

— Ҳой, пазанда!

— Нима дейсиз?

— Черникадан мураббо қайнатиб беролмайсизми?

— Майли, жоним билан.

— Олчадан ширин мураббо қайнатишимга ёрдамлашиб юборолмайсизми?

— Нега ёрдамлашмай?

Бу уста аёлнинг қўли гул экан, қўлининг ўргилсин ширин ва хушбўй мураббо қайнатишда атрофда, Швейцарияда, Алиннинг нариги томонидаги Варезоттодан тортиб Кантон Тичиногача бу хотинга етадиган топилмас экан.

Бир кун унинг олдига Криворохликдан бир аёл келибди. У шундай қашшоқ эканки, бечоранинг осгани сочиғи, қоққани қоziғи йўқ экан. Боёқиш мураббога бир чипта халта шафтоли данаги тополмабди. Лекин жуда мураббо егиси келибди. Ушандан кейин у узоқ ўйлаб ўтирмабди-да, йўл-йўлакай каштан тиканидан бир этак териб келибди-ю, пазанда хотиннинг эшигини қоқибди.

— Менга мураббо қайнатиб беролмайсизми?

— Нимадан, шу тиканакдан-а?

— Нима қилай, бошқа ҳеч нима тополмадим.

— Ҳа, майли, урнинг кўраман.

Буни қарангки, пазанда каштан тиканагидан мураббо қайнатмоқчи бўлибди. Хуллас, ҳамма мурабболардан ҳам ўтказиб юбормоқчи бўлибди.

Бошқа сафар ўша криворохликлик камбағал аёл ҳатто каштан тиканагини ҳам териб келолмабди, чунки тиканлари барглари тагида қолиб кетибди. Хўш, нима қилсин? У узоқ ўйлаб ўтирмабди-да, қичитқон ўтдан бир этак юлибди-ю, яна ўша пазанда аёлининг ҳузурига борибди.

— Менга мураббо қайнатиб беролмайсизми?

— Нимадан, шу қичитқон ўтданми?

— Нима қилай, бошқа ҳеч нима тополмадим.

— Ҳа, майли, кўраман.

Пазанда аёл қичитқон ўтни олибди-да, унга шакар сепибди, кейин ўз билганича қайнатибди. Шундай ширин мураббо бўлибдики, мазаси оғзингда қолармиш.

Бу пазанда аёлнинг қўли гул экан-да, шунинг учун ҳам у қайнатган мурабболарнинг мазаси оғизда қоларкан. Унга чағир тош олиб келиб берсанг, ўшандан ҳам зўр мураббо қайнатиб берган бўларди.

Бир кун ўша ерлардан император ўтиб қолибди. Император бу пазанда аёл ҳақида эшитган экан, унинг мураббосидан тотиб кўрмоқчи бўлибди. Унинг олдига тахсимчада мураббо олиб келиб қўйишибди. Император бир қошиқ ебди-ю, башараси бужмайиб кетибди. У башарасини мураббо ёмон бўлгани, кўнглига ёқмагани

учун эмас, тахсимчага пашша тушгани учун бужмайтирган экан.

— Тфу, вой ифлос-ей!— дебди император.

— Агар мураббо ширин, мазали бўлмаганида пашша ҳам қўнмас эди, — дебди пазанда аёл.

Император бу эътирозни эшитиб дарғазаб бўлибди, худди тўнғиздай пишқирибди. У ўз солдатларига:

— Унинг қўлларини тирсагигача чошиб ташланг,— деб буюрибди!

Бу гапни эшитиб халқ галаён кўтарибди. Императорнинг хузурига элчилар борнишиб, агар император ўз ниятидан қайтмаса, пазанда аёлнинг қўлларини чоптирадиган бўлса, биз уни тож-тахти билан гумдон қиламиз, бошига ўхшаган бош ҳар бир қишлоқда топилди, лекин бу пазанда аёлнинг қўлидай чевар қўлларни етти иккимдан ҳам топиб бўлмайди, дейишибди.

Ушандан кейин император яхшиликча жунаб қолибди.

## ҚУЁШ ВА БУЛУТ

Қувноқ, улуғвор, саҳоватли қуёш осмон қўйнида сайр қилиб юрган экан. У икки гилдиракли ўт аравада ўқдай учиб, чор атрофга оташ нурларини сочармиш.

Булут эса момақалдироқ олдидан таъби хира, дарғазаб бўлиб тўнғиллабди:

— Исрофгар, нобудгар! Нурларингни ҳар томонга сочавер, тўкавер! Бисотингдаги бор-йўғингдан ажраб, ҳеч ниманг қолмаганда роса пушаймон бўласан!..

Узумзордаги новдаларда пишиб етилаётган ҳар бир узум донаси битта, удласидап чиқса иккита қуёш заррачасини олиб кетиш пайдан бўларкан. Ҳар бир ўт, ўргимчак, гул ёки томчи сув ўз ҳиссасини олишга уринишар экан.

— Ҳа, майли, ким кўрган сени шилиб кетяпти. Ҳали кўрамиз, бисотингда олишга ҳеч нима қолмаганда ўшалар сенга раҳмат дейишармикин,— деб живғибийрон бўлармиш булут.

Қувноқ қуёш бўлса гўё ҳеч гап бўлмагандай осмон қўйнида юмалаб, нурларини ким муҳтож бўлса саҳийлик билан миллионлаб, миллиардлаб, ҳисобсиз таратармиш.

Фақат кун ботар пайтида қуёш ўз нурларини ҳисоблаб чиқмоқчи бўлибди. Буни қарангки, биттаси ҳам йўқолмабди, бекор исроф бўлмабди. Булут ҳайратдан дўл бўлиб сочилиб кетибди. Қуёш бўлса шўх-шодон денгиз қўйнига шўнғибди.

## КЕКСА АДА ХОЛА

Кекса Ада хола жуда қариб, мункиллаб қолгандан кейин худойихонага ўтиб яшабди. Уни учта каравот турган хонага қўйишибди. Икки каравотни унинг ўзига ўхшаган кампирлар эгаллабди, биттасини унга ажратишибди. Кекса Ада хола дераза тагида

турган креслони дарров олдига олиб келибди, халтасидан печенье олиб, дераза тоқчасига майдалаб қўйибди.

— Вой, топган ишини қаранг!— деб тўнгиллашибди кампирлар жаҳл билан.— Ҳамма ёқни чумоли босиб кетади-ю.

Лекин шу пайт худойихона боғчасидан битта қушча учиб келибди-да, печенье ушоқларини маза қилиб еб, яна учиб кетибди.

— Мана шунақа,—деб яна минғиллашибди кампирлар,— бизга ҳам мана шунақа ҳунар кўрсатишади-да. Чўқиб еди-ю, думини бир ликиллашиб, учди-кетди. Шу билан домн-дараксиз кетади! Худди бизнинг болаларимизга ўхшаган-а. Уларни ҳам ўстирасан-ўнди-расан, катта қиласан-у, улар бир кун эмас, бир кун ҳаё-ҳу деб кетишади-қолади! Уларни топиб бўлсан. Қорасини ҳам кўрсатишмайди! Қаердалигини билмайсан! Ақалли биттаси эсласа-чи...

Уларнинг гапига кекса Ада хола жавоб бермабди, эртасига яна печенье ушатиб қўйибди. У ҳар кунни эрталаб печенье ушатиб қўйаркан, қушча ҳар кунни эрталаб, айнан бир вақтда келиб, печенье ушоқларини чўқиб еб кетаркан. Агар Ада хола бир оз ҳаяллаб қолиб, нонуштани вақтида тайёрлаб қўймаса, қушча жуда қаттиқ безовта бўларкан.

Орадан бир оз вақт ўтгандан кейин қушча болалари билан учиб келибди. Чунки у уя қуриб, тўртта бола очган экан. Болалари ҳам ушоқни маза қилиб ейишибди, шу-шу ҳар кунни эрталаб учиб келадиган бўлишибди. Агар печенье ушоғи бўлмаса улар бараварига чийиллашар ва чирқиллашар экан.

— Тезроқ қимирланг, ҳамхўрақларингиз келиб қолишди!— деб қичқиршаркан кампирлар, уларнинг чийиллаган овозларидан Ада холага ҳасад қилаётганини билса бўларкан.

Ада хола ҳамма ишини ташлаб, шоша-пиша тумбочкаси олдига келаркан. Тумбочкада бир пачка қаҳва билан бир қути яллиз таъм конфет ўртасида тугунча печенье бор экан. У бир дона печенье олиб дераза олдига шошаркан.

— Ҳозир, мана ҳозир,— деркан у.— Шошманг, вой бесабрлар-е.

— Уф, эҳ,— деб хўрсинишаркан кампирлар,— қани энди, шу печенье билан биз ҳам болаларимизни олдимизга чақиролсак! Ада хола, сизнинг болаларингиз қаерда?

Бир вақтлар Ада хола ўғилларининг қаердалигини биларкан-у, кейин йиллар ўтиши билан хотираси ўтмаслашиб, унутиб юборибди. Мана энди у ўғилларининг қаердалигини, Австралиядами ё Австриядами билмас экан. Бироқ Ада хола бунга унчалик куйинмас экан. У кулимсираб печеньега ушатаркан, ўзича гапираркан:

— Енглар, еб қоривларингни тўйдириб олинглар, бўлмаса ҳолдан тойиб уюлмай қоласизлар.

Қушлар печенье ушоғини еб бўлишгач, у шундай деркан:

— Ҳа, майли, қани боринглар, энди сизларга ҳеч нима бўлмайдди. Сизларга қанотни нима учун беришган? Учишгани? Бўпти, учинглар-да...

Кампирлар бош чайқаб қўйишаркан. Улар кекса Ада хола ақлдан озиб қолган деб ўйлашибди. Ие, бўлмасам-чи? Кампир ўзи

камбагал-у, доим бошқаларга бирор нарса совға қилмоқчи бўларкан. Ҳатто раҳмат демади, миннатдорчилик билдирмади деб хафа ҳам бўлмас экан.

Орадан бир оз вақт ўтгандан кейин кекса Ада хола ўлибди. Ўғиллари орадан кўп вақт ўтгандан кейин билишибди. Шунинг учун улар йўлга пул сарфлаб, дафн маросими ҳақида бош қотиришмабди ҳам. Қўшчалар бўлса бутун қиш дераза олдига учиб келиб, Ада хола уларга печенье майдалаб қўймаганидан хафа бўлиб, қаттиқ чирқиллашаркан.

## УЛИШИ КЕРАК БУЛГАН ҚИРОЛ

Қайси ҳам қиролликда бир қирол яшаган экан. Нима ҳам бўлибди-ю, қиролнинг ўлиши зарур бўлиб қолибди. У жуда қудратли қирол экан, лекин оғир, сира тузалмас, бедаво бир касалга чалинибди.

— Ахир, бу қанақаси,— дебди қирол ҳафсаласи пир бўлиб.— Сира ақлга сигмайдиган гап: мендай бир қудратли қирол ўлса-я? Ахир, менинг қоҳин ва сеҳргарларимнинг кўзлари қаёқда? Мени ўлимдан асраб қолиш учун нега бош қотиришмайди, ҳаракат қилишмайди?

Қоҳинлар қиролликдан аллақачонлар қочиб кетишган экан, чунки улар бошларидан ажралнишдан қўрқишган экан. Қиролликда яккаю ягона бир кекса сеҳргар қолибди, унга ҳеч ким эътибор бермас экан, чунки у жуда ғалати, ҳатто сал эси кирди-чиқди бўлиб қолган экан. Бир неча йилдан бери қирол уни ҳузурига чақирмас, ҳеч нима ҳақида маслаҳатлашмас экан, лекин энди уни полож саройга чақирганини буюрибди.

— Сен омон қолишинг мумкин,— дебди сеҳргар,— лекин бунинг битта шarti бор. Тахтдан бир кунга воз кечиб, уни худди ўзингга ўхшаган одамга топшир. У тахтга сенинг ўринингга ўтиради-ю, ўша заҳоти ўлади.

Ўша заҳоти бутун қиролликка буйруқ тарқатилибди: «Қимла ким ҳам юзи, ҳам танаси билан қирол жаноби олийларига ўхшаса, йигирма тўрт соат ичида саройга келиши шарт. Бу буйруққа бўйсунмаган ўша одам жиноятчи сифатида қатл этилади».

Саройга жуда кўп одам келибди. Баъзиларининг соқоли худди қиролнингига ўхшармиш-у, бироқ буни қиролликдан сал катта ёки сал узунмиш, сеҳргар уларнинг ҳаммасини орқасига қайтариб юборибди. Бошқалар қиролга жуда ўхшармиш-у, худди ўзи эмиш-у, лекин сеҳргар бари бир уларни ҳам қайтариб юборибди, чунки биттасининг тиши етмасмиш, бошқаси сал букир эмиш.

— Бунақада сен ҳаммани қувиб соласан-ку!— деб қичқирибди қирол.— Ақалли биттасини олиб қолсанг-чи, синаб кўрайлик.

— Бу сенга ёрдам бермайди,— эътироз билдирибди сеҳргар.

Бир кун кечқурун қирол сеҳрғари билан шаҳар истеҳкомларини айланиб юрган экан, сеҳргар бирдан тўхтабди-ю, қичқириб юборибди:

— Мана бу одам бошқалардан кўра сенга кўпроқ ўхшайди!  
У шундай дебди-ю, уст-боши жулдур, исқирт, бир кўзи кўр, чулок, букир бир тиланчи чолни кўрсатибди.

— Нима, эсингни едингми!— дебди қирол тутоқиб.— Унинг менга нимаси ўхшайди? Осмон билан ердай фарқимиз бор-ку!

— Улиши керак бўлган қирол,— деб эътироз билдирибди сеҳргар,— ўз фуқароларининг энг камбағалига, энг бахтсизига ўхшаши мумкин. Кўп ҳаялламай кийимларингни алмаштир, бир кунга тахтингни бер — ўлимдан қутулиб қоласан.

Бироқ қирол бир кунга бўлса-да, эгнига қашшоқ одамнинг жулдур кийимини кийинши ўзига эп кўрмабди. У қош-қовоғи осилиб саройга қайтиб келибди, бошига тожни кийиб, қўлига салтанат ҳассасини олибди-ю, ўша кечаси оламдан ўтибди.

## КОМЕТАЛАР СОТУВЧИ

Сеҳргар кунлардан бир кун кометалар ясайдиган машина ўйлаб чиқарибди. Бу машина қуруқ шўрвани кесадиган машинага сад ўхшаб кетаркан-у, лекин аслида шўрва кесадиган машина эмас экан. У чиндан ҳам кометалар ишлаб чиқараркан. Хоҳлаган кометанигни ясаб бераркан. Каттасини дейсизми, кичигини дейсизми, оддий думлигиними ёки қўшалок думлигиними, ҳам сариқ, ҳам қизил рангдагини — хуллас, ҳамма хилидан топиларкан.

Сеҳргар шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юраркан, битта ҳам бозордан қолмас экан, ҳатто Миландаги ярмарка ва Перондаги от бозорига ҳам борибди. У борган жойда машинасини кўрсатиб, уни ишлатиш жуда осонлигини ҳаммага тушунтирар экан.

Кичкина-кичкина, энгирдек кометалар дик-дик сакраб чиқаркан, уларнинг ушлаб турадиган иллари ҳам бор экан. Улар юқорига кўтарилиб, истаганча каттайиши мумкин экан, лекин энг каттасини бошқариш ҳам варракни бошқаришдан осон экан.

Ҳар гал гўё энг нозик буюмлар ясовчи ёки картошкани ўзи тозалайдиган машинасини ҳўқларга кўтариб мақтаётган савдогарнинг атрофини қоплагандек сеҳргарни ҳам одамлар бир зумда ўраб олишаркан.

Одамлар тикилиб қарашаркан, бошларини чайқашаркан, лекин тўпланганлардан биронтаси ҳатто энг кичик кометани ҳам соғиб олмабди.

— Агар кичкина шар бўлганда эди, жон деб олардик,— дебди сават кўтарган бир аёл,— Қомета-я! Бу менинг тирмизагимнинг қўлига тегса борми, бир балони бошлаши мумкин, кейин бошинг бир умр ғалвадан чиқмайди.

— Нега энди қўрқяпсиз?— дебди сеҳргар.— Чинакам кометани яна бошқа қаердан оласиз? Болаларингиз унда юлдузларга учиб чиқиши мумкин, сиз уларни болалигидан космосга ўргата борасиз.

— Йўқ, раҳмат-е! Майли, юлдузларга бошқа одамлар уч қолсин! Менинг ўғлим уйда ўтиради, бу ёғига хогиржам бўлаверинг.

— Кометалар! Чинакам, асл кометалар! Қани, келиб қолинг, ҳаялламай олиб қолинг! Қимга комета!

Лекин ҳеч кимнинг битта ҳам комета сотиб олгиси келмабди.

Шу вақт ичида бечора сеҳргарнинг чўнтагига бир лира ҳам пул тушмабди. У нонуштада ҳам, тушки овқатда ҳам, кечки овқатда ҳам туз тотмабди, ахирни жудаям озиб, чўндай бўлиб қолибди, эти суягига ёпишиб кетибди. Бир кун ичун кечқурун жудаям овқат егиси келиб кетганидан комета қиладиган машинаси яна юмалоқ пишлоққа айлантирибди-ю, ушогини ҳам қолдирмай еб қўйибди.

## ЧЕФАЛУЛИК БАЛИҚЧИ

Кунлардан бир кун чефалулик балиқчи денгизга тўр солиб, балиқ тута бошлабди. Бир пайт тўрнини тортиб, унинг жуда оғирлашиб кетганини сезибди. «Ҳа,— деб ўйлабди балиқчи,— омадим келди!» Тўрнини олиб қараса, ичи қуп-қуруқ эмиш, фақат биттагина, худди жимжилоқдай келадиган балиқча питирлаб ётганмиш. Балиқчи хафа бўлибди, балиқчани олиб, энди денгизга отмоқчи бўлган экан, бирдан гўё кимдир чийиллаб овоз чиқаргандай бўлибди.

— Вой, вой, вой! Мени бунчалик қаттиқ қисма!

Балиқчи теварак-атрофга аланглаб қарабди: шу яқин атрофда ҳам, узоқда ҳам ҳеч ким кўринмасмиш. Балиқчи балиқчани денгизга узоқроққа отиш учун иккинчи марта қулочкашлаган экан, яна ўша чийиллаган овоз эшитилибди:

— Мени отмагин! Мени денгизга ташламагин!

Балиқчи нима гаплигини энди фаҳмлабди: бу балиқча одам тилида гапираётган экан. У муштини ёзиб қарабди-ю, кўзларига ишонмабди. Қағтида митти бир болача ётганмиш, жуда ҳам чиройли эмиш. Оёқлари ҳам, қўллари ҳам, юзи ҳам — ҳаммаси ҳам чинакам боланикидэй эмиш. Фақат елкасида худди балиқчаникига ўхшаш иккита сузгич қаноти бор эмиш.

— Сен кимсан?— деб сўрабди балиқчи.

— Мен денгиз фарзандиман.

— Мендан нима истайсан?

— Агар мени ўзинг билан соҳилга олиб кетсанг, омадингни берман.

Балиқчи бир хўрсаниб дэбди:

— Ўзим жўжабирдек жонман, бир-бирдан кичик етти болам бор. Улар камлик қилгандай ҳали сен ҳам бормидинг. Қамбагални туянинг устида ҳам ит қопади, деб шунга айтишадн-да.

Бола жавоб берибди:

— Мени олиб кетгин, афсус қилмайсан.

Нима қилсин, иложи қанча, балиқчи болани уйига олиб борибди. Сузгич қанотлари кўринмасин деб устига кўйлак кийдириб, кенжа ўрилчаси билан ухлагани беланчакка ётқизиб қўйибди. Бола шунақаям кичкина, увоқ эканки, ёстиқнинг ярмига жойлашибди.

Бўйи бир қарич экан-у, лекин овқатга сира тўймас экан, бер-

ганин кўрдим демай бирпасда шипириб ташларкан. Балиқчининг еттига боласи бир-биридан очофат, мечкай экан-у, лекин боланин бир ўзи ўша еттитасидан кўп овқат ер экан.

— Пешанамнинг шўри бор экан,— дебди балиқчи оғир хўр-сивиб,— энди бу кўргулик бормиди!

Орадан озми-кўпми вақт ўтгандан кейин, бир кун митти бола эрталаб келиб ингичка овози билан шундай дебди:

— Юр, балиқ овига борамиз.

Қайиққа тушиб кетишибди.

— Ўзим айтмагунча тўғрига эшавер,— деб чийиллабди бола.— Мана, энди етиб келдик. Қани, тўринги ташла.

Балиқчи унинг гапига кириб, тўрни денгизга ташлабди-да, керагича кутиб, яна қайта тортиб ола бошлабди. Тортармишу кўзларига ишонмасмиш: умрида ҳеч қачон бирданга бунча кўп балиқ тортиб олмаган экан. Яна қанақа балиқ денг! Жуда сараланган эмиш.

Денгиз фарзанди чапак чалиб қичқирармиш:

— Сенга айтмадимми! Қаерда балиқ бўлишини мен билмасам ким билади?

Қисқа вақт ичида балиқчи бойиб кетибди, яна бир қайиқ сотиб олибди, кейин учинчисини олибди, сўнгра қайиқман деганин жуда кўпайтириб юборибди. Ҳаммаси ҳам денгизга чиқаркан, унинг учун тўр ташлашаркан, ҳар бир тўр йирик-йирик балиқларга тўлиб чиқаркан.

Балиқчи пулга кўмилиб кетибди, даромадин ҳисоб-китоб қилиб турсин деб ўғилларидан биттасини бухгалтерликка ўқишга юборибди.

Бироқ балиқчи бойганидан кейин камбағаллигидаги машаққатли кунларини, хор-зорликларини бирпасда бутунлай унутиб юборибди. У матросларига жабр қила бошлабди, уларни текин ишлашга мажбур қилибди, агар улар сал ҳасрат қилгудай бўлишса, ҳаммаини ҳайдаб ўрипларингга бошқаларини оламан деб дўқ ура бошлабди.

— Ахир бунга чидаб бўлмайди-ку! Топганимиз болаларнинг нонига ҳам етмаяпти-ю,— деб зорланишибди матрослар.

— Соҳил бўйига бориб, майда тошдан кўпроқ териб келинлар,— дер экан бой балиқчи,— болаларингиз очлигидан шағални эмас, чағир тошни ҳам еб юборадн.

Митти бола ҳаммасини кўриб, билиб юрибди. Бир кунн кеч-қурун у балиқчининг олдига келиб, шундай дебди:

— Ҳушёр бўл, яна бурунги кунингга тушиб қолмагин.

Балиқчи жавоб бериш ўрнига хахолаб кулибди, энди, келиб-келиб шу шумтака менга ақл ўргатадимн, деб ўйлабди. У митти болани олиб, катта чиганоқ ичига тиқибди-да, денгизга отиб юборибди.

Ушандан буён денгиз фарзандини ҳеч ким кўрмабди. У денгиз қаъридан қутулиб чиқа олармикни, қачон? Буни ҳеч ким айтиб беролмайди. Лекин у чиганоқ ичидан чиққундай бўлса борми, унда... Хўш, сиз унинг ўрнида бўлсангиз нима қилардингиз?

## МУШУКЛАРНИНГ ЕБ ЮРГАН СИЧҚОН ҲАҚИДА

Кутубхонада юрадиган бир қари сичқон хали ҳаётни ҳечам билмайдиган, жуда ҳам гўр жиянчаларининг ҳолидан хабар олгани уларнинг олдига борибди.

— Сиз ҳаётни ҳечам билмайсиз,— дебди у уятчанг жиянларига.— Менимча, сиз тузуккина ўқиёлмасангиз ҳам керак.

— У, сиз жудаям зўрсиз!— дейишибди жиянлари.

— Масалап, сиз ҳсч мушук еганмисиз?

— У, қойил, сиз жудаям зўрсиз! Бизда бунинг акси. Бизда мушуклар сичқонларни ейишади.

— Чунки сизлар ўлгудек нодонсиз, ўқимагансиз. Мана, мен, мушукларни еганман, битта эмас, анчасини еганман. Шартта ушлайсан-у, оғзингга соласан, чурқ этолмай қолади. Гапимга хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг.

— Уларнинг, мушукларининг мазаси қандай бўларкин?

— Қоғозга ўхшайди. Сал сиёҳ ҳиди келиб туради. Лекин бунга парво қилмаса ҳам бўлади! Хўш, ҳеч қачон ит еганмисиз?

— Йўғ-е, нималар деяпсиз!..

— Мен кунни кеча биттасини гумдон қилдим. Овчарка эди. Тишларни менинг бўйимдай келади-я! Э, менга бу чўт эмас! Секин бортим-у, шартта чанг солдим, ҳаш-паш дегунча еб бўлдим. У чурқ этмади ҳам.

— Итнинг мазаси қанақа бўларкан?

— У ҳам қоғозга ўхшайди. Хўш, каркидонни еганмисиз?

— У, сизга қойилман, жуда зўрсиз-да! Биз ким бўлибмиз? Бизга йўл бўлсин. Биз ўша каркидон деганини ҳеч қачон кўрмаганмиз ҳам, ўзи нимага ўхшайди — пишлоққа ўхшайдими?

— Вой, нодонлар-ей! Нимага ўхшармиш! Шу ҳам гап бўлди-ю! Қимга ўхшарди, албатта каркидонга ўхшайди-да! Филни-чи, филни емаганмисизлар? Монахни-чи? Маликани-чи? Янги йил арчасини-чи?

Худди шу пайт, яъни сичқон арча ҳақида гапираётганида эски сандиқ орқасида сичқоннинг бемаза гапларини эшитиб ўтирган мушук ортиқ тоқат қиллолмабди-да, овозининг борича миёвлаб, сакраб қолибди! Бу анойи мушуклардан эмас экан, жуни, мўйлов, ўткир тирноқлари бор чинакам мушук экан.

Сичқонлар мушукнинг овозини эшитиб ҳар томонга тумтарақай бўлиб қочиб кетишибди. Кутубхона сичқони бу кутилмаган ҳодисадан қаққайиб қотиб қолибди. Мушук, узоқ ўйлаб ўтирмай, шартта чанг солибди! Чангалга олибди-ю, лекин дарров емабди, бир оз ўйнамоқчи бўлибди.

— Хўш, мушукларни ейдиган ўша сичқон сенмисан?— деб сўрабди мушук.

— Ҳа, худди ўзинман, марҳаматли жаноб. Бироқ, сиз жаноби олийлари шунни тушунингки... Сиз жаноби олийларига шунни маълум қилишни керакки, мен умр бўйи кутубхонада яшаганман...

— Тушунаман, тушунаман. Кутубхонада яшаб, китоблардаги расмларни бузиш билан овора бўлгансан-а!



— Вой жаноби олийлари, атиги бир неча марта. Сизни ишонтириб айтаманки, ҳазрати олийлари, бу ишни фақат билимининг ошириш ниятида қилганман.

— Бўлмасам-чи! Ҳа, айтмоқчи, мен ҳам адабиётни жуда севаман, қадрига етаман. Лекин сен китобдаги ҳикматлардан ташқари турмушнинг, бу дунёнинг ҳам ўз ҳикматлари борлигини билмасмидинг! Сеннинг ёшянда ҳар ким қоғозга сурати солинган мушуклардан ташқари кўп нарсалар борлигини, ҳар қандай каркидон ҳам сичқонларга ем бўлишга рози бўлавермаслигини билиш керак.

Бахтсиз асиранинг бахтига, мушук шу пайт полда ўрмалаб бо- раётган ўргимчакка бир зум қараб қолибди.

Агар кутубхона сичқони аҳмоқ бўлмаса лип этиб қочарди-ю, китоблар орасига яшириниб оларди. Мушук бўлса бу гал ўргимчакка қаноат қилиб қўя қоларди.

## ТЕСКАРИ САВОЛЛАР

Бор экан-да, йўқ экан, бир бола яшаган экан. У кунни ўтган-кетганга савол бериш билан ўтказаркан. Бунинг ҳеч ёмон томони йўқ, аксинча, ҳавас, қизиқиш яхши одат, ҳар қанча мақтаса арзийди. Лекин энг чатоқ жойи шунда эканки, бу боланинг саволла-рига ҳали ҳеч ким жавоб беролмаган экан.

Масалан, у бир куни келиб:

— Нега яшиқларнинг столи бор?— деб сўрабди.

Одамлар ҳайрон бўлиб қарашар ёки ҳар эҳтимолга қарши шун-дай жавоб қилишаркан.

— Яшиқлар у-бу нарса солиб қўйиш учун хизмат қилади. Ма-салан, айтилик, қошиқ-вилкалар солиб қўйилади.

— Яшиқларнинг нима учун кераклигини ўзим ҳам биламан. Нега яшиқларнинг столи бор?

Одамлар бош чайқашиб, унинг олдидан тезроқ кетиб қолишар-кан.

Бошқа сафар у:

— Нега думнинг балиғи бор,— деб сўрабди.

Ёки бўлмаса:

— Нега мўйловнинг мушуги бор?— деб сўрабди.

Одамлар ҳайрон бўлиб, елкаларини қисиб кетишга шошилар-кан, чунки ҳамманинг ҳам ўз иши, ўз ташвиши бор экан.

Бола ўсиб, улғайибди-ю, лекин ўша «негалаб» савол бериш ода-тини ҳали-ҳали ташламабди. Ҳозир ҳам саволни тескари берар-кан. Ҳатто катта бўлганида ҳам, ҳаммага савол бериб юраркан. Лекин ҳеч ким унинг саволига жавоб беролмас экан, албатта. Унинг жуда ҳафсаласи пир бўлиб, тоғ чўққисига тескарисига чи-қиб кетибди, у ерда ўзига кулба қурибди-да, ётиб олиб янги-яни саволлар тўқий бошлабди. Уйлаб топган саволларни дафтарга ўзиб борибди, кейин уларга жавоб топиш учун, роса бош қотириб-ди. Лекин ўз саволларидан биттасига ҳам жавоб тополмабди.

а) Саволларни ўзингиз бир кўринг:

«Нега соянинг қарағайи бор?»

«Нега булутлар хат ёзишмайди?»

«Нега почта марказлари пиво ичишмайди?»

У кўп ўйлаверганидан боши оғрий бошлабди, лекин у бунга эътибор бермай, устма-уст саволлар ўйлаб топаверибди. Секин-ас-та унинг соқол-мўйлови ўсибди, лекин қирқтиришни хаёлига ҳам келтирмабди. Бунинг ўрнига у янги савол ўйлаб топибди:

«Нега соқолнинг юзи бор?»

Хуллас, у жуда ғалати одам экан, бунақаси кам учраса керак. У ўлгандан кейин бир олим унинг ҳаётини ўрганиб, жуда ғалати бир илмий кашфиёт яратибди. Маълум бўлишича, бу саволчи одам болалигидан пайпоғини тескари кийишга одатланган экан, кейин бутун умр тескари кийиб юрибди. Бирон марта у пайпоғини тўғри киёлмаган экан. Шунинг учун ҳам у умрининг охиригача тўғри савол беришга ўрганолмаган экан.

Сен пайпоғингни бир кўргин-а, тўғри кийибсанми-йўқми?

## ЙУҚОЛСИН ТУҚҚИЗ

Бир ўқувчи ҳисоб чиқариб ўтирган экан.

— Ўн учни учга бўлиш керак,— деб ёўлдирабди у,— тўрт чиқади, бир каср қолади. Тўрт ёзамиз. Текшириб кўрамиз. Уч карра тўрт — ўн икки, яна бир билан ўн уч. Энди тўққизни йўқотиш керак...

— Ҳеч-де!— деб қичқирибди шу заҳоти тўққиз рақами.

— Ҳечнинг нимаси?— ҳайрон бўлибди ўқувчи.

— Шундай. Нега менга ёпишиб олдинг? Нега энди «йўқолсин тўққиз!»— деб қичқирасан. Сенга нима ёмонлик қилдим? Нима, мен инсониятнинг душманманми?

— Мен ахир...

— Ҳа, биламан! Жуда яхши биламан, доим усталик қилиб қутулиб кетасан. Лекин мен бу қилигнингга парво ҳам қилмайман. Истаганча қичқирishing, бақириб-чақирishing мумкин: «Соққадан қайнатилган шўрва йўқолсин!» ёки «Йўқолсин шариф! Ҳатто: «Йўқолсин қовурма ҳаво!» деб қичқирishing мумкин. Нега энди келиб-келиб «Йўқолсин тўққиз!» деб қичқирасан-а?

— Кечирасиз, мен чиндан ҳам...

— Гапимни бўлма! Тарбия кўрган, одобли одамлар бундай қилишмайди! Тўғри, мен бир хоналик рақамман, икки хоналик ҳар бир бир рақам менга ақл ўргатиши мумкин. Лекин менинг ҳам ўзимга яраша ғурурим бор, мени ҳамма ҳурмат қилишни талаб қиламан. Биринчи галда сенга ўхшаганлар. Хуллас, нима йўқолса йўқолсин-у, лекин мени тинч қўй.

Ўқувчи жуда хижолат бўлиб, довидираб қолганидан тўққиз рақамини чиқариб ташлашга юраги дов бермабди. Натижада ҳисобда хато кетибди-ю, икки баҳо олибди.

Донм кўнгилчанлик қилнш ҳам яхши эмас, тўғрими?

## ҚҰРИНМАС ТОНИНО

Бир куни Тонино исмли бола дарсини тайёрламаган экан. Мактабга кетаётиб, мендан сўраб қолмасайди, деб жуда кўрқибди.

«Эҳ, қани энди кўринмас бўлиб қолсам!»— деб уйлабди у ўзинча.

Дарс одатдагидай йўқламадан бошланибди. Ҳаётчи Тонинонинг фамилиясига етганда, у «шу ердан» деб жавоб берибди, лекин унинг жавобини ҳеч ким эшитмабди, Ҳаётчи бўлса шундай дебди:

— Афсуски, Тонино келмабди-да. Шу бугун ундан сўрамоқчи эдим-а. Агар касал бўлиб қолган бўлса, умид қиламизки, енгил этиб кетар.

Тонино орзуси ушалиб, ўзи кўзга кўринмас бўлиб қолганига энди ишонибди. У хурсанд бўлганидан парта тагидан пробкадай отилиб чиқибди-ю, тўппа-тўғри қоғоз парчаларига тўла ахлат саватига бориб тушибди, саватдан чиққач, синфда у ёқдан-бу ёққа югуриб юрибди, ўртоқларининг сочидан юлқилаб тортибди, сиеҳдонларни ағдарибди. Синфда гала-говур кўтарилибди! Ҳамма болалар ўзаро уришиб кетишибди, бир-бирларидан хафа бўлишибди, бироқ бу ҳийла-найрангларнинг ҳаммасига фақат биргина кўринмас Тонино айбдор эканлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмабди.

Ниҳоят бу эрмак Тонинонинг жонига тегибди. У мактабдан чиқибди-да, троллейбусга тушибди. У бўш жойга бориб ўтирибди, лекин билет олишни ўйламабди ҳам. Яхшиямки, кондуктор бари бир уни кўрмайди. Кейинги остановкада оғир сумка кўтарган бир синьора чиқибди. Бундай қараса, Тонино ўтирган жой бўш кўринибди. Синьора одам ўтирганини хаёлига ҳам келтирмай оғир сумкасини тўппа-тўғри Тонинонинг тиззасига қўйибди. Бечора Тонино димчиқ болай дебди, синьора бўлса бирдан бақириб қолибди:

— Ахир, бу нима деган гап? Бу қанақа товламачилик? Энди троллейбусда ҳам тиш ўтиролмаимизми? Буни бир кўринглар-а, сумкамни қўйсам, у ҳавода осилиб турибди!

Ҳамма пассажирлар бараварига гапириб кетишибди, роса тортишибди, ҳар бир шаҳар транспорти бошқармасини оғизга келган сўзлар билан сўка бошлабди.

Марказга етганда Тонино троллейбусдан тушибди-да, бир маза қилай деб қандолатчилик магазинига кирибди! Аввалига у ўзини пирожний ва ширин булкалар солинган вазаларга урибди, икки қўллаб ейишга тушибди, кейин турли ширинликларни ҳовучлаб чўнтагига сола бошлабди. Сотувчи аёл тоқчаларнинг бўшаётганини кўриб, қари холасига конфет олаётган бир серсават синьордан шубҳаланиб қолибди. Синьорнинг жаҳли чиқиб, эътироз билдирибди, албатта.

— Нима? Мен ўғриманми? Қим билан гаплашаётганингизни биласизми? Менинг отам ким бўлганини биласизми? Биласизми, менинг бувам ким бўлган?

— Билмайман, билдирингиз ҳам истамайман,— деб шартта гапини бўлибди сотувчи аёл.

— Нима? Менинг буваمنى ҳақорат қилишга қандай ҳаддингиз  
сизди!

Иккови роса ғижиллашиб кетишибди, ҳеч тинчтиб бўлмабди.  
Полициячи чопиб келибди. Кўринмас Тонино лейтенантнинг оёқ-  
лари орасидан лип этиб ўтибди-да, ўртоқларининг чиқишини кў-  
риш учун мактабга чопиб кетибди. Мана, эшиклар очилиб ўқувчи-  
лар чиқа бошлабди, йўқ, чиқишмабди, худди қор уюмидай зинадан  
тур этиб ёприлишибди. Тонино уларнинг ҳаммасини кўрибди-ю,  
уни ҳеч ким пайқамабди. У беҳудага гоҳ у боланинг, гоҳ бу бола-  
нинг олдига чошиб борибди, ошнаси Робертонинг сочидан тортиб-  
ди, беҳудага дўсти Гийскардага конфет узатибди. Уни кўришмаб-  
ди, уни ҳечам, сира ҳам пайқашмабди. Гўё у шишадан қилинган-  
дай, болалар унинг ортида турган бошқа болаларни кўрармиш.

Тонино ҳориб-чарчаб, гамгин уйига қайтибди. Ойиси уни кутиб  
турган экан. У балконда туриб, пастига қарармиш.

— Ойи, мен шу ердаман!— деб қичқирибди Тонино.

Бироқ ойиси уни кўрмабди. Кўрмабди ҳам, унинг қичқирганини  
эшитмабди ҳам. Ойиси хавотирда гўё ўғли бу ерда бутунлай йўқ-  
дай Тонинонинг боши оша кўчага, узоқларга тикилибди.

— Мана, дада, мен келдим!— дебди Тонино стол ёнидаги ўз  
жойига ўтараркан.

Бироқ дадаси ташвиш аралаш деразага қарабди-да, гўлли-  
рабди:

— Нега Тонино шу вақтгача келмаяпти-а? Унга бирор гап  
бўлмадимкин?

— Ахир, мен шу ердман-ку, ўтирибман-ку! Ойи! Дада! — деб  
қичқирибди Тонино.

Бироқ улар унинг овозини эшитишмабди.

Тонинонинг кўзларидан ёш чиқиб кетибди, у аччиқ-аччиқ йиғ-  
лабди. Унинг кўз ёшини ҳеч ким кўрмагандан кейин йиғлагандап  
нима фойда?

— Ортиқ кўринмай юришни истайман!— деб инграбди То-  
нино, унинг юраги эзилганидан тарс ёрилгудай бўлибди.— Дадам-  
нинг мени кўришини истайман, майли, ойм мени койисин, майли,  
мактабда мendan дарс сўрашин! Ўртоқларим билан ўйнашни ис-  
тайман! Кўринмай юриш қандай ёмон экан! Якка-ёлғиз бўлиш  
қандай ёмон!

У зинадан секин, бир-бир қадам босиб тушибди-да, ҳовлига  
чиқибди.

— Нега йиғлаялсан?— деб сўрабди сал нарида офтобда ис-  
ниб ўтирган чол.

Тонино энтикиб кетибди.

— Сиз мени кўряпсизми?— деб сўрабди.

— Албатта кўрялман. Мен сени ҳар куни, мактабдан қайтиб  
келаётганингда кўраман.

— Мен сизни негадир ҳечам кўрмасдим.

— Мен биламан, менга ҳеч ким эътибор бермайди, мени назар-  
писанд қилишмайди. Кекса пенсионерман, сўққабошман... Менга  
қараш болалардан қайси бирининг эсига келарди? Мен сизлар  
учун кўринмас одамдай бир гапман-да.

Шу пайт ойиси балкондан қичқириб қолибди:

— Тонино!

— Ойи, мени кўряпсизми?

— Уҳ, қайтага сени кўрмаганим яхши эди! Қани, уйга кир! Ҳозир даданг сен билан бир гаплашиб қўйсин...

— Кетяпман, ойи, кетяпман!— деб қичқирибди Тонино ичига сиймай.

— Демак, калтак ейишдан ҳам кўрқмас экансан-да? — дебди чол кулимсираб.

Тонино югуриб бориб чолнинг бўйнидан кучоқлабди-ю, серажин юзидан чўлп-чўлп ўпиб дебди:

— Сиз мени кутқардингиз.

— Э, энди жудаям ошириб юбординг, — дебди чол.

## МЕҲРИБОН ЖИЛЬБЕРТО

Содда Жильберто ҳамма нарсани тез ўрганиб олишни истаркан. Шунинг учун ҳам у доим катталарнинг гапига қулоқ соларкан.

Бир кунни бир хотиннинг иккинчисига шундай деганини эшитиб қолибди:

— Филомонга бир қаранг-а, у ойисини жудаям яхши кўради-да, у ойисига қулоқларида сув олиб келиб беришга ҳам тайёр.

«Бу чиройли, ажойиб сўзларни эслаб қолиш керак», — деб ўйлабди кўнгилчан Жильберто.

Орадан бир оз вақт ўтгандан кейин ойиси уни чақириб, шундай дебди:

— Жильберто, ўғлим, водопроводдан бир челақ сув олиб келиб бергни.

— Ҳозир ойнажон, — дебди Жильберто, ўзича эса ўйлабди: «Ҳозир ойнажон қанчалик яхши кўришимни кўрсатаман. Унга сувни челақда эмас, қулоқларимда олиб келиб бераман».

У водопровод олдига борибди-да, бошини кран тагида эгиб турибди: қулоқларига сув тўлганини сезгандан кейин, шоша-пиша орқасига қайтибди. Қулоғига бир ангишвона сув кетибди, уни уйига гача тўкмай олиб бориш учун, бошини қийшайтириб юришга мажбур бўлибди.

— Қани, сув олиб келдингми? — деб сўрабди ойиси. Ойиси кир ювмоқчи экан.

— Мана, ойнажон, — деб жавоб берибди Жильберто ҳансираб.

Бироқ жавоб бериш учун Жильберто бошини тўғри туттишга мажбур бўлибди, қулоғидаги сув тўкилиб, бўйнидан оқиб кетибди. Нима қилсин? Яна сувга бориб иккинчи қулоғига сув тўлдиршига тўғри келибди. Қулоғига бир ангишвона сув кетибди. Жильберто яна бошини қийшайтириб юришга мажбур бўлибди, фақат бу гал бошқа томонга қийшайтирибди. Бироқ уйига етгунча оқиб кетибди.

— Ахир, сув олиб келасанми-йўқми? — деб сўрабди ойиси. Ойисининг жаҳли чиқа бошлабди.

«Балким, менинг қулоқларим жудаям кичкинадир?» — деб ўй-

лабди Жильберто қаттиқ хафа бўлиб. Ойиси жудаям тутоқиб кетибди. У, ўғлим сув олиб келиш ўрнига, ўзича ўйнаб юрибди деб ўйлаб, Жильбертонинг икки юзига тарсаки туширибди.

Бечора Жильберто!

У индамабди, ҳаммасига чидабди-ю, лекин бошқа сафар сувни челақда олиб келишга қарор қилибди.

## «ИИФЛАМОҚ» СУЗИ

Бу воқеа ҳали содир бўлмабди-ю, лекин эртага, албатта, юз берармиш. Қанақа воқеа? Мана эшитинг!

Эртасига бир доно кекса муаллима ўз ўқувчиларини иккитадан сафга тизибди-да, ўтмиш Замонлар Музейига олиб келибди. Бу ерда қирол тожи, қиролича кўйлаги ёки Монце шаҳрида трамвай деб аташадиган ўша харобага ўхшаш, ҳозир ҳеч кимга кераги бўлмаган ўтмиш буюмлари сақланар экан.

Витриналарнинг бирида устини сал чанг босган ИИФЛАМОҚ сўзи ётганмиш.

Эртанги ўқувчилар карточкани ўқишибди-ю, лекин ҳеч нимага тушунишмабди.

— Синьора муаллима, бу нима дегани?

— Балки бу қадимий бир безакдир?

— Эҳтимол, бу этрусклардан қолгандир?

Муаллима, бу сўз бир вақтлар ҳар қадамда тез-тез учраб турарди, одамларга озор берарди деб тушунтирибди. Муаллима болаларга ингичка найча олиб, печатлаб қўйилган кўз ёшини кўрсатибди, ҳозир бу кимнинг кўз ёши эканлигини унутиб юборишган. Эҳтимол, хўжайини ўласи қилиб калтаклаган қулдир, балким, уйи, бошланаси бўлмаган ёш боланнинг кўз ёшидир.

— Бу кўз ёшлар сувга ўхшайди, — дебди ўқувчилар.

— Лекин улар кўзларни ачиштирар, кўйдирар эди, — дебди муаллима.

— Уларни ишлатишдан аввал қайнатиб олишармиди?

Йўқ, ўқувчилар аввалгидай, бари бир ҳеч нимага тушунишмабди, зерика бошлашибди. Ушандан кейин меҳрибон муаллима болаларни қамоқ панжараси, полициянинг исковуч итига ўхшаш оддий буюмлар қўйилган бошқа залларга олиб ўтибди. Хуллас, музейнинг бу залларидаги буюмлардан Эртанги дунёда ҳеч қандай нишона бўлмас экан.

## ЖИМИЖИМИ ИСИТМА

Қизча касал бўлиб қолса, унга қўшилиб қўғирчоқлари ҳам касал бўларкан, қизча зеркиб қолмасин дейишаркан-да. Қизчани кўргани доктор келаркан, қўғирчоқлари эса бувасини чақиришаркан. Буваси келиб уларни яхшилаб кўраркан, дори-дармон ёзиб

бераркан, кейин ҳар бир қўғирчоққа ўзининг шарикли ручкаси билан укол қиларкан.

— Биласизми, доктор, мана бу бола касал бўлиб қолди,— деркан қизча.

— Хўп, ҳозир кўрамиз. Қани, нафас олинг-чи... У! Иш чатор-у! Узим ҳам шундай деб ўйловдим. Менимча, у инжиқлик касалига чалинган.

— Бу хавфлими, доктор?

— Жудаям хавфли. Сиеҳ қилинадиган қаламдан суюқ дорн тайёрлаб ичиринг, уйқу олдидан яллизли конфет қоғози билан танасини ишқаланг.

— Хўш, бу кўзлари юмиладиган қизча ҳам касалми?

— Касали оғир, буни дурбинсиз кўрса ҳам бўлади.

— Вой, унга нима қилибди?

— Хўш, ҳозир кўрамиз... Хўш, сал шамоллабди, бир оз маъюслик дардига чалинибди, яна қулупнайни кўп еб, бўкиш касалига йўлиқибди.

— Вой шўрим! У ўлиб қолмайдими?

— Йўқ, ўлим хавфи йўқ. Лекин дори берилса зарар қилмайди. Хўш, шундай қилинг: бир таблетка тентакдин олиб, бир стакан ифлос сувда эритинг. Фақат стакан кўк бўлсин, стакан қизил бўлса, унинг тиши оғриб қолиши мумкин.

Бир кун и эрталаб қизча жуда тетик бўлиб уйғонибди. Доктор унга ўрнидан туришга рухсат берибди. Бироқ ойиси қизчасига нимча, кўйлак ва туфлиларини тайёрлагунча буvasининг қош-қовоғи осилиб пабирасини ўзи кўрмоқчи бўлибди.

— Қани, бир кўрайлик-чи,— дебди у.— Қани, ўттиз уч дегин. Хўп. Энди: гизгиза дегин. Энди бирор ашулани айтгин. Ҳаммаси тушунарли... Ойиси, қизингиз жимижими иситма касалига чалинган, ҳа, бу аниқ.

## ЯҚШАНБА ТОНГИ

Агар сиз, синьор Чезаре қанақа одам, деб сўраб қолгудай бўлсангиз, албатта «Одатига риоя қиладиган киши» дейишаркан. Ҳар якшанба кун и у уйқудан кеч тураркан, эгнида пижамаси билан хонада узоқ санқиб юрар, соат ўн бирга занг урганда соқолини олишга ўтираркан. У соқолини ваннада оларкан ва доимо эшигини очиқ қолдираркан.

Франческо шу дақиқани сабрсизлик билан кутаркан, Франческонинг ёши олтида экан-у, лекин унда ҳозирданоқ медицинага, айниқса жарроҳликка ҳавас, иштиёқ аниқ сезиларкан.

Отаси соқол олишга ўтириши билан Франческо аптекадан бир сиқим пахта, денатурат солинган шиша, жиндек малҳам олиб ваннага кираркан-у, скамейкага ўтириб кутаркан.

— Сенга нима керак?— деб сўраркан синьор Чезаре, нягига совун сураркан. У бошқа кунлари соқоллини электр бритвада олар-

кан-у, дам олиш кунлари эса совуни кўпиртириб, худди бурунги замондагидай устара билан оларкан.

— Сенга нима керак?

Франческо скамейкада жуда жиддий, миқ этмай ўтираркан.

— Хўш?

— Биласизми, — деркан Франческо, — агар бирор жойингизни кесиб олсангиз, сизга дарров ёрдам бераман.

— Жуда соз, — дебди синьор Чезаре.

— Фақат ўтган дам олиш кундагига ўхшаб, жўрттага кесиб олманг, — дебди Франческо жуда жиддий қиёфада. — Жўрттага кессангиз ҳисобга ўтмайди.

— Тушунарли, — дебди синьор Чезаре.

Бироқ синьор Чезаре жўрттага кесмасликка қанча уринмасин, ҳеч уддасидан чиқолмасмиш. У устарани беҳосдан бошқача юргизишга ҳаракат қиларкан-у, бироқ бу жуда қийин экан, ҳеч иложи йа қилолмабди. У бепарво бўлиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қиларкан-у, лекин ҳеч кўнгилдагидай, ўйлаганидай бўлмас экан. Ниҳоят у бир йўлни қилиб кесиб олибди. Франческо дарров ишга тушиб кетибди. У пахта билан жиндек қон чиққан жойини артибди, кейин тилинган ерини денатурат билан дезинфекция қилибди ва малҳамдан ёпиштириб қўйибди.

Ҳар дам олиш кунини шу такрорланаркан. Ҳар дам олиш кунини синьор Чезаре ўглига бир томчи қонини ҳадя қиларкан, Франческо бўлса бу дунёда отасидан ўтадиган паришонхотир одам йўқлигига янада кўпроқ ишонч ҳосил қилибди.

## КИЧКИНА КОСМОНАВТ

Қани, менга айтинг-чи, қайси бирингиз қандолат магазинида бўлмагансиз? Менимча, ҳаммангиз бўлгансиз. Жуда соз, демак интринадаги кумуш қоғозга ўроглиқ шоколад бомба-ю, тухумларини ҳаммангиз кўргансиз. Ойиси ўша бомбани сотиб олиб берган бола, ичида нима бор экан деб жуда қизиқса, очинишга шошилса керак, албатта. Чунки бундай бомбанинг ичида, албатта бирор ғалати нарса яширинган бўларкан: митти қўғирчоқми, кичкинагина ўйинчоқ чойнакми ёки шунга ўхшаш бирор нарса бўларкан.

Хўш... Шошманг, шошманглар, бу қачон бўлувди? Ҳа, эсладим, ўтган йили, дам олиш кунини эрталаб профессор Тиболланинг уйида ани шундай шоколад тухумини тантанали равишда очмоқчи бўлишганди. Профессор пичоқ олиб, уни кесибди-ю бирдан... Сиз, албатта, ҳамма ғалати бир нарсани кўргандир деб ўйларсиз-а? Жуда тўғри. Тухум ичидан жўжа чиқибди. Яна оддий жўжа эмас, космонавт жўжа эмиш. У ўзимизнинг хонаки жўжага жуда ўхшармиш-у, фақат унинг бошида юмалоқ шлёми бор эмиш, тепасида эса телеантенна чайқалиб турганмиш.

Профессор, синьора Луиза, уларнинг болаларини бараварига:

— «Вой!» — деб қичқилиб юборишибди. Ҳайратдан анчагача бошқа бирор сўз айтишолмабди.



Жўжа бўлса теварак-атрофга норози бўлиб аланглабди-да, кейин тўнғиллабди:

— Сиз ўз планетангизда жуда орқада қолиб кетибсизлар! Сизда энди якшанба бўлса, бизда, Марс-8 да ҳозир чоршанба.

— Шу ойнингми?— деб сўрабди профессор Тиболла.

— Э, қаёқда, нималар деяпсиз! Қелгуси ойнинг чоршанба кунинда, албатта. Йил билан ўлчаганда биз сизлардан роппа-роса йнгирма беш йил олдиндамыз.

Жўжа шундай дебди-да, оёғининг чигилини ёзиш учун столда у ёқдан-бу ёққа юра бошлабди, яна ўзича алланималар деб тўнғиллабди:

— Аттани! Қандай кўнгилсиз воқеа-я!

— Нимадан хафа бўляпсиз?— деб сўрабди синьора Луиза.

— Нимадан!— деб қичқирибди жўжа.— Ахир сиз космик кема ни синдириб қўйдингиз-ку. Энди мен Марс-8 га қайтиб учиб кетолмайман.

— Сиз ўзингизча нималар деяпсиз, йнгитча?—дебди профессор тоқати тоқ бўлиб.— Қанақа космик кема? Биз бу тухумни сотиб олдик... Ҳа, уни қандолат магазинидан сотиб олдик.

— Ҳеч нимани билмас экансиз,— деб эътироз билдирибди жўжа.— Бу тухум аслида чинакам космик кема, шунчаки шоколад тухумни ниқоб қилиб олган, мен бўлсам жўжа ниқобидаги капитанман.

— Хўш, ундай бўлса.. ҳалиги, экипажингиз қани?

— Менинг кемам бир ўринли, шунинг учун мен ўзим ҳам экипажман, ҳам командирман. Командир эдим. Энди мансабимни пасайтиришади, албатта. Бунақа ишлар учун энг камида полковник мансабини беришади.

— Пасайтириш шунақа бўлса, жуда зўр-ку!— дебди профессор ҳайрон бўлиб.— Полковник капитандан анча баланд-ку.

— Сизларда, Ерда шунақа, чунки сизда ҳамма нарса теска-рисига қилинади. Бизда энг юқори мансаб — бу оддий гражданин. Э, сизларга гапирганимнинг нима фойдаси бор! Топшириқ бажарилмади-да..

— Биз сизга жуда ачинаймиз дейишимиз мумкин эди-ю... Лекин биз қанақа топшириқ олганингизни билмаймиз-да.

— Э, буни ўзим ҳам билмайман! Мен ўз кемам билан қандолат магазини витринасида ётиб, махфий жосусимизнинг кўрсатмасини куттишим керак эди.

— Қизиқ!— дебди профессор.— Демак, бизда, Ерда сизнинг махфий жосусларингиз бор экан-да? Борди-ю, мен полицияга бориб, ҳамма гапни айтиб берсам-чи?

— Марҳамат! Истаган одамнингизга айтинг. Менинг уйимда, космонавт жўжа бор дегн. Ҳамма сизни калака қилиб кулади.

— Ҳа, бу ҳам тўғри. Ҳозирча ўзимиздан бошқа ҳеч ким йўқ, гувоҳлар йўқ, балким бизга ўша.. ҳалиги жосусларингиз ҳақида батафсилроқ гапириб берарсиз.

— Уларга, йнгирма уч йилдан кейин Марс-8 га учадиган ер экипажини танилаб олиш ваэпфаси топширилган.

— Кечярасиз, ахир бу жуда кулгили гап-ку! Биз ҳатто ўша Марс-8 нинг қаердалигини билмаймиз-у.

— Сиз, ҳурматли профессор, биз вақт ҳисобида сизлардан йигирма беш йил олдин эканлигимизни унутиб қўйяпсиз. Масалан, Марс-8 га учадиган космик кема командирининг исми Жино эканлигини биз ҳозирданоқ биламиз.

— Ана холос!— дебди профессор Тиболланинг катта ўғли (Де-мак, менинг исминга ўхшаркан-да?)

— Бу шунчаки тасодиф,— дебди жўжа, болага қайрилиб ҳәм қарамай.— Шундай қилиб, унинг исми Жино, ёши ўттиз учда бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ҳозир Ерда саккиз ёшда.

— Қойил!— деб қичқириб юборибди Жино.— Худди менга ўхшайди-я. Менинг ёшим ҳам саккизда.

— Гапимни ҳадеб бўлаверма!— дебди жўжа жаҳли чиқиб.— Ҳали тушунтирганимдек, бизга Жино ва бўлажак экипажнинг бошқа аъзоларини топиш вазифаси топширилган. Биз сездирмай уларга кўз-қулоқ бўлиб юришимиз, яхшилаб тарбиялашимиз керак.

— Нима, нима?— деб қичқирибди профессор жиғи-бийрон бўлиб.— Нима, сиз ҳали болаларингизни ёмон тарбияляпсиз, демоқчимисиз?

— Нима, сизнингча, яхшимми?— деб чийиллабди жўжа.— Биринчидан, сиз уларга ўзлари яшаётган аср — планеталараро саёҳатлар асри деган фикрни сингдирмайсиз, келажакда уларнинг юлдузлар оламига учинини айтмайсиз. Иккинчидан, улар фақат Ер граждандлари эмас, шунингдек бутун кoinот граждандлари эканлигини уқтирмайсиз. Учунчидан, «душман» деган сўзнинг Ердан ташқарида ишлатилмаслигини уларга тушутирмайсиз. Тўртинчидан...

— Кечирасиз, командир,— деб унинг гапини бўлибди синьора Луиза.— Ўша Жинонингизнинг фамилияси нима, айтиб беролмай-сизми?

— Доимо аниқ гапириш керак, синьора. Бизнинг эмас, сизнинг Жинонгиз. Ҳа, бизга унинг фамилияси маълум. Унинг исми фамилияси Жино Тиболла.

Профессорнинг ўғли бу гапни эшитиб сакраб, овозининг борича қичқирибди:

— Ахир, бу менман-ку! Ур-р-а-а!

— «Урранг» нимаси?— дебди синьора Луиза.— Наҳотки сен даданг икковимиз руҳсат берамиз деб ўйласанг...

Бироқ жўжа пир этиб учибди-да, Жинонинг қўлига бориб қўнибди.

— Ура!— деб чийиллабди у ҳам боладан кейин.— Топшириқ бажарилди. Йигирма беш йилдан кейин уйга қайтиб кета оламан.

— Тухумни нима қиламиз?— деб тортиниб сўрабди Жинонинг сингилиси, у боятдан бери унга тикилиб қараб турган экан.

— Нима қилардик, еймиз-да!

Улар худди шундай қилишибди.

## ЮЛДУЗЛАРГА ОЛИБ ЧИҚАДИГАЙ ЛИФТ

Ромолетто ўн учга чиққанида уни «Италия» майхонасига официантга югурдак қилиб олишибди. Унга уйма-уй юриб миждозларга хизмат қилишни топширибди. У кунни бўйи кўчаларда у ёқдан-бу ёққа чопиб юрар, зиналардан тушиб-чиқаркан, қаҳва, шўрва қўйилган, стаканлар териб қўйилган патнис қийшайиб, силкиниб кетмасин деб доимо хавотирда бўларкан, чунки патнисдаги стаканлар ҳар зумда ерга тушиб кетиши мумкин экан.

Айниқса у зиналардан безор бўлибди, тушиб-чиқавериш жонига тегибди. Римда ҳам бошқа мамлакатлардаги сингари, лифтёрлар лифтларини официантлар, сутчилар, сабзавотчилардан, хумлас, зинадан чиқишда ҳаммадан кўп қийналадиганлардан эҳтиёт қилишаркан. Лифтёрлар уларни ҳечам лифт кабинасига қўйишмас экан, агар бир зумга кетишадиган бўлса, ўринларига жуда ваҳимали эълон осиб қўйишаркан.

Бир кунни эрталаб майхонага бир юз учинчи уйнинг ўн тўртинчи хонасидан қўнғироқ қилишиб, тўрт кружка пиво билан муз солинган чой келтиришни буюришибди.

— Фақат тезроқ олиб келсин, бўлмаса ҳамма нарсани, ўша юборган одамнингизга қўшиб деразадан отиб юбораман,— дебди хириллаган овоз. Бу ўша маълум ва машҳур маркиз Венанционинг овози экан. Чор атрофдаги магазинларнинг югурдакларни, официантлар, чопарлар маркиз Венанционинг номини эшитишса, юраклари орқасига тортиб кетаркан.

Бу юз учинчи уйнинг қонун-қондалари ҳам жуда оғир, лифтёри ҳам ўлгудек қаттиқ қўл экан, лекин Ромолетто бу қоровулни қандай қилиб алдаш, уни чалғитиш йўлини биларкан. Бу лифтёр гарчи жудаям ҳушёр, сергак деб ном чиқарган бўлса-да, қоровулхонасида доим мудраб ўтираркан. Бола кабинага сездирмай лип этиб кирибди-ю, автоматга беш лира ташлабди, бешинчи кнопкани босибди, лифт гичирлаб юқорига кўтарилди. Мана, биринчи, иккинчи қаватдан ўтибди. Мана, тўртинчи қаватдан ҳам ўтибди, бешинчи қаватнинг майдончаси ҳам келибди, лекин лифт тўхташ ўрнига, юқорига жадал кўтарилаверибди. Маркиз Венанционинг майдончасидан ҳам ўтиб кетибди, Ромолетто нима гаплигига ҳайрон бўлишга ҳам улгурмасдан бундай қараса, бутун Рим унинг оёғи тағида ётганмиш. Лифт бўлса ҳамон юқорига кўтарилармиш. Энди у ракета тезлигида мовий осмон қўйинини ёриб, ўқдай учиб борармиш, осмон жудаям мовий бўлганидан қорага ўхшаб кўриармиш.

— Саломат бўлсинлар, Маркиз Венанцио!— дебди Ромолетто, лекин шу заҳоти бадани жимирлашиб кетибди.

Бироқ сиз, Ромолетто пиво қўйилган кружка ва чой қўйилган стаканлар терилган патнисни бир зумга бўлса ҳам унутгандир деб ўйласангиз, жуда қаттиқ янглишасиз. У ҳамон патнисни чап қўлида маҳкам ушлаб, чайқалиб кетмасин деб жуда ҳушёр туради. Бу жуда кулгили экан, чунки чор атроф космик фазо бўлиб,

фақат кўз илғамас пастликда, ўша тагсиз бўшлиқда Ер кўкариб кўринаркан, холос. Ер ўз ўқи атрофида секин айланиб, пиво ва муз солинган чойни кутиб ўтирган баджаҳл маркиз Венанциони тобора узоққа олиб кетаркан.

«Ҳар қолда Марсианларнинг ҳузурига икки қўлимни бурнимга тикиб, қуруқдан-қуруқ бормаيمان-ку»,— деб ўйлабди Ромолетто кўзларини қисиб. Кўзларини очса, лифт секин пастга тушаётган эмиш.

«Жуда сози!— дебди ўзича Ромолетто ва енгил нафас олибди.— Бари бир пиво ҳали илиганича йўқ, чой бўлса муздай».

Лекин кейин билса, бекорга хурсанд бўлган экан, чунки лифт сира ўтиб бўлмас тропик ўрмоннинг қоқ ўртасига келиб тушибди. Ромолетто кабинанинг ойиванд эшикларидан қараб, унинг чор атрофини аллақандай, галаги соқолли маймулар ўраб олганини кўрибди. Улар асабийлашиб, бармоқлари билан уни кўрсатишар, қандайдир тушуниб бўлмайдиган тилда алланималар деб бидирлашиб гаплашишаркан.

«Мен Африкага тушиб қолмадиммикан?» деб ўйлабди Ромолетто.

Лекин шу пайт маймулар тўдаси икки томонга сурилишибди-ю, ўртада кутилмаган меҳмон — баҳайбат уч гилдиракли велосипедада эгнига кўк полиция формаси кийган, каттакон маймун пайдо бўлибди.

«Полиция! Энди ҳушёр бўл, Ромолетто!»

«Италия майхонаси официантининг ёш шогирди ҳар лаҳзани ганимат билиб, бармоғига илинган биринчи кнопкани кучининг борича босибди. Лифт бирдан кўтарилиб, товушдан ҳам тез учибди. Лифт анча баланд кўтарилгандан кейин Ромолетто пастга қарабди, у ҳозир ўзи қочиб кетган планетанинг Ер эмаслигини ана ўшандагина фаҳмлабди. Унинг қитъа ва денгизларнинг кўрилиши бутунлай бошқача эмиш, уни қоплаган туман Ер атрофидаги туманга ўхшаб кўк рангда эмас, яшилсимон бўлиб, гунафша рангда товланармиш.

— Эҳтимол, бу Венерадир,— деб ўйлабди Ромолетто.— Венера ўз йўли билан-у, лекин маркиз Венанциога нима дейман?

У патнисдаги кружкаларни ушлаб кўрибди, улар майхонадан чиқаётгандагидай совуқ эмиш. Демак, ҳамма саргузаштлар атиги бир неча минутда бўлиб ўтибди-да.

Лифт чўлга ўхшаган бепоён бўшлиқни яшин тезлигида учиб ўтибди-да, яна пасая бошлабди. Лекин бу гал Ромолетто ҳеч қандай шубҳага бормабди.

— Йел!— деб қичқириб юборибди у.— Ахир, бу Ой-ку! Ойга кўняпмиз-а! Қойил-ел! Шошма, у ерда нима ҳам қилдим?

Бу орада ойдаги машҳур кратерлар қуюндай яқинлашиб келаятганмиш. Ромолетто бўш қўлини кнопкали тахтага энди чўзмоқчи бўлган экан, бирдан миясига янги фикр келиб қолибди.

«Шошма!— дебди у ўзинга-ўзи.— Кел, мияни бир ишлатайлик».

У патнисни боши устида кўтариб, кнопкаларга диққат билан тикилибди. Ҳар бир кнопка қошида қанақадир рақам бор эмиш,

фақат энг пастки кнопка ёнига аллақандай сўз ёзилганимиш, лекин у сўз ўчиб кетган бўлиб, Ромолетто уни ўқиб чиқаролмабди. Фақат биринчи ҳарфигина аниқ кўринармиш, кимдир қизил қалам билан атрофини чизиб қўйганмиш, у — «Е» ҳарфи экан. Хўш, бу нимани англатиши мумкин? Ие, «Ер» дегани-да, албатта.

— Қани, бир уриниб кўрайлик-чи,— дебди Ромолетто оғир хўрсиниб.

У пастки кнопкани босибди, лифт шу заҳоти янги орбитадан кетибди. Орадан бир минут, яна бир минут ўтибди, мана у Рим осмони қўйнига кирибди. Орадан бир зум ўтмай, лифт томни тешиб, бир юз учинчи уйдаги шахтасига тушибди, ўша ҳушёр лифтёр мудраб ўтирган машҳур қоровулхонанинг рўпарасига келиб тўхтабди, лифтёр бўлса ўз лифтининг планеталараро сайр қилганини хаёлига ҳам келтирмабди.

Ромолетто кабинадан отилиб чиқибди-да, орқа-олдига қарамай, ҳатто лифт эшигини ҳам ёпмай зинадан юқорига чопибди. У бирданига бешинчи қаватга чиқибди-да, ўн тўртинчи хонанинг эшигини тақиллатибди, кейин бошини қуйи солганича маркиз Венаццонинг панд-насихатини, танбеҳини эшитибди.

— Хўш, энди келдингми?— деб ўшқирибди у. — Шу вақтгача қаерларда санқиб юрувдинг, қани, бир билиб қўяйлик. Ахир, биласанми, ўша лаънати пиво билан муз солинган чойни буюрганимдан буён роса ўн тўрт минут вақт ўтди-я! Сенинг ўрнингда Гагарин бўлса, Ойга ҳам учиб чиқиб келишга улгурарди.

— «Эҳтимол, ундан ҳам узоққа чиқар»,— деб ўйлабди Ромолетто кўнглида, лекин индамай қўя қолибди. Бахтига пиво билан чой ҳали ҳам муздай экан.

## СОЛДАТ АДЕЛИ

Ҳамма урушлар тугагандан кейин солдат Винченцо Да Жакомо уйига қайтибди. У жулдури чиққан ҳарбий формада, биттагина адёли билан қайтиб келибди. Бунинг устига қаттиқ йўтал ҳам орттирибди. У узоқ йиллар жанг қилиб, орттирган нарсаси шу йўтал-у, эски адёл бўлибди.

—Энди дам олай,— дебди уйдагиларга.

Бироқ минут сайин йўтали тутиб, қаттиқ қийналибди-ю, уч ойга бормай оламдан ўтибди. Хотин-болаларига солдатдан фақат эски адёли қолибди, холос. Беванинг учта боласи бор экан, икки уруш ўртасида туғилган энг кичкинаси эндигина бешга тўлган экан. Солдат адёли шу боласига тегибди.

Бола ҳар куни ухлагани ётганида устига отасининг ўша адёлини ёпишаркан, онаси ҳар куни айтадиган ўша узундан-узоқ эртагини бошларкан. Эртақда бир пари жуда катта адёл тўқибди, шунақаям катта эканки, ер юзнда совуқ қотиб юрган ҳамма болаларининг ёпинишига етаркан. Лекин доимо негадир болалардан биттасига етмай қоларкан, у йиғлаб-сихтаб исиниб олиш учун

адёлнинг бир учини сўраркан, бироқ унинг йиғисига ҳеч ким парво қилмас экан.

Ушандан кейин пари эски адёлни сўкиб ташлаб, янғисини, каттароғини тўқишга киришаркан, чунки янги адёл албатта бутун, ҳечам ямоғи бўлмаслиги керак. Раҳмдил пари чарчаш нималигини билмай, бир зум дам олмай эртаю кеч тўқир экан. Бола эртак тугамасданоқ ухлаб қоларкан. Пари ҳаммага етадиган адёл тўқий оладими-йўқми, бола шу-шу билолмабди.

Боланинг оти Женнаро экан, у онласи билан Кассино яқинида яшаркан. Бу ерларда қиш совуқ бўларкан, бу йил айниқса жудаям совуқ келибди. Уйда егани ҳеч нима йўқ экан, бунинг устига кичкина Женнаронинг онаси касал бўлиб, кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб олибди. Бечоралар жуда мушкул аҳволда қолишибди. Уйлашиб-уйлашиб, болани яхши, раҳмдил одамларнинг қўлига беришга қарор қилишибди. Бир вақтлар бу одамлар Женнаронинг отасининг қўшнисини бўлишган экан, улар энди гариб, дайди бўлиб қолишибди. Бу одамларнинг парти кетиб, шарти қолган эски бир соявон аравадаси бор экан. Улар шу аравада бутун округни айланиб юришаркан: баъзи жойларда тиланчилик қилишаркан, баъзида шарманка чалиб, одамларнинг кўнглини олишаркан, яна бошқа жойда ўнқир-чўнқирли узоқ йўлда кўплашиб тол новдасидан тўқяган саватларини сотишаркан.

Женнаронинг қўлига тўти солинган қафасни бериб қўйишибди. Тўти кароматли сўзлар ёзилган билетларни тумшуги билан тортиб оларкан. Ҳамма бу билетларни «бахт» деб атаркан. Бола қафаси билан майдонга чиқса, одамлар дарров унинг атрофини ўраб олишаркан. Кимдир унга бир неча танга бераркан, ўшандан кейин Женнаро тўтани ўша кароматли сўзлар ёзилган билетни тортиб олишга мажбур атаркан.

Кунлар бир хилда ва жуда зерикарли ўтаверибди. Баъзида улар одамлари булардан ҳам қашшоқ, хайр-садақа ҳам қилолмайдиган қишлоққа кириб қолншаркан. Бундай кунлари Женнарога бир бурдагина нон тегаркан, қуруқ шўрвани ҳам кичкина тарелкада беришаркан. Кечаси ўрнига ётиб, отасининг эски адёлини тортиб, унинг тахир ҳидини ҳидлаб, исиниб, ширин уйқуга кетаркан. Тушида тўти унга қизиқ-қизиқ ажойиб эртақлар айтиб бераркан.

Узоқ-узоқ вилоятларда, машаққатли йўлларда сарсов-саргардон бўлиб юрган бу оила бошлиғи ҳам Женнаронинг отасига ўхшаб бир вақтлар солдат бўлган экан, ҳатто у билан бир полкда хизмат қилган экан. У болани ўз ўғлидай яхши кўриб қолибди, бошидан кечирганларини унга гапириб берибди. Бир кун у шунчаки эрмак учун Женнарони йўл бўйидаги тахталарга ёзилган ёзувларни ўқишга ўргатибди. Бу тахталарга уларнинг йўлида учраган қишлоқ ва шаҳарларнинг номлари ёзиб қўйилганмиш:

— Кўриясанми? Мана бу «А», — дебди у. — Мана буниси, чўпдай ингичка «И», ҳув анависи, эшикка ўхшагани «П».

Женнаро ҳаммасини бирпасда билиб олибди. Дайди унга дафтар ва қалам сотиб олиб берибди, йўл бўйидаги тахталарда-

ги ёзувларни кўчириб ёзишни ўргатибди. Женнаро бирор шаҳар. Ёки жойнинг номини тўғри, беҳато ёзишга уриниб, бутун-бутун варақларни тўлдириб ташлабди. Мана, ниҳоят, у бировнинг ёрдамисиз ўз исмини тўғри ёзадиган бўлибди. Узи ёзибди-я, битта ҳам хато қилмабди-я! Уша куни унинг ҳаётида энг бахтли кун бўлибди. Отасининг эски адёлига ўралиб олиб уйқуга кетганида жуда ажойиб тушлар кўрадиган бўлибди.

## ЧАТОҚЧИ БУВА

— Бир бор экан, бир йўқ экан, бир қизча яшаган экан, унинг исми Сариқ Шапкача экан.

— Йўқ, Қизил Шапкача.

— Ҳа, ҳа, Қизил Шапкача. Бир кунн онаси чақириб, унга шундай дебди: «Кўк Шапкача...».

— Э, нима деяпсиз! Қизил дедиму?

— Ҳа-я. Қизил. «Холангникига бориб кел, унга манави картошка пўчоғини олиб бориб берасан...».

— Йўқ, ундай эмас! «Бувингникига бориб кел, сомса олиб бориб бер».

— Ҳа, майли, Қизча ўрмонга кирибди, шу пайт рўпарасидан Жирафа чиқиб қолибди.

— Вой, ҳаммасини чалкаштириб юбордингиз-ку, унинг рўпарасидан жирафа эмас, бўри чиқиб қолибди.

— Ҳа. Уша бўри «Олти карра саккиз қанча бўлади?» дебди.

— Йўқ, йўқ! У Қизил Шапкачадан «Қаёққа кетяпсан, Қизил Шапкача?»— деб сўрабди.

— Ҳа, тўғри айтдинг. Қора Шапкача шундай...

— У Қизил Шапкача, Қизил, Қизил!

— Ҳа, у шундай деб жавоб берибди: «Бозордан помидор қиёми олиб келгани кетяпман».

— Йўқ, ҳечам унақа эмас! «Қасал бувимни кўргани кетяпман, фақат адашиб қолдим, йўлни тополмаяпман».

— Тўғри. От унга шундай...

— Қанақа от? Ахир бўри эди-ю!

— Бўлмасам-чи, албатта бўри. Хўп, бўри шундай дебди: «Етмиш бешинчи трамвайга ўтириб, Дуомо майдонигача боргин. Майдонга тушганингдан кейин, чап томонга бурилгин, шунда уч погонали нарвонга дуч келасан. Нарвон олдида, ерда ётган сольдони<sup>1</sup> кўрасан. Нарвонга тегмагин, сольдога сақич сотиб олгин».

— Бува, сиз ҳечам эртак айтишни билмас экансиз, ҳаммасини чалкаштириб юбордингиз. Сиз чинакам чатоқчисиз. Лекин барибир менга сақич сотиб олиб берасиз.

— Бўпти. Ма, сенга сольдо.

Бола чопиб кетибди, буваси яна газета ўқишга тушибди.

<sup>1</sup> Сольдо — Италия чақаси.

## ҒОЙИБДАН ҚЕЛГАН ОДАМЧА

Бир бор экан, бир йўқ экан, ғойибдан келган бир одамча яшаган экан. Унинг бурни ҳам, оғзи ҳам, костюми ҳам, ҳатто оёғидаги ботинкаси ҳам ғойибдан келган экан. Бир куни у ғойибдан келган йўлдан юриб бир сайр қилмоқчи бўлибди, бу йўл ҳеч қачонқа олиб бормас экан. Юриб-юриб ғойибдан келган сичқонни учратиб қолибди.

— Сен мушуклардан қўрқмайсанми? — деб сўрабди ғойибдан келган одамча.

— Заррача қўрқмайман,— дебди ғойибдан келган сичқон.— Ахир, бизнинг ғойибдан келган мамлакатимизда фақат ғойибдан келган мушукларгина бўлади. Уларнинг мўйлови ҳам, панжалари ҳам, тишлари ҳам ғойибдан экан. Шунинг учун ҳам мушуклардан зигирча ҳам қўрқмайман, бироқ пишлоқни жуда яхши кўраман. Биласанми, пишлоқнинг нимасини ейман? Унинг тешикларини ейман, холос. Уларнинг ҳечам мазаси йўғ-у, бари бир улар мазали.

— Менинг негадир бошим айланяпти,— дебди ғойибдан келган одамча.

— Э, шунга ҳам парво қиласанми? — деб жавоб берибди ғойибдан келган сичқон.— Ахир, бу қанақа бош? Ахир, бошинг ғойибдан келган-ку. Агар сен бошингни деворга урсанг ҳам ҳеч нима бўлмайди.

Ғойибдан келган одамча сичқоннинг гапи тўғрими-йўқми деб текшириб кўрмоқчи бўлиб, бошини ургани девор қидириб кетибди. Озми-кўпми қидиргандан кейин девор топибди. Бироқ девор ҳам ғойибдан келган экан. Ғойибдан келган одамча унга бошини уриб бир синаб кўрмоқчи бўлибди. У югуриб келиб, бошини бир урган экан, деворнинг нариги томонига учиб тушибди. Жуда қаттиқ чопган экан-да. Ғойибдан келган одамча ғойибдан келган деворни ёпиб ўтибди-ю, ғойибга ағдарилиб тушибди. Чунки деворнинг орқасида ҳеч нима йўқ экан.

Бу ерда ҳам ҳеч нима йўқ, у ёқда ҳеч нима йўқ, ҳамма жойда ҳеч нима йўқ. Ғойибдан келган одамча бу ҳеч нималардан шу қадар чарчабдики, ётибди-ю, донг қотиб ухлаб қолибди. Унинг тушига ғойибдан келган одамча кирибди. Гўё у ғойибдан келган йўлдан юриб, ғойибдан келган сичқонни учратиб қолганмиш, кейин икковлашиб пишлоқнинг тешикларини еганмиш. Ғойибдан келган сичқон жуда тўғри айтган экан, чиндан ҳам пишлоқ тешикларининг ҳеч қанақа мазаси йўқ экан.

## БУТУН ДУНЕ ТАРИХИ

Аввалига Ерда ҳамма нарса нотўғри бўлган экан, уларни одам яшайдиган қилиб мослаш осон иш эмас экан.

Дарёлардан ўтиш учун кўприклар йўқ экан, тоққа кўтарилиш учун сўқмоқ йўллари йўқ экан. Сен ўтириб дам олмоқчисан-а?



Лекин оқамейкадан нисвой ҳам йўқ эмиш. Сен ҳориб-чарчаб йиқиласан, кўзларинг уйқубизликдан юмилиб кетай дўйд. Лекин Ер юзид атиги битта ҳам қараёт топилмасмиш. Оёқларинг чақа бўлиб кетармиш. Хўш, иложинг қанча, нима ҳам қила олардинг? На кавуш, на этик топиларкан. Бирдан футбол ўйнагинг келиб қолди. Э, қаёқда, хомтама бўлма! Бутун ер қуррасида битта ҳам тўп топилмас экан. Макарон пиширай десанг на кастрюл, на олов бор эмиш. Агар яхшилаб суриштирсанг ҳатто макаронинг ўзи ҳам йўқ эмиш. Хуллас, ҳеч нима йўқ экан. Ҳамма ёқ қуя-қуруқ экан. Фақат одамлар бор экан, улардан ҳар бирининг икки қўли бор экан, бу қўллар ишлашни жуда яхши кўрар, ҳамма нотўғри нарсани тўғрилаб қўя олар экан. Лекин бари бир Ерда ҳали ҳам нотўғри нарсалар кўп эмиш. Ҳаммасини тўғрилаш керак экан. Шундай экан, енг шимариб, ишга кириш. Иш ҳаммага ҳам етиб ортади.

## ОЛДИДА «ЭМАС»И БОР МАМЛАКАТ

Йўқ, сени билмайман-у, лекин менимча ер юзид Жованнино Бекорчидай толмас, серғайрат саёҳатчи топилмаса керак. У тинмай саёҳат қиларкан. Саёҳат қилиб юриб, кунлардан бир кун бир мамлакатга келиб қолибди, бу мамлакат ҳақида ҳеч қачон ҳеч нима эшитмаган экан.

— Ахир, бу қанақа мамлакат? — деб сўрабди у дарахт соясида дам олиб ўтирган бир шаҳарликдан.

Шаҳарлик жавоб бериш ўрнига чўнтагидан қаламтарошни чиқариб, уни очиб кафтига қўйибди-да, сўрабди:

— Сизнингча бу нима?

— Қаламтарош,— деб жавоб берибди Жованнино.

— Ана, янглишдингиз,— деб эътироз билдирибди шаҳарлик.— Бутунлай акси, бу эмасничоқ, бошқача қилиб айтганда, бу қаламтарош-у, фақат олдида «эмас»и билан. У қалам учини чиқариш учун хизмат қилади. Жуда керакли нарса, айниқса мактабда.

— Қизиқ! — дебди Жованнино.— Яна нимадиз бор?

— Масалан, бизда яна эмасқозниқ бор.

— Сиз балки қозниқ бор демоқчидирсиз?

— Йўқ, эмасқозниқ. Қозикнинг жуда кам фойдаси тегади. Агар сизнинг пальтонгиз бўлмаса, қозикдан ўнта бўлса ҳам фойдаси бўлмайди. Биздаги эмасқозикнинг йўриги бошқа. Унга ҳеч нима осийш керак эмас. Аксинча, ундан олишади. Айтайлик, сизга пальто керак. Сиз эмасқозикнинг олдига келасиз-у, ундан пальтони олиб киясиз-да, сайр қилгани кетасиз. Агар битта-яримтаинг камзули тўзган бўлса, магазинга бориб ўтиришнинг ҳожати йўқ, ўша камзулини қозикдан олишнинг ўзи кифоя. Ёзда бизда ёлғи эмасқозиклар, қишда қишки эмасқозиклар бўлади, эркаклар учун ҳам эмасқозикимиз истаганча топилади. Бу эмасқозиклардан қанча пул тежаб қолганимизни билсангиз эди.

— Қойил, жудаям зўр. Хўш, яна нималаринг бор?

— Яна бизда эмаслейка бор. Бу жуда ажойиб нарса-да У фотосурат ўринга шунақа кулиши карикатуралар тайёрлайдики, кулавериб ичакларинг узилгудай бўлади. Бизда яна эмастўп бор.

— Бор! Бу сўзни эшитиш билан одамнинг бадни сесканиб кетади-я.

— Жуда топасизлар а! Эмастўп — бу тўпнинг акси. У уруш-ни йўқотиш учун хизмат қилади.

— Хўш, у қандай ишлайди?

— Жуда осон. Уни ёш бола ҳам эплайди. Агар бирор жойда уруш чиққудай бўлса, биз эмаструбдан сигнал берамиз, эмастўпни юмалатиб олиб чиқамиз, эмастепкини босамиз — қараб-сизки, урушдан ном-нишон ҳам қолмайди.

Йўқ, сизлар нима дейсизлар, билмадим-у, лекин менимча, бутун ер юзиде бунақа ажойиб мамлакатни топиб бўлмасе керак.

## ИТЛАР ШАҲРИ

Бир шаҳар бўлган экан, эҳтимол ҳозир ҳам бордир. Бундай қараганда айтарли ажралиб турадиган ери йўқ экан-у, лекин бунақаинги шаҳарни бошқа топиб бўлмас экан. У унчалик катта эмас, жудаям кичкина экан — ҳаммаси бўлиб тўқсон тўққизта уй бор экан. Ҳар бир уй ёнида кичкина боғча, ҳар бир боғча орқасида ит бор экан, ҳар бир ит вовиллар экан.

«Хўш, бунинг нимасига ҳайрон бўласиз?» дерсиз. Буёғини эшитинг. Бир рақамли уйда Верий лақабли ит яшар экан. У уйин, хўжайинларини сидқидилдан, ҳалол қўриқлар экан. Бирон-таси ўз вазифасини ёмон бажаряпти деб ўйламасни учун ит қолган тўқсон саккиз уйда турувчилардан биронтаси ўтиб қолгудай бўлса, зўр бериб вовилларкан. Эркакми, хотинми, ёки ёш бола-ми, унинг учун барибир экан. Қолган тўқсон саккиз ит ҳам худди шундай қиларкан. Улар кечаю-кундуз тинмай ҳураркан, чунки кўчадан доим битта-яримта одам ўтиб тураркан-да.

Айниқса тўқсон тўққизинчи уйда турувчиларга қийин бўлибди. Агар бу уйда турувчи синьор нишдан қайтиб келаётган бўлса, то ўз уйига етгунча тўқсон саккиз боғчанинг ёнидан ўтиши керак экан. То у ўтиб кетгунча тўқсон саккиз итнинг ҳаммаси унинг орқасидан вовиллаб қоларкан. Улар тишларини иржайтириб де-ворга ташланишаркан, тишлари билан синьорнинг шими пишиқми-йўқми эканлигини синаб кўрмоқчи бўлишаркан. Бошқа одам-ларга ҳам осон эмас экан. Ҳар кунни кимдир кўчадан дағ-дағ тытраб ўтаркан.

Шаҳарга битта-яримта бегона одам келиб қолгудай бўлса, шикалар бўлишини тасаввур эта оласизми? Тўқсон тўққиз итнинг ҳаммаси бараварига ақилларкан. Улар ўз концертларини бошлаши билан нима гаплигини билиш учун тўқсон бека уйларида чикишаркан. Улар шов-шув сабабини билишгандан кейин дар-ров уйларига киришиб, эшикларини бекитиб олишаркан, шоша-жиша дераза пардаларини туширишаркан, кейин дераза тагига

бекиниб олиб, бегона одам ўтиб кетгунча орқасидан қараб қолишаркан.

Итларнинг тинимсиз акиллаши натижасида шаҳар одамларининг қулоғи сал эшитмайдиган бўлиб қолибди, бир-бирлари билан деярли гаплашмай қўйишибди. Ҳа, айтмоқчи, уларнинг бир-бирларига айтадиган бирор муҳим, арзийдиган гапи ҳам йўқ экан.

Одамлар индамай ва тунд бўлиб юришга аста-секин кўникибди-ю, гаплашишни бутунлай унутиб қўйишибди. Ахийри бора-бора уй эгаларининг ўзлари ҳам итларига ўхшаб акиллайдиган бўлишибди. Тўғри, эҳтимол, улар ўзларича, биз одамларга ўхшаб гаплашяпмиз деб ўйлашса керак, лекин аслида-чи, улар оғизларини очишлари билан «вов-вов»га ўхшаш товуш чиқаркан, бу товушлар шу қадар даҳшатли ва ёқимсиз эканки, эшитган ҳар кимса бир сесканиб тушаркан.

Бу шаҳарнинг ҳамма катта-кичиги, ёшидан-қариси битта қолмай акиллайдиган бўлибди. Итлар вовилларкан, эркаклар акилларкан, аёллар вовилларкан, ўйнаб юрган болалар акиллашаркан. Хуллас, тўқсон тўққиз уй тўқсон тўққиз итхонага айланибди.

Бироқ бу тўқсон тўққиз уйнинг эгалари кўринишдан оддий хушмуомала одамларга жуда-жуда ўхшаркан, уларнинг деразаларида тоза пардалар осилиб тураркан, балконларида эса турли гуллар ўтқазилган тувакларни кўриш мумкин экан.

Машҳур Жованнино Саёҳатчи кунлардан бир кун шу томонларга келиб қолибди. Уни кўришлари биланоқ тўқсон тўққиз ит бараварига шунақаям ҳуришибдики, бунга одам боласининг эмас, ҳатто симёғочнинг ҳам асаби бардош беролмас экан. Жованнино жуда ҳайрон бўлиб ўткинчи бир аёлдан, ўзи нима гап деб сўрабди, лекин аёл жавоб бериш ўрнига, алланима деб вовиллабди-ю, ўтиб кетибди. Жованнино бир болани учратиб, унинг чиройли костюмини мақтаган экан, бола ҳам жавоб ўрнига чийллаб аягиллабди.

— Ҳа, тушунарли,— деб ўйлабди Жованнино,— шаҳарда эпидемия бор экан.

Жованнино бир зум ҳам ҳаялламай, тўппа-тўғри бошқармага борибди-да, шаҳар ҳокимининг ҳузурига кириб:

— Бунинг давоси бор, шаҳарликлар соғайиб кетади, гапимга ишонавермиг. Биринчи навбатда ҳамма деворларни бузиб ташлашни буюрмиг, боғчалари деворсиз ҳам гуллаб-яшнайверади. Иккинчидан, ҳамма итларни овга чиқариб юборинг. У ерда итлар маза қилиб яйрашади, анча раҳмдил бўлиб қолишади. Энг охиригис: шаҳарда танцали бал уюштиринг. Одамларингиз биринчи вальсдан кейингина одамларга ўхшаб гапиришни ўрганиб олишади. Бунга кафил бўда оламан,— дебди шартта.

— Вов-вов! — деб жавоб қилибди шаҳар ҳокими.

— Тушунарли,— дебди Жованнино,— ўзини соғман деб ўйлайдиган касалдан бедавоси бўлмайди.

У шундай дебди-ю, чиқиб кетибди.

Агар сиз кечаси бир нечта итнинг бараварига вовиллаб қолганини эшитсангиз билингки, бу ақиллаётганлар чинакам итлар эмас, ўша ғалати кичкина шаҳарчанинг одамлари.

## СИНЬОР МУҒОМБИРРУЧЧИ

Синьор Муғомбирруччи ўлгудек эрка, нижиқ экан. Йўқ, сиз қанчалик нозик бўлганини ҳечам тасаввур этолмайсиз. Агар дегордан мингоёқ ўрмалаб кетаётган бўлса, у ухламас экан, ҳамма ёқни шов-шув босиб кетди деб нолиркан, борди-ю, чумоли бехосдан полга зигирдак қанд тушириб қолдирса, у ўрнидан худди илон чаққандай сапчиб тураркан-да, ваҳимада қичқираркан: — Ҳой, ким бор! Ер қимирлаяпти!

Табиийки, у болаларни кўрарга кўзи йўқ экан, момақалдироқ ва мотоциклларни ўлгудек ёмон кўраркан. Айниқса оёғи остиданги гичирлаган чапг унинг жонига тегибди. Шунинг учун ҳам у ҳатто хонадаям ҳеч қачон ўзи юрмас экан, барваста хизматкорини, мени қўлингда кўтариб юр деб мажбур этаркан. Бу хизматкорнинг исми Гульельмо экан. Муғомбирруччи кунни билая панд-насиҳат қилавериб, унинг жонига тегаркан.

— Секироқ, Гульельмо! — деб чийилларкан у. — Латтани гичирлатма! Секироқ қимирлатгин, бўлмаса чидаёлмай парчаларча бўлиб кетаман.

Муғомбирруччи ерда ҳам, хонада ҳам ҳеч қачон юрмаганидан семира бошлабди, семирган сайин, жудаям нозик бўлиб кетибди. Бора-бора уни ҳатто Гульельмонинг қўлидаги қадоқлари ҳам безовта қила бошлабди.

— Бу нимаси, Гульельмо? — деб чийиллабди у. — Мени қўлоқ кийиб кўтаргин деб сенга неча марта айтдим. Ҳозироқ қўлоқ кийиб олгин!

Гульельмо ҳарсиллаб, терлаб-пишиб каттакон қўлоқларини эранг кияркан. Қўлоқлар шунақа қалин ва кенг эканки, ҳатто бегемотга ҳам катта келаркан.

Муғомбирруччи кундан-кунга семирди, тобора огирлашаверибди. Энди ҳатто қиш кунлари ҳам бечора Гульельмо худди саратондагидай терга ботиб кетаркан.

Бир кунни унинг миясига: «Синьор Муғомбирруччини балкониимздан ташлаб юборсам нима қилади-а?» — деган фикр келибди.

Худди ўша кунни синьор Муғомбирруччи жужунча костюмини кийиб ясаи-тусан қилиб олган экан. Гульельмо уни балкондан ташлаб юборганда синьор Муғомбирруччи ҳалигина пашша қўниб кетган жойга тушибди-ю, оқ шимини доғ қилиб олибди. Шимидаги бу доғни кўриш учун энг кучли, энг қудратли микроскоп керак бўларкан, лекин синьор Муғомбирруччи шу қадар нозик эканки, хафа бўлганидан шу заҳоти ўлиб қолибди.

## ПУЛЬЧИНЕЛЛИНИНГ ҚОЧИШИ

Кичкинагина кўхна қўғирчоқ театрида Пульчинелличалик жонсарак, беором қўғирчоқ йўқ экан. У доим пимадандир порози бўлар, доим ким биландир жанжаллашиб, тортишиб юраркан, Репетициянинг энг қизгин пайтида бирдан шаҳарни айлангиси келиб қоларкан, ёки унга кулгили ролини бермоқчи бўлган қўғирчоқвоз бошлиқ билан жанжаллашиб кетаркан, чунки у фожиали ролини орзу қиларкан.

— Йўқ, ортиқ чидаёлмайман,— деб зорланибди у Арлекинга.— Тоқатим тоқ бўлди, бир кун эмас бир кун қочиб кетаман.

У худди шундай қилибди. Фақат у кундузи эмас, кечаси қочибди. Пульчинелли ҳамма ухлаб қолганидан кейин, хўжайин шкафга бекишиб қўйишни унутиб қолдириб кетган қайчиларни эвчиллик билан қўлга олибди-да, бошига, қўл-оёқларига бойланган ипларни қирқибди-ю, Арлекинга:

— Қани юр, бирга қочамиз,— дебди.

Қочиш, Коломбинодан ажрлиш, уни ташлаб кетиш керакми? Йўқ, Арлекин Коломбиниони ташлаб кетиш ҳақидаги гапни эшитгиси ҳам келмабди. Пульчинелли бўлса, менга ҳар пьесада ичнинг қиладиган бу таппозин ўлсам ҳам олиб кетмайман деб, оёгини тираб туриб олибди.

— Ҳа, майли, бир ўзим кетаман,— деб аҳд қилибди Пульчинелли. У полга дадил сакраб тушибди-да, орқа-олдига қарамай ўқдай учиб кетибди.

«Қандай маза-я,— деб ўйлабди у.— Қўл-оёғингда ўша латинати ипларнинг, тушовларнинг йўқлигини ҳис этиш қандай роҳат-а! Хўжайиннинг буюрган жойга эмас, ўзинг хоҳлаган ерга бориш қандай маза!»

Елғиз ёғоч қўғирчоқ учун бу олам жуда кенг ва даҳшатли экан. Кечалари ёвуз мушуклар тинмай изгиб юришаркан. Улар қоронгида ҳар қандай махлуқни сичқон деб ўйлаб, даҳшатли тирноқлари билан шартта чангаллаб, еб қўйиши ҳеч гап эмас экан. Тўғри, Пульчинелли ҳамма эркак ва урғочи мушукларни ўзининг асл артист эканлигига ишонтирибди, лекин кейинчалик у ҳар эҳтимолга қарши кичкина бир боғчада яшириниб олибди-да, деворга суянганича ухлаб қолибди.

Тоғ саҳарда қорни очиб уйғонибди. У аланглаб қарабди-ю, лекин атрофда чиннигул, лолэ, цинния<sup>1</sup> ва гортезиядан<sup>2</sup> бошқа ҳеч нима кўринмабди.

— Ҳа, майли, иложим қанча, нима ҳам қилардим,— деб ўйлабди Пульчинелли, кейин чиннигулни узиб олибди-да, баргини истар-истамас чайнай бошлабди. Бу товада қовурилган қўлнинг ўргилсин бифштекс ёки мазаси оғзингда қоладиган қовурма ба-лиққа тенг келмас экан, албатта. Гуллар жуда хушбўй экан-у,

<sup>1</sup> Цинния — қизил гулли декоратив ўсимлик.

<sup>2</sup> Гортезия — йирик чечакгул, декоратив ўсимлик.

лскин ҳечам мазасти йўқ эмиш. Бироқ чинингуанинг ўтсимон маза-си Пульчинелли учун озодликнинг ажойиб роҳатбахш лаззатидай бўлиб туюлбди, баргдан иккитасини егандан кейин, у бундай лазиз таомни ҳеч қачон емагандим деб қасам ичашга ҳам тайёр экан. Пульчинелли қоринни тўйғузиб олгандан кейин бир умрга шу боғда қолмоқчи бўлибди, айтганини қилибди ҳам.

У каттақон қаттиқ барглари ёмғирдан ҳам, дўлдан ҳам қўрқмай-диган магнолиянинг тагида ётиб ухлабди, гулларини еб тирикчилик қилибди: бугун — чинингул, эртага — атиргул... Унгда ҳам, тушида ҳам унда қанд тоғлар, хушбўй пишлоқ даладар кўри-нармиш, лекин у сира бўш келмабди, қайтишни ўйламабди.

Қуёш ва шамол Пульчинелли ясалган ёғочни қуритиб юборибди. Пульчинелли қуриб-қақшаб қолибди, лекин у жуда хушбўй бўлибди, гул ширасини териб юрган асалариқлар уни гул деб ўйла-шаркан. Улар унинг ёғоч бошига қўниб, иштини сажчиб, шираси-дан олмоқчи бўлишаркан. Ўнроқ асалариқлар ҳеч нима олишолмай, хафа бўлиб, учиб кетишаркан.

Бу орада қиш яқинлашиб қолибди. Хувидалаб бўшаб қолган боғ биринчи қорни кутибди. Бечора Пульчинелли оч қола бошлабди. Сиз, у бошқа бирор жойга кетиши мумкин-ку, дерсиз? Бир қара-шда бу осонга ўхшайди-я. Лекин аслида-чи, жуда оғир. У ним-жон ёғоч оёқларида қаёққа ҳам бора оларди?

«Ҳа, нима қилибди,— дебди ўзинча Пульчинелли.— Шундай экан, шу ерда ўламан. Улиш учун бу ер ёмон эмас, жуда мос. Бироқ ўлсам ҳам озод бўлиб ўламан. Энди ҳеч ким мени бошимдан боғлаб қўёлмайди, ҳеч ким ишимдан тортмайди, кўнглимга ёқма-ган нарсани, рози бўл, деб мени ҳеч ким мажбур қилолмайди».

Бир оз вақт ўтгандан кейин биринчи қор ёғибди, қор олоқ юм-шоқ кўрпадай Пульчинелли устини ёпиб қўйибди.

Бироқ у ўлмабди, чунки ёғоч қўғирчоқлар ўлмас экан. Уни ба-ҳор сувлари қум билан сал кўниб юборган экан. У ҳозир ҳам ўша боғда ётганимш, лекин буни ҳеч ким билмас эмиш. Агар сен уни тасодифан топиб олгудай бўлсанг, илтимос, унинг бошига ил боғ-ламагини. Қўғирчоқ театрларида қирол ва қиролчаларга бундай иплар ҳечам халақит бермайди, лекин Пульчинеллининг бу иплар-ни кўрарга кўзи йўқ.

## ЖАКОМО — ШИША

Қадим замонларда ёки ундан сал олдинми, дунёнинг бир чек-қасида, балким сал яқинроқда, ғалати бир давлатнинг пойтахтида шаффоф бола туғилибди. У шундай тиниқ эмишки, худди ҳаво ёки тоза булоқ суви орқали кўргандай унинг ортидаги ҳамма нарсани кўриш мумкин экан. У худди шишадан ясалгандек туюлса-да, ас-лида ҳамма болалар сингари жони-тани бор экан. Агар йиқилса чил-чил бўлиб синмас экан, жуда зўр келса пешонасида шаффоф гурра ҳосил бўларкан.

Унинг мушдек юрагикиги турпичини ҳар ким ҳам кўра олиши мумкин экан: ҳатто ўй-фикрларини ҳам аниқ-равшан билса лўларкан. Улар Жакомонинг калласида худди тимиқ акварнумдаги ранг-баранг балтиқчалардай амилларкан.

Бир кун бола янглишиб ёлгон гапириб кўйибди, одамлар ўша заҳоти унинг пешонасида худди ўтли шарчага ўхшаш бир нарса-нинг пайдо бўлганини кўришибди. Ушми ўнгааб олиб, тўғрисиини гапиргандан кейин шарча аста-секин кичрайиб, йўқ бўлиб кетибди. Шу-шу ёлгон гапирмайдиган бўлибди.

Бир кун оғайибси унга сирини айтибди, ўша заҳоти қора шарча ўхшаган нарса кўкрагида ғимирлаб, айлаиб уни безовта қила бошлабди. Ҳамма бу шарни кўрибди, албатта шундан кейин сир ошкор бўлиб қолибди.

Вақт ўтаверибди, бола болаликдан чиқиб, катта бўлибди, лекин одамлар барибир унинг ҳар бир фикрини билиб олишаверибди. Жакомодан бирор нарсани сўрашса, у оғзини очишга улгурмасдан оқ жавобини билиб туришаркан.

Туғилганда унга Жакомо деб исм кўйинибди, лекин одамлар уни Жакомо-шиша деб чақирришаркан, ҳалоллиги, тўғрилиги учун жуда яхши кўришаркан. Унинг ёнида одамлар яна ҳам кўнгилчан, хушфезл, яна ҳам олиҳиммат бўлиб кетишаркан.

Бахтга қарши ўша давлатни кутилмаганда золим қонхўр подшо идора қила бошлабди. Халқ бошига жабр-жафолар ёғилибди, зўравонлик, очлик, қашшоқлик ва ҳар хил адолатсизликлар бошланибди. Кимда-ким ошқора қарши чиқса, золим подшо уни дарров дорга остишни буюраркан, камбағалларни қаттиқ қийнар, хафа қиларкан, халқни истаганича хўрлар экан.

Халқ бўлса лом-ним демас, ҳамма хўрликларга чидаркан, чунки бу кунимиздан ҳам баттар бўлмайлик, деб қўрқаркан.

Фақат Жакомо жим туролмабди. Гарчи у ҳатто оғзини очмаса ҳам, лекин барибир унинг фикрларини ҳамма ўқиб тураркан: ахир, у шаффоф эди-да. Одамлар унинг пешонасига қарашлари билан Жакомонинг ёзу подшога бўлган ғазаб-нафратини билиб олишаркан. Ёзу подшо бундан хабар топиб Жакомо-шишани тутиб келтириб, уни мамлакатдаги зиндоннинг энг қоронғу хонасига ташлашни буюрибди.

Шу пайт жуда галати бир воқеа содир бўлибди. Жакомони зиндонга ташлашлари билан оқ унинг деворлари шаффоф бўлиб қолибди, кейин бутун қамоқхона деворлари, сўнгра қамоқхона атрофини ўраб олган қалин деворлар ҳам шаффоф бўлибди. Қамоқхона ёнидан ўтган одамлар Жакомони аниқ кўришар, унинг ҳамма фикрларини билиб туришаркан.

Кечалари қамоқхонадан кучли ёғду тараларкан, золим подшо саройида ўтирганича бунга тоқат қилолмай, деразаларнинг ҳаммасига қора парда тутишни буюрибди, лекин барибир кечалари мишжа қоқмай чиқаркан.

Жакомо-шиша ҳатто қамоқхонада ҳам ундан зўр келибди, чунки дунёда ҳақиқат, адолатдан кучли нарса йўқ экан. У қиндузда ҳам ёруғ, довулдан ҳам кучли, шафқатсиз.

## САЁХАТЧИ МАЙМУНЛАР

Бир куни маймуунлар дунёда қандай янгиликлар борлигини билгилари келиб қолибди-ю, саёхатга жўнашибди. Елиб-югуришиб чарчашгандан кейин, дам олгани ўтиришибди. Улардан бит-тасп:

— Нималарни кўряпмиз? — деб сўрабди.

— Шер қамалган қафас, тюлен сузиб юрган ҳовуз ва жирафалар қўтонини.

— Бу олам қандай кенг-а? Саёхат қилсанг, жуда кўп нарсаларни кўрасан, биласан!

Улар йўлда давом этишибди, фақат пешиндагина дам олгани ўтиришибди.

— Хўш, энди нималарни кўряпмиз?

— Жирафалар қўтони, тюлен сузиб юрган ҳовуз ва шер қамалган қафасни.

— Бу олам қандай кенг-а? Саёхат қилсанг, жуда кўп нарсаларни кўрасан, биласан!

Маймуунлар яна чопиб кетишибди, кун ботар пайтидагина ўтириб, дам олишибди.

— Нималарни кўряпмиз?

— Шер қамалган қафас, жирафалар қўтони ва тюлен юрган ҳовузни.

— Олам қандай зерикарли, фэйзсиз-а! Доммо бир хил нарсами кўрасан. Саёхат қилишдан нима фойда? Ҳеч қандай фойда йўқ!

Бўлмасам-чи? Улар эртадан-кечгача саёхат қилишаверган, лекин қасрда денг? Ўз қафасида.

## КОЛИЗЕЙНИ ЎҒИРЛАМОҚЧИ БЎЛГАН ОДАМ

Аллақайси подшоликда, аллақайси давлатда... Ҳа, айтмоқчи, ўшанда нима бўлганини ҳеч ким эслаёлмас эмиш. Бироқ бизда Римда Қолизейни ўғирламоқчи бўлган одам яшаганлиги ҳаммага кундай равшан. Нега энди? Чунки бутун Колизей уинки, биргина уинки бўлишини истаган. У Қолизейни бошқалар билан ўртада Саҳам кўришни истамаган. «Нега энди бўлишар эканман?»— деб ўйлабди ва у портфелини қўлтиқлабди-ю, Колизейга йўл олибди.

У пайт пойлаб, хизматкорнинг кўзини шамғалат қилиб, шоша-пиша портфелига тошларни тўлдириб олибди-да, уйига жўнабди. Эртасига ҳам худди шундай қилибди. Ушандан кейин дам олиш жунидан ташқари ҳар кун эрталаб камида икки марта, нимконини топса уч марта бу улуғвор, ҳашаматли бинонинг харобаларига келиб кетаркан, ҳар гал хизматкор мени жиноят устида ушлаб олмасин деб жуда эҳтиёт бўларкан.

У дам олиш кунлари ҳордиқ чиқариб, ўғирлаган тошларнинг қайта-қайта санаркан. Ҳаш-паш дегунча тошлар шундай кўпайиб кетибдики, бутун ертўлага сиғмай қолибди.

Ертўла тўлиб кетганидан кейин, у тошларни чордоққа олиб чи-



қиб тўқа бошлабди, у ер ҳам тўлиб-тошиб кетганидан сўнг, тошларни диван тағларига, шкаф орқасига, кир-чир солинадиган саватга тахлай бошлабди.

У ҳар гал келганида Қолизейни ҳар томонидан айланиб синчиклаб кўрар ва ўзига-ўзи гадираarkan:

«Бир қарашда у бурунгикидан ҳеч фарқ қилмайдигандек туюлади-ю, лекин синчиклаб, астойдил қаралса ҳар ҳолда фарқ бор. Мана бу биқичидан қаралса, у сал кичрайган, жиндак бўлса ҳам ҳар ҳолда кичрайган!»

У шундай деб ўйлаб, каттакон зинаподдан тош парчасини синдириб ола бошларкан ёки у ер-бу ери бузилган пештоқнинг ёнигини жойидан кўчираркан. У тош парчасини герлаб-пишиб ўйиб олибди-да, портфелига солибди, худди шу пайт ёнигинидан бир гуруҳ туристлар ўтиб қолишибди. Улар маҳлиё бўлишиб, оғизларини ланг очиб қолишибди, у бўлса ич-ичидан ёнгишиб ҳадеб ўнгириллар эмиш:

— Ҳа, майли, ҳозирча кўриб қолинглар, бир кун эмас бир кун Қолизейдан ном-нишон ҳам қолмайди, ана ўшанда қангу-манг бўлишингизни бир томоша қиламиз.

Агар у тамаки киоскисининг ёнига келса, унинг деразасидаги каттакон амфитеатрнинг сурати солинган рангдор откриткаларни кўриб, ич-ичидан хурсанд бўларкан. У, одамлар қотиб-қотиб кулаётганини пайқашмасини, деб чўнтагидан рўмолчасини олиб гўё буринини артаётган бўларкан.

«Рангдор откриткалар! — деб пўнгирилларкан у ўзинча. — Ҳи-ҳи-ҳи! Ҳа, майли, ҳадемай сиз севикли Қолизейингизни фақат шу откриткаларда кўра оласиз, холос!»

Орадан кунлар, ҳафталар, йиллар ўтибди... Ўғирланган тошлар уйни тўлдириб юборибди. Тошлар кароват тағларида ҳам, ошхонада ҳам тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётганмиш, умивальник билан газ плитаси оралигида кичкинагина бўш жой қолибди. Ванна ҳам тўлибди, йўлакдан ҳам юриб бўлмай қолибди. Қолизей бўлса ҳамон ўз ўрнида турганмиш, унинг ҳамма пештоқлари бут эмиш. Уни гўё одам қўллари эмас, балки аллақандай бир чивин қилдай оёқчалари билан бузгандай ҳеч ери лат емаган, бус-бутун эмиш.

Орадан озми-кўпми вақт ўтибди-ю, бечора ўғри қарибди. Ана ўшанда у умидсизликка тушиб қолибди.

«Бу қанақаси бўлди? — деб ўйлабди у. — Наҳотки мўлжалда янглишган бўлсам? Эҳтемом, Сан-Пьетро черковининг гумбазини ўғирлаганим маъқул бўлармиди? Ҳа, энди бошқа иложим қолмади, бошлаган ишни охиригача етказиш керак».

Энди унинг қадимий амфитеатрга ҳар қатнаши машаққатли туюлибди. Тош солинган оғир портфель унинг қўлини узиб тушгундай бўлар, кафтидаги қадоқлари ҳеч тузалай демас экан. Бир кун у умри тугаётганини, ажал ёқасидан олаётганини ҳис этибди-ю, сўнгги марта Қолизейга қараб йўл олибди. У улкан хароба-зорга аранг етиб келибди-да, бор кучини тўплаб, баланд зиналардан кўтарила бошлабди, ниҳоят энг юқоридаги айвонга чиқибди. Қадимий харобадаги харсанг тошлар ботаётган қуёшнинг зарри

нурда қизариб кўришариниш, лекин бечора чалининг кўзлари энди ҳеч наманн кўрмас эмиш. У чарчаганидан қамсираб нафас олар, нурсиз кўзлари ёшланар экан. У умрининг сўнги соатларини ёлғиз ўтказмаи деб умид қилган экан-у, лекин умиди ючга чиқибди, у нафасини ростлашга улгурмасданок яна бир гуруҳ туристлар ёпирилиб келиб қолишибди. Улар у ёқдан-бу ёққа чопишар, завқланганларини турли тилларда ифода қилишаркан.

Кекса ўғри бу турли тилда гапләшәтган одамлар орасидан ёш боланинг қўнғироқдай овозини пайқаб қолибди. У ҳадеб:

— Бу меники! — деб қичқирар эмиш.

Бу ерда шундай балайликда бу сўз жуда совуқ, ёқимсиз, сохта эшитилибди. Чол энди буни тушувибди-ю, ўз ихтиросини ўнз «Меники!» — деб қичқирган бола билан баҳам кўрмоқчи бўлибди. У болага «меники» дема, «бизники», дегини деб тушунтирмоқчи бўлибди, лекин шунн айтишга ҳам қуввати етмай, ўлиб қолибди

## ТИНЧ ҚИШЛОҚДАГИ ҚУДУҚ

Саранмо билан Лешанно ўртасидаги йўлнинг ярмисидә қарагайзор ёқасида Тинч қишлоқ жойлашган экан. Бу қишлоқда атиги уч хонадон бўлиб, уларда ўн бир онла янаар экан. Бу қишлоқда шу уч хонадонга битта қудуқ бор экан. Бу жуда ғалати қудуқ экан! Унинг ҳамма нарсаси жойида экан, дастали чигир ғалтаги бор экан-у, лекин чигир ғалтакда челақни бойлаб қўйиш учун на занжир, на чилвир бор экан.

Бунга сабаб ҳар онланинг ўз челағи, ўз чилвири бор экан. Челақ доим даҳлизда тураркан, чилвири эса ўша ерда миҳда осибди бўларкан. Кимда-ким сувга борса, челақ билан бирга чилвири билан ҳам олиб бораркан, сув олиб бўлгандан кейин, чилвири ғалтакдан ечиб олиб, уйга олиб кетаркан. Янкая яғона қудуққа ўн бир чилвир! Агар ишонмасангиз ўзимиз бориб сўрашигиз мумкин, менга айтгандай, сизга ҳам ҳаммасини гапириб беришади. Бу ўн бир онла ҳеч қачон толув, аҳл бўлишган эмас, доимо адоват қилишган, тижимсиз уришишган, ҳаммаси бир бўлиб ўртада яшнн бир занжир сотиб олиб, унн чилвир ғалтакка боғлаб, ундаи истаганча фойдаланиш ўрнига, қудуқни лойқалатиб, хас-чўп билан ифлос қилишган.

Мана, бирдан уруш бошланиб қолибди. Қишлоқдаги ҳамма эркакларни урушга олиб кетишибди. Улар жўнаш олдиан хотинларига ҳар хил топшириқларни беришибди, энг муҳими, қудуқ чилвирига эҳтиёт бўлгини, битта-ярмига олиб кетиб қолмасин, деб қаттиқ тайинлашибди.

Кейин Италияга беижслар бостириб киришибди. Эркаклар жуда узоқда экан, қишлоқдагилар қўрқувдан ўзларини қасққа уришни билишмабди. Бироқ улар чилвирини унуттишмабди, ўн бир чилвир ўн битта миҳда осилиб турибди.

Бир кунн битта аёлнинг ўғли ўтин олиб келгани ўрмонга кетибди. У ўрмонга кириши билан буталар орасида кичкинннгдир ишга-

ётганини эштитибди. Бу оёғидан яраланган партизан экан. Бола онасини чақяриб келгани орқа-оқдига қарамай қимшоққа чопибди. Онаси аввалига жудаям кўрқиб кетибди, вақимда ёқасини ушлаганича ўтириб қолибди, кейин сал ўзига келгач, дебди:

— Кел, нима бўлса бўлар, уни уйга олиб келиб, яшириб қўямиз. Ким билади, эҳтимол, сенинг солдат даданг ҳам ҳозир бировдан ёрдам сўраётгандир. Биз бўлсак, ҳатто унинг қаердалигини, ўлик-тириклигини билмаймиз.

Улар партизанини омборхонага яширишибди-да, бузимиз касал бўлиб қолди деб, докторга одам юборишибди. Бироқ қишлоқдаги ҳамма хотинлар кампининг шу бугун эрталаб сопла-соғ, ҳовлида пилдираб юрганини ўз кўзлари билан кўришган экан. Шунинг учун улар дарров: «Э, бу ерда бир гап бор» деб ўйлашибди. Маълумки, қишлоқда бирор гапини узоқ сир сақлаб бўлмайди. Қош қораймасданоқ, қуёш ўрмон орқасига яширишмасданоқ Катеринанинг омборхонасида ярадор партизан борлигини ҳамма билибди.

— Эҳтиёт бўлинглар,— дебди бир чол, бу хабар бутун қишлоққа тарқалгандан кейин,— немислар билиб қолишса, бу ерга келиб биттагизини ҳам соғ қўйишмайди-я! Ҳа, мени айтди дерсизлар, бир балага гирифтор бўлашимиз аниқ.

Бироқ бу хил фикрлар хотинларнинг хаёлига ҳам келмабди. Улар бегона юртларда жанг қилиб юрган эрларини эслашибди, эҳтимол бизнинг эрларимиз ҳам ярадордир, яширинишга мажбур бўлиб юришгандир деб ўйлашиб, хўрсиниб қўйишибди. Учинчи кун яқинда чўчқа боласи сўйган бир аёда бир бўлак қолбасани Катеринага олиб келиб берибди.

— Мана, олинг,— дебди у.— Ахир, бечора қувватга киришн керак-ку. Шу қолбасани унга беринг.

Орадан бир оз вақт ўтгандан кейин бошқа бир хотин бир шиша вино олиб келиб берибди. Кейин, кетма-кет биттаси бўтқа пишмириб бергани бир халта жўхори уни олиб келибди, учинчиси бир бўлак думба ёғи олиб келибди. Хуллас, кечгача Катеринанингига қишлоқдаги ҳамма аёллар келиб кетишибди, биттаси ҳам қуруқ келмабди. Хотинлар Катеринага соғани беришиб, кейин ярадор партизан ётган омборхонани секин қарашар ва кўз ёшларини тилмай йиғлаб юборишар экан.

Бу орада партизани анча соғайиб қолибди, яраси аста-секин тузала борибди. Бу бутунлай соғайиб, оёққа туриб кетгунча ўн бир оила уни ўз фарзандидай парвариш қилибди, уни ҳеч нимадан зориқтириб қўйишмабди.

Орадан озми-кўпми вақт ўтгандан кейин партизани тузалиб кетибди. Бир кун у қоронғу омборхонадан чиқиб, офтобда исиниб ўтирибди. Шу пайт унинг кўзи чилвирсиз қудуққа тушиб қолябди. Кўрибди-ю, жуда ҳайрон бўлибди: нега энди чилвирсиз? Хотинлар уялишганидан қизаришиб-бўзаришиб, ҳар бир уйда чилвир бор деб тушунтира кетишибди. Улар қанчалик тушунтиришмасин, бари бир, партизан қишлоқдаги бу галати урф-одатнинг маънисига сира тушунолмабди. Ахир, хотинлар узоқ вақт бир-бирлари билан жанжаллашиб, уришиб келганлари ҳақида лом-

ийм леишмасэ, партизан қаёқдан тушунсин. Энди уларнинг муносабати бутунлай бошқача бўлгани учун ҳам бу ҳақда гапиршмабди-да. Энди, улар оғир кунларни бирга бошдан кечирганларидан, куплашиб партизани парварши қилишганларидан кейин худди туғишган она-сингиллардай аҳил, апоқ-чапоқ бўлиб кетишибди, буни ўзлари ҳам сезмай қолишибди.

«Тўғри-да, шунча чилвирнинг бизга нима кераги бор?» — деб ўйлашибди хотинлар ва пул йиғиб, яхши бир занжир сотиб олмоқчи бўлишибди. Худди шундай қилишибди ҳам. Янги занжирни чигир ғалтакка маҳкам боғлаб қўйишибди, биринчи челақ сувни партизан тортиб олибди.

Кеч кириши билан партизан яна тоққа кетибди.

## 75-НОМЕРЛИ ТРОЛЛЕЙБУС

Монтеверде Веккиодан Фьюме майдонига қатнайдиغان 75-номерли троллейбус бир куни эрталаб Трастеверага тушиш ўрнига Джоникола томон йўл олиб, Аврелиянинг Эски йўлига бурилибди... Хуллас, орадан бир неча минут ўтар-ўтмас баҳор қуёшидан ганиб қолган қуёндай Рим атрофидаги кўкаламзорлардан юриб кетибди.

Одатда бу соатда троллейбусга фақат хизматчилар чиқишаркан, уларнинг ҳаммаси ҳам газета ўқишаркан, қўлида газетаси бўлса ҳам, бўлмаса ҳам ўқишар экан, чунки газета сотиб олмагани қўшинисининг елкасидан мўралаб ўқиркан. Бир синьор газета саҳифасини очаётиб бир зумга бошини кўтарибди-ю, ойнага қараб қичқириб юборибди:

— Кондуктор, ўзи нима гап? Бу қанақа бемазагарчилик! Ўз бошимчалик!

Бошқа пассажирлар ҳам газетадан бошларини кўтаришибди, троллейбусда ўтирганларнинг ҳаммаси дарғазаб бўлиб, бараварига бақириб-чақирибди.

— Ахир, қарасаларинг-чи, бу йўл Чивитавеккига боради-ку.

— Ахир, ҳайдовчининг кўзи қаёқда?

— У ақлдан озган! Оёқ-қўлини боғлаш керак!

— Мана, транспортнинг ишини бир кўриб қўйинг!

— Ҳозир ўнта кам тўққиз, ролпа-роса тўққизда судда бўлишим керак! — деб қичқирибди адвокат.— Агар шу процессда ютқизсам, шаҳар транспорт бошқармасини судга бераман.

Ҳайдовчи билан кондуктор қўлларидан келганча роса тортишибди, бизнинг ҳечам айбимиз йўқ, троллейбус рулга бўйсунмаяпти, хоҳлаганини қияпти, деб куйиб-пишиб йўловчиларни нишонтирмоқчи бўлишибди. Худди шу пайт троллейбус шундай бир ҳунар кўрсатибдики, ҳаммалари ҳангу-манг бўлиб, оғизларини очиб қолишибди. У йўлдан чиқибди-да, муаттар ҳид таратаётган ўрмонча ёқасида тўхтабди:

— Вой, гунафш! — деб қичқириб юборибди бир синьора хурсанд бўлиб.

— Ол-а, ҳозир гунафша юрагига сиққанини-чи, — деб тўнғиллабди адвокат.

— Менга барибир! — дебди синьора қувноқлик билан. — Мен министрликка кеч қолсам ҳам майли, таъзимни беришса ҳам майли, нима бўлса бўлар! Роёт шу ерга келиб қолибмизми, бир мириқиб гунафша терай. Гунафша термаганимга ўн йил бўлди.

Ўша синьора троллейбусдан биринчи бўлиб сакраб тушибди, эрталабки оромбахш ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олибди, кейин нафис гуллардан тера бошлабди.

Йўловчилар троллейбуснинг жойидан жилмаслигига кўзлари етгач, баъзилар оёғининг чигилини ёзгани, бошқалар сигарета чеккани бирин-кетин ташқарига чиқа бошлашибди. Улардаги кўнгил ғашлик худди тумандай аста-секин тарқалиб, ҳадемай ундан асар ҳам қолмабди. Йўловчилардан биттаси дасторгулни юлиб олиб, камзулига қадамоқчи бўлибди, бошқаси ҳали кўм-кўк маймунжон бутасини учратиб қолиб, қичқириб юборибди:

— Буни мен тондим! Ҳозир бу ерда карточкамни қолдираман, маймунжон пишгандан кейин келиб ҳаммасини териб кетаман, битта ҳам мевасини қолдирмайман. Қани, битта-яримта қўл теккизиб кўрсин-чи!

Буни қаранг-а, ўша одам чиндан ҳам ҳамёнидан визит карточкасини олибди-да, уни чўп билан тешиб маймунжон бутасига илиб қўйибди. Карточкага: «Фан доктори Джулио Болати» деб ёзиб қўйилганмиш.

Маориф министрлигида ишлайдиган икки хизматчи газеталардан тўп қилиб, футбол ўйнай бошлашибди. Ҳар бири ўзи ясаган тўпни тешиши билан:

— Пенальти!

— Тўққиз метрдан! — деб қичқирар экан.

Хуллас, булар ҳозирги бегуноҳ ҳайдовчи билан заррача ҳам айби йўқ кондукторни мажақлаб ташлашга тайёр турган ўша икки хизматчи деса ҳеч ким ҳеч қачон ишонмас экан. Ҳайдовчи билан кондуктор ҳам троллейбусдан тушибди-да, майса устига ўтиришиб, очик ҳавода нон билан тухумни маза қилиб ейишибди.

— Қаранглар! — деб қичқирибди адвокат.

Жуда вақтида қичқирган экан. Троллейбус бир силкинибди-ю, ўз-ўзидан жойидан қўзғалиб, секин орқасига — йўл томонга юриб кетибди. Пассажирлар орқасидан гур этиб чопиб қолишибди, юриб кетаётганда унга аранг чиқиб олишибди. Гунафша ушлаган синьора энг кейин чиқибди.

— Бу қанақаси бўлди? — дебди у ранжиб. — Йўқ, бу яхши эмас, адолатдан эмас. Энди мириқиб тера бошлаганимда, шартта юриб кетса-я!..

— Қизиқ, ҳозир соат неча бўлдикин? — деб сўрабди йўловчилардан биттаси, троллейбус ўз маршрутига қайтиб, Дандоло кўчасидан пастга қараб кета бошлагач.

— Эй! Вақт анча маҳал бўлиб қолгандир, яхшиси соатга қарамаган маъқул! — деб қичқирибди бошқа йўловчилар бараварига ва ҳаммаси соатига қарабди. Ана холос... Бу қанақаси бўлди?

Соат ўнта кам тўққиз эмиш. Афтидан, шу вақт ичида соат миллари айланмади шекилли, троллейбус тўхтаб тургандаги ўша бир неча дақиқа йўловчиларга шунчаки совға қилишибди-да.

— Бу қандай бўлди-а! — деб сўрабди гувафша унлаган смяора ҳайрон бўлиб. Бошқа йўловчилар ҳам ҳайрон бўлишибди. Ҳолбуки, ҳамманинг қўлида газета бўлиб, ҳар бир газетанинг тепасига 21-март деб аниқ ёзиб қўйилган эмиш. Баҳорнинг биринчи кунини эса ҳар қандай мўъжиза бўлиши мумкин.

## ПЛЮС БЕШ

— Ҳой, ким бор! Ердан беринглар! — деб қичқирибди бечора Беш кўчада орқа-олдига қарамай югуриб бораркан.

— Сенга нима бўлди? Тинчликми?

— Нима? Орқамдан Олув белгиси қувиб келаётганини наҳотки кўрмаяпсизлар? Агар у менга етиб олса, шундай мусибат юз берадики!..

— Ол-а, шу ҳам мусибат бўлдим!

Лекин, бари бир мусибат юз берибди, яна қаваққа деи! Олув белгиси бечора Бешнинг орқасидан келибди-да, ёқасидан бўғиб, ўткир шамшири билан қиймалай кетибди. Унинг шамширини ҳамма одатдаги минус деб ўйларкан. Бечора Бешнинг тити-вити чиқиб кетибди, агар бағтинга ёнгинасидан узундан-узун чет эл машинаси ўтиб қолмаганда унинг ҳоли нима кечарди, ундан ҳеч бўлмаса бир рақами қолармиди-йўқмиди? Олув белгиси, машинани сал калтароқ қилиш мумкинми-йўқми деб, атрофга бир зум аламлиб қарабди, Беш зийраклик қилиб, биринчи учраган уйга лип этиб кирибди-ю, яшариниб олибди. Бироқ у анди Беш эмас, Тўрт бўлиб қолган экан, бунинг устига бурни пачоқ бўлибди.

Тўрт тинка-малдор қуриб, қимирлашга ҳоли келмай, миқ этмай ўтирган экан, бирдан худди меҳр-шафқатнинг ўзи гапирётгандай «қимли, майли, дарди» бир оловни эшитиб қолибди:

— Бечора! Сени ким бунчалик савалади? Нима, орадинларнинг билган урушиб қолдингми?

О, бечора Тўрт, бу ширин, мулоқим гапирётган зотнинг кимлигини дарров пайқагажда-ку... У, ҳайнаҳой, иккинчи бир танқидимга ўхшаб: «Ҳой, ким бор! Филантроплар! Қочиб қолинглар!» — деб қичқирган бўларкан. Чунки бу ширин, мулоқим гапирётган Бўлиш белгиси экан. Ҳа, Тўртнинг қарнисида Бўлиш белгисининг шохсан ўзи турган экан.

Бечора Тўрт эшитилар-эшитилмас қилиб: «Салом, эҳшимчиси», — деб чийиллабди, кейин секин аяккакифт бўлиб эшик томон юрибди. Бироқ Бўлиш белгиси ундан ҳам эпчил экан. У ўзининг даҳшатли қайчисини олибди-да, бечорани шартта иккига бўлиб ташлабди. Тўрт ғойиб бўлиб, унинг ўрнида яхита Икки қолибди. Бўлиш белгиси Иккининг биттасини чўнтагига солиб олибди, иккинчисини пайт пойлаб шартта қочиб қолибди. У кўчадан чопиб ўтибди-да, юриб бораётган трамвайга чиқиб олибди.

— Бир вақтлар Беш эдим,— дебди у йиғлаб-сиқтаб,— мана энди шу кўйга тушиб қолдим.

Икки! Трамвайда кетаётган ҳамма ўқувчилар ўринларидан сапчиб туришибди-да, ундан ўзларини олиб қочиб, олдинга ўтиб олишибди. Чунки ҳеч ким Икки билан муомала қилишни истамас экан. Кекса кондуктор кўзойнаги устидан ўқувчиларга қарабди, кейин Иккига бир ўқрайибди-да, жаҳл билан тўнгиллабди:

— Трамвайга ҳамма ҳам тушаверар экан-да! Ол-а, бу жияқарча пиёда кетсаям бўларди.

— Ахир, мен айбдор эмасман-ку!— деб қичқирибди собиқ Беш йиғи аралаш.

— Ҳа, тушунарли! — дебди кондуктор пичинг аралаш.— Бунга об-ҳаво айбдор бўлса керак-а! Ҳа, бу хил баҳоналарни кўп эшитганмиз.

Икки лоладай қизариб кетибди, хижолатдан ер ёрилсаю, ерга киргудай бўлибди, биринчи бекатдаёқ трамвайдан сакраб тушиб қолибди. Шу пайт (иш юришмаса шунақа бўлади) у кимнингдир оёғини босиб олибди.

— Вой! Кечирасиз, кечирасиз, узр, синьор!— деб бидирлабди у.

Лекин синьорнинг ҳечам жаҳли чиқмабди. Бунини қаранг-а, у ҳатто кулимсираб қўйибди! Икки ҳайрон бўлганидан кўзларини катта очиб, синьорга тикилиб қолибди. У узоқ туриб, бирдан таниб қолибди. Ана холос! Бу ахир, Кўпайтириш белгиси-ку! Кекса, хушфёъл Кўпайтириш белгиси. Дунёда бундан очиккўнтил, раҳмдил бошқа топилмаса керак. У бировнинг мусибатига, дард-аламига сира-сира чидаёлмайди. Икки бир оғиз гапирмасиданоқ, Кўпайтириш уни шартта учга кўпайтириб қўйибди. Шу заҳоти шунчаки оддий Беш эмас, балки Плюс Беш ҳосил бўлибди. Чунки ҳамма ўқитувчилар Олти ўрнига Плюс Беш қўйишаркан.

— Ура!— деб қичқириб юборибди бахтиёр Плюс Беш.— Энди мени албатта синфдан-синфга ўтказишади. Ахир, Плюс Бешман-а!

## УЙЛАР ВА САРОЙЛАР

Бир куни қадрдон дўстимни, кекса гишт терувчинини кўргани ҳужрасига кирдим. Кўришмаганимизга анча бўлувди... Ҳатто неча йил бўлганини эслаёлмайман ҳам.

— Хўш, ҳали ҳам саёҳат қилиб юрибсанми? — деб сўради у мендан.

— Ҳа, ҳозиргина Париждан келдим.

— Эҳ, Париж! Мен ҳам бўлганман. Фақат бунга кўп йил бўлди. Биз у ерда сарой қурган эдик. Оҳ, сароймисан сарой эди-да! Шундай Сена соҳилида эди. Ҳозир ўша саройда ким турибди, билмайман. Хўш, яна қаерларда бўлдинг?

— Америкага бориб келдим.

— Америкага. О, мен ҳам борганман. Анча бўлди. Орадан неча йил ўтганини ҳам эслаёлмайман. Нью-Йоркда, Буэнос-Айрес, Сан-

Франциско, Монтевидеола бўлганман. Ҳамма ерда уй қурганмиз. Катта уйлар эди. Томларига байроқ осиб қўярдик. Австрияда ҳам бўлдингми?

— Йўқ, ҳали борганим йўқ.

— Э! Мен бўлганман. Тўғри, жуда ёш бола эдим. Унда ёшиг теришга мени яқин ҳам йўлатишмасди. Ёрданчи ишчи бўлиб ишлардим. Оҳак таширдим, оғир қопларни кўтарардим. Тоғ-тоғ қумни элакдан ўтказганман. Биз у ерда вилла қургандик. Уша ерлик бир синьор учун. У сенинг баронингга ўхшаб келишган, серсавлат эди. Эсимда, у бир куни мени олдига чақириб, қовурдоқни қандай пиширади деб сўраб қолди. Мен ҳаммасини гапириб бердим, у айтганларимни ён дафтарига бирма-бир ёзиб олди... Ҳа, шунақа гаплар... Хўш, Берлин-чи, Берлинда бўлдингми?

— Йўқ, ҳозирча боролганим йўқ.

— Э, оғайни, мен у ерда ишлаганимда сен ҳали ёруғ дунёга келмагандинг. Шунақаям чиройли, ҳашаматли уйлар қурадикки, кўрсанг оғзинг очилиб қоларди. Хуллас, ҳалол ишлардик. Бу уйлар дунё тургунча туради. Жазоирда бўлдингми? Қоҳирада-чи? Мисрда шунақа шаҳар бор.

— Шу бу йил ёзда бориб келмоқчиман.

— Ҳа, борсанг арзийди, ҳечам ўкинмайсан. Уйлари ниҳоятда гўзал. Борсанг, атайлаб разм солгин. Мақтанмайман-у лекин мен қурган деворлар ўқдай тўғри-да. Мен ёлган томдан-ку бир умр чакка ўтмайди.

— Хўш, ҳисоблаб чиқсак, кўп уй қурганмисизлар?

— Сенга нима десам экан-а. Ҳа, жудаям кўп. Истаган мамлакатингга, истаган шаҳарингга боргин, ҳамма ерда нимадир кўрганман.

— Хўш, ўзларингга-чи?

— Нима, ўзингга нима бўпти? Мана кўриб турибсан, давлат уйида турибман. Ўзингга уй қуришга пул тополмадим. Ҳаётда доимо шунақа бўлади...

— Ҳа, чиндан ҳам ҳаётда доим шунақа бўлади. Лекин бу адолатдан эмас-да.







## БИРИНЧИ БОБ

Жельсоминно очганда оғиз  
Тўпни дарвозада кўрасиз.

Жельсоминно тўғрисидаги бу ҳикояни унинг ўзидан эшитдим. Мен бу воқеани охиригача тинглаганимга қадар, қулоғимга ярим кило пахта тиқиб олганимга қарамай, қар бўлиб қолай дедим. Жельсоминнинг овози шу қадар ўткирки, секин гапирганда ҳам унинг овози шу қадар ўткирки, секин гапирганда ҳам унинг овозини денгиз сатҳидан, ҳатто Жельсоминнинг тепасидан ўн минг метр баландликдан учиб кетаётган реактив самолётдагилар ҳам эшита олади.

Ҳозир Жельсоминно донғи кетган майин товушли ашулачи. У шимолдан жанубий қутбгача — ҳаммага машҳур. У артист бўлгандан кейин ўзига жарангдор, дабдабали янги исм қўйиб олди. Унинг бу исмини газеталардан юз марталаб ўқигандирсиз, шунинг учун уни такрорлаб ўтирмайман. Ешлигида бу болани «Жельсоминно», яъни «Жасмин» деб аташарди, повестимизда ҳам уни шу ном билан атайвераимиз.

Шундай қилиб, бир замонларда оддийгина, бўйи ҳаттоки бошқа болалардан пастроқ, лекин оғзини очгандаёқ қулоқни қар қиладиган баланд товушли бир бола бўлган эди.

Жельсоминно ярим кечада туғилган эди. У туғилганда ҳамқишлоқлари бизни фабрика гудоги ишга чақираяпти деб ўринларидан туриб кетганлар, ҳолбуки бунда Жельсоминно эндигина дунёга келган чақалоқлар сингари йиғлаб, овозини эндигина синаб кўрган эди. Ҳайриятки, у журналистлардан ва кечаси ишлайдиган қорувуллардан ташқари одамшаванда кишилардек, кечқурундан то эрталабгача тинч ухлашга ўрганиб қолди. Энди у роса соат еттида, ишга борадиганлар ўрнидан турадиган вақтда йиғлайдиган бўлди. Фабрика гудокларига эҳтиёж қолмади, тез орада занглаб кетди.

Жельсоминно олти ёшга кирганда мактабга борди. Уқитувчи йўқламини ўқиб туриб, «Ж» ҳарфига етганда:

— Жельсоминно! — деб чақирди.

— Шу ердаман! — деб қувониб жавоб берди янги ўқувчи.

Бирдан гулдурас эшитилди — синфнинг тош тахтаси минг бўлак бўлиб, атрофга сочилиб тушди.

— Тахтага ким тош отди? — чизғичга қўл чўзиб, жиддий сўради ўқитувчи.

Ҳеч ким жавоб бермади.

— Яна бошқатдан йўқлама қиламан,— деди ўқитувчи.— Гош-ни сен отдингми? — у йўқлама қилатуриб ҳар бир ўқувчидан бирин-кетин сўрай бошлади.

— Мен отганим йўқ, мен отганим йўқ,— деб жавоб қилдишарди болалар кўрқа-писа.

Ўқитувчи Жельсоминони чақирганда, у ҳам ўрнидан туриб, саямий жавоб қайтарди:

— Мен тош отганим йўқ, жаноб ўқ...

У «ўқитувчи» сўзини тугатмасданоқ дераза ойналари чилпарчи бўлиб полга сочилди.

Бу сафар ўқитувчи синфдагиларни диққат билан кузатиб, қирқ ўқувчидан биронтаси ҳам рогатка отмаганига ишонч ҳосил қилди. «Мактабга бормасдан қушларнинг уясини бузиб юрган биронта ўйинқароқ кўча томондан тош отган бўлса керак,— деб ўйлади ўқитувчи.— Уни тутаман-да, қулоғидан чўзиб полицияга элтаман».

Уша куни эрталаб ўқиш шу билан тугади. Эртаси куни ўқитувчи йўқлама қилиб, яна Жельсоминонинг номига келиб етди.

— Шу ердаман! — деб жавоб берди қаҳрамонимиз, ўқувчи бўлганидан фахрланиб.

Деразадан тарақ-тарақ деган овоз эшитилди. Ярим соат илгари қўйилган дераза ойналари кўчага чил-чил бўлиб тушди.

— Қизиқ,— деди ўқитувчи. — Ҳар сафар сенинг номингга келганда кўнгилсиз воқеа содир бўляпти. Тушунарли! Болагина, сенинг овозинг жуда ўткир экан, овозингдан довул пайтидагидек ҳаво ларзага келяпти. Бугундан бошлаб сен секин гапиришинг керак, бўлмаса мактабимиз ҳам, қишлоғимиз ҳам вайронага айланади. Келишдикми?

Уятдан ва хижолатдан қизарган Жельсомино:

— Менда айб йўқ, ўқитувчи жаноблари! — деб эътироз билдирган эди, мактаб қоровули яқиндагина магазиндан олиб келган тахта тақ-тарақ этди-да, синди-қолди.

— Ана, айтмадимми,— деди ўқитувчи.

Лекин бечора Жельсоминонинг кўзидан ёш оқаётганини кўрган ўқитувчи ўрнидан турди-да, унга яқин келиб, меҳрибонлик билан унинг бошини силади.

— Гапимга қулоқ сол, ўғлим. Овозинг бошингга кўп кулфат солиши ёки бахт келтириши мумкин. Ҳозир имкон борича ундан камроқ фойдалан. «Сўзлаганингдан сўзламаганинг яхшироқ...» деган ҳаммага маълум мақол бор.

Жельсомино шу кундан бошлаб қаттиқ азобда қолди. Мактабда янги шўр иш орттирмаслик учун у оғзини рўмолча билан бекитиб ўтирадиган бўлди. Шундай бўлса ҳам унинг овози шу қадар қаттиқ эшитилар эдики, у гапираётганда синфдош ўртоқлари қулоқларини бармоқлари билан бекитишга мажбур бўлардилар. Ўқитувчи ҳам ундан камроқ сўрашга ҳаракат қиларди. Тўғриси-ни айтганда, Жельсоминонинг ўзи ҳам намунали ўқувчи ҳисобланарди, унинг ҳар доим тўғри жавоб беришига ўқитувчи ишонарди.

Уйда биринчи ҳодисадан кейинроқ (бунда у овқат вақтида мак-

табда бўлган воқеани гапира бошлаган эди) ўн иккита стакан чялчил бўлди, бундан кейин оғзингни оча кўрма, деб қўйишди. У кўнглини бўшатиш учун қишлоқдан узоқроқ жойга: ўрмонга, кўл бўйига ёки кенг далага борарди. Елғиз ўзи қолганига ва ҳамқишлоқларининг деразасидан узоқда турганлигига ишонч ҳосил қилгач, у ерга мукка тушиб, қўшиқ айта бошларди. Бир неча минутдан сўнг ер қайнаётгандек бўларди — кўркаламуш, қурт-қумурсқалар ва ер остида яшовчи бошқа жониворлар чиқиб, ер қимирлаётган бўлса керак, деб узоқ-узоқларга қочардилар.

Фақат бир марта Жельсомино одатдаги эҳтиёткорлигини унутиб қўйди. Бу воқеа дам олиш куни стадионда қизғин футбол ўйини пайтида рўй берди.

Жельсомино футбол ишқибози эмас эди, лекин секин-аста бу ўйинга берилиб қолди. Футбол ишқибозларининг далда берувчи ҳайқириқлари остида унинг қишлоғи командаси ҳужумга ўтди (мен «ҳужумга ўтди»нинг маъносини яхши билмайман, чунки футбол ўйинига тушунмайман, лекин Жельсомино ҳикоя қилаётганида ана шундай иборани ишлатади, сиз бунга тушунсангиз керак деб ўйлайман, ахир сиз спорт газеталарини ўқиб турасиз-ку!)

— Бўш келма! Бўш келма! — деб қичқаришарди ишқибозлар.

— Бўш келма! — деб овози борича қичқирди Жельсомино ҳам.

Худди шу вақтда ўнгдаги ҳимоячи марказий ҳужумчига тўпни узатган эди, лекин тўп ярим йўлда бурилиб, қандайдир кўзга кўринмайдиган куч таъсирида дарвозабоннинг оёқлари орасидан ўтди-да, рақиб томон дарвозасига отилиб кирди.

— Гол! — деб қичқаришди томошабинлар.

— Роса бопладими! — деди кимдир ҳайратланиб. — Тўпни буриб юборганини кўрдингларми? Мўлжалга урганини қаранг! Бир миллиметр ҳам янглишмади-я. Унинг оёқларини олтин деса бўлади.

Ўйинга берилиб кетган Жельсомино нима қилиб қўйганини дарров фаҳмлади.

«Шубҳасиз», — деб ўйлади у, — бу тўпни овозим билан мен дарвозага киритдим. Жим ўтиришим керак экан, бўлмаса, ўйин бўладими бу? Бўлар иш бўлди, энди ҳисобни бараварлаш учун иккинчи дарвозага ҳам тўп киритишим керак».

Иккинчи таймда унга қулай фурсат келди. Рақиб команда ҳужумга ўтди. Жельсомино бир қичқирган эди, тўп учиб бориб ҳамқишлоқларининг дарвозасига кирди. Шунда унинг жуда хафа бўлиб кетганини фаҳмлаш қийин эмас. Орадан анча йил ўтган бўлса ҳам, Жельсомино шу воқеани ҳикоя қиларкан, менга бундай дедди:

— Шу тўпни киритганимдан кўра, қўлларимни кессалар рози бўлардим, лекин нима ҳам қилиб бўларди, тўп дарвозага беихтиёр киргани-да.

Ҳа, унинг ўрнида бошқа одам бўлганда ўзи яхши кўрган командасига кўмаклашарди, лекин Жельсомино бундай қилмади — у ҳалол, оқ кўнгли, қалби булоқ сувидек пок эди. У шундай бўлиб ўсли, балоғатга етди. Очиғини айтганда, Жельсомино у қадар новча эмасди, бўйини пастроқ деса ҳам бўлади, семиз эмас, ориқроқ,

хуллас, Жасмин жисмига муносиб исм эди. Исмни оғир бўлганда, «ўтаролмай, букри бўлиб юриши мумкин эди.

Жельсоминно мактабни аллақачон битириб, деҳқончилик билан шуғуллана бошлаган эди. Агар у кўнгилсиз бир воқеага учрамаганида, умр бўйи шу ишда қоларди ва мен сизга унинг тўғрисида ҳикоя ҳам қилиб ўтирмасдим. Сиз бу воқеани тезда билиб olasiz.

## ИККИНЧИ БОБ

Еқмай қолгач бутун қишлоққа,  
Жельсоминно кетди узоққа.

Жельсоминно бир кун эрталаб боғига бориб, ноклар пишиб ётганини кўрди. Ноклар доим шундай қилади: сизга билинтирмасдан, ўз ҳолича етилаверади, бир кун эрталаб қарабсизки, улар пишиб, узадиган пайти келиб қолган бўлади.

«Аттанг, нарвоини ола келмабман,— деб ўйлади Жельсоминно.— Уйга бориб, тепа шохдаги нокларни қоқиш учун хода ҳам олиб келаман».

Лекин шу тонда унинг миясига яна бир фикр келди — тўғриси, қиттак дангасалиги тутди: «Овозимни ишга солиб кўрсам нима қилади?»

Шундай қилиб, у дарахтнинг тагига борди-да, ҳазиллашибми, чинданми, қичқирди:

— Қани, ноклар, тўкилинг!

«Дўпир-дўпир» қила кетди ноклар, ерга ёмғирдек тўкиларкан.

Жельсоминно бошқа дарахтнинг тагига бориб ҳам шундай қилди. Ҳар сафар у: «Тўкилинг!» деб қичқирганида ноклар гўё шу буйруқни кутиб тургандек, шохдан узилиб, ерга дув тўкиларди. Жельсоминно бунга жуда қувониб кетди.

«Мен кучимни беҳуда сарфламайман,— деб ўйлади у.— Нарвон ва хода ўрнинга овозимдан фойдаланиш илгарироқ эсимга келмабди-да».

Жельсоминно боғида айланиб шу йўсинида нокларни териб юрганида, қўшни ерда чолиқ қилаётган бир деҳқон уни кўриб қолди. У кўзини ишқалаб, бурнини чимдиб, кўраётгани туш эмаслигига ишонгач, хотинига айтгани югурди.

— Бориб кўр,— деди бутун вужуди билан титраб.— Жельсоминно ёвуз жодугар экан.

Хотини кўриб, тиз чўкди-да:

— У мўъжизакор авлиё экан-ку,— деди.

— Жодугар дедим-ку сенга!

— Мен сенга, у мўъжизакор авлиё экан деяман!

Шу кунгача эр-хотин ҳеч уришмаган эди, шу топда эри қўлига кетмонни, хотини белни олди. Уларнинг ҳар бири қурол билан ўз фикрини қувватламоқчи эди, деҳқон мурасага ўтди.

— Юр, қўшнилари чакраманиз. Улар Жельсоминнони кўриб нима дейишаркин?!

Кўшнларни чақириб, тилни ортиқроқ қайраш фикри хотинга ёқди-да, белни улоқтириб, кўздан ғойиб бўлди.

Бу воқеадан кечгача ҳамма хабар топди. Аҳоли икки гуруҳга бўлинди: бировлари Жельсоминони мўъжизакор авлиё деса, иккинчилари уни ёвуз жодугар дейишди. Кучли шамолда денгиз тўлқини зўрач боргандек, тортишув қизиб авж ола бошлади. Ростакамига жанжал чиқиб, бир неча киши шикастланди ҳам, Ҳартугул, енгилгина. Бир деҳқон жанжал пайтида трубкасини тескари тутиб, оғзини куйдириб олди. Полицьячилар нима қилишни билмай шошиб қолишди. Улар бир тўдадан иккинчисига ўтиб, ҳаммани тартиб сақлашга чақирдишарди.

Энг ашаддий жанжалкашлар Жельсоминонинг боғига йўл олишди. Бировлари мўъжизакордан бир нима эсдалик олиб қолиш учун, иккинчилари ёвуз жодугарнинг боғини вайрон қилиш учун боришди.

Бир талай одамларнинг қаёққадир келаётганини кўрган Жельсомино ўт тушган бўлса керак, деб ўйлади. У челақни олиб, ёрдамга югурмоқчи эди, оломон ўзининг эшиги олдида тўхтаганини кўрди. Шунда қулоғига бундай сўзлар чалинди:

— Ана у! Ана у! — деб қичқирарди баъзилар. — У мўъжизакор авлиё!

— Қанақасига авлиё бўлади? Ёвуз жодугар у. Қаранг, қўлида челаги бор. Жоду қилинган бўлса керак.

— Нарироққа қочиб турайлик, агар ичидегисини сепиб юборса, ҳалок бўламиз.

— Челагида нима бор экан-а?

— Кўзинг кўрми? Челагида дўзах ўти бор. Агар у одамга тегса, куйдирадн, кейин ҳеч қанақа врач даволай олмайди.

— У авлиё, авлиё у!

— Жельсомино, биз, шокларга пишгин, деганинда — уларнинг яшганини, тушгин деганинда — тушганини кўрдик.

— Эсингизни едингизми? — деб сўради Жельсомино. — Айб овозимда. Қаттиқ довул бўлгандек, овозимдан ҳаво тўлқинланади, холос.

— Ҳа, ҳа, биз биламиз! — деб қичқирди бир аёл. — Сен ўз овозинг билан мўъжиза яратасан.

— Бу мўъжиза эмас! Сеҳр, жоду! — деб қичқирдишарди бошқалар.

Жельсомино аччиқ билан челақни ерга улоқтирди-да, уйига қайриб, эшикни занжирлаб олди.

«Энди менга тинчлик беришмайди, — деб ўйлади у. — Қаерга бормай, қизиқиб, кетимдан югуриб юришадн. Кечкурунларни ётишдан олдин ҳамма ерда менинг ҳақимда гаплашишадн. Мени ёвуз жодугар, деб болаларни қўрқитишадн. Яхшимс бу ердан жўнаб қолишим керак. Энди бу ерда нима ҳам қилардим? Ота-онам ўлиб кетди, яқин дўстларим урушда ҳалок бўлди. Дунё кезиб, овозим орқасида бахт топишга уриниб кўраман. Ашула айтиб, пул тонадиган кишилар ҳам бор-ку. Рост, бу ғалатироқ. Ашула айтган одамларнинг ўзи роҳатланади, бунинг учун уларга ҳақ беришнинг

ҳожати йўқ эди. Лекин, шундай бўлса ҳам, ашулага пул бериншадди. Эҳтимол мен ҳам ашулагачи бўлиб қоларман?»

У шундай қарорга келиб, арзинмаган буд-шудларини қопга солди-да, кўчага чиқди.

Уни кутиб турган кишилар шивирлашиб, ўзларини четга олдилар. Жельсомино ҳеч кимга қарамасдан, индамай йўлга тушди. Анча узоқда борғанидан кейин бурилиб, охириги марта уйига қаради.

Оломон ҳамон тарқамай, гўё шарпани кўрсатаётгандек, унга бармоғи билан ишора қиларди.

«Уларнинг шу қилганига бир ҳунар кўрсатмайманми?» — деб ўйлади Жельсомино, у кўкрагини тўлдириб нафас олди-да, овози борича қичқирди:

— Хайр!

Бу хайрлашувнинг оқибати дарров билинди. Эркаклар кучли шамол бирдан шапкаларини учуриб кетганини сезишди. Туксиз тақир бошлари очилиб қолган бир неча кекса аёл ясама сочларининг кетидан қува кетишди.

— Хайр! Хайр! — деб қичқирди Жельсомино, умрида биринчи марта қилган шўхлигидан ўзи завқланиб.

Шапкалар ва ясама сочлар қушлардек гала бўлиб, Жельсоминонинг ишқоятда ўткир овози таъсирида булутларга учиб чиқиб кетди-да, бир неча минутда кўздан йўқолди. Уларнинг бир қанча километрга учиб боргани, баъзларининг чегарадан ўтиб кетгани маълум бўлди.

Бир неча кўндал кейин Жельсомино ҳам чегарадан ўтиб, дунёда ғалати бир мамлакатга бориб қолди.

## УЧИНЧИ БОБ

Жельсомино бир оз йўл юрди  
Ва ғалати мушукни кўрди.

Бу мамлакатнинг мамлакатда Жельсоминонинг кўзи биринчи марта кумуш тангага тушди. У йўлдага яқин ерда, ҳаммага кўришиб, яқдираб ётарди. «Қизиқ, уни ҳеч ким олмаяпти-я, — деб ўйлади Жельсомино. — Лекин меида қочиб қутулолмайди. Пулим озгина эди, у ҳам кеча кечқурун тамом бўлди. Бугун оғзимга узоқ ҳам солганим йўқ. Бу тангани ўтқишчиларнинг биронтаси тушириб қўйганимники, аввал шунин билвешай».

У ўзаро шивирлашиб, уни кузатиб турган бир тўда кишиларнинг ёнига борди-да, тангани кўрсатди.

— Жаноблар, бу тангани биронтангиз тушириб қўйганингиз йўқми? — пичирлаб сўради у, ўз овози билан чўчитиб юбормаслик учун.

— Жўлаб қол! — дейишди улар. — Агар бошимга фалокат тушмасли десанг, бу тангани кўрсата кўрма!

— Кечирасиз,— Жельсоминно хижолатдан шундай дедию, «Озиқ-овқат ва бошқа моллар» деб ёзиб қўйилган магазини томон йўл олди.

Витринада яхна гўшт ва мураббо солинган банкалар ўрнида даста-даста дафтарлар, турли бўёқлар солинган қутичалар, сиёҳ тўла шишалар турарди.

— Бошқа моллар дегани шулар бўлса керак,— деди Жельсоминно ва магазинга дадил кирди.

— Хайрли кеч,— дея мулолим саломлашди у билан магазини эгаси.

«Очиғини айтганда,— ўйлади Жельсоминно,— ҳали кун яримлагани ҳам йўқ. Кел, бунинг нима аҳамияти бор». У одатдагидек пичирлаб сўради. Унинг пичирлаши ҳам соғ қулоққа қаттиқ эшитиларди.

— Нон олсам бўладими?

— Марҳамат, муҳтарам жаноб. Қанча керак эди? Бир шишани ёки икки шишани? Қизилданми ёки қорасиданми?

— Қораси керак эмас,— деб жавоб берди Жельсоминно.— Сиз ростдан ҳам нонни шишада сотасизми?

Магазини эгаси хохолаб кулди.

— Қандай сотасак сизга маъқул келарди? Сизнинг юртингизда нонни қирқиб сотишадими? Қаранг, нонимиз қандай яхши-я! — У саф тортган солдатлардек текис териб қўйилган ранг-баранг сиёҳли шишаларни кўрсатди.

Бутун магазинда ейдиган бирон нарсадан асар ҳам йўқ эди; пишлоқ, ҳатто олманинг пўчоғи ҳам кўринмасди.

«Жинни бўлиб қолмаганмикин? — деб ўйлади Жельсоминно.— Яхшиси, унга гап қайтармай қўя қолай».

— Чиндан ҳам нонингиз ажойиб,— деди Жельсоминно, у магазини эгаси нима дер экан, деб қизил сиёҳ солинган шишани кўрсатди.

— Наҳотки,— деди магазини эгаси бундай мақтовдан орзи қулоғига етиб.— Ҳа, бу шу вақтгача сотилган кўк нонларнинг энг яхшиси.

— Кўк дедингизми?

— Ҳа, албатта! Кечирасиз, кўзингиз хирароқми дейман?

Жельсоминно олдида турган шишага қизил сиёҳ солинганига шубҳа қилмасди. У бу ердан эсон-омон чиқиб, эс-ҳуши жойидароқ магазини эгасини излаш учун баҳона топмоқчи бўлиб турганида, миясига бир фикр келди.

— Менга қаранг,— деди Жельсоминно,— нон олгани кечроқ келарман. Ҳозир менга яхши сиёҳ сотиладиган магазинни кўрсатсангиз.

— Жоним билан,— деди магазини эгаси одатдагидай табассум билан.— Қаранг, рўпарада шаҳарнинг дафтар-қалам сотиладиган энг машҳур магазини бор.

Рўпарадаги магазиннинг витринасида одамнинг ҳавасини келтирадиган турли нон, торт, пироженос, макарон, пишлоқ, колбаса ва сосискалар бор эди.



«Ўзим ҳам шундай деб ўйловдим,— деди Жельсомино,— магазин эгасининг мияси айниб, нонни сиёҳ, сиёҳни нон деб атапти. Шунақа бўлса керак».

У рўпарадаги магазинга кириб, ярим кило нон сўради.

— Нон дейсизми?— хушмуомалалик билан сўради сотувчи.— Сиз янглишибсиз. Нон рўпарада сотилади. Биз фақат дафтар-қалам сотамиз,— у ғурур билан қўлни кенг ёйиб, мазаги нарсаларга ишора қилди.

«Энди тушундим,— деди ўзига-ўзи Жельсомино.— Бу мамлакатда тескари гапириш керак экан. Агар нонни нон деб атасаг тушунишмас экан».

— Менга ярим кило сиёҳ беринг,— деди у сотувчига.

У ярим кило нон тортиб, қондаси билан қоғозга ўраб, Жельсоминога узатди.

— Менга мана бундан ҳам озгина берсангиз,— деди Жельсомино номини айтмай пишлоққа ишора қилиб.

— Озгина резинкаданми? — деб сўради сотувчи.— Ҳозир, жаноб.— У пишлоқдан каттагина бўлакни кесиб тортиди-да, қоғозга ўради.

Жельсомино енгил тортиб, яқиндагина топган кумуш тангани тахтага ташлади. Сотувчи эгилиб, уни бир неча минут томоша қилди, қанақа жирингларкини деб икки марта тахтага ташлаб кўрди, кейин катта кўрсатадиган ойна орқали унга қаради, ҳатто тишлаб ҳам боқди. Ниҳоят, норози бўлиб, уни Жельсоминога узатди-да, совуқ жавоб берди:

— Афеуски, йигитча, тангангиз ростакаси экан.

— Жуда соз,— деди Жельсомино ишонч билан жилмайиб.

— Ундаймас! Яна такрорлайман, бу тангангиз ростакаси экан! Мен уни олмайман. Йўлингиздан қолманг! Умуман, ҳозир кўчага чиқиб, полицияни чақирингиз эринаётганимга хурсанд бўлинг, йигитча. Ростакаси пул ишлатадиган одамларнинг нимага дучор бўлишини билмайсизми? Турмага.

— Лекин мен...

— Бақирманг, кар эмасман. Жўнанг, жўнанг, қалбаки пул олиб келсангиз, айтганингизни оласиз. Кўриб қўйинг, ҳатто қоғозини ҳам очганим йўқ. Келгунингизча, у бир четда туради, хўшми? Тувингиз хайрли бўлсин.

Жельсомино бақириб юбормаслик учун муштумини оғзига тикди. Сотувчининг ёнидан эшикка етиб боргунча унинг ўзи билан овози ўртасида бундай гап ўтди:

Овоз: «А-а!» деб юборайми? Унинг бутун витринаси чил-чил бўлади.

Жельсомино: Утинанаман, бундай қилма. Мен бу мамлакатга энди келдим, ўзи бусиз ҳам ишим юришмай турибди.

Овоз: Тиқилиб кетаяпман, йўқса таямол бўламан. Сен менинг эгамсан, қандай қилсам яхши бўлади, ўйлаб кўр.

Жельсомино: Тоқат қил, бу эси пастининг магазинидан ҳозир чиқиб кетамиз. Унинг бошига ташвиш солгим йўқ. Бу мамлакатда бир сир борга ўхшайди.

Овоз: Ундай бўлса тез юр, ортиқ тоқат қилолмайман. Югур. Яна бир минутдан кейин қичқириб юбораман... бир минут ҳаялласанг, ҳаммаси остин-устун бўлади.

Жельсомино югуриб бориб, кимсасиз яхёл кенгроқ кўчага кирди-да, атрофига қаради. Ҳеч ким йўқлигини кўриб, муштумини оғзидан олди, ячига сиғмай турган газабини бўшатиш учун қисқаргина «А-а!» деди. Кўчадаги чироқ сивди, деразада турган гултувак тебраниб кетиб, кўчага тушди.

Жельсомино нафасини ростлаб олди:

— Кўлимга пул тушса почта орқали синган фомарь учун шаҳар бошқармасига юбораман, болохонага гули билан янги гултувак келтириб қўяман. Шулардан бошқа нарса синмади, шекилли?

— Йўқ, сингани йўқ,— деб жавоб берди биров унга янги чка овоз билан. Кимдир икки марта йўталди.

Жельсомино овоз эгасини қилдириб, мушукни, очигини айтганда, узоқдан мушукка ўхшаш махлуқни кўрди. Аввало, бу мушук қизил эди. Қандайдир жигарранг ёки тўқ қизил рангда эди. Оёғи фақат учта. Энг қизиги шуки, бу мушук болаларнинг деворга чиқадиганга ўхшаган расм мушук эди.

— Нима бу? Гапирадиган мушукми? — ҳайрон бўлди Жельсомино.

— Ҳа, мен оддий мушуклардан эмасман. Мен, масала, ўқиш ва ёзишни биламан. Мен доскага ёзадиган бўрнинг фарзандиман.

— Кимнинг фарзандиман дейсан?

— Бир қиз мактабдан олган рангли бўр билан бу деворга менинг расминини чизди. Лекин учта оёғимни чизиб бўлган пайтида волиция келиб қолди, у шоша-паша қочиб кетди. Мен чўлоқ бўлиб қолдим. Шунинг учун ҳам мени Чўлоқ мушук деб аташди. Бир оз йўталиб ҳам тураман. Ахир, энг соғуқ қиш ойларида зах деворда ўтказдим-да.

Жельсомино деворга қаради. Унда, худди сувоқдан илқини кўчиб тушгандек, Чўлоқ мушукнинг изи қолибди.

— Сен у ердан қандай қилиб тушдинг? — деб сўради Жельсомино.

— Бунинг учун сенинг овозингдан миннатдор бўлишим керак,— деб жавоб берди Чўлоқ мушук. — Агар бундан ҳам қаттиқроқ қичқирганингда деворин тешиб қўлардинг-да, кўнгилсизроқ ҳодиса юз бериши мумкин эди. Сал секин қичқирганинг менинг омадим бўлди. Уч оёқлаб бўлса ҳам ерда юриш яхши экан! Дарвоқе, сенинг оёғинг иккита, шундай бўлса ҳам бемалол юраверасан-ку, тўғрими?

— Бўлмасам-чи,— дея унинг гапини қувватлади Жельсомино,— менга бу ҳам кўплик қилиб қолди. Агар оёғим битта бўлганида уйдан жилмасдим.

— Сен хафа кўринасан,— деди Чўлоқ мушук. — Нима бўлди сенга?

Жельсомино бошидан кечирганларини ҳикоя қилмоқчи бўлиб

ту, анда кўчада тўрт оёқли ростакам мушук кўриниб қолди. Лекин у ўз хаёллари билан банд бўлса керак, бизнинг дўстларимизга қайрилиб ҳам қарамади.

— Миёв! — деди унга Чўлоқ мушук.

Мушукларнинг тилида «миёв» дегани — «салом» дегани.

Мушук тўхтади. У ҳайрон бўлганга, ҳатто жаҳли чиққанга ўхшайди.

— Менинг номим Чўлоқ мушук, сеники-чи? — қизиқиб сўради бизнинг мушугамиз.

Ростакам мушук, жавоб берайми, бермайми, деб иккиланаётганга ўхшарди. Кейин истар-истамас мингиллади:

— Менинг номим Қоплон.

— Нима деяпти? — деб сўради ҳақиқатан ҳам ҳеч нарсага тушунмаган Жельсомино.

— Менинг номим Қоплон, деяпти.

— Итларни шунақа дейишадя-ку?

— Худди шундай!

— Ҳеч тушунолмадим, — деди Жельсомино. — Биринчи марта сотувчи пон ўрнида менга сиёҳни тиклаштирамоқчи бўлди. Энди ит лақабидаги мушукка дуч келдим.

— Азизим, — деди Чўлоқ Мушук, — мушук ўзини итман деб ўйляпти. Эшитгинг келадими? — У мушукка қараб, астойдил сўрашганди:

— Вов-вов! — жаҳли чиқиб жавоб берди мушук. — Мушук бўла туриб, миёвлагани уялмайсанми?

— Ҳа, — деб жавоб қилди Чўлоқ мушук, — қизил бўр билан қизилган уч оёғим бўлса ҳам, мен мушукман.

— Сен бизнинг авлодимизга исмод келтирдигинг. Сен ёлғончисан, йўқол бу ердан! Менинг сен билан гаплашишга вақтим йўқ. Ҳа, ёмғир ёғадиганга ўхшайпти. Уйга бориб, зонтигимни олай, — у аламлиаб бир вовуллади-да, жўнади.

— Нима деди у? — деб сўради Жельсомино.

— Ёмғир ёғади, деди.

Жельсомино осмонга қаради. Уйларнинг томи устида куёш ҳар қачонгидан равшанроқ чарақларди, ҳатто денгизчиларнинг дурбини билан ҳам биронта булутни топиб бўлмасди.

— Бу юртнинг барча булутли кунлари шу бугунга ўхшаса керак. Менимча, ҳамма нарсаси тескари мамлакатга келиб қолганга ўхшайман.

— Қимматли Жельсомино, сен ёлғончилар мамлакатига келиб қолдинг. Бу ерда қонунга биноан ҳамма ёлғон сўзлаши керак. Рост гапирадиган одам яхшилик кўрмайди. Уларга штраф солиб, терисини шундай шилиб олишадикки, қашнишга тирноғи ҳам қолмайди.

Ўзининг деворидаги кузатув пунктида туриб кўп нарсаларни кўрган Чўлоқ мушук Жельсоминога ёлғончилар мамлакатни ҳақида муфассал ҳикоя қилиб берди.

## ТҮРТҮНЧИ БОБ

Бу ерда баён этдик мушук гапини,  
Уқиб билинг Ёлгончилар мамлакатини

— Сенга маълум бўлсинки...— дея сўз бошлади Чўлоқ мушук. Лекин мен сизларнинг вақтингизни кўп олмаслик учун унинг ҳикоясини қисқартираман. Шундай қилиб, бу бегона мамлакатда Жельсоминодан олдин денгиз орқали Жакомон деган айёр ва золим қароқчи келган. У баланд бўйли, семиз, ёши қайтган одам бўлиб, кексайган вақтида бедахмаза иш топмоқчи бўлибди.

— Ешлик ўтиб кетди,— деди у.— Денгизда юриш жонимга тегди. Энди бирор оролни босиб олиб, эски касбимни ташласам тузук бўлмасмикин? Албатта, мен ўзимнинг қароқчиларимни унутмайман. Уларни ўзимга хизматкор, отбоқар, югурдак қилиб олам, улар мендек атаманларидан рози бўладилар.

Шундай фикрга келиб, у ўзига орол излай бошлади. Лекин барча ороллар кичкиналик қилиб, унинг дидига ўтиришмади. Агар унинг дидига ёқса ҳам шайкаларига ёқмас эди. Бирни балиқ тутадиган дарёси бўлсин дерди, у ернинг дарёси йўқ, иккинчиси кинотеатри бўлсин дерди, учинчиси қароқчилик қилиб топган бойлигини қўйдиган банк бўлишини истарди.

— Оролга қараганда тузукроқ бошқа бирор жойни босиб олсак бўлмайми? — дерди ҳар сафар бирортаси.

Хуллас, улар кўпдан-кўп банклари, балиқ тутиш, дам олиш кунлари қайиқда сайр қилиш учун талай дарёлари бор бўлган катта шаҳарли бир мамлакатни босиб олишди. Бунинг ажаблანадиган ери ҳам йўқ. Қароқчилар кўпинча дунёнинг бирон қисмида у ёки бу мамлакатни босиб олиб турадилар. Жакомон бу мамлакатни босиб олиб, ўзини қирол Жакомон Биринчи деб атади, ўзига қарашли одамларни адмирал, министр, сарой хизматчилари ва ўт ўчириш командаларига бошлиқ қилиб тайинлади.

Шундан кейин Жакомон, мени «оллий ҳазратлари» деб аташсин, шундай демаганларнинг тили қирқилсин, деб буйруқ чиқарди. Лекин ўзи тўғрисидаги чин гапларни бирон киши тилга олмаслиги учун у министрларга сўзларни ўзгартиринг, деб буюрди.

— Ҳамма сўзларни ўзгартириш керак,— деди у.— Масалан, «қароқчи» сўзи яхши одам деган маънони билдирсин. Шундай қилиб, одамлар мени қароқчи деганларида, янги тилда бу яхши одам деган маънони билдирсин.

— Кемаларни талаганимиздан кўрган ҳамма наҳанг балиқлар номига қасам ичаманки, бу жуда яхши фикр! — қичқирди қоғил қилиб министрлар.— Буни олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйса арзийди.

— Ҳамма тушундими? — дея давом этди Жакомон.— Энди ишга ўтинг! Ҳамма нарсалар, ҳайвонлар ва одамларнинг номи ўзгартирилсин! Биринчи навбатда, эрталабки салом ўрнига, тунингиз хайрли бўлсин. Шундай қилиб, меннинг содиқ кишиларим эрталаб-

даноқ ёлғон гапира бошлайдилар. Ухлайдиган вақт бўлганда эса «Эрталабки салом» дейиш керак.

— Жуда ахши! — деб қичқирди министрлардан бири. — Бирон кишига: «Жуда очилиб кетибсиз» дейиладиган бўлса, «Афтинг қурсин», дейиш керак.

Сўзлар ўзгартирилгандан кейин ёлғон гапиришга мажбур этувчи қонун чиқарилди. Шундан кейин чалкашлик бошланди. Авваллари одамлар янглишиб кетаверди. Масалан, нон оламан деб, дафтар-қалам сотилаётган нон дўконига янглишиб боравершиди, нон энди дафтар-қалам магазинида сотиларди. Еки шаҳар боғига ўйнагани боришиб, гулларга суқланиб боқишарди:

— Атиргулларнинг чиройлилигини қаранг! — дейишарди.

Шу заҳотиёқ қирол Жакомоннинг айғоқчилари қўлларига киши ушлаб, буталар ортидан сакраб чиқишарди.

— Баракалла, қойил! Сиз қонунни бузганлигингизни биласизми? Сабзини атиргул дейиш қаёқдан хаёлларингизга келиб қолди?!

— Кечирасиз, — дарҳол гуноҳкор мингиллаб, кейин боғдаги бошқа гулларни шошиб-пишиб мақтай бошларди. — Ажойиб қичитқон экан-а! — дерди у капалак гулни кўрсатиб.

— Йўқ, йўқ, буниси кетмайди! Энди жиноят қилиб қўйдингиз. Озгина қамоқда ўтириб, ёлғон гапиришни машқ қилинг.

Мактабларда нима бўлганини тасвирлаб ҳам бўлмасди. Жакомон кўпайтирув жадвалидаги барча сонларни ўзгартиришга мажбур қилди. Қўшиш ўрнига айириш, бўлиш ўрнига кўпайтириш керак эди. Уқитувчиларнинг ўзлари ҳам вазифани ечолмайдиган бўлиб қолдилар.

Дангасаларга жуда маза бўлди: қанча кўп хато қилинса, шунча юқори баҳо ола бошладилар.

Иншода-чи?

Тескари ёзганда иншонинг қанақа чиқишини биласизми? Маана, мисолга «Ажойиб кун» иншосини олайлик, уни ёзган бир ўқувчи қалбаки олтин медаль олди:

«Кеча ёмғир ёғди. Катта-катта муздек ёмғир ёғаётганда ўйнаб юриш маза-да! Ниҳоят, одамлар зонтик ва плашларини уйига ташлаб чиқиб, пиджаксиз, кўйлакчан юришди. Офтоб чарақлаб турса менга ёқмайди — яшиб қолмаслик учун уйда ўтириб, офтоб нурларининг эшик черепицаларида ғамгин сузишнинг кечаси билан кузатиб ўтирасан».

Ана шу иншога тегишли баҳо бериш учун «эшик черепицалари» бу тилда «дераза ойналари» деган маънони билдиришини тушунишингиз керак.

Лекин шунинг ўзи етар. Энди сиз нима тўғрисида гап бораётганини билдингиз. Ёлғончилар мамлакатада ҳатто ҳайвонлар ҳам ёлғон бўкиришга мажбур эдилар. Итлар мнёлар, мушуклар во-вуллар, отлар маърар, ҳайвонот боғидаги қафасдаги шер бўлса сичқондек қийиллаши керак эди, сичқонлар эса бўкиришга мажбур этилган эди.

Фақат сувдаги балиқлар, осмондаги қушларгина қирол Жакомоннинг барча қонунларини назар-писанд қилмас эдилар. Чунки

балиқлар соқов, шунинг учун ҳам уларни ёлғом сўзлашга мажбур этиб ўтиришнинг иложи йўқ эди. Қушларни бўлса, қирол айғоччилари ҳеч қачон тутиб, қамай олмасдилар. Қушлар аввалгидек ўз ашулаларини айтавердилар. Одамлар кўпинча ҳаваси келиб, уларга завқланиб боқардилар:

— Қушлар бахтли экан, уларни ҳеч ким штраф қилолмайди.

Жельсомино Чўлоқ мушукнинг ҳикоясини эшитар экан, борган сари хафалиги ошаверди.

«Бу мамлакатда қандай яшайман? — деб ўйларди у. — Агар мен ўзимнинг бу қадар баланд овозим билан ҳақиқатни айтсам, қирол Жакомоннинг барча полициячилари эшитади. Овозим ҳам гапимга кирмайди. Уни гапга кўнадиган қилиб бўлармикин?»

— Мана, энди сен ҳаммасидан хабардор бўлдинг, — деб тугатди ҳикоясини Чўлоқ мушук. — Биласанми, сенга яна бир гап айтмоқчиман. Қорним очиб кетди.

— Менинг ҳам. Эсимга ҳам келмабди-я.

— Очликни сира ҳам эсдан чиқариб бўлмайди. Вақт билан унинг иши йўқ. Аксинча, вақт ўтган сари, қорнинг тобора очаверади. Қараб тур, ҳозир бирор нарса топармиз. Лекин, аввало мени шунча вақт асир қилиб турган мана шу деворда ўзимдан бир эсдалик қолдиришни истардим.

У қизил бўрда чизилган оёғи билан девордаги илгари ўзи турган ерни тириаб ёзди:

#### МНЁВ! ЯШАСИН ОЗОДЛИК!

Бирор емак излаб топиш жуда қийин эди. Иккаласи шаҳарда тентираб юганида, Жельсомино қалбаки танга топармиканман, деб йўлдан кўзини узмади. Чўлоқ мушук бўлса, кўпчилик орасидан қандайдир танишнинг излаётгандек атрофига алангларди.

— Ана у, — деди ниҳоят мушук. У қорозга ўроғлик ниманидир кўтариб йўлакдан шошиб-пишиб келаётган кекса хонимга ишора қилди.

— Ким у?

— Жўхори хола, мушукларнинг ҳомийси. У ҳар куни кечқурун қирол Жакомон саройининг истироҳат боғи олдида йиғиладиган дайди мушукларга қолган-қутганларни қорозга ўраб келади.

Жўхори хола таёқдек тик, бўйи икки метрча келадиган, қотма, кўрнисишдан жаҳадор кампирга ўхшарди. Уни кўрганда, қўлига супурги олиб мушукларни қувлайдиган кампирлардан бўлса керак деб ўйлаш мумкин эди. Лекин Чўлоқ мушукнинг гапига қараганда, у бунинг тескариси бўлса керак.

Жельсомино ва унинг янги дўсти кампирнинг кетидан юриб, кичик бир майдонга бориб қолишди, ичкарироқда истироҳат боғининг шиша синиқлари санчиб қўйилган куагурадор девори кўрниб турарди. Озиб кетган бир неча мушук холани тартибсиз равишда военилаб кутиб олишди.

— Овсарлар! — деди Чўлоқ мушук. — Ҳозир мен уларни лақиллатаман.

Жўхори хола ўроғлик қорозини очиб, ичидагисини йўлкага яқин қўйган пайтда Чўлоқ мушук ур-йиқит бўлаётган мушук-

ларнинг орасига отилиб, кирди-да, қаттиқ миёвдай бошлади.

Вовиллаш ўрнига миёвлайдиган мушук камдан-кам бўлгани учун бу ердаги мушукларга ғалати туюлди. Улар ҳайратдан оғизларини очганча ҳайкалдек қотиб қолдилар. Чўлоқ мушук иккита треска балиғининг бошини, қалқон балиқининг думини тишлаганича икки ҳатлаб қирол боғининг деворига чиқиб олди-да, ундаи ошиб, буталар орасига ўзини урди.

Жельсомино атрофига аланглади. Унинг ҳам девордан ошиб тушгиси келди-ю, лекин Жўхори хола унга шубҳа билан қараб турганди.

«Унинг шовқин кўтаришини истамайман»,— деб ўйлади у. Ниҳоят, ўз йўлида кетаётган оддий йўловчига ўхшаб бошқа кўчага бурилиб кетди.

Мушуклар эс-ҳушини йиғиб олгач, Жўхори холанинг этагига ёпишиб, вовиллай бошладилар. Лекин, очиғини айтганда, Жўхори хола улардан кўпроқ ҳайратда қолган эди. Ниҳоят, у нафасини ростлаб, қолган сарқитларни мушукларга бўлиб берди-да, Чўлоқ мушук яширинган деворга бир қараб, уйига равона бўлди.

Жельсомино бўлса, муюлишга бурилиши биланоқ, кўпдан қидирган сохта тангани ниҳоят топди. У нон ва пишлоқ ёки бу ердагиларнинг айтишича, «бир шиша сиёҳ ва ўчиринч» сотиб олди. Тез кеч кира бошлади, Жельсомино жуда чарчади, унинг ётиб ухлагиси келди. У очиқ эшикни кўриб, ўша томонга жадал юрган эди, подвалга кириб қолди, ўша ердаги кўмир уюми устига ётиб, уйқуга кетди.

## БЕШИНЧИ БОБ

Дераза орқали мушук тикилди,  
У қиролнинг боши каллиғин билди.

Жельсомино ухлаб ётарди, тушида янги, ғалати саргузаштларга дуч келишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Бу саргузаштларни сизга кейинроқ айтиб бераман. Ҳозир биз Чўлоқ мушукнинг учала қизил оёғи изидан борамиз.

Треска балиғининг боши ва қалқон балиқининг думи унга жуда мазали туюлди. Унинг умрида биринчи марта овқатланиши эди. У деворда расм ҳолида турганида очлик нималиғини билмаган ҳам эди.

Мушук биринчи марта қирол боғида тунни ўтказди. У қиролнинг саройига қараб, энг юқори қаватда чироқ ёниб турган бир неча деразани кўрди.

— Бу ерда Жельсоминонинг йўқлиги чатоқ бўлди-да, — деди. — У қирол Жакомонга қўшиқ айтиб, деразаларни чил-чил қилиб берарди. Лекин қирол Жакомон ухламоқчига ўхшайди. Бунини томоша қилиб қолиш керак.

Чўлоқ мушук бир қаватдан иккинчи қаватга тирмашиб чиқди-да, олий ҳазратларининг ётоғи ёнидаги катта залга тепадан дераза орқали мўралади.

Хизматкорлар, маҳрамлар, сарой аҳллари, олий мансабдаги кишилар, адмираллар, министрлар ва бошқа мансабдор кишилар кети кўринмайдиغان икки қаторга тизилиб, келаётган Жакомонга таъзим билан қуллуқ қилиб туришарди. У баланд, семиз ҳамда шу қадар баҳайбат эдики, кўрган одам кўрқиб кетарди. Лекин тўқ сариқ, олов ранг, қалин, узун жингалак сочлари ҳамда кўрагига қиролнинг номи ёзилган, ётаётганда кийиладиган бинафша кўйлак кишининг эсини оғдириб қўярди.

У келаётганда ҳамма таъзим қилиб, ҳурмат билан:

— Эрталабки салом, олий ҳазратлари! Кунингиз яхши ўтсин, давлатпаноҳ! — дейишарди.

Жакомон тўхтаб, ҳузур қилиб эснар, сарой аҳлларидан бири шу заҳотиёқ назокат билан кафтини тутиб, унинг оғзини берки-тарди. Кейин Жакомон яна йўлда давом этиб, гўлдирарди:

— Бугун эрталаб менинг сира ҳам уйқум келмаяпти. Мен ўзим-ни энгил ҳис қилаяпман.

Бу гапларнинг ҳаммаси, албатта, тескари маънони билдира-ди. Лекин у одамларни алдашга мажбур этиб, шу қадар ўрганиб қолган эдики, ўзи ҳам улардан қолишмас, ёлғон гапларига ҳамма-дан олдин ўзи ишонарди.

— Олий ҳазратларининг афтлари қурсин,— деди министрлар-дан бири таъзим қилиб.

Жакомон унга ғазаб билан қаради-ю, лекин шу заҳотиёқ эсига тушиб қолди, чунки бу жуда очилиб кетибсиз, деган маънони бил-диран эди-да. У илжайди, эснаб сарой аҳлларига ўгирилди-да, қўл силтаб, улар билан хайрлашди. Кейин бинафша ранг кўйла-гининг этагини йиғиштириб, ётоғига кириб кетди.

Чўлоқ мушук уни кузатиб туриш мақсадида бошқа деразага ўтди.

Жакомон олий ҳазратлари ёлғиз қолиши билан ойна ёнига бор-ди-да, ўзининг ажойиб тўқ сариқ сочинин олтин тароқда ҳафсала билан тарай бошлади.

«У сочини жуда яхши кўрар экан-да,— деб ўйлади Чўлоқ му-шук,— лекин арзийди. У чиндан ҳам чиройли. Шундай сочи бор одам қандай қароқчи бўлиб қолган экан? У рассом ёки музикачи бўлиши керак эди».

Шу топда Жакомон тароқни жойига қўйиб, чакка сочларидан тутамлаб тортди... Бир, икки, уч... унинг ҳарсанг тошга ўхшаш, бир туки йўқ боши кўринди. Ҳатто ҳинду ҳам душманининг бош терисини бу қадар тез шилолмас эди.

— Ясама соч экан! — дея шивирлади ҳайратдан Чўлоқ мушук.

Ҳа, ажойиб тўқ сариқ сочи ясама чиқиб қолди. Олий ҳазратла-рининг беўхшов, туксиз пушти ранг бошида сўғал ва шишлар кўп эди. Жакомон уларни рамҳўрлик билан қашиди. Кейин у шкафни очган эди, Чўлоқ мушукнинг кўзи турли рангдаги ясама сочларга тушди. Ҳайратдан унинг кўзи янада каттароқ очилди. У ерда хил-ма-хил қилиб таралган сариқ, кўк, қора ясама сочлар бор эди. Жакомон кишилар билан учрашадиган пайтида тўқ сариқ сочини кийиб оларди, лекин ухлаш олдидан ёлғиз ўзи қолганда ясама



сочларни алмаштириб кийинши, кал боши қайғусидан шу йўл билан халос бўлишни яхши кўрарди. У бошимда сочим қолмади, деб нихолат тортмаса ҳам бўларди. Туппа-тузук одамларнинг деярли ҳаммасининг сочи маъълум ёшга етганда тўкилиб кетади. Лекин Жакомон бошини очиб юришни истамасди.

Чўлоқ мушукнинг кўзи олдида олий ҳазратлари ўнлаб ясама сочларни бирин-кетин кийиб кўрди. У ўз савлатига тикилиб, кўнглини очиш учун ўзини ойнага солар, саҳнага чиқишга тайёрланаётган раққосалардек қийшайиб, ёлламалаб қарар, кичкина ойна ёрдамида орқа миясига ҳам қарарди. Охири бинафша рангли ясама соч унинг кўнглига ёққандек бўлди. У ясама сочини туксиз бошига бостириб кийди-да, тўшакка ётиб, чироқни ўчирди.

Чўлоқ мушук дераза олдида яна ярм соат қирол саройини томоша қилиб ўтирди. Албатта, бу одобли зотларга муносиб иш эмасди. Эшикдан қулоқ солиб туриш яхши эмас-ку, деразадан мўралаб ўтириш яхши бўлармиди? Лекин сиз ҳеч қачон бундай қилбмайсиз, чунки сиз мушук ҳам, дорбоз ҳам эмассиз. Бир амалдор Чўлоқ мушукка жуда ёқди, у ётишидан олдин ҳашамлари, орденлари, қуроолларини хонага улоқтириб, янги мундирини ечиб ташлади. Буларнинг ўрнига у нима кийди дегн! Ўзининг эски қароқчилик пайтидаги кийимларини: тиззагача шимарилган иштон, калта катак камзул кийиб, ўнг кўзини қора боғич билан боғлаб олди. Ана шу кийимда эски қароқчи ўрнига ётмасдан, каравот устидаги соябоннинг қоқ тепасига чиқиб олди. У елкан кема устунига чиқишни соғиниб қолган бўлса керак. Ниҳоят, у арзон трубкасини тутатиб, зўр бериб ичига тутунни торта бошлади, бундан Чўлоқ мушукнинг йўталиб юборишига сал қолди.

— Қаранг, қаранг ҳақиқатнинг кучлилигини,— деди Чўлоқ мушук,— ҳатто эски қароқчи ҳам ўзининг ҳақиқий кийимларини қўмсайди.

Чўлоқ мушук боғда тунаб, қоровулнинг қўлига тушиб қолгани маъқул кўрмади. Шунинг учун ҳам у тўсиқдан яна ошиб тушиб, шаҳарнинг марказий майдонидан чиқиб қолди. Бу майдонга одамлар қирол Жакомоннинг нутқини эшитиш учун тўпланарди. Чўлоқ мушук тунаш учун бирор жой топиш мақсадида атрофга аланглай бошлаган эди, у ўнг оёғининг қичишаётганини пайқади.

— Қизиқ,— мингиллади у,— олий ҳазратлари ёки эски қароқчи турган ердан бурга илашмадимикни?

Лекин оёғи ғалати қичимоқда эди. Унинг оёғи сиртдан эмас, ичидан қичимоқда эди, демоқчиман. Чўлоқ мушук оёғини диққат билан қараб, ҳеч қанақа бурга тополмади.

— Энди тушундим,— деди у,— деворга ёзгим келаётганга ўхшайди. Кеча кечқурун Жельсоминонинг ёрдами билан ерга тушганимда ҳам оёғим қичиган эди. Елғончилар қиролига табрик ёзиб қолдираман.

У қирол саройига эҳтиёткорлик билан яқин келиб, қоровулларнинг тутиб ололмаслигига ишонч ҳосил қилди. Ҳамма иш тескари бўлган бу мамлакатда қоровуллар ухлаб, хуррак отиб ётарди. Қо-

ровулларнинг бошлиғи ора-чора келиб, ҳамма қоровулларнинг ухлаб ётганидан атайлаб хабар олиб кетарди.

— Бу жуда соз,— деди севиниб Чўлоқ мушук. У қизил бурда чизилган оёғи билан (ўнг оёғи билан албатта), қирол саройига кирадиган бош дарвоза яқинидаги деворга бундай деб ёзди:

## ҚИРОЛ ЖАКОМОННИНГ СОЧИ ЯСАМА!

— Бу ёзув худди жойнга тушди,— деди у ёзувни кузатиб.— Энди саройга кирадиган бошқа эшик томонга ёзиш керак.

Чорак соат ичида у бу сўзларни юз жойга ёзгандир. Ниҳоят, у дарсда қилган хатоси учун берилган вазифани кўчириб бўлган ўқувчидек, чарчади.

— Энди ётиб ухлаш керак.

Майдоннинг қоқ ўртасида қирол Жакомоннинг мардликларини кўрсатувчи ҳайкаллар билан безатилган мрамор устунлар бор эди. Албатта, буларнинг ҳаммаси уйдирма эди. Бу ерда Жакомоннинг камбағалларга ўз бойликларини қандай бераётганлигини, душманларни қандай тор-мор қилганини, ўзига қарам кишиларни ёмғирдан асраш учун соябонни қандай яратганини кўриш мумкин эди.

Устуннинг тепасида уч оёқли мушукнинг барча хавф-хатардан яшириниб, чўзилиб ухлашига етарли жой бор эди. Чўлоқ мушук ҳайкалларга тирмашиб тепага чиқди-да, устуннинг устига жойлашиб ётди. Йиқилиб тушмаслик учун яшин қайтарғичга думини ўраб, кўзини юнши биланоқ уйқуга кетди.

## ОЛТИНЧИ БОБ

Эшитилиб кулги, шовқин ҳарёида  
Жакомон уйғонди эрта азонда.

Тонготарга яқин Чўлоқ мушук даҳшатли шовқин-сурондан уйғониб кетди.

«Мен ухлаб ётганимда шаҳарни сув босдимикин?» — деб ўйлади у қўрқув аралаш. Устундан осилиб туриб, майдон тўла шовқин-сурон қилаётган одамларни кўрди. У ҳамма одамларнинг бу ерга йиғилишига қирол саройининг деворида:

## «ҚИРОЛ ЖАКОМОННИНГ СОЧИ ЯСАМА!»

деб ёзиб қолдирилган хатн сабабчи бўлганини дарров тушунди.

Ёлгончилар мамлакатида кичкинагина ҳақиқат ҳам атом бомбасининг портлашидан кўра кўпроқ шов-шувга сабаб бўлди. Шов-шув ва кулги товушларини эшитиб, барча кўчалардан одамлар тўпланаверди. Янги келганлар аввал, байрам бўлаётганга ўхшайдилар, деб ўйлашарди.

— Нима бўлди? Биз бирон жангда галаба қилдикми?

— Йўқ, йўқ, ундан ҳам зўрроқ!

— Олий ҳазратлари ўғил кўрдиларми?

— Йўқ, бундан ҳам аъло!

— Ундай бўлса, солиқларни бекор қилишибди-да?

Ниҳоят, Чўлоқ мушукнинг ёзганини ўқиб, янги келганлар ҳам қотиб-қотиб кулишарди. Бинафша кўйлақда ухлаб ётган қирол Жакомонни ҳам кулги ва қийқириқлар уйғотиб юборди. Қирол дераза ёнига югуриб келиб, мамнуният билан кўзларини ишқади.

— Ажойиб! Халқимнинг мени қанчалик яхши кўришини қаранг-а! Уларнинг ҳаммаси менга, кечангиз хайрли бўлсин, дегани келибди. Ҳой, сиз, сарой аҳллари, амалдорлар, адмираллар, буёқ-қа, ёнимга келинг, менинг амалдор тўннимни ва ҳассамни келтиринг! Мен болохонага чиқиб сўзламоқчиман.

Лекин, очигини айтганда, сарой аҳллари бунга шубҳа билан қарадилар.

— Нима бўлганини билиш учун бирон кишини юборсакмикми?

— Олий ҳазратлари, революция қилишган бўлса-чи?

— Бекор гап! Одамларнинг хурсандчилигини кўрмайсизларми?

— Шунини айтяпмиз-да. Улар нимага бунчалик хурсанд?

— Нималиги равшан. Мен ҳозир нутқ сўзламоқчиман. Қотибми қани?

— Шу ердан, давлатпаноҳ.

Қирол Жакомоннинг қотиби олдиндан ёзиб қўйилган нутқлар билан тўла семиз папкани доним қўлтиқлаб юрарди. Унда хоҳлаган темада: насиҳатомуз, таъсирчан, кўнгил очар нутқлар бор эди, лекин ҳаммаси ҳам бошдан-оёқ ёлғон гаплар билан тўла эди.

Қотиб папкасини очиб, ёзув тўла қоғозни олди-да, сарлавҳасини ўқиди.

— «Гуруч бўтқа тайёрлаш ҳақидаги нутқ».

— Йўқ, йўқ, овқат тўғрисидагиси керак эмас. Биронтасининг иштараси очилиб, гапимга қулоқ солмай қўяди.

— «Тебранмачоқ от кашф этилиши муносабати билан нутқ»,— ўқиди яна бир сарлавҳани қотиб.

— Мана шуниси тузук. Тебранмачоқ отни мен кашф этганимни ҳамма билади. Мен қирол бўлмаганимда, тебранмачоқ отни ҳеч ким билмасди.

— Олий ҳазратлари, менда рангли сочлар ҳақида ҳам нутқ бор.

— Жуда соз, менга худди ана шуниси керак! — деди Жакомон ясама сочини силаб. У нутқ ёзилган қоғозни олиб болохонага чиқди.

Олий ҳазратлари болохонага чиққанида гулдурас олқишлар ёки қаттиқ кулгига ўхшаш товуш янгради. Ҳамма нарсага шубҳа билан қарайдиган кўп сарой аҳллари бунини кулгига йўйиб, янада олазарак бўлдилар. Жакомон бўлса, мени олқишлаб шовқин солишяпти, деб ўйлаб, қўл остидагиларга илиқ табассум билан миннатдорчилик билдирди-да, нутқни ўқий бошлади.

Бу ерда уни тўла ўқийман деб умид қилманг. Барибир ундан сиз ҳеч нарса тушунамасдингиз, чунки ҳамма нарса тўғрисида тескари гапирилган эди. Жельсоминонинг хотирасига суяниб, мен сизларга унинг қисқача маъносини айтиб бераман.

Шундай қилиб, қирол Жакомон тахминан бундай деди:

— Туксиз бош нима дегани? Бу гулсиз боғ деган сўз.

— Қойил! — деб қичқирди оломон. — Тўғри! Тўғри!

«Тўғри» сўзи анқовроқ сарой аҳллариини ҳам шубҳага солди. Лекин Жакомон нутқини бемалол давом эттираверди:

Мен бу мамлакатга қирол бўлмасимдан олдин одамлар хафаликдан сочларини юлишарди. Бирин-кетин аҳолининг бошида сочи қолмади, сартарошлар ишсиз қолишди.

— Қойил! — деб қичқирди кимдир оломон орасидан. — Яшасин сартарошлар, яшасин ясама сочлар!

Жакомон бир оз шошиб қолди, ясама сочга қиллинган бу ишора унинг аччиғини келтирди. Лекин у шубҳани қувиб, давом этди:

— Гражданлар, мен ҳозир сизларга нега тўқ сариқ сочлар кўк сочлардан чиройлилигини айтиб бераман.

Шу топда сарой аёнларидан бири Жакомоннинг енгидан тортиб, унинг қулоғига шивирлади:

— Олий ҳазратлари даҳшатли воқеа юз берди.

— Нима бўлди? Гапир!

— Аввал, мен сизга ростини айтсам, тилимни кесмасликка сўз беринг.

— Сўз бераман!

— Кимдир деворга сизнинг сочингизни ясама деб ёзиб қўйибди, шунинг учун ҳам одамлар кулишяпти.

Жакомон шу қадар ҳайратда қолдики, қўлидан нутқи ёзилган қогозларни тушириб юборди. Улар одамларнинг тепасидан учиб бориб, охири болаларнинг қўлига тушди. Агар қиролга саройга ўт тушди, деганларида ҳам бунчалик жаҳли чиқмасди. У жандармларга: «Халқни майдонда қувинглар!» — деб буюрди. Кейин нима гаплигини билиш учун пастга тушиб, хушук хабар олиб келган сарой ходимининг тилини суғуриб олинглар, деди. Бечора шошганидан, тилимни кесманг, деб илтимос қилди. У тилини эмас, бурнини кесманг, деб сўрашни мутлақо унутиб қўйибди. Ушанда ҳеч бўлмаганда бурнини кесардилар-да, тили безарар, омон қоларди.

Лекин Жакомон бу билан тинчланмади. Мамлакатнинг ҳар томонига фармон юборилди. Унда олий ҳазратларини ҳақорат қилган одамни кўрсатиб берган кишига юз минг сохта пул ваъда қилинди. Майдоннинг саройга яқин ерида, устунлар олдида ўша эҳтиётсиз ёзувчининг бошини кесадиغان жой ҳозирлашди.

— Онажон! — деб қичқирди мушук бейхтёр ва устун ортига яшириниб, бўйинини ушлаб кўрди. — Мен ёлгончиларнинг тилида кўрқув нима дейилишини билмайман, агар у қаҳрамонлик дейиладиган бўлса, мен ўзимни ҳозир жуда қаҳрамон сезяпман.

У эҳтиёт бўлиб, турган еридан кунни бўйи тушмади, кулча бўлиб ётди. Кечқурун, кўнгилсиз учрашувга дуч келмаслигига ишонч ҳосил қилгач, устундан пастга тушиб, ҳар бир қадам босишидан

олдин атрофга юз бор аланглаб боқди. Ерга тушганида унинг кейинги оёқлари жуфтакин ростлашга тайёр эди. Шу топда унинг олдинги ўнг оёғи қичишиб қолди.

— Ана, яна бошланди,— деб мингиллади Чўлоқ мушук.— Оёғининг қичишини босиш учун қирол Жакомонга яна бир нордон гап ёзиб қолдиришим керак. Деворга чизилган расмдан дунёга келганимдан кейин, умр-бўйи ёзув-чизув қилишим керак-да. Лекин бу ерда девор йўқ. Ҳов авани ерга ёзмам.

Бош кесишга тайёрлаб қўйилган ердаги болтага қизил бўрда чизилган оёғи билан қирол Жакомонга атаб, мана шу сўзларни ёзди:

Ҳамма ҳам дер шу маҳал:

### «ЖАКОМОННИНГ БОШИ ҚАЛ!»

Оёғининг қичиши дарров босилди, лекин Чўлоқ мушук оёғининг бир неча миллиметр қисқарганини пайқади.

— Ўзимнинг бир оёғим йўқ,— деди у,— агар ёзаврсам, бу оёғим ҳам ўчиб кетади. Унда қандай юраман?

— Ҳозирча мен сенга ёрдам бераман,— деган овоз эшитилди орқадан.

Агар овознинг ўзи бўлганида, Чўлоқ мушук қочиб қоларди-я. Овознинг икки қўли, қисқичдек бармоқлари бор эди. Қўл билан овознинг эгаси, бўйи икки метрча келадиган, кўрнинишдан совуқ ва жаҳадор бир кекса хоним эди.

— Жўхори хола!

— Ҳа, бу мен,— деб шивирлади кекса хоним.— Мен сени ўзим билан олиб кетаман. Меннинг мушукларимнинг овқатини олиб қочишни деворларга бўр билан ёзишни кўрсатиб қўяман сенга.

Жўхори хола Чўлоқ мушукни рўмолига ўраётганида у индамай турди, шу топда қирол саройининг дарвозасидан бир неча жанлар чиқиб келаётган эди-да.

«Жўхори холанинг олдин келгани яхши бўлди,— деб ўйлади Чўлоқ мушук,— Жакомоннинг қўлига тушгандан кўра, унинг қўлига тушганим яхшироқ».

### ЕТТИНЧИ БОБ

Чўлоқ мушук берниб, бўлса ҳам хавф-хатар, Нодон мушукчаларга миёвлашни ўргатар.

Жўхори хола Чўлоқ мушукни уйига олиб келиб, уни креслога чатиб қўйди. Ҳа, ҳа, дастурхонга расм нусхасини чатигандек, ип ва игна билан чатди. Ипни узишдан олдин пишиқ бўлсин, деб икки марта тугун солди.

— Жўхори хола,— деди Чўлоқ мушук қувноқлик билан,— жуда бўлмаганда кўк ип билан чатиганингизда тузук бўларди, у жу-

нимнинг рангига мос тушарди. Бу тўқ сариги ёмон, Жакомоннинг ясама сочига ўхшайди.

— Ясама соч ҳақида оғзингни очмай қўя қол,— деб жавоб қилди Жўхори хола.— Яхшиси жим ўтирсанг, кеча кечқурунгидек мендан қочиб кетмасанг бўлгани. Сен ажойиб махлуқсан, сендан катта ишлар кутамаи.

— Нима десангиз ҳам мен мушукман,— деди камтарлик билан Чўлоқ мушук.

— Сен миёвлайдиган мушуксан, ҳозирги кунда бунақаси кам. Пўқ деса ҳам бўлади. Мушуклар итлардек вовиллайдиган бўлишди, лекин улар ит бўлиб туғилмагани учун буни уддалашолмаяпти. Мен итларни эмас, мушукларни яхши кўраман. Уйимда етти та мушугим бор. Улар ошхонада, умивальникнинг тагида ётишади. Ҳар сафар улар оғизларини очганда қувиб юборгим келади. Мен уларни миёвлашга ўргатиш учун юз марта урниб кўргандирман, лекин улар менга қулоқ солишмади, менга ишонилмади.

Чўлоқ мушук ўзини полициядан асраб қолган, мушукларнинг вовиллаши жонига теккан бу кекса хонимни ёқтириб қолди.

— Ҳарҳолда,— деб давом этди Жўхори хола,— мушуклар тўғрисида эртага маслаҳатлашиб кўрамиз. Бугун кечқурун бошқа иш билан шуғулланамиз.

У кичикроқ жавоннинг олдига бориб, у ердан бир китобни олди-да, сарлавҳасини Чўлоқ мушукка кўрсатди.

— «Тозалик ҳақида»,— ўқиди мушук.

— Энди,— деди Жўхори хола Чўлоқ мушукнинг рўбарўсидаги креслога ўрнашиб ўтириб,— мен сенга китобни биринчи бобидан охиригача ўқиб бераман.

— У печа бет, холажон?

— Озгина! Мундарижаси билан атиги саккиз юз йигирма тўрт бет, мен мундарижасини ўқимай қўя қоламан. Шундай қилиб: «Биринчи боб. Нима учун номингни деворга ёзмаслигинг керак? Ном — муҳим нарса, уни ҳар ерга ёзавермаслик лозим. Яхши расм солиб, тагига номингни ёзиб қўйишинг мумкин. Ажойиб ҳайкал ижод қилсангиз, номингизни пьедесталга ёзишади. Яхши машина кашф этсангиз, уни ўз номингиз билан аташингиз мумкин. Фақат яхши иш қилиш қўлидан келмайдиганларгина номини ёзиш учун девордан бошқа тузукроқ жой тополмайди».

— Мен бунга қўшиламан,— деди Чўлоқ мушук,— лекин мен деворга ўзимни эмас, қирол Жакомоннинг номини ёздим.

— Жим туриб, қулоқ сол. «Иккинчи боб. Деворга дўстларингнинг номини ҳам ёзмаслигинг керак».

— Менинг атиги битта дўстим бор,— деди Чўлоқ мушук.— Лекин мен уни адаштириб қўйдим. Бу бобни эшитгим келмаяпти, бўлмаса йиғлаб юбораман.

— Лекин буни эшитишга мажбурсан. Сен барибир ўрнингдан жилдомайсан.

Шу топда қўнғирёқ жиринглаб қолди. Жўхори хола эшикни очиш учун ўрнидан турди. Ун ёшлар чамасида бир қиз кирди. Унинг қиз болалигининг отининг думига ўхшатиб қўйилган бир тутам

сочидан билмиш мумкин эди. Шуниси бўлмаса, спортчилар шими ва катак кўйлагига қараб, ўғил бола деса бўларди.

— Ромолетта!— деб қичқириб юборди ҳайратдан Чўлоқ мушук.

Қиз уни эслашга ҳаракат қилиб қаради.

— Сен билан қаерда кўришган эдик?

— Танмаяпсанми?— давом этди Чўлоқ мушук.— Сени менинг онам деса бўлади. Рангимни кўриб, эсинга тушмаяптими?

— Эсимга тушди,— деб жавоб берди Ромолетта,— мен бир марта мактабдан жиндаккина бўр қарз олган эдим.

— Қарз олган эдим?— сўради Жўхори хола.— Буни ўқитувчинг билармиди?

— Мен унга ўша заҳоти айтолмадим,— дея тушунтирди Ромолетта,— бирданга катта танаффусга қўнғироқ чалиниб қолди.

— Жуда соз,— деди Чўлоқ мушук,— демак мени шу жиндаккина бўрнинг фарзанди деса бўлар экан-да. Шунинг учун ҳам гапиришни, ўқишни, ёзишни, ҳисоблашни биладиган маълумотли мушук эканман. Агар менинг тўрттала оёғимни чизганингда, сендан жуда хурсанд бўлардим. Лекин шунисига ҳам розман.

— Мен ҳам сени қайта кўрганымга жуда хурсандман,— деб жилмайди Ромолетта.— Эҳтимол, менга анча янгиликлардан сўзлаб берарсан.

— Мендан бошқа ҳамма хурсанд ундан,— деб гапга аралашди Жўхори хола.— Менимча, иккаловингиз ҳам менинг китобимда ёзилганларни ўрганишингиз керак. Ромолетта, алави жойга ўтир.

Қиз креслони яқинроқ суриб, туфлисини нарироққа улоқтирди-да, оёғини йиғиштириб ўтирди. Жўхори хола учинчи бобин ўқишга киришди. Унда йўловчиларни хафа қиладиган сўзларни деворга ёзмаслик кераклиги тушунтирилди. Чўлоқ мушук на Ромолетта зўр эътибор билан тинглашди. Креслога тикиб қўйилган Чўлоқ мушукнинг бундан бошқа чораси йўқ эди. Ромолетта бўлса бир оз айёрлик ишлатди, буни тезда пайқаб оласиз.

Учинчи бобга келганда Жўхори хола эснай бошлади. Аввал у ҳар бетда икки мартадан эснади. Кейин тез-тез эснайверди: ҳар бетда уч, тўрт мартадан, кейин ҳар бир қаторда... Кейин ҳар бир сўзда... Ниҳоят, у шундай ҳузур қилиб эснадики, оғзи юмилганда кўзи ҳам юмилди.

— Ҳар доим шундай,— деб тушунтирди Ромолетта,— китобнинг ярмига етганда ухлаб қолади.

— Энди нима бўлади? У уйғонгунча пойлаб ўтираверамизми?— деб сўради Чўлоқ мушук.— У мени шундай қаттиқ чағиб қўйдик, эснагим келса ҳам, барибир оғзимни очолмайман. Бундан ташқари, мен бир дўстимни излаб топишим керак. Мен уни кеча кечқурундан бери кўрганам йўқ.

— Ҳозир мен тўғрилайман,— деди Ромолетта.

У қайчини олиб, тикилган ипларни эҳтиётлик билан қирқди. Чўлоқ мушук полга сакраб тушди, кернишиб, енгил нафас олди.

— Тез бўл,— деб шивирлади Ромолетта,— ошхонадан ўтиб кетамиз.

Ошхонада қоп-қоронғи эди, лекин бурчакда, эҳтимол, умивальник турган жойда бўлса керак, ўн тўртта кўкимтир чўғ йилтирдди.

— Бу ердан мушукларнинг ҳиди келаяпти,— деди бизнинг Чўлоқ мушук.— Мен ҳатто еттита мушукнинг исини сезаяпман.

— Бу холамининг мушуклари. Умивальник турган жойда ҳингглаб кулган товуш эшитилди.

— Уртоқжон,— деган овоз эшитилди у ердан,— сен фақат чўлоққина эмас, кўрга ҳам ўхшайсан. Биз ҳам сенга ўхшаш ит эканлигини кўрмайпсанми?

— Эй, сиз ёлгончи тентаклар!— деди Чўлоқ мушук чинакам жаҳли чиқиб.— Ҳозир вақтим тигиз бўлганлиги учун омадингиз келиб қолди, бўлмаса мен сизларни миёвлашга ўргатиб қўярдим. Жўхори хола бунинг учун менга раҳмаг ҳам айтарди.

— Вов-вов!— дея жавоб қилишди бирдангизга еттита мушукча. Чўлоқ мушук оқсоқланиб еттита ошнасининг ёнига бориб утирди.

— Миёв!— деди у аччиги келиб.

Еттала мушукча ҳам ўзини ноқулай сезди.

— Эшитдингизми?— деб сўради энг кичик мушукча.— У чиндан ҳам миёвлашни биларкан.

— Ҳа, ҳа, итнинг шунчалик миёвлаши чакки эмас.

— Миёв,— деди Чўлоқ мушук,— миёв, миёв, миёв!

— Бу раднода овозга тақлид этувчи бўлиб ишласа керак,— деди мушукчаларнинг энг каттаси.— Унга қўлоқ солманг. У биздан мақтов эшитмоқчи.

— Миёв,— деди яна Чўлоқ мушук чўзиб.

— Росғини айтганда,— деб мингиллади бошқа мушукча, мен ҳам шундай яхши миёвлашни истардим. Вовиллаш жонимга тегди. Ҳар сафар вовиллаганимда шундай қўрқиб кетаманки, жунларим тикка бўлиб кетади.

- Эҳ, менинг қайсаргилам! Нимадан қўрқинишни биласанми?— деди Чўлоқ мушук.— Чунки сен ит эмас, мушуксан.

— Мени ҳақорат қилма! Гапингга қўлоқ солганимизнинг ўзи ҳам стар. Сенинг кимлигингни қаердан биламиз?

— Мен ҳам сизларга ўхшаган мушукман.

— Итмисан ёки мушукмисан, билмадим, лекин менинг ҳам миёвлагим келади.

— Миёвлаб кўр,— деди Чўлоқ мушук.— Бунинг нималигини биласан — оғзингда ширин таъми қолади.

— Жўхори хола берадиган сутдан ҳам ширинроқ бўладими?— деб сўради энг кичик мушукча.

— Менинг жуда миёвлагим келаяпти,— деди мушукча.

— Миёв, миёв,— деди Чўлоқ мушук айёрлик билан,— дадил бўлинг, огайни мушукчалар, миёвлашни ўрганинг.

Ромолетта қоринни ушлаб ўзини кулгидан тўхтатолмай турганида, энг кичик мушукча қўрқа-писса миёвлай бошлади. Иккинчиси унга қаттиқроқ жўр бўлди. Кейин уларга учинчиси қўшилди.



Чўлоқ мушукнинг ҳайбаракалласи билан тезда еттала мушук еттита гижжақдек миёвлай бошлашди.

— Энди нима дейсиз?

— Бу чиндан ҳам маза бўларкан!

— Қанд солинган сутдан ҳам ширин!

— Айтгандай,— деди Ромолетта,— Жўхори холани уйғотиб қўйинглар. Кетдик, Чўлоқ мушук.

Ромолетта билан Чўлоқ мушук югуриб ҳовлига чиқишди.

Жўхори хола уйғониб, ошхонанинг эшиги ёнига келди. Чироқни чиқ этиб ёққани эшитилди, кейин эшикдан кекса хоним кўринди, севинганидан кўзларидан ёш томчиларди.

— Мушукчаларим, ҳайрият, ҳайрият!

Аввал еттала мушукча тортиниб турди. Улар эгасига қараб тўхтовсиз миёвлар, нима учун унинг кўзидан ёш оқаётганини билдиришмасди. Кейин улар эшикка қараб миёвлаганча олдинма-кетин ҳовлига чиқишди.

Жўхори хола кўз ёшини артиб, уларнинг кетидан қараб қолди.

— Баракалла, баракалла,— деб такрорларди у.— баракалла, азаматлар!

Мушукчалар унга:

— Миёв! Миёв!— деб жавоб қайтаришарди.

Лекин кимдир билдирмасдан бу ғатати ҳодисани кузатарди. Бу уй эгаси синьор Калимер эди; у шу қадар хасис эдики, уйдаги барча хоналарни ижарага қўйиб, ўзи чордоқда яшарди. У жуда ҳам ёқимсиз киши бўлиб, қақимчига ўхшарди. Синьор Калимер Жўхори холага уйда жондор асрашни кўп марта ман этган эди. Лекин кекса хоним унга қулоқ солмасди.

— Мен бу ерга ҳақ тўлайман,— дерди у,— ортиқча тўлайман. Шунинг учун ҳам хоҳлаганимни қиламан.

Калимер кўп вақтини одамлар нима қилаётган экан, деб чордоқдаги туйнукдан мўралаб ўтказарди. Шунинг учун ҳам у ўша кунни кечқурун мушукларни кўрди, уларнинг қандай миёвлганини, ҳатто Жўхори холанинг баланд овозда «Баракалла, баракалла!»— деб тўхтовсиз мақтаганини эшитди.

— Ҳа, қўлга тушдингми,— деди Калимер қўлини бир-бирига ниқаб.— Бу қари жодугар дайди итларни йиғиб, уларни миёвлашга ўргатмоқчи экан. Бу сафар мен унинг кўзини очиб қўяман. Ҳозироқ министрға ёзмаман.

У туйнукни беркитиб, перо, қоғоз, сиёҳни олди-да, ёзди:

«Жаноб министр!

Бизнинг ҳамшаҳарларимиз тоқат қилиб туролмайдиган ҳодисалар юз бермоқда. Жўхори хола хоним ундай қилди, бундай қилди ва ҳоказо».

Тагига: «Ёлгоннинг дўсти», деб имзо қўйди.

У хатни конвертга солиб, уни почта қўтисига ташлагани югурди. Бу кулфатларнинг устига, Калимер уйига қайтиб келаётган пайтида Ромолетта билан Чўлоқ мушук кўчада тўхтаб, шундай бир иш қилмоқчи бўлдиларки, агар бу ишни қилганларида у ерга Жўхори хола ўз китобидан яна ўн бобни ўқиб берган бўларди.

Сиз Чўлоқ мушукнинг баъзида оёғи қичиб, деворга бирор нарса ёзишдан ўзини тиблмаслигини яхши биласиз. Худди шу топда у деворга ёзаётганида, чўнтагида жиндаккина ҳам бўри бўлмаганлиги учун Ромолетта унга ҳавас билан қараб турганди. Иккаласи ҳам Калимерни пайқамадилар.

Буларни кўрган чақимчида шубҳа туғилди. У эшик орқасига яширишиб, Чўлоқ мушукнинг ёзувини ўқиди. У бундай деб ёзган эди:

Яна бир гам қиролнинг  
Кўзини ёшлайдилар.  
Мушуклар энди ҳурмай,  
Миёвлай бошлайдилар.

Ромолетта билан Чўлоқ мушук ҳали жойидан жилмасданоқ Калимер уйга югуриб бориб, севинчи ичига сиғмай министрга янги хат ёзди.

«Жаноб олийлари! Сизга маълум бўлсинки, қиролимизни ҳаётини деворга ёзганлар Жўхори хонимнинг жияни Ромолетта, иккинчиси, барча қонунларга хилоф равишда, миёвлашга ўргатмоқчи бўлиб юрган ит. Сиздан ваъда қилинган юз минг сохта пул укофотни олишимга ишонаман.

Калимер Вексель».

Чўлоқ мушук шу топда оёғи яна бир неча миллиметр қисқарганини пайқайди.

— Оёғни едирмасдан ёзишнинг йўлини топиш керак,— деди у хўрсиниб.

— Шошма,— деди Ромолетта,— эсим қурсин, унутибман-а! Мен шу яқин орада турадиган бир рассомни танийман. Унинг уйи чордоқда, доним очиқ бўлади. Унинг олдига кириб, озгина ёки бир қути бўёқ қарз олишинг мумкин. Юр, мен сенга йўлни кўрсатиб, кейин уйга қайтаман. Жўхори холам кечикаётганимдан хавотирланиб ўтирмасин.

## САККИЗИНЧИ БОБ

Бананито зўр рассом, бироқ  
Чўткасини отиб, ушлади пичоқ...

Шу кунги кечаси рассом Бананитонинг уйқуси келмади. У табуреткада мункайиб, ёлғиз ўзи чордоқда расмларига хомуш боқиб ўтирарди. «Йўқ, бутун ҳаракатим беҳуда. Менинг расмларимда бир нима етишмайди. Агар ўша нарса бўлганда, булар нодир асар бўларди. Нима етишмас экан-а? Гап шунда».

Шу вақт унинг деразасига Чўлоқ мушук сакраб чиқди. У уй эгасини безовта қилмаслик учун деразадан ошиб тушмоқчи бўлиб, томма-том келган эди.

— Э, ҳали-вери ухлмас экан-да,— деди миёвлаб мушук.— Майли, шу ерда кутиб тураман. Мени бефаҳм экан деб ўйлашмасин. Бананито ухлаганида унинг бўёғидан оламан, сезмай қолади. Ҳозирча расмларини томоша қилиб тураман.

Лекин у расмларга тикилиб, бақрайиб қолди.

«Менимча,— ўйлади у,— расмларни лоф қилиб юборибди. Агар шундай қилмаганида, уларни кўрса бўларди. Хўш, гап нимада? Оёқларни кўпайтириб юборибди. Масалан, анави отнинг оёғи ўн учта. Қаранг-а! Менинг атиги учта оёғим бор... Кейин бурнини ҳам кўпайтириб юборибди. Манави портрет учта бурунлик бўлибди. Асти ана шу жанобга ўхшамайман-а, агар шамоллаб қолса, биратўла учта рўмолча керак бўлади. Не, рассом бир нима қилмоқчи...»

Чиндан ҳам Бананито табуреткадан турди.

«Мана бу ерда бир оз кўк бўёқ етмаётганга ўхшайди,— деб ўйлади у.— Ҳа, ҳа, худди кўк бўёқ керак».

У кўк бўёқни тахтачага сиқиб, уни ҳамма расмларга: от оёқларига, учта бурунга, қандайдир бир хонимнинг кўзларига (унинг ҳар томонида учтадан — олтита кўзи бор эди) сурта бошлади.

Кейин у қандай бўлганини билиш учун бир неча қадам орқага чекиниб, кўзини қисиб қаради.

— Йўқ, йўқ,— дея тўнғиллади у,— гап бунда эмасга ўхшайди. Расмлар жиндек ҳам ўзгармади.

Чўлоқ мушук турган жойидан бу сўзларни эшитолмади, лекин Бананитонинг хафа бўлиб, бошини эгганини кўрди.

«У жуда ҳам хафа,— деб ўйлади Чўлоқ мушук.— Мен олти кўзли хонимнинг ўрнида бўлишни исгамасдим, агар унинг кўзлари хиралашиб қолса, олтита ойнакли кўзойнак олишга тўғри келди, бундай кўзойнак жуда қиммат турса керак».

Шу вақт Бананито бошқа бўёқ олиб, тахтачасига сиқди-да, худди хонада чигирткадек сакраб, яна расмларга сурта бошлади.

«Ҳа, сариқ бўёқ мос тушаркан,— деб ўйлади у,— манави жойга озгина сариқ етишмайди.

«Расво бўлди,— деб хаёлидан ўтказди шу топда Чўлоқ мушук,— энди ҳаммаси тухумнинг саригига ўхшаб қолади».

Бананито бўлса тахтача билан бўёқ чўткасини ерга улоқтирди; ғазабланиб уларни оёғи билан эзғилаб, сочини юла бошлади.

«Агар ҳозир бас қилмаса,— деб ўйлади Чўлоқ мушук,— қирол Жақомонга ўхшаб, бошида тук қолмайди. Мен уни юпатиб қўйсамкин? Баттароқ хафа бўлса-чи? Мушукларнинг маслаҳати-га шу вақтгача ҳеч ким қулоқ солмаган эди. Бу ҳам қийин. Чунки мушукларнинг тилига ҳеч ким тушунмайди».

Охири Бананито сочини юлишдан тўхтади.

— Етар!— деди у.— Ошхонадан пичоқни олиб ҳамма расмларни тилиб, қиймалаб ташлайман, мендан рассом чиқмас экан. Бананитонинг «ошхонаси» чордоқнинг бурчагида турган кичкина столдан иборат бўлиб, устида примус, кастрюлька, това ва бир неча қошиқ, вилка, пичоқ бор эди. Стол деразага яқин тургани учун Чўлоқ мушук ўзини гултувакнинг панасига олди. У яширип-

маганида ҳам барибир Бананито уни кўрмас эди, чунки унинг кўзи жиққа ёшга тўлганди.

«У энди нима қилмоқчи?— деди ўзига-ўзи Чўлоқ мушук.— Қошиқни олди... Э-э! Оч қолганга ўхшайди. Йўқ, қошиқни қўйиб, пичоқни олди. Буниси менга ёқмади. У бировни, масалан, танқидчиларни сўймоқчи эмасмикин? У расмларининг расволигига хурсанд бўлиши керак эди. Улар кўргазмага қўйилса, одамлар ростини айтишолмайди, ҳамма хўп нодир асар экан, деб мақтайди, у бир талай пул йиғиб олади».

Чўлоқ мушук шундай хаёллар билан банд бўлганида, Бананито столнинг тортмасидан қайроқ олиб, пичоқни қайрай бошлади.

— Устарадек ўткир бўлсин. Расмларимдан ному нишон қолмасин,— деди у.

«У бировни ўлдирishга қасд қилганга ўхшайди,— деб ўйлади Чўлоқ мушук,— бир ургандаёқ ўнғалмайдиган қилмоқчи шекилли. Шошма, агар у ўзини ўлдириб қўйса-чи? Бу жиноят яна ҳам даҳшатлироқ бўлади. Бунинг албатта бирон чорасини кўриш зарур. Бир секунд ҳам вақтни бой бермаслик керак. Бир замонлар Римни ғозлар асраб қолган экан, умидсизликка тушган рассомни Чўлоқ мушук асраб қололмайдимиз?»

Бизнинг уч оёқли кичкина қаҳрамонимиз жон-жаҳди билан мкёвлаб, қонага дадил сакраб тушди. Худди шу вақт эшик ланг очилди-да, чордоққа ҳарсиллаб, терлаб-пишиб, уст-бошини чанг ва оҳак босган бир одам кириб келди... Унинг кимлигини топингчи!

— Жельсомино!

— Чўлоқ мушук!

— Сени яна кўрганамга хурсандман!

— Ўзимнинг чўлоғаммисан?!

— Ишонмасанг, оёғимни санаб кўр.

Пичоқни ушлаганича оғзини очиб қолган рассомнинг кўзи олдида Жельсомино билан Чўлоқ мушук қучоқлашиб, севинганларидан ўйинга тушиб кетишди.

Бизнинг ашулачимизнинг бунчалик баландга чиқиб қолгани, нима учун айни шу вақтда бу қонага кириб келгани тўғрисида сизларга кейинги бобда батафсил ҳикоя қиламан.

## ТУҶҚИЗИНЧИ БОБ

Жельсоминоимиз  
Бўлмоқчи ҳофиз.

Эсингизда бўлса керак, Жельсомино ертўлада кўмир устида ухлаб қолган эди. Очиғини айтганда, кўмир устида ётиш ноқулай, лекин ёшлар бунга эътибор бермайдилар. Кўмир бўлақларининг қирралари биқинига қаттиқ ботса ҳам, Жельсомино уйқуни уриб, туш кўриб ётаверди.

У тушида ашула айта бошлади.

Кўп одам уйқусида валдираб чиқади, Жельсоминонинг эса

қушиқ айтадиган одати бор эди. Уйғонганидан кейин ҳеч нарсага  
өслолмасди. Жельсомино кундуз кунлари узоқ вақт илдаммай тур-  
гани учун овози ундан қасос олиш учун шундай ҳазил қилса ке-  
рак. Шу билан овоз эркинликка чиқишига йўл бермаган пайтлари  
учун эгасидан қасдини олса керак.

Жельсомино уйқусида хиргойи қиларди, лекин шунга ҳам ша-  
ҳарнинг ярмиси уйғониб кетарди.

Аҳоли деразадардан мўралаб, ғазабланарди:

— Кечаси юрадиган қоровуллар қаёқда қолди? Бунга тоқат  
қилиб бўлмайди, бу мастинг овозини ўчирадиган одам йўқми?

Қоровуллар уёқдан-буёққа югуришар, лекин бўм-бўш кўчалар-  
да ҳеч кимга дуч келмасдилар.

Жельсомино ухлаб ётган подвалдан ўн километрча нарида,  
шаҳарнинг бошқа бир чеккасида турувчи шаҳар театрининг ди-  
ректори ҳам уйғониб кетди.

— Роса ажойиб овози бор эканми!— деди у.— Бу ҳақиқий  
тенор. Ашула айтаётган ким бўлдийкин? Оҳ, агар мен уни жалб  
эга олсам, одамлар театрни бузиб кирарди. Бу одам мени роса бой  
қиларди.

Ҳақиқатан ҳам бу шаҳардаги театр тушкунликка учраган, тў-  
риси, бутунлай ёпилиб қолиш олдида турарди. Елғончилар мамла-  
катада ашулачилар оз, лекин улар ҳам ашулани бузиб айтишни  
маъқул кўришарди. Чунки улар яхши ашула айтганларида, томо-  
шабинлар: «Акиллама ит!» деб бақиршарди. Агар ёмон айтишса,  
томошабинлар: «Қойил, яшавор! Дўст!» деб қичқиршарди. Шунинг  
учун ҳам ашулачилар «Қойил» деб қичқиршларини маъқул кў-  
риб ашулани ёмон айтишарди.

Театр директори тез кийиниб, кўчага чиқди-да, овоз келаётган  
томонни тусмоллаб, шаҳарнинг ўртасига йўл олди. У овоз мана шу  
ердан келаяпти, деб бир неча бор янглишганини сизга айтиб ўтир-  
майман.

— Мана шу уйда бўлиши керак,— дер эди у ҳар сафар,— шуб-  
ҳа бўлиши мумкинмас, овоз юқори қаватдаги анави деразадан  
эшитилаяпти.

У икки соатдан кейин чарчаб, қолдан тойиб, энди қидиришдан  
воз кечиб турганида, Жельсомино ухлаб ётган подвалга кириб  
қолди. Зажигалкасининг хира ёруғида бу ажойиб овознинг эгаси  
кўмир устида ухлаб ётган бир ўсмир эканини кўриб, ҳайрон қолди.

— Агар у уйқусида шунақа ашула айтса, ўнгида жуда ҳам қо-  
тирворса керак,— деди театр директори қўлларини ишқаб.— Бу  
ўсмир хазина, лекин ўзи буни билмаса керак. Бу хазинани мен  
топдим, у менниг бойишимга ёрдам беради.

У Жельсоминони уйғотиб, ўзини таништирди:

— Мен театр директори Домисоль бўламан, сени излаб топ-  
ганимча ўн километр юрдим. Сен эртага кечқурун албатта менниг  
театримда ашула айтасан. Тур ўрнингдан, ҳозир уйимга бориб,  
овозингни синаб кўрамиз.

Жельсомино кўнмай, уйқуси келаётганини баҳона қилди, ле-  
кин Домисоль икки кишилик қулай каравотга жой солиб бе...

ва айтди. Шунда Жельсомино, музикага ишим тушмаган, дедя. Домисоль бўлса, шундай овози бор одам нота билмаса ҳам бўла-  
ёради, деди

Жельсоминонинг овози бу қулай имкониятдая фойдалангис  
келиб қолди. «Дадил бўл,— деб қизиқтирдя у эгасини.— Ашулачи  
бўлгинг келарди-ку! Қўнавер, эҳтимол шундан омадинг юришиб  
кетар».

Домисоль бундай тортишувни бас қилиб, Жельсоминонинг  
қўлидан ушлади-да, ташқарига сургаб чиқарди. Уйига келганда  
у пианинога ўтириб, унинг пардаларини босди-да, Жельсоминога  
бужурди:

— Айти

— Деразаларни очиб қўйсақмикин?— тортиниб сўради Жель-  
сомино.

— Йўқ, йўқ, қўшниларнинг тинчлигини бузгим келмайди.

— Нимани айттай?

— Хоҳлаганингни айт. Масалан, қишлоғингда куйлашадиган  
қўшиқлардан биронтасини айтақол.

Жельсомино қишлоғида айтиладиган қўшиқлардан бирини  
бошлади. У иложи борича секин айтар, ҳозир чил-чил бўлиб ке-  
тадигандек зириллаб турган ойналардан кўзини узмасди.

Дераза ойнаси синмади-ю, лекин қўшиқнинг иккинчи бандини  
бошлаши биланоқ қандял чил-чил синиб, уй қоронғи бўлиб қолди.

— Жуда саз!— дедя қувониб Домисоль. Кейин шам ёқди.—  
Жуда ажойиб! Қойилман! Уттиз йилдан бери мана шу уйда те-  
норлар ашула айтиб келади-ю, биронтаси овози билан кофе ичи-  
ладиган пиёлани ҳам синдирилмаган эди.

Ашуданинг учинчи банди охирлаб қолганда, Жельсоминонинг  
хаёфсирагани бўлди — дераза ойналари синиб кетди. Домисоль  
пианино чалиб ўтирган еридан ирғиб туриб, уни қучоқлади.

— Болагинам!— деб қичқирди у шодликдан йиғлаб.— Менинг  
янглишмаганим рост. Оламда сен ягона, энг улуғ ашулачи бўла-  
сан! Мухлисларинг автомобилнингнинг гилдираklarини олиб қўйиб,  
қўлда кўтариб юришадя.

— Менинг автомобилим йўқ,— деди Жельсомино.

— Ўилаб автомобилнинг бўлади! Ҳар куни янги автомобилля  
бўласан. Менга дуч келганиннга шукр қал. Энди менга яна бир  
қўшиқ айтиб бер.

Жельсомино бир оз ҳаяжонланди. Чунки ашула айтгани учун  
умрида биринчи марта мақтов эшитиши-да. У шухратпараст эмас  
эди-ку, лекин мақтов ҳаммага ҳам ёқади-да. У иштиёқ билан яна  
бир ашула айтди, бу сафар овозини унчалик тутиб турмади ҳам.  
У атинги бир-икки юқори пардага чиқиши биланоқ ҳаммаёқ тўс-  
тўполон бўлиб кетди.

Қўшни хоналарда деразаларнинг ойналари бирин-кетин синиб  
тушди, одамлар қўрққанларидан деразалардан кучага бошларини  
чиқариб дод солишди.

— Ер қимирляпти! Ердам беринг! Ердам беринг! Удалага-  
...: очиб қол!

Ўт ўчирув машиналари чинқириб ўтишди. Кўчага одамлар югуриб чиқишди. Улар ухлаб ётган болаларини кўтариб, ашқоқ-дашқоллар ортилган аравачаларни тортиб, шаҳардан чиқиб кета бошладилар.

Домисоль бўлса қувончдан ўзини билмас эди.

— Ажойиб! Фаройиб! Бунақаси бўлмаган!— У Жельсоминнони ўпа кетди, томоғи шамоллаб қолмасин деб, бўйнига иссиқ шарф ўраб қўйди, кейин ошхонага олиб кириб, унинг олдига шунча овқат қўйдики, бу энг камида ўнта ишсизнинг қоринини тўйғазишга етарди.

— Ол, ўғлим, тортинма,— дер эди у.— Манави товук гўштини олдингга ол — у юқори пардага чиқишга яхши ёрдам беради. Манави қўйининг оёғи паст товушда айтаётганингга овозингни шираллик қилади. Еявер! Шу бугундан бошлаб сен менинг меҳмонимсан. Сен менинг энг яхши хоналаримдан бирида турасан, унинг деворларига намат қоқтираман, бемалол машқ қилаверасан, ҳеч ким овозингни эшитмайди.

Очинини айтганда, Жельсоминно кўчага чиқиб, саросимага тушган аҳолини тиңчитмоқчи ёки жуда бўлмаса ўт ўчирувчиларга телефон қилиб, шаҳарда бекорга югуриб юрманглар, демоқчи бўлди. Лекин Домисоль уни шаҳидан қайтарди.

— Ундай қила кўрма, ўғлим. Барча синган ойналарни тўлатиб олишади, ҳозир ўзингнинг сариқ чақанг ҳам йўқ. Бунинг устига, сени қамаб қўйишлари мумкин, агар қамаб қўйишса, ашуладан орттирадиган шон-шуҳратинг тамом бўлади.

— Овозим агар театрда ҳам бир фалокатни бошласа-чи?

Домисоль кулди:

Театрлар ҳофизларнинг ашула айтиши учун мосланган. Театрлар фақат кучли овозларгагина эмас, бомбага ҳам бардош беради. Энди ётиб ухла, мен афиша ёздириб, тезроқ босдираман.

## УНИНЧИ БОБ

Ҳофизини ашула айтди,  
Театрини ҳам у қулатди.

Шаҳар аҳолиси эртасига барвақт уйғониб, ҳар ерга қуйндаги мазмунда афишалар ёпиштирилганини кўрди: «Бугун эрталаб (аниқ эмас — соат 48 да) Европа ва Американинг энг йирик театрларида бир неча бор ашула айтиб, шарманда бўлиб қайтиб келган итларнинг ити, энг ярамас тенор Жельсоминно шаҳар театрда ашула айтмайди.

Шаҳар аҳолисининг келмаслигини илтимос қиламиз.

Билетлар текнига берилади».

Албатта, бу афишани ўқиб тескари тушуниш керак эди, бутун шаҳар аҳолиси ҳам унда ёзилганларнинг аксини тушунди. «Шарманда» сўзини «муваффақият» деб тушуниш керак эди. «Ашула

айтмайди» ибораси, Жельсомино соат 48 да, яъни соат роса 21 да ашула айтади, деган маънони билдирарди.

Тўғриси айтганда, Жельсомино афишада ўзининг Америкада бўлган деб ёзилишига қарши эди.

— Мен Америкага ҳеч қачон бормаганман,— дея эътироз билдирди у.

— Шуниси керак,— деди унга Домисоль,— ана шу ёлгон гап ўрнига тушадн. Агар сен Америкага борганингда, Осиеда гастролда бўлди, деб ёзишимизга тўғри келарди. Қонун шундай, сен қонунни унут, ашулани унутма.

Китобхонларимизнинг хабари бор, шу куни эрталаб ғоят ташвишли бўлди (қирол саройига кираверишда Чўлоқ мушук ёзган латин кўриб қолишган эди). Куннинг иккинчи ярмида шаҳар тинчиди, кейин газеталарда ёзилишича, кеч соат тўққиз бўлмасида ноқ театр «саҳродек бўм-бўш» бўлди, яъни томошабин тикчилик кетди.

Театрга ҳамма чинакам ашулачининг қўшиқларини тинглагани келган эди.

Домисольнинг театрға кўпроқ одамиин жалб қилиш учун лофларини тарқатгани бекор кетмади.

— Қулогингизни бекитиш учун кўпроқ пахта олишни унутманг,— дейишарди Домисольнинг агентлари шаҳарда изғиб.— Бу даҳшатли тенор, қулогингизни кар қилиб қўяди.

— Уиларча қутурган итларнинг вовиллашини кўз олдингизга келтиринг, думи куйган юзларча мушукларнинг миёвланини бунга қўшинг, бу товушларнинг барчасини ўт ўчирувчи машинанинг чинқириғи билан аралаштириб кўрсангиз, Жельсоминонинг овозига ўхшаш товушни эшитасиз.

— Хуллас, бу даҳшат экан-да?

— Чинакам даҳшат! У театрда ашула айтиш ўрнига ботқоқликда қурбақалар билан вақиллашса бўларди. Уни сувнинг тағида бошини чиқармай айтишга мажбур қилиш керак эди; қутурган мушукдек чўкиб кетгани яхши.

Одамлар бу гапларни ёлгончилар мамлакатидаги бошқа гаплар сингари тескари тушунишди, фаҳмлаган бўлсангиз керак, шунинг учун ҳам, юқорида айтганимиздек, концерт бошланишидан анча олдин театрда олма ташласангиз ерга тушмайдиغان даражада томошабин тикчилик кетди.

Соат роса тўққизда қирол ложасида тўқ сариқ ясама сочли бошини мағрур тутиб, олий ҳазратлари Жакомон Биринчи ҳозир бўлди. Театрдагиларнинг ҳаммаси ўридан туриб, таъзим қилишди-да, унинг ясама сочига эътибор бермасликка ҳаракат қилиб, яна жойларига ўтиришди. Эрталабки воқеаларга ҳеч ким шама қилмади, чунки эҳтиётсиз кишиларнинг гапини ён дафтарига ёзиб олишга тайёр турган айғоқчилар театрда тўлиб ётганини ҳамма биларди.

Қиролнинг келишини сабрсизлик билан кутиб, парда тешигидан қирол ложасини кузатиб турган Домисоль Жельсоминога тайёрлан деган ишора қилди-да, ўзи музикачиларнинг ёнига тушиб



кетди. У таёқчасини қимирлатган заҳоти қўйдаги сўзлар билан бошланувчи миллий гимн садолари янгради:

Жақомонга шон-шарафлар  
Бизни қилди бахтиёр.  
Тўқ сариқ сочларининг  
Ранги мангу бўлсин бор!

Бунга ҳеч ким кулмади, албатта; баъзиларнинг гапига қараганда Жақомон ўшанда бир оз қизаринқираган, лекин бунга ишонини қийин, чунки ёш кўринишга ҳаракат қиладиган Жақомон ўша кунини кечқурун бетига угани қуюқ чаплаб олган эди.

Жельсомино саҳнада пайдо бўлгани заҳоти Домисолга қарашли одамларнинг ишораси билан залда ҳуштак ва қичқирқиқлар эшитилди:

- Жельсоминонинг кераги йўқ!
- Бу ердан чиқиб кет, ит!
- Ботқоғингга бор, қурбақа!

Жельсомино ана шундай ва шунга ўхшаш қийқириқларни тоқат билан эшитиб турди, йўталиб, залдагиларнинг тинчланганини кутди. Кейин программасидаги биринчи қўшиқни айта бошлади. У имкони борича майини овозда, шу билан бирга, лабларини маҳкам жипслаб айтди, ҳатто узоқдан оғзини очмаётганга ҳам ўхшарди. Бу қадрдон қишлоғида айтиладиган қўшиқлардан бири эди. Бу сўзлари бир оз кулгили, оддий ҳазил қўшиқ эди. Жельсомино уни шундай берилиб айтдики, тез орада залдагиларнинг ҳаммаси қўлига рўмолча олди — томошабин кўз ёшини артиб улгурмасди. Қўшиқ энг юқори пардада тугади, шундай бўлса ҳам Жельсомино қаттиқ айтмади, аксинча, иложи борича овозини майин чиқаришга ҳаракат қилди. Лекин бу ҳам фойда бермади, шипдан қаттиқ пақыллаган овоз эшитилди — энг нозик иншадан ишланган ўнта лампочка синиб кетди. Лекин бу зўр ҳуштакбозликда билинмай қолди. Томошабинларнинг ҳаммаси бир кишидек оёққа туриб, бор овози билан бақирарди:

- Йўқол бу ердан, масхарабоз!
- Ашулангга энди қулоқ солмаймиз!
- Ашулангни балиқларга айт!

Хуллас, агар газеталар ҳақиқатни ёза олганларида «Томошабинлар ниҳоятда хурсанд бўлдилар», деб ўқиган бўлардики.

Жельсомино таъзим қилиб, иккинчи қўшиқни бошлади. Очигини айтиш керак, бу сафар у бир оз қизиниб кетди. Бу қўшиқ унга ёқарди, ўзи ҳам бу қўшиқни айтишга ишқибоз эди, томошабин завқланиб тингларди. Шунинг учун ҳам, Жельсомино одатдаги эҳтиёткорлигини унутиб, юқори пардадан бошлади. Бу билет оломай, театрдан бир неча километр нарида турган кишиларни хурсанд қилиб юборди.

У қарсак чалишларини, ёки аниқроғи, янада зўрроқ ҳуштакбозлик ҳамда ҳақоратларни кутган эди. Бунинг ўрнига гур кулги кўтарилди, Жельсомино ҳайратда қолди. Томошабин уни унутганга ўхшарди — ҳаммаси ундан ўғирлиб, бир нуқтага қараб кулиб

турарди. Жельсомино ҳам ўша томонга қараган эди, бадани музлаб, нафаси ичига тушиб кетди. Иккинчи қўшиқда партер тепасидаги қандил синади-ю, лекин бундан хунукроқ воқеа бўлди: машхур туқ сариқ ясама соч ҳавога учиб, қирол Жакомоннинг боши очилиб қолди. Қирол одамларнинг нега кулаётганини билолмай аччиғи чиқиб, ўтирган ложасининг суяичиғини бармоқлари билан чала бошлади. Бечора, ўзи ҳеч нимани пайқамасди, бошқалар ҳақиқатни айтишга қўрқишди. Ўша кун эрталаб хушомадгўй сарой аҳлининг тилдан айрилганини ҳаммаси яхши биларди-да.

Залга орқа ўгириб ўтирган Домисоль ҳеч нарсани кўрмади. У Жельсоминога учинчи қўшиқни бошла, деб ишора қилди.

«Жакомон шарманда бўлди,— деб ўйлади Жельсомино.— Менинг бошимга бунақа кун тушмасин. Бу сафар ашулани яхшироқ айтаман».

У юракдан берилиб, тўла овозда шундай ажойиб ашула айтди-ки, оғиз очиши биланоқ аста-секин бутун театр қулаб туша бошлади. Даставвал қандиллар сикиб, ўзини панага олишга улгуролмаган айрим томошабинларнинг устига тушди. Кейин қирол ўтирган ложанинг бир қавати қулади, лекин Жакомон омади келиб, театрдан чиқиб кетган эди. У юзимга яна уша сепсамиккини, деб ойнага қараган эди, ясама сочи тушиб, боши очилиб қолганини кўрди. Айтишларига қараганда ўша кун кечкурун қирол ўзи билан театрга борган, шу қадар қайгули ҳодисани билдирмаган сарой аъёнларининг тилини кесдирган.

Жельсомино ашуласини тўхтатмасди, томошабинлар театрдан қочиб чиқа бошлади. Тепадаги сўнгги ўтирар жойлар қулаб тушганида, залда фақат Жельсомино билан Домисоль қолган эди. Жельсомино кўзини юмиб, ҳамон ашула айтарди — у театрда турганини ҳам, ўзини ҳам унутиб қўйган эди, фақат қўшиқ айтиб, маза қилаётганинигина биларди. Домисоль бўлса ағрайиб қолган эди. У бўлган ҳодисани кўриб, жон-жаҳди билан сочларини юла бошлади.

— Е раббий, театрим! Хароб бўлдим, адо бўлдим!

Театр олдидаги майдонда турган одамлар:

— Яша! Яшавор!— деб қичқиршарди.

Бу сафар «Яшавор» сўзини шундай айтишдики, қирол Жакомоннинг соқчилари бир-бирига қараб, шивирлашиб қўйишди:

— Биласанми, улар ашула ёқмаганидан эмас, боплаб айтганига «яшавор» дейишяпти.

Жельсомино ашулани баланд пардада тугатган эди, театр вайроналари қоришиб, чанг-тўзон кўтарилди. У Домисолнинг дирижёр таёқчаси билан дўқ уриб, синган фишт уюмлари устидан ошиб, ўзига яқинлашишга уринаётганини кўрди.

«Мен ашулачи бўлолмас эканман,— деб ўйлади Жельсомино хафа бўлиб.— Бу ердан эсон-омон жўнаб қолишим керак».

У девор ёригидан майдонга чиқиб олди. У ерда енгги билан афтини бекитиб, одамларга қўшилиб кетди, кимсасиз кўчага ўтиб шундай югурдики, ҳар қадамда оёғини синдириб олиши ҳеч гап эмас эди.

Лекин Домисоль уни кўздан йўқотмай, қийқириб қува кетди:

— Тўхта, ярамас! Театримни тўлаб бер!

Жельсомино тор кўчага бурилиб, биринчи дуч келган йўлакка ўзини урдиди, ҳарсиллаб, знадан худди чордоққа чиқиб қолди. У эшикни итариб Чўлоқ мушук деразадан сакраб тушган бир пайтда Бананитонинг ишхонасида пайдо бўлди.

## УН БИРИНЧИ БОБ

Расмларни жонли чиқазмоқ учун  
Лозимдир ҳақиқат ва талавг кучи.

Жельсомино билан Чўлоқ мушук бир-бирига бошдан кечирганларини шошиб-пишиб ҳикоя қилаётганини кўрган Бананито оғзини очиб, анқайиб қолди. У қўлига пичоқни нима мақсадда олганини ҳам унутиб қўйганди.

— Пичоқ билан нима қилмоқчи эдингиз?— деб ташвишланиб сўради Чўлоқ мушук.

— Худди ана шуни ўзим ҳам эслолмай турувдим,— деб жавоб берди Бананито.

Хонасига кўз югуртириб чиқса, яна руҳи тушиб кетиши турган гап эди. Китобимизнинг тўққизинчи бобида ёзилганидек унинг расмлари расво эди.

— Билтишимча, сиз рассомга ўхшайсиз,— деди воқеага ҳали тушуниб етмаган Жельсомино ҳурмат билан.

— Ўзим ҳам шундай деб ўйлардим,— деди хафалик билан Бананито,— ўзимни рассом ҳисоблардим. Лекин касбимни ўзгартириб, илжой борица кам бўёқ ишлатиладиган ҳунар топсам тузук бўларди. Масалан, гўрков бўлсам, ишим фақат қора бўёққа тушарди.

— Лекин, мазорда ҳам гуллар ўсади,— деди Жельсомино.— Ер юзида сидирга қора, нуқул қора нарса бўлмайди.

— Кўмир-чи?— деди Чўлоқ мушук.

— Агар у ёқилса, қизил, оқ, кўк аланга беради.

— Қора сиёҳ-чи, унда қорадан бошқа нарса йўқ.

— Қора сиёҳ билан турли ҳамда қизиқарли тарихларни ёзиш мумкин.

— Енгилдим,— деди Чўлоқ мушук.— Яхши ҳам бир оёғимни гаровга қўймадим, бўлмаса икки оёқли бўлиб қодар эканман.

— Хуллас, ўзимга бирор иш топарман,— деди хўрсиниб Бананито.

Жельсомино хонада юриб, Чўлоқ мушукни ҳайратга солган уч бурунли кишининг расми олдида тўхтади.

— Қим бу?— деб сўради Жельсомино.

— Саройдаги амалдорлардан.

— Бахтли одам экан! У учта бурун билан барча ҳидларни уч баравар ортиқ сезса керак.

— Э, бунинг тарихи катта. У, расмимни ишлаб бер, лекин бур-

ғимин албатта учта қилиб чизасан, деди. Биз узоқ тортишдик. Мен, одатдагидек, битта бурун чизмоқчи бўлдим. Кейин жуда сўлмаганда иккита бурунга рози бўлдим. Лекин, у оёғини тираб туриб олди. Учта бурун чизсанг хўп, бўлмаса портретнинг кераги йўқ, деди. Мана энди нима бўлганини кўраяписизми? Кези келганда инжиқ болаларни кўрқитадиган бадбашара нарса чиқди.

— Манави от-чи,— деб сўради Жельсомино,— у ҳам сароф тасвирлариданми?

— От деясизми? Бунинг сигирлигини кўрмаяписизми?

Жельсомино қулоғининг орқасини қашиди.

— Эҳтимол бу сигирдир, лекин менимча, отга ўхшайди. Тўғриси, унинг ўн учта эмас, тўртта оёғи бўлганда, отга ўхшаган бўларди. Ўн учта оёқ учта отнинг расмига етиб, яна биттаси ортиб қолади.

— Лекин, сигирларнинг оёғи ўн учта бўлади,— деб эътироз билдирди Бананито.— Буни ҳар бир ўқувчи билади.

Жельсомино билан Чўлоқ мушук уҳ тортиб, бир-бирига қарашган эди, иккаласи ҳам кўзларидан бир хил маънони англадилар: «Агар у ёлгончи мушук бўлганида биз уни инъевлашга ўргатиб қўйган бўлардик. Бу бечорани нима қила оламиз?»

— Менимча,— деди Жельсомино,— бир неча оёқни олиб ташлаганда расм анча чиройли бўларди.

— Бошқа гапингиз йўқми? Ҳамма мендан қолади, танқидчилар бўлса, мени жиннихонага ўтқазиб қўйилсин, дейишади. Пичоқни нега олганим эсимга тушди. Мен ҳамма расмларимни қиймайлаб ташламоқчи эдим, ҳозир айтганимни қиламан.

Рассом яна пичоқни олиб, ғазаб билан ўн уч оёқли сигир деб аталмиш отга яқинлашди. У қўлини кўтариб, пичоқни ўқталди-ю, лекин шаштидан қайтгандек бўлди.

— Неча ойнаб меҳнат қилганман!— деди уҳ тортиб у.— Ўз қўлинг билан яқсон қилишинг жуда оғир.

— Бу гапга қойилман,— деди Чўлоқ мушук.— Ен дафтар олганимда, эсимдан чиқиб қолмаслиги учун уни ёзиб қўяман. Расмини тилиб ташлашдан олдин Жельсоминонинг айтганларини қилиб кўрсангиз бўлмайдимиз?

— Тўғри!— деди Бананито.— Мендан нима кетади? Расмин ҳоҳлаган пайтимда тилиб ташлашим мумкин.

У усталик билан бўёқларнинг бир қисминини қириб, ўн учта оёқдан бештасини ўчирди.

— Менимча анча яхши бўлганга ўхшайди,— деб далда берди унга Жельсомино.

— Ўн учтадан бешини олсак, саккизта қолади,— деди Чўлоқ мушук.— Агар расмда иккита от бўлганида бу жуда мос тушарди. Кечирасиз, мен иккита сигир демоқчи эдим.

— Яна бир неча оёқни ўчирсаммикан-а?— деб сўради Бананито. Кейин жавоб кутмасдан, яна иккита оёқни қириб ташлади.

— Дадилроқ... Дадилроқ!..— далда берди Чўлоқ мушук.— Кўнгилдагидек чиқаяпти.

— Хўш, энди қандай бўлди?

— Тўртта оёқни қолдириб кўринг-чи, қани нима бўларкин.

Тўртта оёқни қолдирганда отнинг шўх-шўх кишнаши эшитилди-да, шу топдаёқ у расмдан ерга сакраб тушиб, хонада енгил йўрғалади.

— Уҳ, жуда соз бўлди-да! Мен ўзимни анча енгил ҳис қиляман. Расмда жуда қисилиб ётган эдим.

У деворда осиглиқ турган кичкина ойна олдига келиб, ўзини бошдан-оёқ товлаб кўрди-да, мамнунлик билан кишнади:

— Чиройли от! Чиндан ҳам гўзал от бўлибман! Жаноблар, сизларга қандай миннатдорчилик билдиришни билмай турибман. Агар менинг юртимга бориб қолсангиз, мен сизни роса сайр қилдираман.

— Қайси юртга? Ҳой, шошма, тўхта!— деб қичқирди Бананито.

Лекин от эшикдан чиқиб-тушиладиган зинага етиб қолган эди. У юқоридан пастки қаватларга тушиб бораётганда тўрттала туёғининг тақиллаб урилиши эшитилди. Бир оздан сўнг дўстлар дераза олдида туриб, тор кўча орқали шаҳар чеккасига йўл олган магнур жониворни кўрдилар.

Бананитони ҳаяжонланганидан тер босди.

— Ҳақиқатан ҳам,— деди у ўзига келиб,— бу худди отнинг ўзгинаси. Ўзи шундай деганидан кейин мен унга ишонишим керак. Қаранг-а, мактабда унинг расмини кўрсатиб, мени «с» ҳарфини айтишга ўргатишган эди. Си-гир!

— Давом этдириг, тўхтаманг,— деб мнёвлади қизиқиб кетган Чўлоқ мушук,— бошқа расмга ўтайлик.

Бананито ўркачи бир талай туяга яқинлашди. Унинг ўркачи шунча кўп эдики, чўлдаги қум барханларини эслатарди. Бананито ўркачларни қириб, иккитасини қолдирди.

— Яхши чиқяпти,— деди у шошиб-пишиб ишларкан.— Бу расм ҳам эпаккага келиб қолди. Сиз нима дейсиз, бу ҳам тирилиб қолармикин?

— Агар кўнгилдагидек чиқса, тирилади,— деди Жельсомино.

Лекин ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Туя аввалгидек расмда миқ этмай, бепарво тураверди.

— Думлари-чи!— деб қичқирди бирдан Чўлоқ мушук.— Думи учта! Бир неча туяга етади бу думлар.

Ортиқча думлар ҳам ўчирилганда, туя улуғворлик билан расмдан тушиб, енгил нафас олди-да, Чўлоқ мушукка миннатдорлик билан қараб қўйди.

— Думни эсга солганинг жуда яхши бўлди! Умр бўйи шу чордоқда қолиб кетаманми, деб кўрқувдим. Яқин атрофда чўл бормикин, билмайсизларми?

— Шаҳарнинг қоқ ўртасида бир чўл бор,— деди Бананито.— Шаҳар чўли, лекин ҳозир берк бўлади.

— У шаҳар истироҳат боғи, демоқчи,— тушунтирди туяга Чўлоқ мушук.— Ҳақиқий чўл бу ердан икки-уч минг километр узоқда. Лекин полицияга дуч кела кўрма, ҳайвонот боғига қамаб қўйишади.

Кетишдан олдин туя ҳам ўзини ойнага солиб кўрди-да, чирой-

ли эканман, деб қўйди. Тезда у ҳам лўкиллаб, тор кўчадан ўтди. Уни кўрган тунги қоровул кўзларига ишонмай, туш кўраётган бўлсам керак, деб ўзини қаттиқ чимчилай бошлади.

— Қариб қолганга ўхшайман,— деди у туя муюлишда кўздан ғойиб бўлганда.— Энди қоровуллик вақтимда ҳам ухлаб қолаяман, тушимда Африкада юрибман. Эҳтиёт бўлмасам, ишдан ҳайдаб юборишадн.

Энди Бананитони ўлим хавфи ҳам, имзосиз хатлар ҳам ишдан қайтаролмасдн. У бир расмдан иккинчисига ўтар, ортиқча жойларини қириб, шодлик билан қичқирарди:

— Мана бунн ҳақиқий жарроҳлик деса бўлади. Мен ўн минутда профессорнинг ўн кунда қиладиган операциясидан кўпроқ иш қилиб қўйдим.

Расмлар ёлғондан холи бўлганда (уларнинг ёлғон томони кўп эди) ҳақиқатан ҳам гўзаллашиб, худди ростакамдай жонланиб кетарди. Итлар, қўйлар, эчкилар расмдан сакраб тушиб, бахт излаб, дунё кезгани, агар мушуклар бўлса сичқон овлагани йўлга тушарди. Бананито фақат битта расмни тилиб ташлади. У ҳам бўлса уч бурунли бўлишни орзу қилган сарой амалдорининг сурати эди. Ҳақиқатан ҳам сарой амалдорининг бурни битта бўлиб қолса, у расмдан тушиб, буйруғини бузган расмоннинг таъзирини бериш хавфи бор эди. Портретни бурдалашга Жельсомино ҳам ёрдамлашди.

Шу вақтда Чўлоқ мушук ниманидир излаб, уёқдан-буёққа юрарди. Лекин унинг хафа кўринишидан омади келмаганлиги билиниб турарди.

— Отлар, туялар, сарой амалдорлари бор экан-у,— дерди у мингирлаб,— ҳатто пишлоқнинг увоғи ҳам кўринмайди. Сичқонлар ҳам чордоқдан ўзини олиб қочиб юради. Қашшоқликнинг ҳиди ҳеч кимга ёқмайди. Очлик заҳардан бадтар.

У қоронғи бурчакни титкилаб, чанг босиб ётган расмни топди. Унинг орқасига мингоёқ ўрнашиб олган эди, у хавфни сезиб, ўзининг минг оёғида қочиб қолди. Расм фақат жуда эътибор билан тикилгандагина ноз-неъмат тўла столни эслатарди. Масалан, тақсимчада ғалати махлуқ тасвирланиб, агар унинг иккита оёғи бўлганда пиширилган товуққа ўхшатиш мумкин эди. Лекин унинг шу қадар оёғи кўп эдики, мингоёқни эслатарди.

«Мана шу расмда тасвирлангани мнн турмушда ҳам кўришни истардим,— деб ўйлади Чўлоқ мушук.— Товуқнинг йнгиримата оёғи бўлса, бутун онла, ошхона эгаси, ҳатто оч мушук ҳам роса маза қиларди-да! Анчагина оёқни олиб ташлаш зарур. Лекин қолгани ҳам уч кишининг тамаддисига етади».

У расмни Бананитога олиб келиб, пичоқни ишга солишни сўради.

— Товуқ пиширилган-ку,— деб эътироз билдирди Бананито,— Уни тирилтириб бўлмайди!

— Бизга ҳам тириги эмас, худди пиширилгани керак,— деб жавоб қилди Чўлоқ мушук.

Бунга рассом гап тополмади. Бунинг устига у расмга берилиб кетиб, кеча кечқурундан буён овқатланмаганини эслади.

Товуқ тирилмади-ю, лекин ҳозиргина қозондан олигандек бугланиб, ҳиди димоққа уриб расмдан тушди.

— Рассом сифатида сен катта муваффақиятга эришасан,— деди Чўлоқ мушук очкўзлик билан товуқ қанотини тортқилаб (иккита оёғини у Жельсомино билан Бананитога қолдирди).— ошпаз сифатида сенга тенг келадиган одам йўқ.

— Озгина вино бўлса соз бўларди,— деди Жельсомино овқатга қўл чўзиб,— лекин ҳозир ҳамма дўконлар берк бўлса керак. Агар очик бўлганда ҳам барибир пулимиз йўқ.

Шу топда Чўлоқ мушукнинг миясига бир фикр келиб қолди, буни у Бананитога айтди:

— Ҳозир бир катта шиша тўла, ҳеч бўлмаса кичкина шишада вионинг расмини чизсанг бўлмайдимиз?

— Уриниб кўраман,— деди рассом илҳоми қайнаб.

Бананито бир шиша «кьянти» виносиинг расмини чизди. У бўяб бўлганда, вино шундай ажойиб чиқдики, агар Жельсомино ўша заҳоти шишанинг оғзидан ушлаб қолмаганда, расмдан чизиллаб отилиб чиқаётган вино ерга тўкилиб, тамом бўларди.

Учала дўст рассомчилик, ажойиб қўшиқ ва мушукларнинг соғлиги учун ичишди. Лекин охириги қадаҳ кўтарилганда Чўлоқ мушук бирдан хафа бўлиб қолди. Нима бўлганини айт, деб анча қис-ташга тўғри келди.

— Ахир,— деб гап бошлади у,— ярим соат олдин расмда турган ҳалиги жониворларга ўхшаш мен ҳам ҳали ростакам мушук эмасман-да. Менинг атиги учта оёғим бор. Мен ҳатто тўртинчи оёғимдан ўрушда ажралганман ёки трамвай босиб кетган, деб ҳам айтолмайман. Алдай олмайман. Мана, агар Бананито...

Шунинг ўзи ҳам тушунарли эди. Рассом қўлига бўёқ чўтқасини олиб, бирпасда болаб мушукка оёқ чизди. Сўнг қизиги, оёқ ўз жонига дарров мос туша қолди. Чўлоқ мушук хонада аввал янги оёғини аяб, кейин дадил юра бошлади.

— Жуда ажойиб иш бўлди!— деб миёвледи у.— Мен ўзимни тамоман бошқача сезяпман. Мен шу қадар ўзгариб кетдимки, номимни бошқача қўйгим келяпти.

— Эҳ, калла!— деди шу топда Бананито пешонасига уриб.— Мен оёғингни мойли бўёқ билан ишлаб қўйибман, бошқа оёқларинг бўрда чизилган-ку.

— Зарар йўқ,— деди Чўлоқ мушук,— шундайлигича қолаверсин. Жонидан умиди йўқларгина бу оёғимга тегади. Ўзимнинг эски номимни ҳам ўзгартирмайман. Агар ўйлаб кўрилса, бу ном менга жуда ҳам мос. Деворга ёзганимдан кейин олдинги оёғим камида ярим сантиметр ейилиб кетган-ку.

Шу кечаси Бананито қандай бўлмасин каравотини Жельсоминога беришга қарор қилди, ўзи бўлса ерга эски латталарни солиб ётди. Чўлоқ мушук Бананитонинг эшик олдида осиғлиқ турган пальтосининг чўнтагига кириб олиб, яхши-яхши тушлар кўриб ухлади.

## ҲИ ИККИНЧИ БОБ

«Намунали ёлгончи» газетасини ўқиб,  
Мушук кўп хафа бўлди, йиғлади ҳам ҳўшиқиб.

Бананито эрталаб барвақт бўёқ чўткасини ва бўёқларини олиб, илҳомланган ҳолда ўйдан чиқди. У ўз ҳўнарини кўрсатишга ошиқарди. Жельсомино ухлаб ётарди. Чўлоқ мушук рассомни кузатгани чиқди, йўлда унга бир қанча яхши маслаҳатлар берди...

— Гулларнинг расмини чизиб сот. Бу галати мамлакатда ишлатиладиган бир талай сохта пуллар билан чўнтагинини тўлатиб қайтишинингга ишонаман. Ҳали бу ойда очилмайдиган гулларнинг расмини чиз, чулки шу кунда очилган гулларни гулчилардан сотиб олишади. Яна бир маслаҳат: сичқонларнинг расмини чиза кўрма, аёлларни кўрқитиб юборасан. Бу гапларни сенинг фойдагини кўзлаб айтишман. Менга-ку, сичқонлар жуда ёқади-я.

Чўлоқ мушук Бананито билан хайрлашгач, газета сотиб олди. Жельсомино ўз концерти ҳақида ёзилганларини ўқиб, хурсанд бўлади, деб ўйлади. Газетанинг номи «Намунали ёлгончи» экан, унинг ҳамма бетлари ёлгон далил ва хабарлар билан тўлгани шундан ҳам маълум.

Масалан, газетада «Чопогон Персикеттининг катта галабаси» сарлавҳали мақола бор эди. Унда бундай деб ёзишибди:

«Қоп кийиб чопишда ном чиқарган чемпион Флавио Персикетти мамлакат атрофи бўйлаб югуриб, ўнинчи этапда галаба қозонди. Ундан йигирма минут кейин келган Ромоло Барони иккинчи, ўттиз минуту ўн беш секунд кейин келган Пьеро Клементини учинчи ўринни эгалладилар. Чопогонлар ичда голибдан бир соат кейин келган Паскуаллино Баъзимелли финишга етиб қолганда олдинга ўтиб олди».

«Нима қизғин бор?— деб сўрасиз.— Қоп кийиб югуриш ҳам барча спорт мусобақаларига ўхшаган. Мотоцикль ёки автомобиль пойгасидан кўра буни томоша қилиш қизиқроқ-ку». Бу тўғри, лекин «Намунали ёлгончи» газетасини ўқувчилар ҳеч қачон ва ҳеч қаерда қоп кийиб югуриш мусобақаси ўтказилмаганлигини яхши билладилар. Флавио Персикетти, Ромоло Барони, Пьеро Клементини, Паскуаллино Баъзимелли ва бошқа чопогонлар умрида қопга тушмаган. Улар бир-бирини қувиб ўтишни ёки финишга етиб қолганда олдинга ўтиб олишни тушида ҳам кўрмаган.

Аслида шундай эди. Ҳар йили газета қоп кийиб югуриш мусобақаси ўтказарди. Унда ҳеч ким ҳеч қачон қатнашмасди. Ўз номини газетада чиқаришга ишқибоз бўлган баъзи шўҳратпарастлар югуришда қатнашиди, деб ёзишлари учун ҳақ тўлар, уни голиб деб ҳисоблашлари учун ҳар кун маълум миқдорда пул бериб турардилар. Қим кўп пул берса ўша голиб деб эълон қилинар эди. Газетада уни мақташ учун сўзини аямасдан, гоҳ «қахрамон», гоҳ «энг уста чопогон» ва ҳоказолар деб ёзаверарди. Галаба пуднинг тушуминга боглиқ эди. Пул камроқ тушган кунларда газета ўч олиш учун команда йўлда мудраб қолди, машҳур чопогонлар ва оддий



спортчилар ишەқмаслик қилдилар, бу уят, чемпион Персикетти ва Барони томошабинларнинг ҳурматига сазовор бўлишни истасалар, кейинги этапда ғайрат кўрсатишлари керак, деб ёзарди.

Жаноби Персикетти ширапазлик фабрикасининг эгаси бўлиб, унинг номи газетада чиқса, пироженоларининг бозори чаққон бўларди. Унинг пули кўп бўлгани учун кўпинча бошқалардан олдин етиб келарди. Гуё финишда уни «ўпиб табриклашарди», ишқибозлари эса «кечалари унинг деразаси тагида қўшиқ айтишарди». Газетада ана шунга ўхшаш сўзлар ёзиларди. Ҳатто чилдирма чалиш ҳам қўлидан келмайдиган ишқибозлар эса аслида ўз уйларида бемалол хуррак отиб ётишарди.

Уша бетда Чўлоқ мушук «Корнелий кўчасида ҳеч қандай ҳалокат юз бергани йўқ. Беш киши ўлмади, яна ўнтаси сира ҳам ярадор бўлмади», деб ёзилган сарлавҳани ўқиди.

Мақолада бундай дейиларди: «Кеча Корнелий кўчасидан ўн километрча юрилгач, қарама-қарши томондан қаттиқ тезликда келаётган иккита машина сира тўқнашмади. Тўқнашув бўлмагани учун беш киши ўлмади (номлари кўрсатилади). Бошқа ўн киши ярадор бўлмаганлиги учун уларни касалхонага ётқизишга ҳожат бўлмади (номлари кўрсатилади)». Афсуски, бу хабар уйдирма эмас, тескари маъно билдирарди, чиндан ҳам рўй берган ҳодиса фақат тескари баён қилинган, холос.

Жельсоминонинг концерти ҳақида ҳам шундай хабар бор эди. Масалан, унда «Машҳур тенор концертнинг бошидан охиригача оғиз очмади», деб ёзилибди. Шунингдек, газетада вайрон бўлган театрнинг сурати ҳам берилибди. Унинг тагига бундай деб ёзилибди: «Газетхон қулоғи билан кўриб турибдики, театрга ҳеч нарса бўлгани йўқ».

Жельсоминно билан Чўлоқ мушук «Намунали ёлғончи» газетасини ўқиб роса кулишди. Газетада адабиёт саҳифаси ҳам бор экан, унда мана бу шеърни босишибди:

Вероналик бир ошпаз  
Кўнгил очай деб бирпас,  
Қарғага шундай деди:  
«Оғзинг тўлдирсанг эди  
Тош билан, бўлув роҳат,  
Маза қиларсан фақат.  
Сўнг қўлингга болга ол,  
Тишларингга бемалол  
Урсанг ҳам роҳати жон.  
Синаб кўр, қарға полвои».

— Бунда қарғанинг нима деб жавоб бергани ёзилмабди,— деди Чўлоқ мушук.— Лекин мен унинг қағиллаганини тасаввур қилаяпман — бутун оламга эштилгандир.

Сўнгги бетдаги кейинги устунининг тагида «Раддия» сарлавҳали хабарча бор эди. Жельсоминно уни ўқиди:

«Бугун кечаси соат учда Қудуқ кўчасида Жўхори хола билан унинг набираси Ромолетгани полция қамоққа олганлиги қатъий рад этилади. Маълумки, баъзи кишилар умид қилганидек, улар

эрталаб соат бешларда жиннихонага жойлаштирилганлари йўқ».

Хабарнинг тагига: «Полиция бошлиғи» деб ёзиб қўйибди.

— Елгончилар бошлиғи!— деди Чўлоқ мушук.— Бечоралар чиндан ҳам жинниларга қўшиб қамалибди-да. Бу менинг айбим билан бўлганига ишонаман.

— Бунга қара,— деб унинг гапни бўлди Жельсомино.— Манавини ўқи. Яна битта раддия бор экан.

Энди гап Жельсомино ҳақида борарди:

«Машҳур тенор Жельсоминони полиция қидириб юрибди, деган гаплар сира тўғри эмас. Бунга ҳеч қандай сабаб йўқ, чунки Жельсомино шаҳар театрига етказилган зарарга жавобгар эмас. Шунинг учун ҳам Жельсоминонинг турган жойини билган кишилар буни полицияга хабар қилмасинлар, акс ҳолда уларнинг адаби бериб қўйиллади».

— Аҳвол чатоқ,— деди Чўлоқ мушук.— Яхшиси сен бу ердан жилма, мен бориб, япгилкларни билдиб келаман.

Жельсоминонинг уйда бекор ўтиргиси келмасди, лекин Чўлоқ мушукнинг тўғри гапларига эътироз билдира олмади. Унга жавоб берди-да, ўзи каравотга ётиб, чидам билан бутун кунни бекор ўтказишга киришди.

## УН УЧИНЧИ БОБ

Елгончилар мамлакатда одат:

Рост гапирган жинни савалур ҳар аақт.

Биз Жўхори холани мушукчаларининг дастлабки миёвлашларини эшик олдида тинглаб турганидан буён кўрганамиз йўқ. Ушанда у Бетховеннинг кўп йиллардан бери нашр қилинмай стол тортмасида қолиб кетган симфониясини топган музикачидек хурсанд бўлган эди. Биз Ромоетта билан рассом Банантоннинг чордоғига чиқиладиган йўлни Чўлоқ мушукка кўрсатиб, шошиб пишиб уйига жўнаганида хайрлашган эдик. Хола билан жиян Калимернинг хати бутун полиция машинасини ҳаракатга келтирганидан беҳабар тинч ухлаб ётишарди. Кечаси соат учда бу машинанинг бир взводдан иборат бир неча винтлари уйга бостириб кирди-да, кекса хола ва қизчани тез кийинишга мажбур қилиб, уларни қамоққа олиб кетди.

Жандармларнинг каттаси қамоққа келтирганларни турма бошлиғига топшириб, яна ухлагани жўнамоқчи эди, лекин унинг ҳамкасабаси расмиятчи чиқиб қолди.

— Иккалови нима гуноҳ қилди?

— Кампир итларни миёвлашга ўргатибди, манави қиз бўлса деворга хат ёзибди. Иккалови ҳам хавфли жиноятчи. Мен сенинг ўрнингда бўлганимда уларни зиндонга солиб, қўриқчиларни кўпайтирдим.

— Нима қилиш кераклигини ўзим биламан,— деб тўнғиллади турма бошлиғи.— Қани, энди уларнинг ўзидан эшитиб кўрайликчи, нима дейишаркин.

Аввал Жўхори холани сўроқ қилишди. У қамоқдан қўрқмади. Энди етгита мушукчаси аслига келиб, миёвлашни ўрганганида унинг қувончини ҳеч нарса бузолмасди. Шунинг учун ҳам у ҳамма сўроқларга хотиржам жавоб қайтарди.

— Йўқ, улар ит эмас, мушуклар эди.

— Протоколда улар ит деб ёзилган.

— Йўқ, мушукнинг худди ўзи! Сичқон тутадиганлардан.

— Сичқонни итлар тутади-ку.

— Йўқ, жаноб, мушуклар сичқон тутади. Мушук миёвлайди. Менинг мушукларим илгари шаҳримиздаги барча мушуклар каби жин ургандек вовиллар эди. Бахтимга, кеча кечқурун биринчи марта миёвлаб қолишди.

— Ҳа, бу хотин жинни экан!— деди турма бошлиғи. Унинг жойи жиннихонада.— Гапнинг қисқаси, хоним, сиз бу ерда бизга эртак айтяписизми?

— Рост гапиряпман, ёлғони йўқ.

— Ундай бўлса, ҳаммаси равшан!— деди турма бошлиғи.— У қаттиқ жинни бўлибди. Мен уни олиб қололмайман — бу турмага ақли-ҳуши жойида одамларни қамаймиз. Жиниларни жиннихонага юбориш керак.

Жандармлар каттақонининг дурустроқ ухлаб олиш нияти чипакка чиқди, унинг норозилигига қарамай турма бошлиғи Жўхори холани ва унинг ишини қайтарди. Кейин Ромолеттани сўроқ қила бошлади:

— Деворларга сен ёзганмидинг?

— Ҳа, чиндан ҳам мен ёзган эдим.

— Эшитдингми?— деди турма бошлиғи.— Бунинг ҳам эси жойида эмас. Жиннихонага юборилсин. Қизчани ҳам олиб кет, мени ўз ҳолимга қўй. Жинилар билан бош қотиришга вақтим йўқ.

Жандармлар бошлиғи газабдан кўкариб, иккала маҳбусни қайта машинага ўтқазди-да, жиннихонага олиб борди. Жиннихонада уларни дарров қабул қилиб олиб, бошқа эси пастлар билан кенг палатага жойлаштиришди. Уларни ҳам рост гапиргани учун полиция қамоққа олган эди.

Лекин шу билан ўша кунги воқеалар тугамади. Ниҳоят, жандармлар бошлиғи ўз кабинетига қайтиб келганида, уни ким кутиб турганлигини биласизми? Шляпасини қўлга олиб, разилдона табасум билан Калимер Вексель кутиб турарди.

— Сизга нима керак?

— Жаноб олийлари,— деб гўлдиради Калимер таъзим қилиб, хушомадгўйлик билан илжайиб,— мен юз минг сохта пулни олгани келдим. Мукофот менга тегиши керак, чунки менинг жонбозлик қилганим туфайли давлатпаноҳимизнинг душманлари қамоққа олинди.

— Демак, бу хатни сиз ёзган экансиз-да,— деди хаёл аралаш жандармлар бошлиғи.— Лекин, унда ёзганларингизнинг ҳаммаси ростми?

— Олий жаноблари,— деди Калимер,— қасам ичаман, ҳамма сиз рост!

—А-а!— деди жандармлар бошлиги ўз навбатида айёрона кулиб.— У рост гапиряпман деяпти. Гап бундай, биродар, мен сизнинг эсингиз пастлигини илгарн ҳам билардим, энди ўзингиз буни тасдиқладингиз. Жиннихонага марш!

— Жаноб олийлари, раҳм қилинг!— деб ёлворди Калимер; у шляпасини ерга ташлаб, маъюслик билан уни топтай бошлади.— Наҳотки, сиз менга ноҳақ муомала қилсангиз! Мен ёлгоннинг дўстман, бу тўғрисида хатимда ҳам ёзган эдим-ку.

— Ёлгоннинг дўсти эканлигингиз ростми?

— Рост! Чиппа-чин! Қасам ичман!

— Мана, яна қўлга тушингиз,— деди жандармлар бошлиги голибока.— Икки марта рост гапиряпман, деб қасам ичдингиз. Гап тамом! Жиннихонада бемалол эс-ҳушингизни йиғиб оласиз. Ҳозир сизнинг жинингиз қўзиб турибди, агар сиз қамалмай қолсангиз жамоат тартибига хавф туғдирасиз.

— Менга тегадиган мукофотни ўзингиз олмоқчига ўхшайсиз!— деб дод солди Калимер жандармларнинг қўлидан қутулишга уриниб.

— Эшитдингизми? Унинг жазаваси тутганлиги аниқ. Унга жиниларнинг кийимини кийгазиб, оғзинга латта тиқинг! Мукофотга келганда, сўз бераманки, бу пулларни эҳтиёт қилиб қўядиган чўнтакларим бор экан, сизга сариқ чақа ҳам тегмайди.

Калимерни ҳам жиннихонага олиб бориб, овози чиқмаслиги учун деворларига намат қоқилган бир кишилик хонага қамашди.

Жандармлар бошлиги энди дам олишга чиқиб кетмоқчи бўлиб турганида бирдан шаҳарнинг турли томонидан ҳовлиқишиб, телефон қила бошлашди.

— Алло, полициями? Биз томонда қандайдир ит миёвляепти. Эҳтимол у қутургандир. Бирон кишини юборинг.

— Алло, полициями? Ит тутувчилар нима қилишяпти? Бизнинг йўлагимиз олдида қандайдир ит ярим соатдан бери миёвляепти. Агар уни эртага эрталаб ҳам олиб кетишмаса, тишлаб олишидан кўрқиб, ҳеч ким уйдан чиқмайди.

Жандарм бошлиги ҳамма ит тутувчиларни тезда чақиртириб, уларни отрядларга бўлди-да, ишончли жандармларни қўшиб, миёвляйдиган итларни тутиб келиш учун шаҳарнинг турли томонга юборди. Гап Жўхори холининг еттита мушукчаси устида бо раётганини китобхон тушунгандир.

Орадан ярим соат ўтмасданоқ энг кичкина мушукчани тутиб олишди. У миёвляшга берилиб кетганидан атрофини қуршаб олишганини ҳам билмай қолди. Мушукча атрофиди шунча одам турганини кўриб, мени табриклагани келишибди, деб ўйлади-да, ҳафсала билан янада қаттиқроқ миёвляй бошлади. Ит тутувчилардан бири унга дўстона табассум билан яқинлашиб, бир неча марта орқасини силади-да, кейин бўйнидан ғиша бўғиб, қопига солди.

Иккинчи мушукча ҳайкал отнинг эгарига чиқиб олиб, бир тўла мушукларга миёвляб нутқ сўзлаётган пайтда қўлга тушди. Мушуклар масхараомуз қовоғини солиб, унинг гапига қулоқ бе-

риб туришди, қўлга тушганини кўрганда эса қаттиқ вовиллаб юборишди. Учинчи мушукчани ит билан ёқалашиб турган пайтда кўриб қолишди.

— Нега миёвляяпсан, тентак?— деб сўради мушукча итдан.

— Сенингча нима қилишим керак? Мен мушукман, шунинг учун ҳам миёвляяпман,— деб жавоб берди ит.

— Ақлдан озганингни кўриб турибман. Башарангни ойнада сира кўрмаганмидинг? Сен итсан, шунинг учун ҳам вовиллашинг керак. Мен мушук бўлганлигим учун миёвляяман. Мапа, эшит! Миёв, миёв, ми-ёв!

Иш жанжалга келиб тақалди. Ит тутувчилар кўп ўйлаб турмай, иккаласини ҳам ушлаб олишди, лекин итни қўйиб юборишди, чунки унинг миёвляшга ҳаққи бор эди-да.

Кейин тўртинчи, бешинчи ва олтинчи мушукчаларни ҳам тутиб олишди.

— Энди атиги биттаси қолди,— дейишарди ит тутувчилар билан жандармлар ҳориганларини унутиш учун бир-бирини юпатиб. Улар узоқ қидириб, бир эмас, иккита миёвляётган мушукка дуч келганларида жуда эжабланиб қолишди.

— Кўпайиб қолишибди,— деди жандармлардан бири.

— Бу жуда юқумлига ўхшайди,— деб қўшимча қилди ит тутувчи.

Уларнинг бири Жўхори холанинг еттинчи мушукчаси бўлиб, яна бири ўша биринчи бобларда дуч келганимиз Қоплон эди. У узоқ ўйлаб кўриб, Чўлоқ мушук миёвлагин, деб қисман тўғри маслаҳат берган экан, деган хулосага келди. У Чўлоқ мушукнинг айтганини қилиб кўрган эди, вовиллагиси келса ҳам энди буни эплотмай қолди.

Қоплон қаршиликсиз қўлга тушди. Еттинчи энг катта мушукча шу қадар эпчил эдики, у дарахтга чиқиб олди-да, анчагача мушукларнинг энг яхши ашулаларини айтиб, уни тутмоқчи бўлаётганларнинг ғазабини келтирди.

Бу ғалати томошани кўргани кўп одам йигилди, улар одатдагидек тарафма-тароф бўлиб иккига бўлинди. Баъзи бирлари жандармларга тезроқ уни йўқотнинг, дейишарди. Ҳазилкашлар, эҳтимол уларнинг орасида ҳазил қилмайдиган одамлар ҳам бордир, мушукка «жони ачиб»:

— Миёв, миёв!— деб қичқаришиб унга далда беришарди.

Бу ерда анчагина мушуклар ҳам йигилиб қолди, улар қисман ҳаваси келиб, қисман аччиғи чиқиб вовиллашарди. Гоҳ-гоҳда уларнинг баъзилари мушукка эрганиб миёвлай бошларди. Ит тутувчилар шу заҳотиёқ уларни ушлаб, қопларига солардилар.

Тўхтамасдан миёвляётган қайсар мушукни дарахтдан тушириш учун ўт ўчирувчиларни чақириб, дарахтга ўт қўйишга тўғри келди. Шундай қилиб, йигилганлар дарахтнинг ёнишини ҳам томоша қилиб, хурсанд бўлишиб уй-уйига тарқашди.

Натижада йигирматача мушукнинг миёвлагани аниқланди. Ҳаммасини жиннихонага олиб кетишди, чунки улар ўзларича рост гапирган эдилар-да, шунинг учун ҳам уларни ёлгончилар мамла-

жатида ақлли мушуклар ҳисоблаб бўлмасди. Жиннихона директори уларни қаерга жойлаштиришни билмай қолди. У узоқ ўйлаб: «Ҳаммасини Қалимер Векселнинг палатасига жойлаштиринглар»,— деди. Бошига ташвиш орттиришига сабабчи бўлган мушукчаларни кўриб жосуснинг қандай ҳузур қилишганини тасаввур қилинг-а! Орадан икки соат ўтмасдавоқ, у чиндан ҳам ақлдан озиб, миёвлай бошладди. У ўзини мушук ҳисоблай бошлагани учун палатадан югуриб ўтмоқчи бўлган анқов сиққонни ҳаммадан олдин қувалади. Лекин сиққон ковакка кириб кетди, Қалимернинг оғзида унинг думи қолди.

Чўлоқ мушук ана шу хабарларни Жельсоминога етказмоқчи бўлиб келаётганида, унинг ўз қишлоғида айтиладиган, бошига шунча кулфат солган машҳур қўшиқлардан бирини куйлаётганини эшитиб қолди.

«Бу сафар мен тўртала оёғимни гаровга қўя оламанки, Жельсомино ухлаб, туш кўриб ётибди. Агар мен ҳозир уни тезроқ огоҳлантирмасам, жандармлар тутиб олади»,— деб ўйлади Чўлоқ мушук.

Ўйнинг олднда бир талай одамлар ашула тинглаб турганини кўрди. Ҳаммаси ҳам ўрнидан жилмай, жим турарди. Ҳатто қўшвиларнинг дераза ойналари баъзида сииб тушса ҳам ҳеч ким норози бўлмасди. Ажойиб қўшиқ уларнинг ҳаммасини сеҳрлаб қўйганга ўхшарди. Чўлоқ мушук кўпчиликнинг орасида ҳаммадек завқ билан ашула тинглаётган иккита ёш айғоқчига кўзи тушди. Хабарингиз бор, буларга Жельсоминони ушлаб келиш топширилган эди, лекин иккаловида ҳам бундай мақсад сезилмасди. Шу топда бинога яна бир тўда жандармлар етиб келди. Уларнинг бошлиғи қамчи билан одамлар орасидан ўзига йўл очди. Кўрнинишдан унинг қулоғи карга ўхшар, Жельсоминонинг қўшиғи унга таъсир қилмасди.

Чўлоқ мушук энналардан югуриб чиқиб, чордоққа чақмоқдек тез кирди.

— Тур! Тур! — деб қичқирди у думи билан Жельсоминонинг бурнини қитиқлаб. — Томоша тугади! Полиция келаяпти!

Жельсомино уйғониб жон-жаҳди билан кўзини ишқалаб сўради:

— Мен қаердаман?

— Ҳозироқ бу ердан жўнаб қолмасак, тезда қаерга бориб қолишнинг айтиб беришим мумкин — қамоққа.

— Мен яна қўшиқ айтибманми?

— Юр, томма-том қочамиз?

— Мушукнинг гапини гапирасан-а. Мен томма-том сакраб юришга ўрганмаганман.

— Сен думини ушлаб оласан.

— Қаерга борамиз?

— Ҳарҳолда бу ердан узоқроққа. Қаерга бўлмасин бориб қолармиз.— Олдин Чўлоқ мушук чордоқнинг ойнасидан томга сакраб чиқди. Жельсомино боши айланиб кетмаслиги учун кўзини юмиб, унинг кетидан боришдан бошқа чораси қолмади.

Бенвенуто тийиб-тигчимас,  
Қиссасини эшитинг бирпас.

Яхшиямки бу атрофдаги уйлар арийнинг уясидек зич экан. Жельсоминно Чўлоқ мушук далда бериб тургани учун ҳам қийналмай томдан-томга сакраб бораверди. Чўлоқ мушукнинг ўзи томларнинг ораси сал кенгроқ бўлишини истарди, ўшанда у сакраб-сакраб роҳатланарди. Лекин тўсатдан Жельсоминно тойиб кетиб, қандайдир бир чол гулларга сув қуйиб юрган торгина болохонага йиқилиб тушди.

— Афв этасиз!— деди Жельсоминно лат еган тиззасини шиқалаб.— Мен сизнинг уйингизга бу тарзда кириб қолишни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

— Илтимос, ташвишланманг,— деб жавоб қилди хушмуомалалик билан чол.— Уйингга келганингизга хурсандман. Бирор ерингиз лат емадими? Сиҳат-саломатмисиз?

Чўлоқ мушук томдан мўралаб миёвлади:

— Уйингизга кирсам майлими?

— Э, яна бир меҳмон келиб қолди!— деди қувониб чол.— Келинг, келинг, бош устига.

Минут сайин Жельсоминнонинг тиззаси шишиб борарди.

— Афсус,— деб сўзида давом этди чол,— ўтиришингизга бирорта стулим ҳам йўқ.

— Агар сиз рози бўлсангиз уни каравотга ўтқиза қоламиз,— деди Чўлоқ мушук.

— Ҳамма гап шундаки,— деди чол афсусланиб,— менинг каравотим ҳам йўқ. Ҳозир қўшнидан стул сўраб кўраман.

— Йўқ, йўқ,— деди шошиб-пишиб Жельсоминно.— Мен ерда ҳам ўтиравераман.

— Уйга киринг,— деди чол,— бемалол полда ётаверасиз, мен ҳозир сизга кофе қайнатиб бераман.

Хона унчалик катта бўлмаса ҳам озода, чиройли, ярқираган мебеллари бор эди. Унда стол, буфет, шкафлар бўлса ҳам стул ва каравотлардан дарак йўқ эди.

— Ҳаммавақт типпа-тик юрасизми?— деб сўради Чўлоқ мушук.

— Ҳа, шундай қилмасам бўлмайди, — деб жавоб берди чол.

— Ётиб ухламайсиз ҳамми?

— Баъзида тик туриб мудраб оламан, бу ҳам камдан-кам. Ҳафтасига икки соатча.

Жельсоминно билан Чўлоқ мушук бир-бирига қараб қўйишди.

— Яна бир афсоначига дуч келиб қолдик.

— Сўраганим учун айб этманг, ёшингиз нечада?— деб сўради яна Чўлоқ мушук.

— Анигини айтолмайман. Туғилганимга ўн йил бўлди, лекин ҳозир тахминан етмиш беш ёки етмиш олти ёшга боргандирман.

Чол суҳбатдошларининг башарасига қараб, уларнинг бунга ишонмаётганини фаҳмлади. У хўрсиниб гапида давом этди:

— Бу ёлғон эмас. Афсуски, ғайри табиий, лекин ҳаққоний гап. Истасангиз, кофе қайнагувчи бу воқеани айтиб бера қолай. Менинг исмин,— деди у,— Бенвенуто. Лекин одатда мени «ўтирмайдиган Бенвенуто» деб аташади...

Шундай қилиб, Бенвенуто эски-туски билан савдо қилувчи оиласида туғилди. Бундай тетик, шўх болани ҳеч ким умрида кўрмаган эди. Унга нима деб исм қўйишни билмай турганларида, у йўргакдан сакраб туриб, хонада югура бошлади. Кечқурун уни ухлатишди, эрталаб қарашса, каравот торлик қилиб, оёғи чиқиб қолибди.

— Ондамизга ёрдам бериш учун унинг тезроқ катта бўлгиси келаётганга ўхшайди,— деди дадаси.

Кечқурун уни ухлатиб қўйишганда ҳеч нарса билинмасди-ю, эрталаб туриб қарашса, кийимлари калта, ботинкаси тор бўлиб, кўйлаклари сиғмай қоларди.

— Зарари йўқ,— дерди онаси,— бахтимизга уйимизда латта-пурта сероб. Мен унга янги кўйлак тикиб бераман.

Бенвенуто бир ҳафтада шу қадар ўсиб кетдики, қўшнилар унинг мактабга борадиган пайти келмадимикин, деб гапира бошлашди. Эски-туски билан савдо қилувчининг хотини ўғлини ўқитувчининг ҳузурига етаклаб борганида, ўқитувчининг жаҳли чиқиб кетди:

— Нега уни ўқиш бошланган пайтда олиб келмадингиз? Ҳаёт яқинлашиб қолди. Мен уни энди қандай қилиб ўқишга оламан?

Онаси, Бенвенуто энди атиги етти кунлик бўлди, деганида ўқитувчининг яна ҳам аччиғи чиқди:

— Етти кунлик дейсизми? Бу ер, хоним, болалар яслиси эмас! Олти йилдан кейин олиб келсангиз, ўшанда гаплашиб кўрамиз.

Лекин, у синф журналидан бошини кўтариб Бенвенутога қараган эди, унинг бошқа ўқувчиларидан бўйи баландлигини кўрди. Ўқитувчи уни охириги партага ўтқазиб, икки карра икки тўрт бўлади, деб тушунтира бошлади.

Тушда кўнгироқ чалинди, ҳамма ўқувчилар ўтирган жойидан сакраб туриб, синфдан чиқиш учун сафга тизилишди. Фақат Бенвенуто ўрнидан жилмади.

— Бенвенуто,— деб чақирди уни ўқитувчи,— сен ҳам сафга тур!

— Туролмайман, жаноб ўқитувчи.

Ҳақиқатан ҳам у эрталаб соат саккиздан то кундузи ўн иккигача шу қадар ўсиб кетибдики, партага тикилиб қолибди. Бенвенутонинг партидан чиқариб олиш учун мактаб қоровулини чақирдишга тўғри келди.

Эртасига эрталаб уни каттароқ партага ўтқазишди, лекин тушда Бенвенуто яна ўрнидан туролмай қолди, чунки бу парта ҳам унга торлик қилди. У худди қопқонга тушган сичқонга ўхшарди. Партиани бузиш учун дуррадгорни чақириб келишди.



— Эртага бешинчи синфдан парта олиб чиқамиз,— деди ўқитувчи бўйинини қашиб? У синфга энг катта парта келтиришни буюрди.

— Хўш, энди қалай бўлди?

— Жуда қулай,— деб жавоб берди Бенвенуто қувониб.

У чиндан ҳам қулайлигини исбот қилиш учун бир неча марта ўрнидан туриб, яна ўтирди.

Лекин тушда яна кўнғироқ чалинганида бу парта ҳам шу қадар торлик қилиб қолдики, яна дурадгорсиз иш битмади.

Мактаб директори билан шаҳар ҳокими норози бўла бошлашди.

— Нима қиляпсиз, жаноб ўқитувчи? Синфда тартиб ўрнатишни унутиб қўйганингиз йўқми? Бу йил парталарингиз пайраҳадек синиб кетяпти. Тўлолончиларингизга эҳтиёт бўлиб туринг, биз ҳар кун янги парта олиб беролмаймиз!

Ота ўглини шаҳардаги энг яхши врачга олиб бориб, бўлган воқеаларни айтиб берди.

— Кўрамиз, кўрамиз,— деди врач яхшироқ кўриш учун кўзойнагини тақиб.

У Бенвенутони бошдан-оёқ ўлчаб чиқди.

— Энди ўтир,— деди у кейин.

Бенвенуто стулга ўтирди, доктор бир минутдан кейин унга:

— Ўрингдан тур!— деди.

Бенвенуто ўрнидан турганда доктор яна унинг бўйини ва кўкрагини ўлчади.

— Ҳм,— деди у айб кўзойнакда эмасмикин, деб уни дастрўмоли билан артаркан,— яна ўтир-чи.

У Бенвенутони бир неча бор ўтқазиб-турғизди-да, деди:

— Қизиқ ҳодиса. Бу бола шу вақтгача ҳеч кимда учрамаган янги касалга йўлиқибди. Унинг касали бундай: бола ўтирганда ниҳоятда тез қартайди — бир минут бир кунга тўғри келаверади. Уни қандай даволаш керак? У доимо юришни лозим, бўлмаса бир неча ҳафтадан сўнг оппоқ соқолли чол бўлиб қолади.

Врачнинг маслаҳатидан сўнг Бенвенутонинг ҳаёти тамоман ўзгарди. Мактабда ҳам тик туриши учун унга ўриндиқсиз махсус парта ясаб беришди, агар унинг ўриндиғи бўлса, беҳосдан ўтиргиси ҳам келиб қоларди-да. Уйда ҳам тик туриб овқатланадиган бўлди. Агар печка ёнига ўтиргудек бўлса, шу заҳотиёқ:

— Ҳой бола, менга қара, эртароқ қартайгинг келяптими?— дейишарди.

— Тур ўрингдан, тур, сочларинг оқариб кетса майлими?

«Қаравотда ётиб ухлагандир?» — деб сўрасиз. Қаравотда ётишни хаёлига ҳам келтиролмасди, эртасига оппоқ соқол билан ўрнидан туришни истамас эди-да. Бенвенуто отга ўхшаб тик туриб ухлашга ўрганди. Шунинг учун ҳам қўшни хотинлар уни «ўтирмайдиган ёки тишиб-тинчимас Бенвенуто» деб атадилар. Умрининг охиригача ном шундайлигинча қолди. Ташвишли кунларнинг бирини да дадаси қаттиқ оғриб, ўлим талвасасида ётарди.

— Бенвенуто,— деди у ўглига, ҳаётдан кўз юмишидан олдин,— энди онанги боқшинг керак бўлади. У кексайиб қолди,

ишга ярамайди, бирор ҳалол иш билан шугуллан. Меҳнат сенга маълол келмайди. Ишлаб турсанг сира қаримайсан, чунки ўтиришга вақт тополмайсан.

Эртасига отасини кўриб келганидан сўнг Бенвенуто иш қидира бошлади, лекин ҳамма уни мазах қилиб кулди:

— Иш сўраяпсанми, ўғлим? Сенингча, биз бу ерда қўғирчоқ ёки бекиначоқ ўйнаймизми? Сен ҳали кичкинасан, фабрикада ишлашга ёшлик қиласан.

— Ишламоқчимисан? Сени ишга оясак бизга штраф солишди, болаларни ишлатиш ман қилинган.

Бенвенуто уларга эътироз билдирмади, лекин бу кулфатдан қандай қутулиш кераклигини ўйлай бошлади.

У уйига бориб, ойна олдида ўтирди.

Доктор, агар ўтирсанг тезда қариб қоласан, деган эди. Қани кўрайлик-чи, рост гапирганмикин...

У бир неча минутдан кейин катта бўлаётганини сездди — ботинкаси оёғини қиса бошлади. У ботинкасини ечиб, кўзи олдида ўсаётган оёғини кузатиб турди. Кейин яна ойнага қараб, аввалига жуда ҳайрон қолди.

— Қизиқ, бу менга қараб турган қора мўйловли йигитча ким бўлдикин? Мен уни қаердадир кўрганга ўхшайман...— Ниҳоят у эслаб, кулиб юборди:— Бу менинг ўзим-ку! Чиндан ҳам тез ўсибман! Энди оёқда туришим керак, қаригим келмаяпти.

Рўпарасида баланд бўйли, кенг яғринли, мўйлови жандармларникига ўхшаш, йўғон овозли йигитчани кўриб, онасининг ҳайрон қолганини тасаввур эта оласизми?

— Бенвенуто, ўғлим, жуда ўзгариб кетибсан-а!

— Буниси яхши, ойна. Энди ишлай оламан.

У иш қидириб юрмай, отасининг саройда ётган арачасини олиб чиқди-да, шаҳар кўчаларида:

— Эски-туски оламан, эски-туски!— деб қичқариб юрди.

Унинг ёқимли овозини эшитган қўшни аёллар эшикдан мўра-лашарди.

— Жуда чиройли йигит экан! Қаердансиз?— деб сўради улар.

— Утирмайдиган Бенвенуто! Бу сизмисиз?

— Менман, холажонлар. Ҳайрон бўлманг. Мен стулда ўтириб ухлаб қолган эдим, уйғонсам мўйловим ўсиб қолибди.

Шундай қилиб, Бенвенуто ишлашга бошлади. Ҳамма уни яхши кўрарди. Ҳаммавақт тикка юрувчи, тинчимас, ҳар доим бировларга ёрдам беришга тайёр, доимо бирор иш билан банд бўлган бу йигитчани яхши кўрмай бўлармиди. Бир сафар уни ҳатто шаҳар ҳокими қилиб қўйишмоқчи бўлишди.

— Бизга худди сенга ўхшаган ўрнида ўтириб қолмайдиган одам керак...

Лекин Бенвенуто бу таклифни рад этди.

Бир неча йилдан кейин онаси ҳам ўлди.

«Энди ёлғиз ўзим қолдим,— деб ўйлади Бенвенуто.— Барибир беиш ўтиролмайман, унда тез қариб қоламан. Яхшиси, мен йўл юриб, оламда нима янгиликлар борлигини томоша қилай».

Шундай деди-ю, айтганини қилди. Латта-путталар ортилган аравачасини тортиб дунё кеза бошлади. У куну тун тинмай юргани учун ҳам кўп нарсаларни кўриб, турли одамлар билан суҳбатлашди.

— Ажойиб йигит экансиз!— дейишарди кўпинча унга.— Бирпас ўтиринг, бир оз гаплашайлик.

— Тик туриб гаплашсак ҳам бўлади,— деб жавоб қиларди Бенвенуто.

У шундай тентиб юриб қартаймади. Бир кун бечора бир кулба ёнидан ўта туриб, шундай ҳодисани кўрдикки, юраги қисилди — тўшакда касал аёл ётарди, атрофида бир-биридан қаттиқроқ йиғлаб, бир неча бола ўтирарди.

— Ҳой, йигитча!— деди аёл уни кўриб.— Агар вақтингиз бўлса бирпасга кириб кетинг. Болаларимни юпатгани ўрнимдан туролмайман, уларнинг кўз ёши юрагимга ўткир пичоқдек қадалаяпти.

Бенвенуто хонага кириб, болалардан бирини қўлига олди-да, уёқдан-буёққа юриб аллалай бошлади. Бошқа болаларни ҳам шундай қилиб тинчитди. Фақат энг кичиги ҳеч тинчимади.

— Бирпас уни кўтариб ўтиринг,— деб илтимос қилди аёл,— агар ўтирсангиз, дарров ухлаб қолади.

Бенвенуто печка яқинидаги табуреткага ўтирган эди, бола шу заҳотиёқ тинчиди. Бу инҳоятда чиройли бола бўлиб, кулганида хона ёришгандай туюларди. Бенвенуто болани кулдириш учун турли қилиқлар қилди. Кейин унга қўшиқ ҳам айтиб берди, болз охири ухлаб қолди.

— Чин қалбимдан раҳмат айтаман,— деди аёл.— Агар сиз бўлмаганингизда ўзимни ўлдиришга ҳам тайёр эдим, жуда хуноб бўлиб кетгандим.

— Қўйинг, бундай гапларни ҳазиллашиб ҳам айтманг,— деди Бенвенуто.

У чиқиб кетаётганида девордаги ойнага қараган эди, сочининг бир неча толаси оқарганини кўрди.

«Ўтирсам дарров қартайиб қолишимни унутиб қўйибман-а», деб ўйлади Бенвенуто. Лекин шу заҳотиёқ қаддини ростлаб, ухлаб ётган болаларга сўнгги марта қаради-да, йўлида давом этди.

Бошқа кун кечаси кичкина қишлоқ кўчасидан ўтиб кетаётганида деразаларнинг бирида чироқ ёниб турганини кўрди. Хонада бир қиз ил йигириб ўтирарди. У иш устида ғамгин хўрсиниб кўярди.

— Сизга нима бўлди?— деб сўради ундан Бенвенуто.

— Мана, уч кечадан бери мижжа қоққанми йўқ. Мен бу ишимни эртагача тугатишим керак, агар шундай қилмасам, менга ҳақ тўлашмайди, оиламиз оч қолади. Бундан ташқари, чархимни ҳам олиб қўйишлари мумкин. Ҳозир мен ярим соатгина ухлаб олишга бор-йўғимни ҳада қилардим.

«Ярим соат — атиги ўттиз минут,— деб ўйлади Бенвенуто.— Бу қиз учун ҳам ярим соат ишлай қолай».

— Менга қаранг,— деди у,— сиз ётиб ухланг, мен ишингизни

давом эттираман. Чархни айлантириш қанақа бўлишини кўрмоқчиман. Яхши ишлайдиган ихчам чарх экан. Ярим соатдан кейин мен сизни уйғотиб қўяман.

Қизча тахтага ётиб, мушукдек дарров ухлаб қолди. Бенвенуто чарх ёнига ўтирганича, қизни уйғотишга журъат этолмади. Чунки у ҳар сафар қизчага яқинлашганида у яхши тушлар кўриб ётганга ўхшаб туюларди.

Мана, тонг ҳам ёришди, қуёш ҳам чиқиб, қизчани уйғотди.

— Вой-бў, мен сизни ишлатиб, ўзим кечаси билан донг қотиб қолибман!

— Зарари йўқ, зарари йўқ, жуда қизик иш экан.

— Бошингиз оппоқ чанг бўлиб кетибди.

«Бугун печа ёш қартайган эканман?»— деб ўйлади Бенвенуто. Лекин у бундан хафа бўлмади, чунки қизчага топширилган ишни тамомлаган эди, қизча бўлса севинганидан кулиб турарди.

Яна бир марта Бенвенуто ўлим олдида турган бахтсиз бир чолга дуч келди.

— Афсус,— деди хўрсиниб чол,— афсуски, бир марта ҳам қарта ўйнамасдан у дунёга сафар қилганиман. Барча дўстларим мендан олдинроқ ўлиб кетишди.

— Агар гап шу бўлса,— деди Бенвенуто,— мен ҳам қарта ўйнашни биламан.

Улар ўйинга киришишди. Бенвенуто тик туриб ўйнамоқчи эди, лекин чол унга:

— Тик туриб қарталаримни кўриб олмоқчисан. Сен менинг касаллигимдан фойдаланиб ютмоқчига ўхшайсан,— деб қочирим қилди.

Бенвенуто стулга ўтириб, ўйин тамом бўлгунча ўрнидан турмади. У шу қадар паришон эдики, қартадан янглишиб, чолга ўйинни ютқазди. Чол бўлса, бировларнинг боғига нок олгани тушган ёш болалардек қўлларини ишқалаб, ҳузур қилиб кулди.

— Яна ўйнаймиз,— деди чол севиниб.

Бенвенуто ўрнидан турмоқчи бўлди, чунки бундан кунни, ойни, эҳтимол бир йиллик умри қисқарарди. Лекин у бечора чолни хафа қилгиси келмади. У ўрнидан турмай иккинчи марта, кейин учинчи марта ўйнади. Чол қувончдан ёшарганга ўхшарди.

— Унинг ёши менга ўтди,— деб хўрсинди Бенвенуто чолнинг уйдаги ойида ўз аксини кўриб.

Бенвенутонинг сочлари қиров босгандек оқарган эди.

— Ҳеч гапмас. Эҳтимол, чол бирор марта бўлса ҳам қарта ўйнаб югишни кўлдан бери орзу қилгандир.

Шундай қилиб, бизнинг Бенвенуто бирор кишига ёрдам қилиш учун ўтирганида сочлари оқараверди. Кейин худди кучли шамолда эгилган дарахтдек қомати букчайди. Кўзлари ҳам илгаригидек ўткир эмас эди. Ўтирмайдиган Бенвенуто қартаёвериш, бир тола ҳам қора сочи қолмади. Уни яхши билган кишилар:

— Ҳожат чиқаришингдан нима фойда бор эди? Агар сен ўзингни ўйлаганингда, ҳозир ҳам, чумчуқдек сакраб юрардинг.

Лекин ўтирмайдиган Бенвенуто бошқа фикрда эди. Унинг ҳар

бир тола оқарган сочи бирор яхин ишнин эсига соларди. Бунинг учун хафа бўлиш керакми?

— Сен умрингни бировларга бағишлаганингдан кўра, ўзингни эҳтиёт қилганинг дуруст бўларди,— дерди унга қўшни аёллар.

Лекин Бенвенуто кулиб бош чайқарди, ҳар бир тола оқарган сочи дунёда янгидан-янги дўстлар, минг-минглаб қадрдонлар орттиришга сабаб бўлганини биларди у. Сизнинг ҳам дўстларингиз кўпми? Шунча дўст орттиришни истармидингиз?

Шундай бўлса ҳам Бенвенуто ҳарёққа борар, ҳассасига таяниб нафасини ростлаш учун тўхтаб олса ҳам, чарчаш нималигини билмасди. У кунлардан бир куни ёлгончилар мамлакатига келиб қолди, отаси каби эски-туски билан савдо қилиб, тирикчилигини ўтказиб юрди.

— Сиз шунча мамлакатда бўлиб,— деди Чўлоқ мушук унинг ҳикоясини бўлиб,— ўзингизга тузукроқ жой тополмадингизми?

Ўтирмайдиган Бенвенуто кулди:

— Худди шу ерда одамлар ёрдамга кўпроқ муҳтож. Оламда энг бахтсиз мамлакат шу экан, шунинг учун ҳам бу ерда қолдим.

— Манави тўғри йўл!— деди чолнинг ҳикоясидан таъсирланган Жельсоминно кўз ёшини артиб.— Энди овозимни нима мақсадда ишлатишни билиб олдим. Дунё кезиб, ҳамма нарсани вайрон қилиш ўринга, овозим билан кишиларни хурсанд этишга ҳаракат қиламан.

— Бу иш қийин,— деди Чўлоқ мушук,— агар алла айтадиган бўлсанг, болаларни уйғотиб юборасан.

— Лекин уйқуда ётган кишиларни уйғотяб, баъзида иш қилса ҳам бўлади,— деб жавоб қилди Бенвенуто мулойимлик билан.

— Бу масалани мен ҳал қиламан,— деди Жельсоминно полни мушглаб.

— Ҳозирча,— деб қўшимча қилди Чўлоқ мушук,— тиззанингиз тузатиб олишинг керак.

Ҳақиқатан ҳам Жельсоминнонинг тиззаси тобора шишиб, ўридан туролмай қолди. У тузалганича Бенвенутонинг уйида ётадиган бўлди. Бунинг устига, ўтирмайдиган Бенвенуто сира ухламасди, шунинг учун ҳам Жельсоминнонинг кечаси қўшиқ айтиб юбориб, полицияни хабардор қилиб қўймаслиги учун унга қараб турадиган бўлди.

## УН БЕШИНЧИ БОБ

Қамоққа олиниб расом шу топда,  
Сабабни ўқинг мана бу бобда.

Бананито — у эсингиздадир — эрталаб бахт излаб уйдан чиқди. Унинг аниқ бир мақсади йўқ эди, фақат кишиларга ўз маҳоратини кўрсатиш учун қандай бўлмасин расм ишлагиси келарди.

Шаҳардагилар энди уйғона бошлагандилар. Қоровуллар шланглар билан кўчаларга сув сепар, муздек сув сачрашига парво қилмай, велосипедда ўтиб кетаётган ишчилар билан ҳазиллашиб гап

отишарди. Беташвиш, губорсиз пайт эди. Бананито йўлка ўртасида тўхтади — миясига ажойиб бир фикр келган эди. Унга йўлка атрофида миллион-миллон бинафшалар очилиб тургандек ва шуларнинг ҳидини сезаётгандек бўлди.

— Бу ажойиб фикр! — деди тўсатдан у.

Турган жойидан жилмай, рўпарадаги фабрика дарвозаси олдида йўлкага ўтириб, қутичадан рангли бўёқларни чиқарди. Бир неча ишчи дарров уни қуршаб олишди.

— Бас ўйнайманки, — деди ишчилардан бири, — у ҳар сафаргадек елканли кема ёки бошидан нур сочиб турган авлиёнинг расмини чизади. Фақат, шапка тишлаб, садақа йиғиб юрган ити қани?

— Мен шундай бир воқеани эшитдим, — деди бошқаси. — Бир марта қандайдир рассом ерга қизил чизик чизибди, атрофида турганлар унинг маъносига тушунолмай, бош қотиришибди.

— Хўш, ундан кейин нима бўлибди?

— Рассомдан сўрашса, у бундай деб жавоб берибди: «Бирон киши чизик устидан эмас, тагидан ўта олармикин, шунини кўрмоқчиман», дебди. Кейин шляпасини бостириб кийиб, жўнаб қолибди. Эҳтимол эси жойида эмасдир.

— Лекин бунинг эси жойида экан, — деди кимдир. — Қараинг.

Бананито бошини кўтармай, шундай тез расм чиздики, унинг қўл ҳаракатини кузатиб улгуришолмасди. Йўлкада унинг яқиндагина ўйлаган фикри жонланди — ажойиб бинафшалар ўсиб ётган гулзор пайдо бўлди. Тўғри, бу оддий расм эди-ку, лекин шу қадар кўркемлигидан ҳавога бинафша ҳиди тарқалгандек бўлди.

— Мен бинафша ҳидини сезаяпман, — деб шивирлади ишчилардан бири.

— Агар турмага қамалишни хоҳламасанг, — деди унинг ўртоғи, — яхшиси ошқовоқнинг ҳидини сезаяпман, дегин. Лекин гапинг рост, ҳиди сезиляпти.

Бананитонинг атрофида шовқин тинди. Фақат унинг йўлкага шитирлатиб расм солишни эшитиларди, ҳар бир янги бинафшани чизган сари ҳавога кўпроқ ёқимли ҳид тараларди. Ишчилар ҳайратда қолдилар. Улар нонушта ўралган қоғозларни у қўлдан бу қўлга олишар, велосипеднинг ели чиқиб кетмадимикин, деб ушлаб кўргандай бўлишар, лекин Бананитонинг ҳаракатидан кўзни чадайтмай, юракка шодлик бағишлаган ҳидни роҳатланиб ҳидлашарди.

Гудок чалинди, лекин ишчиларнинг биронтаси ҳам ўридан жилмади. «Баракалла!» деган товушлар эшитиларди. Бананито бошини кўтарган эди, кўзи томошабинларнинг кўзига тушди. Уларнинг боқишида завқланиш аломатини кўриб, хижолат тортди. Бўёқларни шошиб-пишиб йиғиштирди-да, бу ердан жўнаб қолди.

Ишчилардан бири унга етиб олиб:

— Нима қилаяпсан сен? Нега қочиб кетаяпсан? Агар яна бир ноз турсанг, ёпимиздаги бор пулимизни сенга бермоқчи эдик. Биз бундай ажойиб расмларни умримизда кўрмаганмиз, — деди.

— Раҳмат, раҳмат! — деб шивирлади Бананито.

Елғиз қолиш учун кўчанинг нариги бетига ўтди.

Унинг юраси шу қадар қаттиқ урардики, камзулининг ичида мушук бола типирчилаётганга ўхшарди. Рассом чиндан ҳам бахтиёр эди!

У яна расм чизишга ботинолмай, шаҳарда узоқ вақт тентиб юрди. Миясига турли фикрлар келди, лекин ҳаммаси ҳам номувофиқдай туюларди.

Шу пайтда итга кўзи тушиб, чинакам илҳомланиб кетди. У миясига шу фикр келган ердаёқ йўлкага чўнқайиб ўтириб, расм чиза бошлади.

Шундай йўловчилар бўладикки, улар гоҳ у, гоҳ бу кўчада, баъзилари вазифаларига биноан, баъзилар ишсизликдан тентиб юрадилар. Шундайлардан Бананитонинг атрофига яна бир неча томошабин йиғилиб қолди.

— Буни қаранг, мушукнинг расмини чизиб ўтирибди-я! Кўрингиз келган бўлса, бусиз ҳам шахримизда тўлиб ётган эди-ку.

— Бу оддий мушуклардан эмас,— деб жавоб берди Бананито қувноқлик билан.

— Эшитдингизми? У оддий мушукни эмас, кўзойнакли мушукнинг расмини чизмоқчидир.

Бананито итнинг думини чизиб бўлгани ҳамоноқ, у тўртала оёғида туриб, қувноқлик билан вовуллай бошлаганда, худди сеҳрлангандек ҳамма жим бўлиб қолди. Одамлар ажабланиб турганда, бу ерга тезда полиция югуриб келди.

— Нима гап? Бу ерда нима бўляпти? Ҳа, кўраяпман, кўрдим! Тўғриси, эшитдим: мушук вовилляпти. Миёвлайдиган итларимиз камиди! Бу кимнинг мушуги?

Одамлар тезда тарқалди — бу саволга ҳеч кимнинг жавоб бергиси келмасди. Фақат полициячининг ёнгинасида турган биргина бечора қочолмай қолди, чунки полициячи унинг қўлидан маҳкам ушлаб олган эди.

— Ана унинг мушуги,— деб шивирлади у Бананитони кўрсатиб.

Полициячи уни қўйиб юбориб, Бананитони ушлади:

— Ҳой, қани бу ёққа юр!

Бананито узоқ гапиртирмади. У бўёқларини чўнтагига солиб, қувноқлик билан полициячининг олдига тушди. Ит бўлса думини гажак қилиб, ўз йўлига равона бўлди.

Бананитони то полиция бошлиғи сўроқ қилгунга қадар кутиб ўтириш учун ёлғиз хонага қамаб қўйишди. Лекин Бананитонини ишлаганси келиб, қўли қичишарди. У қўшининг расмини чизиб, учуриб юборди, лекин қўшча унинг елкасига қўнди-да, эркаланиб қулоғини чўқий бошлади.

— Тушунарли,— деди Бананито,— қорнинг очга ўхшайди.

У дарров бир неча тариқ донасини чизди. Шунда ўзининг ҳам қорни очлигини эслади.

— Менга иккита тухумдан пиширилган қуймоқ бўлса етди. Бунинг устидан пишган шафтоли есам соз бўларди.

У айтган нарсаларини чизган эди, тезда қуймоқнинг ҳиди хонага таралиб, эшик тирқишидан қоровулнинг димоғига урилди.

— Ҳм... Қандай ёқимли!— деди қоровул бу хушбўй ҳидни кетма-кет ҳидлаб.

Лекин бирдан унда шубҳа туғилди. Эшик туйнукчасини очиб, қамоқхонага қаради. Иштаҳа билан қуймоқ еяётган маҳбусни кўриб, қотиб қолди. У ҳайрон бўлиб турганида полиция бошлиғи кириб келди.

— Қойилман!— деб қичқирди у ғазаб билан.— Жуда саз! Маҳбусларга ресторандан овқат келтириб бераётганга ўхшаймиз!

— Мен эмас... Мен...— деди дудуқланиб қоровул.

— Сен уставни билмайсанми? Нон билан сув, сув билан нондан бошқа ҳеч нарса бермаслик керак!

— Бунинг қандай бўлганлигини билолмай қолдим,— дея олди ниҳоят қоровул.— Эҳтимол, тухумни чўптағида олиб келгандир.

— Хўп, яхши, плитани қаёқдан олади? Менинг йўқлигимда қамоқхонада ошхона қуриб, янгилик чиқарганга ўхшайсиз.

Лекин шу тезда полиция бошлиғи қамоқхонада ҳеч қанақа плита йўқлигини кўриб, ишонч ҳосил қилди. Бунинг устига, Бананито қоровулни беҳуда қийнамаслик учун овқатни қандай тайёрлаганини айтиб берди.

— Сен мени аҳмоқ деб ўйлаяпсанми?— деди бошлиқ унинг гапига ишонмай.— Агар мен сенга, оқ мусалласда пишган қалқон балиқнинг расмини чизиб бер, деса мана қиласан?

Бананито индамай бир варақ қоғозни олди-да, айтилган овқатнинг расмини чизди.

— Қашничли бўлсинми, кашничсизми?— деб сўради у чизатуриб.

— Қашничли бўлсин,— деб буюрди бошлиқ мазах қилиб,— Сен ҳақиқатан ҳам мени аҳмоқ деб ўйлаясан шекилли. Чизиб бўлганида мен ана шу қоғозни охиригача ўзингга едиртираман.

Лекин Бананито расмини чизиб бўлганида оқ винода пиширилган қалқон балиқнинг иштаҳа очадиган ҳиди аниқди, бир печа минутдан кейин бўзрайиб қолган бошлиқ олдидаги столга буғи чиқиб турган овқат қўйилди. У марҳамат, тотиб кўринг, деяётгандек кўринарди.

— Иштаҳангиз яхши бўлсин,— деди Бананито.— Овқатга қаранг.

— Егим келмай қолди,— деб тўнғиллади бошлиқ ҳайратдан ўзини ўнглаб олиб.— Балиқни қоровул есин. Сен мен билан юр.

## УН ОЛТИНЧИ БОБ

Бананито министр бўлди.  
Аmmo узоқ ўтмай қувилди.

Қоровулларнинг бошлиғи аҳмоқ одам эмас эди. Аксинча, жуда мугамбир киши эди.

— Бу одам,— фикр қилди у Бананитони қирол саройига кузата туриб,— ўзининг оғирлигинча, эҳтимол ундан ҳам кўпроқ олтин-



га арзыйди. Каттагина пўлат сандиғим бўлгандан кейин унга бир печа кило олтинни яшириб қўйсам нима қилади? Пўлат сандиқда унга ҳеч ким тегмайди, сичқонлардан ҳам бехатар бўлади. Қирол менга албатта тузуккина мукофот беради.

Лекин унинг ўйлаганича бўлиб чиқмади. Қирол Жакомон бўлган воқеани эшитиб, рассомни тезда олиб киришлар, деди. У қоровуллар бошлиғи билан совуққина хайрлашиб, бундай деб қўйди:

— Сиз бу ишингиз учун медаль билан мукофотланасиз.

— Бу медални нима қиламан?— деди қоровуллар бошлиғи ўз-ўзинча тўнғиллаб.— Бунақа медаллардан йигирма тўртта бўлди. Яна ҳаммаси картондан! Агар оёғи қийшиқ столим бўлганда эди, қимирламасин деб бу медалларни унинг оёғи тағига қўярдим.

Майли, у тўнғиллаб ўз йўлида кетаверсин, Яхшиси биз Бананито билан қирол Жакомоннинг қандай учрашганини кўрайлик.

Рассом қудратли қирол олдида ўзини йўқотиб қўймади. У сўроқларга хотиржам жавоб бераркан, бозордаги сават тўла апельсиндек қиролнинг бошида товланиб турган ажойиб тўқ сариқ ясама сочидан кўзини узмасди.

— Нега бунча тикилиб қолдингиз?

— Сочларингизга ҳавасим келяпти, олий ҳазратлари.

— Шундай сочинг расмини чиза олардингиз?

Жакомон ўзинча, Бананито тақир бошимга ростакан чиройли сочинг расмини чиза олармикни, ётаётганда уни бошимдан олиб, қутига солиб юрмас эдим, деб ўйлади.

— Бундай чиройли сочинг расмини чизолмайман, албатта,— деб жавоб берди Бананито, шу билан қиролни хурсанд қилмоқчи бўлиб.

Тақир бошига қайгуриб юрувчи бу «бечора»га унинг юраги ачиди. Кўп кишилар тарашдан эриниб сочини қирдириб ташлашадими. Одамларга сочининг рангига қараб баҳо беришмайди. Агар Жакомоннинг чиройли қора жингалак сочи бўлганда ҳам барибир у ҳамма билганидек муттаҳам, қароқчи бўлиб қолаверарди.

Жакомон хўрсиниб, тақир бошига расм солдириш фикрини вақтинча йиғиштириб қўйди. Лекин улуғ қирол бўлиб тарихда қолиш учун Бананитонинг қобилиятидан фойдаланишга қарор қилди.

— Мен сени ҳайвонот боғига министр қилиб тайинлайман,— деди у рассомга.— Ҳайвонот боғимиз бор-у, лекин ҳайвонлар йўқ. Сен уларнинг расмини чизасан. Турли ҳайвонларни кўпроқ чизашигин илтимос қиламан.

«Қамоқда ўтиргандан кўра министр бўлган яхшироқ»— деб ўйлади Бананито. У кеч киргунча минглаб томошабинлар кўзи олдига юзларча ҳайвонларнинг расмини чизиб, тирилтириб юборди. Уларнинг ичида шер, йўлбарс, тимсоҳ, фил, тўти, тошбақа, балиқчи қуш, итлар ҳам бор эди. Пойлоқчи, този, лайча, кўппак итларнинг расмини чизган эди, улар сарой аъёнларининг гашига тегиб, қаттиқ вовуллай бошлади.

— Агар олий ҳазратлари итларнинг вовуллашига руҳсат этса, ҳодимиз нима кечади?— деб тўнғилларди сарой аъёнлари.— Бу

қонунга хилоф-ку! Бундай номувофиқ ишларни кўриб, кишиларнинг бошига хавфли фикрлар келади.

Лекин Жакомон Бананитога халал берманг, нимани хоҳласа ўшани қилаверсин, деб буюрди. Шундай қилиб, сарой аҳли газабини ютиб, кўникишга мажбур бўлди. Бананитонинг чизгани бўйича ҳайвонлар қафасларда ўз жойларини эгаллади. Масалан, ҳовузларда оқ айиқ, тюлень, пингвинлар, ҳайвонот боғининг йўлкаларида болалар тушадиган аравачаларга қўшилган эшаклар пайдо бўлди.

Шу кунни кечаси Бананито дам олгани ўз чордоғига келолмади. Қирол рассомга саройдан бир хона ажратиб, қочиб кетмаслиги учун эшик олдида ўнга қоровулни пойлатиб қўйди.

Эртаси кунни ҳайвонот боғида қиладиган иш қолмади, шундан кейин Бананито озиқ-овқат маҳсулотлари, уларнинг айтишича, давлат қоғоз-дафтарлари министри қилиб тайинланди. Унга стол ажратиб, саройга кираверишда расм чизиб ўтириши учун барча зарур нарсаларни тайёрлаб беришди. Одамлар унга мурожаат қилиб, нимани енглари келса ўшани олишлари мумкин эди.

Олдинга баъзиларнинг ҳафсаласи пир бўлди. Агар Бананитодан ёлғончилар мамлакатида нон деб аталувчи сиёҳни сўрашса, у сиёҳ тўла шишанинг расмини чизиб, шу заҳотиёқ:

— Ўтнинг, яна ким,— дерди.

— Менга сиёҳнинг нима кераги бор?— дерди омади юришмаган киши.— Уларни ичиб ёки еб бўлмаса.

Лекин тезда одамлар Бананитодан хоҳлаган нарсани олиш учун ўша нарсанинг номини аслича аташ кераклигини тушуниб қолшди.

Сарой аъёнларининг газаби қайнаб тошди.

— Ишларимиз тобора ёмонлашаяпти,— дейишарди улар аччиғларидан кўкаришиб.— Бундан яхшилик чиқмайди. Ҳеч ким ёлғон гапирмай қўяди. Қирол Жакомонга нима бўлди?

Қирол Жакомон бўлса шамол учириб кетмайдиган сочнинг расмини чизиб беришни Бананитодан қандай илтимос қилишни биламай юрарди. Унгача қирол рассомга хоҳлаган ишини қилишга йўл қўйиб, бошқаларнинг эътирозига қулоқ солмади. Сарой аҳли бу аҳволдан порозин эди. Уларнинг тоқати тоқ бўлганди.

Генералларнинг ҳам таъби хира эди.

— Буни қаранглар-а,— дейишарди улар.— Мана энди анави рассомдек одамга йўлиқиб, унинг айтганига кўняймиз. У қуймоқ, товуқ каюб, қовурилган картошка, шоколадларнинг расмини чизаяпти. Буларнинг ўрнига замбараклар яшаш керак эди, замбарак! Биз енгилмас армияни қуроллантириб, қиролликни кенгайтирадик!

Энг урушқоқ генерал Жакомоннинг олдинга бориб, ана шу гапларни айтди.

Эски қароқчи бу гапдан қони қизишаётганини сеза бошлади.

— Замбараклар ясалсин!— деди у.— Жуда соз, тўплар керак! Уруш кемалари, самолётлар, дирижабллар ҳам ясалсин! У жин ургур Бананитони тез қақриб келинг!

Жакомоннинг яқин кишилари унинг «жин ургур» сўзини тилга олганини кўпдан бери эшитишмаган эди. У шайкаларини босқинчиликка юборишдан олдин кемасида нутқ сўзлаётганда шунақа сўзини кўйишни яхши кўрарди.

Турли поз-неъматларни кишиларга тарқатиш тўхтатилди. Бананито қирол ва унинг бош штаби ҳузурда ҳозир бўлди. Деворларга катта география карталари осиб қўйилди, бўлғуси жангда галабага эришиладиган ерларни белгилаб қўйиш учун хизматкорлар қутичада байроқчалар келтирди.

Бананито хотиржам, ҳеч кимнинг сўзини бўлмайд, оташни нутқларни охиригача эшитди. Лекин унга замбаракларнинг расмини чизиш учун қоғоз билан қалам берганларида у қоғознинг ўртасига катта ҳарфлар билан «йўқ» деб ёзиб қўйди, кейин ҳамма ўқисин, деб зални айланиб чиқди.

— Жаноблар,— деди уларга,— агар миянгизни енгиллатиш учун лаззатли кофени кўнгилларингиз тусаса, бир дақиқадаёқ ҳозирлаб бераман. Агар тўлки овлаш учун биттадан от мингитгиз келса, мен сизларга энг яхши зотли чопар отларнинг расмини чизиб бераман. Лекин тўпларни эсингиздан чиқаринг. Мендан уни умид қилманг.

Шу топда қий-чув кўтарилди. Ҳаммаси барабардан қичқириб, столни муштлай бошлашди. Жакомон бўлса қўлини оғритмаслик учун хизматкорни чақириб, бор кучи билан унинг елкасига муштлади.

— Бошини, бошини кесиб керак!— деган қийқирдиқлар эшитиларди.

— Бундай қиламиз,— деди ниҳоят Жакомон,— унинг бошини кесмай, ўйлаб кўришига вақт берамиз. Менимча, унинг эси жойида эмас, шунинг учун ҳам улуғ рассом бўлиб етишган. Уни бир неча кун жинниҳонага қамаб қўямиз.

Сарой аъёнлари бу ҳукми юмшоқ ҳисоблаб шовқин кўтаришди. Лекин Жакомоннинг хулқини билганлари учун дарров жим бўлишди.

— Унгача,— деб давом этди Жакомон,— рассомга қалам билан ҳам, буёқ билан ҳам расм солишга рухсат этилмайди.

Шундай қилиб, Бананитони ҳам жинниҳонадаги ёлғиз уйга қамаб қўйишди. Унинг қоғоз, қалам, бўёқ ва чўткача олишига рухсат беришмади. Қамоқхонада бир парча ғишт ёки бўр ҳам йўқ эди. Фақат намаз қоқилган деворларга қон билан ёзиш мумкин эди. Бананито чор-ночор янги ажойиб суратлар яратиш мумкин эмас, деган фикрга кўникишга мажбур бўлди.

У тахта устида қўлини ёстиқ қилиб чўзилиб ётди-да, яқиндагина оқланган шифтга тикилди. Унинг кўзи олдидан ажойиб шарпалар бирин-кетин ўта бошлади. У бу ердан чиққанидан кейин жопли қилиб чизадиган расмларни ўз хаёлида тасаввур этар эди. У бу ердан чиқиб кетишига бирпас бўлса ҳам шубҳа қилмасди.

Нияти холис эди, уни қутқизиш учун кимдир ҳаракат қилмоқда эди. Бу халаскорнинг исми тилингиз учидан турибди: ҳа, ўша, ўзимизнинг Чўлоқ мушук.

## УН ЕТТИНЧИ БОБ

Чўлоқ мушук оёғин бериб,  
Уз дўстини қолди қутқариб.

Утирмайдиган Бенвенутонинг уйда Жельсомнио лат еган тиз-засини даволаб ётганида рассомнинг мишистр бўлганини эшитди. Чўлоқ мушук унинг олдига бориб, Жўхори хола билан Ромолеттага озодлик беришни илтимос қилмоқчи бўлди. Афсуски, у саройга келганида Бананитонинг бахт юлдузи аллақачон сўнган эди.

— Агар Бананитони кўрмоқчи бўлсанг,— деди унга қоровул истеъзо билан,— жиннихонага боришинг керак. Лекин билмадим, сени у ерга қўйишармикин? Агар жинни бўлганинда эди...

Чўлоқ мушук ўзимни жинниликка солсаммикин ёки жиннихонага бошқа йўл билан киришга ҳаракат қилсаммикин, деб узоқ ўйлади.

— Оёқларим, менга ёрдам бериб,— деди у ниҳоят.— Энди тўрттасиз, деворга тирмашиб чиқиш осон бўлади.

Жиннихона баҳайбат бинога жойлашган, атрофига зовур қазиб, сув тўлатилган эди. Чўлоқ мушук сувга тушишга мажбур бўлди. У сувга сакраб, зовурдан сузиб ўтди-да, деворга чиқиб биринчи очиқ деразага ўзини урди, бу ер ошхона экан. Пол юваётган бир боладан бошқа ҳамма ошпаз ва хизматкорлар ён томондаги хонага кириб кетишган экан. Бола мушукни кўриб қичқирди:

— Йўқол бу ердан, ярамас! Бу ерда ташландиқ бўлмаслигини билмайсанми?

Ҳақиқатан ҳам бечора бола доим оч юрар, шунинг учун ҳамма чиқиндиларни, ҳатто балиқ суягигача еб қўяр эди. Сўнгги улушимни ҳам олиб қочиб кетмасин, деб мушукни қувалай туриб, шошганидан узун йўлакка чиқадиган эшикни очиб юборди. Бу йўлакнинг икки томонида жиннилар ёки тўғрироғи, маҳбуслар ётган қатор хоналар бор эди. Қамоқдагилар жинни эмас эди, улар бир вақт рост гапириб қўйиб, аксига, буни Жакомоннинг айғоқчилари эшитиб қолиб, қамоққа олинган эдилар.

Баъзи бир қомоқхоналар йўлакдан фақат темир панжара билан ажратиб қўйилган эди. Бошқалари вазмин темир эшиклар билан беркланган бўлиб, фақат овқат узатадиган кичкина туйнукчаларигина бор эди.

Шундай қамоқхоналардан бирида Чўлоқ мушук Жўхори хола-нинг мушукчалари билан кўнгилчан Қоплонни кўриб, жуда ажабланди. Улар бир-бирининг думига бошини қўйиб ухлаб ётар, эҳтимол ажойиб тушлар кўришаётган эди. Чўлоқ мушук уларни уйғотишга журъат этолмади. Уйғотганда ҳам барибир уларга ёрдам беролмасди-да. Уша ерга, хабарингиз бор, Қаллимер Векселни ҳам қамаб қўйишган эди. У уйғоқ бўлиб, Чўлоқ мушукни кўрган замон ялтижо қила бошлади:

— Азизим, менга сичқон келтириб бер, сен озодликда юрибсан!

Фақат битта сичқон бўлса бас! Мана, кўпдан буён менинг чапга-лимга бирортаси ҳам тушмади.

«Бу чиндан ҳам ақлдан озибди», деб ўйлади Чўлоқ мушук, у Калимерни тавимасди.

Иўлакнинг охирида умумий хона бўлиб, унда энг камда юз киши ухлаб ётарди. Уларнинг орасида Жўхори ҳола билан Ромолетта ҳам бор эди. Агар чироқ ёниқ бўлганда Чўлоқ мушук эҳтимол уларни кўриб, таниган бўларди. Агар Жўхори хола уйғоқ бўлганда, эҳтимол одати бўйича Чўлоқ мушукнинг думидан тутарди. Лекин чироқ ўчиқ, Ромолеттадан тортиб ҳамма маҳбуслар қаттиқ ухлаб ётардилар. Чўлоқ мушук оёқ учида юриб, хонадан ўтди-да, юқори қаватга чиқадиган зина олдида тўхтади. Анча вақт қидирганидан кейин у Бананито қамаб қўйилган хонани ниҳоят топди.

Рассом қўлини ёстиқ қилиб, тинч ухлаб ётар, келгусида чизадиган ажойиб расмларини тушида кўраётганди. Расмларнинг бирида тўсатдан бўшлиқ пайдо бўлди. Бананитога ажойиб гулдаста ўртасида мушукнинг боши кўринди, у худди Чўлоқ мушукка ўхшаб миёвларди. Бананито уйғониб, эшикка қаради-да, ҳамон жинни-хонада ётганлигини англади. Лекин эшикнинг туйнукчаси очиқ бўлиб, ундан Чўлоқ мушукнинг боши кўринди. У ўнгида ҳам миёвларди.

— Бананито, Бананито! Уйқинг роса қаттиқ экан!

— Қаранг, қаранг, Чўлоқ мушукнинг мўйлови-ку бу!

— Кўзингни оч, сенга айтяпман! Бу мен, Чўлоқ мушукман. Уша сен чизган оёғим ҳам жойида, яхши ишлаяпти.

Чўлоқ мушук шу гаплардан кейин гужанак бўлиб панжарадан ўтди-да, хонага сакраб тушди. Бананитонинг ёнига югуриб бориб, қўлини ялади.

— Мен сенга ёрдам бергани келдим.

— Раҳмат сенга, лекин қандай қилиб ёрдам берасан?

— Ҳозирча билмадим. Қоровуллардан калитни ўғирлаб келса бўлади-ку.

— Улар уйғониб қолиши мумкин.

— Унда эшикни кемириб, бу ердан чиқиб кетишингга ёрдам берман.

— Агар ихтиёрингда ўн йил бўлганда, эҳтимол темир эшикни зўрга тешарсан. Мен эса ҳозир чиқиб кетишим керак.

— Нима қилиш мумкин?

— Арра керак. Арра топиб келсанг, қолган ишни ўзим бажарман.

— Ундай бўлса аррани топиб келишга ҳаракат қиламан.

— Агар мен,— деди Бананито,— арранинг расмини чиза олсам осон бўларди, лекин бу қароқчилар менга синиқ қалам ҳам қолдиришмади.

— Агар гап шунда бўлса,— деб жавоб қилди Чўлоқ мушук,— мана менинг оёқларим! Учга оёғим бўр билан, тўртинчиси ёгли бўёқ билан чизилгани эсингдадир.

— Ҳа, лекин оёқларинг ўчиб кетади-да.

Чўлоқ мушук унинг гапига қулоқ солмади.

- Шошма, сен кейин менга бошқа оёқ чизиб қўйишинг мумкин.
- Деразадан қандай тушамиз?
- Парашютнинг расмини чизасан.
- Сув тўла зовурдан қандай ўтамиз?
- Расмдан қайиқ ясаб.

Бананито қочиб учун керакли ҳамма нарсаларни чизиб бўлганда, Чўлоқ мушукнинг оёғи кесилгандек кичкинагина, яроқсиз бўлиб қолди.

— Кўрдингми,— деб кулди Чўлоқ мушук,— номини ўзгартирмаганим яхши бўлган экан. Чўлоқ эдим, умрбод чўлоқ бўлиб қоламан.

— Мен сенга ҳозир бошқа оёқ чизаман,— деб таклиф қилди Бананито.

— Вақтимиз зиқ, қоровуллар уйғонгунча чиқиб кетайлик.

Бананито аррани ишга солди. Бахтга, уни шунча ўткир қилиб чизибдики, темирни олмани қирққандек кесарди. Бир неча минутда эшик катта очилиб, дўстларимиз йўлакка чиқиб олишди.

— Юр, Жўхори хола билан Ромолетгани, бир йўла мушукчаларни ҳам ола кетамиз,— деди Чўлоқ мушук.

Лекин қоровуллар шовқиндан уйғониб кетиб, шубҳа билан уёқбуёқни кўздан кечира бошлашди. Бананито билан Чўлоқ мушук бир йўлакдан иккинчи йўлакка ўтиб юрган қоровулларнинг вазмини оёқ товушини эшитдилар.

— Ошхонага етиб олайлик,— деб шивирлади Чўлоқ мушук.— Ҳаммамиз қочиб кетолмасак ҳам, иккаламиз қутулиб қоламиз. Озодликда қамоқда ётгандан кўра кўпроқ фойда келтирамиз.

Лекин улар ошхонага кирганларида ҳалиги бола яна Чўлоқ мушукка қараб қичқира бошлади:

— Мен сени ҳозиргина ҳайдаб юборган эдим-ку, очкўз! Сен менинг ризқимни олиб қочмоқчимисан? Йўқол бу ердан! Манави ойпадан чиқиб кет! Агар чўкиб кетсанг яна ҳам яхши.

Унинг шундай жаҳли кетдики, Бананитога ҳам эътибор бермади. У фақат мушукдан кўзини узмас, унинг шерик бўлишидан қўрқарди. Бананито парашютни очиб, қайиқни тайёрлади-да, Чўлоқ мушукни қўлига олди.

— Кетдик!

— Ҳа, ҳа, йўқолинг бу ердан,— деб тўнғиллади бола,— бу ерга қайтиб кела кўрманг!

Фақат Бананито деразадан сакраб тушгандагина бола шубҳаланиб қолди.

«Бу ким бўлди экан?»— деб ўйлади бошини қашиб. У ташвиш орттирмаклик учун оғиз очмасликка қарор қилди: ҳеч кимни кўрганам ҳам йўқ, ҳеч нима эшитмадим ҳам, деди ўз-ўзига. У ташлаидиқлар ичидан карамнинг ўзагини топиб, ҳузур қилиб чайнай бошлади.

Тез орада Бананитонинг қочиб кетгани маълум бўлди. Қоровуллар жиннихонанинг деразасидан қичқирришарди:

— Ердам беринг! Халойиқ! Хавфли жинни қочиб кетди!

Бананито билан Чўлоқ мушук зовурдан ўтиб олиш учун қайиқ-

қа икки букчайиб, құлларини эшкак қилиб сузиб бордилар. Агар Чўлоқ мушукнинг мақсадидан хабардор бўлган ўтирмайдиган Бенвенуто аравачаси билан кутиб турмаганида, улар узоққа қочиб боролмасдилар.

— Тезроқ, бу ерга яширининг!— деб шивирлади чол. Уларни аравачасига ўтказиб, устига чурук латталарни ташлаб қўйди.

Етиб келган қоровулларга у қарши томони кўрсатиб юборди:

— Хув апави ёққа қаранг. Улар ўша томонга қочиб ўтишди!

— Сен кимсан?

— Мен бечора бир чурукчиман, бу ерда дам олгани тўхтаган эдим.

— Эски-туски билан савдо қилувчи ростакамига чарчаганини билдириш учун аравачасининг шотисига ўтириб, трубкасини чекди. Бечора Бенвенуто! Агар бирпас ўтирса сочлари яна ҳам оқариб, бир неча йиллик умри адо бўлишини яхши биларди. Лекин Бенвенуто шунақа кўнгилчан одам эди!

«Менинг ўтган умрим,— деб ўйлади у,— бировларнинг ҳаётини зайитирди. Шундай қилиб мен ўз умримни бошқаларнинг ҳаётига бағишлайман».

У қоровулларнинг башарасига қаратиб қуюқ тутуп пуркади.

Бахтга қарши, худди шу топда Чўлоқ мушукнинг бурни қичиб қолди. Чунки унинг устидаги латталари чанг босиб кетган эди. «Ёлғиз каркидонгина бу чурукларни хушбўй дейиши мумкин эди. Чўлоқ мушук аксириб юбормаслик учун олдинги оёқлари билан бурнини беркитмоқчи эди, лекин фақат биттагина олдинги оёғи қолганлиги кечроқ эсига тушди. У шундай қаттиқ акса урдик, ҳамма ёқни чагитиб юборди.

Чўлоқ мушук рассомни пайқаб қолишмасин, деб аравачадан сакраб тушди-да, қочиб қолди.

— Ким у?— деб сўради қоровуллар.

— Ит-да,— деб жавоб берди Бенвенуто,— латталарнинг орасида ётган экан, қочиб кетяпти.

— Бирор гуноҳи бўлгани учун қочаётган бўлса керак,— деди қоровуллар.— Қувамиз.

Чўлоқ мушук ўз орқасидан келаётган оёқ товушларини, «ушла уни!» деган қичқирқиқларини эшитди.

— Майли, мени қувлашаверишсин,— деди севиниб Чўлоқ мушук,— Бенвенуто билан рассомни тинч қўйиниша бўлганч.

У шаҳар кўчаларидан қочар, қоровуллар тилларини осилтириб уни қувлашарди. Ана, қирол саройи олдидаги майдон, ана Чўлоқ мушук бежавотир тунаган ўша устун.

— Яна сал қочсак қутуламиз,— дерди Чўлоқ мушук оёқларига ёлвориб.

Хар қанча ҳаракат қилса ҳам оёқлари унинг айтганларини қилмади. Чўлоқ мушук устунга тирмашиб, юқорига чиқиб олиш ўрнига устунга ёпишиб қолди. У яна уч оёқли мушукни тасвирловчи расмга айланди қолди. Шу пайтда бу иш жуда уш келди, чунки қоровулларнинг кейинчалик ёзган маълумотларига кўра, улар оғзини очиб қолаверган.

— У қаёққа йўқолди?— деб сўрашди қоровуллар бир-бирдан.  
— Мана шу устунга сакраганини кўрувдим.  
— Устунда ҳеч нарса кўринмайди.  
— Фақат қандайдир чизма-чизиқ бор. Қаранг, қандайдир бир бола мактабдан олган бўр билан мушукнинг расмини чизиб кетибди.

— Уни кўй-е, кетдик! Расмлар билан ишимиз йўқ.

Шу пайтда Бенвенуто аравачасини тортиб, нафасини ростлаш учун тўхтаб-тўхтаб, уйига жўнади. Чарчаганидан юришга мадори қолмай аравачасининг шотисига яна икки-уч марта ўтириб дам олди. Хуллас, у уйдан чиққанида ёши саксондан кўп ҳам, кам ҳам эмас эди. Уйининг остонасига қайтиб келганида тўқсон ёшдан ошиб кетгандир. Даҳани кўкрагига тегиб, кўзи ич-ичига ботиб кетган, овози худди ер тагидан келаётгандек секин эшитиларди.

— Бананито, тур, етиб келдик.

Лекин Бананито унинг гапини эшитмади: латталар орасида ис-сиқда ухлаб қолган эди у.

## ҲН САҚКИЗИНЧИ БОБ

Бенвенутонинг умри тугаб—  
Қолганидан бор бу бобда гап.

— Бу ерда нима қиялсан? Латталарнинг билан гаплашял-санми?

Бенвенуто рассомни уйғотаётган пайтда қоровул унинг орқаси-га келиб тўхтади.

— Қапақанги латталар билан?— Бенвенуто вақтни чўзиш учун қайтарма савол берди.

— Йиртиқ пайпоқларга қараб бир нима деяётганингни яхши эшитдим. Эҳтимол сен уларнинг йиртиғини санаётгандирсан.

— Эҳтимол гапиргандирман, лекин ўзим буни сезмабман,— деб гудурлади Бенвенуто.— Биласизми, жуда чарчаганман-да. Аравани тортиб кун бўйи юраман. Қарликда қийин...

— Чарчаган бўлсангиз дам олинг,— деди раҳми келиб қоро-вул.— Шу пайтда ким сизга латта-путта сотарди?

— Мен ҳозир ўтираман,— деди Бенвенуто яна аравачасининг шотисига ўтириб.

— Агар рухсат берсангиз,— деди қоровул,— мен ҳам бирпас дам олсам.

— Бу шотисига ўтираверинг.

— Биласизми, кечаси билан қоровуллик қилиб одам чарчайди. Бир замонлар пианиночи бўлишни орзу қилган эдим. Доим ўти-ряб чаласан, яхши кўйлар ичида бўласан. Мен бу тўғрида ҳатто ишро ҳам ёзганман. Иншонинг темаси: «Қатта бўлганингизда ким бўлмоқчисиз?» эди. Мен бундай деб ёздим: «Мен катта бўлганимда пианиночи бўламан, барча мамлакатларга бориб, концерт бериб юраман, менга ҳамма қарсақ чалади, оламга машҳур бўламан! Ле-



кин мен ўғриллар орасида ҳам шуҳрат топмадим. Шу вақтгача бюрта ўғрини тута олмадим. Менга қаранг, фавқулодда сиз ўғри эмасмисиз-а?

Бенвенуто бош чайқаб, уни тинчлантирди. Унинг бу шўрпешона қоровулни юпатиш учун бирор гап айтгиси келарди, лекин мадор етмади. Бенвенуто минут сайин умри тугаб бораётганини сизди, лекин жимгина қулоқ бериб ўтиришдан бошқа иложи йўқ эди.

Тунги қоровул бўлса уҳ тортиб, ишин, болалари, умрида кўрмаган янанино ҳақида узоқ вақт ҳикоя қилиб ўтирди.

— Энг катта болам ўн ёшга кирди,— деди у.— Кеча у ҳам мактабда яхши иншо ёзибди. Уқитувчилар ҳамма вақт ўша бир хил тешада: «Катта бўлганингизда ким бўлмоқчисиз?» деган иншо ёздиршади. Менинг ўғлим: «Учувчи бўламан, ракетада ойга учаман», деб ёзибди. Мен унинг орзусига еттишйй астойдил тилайман, бироқ икки йилдан кейин уни ишлатишга мажбурман. Менинг маошим опламизнинг таъминотига етмайди-да. Унинг фазони ўрганишга ишонини қийин, тўғри эмасми?

Бенвенуто йўқ дегандек бош чайқади. У шу билан, дунёда инсон қўлидан келмайдиган иш йўқ, орзунинг ушалишига ишонини йўқотмаслик керак, демоқчи бўлди. Лекин қоровул унинг бош қимирлатганини пайқамасди. У Бенвенутога қараб, ухлаб қолибди, деб ўйлади.

— Бечора чол,— деб шивирлади у.— Чиндан ҳам чарчабди. Уёқ-буёқни айланиб чиқай.

Қоровул товуш чиқармаслик учун оёқ учини юриб кетди, Бенвенуто бўлса ўрнидан қўзғалмай ўтираверди. Унинг туришга мадори қолмаган эди.

— Шундай бир оз ўтира тураман,— деди у секин хўрсиниб.— Қўлимдан келганини қилдим. Бананито энди хавф-хатардан қутулди. Бечора қоровул ҳам мен билан сўзлашиб, кўнглини бўшатди.

Унинг хаёли чалғиб, ҳеч нарсани ажратолмай қолди: унга жуда узоқдан қўшиқ, алла эшитилаётгандек бўлди. Лекин тезда қулоқлари шунини ҳам эшитмай қўйди.

Бу алаани, оғайниллар, Бенвенуто тушида эшитгани йўқ эди. Жельсомини одатдагидек уйқусида ашула айтаётган эди. Унинг овози зина томондан тор кўчага ёйилиб, Бананитонини уйғотиб юборди.

— Бенвенуто!— деб чақирди у латталар орасидан бошини чиқариб.— Бенвенуто, қаердамиз? Нима бўлди?

Лекин Бенвенуто энди унга жавоб бера олмасди.

Рассом аравачадан сакраб тушиб, чолни икки марта қимирлатиб кўрди. Бечоранинг қўли совиб қолган эди. Ичкаридан Жельсоминининг жозибадор овози эшитиларди. Еқимли алла тор кўчада янграб, ҳавога тараларди.

Бананито юқорига чопиб чиқиб, Жельсомининини уйғотди-да, иккаловини ҳам кўчага чиқди.

— У тамом бўпти!— деди Жельсомини.

— Биз ҳеч нарсани ташвиш қилмай, тинчгина ухлаётганимизда,

бизнинг айбонимиз билан, бутун куч-қувватини бизга сарфлаб, дунёда ўтибди.

Тор кўчанинг охирида ўша тунги қоровул кўринди.

— Уни уйга одиб кирайлик,— деб шивирлади Жельсоминно.

Лекин рассомнинг ёрдамига эҳтиёж қолмаганди. Бенвенуто ёш боладек енгил бўлиб қолган эди, Жельсоминно уни қўлида осонгина кўтариб, уйга олиб кирди.

Қоровул аравачага қараб, бир неча минут тўхтаб қолди.

— Латта-путталар билан савдо қиладиган чол шу ерда турса керак,— деб ўйлади у.— Аравачасини кўчанинг ўртасида қолдириб кетгани учун уни штраф қилиш керак эди. Лекин у яхши чол экан. Бу тор кўчадан ўтмагандек бўлиб кетавераман.

Бечора Бенвенуто! Унинг уйида мурдани ётқизишга ҳам стул топилмади. Марҳумнинг бошига оддий ёстиқ қўйиб, полга ётқизишга тўғри келди.

Ўша воқеалардан икки кун кейин Бенвенутони кўмиб келишди. Сизнинг у воқеалардан ҳали хабарингиз йўқ. Бу тўғрида кейинги бобда ўқийсиз. Мотамда минглаб одамлар қатнашди, уларнинг ҳар бири марҳумнинг яхшиликларини бясса ҳам, ҳеч ким нутқ сўзламади.

Худди ана шу мотамда Жельсоминно умрида биринчи марта ҳеч нарсага синдирмай қўшиқ айтди. Унинг овози аввалгидек кучли бўлса ҳам, лекин майин жарангларди. Уни эшитганлар кўнглилари юмшаб, ўзларининг яхши кишиларга ўхшаб қолаётганликларини сеза бошлашди.

Лекин бунгача, ҳали сизга айтганимдек, анча воқеалар бўлиб ўтди. Аввал Жельсоминно билан рассом Чўлоқ мушукнинг йўқлигини пайқаб қолишди. Ана шу ташвишли кунларнинг ғалваси билан улар булга аҳамият беришмаган эди.

— У аравачада мен билан бирга эди,— деди Бананито.— Албатта мен уни латталар орасида пайқадим. Лекин бирдан унинг аяса уриб юборганини эшитдим.

— Эҳтимол у бирор фалокатга йўлиққандир,— деди Жельсоминно.

— Балки у Жўхори хола билан Ромолеттани қутқазгани жинн-тихонага қайтиб боргандир.

— Ҳамма нима биландир банд,— деди уялиб Жельсоминно.— Фақат мен бекор юрибман. Менинг қўлимдан қандилларни синдириш-у, одамларни кўрқитиш келади!

Унинг бунчалик хафа бўлганини шу вақтгача ҳеч ким кўрмаган эди. Лекин худди шу топдаёқ унинг миясига ажойиб бир фикр келди.

— Йўқ, йўқ!— деди у тўсатдан.— Менинг қўлимдан нима нш келишини ҳали кўрамай!

— Қаёққа борасан?— деб сўради унинг ўрнидан туриб, пиджагини кияётганини кўрган Бананито.

— Энди навбат менга келди,— деб жавоб берди Жельсоминно.— Сен уйдан чиқа кўрма, полиция излаб юрибди. Менинг нимага қодирлигимни эшитиб қоларсан. Бу ажойиб янгилик бўлади!

## ҲН ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ

Елгончилик касалидан ҳамма қутулиб,  
Ростки сўзлай бошладилар қувонча тўлиб.

Бананито қочганда кўтарилган тўполондан кейин жиннихонага яна жимлик чўкди. Палата, бўлма, йўлкаларда ҳамма ухлаб ётарди. Фақат ошхонадаги бечора бола уйғоқ эди, холос. Унинг уйқуси келмасди, чунки доимо оя бўлар, кечаси билан ташландиқларнинг орасини титкилаб, емак изларди. Бананито билан ҳам, рассомни қуваётганлар билан ҳам унинг иши йўқ эди. Ҳатто уни жиннихонанинг рўпарасидаги майдонда туриб, ашула бошлаган ғалати, тўғриси, паст бўйлироқ йигитча ҳам қизиқтирмади.

Бола ошхонада картошка пўчоқларини чайнаб, бош чайқаб унга қараб турарди.

— Бу чиндан ҳам жинни бўпти. Жинни бўлмаса, чиройли қизларнинг уйи олдида эмас, жиннихонанинг деразаси тагида қўшиқ айтармиди? Қел, билганини қилаверсин. Лекин овози баланд экан. Баҳе ўйнайманки, ҳозир уни қоровуллар тутиб олади.

Бироқ, қоровуллар Чўлоқ мушукни тутолмай, чарчаб, ўлгандек донг қотиб ётишарди.

Товушни синаб кўриш учун паст товушда ашула бошлаган Жельсомино тобора қаттиқроқ айта бошлади. Ошхонада турган бола картошка пўчоқларини унутиб, оғзини очиб қолди.

— Унинг ашуласини эшитсанг, очлик эсингдан чиқар экан.

Шу гайтда у қараб турган дераза ойнаси чил-чил бўлди, бир бўлак ойма синиги оз бўлмаса унинг бурнини учириб кетай деди.

— Ҳой, ким у ёқдан тош отяпти?

Бирдан баҳайбат бинонинг турли ерида, барча қаватларнинг ойналари бирин-кетин синиб тушаверди. Қоровуллар бўлса, маҳбуслар ғалаён кўтармадимикиси, деб ўйлаб палата ва бўлмаларга кириб чиқишди. Лекин улар дарров бу фикрдан қайтишди. Ҳақиқатан ҳам маҳбуслар уйғонган-у, лекин улар тинчгина, Жельсоминонинг қўшигидан роҳатланиб ўтиришарди.

— Қим бу ерда деразаларни синдирыпти?— деб қичқирарди қоровуллар.

— Жим!— деган овоз эшитилди ҳар томондан.— Ашулани энтитайлик. Деразангиз билан нима ишимиз бор? Бизларникими у?!

Кейин деразадаги панжаралар синиб туша бошлади: темир панжаралар гугурт чўпидек синиб, деразадан кўчар, зовурдаги сувни сачратиб чўкиб кетарди.

Буни кўриб жиннихонанинг мудирини қалтироқ босди.

— Совуқдан қалтираяпман,— деди у котибларига, ўзи бўлса «ер қимирляпти», деб ўйларди.

У машинасини чақириб, министрга хабар бераман, деди-да, жиннихонани ўз ҳолига ташлаб, шаҳар чеккасидаги боғига жўнаб қолди.

«Министрга борармиди у,— деб ўйларди жаҳли чиқиб котиблар,— министрни баҳона қилиб қочиб кетди. Биз қопқонга тушган сичқондек ўлиб кетаверамизми? Овора бўлади!»

Улар олдинма кетин, бири машинада, бошқаси яёв кўтарма кўприкдан шу қадар тез ўтиб кетишдики, дарвозада турган қоровуллар уларнинг қорасини ҳам кўрмай қолди.

Тонг ёриша бошлади. Уйларнинг томи ғира-шира оқариб кўринди. Бу Жельсоминога «Қаттиқроқ айт!» деган ишорадек туюлди.

Ўшанда Жельсоминонинг қандай ашула айтганини эшитсангиз эди! Унинг овози вулқондек зўр куч билан эшитиларди. Жиннихонадаги барча ёғоч эшиклар пайрахадек синиб, темир эшиклар эса шундай буралиб кетдики, эшикка сира ўхшамай қолди, қамоқдагилар севинганидан сакраб йўлакка чиқишди.

Қоровуллар, назоратчилар, санитарлар бирин-кетин кўтарма кўприкдан қочиб ўтиб, майдонга чиқиб олишди. Бирдан ҳаммаси шаҳарда муҳим иши борлигини эслаб қолди.

— Мен итими чўмилтиришим керак эди,— деди бири.

— Мени бир неча кун денгиз бўйида дам олишга таклиф этишганди,— деди бошқаси.

— Мен қизил балиқларимнинг сувини ўзгартиришни унутибман, ўлиб қолади, деб қўрқаяпман.

Улар алдашга шунчалик ўрганиб қолган эдики, қўрқаётганликларини тан олгилари келмасди.

Хуллас, бир неча минут ичида жиннихонанинг ошхонадаги бечора боладан бошқа барча хизматчилари қочиб кетди. Бола қўлида карам ўзагини ушлаганича оғзини очиб, анқайиб турарди, чунки унинг ҳозир ҳеч нима егиси келмас, умрида биринчи марта миясида ажойиб фикр туғилган эди.

Назоратчиларнинг қочиб кетганини ҳаммадан олдин Ромолетта пайқади.

— Нима қилиб турибмиз? Биз ҳам қочайлик!— деди у Жўхори холага.

— Бу қондага хилоф,— деб жавоб берди Жўхори хола.— Лекин, иккинчи томондан, қонда бизга қарши-ку. Ҳа, майли, юр!

Улар бир-бирининг қўлини ушлаб, одамлар ур-йиқит бўлиб тушиб келаётган зина томон юришди. Тўс-тўполонда Жўхори хола минглаб товушларнинг ичидан мушукчаларининг овозини таниди. Шу пайтда Чўлоқ мушукнинг етгала кичкина шогирдлари ҳам кўпчилик орасидан бошини мағрур кўтарган, қовоғи солиқ ўз ҳомийсини танишди. Улар миёвлашиб, шу заҳотиёқ холанинг бўйиндан кучоқлаб, ҳарёқдан ёпишиб олишди.

— Мана, ҳозир уйимизга борамиз,— дерди Жўхори хола кўз ёши қилиб.— Бир, икки, уч, тўрт... Ҳамма шу ердами?.. Етти, саккиз! Ҳатто яна бири қўшилиб қолибди.

Ҳа, бу ўша хушфёъл Қоплон эди. Жўхори холанинг қўлида унга ҳам жой топилди.

Жельсоминно ашуласини тўхтатиб, жиннихонадан чиқиб келаётганлардан Чўлоқ мушукни сўрарди. Лекин ҳеч ким унга тайинли жавоб бермади. Шунда унинг сабри тугади.

— У ерда, ичкарида ҳеч ким қолдими?— деб сўради у.

— Ҳеч ким қолмади,— деган жавоб эшитилди.

— Шундай бўлса, мана кўринг.

У сувга тушаётган гаввослардек кўкрак қафасини тўлдириб нафас олди, овозини бир томонга йўналтириш учун қўлларини орзига карнай қилди-да, қаттиқ қичқирди. Агар Марс ёки Зухра юлдузиде қулоғи бор махлуқлар яшаганда, эҳтимол унинг товушини эшитарди. Жуда кучли бўрон тургандек бўлди, бино тебранганини айтиш кифоя. Томдаги черепицалар ҳамда печка мўрилари чагдек тўзиб кетди. Кейин юқори қаватдан тортиб бино деворларни оғиб силкинди-да, қаттиқ гумбурлаб пастга қулади, сувни атрофга сачратиб, зовурни тўлатиб юборди.

Буларнинг бари бир минут ичида бўлди. Буни ошхонада турган бола яхши билади. У ҳамма қочиб чиқса ҳам ўрнидан жилмай турарди, кейин бирдан деразадан сакраб тушиб, апил-тапил зовурдан сузиб ўтди, майдонга чиқиб олиши биланоқ кетидан бутун бино қулади.

Бутун майдон бўйлаб «ура» садолари янгради, худди шу пайтда қўёш чиқди, одамлар бир-бирига: «Тез бўл, томошадан қоласан»,— дейишарди, бир дақиқа олдин эса ҳеч ким бундай деб шоширишни хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Майдонда турган одамлар Жельсоминони кўтар-кўтар қилиб кетишди, мухбирлар унинг олдига бориб, таассуротини сўрашга ҳам улгуришолмади. Улар бир чеккада тамгин бўлиб турган Калимер Векселнинг суҳбати билан қаноатланишга мажбур бўлдилар.

— Сиз «Намунали ёлгончи» газетасига бирор маълумот беришни истамайсизми?— деб сўрашди ундан.

— Миёв,— деб жавоб берди Калимер тескари қараб.

— Жуда соз!— дейишди мухбирлар.— Сиз бу воқеадан хабардор экансиз. Нима учун ҳеч қандай воқеа бўлмаганини сиз бизга айтиб беролмайсизми?

— Миёв,— яна бир марта миёвлади Калимер.

— Жуда яхши! Жиннихонанинг вайрон бўлганини, жинниларнинг қочиб кетганини қатъиян рад этамиз.

— Қулоғингиз борми?— деб юборди бирдан Калимер.— Тушунсангиз-чи, мен мушукман!

— Мен итман демоқчимисиз, миёвляяпсиз-ку?

— Йўқ, йўқ, мушукман! Мен мушукман, сичқон тутаман. Етар, етар, мен энди сизларнинг ким эканлигингизни билиб олдим. Ҳар қанча яширинсангиз ҳам мenden қочиб қутулолмайсиз. Сизлар сичқонсиз, ҳозир чангалимга тушасиз. Миёви! Миёви!

Худди шу пайтда Калимер сапчиб қолди. Мухбирлар қаламларини чўнтакка солиб, автомобилларига зўрға чиқиб олишди. Калимер ерга йиқилиб, кеч киргунча жон-жаҳди билан миёвлаб ётди. Бир раҳмдил йўловчи уни кўтариб, касалхонага элтиб қўйди.

Бир соатдан кейин «Намунали ёлгончи»нинг шошилишч сона чиқди. Биринчи бетнинг бошидан охиригача йирик ҳарфлар билан куйидагича сарлавҳани ёзишибди:

«Тенор Жельсоминонинг янги муваффақиятсизликлари: у ашула айтиб, жиннихонани вайрон қилолмади».

Газета редактори хурсанд бўлиб, қўлларини ишқаларди:

— Жуда ажойиб раддия чиқди. Бугун кам деганда юз минг нусха сотиб қоламан.

Лекин тезда «Намунали ёлғончи»нинг сотувчилари ўтмай қолган даста-даста газеталарни қайтиб олиб келишди. Ҳеч ким бирорта нусхани ҳам сотиб олмабди.

— Нима гап?!— деб қичқирди редактор.— Битта газета ҳам сотилмадими? Нима, одамлар календарни ўқишяптими?

— Йўқ, жаноби редактор,— деди энг дадил газета сотувчи.— Календарни ҳам энди ҳеч ким ўқимаяпти. Декабрь ойини август ойи деб ёзадиган календарни ўқишади, деб ўйлайсизми? Ойнинг номини ўзгартириш билан одамларнинг тани исийдими? Катта воқеалар бўляпти, жаноб редактор. Одамлар биздан куляпти, газетангиздан қоғоз кемачалар ясанг, дейишяпти.

Шу пайтда редакторнинг хонасига ўз ҳолича шаҳарга чиқиб кетган ити кириб келди.

— Пиш-пиш!— дея чақирди уни эгаси.

— Вов-вов!— деб жавоб берди ити.

— Нима-нима? Вовилляяпсанми?

Ит жавоб бериш ўрнига думини ликиллайтиб, яна қаттиқроқ вовиллай бошлади.

— Замон охир бўлибди!— деди редактор пешонасидан терини артиб.— Чиндан ҳам охир замон бўлибди!

Лекин бу замоннинг эмас, ёлғончиликнинг охири эди. Жини-хона вайрон бўлганидан кейин юзлаб тўғри кишилар бирдан озодликка чиқиб қолди. Зоология ва грамматика қондаларига кўра вовиллай бошлаган итлар, мнёвлай бошлаган мушуклар, кишнай бошлаган отлар бу ҳисобга кирмабди. Ҳақиқат жуда тез тарқалиб, аҳолининг кўпчилигига ёйилди. Магазин эгалари молларнинг номини ўзгартира бошладилар.

Бир нон дўконининг эгаси «Дафтар-қаламлар» вивескасини кўчириб олиб, орқасига кўмир билан «Нон» деб ёзиб қўйди. Шу заҳотиёқ дўконининг олдига бир талай одам тўпланиб, уни олқишлай бошлади.

Лекин қирол саройи олдига катта майдонда яна ҳам кўп одам тўпланди. Олдинда Жельсомино турарди. У ашула айтар, унинг овозини эшитиб, шаҳарнинг ҳар томонидан, ҳатто яқин атрофдаги қишлоқлардан ҳам одамлар тўплана бошлади.

Жакомон хонасида ўтириб, кўп одам тўпланаётганини кўрди-да, хурсанд бўлганидан чапак чалиб юборди.

— Тез бу ёққа келинглар!— дея қичқирди у сарой хизматчиларини чақириб.— Тез! Халқим нутқ сўзлашимни кутяпти. Ана, қаранг, ҳамма мени байрам билан қутлагани келибди.

— Бугун байрамми?— деб сўрашди бир-биридан сарой аҳли.

Сиз балки ажабланарсиз, лекин улар бўлган воқеалардан ҳали бехабар эдилар. Жосуслар саройга келиб хабар бериш ўрнига, қочиб қолишга жой қидириб кетишди.

Қирол Жакомоннинг саройида мушуклар ҳамон вовилларди. Булар бутун қиролликдаги энг сўнги бахтсиз мушуклар эдилар.

## ИГИРМАНЧИ БОБ

Жакомоннинг даври тез бўлди гоёиб,  
Фақат бир устунни қолди чўққайиб.

Оламда тақдир китоби йўқлигини биласиз. Бўлажак воқеалар ёзиб қўйилган китоблар ҳам йўқ. Бундай китоб ёзиш учун ҳеч бўлмаганда «Намунали ёлғончи» газетасининг бош редактори бўлиш керак. Хуллас, бундай китоб йўқ, қирол Жакомон замонида ҳам бўлган эмас.

Афсус! Агар шундай китоб бўлганида, ясама сочили бечора қирол уни варақлаб, шу кунни: «Жакомон бугун нутқ сўзламайди», деган ёзувни ўқиган бўларди.

Ҳақиқатан ҳам у хизматкорларнинг ойнаванд эшикларни очишини, ўзининг болохонага чиқишини сабрсизлик билан кутиб турган пайтда Жельсомоннинг овози эшитилди: ойнаванд эшиклар синиб, бўлаклари полга учиб тушди.

— Эҳтиёт бўлинг!— деб қичқирди Жакомон хизматкорларига.

«Жиринг-г-г...» деган товуш эшитилди хонадан.

— Ойна синди! Ким ойнани синдирди?— деб бақирди Жакомон.

Ҳазрат олийлари нега ҳеч ким жавоб бермаяпти, деб ҳайрон бўлиб, атрофга қаради. Лекин, афсуски, яқинида ҳеч ким қолмабди. Министрлар, хизматкорлар, барча сарой аҳли биринчи ишорадаёқ, яъни Жельсомон биринчи марта товушини юқори пардага чиқариши биланоқ уст-бошини алмаштиргани ўз хоналарига югурдилар. Улар шунча вақтдан бери кийиб юрган амалдор кийимларини полга улоқтириб, каравот тагидан қароқчиларнинг кийимларини солинган эски жомадонларни олишди. Улар:

— Қўзимга қора боғични тақмасам, кўча супурадиган қоровулга ўхшаб кетаман,— дейишарди тўнғиллаб.

— Енгимдан лангарнинг шаклини олиб ташласам, мени ҳеч ким танймайди.

Болохонага чиқадиган ойнаванд эшикларни очиб-ёпиб турадиган иккита хизматкоргина Жакомон билан қолди. Ойналари синиб тушса ҳам улар одоб билан эшик дастасидан тутиб турар, гоҳ-гоҳ енглари билан уни артиб қўйишарди.

— Сизлар ҳам жўнанг,— деди хўрсиниб Жакомон.— Энди атрофимдаги ҳамма нарса емириляпти.

Ҳақиқатан ҳам шу пайтда катта қандилдаги минглаб лампочкалар синиб тушди: Жельсомон шу кунни зўр ҳафсала билан ашула айтди.

Хизматкорлар қиролнинг гапини қайтармадилар: орқалари билан юриб, ҳар уч қадамда таъзим билан зина томондаги эшикка етиб олишди-да, баравардан бурилиб, тезроқ пастга тушиш учун панжарадан сирпаниб тушишди.

Жакомон ўз хонасига кириб, қироллик кийимларини ечди-да, оддий кишиларнинг кийимини кийди. У бунақа кийимни шаҳарда сездирмай айланиб юриш учун асрар эди (лекин у бу кийимни шу кунгача бирор марта ҳам киймади, бунинг ўрнига шаҳарга жосус-

ларни юбориб турди). Бу жигарранг костюм бўлиб, банкада ишловчи кассирга ёки фалсафа профессорига мос келарди. Тўқ сариқ ясама сочи ўзига жуда ярашарди. Афсуски, буни ҳам ечиб ташлади, чунки у ҳамма ерда қиролнинг тожига нисбатан кўпроқ машҳурроқ эди.

— Оҳ, менинг ажойиб ясама сочларим!— деб ух тортди Жакомон.— Ажойиб ясама сочим!

У машҳур шкафни очди, унинг кўзи навбатдаги томошага тайёрланиб қўйилган қўғирчоқларнинг бошига ўхшаш қатор ясама сочларга тушди. Жакомон буларни кўриб, ўзини тутиб туролмади: у бир талай ясама сочларни жомадонга жойлади.

— Мен уларни олиб кетаман. Қувғинда юрганымда булар бахтли кунларимни ёдимга солади.

У зинадан пастга тушди, лекин сарой аҳлидек ертўлага тушиб, чиқиндилар оқизиладиган қувур орқали сичқонлардек саройдан қочиб кетмади. Жакомон ўзининг ажойиб боғига, тўғриси, собиқ боғига чиқишни маъқул кўрди. Боғ аввалгидек гўзал, кўм-кўк ва гуллар атрига тўла эди.

Жакомон қирол боғининг ҳавосидан сўнгги марта нафас олиб, кейин тор кўчага чиқиладиган кичкина эшикни очди, ҳеч ким уни пайқаманлигига ишонч қилгач, юз қадамча юрди-да, халойиқ Жельсомниони ҳайқириб табриклаётган майдонга етиб олди.

Туксиз боши, жигарранг костюми Жакомонни бошқача қилиб юборди. Бундан ташқари, қўлидаги жомадонидан келгиндига ўхшарди.

— Сиз яқиндагина келганга ўхшайсиз,— деди кимдир унинг елкасига дўстона қоқиб.— Келинг, тенор Жельсомнионинг концертини биз билан бирга томоша қилинг. Ана у, қаранг. Велосипед миниб пойга чопадиганларга ўхшайди. Кўринишидан уч пулга арзимайди, лекин ажойиб овози бор, эшитяпсизми?

— Эшитяпман, эшитяпман,— деб тўнғилладн Жакомон. Кейин ўз-ўзича: «Кўряпман ҳам...» деб қўйди.

Ҳа, у яхши кўрган болохонасининг қулаганини, саройнинг гургурт қутисидан ясалгандек осонгина нураб, чанг-тўзонни осмонга кўтарилганини кўрди. Жельсомнио чангни ҳайдаш учун овозини яна бир юқори пардага кўтарди, ҳамма сарой ўрнида вайронани кўрди.

— Айтгайдек,— гапирди яна Жакомонга ёнида турган одам,— биласизми, битта ҳам туки йўқ ажойиб бошингиз бор эканми? Менинг бу гапимдан хафа бўлмагн. Менинг бошимга ҳам қараб қўйинг.

Жакомон қўли билан бошини силади, кейин ёнида турган одамнинг гапига биноан унинг коптокдек думалоқ, сўллик, туксиз бошига қаради.

— Сизнинг чиройли туксиз бошингиз бор экан,— деди Жакомон.

— Эй, йўғ-е, унчалик эмас! Сизнинг бошингиз жуда кетворган экан. Ҳозир у қуёш шуъласида шундай ярқираяптики, қараганда кўзини олади.



— Э, э, қўйинг, жуда мақтаб юбордингиз,— деб тўнғиллади Жакомон.

— Ишонаверинг, гапнинг сираси шу! Биласизми, мен сизга бир нима демоқчи эдим? Агар бизнинг тақир бошлилар клубимизга аъзо бўлганингизда сизни дарров президент қилиб қўйишарди.

— Президент дейсизми?

— Ҳа, бир овоздан сайлашарди.

— Тақир бошлилар клуби борми?

— Бор. Кечаги кунгача у махфий эди, энди очиқ ишлайверади. Шаҳримизнинг яхши кишилари унга аъзо. Биласизми, унга кириш қийинроқ. Бошингизда битта ҳам тук қолмаганини исбот қилишингиз керак бўлади. Баъзилар бизнинг клубимизга кириш учун ҳатто сочини юлади.

— Сизнингча мен...

— Гаров ўйнайма, сиз бизнинг президентимиз бўлишингиз мумкин.

Жакомон яна бир минут турса кўнгли бузилишини сезди.

«Янглишган эканман,— деб ўйлади у.— Ҳаётимда нотўғри йулдан борибман. Лекин уни янгидан бошлашга кечикдим».

У одамларнинг уёқдан-буёққа юришидан фойдаланиб, суҳбатдошидан узоқлашди, майдондан чиқиб, бўм-бўш кўчадан кетди. Ун иккита ясама соч жомадонда ғамгин шитирларди. Унинг чиқиндилар оқизиладиган қувур қопқоқлардан мўралаган башараларга бир неча бор кўзи тушди. Булар унга танишдек туюлди. Улар қароқчилар эмасмикин? Лекин бу башаралар жигарранг костюм кийган тақир бош, савлатли кишини кўриши билан яширишарди.

Жакомон ўзини ўлдирмоқчи бўлиб тўппа-тўғри дарё томон юрди. Лекин қирғоққа етганида у бу фикрдан қайтди. Жомадонини очиб, ясама сочларни олди-да, кетма-кет сувга улоқтирди.

— Хайр!— деб шивирлади уларга Жакомон.— Хайр, кичкина ёлғончилар!

Лекин ясама сочлар нобуд бўлмади. Уша куни дарёда тинсоқлардан баттар шўхлик қилиб юрган болалар уларни тугтиб олдилар. Болалар ясама сочларни офтобда қуритиб, бошларига кийишди-да, кўчага чиқишди. Улар кулиб қўшиқ айтишар, бугун Жакомон қироллигининг мотами эканлигидан беҳабар эдилар.

Жакомон бу ердан абадий жўнаб кетаверсини (унинг омади келиб, бирор ёққа боришга, ҳурматли тақир бошлар клубига президент ёки кам деганда секретарь бўлишга имконият туғилиб қолди), биз сиз билан майдонга яна бир назар ташлайлик.

Жельсомино жарангдор қўшиғини тугатиб, пешонасидан термини артди.

— Мана бу ишни ҳам тугатдик.

Лекин унинг кўнгли ғаш: Чўлоқ мушукдан хабар йўқ эди.

— У қаёқда қолиб кетдийкин?— деб сўради ўзидан бизнинг қаҳрамонимиз.— Жиннихонанинг вайроналари тагида қолиб кетмадимикин? Мен ҳаммасини остин-устун қилиб юбордим-ку.

Лекин халойиқ унинг узоқ ташвиш тортиб туришига йўл қўймади.

— Устунни,— қичқирдишарди унга ҳар томондан,— устунни қулатиш керак!

— Нега?

— Ахир унда қирол Жакомоннинг юришлари, қаҳрамонликлари тасвирланган-ку. Бу ҳам бошдан-оёқ ёлгон. Жакомон ҳеч қачон саройдан буришни суқиб ташқарига қарамаган ҳам эди.

— Яхши,— деди Жельсомино,— мен устунга шундай ашула айтайки, омон қолмасин. Фақат ҳаммангиз нарироққа қочиб туринг, бўлмаса устингизга қулаб тушади.

Устун олдида турган кишилар нари туришди, майдонда турган халойиқ шамолда чайқалаётган денгиздек тўлғанди. Худди шу пайтда Жельсомино устунда, ердан икки метрча баландда ўзига яхши таниш бўлган уч оёқли мушукнинг тасвирини кўрди.

— Чўлоқ!— деб қичқирди у ва шу заҳотиёқ кўнгли тинчиди.

Расм силкинди, атрофи қийшайди, лекин яна жимиб қолди.

— Чўлоқ!— деб қичқирди Жельсомино яна қаттикроқ. Бу сарфар овоз мраммининг қаршилигини енгиб, ичкарироққа сингиди.

Чўлоқ мушук устундан ажралиб, оқсаб ерга сакради.

— Жуда хурсандман, жуда хурсандман!— деб миёвлади у Жельсоминонинг юзидан ўпиб. Агар сен бўлмасанг мана шу устунда қолиб кетардим, охири бир кун ёмғирлар мени ювиб кетарди. Менинг тозаланин яхши кўришимни ҳамма биледи, лекин ҳадеб чўмлавериб ювилиб кетишни сира истамасдим.

— Мени унутдингизми?— Бананитонинг овози эшитилди; у тирсаги ва тиззасини ишга солиб, охири ўзининг, ҳаммамизнинг ҳам дўстларимиз ёнига етиб келди.— Агар сенинг бошингга ўшандай қулфат тушса, мен сенинг расмингни қайтадан чизаман, сен аввалгидан ҳам гўзал, ростакам мушукка тузукроқ ўхшаб қоласан.

Ҳозиргина учрашган учала дўстининг айтадиган гапи кўп эди, шунинг учун уларни безовга қилмаймиз.

Устун-чи?

Устун кимга ҳам халақит берарди? Унда тасвирланганлар бир вақтлар мамлакатни ёлгончи, уятсиз, қаллоб одам бошқарганини, битта бошлаб айтилган қўшиқ унинг қироллигини вайрон этганини одамларнинг эсига тушириб туради.

## ИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

Қиссамиз тугади. Хулоса оддий:  
Масалани уруш ҳал қилолмайди.

Игирманчи бобни ёзиб битиришга ошиқиб, чўнтагимда бир неча варақ қоғозни унутиб қолдирибман. Агар сиз унга ёзилганларнинг маъносин билан танишсангиз, шу билан бизнинг бу қиссамиз тугайди. Бу Жельсомино ёлгончилар мамлакатинда бошидан кечирганларини менга ҳикоя қилиб берганида ёзиб олган хотирамининг сўнгги варақлари эди. Ана шу варақларнинг бирида Жакомоннинг бундан кейин нима бўлгани номаълум, деб ёзиб қўйилган.

нини кўриб турибман. Шунинг учун ҳам у тузук одам бўлдики ёки қароқчиликка ўрганган кўнгли яна қинғир йўлга бошладими, билмайман.

Бошқа варақда Жельсомино қилган ишидан умуман хурсанд бўлса ҳам, ҳар сафар майдондан ўтаётганида, ботинкасининг ичига тош тушиб қолгандек, унғайсизлик сезиши ёзилган.

— Қиролнинг саройини бузиб, вайронага айлантириш керакмиди?— дерди ўзидан ўпкалаб.— Мен дераза ойналарини синдириб тураверсам ҳам барибир Жакомон қочиб кетарди. Кейин ойначинни чақирилса, ҳаммаси жойида бўларди.

Жельсоминони қийнаётган ана шу «тош»дан қутулиши учун Бананито ёрдам берди: у бир неча варақ қоғоз, бир қутича бўёқ билан саройни тиклади-қўйди. У бу ишни ярим кунда битказди, ҳатто юқори қаватдаги болохонани ҳам унутмади. Болохона илгариги жойида пайдо бўлганида, шаҳар аҳолиси унинг устига чиқиб нутқ сўзлашни Бананитодан илтимос қилди.

— Менинг маслаҳатимга қулоқ беринг,— деб жавоб қилди Бананито,— яхшиси шу болохонадан туриб нутқ сўзлашни ман этувчи қонун чиқаринглар. Бундан ташқари, мен рассомман. Агар жуда нутқ эшитгингиз келаётган бўлса, Жельсоминодан илтимос қилинг.

Шу пайтда болохонада Чўлоқ мушук пайдо бўлиб миёвлади: — Миёв!

Майдонда қарсақ садолари янгради, бундан бошқа нутқ сўзлашни ҳеч ким талаб қилмади.

Мана, яна бир варақда Жўхори холанинг уйсиз мушуклар институтига директор қилиб тайинлангани ёзилибди. Буни тўғри қилишибди — шундай одам директор бўлганидан кейин мушукларни ит бўлиб вовилашга ҳеч ким мажбур этолмаслигига ишонсангиз бўлади. Ромолетта яна мактабга қатнай бошлади, энди у партада эмас, ўқитувчининг столида ўтирган бўлса керак — у салобатли ўқитувчи бўлиб қолгандир.

Мана, ниҳоят кичкина варақдаги қисқача ёзувга кўзим тушди. Унда: «Уруш 1 : 1 ҳисоби билан тугади», дейилган.

Қаранг-а, оз бўлмаса мен сизга уруш тўғрисида гапиришни унутмаёзиман.

Бу воқеа Жакомон қочиб кетганидан бир неча кун кейин бўлди. У Бананитонинг замбараклар расмини чизиб беришига умид қилиб, ўзига тегиншли кишилардан яширинча қўшни давлатлардан бирига уруш эълон қилган эди. Лекин у давлатнинг одамлари билан ўйнашиб бўлмасди — уларнинг армияси ватанини ҳимоя қилиш учун йўлга чиқди.

— Лекин биз урушни мутлақо истамаймиз,— дейишди янги министрлар.— Биз Жакомонга ўхшаган эмасмиз.

Чинакам концертга тайёргарлик кўриб, музикада машқ қилаётган Жельсомино билан бир мухбир суҳбатлашиб, бу тўғрида мақола ёзмоқчи бўлди.

— Уруш дейсизми?— деб сўради Жельсомино.— Душманга дарҳол урушни тўхтатишни, унинг ўрнига футбол ўйнашни таклиф

қилинг. Ұйин оқибатнда эҳтимол битта-яримтасининг оёғи лат ер, лекин ҳарҳолда қон тўкилмайди.

Бу фикр душман томонга ҳам ёқиб қолди, чунки уларнинг ҳам урушга тоқати йўқ эди. Футбол ўйини яқинда, дам олиш куни бўлиб ўтди. Жельсомино, албатта, ўзининг командасига ён босарди. У ўйинга берилиб кетиб: «Бўш келма! Бўш келма!»— деб қичқириб юборган эди, копток душман дарвозасига отилиб кирди. Эсингизда бўлса керак, қадрдон қишлоғида ҳам худди шундай воқеа бўлган эди.

«Бу урушни шундай ноҳақ ғалаба билан тугаллаш ярамайди,— деди Жельсомино ўз-ўзича.— Буни футбол ўйини дейилади, ҳар қандай кўзбўямачилик ўйин қондасига хилоф».

У шу заҳотиёқ иккинчи дарвозага ҳам тўп киритди. Агар унинг ўрнида бўлганингизда, эҳтимол сиз ҳам шундай қилардингиз.





ЯНГИ ЁШ  
Аرچۇلار  
سايёрاسى

## ИНСОН САМОДА

- Капитан, инсон самода!
- Тушунарли. Қайси квадратда?
- Тўппа-тўғри дум томонда.
- Тез ўтабноклини беринг!
- Хўп бўлади, капитан!

## БИР ОЗ МАВЗУДАН ТАШҚАРИ СУҲБАТ

Илк бор бу воқеани бир синьорга сўзлаб бераётганимда «ўтабнокль» сўзини эшитиш билан у шартта сўзимни бўлди:

— Бошланлиши чатоқ, муҳтарам ўртоқ! «Инсон самода!» Бу нима деганингиз? Толган гапингизни қарангу. «Кемадан сувга тушиб кетган одам!» дейиш кераклигини ҳатто ёш бола ҳам билди-ку. Ундан кейин, дум эшакда бўлади, эшак минганини капитан дейиш қайси каллаварамнинг хаёлига келади? Энди малол келмаса, «ўтабнокль» деганингиз нима у, шуни бир тушунтириб бера олмайсизми? Балки, у туяга ўхшаган букур бирорта жонивор ё махлуқ бўлса керак?

— Доктор,— дедим мен (ҳойнаҳой у кам деганда доктор бўлиш керак, чунки бўйинга галстук таққан ва шими тахтадай қилиб дазмолланган эди-да. Римда шундай кийинган жанобларнинг деярли ҳаммаси қайсибир бир фаннинг доктори бўлиб чиқади).— Доктор, сизнинг ўринингизда бўлганимда санамай саккиз демасдан дарров танқидга ўтиб кетавермасдим,— дедим мен.

— Тағин, дум томондан эмиш...— деди киноя қилиб у.

— Ҳозиргина сўзлаётган воқеа,— унинг пичингига эътибор бермай, вазминлик билан гапимда давом этдим мен,— ҳавосиз бўшлиқда парвоз қилаётган космик кема бортида содир бўляпти. У ерда денгиз ёки кўл у ёқда турсин, ҳатто жилғача ҳам йўқ. Кема атрофи қоп-қоронғу бўшлиқдан иборат, шунчалик қоронғики, қараб туриб кўзингиз тиниб кетади. Шунингдек, суҳбатдан ойнадай равшан бўлиб турибдики, вахтадаги навбатчи кема ҳалокатига учраган кишини дум томондаги прожекторлар нурида кўриб қолган. Бундай вазиятда фақатгина «инсон самода» деб қичқириб ғоят ўринлидир. Сизларга тағин бир гапни айтаман. Ушбу космик аппарат, бу ҳақда кейинроқ тўхталиб ўтамиз, илгари ёғоч от шак-

лида эди. Унинг думи ҳам бор эди, ҳа-ҳа, ажабланманг. У ёғини сўрасангиз, самовий жисмларнинг, масалан, кометаларнинг ҳам думлари бўлади. Уларни думли юлдуз дейишлари шундан! Демак, думлар самоннинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишига тамоман ҳақли экан. Энди ўтабиноклга келсак, бунинг қандай нарса эканлигини билмоқчисиз, шундайми? Бунинг маъноси мукамаллаштирилган бинокль дегани бўлади! Унинг учинчи тубуси ҳам бўлиб, уни истаган пайтда орқага, яъни тескари томонга қаратсангиз ҳам бўлаверадн, шунда орқангизда, яъни айтиш мумкинки, дум томонингизда рўй бераётган ҳамма воқеаларни ҳеч ўгирилиб ўтирмасдан бемалол кўришингиз мумкин. Менинг фикримча, бу бағоят фойдали кашфиёт. Айтайлик, шундай ўтабиноклингиз бўлса, футбол ўйини пайтида сиз фақат яшил майдондаги ўйинни кузатибгина қолмай, орқангиздаги ютқизаётган команда мухлисларининг ҳолатидан мириқиб ҳузурланишингиз мумкин. Қалай, зўрми?

Доктор ўзича алланималарни минғирлаб, шимнингғи жимланган жойини текислади-да, уни зарур ишлар кутаётганини эслаб қолди ва воқеанинг давомини эшитмай, секин жуфтакни уриб қолди. Уриб қолган бўлса, бизга нима, ўзига-да. Биз эса мавзудан ташқари суҳбатимизга нуқта қўйиб, ҳаммасини қайтадан бошлаймиз.

## СИНЬОР ЭКС-ПАУЛИОС

Капитан ўтабиноклини қўлига олиб, зўр қизиқиш билан кема ортидаги нурда сузиб кетаётган фазо саяҳатчисини кузата бошладн.

— Ие, катта ёшдаги одам эмас, ёш бола-ку,— деди у ҳайрон бўлиб.

— Бунинг ҳеч ажабланидиган жойи йўқ, болалар ҳар доим иллюминаторга ёпишишади,— деди штурман.— Баъзан шунақа бортдан ташқарига чиқиб қолишганини ўзлари ҳам билмайдн.

Капитан кулди:

— У ўйинчоқ отта миниб олибди. Демак топшириқ бажарилган. Лекин сафсатани йиғиштирайлик. Магнит майдонини ишга солинг!

Буйруқни айтиб улгурмасданоқ от ўз сувориси билан секин-аста яқинлашиб, космик кема «қорнига» оҳишта ёпишди. Дарҳол люк очилиб, кема ҳалокатидан жабр кўрган болани борт ичкари-сига олишди.

Афтига қараб болани тўққиз ёки ўн ёшга кирган деса бўларди. Сочлари қоп-қора, кўзлари катта-катта бўлиб, эғнига мовий ранг камзул кийиб олган эди. У отидан дик этиб сакраб тушди-да, қўлларини кўксига босганча атрофига тўпланган экипажга виқор билан кўз ташлаб қўйди. Саломлашишни ҳам ўзига эп кўрмай, у ниҳоятда жиддийлик билан:

— Шунн билиб қўйингки, мен ўзимни бир дақиқа ҳам сизларнинг асирингизман деб ўйламайман,— деди.

— Асирингизман дейдими?— ҳайрон бўлди капитан ва соқола-ни силаганча ўйга толди.— Ҳеч нарсага тушунолмадим.

— Модомики ўзингиз ҳеч нарсани тушунмас экапсиз, унда мендан сўрашингизнинг ҳожати ҳам йўқ.

— Жилла қурмаса, сен бизга бир нарсани айтарсан. Отинг нима?

— Менинг отим Марко Милани. Сизнинг-чи?

Экипаж аъзолари бир-бирларига мугомбирона кўз қисишиб кўйишди, капитан эса соқолини силаганча шундай деди:

— Сен, болакай, жуда нозик жойдан тутдинг-ку. Бундан бир ҳафта олдин мени Паулюс деб чақирдишарди. Қарийб икки йилча мен шу исмда юрдим, кейин у кир кўйлакдай жонимга тегди. Охири ундан воз кечиб қутулдим. Бўлак исмни ҳозирча топа олганим йўқ. Беним юрибман. Қани, айт-чи, сен менга қандай исмни муносиб кўрган бўлардинг?

Марко унга ишонқирамай қараб қўйди.

— Ҳм... ҳазиллашяпсиз. Сизнинг исмингиз — ҳарбий сир! Шунинг учун уни сирлигича сақлай қола қолинг. Мен эса уни билишга ўлиб турганим йўқ. Айтгандай, кема капитани сизмисиз?

— Соат тўққизгача. Биз бу ерда навбат билан капитанлик қиламиз, — деб жавоб берди Экс-Паулюс.

— Бу ердагиларнинг ҳаммаси капитанми?

— Генерал, полковник, майорлар қандай бўлса, шундай. Унвон ва фахрий номларнинг бу ерда бир чақалик қиммати йўқ.

— Унвонларнинг бир чақалик қиммати бўлмайдиган бундай жой қаер экан?

— Қаер бўларди, бизнинг сайёрамиз-да.

— Мен ҳам худди шундай ўйлаган эдим — сизлар ерликка ўхшамайсизлар.

## ЕРҚИН САЙЁРАСИ

Марко ўта қизиқиш билан фазогирларни кўздан кечира бошлади, лекин уларнинг қиёфасида ҳеч қандай ғайриоддий нарсани кўрмади: на бошларида антеннали қалпоқча, на пешоналарида шохлари бор эди. Уларнинг баъзиларида соқол, бошқаларида мўйлов бўлиб, қолганлари эса соқол-мўйловини қиртишлаб олдириганидан някларни қайроқдай ялтирарди. Ҳаммасининг иккитадан қўли ва иккитадан оёғи, қўлларида бештадан бармоғи бўлиб, бурун, кулоқлари, одатдагидай, ўз ўрнида эди. Фазогирларнинг бари камзулда. Балким улар шу кезде ухлашга ҳозирлик кўришаётгандир, деган хаёлга борди Марко.

— Сизнинг сайёрангизнинг номи нима? — деб сўради у.

— Шунчаки сайёра деймиз, холос.

— Сиз айтдингиз-у, мен лаққа ишониб қўя қолдим! Тарни ўша ҳарбий сир денг.

— Нега ундай дейсиз? Сиз ўзингизнинг сайёрангизни нима деб атагансиз? Шунчаки Ер, шундай эмасми? Фақат бошқа сайёраларга ҳар турли ғалати номларни тақагансиз — Марс, Меркурий ва ҳоказо.

— Сизлар Ерни нима деб атайсизлар?



Капитан кулиб жавоб қилди:

— Ерқин сайёраси деб атаймиз.

— Ерқин? Бундан чиқди, мен ёрқинлик эканман-да? Қойил! Буни бизнинг Тестачодагиларга сўзлаб берадиган бўлсам, ҳатто қассобнинг музхонасидаги нимталанмаган гўштларнинг кулгидан ичаклари узилиб кетади.

— Тесчатто нима дегани ўзи?— қизиқиб сўради Экс-Паулюс.

— Ҳеч нарса! Ҳарбий сир!— гапни чўрт кесди Марко.— Ерқин... Хўп, майли, энди гапдан ишга ўтайлик. Айтнинг-чи, қандай қилиб мен бу ерга келиб қолдим, мени шу нарса қизиқтиради.

— Қандай қилиб бу ерга келиб қолганингни сен бизга айтиб беришнинг керак,— деб жавоб қилди капитан.— Биз-ку, фақат сени Сомон Йўлида сайр қилиб юрганингда магнит майдони ёрдамида тутиб олдик. Ҳолбуки, сенинг келишингни кутган эдик. Чунки бу зонада қатнаб туришга ва кема фалокатига учраганларни бортга олишга буйруқ олганмиз. У ерда, тепадагилар, сенинг саёҳатга чиқишингдан воқиф бўлганлари учун шундай буйруқ беришган бўлиши мумкин.

— Менга қолганда-ку Римни ташлаб чиқишни хаёлимга ҳам келтирмасдим. Ахир бундан бир неча минутгина илгари ўз ётоқхонамда эдим, саёҳат қилиш етти ухлаб тушимга кирмаганди.

— Азизим, тепадагилар ҳаммасини билишади.

## ЁҒОЧ ТОЙЧОҚ

— Қандай бўлмасин,— дея гапида давом этди Марко,— менинг қисқагина сайр-саргузаштларим хйла аҳмоқонадир. Ҳаммаси мана шу туғилган кун деб бўлди. Билмасангиз билиб қўйинг, мен бугун тўққизга тўлдим. Менга бобом тебранма ёғоч тойчоқ совга қилганларида қанчалик жаҳлим чиққанини сиз тасаввур ҳам қила олмайсиз. Агар бу дўстларимнинг қулоғига бориб етсами, унда яхшиси, Тестачода бошқа кўринмаганим маъқул, деб ўйладим ўзимча. Гап шу ерда қолсин-у, бобом менга дизель моторли самолёт модели совга қиламан, деб ваъда бергандилар. Ўзингиз биласиз, хафа бўлганимдан фиғоним фалакка чиқиб кетди.

— Нега энди? Ёғоч тойчоқдан яхши ўйинчоқ бор эканми!

— Тўғри. Лекин бу жажжи кичкинтойлар учун яхши ўйинчоқ! Мен уни кўздан йироқроқ ётоқхонага яшириб қўйдим. Уни ҳатто бутун кун бирор марта эслаганим ҳам йўқ. Кечкурун ётншдан олдин ечинатуриб унга кўзим тушди-ю, яна таъбим хира бўлди. У-чи, ҳеч нарса бўлмагандек, жиннивойга ўшаб ўша-ўша жойида жим турибди. Ҳа, бети мана бунақа бадбашара қилиб бўяб қўйилганича бир томоша қилинг-а! Энди уни нима қилдим, қаёққа йўқотдим дея роса бошим қотди. Кейин шунчаки қизиқчилик учун уни би- минмоқчи бўлдим. Оёғимни шундоқ узангига қўйганимни бил- манми, бирдан моторнинг тариллаган овози эшитилди, атрофни қоронғулик босди, нафасим ҳалқумимга тикилди, қўрққанимдан кўзларимни чирт юмиб олдим... Бир пайт кўзимни очсам, мана шу

тойчоқда ўтирибман-у, баландда, Римнинг томлари узра учиб юрибман.

— Қойил!— деди хушчақчақлик билан капитан.

— Ҳечам-да! Аввало биргина камзулда бўлганим учун роса совуқ қотдим. Ундан ташқари, ёғоч тойчоқни уддалаб кўринг-чи. «Орқага! Дарҳол уйга, Ерга қайт!»— дея бақираман, холос. Қаёқ-да! Ҳеч қаёққа бурилмай, тўппа-тўғри Ойга қараб учгандан учиб кетаяпти! Узи бўлса ўша-ўша, дастлаб кутисидан суғуриб олган кезимда қандай бўлса, ўша аҳволда денг — бадбашара, ялтираган шиша кўзи ва бунинг устига қулоқларига қиниқ тўлдирилган. Ҳамма жойи ёғочдан, ёнда бирорта ҳам чин тола йўқ, бошдан-оёқ кўлда бўёқлар билан чизиб чиқилган. Қорнига уриб кўрсангиз Сорми, у худди ногорадай ичи бўм-бўш, даранглаб ётбди! Унинг га ичиди, на ташида ҳеч қанақа мотор-потори йўқ ва бўлмаган ҳам, думи остида ҳам парракдан асар кўринмайди. Шундай бўлса ҳам у учиб кетаяпти. Қандай қилиб учаяпти, нима қилиб учаяпти, буёғи ажабдан-ажаб! Лекин ростакамига учаяпти. Сизлар Ерқин деб атаган Ер ҳам тез орада ҳув узоқда қолиб кетди. У бамисоли худди ҳаворанг жажжи тақсимчага ўхшарди. Кейин эса у тўсатдан бошим узра баландда пайдо бўлди: мен олдинга биз юқорига қараб учаяпмиз деб ўйлабман, кейин эса биз гўё паства қараб тўнғиётгандек бўлдик, худди қандайдир тубсизлик сари визиллаб тушиб кетаётгандек, аъзойи баданим бўшашиб, ғалати ҳис қилдим ўзимни. Ерқин бўлса тобора кичрайиб-кичрайиб, атрофидаги миллионлаб майда нуқталар сингари бир миттигина нуқтага айланиб қолди. Алвидо, Рим! Энди тамом бўлдим,— деб ўйладим ўзимча. Фазода йўқолдим. Қаердалигимни ота-онамга хабар қилиш учун ҳеч қандай имкониятим йўқ.

— Дарҳақиқат, жуда зўр томоша бўлган экан,— деди капитан.

— Уни томоша қилишга ҳол қанийди, дейсиз, ҳаддан ташқари асабилашгандим. Бир ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўринг-чи — ёғочдан ясалган тоқ туёқли тўртоёқ махлуқ сизни осмонга кўтариб обқочса! Ҳойнаҳой, мени топиш учун отам бутун шаҳарни ётқизиб-турғизаётгандир шу топда.

— Қим билсин?... Агар янглишмасам, Рим соатларининг мурватлари йигирма учдан ўн беш минут ўтганлигини кўрсатаяпти. Ота-онанг сени тўшагида аллақачон ухлаб қолган деб ўйлашаётгандир,— деб жавоб қилди капитан.

— Сиз айтгандай бўла қолсин ҳам дейлик. Эртага эрталаб-чи? Бўлди, бу ҳақда бошқа ўйламайман. Қолаверса, менинг сизларга бешча айтадиган гапим қолмади. Ҳа, кейин олдинда, биқинида нур сочиб турган юзлаб дарчалари ва туёқларида ёниб турган электр лампочкалари бўлган каттакон отга ўхшаш нарсани кўрдим. Айни шу пайт сизлар мени ўз кемаларингизга киритиб олдиларингиз. Бор гап шу.

Ҳикоя охирлаб қолганда космонавтлар хахолаб кулиб юборишди.

— Кулинглар-а, кулинглар!— деб тўнғиллади Марко.— Фақат бени қайта манзилимга элтиб қўясизлар.

— Йўқ,— деди капитан.— Узоғи билан икки соатдан сўнг сайёрамизга кўнәмиз. Бу ёруқ шунақа.

Марко ўз норозилигини изҳор қилмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди ҳамки, бирдан юз мингтача қутурган итнинг вовуллашига ўхшаш қулоқни тешиб юборадиган шовқин эшитилди. Космик котишнинг деворлари зириллаб кетди. Репродуктордан ташвишли овоз эшитилди, аммо нима дейилаётганини англаш қийин эди.

## ИТЛАРНИНГ ИТИ

— Тревога! Биз қуршовда қолдик!— капитал Экс-Паулюс Маркони қўлидан ушлаб олди.— Менинг кабинамга юр! Тезроқ! — Улар тор зинадан юқорига интилдилар.— Менинг навбатчилигимда соат тўққиз бўлмасдан ҳужум бошлангани яхши бўлди,— деди сўзида давом этиб капитан.— Капитан рубкасидан яхши кўринади — у отининг бош қисмига жойлашган. Қара!

Тоғдаги қишлоқ уйлариининг айвонига ўхшаб, кабинанинг ҳамма ёғи ойнаванд эди. Космик кеманинг ён ёғидан баҳайбат махлуқлар қўшинининг учиб келаётгани яққол кўриниб турарди. Улар қулоқни қоматга келтириб вовуллаганча ўзларини куч билан кемага келиб урар эдилар.

— Не, булар оддий итлар-ку!— деб ҳайрон бўлди Марко.— Жин урсин, учувчи итлар!

— Итларнинг ити,— деб аниқлик киритди капитан.

— Булар ҳам отингизга ўхшаган астронавтларми? Еки душман қўшинларими?

— Йўқ, йўқ! Булар шунчаки мурдор ҳайвонлар. Бу ёққа қара, уларнинг қаноти бор деб ўйлаган бўлсанг керак, тўғрими, аслида қанот эмас, уларнинг қулоқлари шунақа экан. Улар думларини парракка ўхшатиб айлантиряптилар. Шунинг учун ҳам учаяптилар.

— Вовуллашаяпти ҳам...

— Ҳаддан ташқари қаттиқ вовуллашаяпти. Буни кучли акустик ҳужум дейилади!

Итларнинг итидан бири кабина ойнасига тумшугини тираб, бошини ичкарига суқмоқчи бўлди. Унинг панжаси, қорни, ҳатто кўзлари ҳам вовуллаб товуш чиқараётгандек эди. Марко қулоқларини маҳкам беркитиб олса ҳам чор атрофни тутиб кетган кучли вовуллаш шовқинидан қутила олмади.

Итларнинг итидан бири қозик тишларини тиржайтирганча ҳоиз ойнаснин ғажиб ташламоқчи бўлганини кўриб Марко:

— Эҳтиёт бўлинг!— деб қичқирди.

— Қўрқма,— деб тинчлантирди уни капитан.— Сиямайдиган ойна. Ундан ташқари, ҳурадиган итлар, ҳатто вовуллайдиган итларнинг ити ҳам ҳеч қачон қопмайди, буни сен билишинг керак. Улар бизни еб қўймайди. Лекин овозидан қулоғинг битиб қолиши мумкин. Улгудек жирканч махлуқлар. Бахтимизга кемамиз уларни ортда қолдириб учаяпти.

— Дарвоқе, итларнинг итини бирйўла қириб ташлаган маъқул эмасмикан? Қулогингиз тинчирди-қоларди,— деди Марко.

Капитан Экс-Паулюс таажжуб ила Маркога қаради.

— Қириб дейсанми?— қайта сўради у.— Нима деганинг бу?

— Қириш — бу яқсон қилиш, таг-томири билан қуритиш, куяни кўкка совуриш дегани-да. Сизда «қирувчи шур» йўқми? Еки овозсиз тўппончаларми? Гангстерлар ҳақидаги фильмларни кўриб, ҳеч нарса ўргана олмадингизми?

Капитан Экс-Паулюс илоҳий соқолини силаб қўйди.

— Қулоқ сол,— деди у,— сен билан сўзлашаётганимиз ва сенинг тилингни тушунаётганимиздан негадир ҳайрон бўлмаяпсан. Мана бу электрон таржимон бор-ку: шу бизнинг жонимизга ора кириб турибди.— Капитан камзулининг ёқаси тагига яшириб қўйган жажжигина тугмачани кўрсатди.— Лекин ё аппарат ёмон ишлайоти ёки сен ҳали бизга маълум бўлмаган янги сўзларни ишлатаётгирсан. Барибир мен сени мутлақо тушунмаяпман. Қириш... Нима дегани бу?

Марко хахолаб кулиб юборди.

— Кечирасиз,— деди у,— лекин кулгим қистаяпти-да. «Қириш» дунёда энг кенг тарқалган сўз-ку. Уни энг қадим замонлардаги одамлар ҳам билишган.

Аmmo унинг гаплари энди Экс-Паулюснинг қулогига кирмаётганди. У микрофонга қараб бақирганча қандайдир буйруқлар бера бошлаганди. Кейин қандайдир тугмачаларни босиб, ричагини сурди, кўп ўтмай космик кема тезлигини ошириб вовулловчи итларнинг ити галасини осонгина ортда қолдирди ва коннот кенглиги томон парвоз қила кетди.

## КАМЗУЛДА ҚУНИШ

Шу вақт кимдир кабина эшигини тақиллатди.

— Соат тўққиз. Менинг навбатчилигим тугади. Хайр,— деди Экс-Паулюс.

Эшик олдида узун бўйли, ғамгин юзли бир киши пайдо бўлди. У капитанга қараб:

— Омадинг бор экан-а!— деди.— Мен эса бундай томошадан баҳраманд бўла олмадим.

— Нима ҳам қила олардинг ҳамма иш жадвал бўйича олиб борилгандан кейин,— деди унга жавобан Экс-Паулюс.— Бошқа маҳал томоша қиларсан энди. Таниш, Марко. Бу киши капитан Петрус бўлади,— деди Экс-Паулюс Маркога.

Марко янги капитан билан қўл олиб сўрашар экан, шу маҳал бошқа юлдузлардан кўра ёрқинроқ бир юлдуз унинг эътиборини тортди. Юлдуз жуда тез яқинлашиб келмоқда эди. Марко юлдузнинг номини сўраб улгурмасданоқ, у кўм-кўк доирага айланиб қолди. Доира борган сари катталаниб, унинг юзида океан ва қитъаларга ўхшаш белгилар кўрина бошлади.

«Ҳойнаҳой ўша ерга бориб тушсак керак»,— деб хаёлидан ўт-

казди Марко, ammo индамади. Петрус ҳаддан ташқари хотиржам эди, демак, қўрқувга ҳожат йўқ. Қайтанга янги капитаннинг чиройи хиёл очилгандай эди.

— Мана, уйга ҳам етиб келдик,— деди у.— Бу бизнинг сайёра-миз бўлади. Тезликни камайтириш мақсадида уни икки бор айла-ниб ўтиб, кейин сенинг рухсатинг билан қўнамиз.

Ҳамма иш Петрус айтгандек аниқ бажо этилди. Қосмик кема сайёра атмосферасига кириши билан ҳаммаёқ худди кундузгидек ёришиб кетди, шу сабаб бортдаги эҳтиёж бўлмаган нур берувчи қурилмалар ўчириб қўйилди.

Эс-ҳушини йўқотаётган Марко нотаниш сайёрага оёқ босганида соат миллари тўққиз яримни кўрсатиб турарди. Шу топда у ўзининг тунги жомасида бўлганлигидан хижолат чекмоқда эди. Лекин Экс-Паулюс, Петрус ва бошқа фазогирлар ҳам шундай камзулла эдилар, афтдан, кемани ташлаб чиқиш олдидан ҳеч ким энгил-бошини алмаштирмасди. Бу сайёрадагилар римликлардан бошқа-ча экан, деб ўйлади болакай ўзича. «Балким, ётишдан олдин галс-тукларини бўйинига боғлаб олишадими». Салдан кейин эгнидаги кийимига ҳам эътибор бермай, ён-атрофга разм сола бошлади.

Дарҳақиқат Марко учиб келган қосмик кема унинг тойчоғига икки томчи сувдек ўхшарди. Зеро улкан аэродромнинг учинч майдонида турган бошқа аппаратларнинг ҳаммаси ҳам ердаги оддий ракеталардан заррача фарқ қилмасди. Улар ҳеч бир овозсиз осмонга кўтарилар ва ерга қўнар эдилар. Марко теварак-атрофни кўздан кечириб улгурмаган ҳам эдики, ўзи томон пешвоз келаётган тўққиз ёшлар чамасидаги, унинг ўзига ўхшаш қора соч, ammo сариқ пияжамали болага кўзи тушди. Бола бамисоли меҳмонни кутиб олаётган мезбондай хотиржам кадам ташлаб келарди

## ЯНГИ ЙУЛБОШЛОВЧИ

— Марко!— деб хитоб қилди ҳалиги бола.— Салом! Саёҳатинг бешикаст-бехатар ўтдими ишқилиб?

«Қизиқ, ким бўлди экан бу бола? У мени қаёқдан танийди? Мен уни илгари ҳеч қаерда кўрмаганман!» Тестачода, ўз ҳайратини яшира билган киши обрўсини сақлайди, деган нақл борлигини Марко вақтида эслаб қолди-ю, унинг саломига мингирлабгина алик олди ва бошини энгил силкиб қўйди.

— Нима, нима?— деб бола жилмайиб қайта сўради.

— Саёҳат яхши ўтди, деяпман,— жавоб берди Марко,— гарчи бирор ёққа боришга ҳеч ҳам хоҳишим йўқ бўлса ҳам. Бу ерга мени раъйимга қарамай олиб келишди, шунинг учун норозилик билдираман!

— Йўқ, эшитяпсанми?!— деди капитан Петрус кулиб боланинг елкасидан қоқиб қўяркан.

— Ассалому алайкум, Экс-Паулюс!— Нотаниш бола энди на-риги капитанга қараб мурожаат қилди.— Ўзингизга янги исм ўй-лаб топдингизми? Энди сизни нима деб чақирамиз?

— Йўқ, ҳали ҳам билмай турибман. Ун исми ун бўлак қозоғга ёзиб иляпага ташлайман-да, таваккал қилиб биттасини оламан. Бу масалада ёрқинлик менга ёрдам бергиси келмади.

— Нега энди? Қари Суварак деб номлашни таклиф этаман,— деб қўполгина жавоб берди Марко.

Урталаги ноқулайлиқни яшириш мақсадида ҳамма кулиб юборди.

— Бўпти, юра қол,— деди Петрус.— Кема ҳалокатига учрагани сенга соғ-саломат топшираман. Ҳатто унинг битта тугмачаси ҳам йўқолгани йўқ.

— Қандай қилиб?— ачиқланди Марко.— Ҳозироқ мени қайта Ерга жўнатишингизни талаб қиламан! Қаерга олиб келиб ташладилар мени? Бу ҳам етмагандай, қандайдир боғча болага топшириб қўйяпсизлар!

— Нима қилишимни ҳам билмай қолдим, аммо буйруқ шунақа,— деб жавоб берди Петрус.— Агар йўқ демасанг, мен сен билан хайрлашсам, сенга энг яхши тилакларимни...

— Лекин сиз мени бу ерда шуидоқ қолдириб кетмассиз? Қим мени Ерга олиб бориб қўяди?

— Хотиржам бўл,— деб қичқирди Экс-Паулус экипажнинг бошқа аъзолари билан бирга ундан узоқлашаркан — Сенга яхши йўлбошловчи ҳамроҳ бўлади.

Марко газабини изҳор қилш учун сўз топа олмади. У фазогирларни бир-бир кўздан ўтказди-да, кейин космик от-кемага қаради, унинг тумшугида аке этган аҳмоқона ифода ўзининг ўйинчоқ ёғоч тойчоғининг худди ўзгинаси эканини пайқаб қолди. Марко шартта ўгирилиб болага қаради, бола эса меҳр тўла кўзларида илиқ табассум билан унга тикилиб турарди.

## АЖИБ КАЛЕНДАРЬ

— Исминг нима?

— Маркус.

— Қаранг-а!

— Мен сенга айтсам, сенинг шарафингга шундай бўлди. Кечагина Юлиус эдим. Бугун эса сени кутиб олиб, сенга ҳамроҳ бўлишим керак, менга шундай топшириқ берилган. Мен беҳад хурсандман. Ҳаммадан ҳам сен билан дўстлашганим жуда соз бўлди.

— Мен ҳам хурсандман, шунчалик хурсандманки, иложи бўлса афт-башарангни дабдала қилиб ташласам. Нима бўляпти ўзи: олдинга нимага ва қаёққалигини айтиб ўтирмай сени аспр олишса-да, кейин қандайдир боғча боласининг қўлига ташлаб, жўнаб қолишса! Ҳозир мен бу ерда шундай тўполон кўтарайки, ҳамма ёқ остин-устин бўлиб кетсин.

Худди қувончли хабар эшитгандай, Маркуснинг бирдан чеҳраси ёришди.

— Сенга нима кераклигини мен биламан. Юр!— деди-да, ёнигизга ҳам қарамай, тўғрига қараб отилди. Маркуснинг унга эрга-

шишдан бўлак чораси қолмагани. Дарвоқе, унинг учун боришнинг ҳам, қолишнинг ҳам ҳеч қандай фарқи йўқ эди.

Улар учиш майдони бўйлаб кетиб боришарди. Теварак-атроф одамлар билан гавжум. Марко уларнинг ҳаммаси камзулда, оёқларига эса уйда судрайдиган енгил шиппак илиб олишганига беихтиёр эътиборини қаратди, хуллас, улар шаҳар чеккасидаги чорбоғда қуёшнинг ялғиз тафтидан баҳра олиб, сайр қилишаётгандек кўринарди.

Уша сайёрада Марко кўрган биринчи бино — бу космодромдаги аэровокзал бўлиб, у оддий ойна ва ғиштдан қурилган, узун ва пастқам иморат эди. Фақат унинг дераза тоқчасидаги гул тўвонларда бизлар уйимизнинг айвонида ўстирадиган ёронгул ва бошқа гуллар эмас, уларнинг ўрнида номлари ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига кирмаган жажжи-жажжи Янги йил арчалари тиккайиб турарди. Ҳа, ҳа, жўи арчалар эмас, пахта қорлар, ялтироқ ўйинчоқлар, кумуш юлдузчалар ва турли рангдаги чироқчалар билан безатилган Янги йил арчалари! «Ахир кеча — 23 октябрда менинг туғилган куним эди! — ҳайрон қолиб ўйлади Марко. — Наҳотки, бу ерда Янги йилга тайёргарликни шунчалик эрта бошлашса?»

Сайёраларо аэровокзалдан сўнг дарҳол шаҳар бошланди. Уйлари, кўчалари, майдонлари бор оддий бир шаҳар. Баланд ва баланд бўлмаган уйлар, лекин бу ерда баланд бўлмаганлари кўпроққа ўхшайди, худди шундайини боғлари ҳам уйларига қараганда пастқам кўринарди. Фақатгина мана шу Янги йилнинг барвақт аломатларини айтмаса, бунинг ҳам таажжубланидиган жойи йўқ эди.

Шаҳар марказига олиб борувчи хиёбоннинг икки четида саф тортган саноқсиз адлқомат арчаларга ҳам кумуш чамбарлар, турли рангдаги чироқлар ва ялтироқ ўйинчоқлар осиб ташланган, чинакам Янги йил арчаларидан бир тус ўзгамас.

— Менга қара, — деди Марко ўз йўлбошловчисига, — бугун қайси кун ўзи?

— Янги йил кунини, — хушчақчақлик билан жавоб қайтарди у.

«Ғирт аҳмоқман-а, — деб хаёлидан ўтказди Марко, — бу сайёрада Ердагига асло ўхшамаган бошқа календарь бўлиши мумкин-ку. Ерда бугун 24 октябрь, бу ерда эса 1 январь».

Шу пайт Маркус рўпарадаги бинога кириб кетди, ёғоч тойчоқлар сақланидиган омборхона биноси бўлса керак, у ердан қўш эгарли тойчоқни танлаб, Маркога мингашиб олишни таклиф этди.

— Қўйсанг-чи, одамни аҳмоқ қилма! — деди жаҳли чиқиб қадимий римликлар авлоди, бусиз ҳам бу тойчоқларга нисбатан унинг ўз ҳисоб-китоби бор эди.

— Нима деб ўйлаяпсан? Бу бизнинг «робот»ларимиз-ку. Ўтир, кетдик. Улар бизнинг хизматимизга ҳамниша ҳозир у нозир.

— Таксига ўхшабми? — деб пичинг қилди Марко. — Унда счётичиги қани? Хуллас, кира ҳақини кимга тўлашим керак?

Маркус унга ажабланиб қаради.

— Кира ҳақи деганинг нимаси? — деб кулди у. — «Роботлар» ҳамманики. Кимга керак бўлса, мишиб кетаверди.

Егоч тойчоқ секинлик билан жойидан майин қўзғолди-да, енгил тебранганча илиқ ва ёқимли ҳаво қўйнида олға томон уча бошлади. Марко аллақачон лол қолиши лозим бўлган ҳолатни эндигина англади. Ҳзи Янги йил қирчиллама қиш пайти бўлса-ю, кўчага едвагай камзулда кетаяпти, бироқ унинг ҳатто қўли ҳам совуқ ўтгани йўқ. География фани бўйича камтарона билими унга шу пайт жуда асқотди-да. Ерда ҳам, худди Италиядагидай, январь ойида жазирама иссиқ бўладиган мамлакатлар борлиги ёдиға тушди. Шунга қарамай, кўнглида қандайдир шубҳаланиш аломатлари бор эди-ю, аммо бошқа таассуротлар уни тезда босиб кетди.

— Қара, ҳамма магазинлар очик-ку!— яна ҳайрон бўлди у.

— Бунинг нимасига ҳайрон бўласан? Улар ҳар доим очик туради. — жавоб қайтарди Маркус.

— Э-ҳа, бугун Янги йил-ку! Бизда бу кун ҳамма дам олади.

Маркус индамади.

«Қандайдир ғалати Сайёра экан бу!— деб ўйлади Марко.— Такси ўрнига ўйинчоқ отчалар юрса, Янги йил кунинда магазинлар очик бўлса... Бу ерда нима бўлаётганини шайтоннинг ўзи ҳам билмайди!»

Хиёбондаги уйлар ғоят саришта кўринарди. Ялтироқ ўйинчоқлар билан безатилган Янги йил арчаси қўйилмаган бирорта балкон ёки уй даричаларини топиш қийин эди. Шаҳар ҳокимлари, шубҳасиз, жуда ҳам фуқароларвар одамлар экан, улар озмунча жон куйдирмаганлари шундоқ кўришиб турибди-да. Бундан зўр безатилган шаҳарни тасаввур қилиш қийин. У «Италтурнст» самолётларида учинг деган реклама афишасидай гўзал эди. Барибир ҳамма жойда магазинларнинг очиклигига таажубланмай бўлмасди. Балки бугун 1 январь эмасдир? 31, ё бўлмаса 27 декабрдир? Одатда Янги йилга олдинроқ ҳозирлик кўрилади, магазин хўжайинлари ҳам савдо-сотик кўпроқ бўлишидан манфаатдор-ку.

— Маркус! Кеча қандай кун эди?— деб сўради Марко.

— Янги йил,— деган жавобни эшитди у.

«Ана айтмадимми, мен ҳақ бўлиб чиқдим,— хурсанд бўлди Марко,— бугун Янги йил бўлмагани учун ҳам магазинлар очик. Янги йил кеча бўлиб ўтган. Бироқ...»

— Эртага қандай кун бўлади?

— Янги йил. Мен сенга боя айтгандим-ку.

— Лекин Янги йил кеча бўлиб ўтганди-ку!— деди хушобни ошиб Марко.

— Ҳа-да, кеча, бугун, эртага... ҳар доим! Бизда йил — ўн икки ой Янги йил бўлади.

— Қўйсанг-чи!— деди баттар ғазабланиб Марко.— Сизлар одамни калака қилиш билан овора экансизлар. Мен сенга башарани дабдала қиламан деб ваъда бергандим, афтидан, бу ишни холисанилло адо этишнингга тўғри келади.

— Биз худди ўша ёққа кетяпмиз-да, фақат бир оз сабр қил.

— Қаёққа боряпмиз?

— Қаёққа бўларди, кўнглига сиққанча, хумордан чиққунча тўполов қилсанг бўладиган жойга-да.



## ХОҲЛАГАНИНГЧА БУЗ, СИНДИР!

Марко нима дейишини билмай қолди. Шу орада улар кўзланган манзилга ҳам етиб келишди. Атрофи билан Янги йил арчалари билан ўралган хибон уларни кенг майдонга олиб чиқди. Марконинг нигоҳи олдига катта-катта ёрқин ҳарфлар билан: «Хоҳлаганингда буз, синдир!» деб ёзиб қўйилган чиройли саройга тушди. Сарой дарвозасини эса: «Қундуз ва кечқурун хоҳлаган вақтда бемалол очиб кириш мумкин» деган ёзувлар беэаб турарди.

— Омадинг бор экан,— деди Маркус.— Ремонтдан кейин саройнинг очилганига икки кунгина бўлди, уни кун кечадан бошлаб буза бошлашди. Агарда бир ҳафта кечроқ келганингда борми, бу ерда қуруқ вайрона устидан чиққан бўлармидинг.

Болалар ёғоч отни йўл четида, шунга ўхшаш «роботлар»нинг анчагинаси йиғилиб ётган жойда қолдириб, ўзлари бино ичкари-сига кириб кетишди.

Маркуснинг гапига қараганда, бундай саройни қуриш фикри ўтган асраёқ туғилган экан. Уни таниқли астроботаник таклиф этган, унинг машҳурлигининг сабаби шундаки, у уйдан чиқмай туриб энг узоқ сайёраларнинг ўсимлик дунёсини бекаму кўст тасвирлаб бера олган. У эмзакдошлик бўйича етук олим ва яхши онла бошлиғи ҳам бўлган. Болаларда ҳар доим ниманидир синдиргиси ёки бузгиси келиб турадиган хусусиятини биринчи бўлиб шу олим сезиб қолган. Бир кун қараса, унинг болаларини қўлига тушган нарса, албатта, шикаст топаверибди. Шунда астроботаник оддий ўйинчоқлар ўрнига бир неча юз энг арзон тақсимча ва коса сотиб олинди-да, болаларига совға қилибди.

Унинг икки фарзанди бўлган экан. Бу чинни идишлар хирмони-ни қатъий тартибга асосланган ҳолда чил-чил синдириб, олинган тирноқ бўлагидан ҳам майдароқ қилиб ташлаш учун бу икки тирмизакка беш кунга яқин вақт етиб ортибди, шунинг айтиш керакки, улар тўрт қўл, ҳатто тўрт оёқни барабар ишга солиб тонг отгандан қуёш ботгунга қадар меҳнат қилишларига тўғри келибди. Аммо энг муҳими шундаки, бу машаққатли меҳнатнинг якунига бориб, уларнинг бундан буён бирорта буюмини синдиришга бўлган хо-ҳишлари бутунлай сўнибди. Шундан сўнг олиқ ўзидаги бор далил ва рақамлар билан газетада мақола эълон қилиб, унда бир неча юз тарелкалар ҳисобига, агар ўтган аср нарх-навоси билан хомчўт қилганда, у анча нарсани тежаб қолганини айтибди. Чунки ўшандан бери уйда ҳеч нарса: на мебель, на коллекциядаги чинни буюмлар, на сина, на дераза ва ҳоказолар шикаст топма-гани тўлиқ исботланибди.

«Бу тажрибани кенгроқ усулда қўлланилса қалай бўларкин,— деб таклиф этибди олим.— Вақт ўтган сайин ўзини тиёлмайдиган хоҳишини сезиб қолиш, нарса синдирмай қўйиш одатда фақат болаларга хосмикан? Ёки биз катталар, бошқа тоифага мансуб эотлар бир мушакларимизнинг чинилини ёзиб қўйишга ҳақимиз йўқми? Айниқса ҳамма юмушни: кўмир қазини борми, ёғоч ва тошларга ишлов бериш борми, атомни парчалаш... ва ҳоказо, ва ҳока-

воларни биз учун машиналар бажараётган ҳозирги пайтда бу жуда ҳам керакли нарса-ку».

Мақола анча катта ва ишонарли чиққан эди. Орадан икки ҳафта ўтгандан сўнг «Хоҳлаганингча буз, синдир!» саройини қуриш масаласи бир ёқлик бўлган. Уни жуда қисқа вақтда қуриб битказилди. Бино кўп қаватли бўлди, барча қаватлардаги хоналари турли хил мебеллар билан жиҳозланди, сервантлар ва чинни сақлашга мўлжалланган буфет-шкафлар идиш-товоқлар билан лиқ тўлдирилди. Буларнинг ҳаммасини — ликобчаларни, стаканларни, гиламларни, столларни, стулларни, диванларни, эшнкларни, ойналарни — бемалол уриб синдириш, йиртиш ва ишдан чиқариш мумкин эди.

Боалар белгиланган кунда ўқитувчилари бошчилигида саройга елишиб, уларга бу ердаги истаган нарсаларини синдиришларига рухсат берилди. Ўз-ўзидан маълумки, бундай ишни бажаришда улар кишини узоқ ялинтириб ўтиришмайди. Шунингдек, катта ёшдаги одамлар ҳам баъзан кайфиятлари бузилиб, бирдан кўнгиллари ғаш тортганда ёки биров билан хавфлашишни истаб қолшганда, тўғри шу саройга кириб келаверишарди.

Ўз-ўзидан маълумки, уларга энг оғир ишларни бажариш топшириларди — томни, деворларни, агар керак бўлиб қолса, иморат пойдеворини бузиб, дабдала қилишлари мумкин эди. Пойдеворни емириш учун қадим Миср эҳромлари қурилишида қатнашган қулардан ҳам зиёдроқ меҳнат қилишларига тўғри келарди. Охири улар бутунлай қолдан тойиб, мадорсизланиб қолганларидан сўнг Ўзларига келиб, кайфиятлари яхшиланарди. Биров билан жанжаллашиб қолган чоғларида ёки онлада бўлган «англашилмовчилликлар» пайтида чинини ерга уриб синдириш истаги камда ёки йиллар парига сурилиб кетарди.

Ўқитисодчиларнинг рақам ва далиллар билан қуролланиб, электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида ҳисоблаб чиқаришларича, «Хоҳлаганингча буз, синдир!» саройининг бузилиши қурилишига ҳамда жиҳозланишига кетган, шунингдек, ичидаги мол-мулкка сарфланган маблағга қараганда юз баробар ортиқ пулни тежаб қоларкан, энг муҳими — 28—51 фойиз аҳолининг кайфиятини яхшиларкан. Хулласи калом, ўртада қўйилган таклиф ўзини тўла оқлаган экан.

Гап нима ҳақида бораётганини фаҳмлаган Марко, яхши кайфият унга ҳам қайтиб келишини истаб қолди.

Тунни уйқусиз ўтказганига қарамай, у ўзини тетик ҳис этарди, бинобарин, иштиёқ билан ишга киришиб кетди — бузишни у катта кийим жовонидан бошлади. Бунинг учун унга болта, болға ва велосипед насоси зарур бўлиб қолди, — ахир иш қуролинг соз бўлса, машаққатнинг оз бўлури, деб халқ бежиз айтмаган-да.

Саройнинг қўшни залларидан бирида ота-оналари ва ўқитувчилари бошчилигида камин билан беш юз ўқувчи меҳнат қилмоқда эди. Улар қўлларидан келгунча, кунг билан мебелларни вайрон қилишарди. Боаларнинг қувноқ овозлари ва болғачаларнинг тақтуқ товуши бутун бинонин ларзага солиб акс-садо берарди.

Икки соат деганда Марко биргина шифонерни эмас, балки меҳмонхона мебели комплектини ва эчки ётоқхона гарнитурасини тинчитди. «Хоҳлаганингча буз, сидир!» саройидан у бутунлай кўнгли таскин топиб чиқди, унда Маркусга гижиниб қарашди энди асар ҳам қолмаганди.

## УЗИЮРАР СКАМЕЙКАЛАР

Марко кўчадаги тасодифий чўккан жимликдан қувониб кетди. Ен-атрофдан майин ва ёқимли товушлар эшитиларди. Одамлар бир-бири билан берилиб сўзлашардилар, аммо уларнинг овозлари баланд чиқмасди, жамоат транспорти — ёғоч тойчоқлар бамисоли сув устида сузаётган қайиқдек, шовқинсиз ҳаракат қиларди. Йўловчилар ҳам олдингиздан бамисоли чангида сирганиб ўтаётгандай туюларди. Маълум бўлишича, кўпгина кўчаларда ўзиюрар тротуарлар қурилган экан. Худди метро эскалаторига ўхшаб унга қадам босишингиз билан сизни физиллатиб у чорраҳадан бу чорраҳага элтиб кўярди. Борди-ю, шаҳарнинг бошқа чеккасига бормоқчи бўлсангиз, шундоқ скамейкага ўтирсангиз, бас, бирпасла ўзингизни манзилда кўрасиз. Бундай скамейкаларнинг сони бор, саноғи йўқ эди. Улар, айниқса, қарияларга жуда мос, ҳатто шу ерда, мана шу ғалати сайёрада уларга скамейкада ўтириб вақт ўтказиш ҳам, афтидан, хуш ёқадиганга ўхшарди.

«Эҳ,— дея бехосдан уҳ тортиди Марко,— бобомнинг ҳам худди шундай ўзиюрар, боз устига текки скамейкаси бўлсайди! Ахир у кун бўйи бир жойда, уйимиз олдидаги скамейкада ўтиргани-ўтирган. Римлик пенсонерлар учун жуда боп бўларди-да, кун билан скамейкада бутун шаҳарни айланиб чиқишса, у ёғи Қолизейда Жанникологача, бу ёғи авлиё Петр черковидан Монте Мариогача! Шундай ўзиюрар тротуар Пантеона майдонида ҳам бўлсами, аминманки, бобом ўша ерга бутунлай кўчиб ўтган бўларди. Бечора бобом! Қизиқ, ҳозир у нима қилаётганикин?»

Шу топ Марко мана шу бобоси ва унинг совғаси деб Сомон йўлида адашиб қолганини эслаб қолди, балки, Тестачодан, дўстларидан ҳам тобора узоқлашиб кетаётгандир? Эндигина босилган газаби куч билан қайтадан алангеланди.

— Овқатланганим келяпти,— деди у Маркуснинг гапини қўполлик билан бўлиб.

— Жуда соз! Менинг ҳам қорним очди. Шундай экан, қаҳвахонага кетдик.

Улар ўзиюрар тротуарга чиқиб олишди ва одамлар тўла магазинлар олдидан оҳиста сузиб ўтишди. Лйтгандек, одамларнинг ҳаммаси бир хил кийимда — камзулда эди. Афтидан, бу ерда шундан бўлак кийим кийишмас эди.

«Тўғри, камзул — ёмон энгил эмас, уй шиппаги ҳам ботинкага қараганда анча қулай. Бироқ бу аҳволда кўчага чиқиш, менимча, бориб турган беодоблик-ку! Лекин бу нарсалар мени заррача қизиқтирмасди — нимада юришса юришаверишсин, бу уларнинг

яши. Менга деса ниқоб тақиб юришмайдинг, нима ишим бор! Мен бу ерда умрбод қолиб кетмоқчи эмасман-ку!»

Марко бу галати сайёрада бўлаётган барча ҳодисаларни таиқад остига олгиси келарди. Аммо бу ишни унчалик ўрнига қўёлмасди. Текни такси ва ўзинюар тротуарни ўйлаб топишганига таи бермай пложи ҳам йўқ эди-да. Шунингдек, Янги йил арчалари ҳам кайфиятни кўтарарди. Ҳаммасини ҳам қўяверингу, куннинг ёқимлилигини, ҳавода гулларнинг ҳушбўй ҳиди анқиб туришини айтмайсизми!

«Худди баҳор чоғи ажойиб боғ ичиди юргандайсан-а!» — дея беихтиёр хаёлидан ўтказди Марко.

Бу орада тротуар байрамона безатилган уйлар олдидан ўтиб борарди.

## ИСТАГАНИНГЧА УВИРЛАЙВЕР!

Марко яна бир галати ҳолатини — витриналарнинг ойнасизлигини сезиб қолди! Бу ерда об-ҳаво бунча ёқимли деса, гап бу ёқда экан-да! Бироқ бу хавфли эмасми, ўғриларнинг кунни турмайдингми? Гўё унинг шубҳасини тасдиқлагандек, нотаниш бир синьор мева витринаси қаршисидан ўтиб бораётиб шундоқ қўлнинг чўзди-да, катта бош узумга чаиғ солди, кейин хотиржам узум доналаридан узиб-узиб оғзига ташлаб ея бошлади. Атрофдагилар эса, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, бунга эътибор бермасди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, бутунлай бошқа бир нуроний қария ўзи ўтирган скамейкадан турди-да, тушиб қолмоқчи бўлгандек, тротуар чекқасига келди. Аммо у тушмади, нимадир бўлишини кутгандек, тўғрига тикилганча тек тураверди. Тротуар уни газета дўкони олдига олиб келганида чол чаққонлик билан қалингина рангли журнални юлқиб олди-да, уни кўздан кечира бошлади. Узига керакли сони эканига иқрор бўлгач, қайта скамейкага бориб ўтирди-да, журнални варақлай кетди.

«Қойилман-е, — деди Марко, яна асабийлашиб, — буниси энди ҳаддан ташқари бўлиб кетди, тағин эски сони эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун журнални атайлаб текшириб, кўриб олди-я. Наҳотки, мен ўғрилар мамлакатига тушиб қолган бўлсам? Маркус бу воқеаларни ўз кўзи билан кўриб турса ҳам негадир ҳеч нарса демасди...»

Улар қаҳвахонага етиб боргунарига қадар яна бир гаройиб воқеа юз берди. Уша журнал ўғирлаган қария ўтирган жойидан қайта туриб (шундай жонсарак одамлар ҳам бўлади-ку!) Маркуснинг олдига келди ва хушмуомалалик билан кулиб туриб ундан кичик бир илтифот кўрсатишини сўради.

— Йигитча, — деди у, — сиз учун бу иш эмас... Менга сигара керак, лекин тротуардан тушмай туриб уни ололмайман деб қўрқаман. Сиз менга биринчи учраган дўкондан бир донагина сигара олиб беролмайсизми? Витринада ажойиб сигаралар турибди. Мен уларни кеча бу ердан ўтаётганимда кўргандим.

— Бажонидил! — деб жавоб берди Маркус.

Қариянинг бу илтимосидан ҳеч ким ажабланмади.

— Фақат таилаётганингизда, илтимос, қараб олсангиз: жуда қорайгани ёки жуда оч ранги бўлмасин,— деб маслаҳат берди узум қовшанаётган ҳалиги қария.

— Ҳаракат қилиб кўраман,— деб жавоб берди Маркус.— Яхшиям эслатдингиз, мен сигараларнинг унчалик фарқига бормаيمان.

Шундай деди-да, Маркус расталар томон ўғирилди, чунки тамаки дўконига жуда яқинлаб қолган эдик-да, у энгашиб бирйўла икки дона сигара олди.

— О, жуда илтифотли экансиз!— деди қария ҳаяжонланиб.

— Иккаласидан бирини таилаб олишингиз мумкин,— деди Маркус.

— Албатта, албатта, миннатдорман!— деди таъзим қилиб қария.

У сигарадан тузукроғини таилаб олиб, наригисини чўнтагига суқди ва яна ўғирлаб олган журналини жой банд маъносида қолдириб келган скамейкага бориб ўтирди.

Марко турган жойида донг қотиб қолди. У ўғирлар тўдасига тушиб қолганини билди — заб иш бўлибди-ку. Йўқ, ундан кўра индамагани маъқул — ҳеч нарсани билмагандек юравериш керак.

«Уз дилимдагини айтишга улгураман ҳали», деб кўнглидан ўтказди у.

Улар тез орада ўзниюрар тротуардан тушиб, қаҳвахона томон йўл олдилар.

Марко олдинига бу ерда ҳайрон қоларли ҳеч нарсани сезмади — қаҳвахона римликларнинг оддий тратторийсидан асло фарқ қилмасди: ҳатто гул солинган гулдонлар оқ дастурхон ёзилган стол устида турарди. Ҳамма жойда бўлганидек, бу ерда ҳам рекламалар қўлбола таомлардан тотиб кўришга хўрандаларни зўр бериб даъват қиларди.

## «ТУЛАМОҚ» СУЗИ

«Бугун калта сихда пиширилган триштек!»

«Қурка товуқ томоғидан «до» нотасини татиб кўринг!»

«Қовурилган жўмраклар — совуғи ва иссиғи!»

Марконинг фикрича, буларнинг ҳаммаси иштаҳани етарли даражада очишга кифоя қилмасди. Лекин булар ҳали ҳолва экан. У менюга кўз югуртирганидан кейин бунга тўла амин бўлди. Меню қалин ва оғир бўлиб, худди телефон справочнигига ўхшаш катта китобдан иборат эди. Унинг ҳар бир саҳифасида уч юздан кам бўлмаган таом турлари қайд этилганди. Меню китобида ҳаммаси бўлиб уч юз мингга яқин турли-туман ошпазнинг рецептлари бор эди. Мениунинг сўнги саҳифалари бўм-бўш, оппоқ ҳолатида қолдирилган бўлиб, унга қаҳвага келган хўрандалар ўзлари ихтиёр этган таомларининг рецептларини ёзиб қолдиришни илтимос қилилганди.

Пиллус деб имзо чеккан кимса мана шундай рецептни тавсия

қиларди: «Иккита шишанинг бұғзини оласиз, биттасини шу зақотиёқ улоқтиринг, иккинчисини эса уч кун муҳлат билан авахтага жұнатасиз ва ҳар уч соатда унга яхши тайёрланган ярим кило қипиқ, шиллиққурт мугузчаси, қайнатилган вилкалар, бисквит, трисквит ва динамит шашкаларини қўшиб турасиз. Булар ҳаммасига қўнглингиз тусагунча туйилган бўр, тоғ шағали ва миҳлар аралаштиришингиз мумкин. Гарнирига уч гилдиракли велосипед шинасининг қиймаси тавсия этилади. Уни дастурхонга тортишдан аввал устига авторучканинг яшил сиёҳидан сепиб юборилса, таом алоҳида хушбўйликка эга бўлади».

Агар ошпазнинг бу таомни олиб бориб ахлат бакига ағдарнишга фаҳми етса, зўр савобга қоларди-да, деб ўйлади ўзича Марко. Бироқ шаҳарга илк бор келган ва ҳар нарсага ҳайрон қолаверадиган қишлоқига ўхшаб қолмаслик учун у шаштидан қайтди.

У меню варақлашда давом этар экан, энг гаройиб таомлар ёзилган саҳифаларда тўхтаб-тўхтаб оларди: «Нарвон зинасидан тайёрланган соусда лампочкали чўчка боласининг оёғи». «Шалоқ столча оёқлари», «Лўлича тайёрланган рухли тунука», «Фишт қиймасидан тайёрланган шўрва».

— Нимада қийма қилишди экан?— деб сўради Марко кулиб ўтирган шеригидан.— Мен уларнинг ичида каштан қобиғи ёки радио деталари бўлишини хоҳламасдим. Бундай нарсаларни сира жиним суймайди.

— Чакки қиласан. Фишт қиймасидан тотли таом бўларканми,— деди Маркус.— Бизларнинг меню сенда қизиқиш уйғотмаганига ақлим етиб турибди. Лекин биз ҳамма нарсани ейнишга ўрганганимиз: темир, кўмир, цемент, ойна, ёғоч, шунингдек миҳлар, қисқичлар, телефон кабеллари ҳам енгилгина ҳазм бўлиб кетаверади. Бизнинг сайёрамызда ҳамма нарсани еса бўлади.

— Шаҳарларингиз қандай қилиб омон қолади? Бу аҳволда уйларни ёғоч-поғочню ойна-пойнаси билан паққос тушириб қўйинингиз ҳеч гап эмас-ку.

— Бўлиши мумкин, бироқ улар бизга яшаш, ухлаш, музыка эшитиш, китоб ўқиш, дўстларни кутиш учун керак. Қалай, бу меню билан танишиб чиққандан сўнг иштаҳанг очилгандир?

— Эҳтимол. Гап шуидаки, яқинда ойим мени докторга олиб борганди, доктор мени қалдан ташқари озиб кетган, темир моддаси бор таомни кўпроқ истеъмол қилсин, деди. Қандайдир қўланса ҳидли сиропни ичишга мажбур ҳам қилди. Шунинг учун фурсатдан фойдаланиб, ўзимга ажойиб темир бифштексини буюраман.

Стол ёнига оқ курткали официант келди. У олти жуфт қўлли робот бўлиб, ҳар бир қўлида салфетка осиглиқ турарди. Шундай қилиб, унинг қўли ўн иккита эди. Робот буюртмани диққат билан эшитиб, бирдан кўздан ғойиб бўлди, аммо зум ўтмай бир дунё ликобчаларни кўтарганча яна қайтиб келди.

Сихланган темир бифштекс гоятда мазали ва хушбўй эди. Марко кўз очиб-юмгунча унинг чангини чиқарди.

— Сен тўртштекстни буюрсанг бўларди,— деб ҳазиллашди Маркус. Ҳзи эса маза қилиб сутли қаҳвани шафтоли джеми (тўғ-

пироги, қачонлардир шафтоли джеси сақланган тулука банка) билан ичарди.

Марко ғиштли шўрвадан ҳам татиб кўрмоқчи бўлганди, шўрвага шарикли ручка сиёҳи ва папирос кукунни солинганини сезиб қолиб, бу фикридан қайтди.

Робот учинчисига ҳўл мева коктейлини таклиф этди. Марко пўртаҳол шарбати ҳидини туйди, аммо Маркус бу бор-йўғи ёмғир суви билан автомобилларни мойлаш учун олиб қўйилган эски мойнинг қоршмаси эканлигини тушунтирди, бу нарса темир йўл шпалларидан ўйиб ишланган махсус ёғоч идишларда сақланиши-ни айтди.

Болалар кечки овқатларини еб бўлгач, ўринларидан туришди за эшик томон йўл олишди.

Эшик олдига боришганида Марко:

— Таом ҳақини ким тўлайди?— деб сўради.

— Таом ҳақини тўлаш?— такрорлади Маркус,— яна ўша эски гапми? Ахир, биласан-ку, бизда бу сўз бутунлай ишлатилмайди.

— Э, ҳа, ўшанда сен қария учун сигара ўғирлаб олганингда тушунгандим бунини,— деди киноя билан ёрқинлик меҳмон.— Энди сен қаҳвахонага келиб, гўё яхшилаб овқатланиш, салфетка билан оғизни артиш ва роботга илиқ сўз билан...

— Миннатдорман сиздан! Яна келиб туринглар,— деди робот чуқур таъзим қилган ҳолда унинг сўзини бўлиб.

— Йўлмииз тушганда, албатта, қўниб ўтамиз,— деди одоб билан Маркус ва унинг ўн яккита қўлини бирма-бир сиқиб хайрлашди.

— Мени эсдан чиқарманглар,— ўтинди робот.— Бўлмаса мен ишсиз зерикиб қоламан, кўриб турибсизлар-ку, қаҳвахонада деярли ҳеч ким йўқ.

— Биз бугун кечки овқатга, албатта, келамиз,— деб ваъда берди унинг кўнглини кўтариб Маркус.

## ЯЛПИЗЛИ ЖАЛА

Бу сафар болалар ўзююлар тротуардан фойдаланмай, тинч, кимсасиз кўчалардан бир оз пиёда юришга қарор қилдилар. Бироқ бу ердаги уйлар ҳам юзлаб катта ва кичик Янги йил арчалари билан байрамона безатилган эди. Ҳатто томларда ҳам кўм-кўк арчалар яшнаб турарди. Марко ўзини бамисоли баҳайбат янги йил арчаларининг шоҳлари остидан ўтиб бораётгандай ҳис этмоқда эди. У уйга шинам бағишлаш учунгина осиб қўйилган кумуш қўнги-роқча, юлдузча ёки бирор чиройли безакка тегиб кетмасликка шунча ҳаракат қилса ҳам барибир улдасидан чиқолмаётганиди — безаклар ҳаддан ташқари кўп эди.

— Бу безакларга шаҳар ҳокимлари анча-мунча пул сарфлаган бўлсалар керак!— деди Марко.

— Сарик чақа ҳам сарфланмаган,— деб жавоб қайтарди унга Маркус.— Гап шундаки, бизда пул муомаласига аллақачон бар-

ҳам берилган. Тақинчоқлар эса ўзи униб чиқади. Кўрмаяпсанми? Марко яқинроқда турган арчага синчиклаб қаради ва Маркуснинг гани тўғрилигига иқроор бўлди, дарҳақиқат лампочкалар, кўнгироқчалар, пуфакчалар ва қолган ҳамма ўйинчоқлар, худди мераларга ўхшаб, шохларнинг ўзидан банд боғлаб униб чиққанди.

— Булар Янги йил олдидан гуллайдими?— деб сўради Марко.

— Йўқ, улар йил давомида шундай қийғоч очилиб туради. Ахир бизда ҳар кун Янги йил деб айтадим-ку сенга.

— Ундай бўлса, сизнинг сайёрангизни Янги Йил Сайёраси деб аташ керак экан,— деди Марко. Унинг Маркусга ҳаваси келатганини ўзи ҳам сездди. Чунки кўҳна замни юзида бундай дарахтлар ўсишини ким кўрибди-ю, ғиштлар таом сифатида истеъмол қилинишини ким эшитибди. Қайтанга шанба кунлари тратторийга тушишни кўнглингиз тусаби қолса, кечқурунги овқатингизни туғунга солиб, ўзингиз билан олиб келасиз, бу ҳам етмагандай стол устига официант ёзиб кетган қуруқ қоғоз дастурхон учун ҳақ ҳам тўлаёсиз.

«Қизиқ, бизнинг Ер сайёрамиз қайси томонда бўлдиёкан? Пастдами ёки юқоридами?»

Ҳаво ўша-ўша, бирдай илиқ ва муаттар эди, майини шабада анвойи гуллар атриши олиб келиб димоққа урарди.

— Ҳа, жаниятда яшагандай яшар экансизлар,— деди чуқур хўрсиниб Марко.— Фақат бутун йил давомида Янги йил байрамлари эмас, ҳатто баҳор фасли ҳам абадийга ўхшайди.

Маркус энгашиб оёғи остидаги чангсимон моддадан бир ҳовучча йиғиб олди-да, меҳмонга ҳидлаб кўришни айтди. Ундан марпард гулнинг иси гупуриб туради.

— Э-э, бу упу-ку!— ҳайрон бўлди Марко. У бошини кўтариб юқорига қараган эди, катта пуштиранг булут қуёшни тўсиб, тезлик билан осмонни қоплаб келаётганини кўрди.

— Аммо, бу маъмур мамлакатда ҳам жала бўлиши мумкин экан-ку?— деди ичидан хурсанд бўлаётганини яширолмай Марко.

Ҳақиқатан ҳам жала бошланди. Лекин ёмғир ўрнига осмондан миллионлаб турли хил конфетлар ёға бошлади. Шамол уларни чирпырак қилиб учирганча ҳамма ёққа сочиб ташламоқда эди. Худди тўсатдан қиш келиб, қор бўрони бошланганга ўхшарди. Лекин ҳаво ўша-ўша илиқ, ўша-ўша ёқимли, хушбўй эди. Ялпиз, арпабодийён, маңдарин ва яна алламбало меваю гул ҳидлари димоқни маст қилларди.

— Ахир, шунча анвойи хушбўй ҳид бирданга қаердан келяпти?— деб ҳайрон бўлиб сўради Марко.

— Бу машиналарнинг иши,— деб тушунтирди Маркус.— Улар об-ҳавони ўзгартириб, булутлар пайдо қилишга қодир. Агар хоҳласанг, мен сени Ажойиб Об-ҳаво Марказига олиб бораман.

Қор учқунига ўхшаш турли рангдаги пардай енгил кичик-кичик допрасимон конфетлар бошга ва кийимга келиб қўнарди. Маркус кафтига бир неча допрасимон конфетни йиғиб, оғзига солди. Маркуснинг бу мамлакатда ҳамма нарсани еса бўлаверади, деган ганини эслаб, шунга амал қилмоқчи бўлди. Ростдан ҳам улар олдин



ялпиз конфетларининг ўзгинаси эди. У оғзини очиб турса, худди инларига учиб кираётган қушлардек, конфетлар ўзи унинг оғзига тушишини, шу заҳотнѐқ тил устида эриб ҳузурбахш бир таъм беришини Марко сезиб қолди.

Кўп ўтмай булут тарқалиб, яна қуёш чарақлаб кўринди. Конфетлар ерда у ердан-бу ерга енгил учиб юрарди. Улар Янги ил эрчасини қордай қоплаб олганди. Қушлар шохдан-шоҳга қўниб: қувноқ чуғурлаб, самовий конфетлардан чўқилашарди.

Марконинг назарига манзара чиндан ҳам ҳаддан ташқари кўзилга урадиган даражада чучмал эди. Охири у чидолмай:

— Худди қандайдир қўғирчоқлар мамлакатига ўхшайди-я, — деб юборди.

Ичида эса имконият туғилиши биланоқ яна саройга қайтиб боришга, у ерда истаганча нарса синдиришга аҳд қилиб қўйди, уч-тўртта шкафнинг абжагини чиқариб бир хумордан чиқмаса бўларканми.

### «ЎҚИГАНГА ОМАД ЁР БУЛСИН!»

Болалар атрофи жуда баланд оппоқ девор билан ўралган майдончадан чиқиб қолишди.

Оппоқ — бу, албатта, девор рангига инсбатан айтилган шартли сўз, чунки деворнинг тагидан энг тепасигача рангли бўр билан ҳар хил ажи-бужин хатлар ва турли-туман ёзувлар ёзиб ташланганди. Бир нотаниш қария бўлса яшил бўр билан ҳадеб нималарнидир чизиб билан овора эди. Уни ён-ёндан қуршаб олган бир неча қизилқувчан томошабин унга ўқтин-ўқтин маслаҳатлар бериб, фикрларини изҳор қилишарди. Ундан сал нарида бир қиз қўнт билан қандайдир ҳарфларни чизарди. Афтидан, у мактуб битмоқда эди, чунки йирик ҳарфлар билан: «Ариза» деб ёзилган сўзини узоқдан туриб ўқиш мумкин эди.

Болалар қария олдига яқинлашиб, ёзган сатрларни ўқий бошлашди.

Ҳар нарсага бирдай аксирмоқ  
Мумкин эмас, дўстларим, ҳар чоқ.  
Ҳайҳот, буни ким билмас экан,  
Маҳрум бўлар анча нарсадан.  
Ўқиганга омад ёр бўлсин!

— У эълон ёзипти, — деб тушунтирди Маркус. — Бизда ҳар ким ипясига келганини ёзади. Илгари шаҳарларда ҳар қадамда «ундай қилиш мумкин эмас, бу ман этилади...» деган дўқ-пўписадан иборат ёзувлар кўзга ташланар эди. Энди бундай қилишга ҳожаг қолмади, чунки одамлар анчадан бери ёмон ишга қўл урмай қўйганлар, ножўя ҳаракатлардан ўзларини тиядилар. Бизнинг одамларга энди нуқул кулгили сўзларни ўйлаб топиб, мана шунақа деворга битиб, кўнгилларини ёзишдан бўлак иш қолмади. Шунинг учун ҳам бу ерга «эълонлар девори» барпо этиб қўйилган. Девор-

<sup>1</sup> Шеърларини А. Файзуллаев таржима қилган.

да ёзиш учун очиқ жой бўлмай қолса, уни бошқатдан оққа бўяб юборишади.

Шу пайт уларнинг ёнгинасидан қарсак овозлари янгради. Одамлар бири-кетин қариянинг қўлини сиқишиб, унинг тоққирлигидан қойил қолишганини айтиб, самимий олқишлашарди. Чолнинг кейинги ёзуви тахминан қуйидаги мазмунни берар эди:

Қани, топинг одамлар,  
Мушукка бешни қўтса  
.Фигиндиси не бўлар?

Маркога бу ҳазил ёқмади, у ҳаворанг бўр билан ёзаётган қизнинг олдига бориб, унинг мактубини ўқий бошлади:

«Азиз йўловчи, мабодо кўнглингни гашлик чулғаса, мен ҳақимда ўйла, чунки мен бугун доктор Филибертусни севиб қолдим, менинг бахтим сени ҳам бахтли қилади. Математика ва химия ўқитувчиси Мелания».

— Агар ўқитувчи бўла туриб деворга шундай сўзларни ёзса, унда унинг ўқувчилари нималар қилмайди, дейсиз?— деди истеҳзо билан кулиб Марко.

У девор ёқалаб юриб борар экан, кўпгина қизқарли эълонларга кўзи тушиб, бир бошдан ўқиб чиқди. Баъзилари унга шундай ёқиб тушдики, ҳатто уларни ёдлаб олди.

Ҳой одамлар!  
Эшитмадим деманглар!  
Ман этилар жаҳл қилмоқ бугундан бошлаб!  
Хилоф қилган судга борсин эрта эрталаб.  
Ҳой одамлар!  
Катталару кичиклар, тингланг!  
Ҳар нарсага йўл очқидир бугундан бошлаб:  
Гулзорларин пайхон қилинг, турманг бош қашлаб...  
Истаганча шўхлик қилинг хоҳлаган жойда!  
Оталар, оналар, полициячилар,  
Сизлардан биргина ўтинчимиз шуя:  
Ердам беринг болаларнинг шумликларига!  
Ҳой одамлар!  
Эшитмадим деманглар!  
Бундан кейин ҳар кун соат ўнда эрталаб  
Бўлмас энди одатдаги бадантарбия,  
Турли-туман эртак-чўпчак тинглагайсиз зап!  
Қулоқ беринг! Кеч қолмангиз,  
Ҳой тирранчалар!  
Яна бир гап — шаҳримизда жорий бир қонун:  
Кечки овқат емай туриб ўринга ётмоқ  
Минбаъд, минбаъд ман этилур,  
Обдон ўйлаб боқ!  
Эшитинг сиз,  
Ҳайдовчи дўст ва пиёда дўст,  
Гар болалар ўйнаётган бўлсалар копток,  
Йўлингиздан қолсангиз-да, тўхтаг тақа-тақ!

Эшитинг сиз,  
Ҳой катталар, яъни собиқ шумтакалар,  
Ҳар байрамда оёқдамас,  
Илтимо сиздан,  
Бошингиз-ла қадам ташлаб юрингиз шахдам!

Ҳой буваалар! Ҳой бувилар!  
Итқитингиз урқуқнию трубкаларни,  
Эртақчилар ўқишига киркигиз тезда!  
Машгулотлар бошланади эрта шу кезде,  
Битта қолмай ҳаммагизни таклиф этамиз!  
Қим дўндирмоқ истаса гар ёлгон-яшиқни  
Бугун тўйиб гапириб қолсин.  
Чунки эрта тонгдан ҳамма жойда бир текис  
Ман этилар ёлгон сўзлаш, бас!  
Е ердадир, ё осмонда ва ё денгизда  
Қатъиян ман этилади жанг қилмоқ.  
Ҳа-ҳа, биллиб қўйинг — САЙЕРАМИЗДА!

Марко ҳам узоқ ўйлаб ўтирмай, ердан қора чақир тош олди-да, деворга ёза бошлади:

«Ушбу сайёранинг ҳокимлари диққатига: сизлар жуда кўп ажойиб нарсаларни ўйлаб топгансизлар, отангизга балли! Лекин мени уйимга қачон қайтариб юборасизлар? Марко.»

Шу пайт унинг орқа томонидан кимларнингдир қаҳқаҳ уриб қулган овозлари эшитилди, чолнинг олдида турган одамлар нима гаплигини билиш учун Марконинг олдига югуришди.

— Улар нега кулишяпти?— деб ҳайрон бўлиб сўради Марко.

— Хатойингга кулишяпти,— деди унга ачинган оҳангда хўрсиниб Маркус.— Сен имзодан кейин нуқта ўрнига вергул қўйибсан, шунга.

## ЭТЕЛЬРЕДУСНИНГ ЗАФАРИ

Болалар майдонини ўраб олган девордаги ёзувларга кўз югуртириб боришар экан, иккала оғайни говур-ғувур қилиб турган одамлар билан тўла чорраҳадан чиқиб қолишди. У ерда тўпланиб турганлар орасида чолғу асбобларини бўйниларига осиб олган музикачилар ҳам бор эди. Музикачилар бир-бирларига луқма ташлаб, ҳазил-мутоиба қилишар, чамаси дирижернинг ишорасини куттишар эди. Тўпланганларнинг музикачилар билан анчайин иши бўлмаётганини Марко дарров пайқади. Одамларнинг эс-ҳуши ойнали сайлов қутичада бўлиб, улар бирин-кетин қандайдир қозғочани шу қутичага ташлаб, яна ўз жойларига келиб туришмоқда эди.

— Билдим!— деб бирдан хитоб қилди Марко.— Бу ерда сайлов кетаяпти!

Маркус миёнгида кулиб қўйди, аммо индамади. Бир пайт сайлов қутичаси ёнига кўзи бойдоғлиқ бир муштдайгина болакайни олиб келишди, у қутичага қўлини суқиб, битта қорозни олди ва уни бошлаб келганлардан бирига узатди. Ҳамма нафасини ичига ютганча жим турарди, шу пайт ҳавода дона-дона қилиб айтилган куйидаги сўзлар янгради.

— Этельредус Аррейфедус Провалляйтус!

Бирдан одамларнинг «Ура!» деган олқини ҳавони ларзага солди. Оркестр шўх марш куйини ижро эта бошлади. Шу пайт ҳаяжондан қизариб кетган баланд бўйли бир киши олдинга чиқди-да, бирин-кетин тўпланганларнинг қўлини олиб сиқа кетди. Робот-

инчи қопдан узун мрамар тахтачани олиб, шоша-пиша унга нима-ларнидир ёзди-да, уй дсворига қоқиб қўйди.

Марко ундан: «Этельредус Аррейфедус Провалляйтус кўчаси» деган ёзувни ўқиди. Марконинг шундоқ биқинида турган чол ха-қ алигини яшириб ўтирмади.

— Икки ойдан бери шу конкурсада қатнашиб келаман, лекин бирор марта омад менга кулиб боқмади!— дея ҳасрат қилди у.— Балким, бундан қирқ беш рақамли торкўчага қайтиб борганим таъқулдир. У ерда бир юз тўрт ҳафтадан бери менинг исминим эсага олишгани йўқ, ўлдими, энди эсларига тушиб қоларман!

Марко, Янги йил арчаси сайёрасидаги барча катта ва кичик кўчаларга, майдонларга ном қўйиш аҳоли ўртасида сайлов йўли билан ҳал этилишини биллиб олди. Одамларни кўпроқ жалб этиш ниятида бундай маросим ҳафтада бир маротаба ўтказиб турилади-кан. Қатнашишга хоҳиши бўлмаган одамни мажбур қилиш йўқ экан. Шунинг учун бу йили қатнашувчиларда шухратпарастликдан кўра кўпроқ вақтихушлик учун уюштириларкан.

— Ерда эса бундай ишқибозлар, албатта, лотерея ёки спринт ўйнаган бўлардилар,— деди Марко.— Бунда улар жуда бўлмаган-да мўмайгина пул ютуғи чиқишига ишонган бўлишарди.

## БЕХУДА ЗАРБ

— Мўмай пул?— деб қайта сўради Маркус.— Бу нима дегани? Уни нима қилишади?

Марко унинг саволига жавоб бериб, тушунтирмоқчи бўлган эди, лекин энлай олмади ва жаҳли чиқиб:

— Эй парвардигор! Бундай овсар билан гаплашиш қанчалик оғир эканлигини билсанг эди,— деди.

У аламдан чиқиш ниятида кўчада ётган банкани бор кучи билан тепди. Бироқ зарб унга ҳеч қанчалик қувонч бағишламади, чунки банка резинадан ишланган эди. Одатда болалар мактабга бораётганларида ва уйга қайтаётганларида кўчада учраган нарсани футбол қилиб тепиб ўйнашади. Шунинг назарга олиб, улар оёқларини лат едириб олмасликлари ва оёқ кийимларини йиртмасликлари учун шаҳар ҳокимларининг буйруғи билан роботлар худди ана шундай махсус резина банкаларини кўчаларга сочиб чиқришганди.

Бу орада қош қорайиб, қоронғулик чўка бошлаганди. Бироқ Янги йил арчаларининг чироқлари чарақлаб ёнди-ю, ҳаммаёқни яроғон қилиб юборди. Шаҳар худди Янги йил кечасидагидек гўзал ва байрамона тус олиб, минг-минглаб ранго-ранг чироқлар гўзни қамаштира бошлади.

— Витриналар кечаси ҳам ёпилмайдими?— деб қизиқиб сўради Марко.

— Бўлмаса-чи. Уларни ёпиб нима қилишади? Дейлик сенга бир хуфт боғинка ёзадиган машинка ёки холодильник керак бўлиб қолди. Хўш, нима қиласан шу ерда?

«Агар бу ерда кундузи шунақа бемалол ўғирлик қилаверишар экан, унда кечаси нима бўлишни тасаввур қилиш қийин эмас», — деб кўнглидан ўтказди Марко, лекин суҳбатдошига индамай қўя қолди. У ниҳоятда чарчаганидан таппа ётиб ухлагиси келаётганди. шунинг учун ҳам бундай саволларни муҳокама қилиб ўтиришга сира ҳуши йўқ эди. Бобоси, ёғоч тойчоқ, космос бўйлаб саёҳат, энди бу галати Янги йил Арчаси Сайёрасининг ўзига хос ғаройиб хусусиятлари — хуллас, кун бўйи кўрган-кечирган нарсаларидан боши чир айланиб кетаётганди. У Маркуснинг кетидан итоаткорлик билан ўзгунар тротуарга қадам қўйди-да, скамейкага ўтирди ва ҳали кўзини юмишга ҳам улгурмай, донг қотиб ухлаб қолди.

## УЙҒОНИШ

Марко даҳшатли ит ҳуришидан чўчиб уйғониб кетди, у кўзини очиб қараса, катта, кундузгидай чароғон бир хонада каравотда ётибди. У ён-атрофга кўз югуртириб Маркусни қидирди.

— Яна итларнинг итими дейман! — хўрсинди у. — Шошмай тур, мен қаердаман ўзи?

Унинг ҳаворанг эски камзули стул суянчигига илиғлиқ бўлиб, унинг устидан эса янги кўкпштовбиси ҳам кийдириб қўйилганди. Демак, кимдир уни бу хонага олиб келиб, қайта кийинтирибди ва тўшакка ётқизиб қўйибди, у бўлса буларнинг барисидан бутунлай беҳабар қолибди. Илгарилари Тестаччодаги оддий уйнинг бешинчи қаватидаги қуёш нурига тўлган ётоқхонасида уйғониб қолгундек бўлса, ҳеч қачон ҳайратланмасди. Ҳолбуки, ўшанда ҳам бирпас илгари — ҳар ҳолда унга доимо шундай туюларди — ошхонада у бобоси билан домини ўйнаётган бўларди.

Тўшак юмшоқ ва оромижон, хона эса тоза ва шинам эди. Каравот ёнидаги тумбочка устида телефон турарди. Марко телефон гўшагини силаб қўйди. Афсус: у бу ердаги бирорта ҳам телефон номерини билмайди, бўлмаса кимгадир телефон қилиб, мириқиб гаплашиб олган бўлармиди.

Шу лайт унинг боши узра қаттиқ-қаттиқ оёқ товушлари эшитилди. Балки итларнинг итлари уй томига учиб тушишгандир. Уларнинг ваҳимадор вовуллашлари борган сари авжга чиқиб борарди. У бир оз мизғиб олмоқчи бўлди-ю аммо иложини топа олмади. Начора! Бу аҳволда уйқу уйқу бўларканми. «Қизиқ, бу итларни қириб ташлашга ким монелик қилаётган экан-а?» — деб хаёлидан ўтказди Марко, уйда судрайдиган шиппагини оёғига ила-ила.

У рўпарадаги эшикни очиб ичкарига кирди, бу хона ҳам у ётган хонадан фарқ қилмасди. Кимдир ётган ўрнини йиғиштирмай, шундайича ташлаб кетганлиги кўриниб турарди. Балки бу ерда Маркус ётгандир. Аммо унинг ўзи қаерда бўлса?

— Маркус! — деб чақирди у коридорга чиқиб. Бу қаватда бошқа хона йўқлигига амин бўлиб, у ёғоч зинадан пастга, қарийб бионинг бутун бир қаватини эгаллаган меҳмонхонага тушди.

— Маркус! — деб яна чақирди у. Лекин ҳеч ким жавоб қилмади.

## РОБОТ ТУҚУВЧИЛИК ҚИЛАДИ

Марко меҳмонхонани айланиб юриб, кўзи олма тўла вазага тушди. У вазадан катта қизил олмани олди-да, касир-кусир қилиб ея бошлади.

Хонага яна бир бор кўз югуртириб чиққан эди, деворга ўрнатилган катта оқ экран ва унинг ёнидаги қора тугмача Марконинг диққатини тортди. Марко тугмачани босган эди, экран бирданига ёришиб, унда итларнинг итлари тасвири кўринди — улар шаҳар тепасида гала-гала бўлиб учиб юарди.

— Энди учиб кетишяпти,— Марко орқа томондан кимнингдир овозини эшитди. У орқасига қайрилиб қараганди, рўпарасида сариқ халат кийган роботни кўрди. Унинг кўзлари фосфорга ўхшаб ғалати йилтирарди, қўллари эса иш билан банд эди, агарда сўз бувиси ҳақида бораётган бўлганда эди, Марко роботнинг кегай билан нарса тўқиётганини дарров пайқаган бўларди.

— Ўзимга қулоқчин тўқияпман, ўзига яраша шлём,— дея тунтирдди робот, Марконинг ҳайрон бўлиб унинг қўлларига тикилиб турганини кўриб.— Итларнинг итлари қайта бостириб келганларида уларнинг даҳшатли вовуллашини эшитишдан халос бўлман. Тўғри, уларнинг бу таширифи сўнгги маротаба эканлигига ишониб турибман.

— Унда нега тўқияпсан?

— Бениш ўтиролмаيمان! Мен бека-роботман, бу ерда менинг қиладиган ишим йўқ ҳисоби. Бунинг устига тўқишни ўзим яхши кўраман. Сиз ёрқинликмисиз? Ҳар ҳолда сизни менга шундай деб таништирди дўстингиз. Бу ерга келганингизда шундай қотиб ухлаб қолган экансизки, ечинтириб, ўринга ётқизиб қўйишимизга тўғри келди.

— Маркус қани?

— Унинг қаерга кетганини била олмадим. У уйдан чиқиб кетди. Қайтиб кела олмасам керак деди. Сизга нонуштани тайёрлаб беришни буюрди.

«Чакки эмас-ку!— деб ўйлади Марко.— Олдинига қандайдир болакай, энди бўлса робот... Улар мени бир-бирларига худди коп-токдек ошириб ўйнашяпти!»

Робот гаплашиш имконияти тугилганидан ўзида йўқ хурсанд эди, лекин роботнинг қўллари бир дақиқа ҳам кегайларни ўйнатишдан бўшамасди.

— Бу Маркуснинг уйини?— сўради Марко.

— Йўғ-е! Бу менинг уйим. Шартли маънода, албатта. Менда бундай уйлардан яна ўнтаси бор. Одамлар бу ерга меҳмонхонага келгандай бирпас дам олгани келиб кетадилар. Ухлайдилар, ҳордиқ чиқарадилар, дўстлари билан учрашадилар, музыка эшитадилар, кейин хайрлашадилар, фақат мен бу ерда абадий яшаб қоламан. Мен уларга хизмат қилишим шарт. Шу ҳисобдан олиб қараганда мен бу уйни ўзимники дейишимга деярли ҳақлиман, шундай эмасми?

— Итларнинг итлари ҳужуми тугади,— деган овоз эшитилди

эркандан.— Эшиттиришимизни давом эттирамиз. Нўхатли қопқоқлар учун концерт эшиттирамиз.

Марко экран тугмачасини босган эди, хона сув қуйгандай жим-жит бўлиб қолди. Лекин орадан кўп ўтмай робот сукунатни бузди:

— Сиз ўрнингизга бориб ётсангиз бўларди. Сиз фақат кечаси ётиб ухлашга одатланганга ўхшайсиз. Биласизми, бизда эса ҳар ким истаган вақтида ухлайди, истамаса юраверади.

— Унда одамлар қачон ишлайди?

— Хоҳлаган пайтда,— деди ҳозиржавоблик билан робот.— Агар бир зумда уйқуга кетишни хоҳласангиз, унда телефонда 17 рақамини теринг, шунда сизга ажойиб эртакни айтиб беришади.

## № 17 ЖАВОБ БЕРАДИ

Марконинг уйқуси қочиб кетди, лекин дилидаги қизиқиш ғолиб келиб у ўз хонасига чиқди-да, телефон гўшагини кўтариб, 17 рақамини терди.

«Бор экан-да, йўқ экан, бир Оёқсиз Шаҳзода бўлган экан,— дер эди кимнингдир овози.— Шаҳзоданинг онаси Қиролйча бутунлай бошини йўқотиб қўйиб, уни топиш ниятида ҳамма шкафу жавонларни ағдар-тўнтар қилибди, лекин қанчалик қидирмасин, барибир топа олмабди. Қирол эса, аксинча, жуда хотиржам экан, чунки унинг боши ўз ўрнида экан-да. Қалта бўйнига ўтқазилган калласидан бўлак унинг бошқа ҳеч вақоси — на шими ва на костюми бор экан. Бош сарой амалдори ўлгунча гамгин одам бўлиб, унинг бош қисмида бурнидан бўлак ҳеч нарсаи йўқ экан, танасидан бўлса қолган-қутгани биргина нимча экан...»

Марко телефон гўшагини жойига қўяр экан:

— Бундан ортиқ бўлмайди,— деб тўнғиллади.— Аммо булар билан менинг қанчалик ишим бор? Яхшиси, кўчани бир айланиб келай.

Ошхонадан бошини чиқариб кузатиб турган робот боланинг зинадан гушиб кетаётганини кўриб:

— Сиз ухлагани яна қайтиб келасизми?— деб сўради.

— Билмадим.

— Мабодо қайтиб келадиган бўлсангиз, хонангиз сизга мунтазир. Қолаверса, бизда истаган жойингиздан хоҳлаганингизча бўш хоналар топилади.

## ХАТАРЛИ ТАЖРИБАЛАР

— Нима бўлгандаям мен аниқ адресга эга бўлишни хоҳладим,— деди у.— Сизларда одамлар бемалол исмларини ўзгартираверадилар, қаёққадир бедарак йўқоладилар, умуман шунақа турли-туман ғалати ҳодисалар тез-тез содир бўлиб туради... Мен ҳам йўқолиб қолишим ҳеч гап эмас. Масалан, жисму жонни йўқ

тирик одам, кўзга кўринмас, қўлга илинмас бошли гавда ва ҳоказо.

Робот унга уй адреси ёзилган бир парча қоғозни узатди, унда: **Ерқин кўчаси, 57451** деб ёзилганди.

— Ерқин кўчаси?— деб ҳайрон бўлди Марко.

— Бунинг ажабланидиган жойи йўқ. Кўча сизнинг номингизга қўйилган. Номингиз ёзилган лавҳани сиз сайёрамизга қадам қўйганингиздан ўн минут ўтгани биланоқ кўчага осиб қўйганмиз.

Марко робот билан хайрлашиб ташқарига чиқди.

Шаҳарда ҳаёт кечқурун ҳам кундузгидек жўшқин ва қайноқ, :аво ўша-ўша илиқ ва хушбўй эди. Шаҳар транспорти шовқини ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмасди. Кўчалар кундузгидек серқатнов бўлишига қарамай, осойишталик ҳукм сурарди. Шу дам Марко ўзини мана шу ажойиб сайёрада номсиз одамлар орасида, тасодифий омонат номлар билан аталувчи кўчалар ва майдонлар бағрида бенз йўқолиб кетаётгандай ҳис этди. Ҳатто шаҳар билан яхшилаб таништирган Маркус ҳам уни тақдир ҳукмига ташлаб кетганини ўйласа, юраги орқага тортиб кетарди.

«Нима қилиш керак? Қаёққа борсам экан? Умуман, мени бу ерда нега тутиб туришибди? Мендан бирор нарса ни сўраб-суриштиришмаса, ҳибсага олинган маҳбусдай қўриқлашмаса. Мени бу ерга нега олиб келишди?»

У бажонудил дуч келган кимсага мана шу саволлар билан мушоахала этган ва ўз саволларига тўлиқ жавоб олган бўларди-ю, аммо ўша кимса? Унинг шу пайтгача на бирорта милиционерга, аммо қани ўша кимса? Унинг шу пайтгача на бирорта милиционерга, на кўча қондасини кузатиб турувчи назоратчига кўзи тушди. Ё бўлмаса бирда-ярим ҳарбий либос кийган инсонни учратмадики, либосга қараб уларнинг қайси ҳокимиятга мансублигини фарқлаб олса! Албатта, у хоҳлаган йўловчига, масалан, мана шу ўзюборар тротуарда турган оч бинафша рангли йўл-йўл камзулли анови кишидан «Марҳамат қилиб менга нима бўлаётганини айтиб беролмайсизми?» — деб сўраши мумкин. Аммо у киши хахолаб кулиб юбориб, бекорга ташвишланаётибсиз, деса нима бўлади? Ким билади тагин, Маркога сигара ўғирлаб беришни таклиф этиши ҳам ҳеч гап эмас.

Барибир бу фикр Маркога қандайдир қизиқроқ туюлди.

«Кел, мен ҳам бирор нарса ўғирлаб кўрсам-чи? Шунчаки қизиқчилик учун. Қани, нима бўларкин!»

Бундай тажрибага ўзини тайёрлаш Марко учун осон кечмади. Аммо шунда ҳам киноскадан газетани олаётганида юраги ҳашиқиб кетди, қўли қўрғошин каби зилдай тортиб, ўзинга бўйсунмай қолди-ю, газетани ерга тушириб юборди.

— Мана, газетангиз.— Шу ердан ўтиб бораётган нотаниш бир сеньора ўғирланган газетани ердан олиб, табассум ила Маркога узатди.

— Йўқ,— деди бутунлай ҳанг-манг бўлиб қолган Марко,— йўқ, йўқ... Бу менки эмас!

— Нима деяпсиз ўзи! — туриб олди сеньора.— Мен сизнинг



газетангизни тушириб юборганингизни ўз кўзим билан кўрдим-ку. Биласизми... Сиз янглишяпсиз, синьора...

— Мен... — Марко уятдан юзи лов-лов ёнаётганини сезди.—

Пешонасини совуқ тер босган Марко тротуардан лип этиб тушди-ю, дуч келган магазинга ўзини урди.

— Салом! — чуқур таъзим ила уни кутиб олди робот.

— Биласизми...

Марко ҳовлиққанича атрофга кўз югуртирди. У бош кийимлари магазинга кириб қолганини пайқади.

— Мен янглишибман,— гўлдиради Марко,— ўйинчоқлар сотиладиган магазин деб ўйлабман.

— Мени афу этинг, синьор,— деди робот хафа бўлганини яширмай, лекин бизда фақат шляпалар сотилади. Ўзингизга лойиғини тандаб олинг. Дўстингиз билан узоқдан туриб саломлашини тўғри келиб қолганда бу жуда қулай бош кийими. Мана бу радио-приёмник билан терс кўрсатувчи ойна жойланган қамиш шляпани бир кўринг-чи. Еки сизга балким, мана бу робот — уқаловчи, маъингизга фикр келганда энсангизни қашиб қўядигани кўпроқ ёқар?

## ЎЙИНЧОҚЛАР МАГАЗИНИ

Марко ўзини бутунлай йўқотиб қўйди, магазиндан тезроқ чиқиб кетиш тараддудига тушди. Аммо робот устаси фаранг сотувчиларга ўхшаб, унга маҳкам ёпишиб олганди.

— Илтимос, мени хафа қилманг,— дея ёлворишда давом этарди робот,— жуда бўлмаса мана бу цилиндрни олинг, театрга борганингизда жуда асқотади сизга.

— Мен ўйинчоқлар олмоқчиман,— яна тушунтирди Марко.

Робот унга ранжиган қиёфада қараб қўйди.

— Унг тарафдан бораверишда иккинчи эшник,— деди у титроқ товушда ва магазин ичкарасига қараб йўл олди.

Марко эшикка етганида робот кетган тарафдан кимнингдир пиқ-пиқ йиғлаётган овози эшитилгандай бўлди.

Ўйинчоқлар магазини кўча томонга қараган ўнта очиқ витринадан иборат эди. Марко витриналар рўпарасида тўхтаб, ўзини ўйинчоқлар танлаётганга солди, аслида эса бир оз нафасини ростлаб олмоқчи бўлганди. Зум ўтмай магазиндан робот чиқиб келди-да, хушмуомалалик билан уни қўлидан ушлаб:

— Қани-қани, ичкарига марҳамат! Мана бу ёққа қаранг, тандаб олиш учун турли-туман моллар бизда тўлиб ётибди. Витринада деярли ҳеч нарса қолгани йўқ.

Марко бундай сертакаллуфликка қарши бир нарса дейишдан бутунлай ожиз эди.

— Менга нархи унчалик баланд бўлмаган бирор ўйинчоқни кўрсатсангиз,— деди у.

— Бу илтимосни бажариб бўлмайди,— деб кулди робот.— Бизнинг магазинимизда бунақасини кундуз чироқ ёқиб тополмайсиз. Бизда ҳамма ўйинчоқлар фақат юқори сифатли ва бебаҳодир. Қа-

ранг, улар магазинга сизга кетган. Ер ости омборларида қалашиб ётганини бир кўрсангиз эди!

— Аммо мен сизга ростини айтсам,— деб иқроор бўлди пировардида Марко,— ёнимда пулим йўқ!

— Мутлақо тушунарли! — деб хитоб қилди робот.— Яна нима етмайди денг — пул! Биз, мана, ярим асрдан буён ҳамма нарсани бепул берамиз — ярим аср, ҳурматли ўртоқ, биз харидорларимиздан сариқ чақа ҳам олмаймиз. Кечирасиз, бир оз сабр қилинг, ҳозир келаман.

У ўқдай отилганча кўчага чиқиб кетди.

Бир йўловчи ўзюроор тротуардан туриб калит ёрдамида ҳаракатланувчи каттакон қўғирчоқни оламан деб ерга тушириб юборибди. Робот қўғирчоқни ердан кўтарди-да, йўловчини қувиб етди ва таъзим ила унга буюмини топшириб, яна қўлини силкиб хайрлашаркан:

— Раҳмат! Раҳмат! Бизнинг магазинимизга яна келиб туринг! Сизга хизмат қилишдан биз доимо хурсанд бўламиз! — деди миннатдорлик билан.

— У ким ўзи? — деб сўради Марко.— Бирор каттароқ шахсми?

— Мен унинг кимлигини билмайман,— деб жавоб қилди робот.— Унинг фақат қўллари калталиги менга ҳозир маълум бўлди.

— Мен ниманидир тушунмаётганга ўхшайман: у қўғирчоқни ўғирламоқчи бўлди-ю, сиз бўлсангиз унга ёрдам бердингиз! Агарда фирма манфаатини сиз шундай йўл билан ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз...

Робот хахолаб кулиб юборди.

— Сиз, чамаси, чекка бир қишлоқдан келганга ўхшайсиз, шунинг учун ҳеч нарсдан беҳабарсиз. Ундай десам, йўқ, бизнинг қишлоқларда ҳам худди шундай магазинлар, мана шу тартиб-қонда. Э-ҳа, бўлди, тушундим! Сиз ҳалиги ёрқинлик бўлсангиз керак, бугун кечқурун радио орқали сиз ҳақингизда гапиришганди! Мен қандай бахтиёрман, ҳаммамиз, бизнинг магазинимиз қанчалик бахтиёр. Азиз ва кўп ҳурматли меҳмон, бутун шкафтаги молларни олмагунча сиз бу ердан ҳеч қаёққа кетмайсиз.

— Лекин яна қайтариб айтаманки, тўлашга сариқ чақа ҳам пулим йўқ.

— Тўлаш дейсизми! Қизиқ, ҳеч ким тўламасдан нарса олганда, нега энди сиз шундай узоқ ўлкаларни босиб келиб, дарров ҳақ тўлашни истаб қолдингиз. Қани сизга ўзи нима-нима керак, таниланг.

Марко иккиланиб туриб қолди.

— Танласангиз-чи! Мана бу ёғоч тойчоқ ёқадими сизга?

— Йўқ, қўя қолинг, ташаккур! Мен ёғоч тойчоқлардан тўйганиман. Модомки плтмос қилаётган экансиз, сазангизни ўлдирмаслик учун мен мана бу электр темир йўлни, мана бу кинокамераши харид қилган бўлардим... Яна аванини ҳам беринг...

Робот хурсандлигидан магазиннинг у бошидан-бу бошига елиб-югуриб Марко айтган ўйинчоқларни келтириб, унинг оёғи остига тахлай кетди.

— Мана бу менинг адресим,— деди Марко қўлидаги бир парча қоғозни кўрсатиб.— Илтимос, буларнинг ҳаммасини кечга томон шу адресга жўнатиб юборсангиз.

— Яна бирор нарса олинг. Утинаман, тиз чўкиб ялинаман! Мана бунни... бунни... яна ҳов уни олинг...

— Бўпти, мен ҳаммасини харид қиламан!— деди Марко.— Хайр.

Робот Марко билан изма-из магазиндаи чиқиб, уни ўзжорар тротуарга чиқариб қўйди-да, унинг иккала қўлидан ўпди.

— Сиз мени ниҳоятда бахтиёр қилдингиз,— деди у Марконинг кетидан қичқириб.— Бу ернинг одамлари камдан-кам шунақа харид қилишади.

## ИМПЕРАТОР БЎЛИШНИ ХОҲЛАГЎСИЗМИ?

Марко роса бир соат давомида ҳаяжон ичида қизариб-бўғриқиб магазинларни айланар экан, қилган иши нуқул харид қилиш бўлди. Магазинлар бино бўлгандан бери бундай харидорни биринчи кўриб туришлари эди. Масалан, сотувчиларнинг буюк омадига кўра у бир йўла олтита роялни уйига элтиб қўйишларини сотувчиларнинг ўзларидан илтимос қилди. Идиш-товоқларни автоматик тарзда ювиш ускунаси ва робот уй бекасига совға қилиш учун холодильник ҳам олди. Воз устига бу бисотларнинг ҳаммаси сариқ чақа ҳам турмасди. Бирорта витринани, ҳаттоки заргарлик буюмлари магазинининг витриналарининг ҳам нима учун ойнасиз эканлигига, бирор киши ўзига зарур буюмни сўроқсиз олаётганида нима учун ҳеч ким уни тўхтатиб қолмаётганига Марконинг энди фаҳми етди.

— Борди-ю,— деб мурожаат қилди Марко унга қулинг ўргулсин соат сотган (текинга, албатта) роботга қараб,— менга бундай соатдан етти дона керак бўлиб қолса-чи?

— Марҳамат! Истасангиз, саккизта олинг!

— Фараз қилайлик, магазинингиздаги ҳамма соатларин олгим келиб қолса-чи? Унда нима бўлади?

— Барака топкур, ҳаммасини олинг. Лекин сизга шунча соатнинг нима кераги бор? Уларни нима қилмоқчисиз? Вақтни билиш учун биттаси кифоя-ку. Ер остидаги автомат-фабрикаларимиздаги ҳар бир машина агар лозим бўлса, ҳар минутда миллион дона соат ишлаб чиқара олади. Борди-ю, сиз уйингизни еридан шифтигача соат билан лиммо-лим тўлдириб чиқиб, ҳар куни нонуштага ўнталан соат истеъмол қила бошлаганингизда ҳам ҳеч ким сизнинг бу илтифотингиздан камбағал бўлиб қолмайди ва сиз ҳам бойиб кетмайсиз. Айтмоқчи, битта соатдан тотиб кўрмайсизми, дея таклиф этиб қолди робот.

Марко аввалига эътироз билдирди, лекин кейин барибир соат занжиридан озгинасэни тишида узиб еб кўрди.

— Жуда мазали экан! — деб иқрор бўлди у.— Таъми худди ертутининг ўзгинаси-я!

Марко одамлар санжоб тор, тинч кўчалардан сайр этиб юриб, буидан ҳам гаройиб магазинларга дуч келди. Булар оддийгина кичик-кичик дўкончалар бўлиб, бунақаси ердаги қадимий шаҳарларда кўп бўлгучи эди. Одамлар харид қилгани бу ерларга кам келишининг сабаби дўконларда оддий: бутунлай туриб қолган моллар берилишини фақат шу яқин атрофдагиларгина билишаркан, холос.

Бу ҳақда Маркога «қандай қилиб бирданига қирол бўлиш мумкин» деган дабдабали лавҳа осилган дўкончада учратган бир робот сўзлаб берганди.

— Онда-сонда бирорта қария ёки қишлоқдан келиб қолган йигитча адашиб кириб қолмаса, бу ерларга деярли ҳеч ким келмайди, синьор, — деди робот ғамгин бош силкаб.

— Узи сиз нималар билан савдо-сотиқ қиласиз? — деб сўради Марко ундан.

— Унвон ва фахрий номлар билан савдо қиламан, бойвачча. Асиял зодагонларнинг лавозимлари дейсизми, ҳарбий унвонлар дейсизми ёки хизмат кўрсатган номлари дейсизми — ҳамма туридан бор, истаган сайёра ва истаган асрга тегишлисини топиб беришимиз мумкин. Сержант, герцог, архиепископ, адмирал ёки айтилик, рим императори бўлишни истайсизми? Сизнинг ёрқинлик эканлигингизни биламан, шунинг учун сизга Рим императори унвонини тавсия этардим. Мен сизни телевизор экранида кўрганман.

Робот шкафни титкилаб, ундан пергамент ўрамини олди. Шошиб очди-да, унинг энг охирига кўз ташлаб туриб, бирдан қовоғи йўилди.

— Мен аундак шошганга ўхшайман, — деди у хижолат ичида. — Рим императори унвони ўтган ҳафтада сотилиб кетган экан. Ҳа, эсимга тушди, уни сизга ўхшаган бир ёрқинлик олувди-я.

Бунн эшитиб кайфи учганидан Марко сал бўлмаса йиқилиб тушаёзди.

— Нима дедингиз?!

— Ҳа-да, сизнинг тилингиз билан айтганда бошқа «ерлик». У сиздан чамаси бирон ёш катта эди. Шу унвон унга ёқиб қолса денг. Тожин бошига кийиб олди-да, барча регалияларини тақиб юриш ҳуқуқини тасдиқловчи мандат билан чиқди-кетди. Истасангиз, сизга Иккала Сицилия қироли унвонини тавсия этишим мумкин. Балки сизга кўпроқ ҳарбий унвонлар ёқар? Унда мана бунга эътибор беринг...

Шундай дея робот унга ғоятда бежирим, тилла суви югуртирилган нишонни кўрсатди.

— Бу нишонга эга бўлишингиз билан сиз Брикорбрак сайёрасининг Қосмик флоти катта полковниги, афни бир вақтда Бош қўмондонни бўласиз. Тўғри, у бир неча минг йилдан бери сайёра шаклида мавжуд эмас. Брикорбрик атом урушида ёнғоқ каби парчаланиб кетган. Ёки ошхоналар сирн Герцоглигининг катта кострюли ва бош Баковул дипломини маъқул кўрасизми? Ёки Емошлар билан Яхшилар ордени кавалери унвони дурустми?

## ЯНГИЛИКЛАР МАГАЗИНИ

Аммо Марко энди унга қулоқ солмасди. Янги йил Арчаларни Сайёрасида яна бир ерлик юрганлигини эшитиб, у қаттиқ ҳаяжонга тушди. Қандай бўлмасин, уни тезда топиш керак. У билан гаплашиш лозим...

Ишқилиб, унвонфуруш роботдан тезроқ қутулай деб оддийроқ полиция капитани унвонни сотиб олишга жазм этди. Жуда бўлмаганда Ерда керак бўлиб қолар...

«Римга қайтиб борай ҳали,— деб ўйлади Марко,— бизга майдончада ўйнашга рухсат бермай ҳар ҳафтада биттадан тўпимизни олиб қўювчи ўша полициячини типпа-тик қилиб қўймасам Марко эмасман».

Ўз-ўзидан маълумки, полиция капитани унвони бир чақа ҳам турмасди.

Бу кўҳна пучмоққа тегиб кетишдан ҳазар қилгандек, тонг ҳам зўр-базўр отгувчи бу файзсиз жойларни Марко абадий тарк этди.

Яқиндагина Этельредус Аррейфедус Провалляйтус деб номланган хиёбонга етиб борганда тонг отиб, қуёш чарақлаб, ёқимли нур сочиб турарди. Марко йўловчиларга диққат билан разм солиб борарди. Ахир бирлари якка, қай бирлари ота-оналари билан кўчада пиёда ёки ёғоч тойчоқларда сайр қилиб юрган юзлаб қиз ва ўғил болалар орасида бошидан озмунча саргузаштни кечирмаган потаниш ўртоқ — яна бир ерлик бор эди-да. Ким бўлди экан бу бола — итальянми, русми, англизми ёки мисрликми?... Балки ёлғиз эмасдир, балки бошқа ерликлар ҳам бордир? Неча киши экан? Уларнинг ёшлари нечадайкин?

Унвонфуруш робот жуда мужмал маълумот берганди. Унинг фикрича, сайёрада ўн иккига яқин «ёрқинлик» меҳмон бўлган. Аммо уларнинг қаердалигини, қандай қилиб топишни у билмасди. Сизда справкалар хизмати ёки бюроси борми? Йўқ ва ҳеч қачон бўлмаган.

— Балки, улар ҳақида сизга Йўқ-Ҳокимият Саройида бирор нарса дейишар,— маслаҳат солди робот.— Аммо бу саройнинг қаердалиги эсимдан чиқиб кетган. Бунинг устига у ер доимо кимсиз ҳувиллаб ётармиш.

Ҳар ҳолда ҳеч нарсадан кўра шугина маслаҳат ҳам унинг дилида умид учқунини уйғотди. Марко ҳокимият ҳақида илк бор эшитиб турган бўлса ҳам унинг мавжудлигига унчалик ишонмасди. Хўш, қидиришни нимадан бошласа экан? Бунодоқ олиб қараганда ҳар нимадан бошласа ҳам бўлаверадди. Марко «Янгиликлар магизини»га кирди, чунки унга унинг номи яхшилиқ аломатидек туюлди. Магазинда ақл бовар қилмайдиган турли хил моллар сотиларди. Мисол учун «дидингиз истаганча» елимли маркаларни олиниб, откриткалар учун — музқаймоқ, оддий хатларга — қорақат, буюртмалиларга — ананас мўлжалланганди. Марко бу ердан даярли ҳеч нарса олмади, аммо чўнтагини ажойиб қаламтарошлар билан тўлдириб олишни унутмади. Қаламтарошлар бутунлай ҳайратомуз ишларди — қандайдир арзимаган калта-култа

қаламни солиб бир-икки айлантирилса, ўша заҳоти яп-янги учли қаламга айланиб қоларди. Бундай қаламтарош Тестаччодаги болаларга ёқиб тушса керак.

Марко сотувчидан яна бирор нарсани сўрамоқчи бўлиб турган эди, бирдан радиокарнайдан ҳаяжонли овоз эшитилди:

— Диққат! Диққат! Бизнинг сайёрамизга вовуллайдиган итларнинг итлари қўшини яна ёпирилиб келмоқда. Қулоқларингизга дарҳол пахта тиқиб олиб, тревога тугамагунча жойларингиздан қимирламай туринглар!

Марко хохолаб кулиб юборди.

— Агар одамлар қулоқларига пахта тиқиб олишса, тревога тугаганини қандай қилиб билиб олишади? Шаҳар ҳокимлари полиция юбориб, йўловчиларни қитиқлатишадими? Балки қулоқларига пахтани шундан кейин олишар?

— Айтнинг-чи сиз бирор чора тавсия эта оласизми?— деб унга мурожаат қилди энг сўнгги мурватигача шолғомдай қизариб кетган робот.

## ҲАРОЙИБ ИХТИРО

Одамлар суҳбатга шунчалик берилиб кетишгандики, ҳатто қулоқларини беркитиб олишни ҳам унутиб қўйишганди. Узоқ-узоқлардан тобора яқинлашиб келаётган махлуқларнинг қулоқ тешар вовуллашлари эшитила бошлади.

— Шайтон урсин, наҳотки бу ҳайвонларнинг овозини ўчириш қўлингиздан келмаса,— деб ғазабланди Марко.— Бу ўша итларнинг итларими? Унда уларга суякларнинг суягини беринглар, ўн минутдан сўнг улар ювошиб, думларини ликиллата бошлайдилар.

Унинг бу гапига жавобан ҳайрат тўла овозлар янгради:

— Суякларнинг суягини дейдими? Ростдан у суякларнинг суягини дедими?

— Ҳа-да! Шунга ҳам ақлимиз етмаганини қаранг!

Робот Марконинг қўлидан ушлаб:

— Тезроқ юринг, магазин директори ҳузурига борамиз!—деди.

— Нимага энди?— деб ҳайрон бўлди Марко.— Мен шунчаки айтгандим...

— Йўқ, йўқ, юраверинг сиз! Биз анчадан бери кутиб юрган сўзни айтдингиз! Юринг!

Марконинг таклифини эшитиб, бош директор ҳам ўзининг гоятда мамнунлигини билдирди. У шу заҳотиёқ телефон қилиб, буйруқ берди:

— Алло!.. 45557 номерлик подсекциями? Ҳамма ишингизни тўхтатинг! Суякларнинг суяги чизмасини қўлингизга олишингиз билан дарҳол миллион дона ишлаб чиқаришга киришинг. Ута муҳим топшириқ! Бошқа ҳамма ишларни четга суриб қўйинг!

— Суякларнинг суягини чизиб беринг!— дея Марконинг қўлига қалам билан қоғоз тутқазилди.

Марко уларнинг деворларига нуқул қўғирчоқ одамларнинг

суратини чизишдан бўлак нарсани билмаслигини бажонидил бўйнига олмоқчи бўлди. Аммо шундай бўлса-да, ўзини ва кекса Ёрқин сайёрасининг обрўсини ўйлаб, суякларнинг суяги расминини чизишга киришди.

У шунчаки қўлидан келганича, Тестаччоннинг дайди итлари қасобдан ўғирлаган суякка ўхшашроқ нарсанинг расминини чизиб, ундангал атрофдагиларга кўрсатди. Шундай пайтлар бўладик, ишонч ҳамма нарсадан устун келади. Суякларнинг суяги ихтироси ҳақиқатан ҳам зўр олқиш ва ҳайқирқиқлар билан кутиб олинди.

«Хурсанд бўлишлари учун уларга кўп нарсанинг кераги йўқ»,— деб ўйлади Марко, у бундай расминини ўлақолса мактабга олиб бормасди. Аммо у бу фикрни миясидан чиқариб ташлаб, магазиндан чиқаётган одамлар ортидан катта майдонга борди, у ерда кўз очиб-юмгунча тайёрланган лойиҳага кўра барпо этилган махсус старт майдони юзлаб роботлар иштирокида мислсиз тезлик билан қад тикламоқда эди.

Орадан кўп вақт ўтмади. Шаҳар осмонида конфетчалар ёғилиб турган пуштиранг булутларни ёриб, итларнинг итининг биринчи галаси пайдо бўлиши билан ерости фабрикалардан суякларнинг суягининг биринчи нусхаси олиб чиқилди.

«Шундай устихондан, — деб кўнглидан ўтказди Марко, унинг катталигига қойил қолиб. — Римнинг, ундан ташқари бутун марказий Италиянинг ҳамма итлари баҳраманд бўла олади. Яна қандай мужишли! Ўзим ҳам иштаҳа билан ражирдим!»

Тўғриси айтганда, унинг чизган расмига кўра қандайдир жуда баҳайбат, даҳшатли нарса ишланганди, баҳайбатлиги шунчалик, нақ Колизейча келарди, шунақа эди суякларнинг суяги!

Робот-артиллерист томонидан суякларнинг суяги солинган ракета осмонга учирилди ва у итларнинг итига яқинлашиб борди. Шунда итларнинг сафида саросималик юз берди-ю, бироқ салдан кейин яна ҳаммаси кутилмаган тортиққа ташланиб, тишларининг тиржайтирганча гажий кетишди. Улар вовуллашдан тўхтаб, ҳузур билан фақат ириллагина қўйишарди, холос.

## МАРКОНИНГ ҲАЙКАЛИ

— Гажинглар-а! Гажинглар! — хурсанд бўлиб бақирарди магазин директори. — Чакки совға бўлмади, шундай эмасми? Суякларни ҳеч қачон еб тугатолмайсизлар — улар шунчалик мўлки, итларнинг етти пуштигача етади!

Фазо қўйнидан йиртқишларнинг янги-янги тўдалари келиб қўшила бошлади. Сайёрадан эса суяклар суягининг янги-янги уюмлари уларга пешвоз қилиб учириларди. Натижа улар кўзлагандек бўлди — вовуллаш тез орада тина бошлади. Баъзи итларнинг итлари ўзларига бемалол жойларда, уйларнинг томларида, боғ ва паркларда, ҳатто тротуарларда ётиб олиб бемалол суяк ражир эдилар. Болалар ҳам қўрқмасдан уларнинг думларидан ушлаб тортар, лекин итлар буни сезмас эдилар.

Уш минг итларнинг ити овозини ўчириш учун бир неча юз суяк кифон бўлди. Суякларнинг суягини мўлжалдан бир оз узоқроққа учирилган эди, унинг кетидан қувиб кетган итларнинг итларидан ум ўтмай шаҳар бўшаб қолди. Янги йил Арчаси Сайёрасидан олинган совғани қисирлатиб чайнаганча яланиб ва думларини лаллатиб, қаёқдан келган бўлсалар ўша ёққа жимгина учиб кетишди. Улар бамисоли вовуллашни бутунлай эсдан чиқарганга ўшар эдилар.

Марконинг шайнига ҳурмат ва мақтовлар ёғилди.

— Ҳайкал! Унга ҳайкал ўрнатиш керак! — деб бақиринишди тўп-ланганлар орасидан намаълум ташаббускорлар.

— Қишки Боққа! Тезроқ Қишки Боққа! Ғолибга тегишли ҳурмат-эҳтиромни бажо келтирамиз!

Марко бу тантаналарга аралашмасликни хоҳларди, лекин чор-атрофдаги шундай қувноқ кайфият ва шоду хуррамлик уни гирдобига тортиб кетди, ҳеч ким унинг гапига қулоқ солай демасди. У ўз шухратига файласуфларча қарар ва Янги йил Арчаси Сайёрасининг аҳолиси уни қўлларидан баланд кўтарганча бир неча маҳалладан ўтиб, баланд панжаралар билан ўралган қандайдир виллага етиб келди. Вилла пештоқида: «Қишки Боғ» деб ёзилган лавҳа осиблик турарди.

Боя айтганимиздек, бутун сайёрада доимий баҳор ҳукм суради. Махсус машиналар (уларни тасвирлаб ўтирмаймиз, Маркога ҳам уларни кўриш nasib бўлмади, чунки улар ер остида ёки узоқ самовий станцияларда ишларди) табиат ўз таъсир кучини кўрсата олмайдиган сунъий календарга мувофиқ, шамол, ҳаво оқими ва бошқа атмосфера ҳодисалари орқали об-ҳавони бошқариб туради.

Баҳор йилнинг энг гўзал фасли эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Аммо қишнинг ҳам ўзига яраша кўркемлиги бор, ундан воз кетишнинг ҳожати йўқ эди. Ёз-чи? Офтобда баданинг қорайиб кетганча ётишнинг мумкин, хоҳлаганингча денгизда чўмиласан. Бунинг нимаси ёмон? Бундан ташқари шундай одамлар борки, вазмин ва ювош бўлишади, хотираларга берилишни ва мулоҳаза юритишни яхши кўришади. Ундайлар учун кўпроқ куз хуш ёқади. Бундай одамлар учун Янги йил Арчалари Сайёрасининг баъзи қисмида ўзгармас куз об-ҳавоси сақланган. Ўз-ўзидан маълумки, денгиз пляжларида сув ва ҳавонинг иссиқлиги доимо ёздагидек мўътадил, ҳавони булут қоплаши, ёмғир ёғиши, момақалдиरोқ бўлишига асло йўл қўйилмасди. Шаҳарнинг қоқ марказида Қишки Боғ барпо этилган бўлиб, у ерда бутун йил давомида муттасил ҳор ёғиб турарди, конькида учиб сув бостириб, яхмалак майдончаси қурилган, дарахтларда, аниқроғи, сайёранинг шу қисмида оддийгина Янги йил арчаларида чинакам сумалаклар осилиб турарди.

Қишки Боққа кираверишда катта ёпиқ вестибюлда сизимдор гардероб турарди. Боққа келувчилар шу ерда ўзларига ёққан пальто ёки шуба, этик ёки пийма, шарф, қулоқчини ҳамда қўлқоп олишлари, кийимларини қишликка алмаштиришлари мумкин эди. Уст-бош кийимларини уларга Боғ директори тақдим этарди. Бу



ердан чиқиб кетини олдида қишки кийимни, ўз-ўзидан маълумки, енгил баҳор камзулига алмаштиришни ҳеч ким унутмасди.

Иссиқ оқ шубага ўраниб, оёғига жун этик кийиб олган Марко уни қўраб олганлар билан бирга тепаликка чиқди, у ердан юзлаб болалар чаналарда қий-чув ва қийқириқлар билан пастликка қараб сирганиб тушардилар. Шу топ бир неча одам қорни бир жойга тўплашга киришди, кейин думалатиб катталаштирди. Бир зумда Марконинг қор ҳайкали бунёд бўлди. У суякларнинг суяғини боши узра кўтариб, оёғи остида ётган итларнинг итини тепкилаб тургандек эди. Ҳайкал тагсупасига эса нотаниш синьборанинг лаб бўёғи билан: «Ерқинлик, Марко, итларнинг ити голиби, суякларнинг суяғи ихтирочиси» деб чиройли қилиб ёзиб қўйилди.

Қаердандир этиб келган оркестр тантанали гимнни ижро этди. Кейин йиғилиб турганларнинг олқиши остида Маркони ҳайкал суячаси устига, ҳайкал ёнига чиқазиб қўйишди-да, бўлиб ўтган воқеаларни қизгин муҳокама қилишганча секин-аста тарқалишди.

«Қойил!— деди Марко.— Бор-йўқ тантана шу бўлдим!»

У атрофга кўз солди, хайрият, ҳайкали ёмон одамларнинг ҳайкаллари ичиде эмас экан. Бу ғалати даҳмаза билан ёнма-ён яна ўнга худди шундай тилсиз ва жонсиз қор ҳайкаллари турарди. Баъзилари энди-энди эрий бошлаганди — анави бирининг оёғи йўқ. Мана бунисининг ёзувини ўқиб бўлмасди. Бир ҳайкалнинг ҳатто калласи узилиб тушиб, оёғи остида думалаб ётарди, уни олиб жойига ўрнатиб қўйиш ҳеч кимнинг хаёлига келмасди.

Марконинг кўнглини ўткинчи дунёвий шухрат ҳақидаги қайғули мулоҳазалар босиб кела бошлаган эди, бирдан кимнингдир уни шодон қақирган овози эшитилди. Марко ўзига томон чопиб келаётган Маркусга кўзи тушди.

— Ишларинг қалай?— сўради у ердан бир сиқим қор олиб думалоқлар экан.— Менсиз ҳам ишларинг ёмон эмасга ўхшайди. Ўзингга ҳатто ҳайкал қўйдиришга ҳам эришибсан!

У шундай дея туриб қўлидаги юмалоқланган қор билан тўғри Марконинг қор ҳайкали бурнига тушириб қолди-ку!

— Нега менинг ҳайкалимга қараб отасан. Бошқа бирортаси қуриб кетганмиди?

— Барибир болалар яна қилишади, уни. Ундан кўра биринчи зарбани дўстингдан олганинг маъқул.

Марко тагсупадан пастга тушди.

— Айтмоқчи, нега улар мени ташлаб кетишди?— деди у.

— Ишларни бордир-да,— деб жавоб берди Маркус елкасини қисиб, кейин шошилиб деди:— Биласанми, мен ҳали ҳайкал қўйишга лойиқ бирор иш қилганим йўқ.

— Бизда ҳайкални фақат ўлганларга қўйишади,— жавоб берди Марко.— Уларни ҳеч қачон қордан ясамайдилар, мрамор ёки бронзадан ясашади. Ҳайкалларни майдонларга, кўчаларга, боғ ва паркларга ўрнатадилар.

— Ўзинг роса ҳайкаллар қалашиб кетган бўлса керак-а?— деб кулди Маркус.— Менимча, бизнинг қор ҳайкалларимиз дуруст.— аввало узоқ турмайди, бошқаларга жой бўшатиб беради. Кейин,

қўйган ҳайкалингиздан ўяган одамга нима наф? Ҳайкални тирик одамга қўйилса яхши-да, ахир, жуда бўлмаганда озгина муддагга бўлса ҳам кўнгилни кўтарди-ку.

## ИЗИДАН ТУШИШ

Кун жуда тез ўтди — олдин қаҳвахонада бўлишди, кейин ҳайвонот боғини томоша қилишди. У «ернинг» зообоғига, шубҳасиз, тирноқча ҳам ўхшамасди. Бу ерда шер ва йўлбарслар томошабинлар орасида бемалол айланиб юрарди, кўлнинг тиниқ сувида сузиб юрган тимсоҳлар эса оққуш ва болалар билан дўстона ўйнашарди. Ҳеч қаерда ва ҳеч қачон ҳайвон сақлайдиган темир қафаслар бўлмаган.

Марко ўртоғидан, «кечаси қаёққа ғойиб бўлдинг, билсам бўладими, деб бир неча бор сўради, лекин ундан бирор жўяли жавобни ололмади. Бундан ташқари ундан яна бу вақтда гўё Янги йил Арчалари Сайёрасида меҳмон бўлиб турган бошқа ёрқинликлар ҳақида ҳам сўраб билмоқчи эди. Аммо Маркус энсаси қотгандай бўлиб бу борада ҳам аниқ бир нарса айтмади. Марконинг бутунлай таъби хира бўлиб, тобора авзойи тундлаша борди. Бутунлай гафлатда яшаш унга жуда оғир эди. У нима қилиб бўлса ҳам бу сирнинг тагига етишга қарор қилди.

«Бу кечани мижжа қоқмай ўтказаман»,— деди у ўзига ўзи.

Улар кечки нонуштадан сўнг Ерқин кўчасидаги уйга қайтиб келишди. Марко бу ерда эрталаб турли хил магазинлардан харид қилган моллар солинган қутилар уюмига малоллик билан кўз қирини ташлаб қўйдн. Телевизор орқали унинг итларнинг итлари устидан қилган ғалабасига бағишланган эшиттиришни бошдан-оёқ кўрган роботнинг валдирашига ҳам қулоқ солмай, ухлашни баҳона қилиб, юқори қаватдаги ётоқхонага кўтарилди, кийимини иссиқ камзулга алмаштирди-да, чироқни ўчириб тўшагига ётди.

У қўшни хона эшигини қия очиб қолдириб, тирқишидан Маркусни кузата бошлади. Маркус ҳам келиб ўрнига ётди-да, бир китобни очиб ўқий бошлади. Аммо кўп ўтмай у эснай бошлади ва чироқни ўчирди. Қоронгуликдан унинг каравотида икки маротаба у ёғидан-бу ёғига ағдарилиб ётгани эшитилди. Шунда Марко ухлаб ётган Маркусни қўриқлашга аҳд қилиб, аста ўрnidан турди-да, оёқ учида юриб, эшик ёнига келди. Иккинчи маротаба фириб еб қолмаслик учун у ерга жойлашиброқ ўтириб олди.

Эшик аста гижирлаб, Марко чўчиб тушди. Барибир ҳам кўзи яллинибди-да. У толиққан кўзларини ишқалади. Аммо қанча ухладийкин? Кўпми ё озми? Миркуснинг нафас олиши қулоққа чалинмасди.

Марко қўшни хонага югуриб чиқиб чироқни ёқди. Каравот бўм-бўш эди. У зинаподдан ўқдай учиб тушди, ундан кўчага отилди. Маркус ўзиюрар тротуарда узоқлашиб борарди.

«Бу сафар мендан қутулиб бўлсан!»— деди Марко ва лип этиб тротуарга чиқиб олди.

## ИҶҶ-ҲУКУМАТ САРОЙИ

Маркуснинг кетидан қува-қува бола шаҳарнинг нотаниш, эски қисмида қиқиб қолди. Бу ерда магазин витриналари бармоқ билан сапарли эди. Уларнинг чарақлаган ойналари қорайиб кетган гишт уйларнинг деворларидан бўртиб чиқиб турарди. Томларнинг ҳар жой-ҳар жойидан қоп-қора миноралар қад кўтариб турарди. Бу ерда Янги йил арчалари ҳам камчил эди. Ҳатто баҳор об-ҳавоси ҳам айқаш-уйқаш тор кўчалар ва хилват жинкўчаларга қандайдир ярашмай турганга ўхшарди. Уйларнинг деворлари ис босган бўлишига қарамай, томдан тўппа-тўғри Маркуснинг оғзига тушган томчи атиргул япроғидан қилинган мураббо тамини берарди. Тўғри, ундан билнар-билмас могор ҳиди келиб турарди.

Маркус сезиб қолмасин деб Марко уйларнинг деворига қапишиб борарди. Аммо Маркус доақал орқасига қайрилиб қарамади ҳам. У ё нзига одам тушганидан беҳабар ёки бунга кўлда парво қилмасди. Охири у зимзиё қоронғу бостирмага кириб кетди. Марко ҳам шошмай унинг кетидан ўзини ичкарига урди.

«Ҳукумат саройи» — деб ўқиди у кираверишдаги осиб қўйилган ва вақт ўтган сайин шарти кетиб парти қолган мрамор лавҳадан. Унинг тагидан эса кимдир кўмир билан «ИҶҶ-Ҳукумат» деб ёзиб қўйганди.

Ен-атрофда ҳеч қандай соқчи, ҳаттоки эшик олдида швейцар ҳам кўринмасди.

Марко ним қоронғуликда вестибюлдаги кенг зинани илғади, ҳаётдан дарак берувчи ягона нарса — Маркуснинг тез узоқлашиб бораётган оёқ товушини эшитди.

Марко дук-дук ураётган юрагини ҳовучлаганича у билан изма-из зинадан тепага ҳовлиқиб чиқиб борар экан, бир вақт йўлда ўтирган одамга туртиниб кетди.

— Кўзингга қараб юрмайсанми, алвасти! — дўқ овози эшитилди.

— Қечирасиз, — гўлдиради Марко, — илгимос, кечиринг!

— Бўпти, ҳечқиси йўқ, — деб жавоб берди овоз инсофга келиб, — кел, яхшиси «сен»га ўта қолайлик.

— Ахир сиз билан таниш эмасмиз-ку...

— Агар масала шунга қараб қолган бўлса, унда ўзини таништирай. Ҳукумат бошлиғиман. Энди мен сенга нима демоқчиман, биласанми? Билсанг, мен уйга кетдим.

Марко бу ғалати одам ҳақида нима деб ўйлашини ҳам билмасди. Ним қоронғуликда унинг ёш ёки қарилгини ҳам ажратолмади.

— Мен мажлисга бормоқчи эдим, — деб давом этди сўзнда ҳа-лиги одам, — бироқ миямга бир ажойиб математик масала келиб қолди. Уни ечиш учун шу ерда туриб қолдим. Бу ер шундай осойиштаки! Мажлисга боришдан бутунлай кўнглим қолди. Тўғри, ҳамкасабаларим олдида ноқулай, аммо уларга бошқа ҳукумат бошлигини сайлашларига тўғри келади. Мен бўлсам ўзини бу вазифадан математик сабабларга кўра озод деб биламан. — У ку-

либ ўрнидан турди-да, камзулининг барини қоқди. Марконинг юзига меҳрибонана снгил шапатилаб қўйди-да, зинадан пастга туша бошлади.

— Кечирасиз,— юрак ютиб гап қотди Марко,— агар сиз ҳукумат бошлиғи бўлсангиз, унда сизнинг менга тегишли масала ҳақида хабарингиз бўлса керак. Мен Римданман, ерликман, кечирасиз, афв этинг, Ерқни сайёрасиданман. Мен бир нарсани сўрамоқчи...

— Ҳа, эслаяпман. Дарҳақиқат, сенинг масаланг кун тартибидан бор эди. Аммо сен ташвишланма — сенинг масаланг ҳам ечилади. Мен ҳозир ўзининг масалам билан бандман. Сабр қил. Ҳа, математика! Қандай буюк нарса!

У яна эшик томон йўл олди.

## ПРЕЗИДЕНТ МАРКУС

Марконинг дўстининг кетидан қувишдан бўлак иложи қолмади. У зинадан юқорига кўтарилганди, бирдан-бирига ўтиладиган қатор ёруғ хоналарга кўзи тушди, уларнинг деворларига катта расмлар осиб ташланганди. Бу музей ёки қирол резиденцияси бўлиши керак. Залларнинг эшиклари бор бўлиб, улардан қаёққадир ўтилиши аниқ эди. Марко эшикларни бир-бир очиб бораверди.

Учинчи эшикни очди-ю, дарҳол қайта ёпди. У чиройли, оппоқ залнинг ўртасида тақа шаклидаги столнинг атрофида эса нотаниш одамлар ўтирганини кўрди. Маркус ҳам уларнинг орқасида бўлиб, у ўтирганларга нималарнидир сўзларди. Марко эшикни қия очиб қолдириб, суҳбат нима ҳақида бораётганини эшитишга ҳарор қилди.

— Биз мажлисни қолдира олмаймиз,— қатъий равишда сўзларди Маркус.

— Ҳукумат бошлиғи келмаган бўлса, бошқасини тайинлаймиз.

— Лекин бу бир ойда бешинчиси бўлади-ку!— деб унинг гавити бўлди кимнингдир босиқ ва йўғон овози.

— Бу мумкин эмас! Давлатни ўз бўйига ихтиёрий равишда бошқаришни олувчиларнинг сони кун сайин камайиб кетаяпти. Масалан, молия министри ўрнини олайлик. Икки ойдан бери бу ўринга одам қидириб, барча ҳаракатимиз беҳуда кетаяпти. Ҳаммаси ўзининг бандлигини рўқач қилади. Салдан кейин уларнинг роботлар билан шахмат ўйнаётганини, машина ихтиро этаётганини ёки ҳатто «Хоҳлаганингни буз-синдир!» саройида девор бузаётганини кўрасиз.

Ахир, халқ айтганидек, биз бекорга Йўқ-Ҳукуматимизми,— дея бошқа овоз.— Ҳамма ишлар ўз-ўзидан бинойидек кетаверса, ҳукуматнинг ҳеч кимга кераги бўлмай қолади-ку.

— Батъан шундай ишлар учрайдики: улар махсус қарор қабул қилишни талаб қилади,— сўзида қаттиқ туриб олди Маркус.

— Одамлар анчадан бери ҳамма нарсани ўзлари ҳал қилишни ўрганиб олганлар, буни жуда қойил қилиб бажаряптилар ҳам.

— Тўппа-тўғри, — давом этди Маркус, — аммо биз ёрқинликлар хусусидаги масалани майдонда ҳал қила олмаймиз.

— Нега ҳал қила олмас эканмиз? Қайтанга бу масалани сенинг ўзинг ҳал қила олмайсанми? — деди қувноқ овоз. — Бизлар эса ўз юмушларимизга борамиз. Ундан ташқари, масала шунга бориб тақаладиган бўлса, унда ҳукуматни нега энди сен ўзинг бошқармаслигинг керак? Ешсан, ақл-ҳушинг жойида. Сендан ажойиб фикрлар чиқиши аниқ.

Стол атрофида ўтирганларнинг ҳаммаси бу таклифни маъқуллаб, қарсақ чалиб юбордилар.

— Бир овоздан маъқуллаймиз, — деган овозлар янгради.

— Аммо мен..

— Ҳеч қандай «аммо-паммо»си йўқ. Сен сайландинг, қани — ишга туш!

— Яхши, — деди жиддий Маркус. — Мен розиман. Лекин битта шартим бор: бугун тундаёқ Марко ҳақидаги масала муҳокама қилинади. Мен ўтган кечанинг ҳаммасини ва бугунги кунинг ярминини ҳукумат мажлисини ташкил этишга сарфладим, пировордида сизларни бу ерга йиғилганларнингиздан фойдаланиб узил-кесил ҳал этиб қўя қолайлик. Бунинг устига вақтимиз зиқ. Барибир масала тонг отгунча ҳам бир ёқлик бўлиши амри маҳол.

— Шунчалик шошилиш зарурми?

## 5 «а»

— Гап шундаки, Марко Ёрқин сайёрасини ёрқинликлар календарига кўра, 23 октябрь кечқурун ташлаб чиқиб кетган. Бир неча соатдан сўнг биз унга шу соатларда қайтиб кетишга рухсат бермасак, бошанинг йўқолгани маълум бўлиб қолади.

Бу сўзларни эшитиб Марконинг бадани жунжикиб кетди. Мажлислар залини сукунат босди. Бир оздан сўнг кимдир Маркуستا докладни бошлашини таклиф этди.

— Сийборлар, — деб бошлади Маркус ўз маърузасини, — ёрқинликлар кейинги пайтда космик фазони ўзлаштиришда катта ютуқларни қўлга киритаётганликларидан хабарингиз бор. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, улар бизнинг планетамизга ҳам тушиб қолишлари мумкин. Уларнинг мақсади нимадан иборат? Улар бизнинг ҳузуримизга дўст сифатида, дўстлик ришталарини боғлаш учун ташриф буюришадими, бизнинг мустақиллигимиз ва эркимизни ҳурмат қиладими ёки вовулловчи итларнинг итлари каби самовий қароқчиларга ўхшаб бизни мағлуб этишга, фаровон турмушимизни аросатга солишга, бор-йўғимизни ўзлаштириб олишга қасд қилишармикан? Ўзингиз мендан кўра яхшироқ биласизки, ўз вақтида бу масала ҳукумат донрасида муҳокама қилинганда мен бешикда ётар эдим — бир оз хотиржамлик ва калта ўйлаш патнжасида ҳеч қандай зарурий чоралар кўрилмаган. Ҳолбуки, ўз вакилларимизни Ерга юбориш имкониятимиз бор эди ўшанда. Аммо юборилмади. Биз турли мамлакатларнинг ҳукумат

Бошляқлари билан алоқа ўрнатишимиз мумкин эди, ammo ерда-гиларнинг нуфуси ҳаддан ташқари кўпайгидан бизнинг Йўқ-Хукуматимиз ўзидан кўрқди. Хайриятки, бизлар ишни ўз қўлимизга олдик.

— «Биз» деганингиз кимлар ўзи, билсак бўладими?— деб қизиқиб сўради кимдир уйқусираган овозда.

— Сиз кеча кечқурундан бошлаб министр бўлдингиз, шунинг учун ҳеч нарсадан хабарингиз йўқ. Биз — бу 2345-сонли мактабнинг 5 «а» синфидаги болалармиз. Ҳеч кимга билдирмай, ўзимиз илап ишлаб чиқиб, уни ўзимиз амалга оширганмиз. Бундан хабар топган Йўқ-Хукумат бутун «ишни» ўз қўлига олиб, бизнинг устимиздан ҳукм юргизмоқчи бўлди. Бу «иш»ни хоҳлаб ўз зиммаларингизга олдиларингизми, энди уни охиригача олиб бориңг.

— Қанақа «ҳукм юргизиш»? Қандай иш? Ахир менга тушунтириб берсаларинг-чи,— деди яна ўша уйқусираган овоз.

— Иш ҳақидаги масалага келсак,— деб сўзга аралашди қувноқ овоз, бу фикр ёмон эмас эди. Бизнинг жасур ўқувчиларимиз шундай ўйлашганди: Ёрқинликлар бу ерга тахминан йигирма йилдан сўнг келишади. Демак, бугунги кунда мактабда ўқиётганларнинг орасидан ўша вақтга келиб қайси бирлари олим, космонавт, астронавт, астроном, физик, генерал, ҳукумат аъзоси ва ҳоказо бўлиб етишиб чиқадилар. Демак, ўзгарувчи ҳукумат аъзолари билан эмас, балки Токиодаги, Римдаги, Тестачходаги, Гавиратдаги 5 «а» синфлари билан алоқа боғлаш лозим. У зумрашлар ёрқинликлар географиясини аъло даражада билишадди! Ҳарқалай илгари биз анчагина содда бўлганмиз, мактабларимизни космик лабораториялар билан биринчи даражали электрон робот ва шунга ўхшаш нарсалар билан жиҳозлаб қўйганмиз, болаларимиз космик тебранма-тойчоқларни ясай бошлашди, улар ҳамма жиҳатдан елим, гипс ва бўр аралаштирилган қоғоз массадан ерликлар ясаган ўйинчоқ тойчоқларга ўхшаб кетади, янги йил олдидан ерликлар бир-бирларига ана шундай нарсалар совға қилишни жуда яхши кўришади.

(«Жуда унчалик эмасдиров...» — деб ўзича гудранди Марко, римликларнинг уччига чиққан маҳмаданаларидай, ҳолбуки у болалигида ажойиб эртақ тинглагандай, маърузани нафасини ичига ютиб тинглаётганди.)

## ТРОЯ ТЕБРАНМА-ТОЙЧОҚЛАРИ

— Мана бу тойчоқлар,— деб сўзида давом этди қувноқ овоз,— шахсус сайёралараро ракеталар ёрдамида Ёрқин сайёраси мағзинларига ўтказилганди. Мана шундай совға болалар қўлига текканидан кейин эртами, кечми бизнинг сайёрамизга зудлик билан етиб келишади ва бу ерда, ишончимиз комилки, бизнинг дўстларимиз бўлиб қолишади. Уларнинг самовий тарбияси тугагандан сўнг биз уларни Ерга қайтариб юборамиз. 5 «а» даги болаларимиз шу тартибда самовий оламда тинч-тотув яшашга асос солиш ния-

тидалар. Пигирма йилдан кейин усулларимиз самарасини беради, дсб улар қасамёд қилишмоқда. Пигирма йил ўтгандан сўнг биз яна бугунги меҳмонларимизни шу ерда, ўзимизнинг тартиб-қоидаларимиз асосида кутиб оламиз. Улар бизнинг ўзюрар тротуарларимиздан фойдаланишни, тўртштексларимиздан тамадди этишни ва магазинларимиздан бепул мол харид қилишни бемалол уddалайдиган бўлиб қоладилар. Ҳаммасидан ҳам қизиги шундаки, улар бизнинг сайёрамизга дўст сифатида ташриф буюрадилар. Жуда бўлмаганда бунга умид қилса бўлади.

— Бу сайёраларо тарбия плани ҳақиқатан ҳам амалга оширилдими?— деб сўради уйқусираган овоз.

— Амалга оширилганга ўхшайди,— деб жавоб берди қувноқ овоз.— Уқтин-уқтин бизга қандайдир ёрқинликлар келиб туришди. Болаларимиз уларни оталиққа олиб, у ёқ-бу ёққа олиб бордилар, қисқа қилиб айтганда тарбиялайдилар...

— Кейин қўйиб юборадиларми?

— Албатта.

— Бир дақиқа сабр қилинглр,— деб суҳбатга аралашди Маркус. У шу дақиқада жуда жиддий ва салобатли кўриниб кетди.— Биз уларга фақатгина улар бизнинг дўстларимиз бўлиб қолишганига ишончимиз комил бўлганда жавоб берамиз. Акс ҳолда биз уларни шу ерда ушлаб тураверамиз. Бироқ бундай ҳол, тўғрисида айтганда шу маҳалгача бирор марта ҳам рўй бергани йўқ. Сайёрамизга ҳар ойда қанча ёрқинлик келиб туришини биласизми? Кам деганда юз минг нафар келади.

— Шундай қилиб, сиз Ерқин сайёрасида ёғоч тойчоқлар савдосининг барқ уришига бехтнёр имкон яратиб беряпсиз,— деб қайд қилди қувноқ овоз.— У ерда, бизга маълум бўлишича, тойчоқларни ҳамма ҳали ҳам пулга сотиб олишар экан.

— Энди гап бундай,— деб давом этди Маркус,— ёрқинлик Маркони қайтариб юборамизми ёки уни бу ерда гаров тарикасида ушлаб тураемизми? Бундай муҳим масалани бир ўзим ҳал қилишни хоҳламайман.

— Аммо сен, ҳар ҳолда,— деди кимдир,— биздан кўра уни яхши биласан.— У итларнинг итлари синовидан муваффақиятли ўтди.

— Қанақа синовдан?— сўради уйқусираган овоз.— Қандайдир итларнинг итлари ҳақида бу ерда иккинчи бор қулоғимга чалинаётгани.

— Сизга кишининг фақат ҳаваси келади, чунки сиз уларнинг ўзини эмас, улар ҳақидаги гапларни эшитяпсиз,— деди қувноқ овоз.— Биз кичик меҳмонимизнинг «қирнш» сўзини эсдан чиқара олишга қодир эканлигини билиш учун кичик синовдан ўтказдик.

— Кечирасиз, тушунмадим.

— Тушунмаслигингиз ўз-ўзидан аён. «Қирнш»— бу эскирган сўзлардан бўлиб, уни луғатдан чиқариб, унутиш саройига жўнатганмиз. «Қирнш», «Кўра олмаслик», «Урушмоқ» деган сўзларни бари ўша ерда, мен ҳам уларнинг ҳаммасини эслай олмайман. Биз меҳмонимиз учун итларнинг итлари бостириб келишини саҳналаштирган эдик, у ғоятда ижобий фикр билдирди.

— Суякларнинг суягини ўйлаб топган бу иккиюзинчи ёрқинлик,— деб сўз қистирди министрлардан бири. (Марконинг бетига қизил югурди). У ўзини қанчалик жаҳли чиққан қилиб кўрсатишга ҳаракат қилмасин, барибир эпололмади. Аслида унинг бу қизариши уялганидан эмас, балки махфий синовдан ғолиб чиққани учун, суюнганидан эди. Буни у кейинчалик англаб етди.

## МАРКО, ҚОЧИ

— Тўғри, у ўзининг дил туйғуларини кинояли сўзлар билан хаспўшлашга урiniaпти, лекин шунга қарамай, бу бола анча дуруст одамга ўхшайди,— деб давом этди Маркус. У ҳатто мозор устида туриб ҳам ҳазил-мутойиба қилишни билади. Лекин бизга мактабда тушунтиришларига кўра, бу одатда римликларнинг ҳаммасига хос фазилат экан. Афтидан, улар ўзларининг ҳақиқий қиёфаларини кўримсиз башаралари ортига яширишни яхши кўрсалар керак. Уларни тушунш учун феъл-атворларини сиртқи қиёфаларига қараб эмас, балки юракларига қўл солиб кўрган маъқул. (Марко бу сўзларни эшитиб, яна қизарди. У ҳеч қачон ҳозиргидек кекса Римни, Тестачони ва ўзининг сергап ватандошларини бунчалик севамаганди. У шу топда Маркусни маҳкам қучоқлаб бетидан чўлпиллатиб ўпишга тайёр эди. Аммо тўсатдан осмонни булут қоплагандай, унинг бошида бутунлай бошқача фикрлар чарх ура бошлади...)

— Барибир,— деди Маркус,— у бу саёҳатнинг маъносини тагигача англаёлганига кўзим етмай турибди. Тўғриси, шу масалани якка ўзим ҳал эта олмайман. Балки у ҳали жуда ёшдир...

(Шошманг, сиз аввал бир унинг гапларига қулоқ солиб кўринг-чи!— жаҳли чиқди Марконинг.— Ўзлари жуда катта киши бўлиб кетдиларми? Мақтанчоқлик ҳам эви билан-да. Бунинг ҳаммаси унинг Йўқ-Ҳукумат бошлиғи қилиб тайинланганлиги оқибатидан...)

— Сенинг гапларингдан мен фақат бир нарсани англаб турибман,— деб Маркуснинг гапини бўлди кимдир,— яъни сен уни бир пача йил бу ерда ушлаб туришни таклиф этмоқчисан. Хўш, айт-чи, бизнинг йилимиз биланми ёки ерликларники биланми?

Марко чаён чаққандай сапчиб ўрнидан турди.

«Йўқ, азизларим,— тутоқиб кетди у,— бу масалани фақат сизлар ҳал этмайсизлар!..»

У кейинги гапларга қулоқ ҳам солмай, ҳамма заллардан ўқдай учиб ўтди-да, зинапоядан настга тушиб кетди. Йўлда, у яна собиқ ҳукумат бошлиғига тўқнаш келди — у энчасини қашлаганча эшик ёнида турарди.

— Ҳа, кичик ёрқинлик, аллақайга шошилаётганга ўхшайсан?... Мен бўлсам ҳалиям Ҳукумат Саройидаман! Бу математик масала мени замон ва маконни унуттишга мажбур этди. Аммо энди уйга қайтишга астойдил бел боғлаганман...

Марко уни айланиб ўтди-да, кучининг борича югура кетди. Олдинига сал бўлмаса эски маҳалланинг тор кўчаларида адашиб



қолаёзди, лекин хиёбонга чиқиши билан қайси томонга қараб туғуришни аниқ билиб олди!

Узюорар тротуарларда ёғоч тойчоқларнинг кўпчилиги бўш турарди. У шартта шулардан бирига прғиб минди-да, кўчанинг қоқ ўртасидан тўғрига қараб от қўйди. Кўчанинг ҳар икки тарафида чарақлаб турган янги йил арчалари сафи ва байрамона безатилган витриналар унинг кўз ўнгидан лип-лип ўтарди, аммо ҳозир уларга қарашга ҳам, улар ҳақида ўйлашга ҳам унинг вақти йўқ эди.

Мана, олдинда пастқам, чароғон аэропорт биноси кўринди. У бу ерга етиб келиб, тойчоқдан тушнши билан олдинда «Энди нима қилиш керак?» деган энг мушкул савол кўндаланг бўлди. Нима қилсин, қуёш системасига учиш учун ҳозирлик кўраётган самовий кемани топши керакми? Лекин шу он миясига ундан кўра аниқроқ фикр келди ва у самовий от туёғини тозалаётган роботга мурожаат қилди.

— Кечирасиз, сиз Ёрқин сайёрасига юборилувчи ёғоч тойчоқлар солинган қутиларнинг қаердалигини айтолмайсизми?

Робот ҳайрон бўлиб унга қаради.

— Янглишмасам сен ё «а» данга ўхшайсан, шундай эмасми?

— Ҳа, мен муҳим топшириқ билан...

— Афсус, афсус,— деди робот,— бу юк кеча жўнатиб юборилган эди-я. Кейинги гуруҳи энди бир ҳафтадан кейин жўнатилади...

— Ҳа, ҳа,— деди шошиб Марко,— бундан хабарим бор. Лекин мен ўйлагандимки... Қуняга янглишибман... Бугун қайси кун ўзи?

— Ҳар қачонгидек, янги йил кунин,— дея жавоб берди робот, унга сайнн ҳайрон қолиб,— ўзи нима гап, балки тобниг қочгандир?

— Ҳа, тўғрисиини айтганда, ўзимни ёмон ҳис қилияман,— деб иқрор бўлди Марко.— Муҳим топшириқни зимманга олдингми, кўп ухлаш кони зиён экан. Мен бўлсам, эҳтимол, бир суткадан зиёд ухлабман, шунинг учун ҳамма нарсаи чалкаштириб юбордим.

Марко шундай деди-ю, тезда жуфтакни ростлаб қолди, бу чалкаш сўзлар робот системасида қандайдир қисқа туташув ҳосил қилди, шекилли, у бошини чайқай-чайқай ишнини давом эттира кетди.

Марко қадамни секилатди. Тамом, ерга учиб кетадиган кемага кириб яширинишга зигирча умид қолмади, энди оз эмас, кўп эмас, роса бир ҳафта кутншга мажбур. Шуларни ўйлаб унинг тарвузи қўлтигидан тушди. Умидсизликдан оёқларн чалишиб кетаётганди.

Шу пайт бутун аэропорт бўйлаб радиокарнайдап кимнингдир овози янгради:

— Марко! Марко! Ёрқинлик Марко! Диққат! Диққат!

Ие, уни кўриб қолишибди-ку! Энди қаёққа яширинади? Энди нима қилади? Чор атроф самовий аэропортнинг чароғон майдонин бўлса: улкан-улкан шовқинсиз сайёралараро кемалар бири кўниб, бири учиб турибди. Шу пайт пашша учса билинадиган жимликини бузиб радиокарнайдан яна ўша овоз эшитилди.

— Марко! Марко! Диққат, Ёрқинлик Марко! Сени 45-сонли ангарда кутншмоқда.

Эълонни яна икки маротаба қайтаришди. Қайфияти бузилиб, таслим бўлишга ҳам тайёр турган Марко ёзги учинч майдонидан четроқда, қатор чўзилиб кетган ангарлар томон йўл олди. Мана 28-ангар, мана 35-ангар... Мана бу эса 45-сонли ангар. Таажжуб, унинг ичи қоп-қоронғи эди. Эшиклари зич қилиб ёпиб қўйилган. Унинг икки томонидаги 44 ва 46-сонли ангарлар очиқ бўлиб, космонавт ва роботлар нимадир қилишаётганди.

«Балки, бирор гапни чала эшитгандирман?»— деб ўйлади Марко ва оҳиста эшик тутқичини босди. Бунга қарангки, эшик ичкари-сига қараб енгил очилди.

Ҳар эҳтимолга қарши шу ерда беркиниб тура тураман. У ёғи бир гап бўлар,— деб дилидан ўтказди Марко ва ичкарига, қоронғулик сари қадам қўйди.

Бирор нарсага тўқнашиб кетмаслик учун у қўлларини олдинга чўзганча битта-битта олға қараб юра бошлади. Бирдан у силлиқ бир нимага тегиб кетди ва таниш лак, Ер лаки ҳиди димоғига урилди. У гоят эҳтиёткорлик билан уни ушлаб кўрди ва рўпарасида нима турганини дарҳол пайқади. Қасам ичиб айта оладики, бу нарса буваси унинг тугилган кунига совға қилган ўша ёғоч тойчоғи эди! Оҳ, буважон, иси қандай зўр буважониси бор-а унинг!

— Наҳотки қочиб кетишнинг иложи топилган бўлса?!— деб пичирлади Марко.

## ТЕСТАЧЧОГА ҚАЙТИШ

Шу пайт бирдан ҳаммаёқ ёришиб кетди-ю, музика садолари ва гулдурос қарсақлар ҳавони ларзага солди. Марко ангарда одамлар кўплигини ва улар томон интилаётган Маркусни кўрди. Маълум бўлишича, бу ерга Йўқ-Ҳукуматнинг ҳамма аъзолари йиғилган экан.

Маркус дўстона кулиб Маркога қўлини чўзди.

— Оқ йўл!— деди у.— Эрталабгача уйнингга етиб оласан, ҳеч ким ҳеч нарса билмайди! Кўриб турибсан-ку, масала ижобий ҳал этилган.

Марко севинчидан юраги қинидан чиқиб кетаётгандай ҳис этди. Фақат йиғлаб юбормаса бўлгани! Лекин кўз ёшлари аллақачон юзидан маржондай тизилиб туша бошлаганди, у ҳаяжон ичидан Маркусни маҳкам кучоқлаб, юзларидан чўлп-чўлп ўпа бошладди. Маркус ҳам ҳаяжон билан қайта-қайта унинг қўлини сиқарди.

— Қалай, хурсандмисан? Дўстларнинг кўнглини овлашни ўрнингга қўяр эканмизми? Музика-чи?— деди Маркус ва дарров Йўқ-Ҳукумат аъзоларига бурилиб: «Кўриб турганингиздек, синов муваффақиятли ўтди!»— деб қўлиб қўйди.

— Айтмоқчи, бунинг далил-исботи қани?— деб сўради халат кийган калондимоғ бир киши.

— Кўрмаяпсизми, ахир у йиғлаяпти. Нега йиғлаётганини унинг ўзи ҳам билмайди. У, уйимга қайтиб кетаётиман, шунинг учун

хурсандлигимдан йиғлаяпман, деб уйлаяпти. Аслияв унлаб эмас, ҳозир у биз билан хайрлашаяпти, бизни кўзи қиқмайши, бизни қаттиқ севади, биз билан фахрланади. У бу ерда кўп нарсадан бо-  
хабар бўлди, ўрганди, онги ўсди. Эндиликда кинотда биз яна бир  
дўст инсон орттирдик. Наҳотки, бу тер тўкишга арзитайдиган иш  
бўлса? Уни уйга қўйиб юбориш — энг тўғри ва фойдали қарор шу  
бўлди.

Шундай деб туриб Маркус ёғоч тойчоқни жиловидан тутганича  
ангардаги самовий аэродромнинг учиш чизигига гилдияратиб олиб  
чиқди ва кичик ёрқинликнинг қўлини сўнгги маротаба сиқди. Мар-  
ко тойчоғига энди минмоқчи бўлиб турганида бирдан нигоҳи учиш  
чизигининг чеккасида ўсиб турган баланд янги йил арчаларига  
тушди-ю, тойчоқни ҳам қўйиб ўша томонга чопиб кетди. У арча-  
ларнинг биридан кичик шохчани ўйинчоқлари билан бирга сиқди-  
риб олди-да, бағрига босди.

— Буни мен ўзим билан бирга олиб кетсам майлими? Мен уни  
Тестачодаги уйимнинг балконида ўтқазиб қўяман. Йўқ, яхшиси,  
майдонга ўтқазаман. Кўкариб повда ёзган, унинг қаламчаларини  
олиб, шаҳардаги барча майдонларга экиб чиқаман. Шунда Ерда  
ҳам янги йил арчалари ўсадиган бўлади...

— У ерда бизнинг дарахтларимиз илдиз отармикин, буни ал-  
батта ўйлаб кўриш керак,— деб кулди министрлардан бири.

Маркус ҳам жудда қаттиқ ҳаяжонда эди. Ерқинлик ҳам унга  
ўшаб ўзининг кўҳна сайёрасини жуда-жуда севишини Маркус  
биринчи марта тушуниб турган бўлса ҳам аҳтимол.

— Биз Еримизнинг номини ўзгартирамиз,— деб хитоб қилди  
Марко тойчоғига мина туриб.— Мана мени айтди дерсиэлар, у ҳам  
Янги йил Арчалари Сайёраси бўлади.

## МАРВАРИДГУЛ ҲИДЛИ ЧАНГ

Марко онасининг шодон эркалаб чақирган овозидан уйга кириб  
кетди.

— Вой уйқичи-ей, турсанг-чи! Туғилган кунинг кеча эди, бугун  
еса эртага бўлди. Қани, дарров мактабга отлан!..

— Бугун қайси кун?— деб сўради Марко, каравотда туриб  
ўғирар экан.

— Қайси кун бўлиши керак эди? Кеча йигирма учинчи октябрь  
эди, демак бугун йигирма тўртинчи октябрь. Кеча сенинг туғилган  
кунинг эди. Нима, эсингдан чиқдими?

Шундай дея онаси ёғоч кўзларини дераза томон маъюс қадаб  
турган тебранма-тойчоққа — бувасининг совғасига ишора қилди.  
Марко каравотидан сакраб тушиб, ҳаяжон ичида ўйинчоғини кўз-  
дан кечира бошлади. Кўзи тойчоқнинг ўнг қулоғи тағидаги мош-  
деккина тешикчага тушди, худди ўқ тешиб ўтганга ўхшарди. У  
Ерга қайтиб тушаётганда Сатурн яқинида тойчоғига теккан мете-  
оритнинг ўрни эди.

Марко каравоти тағидан уйда судрайдиган шиппагини ола тез-  
тез ҳидлай кетди.

— Сенга ййма бўлди? Жинни-пинни бўлиб қолдингми?— деди унинг қилигидан кўриб кетган онаси.

Марконинг шак-шубҳаси қолмади: унинг шиппагидаги чапдан марваридгул иси келарди — ҳойнаҳой бу чапг ўша ердан! Демак, у ҳақиқатан ҳам у ерда бўлган! Йўқ, бу туш эмас, ўнг эди!

Унда ҳалиги шохча қани? Самовий аэропортда янги йил арчасидан синдириб олган шохча қани? Бироқ у қанча изламасин, бари-бир шохчани топа олмади. Балки, космик бўшлиқда шамол учириб кетгандир? Тонг отгунга қадар Ерга қайтиб келиш учун ёноч тойчоқда бир неча минут ичида неча-неча миллион километр масофани босиб ўтишниги ўзи бўладими!

Аттанг! Энди Ерни Янги йил Арчалари сайёрасига айлантириш ва уни Қоннотнинг энг узоқ юлдузлар туркуми орасида мавжуд ўша ажойиб сайёрадай қилиш анча қийин бўлади. Қийинликка қийину, лекин қилса бўладиган иш бу!

— Қани, белни боглаб ишга туш!— деб хитоб қилди Марко. У шоша-пиша камзулни еча бошлади. Бир вақт қараса, чўнтагидан эзилиб кетган бир конфет чиқди.

## ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИ САЙЁРАСИНИНГ ҚАДИМИЙ КАЛЕНДАРИ

Янги йил Арчаси Сайёраси Ердан кичикроқ бўлгани учун унинг календарлари ҳам ихчамгина эди. Бунинг устига у «ихтиёрний» эди. Бунинг маъноси шуки, ундан хоҳлаган одам фойдаланади, хоҳламаган — йўқ. Бир йилда олти ой бўлади. Ҳар бир ой эса ўн беш кундан ошмасди. Ойнинг ҳар бир кунини янги йил ҳисобланади. Лекин бу ҳақда биз юқорида батафсил баён қилган эдик. Ҳафта бор-йўғи уч кунгина бўлиб, у ҳам шанба ва иккита якшанбадан иборат эди. Баъзи шанбалар соддалаштирилган, яъни кундузи соат ўн иккига қадар шанба бўлиб, ундан ўтгандан сўнг якшанба ҳисобланади.

Соатлари ҳам бизникидан бутунлай фарқ қилади. Масалан: уларда соат етти бўлса, бизда эса эндигина ўнга яқинлашган бўлади. Шундай қилиб, у ерда уйқудан жуда эрта туриш ҳеч кимга насиб бўлмайди.

Энди ойларни кўриб чиқамиз.

### АПРЕЛЬ

баёни

Агар апрель йилнинг бошидан ҳисоб қилинса, унда бу ой йилнинг биричи ойи, охиридан ҳисоб қилинса, сўнггиси бўлади. Бу ойнинг ҳар бир кунини — Янги йил, ҳар бир кунини якшанба бўлади. Ойнинг барча ўн беш кунининг ўзига яраша номи бор. Ой кунларини фарқлаб олиш болаларга осон бўлиши учун мактабларда кундаги шеърни ёдлатишади:

Бири Альфа — бошқаси Бета,  
Бири шу ерда — иккинчиси бошқа бир ерда.

Бири бўлган эди — бошқаси бор,  
Бири бу ерда, бошқасига ҳамма зор.

Бири келяпти — бошқаси турибди,  
Бири судраляпти — бири осмонда чордона қурибди.

Бири чўчка гўштли бутерброддир,  
Бошқасида бутунлай бошқача тотдир.  
Энг охиргиси бўлса — энг олдинда бўлиб қолибди.

## УНУТИЛМАС САНАЛАР

«Бири келяпти — бошқаси турибди» санаси. Қоғоз кемачаларни ясайдиган машинанинг ихтирочиси Квинтус Силениуснинг туғилган йили нишонланади.

«Бири — чўчка гўштли бутерброддир» санаси. Одатдан ташқари қаттиқ товушли телевизорнинг овозини пасайтиришда ёрдам берувчи «жимлик нури»нинг ихтирочиси Квинтус Силениус (олдингиси эмас, бошқаси)нинг туғилган йили нишонланади.

«Бошқасида бутунлай ўзгача тотдир» санаси. Яна бир Квинтус Силениуснинг туғилган йили нишонланади. Бу ҳам олдингиларидан бутунлай бошқаси.

## ИЛМИ НУЖУМ

Шу ерга келганда бир оз тушунтириш бериб ўтишни жонз деб ўйлаймиз, чунки Ерда эҳтимол, илми нужумнинг нима эканлигини билмасликлари ҳам мумкин-да. Илми нужум — бу инсоннинг дунёга келиши вақтида осмон ёриткичларининг бир-бирига нисбатан жойлашган ҳолатлари жадвали. Қадимий мунажжим-олимлар ана шундай жадваллар ёрдамида инсоннинг тақдирини айтиб беришга ҳаракат қилганлар. Шундай қилиб, илми нужумга кўра апрель ойида туғилган одамларнинг кайфиятлари (фақат улар тиш оғриғига учрамаган ҳолларда) донмо яхши бўлади. Борди-ю, улар кўлмаклардан кечмасалар, оёқлари ҳар доим қуп-қуруқ туради. Бош кийимларини эса ҳамма вақт бошларига кийиб юришади. Эки кийимилгичга илиб қўйишади.

## ФАХРЛИ УНВОН

Егоч Тойчоқ Жилови ордени нишондори.

## ОЙ МАТАЛЛАРИ

Ботқоқ бор бўлса, жиннилар ҳар доим топилади.  
Бошланишдан мақтанма, охиридан аттанглама.  
Қувноқ ҳазиллар учун сира аяма кучинг.

## УТААПРЕЛЬ

### баёни

Бу ой олдинги ойнинг такрори бўлиб, фақат унинг ҳамма кунлари жуфт келадиган Иккинчи. Тўртинчи. Олтинчи. Саккизинчи. Унинчи ва ҳоказо, то Ун бешинчи кунга қадар санаб келинади-да, охириги Уттизинчи дейилади. Шулар ичида Йигирма Тўртинчи кун жуда қизик, чунки у саҳаримардондан бошланиб, то ярим кечгача давом этади.

### У н у т и л м а с с а н а л а р

«8-ўтаапрель». Пишлоқдаги тешикчаларни, шўрва қирқувчи машина ва ёмғирни пастга эмас, юқорига қараб ёғдирувчи аппарат ихтирочисини Квинтус Селениус (ўз-ўзидан маълум олдингиларидан бошқаси) нинг туғилган йили санаси.

«22-ўтаапрель». Қашфиётлар куни. Бутун сайёра қайтадан кашф этилади. Ҳамма кириш ва чиқиш жойлар ленталар билан тўсилади, киннингки қўлида қайчи бўлса, ўша одам ленталарни қирқиб йўл очади. Хоҳлаган одам нутқ сўзлаши мумкин. Мабодо унинг нутқи зерикарли чиқса, унда айбдорни йил охиригача оғзида қатик ивиғиб юришга мажбур этилади.

«28-ўтаапрель». Енгил Патлар жанги санаси. Бу унутилмас шамшир ўйини олишувни етти соату қирқ шиша газ суви давомида генерал Сильвиус генералиссимус Мильвиус устидан ғалаба қозонган.

### ИЛМИ НУЖУМ

Сеҳргарлар ва мунажжимларнинг фикрича, бу ойда туғилганлар, одатда жуда ҳурматли кишилар бўлиб етишадилар. Улар қизамикқа чалинмаган ҳолларда бошқа одамларга нисбатан икки баравар хушмуомала ва икки баравар хушчақчақ бўладилар. Уларнинг ҳар қайсида иккитадан қўл, иккитадан оёқ, иккитадан кўз, иккитадан қулоқ ва биттадан бош бўлади. Агар улардан тўғри ва унумли фойдаланилса, бекорчилик деган балодан бутунлай халос бўлишади.

### ФАХРЛИ УНВОН

Олтин тепкилик Ёғоч Тойчоқ Жилови орденининг қўш нишондори.

### ОЙ МАТАЛЛАРИ

Эрталаб бошингни йўқотиб қўймай десанг бошингни ёстиққа тўғри қўйиб ёт.

Ниманики истаднинг астойдил — ниятингга етасан, албатта, бил. Болтирга омад кўмаклашади.

## МАГП

### баёни

Бу ойнинг кунлари бирдан ўн бешгача рақамлаштирилган, бундан ташқари, уларнинг ҳар бири — Биринчи Май деб аталган. Соатлар доимо 19 ни кўрсатади, шундай қилиб, одамлар тонг отгандан қош қорайгунча қуёш ботиши манзарасини томоша қилиб, завқланишлари мумкин. Олимлар бу ойни бир ҳафтага узайтириш устида анчадан бери бош қотирмоқдалар, ammo ҳалигача бунинг улдасидан чиқолганларича йўқ.

## УНУТИЛМАС САНАЛАР

Бу ойда нишонланадиган кунлар қуйидагилардан иборат:

«3 Май». Арифметиканинг тўрт асосий амали (қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш)га яна бошқаларни, жумладан; тақсимлаш, изоҳлаш, катталаштириш ва ажратишни қўшган, шу туфайли энг паришонхотир ўқувчиларнинг отнинг қашқасидек маълум бўлиб қолишига сабабчи бўлган Квинтус Силениус (бундан олдингиларига бир туки ҳам ўхшамайдиган бутунлай бошқаси)нинг туғилган йили.

«6 Май». Велосипедчиларнинг сайёра бўйлаб бошланадиган пойгалари кунин. Биринчи босқичда — велосипедларда, иккинчисинда — қопларда, учинчисинда — бир оёқда сакраб бориш ва ҳоказо. Ҳамма иштирокчилар биринчи бўлиб маррага етиб келишадиде, голибларнинг сариқ рангли майкаларини кийиб олиб, телевизорга чиқиб нутқ сўзлашади.

«10 Май». Сўнгги замбаракнинг оғиз хасталикка чалшиб ёлган кунин нишонланади.

## ИЛМИ НУЖУМ

Бу ойда туғилган одамлар, мабодо сафарга чиқадиган бўлсалар, катта саёҳатни бошларидан кечиришади. Улар скамейкага чиқиб турсалар яна ҳам баландлашгандай бўлиб кўрнадилар (машҳур ихтирочи Силениуснинг тасдиқлашича, скамейка қулаб тушиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас).

## ФАХРИЙ УНВОН

Пишиб етилмаган олмага тушган қурт жаноби олийлари ва бир оёқда фигурали учини бўйича Жаҳон чемпиони.

## ОЙ МАТАЛЛАРИ

Ишнинг яхши бошланиши — ишнинг ярим битгани.  
Тилингни тийганинг, ишингда шошилганинг яхши.  
Кўпроқ нарса билай десанг, камроқ ухла.

## ЎТАМАЙ

баёни

Бу ой ўтган ойнинг зидди. Ҳақиқатан ҳам у ўн бешдан бошланиб, биринчи тамом бўлади. Соатлар ҳам орқага қараб юради, лекин бу ҳолдан ҳеч ким ўнғайсизлик сезмайди.

## УНУТИЛМАС САНАЛАР

«15 ўтамай». Саккиз гилдиракли велосипед (саккиз педалли, саккизоёқ ўргимчаклар учун) ихтирочили, шунингдек, шўх ва чалкаш шеърлар тўқувчи шоир Хаёлиуснинг туғилган куни санаси.

«7 ўтамай». Барча ҳикоялари бор-йўғи бир сатрни ташкил этадиган қисқа лақабли Ширинзабон исмли ёзувчининг туғилган йили. Мана, улардан бири: «Тун қоронғуси шиддат билан бостириб келарди. Келди-ю, гурс этиб йиқилди». Энди унинг туғилган кунини аниқлаш қолди, холос, бу ишни эса мактабларда ўрганишмоқда.

«3 ўтамай». Музқаймоқ ишқибозларининг сайёралараро чемпионати кунини.

## ИЛМИ НУЖУМ

Илгари бу ойда туғилганларни ёшлигидан буюк бўладилар, буюк бўлсалар ҳам болалигича қолаверадилар, деб ҳисоблашганди. Кейинчалик эса деярли ҳеч қачон бундай бўлмаганлиги аниқланди. Ўтамайда туғилганлар ёлгон гапиршидан ташқари бошқа ҳар қандай ҳолатда тўғри гапирадилар. Улар тасвирий санъат, физика ва фишгармонияни яхши кўрадилар. Лекин булар ҳали исботланганча йўқ. Балки яна бирор нарсани ёқтиришар, аммо бунинг унчалик аҳамияти йўқ. Муҳими, улар ўз вақтида дунёнинг гўзаллигини пайқаб олишса бўлгани.

## ФАХРЛИ УНВОН

Макарон Тобламаси ордени кавалери ёки Кўпиртирилган Қаймоқ Саройбони Офицери.

## ОЙ МАТАЛЛАРИ

Дон бўлса бас, сичқон топилади.

Аҳмоққа уқтириш ўлгани даволаш билан баробар.

Яхши сари шитил, ёмон ўзи келади.



## ИЮНЬ

баёни

Қадим-қадим замонлардан бери бу ойнинг кунлари олти рақам билан тугайди, шунинг учун ҳам бу лото ўйини учун жуда боп нарса. Эндиликда эса ҳеч кимнинг ютуққа ўйнашига ҳожат қолмади, чунки олдин пулга олинадиган буюмини энди пулсиз ҳам олаверса бўларди. Аммо кунларнинг эски номлари сақлаб қолингани болаларни чалкаштирарди. Болаларнинг бахтига ўқитувчилар ҳам қадимий кунларнинг номларини аниқ билишмасди, шунинг учун болалар қандай хатога йўл қўйганларини улар ҳам сезишмасди.

### УНУТИЛМАС САНАЛАР

«40-50-87 июнь». Ётиқ ҳолатдаги осмонўпар биноларнинг ихтироچиси меъмор Тумтароқиуснинг туғилган саналари.

«27-47-70 июнь». Қофия кун. Сайёрада яшовчиларга шу кунлар фақат қофиялаб сўзлашга рухсат этиларди. Қўпинча дурустгина шеърлар ҳам туғиларди.

### ИЛМИ НУЖУМ

Июнда туғилган одамлар айтган жойидан кесадиган бўладилар. Улар юз сантиметрча ўсиб етмагунча бир метрдан ошмай тураялар.

### ФАХРИЙ УНВОН

Биринчи даражали деган тамғаси бор. Хизмат кўрсатган Пидачи.

### ОЙ МАТАЛЛАРИ

Ақлсиздан эмас, ўзини ақлли кўрсатган одамдан қўрқ.  
Кимки бўлса танбал, унинг қадрини кам бил.  
Бўш бочка даранглаган бўлади.

### ҚЎШ-ИЮНЬ

баёни

Бу ой бундан олдинги ойнинг эгизаги: агар ой яхши бўлса, уни алмаштиришнинг нима ҳожати бор, шундай эмасми? Ойнинг ҳамма кунларида 5 рақами бўлади. Ойнинг ўртасида имтиҳонлари бор ўқувчилар учун бу яхшилик аломатидир.

## УНУТИЛМАС САНАЛАР

«Учинчи бешинчи кун». Учар юлдуз ва думли юлдузларни кўпайтириш билан шуғулланувчи олим Квинтус Силениус (тўғри топдингиз, буниси яна бир бошқаси, бутунлай бегонаси)нинг туғилган йили санаси.

«Ўн бешинчи кун». Йилнинг охириги кун. Одамлар ўз ҳаётларидан кўпроқ мамнун бўлсалар, улар календарни ўзгартиришнинг ҳожати йўқлигини билишади ва шунда йил қайтадан бошланади. Масалан, 2567-ни ўн беш карра кетма-кет қайтарилганини эслайдилар. Бу охириги атом бомбасининг турмада ўлган йили эди.

Уша кун Иўқ-Ҳукумат бошлигининг, одатдагидек, телевизор орқали нутқ сўзлаши ўринли бўларди, аммо уни деярли ҳеч қачон қидириб топишнинг имконияти бўлмасди. Ана шундай пайтларда бирорта швейцар ёки электрик, сантехник учраб қолса, унда яна ҳам яхши — шартта нутқ сўзлаб юбораверади. Бир кун десангиз эмизиклик гўдак сўзга чиққанди. У фақат «Инга! Инга!» деди, холос. Шундай бўлса ҳам унинг ҳаммага бахт тилаётгани ўз-ўзидан аён эди!

## ИЛМИ НУЖУМ

Бу ойда туғилганлар қатламалар, бўғирсоқлар, чалпаклар, энё-фатлар, эҳромлар ва пируэтларни яхши кўрадилар, балким бўғирсоқ техниклари бўлиб етишишлари ҳам мумкин.

## ФАХРЛИ УНВОН

Буюк Учғилдиракли Велосипед ва Тарвузларнинг Ўтачашна-чиси.

## ОИ МАТАЛЛАРИ

Аҳмоқнинг жумбоғини, олим ҳам ҳар доим еча олмайди.  
Дўст орттирмаган одам илдизсиз дарахтга ўхшайди.  
Биринчи хатодан қўрқма, иккинчисидан эҳтиёт бўл.  
Ҳеч қачон хато қилмаган одам сира хато қилмайди!





ОСМОДРАГИ  
ТОРТ

## БИР КҮНИ ЭРТЛАБ ТРУЛЛОДА

Апрель ойи кунларидан бирида, эрта саҳар тонгида, соат олтиларга яқин Римнинг чеккасидаги Труллода бир печа киши автобус бекатида тўплавиб туришарди. Улар, об-ҳаво қандай бўларкин, дея осмонга қараб қўйишибди. Бир вақт осмонда нимани кўриб қолишибди денг? Наҳ бир километрча баландликда бутун осмонни қоплаб қандайдир жуда ҳам баҳайбат бир нарса худди қора булутдай, шаҳар узра осилиб турганмиш-да. Ен-атрофдан аввалга «дод» деган, кейин худди шунча «вой» овозлари эшитилди, кейин кимдир айюҳаннос солиб қичқирди:

— Марсликлар!

Бу садо худди тревога сигналидай бир зумда ҳаммаёққа тарқаб кетди. Одамлар бақира-чақира тумтарақай қоча бошлашди. Қандайдир кўча ҳалокати юз берди, деб ўйлашди шекилли, йўл четигаги уй деразалари очилиб, аввал одамларнинг каллалари, кейин эса гавдалари кўринди. Лекин нигоҳлари кўкка тушиши биланоқ улар ўша заҳоти деразаларини ёпиб, чийларини туширдилар-да, жонларининг борича ташқарига отилдилар, чунки бу пайтда чор атрофини саросимага тушган кишиларининг ваҳимаси тутиб кетганди.

— Марсликлар!

— Учувчи ликобчалар!

— Бўлмаган гап, шунчаки қуёш тутилиши бу!

Осмондаги сирли нарса ҳақиқатан ҳам каттакон қора тешикка ўхшар, унинг гир айланасидан ҳаворанг шуъла таралиб турарди.

— Тутилиш ҳам шунақа бўлар эканми! Қиёмат қойим бу, каллаварам!

— Жуда ошириб юбординг! Бир кечадаёқ қиёмат қойим бўлиши мумкинми ахир?

— Нима, бўлмаса қиёмат қойим: «Ҳой одамлар, билиб қўйинглар, фалон кун, фалон вақтда бутун олам остин-устун бўлади!» деб огоҳлантириб келадими?

«Италия» баридан қўлини кир фартуғига артганича бир официант чиқиб келди. У осмонга қаради-ю, шу заҳоти миясига мушт тушган одамдай, икки букилиб ерга йиқилди.

Балкондан қараб турган хотин:

— Августо, ўт ўчирувчиларга телефон қил!— деб бақирди.

— Нимага?— деб сўради официант ўзига келиб.

— Марсликлар учиб келди де! Нима, кўзинг кўрми? Вой эси паст-э!

— Ут ўчирувчиларнинг нима дахли бор? Уларни жуда кўрқитиб кўярмиди?

— Телефон қил дедим, телефон! Мана, мени айтди дурсан, улар бир йўлини қилишади!

Августо барга қайтиб бориб, ўт ўчирувчиларга телефон қила бошлади:

— Алло! Тезроқ Труллога етиб келинглари! Бизга марсликлар келиб тушди!

— Қим бу гапираётган?

— Мен, Августоман!

— Вой мияси айниган азизим-ей! Бу мен — Юлий Цезарман! Уят эмасми? Эрталабданоқ ютиб олибсан-да!

Ут ўчирувчи шундай деди-ю, телефон гўшагини қайта жойига илиб қўйди, аммо икки минут ичида Труллодан яна йигирмага яқин кўнғироққа жавоб қайтаришга тўғри келди. Чақириқларнинг ҳаммаси ўша дастлабкисидек ғалати эди. Охири ўт ўчирувчиларнинг навбатчиси тревога кўтаришга қарор қилди. У навбатчи лейтенантга қараб деди:

— У ерда ҳаммасининг эси оғиб қолганга ўхшайди. Балки жиннихонага телефон қилиш керакдир?

Труллода бўлса осмонга тикилиб кўчада туриб қолганларнинг деярли ҳаммаси телефонга ёпишганди. Уларнинг баъзилари ўт ўчирувчиларнинг бошқалари — полициячиларини, учинчилари — карабинерларини зўр бериб чақириншарди.

Шу ўртада новвойхонадан бир йигитча чиқиб қолди. У кулда эрталаб қаҳвахона ва барларга янги ёпишган кулча нонларини тарқатиб чиқишга одатланганди. Йигитча велосипедининг орқа гилдираги устига ўрнатилган юк саватчасини хушбўй кулча нонларга лиқ тўлатиб, велосипедига ўтириши учун энди педалга оёғини қўяётганида беихтиёр осмонга қаради, қаради-ю, велосипед-велосипеди билан ағдарилиб тушди: ўзи бир томонга қараб думалади, велосипеди иккинчи томонга қараб ағдарилди, саватидаги қип-қизариб пишган булочкалари бўлса тош йўл билан битта бўлиб, ҳар томонга сочилиб кетди.

Римлик ҳаммоллар қадимдан абжир ва чаққон бўлганлар, улар ҳеч қачон ҳеч нарсани тўкиб ё тушириб, ўзлари ҳам йиқилиб-егиб юришмаган. Аммо ҳозирги ҳолатда кўриб турибсизки, минг йилда ҳам учрамаган воқеа содир бўлганди. Тўғри, бола чаққонлик билан ўрнидан турди-ю, дарров ўзини новвойхонага урди ва овозининг борича:

— Ердан беринглари! Осмондан Ой узилиб тушяпти,— деб бақира кетди.

Англаб тургандирсиз-а, у ўзининг йиқилиб тушганини фақат самовий ҳалокатга боғлаш билангина оқлай олиши мумкин эди-да.

Социлиб кетган ширин кулча нонлар эса ҳали ҳам кўчанинг қоқ ўртасида ётарди. Қаёқдандир бир ит пайдо бўлди-ю, ногаҳо-

ний тепкидан қўрқа-писа кулча нонларга яқинлашиб келди ва улардан бириги тишлаб олди-да, тезда кўздан гойиб бўлди. Тепки туширадиган кимсанинг ўзи йўқ эди.

— Бу синьор Мелеттининг ити,— деди воқеани кузатиб турган қассоб ўз хотинига.— Атрофдаги ҳамма итлар ичида энг катта ит шу бўлади. Яна полицайнинг ити эмиш. Италияда ҳамма иш ҳам кўпгилдагидек олиб борилмаётганидан ажабланмасанг бўлади.

Бир кун полицаичи Мелетти айб қилиб қўйган шофёрни қўлга туширмоқчи бўлиб, аллақандай араванинг тагига яшириниб олибди. Уша воқеадан кейин болалар унга Маккор Одиссей деб лақаб қўйишганди. Худди Хомерининг Одиссея поэмасидаги воқеадагидек бўлган экан-да. Поэмада бир кўзли ёвуз дев Полнфемадан қочиб қутулиш учун Одиссея қўйлар орасига яшириниб жон сақлаганини ҳар бир италия мактаб ўқувчиси билади-ку. Мелеттининг итини эса, Одиссеянинг кўппагнга қиёс қилиб, Арго деб чақира бошлашди, аслида итнинг лақаби Зорро эди. Фаросатли ит бўлганлиги учун у нккала номни ҳам баравар оқлашга интиларди.

Бироқ бу тонгда Зоррони Ҳазрати Олийлари деб чақирилганда ҳам у қиёс бокмасди. Ит оғзидаги кулча нонни маҳкам тишлаганича югуриб подъездга кириб кетди, ундан зина бўйлаб уйнинг охирига қаватига кўтарилди-да, Мелеттининг квартираси эшиги тагида тўхтади. Дарсларини тайёрлаш ниятида уйқудан эртароқ турган Паоло эшикни ит тирнаётганини эшитди ва бориб уни очар экан:

— Қачрдан келяпсан, дайди?— деди.

Зорро унинг сўзига эътибор қилмай ошхона орқали балконга чиқди ва ерга ётиб олиб, шошилмасдан овқатланишга киришди.

— Бу нима? Кулча нонми? Менга ҳам жиндай бер, бўлмаса отам қайтиб келганларида айтиб бераман!

Синьор Мелетти каллайи саҳардан хизмагга кетганди. Хотини синьорина Чечелннани ҳам кимгадир тезлик билан укол қилдиргани олиб кетишганди. Уйда фақат Паоло билан Рита қолган бўлиб, бу пайтда қизча гумбак бўлиб уйқуни урмоқда эди. Паоло бош фарзанд бўлганидан сутни қайнатиб, ўз вақтида сингисини уйғотиши керак эди.

— Бу ёққа бер!

Лекни Зорро ўз ўлжасини у билан баҳам кўришни хаёлига ҳам келтирмаганди, бинобарин ҳаш-паш дегунча жигилдонига урди-қўйди.

Паоло итга ўз хўжайинини ҳурмат қилиш қанақа бўлишини ўргатиб қўймоқчи бўлиб балконга чиқди. Бироқ балконга чиқиши ҳамон ғаройиб нарсага дуч келди-ю, унинг хаёлидан ит ҳам, кулча нон ҳам паққос кўтариллиб кетди.

— Рита!— деб бақирди у.— Тезроқ бу ёққа кел! Рита, Рита!

— Нима бўлди?— уйқусираган товушда жавоб берди сингисини Рита.

— Бу ёққа кел! Ана уни қарасанг-чи! Тезроқ, тезроқ кел!

— Нима, мактаб вақти бўлиб қолдимми?

— Бугун биз учун мактаб бўлмаса ҳам керак деб ўйлайман.

Буни эшитган Рита ирғиб ўрнидан турди-ю, балконга қараб югурди. Шу он ўт ўчирувчилар машинасининг сигнали янгради — Трулло майдонига ҳар тарафдан ўт ўчирувчилар ёпирилиб келатганди.

— Ойижон, ўт кетди!

— Қанақа ўт! Тепага қарасанг-чи!

— Тепада нима бор? Бир ёқимсиз булутни кўраялман, холос. момақалдироқ бўлса ҳам аҳтимол.

— Вой нодон сингилгинам-ей! Бу ахир самовий кема-ку!

— Қанақа самовий кема?

— Оббо, галча-ей! Сеннинг иккинчи синфингда нималарни ўргатишади ўзи!

— Сеннинг бешинчи синфингда нималарни ўргатишса, бизга ҳам шунини ўргатишади. Нима, ўт ўчирувчилар нарвонларида ўша ерга чиқишмоқчимиз?

— Ҳа-да, ойни ўчириш учун... Бундай баландликка фақат космонавтларгина чиқа олишади.

— Бўлди, энди тушундим ҳаммасини! Сен мени улар иш бошлашганда чақир. Мен унча тишимни тозалаб оламан.

Рита шундай деди-ю, ванна томон йўл олди. У ойниси йўқлигидан фойдаланиб, қўғирчоғининг бошини ювишга қарор қилди.

Паоло ҳам синглисини ортиқ ушлаб тургиси йўқ эди, чуқки бундай подон билан суҳбатни давом эттиришдан фойда йўқлигига унинг ақли етганди. Бунинг устига ҳар бир дақиқада майдонда бирор-бир янгилик юз бермоқда эди.

Ўт ўчирувчилардан кейин майдонга шаҳар атрофидан сонсиз полициячиларнинг машиналари етиб келди. Римдан келадиган йўлда яна бир нимадир кўриняптими? Броневиклар... Уҳ-ҳў, мунча кўп бўлмасал! Энди танклар келаяпти! Бир, икки, уч... улардан кейин... Ростдан ҳам тўпларми? Албатта, замбараклар ҳам... Жин урсин, ҳатто ракеталар бор!

«Ҳарбий парад бўлаётганга ўхшайди!»— деди ҳаяжон ичида ўйга чўмиб Паоло. Лекин бу воқеалар ичида ҳаммадан ҳам қизинги — осмоннинг тенг ярмини қоплаб ётган сирли улкан нарса эди. Унинг диаметри бир километрдан кам эмасди, у ўзининг даҳшатли қора сояси билан эски уйларнинг томларини, танкларни ҳамда броневиклар билан тўлиб кетган кўчаларнинг устини бутунлай қамраб олганди.

«Тагин, уруш-пуруш бошланган бўлса-я?»— деб ўйлади Паоло.

Шу пайт бирдан паррақларини гувуллатиб қаердандир темир ниначига ўхшаган вертолёт пайдо бўлди. У сирли нарсага юз метрча яқинлашиб келди-да, унинг атрофидан гир айланиб уча бошлади. Вертолёт бамисоли ҳамла учун қулай жойини қидираётганга ўхшарди.

«У ҳозир боплаб адабингни бериб қўяди!»— деб ўйлади Паоло, кучлироқ томон тарафдори бўлиб.

Зорро қўрқа-писа бир-икки ҳуриди-да, аянчли гиншиб қўйди.

— Қўрқаялсан-а? — деди Паоло энгашиб итнинг елкасини қашиб қўяр экан.

Шу пайт полиция машиннаси раднокарпайдан:

«Диққат! Диққат!» деган хитоб янгради.

— Халойиқдан осойишталики сақлашни талаб этамиз. Вазиятни ҳарбий қўмондонлик назорат остига олган. Тревога эълон қилинади. Янги буйруқ чиқмагунча Трудлодан чекиниш ёки уни ташлаб чиқиш бутунлай ман этилади. Уйларнинг тағхоналарига тушиб олиб, хотиржам навбатдаги буйруқни кутинглар.

— Диққат! Диққат!..— яна такрорлади раднокарнайдаги овоз.

— Нима бўляпти?— деб сўради Рита ваннадан туриб.

— Ҳеч гап бўлягани йўқ, одатдагидек осойишталик ҳукм сураяпти.

— Нега ҳеч нарса бўлмас экан? Шунча гала-ғовур бўлса-ю, ҳеч нима бўлмаётган эмиш. Балки яна бирор нарсага реклама қилишаётгандир-да. Қараб тур, ўтган сафардагидек тўсатдан яна сенга бирор нарса совға қилишмасми. Ушанда пуфак совға қилишгани, лекин сен мени ўз вақтида чақирмаганинг, эсингдами?

Рита балконга чиқди-да, сув тегмаган юзини онасига ювгандай қилиб кўрсатиш ниятида сочиқ билан юзини зўр бериб арта бошлади.

Паоло синглисига қайрилиб қараб нимадир демоқчи эди-ю, шу пайт ҳаводан лип этиб қандайдир шарпа ўтгандай бўлди. Қуш учиб ўтди, шекилли? Йўқ, шарпа хийлагина катта кўрингани-ку.

Паоло:

— Ёт!— деб бақирди-ю, ўзи билан бирга Ритани ҳам полга тортиб ётқизди.

— Нима бўлди?

Балконнинг ўнг томонида, Паолонинг қўлидан бир метрча нарида, ириллаб ўзини орқага ташлаган Зорронинг панжасидан ўттиз сантиметрча нарига нимадир шалоп этиб тушди. Сирли нарса портламади, фақат «шалоп!» деган майин овоз берди. Тушган нарса иккала ёронгул туваги ўртасида қимир этмай ётарди. Паоло юзини беркитганча панжалари орасидан ҳалиги нарсага тикилиб қараб фаҳмладики, қандайдир нотаниш нарса-ю, ранги осмонда осилиб турган ҳалиги нарсанинг рангидан сира фарқ қилмайди. Бомба деса, бомбага ҳам ўхшамасди. Балки, қандайдир хабар битилган нарсадир?

— Мен қўрқиб кетаяпман?— деди паст овозда Рита.— Кел, биз ҳам тағхонага тушайлик.

— Унда биз ҳамма нарсдан беҳабар қоламиз-ку.

— Нима қилай, жуда қўрқиб кетаяпман. Ундан кейин, эшитясанми нима дейишаётганини?..

Раднокарнайда чиқаётган овоз ҳамон бир буйруқни такрорларди. Машина кўча бўйлаб оҳиста юриб борар экан, ҳар бир уй олдида тўхтаб-тўхтаб ўтарди. Паоло осмондан тушган ҳалиги нотаниш нарсага аста яқинлашди-да, уни илмий назоратдан ўтказишга қарор қилди.

«Агар Христофор Колумб ҳам мендай юраксиз бўлганда,— деб ўйлади Паоло, қўрқувни енгишга ҳаракат қилиб,— шу пайтгача Америка кашф этилмаган бўларди».



— Нима қилиш керак?— Рита энди пиқ-пиқ йиғлай бошлади. — Бу аҳволда ётаверсак, мен ҳам камзулимни ифлос қилиб қўяманда, ойимдан гап эшитаман.

— Бирпас овозингни ўчириб тур, барака топкур. Бундоқ ўйлаб кўриш керак.

Аммо баъзилар аллақачон ўйлайдиганини ўйлаб бўлганди. Зорро номаълум нарсанинг таъмини кўриш мақсадида эҳтиёткорлик билан панжасини чўзди-да, ҳаяжонланганидан думини силкитганча ундан бир бўлагини юлиб олди.

— Тур кет, Зорро!

— Тегма!

Зорро, бирпас жим турасанларми, йўқми, дегандек болаларга қайрилиб гинали қараб қўйди. Бу билан у нам кўзларини пирпиратиб: «Кўпда ҳовлиқавермай бу ёғини меннинг ўзимга қўйиб беринглар. Ҳеч бўлмаганда ҳид билиш қобилиятимга ишонсангиз бўларди!»— деётгандай эди.

Зорро тилини чиқарганча олдинга қараб эмаклай кетди. Беш... Тўрт... Уч... Икки... Бир... Контакт! Зорро тилини чўзиб аста номаълум нарсанинг сиртига теккизди ва очкўзлик билан ялашга тушди! Игнинг думи ҳам вертолёт паррагига ўхшаб, чириллаб айлана бошлади.

Паолонинг сабр косаси тўлиб кетди. У ўрнидан туриб, ития бир тениб ҳайдаб юборди-да, ўзи унинг ўрнига, сирли нарса ёнига жойлашиб ўтириб олди.

— Нима экан?— деб сўради Рита, тўзғиб кетган бошини кўтариб.

— Ҳозир кўрамин. Бунинг ичида, эҳтимол, биронта хат-пат бўлса керак.

— Сен чиндан ҳам ҳеч қандай ҳидни сезмаяпсанми?

— Ҳидни дейсанми? Уйқусираяпсанми ўзи?

Рита ҳам ўрнидан турди-да, номаълум нарсани қайта қўлга киритишга интилаётган Зорронинг ятариб юбориб, яқинроқ бориб ўтирди.

— Ушлаб кўрсам майлими?— деб сўради у акасида.

— Тентак, мени қўрқаяпти деб ўйлаяпсанми? Мен уни аввал обдон кўздан кечирмоқчиман.

— Барибир ҳеч қанақа ҳидни сезмаяпсанми?

— Ахир мен тумовман-ку, билиб туриб сўрайсан-а.

Бу вақтда Рита сўздан ишга ўтганди. У қўлини чўзиб, аста сирли нарсага теккизган эди, бармоғида қорамтир доғ қолди. Қизча диққат билан доғни кўздан кечирди-да, бармоғини оғзига суқди. Уни ялаб туриб қайта кўздан кечирди — бармоғи намланиб, пуштирангга кирганди. У тантанавор оҳангга қичқириб юборди:

— Шоколад! Мен сенга айтмовдимми тотиб кўр деб! Ишонсанг мана, бемалол тотиб кўравер.

Паоло номаълум нарсанинг таъмини кўрди. Рита бўлса яна қайтадан тотиб кўра бошлади. Паоло ҳам яна жижжа олиб еди. Шубҳага ўрни қолмади: уларга осмондан катта шоколад бўлаги тушганди. Бўлганда ҳам қанақаси денг, хушбўй, таъми ва лаззат

бағишлашини қўшиб ҳисоблаганда, у энг биринчи нав Цирқолдди эди.

— Қандай хушхўр!— деб хитоб қилди Рита.

— Мазасини қара, мазасини, қойил!— деб унга қўшилди Паоло, лулжларини шоколадга тўлдираркан.— Биласанми, балким улар бизни кўриб, дўстлик рамзи сифатида шоколад ташлаган бўлишса-чи!

— Қимни айтаяпсан «улар» деб?

— Марсликлар-да!

— Менимча,— деб қатъий оҳангда гапирди Рита, осмонда муаллақ осилиб турган баҳайбат думалоқ нарсани қўли билан кўрсатиб,— менимча, бу оддий торт бўлса керак!

## ДЕДАЛ<sup>1</sup> ДИОМЕД<sup>2</sup>НИ АЛОҚАГА ЧАҚИРАДИ

— Мен — Дедалман! Диомедни чақираман! Мен — Дедалман! Диомедни чақираман! Қабулга ўтаман.

— Мен — Диомедман! Эшитяпман сизни. Қабулга ўтаман.

— Номаялум объектни айланиб чиқдим. Менинг ҳисобамча, унинг айланаси уч минг бир юз қирқ метр келади. Диаметрини топиш учун уч бутун юздан ўн тўртга бўлиш керак...

— Биламиз, биламиз... Давом этинг!

— Эшитаман! Предметнинг ён томонининг устки қисмини турла гуллар билан тасмаланиб, бўяб ташланган. Тасмаларнинг жойлашиши пастдан юқорига: жигар ранг, пушти ранг, кўм-кўк, яна жигар ранг, сариқ, бинафша ранг, оқ. Предметнинг юқорисига кўтариллиш ниятидаман. Қабулга ўтаман.

— Мен — Диомедман! Сабр қилинг. Предмет ён томонининг устки қисмида қандайдир туйнуқларми, деразаларми, тешиқларми, эшик ўринларими, шинаклар кўрнадими? Қабулга ўтаман.

— Мен — Дедалман! Ҳеч қандай ўхшашликни кўрмадим. Ён томон устки қисмининг ҳамма жойи бутунлай силлиқ. Қабулга ўтаман.

— Мен — Диомедман! Юқорироқ кўтарилдинг, номаялум предметнинг баландлигини ўлчаб чиқинг. Юқоридан кузатишлар ўтказинг. Хавф-хатарсиз ораллиқни сақланг. Қабулга ўтаман.

— Сизни тушундим! Қабулни тўхтаман.

Бу радиосўҳбат ўша ғайриоддий тонг чоғида, соат саккизларда вертолётнинг пилоти (шартли номи — Дедал) билан Труллодаги мактаб директорининг хонасида жойлашган «КҚ» операцияси штабининг бош қўмондонини (пароли — Диомед) ўртасида бўлиб ўтган

<sup>1</sup> Дедал — грек мифологиясида Крит оролида лабиринт қурган уста меъмор. Афсонада баён қилинишича, у ўғли Икар билан бирга Крит оролидаги Қичик Осинё қирғоқлари узра учиб ўтиб, Сицилиа томон йўл олганида Икар қуёшга яқин учгани туфайли қуёш нурлари патлар орасидаги сақични эритиб юборган. Икар денгизга қулаб тушган.

<sup>2</sup> Диомед — Аргос шоҳи. Троя оти бўлиб, Троя жангида қатнашган, грек мифологиясида жасур ва ботирликда фақат Ахиллга тан берган дейилади.

эди. «КК» айни ҳолда футбол ўйнидаги команда капитани маъносини англатмай, «самовий келгинди» деган шартли терминни билдиради. Ҳарбий ҳукуматнинг сирли предметни ўрганиш билан боғлиқ бутун бир операцияси шу махфий термин билан аталганди. Бизга маълум бўлишча, қўмондонлик ўзини шартли — Диомед атамаси билан номлаганди. Дедал, Диомед ва «КК» деган учта жарангдор номларни ўйлаб топган ҳукмдорлар эндиликда озмунча ишлар қилмадик деган маънода ўзларига тўла ишонч ҳосил қилган эдилар.

Пилот билан бўлган радиосуҳбат вақтида Диомеднинг кабинетида кўпчилик ҳозир эди, уларнинг орасида бир генерал, икки машҳур олим — профессор Росси билан профессор Теренцио, шунингдек Маккор Одиссея лақабли полицаи Мелетти ҳам иштирок этганди. Охириги зарур бўлган топшириқларни бажариш учун ҳозир-нозир бўлиб турганди. Масалан, у ҳамма учун зарур бўлиб қолганда аччиқ қаҳва учун икки маротаба барга бориб буюртма бериб келишга ҳам улгурганди.

— Мен — Дедалман! Диомедни алоқага чақираман! — яна пилотнинг овози келди.

Микрофонга генералнинг ўзи энгашиб жавоб берди:

— Мен — Диомедман! Доклад қилинг!

— Номаълум объектнинг баландлиги тахминан йигирма беш метр келади. Унинг ҳажмини ҳисоблаб чиқиш учун...

— Геометрияни биламиз. Сиздан фақат маълумот талаб қилинади.

— Эшитаман, синьор. Учаётган предметнинг усти қаймоқ креми рангидаги ажойиб манзарани касб этади. Аҳ-ҳа, қандай ажойиб манзара-я!

— Ҳис-ҳаяжонни бир четга йиғиштириб қўйинг! — деб бақирди Диомед. — Сиз бозорда молини мақтаб харидор чақирувчи сотувчилардан эмассиз-ку. Фақат нимани кўраётганингиз ҳақида маълумот беринг, вассалом. Қабулга ўтаман.

— Эшитаман, синьор. Мен катта қизил пуфакларни кўряпман, улар предметнинг бутун устки қисмига бир текисда ва бир оралиқда қўйиб чиқилган. Уларнинг сони бир неча юз донга келади. Улар шакар қиёмига беланган олчаларга ўхшайди, агар бундай таққослаш менга рухсат этилган бўлса.

— Рухсат этилмаган! — деди тутатиб генерал. — Таққослашни жағилдонингизга солиб қўйинг! Яхшиси қизил пуфакчаларни санаб чиқинг.

Дедал радио чақириққа жавоб қайтармасдан ўша пуфакчаларни санаётганида орзу-хаёллarga чўмган профессор Росси бошини қуйи солган ҳолда тўнғиллади:

— Ана буни истеъдод дейдилар!

— Сиз шундай фикрдамисиз? — деб жилмайди профессор Теренцио.

— Биз бир хил фикрда эканлигимизга ишончингиз комилми?

— Мутлақо, ҳурматли ҳамкасаба, мен худди шунинг тескари-сини ўйлаяпман.

— Сийборлар, — деб ўтина бошлади генерал, — ҳар ҳолда нима ҳақда ўйлаётганларингизни билсак бўладими ўзи?

— Мен — Дедалман! — яна ёҳбатни бўлди радиокарнайдан келаётган овоз. — Сиз мени эшитяпсизми? Қабулга ўтаман.

— Афсуски, эшитяпмиз! — деб жавоб берди Диомед.

— Сиз бизга маълум қилаётган нуқул бемаъни маълумотларингизни эшитяпмиз!

— Варракни кўряпман!

— Нима?! Сиз бутунлай эс-ҳушингизни йўқотиб қўйибсиз!

— Йўқ, сийбор, гап шундаки, варрак жуда катта. У шаҳар атрофидаги уйлардан бирининг томи устидан учирляпти. Уни қўлга туширайми? Қабулга ўтаман.

— Мен — Диомедман! Ҳеч қандай чора кўрманг. Жойингиздан жилманг. Биз текширув ўтказамиз. Қабулни тўхтатаман.

Текширув шу заҳотиёқ бошланиб кетди. Бунинг учун дераза олдига келиб, бирров осмонга назар ташлашнинг ўзи кифоя эди. Штабдагилар ҳақиқатдан ҳам уч рангли думини силкитиб, номаълум предмет томон учиб бораётган варракни кўришди.

— Ердан сигнал берилляпти! — деди жаҳлдор овоз. — Душман разведкасининг хабари! Шубҳасиз, халқ орасида самовий келгиндилар агенти бор!

— Бўлмаган гап! — хитоб қилди кўрқиб кетган полицай Мелетти. — Мен Труллода истиқомат қилувчиларни жуда яхши эслай оламан! Яхши халқ! Мен ҳаммасини уйма-уй ёддан биламан, ҳар бир дўкончинини танилман! Бўлмаган гап, уларнинг марсликлар билан ҳеч қандай алоқаси йўқ.

— У ҳолда буни қандай тушунса бўлади?

«Агарда бу варрак Паолонинки бўлмаса, бурним узилиб тушсин!» — деди ичида Маккор Одиссея, бироқ бирданига юрагини ваҳима чулғади.

У жимгина кўчага чиқди-да, велосипедига ўтириб, елдек учиб кетди ва кўз очиб-юмгунча уйига етиб келди. У иргиб велосипеддан тушиб юқорига қараган эди, кўзи балкондаги болаларига тушди.

— Паоло! Рита! У ерда нима қиляпсизлар? — деб овозининг борица қичқирди Мелетти. — Нега ертўлага тушмадинглар! Тревогани эшитмадиларингми?!

— Дада, адамлар! — деди хурсандлигидан чапак чалиб Рита. — Бизга ёрдам беришг!

— Дарҳол варракни йиғиштир! Бўлмасам... Бу нима қилиқ, мени айғоқчиликда айблаб, сургун қилишларини хоҳлайсизларми?

— Биз ҳеч кимнинг ортидан жосуслик қилмаяпмиз! Биз фақат бир бўлак торт олмоқчимиз, холос...

— Мен сизга торт қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман! Агар ҳозироқ балкондан қорангизни ўчирмас экансиз...

— Лекин, дада...

— Е олдиларингга ўзим чиқайми? Қани, тез бўл! Балкондан кет! Дадасининг гапини икки қилиб бўладими, улар буйруқнинг биринчи қисмини бажаришга киришдилар. Варракни қайта туши-

риб ола бошладилар. Бироқ тағхонага тушиб ўтиришни ҳаёла рига ҳам келтиришгани йўқ. Улар балкондан ошхонага ўтиб, осмонда бўлаётган воқеани ўша ердан кузатишни давом эттирдилар.

— Аттанг,— деди Рита,— биз варракни ўйлаб топиб, зўр иш қилувдик-а.

— Аммо улар бизнинг сигналнимизга жавоб беришмади-ку!— деб эътироз билдирди Паоло.

— Эсинг жойидами, улар қандай қилиб сенга жавоб қайтаришади? У ахир торт-ку!

— Бу торт эмас, самовий кема, нодон!

— Унда нега варракни учиришга розилик бердинг?

— Яна бир бўлак шоколад илинжида эмас, албатта! Мен марсликларга сигнал бермоқчи эдим.

— Бу сенинг оддий кичик баҳонанг. Сиз ўгил болаларнинг фикр-ёдингиз фақат фазогир бўлиш! Мана бу пастдаги ҳарбийлар тортга қараб замбараклардан ўт очишга тайёр турганларидек, сен ҳам номаълум кимсадан қандайдир хат-хабар кутяпсан!

— Аммо бу торт эмас!— деб сўзида қатъий туриб олди Паоло.

— Йўқ, бу торт!— эътироз билдирди Рита.

— Бўпти, энди баҳсга чек қўяйлик. Варракдан иш чиқмади. Кел, яхшияси ўтириб фикр юритайлик, балким, яна бирор нарсани ўйлаб топармиз.

Орадан бир неча соат ўтгандан кейин...

— Мен — Дедалман! Диомедни чақираман! Қабулга ўтаман.

— Мен — Диомедман! Ахборот беринг! Қабулга ўтаман.

— Ҳозир соат ўн иккидан қирқ етти минут ўтди. Кузатувдаги предметнинг юқори чўққисига яна қайта кўтарилдим. У денгиз сатҳидан олти юз эллик тўрт метр баланд экан.

— Нима дедингиз?

— Олти юз эллик тўрт метр баландликдаман. Нима эди?

— Гап шунаки, сизнинг кайфингиз бўлса керак! Эрталаб даст-ававал предметни кузатиб чиққанингизда тўққиз юз ўн саккиз метр баландликдаман, деб маълумот бергандингиз. Хўш, ўртадаги тафовут бонсини қандай изоҳлайсиз?

— Мен уни изоҳлашга ҳаракат қилаётганим ҳам йўқ. Керак бўлса ҳисоблаб беришим ҳеч гап эмас. Тўққиз юз ўн саккиздан олти юз эллик тўртни олиб ташласак, тафовут ўзидан-ўзи маълум бўлади қолади.

— Бас қилинг! Қабулни тўхтатаман!

Генерал мушти билан столга урди.

— Синьорлар, кутилган мақсадга эришдик!— деди у хонадагиларга бир-бир қараб.— Номаълум самовий кема қўниш учун пасайиб келмоқда.

Қўш ботгунга қадар ҳамма интиқ бўлиб кутди. Сирли предмет ўз баландлигини кўз илгамас даражада сантиметрлаб йўқотиб, тобора пастлаб келарди. У соат учларга яқин ўз йўналишини секин-аста шимоли-шарқ томон ўзгартирди. Диомед енгил нафас олди; афтидан, душман уйларнинг томларига қўнишни планлаш-

тирмаганга ўхшайди, акс ҳолда Римнинг бутун атрофи бутунлай унинг остида қолиб, вайронага айланган бўларди.

Предметнинг қўниши тахминан Монте Куккода — мактаб орақасидаги унча катта бўлмаган ялангликда, болалар танаффус вақтида ўйнайдиган тошлоқ тепаликда юз берниши мумкин эди. Тепаликда бир неча чайла бўлиб, унда тоғдан водийга қўй сотиш учун тушган чўпонлар қўниб ўтар эдилар.

Табиийки, генерал узоқ муддатга чўзилиб кетган кутинини замбаракдан бир неча бор ўт очиш билан қисқартиришни афзал кўрганди. Лекин ҳукумат дунёнинг барча ҳарбий кучлари билан анчадан бери муносабатини яхшилаб келаётгани туфайли махсус буйруқ эълон қилганди. Бу буйруққа биноан қуролдан фойдаланишга фавқулодда ҳолатлардагина рухсат бериларди, — яъни, айтайлик, самодан келган сирли келгиндилар биринчи бўлиб ҳужумга ўтсалар ва ҳоказо. Шу боисдан ҳар қандай душманлик хуружларидан ўзини тийиш, нўвога йўл қўймаслик, беҳуда қон тўкишга сабабчи бўлиб, ўзга сайёрадан келган мавжудотларнинг ер маданияти билан илк бор танишувларини ҳалокатли оқибатларга олиб келмаслик, ҳушёрликни қўлдан бермай, доим шай туршилик алоҳида уқдирилган эди. Буйруқнинг асосий мазмуни ана шундай эди.

«Ўчувчи ликобчанинг» мақсади аён бўлгандан кейин, Диомед ҳукумат кўрсатмасига мувофиқ ҳарбий кучларни тепалик атрофига олиб келиб жойлаштирди. Сирли предмет одамларга осмон гумбазини очиб бериб, ботиб бораётган қуёшнинг заррин нурларига чўмганча ҳеч бир шовқин-суронсиз, осойишталик билан тепалик устига тушганда Монте Куккони аллақачон замбараклар, олов отувчи қуроллар ва зирҳли ҳарбий техникалар қуршаб олган эди.

## СИРЛИ СИНЬОР ЖЕПЕТТО

Ҳарбийларнинг чаққон ҳаракат қилишларини кузатиб турган Рита сўлагини ютиб:

— Алвидо, торт! — дея чуқур хўрсиниб қўйди.

— Ростини айтсам, сен эсингни еб қўйибсан! — деб тўпғиллади Паоло. — Мен сенга неча марта айтдим-ку, бу самовий кема деб!

— Кўзинг кўрми? Қарасанг-чи, тортнинг таги турган-битгани шоколад, усти эса пушти, сариқ ва кўк ранг билан бўялган. Торт эмас, қараб кўз қувонадиган бир ажойиб манзара деявер!

— Тўғрироғи, марсликлар байроғининг анво ранглари-да!

— Кел, гаров ўйнаймиз! Менимча, бу — торт, сенингча, бу — самовий кема. Ютқазган икки ҳафта давомида ширилигини бериб туради.

— Ҳм, икки ҳафта ҳам гап эканми, бир ой де! — унинг гапини бўлди Паоло.

— Агар истасанг, бир йилгача ҳам розиман, — ундан баланд келди Рита.

— Бир йил — бу кўп...

— Ҳа-а, қўрқоқ! Ютқазиб қўяман деб қўрқаяпсанми? Мен хоҳлаган нарсанга гаров ўйнашим мумкин.

— Яхши, мен бир йилга розиман!— жавоб қилди қизариб Паоло.— Менга қара, юр, аввал бориб кўрайлик-чи, у ўзи нима экан.

Шу ерга келганда энди Ританинг юраги дов бермай қолди:

— Бизни у ерга қўйишади деб ўйлайсанми?

Паоло жавоб бермади. У ўннга, Мальяно томонга бир неча дақиқа тикилиб қараб қолди — ўша тарафдан, ҳар куни эрталаб Агронинг сув бостирилган ўтлоқларига ҳайдаб кетилган қўйлар суруви энди икки чўпон кузатувида йўлдан аста-секин яқинлашиб келарди. Одатда сурувни чўпонлар Труллонинг ён-атрофидан айлангириб ҳайдаб, қуёш ботгунга қадар Монте Куккога етиб келинардди. «Қўйларни тағхоналарга қандай ҳайдаб олиб киришларини бир кўриб қўйсам бўларди!— деб ичида кулиб қўйди Паоло.— Итни ҳам ўша жойга яшириб қўйишармикин?»

Лекин ҳарбий кучларнинг қўйлар билан иши йўқ эди. Улар бутунлай бўлак нарсалар ҳақида ўйлашлари лозим эди. Қўшинлар бўлса энди Труллога орқа ўгириб туришар, рўпараларидаги ёлғиз тепалик чўққисига баҳайбат шляпа сингари қўниб олган сирли предметни кўз узмай кузатишарди. Қўйлар бир-бирларига суйкалиб, тумшуқларига тумшуқларини суркаб, маъраганча ҳамон олдинга қараб кетиб борарди. Мабодо улардан бирортаси йўл четда ўсиб ётган кўкатни чимдимоқчи бўлиб, сурувдан ажралиб чиққундай бўлса, подани кўриб келаётган ит уни дарров қайтариб, яна сурувга қўшиб қўярди. Куни бўйи балконда мудраб ётган Зорро сурувни бошқараётган итга қараб, салом берган каби бир-икки ҳуриган бўлди, аммо ит иш билан банд бўлганлигиданми, Зоррога хатто итмисан, деб жавоб қайтармади ҳам.

— Куракчаларингни ол,— деди тўсатдан Паоло, жиддий тусда,— бултур ўзинг билан денгизга олиб борганларингни ол. Мен эса чўнтак фонаримни оламан.

— Нега?— дея ҳайрон бўлди Рита.

— Гаровда ютмоқчиман! Агар қўрқсанг, шу ерда қолишинг мумкин.

— Яна нималарни хоҳлайсан? Албатта бораман!— деб туриб олди Рита.

— Унда эшит. Маккор Одиссея эсингдами?

— Товба, ҳеч жаҳонда киши ўз отасини ҳам эсидан чиқарадими?!

— Ҳе, қоқвош, мен бошқа Одиссеяни, ҳақиқийсини айтаяпман. У ҳақда сенга неча бор сўзлаб берганим эсингдан чиқдими? Девқомат Полифема гордан чиқиб олиш учун у нима қилганди? Қани, бир эслаб кўр-чи!

— Қўй остига яшириниб олганди... Қўйни одичиб, пинжига кириб олиб... Вой! Энди билдим, биз ҳам шундай қилсак бўлмайдими демоқчисан, шундайми? Лекин мен у ерга сизмайман-ку!

— Бу ёғини қўявер, кетдик!

— Ойимга хат ёзиб қолдирмаймизми?

Синьора Чечилино тревога ҳақидаги хабарни касал даволаётган пайтда эшиттанди. У беморга укол қилиб бўлиб, тағхонага тушишдан илгари болаларига телефон қилган, уларни қўшининикига кириб туришларини айтишга улгурган эди... Хат ёзиб қолдириш эса онанинг сўзига қулоқ солмаганликни билдирарди.

— Биз уйга ойимлардан олдин қайтиб келамиз,— деди Паоло.

Ританинг бунга унчалик кўзи етмаса-да, гап қайтаргиси келмади ва акаси кетидан эргашиди. У қўйларга ҳураётган Зоррога қараб қўйди-да, куракчаларини олиб, Паоло билан сояма-соя йўлга тушди.

Уларни бирон кимса подъездда тўхтатмади ва кўчада ҳам ҳеч зор уларга рўбарў келмади. Уларни уйларига қайтариб юборадиган кишининг ўзи йўқ эди. Паоло сурувнинг бошини ўтказиб юборди-да, кейин ўзи ҳам унга қўшилиб олди, унинг ортидан Рита ҳам сурувга қўшилди. Қўйларни кўриб келаётган ит уларга шубҳа билан қараб энди прилламоқчи бўлиб турган эди, бирданига сурувдан бир қўзичоқ ажралиб чиқди-ю, шунинг ортидан югуришига тўғри келиб қолди. Чўпонлар эса ортларига қарамай кетиб борардилар. Улар тепаликка хотиржам етиб келишди. Афтидан, бу оқшом одатдан ташқари ҳолат эканлигини, таниш сўқмоқ йўлин бутун бошли ўт ўчирувчилар командаси эгаллаб олганлиги-ю, Монте Кукконинг тепасида бутун оламнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб турган номаълум учувчи предмет борлигидан улар мутлақо беҳабар эдилар.

— Сизларга йўл бўлсин?— деб уларни тўхтатди полицай, сурув ва чўпонларнинг оёқ товушларини эшитиб.

— Салом, синьор! Бу ердан юриш мумкин эмасми? Биз чўпонлармиз, қўйларимиз қасққа борса, биз ҳам уларга эргашиб кетаверамиз.

— Қани, орқага қайтинглар! Тезда!

Бошқа полицайлар ҳам уларга қараб, чўпонлар устидан кула бошлашди. Кейинчалик Рита билан Паолонинг тушунтиришларига қараганда бу иш полицайларнинг хатоси билан содир бўлган экан. Полицайларнинг ҳазиллини қўйлар тушунишмади. Чунки улардан йигирма метр наридаги тепаликда қўйларнинг тунайдиغان қўраси жойлашганди. Балким қўйлар чўпонларнинг ўз вақтида берилган буйруқларига итоат этишлари ҳам мумкин эди, ammo чўпонлардан бири эси паст бир ёш бола бўлиб, иккинчисининг эса қулоғи яхши эшитмас экан, полицайлар уларга гап уқтираман дегунларинча, қайсар, бунинг устига ҳуркитиб юборилган қўйлар бир-бирини босиб-туртиб, қаттиқ-қаттиқ маърашганича соқчилар сафини ёриб ўтишди-да, кўчани чапгитиб олга қараб ўрмалай кетишди.

— Менинг орқамдан қолма!— деб пичирлади Паоло Ритага.— Тез бўл! У кўтарилган тўполондан фойдаланиб, аста тиз чўқди, кейин эмаклаб бориб сурувга аралашиб кетди. Рита ҳам худди шундай қилди. Қолган ишни қўйлар бажаришди. Улар болаларни ўртага олганларинча сўқмоқ йўлдан тепаликка олиб чиқиб кетишди.



Олдинга бир оз чўчиб турган қизча сал нари бориб саёҳатнинг бу янги усулини пухта ўзлаштириб олди: унга қўйларни шапиллатиб уриб қўйиш, шунингдек уларнинг илиққина ва юмшоқ биқинларига бошини уриб-уриб олиш ёқиб қолганди.

Сўқмоқ йўлдан юқорига эмаклаб чиқишда қизчанинг қўллари тилдаланиб, тиконга тўлган, тиззалари чақа бўлиб кетганди, у оғриқни сезмаса ҳам кўзларидан беихтиёр ёш томчилари милдираб туша бошлаганди. Шунда бирдан Паолонинг:

— Бу ёққа,— деган овози эшитилди.

Қўрадан хиёл юқорида гиштип деворнинг қолдиқлари, уч-тўртта йирик-йирик тошлар ётарди, шунинг ўзи уларга кифоя эди! Улар ана шу тошлар ортига ўтиб яширинишди.

— Энди бизни пастдан ҳеч ким пайқамайди!— деб пичирларди у Ритага.— Мана бу анҳордан яна юқорига кўтариламиз.

Паоло, анҳор деб тепалик ён-бағридан чўзилиб кетган, жилга ва ёмғир сувларидан пайдо бўлган жарликни айтаётганди.

— Сен ростдан ҳам ўша чўққига кўтарилмоқчимисан?— деб сўради Рита эшитилар-эшитилмас ва юқорига разм солди.

Уларнинг бошлари узра салкам йигирма метр чамаси нарида номаълум объектнинг бир чети қорайиб кўриниб турарди. У энди шундоқ няқларининг тагида бўлгани учунми, ҳар қалай уни торт дегани Ританинг юраги бетламаётганди: торт қаёқда, қандайдир қўрқинчли, сирли нарсага ўхшайди-ку.

— Сен мени шу ерда кутиб тура тур,— деди Паоло. У шу топда янги қитъага оёқ қўяётган Колумбдай қатъий ва жасур бўлиб кетди. Рита ҳам қўрқувини енгиб:

— Йўқ, мен ҳам сен билан бораман!— деди.

Улар индамай тепаликдан тирмашиб чиқа бошладилар ва тез орада ақл бовар қилмайдиган предметга жуда яқин келиб қолдилар, унгача бор-йўғи бир неча қадам қолганди, холос.

Энди уларнинг рўбарўсида баҳайбат, ўтиб бўлмайдиган бир девор турар эди.

— Биринчи бўлиб мен бораман!— деди қатъий Паоло.— Мен ишора қилганимдан кейин ёнимга кўтариласан. Борди-ю, қичқирёқ овозини эшитсанг ҳам қўрқма.

— Менга қараб ўқ узишса-чи?

— Ол-а, сенга қараб ким ўқ узарди!

— Тўхта. Эҳтиётдан мана бу куракчани ол. Агар бу торт бўлиб чиқса, ичини ўйиб, унга яшириниб оламиз.

Паоло истар-истамас куракчани олди. Бир ҳисобдан куракчани олиб яхши қилди ҳам, чулки Монте Кукко тепалигида уни бир пуф билан йўқ қилиб ташлашга шай бўлиб кутиб турган на марсликлар, на венераликлардан асар бор эди. Илмий-фантастик фильмларнинг катта билимдони Паоло тасаввур қилганидек, у ерда ҳеч қандай самовий кема, ёки шунга ўхшаш нарсанинг ўзи йўқ эди. У ерда уни улкан торт кутарди!

Тортнинг бир эмас, юзлаб ажойиб ҳидини сезиш учун нозик сезги ҳиссига эга бўлишнинг ҳожати йўқ эди. Паоло чоғлаб туриб

куракчасини тортга чунон санчган эди, ўша заҳоти ўзи ва синглиси сиғадиган кенг ўйиқ ҳосил бўлди.

Пастда қолган Рита бўлса қўрқув ичида ташвишли бақир-чақирлар бошланишини пойлаб, қулоқ тутиб ўтираверди. Бир нақт қаердандир юқоридан аввал майизли хамир қатлами, сўнг устма-уст майиз ҳамда ликорлар унинг устига келиб туша бошлади. Рита фурсатни қўлдан бой бермай тушиб келаётган нарсаларнинг ҳаммасидан бир-бир тотиб кўра бошлади. У бу ишга шунчалик берилиб кетдики, ҳатто Паоло уни учинчи бор чақиргандагина эшитди.

— Бораяпман, бораяпман!— деб жавоб берди оғзини тортга тўлдириб олган Рита.

Хаял ўтмай қизча ҳам хушбўй торт қаваги ичида пайдо бўлди. Паоло ёруғ тушиб, ҳаво кириб туриши учун кичик-кичик тешикчалар қолдириб, ўйиқ оғзини тезда йирик-йирик шакарли мева бўлаклари билан қоплаб чиқди.

— Энди ишонгандирсан?— деб сўради Рита, иштаҳа билан торт бўлагини оғзига жойларкан.

— Бўпти, сен ютдинг. Торт экан. Мен сенга ютқазган нарсанинг ҳаммасини тўлайман.

— Тўламай ҳам кўр-чи. Гаровни шунчалик эрмакка ўйнашмайди.

— Бўлди, бас қил. Айтдим-ку тўлайман деб. Энди бўлса менинг ишимга ҳалақит берма. Қани, бир сурилвор-чи! Туннел қовлаб, тортнинг ичини ўрганиб чиқиш керак. Мен бу ерга бурнидан чиққунча ширинлик егани келганим йўқ!

— Шунақами ҳали! Биз хамир қатлами горида ўтирибмиз, оёғимиз остида камида ярим метр шоколад ётибди... Бу яширинган жойимиз Пиноккионинг ақула қорнига тушиб қолганидан кўра ишончлироқ ва афзалроқ жой эканини билсанг эди. Ҳм, татин бу киши нималарнидир ўрганармишлар!

— Соғлигинг кўтаргунча, хоҳлаганингча ейвер! Мен эса туннель қазийман!

— Майли, ке!— деб ён берди Рита.— Сенга ёрдам берганим бўла қолсин. Мен тановул қилиб туриб ҳам ишлай оламан.

Торт бамисоли чўлқуварларнинг кетмонлари зарбаси билан очилган қўриқ каби куракчанинг тўхтовсиз санчилишларидан аста-секин емирилиб борарди. Ака ва сингил ортиқча куч сарфламай бир неча крем қатламини, кувланган қаймоқ ва бодом мағзи хамирини босиб ўтдилар. Ширин кремни ўйиб, ариқча очдилар, қорақат шарбати кўлмақларидан кечдилар ва бир вақт фонус ёруғида улар тортнинг ичида ликер оқимларидан пайдо бўлган кичик тортларни кўрдилар.

Уларнинг йўлларида ўқтин-ўқтин бўлса ҳам баҳайбат тумбаларга ўхшаган шакарли олчалар учраб турарди. Паоло илимий ишга боши билан шўнғиб кетган тадқиқотчидек, уларга чап бериб, ҳамон олга қараб борарди, Рита бўлса уларнинг бирортасини ҳам татиб кўрмасдан ўтиб кетмасди. У бир қўли билан туннелни кенгайтиришга ёрдам берса, иккинчи қўли билан тушел

деворини пайпаслаб музқаймоқдан қилинган крем-брюлеги қидириб борарди. У оёғи остида думалаб ётган ғалати тошларни — кўпинча улар қовурилган бодом ёки ёнғоқ мағизи бўларди — тишида чақиб кўрар, жуда бўлмаса шакарли ерэнғоқларни тинимсиз кавшарди.

— Бўл-бўл, ишласанг-чи!— деб қистарди уни Паоло.— Йўқ, у ердан эмас, мана бу ердан қазиш керак. Радиус бўйлаб боршим лозим, ўшанда марказгача етиб оламиз.

— Вуй-й. Унг томондан бирам совуқ келяптики... Балки, у ерда музқаймоқ бордир!

— Ҳай аттанг, компасни ола келсак бўларкан.

— Бу ерда унинг нима кераги бор? Қаёққа қарама, ҳаммаёқ торт-ку: шимолдаям, жанубдаям, шарқдаям, ғарбдаям. Вой-бў, бу ерда ликер тўлиб-тошиб ётибди! Менга қара, тағни маст бўлиб қолмаймизми? Э-е! Ёмғир ёга бошлади... Унданам татиб кўрайчи... И-е, бу сув эмас, марсала-ку, вино! Ердан беринглар, чўкиб кетаяпман! Йўқ-йўқ, менга шундай туюлди! Биз ҳозир бисквит устидан кетиб боряпмиз, лекин очигини айтганда, мен бодом мағзи хамирини маъқул кўрардим, у анча мустаҳкамроқ бўлади.

Паоло тинимсиз куракча билан ишлар экан: «Малина мураббоси, майиз, кувланган қаймоқ, крем, писта мағизли музқаймоқ...» дея йўлда учраган барча моддалар номини тартиб билан эслаб борарди.

Бир вақт у Ритани қўлидан ушлаганича турган жойида қотиб қолди.

— Фонусни ўчир!— шивирлаб буйруқ берди у.

— Дарҳақиқат, фануссиз ҳам ҳаммаёқ ёришиб кетди. Нимага ундай бўлди?

— Жим бўл! Қара!

Ҳозиргина тешилган туйнукдан туннель ичига нур ёғилмоқда эди. Рита нур кириб келаётган туйнукка қараган эди, катта горсимон хонага кўзи тушди. Унинг қоқ ўртасида бир нотаниш одам ўтирар ва шакарли пўртаҳолга жойлашган электр фонус нурида тиззасидаги қоғозларга шошиб-пишиб нималарнидир ёзарди.

— Бу Жепетто-ку!— деб шивирлади Рита.

— Бўлмаган гап, унда сен кўк сочли Феясанми?..<sup>1</sup> Гап деб ҳар нарсани гапираверадими. Шошмай тур-чи, мен ҳам бир ўйлаб кўрай.

Паоло билан Рита чурқ этмай навбатма-навбат горни кузата бошлашди. Бу ҳол икки минутча давом этди.

— Хўш, мияннга ҳеч нарса келдими?

— Йўқ, ҳали.

— Гапирсанг-чи, нимани ўйлаб топмоқчисан? Мен ҳам бош қотириб кўраман. Шунчаки индамай кутиб ўтириш ўлимдан оғир.

— Бўпти, сен айтганча бўла қолсин — уни вақтинча синьёр

<sup>1</sup> Пиноккио, Жепетто ва кўк сочли Фея — Қ. Коллодининг «Пиноккионинг саргузаштлари» эртагининг персонаждари.

Жепетто дея қолайлик, барибир уни қандайдир ном билан ата-  
шимиз лозим-ку,— деб жавоб қайтарди Паоло.— Шундай бўлса  
ҳам, қизиқ, аслида ким бўлди экан-а, бу одам? У бу ерда, торт-  
тинг ичида нима қилиб ўтирибди? Қандай қилиб бу ерга кириб  
қолди?

— Билмадим. Балки бизларга ўхшаб кириб қолгандир. Кейин  
кўриб турибсан-ку, у нималарнидир ёзаяпти! Эҳтимол, у ёзувчи-  
дир. Еки журналистмикни?

— Маана, кўрдингми, энди сенинг ҳам нима ҳақда фикр юри-  
тганингни имконият туғилди. Лекин нафасингни чиқармай тур,  
бўлмаса у бизни сезиб қолади.

Рита чурқ этмасликка ваъда берди-да, туннелнинг музқаймоқ  
девориши ялашга киришди. Лекин ногоҳ эшитилган ит хуриши ўр-  
тага тушган сукунатни бузди. Бу шунчалик кутилмаганда юз бер-  
дики, худди тўсатдан бомба портлагандай бўлди.

— Зорро-ку!— деб юборди Рита итни овозидан таниб.— У или-  
мизни искаб-искаб топиб келибди-я!

— Ҳамма ишнинг пачаваси чиқди!— деди қовоғи уйилиб Пао-  
ло. Афсуски, у ҳам бу сўзни ҳаддан ташқари баланд овозда айт-  
ди: ҳаяжонланганидан хушёрликни ҳам унутиб қўйганди. Зорро  
эркаланиб ўзини болаларга ташлади. Паоло горга қайтадан кўз  
«гуртириб чиқди-ю, яна турган жойида қотиб қолди: сирли синь-  
«р Жепетто ўрнидан салчиб туриб, қўркув тўла кўзлари билан  
атрофга жавдиради.

— Жим, Зорро, жим бўл!— деди пичирлаб Паоло.

Ит думини ликиллашиб тинчланди.

— Синьор Жепетто бизни сезиб қолди,— деди Паоло Рита-  
га.— У ўзининг бошланасини кўздан кечиряпти, деворларга қулоқ  
тутиб кўряпти.

— Менимча, фурсат ганиматда қочиб қолиш керак.

— Сабр қил. Билай-чи...

— Яна билиш!.. Бизни сезиб қолса, унда кеч бўлади...

— Жим! У шу ёққа қараб келяпти!

Тортнинг сирли яшовчиси гор деворларини кўздан кечири ту-  
риб бир неча дақиқа илгари Паоло тешган туйнук олдига келиб  
тўхтади. Бола синьорни яқиндан туриб кузата бошлади. Нота-  
ниш кимса деярли қари, деярли кал, деярли мункайиб қолган,  
хуллас, кўзойнаги «деярли катта» бўлмай, ўртача эди — ҳар бир  
ойнаги бармоқ қалинлигида бўлиб, унинг ортидан тим қора ва  
жуда ҳаракатчан кўзлар йилтираб турарди. Нотаниш қария га-  
р-ийиб узун қорамтир чакмонда эди. Тугмаси илинмаган, ёқаси  
тагидан галстукнинг қийшиқ бўлаги чиқиб турарди.

— Қочдик, Паоло!

Лекин Паоло гўё туйнукчага михлаб қўйилгандек қимир эт-  
масди. Ҳатто синьор Жепеттонинг нигоҳи унга тушганда ҳам булк  
сизмади. Деворнинг иккала томонида — биз унинг пиета марзидан  
қилинган музқаймоқлигини яхши биламиз,— бир жуфт кўз бир-  
бирига тешиб юборгудек тикилиб турарди. Қўрқанидан Паоло-  
нинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди, шундай бўлса ҳам у жойидан

жилмади. Сирли синьор Жепетто ҳам афтидан, ҳадиксирамади, фақат жаҳл билан қандайдир ғалати тилда бақирди:

— Скуак скуок карапак пик!

Унинг сўзлари тахминан шундай жаранглади. Қариянинг оёғидан Паоло билан Ританинг оёғи очилиб қолди. Зорро, турган гап, номаълум одамга ўчакишиб қаттиқ-қаттиқ ҳурий бошлади.

— Брик брок караброк пок!— деб бақирди яна қария ва иккала қўли билан туйнукин кенгайтиришга тушди. Зумда туйнук катталашиб, қария ундан бошини чиқарди ва тушуниб бўлмайдиган тилда бақирнишни давом эттирди.

— Қочдик!— ўзини орқага ташлаб бақирди Паоло, Ританинг фонуси нурида кўкимтир девор туйнугидан чиқиб турган қариядан кўзини узмай.

Шу пайт Паолога, кўзойнакнинг қалин ойнаси ортидан, сўнг қариянинг бутун чеҳрасидан кулги аломатлари жилва қилгандек бўлиб туюлди... Аммо бу ҳақда ўйлаб ўтиришга вақт ҳам йўқ эди, болалар фурсат ғаниматда жуфтани ростлаб қолгандилар. Улар кремга ботиб, ликер кўлмақларидан кечиб, мармалад ботқоқларда ботиб қолишларига сал қолиб, бисквит ва ёғли хамирдан ясалган деворларга туртиниб-суртиниб узун тунелдан қочиб борар эдилар.

Охири узоқдан қандайдир нур кўринди... Хув анави жойдан. Пастдан... Аллақачон тун чўккан бўлишига қарамай прожекторлар париллаб ёниб турар, улар тўппа-тўғри тортга қаратилиб кўйилганди... Паоло шошялинича шакарли мева билан тўсилган тортининг эшик йўлини оча бошлади... Кейин фонусни узоққа яритиб юбораркан:

— Зорро, ол!— деб бақирди.

Ит буйруқнинг такрорланишини кутиб ўтирмади: воввуллаганича тортдан отилиб чиқди-да, фонусни ердан олгани сўқмоқ йўлдан ўқдай учиб кетди,— Рита билан Паоло ҳар доим ит билан шу йўсинда ўйнашар эди. Шу аснода тортга қаратилган прожекторларнинг нурлари итга қадалди, унинг тепалик бўйлаб чопиб боришини таъқиб этишмоқда эди. Пастда ақл бовар қилмайдиган гўс-тўполон кўтарилди.

Паоло бу гал ҳам оғир шароитдан қулайгина чиқиб кетиш йўлини ўйлаб топди. Ака ва сингил прожекторлар нурига қарама-қарши йўналишда югура кетдилар... Улар тўппа-тўғри бориб соқчиларнинг оёқлари остига йиқилиб тушдилар. Соқчилар бу болакай билан қизалоқнинг осмондан тушганини ҳам, ердан чиқганини ҳам англаб етмадилар. Ўйлаб-печиб ўтирмай улар шу заҳотиёқ болаларга ташланишди.

— Қаёққа бораяпсизлар?! Орқага қайтинглар!

— Ура! Биз омон қолдик!

— Вой Паоло!— деди бир вақт Рита.— Мен бир пой туфлини йўқотиб қўйдим?!

— Қаерда?

— Билмайман. Тепаликдан тушиб келаётганимизда тушиб қолган бўлса керак. Мен бориб қидириб кўрай.

— Нима деяпсан ўзи! Сени ушлаб олишадиде, ҳамма нарса фох бўлади!

— Тортни ҳам еб қўйишадиде! Гапинг тўғри, яхшиси бир пой туфлимдан воз кечиб қўя қолай.

Улар уйга қайтиб келганларида квартирада ҳеч ким йўқ эди. Сньюорина Чечилия орадан ярим соат ўтгандан сўнг, марсликлар ҳеч қандай душманлик хатти-ҳаракатлари қилмасликка сўз берган Диомед Трулло аҳолиснинг тағхоналардан чиқишга рухсат эгандан кейин уйга қайтиб келди.

— Сизлар ақл билан иш тутдиларингми? Қўрқмадиларингми?

— Ҳа, ойи,— деб жавоб берди Паоло, биринчи саволни назарда тутиб.

— Йўқ, ойи,— деб жавоб қайтарди Рита иккинчи саволга.

— Баракалла!— деди иккала жавобдан ҳам кўнгли тўлиб Чечилпя.— Ҳозир сизларга кечки овқатни тайёрлаб бераман. Ҳойнаҳой қоринларинг очиқиб қолгандир?

«Худога шукур, овқат ер эканмиз!»— деб ўйлади ичида Рита. Лекин у опасига ҳеч нарса демади.

## ЗОЛУШКАНИНГ ТУФЛИСИ

Прожекторлар Зоррони ўз ҳолига қўйиб, тепалик устини бир бошдан қаричма-қарич ёритиб ўтар экан, бирдан ўт ўчирувчилардан бири тақиқланган зонада, тахминан беш-олти метр нарида ётган болалар туфлиенга кўзи тушиб қолди.

— Бу туфли илгари бу ерда йўқ эди!— деди у.— Мен бу майдондан қош қорайгунга қадар кўз узганим йўқ, ҳатто майдоннинг ҳар бир тошини битта-битта санаб чиққанман. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бундан бир минут илгари бу ерда ҳеч қанақа туфлимуфли бўлмаган эди! Шошманг-шошманг, ҳа, эсимга тушгандай бўлаяпти, янглишмасам тепаликда қандайдир шарпани иллагандай бўлувдим-а! Ушанда биз аллақандай тенти ит деб вақтимизни бекорга кеткизаётгандик...

— Туфлини штабга олиб бориб бер-да, уни хаёлингдан ит-қитиб ташла,— деб унга маслаҳат берди касбдоши.

— Албатта, олиб бораман. Ҳозироқ етказаман.

Диомед, яъни бош қўмондон, туфлига кўз қириши ташлаб қўйди-да, ишшайиб ўтирганлардан сўради:

— «КК» операцияси қатнашчилари болаларнинг тутилган оёқ кийими магазинини очиш ниятида эмасмикинлар? Балки операциянинг моҳияти ҳам айнан шуни назарда тутмасмикин?

Ҳамма (айниқса профессор Россо билан Теренцио донишмандларга хос тарзда мириқиб кулишди) оёқ кийимнинг икки жойидаги тешикка кинояомуз ишора қилди. Балки, марсликлар шлем ўрғида мана шундай туфлилардан бошларига кийиб, мана шу тешиклардан антенналарини чиқариб юршар?

Аммо бекорга Маккор Одиссея деб ном қозонмаган полицай

Мелетти жуда узоқни кўзловчи ва ҳақиқатга жуда яқин фикрига баён этди:

— Синьорлар, изну ижозатингиз билан мен ҳам ўз фикримни билдирсам... Болалар баъзан эҳтиётсизлик қилиб, яхши-ёмоннинг фарқига бормай, бирон-бир ножўя иш қилиб қўйишлари ҳаммага маълум. Номмаълум объектдагилар бирорта қиз ёки ўғил боланинг қўлларига арзимаган совға тутқазиб, улар учун ерда маълумот йиғишига кўндирмаслигига ким кафолат бера олади?

— Мақсадга ўтинг! Туфлига!— деб унинг гапини бўлди генерал.

— Менимча, агар бирорта бола ҳақиқатан ҳам самовий кемага кирган ва у ердан қочатуриб туфлисини йўқотиб қўйган бўлса, уни қисқа вақт ичида топса бўлади.

— Бундан осонин бор эканими, туфлини барча округдаги болаларга кийдириб кўриш керак, вассалом.

— Золушка ҳақидаги эртакининг худди ўзи-я!— кулиб қўйди профессор Теренцио.

— Аммо биз афсонавий жойда эмас, Труллодамиз!— қайд этди профессор Росси. Унинг касбдошига эътироз билдириши, албатта, шарт эди.

— Яхши,— унинг сўзини кесиб деди генерал,— кийдириб кўриш операциясини ўтказинг. Ҳеч бўлмаганда туфлисини йўқотган боланинг онаси сиздан миннатдор бўлади-ку. Сиз ҳам бир савоб иш қилган бўласиз.

Маккор Одиссея туфлини газетага ўраб, чилвир билан чирмаб боғлади-да, устидан сурғучлаб муҳрлади ва мактаб кутубхонаси шкафи ичига жойлаб қўйди. У соқчига тун бўйи ундан кўзини узмай қўриқлаб чиқишни қаттиқ уқдирди.

— Бу ҳарбий сир! Ҳушёр бўл, тағин уни ўғирлаб кетишмасин!— деди у.

Полицай уйига қайтганда болалари аллақачон ухлаб қолганди. У синьорина Чечилвяга кун бўйи бўлиб ўтган воқеани қисқача ҳикоя қилиб берди-ю, лекин туфли ҳақида лом-ним демади, чунки ҳарбий сирин ҳатто хотинларга ҳам ишониб бўлмайди-да.

Полицай Мелетти эрта уйқудан туриб, штабга йўл олди, у ердан туфлини қўлига олиб уйма-уй, зинама-зина, эшикма-эшик юриб айланиб чиқа бошлади.

— Тақ-тақ-тақ!.. Синьора Роза, эшикни очинг. Бу мен, полицай Мелеттиман. Уғлингизда ишим бор эди.

— У ярамас яна нима иш қилиб қўйдикан?

— Ҳеч нарса, ҳеч нарса қилгани йўқ, синьора Роза! Қўмондонлик буйруғига биноан мана бу туфлини унга кийдириб кўришим керак.

Синьорина Роза (ёки синьорина Чезира, ёки синьорина Матильда) эшикни очди. У уйда судрайдиган оёқ кийимида ва халатда бўлиб, қўлида сутли шиша кўтариб турарди. Она ҳалиги «ярамас»ни уйғотди-да, туфлини кийдириб кўра бошлади.

— Синьор Мелетти, наҳотки кўрмаётган бўлсангиз? Қўлин-

ғиздаги туфлининг размери ўттиз иккинчи! Ўғлимнинг оёғи бўлса қирқинчи, бу қанақа ҳазил бўлди?

— Буйруқ шунақа, синьора, буйруқ!— деди полицай.

У баъзи маҳаллаларда ҳали уйқуси очилмаган бир тўп бола-ғайларга дуч келарди. Бу пайтда уларнинг оталари, одатда, соқолларини қиртишлаётган бўлардилар.

— Оббо, энди шаҳар жамоаси болаларга тутилган пойафзал улашишга ҳозирлик кўраяптими? Тағни икки жойда тешиги бор пойафзал-а?— деб тўнғиллашарди улар полицайга.

— Сабр қилинг, синьор, сабр. Бу қўмондонликнинг буйруғи,— деб қутуларди полицай ҳам ўнғайсизланиб.

Тўғри, туфли оёқларига лойиқ келган болалар озмунча учрамади. Шунда синьор Мелетти уларни сўроққа тута бошларди:

— Бу туфлининг иккинчи пойи қани, айт!

— Қанақа иккинчи пойини айтаёписиз? Қизимни бунақа туфлясиз ҳеч қачон бўлмаган!

Еки:

— Сен кечқурун соат ўнларда қаерда эдинг?

— Кеча у Францияда эди, Парижга саёҳат қилгани борганди,— қизи ўрнига онаси жавоб қайтарарди.— Унинг бу маҳалда ётиб ухлашдан бўлак қандай иши бўлиши мумкин! Ишонмасангиз, гувоҳларим бир талай! Жуда бўлмаганда рўпарамизда яшовчи синьор Густаводан сўраб кўрсангиз бўларди: у кеча кечқурун тун-оқшомгача бизникида телевизор кўриб ўтирди.

Синьор Густаво унинг гапини тасдиқлади. Шундай қилиб, Маккор Одиссея яна «саёҳат»ини давом эттиришга мажбур бўларди.

— Ҳар ҳолда,— деди ўзига-ўзи меҳрибон Мелетти,— мана шу туфлини қаердадир кўргандай бўлаяпман-да! Ҳа, ҳа, кўрганман! Қасам ичиб айтишим мумкин — кўрганман! Ундаги мана бу иккита йиртиқ тешикни ҳам кўрганман! Айтгандай, бугун эрталаб хотиним қанақа тешик ҳақида гапираётувди? Э, ҳа, дарвоқе Ритага яна янги туфли сотиб олиш керак дегандай бўлганмиди. Бу тиниб-тинчимасдан қизнинг чиндан ҳам товопидан ўт чақнайди!

Шундай қилиб синьор Мелетти, уйма-уй айланиб охири ўзининг уйи олдига келиб қолди. Олдинига у беш ё олти яшар қизчаси бор дарвозабон аёл эшигини қоқди. Дарвозабон аёл синьор Мелеттидан хафа эди, чунки бундан икки йил олдин унинг эри тезликни оширгани учун жарима тўлашга мажбур бўлганди. Шундан бери бир Мелетти эмас, Мелеттига қўшиб полицай зот борлиги ҳаммаси унинг кўзига бало-қазодай кўриниб қолганди.

— Синьор Матильда, қизингиз уйқудан турдимми?

— Унга ҳам жарима солгани келдингизми?— зарда билан жавоб қайтарди синьора Матильда шартта.

— Нималар деяписиз ўзингизча? Ҳеч қандай жарима-парима солмоқчи эмасман. Гап шундаки, ҳалиги...

Маккор Одиссея нима сабаб билан келганини бир бошдан унга тушунтира кетди. Бу орада бўлаётган воқеани томоша қилиш учун зинапояга қўшини аёллар ва болалар тўпланишганди. Синьор



Мелетти билан синьора Матильда иккаласи тўқнаш келганда доим бирор қизиқ гап бўлишига улар ўрганиб қолишган эди-да.

— Э-э, гап бу ёқда денг!— дея масхараомуз кулди синьора Матильда.— Сиз ҳали менинг қизимни марсликларнинг айғоқчиси деб ўйлаясизми?

— Йўқ-Йўқ, мен бундай деётганим йўқ!

— Тўғри, сиз ундай деётганингиз йўқ, аммо шундай деб ўйлаясиз!

— Нима қиласиз, гапни айлантириб, ахир, буйруқларни мен чиқарган эмасман-ку.

— Жаримани-чи? Жаримани қуртдай санаб оладиган ким?

— Мен ўз хизмат бурчимни адо этяпман, холос!— деди синьор Мелетти таъналардан дили оғриб.

— Нима бўлса бўлди! Кел, Мария-Сарвиҷомат, туфлни оёгингга илиб кўр... У сенга катта, шундай эмасми, олтиним? Ўрнингга қайтиб бора қол, жажжигинам. Энди туфлини мен ўзим кийиб кўраман!

— Ҳай-ҳай, синьорина Матильда, буйруқ фақат болаларга тегишли!

— Шунақа денг ҳали! Бечора қиз болани мазах қилишми бу!.. Қани, кучингизни менга ҳам бир кўрсатиб қўйинг-чи!

— Худо хайрингизни берсин, синьора, бундай қилманг! Туфлини ишдан чиқарасиз!

— Мен туфлини ишдан чиқараманми? Билмасангиз билиб қўйинг: мен пардай енгилман! Бор-йўғи бир юз йигирма килограмман, холос! Истасам, ярмаркада пешонасига «Пар аёл» деган лавҳа илиб қўйиб, томошахона ҳам очишим мумкин. Бу ерда аллакимларнинг исқиртини тозаллагандан кўра у ерда жарақ-жарақ пул топаман!

Зина томондан гурр кулги кўтарилди, авжига чиққан кулгидан хабар топган бошқа хонадондаги одамлар ҳам шуларга келиб қўшила бошладилар. Синьора Чечилия, Паоло ва Риталар ҳам уй-уйларидан чиқиб келишди.

Эрининг дарвозабон аёл билан даҳанаки жанг қилаётганини кўрган синьора Чечилия ёрдамга етиб келди. Онаси кетидан Паоло, унинг ортидан, табиийки, Рита югурди. Кўнгилисиз ўйлар қизчани анчадан бери қийнаб келарди. Бутун можарога унинг туфлиси сабабчи бўлаётганини у биринчи бўлиб пайқаганди.

— Йўқ, менга деса ҳар нарса бўлмайдими, уни энди албатта кийиб кўраман!— деб уйни бошига кўтариб шовқин соларди синьора Матильда.

Уйда судрайдиган оёқ кийимини силтаб ечди-да, ҳар бири харидек келадиган бесўнақай оёғини болалар туфлисига зўр бериб суқа бошлади.

— Битта бармоғим кирди!— деб таитанавор хабар қилди у,— ҳозир қолганларни ҳам киргизаман, мапа кўрасизлар.

Шу ерга келганда бирдан синьора Чечилия можарога арашди.

— Тўхта, нима қиляпсан?— деб шангиллай кетди у .

— Эрингнинг буйруғи билан туфлини оёғимга кийиб кўряпман!

— Кўзинг кўр бўлиб қолгани ахир, бу Ританинг туфлиси-ку? Бу ерда нималар бўлаяпти ўзи? Бу аҳмоқона ҳазилларни ким ўйлаб топди?!

Синьор Мелетти, гўё чақмоқ ургандек, турган жойида қотиб қолди.

Синьора Матильда бўлса, аксинча, шунақанги хахолаб кулдики, кулавериб нафаси тикилиб қолди, кўшниси унга стаканда сув олиб келиб ичиришга мажбур бўлди.

— Айт, бу ерда ўзи нима бўлаётибди? Бундоқ тушунтириброқ гапирсанг-чи?— деб бақирди синьора Чечилия, эрини елкасидан силкалаб.

— Ҳарбий сир...— тўнғиллади Маккор Одиссея.

— Сен бу туфлини қаердан топиб олдың? Бу — бир, иккинчидан, мана бу томоша қаёқдан пайдо бўлди?

— Тилингни тий! Мени сўзлашга мажбур этма!

Охири полицай эс-ҳушини йиғиб олди-да, қошини чимирганча атрофга касбига хос синчковлик билан назар ташлаб, ҳайкирди:

— Қани, тарқалинглар!!! Тарқалинглар! Томоша тугади!!

Биринчи бўлиб буйруққа Паоло итоат этди. У ими-жимиди, билдирмайгина оломон ичидан ситилиб чиқди-да, жуфтаси уриб қолди.

— Қани, уйга юр, яхшилаб текшириб кўрамиз!

Рита отасининг кўзига тушишидан қочиб, ўзини онасининг нарасига олди. Онаси эса нима бўлганига ҳеч ақли етмай, ҳамон жиғибийрон бўлмоқда эди:

— Ҳой, яхшилар, бу хомсемизнинг қилғини бир кўриб кўйинг-а, ахир Ритамизнинг туфлисини майжштириб ташлабди-ку. Шошмай тур сени ҳали, келиб-келиб кучинг шу болага етибди-да! Сени боламнинг кўз ёши тутади ҳали!

Синьор Мелетти зинапояда тартиб ўрнатган бўлиб, анчагача текин томошатабларни уйларига тарқатиш билан овора бўлди. Шундан кейин юқори қаavatга кўтарилиб, квартираси эшигини итариб кўрсаки, эшик ичкаридан заنجирлаб қўйилибди.

— Эшикни оч!— деди у хотинига бақириб.— Қонуи номн билан буюраман: оч!

— Яна қанақа қонуи?! Бечора қизчада нима қасдинг бор эди?

— Сен, яхшиси, бориб унинг ўзидан сўра нима қилиб қўйганини! Ундан қаерда ва қачон туфлисини йўқотганини бир сўраб кўр-чи? Эшикни оч, бўлмаса кўшниларнинг ҳаммаси сўзини эшитиб қолади!

Бу гал полицай Мелетти синьора Чечилияни кўндирди олди. Хотини заنجирни илгакдан олиб, эшикни қия очиб эрини ичкарига қўяр экан, унинг ниятини башарасидан билмоқчи бўлиб, диққат билан эрининг кўзига қаради. Синьор Мелеттининг чеҳраси одатдагидан фарқ қилмасди-ю, фақат бир оз қайғули кўринарди, энг асосийси шундаки, жипинилк аломатлари сазилмади.

— Майли, кира қол! Сен эса, ҳой қиз, йиғнигни бас қил!

Охирги хитоб ночорликдан пиқ-пиқ йиғлаётган Ритага қарата айтилганди.

— Қизимиз — айғоқчи, — деб маълум қилди синьор Мелетти. У стулга гурс этиб ўтирди-да, қўлидаги туфлини ҳавода бир-икки силкитиб қўшиб қўйди: — Мана, далили!

— Яна қанақа далил? Тешикларми? Улар бечора Рита қизгинамга аллақачон янги туфли олиб беришимиз кераклигини айтиб турибди, холос.

— Йў-ғе, сен тушунмаяпсан...

— Тагин нимани тушунмай қолибман?

Синьор Мелетти туфли билан боғлиқ бўлган ҳамма гапни миридан-сиригача гапириб берди: қандай қилиб уни ёпиқ зонадан топиб олишганию марсликлар болалар орқали маълумот тўплашмоқчи бўлган деб гумон қилганларини, ўзи уйма-уй юриб, туфлини ҳамма қизларга бир-бир кийдириб кўрганини — ҳамма-ҳаммасини хотинига эринмай ҳикоя қилиб берди.

— Ҳеч қандай шубҳага ўрни йўқ, — деб гапини якунлади у, — қизимиз марсликларга хизмат қилади!

— Ахир улар марсдан тушган эмас-ку! — ўзини тийиб тура олмади Рита, ойсиннинг этагига кўз ёшларини арта туриб.

— Мана кўрдингми?! — ўшқирди Маккор Одиссея! — Уларнинг кимлигини қизинг биледи! Демак, сен у ерда бўлгансан ва уларни ўз кўзинг билан кўргансан?! Самовий кемадан тушаётганингда туфлиниги йўқотиб қўйганинг ростми?

— Лекин у самовий кема эмас! — эътироз билдирди Рита. — Торт!

Бирдан онаси телба тўннини тескари кийди-ю, қизини боши аралаш шапалоқ тортиб юборди:

— Мана сенга торт! Торт қанақа бўлишини сенга кўрсатиб қўймам ҳали!

Синьора Чечилиянинг ўйлаб кўришдан аввал амалий ишга ўтадиган одати бор эди. Рита яна йиғлашга тушди. Бироқ бу гал унга ишонилмаётганидан алам қилиб йиғлаётган эди.

— У — торт дедимми, торт! — деди ўжарлик билан у йиги орасида. — Мен ҳозироқ буни исботлаб бераман!

Шундай дея у югурганча балконга чиқиб кетди, у билан изма-из ота-онаси ҳам оёқларини қўлларига олишди. Рита гул тувакларини бир четга суриб туриб:

— Мана! — деди қўли билан кўрсатиб.

Ортиб қолган шоколадни шундай усул билан яширишни Паоло ўйлаб топганди. У шоколадни газетага ўраб, қалин ип билан боғлаб, балкондан осилтириб олиб қўйганди. Синьор Чечилия, худди бомбанинг шнуридан тортаётгандек, ғоят эҳтиёткорлик билан илдаги ўрамини тортиб олди-да, шоша-пиша очиб кўрди.

— Шоколад! — қизчанинг гапини тасдиқлади синьора Чечилия, ўзини ҳид ажрата олиш қобилиятига ишонган ҳолда. — Қаердан олдинг уни? — зуғум билан сўради у.

— Ким берди сенга? — қистоққа олди синьор Мелетти.

— Менга уни ҳеч ким бергани йўқ. У осмондан тушди! Торт Моятэ Куккога тушаётганида бир бўлаги келиб балконга тушди. Опасининг биронта ҳам сўзига ишонмаётгани Ританинг эҳсосига тушган иккинчи шопалоқдай таъсир қилди.

— Кўриб турибсан-ку!— деди синьор Мелетти.— Қизинг улар томонда, у марсликларни ҳимоя қилаяпти. Бизнинг душманларимизни ҳимоя қилиш мақсадида қаёқдаги бўлмагур нарсаларни ўйлаб топаяпти? Унинг айғоқчи эканига энди ишонгандирсан?

— Айғоқчимни, йўқми — бунни билмайман,— деди синьора Чечилия,— аммо алоқачилиги шундоқ кўриниб турибди, лекин бундай воқеани унинг бир ўзи ўйлаб топа олишига кўзим етмайди. Дарвоқе, Паоло қани? Қани у?

— Қочиб қолти-да!— деди синьор Мелетти.— Мендан қутулиб бўпти! Сен эса ҳозир мен билан штабга юрасан.

— Эсингни сб қўйдингми? Қизимга штабда пишириб қўйибдими!

— Тушунсанг-чи, Чечилия, Ватан хавф остида! Ё парвардигор, нима деяпман ўзи! Бутун инсоният хавф остида! Биз шундай маълумотларга эгамизки, уларни яширишга асло ҳожат йўқ!

— Қандай қилиб Ватан хавф остида бўлиши мумкин? Қандайдир тортин деб-а?!— хитоб қилди Рита.

Опаси унинг эҳсосига учинчи зарбани ҳавола қилиб туриб, кескин тусда деди:

— Жим тур, бўлмасам яна ейсан!— кейин эрига мурожаат қилиб деди:— Сен штабга бориб, бўлган воқеани миридан-сирегача сўзлаб берасан. Менимча, болалар бизни лақиллатишаётибди, мен бунни жуда яхши фаҳмлаб турибман. Борди-ю, қўмондонлик Ританинг ўзи билан гаплашмоқчи бўлса, унинг ўзи бу ерга кела қолсин. Лекин Ритани эинҳор у ерга юбормайман!

Синьор Мелетти синьора Чечилиянинг бир сўзличилигини жуда яхши билса ҳам у билан тортишишга уриниб кўрди. Лекин бундан бирон натижа чиқишига кўзи етмагач, туфли билан шоколад ўрамнини штабга олиб беришга тўғри келди.

Диомед (яъни бутун ҳарбий қўмондон, штатликлар ва фан арбоблари) унинг ҳикоясини ишонқирамайгина тинглашди.

— Болалардаги хаё жўшқинлиги бу!— деб минғирлаб қўйди генерал.

— Улар учига чиққан хаёлпарастлар!— қувватлади уни полковник.

— Афсуски, бу ҳақиқатан ҳам шоколад бўлаги экан!— деб қайд этди Маккор Одиссея ўрамни кўрсатиб.

Диомед унинг қизини айғоқчига чиқармаганига ич-ичидан хурсанд бўлмоқда эди. Бироқ бир чеккаси оққўнгил Ритани ёлғончига чиқариб қўйганидан пушаймон ҳам эди.

— Фан бунга нима дейди?— деб сўради генерал.

Профессор Росси билан профессор Теренцио шоколадга яқинлашиб, уни ашъвий далил сифатида бир-бир ҳидлаб кўришди.

— Бизнинг довурак полицияимизнинг фарзандлари бу шоколадни яқин ўртадаги қандолат магазинида қўлга киритганлар де-

ган тахминимизни ҳеч ким ишқор эта олмайди,— яқун ясади профессор Теренцио.

— Бу — мустасно! — унга қарши чиқди синьор Мелетти.— Бу ёққа кела туриб барча қандолат магазинларини айланиб чиқдим. Биринчидан, ҳеч ким Трулода шоколадни бундай катта бўлақларга бўлиб сотмайди, иккинчидан, менинг болаларим қандолат магазинида охириги маротаба ўтган ҳафтада бўлишган. Улар ўшаёнда якки дона чайнайдиган сақич сотиб олишганди, холос. Қолаериса, бу Труло шоколади эмас.

— Шунақамни? Демак, у осмондан чалпак ёққандай ёққан экан-да? — пичинг қилди профессор Теренцио.

— Унда ҳурматли касбдош, ўзингиз бир татиб кўрсангиз қалай бўларкин? — таклиф қилди профессор Росси.

— Йўқ,— деб эътироз билдирди профессор Теренцио,— келинг, яхшиси кимёвий тажриба ўтказайлик. Борди-ю, шоколад ерда тайёрланмаган бўлса, унда, албатта, бирорта бизга нотаниш аносир чиқиши муқаррар.

— Менимча, уни тотиб кўришга юрагингиз дов бермаяпти, шеклилли? — деди профессор Росси.

Профессор Теренционинг ранги қув оқариб кетди ва мушти билан столга нуқиб деди.

— Мен ҳеч нарсадан қўрқмайман! Фақат фан ютуқлари учун қайғураман, холос!

— Аммо фан тарихида даҳшатли юқумли касалликлар вирусини ўзинга қабул қилган мард врачлар ҳам бўлган! — деб жавоб берди профессор Росси.

— Сиз менга таъна қилаяпсиз! — гулдирди профессор Теренцио.

— Жуда тўғри! — деб жавоб берди ўз навбатида ранги ўчган профессор Росси.— Биз ҳозир машъум шоколаддан бир бўлақ-бир бўлақ сипдириб олиб, еб кўрамыз. Ана шуида у ерикими ёки самодан тушганими, маълум бўлади.

Ўтирганларнинг кўнгли бир оз жойига гушгандай бўлди.

— Синьорлар,— дея уларни тинчнтишга уринди генерал,— бу иш бир оз қалтис кўринмаяптими сизларга? Сиздек машҳур олимлар жонларини хавф остига қўйиб, ўзларини қурбон қилишларига мен йўл қўя олмайман...

— Аммо менга таъна тоши отилди! — мағрур оҳангда деди профессор Теренцио.

— Менинг қизим,— ҳовлиққанича гапга аралашди синьор Мелетти,— мана шу шоколаддан ярим килосини паққос урганини ва у аъло сифатли ҳазми таом эканини айтди.

— Бўлди, кўп алжираманг! — жеркиб берди уни профессор Росси.— Аллақачон амалий ишга ўтиш вақти етди. Қани, тажрибани бошладик!

Бу даъватдан сўнг ўртага ҳаяжонли сукунат чўқди. Ўтирганлар нафасларини ичга ютиб, ранглари мурдадек оппоқ оқариб, бири-бирига қараганча кичик-кичик икки бўлақ сирли нарсани ейишга ҳозирлик кўраётган иккала олимдан пингоҳларини узмай қариб турар эдилар.

— Генерал,— деди профессор Росси чертиб-чертиб сўзларкан,— ҳозир юз бераётган барча ишни диққат билан кузатиб боринг. Балким бу тажрибамиз бутун инсониятнинг ҳалокатдан қутқариб қолганига дахлдордир. Менинг фикри ожизимча, бизнинг сайёрамиз самовий босқинчиларнинг мавжудлиги атом бомбасининг портлашидан ҳам хавфлироқдир. Буларни жуда чуқур тушунган, ўз ақл-ҳушимизнинг мутлақо бутлигини тугал англаган ҳолда...

Хулласи калом, профессор Росси ёмон нутқ сўзламади. Унинг нутқи шуичалик чўзилиб кетдики, ўтирганлар зеркиб, бир-бирларига:

— У шоколадни қачон ютиб қўя қоларкан?— деб пичир-пичир қилишга тушдилар.

Ундан кейин профессор Теренцио сўз олди. У бепоён қуёш системаси ва кoinот сирлари ҳақида сўзлади. Данте, Галилей, Коперник ва Нютонни эслаб ўтди, гап орасида горда яшаган одамлар билан профессор Эйнштейн ўртасидаги фарқни, умуман, ноёб ёдгорликлар ҳақида тўлиб-тошиб гапирди. Унинг ҳар бир оғиз сўзини абадийлаштириш мақсадида, магнит лентасига қунт билан ёзиб олинди.

Яна ҳамма пичир-пичир қилиб, бир-биридан сўрай бошлади.

— Улар шоколадни ейишадими ё эсларидан чиқиб кетдимиз?

Эҳтимол олимлар гали билан генерал ҳам шундай нутқ сўзласа керак деб ўйлашгандир, лекин генералнинг ўжарлиги тутиб, ақалли гақ этиб қўймади ҳам.

Шундан кейин олимлар худди дуэлда рўбарў туриб, ҳал қилувчи зарба олдидан бир-бирларига тикилган қиличбозлардек, қаҳрамонона бир қиёфада шафтоли данагидек шоколад бўлагини қўлларига олишди ва бағоят эҳтиёткорлик билан секингина тилларни устига қўйишди.

Кейин аста оғизларини юмиб олишди.

Сўнг чайнаб кўришди.

Ва... ютиб юборишди.

Шундан кейин иккаласи ҳам хиёбондаги ҳайкаллар сингари ҳотиб қолдилар. Бир оздан сўнг профессор Россининг чеҳраси ўзгарди. Худди ойнадан акс этаётгандек, шу заҳоти профессор Теренционинг ҳам юзида ўша аломат зоҳир бўлди.

— Ниҳа, шоколад ёмон эканми?— деб сўради синьор Мелетти, тапанали дақиқани бутунлай сезмаган ҳолатда.

Ҳамма ғазабланиб унга ёпиша кетди.

— Тентак!— дсб тўнғиллади генерал. Кейин олимларга қараб деди:— Ҳўш, синьорлар? Биз кутяпмиз.

— Менга келганда,— деб гап бошлади профессор Росси,— бир оз нафасим сиқилаяпти.

— Мен бўлсам бутунлай бўғилиб кетаяпман,— деб пичирлади профессор Теренцио.

— Бўлиши мумкин... балким, бу шоколаддандир... — дея гап бошлади профессор Росси.

— Заҳарланган!— дея унинг фикрига якуни ясади профессор Теренцио.

— Тезроқ!— деб буйруқ берди генерал.— Тез ёрдамни чақиринглар! Тезда уларни яқин ўртадаги касалхонага олиб бориш зарур!

— Вой-дод!— дея бақирди синьор Мелетти.— Рита! Менинг Ритагинам! Паоло! Уларни ҳам шифохонага олиб бориш керак! Тезроқ, худо ҳаққи, тезроқ!

Профессор Росси билан профессор Теренцио, худди қаттиқ оғриқ хуружига олгандек гужанак бўлиб букчайишар, ёқаларининг тугмаларини тортиб узишар, қалтироқ босган қўллари билан бир генералга, бир полковникка, ҳатто синьор Мелеттига ҳам чанг солишга уринишарди.

— Мана,— деди кимдир,— замбаракларни ишга солишдан қўрққанамиз оқибати нималарга олиб келмади!

Саросима шунчалик даҳшатли тус олган эдики, бу тарихий жумланинг муаллифи ким эканлигини аниқ билиб бўлмади.

## ПРОФЕССОР ДЗЕТА

«Тез ёрдам» машинаси сиренали сигналинини чалганча ўзинини яхши ҳис қиляяпман деб ишонтирмоқчи бўлганига қарамай мунгли инграётган икки олим билан Ритани касалхонага олиб кетмоқда эди. Паоло бўлса кўнгилсизликдан қочиб юриб майдонга бориб қолди. Дунёда бекорчиликдан ёмон нарса йўқлигини у энди билди. Вақтини ўтказиш ниятида у калтакесак овлашга киришди. Олдинлари дарсдан қочиб юрган кезларида бу иш унга ҳаддан ташқари завқли туюларди, энди бўлса бунинг акси бўлиб чиқди. У уйда нонушта қила олмаганиди, тўғриси айтганда, кечаси меҳмондорчиликдан кейин иштаҳаси ҳам йўқ эди, шунинг учун хоҳлаганича сайр қилиб юришни афзал кўрмоқда эди.

Паоло узоқдан «Тез ёрдам» машинасининг сигналинини эшитди-ю, кеч бўлиб қолибди-да, деган хаёл билан бенхтиёр Труллога қараб йўл олди. Кечаги торт ичида рўй берган ҳодиса унинг фикри ёдини бутунлай банд этганди.

«Биз бекорга қочиб юрибмиз!— деб ўйлади у.— Бу сирли Жепетто дегани (ким биледи, балки унинг номи бошқача бўлиши ҳам мумкин) мутлақо қўрқинчли одам эмасди. Унинг марсликларга сира ҳам ўхшашлик жойи йўқ-ку. Қасам ичиб айтишим мумкинки, у бизга кулиб боққанди!»

Паоло Трулло кўчаларида санғиб юраркан, тагин мени қидиришаётган бўлишса-я, деган фикрдан юраги шув этиб кетди. Шу аснода уни бир мактабдоши чақириб қолди:

— Паоло, нимага анчадан бери кўринмайсан? Ёки бетобмидинг?

— Ҳа,— деди Паоло шошиб қолиб,— лекин ҳозир отдайман.— Кейин ўзича: «Демак, ҳеч ким ҳеч нарса билмайди! Энг муҳими — отамнинг кўзига кўринмасам бўлгани!» деб хаёлидан кечирди.

У тез орада ўт ўчирувчилар командаси ўрнашган жойда, худди ўша, кеча икки маротаба «чегарадан» ўтган ерга бориб қолди.

«Икки маротаба ўтган жойдан учинчиси ҳам ўтади! — деди катъий равишда бола. — Лекин бу галгиси анча қийин бўлади».

Тепалик чўққисидоғи тортда ҳаёт асарини кўринмас, ўша-ўша жойда тинчгина турар эди. Қайсидир ўт ўчирувчи Паолонинг саволига жавобан самовий кемага қарши ҳужумга ўтиш ҳақида буйруқ берилишига бир бая қолган эди, деб айтди.

— Ўз-ўзидан маълумки, олдин тревога сигнали янграйди, ҳарбий бўлмаган аҳоли яшириниши керак, — деб қўшимча ҳам қилди.

— Гапнинг қисқаси, марсликларга душ тайёрлаб қўймоқчисиизларми? — деб сўради Паоло маъюс.

— Агар бу ердан тезда туёғингни шикиллатиб қолмасанг, ўша душни кўзингга кўрсатиб қўяман! — дўқ урди ўт ўчирувчи.

Бироқ шу дам қаердандир Мелеттилар оиласига қарашли кўлпак эркаланиб вовуллаганича етиб келди.

— Зорро! — суюниб кетди Паоло, итнинг эркалаб. — Қаёқларга йўқолиб кетдинг, дайди?

Зорро миннатдорона думини ликиллатди.

— Орқага қайтишни хоҳлайсанми, а? — дея пичирлади Паоло, унинг қўлини остини қашлаб. — Сабр қил, ҳозир бир йўлни ўйлаб толамиз.

У ерда ётган тошни кўриб миясига ажойиб фикр келди, назарида тошни бу ерга кимдир атайлаб ташлаб қўйгандек туюлди: Паоло тошни қўлига олди-да, ўт ўчирувчининг кўзини шамғалат қилиб, бор кучи билан осмонга отди. Зорро ҳар доимгидек у, мен билан ўйнаяпти, деган ҳаёлда тошни олиб келгани югуриб кетди. Лекин Паоло бунга йўл қўймаслиги лозим эди. Ит тўсиқдан сакраб ўтиши билан Паоло унинг изидан чопди ва овозининг борича:

— Ердан беринглар! Ердан беринглар! Менинг итим! Марсликларга уни бермайман! Арго! Арго! — дея бақира кетди.

— Қайт! Дарҳол орқангга қайт! — ўт ўчирувчилар Паолога бақира бошлашди.

— Қайт деяпмиз, тентак! Итнинг деб ҳаётингни хатарга қўйишини яхшими? Ҳой одамлар, қаранглар, бу бола ақлдан озибди! Паоло, тез орқангга қайт!

Аммо Паоло мисоли кар бўлиб қолганди. Зорро оғзида тош билан бир жойда турганча боланинг етиб келишини кутарди. Паоло етиб келгандан кейин эса қаттиқ-қаттиқ ҳуриб, тепалик устига қараб чопа кетди, ўзинча бу ўйинда зарурий хизматни аъло даражада адо этипман, деб ҳаёл қиларди.

— Ҳой бола, орқангга қайт! У ер хавфли! — деб ҳамон бақиршарди ўт ўчирувчилар. Уларнинг бақирқиқларини эшитиб, одамлар тўплана бошлади.

— У синьор Мелеттининг ўғли-ку! — деди кимдир болани таниб. — Қаранглар, ҳов баландликда биров борга ўхшайди.

— Марслик! Марслик!

— Марсликлар Паолони тутиб олишди! Уни ўзлари билан бир-ва кемага олиб кетаётирлар!

Паоло югуриб тортга етиб борганида у Рита билан бирга қазиган туннель оғзида синьор Жепеттоннинг ялтироқ кўзойнагини кў-



риб қолди. Қўрққанидан юраги қинидан чиқиб кетаёзди. «Йўқ, мен барибир унинг кимлигини билишим керак! Бекорга бу ерга чопиб келганим йўқ, қандай бўлмасин, аниқлайман!»— ўзига-ўзи қатъий сўз берди бола.

Бироқ сирли кимса Паолодан олдин ҳаракатга тушиб, чора кўришга улгурди. Қария почасига ёпишиб олган итдан қутулишга ҳаракат қилар экан, боланинг камзулидан ушлаб олди-да, уни шитоб билан туннел ичига олиб кириб кетди.

— Квик, кверекек переброк!— деб бақирди нотаниш кимса ўзининг ғалати тилида.

— Ёнимга кел, Зорро! Ўтир!— буйруқ берди итга Паоло. Юрагида бу одамга нисбатан қандайдир ишонч уйғонди.

— Ўтир, ўтир...— миғирлаб такрорлади сиёвор Жепетто.— Ахир бу сўз итальянча-ку! Ҳали биз Италиядамызми? Итти тинчлантир, болакай, қўрқмай гапиравер.

— Жойингда ўтир, Зорро! Тек тур деяпман сенга! Ҳа, шундай, сиёвор, биз Италиядамыз, Римдамыз.

— Римда!— хитоб қилди сиёвор Жепетто.— Тушда йўқ гаплар! Ҳа, худонинг марҳамати кенг-да.

— Нима, сиз йўлдан адашиб қолдингизми?— деб сўради Паоло.

— «Йўлдан адашдингизми» деяпсанми?

— Мен торти, балки бошқа бирор шаҳарга қўниши лозим эдим, деб сўрамоқчи бўлган эдим?

— Кўриб турибман, сен мени қандолатчи деб тушунаясан. Йўқ, болажон, мен қандолатчи эмасман, мен чиндан ҳам буюк ча-тоқчман.

— Сиз итальян тилида жуда яхши сўзлаяпсиз.

— Мен яна ўнга бошқа тилда ўз она тилимдек яхши гапира оламан.

— Марсликлар тилидаямми?— сўради Паоло таваккал қилиб.

— Қанақа марсликлар тилида?— ҳайрон бўлди Жепетто.

— Э-э! Бу ерга шунча ҳарбийларни, замбаракларни, ракета-ларни нега тўплашгани менга энди аён бўлди. Ҳа, ҳа! Ўзгача бўлиш ҳам мумкин эмасди! Табiiй, марсликлар! Тревога эълон қилинган... Бу самовий кема деб фараз қилинган... Бошқа сайёрадан келиб тушган дейишган... Вой худойим-ей, бу менинг мамотим-ку! Тамом бўлдим!

Азбаройи умидсизликка тушганидан Паолони ҳам эсидан чиқариб юборди. Зорро ҳалидан бери зўр бериб ялаб ётган катта шакарли олча ёнига бориб, жойлашиб ўтириб олди.

— Мени исми Паоло,— деди бола,— синглимнинг исми — Рита.— Иккаламиз кеча кечқурун шу ерда эдик. Ҳозир унинг қардалигини билмайман ҳам.

— Паоло,— деди сиёвор Жепетто,— илтимос, мени кечир, мен сенга ўзимни таништирмабман, аммо бундай қила олмайман, чунки менинг исми — давлат сирин ҳисобланади.

— Қайси давлатнинг сирин?

— Бу ҳам сир. Мендан энди бошқа ҳеч нарсани сўрама, барибир сенга жавобини айта олмайман. Биласанми, мен ҳатто ўзим-

нинг ҳақиқий исминини ёдимдан чиқариб юборганга ўхшайман. Ҳа, исмин ана шунақа махфий. Агар малол келмаса менга оддийгина қилиб профессор Дзета<sup>1</sup> деб чақира қол.

— Унда мен сизни профессор Жепетто деб чақирганим маъқул.

— Ким бўлди у Жепетто деганинг?

— Нима? Сиз Пиноккио ҳақидаги эртаки билмайсизми?

Профессор Дзета бундай эртақ ҳақида ҳеч қачон эшитмаганини бўйинига олиши шарт бўлиб қолди. Паоло бўлса, вақтни қўлдан бўй бермай, унга ёғочдан ясалган Пиноккио исми бола саргузаштларини сўзлай кетди. Бироқ профессор уни узоқ тинглаб ўтирмади.

— Сенингча, мана булар нима? Сен нима деб ўйлайсан?— деб сўради у Паолодан, уларни ўраб турган деворга ишора қилиб.

— Қойилмақом торт, профессор!— жавоб берди бола.— Барча кўрганларим ичида энг катта ва энг ажойиб торт! Учувчи торт, бир вақтлар ҳаво океанида сузиб юрган учувчи мавжудотлар ичида энг каттаси шу бўлади.

— Торт! Бунинг нималигига ақлим етганда нақ ўзини-ўзини жинни бўлиб қолибман деб ўйлабман. Мен шоколад, крем ва писта маъзига галлюцинация бошланибди деган қарорга келдим... Афсуски, ҳақиқатдан ҳам бу торт экан! Бундан ҳеч қачон қочиб қутула олмайсан! Ҳа, ҳа, торт — энг оддий, аҳмоқона, зигир ёғдай кўнгилга урувчи торт!

— Аҳмоқона дейсизми? Оддий дейсизми? Афсуски дейсизми? Нима ҳақда гапирётганингизни биласизми ўзи, профессор?

— Сенинг бунга ақлинг етмайди.

— Кечириб қўясиз, профессор! Ҳамма нарса ўз йўлига-ю, аммо-лекин шоколадни мендан яхши биладигани йўқ! Менга ишонинг — у олий навля торт!

— Тўғриликка, тўғри-я. Бунинг устига у ҳатто радиоактивлашмаганидан.

— Сиз буни қачон биласиз?

— Менда счетчик бор. Ҳув анов ерда, менинг қароргоҳимда. Гейгар счетчиги дейилади. Бунинг нима эканлигини биласанми?

— Радиоактивликни ўлчайдиган асбобдир-да.

— Жуда тўғри. Мана бу улкан ва аҳмоқона тортида заррача ҳам радиоактив модда йўқ. Мен уни бошдан-оёқ қазидим, тепасидан тортиб, энг чуқур жойигача йингира даражали айлана бўйлаб текшириб чиқдим... Ҳеч қаерда ҳеч қандай радиоактивлик йўқ! Мутлақо, мутлақо! Мана шуниси менга тинчлик берапти.

— Тўхтаг, бунинг нимаси ёмон ўзи? Борди-ю, у радиоактивлашган бўлганида уни еб бўлмасди-ку!

— Вой-бў, мен сенга айтдим-ку, бунга ақлинг етмайди, деб.

— Шундай бўлса ҳам гап нимадалигини бундоқ тушунтириб беролмайсизми?

— Майли, имконим борича сенга тушунтирганим бўлсин, ле-

<sup>1</sup> Дзета (z) — итальян алфавитининг сўнгги ҳарфи.

кин, баъзи жойларини, ўзингдан қолар гап йўқ, сенга айта олмайман — бу ҳарбий сир. Даставвал, мен — атомчи олимман.

— Бизникимисиз, Ердан бўласизми?

— Ҳа, бу ўз-ўзидан маълум. Айтмасам ҳам ўзинг кўриб-билиб турибсан-ку.

## ДУНЕДАГИ ЭНГ АЖОИБ ХАТО

— Тахминан бундан ярим йил олдин,— дея давом этди ўз ҳикоясини профессор Дзета,— мен ҳукуматнинг муҳим топширигини олган эдим. Менга атом бомбасининг портлашидан сўнг осмонга, кўзиқорин шаклида кўтарилган булут тўдасининг баъзи ўзига хос таркибини ўрганиш топширилганди. Атом бомбаси портлашидан кейин пайдо бўладиган булут аслида нима эканини биласанми?

— Бўлмаса-чи! Буни ҳатто тошлар ҳам билади! Атом бомбаси портлашидан сўнг пайдо бўладиган нарса — бу жуда баҳайбат заҳарли булут. Шундай эмасми?

— Тахминан шундай. Бу булут тузлишига кўра катта кўзиқоринга ўхшайди. Маълум бўлишича, у шамол ихтиёрида бўлиб, шамол қайси томонга эсса, «кўзиқорин» ҳам ўша тарафга қариб ҳаракат қилади.

— Шунда у ҳавони, ёмғирли булутларни ва йўлида учраган жамики нарсаларни битта қўймай заҳарлаб ўтади. Ҳаводан туриб турли хил касалликлар уругини тарқатишнинг энг қулай усули!

— Шундай қилиб, давомини эшит. Атом булутининг кўп қисми атмосферага тарқалиб, унинг қирғин келтирувчи кучи анча қирқилади.

— Емон эмас-ку!

— Нима десам экан! Сенинг ақд юритишинг иқтисодга асло яқин йўламайди, болагинам. Шундай қимматбаҳо моддани йўқотиш нимага керак экан?..

— Сиз заҳарли моддани айтаяпсизми?

— Заҳарли — бу ҳам тўғри. Менинг ҳукуматим бошқа нарсдан ташвишланмоқда. Агарда биз атом булутини бошқара олма йўлини топсак, уни атмосфера бўйлаб ҳоҳдаган томонимизга қараб ҳайдаган бўлардик. Ўшанда атом булут кичик Ой каби бутун Ер куррасини айланиб учиб юрган, биз бўлсак уни қаерда хоҳласак, ўша жойда тўхтатиш имкониятига эга бўлган бўлардик, кейин аниқ бир мўлжалга йўналтирардик. Ўйлагин-а, шунда бир да на атом бомбаси жамики атом аслаҳахонаси ўрнини босарди!

— Чакки эмас! Ахир, бу радиацияни уйга элтиб бериш эмасми? Ўйлаб топган нарсаларини қаранглар... Сиз англаяпсизми ўзи, профессор...

— Буни тежамкорлик учун қилинганпти,— дея сўзида давом этди профессор бутунлай жиддий, Паолонинг сўзларидаги кинояни сезмай.

— Айтнинг-чи, профессор, шу атом бомбаси деганнинг ҳеч қа нақа хилни ясамай қўйишса, кўп улуғ иш бўлмасмиди?

— Бунга сенинг ақлиң етмайди. Буни сиёсат дейдилар. Мен сиёсатга қизиқмайман. Мен фақат олимман. Тўғрироғи — афсуслар бўлсинким — олим эдим...

— Ҳўш, охири нима билан тугади? Сиз муҳим ҳукумат топшириғини олгандиңиз...

— Э, ҳа, мен ўша заҳотиёқ бошқарилувчи атом булутини яшага киришиб кетдим. Сенга қанчалар тажрибалар ўтказганимни, бунинг учун қанча пешона тери тўкганимни, асабимни ишдан чиқарганимни сўзлаб ўтирмайман...

— ...ва қанча пул! — деб қўшиб қўйди Паоло.

— Бу шубҳасиз... Қисқаси, мен бир ой илгари калаванинг учини топгандай бўлдим. Мен ўзим чизган чизмаларини заводга топширдим, энг муҳим тажриба учун ясаладиган бомбанинг ишлаб чиқарилишини кузата бошладим. Мен сенга айтсам, бомба кўнгилдагидек бўлиб чиқди!

— Ростданми?

— Ҳа-да, шундай ажойибки! Дунёда энг гўзал атом бомбаси: биринчи даражали материал, пардоз-андози ҳам жуда қойилмақом, мустаҳкам аппаратура... Унинг устида олиб борилган ишлар ниҳоятга етиши муносабати билан ўтказилган байрам кунини ҳам эдимда... Тантанали маросим! Байроқлар... Шампан кўпиклари! Ширинликлар тўлиб-тошиб кетган!.. Бошдан-оёқ ҳаяжонга тўла байрам! Министр мени табриклаб, дам-бадам қўлимни сиқарди. Ҳаяжонланганидан ҳатто бомбанинг устига бир бўлак пирожний тушириб юборганиям эсимда. Биласанми, нуқул крем ва шоколаддан ишланган пирожний эди. Ушанда одамлар бир оз кулишиб, ҳазил-мутойиба қилиб олишувди. Четдан қараганда айтарлик ҳеч нарса юз бермагандай эди. Пирожний бомбани ишдан чиқариб бўлмади-ку! Ҳар қалай мен шундай деб ўйлагандим. Энди бўлса, минг афсус, мен бошқача фикрдаман. Ва ниҳоят, энг муҳим тажриба ўтказиладиган кун етиб келди... Бомбани самолётдан денгизга, қирғоқдан ўн километр нарига ташлаш мўлжалланганди. Унинг ўша жойда портлаши шарт эди. Шахсан мен ўзим самолётдан туриб атом булутини ортидан кузатишим ва уни ярим соат мобайнида бошқаришим керак эди, кейин океаннинг белгиланган нуқтасига йўналтиришимга қарор қилганимди.

— Қайси океан?

— Йўқ, болам, бунинг сенга айта олмайман. Махфий океанда!

— Жуғрофий харитада сирли океан йўқ-ку?

— Сен, яхшиси, кейин нима бўлганини эшит! Атом бомбаси портлашидан илгари ҳамма иш кўнгилдагидек борарди. Мен пилотга керакли баландликка кўтарилишини, атом булутига етиб олишини буюрдим, биз мўлжалланган баландликка кўтарилганимизда тажрибанинг энг муҳим қисмига киришмоқчи бўлдим. Аммо шу чоқ бутунлай кутилмаган ҳодиса юз берди, — атом булутини бирдан қуюқлашиб, негадир қўзиқорин шаклини эмас, цилиндр шаклига кириб, секин-аста ўз ўқи атрофида айлана бошлади. Бу ғоят ажабланарли ҳол эди. Лекин бундай ҳам таажжублисиз бошқа ёқда эди — ғайри оддий атом булутининг телебошқариш системаси.

га мутлақо бўйсунмасди. Уни дуч келган нуқтага йўналтириш учун юзлаб усулни қўлаб кўрдим. Масофа ва баландликни ўзгартирдим. Лекин барча уринишларим беҳуда кетаверди — атом булутни буйруққа итоат этмасди, вассалом! Пилот асабийлашиб, жаҳли чиқа бошлади, — ёпилги тугай бошлаганди, базага қайтиш зарурати тугилганди, бўлмаса ерга қўлаб тушишимиз ҳеч гап эмасди-да. Мен ундисизликдан ўзимни йўқотиб қўйганим учун бундай майда нарсалар ҳақида ўйлабмасликка қарор қилдим. Агар билишни истасанг, бу нарса мени ҳеч ҳаяжонга солмасди — мен пима қилиб бўлса ҳам атом портлашидан пайдо бўлган булутни буйруғимга итоат эттиришим зарур эди.

— Аликроғи — қўзиқоринсимон булутни эмас, цилиндр шаклдагисини демоқчисиз?

— Гапнинг юз фоъиз тўғри, цилиндр шаклдаги булутни! Охири ёқилги тугади ҳам, биз парашютта сакрашга мажбур бўлдик. Пилот, шубҳасиз, мендан кўра анча тажрибали эди — у парашютини усталлик билан бошқариб, денгизга тушди, матрослар уни сувдан тортиб олдилар. Мен бўлсам ана шу цилиндр булутнинг ўзига бориб тушибман. Агарда атайлаб мўлжаллаб сакраганимда ҳам унга шу қадар аниқлик билан бориб тушмаган бўлардим. Цилиндрнинг қоқ ўртасига бориб тушганимни мен кейин билдим.

— Шоколадга урилиб, гурраklar ордиргандирсиз?— деб кулди Паоло.

— Ҳеч қандай гуррак-пуррак ордирганим йўқ! Қайтанга бунинг акси бўлди, тўппа-тўғри кувланган қаймоққа тушибман-да, ундан роса ҳўплабман! Барча меҳнатим чиппакка чиққанини кўриб не аҳволга тушганимни ўзинг тасаввур қилавер, қанча меҳнат, қанча тадқиқот, қанча тажриба натижаси бирданга... Мана сенга — торт! Ҳа, ҳа, бор-йўғи торт! Майли-да, ҳар қанча баҳайбат, ҳар қанча катта бўлмасин, торт, барибир, торт-да. Арзимаган тасодиф орқасидан шундай бўлиб ўтирибди.

— Ҳўп, майли, бўлар иш бўлибди, кейин-чи?

— Кейинми, тортни тешиб, океанга ўзимни ташлаб, чўкиб ўлмоқчи эдим — мана, пима қилмоқчи бўлувдим!

— Қандай тентеклик! Мени кечиринг албатта. Аммо сизнинг ўзингизда меч бўлганда ўзимни дунёдаги энг бахтли инсон деб ўйлардим! Ёки сиз ширинликни ёқтирмайсизми?

— Ёқтирганга қандоқ! Жонимдан ҳам яхши кўраман! Болаларни ҳам ширинликка ўлгундай ўч.

— Ҳали болаларингиз ҳам борми?

— Иккита. Бир-биридан ширин, бири-биридан ёқимтой!

— Сиз бўлсангиз бомбалар ясаб юрибсиз!

— Сендан илтимос қиламан, бу мавзуга қайтмайлик. Энди ҳамма мени фақат тортлар бўйича мутахассис деб билади. Бу ярамас ўзгаришга қисман министрнинг бомбага тушириб юборган пирожнийсининг ҳам ҳиссаси кўшилганини энди тушуяпман, албатта. Лекин бомбани лойиҳалаштираётганимда, янглишмасам, ҳатто энг лаззатли пирожнийларнинг миллионтаси ҳам бундай аҳмоқона шоколад реакцияси юзига келишига сабаб бўла олмасди!

— Сиз қилган ишингиз билан фахрланишингиз керак; сиз инсониятга чиндан ҳам хайрли иш қилдингиз!

— Устимдан дулма!

— Унда ўзингиз ўйлаганингиздек, тортни тешиб ўзингизни оқсонга ташламаганингизни қандай тушунса бўлади?

— Буни ўзим ҳам билмайман... Шамол тортни қаёққадир суриб олиб кетди. Шунингдек, мени ҳам торт билан бирга олиб кетгани аниқ. Ўзингдан қолар гап йўқ, оби-овқатим керагидан зиёд эди. Шу ҳам мени жуда ранжитди. Аммо бахтимга ёнимдан қоғоз чиқиб қолди, мен хатоимни топиш учун ҳисобларни қайта текширишга киришдим. Кеча уни деярлик топгандай бўлгандим, аммо ўша топда сен Рита билан бирга пайдо бўлиб қолдинг. Вазиятни аниқлаш ниятида сизлар қазиган туннелларингизни кўздан кечириб чиқдим. Торт келиб қўнганини мен қаёқдан билай, бунинг устига у Римга тушиши етти ухлаб, тушимга кирмаганди.

— Барча йўллар Римга олиб боради!— дея ҳазиллашди Паоло қадимий мақолани эслаб.— Хўш, сиз энди нима қилмоқчисиз?

Профессор Дзета ўрнидан турди-да, бир ликёр қўлмагини, бир ялпиз настойкаларини босганча галереяда у ёқдан-буёққа бориб келарди.

— Менинг бурчим — менга иснод келтирувчи бу далилни йўқ қилиш, ундан асар ҳам қолдирмасликдир.

— Худонинг шундоқ марҳаматини йўқ қилиш! Аммо, профессор, жинни бўлиб қолибсиз! Бу ерда камида бир йиллик ширинлик бор-ку!

— Бундай бўлиши мумкин эмас! Мен тортни йўқ қиламан, аниқроғи, мен шундай йўл тутаманки, ундан ном-нишон қолдиришмайди!

— Ким?

— Уни қуршаб олган ҳарбийлар. Аввало мен уларнинг самовий кема деган тахминларини исботлайман. Кейин, марсликлар ҳужумга ўтишга ҳозирлик кўришяпти деган фикр туғдираман-да, торт томон ажойиб ҳужум уюштираман. Қолганини ўт очувчиларга қўйиб берамиз, у ёгини ўзлари эплашади.

— Бунга йўл қўйиб бўлмайди! Дарвоқе, сиз бир нарсани — ўзингиз ҳам ҳалок бўлишингизни ҳисобга олмаяпсиз!

— Ҳалок бўламан, аммо шундай бўлиши шарт. Олим ўзини қурбон қилиш янги гап эмас...

— Лекин маза қилиб торт ейиш ўрнига олимлар унинг ичида ҳалок бўлишлари ҳам кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳол-ку. Мен тортни йўқ қилиб ташлашингизга йўл қўймайман! Боз устига, мен бу ерда қандай даҳо инсон яшириниб ётганини барчага маълум қиламан, шунда атом бомбаларини шоколад тортга айлантиришга қодир янги Леонардо да Винчи дунёга келади! Инсоният тарихида энг машҳур инсон сиз бўласиз-ку! Ўйлаб кўринг, профессор, сиздан миннатдор инсоният дунёнинг барча бурчакларига ҳайкалингизни тиклайди!

— Менга қолса, қабрим устига қўйиладиган ёдгорликнинг ўзи ҳам етиб ортади.

— Сиз бутунлай эсннгизни йўқотиб қўйибсиз, профессор! Сиз ҳаётнинг қанчалик гўзаллигини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Шунингдек, бу тортнинг нечоғли лаззатлилигини ҳам!

— Мен фақат олим-атомчи сифатида бадном бўлганлигимни ўйлайман, холос! Менга гап уқдирмоқ бефойда, Паоло. Мен қароримдан қайтмайман. Мени ўлим билан ҳеч ким кўрқита олмайди. Яхшиси, сен режамнинг рўёбга чиқишига ёрдам бер.

— Икки дунёда ҳам ёрдам бермайман!

— Йўқ, ёрдам борасан! Қўмондонликка мактубимни олиб борасан, унда куйидаги сўзлар ёзилган: «Ерликларга «Марс-1» самовий кема бортдан. Сизларга қуроолларингизни ташлаб, бизга мингта ўғил ва қиз болани гаров тариқасида топширишларингиз учун ярим соат муҳлат берилади. Акс ҳолда ўттиз минут ўтиши билан биз атом бомбасини портлатиб, бир зумда Римни ер билан яксон қиламиз». Имзо: «Кема командири...» Фақат биронта маъқул исм ўйлаб топиш керак. Кел, дейлик, капитан Гор бўла қолсин. Нима дейсан, даҳшатли мактуб учун шу кифоя бўлармикин? Албатта, улар мен қўйган талабга, яъни мингта ўғил ва қиз болани беришга рози бўлмасликлари мумкин! Бунга фақат босқинчи ва жаллодларгина журъат қилиши мумкин! Шунинг учун уларнинг ажратилган вақти тугашидан олдинроқ тортга қараб ўт очишдан бўлак иложлари қолмайди. Ана шундан кейин ҳамма нарса тамом бўлади. Лотинчасига, қадимий римликлар айтганларидек, финиш! Энди эса мен бу мактубни ёзишга киришаман...

У шундай деди-ю, ҳаяжондан қалтираган қўллари билан ултиматум текстини ёза кетди. Текстнинг гаровга бола сўратилган рақамига келганида у бир оз иккиланиб қолди:

— Мингта бола... Ҳм... Борди-ю, икки минг сўралса-чи? Ҳа, ҳа, шундай бўлгани маъқул! Мен икки минг бола деб ёзаман! Улар шунда отишмани тезроқ бошлаб, менинг ўлимолди қийноқларимни қисқартирадилар.

— Вақтингизни бекорга сарфляяпсиз,— деди қатъий равишда Паоло.— Наҳотки, сиз мени чиндан ҳам мактубингизни қўмондонга элгиб беради, деб ишонаётган бўлсангиз? Фақат ақлдан озган киши шундай деб ўйлаши мумкин.

— Олиб борасан дедими, олиб борасан!

— Олиб бормайман дедими, олиб бормайман, вассалом!

— Унда мен сени тортдан улоқтириб ташлайман!

Шундай деб туриб профессор Дзета ғалати гижиниб қўйди. Паолога у ҳозир хўнграб юборадигандай кўринди.

Профессор Дзета мактубини ёзиб тугатди, ўйлаб топган исминини аниқ қилиб ёзди, қандайдир номаълум белгилар чизиб, имзо чекди.

— Марсликларнинг ёзувига ўхшаган бўлсини-да,— дея тушунтирди у,— шунда яна ҳам ишончлироқ чиқади!

Профессор хат битилган варақни буклаб, уни Паолога узатди:

— Қани, қанот боглаб уч!

— Йўқ десам-чи?

— Йўқ десанг... Мен айтдим-ку — пастга улоқтирмаман деб!..

— Қани, бир улоқтириб кўринг-чи!

Профессор Дзета Паолони қўрқитмоқчи бўлиб башарасини қўрқинчли бужмайтирди, лекин барибир унинг кўзларидан умри бини бўлиб бирор кимсани қўрқитишга қодир эмаслиги олайна-ошқор сезилиб турарди.

— Мени қийнама,— деб зорлана бошлади у.— Мен унчалик ёмон одам эмасман...

— Ҳади яхши одаммисиз? Нега бўлмаса ҳеч кимга насиб қилмасин, деб тортин ер билан яксон қилмоқчи бўлаяпсиз? Шундай баҳайбат, шундай ажойиб тортин-я!

— Кел, хизмат бўлмаса, сендан бир илтимосим бор. Паоло, мана шу қоғозни пастга олиб тушиб бер!

— Йўқ дедим-ку!

Профессор Дзета Паолодан илтимос қилар экан, кескин ҳаракат билан уни енгидан ушлашга журъат этди. Бу билан Паолодан яна бир бор ўтиниб сўрамоқчи бўлган эди холос. Лекин уларнинг суҳбатда унсиз иштирок этаётган тагин битта ўта жиддий гувоҳ борлигини профессор Дзета унутиб қўйганди. Паоло хавф остида қолди деган ўйда Зорро тишларини хунук тиржайтирди-да, бечора профессорга ташланиб қолди-ку! Ит унинг почасига ёпишди.

— Вой-дод! Қутқаринглар!— деб қичқира бошлади профессор.

— Ҳари тур, Зорро, жойингга бор! Мана қўрдингизми, профессор! Сиз мени бу ердан улоқтириш у ёқда турсин, ҳатто менга қўлингизнинг учини ҳам тегиза олмайсиз! Мен шу ерда эканман, тортга ҳеч ким қўл ура олмайди. Мени ўзингиз билан бирга ҳалок бўлишимни хоҳламайсиз-ку! Ҳар қалай мен шундай ўйлайман.

— Агарда сира иложи топилмаса, мактубни-биронта оғирроқ парсага ўраб, пастга қараб отаман-да, сен ҳам шу ерда ҳалок бўласан! Ужарлигинг бошингга етади. Лекин мен иш шунгача бориб етишимни хоҳламансиз.

— Мен бўлсам, тортнинг вайрон бўлишини хоҳламайман!

— Скуок, скуок караброк брек брек!— деб бақирди олим ўз тилида.

— Агарда мен билан бундай тилда гаплашадиган бўлсангиз, унда сизни бутунилай тушунмай қоламан,— деди хотиржам тусда Паоло.

— Скуок скек скуок...

Профессор Дзета яна нималариндир узоқ гапирди. Унинг шундай руҳи тушган эдики, профессор эс-ҳушини йўқотиб қўймади-кин деган фикр Паолони ташвишга сола бошлади. Лекин олим бир оздан сўнг яна италян тилида сўзлай бошлади ва Паолодан мактубни элтиб беришни астойдил илтимос қилишга киришди.

— Менинг шу ерда ўлишимга имкон бўлса, ҳаётимдаги энг катта хатоим бўлмиш мана шу тортда ўлай,— деб ёлворарди у.

— У ҳолда бу тарихда йўл қўйилган энг катта хато бўлиши ҳеч гап эмас,— деб жапоб берди Паоло.

Бу қизгин даҳанаки жанг қанча вақт давом этган деб сўрарсиз? Бизнинг фикримизча, анча узоқ чўзилган. Майли, жанг тафсилотларига берилиб ўтирмаймиз, бунинг устига у бор-йўғи даҳанаки бўлса. Энг қизиги шундаки, Зорро бирдан безовталава бошлади,



қулогини диккайтириб, аста ғиншиди, охири чидаб туролмади, бирдан вовуллаганича бир сакраб тортдан ўзини ластга қараб отди.

— Зорро, қаёққа? — деб бақирди унинг кетидан Паоло. Шундай деб туриб у бошини тортдан ташқарига чиқарди-ю, қувонганидан бенхтиёр хахолаб кула бошлади.

— Нимадан бунчалик суюниб кетдинг?— тўнғиллаб сўради профессор Дзета.

— Профессор, сиз гаровга қанча ўғил-қиз сўраган эдингиз?

— Мингта... йўқ, икки мингта ўғил ва қиз бола.

— Мапа улар! Ҳеч қандай ултиматумсиз ўзлари шу ёққа келишяпти! Уларнинг сони икки мингтадан ҳам кўпроқ...

— Нималар деб валдираяпсан ўзингча?

— Аввал буёққа қарасангиз-чи, профессор, бир қарангиз! Бу ёққа келинг, тезроқ! Қаранг! Ҳой болалар, тезроқ тепага чиқинглар!

## БОЛАЛАР БИЛАН ТИЛ ТОПИШИШ АНЧА ОСОН!

Энди воқеа давомини «Тез ёрдам» машинаси томондан эшитамиз. У профессор Росси, профессор Теренцио ва Ритани олиб катта тезликда тўхтовсиз сигнал босганча шифохона томон самолдай олиб борарди. Машинадаги олимлар тинмай оҳ-воҳ қилиб, инграб борар эдилар.

— Вой-вой! Худди жоним чиқиб кетаяпти!— деб ингради билинчиси.

— Уҳ, ўҳ! Ердан беринглар! Тезда ногариусни чақиринглар, васиятнома ёздириб қолай,— деб ялиларди иккинчиси.

«Тез ёрдам»даги ҳамширалар уларни овунтиришга, юпатишга, тинчлантиришга ҳаракат қилардилар, қоринларига муз босиб ўрадилар. Рита бўлса уларнинг инграшларидан ҳеч нарса тушунамасди:

— Уларга нима бўлган ўзи?

— Уларми? Маргликларнинг ясама шоколадидан тотиб кўришган экан.

— Ясама шоколад? Нима бало, ҳаммаларингиз жинни бўлиб қолдиларингизми! Бу шоколад энг олийларининг олийси-ку! У мутлақо заҳарланмаган, заҳарланган бўлганида мен аллақачон нариги дунёда юрган бўлардим. Бутун бошли бир килосини бир ўзим паққос туширдим, шу пайтгача ҳеч қачон ўзимни бунчалик енгил ҳис қилмаганман!

— Нафасингни ўчир, бу ерда бўлаётган воқеага сенинг ақлиг етариди!

— Хотиржам бўлинг, менинг қорним оғрияптими, йўқми — буни, ҳар қалай сизсиз ҳам бир амаллаб билиб оларман. Қорнини қаерда ва унга нима қилганини билиш учун профессор бўлиш шарт эмас.

— Бас қил деяпман, тилингни тий! Бу бечораларни ўз ҳолияга қўясанми, йўқми? Уларнинг ўлим азобида қийналаётганларини кўриб турибсан-ку.

— Қанчалик муғомбирлик қилаётганликларини ҳам кўриб турибман!

Санитарлар бу митти маҳмадона билан бошқа ади-бади айтишиб ўтирмадилар, бу ёқдан эса «Тез ёрдам» машинаси касалхонага етиб келганди. Унга яқин доктор Ритани ўраб олди ва уларнинг пичидан энг катта бири ундан суриштира кетди.

— Сен ўзингни қандай ҳис қилаяпсан?

— Емон эмас.

— Бу еринг оғримаяптими?

— Йўқ.

— Бу еринг-чи?.. Мана бу жойинг-чи!.. Бу еринг-чи?..

— Йўқ, йўқ. Мен ҳеч қандай оғриқни сезмаяпман! Менинг ҳеч бир жойим оғримаяпти! Умуман мен нимани сезишим керак? Мен фақат шоколад еганман! Ҳа, энг ажойибли!

— Бўпти, бўпти, ақлли, итоатли қиз бўл, ҳадемай бари эсдан чиқиб кетади.

— «Бари деганингиз нимаси? Мен сизга айтяпман-ку! Мен соппа-соғмав деб! Сизга яна шуни ҳам айтиб қўяйки, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Монте Куккодаги ҳалиги нарса ҳеч қанақа самовий кема эмас, торт бўлади! Агар ишонмасангиз акамдан ё синьор Джебеттодан сўраб билсангиз бўлади.

— Ким бўлди бу синьор Джебетто деганинг?

— Мен уни яхши билмайман, бориб ўздан сўраб кўринг, у ўша ерда турибди. Тортнинг қоқ ўртасида. Истаса, тортнинг ҳаммасини еб қўйиши ҳам мумкин! Одамларнинг ҳам хўп омади келган-да!

Докторларнинг энг каттаси бошқа врачларга қараганича хомуш бош чайқаб қўяркан:

— Эшитдиларингми, синьорлар? Бола бечора алаҳсираяпти. Унинг жароҳатланган онги галати шаклдаги шоколадни Пиноккио саргузаштларидаги ажойиб образ билан боғламоқда! Афтидан, захар асаб марказларига таъсир эта бошлаган. Ишонаманки, биз бирор чора ўйлаб толамиз. Бошланишига асабни босувчи дори бермоқ, яъни укол қилмоқ керак, деб ўйлайман: бу жуда муҳим.

— Мутлақо зарур!— бир овоздан унга қўшилишдан атрофидаги ҳамкасабалари.

Рита ҳўнграб йиғлай бошлади, ҳатто докторлардан ўзини ҳимоя қилиб ойисини чақира бошлади. Лекин у қанчалик қаршилик кўрсатмасин ва ўзини қанчалик улардан олиб қочмасин, барибир унга укол қилишди. У деярли шу заҳоти йиғидан тўхтаб, кўп ўтмай допг қотиб ухлаб қолди, ҳамширалар эса унинг юзида милтиллаб турган кўз ёшини оҳиста артиб қўйишди.

Айни бир вақтда бошқа врачлар профессор Росси билан профессор Теренционни текширувдан ўтказиши билан машғул эдилар. Докторлар уларни навбатма-навбат бош-оёқ назоратдан ўтказар. Йўталларига диққат билан қулоқ тутар, рефлексларни текшириш мақсадиди тиззаларининг кўзига болгача билан уриб-уриб кўрар эдилар. Аммо, иқрор бўлиш керакки, врачлар улардан ғайри табиий ҳеч нарса топа олмадилар. Бироқ на профессор Росси, на про-

фессор Теренцио текширув вақтида қаттиқ оғриётган жойларини аниқ кўрсата олмасликларини врачлар ажабланиб қайд этдилар.

— Шу жойим... йўқ, бу жойим оғримаяпти... Балким, бу ер... Йўқ, бу ер ҳам эмас... Мабодо, мана шу жой эмасми?.. Йўғ-э, бу, жойим ҳам оғримаяпти!

Профессор Росси, ҳеч қандай оғриқ сезмаганига чиндан хафа эди, профессор Теренцио бўлса ғирт хижолатда қолганди.

— Нима бўлганини бйлмаман-у, аммо мен бошқа ҳеч қандай оғриқни сезмаянман!— деб тан олди у.

— Агарда сўз машҳур олимлар ҳақида бормаганда,— деди кейинчалик врачлардан бири,— мен уларни чиндан ҳам муғомбирлик қилишяпти деган қарорга келган бўлардим.

— Ҳа, ўз-ўзини ишонтиришнинг оддий кўриниши бу. Бошқача қилиб айтганда, қаттиқ кўрқиб кетишган...

Ҳар эҳтимолга қарши атоқли беморларга ҳам асабни босувчи уколдан беришди ва улар ўша заҳотиёқ варанглатиб хуррак ота бошладилар.

Орадан бир неча соат ўтгандан сўнг Рита уйғонди, боши узра яна бирор жонини чиқарувчи иш қилиш ниятида йиғилаётган ёқимсиз врачларни кўрмаслик учун у дарров кўзини қайта юмди. Бир оз ўтгач, қиз яна аста кўзини очди. Унинг атрофида врачлар эмас, қўшни палатадан уни кўргани чиққан бир талай қиз ва ўғил болалар турарди. Уларни бу ерга ўта қизиқувчанлик бошлаб келганди.

— Сизлар ким бўласизлар? Нима ҳодиса юз берди?— деб сўради Рита.

— Ҳеч қандай ҳодиса юз бергани йўқ,— деб жавоб берди қизил халатлик қизча, чамаси уларнинг ичида энг каттаси шу эди.— Бизлар ҳам даволянемиз. Сендан хабар олгани келдик.

— Раҳмат,— миннатдорчилик билдирди Рита.

— Биласанми,— дея гапини давом эттирди ҳалиги қизил халатли қизча,— сени бу ерга олиб келганларида сен нима ҳақда гапирганигни биз эшитиб турдик.

— Бизнинг Труллога каттални тоғдай келадиган торт келиб қўнгани ростми?— сабри чидамай гапга аралашди бўйнига мўлоқ кўлини осиб олган оқ малла соч миттигина ўғил бола.

— Тўғри! Аммо шундай десам, врачлар гапимга ишонишмаяпти.

— Айт-чи, торт ширин эканми?

— Ширин бўлганда қандоқ! Сизлар ҳам ундан бир тотиб кўрсангиз яхши бўларди! Бу — ер юзидаги энг мазали торт! Яна кои-нондан тушган! Унинг тўппа-тўғри осмондан тушганини ўз кўзим билан кўрдим.

— Қандай ажойиб!— деди оқ малла соч бола.

— Эсизгина!—деб чуқур хўрсиниб қўйди қизил халатлик қизча.

— Нега энди эсиз бўларкан?

— Негаки, биз ундан тотиб кўра олмаймиз-да!

— Гапинг тўғри,— деди Рита ўқиниб ва ўзича ўйлади: «Бола-

лар билан тил топишиш анча осон! Улар мени ёлгончига чиқарма-  
нитилар. Уларга эртак эмас, рост гапни айтаётганимни дарров  
фаҳмлаб олишди. Ростдан ҳам шундай торт борлигига чиппа-чин  
ишондилар-қўйдилар!»

— Мен ҳам,— деб сўзида давом этди Рита,— сизлар тортдан  
тотиб кўра олмаслигингизга жуда ачинаман, аммо шифохонада  
чиқишим билан сизларга, албатта, унинг катта бир бўлагини олиб  
келиб бераман.

— Сен қачон чиқасан касалхонадан?— деб сўради ҳалиги оқ  
малла соч бола.

— Қачонлигини айтолмайман-у, лекин ҳадемай чиқиб қолсам  
керак.

— Агар сен чиққан кунинг бирдан торт бўлмай қолса-чи?— деб  
сўради қизил халатлик қизча.

Рита бу маккоруна саволга нима деб жавоб беришни билолмай  
қолди. У Труллога қайтганида Паолодан тортни солдатлар ер би-  
лан яқсон қилиб ташлаганини ёки кучли шамол эсиб, учириб кет-  
ганини билса, қанчалик кўнгилсиз ҳодиса рўй бериши мумкинли-  
гини бирров кўз олдига келтирди.

Болалар бўлса бу саволга нитиқлик ва ташвиш билан жавоб  
кутиб, Паолонинг оғзини пойлар эдилар. Рита ҳам уларнинг кўз-  
ларидан шундай ташвиш аломатларини пайқади. У ортиқ чидаб  
туролмади, сапчиб каравотдан турди-да, палатага кўз югуртириб,  
кийимини қидира бошлади. Қизил халатлик қизча унинг ҳаракат-  
тини сезиб қолди:

— Бизнинг кийимларимизни алоҳида шкафта ва алоҳида хо-  
нада сақлашади.

— Аҳамияти йўқ,— деб жавоб ерди Рита.— Мен шу ҳолатимда  
ҳам кетавераман!

— Йўлни биласанми?

— Йўқ,— дея жавоб берди у.— Сўраб-сўраб топиб оларман.

— Унда сени шу заҳотиёқ касалхонага қайтариб олиб кели-  
шади. Мен эса Труллога катта кўчадан эмас, очиқ дала орқали бо-  
риш йўлини биламан.

Бу гапларнинг ҳаммасини ўша қизил халатлик қизча гапирди.  
У ҳаммасини олдиндан режалаштириб қўйган экан шекилли-да.

— Менга қаранглар,— деди у,— касалхонадан боғ орқали чи-  
қиб кетиш йўлини мен яхши биламан. Бизлар гўё бекинмачоқ ўй-  
наётгандек бўламиз.

— Ҳаммамиз борамизми?— деб ҳайрон бўлди Рита.

— Ҳа-да! Ҳаммамиз борамиз!— деб қичқирди қувончдан сак-  
раб оқ малла соч бола.

— Узинг айтмаганимдинг, жуда катта торт деб?

— У Римдаги барча болаларга бемалол етади!— деб тасдиқ-  
лади хомуш Рита.

— Бу ҳақда ҳаммага шундай эълон қилиб чиқиш лозим!— де-  
ди оқ малла соч бола.

— Коридорда телефон бор,— ҳозиржавоблик билан деди қи-

зил халатлик қизча,— менда эса чақа. Мен акамга телефон қилиб, ундан ўртоқларига ҳамда меннинг дугоналаримга хабар қилиб қўйишни сўрайман. Ўз навбатида улар ҳам бошқаларга телефон қилишсин, хуллас, қаерга имконият бўлса, ўша ерга хабар қиллавертиришсин, майли, кўчаларда, мактаб ҳовлиларида бақиртиришсин, болаларни огоҳлантиришсин. Аммо сен тортнинг ҳаммага етишига ишонсанми?

— Сўз бераман — етади!— деди Рита, қўлини кўкрагига қўйиб.

— Радио орқали эълон берсак-чи?— деб таклиф қилди оқ малла соч бола. Ҳамма кулиб юборди, бироқ таклиф жавобсиз қолди.

Қизил халатлик қизча телефонга қараб югурди:

— Алло, Лукреция гапиряпти! Сандрино, сенмисан? Гапимга қулоқ сол. Аввало қўлингга қалам билан қоғоз ол. Ҳозир сенга айтадиган гапим жуда муҳим, шунинг учун ёзиб олмасанг бўлмайди. Эшитаянсанми?— Телефон гўшагидан келаётган жамоаб эшитилмай қолди.

— Нима бўлди унга?— деб ҳайрон бўлди Рита.— У нега илдамаяпти?

— Оддий воқеа — қаламининг учи синиб қолган: Алло! Сандрино! Нима? Мана, энди қаламтарошини тополмаяпти. Мениквини ола қол, у портфелимда.

— Тезроқ, худо ҳақи, тезроқ!— деб шоширарди болалар баттар тоқатсизланиб.— Бўлмаса ҳамшира келиб қолиб, бизни бу ердан ҳайдаб юборадилар!

Ниҳоят Лукреция Сандринога бор гапни айтиб турди, улар ёзиб олишди. У Сандринога, худди мактаб ўқитувчиси каби текис бир меъёрдан хатосиз, тугилмасдан, тартибли равишда олдиндан пухта ўйлаб қўйилгандек, аниқ айтиб турди. Лукрециянинг ақлига офарин!

## СЕҲРЛИ ТЕЛЕФОН

Узининг ажойиб куйи билан шаҳарни сичқонлардан халос этган найчи Гаммелини ҳақидаги қиссани ўқиганмисиз, йўқми, билмайман. Ушанда Гаммелинга хизмат ҳақини тўлашдан бош тортишгани учун у сеҳрли найини чалганча барча болаларни, ҳатто эндигига тетапоя бўлган чақатойларни ҳам ортидан эргаштириб, шаҳардан олиб чиқиб кетган.

Уша кунга Римда деярли худди ана шундай воқеа юз берди. Лукрециянинг телефон қўнғироғи, кейин маълум бўлишинча, Гаммелининг найига ўхшаб сеҳрли бўлиб чиқди. Балким, ундан ҳам сеҳрлироқдир.

Келинг, Римдаги авлиё Пётр майдонининг қоқ ўртасида машҳур найчи найида хуй чалапти деб фараз қилайлик. Хўш, фаввораю ёдгорлик атрофида шўх ўйнаб юрган бир печа боладан бўлак уш ким ҳам эшитарди? Аслида, уларнинг ҳам эшитиши амри маъжол эди, чунки бу серкатнов ерда машиналар шовқини бошқа жойлардагидан анча баланд эди. Замонавий шаҳарларда най чалиб муваффақият қозонаман деган одам тушини бориб сувга айтсин.

Ундан ташқари, Римдаги болаларнинг ҳаммаси пай овозини эшитишлари учун найчи ҳамма шаҳарларни бир бошдан кезиб чиқиши керак бўларди. Аммо найчи учун бу иш жуда оғирлик қилди-ку! Боринги, у икки кун ичида катта тезлик билан шаҳарларни айланиб чиқди ҳам дейлик, барибир у ўзининг куйини ҳамма район ва шаҳарларга, бутун посёлка ва яқин қишлоқларга, деярлик денгиз қиргоқларигача тутшиб кетган тепаликларга эшиттира олишга улгурмасди. Бунга болаларнинг тоқати чидамай, уни яна телефон йўқ эртақлар мамлакатига қайтариб юборган бўлардилар.

Телефон — бу сеҳрли пай бўлиб, замонавий шаҳар учун гога зарур бўлган энг қулай алоқа воситаси ҳисобланади.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас телефон қўнғироқлари жуда катта торт ҳақидаги ажойиб янгиликни бутун Римга — Трастевередан Норпиньяттаргача, Тестаччодан Сан-Жованнигача, Париолидан Куадарарогача тарқатди.

— Труллога тоғдай келадиган баҳайбат самовий торт қўнибли! Бундан дарак топганлар ўша заҳотиёқ оғайинисига қўнғироқ қилиб, бу янгиликдан уни воқиф қилар, сўнг ойнадан бошини чиқазиб, ҳовлида ўйнаётган ўртоқларига қичқириб хабар берар, кейин юрганча кўчага чиқиб, бошқаларга қўшиларди-да, бирлашиб ким трамвайда, ким автобуста, ким велосипедда, ким пиеда Труллога қараб йўлга тушарди. Ўша дақиқадаги аҳволни кўриб, киши дилига «Римда фақат болалар яшар экан-да» деган фикр келиши мумкин эди. Болалар серқават уйларнинг барча подъездларида чиқиб келишар, йўл ҳаракатини тартибга солувчи полициячи-регуляровшичкдан қочиб у ёқда турсин, бепарволик билан қўлларидан ўйнаб турган тўпларини уларга топширар эдилар. Баъзилари бўлса ўзлари билан эрталабки нонуштасини тугунга тугиб олар, бошқалари эса шундоқ портфелига солиб, кетиб борар эдилар. Қайси бир мактабда ўқитувчилар бўш қолдирилган синфхоналарини пайқаб қолишибди: қарашсаки, ўқувчилар бир ёқадан бош чиқариб, дарсин ташлаб, кўчага чиқиб кетишаётганмиш. Лекин бунга учинчи синфда ўқийдиган бир бола сабабчи бўлган эди. Гап шундаки, у бошини чиқазиб мактаб рўпарасидаги бар хўжайинининг ўғлидан ҳалиги ажойиб янгиликни эшитган эди. Ўз-ўзидан маълумки, у дуч келган болага эшитган янгилигини суюнчилашга шошилган.

— Сизларга йўл бўлсин? Қани дарров синфларингизга қайтинг! Ё ҳаммангизга чора кўришларини хоҳлайсизларми?

Лекин ўқитувчилар ҳарчанд уларни жойларига қайтаришга уринмасинлар, барибир натижа чиқмади: худди ўқув йили тугагандек, мактаблар бир зумда ҳувиллаб қолди.

— Труллога! Труллога!— деган сўзлар ҳар томондан тинимсиз эшитиларди.

Кўчадаги йўловчилар шошиб кетиб бораётган болаларга қизиқсиниб қарар эдилар. Полицайлар хажолатда қолганларини яширмай, энсаларини қашлаганларича тек тураверардилар. Деразалардан мўралаган юзлаб, минглаб ота-оналар турли хил исмда ўз болаларини чақирардилар:

— Тонино! Пьетро! Марня! Жильдо! Оретто! Дарио! Альбертино!..

Қаёқдал Улар дунёдаги бор исми бирма-бир айтыб чақиришлари ҳам мумкин эди-ю, бироқ болалардан бирортаси жилла қурмаса қайрилиб қараш и даргумон эди.

Қандай бўлмасин тезроқ Труллога етиб бориш учун болалар тўғри келган барча силжиш усулларидан фойдаланишга ҳаракат қилардилар. Масалан, бешта бола битта самакатга ўрнашиб олибди. Баъзи бирлари уч гилдиракли велосипедда, баъзилари болалар ўйинчоқ автомобилларда илгарилар эдилар, яна бирлари бўлса роликлик конькиларда оҳишта сирғаниб боришарди.

— Труллога! Труллога!— деган овозлар ҳар ёқдан қулоққа чалинарди.

Бир гала қизалоқлар бўлса арқонда сакрамачоқ ўйнаб чопиб боришарди, чунки бу усулда тезроқ югуришаётгандай туюлардида. Яна шунинг учунки, агар мана шу сакраб ўйнайдиган арғимчоқлари бўлмаганда Трулло у ёқда турсин, ер юзидаги бошқа биронта жойга ҳам бормаган бўлар эдилар.

— Нима бўлди? Қўзғолон кўтарилдими?— деб сўради бир муъжазгина дўкон остонасига чиқиб турган сотувчи.

Эҳтиёт шарт-да, балки дўконини ёпиб турганим маъқулроқдир.

Кампо ден Фьорилик етти бола саёҳатни қулай ўтказиш ниётида вақтинча эскичининг қўл аравасини сўраб олишибди: бештаси ичига тушиб олган, иккитаси галма-галдан аравани тортиб бора-япти. Йўл-йўлакай одамлар қулоқ солса-солмас нукул:

— Труллога! Труллога!— деб бақиришгани-бақиришгани эди.

Ҳатто аввал Тибра бўйлаб қайиқда, Мильвио кўпригидан то Мальянагача деярли бутун Римни сузиб ўтиб, у ердан очиқ кенг яйловга чиққан ва чўққисиди самовий торт турган Монте Куккога қараб юрган довюраклар ҳам топилди. Торт, ботаётган қуёш нурида худди ертутдан қилинган това овқатига ўхшаб кетарди.

Сеҳрли телефон қўнғироғи Труллога ҳам етиб келганига ишончингиз комил. Албатта, тортга биринчи бўлиб, маҳаллий болалар югуришди.

Полицайлар, ўт ўчирувчилар, пиёда ҳарбийлар, отликлар, солдат ва офицерлар уларни тўхтатиб қолиш учун беҳуда уринардилар.— Торт еймиз!— деб бақирарди болалар.

Айни шу пайтда Рита билан Лукреция ўз ўртоқларини касалхона ортидаги боғ тарафдан кўчага яшириқча олиб чиқдилар. Оёқда юролмаганлар палаталарида қолдилар, уларга тортининг энг сара жойидан катта бир бўлагини олиб келишга ваъда беришди. Ўз-ўзидан маълум, бунинг ҳаммаси кўз ёшисиз ўтмади.

— Сизлар билан боргим келяпти!— ёлворарди оёғи тахтакачланган бола.

— Мен буёққа бир оёқда ҳам чопиб бора оламан!— деб қичқирарди бошқаси.

— Балли!— деди уни кесатиб Лукреция.— Бу аҳволда сен иккинчи оёғингни ҳам синдириб оласан. Қўнғилнинг тўқ тут, биз сени унутмаймиз.

Лукреция шундай деди-ю, ўзининг қизил халатида болалар кетидан югуриб кетди. Шу турнишида у бамисоли катта капалакка ўхшарди. Унинг ёнида эса бўйнига мўлоқ қўлини осиб олган оқ малла соч бола югуриб борар ва овозининг борича тўхтовсиз:

— Қандай қойил-да, яхшиям оёғим эмас, қўлим синган! Мана буни омад деса бўлади!— деб қичқирарди. Қандайдир кўкатфуруш камзулда, халатда, ҳатто ички кўйлақда югуриб бораётган болаларни кўриб, бақира бошлади:

— Хой бола! Қарнавал аллақачон ўтиб бўлди-ку! Сенга йўл бўлсин? Дарров изингга қайт!

Унинг охириги сўзлари ўз ўғлига қаратилганди, у ҳам янгиликдан хабар топиб, қўлидаги белкуракни бир четга улоқтирганча касалхоналик болалар ортидан от қўйиб қолганди.

— Тангримнинг марҳамати кенг-да!— деди профессор Дзета, Паоло билан бирга тортдан пастга қарар экан.

Мингта, икки мингта, уч мингта бола йўлда учраган тўсиқларни чилпарчини қилиб тепалик томон бостириб келар эди. Ҳаммаёқдан қувноқ ҳайқириқлар янграрди:

— Олға!

— Ҳужумга!

— Торт буники!

— Уйим куйди!— пичирларди профессор Дзета, ёғли хамир деворга суянган ҳолда.— Мен тортни яқсон қилишга улгура олмайман, шекилли!

— Гаров ўйнаймиз, у битта қолмай яқсон қилинади!— хитоб қилди Паоло.

— Бу билан нима демоқчисан, тирранча?

— Профессор, кўзингизни очсангиз-чи! Наҳотки, сиз болалар тортни нима қилишларига ақлингиз бовар қилмаса? Улар тортнинг айлана узунлигини ёки майдон асосини ҳисоблаб чиқиш ниятида бу ерга югуриб келишаётганлари йўқ-ку. Бир соат ўтар-ўтмас сиз ҳатто торт учун миллиард сўм таклиф эзинг, ундан урвоқ ҳам тополмай қоласиз!

Худди ичида лампочка ёнгандай, профессорнинг чеҳраси бирдан ёришиб кетди.

— Ҳа, албатта! Уни еб қўйишади! Урвоғи ҳам қолмайди! Ура! Олға, олға, болалар! Тезроқ бу ёққа, ҳаммага етади! Барча ўртоқларга ёқимли иштаҳа тилайман! Нега буни илгарироқ илғаб ололмадим-а? Қанчалик тентакман-а, тентакман!

— Ҳечқисн йўқ,— деб тасалли берди Паоло,— баъзан олимлардан ҳам шунақа тентаклик ўтиб туради.

Ҳужумчиларнинг биринчи сафи тортга етиб келишига бир неча қадам қолганди, албатта улар хушмуомилалик билан қилинган таклифга муҳтож эмасдилар: уларнинг кўзларида дарҳол «душман»ни йўқ қилиб ташлашга, ундан урвоқ ҳам қолдирмасликка азму қарор ва жасорат нурлари чақнаб турарди. Бир неча дақиқа ўтиши билан ҳар томондан тортга қўққисдан ҳужум бошланди. Болаларнинг зич сафлари тўппа-тўғри Паоло билан Рита қазиған туннелга рўпара бўлиб қолди ва бу ажойиб пазандалик санъати



билан ҳаёт-мамот жангига кирдилар. Бошқалари, ҳалиги ақлоқ-роқлари, тортни устки қисмидан бошлаб емиришга киришди:

Диомеднинг радиокарнайя тўхтовсиз жар соларди:

— Болалар, диққат, диққат! Марсликлардан совга олманглар! Улар сизларни алдаб заҳар беришади! Ширинликни еманглар!

Аmmo бу даъватлар беҳуда эди. Болалардан бирортаси унинг сўзига қулоқ соладиган қолда эмасди.

— Бизгаям озроқ қолдиринглар!— деб бақирарди тепаликка тирмашиб чиқиб келаётган янги саф.

Тез орада торт пишлоққа ўхшаб ғалвирдай илма-тешик бўлиб қолди. Туннель ва ўтиш жойлари ҳар қадамда бир-бири билан кесишар эди. Торт устида хурсанд юрган профессор Дзета нимжон болаларга шоколад бўлагини узиб олишда ва бодом мағзин билан безатилган деворларни бузишда ёрдамлашарди. Шунингдек хоҳловчиларга у энг яхши музқаймоқ турадиган жойларни кўрсатиб берар, қўли етмаётган кичкинтойларни кувланган қаймоқдан қилинган шифтга кўтариб турарди.

— Сиз марсликмисиз?— деб сўрашарди болалар.

— Ҳа, албатта! Мен марсликман. Истаганча енглар, ичинглар, сиз марсликлар меҳмонисиз!

— Яшасин Марс!— деб бақиршарди болалар пешма-пеш оғизларига торт бўлақларини солиб.

## ҲАР ДОИМ БЎЛСИН ТОРТИ

— Мен — Дедалман! Диомедни чақиряпман! Мен — Дедалман! Диомедни чақиряпман! Қабулга ўтаман.

— Мен — Диомедман! Эшитаман. Қабулга ўтаман.

— Синьор генерал, ҳеч тушуниб бўлмайдиган воқеа юз бeryпти, худди нариги дунёдагидек! Қабулга ўтаман.

— Сиз нариги дунё ҳақида нима биласиз?! Сиз у ерда бўлганмисиз? Ё Данте дўзахга тушганда бирга саёҳат қилганмисиз? Нимани кўраётганингиз ҳақида ахборот беринг. Қабулга ўтаман.

— Синьор генерал, мен ўз кўзларимга ишонмаяпман!

— Уриниб кўринг!

— Синьор генерал, бир сўз билан айтганда, болалар нотаниш объектни бўлақ-бўлақларга ажратиб паққос туширишяпти! Ҳатто уларнинг қий-чувлари ҳам қулоққа чалинмай қолди — оғизларига тўла торт.

— Бу билан самовий душманлар болаларга ширинлик улашаётибди демоқчимисиз?

— Синьор генерал, душманнынг ўзи кўринмайди! Фақат болалар бор, холос. Самовий объект борган сарни кичиклашиб бoryпти: содда қилиб айтганда, болалар уни йўқ қилишяпти!

— Ҳақиқатан ҳам хўп ишлар бўляпти-да, худди нариги дунёдагидек!

— Мана кўрдингизми, синьор генерал, туриб-туриб сиз ҳам шу қарорга келдингиз!

Юқорида қайд этилаётган гаплар ўша унутилмас куннинг кеч соат олтиларида содир бўлаётганди. Илгари хабар қилганимиздек, суҳбат Монте Куккодаги торт узра парвоз қилаётган учувчиси билан мактаб директори кабинетига жойлашган «ҚК» («Космик келгинди») операцияси қўмондонлиги ўртасида борарди. Уша вақтда ҳужумга ўтаётган миңглаб болаларни тўхтатиш имкониятини тополмаган Диомед, вертолёт учувчисига жуда бўлмаганда осмондан туриб жанг майдонини кузатиб тургани деб буйруқ берганди.

Шу пайт хонага ҳарсиллаганича Маккор Одиссея лақабли полицай Мелетти кириб келди. У ўзича алланарса деб гудранди.

— Ўзингизча нималар деб гўлдираяпсиз?— пўнғиллаб сўради генерал, ҳеч нарса тушунмасдан.

Синьор Мелетти нафасини ростлаш ниятида қўлини кўксига қўйди-да:

— Менинг хотиним...— дей олди холос. Кейин қалпоқчаси билан еллина бошлади.— Синьор генерал, у ақлдан озибди! Бутунлай ақлдан озибди! У уйма-уй юриб, миңглаб хотинларни йиғяпти... Ҳаммаси тепаликка чиқиб, болаларини олиб келишмоқчи... яна тагин...

— Вой-бўй, ҳалиям гапинг тамом бўлмадими?

— Синьор генерал, энг қўрқинчлисини энди айтаман! У Трасе-вередаги опасига, Монте Мариода яшовчи аммаваччасига телефон қилганини ўзим эшитдим, яна ҳалиги анақада яшовчи холасига...

— Менга қаранг, Мелетти, бизга бутун телефон справочнигини санаб ўтмоқчимасмисиз? Мақсадга ўтинг!

— Очиргини айтганда, болалар Монте Кукко тепалигига ёпирилиб бораётгани ҳақида у деярли бутун Римга телефон қилиб чиқди. Энди бутун шаҳар билади! Ҳамма жойдан тепаликка қараб оналар югуриб келишяпти! Улар батальон-батальон, полк-полк бўлиб олга бостириб келмоқда, синьор генерал! Полк-полк ва ҳатто дивизия-дивизия бўлиб!

— Олдироқ қаерда эдингиз? Нега бу ҳақда дарҳол хабар қилмадингиз?!

— Синьор генерал, ҳамма нарса бир дақиқа ичида содир бўлди! Хотиним бир нарсага киришса борми, уни дунёда ҳеч нарса тутиб тураолмайди...

— Мен — Дедалман! Диомедни чақиряпман! Қабулга ўтаман.

— Хотинлар, синьор генерал! Улар тўсиқларни ёриб ўтдилар! Тепаликни қуршаб олиб ҳужумга ўтяптилар!

— Энди қўлимиздан ҳеч нарса келмайди,— деди кимдир.— Душман қўл оёғимизни ипсиз боғлади.

— Бўпти, юринглар, бу ёғини кўрайлик-чи,— деди қуруққина қилиб генерал. Шунини кутиб тургандек ҳамма бирдан ташқарига отилди.

— Сиз шу ерда қолинг! — буюрди генерал полицай Мелеттига.

— Сиз ҳибсга олиндингиз! Дунёда ҳеч нарса тўхтата олмайдиган хотинга уйланмасликни ҳеч қачон тушуниб етмайсиз.

— Нега энди келиб-келиб мен қолишим керак экан? Мен эмас-

ми, сенга тревога хабарини олиб келган? Ундан ташқари, у ерда меннинг икки болам бор... Бунга ҳаққим бор.

— Сиз ҳибсага олиндингиз, гап тамом! Қизингиз касалхонада ётганлиги муносабати билан қутқариб қолинди, шунга ҳам шукур қилсангиз-чи.

Лекин Рита бу маҳалда касалхонада эмас, қувончдан ўзини арши-аълода деб биларди! У масъуд ҳолатда ёнғоқ ҳолва бўлагини пок-покиза туширмоқда эди.

Оналар тўсатдан тепалик устида пайдо бўлганларида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қий-чув, тўс-тўполои бошланди. Улар бамисоли болаларини зилзила ёки ёнғиндан сақлаб қолмоқчи бўлаётгандек асабийлашар, ҳаяжонланар, қизариб-бўзарар, айюҳаннос солар эдилар.

— Карлетто! Роберто! Пинуччо! Анжело! Андрео!

Ола-ғовур, шовқин, қичқирриқлар, сўнг бирдангиз тарс-гурс, жаранг-варанг!!! Бу бошдан-оёқ кремга беланган зурёдларини топгандан сўнг оналарининг ўз болалари қаншарига тушираётган илк тарсаки ва муштлардан чиқаётган овоз эди.

Синьор Чечилия Паолони қидириб юриб бирдан Ритага тўқнаш келиб қолди, уни маҳкам ушлаб қучоғига босди-да, бақира кетди:

— Қизалоққинам! Овуноғим! Ахир касалхонада эдинг-ку!

— Мен ҳу ану ерда эдим, қаранг,— деб жавоб берди Рита, малина сиропи ва шоколадга бўялган касалхона кийимдаги болаларни кўрсатиб.

— Ассалому алайкум, синьора,— деди одоб билан Лукреция.— Тортдан тотиб кўришни истайсизми?

— Еб кўринг, ойи,— деб ундан Рита.— У асло захарланмаган, ҳа, ҳа, ишонаверинг! Сизга бирон марта бўлса ҳам ёлғон гапирган қиз эмасман-ку!

Синьора Чечилия, бир оз иккиланиб туриб, унга таклиф этилган бир бўлак тортни қўлга олди-да, ҳидлаб кўрди. У ажойиб уй бекаси бўлишлиги билан бирга қандолат маҳсулотларининг билангани ҳам эди. Хушбўйлигини мақтамай иложи йўқ! Тортиқнинг ҳидини, ташқи кўринишини мақтаб, мазасини аъло деб топди:

— Бу мўъжиза-ку! Буни ким тайёрлади?

Синьора Чечилия шундай деб туриб иштаҳа билан тортни еб бошлади. Худди шу ишни минглаб бошқа оналар ҳам такрорланди. Улар болалар олқишида тортни туширишарди. Энис ва юзларига тушган тарсакиларни, одатдагидек, аллақачон эсларидан чиқариб, чапак чалишарди.

— Паоло! Бианинг Паоло қани? — бирдан сўраб қолди синьора Чечилия.

Паоло ҳам шу ерда. У, бу меҳмондорчиликдан четда турган ягона меҳмон бўлса ҳам ажаб эмас. Аллақачон қоринини тўйдириб олиб торт устида шодон юрганча, профессор Дзетага ёрдамлашарди.

— Ойи!

— Паоло, қувончим меннинг!

- Танишинг, бу киши тортни ишлаган профессор бўладилар!
- Еқимли иштиҳа, сийёра!
- Мўъжиза торт, профессор, шундай ажойибки! Қойил-мақом!

Табриклайман сизни!

Профессор Дзетанинг ўзи ҳам энди тортнинг аъло даражага чиққанлигини ўйлаб қолса керак. Тўғри-да, минг-миглаб бахтиёр болалар ва оналар ботаётган қуёш нурида «самовий» тортни ўзларида йўқ хурсандчилик билан баҳам кўрар эдилар, — бу ҳақиқатан ҳам ажойиб манзара эди.

— Олинглар, ҳаммаларинг олаверинглар! — деб маслаҳат берарди профессор Дзета.— Илтимос, мени хафа қилмайнглар, ўзларинг билан бирга олиб кетинглар!

Мана шу ерга келганда тепаликка солдатлар, ўт ўчирувчилар ва полицайлар чиқиб келишди. Уйларига қайтаётган хотинлар йўл-йўлакай уларни торт билан сийлашганди, энди бўлса уларнинг ўзлари бир тўйиб торт еб олгани бу ерга шошилардилар.

Қисқаси, торт профессор Росси билан профессор Теренциодан бўлак ҳаммага етди, улар шу вақтда касалхонада қўрқув касалидан даволанишаётган эдилар.

Сийёра Чечилия, Рита ва Паоло сийёор Мелеттини ҳибсдан озод қилиш учун мактабга келганларида тортнинг дурустгина бўлаги унга ҳам тегиб қолганди.

Бу тортдан мен ҳам бенасиб қолмагандим — чунки энг охиригилардан бўлиб боргандим-да. Боришимнинг сабаби шуки, ўша кунни Труллода бўлган воқеани одамлардан суриштириб билиб, кейин бир бошдан сизларга ҳикоя қилиб беришим лозим эди.

Монте Кукко тепалигида яна анчагина торт қолди. Агарда энг саодатли кунлардан бирида одамлар келишиб олишсаю атом бомбалари ўрнига ажойиб тортлар ясашса, бу дунёда биронта ҳам одам тортдан бенасиб қолмасди.





ТЕЛЕВИЗОРГА  
КИРИБ  
ҚОЛГАН ЖИП

## АНА ХОЛОС!

Миланда, Сеттембри кўчаси, 175-уй, 14-квартирада Жампьеро Бинда деган бола яшарди. Унинг ёши саккизда бўлиб, ота-онаси уни эркалаб Жип деб чақирарди. 17 январь кун бизнинг вақт билан соат ўн саккизу ўттизда Жип телевизор қулоғини буради. Одатдагидек, у оёғидаги ботинкасини ечиб, уйнинг ўртасига қараб улоқтирди-да, «Оқ Патнинг саргузаштлари» деган фильмнинг навбатдаги сериясини кўриш ниятида кўк сунъий чармли катта креслога ястаниб ўтириб олди. Жипнинг ўнг томонидаги креслода унинг беш яшарли укаси Флиппо Бинда ёки шунчаки Флип ўтирарди. У ҳам акасидан ўрпак олиб, жойлашиброқ ўтириш мақсадида оёғидаги ботинкасини ечиб улоқтирди. Ботинкалар уйнинг ўртасида бетартиб ёйилганича қолаверди.

Ака-укаларнинг нафақат ўртадаги ёшлари, балки футболга бўлган қизиқишлари ҳам бир-бирига бутунлай қарама-қарши эди: Жип миллий терма командасига куйинса, Флип Милан командаси тарафдори эди, лекин бизнинг ҳикоямизга бунинг ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Ҳикоя роппа-роса соат ўн саккизу ўттиз минут ўтганда қандайдир ғайри табиий куч Жипни ўтирган юмшоқ креслога қучоғидан ажратиб олган ондан бошланади. У худди самога йўл олаётган ракета каби бир дақиқа муаллақ туриб қолди-да, кўп ўтмай хонани бир айланиб чиқди, сўнг ўқдай учиб келиб тўғри телевизор ичига кирди-кетди. Бу ақл бовар қилмайдиган ҳолатни бошидан кечирган Жип хонага, бўш қолган креслога, ботинкаларга ва телевизор рўпарасида ўтирган Флиппа энди телевизор ичидан лолу ҳайрон қараб турарди.

— Ана холос! — деди оғзи ошилиб қолган Флип.— Қандай қўлингдан келади-а бу иш? Ҳатто телевизор ойнасига ҳеч бир шикаст етказмай унинг ичига кириб олибсан!

— Узим ҳам сезмай қолдим!

— Ахир сен телевизор ичидасан-ку! Ичида! Оқ Патнинг ўзгираси! Қандай қилиб у ерга кириб қолдинг?

— Билмайман, Флип...

— Мўъжиза... Фақат бир оғ чепроққа тур, бўлмаса тўсиб қўявсан.

— Сурила олмайман! Ҳаммаёқдан камон ўқи...

— Қўрқоқ! Сени деб ҳеч нарса кўролмайманми!

Бу орада «яхши» ҳиндлар Джипга эътибор бермай, «ёмон» ларнинг ҳужумини бартараф қилиш билан овора эдилар. Оқ Пат бошчилик қилган қабила ҳар жумада бўлганидек, бу гал ҳам душманлари устидан ғалаба қозонди. Телевизордаги воқеалар яшин тезлигида ўзгариб турарди. Бир вақт десангиз бизнинг Жипимиз от туёқлари остида қолиб кетди-ку.

— Вой! — қўрққанидан қичқириб юборди Флип.

Аслида ҳеч қандай қўрқадиган жойи йўқ эди, чунки отлар ўргатилган отлар эди.

— Уша ерда эканлигингда, — деди ўзига келиб Флип, — Оқ Патдан сўраб кўр-чи, нега икки ҳафтадан бери Момақалдироқли Булут кўринмайди?

— Сўрардим-у, менинг гапимни тушунишмаса керак, чунки у итальянча гаплашишни билмайди-ку!

— Сен олдин унга «у-у» деб кўр!

— У-у! — деди Жип. Лекин Оқ Пат унга парво ҳам қилмади. Бу пайт у хариға боғлаб қўйилган узун қора сочли қизни бўшатиш билан банд эди.

— У-у-у! — деди яна журъатсизгина чўзиб Жип.

— Сал дадилроқ-да! — деб ундарди Флип. — Мунча қўрқмасанг. Билиб турибман, миллий терма командасига куйинасан...

— Сен «миланчи»сан, яхшиси овозингни ўчир, бўлмаса тумшугингга тушириб қоламан!

— Шунақаман ҳали! Унда мен ҳозир телевизорни ўчириб қўяман. Қоранг ўчади-қўяди!

Шундай деди-ю, сакраб тушди ва телевизорни ўчирмоқчи бўлиб ташланди.

Тўхта! — деб бақирди Жип.

— Йўқ, ўчираман!

— Ойи! Ойи, ёрдам беринг!

— Нима бўлди? — ошхонадан синьора Бинданинг овози эшитилди: у кирларга дазмол босаётганди.

— Флип телевизорни ўчирмоқчи бўляпти!

— Флип, ўзингдан кетма! — деди онаси, пинагини ҳам бузмай.

— Нега бўлмаса телевизор ичига кириб олади?

— Жип, шўхлик қилма! — деди онаси ишнини давом эттираркан. — Телевизорга тегма, бузиб қўясан.

— Тегинг у ёқда турсин, ичига кириб олди-ку, — деб пичинг қилди Флип. — Бутунлай кириб кетди! Фақат ботинкалари ташқарида қолди...

— Оёқ яланг юрманглар деб, минг марта айтаман! — жавоб қайтарди ошхонадан туриб синьора Бинда.

— Флип ҳам оёқ яланг! — дарров қўшимча қилди Жип.

«Энди ўзим бормасам бўлмайди, шекилли», хаёлидан ўтказди синьора Бинда ва чуқур уҳ тортиб, дазмолини бир четга қўйди-да, хонага кирди.

— Жип!

— Ойи!

— Нима қилиб қўйдинг, ўғлим?

— Айб менда эмас! Чин сўзим! — деди йнгламенраб Жип.— Мен креслода жимгина ўтирувдим... Қаранг...— гўё гувоҳликка чақираётгандай, у креслога ишора қилди.

— Отанг нима дейди энди?!— деди хўрсипиб ўзини креслога ташларкан она.

Шу топ хонага қўшиникига лото ўйнагани чиқиб кетган Эмма хола кириб келди.

— Бу ерда нима бўляпти ўзи? Вой шўрми! — деди у сингласи синьорна Биндага таъна билан қараб.— Мунча бепарво бўлма-санг? Болаларга хавфли ўйинлар ўйнашга қандай йўл қўясан?!

Воқеани бир бошдан гапириб беришди, аммо Эмма хола улар-нинг битта ҳам сўзига ишонмади.

Йўқ, йўқ. Турли хил «сирли» кучлар ҳақида нстаганингизча сўзлашингиз мумкин-у, лекин бола отасидан калтак эмаслик учун телевизор ичига яшириниб олгани менга шундай аён. У кундалик дэфтарини, ундаги арифметикадан олган иккисини бугун кечқу-рун отасига кўрсатиши керак эмасмиди? Мана энди уни тутиб бўп-сан? Адабини бериб бўпсан! Лекин бузоқнинг югургани сомонхо-нагача. Мен ҳозир устага телефон қиламан!

Уста Эмма холанинг узундан-узоқ сертакаллуф чақирғини эшитиб бўлиб, ўн минутлардан кейин етиб келишга сўз берди.

Бу орада телевизорда қизил танлилар ўрнига ёқимли синьор намоийиш қилна бошланганди, у зайтун мойисиз салат тайёрлаш-ни томошабинларга уқтирмоқда эди.

— Минг марта кўрсатган!— деди жаҳли чиқиб Флип ва расм чизишга кириша кетди. У бир варақ қоғоз, бўёқ ва ликобчада сув олиб келиб столга қўйди. Ўзининг чўтқаларига қўшиб Жипнинг чўтқасини ҳам қўлига олган эди, шу ондаёқ Жип экранда акс эта-ётган салат идишидан бошини чиқариб:

— Ойи, қаранг, ану меннинг чўтқаларимни олди!— дея телеви-зор қаршисида ўтирган онасига арз қилди.

— Флип, Жипнинг чўтқаларини жойинга қўй!

Флип онасининг гапларига эътибор бермай Жипнинг чўтқаси билан бамайлихотир ажойиб ҳаворанг бўёқни қоғозга ишқалай бошлади.

Жип экрандан туриб бақирар, ғазабланар, зардаси қайнаб, би-роқ ҳарчанд уришмасин, барибир укасининг онасига мушт туши-риш иложини тополмасди. Бу эса баттар унинг ғазабини оши-рарди.

Жип ўдагайларди. Флип бақирарди. Эмма хола билан она-си эса уларни тинчитишга уринар, бири олиб-бири қўйиб қичқи-рарди.

Ола-говур айни авжига чиққан бир пайтда хонага ўйнинг эга-си банк бухгалтери Жордано Бинда, яъни ота кириб келди. Агар таъбир жоиз бўлса, уни оила бошлиғи ҳам дейиш мумкин.

— Кутиб олишларинг чакки эмас!— деб қайд этди у.

— О-о, ўзингни бос!— деди шошиб синьора Бинда эрини тинч-лантириш ниятида.— Ҳозир уста келади.



— Агар у ҳам сизларга қўшилиб қичқирадиган бўлса, унда тезлик билан ўт ўчирувчилар етиб келишлари ҳеч гап эмас. Сир бўлмаса айтинглар-чи, нега энди уста келиши керак экан? Қир ювадиган машина яна ншдан чиқдими?

— Йўқ, у Жип учун келади.

— Жип учун? Гаров ўйшайманки, ўтган ҳафтадагидек, у менинг соқол оладиган машинами яна бузиб қўйган! Дарвоқе, унинг ўзи қани?

— Мен бу ердаман, дада,— деди хўрсиниб Жип. Бухгалтер Бинда овоз келган тарафга бурилиб қаради-ю, ҳайкалдек қотиб қолди.

— Бўлар нш бўлди,— деб гап қотди Эмма хола.— Энди уни кечиршдан бўлак чораси йўқ! Кейинги чоракда бутун Милан бўйинча биргина Жипимизнинг кундалиги ҳам, арифметикаси ҳам энг юқори — беш баҳо бўлади!

— Кундалик?.. Арифметика?..— гудранди ҳеч нарса тушунмай бухгалтер Бинда.

— Ҳозир мен сенга унинг кундалигини олиб келаман, сен унга қўл қўясан, Жипимиз эса эслик бола, у ҳозир телевизордан чиқадиганда, ҳаммамиз биргаликда овқат егани ўтирамыз.

Эмма хола Жипнинг отаси қўл қўйиши шарт бўлган кундаликни олиб келган стол томон йўл олди.

— Тўхта, тўхта!— дея хитоб қилди синьор Бинда.— Бу ерда балким гап ёмон баҳолар устида бормаётгандир. Гап хавфли касаллик ҳақида бўлса-чи? Кунни кеча қандайдир Родари деган шахс газетага ана шундай касаллик тўғрисида ёзибди. Бутун шаҳарга таниллик машҳур бир адвокат шундай касалликка гирифтор бўлибди — у оиласини, соғлигини, ишларини бир четга йиғиштириб қўйиб, фақат телевизорга ружу қилибди. Унга ҳаётда фақат бир нарса—телевизор кўриш бўлса бас экан. Телевизорнинг рўпарасига ўтириб оларкан-да, кулгили саҳна асарлари, кинофильм, конференция, ахборот, эълон, савдосизлар мактаби машғулоти, этрус вазалари, хуллас, ҳамма эшитиришларни битта қўймай томоша қиларкан. Эшиттиришлар программаси тамом бўлса ҳам у диктор кўриниб қолар деган умидда кеч тунда ҳам телевизорни ўчирмай ўтирарвардиркан. хуллас, у шундай дарди бедавога мубтало бўлган экан

— Нима бўпти?

— Охири шу билан тугабдики, у ҳам шунақа телевизор ичига кириб қолибди ва у ерда роппа-роса уч кун қолиб кетибди. Тасаввур қилиб кўринг-а, костюм ва галстуксиз бир қўйлакда, подтяжкали шимда миқозларни қабул қилишнинг ўзи бўладими!

— У қандай қилиб телевизордан чиқиб олибди?

Ҳурматли бухгалтер Жардано Бинда саволга жавоб берниш учун энди онг жуфтлаган эдики, тўсатдан хаёлага бир фикр келиб қолди. У яшин тезлигида ўзининг квартирасига қарама-қарши хона эшигини тақиллата бошлади. Бу квартирада адвокат

Проспери (ўз-ўзидан маълум, телевизор касалига учрагани эмас, бошқа адвокат, Италияда бундай адвокатнинг сон-саногин йўқ) яшарди.

— Ассалому алайкум! Хўш, хизмат, сеньор Бинда! Ичкарига марҳамат!

— Йўқ, йўқ, раҳмат, худо хайрингизни берсин, ўн минутга телевизорингизни бериб тура олмайсизми?

— Ҳозир-а? Шу лақиқадами? Аммо ҳозир «Ахборот» программаси бошланади, мен шу кўрсатувни кўрмоқчи эдим. Яхшиси — ичкарига кириб, ҳамонки телевизорингиз бузилиб қолган экан, келиб, биз билан бирга ўтириб кўра қолинг.

Бухгалтер Бинда бўлган воқеани қисқача айтиб берди-да, қўшиб қўйди:

— Газетада бу касалликдан қандай қутулиш йўлини ёзишганди! Бунинг учун иккинчи телевизорни ичига касал кириб қолган телевизор рўпарасига қўйиб қўйиш керак экан. Шунда унинг рўпарасида турган телевизор экрани касалнинг диққатини ўзи томон тортаркан-да, у биринчи телевизордан чиқиб, иккинчисига ўтмоқчи бўларкан. Худди шу пайтда иккала телевизорни баравар ўчириш лозим бўлади. Телевизор ичига кириб қолган касални қутқаришнинг шундан қулай усули йўқ эмиш. Сабаби, тоқдан узилганда телевизорнинг тортиш кучи йўқолар экан, касал эса иккала телевизор оралиғидан бўшлиққа тушиб қоларкан. Албатта, у йиқилиб тушиб, шикаст эмаслиги учун олдин ерга гилам тўшаб қўйиш керак бўлади. Газетада ёзилган адвокатнинг ҳаётини шу усулда қутқариб қолинбди, бироқ у ерга йиқилиб тушганида бошининг уч жойи гурра бўлибди. Аммо, гурраларни ҳеч қандай асоратсиз уч ҳафта ичида киши кўрмагандай қилиб юборса бўлади.

Адвокат Проспери қўшинисининг сўзини тоқат билан охиригача эшитди-да, Жипнинг ўзини бир кўрсам бўладими, деди. Жипни кўрди-ю, адвокат Проспери унинг телевизор экранидан тортилибгина салом беришини кутди. У болапақирни мушкул аҳволдан қутқариш учун бажонидил ёрдам беришга тайёрлигини, бироқ бу ишни фақат «Ахборот»дан кейин амалга ошириши мумкинлигини баён қилди.

— Тушунсангиз-чи, бу оқшом мени қизиқтирадиган ягона эшиттириш мана шу,— деб туриб олди адвокат Проспери.

Афсуски, «Ахборот»дан кейин ҳам телевизорни олиб келишнинг иложи бўлмади,— адвокат Просперининг болаларни бараварига шовқин кўтариб, «От ўйин» рекламасини кўрамиз деб оёқ тираб олишди. Ҳарчанд уринишмасин, уларни бу хоҳишларидан қайтаришга олишмади.

Бечора Жип асир тушиб қолган ҳозирги ҳолатида мазкур эшиттиришнинг аччиқ аламинини ҳам бошидан кечиришга тўғри келди. Олдинига ўзи томон катта тубикдан сиқиб чиқарилаётган тиш тозалаш пастасидан зўрға қочиб қутулди, қутулди-ю, ўша заҳоти совун кўшишга тутилди. Сўнг у қуюқ упа булутини ичида қолиб кет-

ди. У қув-қув йўталиб, кўзларидан милдир милдир ёш сизиб чиқа бошлади. Шу ўртада қандайдир ажойиб лак унинг свитериди ўчмас доғ қолдирди. Кўрсатувни томоша қилиб ўтирган Эмма хола-ни қаттиқ ваҳима босди. Флип бўлса муғомбирона кулиб қўйди. Бир вақт экранда пайдо бўлган янги нусхадаги авторучка Жипнинг бурни тагига қуюқ қилиб мўйлаб шаклини чиза кетди. Жип пайт пойлаб туриб экран орқали реклама қилинаётган юмшоқ пишлоқни шартта олиб қўймоқчи бўлганди, аммо пишлоқ ўрнига шу он пайдо бўлган қўланса ҳидли бод малҳам дориси унинг орзига келиб суқилди.

«От ўйин» рекламалар кўрсатуви тугаши билан адвокат Проспери ваъдасига кўра ўз телевизорини қўшнисиникига кўтариб олиб чиқар экан, минғирлаб деди:

— Ҳозир Европа телевиденияси орқали бокс бўйича кўрсатув олиб берилди! Бундай ноёб кўрсатув мени қизиктириб қолиши мумкинлигига наҳотки буларнинг ақли етмас!

Телевизор Жип бор телевизорга юзма-юз қилиб қўйилди. Эмма хола мабодо Жип йиқилиб тушгудек бўлса, лат емаслиги учун иккала телевизор оралиғидаги ерга бир неча қават гилам тўшаб қўйди. Шундан кейин тажриба бошланди.

— Диққат!— деди бухгалтер Бинда.— Буйруқ беришим билан иккала телевизорни баравар ўчирасизлар! Эсингизда бўлсин, иккаловини бир вақтда!— Кейин у Жипни кўрсатиб турган телевизорга ўғирлиб:— Жип, энди сен синьор Проспери телевизорига диққат билан қара!— деди.

Жип худди у айтгандай қилиб, рўпарасидаги телевизорга тикилди. Шу лаҳзадаёқ вужудини яна қандайдир номаълум куч чулғаб олганини сизди. Орадан бир неча дақиқа ўтди, гўё старт олдиди турган ракетага ўхшаб, аъзойи баданида зўр титроқ пайдо бўлди, сўнг экрандан ўқдай отилиб чиқди-да, овоз тезлигидан ҳам кучлироқ шиддат билан хонани у бошидан-бу бошига кесиб ўтди.

Минг афсуски, бу манзарадан донг қотиб қолган бухгалтер Бинда буйруқ беришни ҳам унутиб қўйди. Жип ўша тезликда парвоз қилганча тўғри адвокат Проспери телевизорига ўтиб кетди ва кўздан гойиб бўлди!..

— Жип! Жип! Қаердасан? Сен бизни эшитяпсанми? Жип!

Иккала телевизор экранидан инглиз ва итальян боксчиларининг бир-бирларига зарба беришлари давом этарди. Жипдан эса дом-дарак йўқ эди.

— Бошқа программани қўйиб кўрайлик-чи!

Аммо Жип на у ва на бу телевизор экранидан кўриная демасди.

— Энди нима қилиш керак?

Шу маҳал эшик қўнғироғи чалинди. Худди эрта баҳорда очилган лолақизғалдоқлардек яшнаб-кулиб уста кириб келди.

— Чақиртирганмидингиз? Нима бўлди?

Усталар ҳеч қачон чақирган вақтга етиб келмаслигини етти иқлим билади.

## ОДАМХУРЛИК ҲОДИСАСИ

Стокгольмдаги «Лундквист» клиникасининг директори профессор Лундквист касални янги ихтиро этилган аппарат ёрдамида кўздан кечирмоқда эди. У беморда ичак яраси касаллиги бор деган тахмин қиларди. Янги аппарат, асосан, узун, нигичка шланг-трубкадан иборат бўлиб, унинг бемор ютиши зарур бўлган қисмининг учига катталиги тўғнагичнинг бошидек келадиган телекамера ўрнатилганди. Аппарат ёрдамида беморни текширишдан олдин телекамерали шланг-трубкани касалнинг қизилўнгачи орқали ошқозон қисмига туширилар, шланг-трубканинг иккинчи учи эса телевизорга улаб қўйиларди ва шу йўсинда кузатув давом этаверарди.

— Тайёри?— деб сўради профессор Лундквист ўз ассистенти ва унга ёрдам бераётган икки ҳамширага қараб.

— Ҳа, тайёр,— қисқагина жавоб берилди уччаласи ҳам. Ўз-ўзидан маълум, шведчасига.

Бемор ўрмончи Скогланд ҳам «ҳа» деб қўйди, аммо у жойида жим ётаверсаям бўларди, чунки операция столида ётган беморнинг фикри ҳеч кимни қизиқтирмасди.

— Шундай қилиб, бошладик,— деди профессор. У ўрмончига миттигина телевизион камерали шланг-трубкани ютишни буюрди, сир-асорин профессорнинг ўзингагина маълум бўлган аппарат тугмачаларини босди, программага кирмаган кераксиз акс экрандан бартараф бўлди ва унинг ўрнида пайдо бўлган жаноб Скогланднинг бир неча бор катталаштирилган ичаклари ҳолатини кўздан кечира бошлади.

— Вой!— деб юборди ҳамширалар бараварига (бу ҳам шведчасига, шубҳасиз, сирасини айтганда улар итальянчасига ёки япончасига «Вой!» дейишлари ҳам мумкин эди, ахир «Вой!» дейиш даярли ҳамма тилда бир хил оҳангда жаранг берарди-да!)

— Сиз, жаноб Скогланд, тинч ётинг!— деди профессор.— Ҳозирча оқ қайин ва қарагайнинг нархи хусусида ўйланг, солиқларини ўз вақтида тўлаш лозимлигини устида бош қотиринг... Сизнинг ичагинингизни телевизион камера орқали текшириш нарх борса ўн минут давом этади, холос. Биз ҳозир, мен сизга айтсам, сизнинг овқат ҳазм қилиш лабораториянгиздамыз. Альма, бир оз экранни равшанлаштиринг. Жаноб Скогланднинг ошқозони кўпроқ нур бериб равшан кўришни талаб этади. Мана бу бошқа гап. Қани, диққат билан текширайлик-чи.

Тўрт жуфт кўз экранга қадалди-ю, ҳаммалари тахта бўлиб қолишди.

— Ё парвардигор!— хитоб қилди профессорнинг ёрдамчиси. Ҳамшираларнинг бўлса аллақачон ҳайратдан оғизлари ланг очилиб бўлган. Лекин профессор шунақанги дарғазаб бўлдики, беихтиёр наъра тортиб юборди:

— Ахир бу одамхўрлик-ку!

Телевизор экранида ўрмончи Скогланд ичагининг қоқ ўртасида Жемпьеро Бинда ёки содда қилиб айтганда Жип бекорчилик-

дан буринни ковлаб ўғиргани равшан кўриниб турарди. Ҳамма-нинг кўзи унга қадалганини сезган Жип ўрнидан турди, минг қил-са ҳам тарбия кўрган боодоб бола эмасми, дарҳол эгилиб уларга салом берди.

— Жаноб Скогланд,— деб давом этди профессор.— Сиз касаллингизнинг асосий аломатларини мендан яширдингиз! Болани еб қўйиб ҳеч нима кўрмагандай юравераман, бундан ҳеч кимнинг хабари бўлмайди деган хомхаёлга борган бўлишингиз мумкин. Қингир иш қирқ йилдан кейин ҳам билинади, деган мақолни унутгансиз, ҳойнаҳой. Уялинг! Сизда ҳеч қандай ичак яраси касаллиги йўқ, билдингизми. Сиз ғирт одамхўр экансиз!

Ичагига телевизион камера жойланган аҳволда ётган ўрмончи Скогланд, албатта, профессорга қарши бирор нарса дея олмасди. Бунинг устига экранда нима акс этаётганидан у беҳабар эди. Шунинг учун у бу даҳшатли айбномани тагигача тушуниб етмасди.

— Одамхўрлик!— деди ҳамон ғазабдан тушмай профессор.— Йигирманчи асрнинг қоқ ўртасида одамхўрлик-а! Мустамлака халқлар озодлик ва мустақилликка эришаётган бир даврда баъзи бир ўрмончилар одамхўрлик билан шуғулланмоқдалар!

— Профессор, қўрқа-писа гап қотди ҳамширалардан бири,— ўғил болага ўхшайдимми... Қаранг! У бизга қараб алланималар деб ишора қиляпти! Балки у ҳали тиркидр?!

— Бечора, бунинг устига оёқ яланг ҳам экан, — қўшимча қилди иккинчи ҳамшира.

— Яхшиям пайпоғи бор экан,— деди жаноб Скогландга ўқрайиб қараб турган профессор ёрдамчиси.

Профессор ҳаммани жимлик сақлашга чақирди-да, диққат билан Жипни бошдан-оёқ, тўғрироғи, сочидан пайпоғигача кўздан кечирди.

— Сен ўзингни қандай ҳис қиляпсан?— деб сўради профессор Жипдан.

— Квик, прик квак карамак!— деган жавоб келди жаноб Скогланднинг меъдаси ичидан.

— Ҳеч кимга маълум бўлмаган ғалати тил-ку!— деб қўйди профессор Жипнинг нима деганини сизларга тушунтириб ўтиш лозим, у: «Ҳеч нарсани тушуна олмайман», деб айтган эди!) Профессор Лундквист итальянча биронта ҳам сўзни билмагани учун унга нотаниш овоз кулгилли туюлди. Еки бунинг тескарисини олишимиз ҳам мумкин. Бирров ўзимизни Жипнинг ўрнига қўйиб кўрайлиг-а, профессорга ўхшаб биз ҳам швед тилида сўзлашишни билмаганимизда ҳеч нарса тушунмаган бўлардик. Профессор ёрдамчилари билан сўзлашаётган пайтда улар томонидан Жип фақат: «Квик, прик квак марамак пеперикок!» деган сўзлар чалинди, холос. Буни эшитиб, «Жуда ғалати тил-а!» деб Жип ҳам ўйланиб қолди.

Бахтга қарши ҳамширалардан бири итальянча оз-моз тушунар экан, у қайси бир йили меҳнат таътилини Риччонеда ўтказган эди,

Ўшанда озгина ўргангани ҳозир қўл келиб қолди-ю, айрим сўзларни бир амаллаб таржима қилиб бериб турди.

— Сен ўзингни қандай ҳис қиляпсан?— деб сўради профессор.

— Раҳмат, яхши!— деб жавоб қайтарди Жип.

— У сенга озор бермадими?

— У деганнигиз нима?

— Ким бўларди жаноб Скогланд-да?

— Тўғриси айтсам, мен уни танимайман.

— Ундай бўлса сен унинг курсоғида нима қилиб юрибсан? Мен сенинг ёшингда етти ёт бегона, бунинг устига хорижий бир фуқаронинг курсоғига тушиб юрмаган бўлардим.

— Синьор профессор, қасамёд қилиб айтаман, мен бундан мутлақо беҳабарман!

— Сенинг ҳам айбинг йўқ, жаноб Скогланд ҳам пахтадай оппоқ, бошқалар мусичадай увол: хўш, унда ким айбдор? Балки мен айбдордирман? Швеция қироли айбдордир? Отлиқ қоровуллар айбдордир?

— Биласизми, мен..

— Бўлди! Жим! Қимирламай тур. Сенга ёрдам беришни ўйлаб кўрамиз.

Профессор тўнғиллаганча ўрмончи Скогланднинг ичасидан телекамерални шланг-трубкани авайлаб суғуриб олди. Енгил нафас олган ўрмончи дарров уни саволга тутди:

— Бу ростдан ҳам жиддий гапми?

— Жиддий бўлганда қандоқ!

— Балким, шифохонага бориб ётишимга тўғри келар?

Менимча сиз шифохонага эмас, қамоқхонага бориб ётишингизга тўғри келади. Саккиз ёшли болани бутунлай кийим-пийими билан ютиб юборибсиз, энди хирург ҳузурига келиб, уни бармоққа кирган зирапчадай меъдангиздан осонгина суғуриб ташлатмоқчимисиз? Бу сиз ўйлаганчалик осон иш эмас-ку. Шундан кейин ҳам ҳеч нарса бўлмагандек уйга қайтиб бормоқчи, ўтинларни чакана ёки кўтара савдо қилиб дўппингизни яримта қилиб юрмоқчи бўлгандирсиз?

— Афв этинг, профессор, қанақа бола ҳақида гапиряпсиз, ҳалидан бери?

— Мана бу бола ҳақида,— деди профессор беморни қорнига бармоғини қадаб.

— Лекин мен бу ёқдаман!— Шу он овоз берди Жип.— Мен қачондан буён шу ердаман-ку.

Профессор, унинг ёрдамчиси, ҳамширалар ва жаноб Скогланд бараварига телевизор экрани томон юзландилар ва липиллаб турган тўрт бурчакли ёруғ экранда яна Жип тасвирини кўрдилар.

— Сен ҳали жаноб Скогланднинг курсоғида эмасмидинг?!— таважжубланди профессор.— Сен ғирт халал берувчи акс бўлиб чиқдинг-ку!

— Мен ҳеч қандай халал берувчи акс эмасман!— деди хафа бўлиб Жип.— Менинг исми шарифим Жемпьеро Винда, мен Мианда яшайман, мен телевизорга...

— Бу телевизорга тил теккизма, у менга қарашли!— бақира кетди профессор.— Уядан кейин, бу ер Стокгольм! Менинг ишимга халал беришга ҳақнинг йўқи! Бу бориб турган безорилик! Ҳатто буни шпионлик ҳам дейиш мумкин!

Қим билсин, Жипнинг паҳмоқ бошига у бундан ташқари яна қандай айбномаларни қалаштириб ташлаши мумкин эди, аммо шу топ бирдан чироқ ўчиб ҳаммаёқни зим-зиё қоронғулик қоплади. Ток келиб, электр лампочкалар қайта порлаганида телевизор экранда Жипнинг сояси ҳам кўринмасди, экран қор босган майдондек, оппоқ бўлиб турар эди.

Жаноб Скогланд нега профессор Лундквист уни одамхўр деб ҳақоратлаганига тушуна олмай, бошини чайқаганча хонани тўрқ этди. Ҳаддан ташқари асабийлашгани туфайли профессор бемордан қабул ҳақи олишни ҳам эсидан чиқариб юборибди.

## ЖИНОЯТЧИНИ ҚУЛГА ОЛИШ

Рейн қирғоғидаги эски бир немис қасрининг тагхонасида жуда ҳурматли икки жаноб шахмат ўйнаб ўтирарди. Улар ўқтин-ўқтин телевизор экранига кўз қирини ташлаб, ундан гардероб-вешалкаларга илиб қўйилган пальтоларга назар солиб қўйишарди.

Экрандаги тасвир ўзгармасдан бир зайлда турар, экранни бўш тутмаслик мақсадида кўрсатувлар оралиғида намоён бўлувчи нақшли безакка ўхшаб қилт этмасди. Тўғри, одатда бундай вақтларда ҳаракатсиз қотиб турган безакдан кўра яйловда ўтлаб юрган қўйларни, сув отилиб турган фавворани ёки меъморлик ёдгорликларидан бирини кўрсатиб туришларди. Бу сафар эса ана шундай манзара ўрнида оддий гардероб шаклидан фойдаланилганди. Қачондан бери бу усул телевиденияда одат тусига кириб қолганлиги эса аниқланмаган.

Кези келганда гап нима устида бораётганини энгизга тушунтириб ўтсам айни муддао бўлур эди, деб ўйлайман.

Биринчидан, эски қасрда кўп асрлардан бери Бармштадт шаҳрининг ифтихори бўлиб келмиш қадимий кутубхона жойлашганди.

Иккинчидан, икки ажойиб шахматчи бўлиб, булар профессор Сильвиус Леопольд Линкенбейн, яъни кутубхона директори билан полиция катта инспектори Георг Вильгельм Фридрих Рехтенбейнлар эди. Фаҳмлаган бўлсангиз керак, буларнинг ҳар иккаласи ҳам телевизор ишқибози деган дарди бедавога гирифтор бўлмаган.

Учинчидан телевизор экранидан заставка ўрнида кутубхона гардеробхонаси кўриниб турарди.

Тўртинчидан, гардеробхона деворига осиб қўйилган суврат ромига кичик телекамера ўрнатилганди. Бу телекамера ёрдамида ҳамада юз бераётган ҳамма нарса суратга олиниб, пастга, профессор билан полиция инспектори ўтирган тагхонадаги телевизор экранда ажс эттириларди.

Бешинчидан, бу махфий кузатиш системасининг бу ерга ўнатилаётганидан мақсад, ҳалиги... сабр қилинг. Гап шундаки, телевизор экранида чап томондан гардеробхонага нотаниш бир ёш йигитча гириб келаётгани кўринди. У пальтосини ечиб, осиглиқ кийимлар қаторига илди-да, гардеробхонадан чиқиб кетди.

— Тагин у эмас!— деди профессор.

— У эмас тагин!— унинг гапини маъқуллади полиция инспектори ниҳоят сўзларнинг жойини алмаштириб. Бироқ сўзларнинг жойи алмашгани билан маъно ўз ўрнида қолиши ҳеч кимга сир эмас.

Шундай қилиб, жаноблар яна қайтадан шахмат ўйинига муккаларидан кетишди. Агар улар экранга қайта назар ташлаганларида эди, уйлиб ётган китоблар орасидан чиққан сичқонни кўрган бўлардилар. Лекин бунга ҳеч ким эътибор бермади. Сичқон хафа бўлиб, кўздан йўқолди. Орадан яна бир оз вақт ўтди, гардеробхонада икки келишган қиз пайдо бўлди. Улар кийим илғичлар олдида тўхтаб, майин юнгли пўстинчаларини ечиб, илиб қўйишида (пўстинчалар одми бўлиб, албатта, қимматбаҳо қоракўзан мўйнасидан эмасди) чиқиб кетишди. Қизларнинг ҳар бир ҳаракати профессор билан полиция инспекторининг назаридан четда қолмади. Қизлар телевизор экранидан ғойиб бўлгандан сўнг профессор:

— Жуда кетиворган қизлар эканми?— деди.

— Нимасини айгасиз,— шеригининг гапини маъқуллади полиция инспектори,— аммо бизнинг ишимизга уларнинг ҳеч қандай даҳли йўқ.

— Бизнинг ишимизга — бу ҳақ гап!— деб хотима ясади профессор журъатсизгина пиёдаани сураркан.

Бирдан телевизор экранида Жип пайдо бўлди. Иккала кузатувчи дарҳол шахмат ўйинини бир четга йиғиштириб қўйди.

— И-е!— таажжубланди профессор.— Буни қаранг, ўғил бола-ку!

— Ўғил бола оёқ яланг!— унинг гапига қўшилди полиция инспектори.— Қизиқ, нега у оёқ кийимини ечиб олдийкин? Сиз буни қандай баҳолайсиз, профессор?

— Эҳтимол, бу ниҳоятда муҳим далилдир,— таъкидлади у.— Балким, биз, ниҳоят, икки ҳафтадан бери кутубхона мижозларининг чўнтагини тозалаётган киссабурни қўлга олармиз.

— Ассалому алайкум!— деб қолди шу он Жип. Профессор билан полиция инспектори бир-бирларига кўз ташлаб қўйишди.

— Мен мамнунят билан шунга қайд этмоқчиманки, сиз итальян тилини биласиз!— деди профессор полиция инспекторига.

— Хушомаднингизга ўзимнинг чексиз миннатдорчилигимни изҳор этаман, аммо шунга айтиб қўяйки, ўша дақиқада итальян тилида бир сўз ҳам айтганим йўқ!

— Бироқ мен ҳам оғзимни очганим йўқ!

— Тилчингизни бузганим учун кечирасиз,— экрандан туриб гап қолди Жип,— сиз менга қаердалигимни тушунтириб беролмайсизми? Менинг тўлиқ исмим Жемпьеро Бинда, Миланда, Сет-



тебри кўчаси, бир юз етмиш бешинчи уй. Ун тўртинчи квартира-да яшайман...

Икки ҳурматли шахматбоз буйруқ берилгандай сапчиб ўрнидан турди-ю, телевизор ёнига келди.

— Жойингдан қимирлама!— деб бақирди полиция инспектори Жипга. У шартта қўнғироқчани олиб чалганди, зум ўтмай экранда полиция мундиридаги икки киши пайдо бўлди. Улар гардеробга қўшни хонада пистирмада туришганди, қўнғироқ овозини эшитишлари билан югуриб чиқиб, ўғрининг қўлини кишанлаш учун ҳозир бўлишганди. Лекин атрофни ахтариб, пальтоларнинг орасини тинтиб, улар ҳам нима қилишини билмай доғ қотиб туришарди, чунки гардеробхонада улардан бошқа зор ҳам йўқ эди-да!

— Эшшаклар!— ер депсиниб бақирди полиция инспектори.— Яна бир бор эшшаксанлар! Бошларингда ўн олтига қулоқ бор! Мана — рўпарангизда турибди-ку. Аҳмоқона кўтарилган бурунларингни буриб қарасаларинг ўлиб қоласанларми: ўғри ҳеч ҳам бекинмай, шундоқ ёнларингда турибди-ку. Ҳой бола, ҳўитакка тушмаясанми мабодо?— бақирди у Жипга қараб.

— Йўқ, сиз янглишяпсиз!— деди ҳўрт кесиб Жип.

— Овозингни учир! Биз сени жиноят устида тутиб олдик! Фақат ўғриларгина бир жойга билдирмай кириш ниятида шунақа оёқ кийимини ечиб киради.

— Лекин мен оёқ кийимини креслонни ифлос қилмаслик ва ҳулайроқ ўтириш ниятида ечиб қўйгандим. Бундан ташқари, мен бу ерда ўз ихтиёрим билан турганим йўқ, асирдаман...

— Жуда соз! Демак, сен ўзинг қўлимизга тушганингга иқдор бўлясан. Бу, ҳар қалай ёмон эмас!

Бу орада полицайлар гардеробни тинтиб, ҳеч кимни топа олмаганларидан кейин, бошлиқларидан яна таъна эшитмаслик мақсадида тўнғиллай-тўнғиллай кўздан ғойиб бўлишди.

Полиция инспектори бўлса ҳамон удағайлашда давом этарди:

— Ҳозир айт деяпман сенга: ўғирлика ким ўргатди-ю, ўғирланган пулларни қаерга яширдинг? Ташвиш қилма, ота-онанг сени ўғирлик устида қўлга тушириш учун бу ерга махсус телсвизион аппаратларни ўрнатишга мажбур бўлганимиз учун ҳам шу тўлайди.

Ота-онаси эсига тушиб, Жип йиғлаб юборди.

— Йиғлаяпти!— мағрурона хитоб қилди полиция инспектори.— Демак, бўйнига оляпти.

Аmmo профессорнинг миясида бошқа фикрлар чарх урарди.

— Ҳурматли инспектор, бирпас сабр қилинг. Ахир ўғри кутубхонага қатновчилар орасида бўлиши ҳам мумкин-ку, шундэй эмасми? Мен комил ишонч билан айта оламанки, бу болани илгарги бу ерда ҳеч кўрмаганман. Қолаверса, мен ҳам отамап, менинг ўғлим, ҳатто набирам ҳам бор, шу боис болаларнинг сарак-пучагини бир қарашда фарқлай оламан. Фақат бир нарсага тушунмай турибман, нега бу бола оёқ кийимсиз юрибди? Ранг-атворига қараб эса ўғирликка ихлос қўйган деб айтгани ҳам тилим бормай-

ди.— У шундай деб туриб Жинга мурожаат қилди:— «Менга айтчи, болакай, сен ҳозир қаердасан?»

— Мен ҳам худди шуни билишни жуда-жуда истайман. Менимча, телевизор ичида бўлсам керак...

— Гардероб хонасида эмасмисан? Сен илғичларда осилиб турган пальтолари кўряпсанми?

— Кўряпман. Лекин пальтолар телевизор экранидан кўринмаяпти. Қандай қилиб тушунтирсам экан?.. Ҳақиқий пальтони эмас, уларнинг аксини кўряпман. Мен ахир телевизор экраниданман-ку, тушуяпсизми?

— Мана, кўрдингизми, — деди хулоса чиқариб профессор, — болакайда ҳеч қандай айб-йўқ, у бамисоли булоқ сувидай тоза. Қим билади, телевизорнинг бирор жойи ишдан чиқиб, бошқа станция улашиб қолганими.

Профессор тагин бир нима демоқчи бўлиб эди, бирдан жимиб қолди: телевизор экранда савлатдор жаноб пайдо бўлди. У пальтоси ва шляпасини кия туриб атрофга назар ташладида... чаққонлик билан бегона пальто чўнтагига қўлини суқди. Кейин кийим илғичдаги ҳамма пальтолarning чўнтагига бир-бир қўл суқиб, улардан ўзига ёққан нарсаларни олиб, ўз чўнтагига жойлай бошлади.

Бу гал позиция инспектори фурсатин қўлдан бой бермади. У кўнгироқни чалган эди, полицайлар яшириниб турган жойларидан отилиб чиқиб, ўғрини ушлаб олдилар. Утун қочишга ҳаракат қилди-ю, бироқ уддасидан чица олмади.

Энди телевизор экранида яна бўлиб ўтган воқеаларга совуққонлик билан қараб турган Жип акс этиб турарди. Профессор билан полиция инспектори эса хижолат ичида бир-бирининг юзига қарашга ҳам уялиб, тил тишлаб қолишди.

— Шундай қилиб, сен Миладанмисан?.. — деб сукунатни бузди охири тоқати чидамай профессор. — Чиройли шаҳар... Черков... Даҳма... Леонардо да Винчининг «Кечки ибодатхона» суврати... Биламан, биламан... У ерда бўлганман!

— Бари бир сиз менинг отамни билмайсиз! — деди Жип. — Отам Эмма холанинг гапига ишонини мумкин. Холамининг фикрича гўё мен кундалик дафтарини отамга кўрсатишдан кўрқиб, уйдан қочиб кетган эмишман. Бор-йўғи арифметикадан иккин олганман, холос.

— Арифметикадан-а! Бу яхши эмас! Ингирманчи (гарда-я? Темирдан ясалган машиналар ҳисоблашни билсан бир пайтда сен дабдурустдан арифметикадан иккин олсанг... Хўш, ўзи нима гап? Нега арифметикани ўзлаштиришинг қийин бўлиб қолди? Бу гоят завқли фан-ку! Ҳойнаҳой бўлиш амали сени кўпроқ қийнаса керак?

— Йўқ, — деб жавоб берди Жип, — бўлиш эмас, ўлчав билан оғирлик жадвалидан қийналамаман. Мен ҳар доим гектолитрни гектометр билан чалкаштираман. Масалан, Бардан Барнеттагача бўлган масофани ҳамда меҳмонхона хўжайини сотиб олган винови нима билан ўлчашни ҳеч қачон эслаб қололмайман.

— О, бу даҳшат, ҳа; жуда ҳам даҳшат! — хитоб қилди профессор италян тилида ва кетидан немисчасига: — Шреклик! — деб қўшиб қўйди, бундан ҳам худди шу маънони англатарди.

Полиция инспектори булар ҳақ бирининг даҳшатли жойи йўқлигини, балки уларнинг роҳатларининг қайт эди. Бироқ Жипнинг ўлчов ва оғирлик жадвалини ўзлаштиролмади қийналаётганига раҳми келди. Кетидан эса қандайдир меҳмонхона хўжайини ўрнига ва унинг ўзи йўқлигидан ҳисоб-китоб ишларини болаларга мажбурлаб бажаришнинг софдан эмас, деб қўшиб қўйди.

Охири иш шу билан туғадими, профессор ва полиция инспектори қўлга тушган ўғри тантанасини нишонлаш бир ёқда қолиб, Жипга ўлчов ва оғирлик жадвалини тушунтиришга киришиб кетишди. Улар бирларидан рўққани тортиб олиб ён дафтаришларига бири-бирдан мураккаб формулаларни ёзар эканлар, ора-чора қаттиқ баҳслашиб ҳам кетар эдилар. Ниҳоят дециметрларни декаметрларга айлантиришга ўта бошлаганларида улар Жипни бутунлай унутиб қўйдилар. Пировардида баҳс иккала томоннинг келишуви билан ниҳоясига етди. Шу ерга келганда бирдан Жип уларнинг эсига тушиб қолди-ю, ял этиб телевизор экранига қарашди. Қарашди-ю, иккаласи ҳам мисоли гипсдан ишланган бир жуфт ҳайкалдек қотиб қолишди — уларнинг вазни центнерлар билан ўлчанади! — ерга кирдимми, кўкка чикдимми, экрандаги Жипдан ном-нишон йўқ эди. Телевизорнинг бўм-бўш экани улар томон безрайиб қараб турарди, холос.

## САТУРНИКЛАР ЛОТИНЧА СЎЗЛАША ОЛАДИМИ?

Кейинги кунлар мобайнида телевизор экрани бир неча мартаба Жипнинг дунёнинг турли шаҳарларида кезиб юрганини намойиш қилди. У гоҳ бир шаҳарда, гоҳ бошқа шаҳарда пайдо бўлар, биринчи программада юрган бола бирдангина тўртинчига ўтиб кетар эди. Шу ҳолда у худди керакли уяга туша олмай, стол устида у ёқдан бу ёқда юмалаб юрган билард соққасидан сира фарқ қилмаеди.

Ўша кунинг тонг отарда уч мачтали «Мерендина» елканли кемаси Марселдан овиқ денгизга чиққанди. Кемада италян ва франсуз телеоператорларининг катта гуруҳи, тажрибали говвоелар ва маллоҳлар бор эди. Кема мўлжалдаги манзилга етиб боргандан сўнг сувга лангар ташланди. Кемадагилар ўзлари билан олиб келган махсус телекамераларни олиб, денгиз остига тушинди ва ўша ердан туриб Рим императори Траяна вақтида чуқиб кетган, вино ва ёғ ортилган кемадан ажойиб телевизион кўрсатув олиб боришга ҳозирлик кўра бошлашди. Чуққан кемани сув остига шўғилли билан шугулланувчи бир ҳаваскор говвоелар тошган эди.

«Мерендина» да италян ва франсуз телевизион марказининг техниклари телеэкранда содир бўлаётган воқеаларни кузатиб турардилар. Улар қувноқ кайфиятда бир-бирларига гоҳ телеобъек-

тивдан чўчиб қочиб кетаётган сельд балиғини, гоҳ улар томон бақрайиб қараб турган болта балиқни кўрсатишарди. Шу қараб туришида балиқлар қанотларини силкиб, худди «чао, чао!» («салом») деб юборадигандек туюларди. Бундай ҳолатда ҳатто энг жиддий шарҳловчилар ҳам телекамера суратга олаётганини билиб, қўл силкиб қўйишдан ўзларини тутолмайдилар-ку.

Мана, экранда чўккан кеманинг тасвири намоён бўлди. Уни қарийб икки юз йилдан буён тўлқинлар майини эркалар, Траяннинг ер тагида илон қимирласа биладиган сезгир авлодлари нигоҳидан яшириб, денгиз қаърида авайлаб сақлаб келарди. Энди бўлса қўпол скафандрдаги ғоввослар унинг тинчини бузаётганди. Ғоввослар кемадаги туйнук орқали унинг ичкарисига кириб бора бошлашди. Сирли гира-шира қоронгилик ичидан бир саф қилиб териб қўйилган қадимий хумлар кўринди. Қаерда туриш хумлар учун барибир эмасми — хоҳ қадимги рим императорининг вино сақлашувчи ертўласида бўлсин, хоҳ денгиз қаърида бўлсин, бунинг заррача аҳамияти йўқ эмасми... Бирдан экранда Жип кўриниб қолди-ку. «Мерендина»дагилар ҳаяжондан ҳайқириб юбордилар:

— Қаранглар — мурда!

— Йўғ-е, бу бола-ку!

— И-е, ростдан ҳам бола экан. Чўкиб ўлган одам атрофга бунақа қувонч билан боқмайди-ку!

— Балки бу сув парисининг ўғлидир?

— Йўқ! Унда унинг балиққа ўлашаш думи бўлиши ва оёғида пайпоғи бўлмаслиги керак эди...

Бироқ Жип қандай фавқулодда пайдо бўлган бўлса, шундай тез кўздан гойиб бўлди. Ғоввослар сув остидан чиққач, на болани, ва чўкиб ўлган одамни, на сув парисининг ўғлини кўрганларини айтишди, у ерда фақат оддий балиқлар ва қадимий хумларга ёпишиб олган чиғаноқлардан бўлак ҳеч вақо кўзга таълалмагани ҳақида ахборот бердилар.

Бу ҳодиса эрталаб соат еттида юз берганди. Соат саккизда эса Мисрдаги Сувайш каналида ҳаракат аини қайнаган бир пайг эди: турли-туман кема ва пароходлар, агар жуғрофий харитага ишонадиган бўлсак, Урта ер денгизини Қизил денгиз билан боғлайдиган тор канал бўйлаб сузиб борарди. Шу сув йўлидан сузиб ўтадиган барча кемалар каналга кириб борувчи сув йўлида жойлашган диспетчер рубкасида берилган буйруққа бўйсунган ҳолда яш кўрар эдилар. Уша рубкадан туриб бутун каналнинг эню бўйини баралла кузатиш мумкин бўлар эди. Канал қиргоқларига ўрнатилган саноксиз телевизион камералар шундай имконият туғдириб берарди.

Одатдагидек ҳамма иш тартиби билан ўз маромида борарди лекин орадан бир оз вақт ўтгач, навбатчи лоцман Аҳмаднинг кўзига экранларининг бирида ғалати сурат ташланди. Худди шундай айёр ва ғалати болани у бир неча дақиқа илгари «Онассис» грек пароходига кўрганди. Қизиқ, қандай қилиб у энди Голландиянинг мисфи ташувчи «Синноза» танкерда пайдо бўлиб қолди?.. Е тов-

ба! Бунисига нима дейсиз — энди у ҳўкўзлар ортилган катта солдэ турибди-ку.

«Ақлга сигмайди! — деди ўзича Аҳмад кўзини ишқалаб. Ахир қароқчиларга ўхшаб пароходдан-пароходга сакраб юришга унинг нима ҳақи бор? Бу жиноят-ку!»

Жипнинг экрандаги акси араб султонига қарашли қайси бир жуда аjoyиб яхтанинг елканлари орасида бир оз муддат тебраниб турди-да, кейин кўздан гойиб бўлди. Аҳмад барга телефон қияиб ўзига аччиқ қаҳва буюрди. «Бу кеча ёмон ухлагандим, шунинг учун ўнгимда ҳам туш кўраётган бўлишим мумкин», — деб ўйлади мисрлик лонман.

Тахминан худди шу вақтда Югославияда ўзининг ёғочдан ясалган уйида бир ўрмончи яшарди. У печкасига ўтин қалаб, ўзининг олдида бемалол жойлашиб ўтириб олди-да, трубкасини ҳузур қилиб торганча телевизор томоша қила бошлади. Сабаби, унга экран орқали ўрмонни зийраклик билан кузатиб ўтириш топширилганди-да, мабодо ўрмонга ўт кетгудай бўлса, у дарҳол хабар бериши лозим эди. Умуман, қишда ўрмонга ўт кетиш ҳоллари кам учрайдиган ҳодиса, шунинг учун бу фаслда ўрмончининг хизмати анча енгил кечарди.

Ўрмончи ҳузур қилиб трубка тортиб ўтирар экан, бир дақиқа кўзи илинганини ўзи билмай қолди. Бир вақт кўзини очиб қараса экранда ўрмон сўқмоқларини ўзи эмас, аллақандай нотаниш бир болакай кузатаётинди. Хайратдан оғзи ланг очилиб, беихтиёр чекиб турган трубкасини тушириб юборди. Бечора умрида эртаклардаги мўъжизаларга ишонган банда эмасди, ҳозирги аҳволни кўриб у ўзини гамом йўқотиб қўйди. То у ҳушнинг тўплайман дегунча Жип ўрмончи билан хайр-маъзурни ҳам насия қилиб экрандан гойиб бўлди.

Ўша куни Жип жуда кўн жойларда бўлди, домна печи ичида, чуқур шахтада, намаълум қамоқхона йўлакларида, нотаниш банкнинг лўлат сейфи ичида. У одатдаги программдан махсус олиб борилаётган программага сакраб ўтар, ёки бунинг акси бўларди. Бир гал у совет телевиденияси орқали олиб борилаётган комедияга тушиб қолиб, озмунча халақит бермади, ундан кейин эса дашлякларнинг концерт программасига, сўнг канадаликлар телевиденияси орқали кўрсатилаётган ревьюга, ундаш кейин Америкага кўчиб ўтди. У ерда беш етук экспертнинг томошабинлар билан солиқлар ҳақидаги янги қонун муҳокамаси устида ўзаро фикр алмашаётган стол устида ўйинга тушди. Ва ниҳоят, у Хитойга бориб қолиб, у ерда акробатлар билан бирга гилам устида пришлади...

Шундай қилиб, кун ҳам ўтди. Тунда, Англиядаги Жодрэл Бенк расадхонасининг фалакшунослари ўз радиотелескопларини Сатурнига тўғрилаб, сирли сайёранинг катталаштирилган ва равшанлаштирилган тасвирини кўришга ҳозирлана бошладилар. Телевизорларни шай қилиб, экранга кўз тикиб ўтирган фалакшунослар

не кўз билан кўрсинларки, Сатурнинг бениҳоя катта меҳвари бўйлаб афти-ангори одамга жуда ўхшаб кетадиган бир махлуқ сайр қилиб юрибди. Фалакшунослар ҳаёг-маиғ бўлиб қолдилар. Сиз дарров англамаган бўлсангиз керак-а? Ҳа, бу Жип эди. Аммо у бизнинг Жип эканини фалакшунослар қаёқдан билишарди. Шу боис улар фазода илк бор ерликка ўхшамаган махлуқни топдик, уни шу кунгача ердан туриб ҳеч ким ва ҳеч қачон кўрмаган, деган қарорга келдилар. Шу пайт Жип экран қаршисида ўтирганларга қараб:

— Сальве! («Салом!» дегани),— деди.

— Бошланиши чакки эмас!— хитоб қилди доктор Морган.— Бу сатурник тирик жон лотинча сўзлаяпти.

У Жипга жавобан Цицерондан ажойиб жумла келтирмоқчи эди, бироқ шу он Жип кўздан ғойиб бўлди. Доктор Морган чуқур хўрсиниб:

— Яна доктор Пойнтернинг навбатдаги ҳазили бўлса керак!— деди норози оҳангда.

Доктор Пойнтердан қарз бўлиб қолмаслик учун у телефон гўшагини кўтарди-да, шундай деди:

— Адмирал Нельсон ҳаммамизни кечқурун уйига таклиф этди. Хусусан, сизнинг фракда ва мўйлабингизни бураб боришингизни қаттиқ ўтиндилар.

## БИР БОЛА УЧ СУНЪИЙ ЙҮЛДОШГА АРЗИЙДИ

Жипнинг йўқолганидан чорак соат ўтиши биланоқ синьор Бинданинг уйига бир йўла телевизион компаниясининг вакили билан полиция инспектори етиб келди. Уларга бу ғайриоддий ҳодисани текшириш топширилганди. Улар уйга кирганларида синьора Бинда йиғлаб ўтирар эди, Флип эса креслода ухлаб ётарди. Эмма хола бир печа гиламчани кучоғида кўтариб турар, синьор Бинда эса ўз телевизорини уйига олиб кетмоқчи бўлган адвокат Просперни билан қаттиқ тортишарди.

— Тушунсангиз-чи, ахир, — дерди бухгалтер қўшнисига гап уқтиришга ҳаракат қилиб, — ҳар дақиқада Жип кўриниб қолиши мумкин! Иккита экраннинг қайси бирида кўринишини биз қаёқдан билиб ўтирибмиз?

— Бўпти, у менинг телевизоримда кўриниб қолса, ўзим сизга хабар берман! — деб уни ишонтирмоқчи бўларди адвокат. — Аммо бу бўлмаган гап. Чунки сизнинг Жипингиз бугунги кўрсатувлар программасида эълон қилинмаган. Ҳозиргина ўз кўзингиз билан программани кўриб чиқдингиз-ку. Футбол ўйинидан кейин уй бекаларининг клуби, унда қайси усул билан шўрвага кўкат солинса яхши натижа бериши ҳақида мунозара кетади. Бу оқшом мана шу ягона кўрсатув мени қизиқтиради. Биронта маъқулроқ маслаҳат чиқиб қолса, магнитофонимга ёзиб олиш ниятим ҳам йўқ эмас.

— Аммо сиз бу ишни шу ерда, бизникида қилсангиз ҳам бўлаверадик-ку! Марҳамат қилиб мана бу ерга ўтириб олинг! Бу жу-да оромижон кресло!

— Йўқ, бўлмайди, синьор бухгалтер! Мен ўз креслойимга ўрганганман! Бунинг устига у қора чармдан ишлапган. Меиякида яна оёқ қўйиб ўтирадиган махсус стулчам ҳам бор. Кейин, билмайман, қандай қилиб сиз... Хулласи калом, мен ётиб ухламоқчиман...

— Телевизорни ҳам ўчириб қўясиз?

— Албатта.

— Аммо бугун бундай қилишга йўл қўймайман! Жип уйга қайтиб келиши учун телевизор қўйиғлиқ туриши шарт!

— Бундан чиқди сиз уни бутун тун бўйи қўйиб ўтирмоқчимисиз?

— Керак бўлса тун бўйи қўйиб ўтираман. Биз экран қарши-сида галма-галдан навбатчилик қиламиз.

— Кечирасиз-у, бу ҳолда кинескоп бутунлай ишдан чиқади... Йўқ, йўқ! Мен телевизоримни ишдан чиқаришингизга йўл қўймайман!

Худди шу ерга келганда баҳса полиция инспектори аралашди. У синьор Бинда сўзсиз ҳақлигини билдирди ва адвокат Просперо ён беришга мажбур бўлди. Бироқ у уйдан чиқиб кетиш олдидан ўзининг оғзаки норозилигини муносиб тарзда кескин изҳор этди.

Илҳоят, телевизион компания вакили билан полиция инспектори текширувга киришишди. Бироқ шу заҳотиёқ ишни тўхтатишди! Чунки на унис, на буниси ишни нимадан бошлашини биларди. Иккаласи ҳам бу гайриоддий, ақл бовар қилмайдиган ҳамда тушунтириб бўлмайдиган ҳодиса деб ҳисоблашарди.

— Ахир бунга ўхшаш воқеа яқинда содир бўлган эди-ку, — деб сўзида қатъий туриб олди синьор Бинда, — мен ўзим бу ҳақда қандайдир Родари деганининг мақоласини ўқиган ҳам эдим. Унинг ёзишича, бу бир касаллик экан. Докторлар ҳатто унга ном ўйлаб топишга улгурмаган. Янглишмасам, «телевизорўчилик» бўлиши керак.

— Навбатдаги уйдирма, ҳурматли синьор Бинда! Бунинг ҳаммаси газетачиларнинг уйдирмаси! Ўзингиз биласиз-ку, бу журналистлар нималарни ўйлаб топишмайди, уларга фақат қизиқарли бўлса бўлгани!

— Тўғриликка тўғри-я! — суҳбатга қўшилди полиция инспектори ва қайсидир журналистнинг машҳур Пиза минораси ўғирла-ниши ҳақида нималар ёзганини бир бошдан сўзлаб кетди:

— Виласизми, гўё минорани қай йўсинда ўғирлаб кетишни аввал у ўйлаб топганмиш. Унинг ёзишича, минорани бўлак-бўлак қилиб олиб кетишганмиш! Ҳатто қадимий ёдгорликларни ўғирлаш-га ихтисослашган ўғирлар тўдаси тўғрисида ҳам эринмасдан ба-тафсил ёзибди. Ушанда бутун Италия қаттиқ ҳаяжонга тушганди. Лекин бу хабарнинг сохта эканлигини исботлаш қийин бўлмади. Телетомошабинларга минора расми акс этдирилган откриткаси

намойиш қилинганда, ўша ондаёқ ҳамма унинг ўз жойида турганига ишонч ҳосил қилди-қўйди. Лекин баъзилар кейин ҳам бу ҳақда анчагача гапириб юриб, дупёдаги бор ёмон сўзлар билан полицияни ҳақоратлади.

Полиция инспектори хизмат борасидаги қийинчиликлардан зорланиб турганида Эмма хола қўлтигидаги гиламчаларни жой-жойига тўшаб чиқди. У атрофга назар ташлаб, буйруқбозликни ўз зиммасига олишга қарор қилди: синьора Биндага Флиппи тезда ўз тўшагига олиб бориб ётқизишни айтди, тезроқ қўрқувини босиш учун боланинг қоринга иссиқ грелка қўйишни бухгалтер Биндага Сюрдн. Сўнг меҳмонларни қўлбола ликёрдан тотиб кўришга даъват этди. Шундан кейин қоғоз билан қалам олди-да, телевизор олдида ўтириб, навбатчилик қилиш учун рўйхат тузди.

Футбол ўйини тугади, уй бекалари кашинчсимон кўкати қай тариқа шўрвага солса, яхши натижа бериши ҳақидаги программа ҳам ниҳоясига етди, хушрўй диктор қиз ҳаммага хайрли тун тилаб хайрлашди ҳамки, экранда Жипдан қайта ном-нишон кўринмади.

Эрталаб почталёон газеталарни олиб келганда уларнинг саҳифасини галати сарлавҳалар тўлдириб турарди:

«Экран ўз ўлжасини қайтарадими?»

«Телевизор саккиз ёшли болани ютиб юборди».

«Биринчи программанинг мудҳиш жинояти!»

«Жип, ўз антеннагга қайт!»

«Телевизион ўғирлар тўдаси шаҳарни талон-тарож қилмоқда!»

Сарлавҳалардан кейин келадиган мақолаларнинг мазмуни бундан ҳам даҳшатли эди. Ҳар бир мақола тафсилоти алоҳида уелубда турли-туман йўсинда тасвирланганди. Улардан бирйда Жип «оқ сариқ сочли фаришта» дейилса, бошқасида — «шўх, қўш-ниларнинг эшик қўнғироқларини ўйнайдиган бола» тарзда баён этилганди. Қайсибир газета адвокат Просперн бундан ҳам тааж-жубуброқ маълумотлар бериши мумкинлигига шама қилганди; сабаби, Жипни ютиб юборган телевизор адвокатга қарашли эди-да. Бошқа газета материалга ишонадиган бўлсак, унда боланинг телевизор ичига кириб қойиб бўлиши ҳақиқат бўлмай, балки полициялар ўйлаб чиқарган уйдирмадан бошқа нарса эмас, дейилганди. Жипни само келгиндиларни ўғирлаб кетишган, яна ҳам аниқ-роғи у марсликлар қурбони бўлган, чунки улар кўзга кўринмайдилар ва шу хусусиятлари билан ўта хавфлидирлар, деб ёзарди яна ҳалиги газеталар.

— Марсликлар! Кўзга кўринмаслар!— газабланди Эмма хола ва газетани ахлат қутисига улоқтирди. Илоё журналистларнинг ўзлари кўзга кўринмайдиган бўлиб қолсинлар!

Кечки газеталар ҳам Жип ҳақида турли хил бўлмағур хабарларни босибди. Лекин газеталарда бир чақага арзийдиган ҳақиқат йўқлигини ҳамма биларди. Бўлмаса бир хил ёзилган икки газета топилмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Биттаси Жипни гўё Шве-



цкяда юрганмиш деб уқдирса, иккинчиси болани Голландияда кўришибди, учинчиси бўлса Сувайш каналда, ҳайратомуз саргузаштларни бошидан кечириб юрибди деб айюҳаннос соларди.

— Мен бу ярамасларга Сувайш канални кўрсатиб қўяман! — деб зугум қиларди синьора Эмма. — Ақл бовар қилмайдиган нарсаларни ўйлаб тонишадн-я!

Телсвизор қаршисида навбатчиликнинг яна бир кечаси ўтди. Барибир Жип экранда бошқа кўринмади. Эрталаб почтаълон янги газеталарни олиб келган эди, синьора Эмма уларни олишдан кескин бош тортди.

— Менга бу матоҳларнинг кераги йўқ, — деди у қичқириб. — Эндигитдан нари бу уйда газетанинг йиртиқ парчаси ҳам бўлмайди! Ҳатто мевафуруш ертут солиб берган ўрамни ҳам йўлатмайман! — Шундай деди-да, у эшикни ёпмоқчи бўлди, лекин почтаълон бақириб деди:

— Тўхтанг, тўхтанг! Бу ерда бир қизиқ хабар босилибдими?

— Ҳеч қанақа хабар-мабарни билмайман! Кетинг!

— Аввал сиз газеталарни нималар босилганини бир кўринг-а! Ахир Жипингизни ҳалигидақалар ёрдамида қидиришаётган эмис... Нима ҳам дер эди-я уларни?..

— Мен қаердан билай нима дейилшини! — Эмма холанинг баттар жаҳли чиқди.

— Эҳ, ҳурматли синьорина, бу шундай қийин сўзки! Ҳалиги, нима ҳам дейиларди-я, уларни... Бенгал мушаги ва унинг раишбаранг оловига ўхшаб кетарди номи, лекин мушак эмас... Сиз газетани олинг! Бу ерда ҳаммаси ёзилган! Айтишларича, умид қилса бўларкан... Гўё тегса портлаб кетадигандай, Эмма хола газеталарни эҳтиёткорлик билан қўлига олди-да, телевизор рўпарасида навбатчилигини тугатиб, хизматига ошиқаётган бухгалтер Биндага тутқазди.

Флип газеталардан биттасини юлқиб олиб, ундан таниш ҳарфларни қидирди.

— «А!» Бу ерда «А» ҳарфи бор экан! — деди қувовиб Флип. Шундан кейин нима бўлди денг.

Бир ёш япониялик профессор олим Яманака ҳаётда учрамаган ҳодиса устида узоқ бош қотириб, ақл бовар қилмайдиган хулосага келибди. Унинг фикрича, Жип телевизор ичига тушиши билан электромагнит тўлқинига айланиб, ҳозир нур тезлигида бутун кoinотиб кезиб юрганмиш. Тўлқин бир секундада Ерни етти марта айланиб чиқаркан — бу Гагарин, Титов, Глен ва Карпенктерларнинг самовий кемаси гезлигидан ҳам анча юқори экан. Вақти-вақти билан «Жип» тўлқинини номаълум телестанциялар, ҳатто айрим телевизорлар Ер куррасининг турли бурчакларидан тутиб олар экан.

— Айтинг-чи, ҳурматли профессор Яманака, нега «Жип» тўлқини даставвал профессор Лундквист қаникасидаги телевизор экранига тушди? — деб сўради журналистлардан бири олимдан.

— Гап шундаки, — жавоб берди у, — ўша кечаси бутун Европада фақат унинг телевизори қўйиғлиқ бўлиши мумкин. Бу вақт-

да ҳамма ерда кўрсатувлар программаси ўз ипнини тугатган бўлган (қайд этаманки, бу эҳтимолдан узоқ эмас, сабаби профессор Лундквист кечаси ишлашни яхши кўради). «Жип» жуда ажойиб тўлқин, — сўзмида давом этди Яманака, ундан телевиденияда фойдаланилганда томошабинларни жуда кўп воқеа-ҳодисалар билан таништира олади ва аксарият кўпчиликка номатълум бўлган нарсаларни бериб боради.

— «Жип» тўлқинини тутиб, бөлани Ерга қайтарса бўладими? — деб сўради бошқа журналист.

— Ҳа, жаноблар, бўлади! Фақат Ергаги бутун телевизион станциялар ўзларининг ҳамма каналларида ва программаларида бир хил кўрсатувни олиб боришлари зарур. Ама шунда «Жип» тўлқини ҳеч қайси программага сакраб ўта олмайди ва уни яна қайтариб олиш унчалик қийинчилик туғдирмайди.

— Бутун Ер курраси телевизорлари учун ягона кўрсатув программаси дейсизми?

— Ҳа, ҳурматли жаноблар, юз қайта, минг қайта, ҳа. Бунинг учун ернинг учта сунъий йўлдошини учириниш лозим бўлади.

— Нима? Қандайдир мишиқи бола учун сунъий йўлдош?

— Ҳа, жаноблар, ҳа, жуда ҳурматли хонимлар ва жаноблар: ернинг учта сунъий йўлдоши! Наҳотки, сизнингча, боланинг ҳаёти учта сунъий йўлдош баҳосинча ҳам бўлмаса? Ҳатто уч юз йўлдош ёки уч юз минг миллион самовий ракетача ҳам эмасми?

## «ГАРИБАЛЬДИ», «ГАЛИЛЕО ГАЛИЛЕЙ» ВА «ЖИП»

Рим вақти билан беш секунди кам бирда Сардиния космодромидан биринчи италиян Ер йўлдошини учириниш учув ҳозирлик кўрилмоқда эди. «Гарибальди»ни бутунлай бошқа тажрибани ўтказиш учун учириниш мўлжалланганди, аммо ҳукумат ҳеч бир иккиланмасдан уни «Жип» операциясига бағишлаб юборди ва шу иш билан боғлиқ бўлган барча жараёнини журналистлар шу ном билан атадилар. Мана, ҳозир космодромнинг бошқарув пунктида профессор Ночеранинг бармоғи учирувчи тугмача устида турибди. Радио карнайдан рақамларнинг тескари ҳисоботи янгради:

— Чинкуе (итальянча бу «беш» дегани)... кватрө... тре... дуэ.

Худди шу вақтда Москва соатлари беш секунди кам учини кўрсатарди. Марказга яқин жойдаги космодромда парвозга шай бўлиб навбатдаги йўлдош турибди. Бутуниттифоқ ҳукумати уни «Жип» операциясига мўлжаллаб, унга «Галилео Галилей» деган ном қўйди. Мана, космодромнинг бошқарув пунктида профессор Максим Петровнинг ҳам қўли учириниш тугмачаси устида турибди. Радиокарнайдан рус тилида рақамларнинг тескари йўналишдаги саноқлари янгради:

— Пять... Четыре... три... два...

Америкада, Кеннеди бурнида эрталаб соат олти. Бу ерда учириниш тугмачасини босишга профессор Браун тайёр турарди.

Америка ҳукуматининг фармоиши билан болани қутқариш учун учирилаётган йўлдошни унинг номига «Жип» деб аталган эди. Радиокарнайдан инглизча овоз янграрди, лекин мазмуни ўша-ўша:  
— Файв... фоо... — фри... ту... Учирилсин!

Шу пайт очиқ фазога бир йўла учта самовий кема кўтарилди. Улар олимлар ҳисоблаб чиққан орбитага учта сунъий йўлдош — «Гарибальди», «Галилео Галилей» ва «Жип»ни аниқ олиб чиқдилар.

Телевизорлар қаршида ўтирган камида миллиард томошабин дунёнинг барча тилларида «Жип» операцияси қандай бораётгани ҳақида дикторлар тўлқинланиб гапирётган хабарни тинглар эдилар. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, операциянинг қандай бораётганини билиш учун кўплар ҳатто ухламай ҳам чиқишганди. Чунки, ўзингизга яхши маълум, ернинг бир ярмида кундуз бўлса, иккинчи ярмида тун ҳукмрон эди.

— Диққат! Диққат! Фазошунослик сеансини давом эттирамиз! Ер куррасининг барча телевизион станциялари ҳозир ягона программага боғланиб ишламоқда. Бир неча дақиқадан сўнг ретрансляцион қурилмаси орқали учта сунъий йўлдошдан Ерда даврийнинг энг машҳур кулги устаси Чарли Чаплинни кўрсатамиз. Айни бир вақтда у Римда, Токиода, Нью-Йоркда, Москва ва бошқа жойларнинг телевизор экранларида пайдо бўлади. Барча мамлакат ва қитъаларда баравар намойиш этилади.

Дарҳақиқат орадан кўп ўтмай Ерда яшовчиларнинг — телевизори бўлган ва ўз-ўзидан маълум, ухлаб қолмаганлар — экрандан Чарли Чаплиннинг таниш мўйлабини кўрдилар.

Аммо зум ўтмай, Чарли Чаплиннинг тасвири гойиб бўлиб, унинг ўрнига свитери анча гижимланган, эгнида қалта иштон ва оёғида пайпоқ билан Жип пайдо бўлди...

— Пайпогининг товоми тешилибди! — қичқириб юборди Эмма хола, синьора Бинда хонадонига ён-атрофдаги кварталлардан келган қўшниларнинг «ура» овозини босиб.

— Ура! Ур-ра! — деб бақирарди Флип.

Адвокат Просперни бўлса, аксинча, ҳамманинг диққатини четга тортишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилиб нуқул:

— Жип менинг телевизоримда яхшироқ кўринаяпти, — дерди.

— Диққат! Диққат! — деди диктор. — Профессор Ночера ҳозир Жампьеро Бинда билан сўзлашиб кўрмоқчи.

Олимнинг овози бўғиқ ва ҳаяжонли эшитилди:

— Жип, биз сени кўряпмиз. Агар сен бизни эшитяпган бўлсанг, жавоб бер бизга! Ер Жипни эфирга чақиради! Ер Жипни эфирга чақиради!.. Қабулга ўтаман...

Ҳамма бир дақиқа эътиборини экранга қадаб жимиб қолди, кейин космосдан боланинг жарангдор овози эшитилди:

— Мен сизларни жуда яхши эшитяпман! Эшитяпман, аммо ҳеч кимни кўрмаяпман. Бу ерда ҳам телевизор бор, бироқ мен ундаш фақат ўзини кўряпман, қабулга ўтаман...

— Сен чиндан ҳам телевизор ичида эмасмисан?

— Йўқ! Раҳмат, менга шу ҳам кифоя бўлди! Худога шукур,  
мен ундан чиқиб олдим!

— Ундай бўлса, ҳозир қаердасан?

— Билолмадим... Бундан бир минут илгари Мароккода эдим,  
шекилли, ёки Финляндиядами? Ҳозир эса... Ҳозир нотаниш кичик  
клубнадаман. Мен энди ўзимни телевизор экранига кўряпман...  
Уна бу ерда кўпгина турли хил асбоблар... ва яна бир мушукча  
ҳам бор! У худди шарга осиб қўйилгандек, кабина бўйлаб учиб  
керибди. Вой, мен ҳам учиб юрганга ўхшайман, учаяпман, телеви-  
зор нчига тушиш олдидан учгандек учаяпман. Аммо энди мени  
у ерга ҳеч қандай йўл билан ҳам алдаб олиб кира олмайди! Мен  
учишга ва шифт бўйлаб юришга ўрганиб қолганга ўхшайман...

— Жип! — деди профессор Ночера. — Унг томонингда иллю-  
минатор бор. Унга эътибор бериб қара. Нимани кўряпсан?

— Агар янглишмаяпман бўлсам, Ерни кўряпман. Қаранг-а,  
у қандай тез айланыпти. Остимда денгиз ва ороллар. Афсуски,  
глобусдагидай уларнинг номлари ёзиб қўйилмаган, мен уларнинг  
қанақа ороллар эканлигини билмайман. Пиш-пиш! Бу ёққа кел,  
сен ҳам бир қарагин. Айтгандай, отинг нима?

— Мушукчани Миучино деб чақиринишди. Жип, сизлар «Гари-  
бальди—1» сунъий йўлдошдасизлар.

— Демак, мен энди само саёҳатчисманми?

— Жип, сен биринчи итальян фазогирисан!

— Биринчи эмниш, биринчи фазогир ҳар ҳолда мушукча бўлса  
керак! Мен бу ерга келганимда у шу ерда эди. Бу ерга мен қан-  
дай қилиб келиб қолдим?

— Бу электромагнит тўлқинларининг иши. Сен сунъий Ер  
йўлдошига ўрнатилган телевизор ичида экансан, ундан сени само-  
вий нурлар ёрдамида экрандан йўлдош кабинасига сиқиб чиқар-  
ган бўлишинг мумкин.

— Электромагнит тўлқинлари... Самовий нурлар... Қим била-  
ди, бу нима ўзи? Фақат ўлчам ва оғирлик жадвалини эмас, афти-  
дан мана бу нарсаларни ҳам ўқиб билиш керакка ўхшайди. Дар-  
воқе, мен онамга салом йўлласам бўладими? Онам мени эшитяп-  
тиларми, кўряптиларми?

— Сени Ердагиларнинг ҳаммаси томоша қилиб турибди, Жип!

— Наҳотки бутун инсоният мени кўриб турган бўлса! Ҳеч  
ишонгим келмаяпти. Ассалому алайкум! Чао, дада! Салом, Флип,  
чао, Эмма хола! Синьор Проспери, яхши юрибсизларми?

— Оббо қароқчи-ей, — ҳайрон бўлди адвокат Проспери, хур-  
сатлигидан унинг юзига қизил югурди ва атрофдагиларга мағрур  
қараб қўйди. — Менинг бу ердалигим унинг хаёлига қандай келиб  
қолди?!

— Уйга қайтгим келяпти! — қичқирди Жип. — Телевизор-  
телевизор учиб юриш жонимга тегди? Мабодо мени жазо кутаёт-  
ган бўлса, унда мен ўзимга адвокат қилиб дарҳол синьор Проспе-  
рнинг тайинлайман. Мен қочишни ҳеч қачон хаёлимга келтирган  
бмасман!

— У сизни нега эслаганини энди тушунгандирсиз? — жп.ма-  
ғиб қўйди Эмма хола.

— Диққат, Жип, — дея қайта гап қотди профессор Ночера. —  
Йўлдош тез орада пасайиб, Ер атмосферасига кириб келади. Па-  
с:йиш Ердан берилган буйруққа мувофиқ аалалга ошириляпти.  
Кўрқма, ҳамма иш жойида бўлади! Ҳозирча телевизор қаршисида  
ўтириб сен учун қайғураётганлар билан саломлаш. Сени мисли  
кўрилмаган кўп томошабин — руслар, америкаликлар, италянилар,  
инглизлар, немислар, французлар, хитойликлар, африкаликлар.  
Бирор нима десанг-чи улар учун...

Жип энсасини қашлаб башарасини буриштирди-да, охири шун-  
дай деди:

— Хайрли кун ва хайрли тун! Мен сизларни кўрмайпман, аммо  
мен ҳаммангизни севаман. Сизларнинг ҳаммангиз жуда яхшисиз.  
Мушукча, сен ҳам улар билан хайрлаш. Қабулга ўтаман. Чао!

Сунъий йўлдош билан алоқа узилгунча яна бир неча дақиқа  
оқлар, қоралар ва сариқлар, бахтлилар ва бахтсизлар, турли тон-  
фадаги одамлар чехрасида табассум билан само йўлларида му-  
шукча билан ўйнаётган болакай тасвирини кузатиб қолдилар.

Юзлаб журналист машинкаларда газеталарга мақолаларини  
тайёрлашга ошиқди.

— Жипнинг кулиб турган чехраси, — деб ёзганди юз журна-  
листдан тўқсон бештаси, — бу бизнинг кекса сайёрамизнинг тинч-  
лик ва бахтиёрлик рамзидир.

Қолган беш журналист мақоласида «кулиб турган» ибораси ўр-  
нига «хурсанд» сўзини ишлатганди.

## «МУШУКЧАЛАРНИНГ ОНАСИ»

19 январь куни соат учу ўттизда уйлари ёки цех ва хоналарида  
ўтириб телевизор кўрмаган, радиоприёмникларга қулоқ тутмаган  
биронта римлик қолмаган бўлса керак. Ҳамма Жип ҳақида, унинг  
ерга тушиши тўғрисида маълумот кутарди. Уша куни серқатинов  
кўчалар бўм-бўш бўлиб қолганига ажабланмаса ҳам бўларди.  
Ҳатто қадимий Колизей ёнида йўловчиларни деярли йўқ деса бў-  
ларди, — битта-яримта одам ўз иши билан шошиб кетаётган бўл-  
са, бошқаси бегоналарнинг топширигини адо этишга ошиқарди.  
Шуларнинг орасида қўлига хўжалик халтасини кўтариб олган бир  
кампир ҳам бор эди. Унинг халтасида пинжлоқ қолдиги, балиқ  
қалласи, нон бўлаклари ва гўшт сарқитлари ҳамда турли хил  
чиқиндилар бор эди.

Бу кампирни бутун теварак-атрофдагилар «мушукларнинг ола-  
си» деб атарди. Бундай дейишларига сабаб, у боқувчисиз қолган  
ва эски Колизей харобаларини ўзларига жой қилиб олган мушук-  
ларни боқарди. Мушуклар бу ерда ўзларини жуда яхши ҳис  
лардилар, офтобда эркаланиб чўзилиб ётар, туристлар келиб қол-  
са, бориб уларнинг оёқларига суйкалиб, эркаланиб ҳам қўйишар-  
ди. Улар сичқон овлашни хаёлларига ҳам келтирмасдилар. Бунга

ҳожат ҳам йўқ эди-да! Мазали нарса билан сийловчи битта-яримта олам, албатта, учраб турарди. Мана, ҳозир ҳам «мушукларнинг онаси» ўзининг мазали таоми билан удар ёнига ошиқарди.

Бирдан йўл устига қалин соя тушди.

«Ёмғир ёгади, шекилли? — дея ташвишланиб ўйлади кампир. У кўкка боқди. — Е тавба, бу парашют-ку! Наҳотки, уруш-пуруш бошланган бўлса?!»

Мовий осмондан баҳайбат тўқ-сарик соябон тўғри ерга тушиб келарди. Парашютнинг остки томонидан осилиб турган қандайдир қора нарса шамолдан чайқаларди.

«Йўқ, худога шукур, бу уруш эмас! — деб тинчланди кампир. — Бўлмаса бир эмас, бир неча минг парашют бўларди!»

Бу борада парашют тўппа-тўғри Колизейга қараб тушиб келарди.

«Бориб кўрай-чи, — ўйлади «Мушукларнинг онаси», — мушукчалар андак сабр қилиб туришар:

Кампир майдонни кесиб ўтиб, қадамини жадаллаштирди. Колизей арқларидан бирига кирди, саҳнани ўраб турган жойлар қаторидан юқорига кўтарилди. Шу пайт парашют тарих ўқув қўлланмасига киритилмасдан олдин қадимги рим императорлари томоша кўрадиган жойнинг худди ўзига келиб тушди.

Капсула очилиб ичидан Жип сакраб ерга тушди.

— Сен қаердан келиб қолдинг? — деб сўради ундан «Мушукларнинг онаси».

— Салом, синьора! — дея одоб билан жавоб қайтарди Жип, кампирга пешвоз чиқиб.

— Бир пайпоқда олам кезиб юрганинг нимаси? — таъна билан уни сўроққа тутди кампир.

— Наҳотки бу Колизей бўлса? — деди Жип, унинг саволига жавоб бермай.

— Худди ўзи. Эҳтиёт бўл, яна ертўлага тушиб кетма.

— Тушиб кетсам нима бўпти! У ерда энди шер сақлашмайди-ку!

— Ҳой, менга қара, қачондан бери ёш болалар парашютда учадиган бўлиб қолган?

— Синьора, уйингизда телевизорингиз-борми?

— Йўқ, болам. Нимайди?

Жип қаттиқ хафа бўлди. Қаранг-а! Фазодан учиб тўппа-тўғри нотаниш кампиршонинг деярли бошига келиб қўнса-ю, кампир унинг саёхатидан бутунлай беҳабар бўлса, бу даҳшат-ку!

— Кечирасиз, ҳурматли синьора, мен ўзимни ерга тушганлигим ҳақида хабар беришим керак, бўлмаса мени узоқ қидиришлари мумкин.

Жип Колизейдан чиқиб кетмоқ учун ўзини ташқарига урди.

Аmmo «Мушукларнинг онаси» унга бошқа эътибор ҳам қилмади.

— Пиш-пиш-пиш, — деб мушукларни эркалатиб чақирарди у. — Кел ёнимга, қорамош, кел!

У капсуладан чиқиб келаётган Миучинони кўриб қолганди. Миучино бўлса ҳадиксираб нуқул атрофта жавдираб қарарди.

— Бу Колизей-ку, модонгинам, римликларнинг машҳур Колизейи. Сенинг бу ерлик эмаслигинг шундоқ кўришиб турибди! Аммо сенга ҳам совга топилди менда, қани, бу ёққа кел-чи.

Миучино бу ерлик мушукча бўлмаса-да, ҳидни аъло даражада сезарди, кампирнинг халтаси уни бутунлай қизиқтириб қўйганди.

Жип кўчага чиқди-ю, турган жойида қотиб қолди. Колизей томон фазогир кўниши маълум қилинган тўда-тўда одамлар бостириб келаётганини кўриб қўрқиб кетди. Бу ерда Римнинг ҳамма бурчагидан одамлар югуриб келмоқда эди. Улар велосипедларда, автомобилларда ва бошқа турли хил уловларда ошақиб келишарди. Колизейга борадиган барча кўчалар одамга тўлиб кетганидан фотограф ва журналистлар ҳукумат вакиллари, дипломатик корпус ва шаҳар раҳбарларини-ку қўшаринг, ҳатто теле ва кинооператорларнинг машиналари ҳам ўтолмай қолганди. Рим осмонида кўнғироқларнинг қулоқтешар овози, сирена ва гудоклар чинқириги, ҳатто тўплардан бараварига отилган мушаклар гумбури ҳавони ларзага соларди.

«Ҳозир улар мени мажақлаб ташлашади-ку!» деб ўйлади Жип. — Бу аҳволда мендан урвоқ ҳам қолмайди! Яхшиси, қочиб қол, Жип!» У орқасига қарамай қоча бошлади, йўлда турган Миучино ва унинг олдига «Мушукларнинг онаси» қўйган турли хил овқат қолдиқлари устидан сакраб ўтиб кетди. Тўғри капсулага борди-ю, ўзини унга уриб, ичидан қулфлаб олди.

— Эҳтиёт бўлинглар! Эҳтиёт бўлинглар! — деб бақирди кампир дастлаб унинг олдига этиб келган қизиқувчиларга. — Мушукчанинг овқатланишига халақит берманглар!

Хайрият, бир расмга олунчи самовий мушукчани таниб қолди-ю, унга қўйилган овқатни сақлаб қола олди. Жип бўлса капсула ичидан чиқмай миқ этмай ўтираверди.

— Унинг кўзи юмуқ!

— У ҳушидан кетиб қолибди!

— У ўлиб қолибди.

— Жип, бу ёққа чиқ! Сени бутун Италия кутиб турибди!

— Э йўқ. Сизлар олдин тинчланиб олинглар! — дея жавоб қилди Жип ичкаридан. — Кейин гаплашамиз. Ва яна энг муҳими ҳеч қандай телекамерасиз гаплашамиз! Буни қара-ю. Ерга тушиб улгурмасданоқ яна саёҳатга жўнашим етмай турувди. Бунинг устига тагин оёқ кийимсиз.

Энг сабр-тоқатсиз одамлар капсула эшигини синдириб унинг ичидан Жипни сугургандай қилиб олиб чиқдилар ва улар орасидаги энг новча биттаси болани гулдурос қарсақлар остида елкасига ўтқазиб олди.

— Йўл беринглар! Йўл беринглар! Уни касалхонага олиб бериш керак! «Тез ёрдам»ни чақиринглар!

Колизей ёнидаги майдонда тахминан икки юзга яқин санитар

машинаси турарди, улар ўзларининг сирепалари билан ўнлаб фазога келишга келтириб қўярди. Аммо фақат Жипгина бундан мустасно. У «тез ёрдам» машинасига яқинлашганини пайқаганда бир кўзини очди. Яқин ўртада уни ютиб юбора оладиган бирорта телекамера йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, иккинчи кўзини ҳам очиб, хандон ташлаб кулиб юборди. Ҳамширалар, министрлар, адмираллар, сартарошлар, фотографлар ва ўндаб бошқа соҳа оламлари — машина яқинига бора олганлар, унга қўшилиб кула бошлашди.

— Мен уйга бормоқчиман! — деди ниҳоят Жип.

Зум ўтмай поезд уни ўз юрти Миланга олиб кетди.

Коллизей бўлса яна ҳувиллаб қолди. У ерда бир «Мушукларнинг онаси» қолди холос. Миучино матбуот ва ҳукумат унга старли даражада эътибор бермаганидан ранжиманган кўринади. У шунчалик тўйиб овқатлангандики, ҳатто думини учини ликвидацияга ҳам мажбур қолмаганди. Мушук-саёҳатчини «Мушукларнинг онаси» ўз уйига кўтариб олиб кетди.







## БУЛУВДИМ ВА ЭГА БУЛГАНДИМ

Куилардан бир кун ўқитувчи Грамматикус поездда ютаётиб, қўшни купедаги кишиларнинг ўзаро суҳбатини эшитиб қолди. Улар чет элдан қайтиб келаётган Италиянинг жанубида яшовчи ишчилар экан. Ҳаммалари ватандан узоқда анча муддат ишлаб бола-чақаларидан хабар олгани, яқин-биродарлари билан дийдор кўришгани қайтиб келишаётган экан.

— Мен Италияга бундан беш йил бурун боришга муяссар бўлгандим, — деди улардан бири.

— Мен эса Бельгияга боришга муяссар бўлгандим, у ерда кўмир шахтасида ишладим, иш жуда оғир эди, — деди иккинчиси.

Ўқитувчи Грамматикус шу тариқа хийлагача уларнинг суҳбатига индамай қулоқ солиб ўтирди. Агарда сиз зеҳн солиб кузатиб турганингизда эди, унинг борган сайин асабийлашаётганини, худди сув тўлатилган чойнакнинг қайнаш олдидаги ҳолатга тушганини пайқаган бўлардингиз. Ниҳоят, сув қайнаб, чойнак қопқонини кўтариб ташлади, ўқитувчи Грамматикус тўппа-тўғри ҳалиги йўловчиларнинг олдига борди-да, жиддий туриб шундай деди:

— «Боришга муяссар бўлгандим! Боришга муяссар бўлгандим!» Мана, тагин ўша жанубликларнинг «бўлиш» феъли ўрнига «муяссар бўлиш» феълини қўллаши?! Мактабда сизларга «Мен Италияга боришга муяссар бўлгандим» ўрнига «Мен Италияда бўлгандим» деб айтишни ўргатишмаганидир?

Бошига қора шляпа кийган, сочи оппоқ синьорни ҳурмат билан қарши олган ишчилар бирдан жим бўлиб қолишди.

— «Муяссар бўлмоқ» феълини бу тарзда ишлатиб бўлмайди, — деб сўзида давом этди ўқитувчи Грамматикус, — бу жуда қўпол лато! Бу — сўзни нотўғри талаффуз этишдан бошқа нарса эмас.

Ишчилар чуқур хўрсиниб қўйишди. Кейин уларнинг ичидан бири бир-икки йўталиб, нафасини ростлади-да, сўз қотди:

— Бўлиши мумкин, синьор, сиз ҳақсиз. Сиз кўп ўқиган бўлишингиз керак. Мен бўлсам фақат бошланғич маълумотга эгаман, оғоз, аммо ўшандаям босим ўтириб ўқишдан кўра кўпроқ мол боққанман. Мабодо нотўғри талаффуз этаётган бўлсам, бунинг асло ажабланарли жойи йўқ.

— Бўлмасам-чи, сиз нотўғри талаффуз қилаяпсиз!

— Худди шундай! Айтганингиздек, эҳтимол бу жуда муҳимдир, баҳслашиб ўтирмайман. Лекин ўйлашимча, керагидан ортиқ да-

ражада гамган ибора эмасмикан-а? Бизларга ишни бегона юртдап қидиришга тўғри келяпти... Ояламизни, болаларимизни узоқ муддатга ташлаб кетишга мажбур бўляпмиз. — Ҳўқитувчи Грамматикус нима дейишини билмай қолди.

— Албатта... Умуман олганда... Гап шундаки... Бироқ, нима бўлгандаям барибир «муяссар бўлгандим»нинг ўрнига, «мен бўлудим» деган маъқулроқ. Фақат немислар шундай дейишади. Биз бўлсак феълни улардан бошқачароқ талаффуз этишимиз керак: мен бўлгандим, бизлар бўлгандик, улар бўлгандилар...

— Эҳ, — деди ишчи мулоим кулиб, — мен бўлгандим! Бизлар бўлгандик... Биласизми, бизлар кўпроқ қаерда бўлишни хоҳлардик? Ўзимизнинг она юртда. Биз Франция ва Германия Федератив Республикасида бўлсак ҳам ҳаммадан кўпроқ бу ерда, Италияда бўлишни истардик, бу ердан ҳеч қаёққа кетмай, шу ерда ишлашни, яшашни уйимиз бўлишини ва унда хотиржам яшашни хоҳлардик.

У ҳўқитувчи Грамматикусга тишиқ ва меҳрибон кўзлари билан боқди. Шу топда ҳўқитувчи Грамматикус ўзини-ўзи савалагиси келиб кетди. У ўзинча тўлғиллаб деди: «Аҳмоқ! Гирт тентак экансан! Нуқул хато қидирасан... Нотўғри ибора эмиш... Чинкакам хатолар бутунлай бошқа ёқда экан-ку».

## ҚУЛАЕТГАИ МИНОРА

Бир кун и ҳўқитувчи Грамматикус Пизага келиб, кундан-кунга оғиб бораётган машҳур минорага чиқибди-да, нафасини ростлаб туриб ўша ёқдан шундай хитоб қилибди:

— Халойиқ! Пизаликлар! Дўстларим!

Пизаликлар минора тепасига қараб кула бошлашибди:

— И-е, минорамизнинг тили чиқиб, нутқ сўзляптими?

Лекин кўп ўтмасдан улар минора тепасига чиқиб олган ҳўқитувчи Грамматикусни кўриб қолишибди, у бўлса ҳамон маъруза қилишда давом этарди:

— Минорангизнинг борган сари оғиб бораётгани сабабини биласизми? Мен сизларга бунинг сабабини айтиб бераман. Ким-да-ким унинг пойдевори чўкаяпти ёки шунга ўхшаган бир гап бўляпти дегундай бўлса, сиз унинг гапига асло қулоқ сола кўрманг. Ҳамма гап шундаки, минора пойдеворига ростакамига хато нишоннаси жойлашиб қолган, фақат у бутунлай бошқача хато. Минорани қурган меъморлар имлодан бўш бўлишган. Шу бонс улар минорани тиклашда МУВОЗАНАТГА эмас, МУВАЗАНАТГА эътибор бериб кўтарганлар. Сиз гапини тушунайсизми? МУВАЗАНАТДА минора у ёқда турсин, ҳатто оддий таёқни ҳам тикка қилиб бўлмайди. Нима демоқчи бўлганимни ўзингиз англаб олгандирсиз? Минора пойдеворига аъло сифатли «О» ҳарфи қуйиш зарур, шундан кейин дарҳол ўз мувозанатини тиклаб олади.

— Бунга ҳеч қачон йўл кўймаймиз! — дея бир овоздан таклифни рад этишди пизаликлар. — Дунёнинг қайси пучмоғига қараманг, ҳамма жойда адл турган тик миноралар тўлиб-тошиб ётибди. Оғиб бораётган минора эса фақат бизда, бизнинг Пизадагиша

бор. Бас, шундай экан, уни тўғрилаб ҳам нима қилдик. Бунинг нимага кераги бор? Ҳой, ушланглар бу эси пастни! Уни вокзалга олиб бориб, энг узоққа кетадиган дастлабки поездга ўтқазиб юборинглар.

Икки соқчи ўқитувчи Грамматикусни қўлтиғидан олиб, вокзалга олиб борди-да, Гроссета томон жўнайдиған, ҳар бир катта-кичик бекатда тўхтаб ўтадиған, юз километр масофани ярми кунда босадиган биринчи поездга ўтқазиб юбордилар. Ҳар ҳолда ўқитувчининг яхшиликни билмайдиган одамзод ҳақида фикр юритиши учун вақт бемалол этиб ортар эди.

У ўзини шамол тегирмони билан бўлган жангидан сўнг камситилган Дон Кихотнинг ҳолига тушгандай ҳис этди. Лекин тушқунликка тушмади. У Гроссетода поездлар қатнов жадвалини ўрганиб, Пизага яширин қайтиб келиб, пизаликларнинг таомилига қирамай, барибир минсрага «О» тажрибасини ўтқазिशга қарор қилди. Уша тунги тасодифан жуда ойдин эди. (Аниқроғи, тасодифан эмас, албатта, тўлиной ўз жадвалига мувофиқ нур сочиб турарди). Ой нурида минора жуда чиройли ва кўримли равишда ерга таъзим этиб турарди, буни кўриб ўқитувчининг қалби завқшавққа тўлди. Кейин ўйланаиб: «Эҳ, баъзида хатолар қандай ажойиб бўлади-я!» — деб қўйди.

## КИЧИК ҲАРФДАГИ ИТАЛИЯ

Бир кун кечқурун ўқитувчи Грамматикус ўқувчиларининг дафтарларини кўздан кечириб ўтирарди. Енида эса хизматкор аёл унга қизил қаламларнинг учларини ихлос билан пайдар-пай очиб бериб ўтирарди, чунки ўқитувчи қизил қаламларни ҳаддан ташқари кўп ишлатарди.

Бир вақт ўқитувчи Грамматикус бошини икки қўли билан чапгаллаганича даҳшат ичида ўриндан сакраб турди.

— Вой, Боллатти! Боллатти! — деб қичқирди у.

— Яна нима қилиб қўйди бу ўқувчи Боллатти? — сўради хизматкор аёл. Барча ўқувчиларнинг исми-шарифи унга кўпдан бери ёд бўлиб кетганди, уларнинг ичида қайси бири қандай хатога йўл қўйишини ҳам олдиндан пайқарди, айниқса Боллатти доим энг кўпол хатоларга йўл қўйишини ҳам биларди.

— У «Италия»ни кичик ҳарф билан ёзибди-ку. Вой! Бу сафар мен уни судга бераман! Ҳар қандай нарсани кечиришим мумкин, лекин фақат ўз мамлакатига бўлган ҳурматсизликка асло тоқат қилмайман!

— Қўйинг-э! — деб чуқур хўрсинди хизматкор аёл.

— Нега «қўйинг-э!» дейсан? Бу билан нима демоқчисан?

— Синьор ўқитувчи, мендай бир камтарин хизматкорнингиз нима ҳам деёлар эди? Қаламларнинг учини очиб бера оламан, холос — шунга ҳам худога шуқур қиламан.

— Аммо сен хўрсиниб ҳам қўйдинг!

— Хўрсинмай бўладими? Агар аслини суринтириб кўрганда...

— Мана шу-да! — деб бақирди ўқитувчи. — Мен энди ўтириб қаёқдаги мана шу кичик ҳарфни томоша қилишим қолган эди, бу билан кичик ҳарфлар катталашиб қолса ҳам гўргайди! Хув анони қаламни узатиб юбор, ҳозироқ бу ерга қойилмақом қилиб тарихий «1» ни қўндириб қўяй!

— Биласизми, мен нима демоқчийдим, — деди хотиржам тусда хизматкор аёл, — балким Боллатти шунчаки эслатиб қўймоқчи-дир...

— Хўш, хўш, қулогим сенда! Мана энди сендан ҳам бирор жўяли гапнинг ҳиди кела бошлаяпти, чамаси! Бу аҳволда яқин келажакда хатларни имзосиз ёзишга ўтишимиз ҳеч гап бўлмай қолади...

Гап шу ерга келганда хизматкор аёл, унинг инсоний гурури гоят кучли эди, даст ўрнидан турди-да, пешбандини қоқиб туриб деди:

— Сиз учун менинг фикрим бир чақага арзимаydi. Яхши қолинг!

— Ҳой, тўхта! Аввал гапирсанг-чи, икки қулогим сенда. Гапир, фикрингни очиқ баён эт!

— Бўлмаса, сиз беҳуда хафа бўлманг. Ҳақиқатан ҳам ҳамма-нинг эсидан чиқиб кетган кичик ҳарфни Италия йўқ деб ўйлай-сизми? Ахир бирорта доктори бўлмаган ёки телефон ўтказилмаган қишлоқлар озмунча дейсизми? Бизнинг мамлакатда товуқ ва чўчқа болалари билан бирга қоқ ерда ётувчи болалар, камбағал онлалар йўқми?..

— Сен нима ҳақда гапиряпсан ўзи?

— Сўзимни бўлмай туринг. Мен ҳақиқатан ҳам кичик ҳарф билан ёзилувчи Италия бор демоқчиман. У Италияда саноқсиз чоллар борки, улар ҳақида ҳеч ким қайғурмайди, билимга ташна болалар ошиб-тошиб ётибдики, лекин ўқий олмайдилар, қишлоқ-ларда фақат аёллар қолган, сабаби, эркакларнинг ҳаммаси бош-қа шаҳар ва мамлакатларга пул ишлаш ниятида жўнаб кетган-лар...

Бу сафар ўқитувчи унинг сўзини бўлмай эшитди.

— Хулласи калом, ўқувчи Боллатти мана шуларнинг ҳамма-сини ўйлаб туриб ўз она юрти номини катта ҳарф билан ёза ол-маган бўлиши мумкин...

— Унинг энг катта хатоси ҳам шунда-да, — деди жаҳли чиқиб ўқитувчи. — Тўғри, кичик ҳарфли Италия ҳам бор, аммо уни алла-қачон катта ҳарфлар билан ёзиш керак эди деб ўйлайман.

Хизматкор аёл кулиб деди:

— Майли, келинг, сиз айтгандай бўлсин, катта ҳарфга айлан-тириб тузатиб қўя қолинг. Аммо қойилмақом «1» қўйишда сабр қилсангиз. Ахир ўқувчи Боллаттининг ниятлари эзгу бўлган, шу томонини ҳисобга олиб уни, албатта, мақтаб қўйилса ёмон бўл-масди.

— Унинг ниятлари чиндан эзгуми, йўқми, ҳали буни ҳеч ким билмайди-ку...

Хизматкор аёл яна қайта ўқитувчининг ёнига келиб ўтирди-да,

унга қараб кулиб қўйди. Яхши болани ёмон баҳодан қутқарганига унинг ишончи комил эди — яна ким билади дейсиз, балки отасининг тарсакидидан ҳам қутқаргандир.

У яна хотиржам қизил қаламларнинг учини очиш билан машғул бўлди.

## ЖАҲОНДА ЭНГ КАТТА АЗАМАТ

Мен бир инсон тарихини биламан, у дунёда энг катта азамат бўлиб танилганди, лекин унинг тарихи сизга ёқадими, йўқми, бунга бир нарса деёлмайман. Ҳикоя қилайми ёки йўқми? Яхшиси, сўзлаб бера қолай.

Уни Примо деб аташарди. Италиянчасига бу биринчи дегани. Балким, унинг болалигиданоқ:

— Нафақат исм жиҳатдан, шунингдек, ишда ҳам биринчи бўлман, — деб қарор қилганига боис шу бўлгандир. — Доимо ва ҳар жиҳатдан биринчи бўлман! — дер эди у такрор ва такрор.

Аслида эса бунинг тескариси бўлиб чиқди — у доимо ва ҳар жиҳатдан қолоқ бўлиб келди.

Қўрқшдан, қочишдан, ёлғончиликдан, шўхликдан ҳам ҳаммадан орқада қолиб келди.

Унинг тенгдошлари ҳаммавақт бирор нарсадан олдида бўлар эдилар. Бирини шаҳарда биринчи ўғри, бошқаси маҳалладаги уччига чиққан безори, учинчиси ўша атрофдаги айтилган жинни... Примо бўлса, булар ҳаммасининг тескариси бўлиб чиқарди, биров аҳмоқона гап бошлагудек бўлса, сўз навбати унга келишига қарамай, у оғзига қатиқ ивитиб тураверарди.

У дунёда энг катта азамат бўлиб танилганди, бироқ ҳеч ким бу ҳақда эшитмаганди, бу борада ҳам у ортда қолганди. У шунчалик ортда қолган эдики, ҳатто буни тушуниб етишга ҳам мажбур келмасди.

## АЛМАШТИРИБ ҚЎЙИЛГАН БОШЛАР

Марко ва Мирко эгизаклар эди. Улар бир-бирига икки томчи сувдек ўхшарди. Уларнинг иккаласининг ҳам грамматикага заррача ҳуши йўқ эди, машқларни бажариш деса саккиз чақирим нари қочарди. Бояқишлар бунинг қанчалик даҳшатли оқибатларга олиб келишини ҳатто хаёлларига келтирмасдилар...

Кеча, масалан, уларга уй вазифаси деб отларга мос феълларни кўшиб ёзиш топширилганди.

Улар мана бундай деб ёзишди:

«Мушук увиллайди! Қўйлар вовиллайди! Бўри чийиллайди! Айиқ миёвлайди! Шер маърайди...»

Шу пайт деразада шер пайдо бўлди-ю, шартта уй ичига сакраб кирди. У жуда хафа кўринарди. Бу ёғини сўрасангиз, ҳатто, бир оз ғазабланган деса ҳам бўлади.

— Ҳали шундайми! — деди шер қовоғини солиб. — Мен маърайманми? Ҳозир мен сизларга маъраш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман!..

У чап панжаси билан Марконинг ўнг панжаси билан Мирко-нинг бошидан ушлаб олди-да, иккаласини бир-бирига қаттиқ-қаттиқ ура бошлади. Тўғри, эгизакларнинг бошлари бут сақланиб қолди, албатта, бироқ... жойлари ўзгариб қолганди! Марконинг боши Мирконинг бўйида, Миркониники эса Марконинг бўйига ўтиб қолганди.

Ойини уйга қайтиб келиб, уларнинг бошларини ўрнига келтиргунча нақ она сути оғзига келди, озмунча машаққат чекиб, озмунча елим сарфламади. Елим бўлса, ўзингиз биласиз, ҳозирги кунда нархи осмондан бўлиб кетган...

## ГАМГИН ЭНРИКО

Энрико, гамгин Энрико — дунёда энг бахтсиз кимса ким деганда тўғри шунини айтаверинг, хато қилмайсиз. Ишонмасангиз унинг ўзидан сўраб кўринг-а:

— Энрико, гамгин Энрико, дунёда энг бахтсиз одам сен эмиссан, шу тўғрими?

Бу саволга у:

— Ҳа, синьор, бу тўғри,— деб жавоб берди у.

Мана, эшитдингизми?

Энди бўлса мен сизларга бу ҳодисанинг тарихини ҳикоя қилиб бераман.

Гамгин Энрико дунёга келганидан бери бахтсиз эди. Сиз уни Гарибальди, Наполеон, Жузеппе Верди билан бир таққослаб кўринг-а, ўшанда сиз нимага ундай экаңлигини дарҳол тушуниб етасиз. Китобларда ҳамма жойга: «Гарибальди тугилган...», «Наполеон тугилган...» ва «Жузеппе Верди тугилган...» деб ёзилган. У-чи...

— Энрико, гамгин Энрико, қачон ва қасрда тугилгансан?

— Мен, синьор, ТУҒИЛГАНМАН...

Тўхта! Унинг ҳамма айбининг сабаби мана шунда. У ТУҒИЛГАН, тушуниясизми? ТУҒИЛГАН. Унинг дунёга келиши ўзи хато билан боғлиқ бўлган. Кейинчалик унинг бутун ҳаёти хатога айланган. Шундай қилиб, гамгин Энрико кетма-кет хатоликка йўл кўядиган инсон бўлиб қолган.

— Энрико, гамгин Энрико, бошингдан ўтказган саргузаштларингдан бирортасини сўзлаб бера олмайсанми?

— Нимага энди сўзламас эканман, бажонидил сўзлаб бераман. Эсимда, мен илк бор мактабга борганимда АКТЯБРЬ ойининг боши эди...

— Балким, октябрь демоқчи бўлаётгандирсан?

— Йўқ, синьор. Мен қандай айтишни хоҳлаган бўлсам, шундай дедим. Устига-устак, имтиҳондан кейин дарҳол мени уйга қайтариб юборишди. «Сен октябрда эмас, АКТЯБРДА келишинг керак, дейишди». Мен уйга қайтиб кетдим, лекин АКТЯБРЬ оини ўшан-

<sup>1</sup> Италияда 5-кун йили 1 октябрдан бошланади.

дан бери бирон марта ҳам учрамади. Мен уни ҳанузгача кутиб ўтирибман.

Ғамгин Энрикога на болалигида, на улғайганида чирой насиб этди. Унинг бўйи ингичка, қулоқ солинчаги йўқ ва юришлари қандайдир бесўнақай эди. Балким, билимлироқ доктор тўғри даъволаганда, унинг бу камчиликларини бир амаллаб тузатса бўлармиди. Аммо уни сичқоннинг мушук олдида қўрқувдан қалтирашини тузата олмаган хато ДОКТАРГА олиб боришганди-да. Шу-шу Энрико тузукроқ ҳуснга эга бўлмай қолиб қолганди. Бу айтарлик катта бахтсизлик эмасди — ҳамма ҳам бирдай соҳибжамол бўлавермайди-ку. Лекин ҳаммининг меҳрибон юрак эгаси бўлиши жуда лозим нарса. Ғамгин Энрикoning ЙУРАГИ табиидан зиёдроқ бўлгани учун ҳам у баттар ғамгин бўлиб юрарди.

Кунлардан бир кун ғамгин Энрико тикувчига костюм тиктиргани борди. Ҳар галгидек бу сафар ҳам унинг омади келмади, сабаби, ТУГМОЧАЛАРНИ қадашни билмайдиган тикувчига дуч келиб қолибди. Унинг костюми доимо тугмачаланмаган, шими бўлса белида турмасди. Худди жўрттага қилгандай!

— Энрико, ғамгин Энрико, сен бирор ҳунар эгаси бўла олдингми?

— Нимасини айтасиз, меннинг қилмаган ишим қолмади, синьор! Истагим чексиз эди. Бироқ омадим келмади. Олдинига шогира ўшдим, кейинчалик ўртамеёна МИХАНИК бўлдим, аммо ҳақиқий механик бўлиш учун лаънати «е» тўғаноқ солди. Меннинг иккинчи устозим бир ДУРОДГОР эди, лекин бу ишда ҳам қандайдир хато ўтган кўринади. Сизнингча, у мени бирор ишга қаидай қилиб пухта ўргата оларди? Мен бир оз вақт ЧАХЛОВЧИ бўлиб ишлаб юрдим, лекин жуда кам пул топардим, ундан ташқари пичоқларини ўткир қилиб ЧАХЛАШНИИ удадалай олмасдим. Ўтган йили КАСИБЧИЛИК билан шуғулландим. Ўзимга қолса қўлимдан чиққан молим жуда бекаму кўстдай бўлиб кўринарди. Аммо харидорларнинг галига қараганда мен тиккан туфлиларим сариқ чақага ҳам арзимас эмиш. Эндиликда тилачиликда уйрим ўтапти, синьор. Бироқ менга одамлар хато пулларини садақа қилишяпти, яъни ясама пулларни демоқчиман.

Энрико, ғамгин Энрикoning ҳаётида ҳеч нарса ўнг келмасди. Бир кун унга:

— Жуда бўлмаса, машина ҳайдашни ўрганиб ол. Бунинг ҳамма, ҳаттоки аҳмоқларнинг аҳмоғи ҳам билади, — дейишди.

Аҳмоқларнинг аҳмоғи билиши мумкин-у, лекин ғамгин Энрико, минг афеуслар бўлсинки, билмайди.

АФТАМАБИЛЬ, АВТАМАБИЛЬ ва ҳатто АВТАМОБИЛЬ ҳайдашни ўрганиб олди. бироқ ҳақиқий автомобилни эмас. У газ педали ўрнига тормоз педалини босиб чалкаштирар, катта йўл қолиб, пидедалар йўлкасига чиқиб кетар, йўловчиларнинг ўтакаларини ёрарди. Пировардида унинг хавфян жиноятчи деб эълон қилинишига бир баҳа қолди.

— Энрико, ғамгин Энрико, неча ёшдасан?

— Икки юз тўқсон бешда, синьор.



— Нечада?

— Ҳа-да. Бир куни менинг жонимни олиш учун қўлида: «Навқирон ёшида ҲАЛАК бўлди» деган ёзув ёзилган қабр тошини кўтариб Азроил кириб келди. Шунда мен дарҳол унинг хато ёзилганини кўрсатдим. «халак» эмас, «ҳалок» — деб ёзиш керак». — дедим. Азроил шундай изза бўлдики, шу қочганича бошқа қайтиб қорасини кўрсатмади.

— Ундай бўлса сен айтарли бахтсиз эмас экансан-да?

— Қайдам...

## ПИШГАН ОСМОН

Болалар, менинг сизга бир маслаҳатим шуки, сифатли сифатни севингизлар! Марко билан Миркога ўхшаган бўлмангизлар, бу чатоқ эгизаклар улар устидан кулишмоқда.

Масалан, кеча улар бир неча отга сифатли сифатларни таппаб кўйиб чиқишлари лозим эди.

Бу икки худобезори бўлса ўйинқароқликка берилиб, сиёҳларини ҳар томонга сачратганча:

«Бугдой ҳаворанг! Қор — кўкранг! Ут-ўлан — оқ! Бўри — ширин! Шакар — жаҳлдор! Осмон — фарқ пишган» деб ёзишибди.

Шу топ даҳшатли момақалдироқ овози ҳавонини ларзага солибди.

— Қарс! Гулдир-гум-гум-гум-гумбир-рр!

Нима бўлди? Айтарли ҳеч нарса бўлгани йўқ. Шунчаки осмон ўзининг етилиб пишганини эшитган-у, турли хил мевалар: нок ёки олхўрига ўхшаб ерга узилиб тушишга қарор қилган.

Осмон узилиб, ерга тушди ҳам. Уйлар вайрон бўлди. Чанг-тўзон кўтарилди.

Ут ўчирувчилар бу чатоқ эгизакни харобалар остидан олиб чиқишда, кейинчалик уларнинг титилиб кетган эгнларини тикишда, осмонни ўз жойига кўтариб қўйишда, қалдирғоч ва самолётларни улар уча оладиган баландликка чиқариб қўйишда жонбозлик билан меҳнат қилдилар.

## ШАЙТОН

Марко билан Мирко феълларга, ҳатто кексайиб, мункайнб ҳас-са таяниб юрувчи чолларга нисбатан ҳам ҳурматсизлик билан қарардилар.

Бу баччағар худобезорилар кеча уйга берилган топшириққа биноан феълни жадвал бўйича туслашлари, улар ёрдамида бир неча жумла ёки болаларбоп шеърлар битишлари керак эди.

Маана, уларнинг машқларидан намуналар:

Мен музқаймоқ еяпман,  
Сен пишолда уряпсан.  
Ҳақини ким тўлайди?  
Дунёда энг аҳмоқ ким  
Бўлса, ўшз тўлайди.  
Буни билар шайтон ҳам

Улар шўхликни авжига чиқиб давом эттирдилар:

Мен Миланга кетаяпман,  
Сен Миланга кетаясан,  
У Миланга кетаяпти,  
Биз Миланга кетаяпмиз...  
Мана бу шайтон эса,  
Улмайми бизга деса!

Бу сўзлар айтилиши билан шайтонлардан бирининг қулоғига етиб борди. Шайтон ҳам галга солиб ўтирмади. Бирдан эгизакларнинг хонасида нимадир портлагандай бўлди, атрофни ўткир олтингурут иси тугиб кетди, мана, шайтон тўғри креслога келиб, хотиржам жойлашиб олди.

— Шундай қилиб, ўлиб кетаверадиган ўша шайтон ким бўлди? — деб жиддий оҳангда сўради у, думини ўйнатиб.

Марко қўрққанидан шушидан кетиб йиқилаёзди. Донмо ёлгон гапни дўндирадиган Мирко эса дераза ёнига югуриб борди-да, ташқарига, майдонга ишора қилиб бақирди:

— Лу анови ёқда, жаноблари, у ўша ёққа қараб қочиб кетди! Унинг бахтини қараинки, шайтон дарҳол деразадан ўзини отиб, майдон томон югуриб кетди. Жуда бўлмаганда дорихона эшиги олдида кечки салқиндан ҳузур қилиб ўтирган Панеллини ўзи билан бирга шайтонлар ҳузурига олиб кетишга қарор қилди. Лекин шу тонда пайдо бўлган синьора Панелли эрининг жонига ора кирди. У шайтонга юқори мартабага мансуб бўлган кимса томонидан қўл қўйилган қандайдир тавсияномани кўрсатиб олиб қолди.

## ИМЛО ИСЛОҲОТИ

Кунлардан бир кун ўқитувчи Грамматикус имлони ислоҳ қилмоқчи бўлди.

— Бу барча қийинчиликларни йўқ қилиш керак,— деди у.— Масалан, сифатни ҳамма сўз туркумларига солиб, турлаб чиқиш шартми? Бу нимага керак? Майли, сўз туркумлари ҳаммаси бўлиб иккита бўла қолсин — ёқимли сифатлар билан ёқимсиз сифатлар. *Ёқимли сифатларга*: ажойиб, хушфёъл, мурувватли, самимий, довжорак; *ёқимсиз сифатларга*: хасис, ёлгончи, нопок ва ҳоказолар кирсин. Шундай бўлгани яхши эмасми?

Жимгина қулоқ солиб турган хизматкор аёл унга қараб:

— Анча дуруст! — деб жавоб берди.

— Энди феълларга ўтамиз,— давом этди ўқитувчи Грамматикус.— Мен шахсан уларни учга эмас, бор-йўғи иккитага ажратиб тусланишини маъқул деб биламан. *Биринчиси* — бу тусланиши шарт бўлган феъллар, *иккинчиси* тусланиши шарт бўлмаган феъллар, масалан, айдаш, ўлдириш; ўғирлаш. Қалай, гапим тўғрими ёки йўқми?

— Олтинга баробар сўзлар! — деди хўрсиниб хизматкор аёл.

Ҳамма ҳам мана шу оқкўнги аёлдек ўйлаганда эди, ислоҳотни ўн минутда ўтказса бўларди.

## БУЮҚ ҚАШФИЁТЧИ

Нотавон кўнгилга қўтир жомашов деганларидай, ўз кунини ўзи кўриб юрган бир йигит буюқ кашфиётчи бўлишни орзу қиларкан. У туну-кун мутолаа қилибди, кўп йиллар ўқигандан сўнг охири ўзига ўзи:

— Мен кўп нарсани ўқиб ўргандим, алим бўлдим, энди ниммага қобилиятим борлигини ҳаммага кўрсатиб қўлман,— дебди.

У ўйлаб ўтирмай, дарҳол тажрибалар ўтказишга киришибди ва ниҳоят пишлоқдаги тешикчаларни ўйлаб топишга эришибди. Бироқ кейин билса, бу иш аллақачонлар кашф этилган экан.

Шундан кейин у яна қайта ўқишга киришибди. Тонг отардан кечгача ва хуфтондан тонг отганча мутолаа қилибди, кўп ойлار ўқигандан сўнг охири ўзига-ўзи:

— Бас, етар шунча ўқиганим. Мен энди катта алим бўлдим... Ўз қобилиятимни бир синаб кўришим керак,— дебди. У тешик соябон кашф этибди. Кўпчилик бу кашфиётдан ичаклари узилгудек қотиб-қотиб кулибди.

Бироқ йигит руҳини чўктирмапти, яна китобларга ёпишибди, жуда кўп ўқибди, тажрибалар ўтказибди ва охири ўзига-ўзи:

— Энди янглишмасам керак, ўзимга нишонаман. Мен энди оддий олим бўлдим,— дебди.

Аmmo у барибир яна хатога йўл қўя бошлабди. У кемаларни акварель бўёғи билан бўяшни ўйлаб топибди. Бу усул аввало қимматга тушар экан, боз устига денгиз сувининг рангини ҳам буза бошлабди.

— Барибир чекинмайман!— дебди бошида бир тола ҳам қора сочи қолмаган довурак кашфиётчи.

У яна китоб мутолаа қилишга ўтирибди ва шунчалек кўп ўқиб-ўрганибдики, натижада ҳақиқий олим бўлиб етдишибди. Шундан кейин у қай ишга қўл урмасин, нимани ўйламасин, кашфиёт кетидан кашфиётлар қиладиган бўлибди. Масалан, у Ойда сафар қилувчи машинани, минг километр масофани бир зумда босиб ўтиши учун бир дона гуруч кифоя бўлган поездни, кийиб тўздириб бўлмайдиган туфлини ва бошқа кўпгина қизилқарми ихтироларни ўйлаб топибди.

Фақат ҳеч қачон хато қилмаслик йўлинигина ўйлаб топа олмабди. Буни ҳеч ким, ҳеч қачон ўйлаб топа олмаса ҳам керак.

## УИДА КИМ БОШЛИҚ?

Мен бир қизчадан:

— Сизларнинг уйингизда ким бошлиқ?— деб сўрадим.

У менга қараганча индамай тураверди.

— Айта қол, уйларингизда ким бошлиқ, ойингми ёки дадангми?

У ҳамон мендан кўзини олмай, ўша-ўша тураверди.

— Нега индамайсан? Ахир уйларингизда кимдир уни қил, буни қил деб буюриб турадимми?

У нима дейишини билмай, мўлтайиб тураверди.

— Ё «уйда ким бошлиқ» деган гапни тушунмайсанми?

Бўлмаган гап у, ҳамма балони тушунади.

— Унда нега чурқ этмайсан?

Қизча ҳамон мenden кўзини олмасди. Унга жаҳл қилишим жоиз бўлармикан? Балким у бечора соқов-моқовдир? Бир қарасам, у шаталоқ отиб қочиб кетаяпти. Бироқ сал нарига бориб тўхтади-да, тилини чиқариб мени майна қилди ва кулиб туриб:

— Бизнинг уйимизда ҳеч ким буйруқ қилмайди, чунки биз бир-биримизни севамиз,— деди баланд овозда бурро қилиб!

## ТУЛКИНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ КЎМИШДИ

Бир кун и товуқлар сўқмоқ йўлда ётган тулкини кўриб қолишибди. Тулкининг кўзлари юмуқ, думи қилт этмас, худди ўликка ўхшармиш.

— У ўлган, ҳа, ўлган,— деб қақиллашибди товуқлар.— Уни кўмиш керак! Товуқлар теварак-атрофга жар солиб, мотам либосларини кийишибди, хўроз бўлса очиқ майдондан чуқур қазигач кетибди.

Бу жуда антиқа кўмиш маросими бўлиб, унга жўжалар гулдасталар олиб келишибди, Жанозани энди лаҳадга олиб боришганда бирдан тулки тобут ичидан сакраб чиқибди-да, товуқларни битта қўймай паққос урибди.

Бу хабар тез орада барча товуқларга етиб борибди. Бу ҳақда ҳатто радиода махсус хабар эълон қилинибди. Лекин бу чораларнинг ҳеч бири тулкини заррача ҳам ташвишга солмабди. У бирмунча муддат кўздан панада юрибди-да, кейин бошқа қишлоққа ўтиб кетиб, яна эски найрангини бошлабди.

Бошқа қишлоқ товуқлари ҳам унинг тепасига йиғилиб, қақиллай бошлабдилар:

— У ўлиб қолган, ўлган! Уни кўмиш керак!

Товуқлар теварак-атрофга жар солиб, мотам либосларини кийишибди, хўроз бўлса чуқур қазигач учун жўхоризорга йўл олибди.

Бу жуда антиқа кўмиш маросими бўлиб, жўжалар шундай куй куйлашибдики, уларнинг овозларини ҳатто Франциядагилар эшитибди.

Товуқлар «мурдани» энди қабрга олиб келишган ҳам эканки, бирдан тулки тобут ичидан чиқиб, товуқларни битта қўймай поккиза туширибди.

Бу хабар яшн тезлигида бошқа товуқларга етиб борибди, улар анчагина кўз ёши тўкишибди. Бу ҳақда ҳатто телевизордан гапиришибди. Лекин шунда ҳам тулкивий назар-писанд қилмабди. У товуқларнинг калтафаҳм эканини биларкан, шунинг учун дўпписини яримта қилиб беғам-бепарво юраверибди, лозим топганида ҳалиги найрангини ҳам ишлатиб турар экан. Кимда-ким калтафаҳм товуқларга ўхшаб иш тутса, демакки, ундай одам бизнинг сабогимиздан ҳеч қандай хулоса чиқара олмабди.

## НОТУҒРИ АКС САДО

Менга акс садонинг мўъжизалари ҳақида мақтанчоқлик қилиб гапириб ўтирманг, барибир ишонмайман! Мени кеча ўшандайларнинг бири билан таништиргани олиб борншганди, мен саволларни даставвал ҳисоб-китобдан бошладим:

— Икки карра икки неча бўлади?

— Икки!— деб жавоб берди акс садо, ўйлаб-нетиб, ўтирмай.

Бошланиши чакки эмас, тан бермай иложинг йўқ, қойил!

— Уч карра уч-чи?

— Уч!— деб қувноқ оҳангда жавоб берди эси паст акс садо.

У ҳисоб-китобдан жуда бўш эди. Мен унга ўзини яхши кўрсатиш учун имконият тугдирмоқчи бўлиб:

— Жавоб беришдан олдин саволимни икки қулоғинг билан эшитиб, яхшилаб ўйлаб кўр. Рим каттами ёки Қомо кўлимми?— деб сўрадим.

— Қомо,— деб жавоб берди акс садо.

— Бўпти, жуғрофияни тинч қўяйлик. Тарихга ўтайлик. Римга Ромул асос солганими ёки Цезарми?

— Цезар!— деб қичқирди акс садо.

Шунда менинг чапараста жаҳлим чиқиб, охирги саволимни беришга қарор қилдим:

— Иккаламиздан ким кам билади, сенми ёки менми?

— Сен!— деб жавоб берди пинагини бузмай акс садо.

Кўйинг, менга акс садонинг мўъжизалари ҳақида мақтанчоқлик қилиб гапириб ўтирманг...

## ИККИ ТУЯ

Гапдан-гап чиқиб, бир ўркачли туя икки ўркачлигига қараб:

— Ўртоқ, сенга жуда раҳимм келади. Сенга чуқур таъзиямни ихзор эгаман,— дебди.

— Бу нима деганинг?— ҳайрон бўлибди икки ўркачли туя.— Нафасингни иссиқ қилсанг-чи, огайни, кўриб турибсан-ку, мен мотам либосида эмасман.

— Тўғри, кўриб турибман,— гапида давом этибди бир ўркачли туя,— сен ҳатто ўзингнинг қанчалик бахтсиз эканлигингни ҳам тушунмапсан. Сен ҳам бор-йўғи менга ўхшаган туясан, фақат бир камчилигинг борки, у ҳам бўлса ўркачинг қўшалоқ. Бу албатта, жуда-жуда ачинарли ҳол.

— Мени кечир,— деб жавоб берибди икки ўркачли туя,— балки кўнгли оғрир деб бу ҳақда сенга гапирмоқчи эмас эдим, аммо ўзинг сўз очганинг учун энди гапиришга мажбурман. Биласанми, аслида иккимизнинг ичимиздан бахтсизми — бу сенсан. Чунки, сенинг зўр камчилигинг бор. Тўрт мучали соғ туянинг аслида ўркачи иккита, қўшалоқ, жуфт бўлади, сенда эса... атиги биттагина, холос!

Икки туянинг ўртасидаги баҳе анчагача чўзилибди, ҳатто бир-бирлари билан уришиб қолншларига оз қолибди. Бироқ шу пайт сал нарида ўғиб кетаётган йўловчига кўзлари тушибди:

— Кел, яхшиси, иккаламиздан қайсымиз ҳақ эканимизни ановия йўловчидан сўраб билайлик,— деб таклиф киритибди бир ўрқачли тўра.

Йўловчи диққат билан уларнинг сўзларини эшитиб, бош чайқабди-да, сўнг шундай жавоб қилди:

— Дўстларим, иккалангизнинг ҳам камчилигингиз бор экан. Аммо камчилигингиз асло ўрқачда эмас. Ўрқачларни смзга табият инъом этган. Иккита ўрқачнинг ўзига хос кўрки бор, бир ўрқач ҳам туянинг ўзига хўп ярашиб туради. Лекин иккалангизнинг ҳам энг катта камчилигингиз шундаки, шу ўрқачингиз, шу гавдангизга яраша ақллингиз йўқ экан. Бўлмаса шундоқ ўзингизга савлат бағишлаб турган ўрқачларнинг қадрини аллақачон тушуниб етган бўлар эдингиз.

## ИККИ РЕСПУБЛИКА

Қачонлардир иккита республика бўлган экан: бири Семпрония республикаси, иккинчиси Тиция республикаси деб аталар экан. Улар жуда узоқ муддат, бир неча асрлар мобайнида барқарор бўлиб, бир-бири билан ҳар доим ён қўшни — жон қўшни бўлган экан.

Семпрониялик болаларнинг қулоғига доим мамлакат фарб томондан Тиция билан чегарадош, деб қўйишаркан, кимда-ким буни эслаб қола олмаса ўша ўқувчи билимсизликда айбланаркан.

Тициялик ўқувчиларни мактабда, Тиция шарқ томондан Семпрония билан чегарадош, деб ўқитишаркан, агар улар буни ўзлаштириб ололмасалар, унда ўша болани синфдан синфга ўтказилмас экан.

Ўз-ўзидан маълум кўп асрлар мобайнида Семпрония ва Тиция ўртасида ўқтин-ўқтин низолар чиқиб тураркан. Кам деганда ўн марта улар олднингга найзаларни, кейин милтиқларни, ундан сўнг тўп, танк ва ҳоказоларни ишга солиб, уришиб қолишаркан. Сирасини айтганда семпронияликлар билан тицияликларни бир-бирини ёмон кўради деб бўлмасди. Қайтанга буни акси эди, ўртада оёйишталик ҳужм сурган йиллари семпронияликлар тез-тез Тицияга бориб туришар, уни жуда ажойиб мамлакат деб мақташаркан, шунингдек тициялик болалар ўз таътилларини Семпронияда ўтказишар ва улар ҳам ўзларини бу мамлакатда гоят тинч-эмин ҳис этишаркан.

Лекин мактабда тарих дарсини ўқиётганларида ўз қўшнилари ҳақидаги анча-мунча ёмон гаплар уларнинг қулоғига чақиниб қоларкан.

Семпрония ўқувчилари ўз дарсликларидан уруш доим тицияликлар айби билан боғланган деб ўқишаркан. Тиция мактаб ўқувчиларининг дарсликларида эса уларнинг мамлакатига семпронияликлар кўп маротаба ҳужум қилганликлари хусусида гап кетаёткан.

Тиция мактаб ўқувчилар: «Тунд-Нацидаги машҳур уруш Семпрония қўшнилариныг шармашдаларча қочиши билан тугарди» деб қироат қилар эканлар.

Семпрониянинг мактаб ўқувчилари: «Наин-Туидаги машҳур жангда тицияликлар ислам кўрилмаган даражада тор-мор келтирилганлар» деб ёд олишаркан.

Семпрония тарих фани дарсликларида тицияликларнинг барча ёвузликлари бир-бир санаб ўтилган экан.

Шунингдек, Тиция тарих фани дарсликларида ҳам семпронияликларнинг жинояткорона хатти-ҳаракатлари бирма-бир қайд этилган экан.

Ҳамма нарса алғов-далғов бўлиб кетди, шундай эмасми? Аммо бу ишда менинг сира айбим йўқ. Ишлар ўзи шундай содир бўлгандан кейин мен нима ҳам дердим,— бу икки республика шу тариқа муросасиз яшаб келишган. Бадки бир-бири билан чиқишаолмайдиган бошқа республикалар ҳам бордир, бироқ уларнинг номи ҳозир эсимга келмай турибди.

## КЎЗ ШИҚОЯТИ

Кунлардан бир кун кўлөгимга тасодифан кўзнинг хафа бўлиб шиқоят қилаётгани чалиниб қолди.

— Ҳайҳот!— дерди кўз.— Қанчалик бахтсизман! Мана, бир неча асрдирким, ҳаётим жуда оғирлашиб кетди. Мен доим Қуёшнинг Ер атрофида айланиши шўҳиди бўлиб келар эдим. Лекин бирданига мана бу Коперник, анови Галилей пайдо бўлди-ю, менинг янглишаётганимни, Ернинг Қуёш атрофида айланаётганини исботлаб беришди. Мен сувни дунёдаги энг мусаффо ва тиниқ нарса деб унга тўймай, ҳавас билан боқар эдим. Бироқ мана бу голландиялик Левенгук пайдо бўлди-ю, микроскоп деган асбоб ихтиро этди, бу асбоб ёрдамида у бир томчи сувдаги тирмик мавжудотлар сонини ҳайвонот боғидаги ҳайвонлардан ҳам кўп эканлигини оламга маълум қилди. Мен кечаси ҳув анови ёққа, тепага, самога боқардим. Ҳеч шубҳа йўқки, зимзиё қоронғуликдан иборат. Кузатиш қобилиятимга ўзим беш кетаман-у, аммо бу галгисида ҳам янглишганга ўхшайман. Мени осмонга қаратилган телескоп ёнига олиб келишди, унинг ёрдамида самодаги миллионлаб ялтираб турган юлдузларни кўрдим. Шу билан менинг ҳамма нарсани нотўғри кўришлигим узил-кесил исботланди. Буида кўра обрўим борида дам олишга чиқсам энг тўғри йўл шу бўлар деб ўйлайман.

Яшавор азамат! Лекин энди ким микроскоп ва телескопларга қараб юради — буёғи чакки бўлди-ку!

## БАЛИҚЛАР

— Эҳтиёт бўл!— деди бир вақт катта балиқ кичик балиққа қараб.— Мана бу — қармоқ! Унга тега кўрма. Оғзингга олгудек бўлсанг, тамом бўлдим деявер.

— Нега?— деб сўради кичик балиқ катта балиқдан.

— Бунинг иккита сабаби бор,— деб жавоб берди катта балиқ.— Биринчидан, борди-ю, оғзингга олгудек бўлсанг, шартта

қармоққа илһнасан, одамлар тутиб олиб, ичак-чавақларниги то-  
залашадиде, унга белаб товада қовуришади. Кейин кўкатларга  
қўшиб паққос туширишади.

— Вой, шунақами ҳали,— деди кайфи учиб кичик балиқ.—  
Огоҳлантирганинг учун сенга катта раҳмат! Сен менинг ҳаё-  
тийми сақлаб қолдинг! Хўш, иккинчи сабаби-чи?

— Иккинчи сабаби шундаким,— деб тушунтирди катта ба-  
лиқ,— мен ўзим сени эмоқчиман!

## БОЛА ВА СТОЛ

Бир бола уйда уёқдан-буёққа сакраб ўйнаб юриб тиззасини  
столга қаттиқ уриб олди ва жаҳл билан:

— Хув ифлос стол!— деди.

Уша боланинг отаси унга қизиқарли ва расмлари кўп журнал  
олиб келишга ваъда берди-ю, лекин нима ҳам бўлиб ваъдаси эси-  
дан чиқди ва айтган журнални олиб келмади. Бола йиғлашга  
тушди. Бундан отасининг жаҳли чиқиб унга:

— Бас қил, йиғиш, ёқимсиз бола!— деб уришиб берди.

Шунда столнинг қанчалик хурсанд бўлганини кўрсангиз эди!

## 33 га КЕП ҚОЛИНГИ

Мен бир камсуқум савдогарни билардим. Унинг дўкониде на  
шакар, на қаҳва, на совуи, на олхўри қоқи сотиларди, фақат 33  
рақами билан савдо қиларди. Савдогар ўзи жуда ҳалол одам эди.  
Унинг моллари ичиде сира сохтаси учрамасди, бари асил моллар  
бўларди, ҳеч қачон тарозидан уриб қолмасди. У, «Мана, сизнинг  
33ингиз, синьор!»— деб туриб аслиде харидорнинг қўлига 31 ёки  
29 ни тутқазиб юборадиган ановиндақа қирриқ савдогарлардан  
эмасди, ундайларни жиндидан ёмон кўрарди.

Унинг савдоси ҳам ўртаминёна бўларди. 33 ўзи унчалик хари-  
доргир бўлмасди-де. Мижозлари ҳам асосан тиш докторига уч-  
райдиганлар бўлиб, шулардан бўлак одам аҳён-аҳёндагина бош  
суқиб қоларди. Баъзилар бир оз тугилган 33 ни харид қилар эди-  
лар, уни ҳам бошқа жойдаги, яъни Порт Портезедаги магазиндан  
олишарди. Лекин бундан савдогар сира хафа бўлмасди. Сиз унинг  
олдига ёш болани, ҳастоки мушук боласини ҳам бемалол ишониб  
юбораверишингиз мумкин, у зинҳор уларнинг ҳақиға хиёнат қил-  
майди.

Кўрднигимизни, дунёда қандай ҳалол сотувчилар бўлмайди. Ма-  
на шундайлар ҳисобига жамият қарор топади-де.

## ОЧИҚ ХАТ

Бир куни адрессиз почта открыткаси бино бўлиб қолди. Унда  
фақат: «Саломлар ва ўпичлар!»дан бўлак ҳеч нарса ёзилмаганди.  
Тагида эса имзо: «Нинучча». Нинучча ўзи ким — синьоринами ёки  
синьорми, чулдираб қолган галлами ёки жииси кийган қиз бола-



ми, ҳеч ким билмасди. Қим билади дейсиз, балки, бирор қушча номи бўлиши ҳам мумкин.

Ҳеч бўлмаганда ўша «саломлар ва ўпичлар»дан биттагинасини майли, энг кичигини бўлса ҳам олишни хоҳловчилар шунчалик кўп эдики! Аммо бу нотаниш Нинуччага ишониб бўладими?

## БИР КУЙ ТАРИХИ

Кечагина шаҳарчамизда синьор Тромбетти Жован Карлони қизгин қутладилар. У ўттиз йиллик тинимсиз меҳнати мобайнида ҳеч кимнинг ёрдамисиз магнит лентасига ўз ижросидаги композитор Жузеппе Вердининг «Аида» операсини ёзиб олишга муваффақ бўлганди.

У бу ишни ҳали ўспиринлик чоғидаёқ бошлаганди. Олдинга микрофон олдида Аида, сўнг Амнерис билан Радамес партияларини ижро этди. Кейинчалик операда ижро этадиган ҳамма партияларни бирин-кетин куйлаб, лентага жо қилди. Хор ижросини ҳам лентага туширди. Қоҳинлар иштирокидаги хор ўттиз нафар ижрочидан ташкил топгани учун уни ўттиз бор ўзи ижро этишига тўғри келди. Шундан кейин у ғижжакдан тортиб ноғорагача, қўш сурнайдан тортиб кларнетгача, тромбондан тортиб инглиз бурғучасигача ҳамда бошқа чолғу асбобларида куй ижро этишни ўрганди. У ўша чолғу асбоблари ёрдамида чалган куйини бирма-бир алоҳида-алоҳида ленталарга ёзиб олди, кейин эса тўё оркестр ижро этаётгандек бўлиб туюлиши учун ҳаммасини битта қилиб лентага туширди.

У бу ишларини уйдан ташқарида, ижарага олган махсус тағхонада амалга оширди. У ота-онасига ишдан ташқари машғулотимга кетаяпман деб айтарди-ю, аслида «Аида»ни ёзишга кетаётган бўларди. У турли фон берувчи шовқинлар учун фил ва отларнинг югурган овози ҳамда машҳур арнялардан сўнг бўладиган олқишларни ёзди. У биринчи актдан кейин чалинадиган давомли қарсақларни ҳам ўзи ижро этиб ёзди. Бунинг учун бир минут ичида уч минг бор қарсақ уришига тўғри келди. Унингча, операда тўё уч минг томошабин қатнашгандек туюлиши лозим эди. Шулардан тўрт юз ўн саккизтаси «Офарини!», бир юз йигирма биттаси «Қойил!», ўттиз олтитаси «Жуфт бўлсин!» деган хитоблар бўлиб, фақат ўн иккитасигина «Ҳой нўноқ! Саҳнапи бўшатиб қуй!» дегувчи томошабин овози чиқиши кўзда тутилганди.

Юқориди айтганимиздек, куни кеча машҳур операнинг илк бор эшиттирилишига театрга тўрт минг томошабин йиғилди. Эшиттириш тугагандан кейин ҳамма: «Худди пластинканинг ўзи-я! Қойил!» деб бир овоздан маъқуллади.

## ВОИ-ДОД, КИЧРАЙИБ БОРЯПМАН!

Бутун оиланинг кўз ўнгида кулги-мазақ остида кичрайиб боришдан ёмони йўқ экан. Улар учун бу шунчаки ҳазилдай туюлади, завқ бағишлабди. Набираларим мушук боласига мўлжаллан-

ган саватча томон югуришади. Чамаси унинг ичида менга ўрни ҳозирлашмоқчи. Ҳа-ҳа, худди айтганимдай қилишди. Кейин, мен гарданимдан авайлаб ушлаганча, аста полдан кўтаришди ва эски, ранги ўнгиб кетган ёстиқ устига қўйиб қўйишди. Саватдаги бобо манзарасини томоша қилдириш ниятида улар яқин-йироқ қариндош-уруғларни чақиртиришди. Мен бўлсам тобора кичрая бораман. Энди чипнилар сақланадиган шкафнинг тоза ва ифлос аралаш қўл сочиқлар турадиган тортмасига бемалол жойлашадиган бўлиб қолганман. Шу алпозда кетаверса, яна бир неча ойдан сўнг, мен оила бошлиғи ва ҳурматли мутахассис деган мартабалардан ҳам маҳрум бўлишим турган гап эди. Ниҳоят телевизор ўчиқ пайтида стол устига эрмак учун қўйиб қўйиладиган бир кўрмисиз ўйинчоққа айланаман. Шунда жажжи тирноқчаларимни лупа ёрдамида кўздан кечирадиган бўлишади. Сал нари бориб эса менга гугурт қутчаси ҳам етарли бўлиб қолади. Сўнг кимдир, унинг бўшлигидан дарак топади-да, итқитиб юборади...

## ҚУШЛАР

Мен бир синьорни билардим, у қушларни жонидан севарди. Урмон, ботқоқ ва қир-адирларни кезувчи қарға, жиблажибон, колибраларни дейсизми; ўрдак, сув товуклари, кўкқулоқ, қирғовулларни дейсизми; Европа ва Африка қушларини дейсизми, хуллас, ҳамма хилни яхши кўрарди. Унинг уйида қушлар ҳақида битилган китоблар ачиб ётибди, манови ерда уч минг жилд келади-ёв. Китобларнинг кўпчилиги ҳатто чарм билан муқоваланган.

У қушлар ҳаётини зўр қизиқиш билан ўрганарди. Масалан, лайлакларнинг шимолдан жанубга йўл олганда ишқилиб Урта ер денгизи устидан учмаслик учун (қушлар бу денгиздан жуда қўрқарди)— Испания, Марокко, Туркия, Сурия, Миср орқали жуда катта айлана ҳосил қилишани, узоқ бўлса ҳам айнан шу йўлни танлашни яхши билар эди. Чунки энг қисқа йўл ҳар доим ҳам энг ишончли бўлавермайди.

Ҳа, кўп йиллардан бери, ҳатто бир неча ўн йиллардан бери менинг ўша қизиқувчан танишим қушлар ҳаётини ўрганарди. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, чунки у қушларнинг қачон учиб келишини аниқ биларди. Осмонда қушнинг қораси кўриниши ҳаманоқ у автоматлашган милтиғини оларди-да, мўлжаллаб туриб пақиллатиб отаверарди, битта ҳам ўқи беҳуда кетмасди.

## ЗАНЖИР

Занжир ўз-ўзидан уяларди. «Ҳайҳот!» Мени ҳамма ёмон кўради,— деб ўйларди у.— Бу бежиз эмас, албатта. Одамзод бино бўлибдики, эркинликка интилади, занжирбандликка асло тоқати йўқ».

Бир йўловчи ўтиб кетаётиб йўлдан занжир топиб олди. Уни дархтнинг бақувват шохига ташлаб, иккала учини улади-да, арғимчоқ ясаб қўйди.

Энди занжир ўша одамнинг болаларига аргимчоқ бўлиб хизмат қиларди. Болаларни баланд-баланд ҳаволатиб учирар ва дилларини завққа тўлдирарди. Ўзининг бу янги ишидан занжир беҳад хурсанд эди.

## ЖУРНАЛЛАР

Бир кунги поездда кетаётиб Теронтол станциясидан чиққан синьор менга ҳамроҳ бўлиб қолди. У ўзи билан бирга йўлда ўқиш учун олтига журнал олиб чиққан экан, шуларни ўқишга киришди. Синьор аввал биринчи журналнинг биринчи саҳифасини, кейин иккинчи журналнинг биринчи саҳифасини ундан сўнг учинчи журналнинг биринчи саҳифасини ва ҳоказо шу тахлит олтинчи журналнинг ҳам биринчи саҳифасини ўқиди. Шундан кейин у биринчи журнални иккинчи саҳифасини ўқий бошлади, сўнгра иккинчи журналнинг иккинчи саҳифасини, учинчи журналнинг иккинчи саҳифасини ва ҳоказо шу тахлит давом этаверди.

Бир оёдан сўнг у биринчи журнални учинчи саҳифасини ўқишга киришди, сўнгра иккинчи журналнинг учинчи саҳифасини... У шунчалик кўп билан, жиддий ўқирдики, ҳатто баъзи сўзларни ён дафтарчасига ёзиб оларди.

Тўсатдан ҳаслимга хунук бир фикр келди: «Борди-ю, мана шу журналларнинг саҳифалари баравар чиқмай қолса-чи? Дейлик, биттаси ўн олти, иккинчиси — йигирма тўрт, учинчиси бор-йўғи саккиз саҳифадан иборат бўлса-чи? Унда бу шўрлик синьорнинг ҳоли нима кечади?»

Омадим бор экан, у Ортда поезддан тушиб қолиб, мени бу фоже ҳолатда иштирок этишдан халос қилди.

## КАТТА БЎЛГАНИМДА КИМ БЎЛИШНИ ИСТАРДИМ?

Бир кунги ўқитувчи Грамматикус ўзининг эски шкафидан бир гала ишо дафтарини топиб олди. Улар бундан ўттиз йил илгарини, у бошқа шаҳарда ўқитувчилик қилган кезлари ёзилган ишолар эди. Ишо: «Катта бўлганимда ким бўлишни истардим?» деган мавзуда ёзилган бўлиб, бир дафтар бетига ана шундай сарлавҳа қўйилганди. Сарлавҳада аввал ўқувчининг исми шарифи қайд этилганди. Ишоларнинг умумий ҳажми йигирма тўрт саҳифадан иборат бўлиб, эгалари Альберти Марно, Бенетти Сильвестро, Коруго Паскуале ва ҳоказолар эди. Ўқувчиларини эслаш ниятида ўқитувчи Грамматикус альбомидан ўша синф билан биргаликда тушган расмини қидириб топди-да, болаларини эслашга уриниб кўрди.

— Мана бу Дзанетта Артуро бўлиши мумкин. Акаси Риги Ринальдо эдими-ей... Йўқ, мен бу болаларни бутунлай ёдидан кўтарганга ўхшайман! Афсус...

У расмини бир четга суриб қўйди-да, сарғайиб кетган ишо дафтарини ва унда ўз вақтида йўл қўйилган орфографик хатоларни кулимсираб кўздан кечира бошлади. Бундан ўттиз йил илгарини йўл

қўйилган асосий хато юмшатиш белгиси бўлиб, эндиликда унинг аҳамияти ҳам қолмаганди.

«Мен катта бўлсам,— деб ёзганди Альберти Маркио,— учувчи бўламан. Ҳозирча газеталардан самолётларнинг расмини қирқиб олиб, йиғиб қўяяпман. Уларга қараб туриб ўзининг келажаким ҳақидаги орзуларга бериламан...»

Азамат Марио орзу сўзини «а» орқали — «арзу» деб ёзибди.

— Аммиманки,— дея хўрсиниб қўйди ўқитувчи, ушбу хато унинг орзу-умидларининг рўёбга чиқишига ҳалал бермаган.

«Менинг отам сантехник ускуналари билан савдо-сотиқ қилади, катта бўлганимда у мен унинг ҳунарини давом эттиришимни хоҳлайди. Ўзим эса созада бўлишни истайман. Менинг бир хола-ваччам бор, у ришжакда куй чалишни билади ва...»

Ўқитувчи Грамматикус чироқни ёқиш учун ўрнидан турди, чунки у иншоларини ўқиб чиққунча қуёш ботиб, қош қорайиб қолганди. Шу пайт миясига бир фикр келди...

— Бўлмаган гап, бу гирт тентаклик-ку!— деди у ўзинга-ўзи.

Лекин ҳалиги фикр унинг миясида чарх уриб, тинчлик бермасди, ниҳоят тонг отиши билан уни амалга оширишга қарор қилди...

Ўқитувчи Грамматикус эрталаб поездга тушиб, қачонлардир ўқитган болалари турадиган шаҳарга йўл олди. У мўлжалидаги манзилга бориб етгандан сўнг чўнтагидан ўзи ўқитган болаларнинг рўйхагини олди-да, адреслар бюросига мурожаат қилди, уларнинг яшаш жойларини сўраб-суришгирди.

Ўқувчиларининг ёшликдаги орзу-умидлари нечоғли рўёбга чиққан-чиқмагани унинг фикр-зикрини бутунлай банд этган эди. Мен сизларга ширин ёлгондан кўра аччиқ ҳақиқатни айтиб қўя қолай. Ўқитувчи ўз қидирувини якунлагандан сўнг жуда кўнгли бузилиб, хафа бўлиб, уйига дилгир қайтиб келди.

У, масалан, уч нафар ўқувчисининг ўз ватанидан йироқда, урушда ҳалок бўлганини эшитди. Уларнинг биронта ҳам орзуси рўёбга чиқмагани, ёш умрлари бевақт хазон бўлгани маълум бўлди.

У, Альберти Марионини ўзи орзу қилгандек учувчи эмас, официант бўлиб ишлаётганининг гувоҳи бўлди. Қасб минг қилса ҳам қасб-да, гарчи ҳеч ким ўз иншосида: «Катта бўлсам официант бўламан...»— деб ёзмаса-да, барибир официантлар жуда кўп учрайди.

Сантехник асбоб-ускуналари билан савдо-сотиқ қилувчининг ўғли ҳам ўзи истаганидек созада эмас, газ баллонлари сотувчиси бўлиб ишламоқда экан.

Вақт ўтган сайин йил фасллари каби орзу-умидлар ҳам ўзгариб бораркан. Худди кучли эсган шамол дарахт баргини бемаҳал дувиллатиб тўкканидек, тақдирни ҳам ҳаёт ўз ўзанига солиб қўяркан. Ва ниҳоят, электрик бўлишни орзу қилган Корсини Ренциони устози каби ўқитувчи бўлганини билди-ю, уни топиб суҳбатини олишга қарор қилди.

— Азизим Ренцо,— деди Грамматикус собиқ шогирди билан кўришиб туриб,— ишларинг қалай? Эсингдами, қачонлардир электрик бўлишни орзу қилардинг?

- Мен-а? Бўлмаган гап!
- Ҳа, ҳа! Мана кўриб қўй — бу сенинг ишонг.
- Таажжуб! Ҳа, дарҳақиқат меники. Аммо бу менинг бутунлай эсимдан чиқиб кетган.
- Бундан чиқди, сен ўшанда роса ёлғонни дўндирган экансан-да?
- Қим билади, балки шундайдир...
- Уқитувчи Грамматикус чуқур хаёлга толди. Айтишларича, ҳа-ли ҳам хаёл суриб юрганмиш.

## КЕКСА МАҚОЛЛАР

Бир шаҳар бор экан. Бу шаҳар аҳолисининг яшаш тарз-тариқалари ва урф-одатлари ҳақида сизларга кейинроқ ҳикоя қилиб бераман. Шаҳарда бир кўримсизгина, эскича усулда қурилган бир бино бор экан. Бу бино кўҳна мақоллар маскани экан. Улар қачонлардир навқирон ва кучга тўлган, эндиликда кўпчиликнинг назаридан қолган, мункайиб қолган кекса мақоллар дам олар экан. Мен, дам оляпти, дедим чоғи? Йўқ, яхшиси, гап сотиб, тишимсиз баҳслашаяпти десам тўғрироқ бўлади!

— Эшак бўлиб туғилгансан, эшак бўлиб ўласан!— деб ўз фикрини баён этди бир Нуроний Мақол.

— Ҳечам-да!— эътироз билдирди суҳбатдоши.— Борди-ю, мактабга қатнаб ўқисам-чи? Қунт билан, ихлос билан ўқиб бутун куч ва ғайратимни ишга солсам-чи? Умуман, агар одам бир нарсага аҳд қилса, улдасидан чиқмай қолмайди!

— Қимки озга қаноат қила билса, ўша одам бахтиёрдир!— деб хитоб қилди бошқа бир Кекса Мақол.

— Бўлмаган гап!— уларнинг суҳбатига қўшилиб деди яна бир Нуроний Мақол.— Агарда одамлар ўзларида бор нарсаларга қаноат қилганларида, унда маймунга ўхшаб ханузгача дарахтда яшган бўлар эдилар!

— Ҳар ким ўзига керакли нарсани ўзи ясаса, уч киши учун ишласа!— яна кимнингидир овози эшитилди.

Бошқа бир овоз шартга уни қайириб ташлади:

— Йўқ, ҳар ким ўзи ишлаб топса, ўз кунини ўзи кўрса, яъни бир киши учун меҳнат қилса. Аммо куч — бирликда!

Мўйсафид Мақоллар орасига бир дақиқа сукунат чўкди. Бир оздан сўнг жимликни бузиб энг Кекса Мақол суҳбатни давом эттирди:

— Қим тинчликни хоҳласа, ўша урушга замин ҳозирлайди!

Шунда ундан кўра ёшроқ бўлган Мақол волидолдан бир неча томчи томизиб унга узатаркан, босиқ оҳангда унга тушунтира бошлади:

— Агар ўша одам тинчликни хоҳлар экан, аввал бомбаларни қалаштирмасдан тинчликни мустаҳкамлайди:

Яна бир Мўйсафид Мақол ўз фикрини шундай билдирди:

— Ҳар ким ўзига ўзи хон, ўзига ўзи бек бўлса!

— Ундай бўлса,— деб чувиллаб сўз қотишди Мўйсафид Ма-

қоллар барабарига:— нега ҳамма солиқ тўлашга мажбур? Ҳали электрга, ҳали газга, ҳали бошқа бир нарсага... Тагин ўзига ўзи хон бўлармиш.

Кўриб турибсизки, Кекса Мақоллар бир-бирлари билан баҳшлаша туриб, ўрни келганда ақлли гапларни ҳам гапириб ташлаш-япти, айниқса бир-бирларини танқид қилганларида бу кўпроқ сезиляпти. Масаланинг энг муҳими, албатта, гапирилган гапга нисбатан ҳозиржавоблик билан бутунлай қарама-қарши фикрни айтишда экан. Масалан!

— Гапнинг маъзи ҳар доимо унинг якунида бўлади!— деди Мақоллардан бири.

Шу он бошқа бир Мақол унга қарши чиқиб:

— Йўқ, гапнинг энг жумбоқ жойи унинг якунида!— деди.

Шу десангиз туриб-туриб менинг уларга раҳмим кела бошлади. Ҳаёт дам сайин ўзгариб бораётгани, эски мақоллар эндиликда иш бермай қолаётгани, ҳаёт тизгини жасур, ақлли, ўткир фикрли ёшлар ва ҳунар эгалари қўлида экани уларнинг хаёлига ҳам келгани йўқ. Уша қобилу қодир ёшлар сизлар бўласизлар-да, жигаргўшаларим!

## ЭШАК ОСМОНГА УЧГАНДА

Дарё бўйидаги кўримсизгина бир уйда камбағал оила яшарди. Оила шу қадар қашшоқ эдики, ҳеч қачон уйдаги овқат унинг ҳамма аъзоларига тугал етмасди, худонинг берган куни албатта кимдир оч қолишга мажбур бўларди.

Болалар буваларидан:

— Нега биз бой эмасмиз? Қачон бойиймиз?— деб сўрашарди.

Буваси уларга донм бир хилда:

— Эшак осмонга учганда!— деб жавоб берарди.

Болалар бувасининг жавобидан кулишарди. Аммо улар барибир оз бўлса ҳам бунга ишонардилар. Гоҳ-гоҳ улар эшак ем еётган оғилга кириб, уни бўйнидан силаганча:

— Эшаквой, қачон учасан? Кутавериш тоқатимиз тоқ бўлиб кетди-ку,— дейишарди.

Эрталаб уйқудан кўзларини очинган ҳамон улар оғилхонага югуришарди-да, эшакни саволга кўмишарди:

— Хўш, қалай? Бугун учасанми? Қара, бугун ҳаво қандай яхши, осмон тиниқ, шамол йўқ! Учиш учун бундай қулай пайт бўлар эканми?— ва ҳоказо...

Аммо эшак уларга эътибор бермай, ғурт-ғурт емини ейишда давом этарди.

Куз кунлари ёнғингарчилик мўл бўлиб, дарё ўзанидаш тошиб кетди. Тўғон сув босимига бардош бера олмай, ўша атрофдаги қир-адир дала-тузни сув босди.

Бечора одамлар тошқиндан том устига чиқиб, жон сақлашга мажбур бўлишди. Ўзлари билан бирга эшакни ҳам етаклаб томга олиб чиқишди, чунки эшак оиланинг энг катта бойлиги эди-да. Болалар изиллаб йиглашган, буваси эса уларни овутиш учун қи-

зиқ-қизиқ воқеаларни сўзлаш билан овора эди. Бир пайт у болаларнинг кўнглини хушлаш ниятида эшакка қараб сўз қотди:

— Вой, тентак эшаквой-ей! Қара, бошимизга қанақа фалокатни олиб келмадинг! Агар учишни билганингда эди, ҳамма иш бошқача бўларди!

Кўп ўтмай сув босган уйлар ёнига ўт ўчирувчилар моторли қайиқларда етиб келишди. Улар томлардан одамларни қайиққа олиб, хавфсиз жойга элтиб қўйишди. Эшак бўлса ўламан обло қайиққа чиққиси келмасди. Болалар баттар йиғига тушиб, унга ялини бошладилар:

— Биз билан юра қол, эшаквой, йўқ дема энди!

— Биласизми, — дейишди бир вақт ўт ўчирувчилар. Қўйинг, эшак қола қолсин. Уни кейин келиб олиб кетамиз. Ҳозир эса бизни жуда кўп мусибатзада одамлар кутишиб туришибди. Яқин орада бундай даҳшатли тошқин бўлганини ҳеч ким эслай олмаяпти.

Моторли қайиқ эшакни том устида қолдириб сузиб кетди.

Эшакни қайси йўсинда қутқаришганини биласизми? Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, вертолёт ёрдамида қутқаришди! Моторли қизил тунука «ийиначи» том устида пириллаганича бир жойда қотиб турди. Ундан арқонга осилиб бир одам томга тушди. У чамаси, эшаклар билан қандай муомала қилишни яхши билар эди, чунки у ғоят чаққонлик билан эшакнинг қорни остидан арқонни ўтказиб боғлади-да — қайта вертолёт кабинасига кўтарилди ва вертолётни аста-секин жойидан силжитди. Буларнинг ҳаммасини тепалик устида томоша қилиб турган болалар ўз эшакларининг осмонда учиб бораётганини аниқ кўрдилар. Улар иргишлаб сакрашар, кулишар, бақиршарди:

— Эшак учяпти! Эшак учяпти! Энди биз бойиб кетамиз!

Болаларнинг қий-чувига халойиқ тўплаиди. Одамлар эшакдан кўзларини олмай:

— Нима гап! Нима бўлди ўзи? — деб бир-бирларидан сўрар эдилар.

— Эшагимиз учяпти! Энди бойиб кетамиз! — деб севиниб қичқиришарди болалар.

Одамларнинг чеҳрасига табассум югурди, — бамисоли сув босган зимзиё адир устида қуёш чарақлагандай бўлди. Шунда кимдир:

— Сизнинг олдингизда ҳали катта ҳаёт йўли турибди, сизларни ҳеч ҳам камбағалсиз деб айтиб бўлмайди! — деди.

## БУХГАЛТЕР ВА ШАМОЛ

Триестани турли хил кема компанияларининг идораларида ишлаб келган. У қотмадан келган ўрта бўй киши бўлиб, ўзининг бутун ҳаётини фақат рақамлар ва ҳисоб-китоб ишларига бағишлаганди. Нью-Йорк, Сидней, Ливерпул, Одесса ва Сингапурлар билан ҳисоб-китоб ёзишмаларини олиб борадиган одамлар кўплаб учраб турарди. Бу одамлар бирваракай беш-олти тилда — италя-

ян, немис, инглиз, словак, хорват, венгер тилларида бемалол гаплаша олар эдилар. Бир тилдан иккинчи тилга ўтиб сўзлашиш улар учун худди чумчуқнинг бир шохдан иккинчи шохга сакраб ўтишидек оддий бир нарса эди. Уларнинг хотинлари одатдагидек баланд бўйли, малла соч, гўзал бўларди, чунки Триеста аёллари ичда кўрimsиз аёлнинг ўзи йўқ эди-да. Уларнинг фарзандлари ҳам баланд бўйли ва бақувват бўлиб, мунтазам спорт билан шуғулланишарди, эшкак эшишарди, ядро-физика фанини ўрганишарди ва ҳокazo. Лекин бу одамларнинг ўзлари нега баланд бўйли эмас, қогмадан келган, жиккаккина эканликлари бир ярагганининг ўзига аён эди. Аммо уларнинг ҳаммаси шундайми ё бир қисмими, буёғи бизга қоронғи. Балки бизга шунақа кўринар, чунки мен ҳозир ўша машҳур бухгалтер Франческо Жузеппе Франция, яъни Триестада тез-тез учраб турадиган булдуруқли шамол учуриб кетган Францини эслаяпман. Шамолнинг кучи ва тезлиги курьер поездининг тезлигидан ҳам юқори эди. Шундай қилиб, Франческо Жузеппе болалигида, мактабга қатнай бошлаган чоғида оғирлиги мушук вазиндан кўп эмасди. Кучли шамол эсган кунлари онаси уни мактабга жўнатишдан олдин обдон қулоғига қуярди, яна дайди шамол аллақаёқларга учуриб кетмаслиги учун портфелига гишт солиб кўярди.

Бир кун, яъни 1915 йилнинг ёз кунларидан бирида ўша Триестанинг энг енгил ўқувчиси китоблари билан бирга гишт солинган портфелини кўтарганича мактаби томон хотиржам кетиб борарди. Бир вақт австралиялик жандарма унга кўрсаткич бармоғини биғиз қилиб, еб қўйгудек ўқрайиб қаради-ю, уни порозиллик намойишида қатнашганликда айблаб қолди. Гап шундаки, Франческо Жузеппенинг эғнида кўк пальто, бўйнида қизил бўйинбоғ ва бошида оқ жундан тўқилган берет<sup>1</sup> бор эди, у худди Австрия империя<sup>2</sup>сининг жамоат тартибини бузиш ниятида кийим-кечак шкафидан қочиб чиққан Италиянинг кичик байроғи каби кўчада ҳилпираб борарди.

Франческо Жузеппе ўша вақтдаёқ кўзойнак тақарди, чунки у шабкўр эди, шунга қарамай жандарманинг қўрқинчли бармоғини минглаб бошқа бармоқлар орасидан баралла ажрата оларди.

Франческо Жузеппе қўрққанидан қўлидаги портфелни ташлаб юборди. Агар аэрогат тўсатдан барча юки-юу ва шунга қўшиб кабинетасидан халос бўлганда ҳам Франческо Жузеппе сингари шунчалик тез осмонга кўтарилма олмасди. Онаси таъминлаган оғирликдан халос бўлиши ҳамон кучли шамол уни бамисолл пардек учуриб кетди.

Кўз очиб юмгунча «Италия байроғи» йўл ёқасидаги симёғоч фонусига илтиб қолиб, шамолдан ҳилпирай бошлади.

— Пастга туш!— деб бақирди Австро-Венгер империясининг намояндаси.

<sup>1</sup> Кўк, қизил, оқ — Италия байроғининг ранги эди.

<sup>2</sup> Триест 1915 йил Австрия империяси составига кирарди.



— Туша олмайман!— деб жавоб қайтарди Франческо Жузеппе.

Дарҳақиқат у туша олмасди. Унинг учун аввало телага чиқиб боришнинг ўзи мушкул эди, аммо пастга тушиш эса ундан ҳам оғир эди, боз устига шамол ўша-ўша шитоб билан эсарди. Бир зумда симёғоч олдида тумонат одам йирилди. Уларнинг кўпчилиги меҳрибон триестликлар бўлиб, ўзларини шундай тутар эдиларки, гўё тартиб бузувчилардан уларнинг беҳад жаҳли чиқаркан.

— Ҳой, болакай, синьор жандармнинг гапига қулоқ қоқма!— деди биттаси.

— Қаёқда! Ҳозирги ёшлар ҳукуматни сира менсимай қўйишган,— деб қўшиб қўйди бошқаси.

Жандарма ёрдамга бирорта одам олиб келгани кетди. Унинг кетишини пойлаб турган колбасафуруш дарров дўконидан нарвонини олиб чиқди-да, портда югурдаклик қилиб юрувчи киши нарвонга чиқиб, зумда Франческо Жузеппени пастга олиб тушди. Бола портфелини ола оёғини қўлига олиб югура кетди, орқадан эса кулги ва қарсак овози янгради.

Орадан йиллар ва ўн йиллар ўтди. Франческо Жузеппе намунали ходимлардан бири бўлиб етишди. У узундан-узун рақамлар устунини кўчириб ёзар, Мехикога мактубларни жўнатар, соҳиб-жаймол хотинини концертларга, болаларини спорт майдончасига олиб борар эди. Аммо қаттиқ шамол бўлган кунлари у ҳар дом онасидан қолган ўша эски гиштни портфелига солиб кўтариб юрарди.

Бир кун эрталаб — бу 1957 йили содир бўлганди — кучли совуқ шамол кўтарилиб, у шамолга қарши зўрга юриб борарди. Қўққисдан пайдо бўлган кўппак унга қараб ириллаб қолди-ю, у қўлидаги портфелини тушириб юборди. Бухгалтер Франческо Жузеппе оёғига тушган гиштли портфель зарбини сезиб улгурмасданоқ, шамол уни пириллатиб учириб кетди-ку. У магазинлар устидан, портдаги шатакчи ва лангар ташлаб турган савдо кемалари тепасидан учиб ўтиб борар экан, бир пайт Австралияга жўнаётган нотаниш кеманинг узун мўрисиغا илиниб қолди.

Пастга тушишига унинг юраги дов бермади, палубадагилар эса бундан беҳабар эдилар. Кема Адриатика дёнгиздан чиқиб, Ионга кириб бораётгандагина одамлар уни сезиб қолишди.

— Капитан, кемамизда билетсиз йўловчи — «қуён» бор!

— Жин урсин! Александрия, Мисргача олиб боришга тўғри келади энди... Уни деб ярим йўлдан қайтиб ўтирмаймиз-ку.

Бухгалтер Франческо Жузеппе одамларнинг «қуён» деб атаётганидан қаттиқ хафа бўлди. У кучли шамол, гишт ва кўппак ҳақида уларга оқизмай-томизмай сўзлаб берди, шундан кейин капитан «қуён сўзини қайтиб олишга гайёр эканини, фақат у бундан кейин уни телба деб атажанини айтди. Бунга жавобан Жузеппе бирор нарса дея олмади.

У телеграф орқали Александриядан хотинига, кейин ишхонасига хабар қилиб, унинг уйга қайтиб боришига қўмаклашишларини илтимос қилди.

Ўз-ўзидан маълум, Триестадагилар ҳам унинг гапига ишонмади.

— Шамол олиб жетди? Тушмигизни сувга айтми? Мен сизни эмас, эшакни учириб олиб кетганига кўпроқ ишонаман.

— Ишонмасангиз тажриба қилиб кўришингиз мумкин, — деб таклиф этди бухгалтер. — Бу қандай содир бўлганини ўзим кўрсатиб беришим мумкин.

Хотини унга, тажрибани бир четга қўйиб тур, бунинг ўрнига ўзингни бир тузукроқ докторга бориб кўрсат, дегандан сўнг у одамларга ортиқ гап уқдиришдан ўзини тийди.

«Бўпти, — деди Жузеппе ўзига-ўзи, — уларнинг назарда мен ёлгончяёқ бўла қолай. Бўлиб ўтган ишлар эса шахсий сирим бўлсин».

Шундай қилиб, Жузеппе ҳозиргача бу сирни ичда сақлаб келаяпти. Ҳар сафар Франческо Жузеппе бундай қилади: ҳеч нима бўлмагандек бир-икки куп индамай юради-да, кучли шамол кўтарилиши билан шаҳар четига чиқиб кетиб, хумордан чиққанча шамолда учиб келади. Буида у чўнтакларини тошга тўлдириб олади: арқонининг бир учини белига, иккинчи учини бирорта дарахтга боғлаб қўяди. Кейин чўнтагини аста-секин тошлардан бўшата бошлайди, шу заўлда вазини енгиллашган сари шамол уни осмонга кўтариб бораверади, то дарахтга боғланган арқон тараф тортилмагунча у чўнтагидаги тошларни битта-битта олиб ташлайверади. Агар шамол ётиб қолмаса, бу тахлитда кўнгли хоҳлаганча осмонда учиб тураверарди. Дарвоқе, Жузеппе осмонда туриб нима қиларди дейсизми?

У теварак-атрофини зўр қизиқиш билан кўздан кечирарди, унга ҳатто қушлар ҳам ҳайрон қоларди. Баъзан шу ҳолатда китоб ҳам ўқирди, у ҳаммадан ҳам бундан бир неча йил илгари вафот этган триестлик машҳур шоир Умберто Сабининг шеърларини ёд олишни яхши кўрарди. Балки, бу сизни жуда таажжубга солгандир. Аммо бунинг сира таажжубланадиган жойи йўқ. Хўш, бухгалтер шеърларини яхши кўрса, бир нима бўлиб қоладими? Ахир, бухгалтер ҳам одам, бошқалар қандай бўлса у ҳам шундай, нега энди унинг юрагида шахсий кечинмалари, сирлари бўлмас экан?

Ҳеч қачон одамларни уларнинг ташқи кўринишига, касб-корию, кийинишига қараб баҳо берманг. Ҳар бир одамнинг қўлидан бири-биридан фаройиб ишлар келиши мумкин, лекин уларни кўпинча амалга ошира олмаслигига сабаб шуки, уқувсизлик қилиб қоладилар. Бошқа бир сабаби ҳам борки, ўз вақтида ўзларини босиб турган вештларидан халас бўлиш йўлини топа олмай қоладилар.

## СЕҲРАГАРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Мени Оскар Бестетти дейишади, асли болоньяликман, савдо фирмаларидан бирида ишлайман. Харидорларни ахтариб топниш ва савдо молларини кенг жорий қилиш борасида шахсий машинада Италия бўйлаб тинимсиз юришимга тўғри келади. Шунинг учун сизни нима қизиқтирса, бемалол мenden сўраб, билиб олишингиз

мумкин. Дейлик, Виа Ауреллида Троссетто билан Фоллоника оралигида қанча кўтарма гов борлигини билмоқчимисиз? Еки Виа Кассияда Витербо билан Сиена оралигида қанча буридиш борлигиними? Мен ярим ородимиздаги барча йўлларни миридан-сиргача биламан.

Кўча четида машина пойлаб сарғайиб турганларни машинамга ўтказиб, уйга олиб бориб қўйиб кира ишлаган пайтларим ҳам бўлган. Кўпича «олиб кетинг» дегандай баъзилар йўл ёқасида кўлини силкиб туради. Ҳозирги замонда бозорга янги тухум олиб бормоқчи бўлган каммирлар ҳам шунақа одат чиқарганига нима дейсиз! Улар машинани бу тахлит тўхтатиш билан поезд ёки автобуга атаган пулларини асраб қолар эдилар. Машинада ўрин бўлганида бажониди одамларни машинага ўтқазмаи ва мумкин қадар шошилмай йўл босамаи: йўлда суҳбатлашиб боришга нима етсин, бунинг устига вақт ўтгани ҳам билдирмайди, суҳбат асносида кўпгина қизиқарди нарсаларни билиб одасан ҳам. Ўтган йили, июль ойида бўлса керак, мен Внарежага яқинлашиб қолганимда икки нафар йигит кўл кўтариб тўхтатди-да:

— Туринга кетмаяпсизми?— деб сўради.

— Ҳа, Туринга кетаяпман. Утиринглар,— дедим.

Улар юклар билан машинамга ўтиришди. Бу иккала азамат туринлик ишчилар бўлиб, меҳнат таътилларини денгиз соҳилида ўтказиб уйларига қайтиб кетишаётган экан. Бағоят хушмақчақ, дилкаш йигитлар экан. Бирининг исми Берто, иккинчисиники Жулио экан. Бизлар у ёқ-бу ёқдан суҳбатлаша кетаётган эдик, бир вақт машинанинг бензини тугаб қолса бўлади-ми. Тўғриси, бензин тугашини билар эдим-у, бироқ бензобакда бир қатра ҳам бензин қолмаганини кечроқ пайқаб қолдим. Мотор бир-икки «йўталиб» хир-хир қилди-ю, ўчди-қолди.

— Оббо, сабил қолгур-ей,— дедим мен. ташвишланиб.— Ҳўш, мен сизга айтсам, энг яқин бензостанциягача аниги ўн километр бор, холос. Ҳар бир километри эса роппа-роса минг метр келади.

— Буни қаранг-а,— деди Берто. Қим билдири ёки Жулиоси бўлса керак. Нима бўлганда ҳам боя айтганимдай, ҳар иккалови ҳазил-мутойнабани яхши кўрарди.— Узи биз туринликмизми ё мусофирмизми? Иккаловимиз ҳам тажрибали механик бўлсак. Ахир машинани миридан-сиргача биламиз-ку.

— Бунинг техникага ҳам, бирон-бир сирга ҳам ҳеч қанақа боғлиқлик жойи йўқ,— деб жавоб қайтардим мен.— Ҳамма гап ҳатто зажигалкага ҳам лойиқ бензин қолмаганида.

— Сизда бензин шланги борми?

— Бор. Бироқ шланг бензин ўрнини боса олмайди-ку.

— Шошмай туринг, Ҳа-ҳа, бизга худди шуниси керак!

Берто шлангин олиб машинадан чиқди-да, бензобак олдига бориб нималардир қила бошлади. Жулио бўлса машина: нчиди ўтириб нуқул жилмаярди.

— У нима қиляпти у ерда?— деб сирадим мен.

— Ҳозир кўрасиз, у — бензиннинг пири.

Кейин Берто йўл чеккасига ўтди-да, саралаб ўнтача лолақизгал-

доқ узди ва уларнинг ичидан бирини олиб, шланг ичига суққан эди, шу заҳотиёқ қул-қулаган товуш эшитилиб, ўткир бензин исидимоққа урди. Ҳаял ўтмай бензобак бензинга тўлди. Биз яна йўлга тушдик. Ажабланганимдан кўзимнинг пахтаси чиққудек бўлсам ҳам, миқ этмай кетавердим.

— Кўрдингизми?— деди Жулио мени баттар таажжубга солиб. — Бу ҳали ҳолва! Нима қилса ҳам авто деганидан оз-моз хабардоримиз-да.

Мен ҳамон чурқ этмай машинани ҳайдаб кетавердим. Нима бўлди-ю, кўтарма ғовга урилиб кетишимга сал қолди-ку. Шартта тормоғни босдим...

— Нима қилияпсиз?— деб хахолаб куларди Жулио,— нима бало, ақлдан оздингизми?

У дарҳол оёғини акселераторга қўйиб, бор кучи билан босди.

— Эпласанг қочиб қол!— деб бақирдим, мен юз бериши мумкин бўлган ҳалокатни кўрмаслик ниятида кўзимни чирт юмиб. Аммо кутилган ҳалокат юз бермади. Кўзимни очиб қараб, нени кўрдим деиш — машина капоти бир оз кўтарилган ҳолда ўша тезлик билан кўтарма ғов устидан дангал ошиб ўтди-да, катта тезликда ўтиб бораётган юк поездеи состави устидан ҳам учиб ўтиб, темир йўlining нариги тарафидаги асфальт йўлга ғилдираклари билан енгил қўнди ва яна ҳеч нарса бўлмагандек ўз йўлида шамолдай елиб кетаверди.

Йигитлар бу ҳодисага асло эътибор бермай, қайсидир Турин кафеси ва ундаги бутун оламда қиёси йўқ энг мазали кўзиқориндан тотиб кўриш мумкинлиги хусусида суҳбатлашиб борар эдилар.

— Қизиқ, бу қандай содир бўлди...— деб тўнғилладим мен.— Нима бўлди ўзи? Ҳеч нарса тушунмадим. Ё алҳазар!

Йигитлар довдираб қолганимдан ҳайрон бўлиб, менга галати қараб туришарди:

— Мазангиз қочиб қолдимиз? Бирор нарса юз бердимиз? Конфет хоҳлайсизми? Сақич-чи?

— Яна қанақа сақич? Ундан кўра яна қандай мўъжиза кўрсатмоқчисиз, яхшиси менга шунн гапиринглар!

Йигитлар баттар таажжубланиб менга қаттиқроқ тикилишди.

— Гапингиздан янглишманг!— деди Берто, ким билади, балки Жулио бўлса керак ёки иккалови бараваригам.— Оғзингизга қараб гапиринг! Бизлар ҳалол, пичи одамлармиз, нима деб ўйлаяпсиз ўзи? Машинани кўз ва қўлимизни боғлаб қўйиб йиғиб беришимиз мумкин, лофи йўқ. Бу ҳақда сиз билан гаплашгандик, чамаси.

Мен нидамадим. Генуяни ортда қолдирдик. Апенниннадан ўтдик, Туринга яқинлашиб қолдик. Кун уфқ томон оғиб борарди.

Шу пайтда яна анча йўл босдик. Кейин орадаги сукунатни бузиш ниятида бўлса керак, Жулио таклиф ташлади:

— Куй эшитасизми?

— Жоним билан эшитардимиз, мнинг афсус, машинада радио йўқ.— дедим мен.

— Агар ҳамма гап фақат шунда бўлса...

У қандайдир гайри табиий ҳаракат билан машинанинг олдинги ойна тозалагич мурватини ишлатиб юборди. Буни у қай йўл билан амалга оширди, ақлим етмади. Охири ойна тозалагич таққа тўхтади-ю, машина ичи шўх куйга тўлди. Жулио билан Берто бир-бирининг елкасига эркалагансимон уриб кўяр экан. Туринга етиб боришлари билан По қиргоғидаги ажойиб бир ерга бориб ташца тушишга сўз беришди.

— Қўйсангиз-чи, ҳурматли ҳайдовчи,— дейишди улар менга далда бериб.— Назаримда, сизга ҳеч нарса ёқмай қолди-ёв.

— Менгами, йўғ-е...

— Шу нарса доим ёдингизда бўлсинки, Турининг оғизга тушган механигининг қўлидан келмайдиган бирорта иш йўқ. Тушингизми?

«Пақ! Пақ! Пақ!»

Тўсатдан бирин-кетин сигналлар ёрилиб кетди. Оқир уҳ тортидим-да, тушиб ёлдиракларни алмаштириш ниятида домкратни олган машина багажнингга ўзини урдим. Аммо шундоқ қайрилиб қарашини биламанки, сигналлар яна бус-бутун — ўз ҳолига келиб қолибди. Дами ҳам жойида. Жулио бўлса костюмининг чўнтагига қаламинни жойлаётганди. Гаров боғлаб айтаманки, у сигналларга айнан шу қалам билан дам берган!

Хуллас, мен якки ишчинини ёки икки сеҳргаринини машинага ўтказганимни ҳам тушунолмай қолдим. Лекин шуниси ҳам борки, бундай одамлар Туринда минглаб, ўнг минглаб топилади...

## ГВИДОБЕРТО ВА ЭТРУСКЛАР

Бундан жуда кўп йиллар бурун профессор Гвидоберто Доминиани олифтанамо қора соқол қўйиб «бир пайтлари этруск цивилизациясининг йирик маркази» бўлмиш Перужа шаҳрига йўл олди. Саёҳатчиларнинг гувоҳлик беришига қараганда у соқолсиз ташриф буюра олмасди дейиш қийин эди. Мен фақат шунини эслаб ўтмоқчи эдимки, бу икки фикр — соқол қўйиш билан Перужага бориш — бир маҳалда, ўша йилнинг ўзида содир бўлганди. Ўша вақтдан, тўғрироғи, ўша кундан бошлаб Гвидоберто этрускликлар дарбозасидан ўтаётганида (бундан ташқари уни Августо дарбозаси деб ҳам аташади), унинг соқоли ўша вақтдан бошлаб Перужа шаҳрининг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Сизларга яна шунини ҳам айтиб қўяйки, Гвидоберто этрускликларининг ўтмишини ҳаддан ташқари кадрлар эди... Дунё халқлари ҳаётидаги барча янгиликлар ва тарих жумбоқлари ичида фақат этрускликларники унинг мяснини обдон қотиришга лойиқ эди. Ўш, этрускликлар ўзи кимлар эди? Улар Италияга қардан келиб қолишган? Ҳаммадан муҳими, улар қайси жини ургур тилда муомала қилишган?

Шунингдек, сизларга яна шунини ҳам айтишим керакки, этруск тилини ўрганш ҳаддан ташқари мураккаб бўлганидан уни ўрғанишда бутун ер юзи олимлари минг йиллардан бери оворая сарсон.

Аммо шу пайтгача ҳеч ким бу жумбоқни ечишга муяссар бўлмади, бирорта зукко олим йўқки, бу тилдан лоақал биргина сўзнинг маъносини чақиб ўқий олган бўлсин.

Шундай қилиб, этрускликлар бир нави ўчларини олгандек бўлдилар: «Сизлар бизни ер билан яксон қилганмисизлар. Яхши. Қадимий римликлар шаҳарларимизни босиб олиб, ўзларига бўйсундирганларми. Жуда яхши. Энди биз шундай қиламизки, ҳеч ким бош қотирмасдан ва асабини бузмасдан этрускликлар ўтмишини ўргана олмайди».

Бир вақт десангиз Гвидоберто Этрусск-роман маданияти музейига кириб қолди. У худди шоколадни оз-оз ялаб ҳузур қилаётган боладек шошилмайгина музей залларини бирин-кетин диққат билан кўздан кечириб бошлади. Баногоҳ нигоҳи машҳур «чиппо»га тушганда, у ўзини чақмоқ ургандай сездн, — маҳаллий говак оҳақтошдан ишланган, аммо сирли кўчиб кетган қабр устундаги бир неча жумладан иборат машҳур «этруск ёзуви» устида юзлаб етук, ёрқин тафаккур эгалари бўлмиш олимлар бош қотирардилар. Бу жумбоқни кўриб ҳар қандай манман деган топагонлар, ребус ҳамда кроссворд ниқибозларини ҳам бенхтиёр титроқ босарди.

Бу машҳур қабр устунини кўриб унга мафтун бўлиб қолиш учун Гвидобертога бир дақиқа кифоя бўлди. У ҳурмат билан устунга қўлини теккизиб, қарин тўлиқ бўлмаса ҳам унга ўйиб ёзилган хатни ўқишга эзму қарор қилди, тўғрироғи, ўқийман деб ўз ўзига қасамёд этди.

Этрускликлар маданиятини ўрганувчи, яъни этрускологлар бу ёзувини кўриши билан мана шунақа бир умрга унга ёпишиб қолишади. Профессор Гвидоберто Доминициани Перужага бор-йўғи бир кунга келганди, энди бўлса бутун бир умрга қолиб кетишига тўғри келди. Ҳамма иш қуналари соат 9 дан 12 гача ва 15 дан 17 гача (музейнинг иш соати тартибига мувофиқ), у ўзини маҳлиё этган устунга тикилганича сира унинг олдида жилмасди.

Бир кун эргалаб у «расенна» сўзи устида мулоҳаза юрнга бошлади. Бу сўз «халқ», «одамлар» ёки бўлмаса «балконни чирмаб олган гуллар» деган маънони билдирармикин» дея хаёл суриб турганда кимдир унга нотаниш тилда мурожаат этиб қолди. Қараса, ёш бир голландиялик фуқаро машҳур устун ҳақида ундан бирорта маълумот беришини сўраб, астойдил илтимос қилайти. Гвидоберто у билан немис, инглиз, шунингдек француз тилида гаплашишга беҳуда уринарди. Улар бу тилларни турли савиядаги ўқитувчилар ёрдамида ўқиганлари учун бир-бирларини, умуман, тушунмасдилар.

Ингитянинг этрусликлар хусусида мумкин қадар кўпроқ маълумот олишга иштиёқманд эканлиги шундоқ кўриниб турарди. Айниқса Гвидоберто билан билимларини ўртоқлашишга сабри чидамаётганди. Нима қилиш керак? Гвидобертонинг қабр устундаги хатни ўрганнишдан ортиб қолган вақтнинг голланд тилини ўрганнишга бағишлашдан бўлак чораси қолмади. Бир неча ҳафта ичидаёқ Нидерландияликлар луғати ва имлосининг Гвидоберто учун ҳеч қандай сирли қолмади. Чет элликлар ўқийдиган машҳур Перужа

университетининг студенти бўлмиш ёш голландиялик энди ўзининг бутун ҳаётини этрускликларга, ундан кейин эса жуда бўлмаганда ярмисини голландияликлар учун сарфлашга қасамёд этди.

Кейинги йили эса профессор Гвидоберто худди шу йўл билан швед, фин, серб-хорвет, португал ва япон тилларини мукаммал эгаллаб олди. Этруск муаммосига қизиққан чет эллик студентлар мана шу тилларга мансуб студентлар эди. Бинобарин, Гвидоберто истаса-истамаса уларнинг тилларини ўрганишига тўғри келди. У студентларни масаланинг моҳиятига тўғри ёндашяптиларми, йўқми, шунини текшириб кўрмоқчи бўлди. Аниқроғи, қимки нуқул бошқотирмадан иборат этруск тилининг лозқал бирорта сўзининг маъини қақишга умид боғласа, у жиннихонанинг имтиёзли руҳсатномасини олишга муваффақ бўлишсини ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлди.

Профессор Гвидоберто кўз очиб юмгунча тез ўтиб кетган кейинги беш йил ичида маҳлиё бўлган қабр устунидан бир дақиқа нисоҳини узмай туриб, турк, рус, чех ва араб тилларини, шунингдек Урта Осиё ва қадим Африканинг ўнлаб шева ҳамда диалектларини ўрганиб олди. Чунки эндиликда Перужага ўша ёқлардан ҳам ёшлар ўқишга кела бошлаганди, шаҳарда бутун дунё мамлакатлари тилларида сўзлашяётганларини эшитиш мумкин эди. Бунинг ажабланидиган жойи йўқ эди. Бир кун бир нотаниш эронлик ўз ҳамшаҳарига (улар студентлар эмас, туристлар эди):

— Худди Бобил миярасининг ўзгинаси-я!— деди.

— Янглишасиз!— деди ногоҳ уларнинг олдида ўтиб бораётиб бу луқма қулоғига чалинган профессор Гвидоберто. Ўз-ўзидан маълум, у бу сўзни уларга тоза форс тилида гапирди.— Перужа, қимматли жаноблар, Бобилнинг акси. Унда тиллар бир-бири билан қоришиб, одамлар бир-бирларининг ука, акаси, қўшин қидматлик қўшнисининг, солиқ тўловчи солиқ йиғувчининг гапини тунунмай қолган. Бу ерда эса бунинг тамоман тескариси. Бу ерда дунёнинг барча жойларидан одамлар келишади ва бир-бирларини бинойидек тунуншади. Биэнинг университет чет элликлар учун мўлжалланган, таъбир жойиз бўлса, уни келажак дунёнинг намунаси дейиш мумкин, бу ерда турли миллат вакиллари аҳил-дўст яшади.

Эронлик туристлар италияликдан узундан-узоқ, бунинг устига бирорта хатосиз маърузани ўз она тилларида эшитиб, шунақанги ҳаяжонга тушишадик, сал бўлмаса ҳушларидан кетиб йиқилиб тушишларига оз қолди. Улар шу заҳоти Гвидобертога ҳамроҳ бўлиб олишди, ўзларидан бир қадам четлаштирилари келмай қолди. Туристлар Гвидобертонинг кетидан Этруск роман маданияти музейига кириб бордилар, «чиппо» қабр устун сирлари хусусида маъруза тинглаганларидан сўнг тез орада этрускликлар тили ҳақиқатан ҳам бутун Ер куррасидаги энг фаройит топишмоқ эканлигига тўлиқ амин бўлдилар.

Мен сизга бунга ўхшаш мисолларни юзлаб келтиришим мумкин эди. Бугунги кунда профессор Гвидоберто сайёрамизнинг икки юз ўн тўрт тили ва лаҳжасида бенуқсон ёза олади ҳамда сўзлаша

олади. Ўзингиз сезиб турган бўлсангиз керак, у бу тилларни фақат бўш қолган вақтларида мустақил равишда ўқиб, ўрганиб олди. Унинг соқоли оппоқ оқариб, дўпписи тагидан бир тутамгина майин, сийрак сочи чиқиб турарди. Ҳар куни эрталаб у музейга, ўзининг севган ишига тезроқ қўл уришга ошиқарди. Унинг учун «чип-по» — Перужанинг, ундан ҳам кўпроқ бутун Умбриянинг ва ҳаттоки бутун Ер юзининг юраги эди.

Унинг тилшунослик борасидаги билимига бирор кимса қойил қолиб, қобилиятига тан бергудек бўлса, Гвидоберто суҳбатдошининг гапини эшитгиси келмай, қўл силтаб, унинг гапини бўларди.

— Аҳмоқона гапларни қўйинг!— дерди у.— Мен ҳам сизга ўхшаган авом одамман. Ахир ўттиз йил ичида этрусликлар тилини ўзлаштира олмадим-ку.

Билганимиздан кўра билмаганимиз ҳамиша қадрлироқ бўлади.

## ПИГМАЛИОН

Қадим замонларда, кўҳна афсоналар даврида Кипрда Пигмалион исмли ёш ҳайкалтарош яшаркан. У ўз санъатини жонидан ҳам яхши кўраркан. Бир куни гишт терувчилар унга янги мрамар бўлагини ташлаб кетишибди, у диққат билан мрамарни кўздан кечирар экан, ўзига-ўзи:

— Қизиқ, бу мрамар бўлагиди ким яшириниб ётган бўлса, одамзотми ё худоми? Аёлми ёки йиртқич ҳайвонми?— дебди.

Кунлардан бир куни тошда гўзал қиз яшириниб ётганини тасаввур қилибди. Унингча бунақасини ҳали Кипр у ёқда турсин, бутун Ўрта ер денгизи соҳилларида ҳеч ким ва ҳеч қачон учратмаган экан.

У қаттиқ ҳаяжонда ишга киришибди, ҳатто ўз-ўзи билан овоз чиқариб гаплашадиган бўлиб қолибди.

— Мен биламан, эй соҳибжамол, сен бу тошда минг йиллардан бери ухлаб ётибсан. Кўп ўтмай мен сени совуқ мрамар чангалидан озод қиламан. Бир оз сабр қил, мен сени, албатта, озодликка олиб чиқаман.

У тиним билмай, кунни тунга улаб ишлабди. Йўнғич асбобининг ҳар бир ҳаракатидан мрамар қаъридан ўша гўзал қизни озод қилишга азму қарор акс этиб тураркан. Ҳайкалтарошнинг ускунаси ҳайкалнинг бурнига, лабига, сочлари остида яширинган қўлоқларига текканида, жони оғримаялтимикан, дея ҳайкалтарош жуда эҳтиётлик билан ҳаракат қилар, қўлларни қалтираб кетарди.

Қизнинг енгиз узун қўйлагини алоҳида қўнт билан текислади. Фақат бармоқлари оз-оз қўполдек кўринди ва уларни ҳам бағоят назокат билан тарашлаб чиқди. Шиппагини эса қошиқдек қилиб келиштириб ишлади.

Ҳайкалтарош ускунаси билан сўнги маротаба қизнинг кўзига ишлов берди-да, шу билан ишини тугатди. Кейин гўёки гапини тушунадигандек, ҳайкалтарош ўзи ясаган санамга қараб сўзлай кетди:

— Сен мен билан абадий бирга бўласан. Биз ҳеч қачон бир-



биримиздан ажралмаймиз. Қара, қандай ажойибсан! Азалдан сени шундай тасаввур қилганим, худди ўйлаганимдек бўлиб чиқдинг. Дунёда сендан ортиқ гўзал аёл бўлмайди!

Ҳайкални хурсанд қилиш ниятида Пигмалион унинг лабини бўяди, узун киприклар ясаб, қабоғига ўрнатди, қўл ва оёқ бармоқларининг тирноғига лак сурди, бошига соч қолади.

Кечқурун у ғоят эҳтиёткорлик билан уни таққурсидан олиб, ўзининг тўшағига ётқизди-да, янгигача кўрпа тортиб кўйди.

— Ухла,— деди у ҳайкал ёнидан ўзига жой соларкан.— Уйқингга ҳеч ким халақит бермаслиги учун мен сени шу ерда пойлаб ётаман.

У кунда ҳайкалнинг энгил-бошини янгилаб турарди: ҳали онасидан чиройли плавш, ҳали энгсиз тўқима кўйлак, ҳали қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган белбоғча, ҳали шойи кўрпа олиб келарди. Худди қиз болалар кўғирчоқларини ўйнаганларидек, ҳайкалтарош ҳам уни тинимсиз кийинтирар ва жойдан-жойга олиб кўчираверарди.

Қизга деб талай ўйинчоқлар кўтариб келарди, янги узилган мевалар, энг тансиқ шириликлар билан сийлаб, меҳмон қиларди. У олиб келган нарсаларининг ҳаммасини қизнинг оёғи остига ташларди, бироқ у ҳеч нарсага қўл урмас, лоақал уларга қиё боқиб кўймасди ҳам, шунга қарамай ҳайкалтарош ўзини билмаганга солиб, қизга парвона бўлгани-бўлган эди.

Ҳайкалтарош қизни сира зериктириб қўймасди, унга соатлаб эртак айтиб берар эди. Мабодо у шаҳар янгиликларидан хабардор бўлиб қолса, бундан қизни ҳам дарҳол воқиф қиларди. Сабаб, унинг ўзи ҳам деярли ҳеч қасққа чиқмас, ҳеч кимни кўргиси ҳам келмасди. Кўчага бош суқмай кўйган Пигмалионни бетоб деб ўйлаган дўстлари ундан хабар олгани келишган эди, у уларни кўполлик билан ҳайдаб юборди. Бу ҳол кейин ҳам бир неча бор такрорланди.

Ҳайкалтарош қиз билан андармон бўлиб, бутунлай ишнини йиғиштириб қўйганди.

Шўрлик ота-оналари бўлса ўғилларининг тиңчини бузишга журъат этолмай эшик ортидан қўрқа-писа ёлворардилар:

— Уғлим, эсингни йиғ. Еруғ дунёда тошини ҳам севиб бўларканми! Аллақандай ўйинчоқ деб умрингни хазон қиласанми?

— Мени тиң қўйинглар!— деб жавоб қайтарарди у.— Кўнглим нистаган ҳамма нарса муҳайё, менга бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ.

У ҳайкал билан ўз суҳбатини давом эттираверарди, агарда унинг тили бўлганда, у албатта гапларимга жавоб қайтарган бўларди, деб ўйларди-да, шундан ҳам кўнгли тоғдай кўтарилиб:

— Оҳ, қандай гўзал, қандай доносан!— дерди муздай тош қизнинг чеҳрасига суқ билан боқиб. Шу туришида унинг кўғирчоқ ўйнаётган қизалоқдан нима фарқи бор? Лекин қизалоқлар улғайган сари кўғирчоқларини унута борадилар. Баланд бўйли, бақувват, ҳар жиҳатдан бекаму кўст йигит бўлган Пигмалион эса ўзини ёш боладек тутиб, кўғирчоқдан сира кўнгили узолмаётганига нима дейсиз.

Бироқ, бирмунча муддатдан кейин унда ўзгармиш содир бўлди, арзимаган нарсага жаҳли чиқиб, жиннага бўлиб қолди. Гарчи ҳайкал унинг гапига жавоб бериб, ёқимли сўзлар айтмоқда, деб тасаввур қилишга ҳаракат қиларди-ю, бироқ мянсининг соғлом қисми билан ҳайкалнинг гунг ва совуқ тош эканлигини тушуниб турарди.

— Тентак! Бу қизнинг жонсизлигини наҳотки кўзинг кўрмаган бўлса,— дерди у ичида ўзига-ўзи таъна қилиб.

Пигмалион яна аламини ичига ютар ва баттар асабийлашарди, асабийлашгани сайин умидсизлиги ортиб борарди. Унинг барча шодлиги худди ёғи тугаган машъалдек сўниб борар, юрагини эса гашлик чулғарди.

Агар афсонага ишонадиган бўлсак, Пигмалион Зуҳра ибодатхонасига борганмиш-да, муҳаббат ва гўзаллик худосига ўз муддаосини айтиб, ёлворганмиш, сўнг уйига келиб қарасаки, ҳайкалга жон битиб, ҳақиқий қизга айланиб қолганмиш. У қизга қанчалик муҳаббат қўйган бўлса, қиз ҳам уни шундай севиб қолганмиш. Ҳайкалтарош унга Галате деб исм қўйиб, уйлашганмиш.

Аслида эса бутунлай бошқача бўлган эди.

У Зуҳра ибодатхонасига бориб, муҳаббат ва гўзаллик худосига ўз муддаосини айтиб, ёлворган. Уйига қайтиб келаётганда эса йўлда болалик чоғида бирга ўйнаб катта бўлган қизни учратиб қолган. Қизни кўрмаганига анча вақт бўлгани учун унинг кичкиналик пайтини эслайди. Эндиликда у улғайиб, жуда барно қиз бўлиб етилганди.

Қизнинг унга кўзи тушиши билан йигитга қараб фақат икки оғиз сўз билан:

— Салом, Пигмалион!— дебди, холос.

Аmmo, қиз қуруқ саломлашибгина қолмай, ўзининг кудиб турган қора кўзлари билан унга сирли боқибди. Унинг жонди, секинч тўла кўзларини кўрган заҳоти Пигмалион мармар ҳайкалнинг кўзларини унутибди, чинакам жонли қизга кўнгил қўйибди ва унга уйланибди. У жуда кўп ажойиб ҳайкал яратибди, лекин улар ҳайкалтарошнинг орзусини эмас, хотини, болалари, дўстлари ва ҳаёт йўлини акс эттираркан. Чунки улар дам сайми ижодкорни ўзининг жўшқин домига тортиб кетмоқда экан.

## ИТАЛЬЯН БОЛАЛАРИГА ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИНИ УЛАШУВЧИ МЕҲРИБОН СЕҲРГАР БЕФАНА ҲАҚИДА РИСОЛА

Маълум бўлишича Бефанада учта сеҳрли нарса — сулурги, қоп ва йиртиқ чувак бўлган экан. Баъзилар, эҳтимол бошқача ўйлаши мумкин, бу тушунарли, албатта, улар истаганларича ўйлаш-веришсин, ammo мен ўзимнинг ҳақлигимга ишончим комил. Энди бўлса мен бу нарсалар ҳақида сизларга бирма-бир, бекаму кўст сўзлаб беришга ҳаракат қиламан.

## БИРИНЧИ СЕҲР. СУПУРГИ

Навона майдонида яшовчи Бефана ўз супургисидан Янги йилдан сўнг фақат ўзга оламларга бориши керак бўлгандагина фойдаланадиган бўлди. У, Ой, Марс ва Антаресга парвоз қилади. Туманликлар ва галактикани айланиб учиб ўтади-да, охири Бефана мамлакатига қайтиб келади. Келиши билан уй подиши ювиб чиқмагани, чангларни яхши артмагани ва сартарошхонага бормагани учун синглизини койий бошлайдди. Бефананинг синглизининг исми ҳам Бефана, лекин у саёхат қилишни хуш кўрмайдди. У уззу-куи уйдан чиқмай, шоколад ер ва олма қиёмлик конфетни сўриб ўтирарди. У шунақа дангасаларнинг дангасаси эди.

Опа-сингил ўртада супурги дўкони очишганди. Уларнинг дўконидан Италиянинг барча Бефаналари Омена, Режо-Эмилия, Ривовсондолия, хуллас, ҳамма жойдан келиб супурги сотиб олишарди. Минглаб бефаналиклар супургини вон ўрнида ишлатишарди, шунинг учун ҳам опа-сингилнинг бозори доим чаққон эди. Борди-ю, супурги бозори касод бўлгундек бўлса, Бефана синглизига:

— Супургига талаб пасайяпти. Бирор чора кўриш керак. Сен, балким бирор йўлини ўйлаб топарсан, ахир шунча шоколад еб ташладинг-ку!— дерди.

— Нархани тушириб сотиб юборса бўлади. Ўтган йили биз шу усулда эски супургиларни қайта бойлаб, янгидек сотиб юборганимиз.

— Бирор тузукроқ усулни ўйлаб кўр. Йўқса конфетга кетаётган харажатларни чеклаб қўяман!

Бефананинг синглизини ақлини пешлай бошлабди:

— Янги усулни таклиф қилишим ҳам мумкин,— дебди синглизини.— Масалан, чўлтоқ супурги турини.

— Бу яна қанақаси?

— Бутунлай чўлтоқлаштирилгани-да.

— Аммо унинг кўриниши беўхшов бўлади-ку.

— Нима қилти? Баъзи бир кекса мунофиқлар олдиниға ғазабланадилар, кейинига эса ёш бефаналиклар мана шунақа чўлтоқ супурги бўлишади, деб эс-хушларини йўқотиб қўядилар.

Чўлтоқ супургига бўлган талаб бирданиға ошиб кетди. Кекса бефаналиклар аввалдига норозидикдан ўзларини кўйишга жой тополмай қолдилар, газеталарға хат йўлладилар ва норозилик намойиши ташкил этдилар. Лекин сал нариға бориб улар ҳам ойна пардаларини яхшилаб ёпиб, ўша чўлтоқ супургини ўзларига мослаб кўра бошладилар. Эртасига қарабсизки, улар ҳам қўллариди чўлтоқ супурги билан кўчаларда пайдо бўла бошлашибди. Энг қурумсоқ бефаналиклар ўзларининг эски супургиларини шартта дастасидан қирқиб ташлаб, шунини ишлатишга уриниб ҳам кўрдилар. Лекин уларда мутаносиблик бузилгани шуңдоқ кўзга ташланиб турарди. Қайтанға қурумсоқлик қилиб обрўларига путур етказганлари қолди.

Орадан бир оз вақт ўтгандан сўнг чўлтоқ супургига ҳам талаб қолмади.

— Хўш,— деди Бефана синглисига қараб,— энди яна бирор нарса ўйлаб топишингга тўғри келади, бўлмаса кинога боришингга пул бермайман!

— Ўйлайвериб бошим шишиб кетди-ку!

— Ўйламасанг — кинога бормайсан, вассалом!

— Уф! Унда улкан супургини расм қилиб чиқара қол.

— Бу нима деганинг?

— Узундан-узун супурги деганим. Керагидан икки баробар узун деганим.

— Ҳм... Бу эҳтиёждан ортиқ бўлмайдимиз?

— Ортиқчалиги ўз-ўзидан равшан. Худди шунинг учун ҳам унга талаб катта бўлади-да.

Уша куни, биринчи Бефана, ёшгина, қадди-қомати келишган ягона Бефанаой қўлида супурги билан жамоат ўртасида пайдо бўлиши билан қолган барча Бефаналар ҳавасидан ақлдан озаёзишди. Йигирма еттитаси ҳушидан кетди, ўттиз саккизтаси асаби бўшлиғидан ўзини ташлаб юборди, қирқ тўққиз минги ўпкаси тўлиб йиғлагани рўйхатга олинди. Яна кун ботгунча дўкон ёнида улкан супурги учун навбатда турганларнинг охири Бусто Арсициогача чўзилиб борди.

Келаси йилга Бефананинг синглиси қора олхўрилик шоколад қутиси учун мини-супургини ихтиро этадиган бўлди. У узун ҳам эмас, қисқа ҳам эмас — ўртача. Шундай қилиб, опа-сингил Бефаналар жуда бойиб кетишди ва супурги ўрнига чангютқич магазини очдилар.

Шу ишга ўтишди-ю, бошларига ўзлари бало сотиб олишди, сабаби Бефаналар супургиларда эмас, чангютқичларда парвоз қила бошладилар. Чангютқичлар бўлса ўзларига булут, комета, катта-кичик қушлар, парашютчалар, варраклар, метеорит, табиий ва сунъий йўлдошлар, катта бўлмаган сайёра, қўршапалак ва ҳатто лотин тили ўқитувчиларини ҳам домига тортиб кетаверди. Бир Бефана бўлса, бепарволик қилиб ҳатто самолётни бутун йўловчи-пўловчилари билан ютиб юборибди, кейин уларнинг ҳар бирини мўридан уйларига элтиб қўйишига тўғри келди.

Тозалик ўрнатишда чангютқичнинг баҳоси йўқ, албатта. Саёҳат қилгани эса ҳарқалай эски супургидан қўймасин экан.

## ИККИНЧИ СЕҲР. ҚОП

Кунлардан бир кун совға солишган қоп тешилиб қолибди-ю, Бефана буни сезмай қолибди. У ҳеч нарса юз бермагандек фазода учиб юраверибди, совғалар эса қопнинг тешигидан дуч келган жойга тўкилиб бораверибди. Электрлашган, ўзниорар ўйинчоқ поезд Римдаги муқаддас Пётр гумбази устига тушиб, унинг гирдида чар айланиб юрганмиш. Унга пастдаги дераза ойнасидан руҳонийнинг кўзи тушиб, қўрқувдан баданини совуқ тер босибди.

— Бу иблис,— деб бақирибди у.— Қиёмат қойим бошланди!

Бошқа бир руҳоний бўлса темир йўл жадвалига кўз югуртираркан, бошини чайқаб:

— Бу, эҳтимол, Витербодан келаётиб йўлидан адашган тез-  
жорар поезд бўлса керак.

Бўриларнинг ини оғзига бўлса битта қўғирчоқ келиб тушди.  
Бўрилар ҳам бошқача хулосага келишди.

— Бу Ромул ва Ремо бошидан ўтган воқеага ўхшаш бир на-  
рса бўлса-чи?— дейишди улар бир-бирларига қараб.— Қаранг-а,  
шухрат ўзи олдимизга осмондан тушди, панжамизни чўзсак, бас,  
ошиғимиз олчи-да. Биз бу мўъжизотни боқамиз, боқиб катта қи-  
ламиз, катта бўлгач, у биз истиқомат қилиб турган ерга шаҳар қу-  
риб беради. Шундан кейин бўриларнинг сиймосини ифода этувчи  
кўпгина мис ҳайкалчалар ясаиди. Шаҳар ҳокими ташриф буюрган  
шеҳмонлар олдида ноқулай вазиятга тушиб қолмаслиги учун улар-  
га ҳайкалчалардан совга қилади.

Улар қўғирчоқни кўп йиллар давомида меҳр қўйиб парвариш  
қилдилар. Аммо қўғирчоқ ўсмади, фақат унинг туфлиси ҳар жой-  
ларда тушиб қолаверадиган бўлиб қолди. Бўрилар доврўқ қозо-  
намиз, деган ниятларига ета олмай ҳаммалари қариб қолдилар.  
Лекин бир жиҳатдан улар омадлари юришганини тушуниб етди-  
лар, ов билан шугулланадиган турли хил ишқибозлар энди анча  
кўпайганди-да.

Синьор Момбреттининг дугонасига совга қилган қоракўзан  
мўйнасида тикилган пўстин Сардинага, қўйларини боқиб юрган  
чўпондан икки қадам нарига тушганди. Аммо чўпон қўрққанида:  
«Арвоҳ! Арвоҳ!»— дея қичқириб қочмади, шартта пўстини ердан  
олиб, эгнига кийди. Пўстин унга қўйиб қўйгандай лойиқ келди.  
Буларни ўзининг орқа ойнасида кўриб қолган Бефана дарҳол  
нзига қайтди, чўпондан сал нарида ўсиб турган зайтуни дарахтини  
мўлжаллаб пастга шўнғиди. Бироқ нима ҳам бўлди-ю, ярим йўлга  
борганда у қутилмаганда шахтидан қайтди.

— Рост-да!— деди у.— Қимга кўпроқ зарур бу ажойиб пўс-  
тин? Чўпонгами ёки бундан ташқари икки пўстини, бунинг устига  
коңдиционерлик машинаси бор анави жирканч қизгами?

Бир кун Бефаналар йўлга чиқиш олдидан бўлган тўс-тўполов-  
да шундай бир воқеа юз берди — хайрлашув, маслаҳат ва кўз ёш-  
лар солинган қоплар алмаштириб юборилганди. Домодоссоллалик  
Бефана, массаломбардлик Бефананинг қопини, сарасвалик Бефа-  
на миланлик Бефананинг қопини билмасдан олиб кетиб қолибди.  
Совгалар тарқатиб бўлингандан сўнг бундақ қарасаларки, ҳамма  
совгалар алмашиб кетганмиш. Шу бошланиб кетибди! «Сен айб-  
дорсан!»— «Сен ўзинг айбдорсан...»— «Мен сенга айтгандим-  
ку...»— «Балки катта бувнингга айтгандирсан...» ва ҳоказо, ва ҳо-  
казо...

— Тўкилиб бўлган сут устида аза тутишнинг ҳожати йўқ,—  
деди охири римлик Бефана.

— Мен йиғлаётганим йўқ,— деб жавоб берди қоракўз, малла  
сочли Бефанаой,— арзимаган нарса деб пардозимни бузиб ўлиб-  
ганим!

— Бунинг фақат биргина иложи бор — қайтиб бориб ҳамма  
совгаларни йиғиштириб олиш керак-да, уларни эга-эгаларига қай-

тадан тарқатиб чиқиш керак. Менинг фикрим шундай,— деди бошқаси.

— Хаёлимга ҳам келтиргим йўқ!— деди хушбичим Бефанаой.— Менинг эса қайлигим билан учрашувим бор, биз қаҳвахонага борамиз! Булар билан менинг неча пудлик ишим бор!

Шундай деди-ю, у орқасига ҳам қарамай жўнаб қолди. Аммо бошқа Бефаналар хўрсина-хўрсина совғаларни қайтариб олиш учун илларига қайтиб кетдилар. Аммо минг афсуски, улар кечга қолишганди. Болалар аллақачон уйқудан туриб, улар олиб келган совғаларни кўздан кечирishaётган эди.

— Вой худойим-эй, қандай даҳшат!

Бўлмаган гап, ҳеч кўрқинчи жойи йўқ! Уларга теккан қўғирчоқдан ҳаммалари жуда мамнун, хафа бўлган бирорта бола кўришмайди. Веналик болалар совғага неаполитан болаларини олишганди, барибир улар хурсанд эдилар.

— Тушунаман, — деди римлик Бефана, — бутун дунё болалари бир-бирларига ўхшаш ва бир хил ўйинчоқларни яхши кўришади. Ҳамма гап шунда!

— Бўлмаган гап, — деб унга эътироз билдирди синглиси, — сен, ҳар галгидек, дунёга сариқ кўзойнақдан қарайсан! Бутун дунё болалари бир хил ўйинчоқни ўйнашга ўрганиб қолганининг сабаби шундаки, улар бир хил фабрикаларда ишлаб чиқарилади. Наҳотки, шунга ҳам фаросатинг етмайди? Болаларга эса қўғирчоқларни ўзлари ташлаб олаётгандай туюлади... Улар учун фабрикалар олдиндан бир сидра қилиб ташлаб қўйгани хаёлларига ҳам елмайди.

Икки опа-сингилдан қайси бири ҳақ эканлигини тушуниш қийин эди.

## УЧИНЧИ СЕҲР. ЙИРТИҚ ЧУВАК

Бефаналар киядиган чувакларининг тумшуги очиқ бўлишини ҳамма болалар билади, ҳатто қўшиқларида ҳам шундай дейилади. Баъзи бир болалар шундай чувакларнинг йиртигидан оёқнинг бош бармоғи туртиб чиқиб туради деб кулишарди. Бошқаларининг эса унга раҳми келиб, тун билан ухламай чиқадилар.

— Бечора Бефананинг оёғи совқотягандир!

Бефанага раҳми келган болаларнинг сони кўпчилигини ташкил этарди. Улар газета, радио ва болалар телеэшиттиришларига хатлар йўллашарди. Пул йиғиб, Бефанага чувак сотиб олишни таклиф этишарди. Номаълум муттаҳамлар олдинига Миланда, кейин Турин ва Флоренцияда (негадир улар Неаполда кўришишмади) Бефанага дарҳол чувак сотиб олиш учун уйма-уй юриб пуд йиға бошладилар. Улар икки юз ўн икки миллион итальян лирасини йиғиб, Швеция, Сингапур ва Гонконгга қочиб қолдилар.

Бефана бўлса яна ўша эски йиртиқ чувакда қолаверди.

Шундай қилиб, кўпчилик болалар Янги йил кечаси, ечиб қўйган пайпоқлари ёнига, одатда Бефана ўз совғасини ташлаб кетадиган ерга, катта қутн билан бир энлик хат қолдиришди, унга

«Бефана учул!» — деб ёзиб қўйишди. Қўтига янги бир жуфт чувак солиб қўйилганди. Еши ўтиб қолган, ammo зебо синьорета, дейилганди хатда. Чувакларнинг орасида қора, тўқ-сарик, шунингдек сарғиш рангдагилари, баланд, ўрта ва умуман пошнасиз, тўқали ёки боғичлиги ҳам бор эди.

Бундан Вижевандан келган Бефана бошқалардан эртaroқ воқиф бўлди. Жулшас, у нима қилди дeнг? Соат милини бир соат яллари суриб қўйиб, Ер куррасини товуш тезлигида айланиб чиқди. У уч автопоезди янги чуваклар билан тўлганиб, беҳад хурсанд ҳолда Бефаналар мамлакатга қайтиб келди.

Ҳикоянинг мана шу ерига келганда, янги афсус, у иккига бўлиниб кетди, чунки Бефанолог мутахассислар унинг давом эттирилишига бир оғирдан рози бўлишмади.

Мутахассисларнинг баъзилари — яхши, меҳрибон инсонлар, бошқалари — ёмон ва бемехр одамлар эди. Яхши мутахассислар вижевандлик Бефана яланг оёқ юрган одамларни кўриб, уларга раҳми келган. Шунда у ўз юкни олиб, оёқ кийимсиз қолган барча хотинларга уларнинг размерларига қараб чувакларни совға қилиш ниятида яна бир бор бутун Ер юзини айланиб чиққан. Шундан кейин яланг оёқ юрган камбағал эркакларга ортиб қолган чувакларни улашган. Улар, эркаклар оёқ яланг юргандан кўра хотинлар чувагида юришни афзал кўришган, деган фикрда эдилар.

Меҳрисизлар бўлса бунинг тескарасини, болалар ўз дўстларига совға қилган оёқ кийимларни вижевандлик Бефана ўз мамлакатига олиб бориб у ерда оёқ кийими дўкони очиб, чувак сотиб жуда катта бойлик орттирган, чунки бу чуваклар унга сувтекига тушганди-да. Шундай бўлганидан кейин, у қандай қилиб ўзига ажойиб машина ва тилладан ясалган трамвай сотиб олмасин! — дердилар.

Яхшиямки, мен мутахассис эмасман, бунинг устига яхши одам ҳам эмасман, ёмон одам ҳам эмасман, шунинг учун фикримнинг қанақалиги аҳамиятсиз деб ўйлайман.

### Қўшимча

Мен бир билимдонга ўзимни мана шу Бефаналарнинг уч сeҳрли буюми ҳақидаги рисодини кўрсатганимда у мийғида кулиб:

— Ҳаммаси тўғри. Ammo сиз энг муҳим тафсилотни унутибсиз! — деди.

— Қайсини?

— Бефаналар совғаларни фақат яхши болаларга олиб келишини айтишни унутибсиз, ёмонларга — йўқ.

Мен унга роппа-роса ўттиз секунд тикилиб турдим, кейин:

— Қулоғингизни узиб олайми ёки бурнингизни ғажиб ташлайми — танланг? — дедим.

— Кечирасиз, нима дедингиз?

— Мен сиздан қайси бирини хоҳлайсиз — яхшигина қилиб бошингизга зонг билан тушприб қолайми ёки орқа ёқангиздан муу бўлагини ичингизга ташлаб юборайми? — деб сўраяпман.

— Бундай қилишга ҳаққингиз йўқ! Сиз ким билан гаплашаётганингизни унутманг!

— Қандай қилиб ёмон болалар яхши бўлади дейишга тилингиз борди? Қани дарҳол тиз чуқиб, уэр суранг!

— Қўлингиздаги болға билан нима қилмоқчисиз?

— Агар ҳозироқ ҳамма болалар яхши деб онт ичмасангиз, мана шу болға билан жимжилогингизга айлантириб соламан. Айниқса камбағал бўлганлари учун уларга совға тегмаётганига ҳеч ҳам чидаб туrolмайман. Қани, қасам ичасизми ёки йўқми?

— Онт ичаман! Қасамёд қиламан!

— Мана бу бошқа гап! Энди бўлса, кўриб турибсиз, мен кетаман, ҳатто кўзингизга мутлақо кўринмай ғойиб бўламан. Бунинг боиси шундаки, мен ҳаддан ташқари яхшиман.

## ХАТОЛАРСИЗ МАМЛАКАТ

Бўлган экан шундай бир одам  
Туrolмаскан бирпас хотиржам.  
Мен топаман дер экан фақат  
Хатолардан холий мамлакат.  
Ер юзини кезиб чиқибди,  
Кезиб-кезиб эси чиқибди.  
Ниятига етолмай шўрлик  
Қўп тортибди аламу хўрлик.  
Қайга борса йиғлаб қайтибди,  
Тушларини сувга айтибди.  
Совуқ шимол, иссиқ жанубда,  
Номли ҳамда номсиз жопибди  
Энг каттаю энг кичик элат  
Барчасида бор экан ғалат.  
Аттанг, шунча меҳнати, аттанг  
Сувга уриб кетибди деманг!  
Гап шундаки, ўзгача мақсад  
Ва ўзга йўл тутмоқ эди шарт:  
Кечмоқ керак олам кезишдан,  
Фойдаси йўқ гапни чўзишдан.  
Хатолардан аввал юртингни  
Тозала-да, сўнг ур қандингни!







**ДИМ  
ЭРТАКЛАРИ**

## ЯШИЛ-ЗУХРО КУЗЛИ КОИНОТОЙ ХОНИМ

Дельфинанинг кимлигини биласизми? Модендаги Гранда Каналида жойлашган химчистка хўжайини ўша синьора Эулалия Боржеттининг бечора қариндоши-да. Бева Боржеттининг қизлари опа-сингил Софрония билан Бибиана эгнидан доимо эски кулранг халат тушмайдиган, қачон қараманг калта ағдарма чарм камзулини тозалашдан, шим ва кўйлак дазмоллашдан боши чиқмайдиган холаларидан кўнгилларида номус қилишарди. Улар ўзаро Дельфинани «Ану исқирт» деб аташарди. Боржетти уни аввало меҳр-шафқат юзасидан, қолаверса унинг бир ўзи икки кишининг ишини дўндирганию қариндошлик туфайлидан солиқ тўланмаслиги учун уни қаноти остига олган эди.

Ҳоҳо шундай пайтлар ҳам бўлардики, опа-сингилларнинг ҳам дилида раҳм-шафқат ҳисси уйғониб, уни ўзлари билан бирга кинога олиб боришар, унга энг охириги қатордан энг арзон билет олиб беришарди.

— Қизларим шундай одамжон ва меҳрибонки!— дерди синьора Эулалия, Дельфинани зимдан кузатаркан — тагин бу етимча ғиймали чўчқа оёғидан биттасини олиб кетмасин. Аммо таомга Серухсат қўл уриш боёқиш Дельфинанинг хаёлига ҳам келмасди. Шарбат туриб ўрнига сув ичарди. Мевалардан мандаринни эмас, фақат энг кўрimsиз олмадан ерди. Тушки нонуштадан сўнг, Софрония билан Бибианалар шоколад конфетларини еб бўлганларича у идиш-товоқларни чиннидай қилиб қўярди. У яна черковга ҳам қатнарди, чунки оила аъзоларидан кимдир у ерга бориши шарт эди-да.

Зухро республикасининг президенти сайланиши муносабати билан бериладиган катта базм кечасига эса Дельфина бормади. Бу кечага савдо палатасининг самовий кемасида холаси Эулалия, Софрония ва Бибианалар кетишди. Зухрога яна Моденнинг ярим аҳолиси, эҳтимолки, Европанинг иккидан бир қисми бошқа кемаларда учиб боришди. Фазога худди ракеталарга ўхшаб, юзлаб самовий кемалар ортларидан алашга чиқариб учинди.

Венерадаги байрам кечалари жудаям ажойиб ўтишлигини Дельфина эшитганди. Унга бутун Сомон Йўлидаги ўғил ва қиз болалар йнгилишарди. У ерда обакидандон ва музқаймоқлар тиклиб ётарди. Энг маза жойи шундаки, ҳаммаси текин эди!

Дельфина остонада туриб, кечага бораётган бахтли кишилар-

га ҳавас қилиб, ўксина-ўксина химчисткага қайтиб кирди. У синьора Фольеттининг кўйлагини тозалаб, дазмоллаб гартибга солиб кўйиши, синьора эса ана шу кўйлагини эртага Россиянинг «Золушка» операсига кийиб бориши лозим эди. Ажойиб кўйлак, қопқора, олтин ва қумуш зар ип билан йўрмаланган, — худди юлдузди тунми дейсиз! Аммо синьора Фольетти бу кўйлагини базм кечасига кия олмасди, чунки бундан икки ой илгари Веперанинг бошқа президенти сайланиши муносабати билан кийиб чиққанди. Бу сайёрада байрам ўтказиб туриш учун президентларни тез-тез ўзгартириб туришарди.

Дельфина, бу ажойиб кўйлакни бир эгнимга кийиб кўрсам (аммо хато ўйлаётганини у ҳали тушуниб етмасди) осмон узилиб ерга тушмас, деб ўйлади ўзинча. Кейин кийди ҳам. Кўйлак унга шунақангн ярашдики! Ўзини ойнага солиб кўрганди, акси ҳам маъқуллагандай унга айёрона кўз қисиб кўйди. Дельфина чир айланиб ўйнай-ўйнай қандай кўчага чиқиб қолганини ўзи ҳам сезмай қолди. Кўча бўм-бўш эди, шунинг учун Дельфина йўлгага чиқиб ўйнай бошлади. Бирдан кимларнингдир оёқ товушлари ва овозлари эшитилди. «Вой шўрим, қаёққа бекиндим энди?!» Ундан хиёл нарироқда унча катта бўлмаган бир оилавий самовий кема турарди. Бундайларни «Пари—2» дейишарди, унинг устки қопқоғи очик эди. Дельфина ўша қопқоқдан кеманинг ичига тушиб олиб, орқа ўриндиққа бориб жойлашди. Мана шу кемада ўтириб олиб фазога учиб чиқсам, бемалол у юлдуздан учиб, бу юлдузга бориб кўниб юрсанг қандай ажойиб иш бўлар эди-я, ҳеч қандай ташвишинг, ҳеч қандай вазифанг бўлмаса, бўлар-бўлмасга турткилайиверадиган холаи, ижиқ ва шаллақи миждозларинг, эзма холаваччанг... Оёқ товушлари борган сайин яқинлашиб келарди. Мана, улар кеманинг ёнгинасига келиб тўхташди! Кеманинг олдинги ўриндиқ қопқоғи очилиб, унга икки киши келиб ўтирди. Дельфина уларни таниб баттар кўрқиб кетдию, сезиб қолмасликлари учун кема тагига қулча бўлиб ётиб олди.

— Вой энди нима қилдим! Бу ахир синьор Фольетти-ку! Мени ўз кўйлагига кўриб қолгудек бўлсам...— дея пичирлади Дельфина.

— Ишқилиб кеч қолмасак бўлгани! — деди синьора Фольетти консерва очадиган пичоқларнинг запас қисмлари фабрикасининг кўжайини ва эри синьор Фольеттига. — Ропп-роса тун яримда қўйганин. Мен эртага эрталаб янги тухумлар олиб келиш учун Коккокуринога учиб ўтмоқчиман.

Синьор Фольетти унга жавобан алланима деб тўнғиллаб кўйдиди-да, гугурт чақиб сигарета тутатди. У айни бир пайтда стартер кнопасини босган эди, кема яшин тезлигида (ҳар секундга икки сантиметр қўшилади) учиб кетди, «Пари—2» Веперага чақилган гугурт чўпи ўчиб улгурмасданоқ етиб келди.

Дельфина то синьор билан синьора Фольеттилар кемадан чиқиб, узоқлашгунларича кутиб турди, кейин ўзинча шундай қарорга келди:

Мен шу ергача етиб келдимми, энди бориб базм кечасини ҳам томоша қиламан. Албатта, у ерда одамлар жуда кўп бўлади, шу боисдан синьора Фольетти шубҳасиз на мени, на ўз кўйлагини сеза олади.

Президент саройи шундоқ ёнгинасида эди. Унинг миллионта деразасидан чироқлар порлаб турарди. Энг катта залида етти юз эллик минг меҳмон янги «Сатурн» ўйинини ўрганишарди. Ўйинга тушганингда ҳеч ким сени таний олмайдиган бундан қулай жой бўларканми!

— Сизни ўйинга таклиф қилсам бўладими, синьорина?

Дельфинанинг ёнига баланд бўйли, келишган, кўринишдан спортчиларга ўхшаб кетадиган йигит келди.

— Биласизми, мен ҳозиргина учиб келдим, «Сатурн» ўйинини ҳали ўрганганимча йўқ.

— Бунинг асло қийин жойи йўқ! Мен ўзим сизга ўргатиб қўяман! Бу ўйин танго-валъс билан самбу-гавотга ўхшайди. Мана кўрдингизми, бу ўйинга тушиш шунчалик осонки, худди юришнинг ўзи.

— Дарҳақиқат, жуда осон экан! Биз бўлсак ҳанузгача мануэт-тестга ўйинга тушамиз.

— Сиз ерликсиз, шундай эмасми?

— Ҳа, Моденданман, Сиз зухроликмисиз? Бу сизнинг кўким-тир сочингиздан кўрилиб турибди.

— Аммо сизни ҳам ажойиб яшил ранг ажратиб турибди. Мен ҳатто, бизни зухролик кўк рангимиз демоқчиман. Бу — сизнинг кўзларингиз!

— Ростданми? Холаваччаларининг айтишларича, кўзим циркория рангига ўхшармиш.

Дельфина билан ёш венералик «Сатурн» ва яна бошқа йигирма тўрт турли хил бал ўйинларига тушдилар. Улар то музика тўхтаб, радиокарнай орқали Венера республикасининг президенти бир оздан сўнг байрам тантанасининг энг гўзал қизига соврин топширади деб Сомон Йўлининг ҳамма тилларида эълон қилинмагунча ўйинга тушабердилар.

«Қайси бахтликка nasib қиларкин! — ўйлади Дельфина. — Бироқ кемага қайтиш вақти келмадимикин? Худога шукур, соат энди ўн бир ярим бўлибди. Фольеттилар бўлса роппа-роса ярим кечада учиб кетишади. Кеманинг орқа ўриндигига яна бир бор яширинишимга тўғри келади». У шундай хаёл суриб турганида байрам мундиридаги икки нотаниш жаноб унинг ёнига келди. Улардан бири Дельфинанинг қўлидан ушлаб саҳна томон олиб борди. «Шарманда бўлдим! — қўрқиб кетди Дельфина. — Балки, синьора Фольетти мени кўриб, кечки театрға киядиган кўйлагини ўғирланганини пайкаб қолгану, тегишли жойга хабар қилган бўлса-чи! Ким билсин энди мени мана бу зухролик карабинерлар қаёққа олиб боришаркин?»

Байрам мундиридаги жаноблар уни тўппа-тўғри саҳнага олиб чиқишди, ҳар томондан қарсақлар янгради. «Қандай ноинсоф одамлар, — ўйлади ўзича Дельфина. — Мени ҳибсга олганларига

суюнишяпти. Менинг айбисизлигим ҳеч кимнинг эсига ҳам келмайди».

— Хонимлар ва жаноблар! — деган овоз яйгради радиокарнайдан. — Сўз Зухро республикасининг президентига берилади!

Нима?! Ҳали бу одам президентми? Дельфина билан бирга бутун кеча давомида ўйинга тушган мана шу йигит-а? Кимнинг хаёлига келибди дейсиз... Ҳа, худди шундай бўлиб чиқди. Зухро республикасининг президенти! У микрофонга яқин келиб, Дельфинани Коинот маликаси дея таптанавор эълон қилди. У Дельфинага қараб мулойимгина кулиб қўйди, ёрдамчилари шу заҳотиёқ саҳнага бир талай совғаларни: холодильник, йигирма етти программада ишлайдиган автомат кир ювиш машинаси, шампулар, тини пастаси, бош оғриғини қолдирадиган ва самовий касаллик олдини оладиган дори қутичалари, консерва очадиган олтин пичоқ («Фольетти», Моден, Ер фирмасининг совғаси) олиб чиқилиб, Коинот маликасига топширилди.

— Энди бўлса, — деб эълон қилинди радиокарнайдан, — президент синьорага унинг кўзи рангидаги қимматбаҳо тошлар билан безатилган узук совға қилади!

Президент узукни тақар экан, Дельфинанинг бармоқлари титрарди... Шу маҳал унинг кўзи беҳосдан президентнинг кўлидаги соатга тушди... Ун иккидан бир ярим минут ўтганди!.. Эр-хотин Фольеттиларнинг самовий кемаси!.. Химчистка!..

Дельфина худди ари чаққандай сесканиб кетди, узукни тушириб юборди, саҳнадан ўзини пастга отди-ю, оломонни ёрганча бор кучи билан қоча бошлади, балдагилар ҳам Коинот маликасига ҳурматаан йўл бўшатиб берарди.

Бахтига «Пари—2» космодромда ўз жойида турарди. Эр-хотин Фольеттилар балдан бир оз кечикиброқ чиқишди. Балким, улар Коинот маликасини табриклашаётганини томоша қилмоқчи бўлишгандир.

Дельфина кемадаги ўз жойини эгаллаб, нафасини ичига ютганча уларни кута бошлади.

— Қизиқ, — деди синьора Фольетти эрига, кемага кириб ўтиришгач, — бутун кеча президент билан рақс тушган қиз бирданга Коинот маликаси деб эълон қилинса-я...

— Аммо жуда ҳам кетиворган қиз экан! — деди синьор Фольетти, қойил қолганини яширмай. — У бизнинг консерва тилла пичоғимизни кўлига олганида қандай қувонганини кўрдикми? Буюмнинг қадрига етиши яққол сезилиб турибди!

— Биласанми, — давом этди сўзида синьора Фольетти. — Қизнинг эғнидаги кўйлак айнал меникига ўхшаш экан, шунга эътибор қилдикми? Ҳалиги-чи, қора, зарҳал ва кумуш ипда тикилган, нархи беш юз сўм...

— Нималар деялсан?

— Агар уни химчисткага ўзим топширмаганимда...

Синьор Фольетти сигара тутатди, у ичига тортган тутушни қайта оғзидан чиқаргунча Моденга келиб қўйишди.

Эртасига эрталаб Софрония билан Бибиана кўрган, эшитган

ва балда нима қилганларини сўзлаб, бир мақтангани Дельфина-нинг олдига югуриб келишди.

— Президент билан рақс тушишимизга оз қолди-я!

— Мен унинг қўлига тегиб ўтишимга сал қолди!

— Шундай келишган одам эканки! Фақат мана бу камчили-ги...

— Қапақа камчиллик?

— Унинг сочлари цикорий рангига ўхшаш кўм-кўк экан. Мен унинг хотини бўлганимда, албатта, қайта бўйшга мажбур этган бўлардим.

— У уйланганми?

— Уйланган деса ҳам бўлади. Айтишларича, Коинот гўзални қайлиқ қилармиш. Коинот гўзали малла соч қиз экан ва ўзи ҳам қандайдир галатироқ. Биласанми, қоқ ярим кечада қочиб қолса бўладими. Минт-мишларга қараганда, у уйига ўн иккидан кеч келса, онаси урар эмиш.

Дельфина, ўз-ўзидан маълум, чурқ этмади.

Тўшга бориб бутун Моден аҳолиси ҳаяжонга тушди. Ҳаяжонга тушмай бўладими, фавқулодда топшириқ билан икки ҳисса йўл харажатларини олиб, Зухро сайёрасидан шаҳарга чопарлар келишибди. Улар кўчама-кўча юриб ҳар бир уйга кириб чиқиша-ётганмиш.

— Уларга нима керак экан? Улар кимни қидиришяпти?

— Биласизми, айтишларича, Коинот маликаси Моден қизларидан бири эмиш.

— Моделикми, ёки рубьераликми...

— Балдаги тўс-тўполонда унинг исмини сўраш ҳеч кимнинг эсига келмабди. Зухро президенти бўлса худди шу бугун унга уйланмоқчи эмиш, бўлмаса у истейфога чиқиб, таркидунё қилармиш.

Зухродан келган чопарлар қўлларидаги узукнинг кўзини моделлик қизларнинг кўзларига солиштираётганмиш, аммо битта ҳам унга ўхшашини учратишолмабди.

Софрония ҳам узукни бир тақиб кўрай-чи, дея югуриб кетди.

— Синьорина, ахир сизнинг кўзларингиз қоп-қора-ку!

— Нима қилибди! Менинг кўзларим ўзгарувчан. Кеча кечқурун, масалан, кўзларим бутунлай ям-яшил бўлиши мумкин эди.

Кейин узукни тақиб кўргани ҳаллослаб Бибиана етиб келди.

— Пуқ, синьорина, тўғри келмайди! Сизнинг кўзларингиз жи-гарранг ахир!

— Нима қилибди! Агарда узук бармоғимга тўғри келса, демак, сиз қидираётган ўша қиз мен бўламан.

— Синьорина, ишимизга ҳалақит берманг!

Ва ниҳоят, Зухродан келган чопарлар Гранде Каналига етиб бордилар ва Боржетти химичтасига кирдилар. Бироқ улардан ҳил эртароқ ўз кўйлагини олгани синьора Фольетти кириб борганди.

— Мана кўйлагингиз, — деди қалтироқ босиб Дельфина.

— Лекин у ҳали тайёр эмас-ку, ғазабланди синьора Фольетти.

— Нега энди? — ҳайрон бўлди синьора Зулалия Боржетти. — У кечаёқ кун ботгунга қадар тайёр бўлиши керак эди-ку! Бу нима қилганинг, Дельфина?

Дельфинанинг ранги қув оқариб кетди. Аммо шу маҳал осто-нада зуҳролик элчилар пайдо бўлишди. Дельфина уларни кара-бинерлар бўлса керак деб қаттиқ кўрқиб кетди, ўғирлик қилгани учун уни ҳибсга олгани келишган деган ўйда ўзидан кетиб йи-қилди.

Бир маҳал ўзига келиб кўзини очиб қараса, химчистканинг энг яхши стулида ўтирибди, Зуҳродан келган элчилар, холавачча опалари, холаси, синьора Фольетти, буюртмачилар эса унинг ат-рофида тик туришганмиш. Ташқарида ҳам анча-мунча шаҳарлик-лар тўпланишганди, улар Дельфинанинг ҳушига қайтишини хаво-тирланиб кутиб туришарди.

— Мана улар! — қичқириб юборишди элчилар. — Мана улар, яшил кўзлар, яшил зуҳроликлар рангидаги кўзлар!

— Қоинот маликаси кеча балда кийган мана бу кўйлак ҳам шу ерда! — қувноқ оҳангда хитоб қилди синьора Фольетти.

— Мен... Мен кийгандим уни... Аммо мен атайдан қилганим йўқ... — ғўлдиради Дельфина.

— Нима деясан, қизалоғим? Бу кўйлак сеники-ку! Бу мен учун катта шараф! Моден ва Коккокуринолар учун ҳам қандай зўр обрў! Бизнинг Дельфина Зуҳро сайёраси президентининг қай-лиғи бўлади!

Ана шунда табриклар ёғилишини бир кўрсангиз эди!

Дельфина ўша куни кечқурун Зуҳрога учиб кетиб, Зуҳро рес-публикаси президентига турмушга чиқди, у ўз хотини билан аба-дий яшаш ниятида шу кунёқ юқори мартабадан воз кечиб, оддий ҳаёт кўйинга қайтди.

Зуҳроликлар янги президентий сайлашларига ва яна бир бор лабдабали бал кечасини ўтказишларига тўғри келди. Унда синьора Фольетти ҳам қатнашди. У Дельфинага Къянгано — Терма сувидан даволангани кетган холаси Зулалия, Софрония ва Бибианалар-нинг саломларини топширди. Ундан ташқари Дельфинага, синьора Фольетти Коккокуринодан сотиб олган ўн дона йирик, янги тухум-ни ҳам совға қилди.

## УЙҚУНИ HOҲЛАБ ҚОЛГАН РОБОТ

2222 йилга келиб бутун Ер юзида уй роботлари кенг қўллани-ла бошланди. Катерино ҳам шулардан бири эди. Бу ажойиб элек-трон робот Рим олий ўқув юртларидан бирида тарих фанидан лекция ўқувчи профессор Исодоро Кортининг оиласига хизма-т қилиш учун чақиртирилганди. Катерино ҳам бошқа уй роботлари каби овқат тайёрлаш, кир ювиш, дазмоллаш, чангларни артиш ва ҳоказо бир талай уй юмушларини бажара оларди. У бозор-ўчар-ишларини ҳам бажарарди, қилинган харажатларни ҳисоблаб чи-

қиш, телевизорни қўйиш ва ўчириш, болаларга уй вазифаларини бажаришда ёрдам бериш, профессорнинг мақолаларини машинкада босиш, машина ҳайдаш, қўшнилarga янгиликларни етказиш ҳам унинг қўлидан келарди. Қисқаси, бу жуда баҳоси йўқ машина эди!

Машина бўлганидан кейин машина-да, Катерино, ўз-ўзидан маълум, уйқуга муҳтож эмасди. Кечалари ҳамма ухлаганда у зерикмаслик учун қайта-қайта профессор Исидоронинг шимига лазмол босар, сўнг синьора Луиза тўқиётган нарсани тугатиб қўяр, болаларга ўйинчоқлар ясар, ошхона деворини қайта-қайта бўяр, сўлларини лаклаб чиқарди. Қиладиган бирорта иш топилмай қолган тақдирда у меҳмонхонага кирарди-да, креслога ўтириб олиб кроссворд ечишга тушарди. Синьор Исидоро роботларга мўлжалланган махсус журналга ёзилган бўлиб, ундаги лугатларда энг қийин сўзлардан иборат бўлган кроссвордлар бериларди. Уларни ечиниш учун роботлар озмиңча тер тўкишмасди.

Бир кун кечаси Катерино ўн етти ҳарфдан иборат бўлган сўз устида бош қотириб турганда профессор Исидоронинг ўз ётоқхонасида қаттиқ-қаттиқ хуррак тортаётгани унинг диққатини бўлди. У илгарги ҳам бу овозни бир неча бор эшитганди. Унга бу овоз ҳатто ёқардиям, бамисоли майини куйдай туюларди. Тун сукунатида бу ўзига хос ҳузур бағишларди. Аммо бу гал Катеринони бир фикр безовта қила бошлади. «Қизиқ, нега одамлар ухлашадми? — ўйлиниб қолди у. — Ажаб, шу маҳалда улар ўзларини қандай ҳис этишаркин?»

У ўрнидан турди-да, оёқ учида юриб, болалар ётоғига кириб бёрди. Болалар иккита — Роландо билан Лучилло эди. Ўзларини о а-оналарига яқинроқ ҳис этмоқ учун улар эшикни доимо очиб қолдириб ётишарди. Иккала бола ётган каравотлар ораллигидаги тумбочка устида ҳазоранг қопламали кичиккина электр чироқ ёниб турибди. Катерино маст уйқуда ётган болаларга диққат билан қаради. Роландонинг юзи хотиржам ва осуда эди. Лучиллонинг эса қизғиш ёпоқларида негадир енгил табассум жилва қиларди.

«Қуляптимми? — ҳайрон бўлиб ўйлади Катерино. — Худди ажойиб бир нарсани кўраётгандай-а! Лекин юмуқ кўз билан нимани кўриш мумкин?»

Катерино ўйга ботганича меҳмонхонага қайтиб келди. Креслога ўтирди, аммо энди кроссворд ечишга унда ҳеч қандай хоҳиш йолмаганди.

«Қандай бўлмасин, мен ҳам бир ухлаб кўришим керак», ўзича аҳд қилди у.

Роботлар қариб юз йилдан буён одамларга ҳалол хизмат қилиб келаётган бўлса-да, бироқ шу кунгача улардан биронтасининг ҳаёлига бундай зўр фикр келмаганди.

«Ҳм, аслида бу ишга ҳозироқ амалга оширсам, биров бир нима дермиди? Ҳа, темирни қизигида босиш керак! — ўйлади Катерино. — Қани, бўлмаса, хайрли тун, Катерино! Яхши тушлар кўрини!» — қўшиб қўйди у ўзича. Синьора Луиза ҳар кун кечқурун болаларни тўшагига ётқизаётганда шу сўзларни айтарди.



Катерино ухлаш олдидан унинг хўжайинлари аввало кўзларини юмиб олишларини эслади. У ҳам шундай қилмоқчи бўлди, лекин эълай олмади. Унинг кўзлари бутунлай бошқача бунёд қилинган бўлиб, кечасию кундузи бирдай очик тураверарди: қовоқлари бўлмагандан кейин кўзини юмиб бўларканми? Катерино ўрнидан туриб бир парча картон бўлагини топди, ундан тухумсимон шаклда қилиб икки бўлак қирқиб олди-да, креслога жойлашиб ўтириб, ҳалиги бўлақларни кўзларига қоплади. Бироқ уйқуси келмади, картон бўлақлари билан ёпилган кўзларда ўтиравериш ҳаддан ташқари зерикарли эди. Лучиллодагидек унда ҳам кулги чақирувчи ҳеч нарсани кўрмади. Унинг қаршисига қулоқ ва кўнгилсиз қоронғулик ҳукмрон эди, холос.

Катерино бутун тушни уйқусиз, беҳуда ўтказди. Ҳар галгидек эрталаб бир пайла қаҳва билан профессорни уйғотгани борганида уни яхшилаб кузатишга қарор қилди.

Уша куннёқ у тушки нонуштадан сўнг профессор Исидоронинг одатдагидек газета ўқимоқчи бўлиб креслога жойлашиб ўтиришига эътибор қилди. Дарҳақиқат, профессор бир оз вақт газета ўқиди, кейин эса газетани тиззасига тушириб юборди, кўзлари юмилиб, бурнидан яна ўша ёқимли ва майин куй эшитила бошлади. «Уйқу ашуласи!» ўйлади Катерино. У кун ботишини сабрсизлик билан кутди, бутун онла аъзолари уйқуга кетиши билан у ҳам креслога ўтириб газета ўқий бошлади. У газетани бошдан-оёқ эълон, реклама ва рамка ичида берилган некрологларгача ўқиб чиқди, кейин газета текстида учраган барча вергул ва нуқталарни, «а» билан бошланувчи сўзларни, сўнг «б» билан бошланувчи сўзларни, ундан кейин таркибида иккита «т» ҳарфи учрайдиган сўзларни санаб чиқди, аммо шунда ҳам тонг отгунга қадар кўзига уйқу илнимди, у қўлга тақиб олган соатнинг тинимсиз тикиллаб турган мурватидек эрталабгача бедор ўтирди.

Лекин Катерино шу билан ўз кузатувларини йиғиштириб қўймади, бир кун тушлик пайтида синьора Лунза профессорга ғалати жумлани сўзлаётганини пайқаб қолди:

— Кеча кечаси уйқумни келтириш ниятида мен қўйларни санаб чиқдим. Қанчагача санаганимни биласизми? 1528 гача! Охири санашни тўхтатишимга тўғри келди, ухлатадиган хабдори ичганимдан кейингина кўзимга уйқу келди.

«Қўйларни санаш! — ичида қайтарди Катерино. — Бу нима дегани? Уйнимизда қўй деганининг ўзи йўқ ва олдин ҳам бўлмаган. Кечаси дераза остидан ҳеч қандай сурув-пурув ўтганини ҳам сезганим йўқ».

У бу гап устида яна икки кун ўйлади ва охири бу ҳақда Роландодан сўраб билишга қарор қилди. Катерино ўз саволини унга берар экан, хижолатдан ерга кириб кетаёзди: у боланинг соддалигидан фойдаланиб, ундан қандайдир жуда муҳим сирни билиб олмоқчи бўлгандай ҳис этарди ўзини. Аммо барибир у юрак ютиб сўради:

— Уйқуга кетиш учун қўйларни қандай қилиб саналади?

— Бу жуда осон! — жавоб қайтарди Роландо, айпан шу дамда

сдамзод сирини ошкор қилаётганини пайқамай. — Кўзингни юмиб, қўйларни кўраётгандай тасаввур қиласан, кейин шох-шаббалардан қилинган четан деворни ўйлайсан, гўё ўша девордан қўйларни бирма-бир сакратиб ўтказаетгандай фараз қиласан-да, санайиверасан — бу бир! Сўнг бунинг ҳаммасини яна қайтадан бошлайсан ва ҳоказо: бу шунчалик зерикарлики, охири хоҳласанг-хоҳламасанг ухлаб қоласан. Мен ҳеч қачон ўттиздан ортнқ қўйни санай олмаганман. Бир кунни Лучилло қирқ иккитагача олиб борибди, ҳар ҳолда бу унинг гапи, лекин мен унга заррача ҳам ишонмайман!

Бу қадар ҳаяжонлантирувчи сирни билиб олган Катерино дарҳол вапнахонага бориб қўйларни санаб кўришдан ўзини зўрга тутиб турди. Мана, ниҳоят кеч кирди, унга тажрибасини амалга ошириш учун қулай фурсат келди. У креслога чўзилиб ётиб олди-да, кўзларини газета билан ёпди ва қўйларни хаёлига келтиришга уриниб кўрди. У олдинга кўз ўнгида фақат қандайдир оқ булут шаклини кўрди. Кейин булутнинг каллага ўхшашроқ сиртки кўриниши намён бўлди ва тез орада чиндан ҳам қўй калласига айланди. Сўнг булутдан туёқлар ва дум шакли ҳосил бўлиб, ажабтовур қўйга айланди-қолди! Шох-шаббалардан ясалган четанни тасаввур этиш анча мушкул бўлди. Катерино ҳеч қачон қишлоқда бўлмаганди, улар ҳақида анчагина, бор-йўқдай тушуничага эга эди. Шунинг учун у бир карра деворни стул билан алмаштириб кўрди. Оқ лак билан қопланган ошхона мебели комплектига кирувчи стул унинг тасаввуридан ажойиб ўрни олди ва ундан қўйни сакратиб ўтказишга мажбур ҳам эта олди.

— Сакра! — буйруқ берди Катерино.

Қўй итоткорлик билан стул устидан сакраб ўтди ва кўздан ғойиб бўлди. Катерино шу заҳотиёқ иккинчи қўйни кўз олдига келтиришга ҳаракат қилди, аммо унгача стул ғойиб бўлди. Ҳаммасини яна бошидан бошлашга тўғри келди. Охири стулни қайта кўргананда, негадир қўйни унинг устидан сакраб ўтишга ундамади. Катерино соатига қаради, фақат икки қўй учун тўрт соат сарфлаганини фавқулодда пайқаб қолди. У ўридан сакраб туриб, ўзини ошхонага отди ва кечасига мўлжалланган иш билан шуғуллана бошлади.

«Ҳар ҳолда, — ўйлади у, — битта қўйни стулдан сакраб ўтишга мажбур эта олдим-ку. Маҳкам бўл, Катерино, чекинишга ўрин йўқ! Ўзинга ишонининг керак! Эртага кечқурун иккита, кейин учта қўй бўлади ва сен мақсадингга эришасан!»

Катеринонинг узоқ машқ ўтказиб, бутун бошли бир сурувни кўз олдига келтиргани ҳақида батафсил сўзлаб ўтирмаймиз. Биринчи қўй билан ўтказилган тажрибадан уч ой ўтгандан сўнг саноқли юзгача олиб чиқишга эришди, аммо у юз биринчисини кўра олмади, чунки ширин ухлаб қолганди. Тўғри, бор-йўғи бир печа дақиқагина ухлади, аммо ухлагани рост эди! У буни икки карра иккидай осон исботлаб бера олади. Орадан бир ҳафта ўтгандан сўнг, у нақ уч соат ухлашга эриша олди. У якшанба кунни ухлаганида ҳатто биринчи марта туш ҳам кўрди. Тушида гўё про-

фессор Исидоро унинг ботинкасини тозалаб, бўйпига галстук тақиб қўйганмиш. Ана буни туш деса бўлади! Уларга қарама-қарши уйда профессор Тиболла яшарди. Уша кўни у тонг отишдан анча илгарги уйғониб кетди. Чанқоғини бостириш ниятида ошхонага сув ичгани борди. Ётоқхонасига қайта туриб профессор Тиболла беихтиёр профессор Кортининг меҳмонхонасига қараб очилувчи ўз деразасидан қаради. Шунда у нимани кўрди дег! Чароғон хонадаги креслода робот Катерино ширигинга ухлаб ётибди! Профессор Тиболла уни обдон кузатди, қулоқ тутиб эшитиб кўрган-ди, унинг вужуди ичидан қандайдир овоз чиқаётгандай туюлди. Наҳотки Катерино хуррак отаётган бўлса?!

Профессор Тиболла елвагай ётоқ камзулида бўлишга қарамай, деразани ланг очиб юборди-да, кўчага қараб қичқира кетди:

— Ҳой, одамлар! Тревога! Буёққа келинлар!

Дарҳол уйларнинг дераза ва эшиклари тарақа-туруқ очилиб, барча кўни-қўшнилари оёққа туришди. Ҳамма ички кўйлак ва енгил камзулларда жонҳолатда балконларга чопиб чиқишди. Гап нимадалигини тушуниб етган энг баджаҳллари кўчага отилишди ва профессор Кортининг деразаси остига йиғилиб, дунёни бошларига кўтариб шовқин сола бошлашди. Профессор Исидоро на синьора Луиза ҳам ваҳима ичидан деразадан бошларини суқиб:

— Нима бўлди? Ер қимирладими? — деб сўрашди.

— Қанақа ер қимирлаш? — деди профессор Тиболла азбаро-йи жаҳли чиққанидан ўт ўчирувчи машина сиренасидан ҳам кучлироқ ва кўпроқ қичқириб, шовқин солганча:

— Ер сизнинг уйингизда қимирлаяпти! Сиз динамит устида ухлаяпсиз, ҳурматли профессор! — деб ўшқирди.

— Умуман мен фақат қадимги дунё тарихига қизикман, — ўзини оқлай бошлади профессор Исидоро, — бироқ қадим замонларда ҳали динамит ўйлаб топилмагани ҳаммага беш қўлдай маълум.

— Биз тинчлик тарафдоримиз, — тортинчоқлик билан қўшиб қўйди синьора Луиза. — Ҳеч кимга халақит бермаймиз. Мен бу шовқиннинг сабаби нима эканлигига ҳеч тушуна олмаяпман. Тўғри, кеча бизнинг ўғил дераза ойнасини тўп билан уриб синдирди, ammo биз унинг бадалини тўлашга тайёр эканлигимизни айтгандик.

— Сиз, яхшиси, меҳмонхонангизда нима бўлаётганини бир кўриб қўйинг! — кескин таъзб қилди профессор Тиболла.

Синьор Исидоро билан синьора Луиза бир-бирларига ҳайрон бўлиб қараб қўйишди, айтилган маслаҳатга бўйин эгишдан бўлаж чора йўқ деган қарорга келишиб, уй шиппакларини судраганларича меҳмонхона томон йўл олдилар.

Бу вақтда Катерино ҳамон уйқуни ураб эди. Унинг темир ба-шарасида севиш ифодалари акс этарди, табассум бамсоли қуёш сингари унинг ҳамма мурватларига баравар нур сочиб турарди. Ҳа, Катерино жуда мириқиб хуррак отиб ухларди. Хурраги гоҳ ҳуштак овозини берса, гоҳ қўнғироқдай ғўнғиллаб қўярди. Бетковеннинг қайсидир ажойиб сонатасини чалаётгандай ғижжак билан рояль овози тез-тез алманиб турарди. Ҳуштак овози гўё савола

беряптию, фунгиллаган товуш унга жавоб қайтараётибди. Ҳуштак ўжарлик билан нимагадир эътироз билдирад, шунда гуё бобосининг жазосидан қочиб бораётган митти набирадек, янада ўйноқи-роқ чиқа бошларди. Худди дунёда ҳеч ким ва ҳеч қачон бурун орқали шундай товуш чиқармагандек, профессор Корти ва рафиқаси ваҳимага тушдилар.

— Катерино!— бақирди синьора Луиза титроқ овозда.

— Катерино!— қичқирди минг карра қатъий оҳангда профессор Исидоро.

Кўчанинг нариги томонида турган профессор Тиболла эса шикоятга ўрин қолдирмай қайд этди:

— Болга керак, ҳурматли касбдош! Болгани олиб, бошига чунон уринг. Шунда ҳам унинг уйғонишига кўзим етмайди. Яхши электр заряди керак бўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

Профессор Исидоро ошхонадан болга топиб келиб, қўшнисини ва касбдошининг маслаҳатини амалга оширмакчи бўлди.

— Эҳтиёт бўл, яна синдириб қўйма уни!— илтимос қилди ундан синьора Луиза.— Ахир, биласан-ку, унинг бизга печа пулга тушганини. Бунинг устига охириги бадалини тўлаганимиз ҳам йўқ.

Кўчаларда, балконларда, бугун кварталда одамлар нафасини ичига ютиб қараб турардилар. Соқин кўчада, профессор Кортининг Катерино бошига болга билан дам-бадам уриши тақдирнинг эшикка туширган зарбаларидек туюлди, — «тақ-тақ-тақ!»

Катерино ширин эснаб, қўлларини чўзиб, ҳузур қилиб керишди. Бу ҳолни кузатиб турганларнинг ҳаммаси бараварига «Оҳ!» деб юборишди. Катерино ўридан сакраб турди ва қаҳр-ғазабин акс эттирувчи ҳайкалга ўхшаш ярим шаҳар унинг уйғонишида иштирок этишини дарҳол тушунди, фақат профессор Кортини ҳисобга олмаганда.

— Мен ухлаб қолибманми?— сўради у.

— Вой безбет-ей! Вой ярамас-ей!!! Яна уялмай-нетмай сўраб ўтирибди-я!

Шу маҳал ҳамма полиция сиренаси овозини эшитди. Полицияга қарама-қарши яшовчи бир қарн қиз қўрқиб кетганидан масаланнинг тезроқ ҳал бўлишига ўз ҳиссасини қўшиш ниятида, шошилинч тарзда чақиртирганди. У қўшган ҳисса шу бўлдики, Катеринони қўлларига кишан солишиб, ҳибсага олишди, машинага ўтказиб, судхонага олиб боришди, у ерга тезда судьяни чақиртирибди, у бу галати ва тушунтириб бўлмайдиган воқеага ҳукм чиқариши лозим эди. Судья гоятда доно бир қарни эди. У Катеринони дарҳол ўн беш суткага қамашга ҳукм чиқарди ва полицияга бу ҳодиса ҳақида лом-лим демасликни маслаҳат берди. Чунончи, газета саҳифаларида бу ҳақда ҳеч қандай маълумот ёритилмади. Аммо Катеринони уйғотилаётганда томошабинлар орасида уй роботлари ҳам бўлганлигини ўқувчи тез илғаб олган бўлса керак. Аввало у ерда профессор Тиболланинг роботи Терезно турган эди. У ўз ҳўжайинининг профессор Корти билан бўлган суҳбатига аралашмай, бўлиб ўтган воқеани бошдан-оёқ ошхона деразасидан кўриб турарди. Шунингдек, у ерда қўшин хонадонларнинг уй ро-

ботлари ҳам бор эди. Улар Терезио сингари ҳамма нарсани яхши кўра олмагандирлар, ammo Терезио шунақаям хушмуомила эдики, эртасигаёқ, уй роботлари ярим кун ишлаш ҳуқуқига эга бўлган пайшанба кuni, одатдагидек, боғда айланиб юриб, кўрганларининг ҳаммасини бир чеккадан сўзлаб берди.

— Сизларни ишонтириб айтаманки, ҳурматли касбдошлар, Катерино худди одамларга ўхшаб ухлади. Ундан ташқари — ошириб юборди деб ўйламанг, — унинг ухлаш одати бутунлай ўзига хос кўриниши билан ажралиб туради. Уни ҳам, буни ҳам қўяверинг-у, бу электрон уйқу эди-да. У хуррак отарди, бу аниқ, ammo тушида чиқараётган ўша овозни бирорта бошқачароқ, бўлақчароқ таърифланса, янаям чиройлироқ ва қулайроқ сўз ўйлаб топилса яхшироқ бўларди. Нима бўлганда ҳам бу электрон куй эди!

Эрақ ва аёл роботлар бараварига Терезионинг ҳикоясини ҳаяжон билан тинглашарди. Уларнинг мураккаб электромагнит мосламалари, транзистор, сақлагич, сим ва мурватлар худди уч минг вольт кучланишли ток таъсир қилиб тургандай ҳаракатга келиб гувилларди. Модомики, Катерино ухлай олган экан, демак, улар ҳам ухлай олади деб ўйлаш мумкин. Фақат бунга қандай қилиб эришишни тушуниш керак. Бу ҳозирчалик Катеринонинг сирини бўлиб уни турманинг деворлари ва газета саҳифаларининг сукунати махфий сақлаб турарди. Тажриба алмашишни Катеринони қамоқдан қутулиб чиқишигача қолдириб турадими? Йўқ, бу электрон миёли роботлар шаънига унчалик ярашмаган иш бўлур эди.

Бу ҳолдан қутулиб чиқиш йўлини Терезио ўйлаб топди. У профессор Кортининг болалари билан Катерино ўртасидаги қалми дўстликдан хабардор эди. Кичик Роландога сақич совға қилиниб, ундан хушмуомалалик билан сўраб-суриштирилган эди, у Катерино ҳойнаҳой қўйларни тўсиқдан сакрашга мажбур этишни ўрганиб олганлигини бажонидил айтиб берди. Уша купиеқ Терезио ҳам бу усулни тажрибадан ўтказди ва бу гоят муваффақиятли чиқди. Чунки ўзи ҳар доим шундай бўлади — энг катта қийинчиликлар илк бор синовдан ўтказувчини зиммасига тушади, унинг давомчилари эса тайёр йўлдан боришади.

Учинчи кечага борганда бутун шаҳар аҳолисини нотаниш куй овозидан уйғониб келди, — минглаб роботлар креслоларда, ошхона столида, балконлардаги ёронгул ўтқазилган туваклар орасида, меҳмонхоналардаги гиламлар устида чалқанча ётиб ухлар эдилар ва шу билан бирга маза қилиб хуррак отар эдилар. Бу кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодиса эди. Полиция, ўт ўчирувчи ва муниципалитетдаги телефонлар тинимсиз жирингларди. Лекин Римдаги ҳамма роботларни ҳибсга олиб бўлмайди-ку! Ҳибсга олганда ҳам уларнинг ҳаммасини сиғдира оладиган бундай катта қамоқхонани қаердан топишарди!

Катеринога ҳукм чиқарган ҳалиги судья телевизор орқали сўзга чиқиб, эндиликда «мутлақо битимга келмоқ зарур»лигини баён қилди.

Дарҳақиқат, роботлар билан сулҳ тузиб, уларнинг кечалари ухлаш ҳуқуқларини тан олишдан бўлақ ҳеч қандай чора қолмаган

эди. Акс ҳолда уларни қўриқлайдиган тунги назорат учун махсус хизмат ташкил этилишига, роботлар уйқусини ўчириб турувчи минглаб болға тутган қоровуллар қўйилишига тўғри келарди. Буни ҳам майли-я, шунча болға овози остида шаҳарликларнинг ўзлари ухлай олишармикан?

Шаҳарликларни ён беришдан бошқа иложлари қолмади. Рим кетидан Милан, Турин, Цюрих, Марсель, Лондон ва тумбуктуликлар ҳам шундай қилишди. Ҳатто қора Африканинг юраги бўлмиш Тумбуктудаги уй электрон роботларига ҳам роботлар ухлаш мумкин бўлган жаҳоншумул янгиллик етиб борди.

Катерино қамоқдан чиққан ўша кунни, уни ўн ёки эҳтимол, ўн беш минг эркагу аёл ҳамкасабалари шодиёна кутиб олишди.

Уларнинг шодиёна олқишлари ҳақида ёзиб ўтирмаймиз. Трамвай парки ходимлари оркестри дирижёрига тегишли бўлган робот Видлибальде ҳақида маълумот бериш учун энг қулай пайт етиб келди, у бу маросим учун ҳатто махсус гимн ҳам ёзди, уни бир юз ўн еттита олтин болтли роботлардан ташкил топган хор коллективи ижро этди. Гимнда қуйидаги байтлар бор эди:

Минга кирсин Катерино,  
Даврон сурсин бешикасти!  
Дарз кетмасин, ейилмасин!  
Катерино — буюк кас!

Роботлар гимни ижро этганча Рим кўчаларидан юриб ўтидилар, шуни қайд этиш керакки, яқиндагина газабларини сиғдирилмаётган ажойиб римликлар энди уларни қарсақлар билан олқишлардилар.

Римда ягона нарса — одамларнинг ухлашга бўлган хоҳиши ҳеч кимни ҳеч қачон ҳайратда қолдира олмайди. Римликлар кечаси доғ қотиб ухлашни, эрталаблари мизгишни яхши кўришади, овқат ҳазм бўлиши учун оғир бўлган дамларни Морфей қўйинда кундузи ҳам мириқиб ухлаб ўтказишга ҳавасманд. Биз бу ерда маълум қилганларимизни ўрганиб ва фактларни таҳлил қилиб чиққан бу зукко олим ўз хулосаларини анча-мунча расмлар билан безатилган 2400 саҳифали ушбу гирт илмий ишнинг сўнгги сатрларида қуйидагидек баён этган: «Электрон роботнинг ухлаш қолати фақат Римда юз бериши мумкин, чунки планетамизнинг бошиқа бирорта шаҳарида бундан қулайроқ шароит бўлиши мумкин эмас».

## ШАҲЗОДА ПЛОМБИР

Синьор Мольтени (учинчи қават 12-квартира) жуда безовта эди. У кредитга «Қўшалоқ қутб» маркали ажойиб холодильник сотиб олди, аммо икки ойдирки, навбатдаги қарзни тўлай олмайпти. Бир вақт десангиз магазиндан қўнғироқ қилиб қолишди-ку: «Ё дарҳол бадални тўлаб қўйинг, ё холодильникни қайтармига». Бироқ Синьор Молтенининг на пули ва на бойвачча дўстлари бор эди. Нима қилиш керак?

Уша кунн эрталаб у холодильнигга гамгин боққанча уни аста-аста силаб худди одам билан гаплашаётгандай шундай деди: «Азизим, бир-биримиздан жудо бўлмасак деб қўрқаман, сен кетсанг уйим дашта биёбондай ҳувиллаб қолади!» Холодильник муз қотгандай қурқ этмасди, синьор Мольтени, бари бир унинг нима демокчилигини тушунди ва хайрихоҳлик билдирди: «Ҳа, буни билмаган, сен пул эмас, совуқ чиқаришинг керак!»

Шу кунн эрталаб синьора Сандрелли (тўртинчи қават, 15-квартира) бир шаша сут олмоқчи бўлиб ўзининг оддийгина «Пингвин» холодильнигини очди. Очди-ю, тахта бўлиб қолди: холодильнигининг ичи майда-майда одамчалар билан лик тўла эди! Одамчалардан бири ҳатто тухум устига чиқиб ўтириб олибди.

Одамчалар эгнига кумуш коржомо ва шаффоф скафандр кийиб олишганди, кийимлари остидан уларнинг сарвёт рангли юзлари билан оч бинафша сочлари кўриниб турарди. Одамчалар мошранг кўзлари билан синьора Сандреллига хотиржамгина қараб қўйишди ва лоақал жойларидан қилт этишмади ҳам. Фақат ҳалати тухум устида ўтиргани «Чоо, чоо!» дегандек умга қўлини силкиб қўйди.

— Ё парвардигор, марсликлар!— қичқириб юборди синьора Сандрелли.— Улар бунчалик кичкина бўлади деб хаёлимга ҳам келмаганди! Ҳой, менинг холодильнигимда нима қиляписизлар? Сен тирранча, дарров тухумдан туш-чи, пачоқ қилиб қўясан!

Бироқ одамча унинг галига қулоқ солмади. Шунда жуда ҳам чаққон аёл бўлган синьора Сандрелли астагина иккита бармоғининг учи билан уни ушлади-да, сардина балиғи банкаси устига олиб қўйди.

— Марсликмисан ёки йўқми, фақат шу нарса қулоғингда бўлсинки, бу ерда менинг ҳукмим юради!

— Холодильник эшигини ёпинг, ичкарига иссиқ ҳаво киряпти!— деган қатъий ва амрона овозни эшитди синьора.

— Нима, нима?

— Биз муз қоплаган сайёрадан учиб келдик, ҳали сизнинг об-ҳавойингизга ўрганганимизча йўқ. Илтимос, сизга буюрилганидек эшикни ёпинг.

— Менга буйруқ беришга журъат этган баҳодир кимлигини билсам бўладими?— хитоб қилди синьора Сандрелли баттар фигони чиқиб.— Ундан ташқари, қандай қилиб сизлар менинг уйимга кириб олдингизлар?

— Ошхожа деразасининг дарчасидан. Сиз уни кечаси тасодифан газ чиқиб қолмасин деган ўйда очиқ қолдирасиз-ку.

— Э ҳа, афтидан, сизлар кўп нарсадан хабардор кўринасизлар-ку,

— Бўлмасам-чи. Босиб олишдан илгари биз сизларнинг урф-одатларингизни, шунингдек, тилингизни кўп ой мобайнида ўрганиб олганмиз. Эшикни ёпинг!

— Нега энди забт этишни келиб-келиб айнан менинг холодильнигимдан бошлашингиз керак бўлиб қолди?

— Бу ёғи билан ишингиз бўлмасин. Буни устига биз бу уйдаг

холодильникларнинг ҳаммасини забт этганмиз. Шундай қилиб, эшикни ёпиш ва бизни ўз ҳолимизга қўйинг!

— Ёпади деб хаёлингизга ҳам келтирмай қўя қолинг! Тўғрироғи, ёпаман-у, аммо холодильникни ўчириб қўяман, тушунайсизми? Босиб олиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман сизларга!

Одамчалар ичидан биттаси бармоғини бигиз қилиб — ҳар ҳолда кейинроқ синьора Сандрелли шундай ҳикоя қилиб берганди — стулни кўрсатиб:

— Аввал ана уни бир кўриб қўйинг-чи! — дея таклиф этди.

Оқ бўёққа бўялган стул бирдан қип-қизариб, бир зумда ҳеч қандай тутунсиз ёниб кетибди. Ундан фақат бир ҳовуч кул қолди, холос. Бунинг ҳаммасига ролпа-роса ўнгача санашлик вақт кифоя қилибди.

— Токни ўчиргудек бўлсангиз, бутун уйни ёндириб юборамиз. Синьора Сандрелли зарб билан холодильник эшигини ёпди-да, дарвозабонни чақирди:

— Синьора Анна, биласизми, нималар бўляпти ўзи?

— Нима гап, синьора Сандрелли? Иситиш батареяси совиб қолибдими?

— Гап шундаки, ҳалиги...

Синьора Сандрелли бўлган гапни бир бошдан дарвозабон аёлга сўзлаб берди. Ўз навбатига у бошқаларга етказди. Орадан бир оз вақт ўтгач, уйнинг кватиралардан тортиб то бешинчигача бўлган барча қаватдаги кватираларда бир хил воқеа юз берди: холодильникларнинг эшикларини очилиши биланоқ қайта ёпилаверди — баъзилар ҳайрон бўлар, кимларнидир қўрқув босар, ҳамма жойда ҳайрат ва ҳаяжон овозлари эшитиларди.

Синьор Мольтени ҳам ўзининг «Қўшалоқ қутб»ига ташланди ва унинг ичида кумушранг коржомаларда чурқ этмай ўтирган келгиндилар тўдаси орасида баланд бўйи ва ажойиб олтинранг коржомаси билан ажралиб турган одамчани дарров пайқади.

— Балким, сиз бўлсангиз керак энг каттаси? — деб қизиқиб сўради Мольтени, бу ажойиб ўйинчоқларини олмоқчи бўлган кичик қизининг қўлини итариб.

— Мен шаҳзода Пломбирман, — жавоб қилди олтинранг коржомали одамча. — Бизнинг тилимизда исмим, ўз-ўзидан маълум, бошқача жараглайди. Лекин сиз учун шундай деса ҳам бўлаверди. Ундан ташқари сиз менга нисбатан жаноби олийлари деб мурожаат этишингизга тўғри келади.

— Албатта, жаноби олийлари, — рози бўлди синьор Мольтени. — Сиз жаноби олийлари, бу ерда қанчалик узоқ туришларингизни айта олмайсизларми?

— Бу об-ҳавога боғлиқ, — жавоб қилди шаҳзода Пломбир. — Юлдузлараро учувчи кемамизга ёнилғи олишимиз учун бизга янги ёққан қор керак. Қор ёғиши билан биз саёҳатимизни давом эттирамиз. Шимолий қутбга қўнмоқчи бўлиб йўл олгандик, бироқ бу ерга тушиб қолдик.

— Бундан чиқди, сизлар Ерда яшашни мўлжаллаяйсизлар, шундайми?



— Мен сизга айтдим-ку, Шимолий қутбда деб. Сизлар бари-бир у ерда яшамаялсиз-ку, Сайёрамизнинг музини эритиб юбориши мумкин бўлган комета билан тўқнашиш хавфи туғилиб, Сомон Йўлининг бу қисмидан бошпана қидиришимизга тўғри келди. Мен бош разведкачи отрядини бошқараман. Биз Шимолий қутбга жойлашишимиз биланоқ сайёрамизга хабар қиламиз ва у ерда қолган барча ватандошларимиз бу ерга етиб келишади.

— Қизиқ, жаноби олийлари, агар сир бўлмаса, қанчасизлар?

— Бор-йўги бир ярим миллард. Биз жуда кам жойни эгаллаймиз. Борди-ю, Шимолий қутбга етиб борганимизда ҳам сизларга ўзимиз ҳақимизда маълум қилишни ўйламагандик, кўриб турибсизки, шароит ўзгариб қолди. Энди эса, агар хизмат бўлмаса, эшикни ёпиб қўйсангиз, чунки бундай иссиқ ҳаводан бошим оғриб бошлайди.

Синьор Мольтенининг буйруққа итоат этишдан ўзга иложи қолмади, сўнг дераза ёнига келиб осмонга қаради. Февраль ойи осмон тиниқ ва кўм-қўк: қуёш бор нуруни баҳорнинг иссиқ кунларидек сахийлик билан сочиб турарди. У мамнун кайфиятда кафтини кафтига бир-икки ишқалаб қўйди.

— Тентак!— жаҳл билан деди синьора Мольтени.— Ошхонада босқинчилар тўлиб ётибди-ю, сени бўлса севинчдан оғзинг қулоғингда.

— Сенинг нимага ақлинг етувди ўзи,— жавоб қилди синьор Мольтени,— омадимиз келганини сен қаёқдан билиб ўтирибсан...

Шу дақиқада синьора Мольтенининг қандай қилиб омадлари келганига ақли етмаганлиги рост эди, чунки кимдир квартира қўнғироғини чалиб қолди.

Бу «Кўшалок қутб» фирмасининг хизматчиси эди.

— Синьор Мольтени, ассалому алайкум. Мен холодильникни олиб кетгани келдим. Ёки, балким, сиз, ҳар ҳолда, навбатдаги қарзингизни узарсиз?

— Эҳ, минг афсуслар бўлсинки, ҳозир ёнимда сариқ чақа ҳам йўқ.

— Ундай бўлса...

— Ўз-ўзидан маълум,— деди синьор Мольтени,— шундай бўлгандан сўнг сиз шундай қилишга мажбурсиз... Ва ҳоказо, ва ҳоказо. Фақат сизнинг қўлингиздан ҳеч нарса келмайди.

— Қандай қилиб қўлимдан ҳеч нарса келмас экан?

— Жаноби олийлари бунга ижозат этишларига кўзим етмайди...

— Тағин қанақа «жаноби олийлари?» Аҳмоқона ҳазилингизни қўйсангиз-чи, синьор Мольтени...

— Бу ёққа бир марҳамат қилиб юборинг, келинг, бу ёқда, ошхонада бир оз ўтирайлик.

— Мана бу бошқа гап.

— Ҳа, аммо оқибати сиз ўйлагандай бўлиб чиқмайди-да. Дупёда шунақаси ҳам бўлар экан.

Синьор Мольтени холодильникни очди-ю, шаҳзода Пломбирга ўз узрини айтишга шошилди.

— Жаноби олийларинг, кечирасиз, мана бу сеньор...

— Эшитдим, ҳаммасини эшитдим. Хурматли Мольтени, бизнинг ўз алоқа усулимиз бор. Хотиржам бўлинг, айни вақтда холодильник менга қарашли. Унга ҳеч ним қўлининг учини ҳам тежиза олмайдн.

— Қандай ҳазил бу? — «Қўшалок қутб» фирмаси хизматчисининг жаҳли чиқиб, кўзлари олайди. — Бу қанақа митти одамлар тария? Менга қаранг, сеньор Мольтени, пул тўламаслик учун сиз қандай найранг ўйлаб топгансиз, ҳеч ақлим етмай қолди, лекин сизга айтаб қўяйки, меннинг фирмам ҳали ҳеч қачон, ҳеч кимга ўзини алдатиб қўймаган, сиздан кўра пих ёрганлари ҳам уннаб кўрган пайтлар бўлган-у, аммо улдасидан чиқолмаганлар. Сизлар-чи, ҳой митти жаноблар, марҳамат қилиб, ўзингизга бошқа бошлана қидириб кўринг, жуда бўлмаганда мана бу чаноқ ичида. Менинг фирмам бу холодильникникини қўлга киритиш пайида бўлса-ю, бир нечта арамаган кўғирчоқ бу мақсаднинг амалга оширилшига йўл қўймай турса, гирт шармандалик-ку.

Бундай ҳақоратни эшитган шаҳзода Пломбир ва унинг қўл остидагилар қаттиқ газабландилар. Аммо жаноби олийларининг авоюн ҳаммасинидан балеид ва жуда амрона жаранглар эди.

— Сеньор хизматчи, жазо чораси тариқасида стол устига кининг-да, қўлингизни озингизга тикиб олинг, ана шундай, ҳеч бўлмаганда овоз чиқармай ўтирасиз.

Бу ҳол гоят жўн ва шу билан бирга ўта ажабланарли содиар бўлди, — шу заҳоттёқ «Қўшалок қутб» фирмасининг хизматчиси ўювлон бармончини баравар овозига тикиб, стол тагига кириб кетди ва юзини девор томонга ўгириб олди. Фақат йиғидан елкалари силкиниб-силкиниб қўяётганин кўзга ташланиб турарди. Мольтенининг олдаси ҳамжиҳатлик билан қарсак чалиб юборди.

— Жаноби олийлари, бу қандай қўлингиздан келди, а?

— Арзимаган нарса-ку. Биз миянгизни обдон ўрганганмиз ва сизларни бўйсундириш сирларини эгаллаб олганмиз. Энди эшикни ёпиб қўйсангиз ҳам бўлаверадн. Хайр.

— Хайр, жаноби олийлари! Доим хизматингизга тайёрман! — Энди сеньора Мольтенига ҳеч нарсани тушунтириб ўтиришига ҳожат қолмаганди. У чаққонлик билан дераза ёнига келди.

— Агарда шундай об-ҳаво узқроқ туриб берганда, қандай зўр бўларди-я! — деди у ҳаяжон билэн.

Ростданаи об-ҳаво анча вақтгача унинг кўнглидагидек бўлди, кўм-кўк мусаффо осмонда қуёш бир меъерда чарақлаб нур сочиб турди. Бу орада самовий келгиндилар холодильникларни босиб олишибди деган хабар барча газета саҳифаларида босилиб чиқди. Бесқинчилар деб ном олган пломбирлар билан сайёранинг турли бурчақларидан йиғилган олимлар ўртасида бўлган суҳбатлар тафсилотини газетхонлар бениҳоят қизиқиб ўқирдилар. Бироқ, одатдагидек, одамларни кўпроқ турли-туман олди-қочди гаплар қизиқтирарди. Улар шаҳзода Пломбир нонуштага нима тамаддиқ қилганини, бир оз шакар сепилган оддий муз таом, шунингдек сеньора Сандрелли ўзининг меҳмонларидан билиб олган маълу-

мотларни (турли хил музланган, ўз-ўзидан маълум, бир-биридан ширин таом турларини), ёзиб олардилар ҳамда синьор Мольтенини «Қўшалок қутб» фирмаси судга берганлигидан қайғуришарди. Хулласи калом, Макмагон кўчасидаги уй ёнида янгилик кутиб эрталабдан-кечгача одамлар ҳеч аримасди.

— Шаҳзода Пломбир яна қирқ қизнинг севгисига эга бўлди...

— Айтишларича, эшик оғасининг қизи ҳам унга мафтун бўлиб қолганмиш...

— Иккинчи қават, тўртинчи кваттирада яшовчи пломбирлар сариёғдан аллергия касалига чалниб қолганмиш...

Шаҳзода Пломбир телевизор орқали сўзга чиқишга розилик берганида бутун шаҳар аҳолиси экранга жуда яқин ўтириб, қизиқиб томоша қилди. Шундан кейин бешала қитъадан минглаб ошиғи шайдо ўз севгисини унга изҳор эта бошлади. Аммо шаҳзода Пломбир уларга ўзининг никоҳлангани, бўлажак келин ўз ватапи Лун-Лун, яъни «гул босган музлик»да истиқомат қиладиган бир қиз билан қачонлардир бешиккерт қилиб қўйилганини маълум қилди.

Ва ниҳоят, осмонни кулранг булут қоплади, метереологларнинг ахборотига кўра қор ёғиши кутилди. Пломбирлар холодильникнинг энг пастки қисмида, кўкатлар остига яшириб қўйилган ўзларининг юлдузлараро учувчи кемаларини олиб, учишга ҳозирлик кўра бошладилар.

Синьор Мольтени қаттиқ ташвишда эди. Судда ҳамма нарса унинг фойдасига ҳал бўлмаётганди. У яқин кунларда яна оғир вазиятда қолиши мумкин эди: ё қарзни тўлаб қўйиши, ёки холодильникдан маҳрум бўлишига тўғри келаётганди. У эрталаб шундоқ деразадан қараган экан, кўчалар ва уй томларини қалин қор қоплаганини кўрибди. «Ҳаммаси тугади!— дебди у.— Жуда бўлмаганда биринчи бўлиб бу янгиликни жаноби олийларига етказай».

Бироқ шаҳзода Пломбир қор ёққанидан хабардор эди.

— Кўрдим, кўрдим,— жавоб қилди у.— Биз холодильник эшигини очмай туриб ҳам кўриш қобилиятига эгамиз. Балкондан қор йиғиб олдик, юлдузлараро учувчи кемаларимиз учишга шай.

— Ундай бўлса, хайр-хўш!— бехос чуқур хўрсинди синьор Мольтени. Ичиди эса: «Алвидо, сенга ҳам, холодильниким!»— деб қўшиб қўйди.

— Йўғ-е,— дея кулди шаҳзода Пломбир, худди унинг фикрини уқиб тургандай.— У билан хайрлашманг. Мана бунга бир қарасангиз-чи! «Бу» дегани бир варақ қоғоз бўлиб, унга шаҳзода Пломбир ўз қўли билан йирик-йирик ҳарфларда баёнот ёзган эди (митти одамчага йирик ҳарфлар билан ёзиш қанчалик қийин бўлганини кўз ўнгинига келтириб кўринг-а). Баёнотнинг мазмунини қуйидагича эди: «Қўшалок қутб» маркали холодильниклардан бирида менга нисбатан кўрсатилган меҳмондўстлик қилинганини ўзим учун бир омад деб ҳисоблайман. Мен бутун жавобгарликни бўйинимга олган ҳолда бу холодильникни Қуёш системасидаги энг ажойиб холодильник деб маълум қиламан. Шаҳзода Пломбир».

— Мана кўрарсиз,— давом этди жаноби олийлари,— бундай

рекламани олгандан сўнг «Қўшалок қутб» фирмаси нафақат тўланмаган қарзни, ҳатто янғисини ҳам талаб қилмайди. Холодильникни ўзимники деб ҳисоблайверишингиз мумкин ва сиз бундан бўён бир чентезимо ҳам тўламайсиз!

Шундай бўлди ҳам. Дўстларидан бирортаси пулдан сиқилиб қолгундек бўлса, синьор Мольтени унга кўпича шундай тасалли берарди:— Ташвишланма! Марсликлар жонингга ора киради!

## МУШУКЛАР ДУНЕСИГА УТАМАН

Темир йўл станциясининг собиқ бошлиғи, ҳозирда пенсионер синьор Антонионинг оиласи катта эди — ўғли, келини, жўнгина Нино деб чақришадиган набираси Антонио ва қиз набираси Даниела. Бироқ унга зиғирча бўлса ҳам эътибор берадиган ҳеч кимсаси йўқ эди.

— Едимда, — деб эслай бошлайди у, — ўшанда мен Пожибоис станцияси бошлиғининг муовини эдим...

— Ада, — деб унинг сўзини бўларди ўғли ёзуриб, — бундоқ газета ўқигани қўясизми йўқми? Мен Венесуэла ҳукуматининг инкирозига жуда қизиқаман.

Синьор Антонио энди келини томонга юзланарди-да, ҳаммасини бошқатдан бошларди:

— Эсимда, мен ўшанда Галлерат станцияси бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлар эдим...

— Ада, — деб синьора келин унинг сўзини бўларди, — бундоқ одамларга ўхшаб кўчани айланиб келсангиз бўлмайдимиз? Кўра-яписиз-ку, ахир, мен «ялтиратувчи ҳаво ранг мум» билан пол арта-ялман.

Шундан кейин набираси Нино ҳам унинг ҳафсаласини пир қилди. Нино ҳикояни ўн саккиз ёшга тўлмаганларнинг ўқиши ман этилган (у бўлса ўн олти ёшда эди) «шайтон иблисга қарши» расми, гоят қизиқ ҳикояни ўқиши керак эди. Синьор Антонионинг қиз набирасидан умиди катта эди. Баъзан у темир йўл ҳалокати ўйинини ўйлаётган набирасига ўзининг станция бошлиғи шапкасини кийишга рухсат берарди: бу ўйиннинг натижасида қирқ етти киши ўлиб, бир юз йигирма одам жароҳатланган бўларди. Аммо Даниела ўзидан ортмасди.

— Бува, — дерди набираси унга, — болалар программаси кўрсатувини томоша қилишимга халқит берманг, у жуда ибратли нарса.

Даниела етти ёшда бўлса ҳам ўқишни жонидан яхши кўрарди. Синьор Антонио чуқур хўрсинди.

— Ҳа, бу уйда пенсионерларнинг собиқ давлат темир йўл хизматчиларининг ҳеч кимга кераги йўққа ўхшайди! Бир кунмас-бир кун хафаликдан уйдан чиқиб кетаман. Ҳа, мени айтди дерсизлар. Бориб мушуклар билан яшайман.

Ҳақиқатан ҳам, у бир кун эрталаб уйдан лото ўйнагани кетаялман деб чиқиб кетди, аслида эса минглаб мушук қадимги Рим ҳаробаларини ўзларига бошпана қилиб олган Аржентина майдонига қараб йўл олди. У зинадан пастга тушди, мушуклар салтана-

тини автомобиллар дунёсудан ажратиб турувчи темир панжарани ошиб ўтди-ю, мушукка айланди-қолди. Бу янги ҳаётга одам оёғи чангини олиб кирмасдик учун дарҳол панжасини ядвой бошлади. Шу маҳал унинг ёнига жунди тукилиб кетган бир цотаниш мушук келиб, уни диққат билан кўздан кечира бошлади. Тикилиб турдиди-да, охири шундай деди:

— Кечирасан, сен илгари синьор Антонио эмасмидинг?

— Упи эслашга ҳам тоқатим йўқ! У истеъфога чиққан.

— Демак, мен сени унга ўхшатибман. Биласанми, мен улар турган уйнинг рўпарасидаги уйда яшовчи пенсияер муаллима эдим. Сен мени, албатта, кўп кўргансан. Мени бўлмаса синглимни кўргансан.

— Ҳа, мен сизларни кўрганман. Сизлар қачон қарамай саъва талашиб жиғиллашганларинг-жиғиллашган эди.

— Топдинг! Аммо бу гишавалар шундай жонимга тегиб кетдики, охири мушукларга келиб қўшилишга қарор қилдим.

Синьор Антонио жуда ҳайрон бўлиб қолди. Бундай ажойиб фикр фақат биргина унинг миёсига келган деб ўйлаганди-да. Энди маълум бўлишича, Аржентина майдонида яшовчи мана бу ҳамма мушукларнинг фақат ярми ота-оналари нару мода мушуклар бўлган ҳақиқий мушуклар бўлиб чиқди. Қолганлари эса одам бўлишдан безиб, нару мода мушукларга айланган мушуклар экан. Бу ерда қариялар уйндан қочиб келган ахлат ташувчи, ўз оқсочлари билан чиқишолмай қолган яқнасақ синьорлар, ҳатто оиласи, икки боласи, машинаси, тўрт хонали уйи бўлган ёш йигит ҳам бор эди. Товба, нега улар мушукка айланиб, бу ерга келиб қолишганикин, сира тушуниб бўлмасди. Шунга қарамай, у ўзини сира катта тутмасди, «мушукларнинг оласи» ўз халтасида балиқ бошларини, колбаса пўстини, пишлоқнинг устки қатламини, макарон қолдиқларини, товуқларнинг ичак-чавоқ ва суякларини келтирганида ўзига тегишлигини оларди-да, биронта қадимий бутхонанинг энг юқориги зинасига чиқиб кетарди.

Мушук-мушуклар одам-мушукларга ҳеч ҳам рашк қилмасди. Улар ўзларини мутлақо тенг тутардилар, ҳеч қандай кибр-ҳавога йўл қўймасдилар! Лекин ўқтин-ўқтин бўлса ҳам бир-бирларига:

— Ҳозирги нарх-навода, дудланган чўчқа гўшти замонда ҳам одамга айланиб қолиш ҳеч миёмизга келган эмас,— деб кўяр эдилар.

— Бу ерда биз ажойиб улфат бўлиб олганмиз,— деди синьор Антониога мушук-муаллима.— Бугун кечқурун астрономиядан лекция бўлади. Келасанми?

— Албатта. Астрономия — менинг жону дилим. Ёдимда, мен Кастильон дель Лаго станциясининг бошлиғи бўлганимда, балконида икки юз маротаба катталаштириб кўрсатадиган телескоп ўрнатганим, кечалари Сатурн меҳварини, худди тасбеҳ доналаридай қатор тизилган Юпитер йўлдошларини, Андромеданинг вергулга ўхшаш туманлигини синчиклаб кўздан кечирардим.

Унинг ҳикоясини тинглагани талай мушук йиғилди. Сабаби, улфатлар орасида шу вақтгача биронта ҳам станциянинг собиқ

бошлиғи учрамаганди. Айниқса темир йўл ҳақида улар жуда кўп нарсаларни билишни хоқлашарди. Масалан, иккинчи класс вагонларининг ҳожатхонасида нега сира совун бўлмайди ва ҳоказоларни сўрашарди. Қош қорайиб, осмондаги юлдузлар равшан кўри-на бошлиғач, мушук-муаллима ўз лекциясини бошлади.

— Мана,— деди у,— буёққа қаранг. Бу юлдузлар туркумини Катта Айиқ дейдилар. Мана буниси — Кичик Айиқ. Менга ўхшаб буёққа Бурилиг, Аргентина минорасининг ўнг томонига қаранг. Бу — Илонсимон таялдуз.

— Худди ҳайвонот бөгининг ўзи-я,— луқма ташлади мушук-ахлатчи.

— Ундан ташқари, бу айланада Така, Олқор, Қўй, шунингдек, Чаён юлдувлари бор.

— Ростданми?— деди ҳайрон бўлиб кимдир.

— Ҳу анави ерда Кўппак юлдузлар туркуми бор.

— Жип урсин!— ташвишланишди мушук-мушуклар. Ҳаммадан ҳам Малла Қароқчи кўпроқ ғазабланди, бутунлай олпоқ рангда бўлишига қарамай жуда уришқоқ қилиқлари билан ажралиб тургани учун уни шундай номлашганди. Айни ўшанинг ўзи кўқ-қисдан сўр. 6 қолди:

— Мушук юлдузлар туркуми ҳам борми?

— Йўқ,— деб жаваб қилди муаллима.

— Жилла қурмаса Мушук деб аталувчи бир мошдеккинаси ҳам йўқми?

— Йўқ.

— Бундан чиқди.— деди аччиси чиқиб Малла Қароқчи,— юлдузлар фақат кучуқлар билан чўққаларга бериларкан-у, бизларга эса унинг сояси ҳам йўқ экан-да? Шу ҳам тирикчилик бўлди-ю!

Ғазаб билан янъевлаган овоз эшитилди. Мушук-муаллима астрономларни оқлаш ниятида овозини кўтариб деди:

— Улар қилаётган ишларини билишади, ҳар кимнинг ўз касби бор, модомки улар ҳатто бир астероидни Мушук номига қўй-масликка қарор қилишган эканми, демак уларда бунга яраша асос бор.

— Ундай асосни сичқоннинг думига олмайман!— гапни бўлди Малла Қароқчи.— Бу ҳақда судловчи нима деркин, эшитайлик.

Мушук-судловчи бундан буён ҳеч кимни, ҳеч қачон суд қилмаслик ниятида истейфога чиққанлигини тушунтириб берди. Аммо у бу сафар истисно тарзида гап қотиб, шундай деди:

— Менинг фикрим қуйидагича: астрономлар — расво одамлар!

Гулдурос қарсақлар янгради. Мушук-муаллима астрономларни ҳимоя қилганига пушаймон еди ва ҳаётта нисбатан ўз қарашларини ўзгартиришга ваъда берди. Инғилганлар корозилик намоён-шини ўтказишга қарор қилишди. Чопар орқали дарҳол Римнинг барча мушук аҳолисига шаҳарнинг ижтимоий ҳаёт маркази бўлиш майдонга, гўшт дўконларига, касаллар маза-матрасиз пиширилган кечки овқатларини ташлармиканлар деб ҳар бир деразаси тагида мушуклар пойлаб ўтирадиган Сан-Қамилло касалхонасига махсус мактублар жўнатилди.

Мактублар, Трастеведаги, Рим атрофидаги дайди мушукларга, шунингдек, ўзларининг тансиқ таомлари, парёстиқ ва бўйинларидидаги гулнусха бандчаларининг бир оз муддат эсдан чиқариб, буларга қўшилишини хоҳлаб қолишлари эҳтимол бўлган ўрта табақа мушукларга юборилди. Йигин ярим туида Колизейда ўтказилиши келишиб олинди.

— Жуда соз!— деди мушук-синьор Антонио.— Мен Колизейда турист ва оддий томошабин сифатида бўлганман, аммо мушук қиёфасида бўлиш насиб этмаганди. Бу мен учун янги ҳаяжонли тажриба бўлади.

Эртасига эрталаб Колизейни томоша қилгани пиеда ва машиналарда америкаликлар, автобус ва фойтувларда немислар, чарм халталарини елкаларига олиб олган шведлар, бутун Абрुцци аҳолиси, ўз қайнаналарини ёнига олган миданликлар япон кинокамералари билан етиб келдилар. Бироқ ҳеч ким ҳеч нарса кўра олмади, чунки Колизейни мушуклар ишғол қилиб олишганди. Кириши ва чиқиш эшиклар, майдон, зиналар, қатор устунлар ва равонлар — ҳаммасини мушуклар эгаллаб олганди. Қадимги тошлар деярли кўзга ташланмасди — қаёққа қарамаиғ, фақат мушуклар, мушуклар ва мушуклар эди. Малла Қароқчининг ишорасига мувофиқ транспарант (муаллима билан синьор Антонионинг иши бу) пайдо бўлди, унда шундай сўзлар ёзилганди: «Колизей босиб олинган! Мушук юлдузи бўлишини истаймиз!»

Туристлар, саёҳатчилар ва йўловчилар ҳам таққа тўхтаб, йўлларида давом этишни унутиб, завқ-шавқ билан қарсақ чалдилар. Мушук шоир Альфансо нутқ сўзлади. Унинг нима демоқчилигини кўпчилик тушулмади, бироқ биргина важоҳатининг ўзиёқ модомики Мушук шоир бўла олар экан, Мушук юлдузи бўлиши ҳам ҳеч гап эмаслигини шундоқ айтиб турарди. Катта байрам бошланди. Колизейдан Париж, Лондон, Нью-Йорк, Пекин, Монтепорцио, Катонга мушукчопарлар жўнатилди. Тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришни давлатлараро миқёсда ўтказишга қарор қилинди. Эйфель минорасини, Биг-Бен, Эмпайр, Стейт Билдинг, Осмоний Ризолик майдони, «Латини» тамаки дўкони — қисқаси, барча машҳур жойларни босиб олиш кўзда тутилганди. Бутун дунё Мушуклари ҳамма тилларда ўз чақирқиқлари билан астронимларга мурожаат этадиган бўлдилар. Ҳа-ҳа, ажойиб кунларнинг бирида, аниқроғи, бир шарофатли туида Мушук юлдузлар туркуми ўз шахсий нури билан порлаяжаги муқаррар!

Рим мушуклари янгликни кутгани ўз «уйларига» тарқаб кетишди. Синьор Антонио ва Мушук-муаллима ҳам Аржентина майдонига шошилдилар, йўл-йўлакка улар ўзларича босиб олишнинг хилма-хил режаларини тузиб борардилар.

Борди-ю, мушуклар Муқаддас Пётр гумбаз атрофида думларини баланд кўтариб турсалар, қандай зўр иш бўларди-я!— деб орзуларга бериларди синьор Антонио.

— Агарда ўша кун Олимпия стадионидида рим билан Лацио футбол командалари беллашаётган чоғиди босиб олишни таклиф этсам, сен бунга қандай қарардинг?— сўради мушук-муаллима.

Синьор Антонио катта ундов белгиси билан «ғоят зўр!» демоқчи бўлиб энди оғиз жуфтлаган эди, аммо гапи бўғзида қолди, чунки кимдир уни бирдан чақириб қолди:

— Бува! Бува!

Ким бўлди бу? Даниела! У мактабдан чиқиб келаётиб, бувасини таниб қолганди. Синьор Антонио эса аллақачон мушукларнинг баъзи қилиқларини вужудига жо қилиб олганидан ўзини эшитмаганга солди. Лекин Даниела астойдил чақирарди:

— Бува, бу нима қилганингиз? Нега мушукларга бориб қўшилдингиз? Мен сизни неча кундан бери қидирмаган жойим қолмади. Ерда ҳам, кўкда ҳам йўқсиз. Ҳозироқ уйга қайтинг!

— Қандай ажойиб қизча!— деди мушук-муаллима.— У печанчи синфда ўқийди? Чиройли ёзса керак-а? Қўлларини яхшилаб ювадими? У ҳожатхона эшигига «Йўқолсин ўқитувчи!» деб ёзадиган анови болаларга ўхшамаса керак, шундай эмасми?

— Бе, бу шунақа ақллики!— деди синьор Антонио бир оз ҳаяжонланиб.— Уни бориб кузатиб қўяй. Тағни қизил чироқда кўчани кесиб ўтмасин.

— Ҳаммаси тушунарли!— хўрсиниб қўйди мушук-муаллима.— Ҳа, майли, мен ҳам синглимнинг ҳолидан хабар олай. Тағни унинг деформацияланувчи артрити хуруж қилиб, оёқ кийимини киёлмай ўтирган бўлмасин.

— Қани буважон, юринг уйга!— буюрди Даниела.

Буни эшитган одамлар ажабланмадилар. Улар мушукка шундай ном қўйишган деб ўйлашди, холос. Бунинг нимасига ажабланади, ахир шундай мушуклар борки, уларни Бартоломео ва Жерундио деб чақиршади, мазмун эса ўзингизга маълум, равшан дегани. Мушук-синьор Антонио уйга келиб дарҳол қадрдон креслосига чиқиб ўтирди ва салом дегандай қулогини қимирлатиб қўйди.

— Қўрдиларингми?— сўради Даниела ўзида йўқ хурсанд бўлиб.— Худди бувампизнинг ўзи!

— Тўғри,— тасдиқлади Нино.— Бувампиз ҳам шунақа қулоқларини қимирлатишни билардилар.

— Яхши, яхши,— деди андак хижолатда қолган ота-онаси.— Қани, энди овқатга келинглар!

Овқатнинг энг яхши, мазали бўлақларини эса мушук-бувага ялина бошладилар. Уни гўшт, қуюлтирилган сут, печенье билан сиёлашарди. Орқасидан силаб, эркалатиб ўпишарди, хуриллашига қулоқ солишарди, панжасини беришини сўрашарди, қулоқ ортларини қашлашарди, кейин гулдор ёстиқ устига ўтқазиб қўйишарди. Унинг учун қипиқ тўшаб, ҳожатхона ҳам тайёрлаб қўйилганди.

Тушки нонуштадан сўнг бува балконга чиқди. Бир вақт қарам-қарши уйда саъваларини томоша қилаётган мушук-муаллимага кўзи тушди.

— Хўш, қалай?— сўради у муаллимадан.

— Жуда соз!— жавоб қилди у.— Синглим Рим папасидан ҳам жабдроқ ҳурмат кўрсатяпти менга.

— Сен кимлигингни айтдингми ўзи?



— Мени шунчалик аҳмоқ деб ўйлаяпсаними? Билиб қолса бор-ми, худди жиннихонага тиқиб қўяди-я! У менга раҳматли онамининг кўрпасини берди, илгари уни ҳатто кўришимга руҳсат этмасди.

— Мен эса нима қилишимни билмайман,— тан олди мушук-сиъбор Антонио.— Даниела менинг қайта бува бўлиб қолишимни истаяпти. Уларнинг ҳаммаси мени жуда яхши кўришади.

— Бирам аҳмоқсан-е! Энди жимгина юрабер. Кейин афсусланиб қолма тагин!

— Нима қилиш кераклигини чиндан ҳам билмайман,— қайтарди у.— Таслим бўлишга тайёрман. Шундай папирос чекким келяптики...

— Бироқ қандай қилиб мушукдан яна қайта бува бўлиш мумкин деб ўйлаётгандирсан?

— О, бу жуда жўн нарса!— деди сиъбор Антонио.

Ҳақиқатан ҳам у айтгандай бу иш ғоят жўн бўлиб чиқди, у Аржентина майдонига бориб темир тўсиқдан тескари ҳатлаб ўтганди, шу заҳотиёқ мушукдан сигарета тутатиб турган мўйсафил сиъборга айланди-қўйди. У уйга бир оз ҳаяжонланган ҳолда квриб келди. Даниела уни кўриб азбаройи хурсандлигидан қарсақ чалиб сакрай бошлади. Уларнинг балконига қарама-қарши уйда яшовчи мушук-муаллима яхши исгаклар йўллаш ниятида бир кўзини хиёл очди-да, «Тентаксан!» деб миғирлаб қўйди.

Балконда у билан ёна-ёна сиклиси турарди. Сиклиси мушукка меҳр билан рази соларкан, ичида: «Унга ҳаддан ташқари боғлашиб қолиш ҳам ярамайди, борди-ю, ўлиб қолгудек бўлса, мени қаттиқ қайгуга ботаман-да, касалим зўрайиб кетади»,— деб ўйлади.

Энди мушуклар ҳақидаги маърузани давом эттириш вақт-соати етиб келди, шаҳарнинг ижтимоий ҳаёт маркази бўлиш майдончани эгаллаган мушуклар уйқудан туриб сичқонларни овлашга тушдилар, Аржентина майдонини ўзларига макон қилиб олгандари эса уларга ўз халтачаларида мазали таомларни олиб келувчи ўша меҳрибон хотинларни нитизорлик билан кутиб ўтирардилар. Сан-Камилло касалхонасида кун кечирувчи мушуклар кечки овқатларининг бемаза чиқишига ва уни касаллар ҳеч кимга билдирмайгина деразалардан улоқтириб юборишларига умид боғлаган кўйи гулзор ва хиёбонларда жойлашиб олишганди. Илгари одам қиёфасида бўлган бошқа барча дайди мушуклар қачонлардир автопосзд ҳайдовчилари бўлиб, дастгоҳ ёнида типпа-тик туриб ишлагандари, машинкада миллиардлаб ҳарф териб тер тўкканлари, ёшлик дамларида гўзал қизларга ошиғу шайдо бўлиб, оҳ-воҳ қилиб юрганлари ҳақида армон билан эслашарди.

## ҲАММАСИ ТИМСОҲДАН БУЛДИ

Кеча, 23 март эрталаб соат ўнда уйда бир ўзим ўтирган эдим: бирдан эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Бориб эшикни очгандим, қаршимда тимсоҳ турганини кўрдим.

Унга бир қарашдаёқ судралиб юрувчи бу жонивор ўзининг мумсимон совути устидан жигарранг костюм кийиб олганини пайқаш қийин эмасди. Кўркам костюмга ҳаворанг майда йўлли оқ кўйлак, қора туфли, кўк бўйинбоғ, нозандай тикилган қорамтир шляпа ва катта мугузсимон камончали кўзоғнак зеб бериб турарди.

Бошқа майда-чуйдаларни дафъатан илгаб ололмадим. Бу менинг ғалати бўйинбоққа маҳлиё бўлиб қолганлигимдан эмас, албатта, сабаби шундаки, қўлларим беихтиёр эшикни ёпиб, шартта занжирни илиб қўйди.

Журналист бўлганим туфайли турли хил одамлар билан учрашишга ўрганиб қолганман, лекин бу сафар ҳузуримга биринчи бор, боз устига ҳеч бир огоҳлантиришсиз нимасан — тимсоҳ келганди!

«Дарвозабоннинг кўзи қаёқда қолди экан! — Чапараста жаҳлим чиқди менинг. — Гарчи бутун яшовчилар томонидан қатъиян ман этилишига қарамай нон дўкони хизмагкорини лифтдан фойдаланишига йўл қўйгани етмагандай, кун бўйи қўшнилardan ким неча марта акса урганини ҳисобга олишдан бўлак иши йўқлиги етмагандай, энди мана бувақа уйга ҳайвонот боғидаги ҳайвонларни ўтказиб юбориши қандоқ гап?!

— Сийёр! — бир вақт эшик ортидан мутлақо соф одам овози эшитилди. — Гапимга қулоқ солинг, сийёр! Таассубларни бир четга йиғиштиринг-да, эғнимдаги кийимга қараб баҳо беришдан ўзингизни тийинг.

— Мен олдиндан келишиб қўйган кишиларнигина ҳузуримга кўя оламан, — деб сўзимда туриб олдим мен.

— Албатта, албатта. Аммо сиз менга жуда зарурсиз!

— Биламан, биламан. Шундай бўлса ҳам нонуштага бошқа биронта яшовчини танлай қолинг, маслаҳатим шу. Мен ҳаддан ташқари озғинман, эғнимдаги кийимим билан ҳаммаси бўлиб эллик етти кило келаман. Ундан ташқари, хотиним Эрон гиламимизни гоят қадрлашини ҳам ҳисобга олиб қўйинг. Борди-ю, мени еб қўйганингиздан кейин, одатдагидек, кўз ёш тўкиб гиламни ивигудек бўлсангиз, бу ишигнэ учун хотиним сизни шундоққина кечириб қўя қолади деб ўйлайсизми?

— Сийёр! Аввал мени ичкарига қўйсангиз-чи! Сизга ҳаммасини тушунтириб бераман! Мени қувиб келяшпоти!

— Бўлмасам-чи! Ҳайвонот боғи хизматчилари сизни ушлаб олиб, сувга тушириб қўйишларига ишончим комил.

— Худо ҳаққи, менинг ҳайвонот боғига ҳеч қандай алоқам йўқ! Дарвоқе, буни ўзингиз тушунганингиз лозим эди. Ахир умрингизда гапирадиган тимсоҳни кўрмаганмисиз?

— Ҳм... Йўқ, — унинг гапига қўшилишга мажбур бўлдим.

— Мана, кўрдигизми! — давом этди тимсоҳ. — Энди сал ўзингизга келгандирсиз?

— Қулфлог эшик ва ўқдоғлиқ тўппонча билан мен ўзимни бутунлай хотиржам ҳис этаман.

Тўғриси айтсам, тўппонча ёзув столининг тортмасида ётарди, бироқ мезбоним уни алдаётганими қаёқдан билиб ўтирибди.

— Илтимос қиламан, эшикни очинг! Мени ажал қувиб келяпти!  
Унинг овозида шундай ўтинч бор эдики; ногаҳон иккиланиб қолдим.

— Бир дақиқа сабр қилинг,— дедим.

— О, худо хайрингизни берсин, тезроқ бўлинг!

Мен ёзув столига ташланиб тўппончани қўлимга олдим, унинг ўқланганига ишонч ҳосил қилганимдан сўнг қайтиб эшик ёнига келдим.

— Очинг, бўлмасам кеч бўлади!

— Менга эса бунинг тескариси — ҳеч қачон эрта бўлмайди,— жаҳл билан эътироз билдирдим эшик занжирини туширар эканман.

Тимсоҳ ичкарига ўқдай отилиб кирди-да, тўхтаб оғир-оғир нафас ола бошлади. У катта чарм халта кўтариб олганини пайқадим, костюми чўнтагидан бинафшаранг дастрўмолининг бир чети чиқиб турганига кўзим тушди-ю, бундай дидсизликдан кўнглим айнаб, ҳушимдан кетаёздим.

— Раҳмат,— миннатдорчилик билдирди тимсоҳ диванга ташланганча чўнтагидан ҳалиги дастрўмолини олиб терини артар экан.— Қасам ичиб айтаманки, мени қутқарганингиз учун афсусланмайсиз. Бизнинг компаниямиз гоят бақувват компания, ўзларига кўрсатган ёрдамни ҳеч қачон унутишмайди.

— Сиз ҳали бир ўзингиз эмасмисиз?— ногаҳон чўчиб тушдим мен.— Ҳамма Нил тимсоҳлари чўнтагида менинг адресим ёзилган қоғоз билан Италияга келишган демоқчимасмисиз?

— Мен Нил дарёсидан эмасман, ҳурматли синьор. Мен Дзерба сайёрасидан келганман.

— Билдим, билдим. Демак, сиз ўзингизга яраша самовий тимсоҳман демоқчисиз.

— Албатта, бу сизга жуда қизиқ туюлаётган бўлса керак. Ахир бу ерда, сизларда тимсоҳлар аранг кун кечирмоқдалар, ё дарёларда маъносиз яшаб ўтадилар ёки бутун умр ҳайвонот боғида беғам, беташвиш кун санаб ўтирадилар. Дзерба сайёрасида бунинг тескариси, биз, тимсоҳлар, минг йиллар мобайнида энг юқори маданиятга эришганмиз.

— Одамлар-чи?

— Бизда тўрт оёққа ўхшаган зотдан асар ҳам йўқ. Сайёрада фақат бизлар яшаймиз.

— Сизлардан хурсандман,— совуққина дедим мен.— Янглишмасам, сизлар кўм-кўк ажойиб бўйинбоғлар ишлаб чиқарар экансизлар...

— Биз уларни турли рангда ишлаб чиқарамиз,— баён қилиб кетди дзербалик тимсоҳ.— Лекин мен мисол учун фақат кўм-кўгини бўйнимга тақиб юраман. Бу менинг фирмамнинг ранги.

— Э, ҳа, ҳали савдо-сотик ишлари билан шуғулланаман дег?

— Мен рўзғор кир ювиш машиналарига мўлжалланган машҳур кир ювиш порошоги ишлаб чиқарадиган «Дзиру» фирмасида ишлайман. Бизнинг шиоримиз мана бундай: «Дзиру»дан гап кетган жойда, Қир ҳақида сўзлаш бефойда!» Маҳсулотни бу ерда сотиш имкониятларини ўрганиш учун мен махсус командировка би-

лап учиб келдим. Командировка бу разведка дегани, тушунапсизми? Маҳаллий молларни ўрганиб чиқиш лозим, рақобат қила оладиган фирманинг маҳсулотини, нарх-наволарини ва ҳоказоларини.

— Энди мен ҳақиқатан ҳам унча-мунча нарсани тушунаётганга ўхшайман,— деб унинг гапини бўлдим мен.— Ҳойпаҳой бизнинг кир ювиш порошоги ишлаб чиқарувчи ерлик фирмаларимизнинг вакиллари сизни пайингизга тушган. Кечирасиз-у, афтидан, ташқи кўринишингизга қараб сизни ҳайвонот боғига қамаб қўйишмоқчи бўлаётгандирлар. Ҳа, оғир кунларга қолдик, ҳурматли синьор, оғир кунларга! Яшаб жон сақлаб қолиш учун эмас, ўлим учун оғир рақобатли курашлар кетяпти!

— Йўқ, йўқ, сиз янглишяпсиз. Бу тоифа хавф, ҳар ҳолда ҳали бошланганича йўқ. Мен бор-йўғи ярим соатча бурун, Дзерба сайёрасидан учиб келиб, мана шу уйнинг томида моддий тус олдим. Мен илк бор учратиб сўзлашган ерлик одам сиз бўласиз. Бу ниҳоят зарурликдан ташқари, очигини айтишим керак, мутлақо тасодифий ҳолдир. Бошимга тушаётган хавф бутунлай бошқа томондан пайдо бўлган — Морва сайёрасидан, яъни бу «ўлат» деган маънони беради.

Мен чўққа ўтириб олгандай салчиб ўрнимдан турдим.

— Наҳотки, яна битта сайёра тимсоҳлар билан тўлган бўлса?

— Афсуски, йўқ, синьор. Морва афсонавий махлуқлар томонидан ишғол қилинган. Аммо энг кўрқинчли жойи шундаки, морваликлар ҳам кир ювиш порошоги ишлаб чиқаришади. Шуниси борки, уларникини бизники билан асло солиштириб бўлмайди. Ҳеч бўлмаганда менга ишонингиз мумкин, мен бу иш билан чорак асрдан буён шуғулланиб келаман. Ҳамма бало шундаки, биз мўлжаллаб турган Ерга морваликлар ҳам кўзларини ола қилишган.

— Бундан чиқди, биз бутун коннотда исқирт ва иркитликда донг чиқарган эканмиз-да!— дедим мен.

Дзербалик фикримга қўшилмади. У бундан бир печа дақиқа илгари икки морваликнинг қўлига тушиб қолишга бир баҳя қолганини айтиб берди.

— Борди-ю, улар мени тутиб олишса, мен йўқ бўламан. Ер ҳам тамом бўлди, деса бўлаверади.

— Сизнинг фирмангизга нисбатан демоқчимисиз?

— Тамом бўлади, тамом бўлади, синьор. Сиз, ерликлар, морваликларнинг совунга кир ювмагансиз-да, ҳали! Е яхшиликча, ёки ёмонликча улар сизларни жуда кўп миқдорда ўзларининг кир ювиш порошокларини сотиб олишга мажбур этадилар. Сизнинг иқтисодингиз илқирозга учрайди. Очарчилик, қашшоқлик, урушлар ва кўзғолонлар бошланади.

— Аммо сиз ўзингизга етганча ғалати махлуқ экансиз!— унинг гапини бўлдим мен.— Бизда ажойиб ювиш порошоклари тўлиб-тошиб ётибди, бизга ҳеч қапақанги дзербалик тимсоҳлар ёки морвалик келгиндиларининг сира кераги йўқ... Айтмоқчи, Морвада қа-нақа ҳайвонлар яшайди?

— У ерда...

Шу маҳал эшик қўнғироғи устма-уст чалиниб, унинг жавоби оғзида қолди.

— Бу — улар, — шивирлаб деди тимсоҳ ва безовталаниб, дивандан сапчиб турди. — Худо ҳаққи, мени яширинг!

— Лекин бу почтачи ёки сантехник бўлиши мумкин...

— Бу — улар! Мен уларни исдан биламан. Худо хайрингизни берсин, мени биронта шкаф ичига яшириб қўйинг.

— Менинг ундан ҳам яхшироқ таклифим бор. Дарров ечининг, мен сизни ваннага солиб қўяман. У шу топда илик сув билан тўлдириб қўйилган, чунки одатга кўра, мен ҳар кун эрталаб ваннада чўмилиб оламан. Мен сизни ўзимнинг шахсий тимсоҳим дейман. Ҳозир кўпчиликнинг уйида тимсоҳ боқиш урф бўлган. Буни ҳеч қандай қонун ман этмайди. Қани, тезроқ бўлинг! Барибир бошқа чора йўқ!

Тимсоҳ қизариб кетди.

— Қалай бўларкин... Нотаниш одам олдида ечиниш...

— Е парвардигор, шу маҳалда бундай арзимас нарса ҳақида ўйлаганингизни!

Бу орада эшик қўнғироғи қулоқни тешгудай жирингларди. Мен дзербаликни ваннага киргизиб юбордим-да, ўзимни уйқусираганга солиб эшикка яқинлашдим. Эшикни очдим ва уйқудан янги тургандек чуқур ҳомуза тортдим.

— Сизга ким керак?

Зина майдончасида иккита курка товук турарди. Эгнига қизил фрак кийиб, бошларига сариқ шляпа қўндириб олган бўлишига қарамай, мен уларнинг айнан курка товук эканликларини дарҳол пайқадим. Иккови ҳам шляпаларини хиёл кўтариб мен билан саломлашди.

— Афтидан, курка товуклар билан учрашишга ўрганиб қолгансиз шекилли, — деб сўради улардан бири муғамбирона.

— Мен улар билан одатда янги йил байрамида дастурхон устида учрашаман, — жавоб бердим мен, — ўша маҳалда улар доимо обдон қовурилган, тевараги картошка гарнири билан ўралган бўлади, хушхўр қилиб ейиш учун мен кремон ханталини маъқул кўраман.

— Гапга чечан экансиз, — қайд этди морвалик, — аммо ҳақиқатга тўғри келмайди. Шундай бўлса ҳам бизнинг келишимиздан сира ҳайратланмаётганингизнинг ўзиёқ ишимизни осонлаштиради. Шундоқ кўриниб турибдики сиз бизни кутгансиз, демак, ҳамма нарсадан хабардорсиз. «Дэпру» фирмасининг комерция вакили сизнинг уйингиздалиги ҳам аниқ. Уни бизга топшинг. Ҳеч қандай найранг-пайранг кетмайди. Шунини билиб қўйингки, қаршилик кўрсатгудек бўлсангиз, ўзингизга ёмон бўлади.

— Нега энди «ёмон» бўлар экан? — сўрадим мен гўё эсноғимни босишга урингандек.

Иккинчи морвалик саволимга жавоб бермай, шартта ичкарига кирди-да, уйни кўздан кечира бошлади.

— Ҳой, менга қаранг! — аччиғим чиқди менинг. — Бировнинг

уйига бостириб киришга қандай ҳаддингиз сиғади? Тинтув қилишга орденингиз борми?

Биринчи морвалик ҳам ичкарига кирди, бир-икки бурнидан чуқур-чуқур нафас олиб исканди-да, ванна томон дадил йўл сарди.

— Қим бор ваннада?— сўради у эшикни очишга уряниб. Эҳтиёткор дзербалик ичкаридан лўкидонни солиб қўйганди.

— У ерда меннинг тимсоҳим чўмиляпти. Бунинг сизга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

— Менинг тимсоҳим дедингизми? Жуда яхши. Хўш, қачондан бўён тимсоҳлар чўмилаётганда ичидан беркитиб оладиган бўлишган?

— У доим шундай қилади. Чўмилаётганида безовта қилишларини ёқтирмайди. У шунақа камтар, тортинчоқ жонивор.

Морвалик чап кўзи билан менга тешиб юборгудай тикилди. Кейин тумшуги билан эшикни бир чўқиганди, эшик бир ҳовуч кулга айланди-қўйди. Агар ҳаммасини аниқ баён қилиш лозим бўлса, Сутун бошли эшик ўрнида атиги бир чой қошиқча кул қолиб, ундан элифгина тутун пиликдай эшилди чиқарди.

— Борган сайин ҳаддингиздан ошяпсиз!— бақирдим мен.— Уйимга бостириб кирганингиз етмай, энди эшигимни ёндирдингиз. Бунақа ишлар учун жиноятчи каторгага юборилади.

Балки яна кўпгина бошқа фикрларин ҳам изҳор этишим мумкин эди-ю, бироқ шу аснода мутлақо аломат манзара мени лолу ҳайрон қолдирди. Ваннамга бемалол жойлашиб олган бир пуштирано филча узун дастакли чўтка билан оббо деб елкаларини ишқаларди. Одатда мен бу чўткадан худди шу мақсадда фойдаланар эдим. Филча салом берган бўлиб қувноқ бўкириб қўйди, кейин... морваликларга қараб хартумидан икки пақир чамаси кўпикли сувни селиб юборса бўладими!

— Тимсоҳ деб шунга айтяпсизми?— сўради биринчи морвалик кўзини шляпаси билан артаркан.

— Бу фил,— гудрандим мен,— лекин исми Тимсоҳ. Уни Жумбо, Дум-дум ёки Вергинжеториже деб чақаришимиз ҳам мумкин... Сизга барибир эмасми?

— Барибир уни олиб кетамиз,— деди иккинчи морвалик.— Бунинг ҳаммаси жуда шубҳали!

— Кераги йўқ,— деди биринчиси.— Бу ерда қаёқдаги филлар билан пачакилашиб юришга вақтимиз йўқ. Бу лаънати дзербалик бирибир бизни лақиллатиб кетди, лекин узоққа кетолмайди!

— Эшигим нима бўлади?— ғазаб билан дедим мен, уларга эргашиб ташқарига йўналарканман.— Эшикнинг хувини ким ҳисоб-шитоб қилади?

— «Дэиру» фирмасига сёт юборинг,— жавоб берди биринчи морвалик.

Ерликларга хос бўлмаган бундай қочирим гап учун уни бўғиб ўлдиришга тайёр эдим. Қурка товукларни кузатдим-у, ваннахонага чопдим. Ойнадаги аксинин бир кўрсангиз эди шу топда, ажабланганимдан оғзим шунақанги ағрайиб очилиб қолган эдики, шу ту-

ришимда нақ тасқарайн тараққос эдим! Пуштиранг филчадан ном-нишон кўринмасдн.

Эшик кўнғироғи қайта жиринглашидан чўчиб тушдим.

— Яна камн бор эдимн?!— бақирдим мен чунонам газабланиб.— Мен уйда йўқман, тимсоҳга ҳам, курка товукларга ҳам, филларга ҳам, каркидонларга ҳам йўқман!

Барибир бориб эшикни очдим. Уйга дзербалик тимсоҳ отилиб кирди.

— Кечирасиз,— деди у,— мен сизникида халтамни қолдириб кетибман!

— Тўхтагн!— дедим мен уни енгидан ушлаб.— Сиз ванна ичн-да бўлишингиз керак эди-ку?

— Фақат шу етмай турувди,— жавоб қилди у юлқиниб.— Улар мени тутиб олишарди! Мен деразага чиқиб, ундан томга кўгарилдим.

— Пуштиранг филча-чи?

— Яна қанақа филча?

— Ҳалиги ўриниғизда вашида ўтирган ва мендан бесўроқ чўт-камдан фойдаланган филча-да!

Тимсоҳ ўзнин ерга отиб, юм-юм йнглай бошлади.

— Тамом!— ингради у.— Мен энди уйимга қайта олмайман!

— Кечирасиз, нима гап ўзи? Бундоқ тушунтирсангиз-чи ахир. Ваннада нималар бўлганини билншга ҳақим бордир ҳар қалай?

— Уша айтган филчангиз Цокка сайёрасининг агенти бўлади. «Песс» фирмасида ишлайди. Сиз уларнинг қанақанги разиллик-ларини билсангиз эди. Улар бизнинг барча тайёргарлик ишларимизни, молимизни сотадиган бозорларни, бунинг учун кўрган тарраддуларимизни ипидан-иғнасиғача пойлаб туришади-да, сўнн тайёрга айёр бўлиб етиб келишади. Уларнинг кир ювиш порошокларини ярим баҳода пуллаб, бизнинг барча режаларимизни чиппакка чиқариб кетишади.

Шўрлик тимсоҳ тўхтовсиз инграннб йнғларди. Шу топ унинг кўз ёшлари хотиним еру кўкка ишонмайдиган эрон гиламига тўкилаётганини кўрдиму, даҳшатдан титраб кетдим.

— Бадбахт! Қарасангиз-чи, нима қилиб қўйдингиз! Дарҳол чиқиб кетинг, бундан буён уйимда тўрлама терингизининг қасмоғини ҳам кўрмай!

У кўз ёшларини бачкана бинафшаранг дастрўмолига арта-арта чиқиб кетди.

У зинадан тушиб бораётганида орқасидан қувиб етдим-да, морвалик курка товуклар нега цоккалик филни танимадилар, деб сўрадим ундан.

— Шунинг учунки, у либосини ўзгартириб олган, шунга ҳам ақлингиз етмадимн?

— Йўқ, ҳеч нарсага ақлим етмайди!

— Цоккаликлар филлар эмас. Улар қоплонлар! Уларнинг барча найранглари фақатгина ёлғиз менга аён. Бундан нима фойда! Хайр, синьбор, яхши қолинг.

Мана шунақа. Кейинчалик бу ҳақда жуда кўп турли хабарлар

босилди, лекин ҳеч ким менчалик бизнинг ҳалокатимизнинг туб сабабини билмайди. Ҳаммаси меннинг уйимда, мен ҳикоя қилиб бергандек содир бўлганди.

Қолган гапларни, бахтга қарши, ҳамма билади. Морваликлар, дзербаликлар ва цоккаликлар ўзаро келишиб, сайёрамизни ўртада тақсимлаб олишди, эндиликда кекса Еримиз таниб бўлмайдиган ҳолга келиб қолган эди.

Дзербаликлар Европа билан Африкада ўзларининг савдо-сотиқ ўтказиш монополиясига эга бўлдилар. Улар Альп тоғларини нимага айлантириб қўйганларини бир кўринг-а? Монблан билан Червино тоғларидан бўлса асар ҳам қолмади. Мармолада ҳам йўқ бўлиб кетди. Тоғ тизмалари, музликлар билан қопланган баланд чўққилар, ажойиб водийлар ўрнида фақат улкан ҳарфларда «Дзирру»дан гап кетган жойда, Қир ҳақида сўзлаш бефойда!» деб ўйиб ёзилган Альп тизмаларининг қолдиқлари бир неча километр масофада чўзилиб ётарди. Улкан прожекторлар нури остида бу улкан сўз кечаси ойдан яхши кўринади. Нима ҳам дердинг, киши, сайёралараро реклама шунақа бўларкан-да! Галактикамиз учун янглик.

Морваликлар билан дзербаликлар ҳам ўзларининг фирмаларига теккан қитъа ва океанларни худди шундай аҳволга солдилар. Шундай қилиб, эндиликда Ер сайёраси коннот бўшлиғида оддий думалоқ реклама зўлдирдек айланиб юрибди.

Кечаси осмон гумбазида юлдузлар шундай жойлашиб олишгандики, улардан йирик «Дзер-Мо-Цок» фирмаси рекламаси ҳосил бўлганди. Бу илгари бир-бирлари билан рақобатлашиб юрган уч сайёра корчалонлари томонидан юзага келтирилганди. Шу кунларда бу фирма Ерга паркет полга суриладиган янги мумни «ҳавола этди». Катта Айиқнинг жозибадор шакли абадий бузилади, бошқа юлдузлар туркуми ҳам мажақлаб ташланди, Сомон Йўли парча-парча қилинди. Бор-йўғи кичкинагина «и» ҳарфи шаклини ҳосил қилган Арктур, Алтарес ва Сириус юлдузлари милтираб турибди, холос. Эндиликда бутун коннот бўйлаб кечалари «Билибонц» пол бўёғидур, юз қуёшнинг нурини сочур!» деган бир хилдаги жонга тегувчи реклама мудом такрорланиб турарди.

## МОТТИ ВА ПАКЕТЧИ

### Синьор Корнелиус портрети

Мотти ғоят ақлли ўғри эди. Полиция инспектори Жеронимю доимо бу ҳақда ўз ёрдамчиси Де Доминичисга:

— Де Доминичис, сизга бир гапни айтмоқчиман-да!— дерди.

— Хўш-хўш, қулоғим сизда, инспектор.

— Мана бу Мотти бошқа ўғриларга ўхшамайди. Уни бошқалардан ажратиб турадиган жойи шундаки, калласи яхши ишлайди. У Гульельмо Маркони'дан кўпроқ ҳунар ихтиро этган. У ҳозир

Машҳур италян олим ва ихтирочиси.



нимани ўйлаб топди экан, шунинг билмоқчи эдим. Мана, бир йилдирки, у сувга чўккан тошдай жимжит бўлиб кетди, бирор марта қўлга олингани йўқ. Пакетчи-чи, ундан ҳеч дом-дарак борми?

— Йўқ, инспектор.

— Мана, кўрдингми. У бўлса доим Мотти билан бирга ишлайдди. Мисоли унинг сояси.

— Қизиқ, Мотти шундай ақлли бўла туриб, нега энди одам қуриб кетгандай мана шу овсар Пакетчи билан ош-қатиқ бўлиб олган?

— Балким, мияга ором бериш учундир, Даҳога доимо шунақа битта овсарнамо ёрдамчи жуда керак, у сўзлаётганда ёки тинглаётганда даҳо бир ўз ҳордиқ олишига имкон туғилади-да. Ахир тинмасиз ҳаддан ташқари ақлли нарсалар ҳақида фикр юритавериш ҳам тўғри келмайди-да.

Бу пайтда шаҳарнинг бошқа чеккасида Мотти Пакетчига ўзининг янги ихтиросини намойиш қилаётганди. Уларнинг феъл-атвори ва қобилиятларидаги фарқи исмларида намойиш эди. Мотти — унинг ҳақиқий исми, Пакетчи эса бор-йўғи лақаби эди. Бу лақабни ўғривачча бир куни магазини ўмараётганда ўлжаларини чўнтакларига жойлаб, тезроқ жуфтасини ростлаш ўрнига, соат, узук ва қимматбаҳо тошларни халгачага солиб, уни шойи лента билан боғлай бошлаган, полиция бўлса ҳеч қандай қийинчиликсиз уни халтачаси билан тезгина тутиб олганда орттирганди.

— Орадан икки ой ўтар-ўтмас мана шу нарса билан биз бойвачча бўлиб кетамиз,— деди Мотти қандайдир аппаратни кўрсатиб.

— Ҳар ҳолда бу фотоаппарат бўлмаса керак?— сўради Пакетчи.

— Бўлмаса нима экан?

— Ўхшашга-ку ўхшаб турибди-я, ammo мен барибир янглишмаслик учун бирор далил-исбот келтириб ўтирмайман.

— Ҳеч қандай иккиланишга ҳожат йўқ, Пакетчи. Бу росмана фотоаппарат. Сен уни қандай ишлашини ҳозир кўрасан. Ҳув анув ерга боргин-да, бирор нарса ҳақида ўйла.

Пакетчи итоаткорлик билан у кўрсатган жойга бориб, бирор ақлли нарсани ўйлашга ҳаракат қила бошлади. Афсуски, унинг хаёлига бир вақтлар колбаса магазинида кўрган жуда ҳам узун колбасадан бошқа ҳеч нима келмади.

Мотти «ширқ» этиб унинг расмини олди, қоронғу хонага кириб кетиб, бирпасдан сўнг расмини кўтариб қайтиб чиқди ва уни лупа ёрдамида ўргана бошлади.

— Расмда ёмон чиққанга ўхшайман,— деди Пакетчи.— Қизиқ, нега мен доим расмга шунақа аҳмоқона тарзда чиқаман-а?

— Бироқ колбаса қўлинг ўргулсин бўлиб чиққан,— деди Мотти.

— Нима? Қўйсанг-чи, Мотти, мана шу машина ёрдамида фикрни суратга тушира олишингга мени ишонтираман деб овора бўлмай қўя қол.

— Барибир ҳақиқатдан юз ўғириб бўлмайди-ку, Ўзинг кўр.

Пакетчи қўлига лупани олиб расмга синчиклаб қаради-ю, унда колбаса сувратини кўрди. Миясига келган колбаса ҳам худди

шунақа, у қулоғидан бу қулоғиғача етадиган даражада узун эди.

— Сенга қойил, Мотти! Агарда бу нарсани патентлаштиролсанг, сенга яхшигина пул тўлашади.

— Қўзингни оч, Пакетчи! Пул ишлашнинг бундан ҳам қулайроқ ва тезкорроқ бошқа усули бор.

Моттининг системаси бошқа ҳамма ихтиролари сингари жуда содда ва мақсулдор бўлиб чиқди. Икки кундан сўнг шаҳарда тўғридан-тўғри ғаройиб ўғирликлар бошланди. Ҳеч қачон ва ҳеч кимга ўз пўлат сандиғи сирини ишонмайдиган бир бадавлат киши уни ўғри шип-шийдон қилиб кетганини пайқаб қолибди. Инспектор Жеронимо пўлат сандиқнинг ҳеч бир жойидан заррача мажақланган ё дарз кетган изни топа олмабди. Кечалари бўлса банклар гўё ўзлари ўғирларни бағриларини кенг очиб кутиб олгандек кўринарди. Бир кекса қурумсоқ пулларини балкондаги ёронгул тувагида сақлаб келар экан, аммо бу ҳақда у биронта инсон зотига оғиз очмаган экан. Бир кун қарасаки, ўша тувак жойида йўқ, шўрлик чол қайғудан жинни бўлиб қолишига сал қолибди.

— Бу Моттининг иши,— деди инспектор Жеронимо йигирманчи ўғирликни қайд этар экан.— Юр, уни бориб кўрайлик-чи.

Унга Де Доминичис ҳамкорлик қилди. Маълум бўлишича, Мотти билан Пакетчи ўта покиза ишга қўл уришган экан. Улар суврат туширувчи бўлиб олишибди. Пакетчи ательеда мижозларни сувратга тушириб турганда Мотти шаҳар бўйлаб юриб, кўчаларда расмга оларди.

— Янги йил! Янги ҳаёт!— деди кулиб Пакетчи, меҳмонларни таъзим билан қарши оларкан.

— Янги йил, дейсизми? Ахир ҳозир август ойи бўлса, Янги йилга бало борми?

— Ҳалол яшашни бошлаган одамга ҳеч қачон кеч бўлмайди,— эътироз билдирди Мотти, қоронғи хонадан кўлида плёнка кўтариб чиқаркан.

Полициячилар кетгандан кейин Мотти Пакетчига кўз қисиб қўйди ва унга янги ўлжасини кўрсатди. У хуфёна тарзда шаҳардаги энг бадавлат одам бўлган синьор Корпелиуснинг расмини олганди. Унинг фикридан кечиб турган нарсаларни, хусусан, эртаси куни Парижга отланаётганини ва ўзи билан бирга қора чарм сумкада юз миллион пул олиб кетаётганини худди китобдан ўқиб билгандек осонгина уқиб олиш қийин эмасди. У йўлга чиққанда Мотти билан Пакетчи ҳам вокзалда эди, сумка ҳам ғойиб бўлди.

Юз миллион дегани бу юзта ёнғоқ эмасди. Мотти билан Пакетчи уни ака-укалардек мурса қилиб бўлиб олишди, расм ательесини қулфлаб, ишдан холи бўлишди.

— Бу иккаласи мени доғда қолдирди,— деб тўнғилларди инспектор Жеронимо, бу ҳақда хабар топиб.— Бироқ далил керак. Мотти шундай айёрки, борди-ю, уни далилсиз ҳибсга олгудек бўлсак, судда шармандамизни чиқариши мумкин. Қел, аввал Пакетчининг ҳузурига борайлик.

Инспекторга қўшилиб Де Доминичис ҳам борди. Пакетчи ша-

ҳар чеккасидаги оддий уйда яшарди. Қулупнайини чопиқ қилаётгани учун уй соҳиби уларни ўз томорқасида, уй кийимида қабул қилди.

— Саломатмисиз, инспектор?— шодон кулиб ҳол сўрашди у.— Бригадир Де Доминичисга саломлар бўлсин. Уйга киришни хоҳламайдиларми?

Ичкарига киришгач, инспектор Жеронимонинг кўзи жавон тепасида деворга осибдиқ чиройли кумуш рамкадаги суратга тушди.

— Бу амаким Густав,— тушунтирди Пакетчи.— Жуда яхши одам эди! Ундан менга бир оз буд-шуд мерос қолган, ишимни ташлаганимнинг боиси ҳам шунда.

— Амакинг Густав негадир синьор Корнелиусга икки томчи сувдек ўхшайди,— деди инспектор.

— Кўйсангиз-чи! Улар ҳатто бир-бирларини танишмаса ҳам керак. Корнелиус... Қаранг-а! Оҳ, унинг миллионлари менда бўлармиди...

— Ким билсин,— деди инспектор Жеронимо.— Улар сенда бўлиб қолиши ҳам мумкин, тўғриси, сенинг ўзингда.

У портретни девордан олди-да, худди ундаги бармоқ изларига қизиқаётгандай доим ёнида олиб юрадиган лупага солиб диққат билан кўздан кечира бошлади. Ана, худди айтганидай бўлиб чиқди, кўзлари яхши кўришлиги сабабли керакли нарсани дарров топди. У синьор Корнелиуснинг миёсида юз миллионли қора сумка ва ҳатто поезд жўнайдиган вақт ҳақидаги фикрни аниқ кўрди.

— Кўрдингизми, Мотти нима ихтиро қилган экан,— деди у қойил қолганини яширолмай.

Пакетчининг ранги қув ўчди ва синьор Корнелиусга миннатдорчилик билдириб, унинг портретини деворга осибга қарор қилган ўша кунни ичида лаънатлади. Бу портретни ёқиб ташлашга Мотти қанчалик куюниб маслаҳат берганди-я.

Шундай қилиб Мотти билан Пакетчи бир камерага тушишди. дарҳақиқат адолат шуни талаб қиларди. Пакетчи оддиниға минг ҳадик-хавотир остида устозидан дашном эшитишни кутди. Аммо Моттидек танти одам бор эканми дунёда — умри бино бўлиб ҳали бировга сен деб гапирган эмас.

— Моттининг фикри бағоят олий эди,— кейинчалик инспектор шундай изоҳ берди.— Ахир кўпчилик одам шунча бошқа ажойиб нарсалар турганда фақат ўзларининг пуллари ҳақида ўйлайди. Шундай эмасми, Де Доминичис?

— Гапингизни юз фойиз қўллаб-қувватлайман, инспектор.

## СЕҲРЛАНГАН ПЛАСТИНКА

Пакетчи ҳозирги замон эстрада куйининг зўр жазмани эди. У кун бўйи граммпластинкалар магазинида вақтнинг ўтказар ва турли хил ашулаларни мириқиб тингларди. Кечкурун эса уйга ҳаяжондан кўзлари чақнаб қайтарди, оёқлари ўзидан ўзи ҳаракатга келиб, каравотда ҳам ўйинга тушиб кетарди.

— Бугун шунақанги бир ажойиб пластинкани эшитдимки! Ақлдан озишимга жичча қолди!— деб ҳикоя қилди у Моттига.

— Кўриб турибман,— жавоб қилди Мотти, маълумотини тўлдириш ниятида кўздан кечираётган расмли ҳикоядан бошини кўтариб.

— Қандай қилиб «кўриб» турибсан, Мотти, азизим?

— Мен одамларнинг фарқига боришимни яхши биласан-ку.

— Қимматбаҳо Пакетчида сен яна нималарни кўрдинг, Мотти?

— Анчадан бери «ақлдан оздим» деган иборани тез-тез қўллаётганингни пайқадим.

— Бу хавфлими? Балким ўзимни бирорта докторга ёки грамматика мутахассисига кўрсатишим керакдир?

— «Ақлдан озиш» ибораси айнан бизга зарур нарсани олиб келса керак, деб ўйлайман.

— Зарур дейсанми, Мотти? Аммо бизга ҳеч нарса керак эмас-ку. Сенинг ҳали расмли ҳикояларинг тоғ-тоғ бўлиб ётибди, мен бўлсам яна икки юз грампластинка магазинида бўлиб чиқишим лозим.

— Кексалик даврига ҳам бирор нарса қолдириш керак-да, Пакетчи. Бу ҳақда ўзиниз ҳам эмасак, ким ҳам ейди? Ахир ҳукумат, минг афсус-надоматлар бўлсинки, ҳанузгача ўғриларга нафақа белгилагани йўқ.

— Мотти, мен фикр юритишни билмайман, сен бўлсанг буни дўндирасан. Сўнгги маротаба бош қотириб фикр юритганимдан кейин икки ҳафтагача бошим оғриб юрди.

Мотти кўп ўйлади, кейин икки ҳафтача нима биландир машғул бўлди. Аллақандай лабораторияларга қатнаб юрди. Уйга анча-мунча ғалати асбобларни олиб келди. У расмли ҳикояларни йиғиштириб қўйиб, электроникага оид илмий ишларни ўқиди. Пакетчи уларни кўриб, қўрқувдан бадани жунжикиб кетди.

— Сен буларнинг ҳаммасини йиғиштир, Мотти,— маслаҳат берди у.— Буларни ўқиш у ёқда турсин, кўриб бошим айланиб кетяпти.

Бир кун кечқурун Мотти уйга тўрт бурчакли катта конверт кўтариб кириб келди.

— Тўхта, Мотти,— деди Пакетчи,— сен бу сафар нима харид қилганингни аниқ топаман. Пластинка!

— Мен уни пулга олганим йўқ.

— Барибир қўлингдаги пластинка-ку. Аммо-лекин зўр бир савоб иш қилибсан-да! Ахир мени биласан-ку... куй деганни жонимдан ҳам яхши кўраман...

— Ўзингни бос, Пакетчи. Ўтириб жимгина қулоқ сол.

— Бўпти, Мотти, ўтириб жимгина қулоқ солганим бўлсин.

Дарҳақиқат, у бутун вужуди қулоққа айланиб тишглашга ҳозирланди. Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас у бутунлай ўзини йўқотиб қўйди, сапчиб стол устига чикди-да, ўйинга туша кетди, стуллар устида сакради, телбаларча қўлларини ҳар томонга силкита

бошладн, бошини қаттиқ-қаттиқ ирғаб шунақайги чинқирдикн, дераза ойналари зириллаб кетди.

— Бу нима қилиқ? Сенга нима бўлди?— куй тўхтагандан сўнг пешонасидан терни сидириб ташлар экан, ҳайрат пчида сўради у.— Нега энди пластинкани қўймаяпсан?

— Мен уни қўювдим.

— Унда нега овози чиқмаяпти? Ё бу биронта ҳазил-пазил пластинками?

— Бу жоду қилинган пластинка, Пакетчи. Ақлдан оздирувчи пластинка. У куй таратаётганда сен тиним билмай ўйнадинг, лекин буни ҳатто ўзинг ҳам эслай олмаяпсан.

— Сен-чи? Сен ҳам ўйинга тушдингми? Мен кўрмадим-ку. Уша-ўша стол ёнида ўтиравердинг, Мотти.

Мотти қулоқлари ичидан икки катта момик бўлагини олди.

— Менда мана бу бор эди-да, — деди у.

— Худо ҳақи, Мотти, менга тушунтирсанг-чи — нима бўляпти ўзи? Сен бу гал нимани ихтиро этдинг?

— Ақлдан оздирувчи пластинкани. Кўчма маънодаги эмас, тўғри маънодаги шундай пластинкани ихтиро этдим. Мен уни қандай қилиб, қайси акустик қонун ва ҳоказоларни қўлаб ихтиро этганимни тушунтиришга ҳаддан ташқари кўп вақт керак бўлади. Бу пластинка асабга таъсир этади дейишнинг ўзи кифоя. Қимдаким пластинкадаги куйни эшитса, ўйинга тушмай туролмайди. Ўйинга обдон берилганидан ҳеч нарсани гидрок этолмай қолади. Куй тўхташи биланоқ ҳаммасини унутиб қўяди.

Пакетчи бош оғригига мубтало бўлмаслик учун бўлган воқеани элас-элас эслашга ҳаракат қилди.

— Эслай олмаяпман,— деди у бир оздан сўнг.— Модомики ҳеч нарсани эслаб қололмас эканман, унда бу қанақа ўйин-кулги бўлди?

Халтача ўйин-кулгидан унча зиён кўрмаслиги учун ғоят сабр-тоқат ва тиришқоқлик ила энг жўн ҳамда оддий сўзларни танлаб-танлаб гал нимадалигини тушунтира бошлади. Суҳбат якунига бориб, Пакетчининг кўзлари шунчалик олайиб кетдики, қайта уларни ёпа олмай қолди, натижада ўша куйи тунн билан кўзларни очик ҳолда ётиб ухлашга ва шу алфозда туш кўришига тўғри келди.

Эрталаб Мотти билан Пакетчи бирин-кетин уйдан чиқишди.

Улар харидорларга лиқ тўлган грампластинка магазинига киришга жазм этдилар.

Магазинга киришдан олдин қулоқларига яхшилаб момик тикиб олишди.

— Менга қара, Пакетчи, қулоғингдан момикни олиб қўйишни хаёлингга келтира кўрма, худди ҳолингга маймунлар йиғлайди-я. Куйга бўлган муҳаббатингни ҳам унут. Куй тартибида бундан кўра муҳимроқ масалалар турибди.

— Момикни олиб ташлашдан кўра қулоқларини қирқиб ташлаганим бўлсин, Мотти.

Бу гал Пакетчи сўзининг устидан чиқди. У завқлантирувчи куй

жозибаси олдида бардош берди, қулоқларидаги момикларни олмади ва ўзининг ҳақиқий пих ёрган ўғри номини муносиб тарзда оқлади. Ҳаммаси кўнгилдагидек бажо бўлди. Мотти сотувчидан қандайдир пластинкани сўраб олиб, эшитиш кабинасига ўтди-да, муваффақият қозонишига ишонган ҳолда ўзи билан олиб келган сеҳрли пластинкани проигривателга қўйди. Кейин кабина эшигини ланг очиб юборди. Куй магазин ичини тўлдириб янграши ҳамон бамисоли қиёмат-қойим бошланди-ку. Ҳатто сотувчилар ҳам ўйинга тушиб кетишди, улар гоҳ пештахта бўйлаб дикирлар, гоҳ энс баланд шкафлар тепасига чиқиб кетишар, гоҳ маймунлар сингари қандилларга осилишарди. Харидорлар ҳам улардан қолишмасди. Магазинга Бетховеннинг Тўққизинчи симфониясини, Тоскани бошқарган оркестр ижросидаги пластинкани харид қилишга келган савлатли эркаклар карнавалга ташриф буюрган биринчи курс талабаларига ўхшаб ўйинга тушншарди. Бир дақиқа илгари Бьянканинг тангосиними ёки Тостининг романсиними харид қилишни билмай турган келишган ўрта ёшли аёллар Битлзлар концертидаги жинс кийиб олган қизлардай иргншлаб ўйнашарди. Деярли ҳамма ақлдан озганди.

Ўзини гоят мулоим ва хотиржам тутган ҳолда Пакетчи ҳеч кимни қанда қилмай ўйнаётганлар орасида айланиб юрарди.

— Кечирасизлар! Фақат бир дақиқага кармонингизни олатураман. Ташаккур, ҳаммаси жойида. Ўйинни давом эттиришингиз мумкин, ўйин-қулгннгиз яхши ўтсин! Синьора, марҳамат қилиб сумкангизни берсангиз. Ташаккур, сиз бағоят назокатли экансиз! Ингичка, сизни бир минутга мумкинми? Чўнтақларингизни кўриб чиқмоқчиман. Мана бўлди. Сиз бўшсиз! Ўйнайверинг, ўйнайверинг!

У ўзи билан олиб келган чамадонини уч минут ичида ҳамёнлар, хотинлар сумкаси, кармонлар ва бошқа турли хил арзир-арзимас нарсалар билан лик тўлдирди. Назарида иш тугагандай бўлиб кўринди-ю, Моттига қараб кўз қисиб қўйди ва магазиндан чиқиб кетди.

Мотти бўлса хотиржам ҳолда пластинкани охиригача тугашини кутди. У пластинкани олиб пальтосининг астарига ёпиштириб тикилган катта чўнтакка жойлади, ўз жойларида туриб нафасларини ростлаб, илгариги аҳволларига қайтаётган, аммо бир дақиқасига илгари содир бўлган воқеадан бутунлай беҳабар харидорлар орасидан туртина-туртина ўтиб бориб, сотувчига пластинкани қайтариб берди, унга миннатдорчилик билдирди-да, бошқа кун иелишни ваъда қилиб, хайрлашди ва шўх куйини ҳуштак чалиб хиргойи қилганча магазиндан чиқиб кетди.

Орадан бирор дақиқа ўтар-ўтмас грампластинка магазинида яна қайтадан, лекин бу гал бутунлай бошқа хусусиятга эга бўлган қиёмат-қойим бошланди. Тўққизинчи симфонияни сотиб олишга аҳд қилган синьор кармони йўқлигини сезиб қолди. Худди шу ҳол бошқаларда ҳам такрорланди.

— Мени сумкам йўқ!

— Менинг пулларим йўқ!

— Мени бутунлай шилиб кетишибди!

Кассир аёл ҳушидан кетиб йиқилди. Пакетчи эрталабки савдодан тушган ҳамма пулни ола кетишни ҳам унутмаганди.

Магазин хўжайинининг чақиригига мувофиқ воқеа содир бўлган жойга етиб келган комиссар Жеронимо ҳеч нарсага тушуномасди. Чўнтак ўғриси битта, жуда нари борганда учта кармонни ўғирлаши мумкин. Лекин бу ерда бўлган қанақа ўғри эдики, ўйлаб ҳамёнини ҳеч ким сезмайдиган қилиб, бошлаб шилиб кетса.

— Биласизми, биз куй эшитгандик...— тушунтиришга ҳаракат қилди бир синьора.

— Ҳаммангиз, жазавага тушган эдингизлар, шундай эмасми?— пичинг қилди комиссар.— Қани, де Доминичес, далилларни тўплаган. Бундан бўлак ҳозир қўлимиздан ҳеч нарса келмайди.

Бригадир де Доминичес ўн икки бетдан иборат сўроқ протокол-ини тузди. Езавериб қўлларни толиқиб кетди. Бахтга қарши уч соатдан кейин унинг яна авторучка билан ишлашига тўғри келди— сирли чўнтак ўғриси бошқа бир грампластинка магазинида бўлганди.

Айнан шу вақтда Мотти билан Пакетчи уйларида тинчгина ўтириб олиб, ўлжалари рўйхатини тузишарди. Пакетчи ўттиз етти ҳамёнини, йигирма бешта сумкани ва турли хил сизимга эга бўлган бошқа пул сақлаш буюмлари, конвертлар, икки букмилган отқриш-калар ва ҳатто тугун қилиб бойланган дастрўмолларни қатъий тартиб асосида стол устига териб қўйди.

— Дастрўмолда пул сақловчи одамлар ҳали ҳам учрайди-я!— норози оҳангда тўнгилади у.— Бу чарм буюмлар чиқарувчи фирмалар учун ҳақорат-ку. Ажаб...

— Нимаси ажаб сенга, менинг ажойиб Пакетчим?

— Ажаби шундаки, бу тугунча қилиб бойланган дастрўмолни кимдан олувдим-а? Уша иккинчи магазинда битта кампир бор эди. Сочлари оппоқ кампир! Энди эслаялман — бечора онамга жуда ўхшаб кетарди. Балки, набирасининг туғилган кунига пластинка таллаётган бўлиши мумкин. Ҳай аттанг, ҳай аттанг...

— Тагин нима гап, Пакетчи?

— Борди-ю, у касал бўлса-чи?

— Қим?

— Уша бола-да. Кампир пластинка совға қилмоқчи бўлган бола. Мотти, ўзинг ўйла, борди-ю, унда қизилча бўлса-чи? Бир ўзи тўшақда қимир этмай ётиши керакдир, ахир болаларни унинг олдига қўйиб бўлмайди-ку. Қизилча касалига учраганларни алоҳида ётқизишларини биласан-ку, Мотти. Ҳай боқкиш бола!

— Кечирасан-у, унинг касалга чалинганини сен қаёқдан биласан?

— Мен бунни сезиб турибман, Мотти. Қапдайдир овоз бу ҳақда менга маълум қиляпти. Мотти, азизим, у хаста! Бувижонисининг сочлари оппоқ оқариб кетган. Қиртишлаб йиққан жамгармасидан олиб, дастрўмолига тугиб, набираси зеркиб қолмасин деб пластинка олгани борса-ю... Бунинг ўрнига...

— Пакетчи, менинг йиғлаб юборишимни хоҳлайсанми?

— Пўқ, Мотти, йиглашнинг кераги йўқ. Кўряпсан-ку, мен ўзим йиглаяпман. Менга нима бўляпти ўзи, билмайман. Бунинг ҳаммаси шу дастрўмолча деб бўлди. У менга бечора онамни эслатади. Мотти, азизим, жилла қурмаса бу дастрўмолчасиз бўлса бўлмайди-ми?..

— Нима демоқчисан, Пакетчи? Бундоқ тушунтириброқ гапирсанг-чи, одамни жуда эзиб юбординг-ку.

— Жаҳлнинг чиқмасин, Мотти. Уйловдимки, жуда бўлмаганда этиги бир мартагина. Мана шу тугунчадаги бир ҳовуч тангалардан воз кечсак, бизга жин ҳам урмасди! Ундаги пул икки минг лира<sup>1</sup> га ҳам бормайди...

— Бўпти, Пакетчи. Қелишдик. Эртага эрталаб магазинга бориб, ҳеч нарса кўрмагандек, гўё тугунчани ердан топиб олган киши бўласан.

— Тугунчанинг кампирга тегишли эканини улар қандай аниқлашади? Эҳ, Мотти, Мотти, агар уни сен ўзинг топшира олганингга эди. Сен шундай ақллисанки, Мотти! Ростини, менни бахтиёр қилган бўлардинг.

Пакетчи бечора онасини, тугук дастрўмолчани, кампирни, қизилча касалини эслаб, мунг билан йиглади...

Мотти бу кўз ёшларни қуритиш йўлини топиш учун анча узоқ бош қотиришига тўғри келди.

— Пакетчи,— деди у обдон ўйлаб кўриб,— биз чиқиб кетганимиздан сўнг магазинда нималар бўлди?

— Менимча, Мотти, айтарли ҳеч нарса бўлгани йўқ. Полицияни чақиринди, улар магазиндагиларни сўроқдан ўтказиб, ўғирланган буюмларни рўйхат қилди. Бўлган гап шу. Мотти, сени ишонтириб айтаманки, бошқа ҳеч нарса бўлгани йўқ.

— Демак, полицияда кампирнинг ҳам адреси бор.

— Е парвардигор, Мотти! Бўлмасам-чи!

— Шунинг учун, борди-ю, биз фақат дастрўмолчани қайтариб берсак, унда шубҳа туғилади ва кампир кўнгилсиз аҳволда қолади.

— Э, йўқ зинҳор-базинҳор мумкин эмас, Мотти! Бу нарсага икки дунёда ҳам йўл қўйиб бўлмайди!

— Унда ҳаммасини қайтариш лозим, Пакетчи! Нафақат иккинчи, шунингдек биринчи магазинда олганимизни ҳам қайтариб беришимиз керак. Шунда полиция қидирувни бутунлай тўхтатади ва кампирни ўз ҳолига қўяди. Уша бахтсиз комиссар Жеронимони сен яхши билсан-ку, ишни очиш учун унга биронта из топиб берсанг, кампирини, ҳатто энг кичик далилними тутқазсанг бас, у ишни охиригача етказди-қўяди. Хўш, нима дейсан, гап шу гапми?

— Гап шу, Мотти. Фариштасан-да!

Эртасига эрталаб иккала магазиннинг хўжайинлари магазин остонасидан ҳамёнлар, сумкалар ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар солинган тугунларни топдилар.

<sup>1</sup> Менг лира — тахминан бир сўмга тенг.



Бригадир де Доминичис томонидан тузилган рўйхат ёрдамда тезда жабр кўрганларни қидириб топиб, уларга нима ўғирлатган бўлсалар, ҳаммаси қайтариб берилди. Кампирга ҳам тугунчаси топширилди, аммо уни ҳеч қандай на касал, на соғ набираси бор экан, унинг ўзи шунчаки куй ишқибози экан. Шопен прелюдиялари пластиккасини сотиб олиш учун кечки овқатидан тежаб-тергаб йиққан пули экан.

— Ҳақиқатан ҳам сирли ҳодиса, комиссар,— қайд этди де Доминичис.

Комиссар Жеронимо унинг гапига жавоб бермади. У чуқур хаёлга толди, ҳатто ўғри бўлганда ҳам ҳеч қачон одамнинг кўнглида нималар борлигини тополмайсан. Шу гапни хаёлидан ўтказди-да, Жеронимо ишни ёпди.

## ТРАНЗИСТОРДАГИ ҚУҒИРЧОҚ

— Хўш, нима оламиз?— сўради синьор Фульвио, хотини синьора Лиза ва қайниси синьор Ремодан.— Янги йилга Энрикага нима совға қиламиз?

— Чиройли ноғора!— ҳозиржавоблик билан таклиф этди синьор Ремо.

— Нима?

— Ҳа-да, катта ноғора. Уриб чаладиган таёқчалари билан! Так! Така-тум! Так! Така-тум!

— Йўғ-э, Ремо!— таажжубда гапирди ака бўлмишига синьора Лиза.— Бундай ноғора ҳаддан ташқари кўп жой ўғирлайди. Ундан ташқари, қассобнинг хотини нима дейди?!

— Мен шу нарсага аминманки,— дея давом этди синьор Ремо,— Энрикага от шаклидаги рангли сопол кулдон ҳам жуда хуш келади. Ёнида качкавала пишлоғи шаклида ясалган бир талай майда сопол кулдонлар бўлса, нур устига нур бўларди.

— Энрика чекмайди-ку,— жиддий оҳангда деди синьор Фульвио.— У бор-йўғи етти яшар қизалоқ бўлса.

— Ундай бўлса кумушдан ишланган бош чаноғи,— деди яна қийин аҳволдан қутулиш йўлини топиб синьор Ремо.— Ёки калта-кесак солиб қўядиган мис қутича ёки тошбақалар учун очқич олса ҳам бўлаверади. Ловнияга соябон шаклидаги пуркағич харид қилинса, ундан ҳам яхши.

— Қўйсанг-чи, Ремо,— эътироз билдирди унга синьора Лиза,— биз жиддий гаплашяпмиз-ку.

— Бўпти. Унда мен ҳам жиддий бўламан. Бирйўла иккита ноғора оламиз. Бирн, «до» нотасига, иккинчиси — «сол»га созланган бўлади.

— Энрикага нима ёқишни мен биламан!— деб унинг сўзини бўлай синьора Лиза. Буйруқларни бажара оладиган яхши транзисторли электрон қўғирчоқ оламиз. Биласизми, ўша ўзи юрадиган, гапирадиган, ашула айтадиган, телефондаги суҳбатни ёзиб оладиган, стереофон радио овоз эшиттиришлар тўлқинини ушлайдиган ва бурнини кавлайдиган қўғирчоқ олиш керак.

— Розман, — қайд этди Снъор Фульвио онланниг энг катта бошланги сифатида қатъий.

— Менга қолса, барибир. Истаганингизни олиб беринг. Мен ухлагани кетдим, — деди снъор Ремо.

Орадан бир неча кун ўтди. Ҳад-ҳисобсиз ранг-баранг ўйинчоқлар барча магазин витриналарини беагаган, ясама ва ҳақиқий, альп чўққиларидаги қорди ва Подан водийсидаги туманли куйчининг минг-миллионлаб ҳайкалчалари ёқиб қўйилган, флоренциялик жотиб шаклидаги саноқсиз кулдонлар имкон борича териб ташланган бир аснода Янги йил кйриб келди.

Янги қўғирчоқ янги йил арчаси тагида Эрикани кутиб ўтирарди. Ремо амаки, яъни ўша снъор Фульвиога қайни, снъора Лизага ака, қоровулга оддий ҳисобчи, газета сотувчига — харидор, шаҳар миршабига йўловчи, Эрикага — амаки (биргина одамда қанчалик кўп киши мужассамлашиши мумкин!) бўлувчи мана шу Ремо амаки қўғирчоққа киноямуз қараб қўйди. Мен сизга айтдим, у ҳеч кимга билдирмай, ими-жимида сеҳргарликни ўрганарди, масалан, борди-ю, у тикилиб қарайдиган бўлса, мармар кулдонни қоқ иккига бўлиб юбора оларди. Ҳозир эса қўғирчоқнинг бир неча жойига қўлнинг теккизиб, баъзи бир транзисторларни жойидан силжитиб қўйди, яна бир бор унга қараб тиржайди-да, қаҳвахонага қараб йўл олди. Бу маҳалда ота-онаси уни эшик ортидан мамнуи ҳолда завқланиб кузатиб туришарди. Хонага Эрика югуриб кирди.

— Қандай чиройли! Қандай ажойиб қўғирчоқ! — хурсандликдан қичқириб юборди Эрика. — Мен сенга ҳозироқ нонушта тайёрлаб бераман!

У қўғирчоқлари ётган бурчакни шоша-пиша титкилаб қаҳва ичиладиган катта-катта қулоқли пиёлалар, тақсимча, стакан, кўра, шиша ва бошқа шунга ўхшаган нарсаларни олиб-олиб қўғирчоқнинг столига териб қўйди. Кейин янги қўғирчоқга ўз жойига бориб туриб, бир неча бор «ойя» ва «ада» деб чақиришни буюрди, шундан сўнг унинг бўйнига салфетка боғлаб, овқатлаштиришга киришди. Бироқ қизча ундан бир дақиқагина кўзини олиши билан нима бўлди денг — қўғирчоқ бир тепиб тузоғлиқ столни чирпирак қилиб юборди. Тақсимча шарақлаб синди, қулоқли пиёлалар ерда думалаб бориб иситиш батареясига урилди-да, битта қолмай чил-чил бўлди...

Ўз-ўзидан маълум, вақтни бой бермай снъора Лиза оёгини қўлига олиб етиб келди. У Эрика бирор жойини уриб лат-пат емадимикан ё кесиб олмадимикан деган хавотирда эди. У ўша югурганича келиб нима гаплигини ҳам суриштирмай, қизига бақира кетди, унга «ёмон, жирканч қиз» деган сўзлар билан хўп дашном берди-да, кетидан яна қўшиб қўйди:

— Сен ўзи шунақасан, Янги йилда бирор ноҳўя иш қилмасанг туролмайсан. Менга қара, эҳтиёт бўлмасанг, қўғирчоқни бутунлай олиб қўяман-да, бошқа унинг қорасини ҳам кўрмайсан!

Шундай деди-ю, онаси ваннахонага кириб кетди.

Уйда Эриканинг бир ўзи қолди. У қўғирчоғини ушлаб олиб хумордан чиққунча савалади, «ёмон, жирканч қиз» деб дашном

берди, кейин келиб-келиб Янги йилда шўхлик қилиб, қилиқ кўрсатасанми-я, деб ундан ўпкалади.

— Менга, қара, ҳой қиз, ўзингни қўлга одсанг олганинг, бўл-маса шкафга қамаб қўяман-да, чиқармайман!

— Нега?— сўради қўғирчоқ.

— Чунки сен тақсимчани синдирдинг.

— Мен улар билан бирга ҳеч қачон ўйнашни истамайман,— деди қўғирчоқ. Менинг машиналар билан ўйнагим келяпти.

— Мен сенга машиналарни кўрсатиб қўяман!— жаҳли чиқиб деди Эрика ва яна чаккасига бир қўйиб юборди. Қўғирчоқ ҳам қараб ўтирмади, шартта унинг сочига чанг солди.

— Вой-дод! Нима қиляпсан?! Нега мени урасан?!

— Қонуний ўз-ўзини ҳимоя қилиш,— жавоб берди қўғирчоқ.— Сенинг ўзинг-ку мени муштлашишга ўргатган! Аввал мени урдинг. Мен илгарилари уриш нималигини билмасдим.

— Бўпти,— жавоб қилди Эрика, гапни бошқа томонга бурмоқчи бўлиб.— Мактаб-мактаб ўйнаймиз! Мен ўқитувчи бўламан, сен ўқувчи бўласан. Мана бу сенинг дафтаринг. Мен уни кўриб чиқдим, ёзма ишингда кўп хатога йўл қўйибсан, шунинг учун сенга икки баҳо қўяман!

— Икки рақамининг бунга нима дахли бор?

— Нега дахли бўлмас экан, дахли бор-да. Мактабда ўқитувчилар шундай қилишади. Кимда-ким бехато ёзса, унга беш баҳо қўйишади.

— Чунки шундай ўқишади!

— Сен шунақанги кулгимни келтириб юбордингки!

— Мен-а?!

— Сен бўлмай яна ким бўларди!— жавоб қилди қўғирчоқ.— Ўзинг ўйлаб кўр — сен велосипед ҳайдай оласанми?

— Бўлмасам-чи!

— Ҳайдашни энди ўрганаётганингда йиқилганмисан? Шунда йиқилганинг учун биров сенга бир ёки икки баҳо қўйганми?

Эрика хижолат тортиб индамай қолди. Қўғирчоқ эса бидирлаб сўзиде давом этарди:

— Мана, ўйлаб кўр: юришни энди ўрганаётган палланг, бирдан ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ ерга ўтириб қолдинг, шунда оинг келиб юмшоқ ерингга, «икки» қўйиб қўярмиди?

— Йўқ...

— Лекин юришни ўрганиб олдинг, тўғрими? Сўзлашни ўрганидинг, ейишни, ичишни, тугма тақишни, ботинка ипини боғлашни, эшикни очиб-ёпишни, телефонда гаплашишни, радиоприёмник ва телевизор қўйишни, зинадан тушиб-чиқишни, коптокни осмонга отиб илиб олишни, бегонадан ўз амакингни ажрата билишни, итни мушукдан, холодильникни кулдондан, милтиқни пўкак очқичдан, ёлгонни ростдан, сувни оловдан фарқлашни ўрганиб олдинг. Булар ҳаммасини ҳеч қандай «ёмон» ёки «яхши» баҳосиз ўрганиб олдинг. Шундай эмасми?

Эрика ўзини саволни илғамаганга солиб, қўғирчоққа таклиф қилди:

— Кел, мен бошингни ювиб қўяй!

— Эсингни еб қўйдингни? Янги йилда-я...

— Мен қўғирчоқларнинг бошини ювишни жуда яхши кўраман!

— Мен эса кўзимга совун кириб ачитилишни жудаям ёмон кўраман!

— Тағин нималарни ёмон кўрасан? Сен меннинг қўғирчоғимсан, хоҳлаганимни қилишим мумкин. Тушунарлими?

Бу «тушунарлими?» сўзи синьор Фувльвоининг шахсий луғатидан олинган эди. Синьора Лиза ҳам кўпинча гапининг охирида шундай «тушунарлими?» сўзи билан якуиларди. Энди бўлса ўз ота-она ҳуқуқини ҳурмат қилишга мажбурлаш навбати Энрикага келганди. Лекин қўғирчоқ бу жиддий сўзга ҳатто эътибор ҳам қилмаган кўриларди. У арчанинг энг учига чиқиб олди, йўл-йўлакай бир нечта рангли лампочкаларни ерга тушириб синдирди, тепага чиққач, худди аргимчоқда учаётгандай, уёқдан-буёққа чайқалиб, т.брана бошлади.

Эника у билан уршиб қолмаслик учун дераза ёнига ўтди. Уй олдидаги майдончада болалар турли ўйинлар ўйнашарди, бирлари самокат ва велосипедларда учишар, бошқалари камон отиб, кегли ўйнар эдилар.

— Нега майдончага чиқиб болалар билан ўйнамайсан?— сўради қўғирчоқ, бармогини бурнига тикиб, гўё бу билан ўзининг табиий эмаслигини яна бир бор уқтирмоқчидай.

— У ерда фақат ўғил болалар ўйнаяпти,— жавоб қилди Энрика.— Ўғил болалар фақат ўғил болаларининг ўйинини ўйнайдилар. Қиз болалар эса қўғирчоқ ўйнашлари керак. Улар яхши оналар ва уй бекалари бўлишни ўрганишлари лозим, дастурхон тузашни, кир ювишни, бутун оиланинг оёқ кийимларини тозалашни билишлари керак. Ойим доимо даданининг ботинокларини тозалаб-қўядилар. Остки томонини ҳам, устки томонини ҳам.

— Бечора!

— Ким?

— Даданг-да! Ахир унинг қўли йўқ экан-ку...

Эника қўғирчоғига боплаб бир нечта тарсаки тушириш учун жуда қулай пайт келганини ҳис этди. Лекин уни тутниш учун арчага чиқиш лозим эди. Ўз-ўзи маълум, Энрикани кўтаришга арчанинг қурби етмасди, бинобарин, шу заҳотиёқ полга қулаб тушди. Чинни ўйинчоқлар ва лампочкалар битта қолмай чилпарчин бўлди — қандай дахшат! Қўғирчоқ эса стол тагига бориб тушди, у бундай вазиятда фақат йиғлаш маъқул деган қарорга келди. Бироқ у биринчи бўлиб ташвишга тушди ва Энрикага ёрдам бергани ошди.

— У ер-бу ернинг лат емадимми?

— Сен билан гаплашишни хоҳламайман!— деди Энрика.— Ҳаммасига сен айбдорсан! Сен тарбия кўрмаган қўғирчоқ экансан. Кет! Сен менга бошқа керак эмассан!

— Хайрият!— хитоб қилди қўғирчоқ.— Мана энди машиналар билан ўйнайдиган бўлдинг!

Машиналар билан ўйнашни хаёлимга ҳам келтирмайман!—

эътироз билдирди Эприка.— Узимнинг эски латта қўғирчоғимни олиб, ўша билан ўйнайман.

— Ҳали шунақа де,— қичқирди қўғирчоқ. У ён-атрофга назар ташлаб, латта қўғирчоқни топиб олди-да, деразадан улоқтириб юборди.

— Мен ўзимнинг духоба айиқчам билан ўйнайман!— қайсарлик билан нидо солди Эприка.

Янги қўғирчоқ духоба айиқчани ҳам топиб олиб, ахлат челагига ташлади. Эприка баттар йиғлай бошлади. Унинг йиғисини эшитган ота-онаси ўз вақтида, яъни қўғирчоқ қўлига қайчи олиб ҳамма қўғирчоқларнинг кўркам либосларини ўйламай-нетмай қайчилаб ташлаётгани устига етиб келишди.

— Бу нима безорилик!— бақирди синьор Фульвио.

— Вой ўлганим яхши!— фарёд солди синьора Лиза,— ҳали қўғирчоқ сотиб олдим деб ўйласам, жодугарни олиб келган эканман-ку!

Ота ва она жажжи Эприкага ташландилар, уни қўлларига олиб ўна бошладилар, раҳмлари келиб эркалашга тушдилар.

— Паф!— деди қўғирчоқ шкафнинг қоқ тепасида туриб, у ерга, унинг фикрича, ҳаддан ташқари узун бўлган сочларини қирқиш учун чиқиб олганди.

— Эшитдингми?— қўрқиб кетди синьор Фульвио.— У «паф!» деди. Уни бунга фақат аканг ўргатиши мумкин!

Худди биров чақиргандай, шу заҳоти эшик олдида синьор Ремо пайдо бўлди. Юз берган воқеани англаш учун унга биргина қарашининг ўзи кифоя эди.

Қўғирчоқ унга қараб кўзини қисиб қўйди.

— Нима бўлди?— сўради амакиси, ўзини ҳеч нарсадан беҳабардай кўрсатиб.

— У қўғирчоқ бўлишни истамаяпти,— йиғламсираб гапирди шўрлик Эприка.— Нимага у ўзини бунчалик катта тутади, худо билади!

— Мен кўчага чиқиб, кегли ўйнагим келяпти!— деди қўғирчоқ ва тепадан соч толаларини тўка бошлади.— Ногора чалишни иштайман! Урмонга, майсазорга, тоққа чиққим келяпти! Самокатда учгим келяпти! Физик атомчи, темирўлчи, доктор бўлгим келяпти! Яна сантехник бўлсам дейман! Борди-ю, қизим бўлса, мен уни спорт лагерига юбораман. Мабодо у сўзимга қулоқ солмай: «Ойи, мен сизга ўхшаб уй бекаси бўламан, эримнинг оёқ кийимини ичиртигача тозалайман» дегундек бўлса, мен унинг боплаб жазосини бераман — бассейнга жўнатаман, ундан кейин театрга олиб бораман.

— У жинни бўлиб қолганга ўхшайди!— деди синьор Фульвио.— Биронта транзистори бузилиб қолмадимикин.

— Қани, Ремо,— дея илтимос қилди синьора Лиза,— кўр-чи, нима қилибди. Сени бунга ақлинг етади-ку.

Синьор Ремо кўп ҳам таранг қилиб ўтирмай, дарҳол ишга тушиб кетди. Қўғирчоқ ҳам унинг бошига сакраб чиқиб олди-да, ўмбалоқ оша бошлади. Синьор Ремо қўғирчоқнинг бир иечта ери-

га қўл теккизиб ниманидир айлантирди, ниманидир буради, қўғирчоқ микроскопга айланди-қўйди.

— Сеп янглишдинг,— деди синьора Лиза.

Синьор Ремо яна қайтадан ниманидир бураб қўйди. Қўғирчоқ диапроекторга, кейин телескопга, филдиракли конькига, пинг-понг ўйнайдиган столга айланди...

— Нима қиялпсан ўзи?— хайрон бўлди синьор Фульвио.— Бу ҳолда уни бутунлай бузиб қўясан-ку. Ахир қўғирчоқнинг столга айланганини қаерда кўргансан?

Синьор Ремо бирпас тин олиб, яна ниманидир айлантирди. Қўғирчоқ бошқатдан гапирувчи узун сочли оддий қўғирчоққа айланди.

— Ойи,— деди у бу гал қўғирчоқ овозида,— мен кир ювмоқчиман.

— Эҳ, хайрият-ей!— деб енгил нафас олди синьора Лиза.— Мана бу бошқа гап. Қани, Эрика, қўғирчоғинг билан ўйнаб кўр. Тушликкача бемалол кирларингизни ювиб оласизлар.

Кўз ўнгида содир бўлган бу ҳодисалардан сўнг Эриканинг дилида шубҳа пайдо бўлгандай эди. У қўғирчоққа, амакиси Ремога, ота-онасига бир-бир қаради-да, чуқур хўрсиниб деди:

— Йўқ, мен ҳовлига чиқаман, у ерда болалар билан кегли ўйнайман. Ҳатто ўмбалоқ ошиш ўйинида ҳам иштирок этаман.

## ЯШИЛ ТУХУМ

Кекса Омобоно қишлоқ чеккасидаги мўъжазгина уйда бир ўзи яшарди. Унинг болалари йўқ, хотини эса ҳаётдан аллақачон кўз юмганди. Бинобарин у товўқхонадаги товўқлари, чўчқахонадаги ахта чўчқалари, оғилхонадаги эшаги билан умргузаронлик қиларди. Эшак унга ер ҳайдашда ёрдам берарди. Ахта чўчқаларнинг бўлса ҳеч нарсада ёрдами тегмасди. Бироқ Омобоно уларни бекорга сўқимга боқмаётганди — эртами-кечми уларнинг ветчина, колбаса ва сосискага айланишини биларди. Товўқлар эса кетма-кет тухум туғиб берарди.

Бир кун эрталаб Омобоно янги тухумларни йиққани товўқхонага борди, уйга қайтиб келиб қараса, саватида оқ тухумлар орасида битта яшил тухум ҳам турибди.

— Бунақасини сира кўрмагандим,— мингирлади у ўзича. Кексалар кўпинча ўзлари билан ўзлари овоз чиқариб сўзлашишга ҳамма билади.— Яшил тухум! Гароз боғлаб айтаманки, бу Пимпанинг иши. Бу товўқ ўзи кўпдан бери галати бўлиб қолган, худди кимдир уни кўрқитгандай. Яшил тухум-а. Бу ҳақда тўппа-тўғри газетага ёзаверса ҳам бўлади!— У тухумни олиб қулоғига тутди.

— Қаранг-а! Шунақа янгиликлар! Ўзи тухумдайин тухум-у, худди машинага ўхшаб гувуллашини қаранг. Унинг ичидаги саринги ўрнида гўё мотор жойлашгандай.

Қария оқ тухумларни ндиш-товоқ жавонига жойлади, яшилни эса стол устига қўйиб, томоша қила бошлади. Гувуллаган товўш тингандек бўлди, бироқ Омобоно тухумни қулоғига яқинлаштирди дегунча овоз яна эшитила бошлади.

Шунда Омобоно чой қошиғини олиб, авайлабгина тухуминиң пүстини чақди ва ичига назар ташлаш ниятида икки-уч бұлак пүстлогини кўчириб олди, бироқ қўрқиб кетиб дарҳол уни стол устига қўйди. Буни қарангки, ҳозиргина чақилган жойдан катталиги тирноқдек келадиган одамчалар чиқиб кела бошлади. Омобоно олдиниңи ўнтача одамча санади, кейин яна ўнтача санади, кейин яна ўнта... Уларнинг ҳар бири елкасида ниманидир кўтариб олган ёки кўз илгамас ип билан ниманидир тортиб борарди, лекин нима тортиб бораётганини сира тушуниб бўлмасди. Одамчалар бир зумда ҳар томонга тарқалиб кетишди. Кимдир бу ёққа, кимдир у ёққа шошиларди. Баъзилари гўё болғачалари билан ниманидир қоқишар, бошқалари арраларди. Ҳаммалари ниҳоятда аҳиллик билан, бир ёқадан бош чиқариб, тез, тирнишиб ва ошиқча шов-шувсиз меҳнат қилишарди. Бироқ Омобоно столга энгашиб қулоқ солган эди, у болтанинг тақ-туқи, қасир-қусир, гичир-гичир ва ҳатто кимларингидир буйруқ бераётган овозларини эшитди.

«Бу, ҳойнаҳой, бошлиқлар бўлса керак», ўзинча ўйлади Омобоно

Одамчалар ўн минут ичиде темир йўлга ўхшаш бир нарсани қуриб ташлашди, унинг бир учи тухум тешигига туташиб, иккинчи учи тухум атрофидан гир айлана ҳосил қилиб, радиуси элдик сантиметр келадиган доира ташкил этганди. Орадан ҳаял ўтмасдан тухум ичидан узунлиги гугурт чўпидан катта бўлмаган йнгирмата вагонни тортганча поезд чиқиб келди. Локомотив (афтидан, бу электровоз бўлса керак, чунки ундан тутун буруқсимасди) унча катта кўринмаса ҳам тортиш кучи жуда катта кўринарди. Худди ўйинчоқ поездидек, бу поезд ҳам темир йўл устидан юриб борарди. У тез-тез тўхтар, одамчалар вагонлардан нималарнидир туширардилар. Шу маҳал Омобоно қаердадир кўзгуси борлигини эслаб қолди. Кўзгунини идиш-товоқ турадиган жавон тортмасидан топди-да, одамчаларнинг ишини кузата бошлади. Одамчалар автомобиллар, велосипедлар, тракторлар, юк кўтарувчи краилар, қурилиш тузилмалари, уйларнинг қисмлари, эшиклар, деразалар, турли хил мебеллар ва сон-саноксиз, турли-туман энгил машиналарни туширдилар. Вагонларни бўшатиб бўлишгач, шу заҳотиёқ олдиндан ўйлаб қўйилган аниқ режага амал қилинаётгандек, нарсаларни ҳар тарафга таширдилар. Аммо бу режа сира тез орада Омобонога ҳам аён бўлди: улар стол устида бутун бошли шаҳар қуришяпти-ку. Тагин шунақанги қотириб ишлашяптики!

Поезд доирани бир айланиб ўтиб, яна тешиқдан тухум ичига шўнғиб кетар, дам ўтмай яна юк билан қайтиб чиқарди. Ундан ташқари, тухум ичидан тинимсиз янги-янги одамчалар чиқиб келарди. Омобоно уларни олдинига ўнлаб, сўнг юзлаб санади-ю, охири санокдан ҳам адашиб кетди, эндиликда улар ўн миңдан оз эмасликлари аён эди. Тухум ичидан қўш-қўш бўлиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб, якка-якка бўлиб бутунлай янги одамчалар чиқар эди. Чиқаётганлар чамаси, энди қаёққа боришларини жуда яхши билишарди, чунки тухум тешигидан чиқишлари билан ҳеч иккиланмай шаҳарнинг у ёки бу даҳасига қараб йўл олар эдилар... Ҳа,

ҳа, аллақачон даҳалар, кўчалар пайдо бўлиб, машиналар у ёқдан-бу ёққа гизиллаб ўтиб турарди, йўловчилар қаёққадир ошиқшарди, магазинлар ишлар, уй деразаларидан одамлар бошларини чиқариб, ён-атрофни томоша қилардилар, ҳовлидаги майдончаларда болалар гужгон ўйнардди.

— Баракалла!— ҳайрон қолди Омобоно, кўзгу ёрдамда шаҳарнинг гоҳ у, гоҳ бошқа бурчагини томоша қилар экан.

Кейин бирдан тухум ичидан йилқилар елдай югуриб чиқди, уларнинг кетидан итлар, мушуклар, қушлар учиб чиқди — улар шу қадар кичкина эдики, зўрға кўзга чалинарди, чивинча ҳам келмасди. Улар уйларнинг томлари устидан айланиб учишар, баъзилари ҳатто ўзларига ин қура бошлаганди.

Омобоно ҳайрон қолганидан қўлидаги кўзгуни тушириб юборди. Бахтига кўзгу шаҳар ёнгинасига бориб тушди, бўлмасам ким билди дейсиз, битта-яримтани босиб қолиши ҳеч гап эмасди-да. Шу маҳал одамчалар турган жойларида қотиб қолишди. Чамаси, кўзгунинг стол устига келиб тушиши уларга даҳшатли момақалдироқдай туюлган бўлса керак. Кейин кимдир уларни тинчлантиргандай бўлди, улар яна қайта ўз ишларини давом эттираверди.

— Афсус, улар нима ҳақда сўзлашаётганларини эшитиб бўлмайди-да,— хафа бўлди Омобоно.— Тавба, бу не ҳол, бу не можаро бўлди ўзи...

Шу пайт унинг миясига бир фикр келди. У уйдан чиқиб аста эшикни қулфлади-да, зарур бўлиб қолган нарсани топшиш ниятида йўлга тушди.

Магазин сотувчиси жуда ҳайрон бўлди:

— Овоз кучайтиргич дейсизми? Динамикми, микрофонми? Сизга булар нимага керак бўлиб қолди?

— Чумолвилар нима ҳақда гаплашаётганларини эшитиб кўрмоқчиман,— гапни бўлди Омобоно.— Дарвоқе, сизнинг нима ишингиз бор? Неча пул туришини айтнинг, вассалом.

— Бўпти, бўлти, хафа бўлманг. Айтганингиздек, менинг ишим — молни сотиш, бу нарсалар кимга ва нимага зарурлиги мен учун бир пул.

— Ҳа, бу бошқа гап. Хўш, неча пул тураркан?

Омобоно пулни тўлади, сотувчидан бу мосламалардан қандай фойдаланишни сўраб билди-да, уйига равона бўлди. Йўл-йўлакай унга қайрилиб қараётган йўловчиларга ҳам эътибор қилмади, чунки уни доимо белкуррак ёки бўлмаса елкасига ташлаб олган дастакли сўқа билан кўришга улар одатланиб қолишган эди-да.

Уйда Омобоно янги можаро устидан чиқди.

— Жин урсин, қасам ичиб айтаманки, одамчаларнинг бўйларини ўсиб, шаҳар катталашибди, уйлар баландлашибди. Улар резинадан ясалмаганки, бунчалик тез кенгайишиб кетишса.

Эндилликда шаҳар деярли бутун столни эгалларди, одамчаларники баробар кўпайганди.

— Қани кўрайлик-чи,— деди ўзича Омобоно,— бундан нима чиқаркин?— У мосламаларни магазинчи тушунтиргандай қилиб жойлаштирди, телеграфчиларга ўхшаб қулоғига наушникни тутди-да,



овоз ушлагичини мослаб, тинглай бошлади. Энди овозлар балад ва аниқ эшитилиб турарди: двигателнинг товуши, моторлар шовқини, болаларнинг қичқириғи ва қурилиш майдонидаги овозлар, тухум ичига тинмай кириб-чиқиб турган поезднинг тақа-туқи ва ҳоказо.

— Алло, алло!— тўсатдан бошқа ҳамма товушларни босувчи жарангдор овозни эшитди у.

Шу он бошқа товушлар тиниб, машиналар тўхтади ва шаҳар сукунатга чўкди.

— Дяққат! Дяққат! Ерликлар билан алоқа ўрнатамиз! Бизга унинг мақсади қоронғу, шунинг учун Кичик тревога эълон қилнади!

— О-а!— ҳайрон бўлди Омобоно.— Улар мен билан гаплашишмоқчи... Фаҳмлашимча, айнан мен билан, чунки бу ерда ягона срлик мен-да... Ҳм, улар-чи? Улар ерлик эмасмикинлар? Ахир улар менинг товуғим тухумидан чиққан-ку!

— Алло, алло!— яна наушникдан овоз янгради.— Бизни эшитаётган ерликка мурожаат этияпмиз. Сизга яхши эшитилаяптими?

— Жуда яхши эшитилаяпти!— жавоб қилди Омобоно.— Фақат менга тушунтириб беринглар, сизлар кимсизлар ва менинг товуғим тухуми ичда нима қилиб юрибсизлар?

— Аввало, сизни огоҳлантириб қўяйлик,— жавоб келди у ёқдан.— Сиз бизга бирон-бир ёмонлик қилиш имкониятидан маҳрумсиз. Бизнинг кичкиналигимиз сизни янглиш фикрга олиб келмаслиги керак. Биз ҳар қандай тажовузкорликдан жонимизни сақлаб қола оламиз. Боз устига биз унга қутқу ҳам солмоқчи эмасмиз.

— Яхши ўйлабсиз,— жавоб қилди Омобоно.— Яна нима демоқчисиз, қулогим сизда.

— Шунин биллиб қўйингки, биз жуда олис ва бутунлай сизга нотаниш сайёрадан келганмиз. Афсуски, сўнгги асрларда у жойдаги яшаш шароити тоқат қилиб бўлмайдиган даражага келди. Бизнинг қуёшимиз сўна бошлади, ўсимликлар дунёси ҳалокатга юз тутди, шаҳарларимиз бирин-кетин муз қатлами остида қолиб кетди. Жон сақлашнинг фақат биргина йўли қолганди, у ҳам бўлса сайёрани ташлаб кетиш ва ундаги бутун жонзотни Коинотнинг бошқа жойларига кўчириш. Сиз мени эшитяпсизми?

— Эшитяпман, эшитяпман, ҳатто ҳикоянгизни магнитофонга ёзиб оляпман.

— Биз ҳам шундай қиляпмиз. Бизнинг Жамоатчиликини Қутқариш комитетимиз масалани ҳар тарафлама ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни таклиф этади. Сайёранинг барча соғлом яшовчилари ва жониворлари, шунингдек, шаҳарлар, фабрика ва заводлар, умуман олганда маданиятимиз тараққиёти туфайли юзага келган жамки техника, бутун борлиқ махсус система ёрдамида — буни сизга тушунтириб ўтирмайман, чунки сиз барибир ҳаммасини ил-габ ололмайсиз...

— Бунинг учун катта раҳмат!

— Хулласи калом, бутун борлиқ микроскоп ёрдамида кўриш

мумкин бўлган даражада кичрайтирилиб, қовоқ уругига жойлаштирилган ва махсус система орқали тортиш майдонига етказилиб, сизларнинг Ерингиз томон йргитиб ташланган эди.

— Тўғрироғи, менинг ҳовлимга... Товуғим эса уни ютиб юборган... ва тухум туққан... Сиз ундан чиққансиз.

— Ҳа-да, ҳаммаси худди сиз айтгандай бўлган.

— Сизларнинг ҳаммангиз қанчасиз?

— Афсуски, жуда озмиз. Ҳаттиз миллиондан ошмаймиз.

— Ҳаттиз нимадан ошмайсиз?

— Миллиондан.

— Хўш, сиз майдан нима истайсиз? Мен уйимда Ҳаттиз миллион меҳмонли қандай кутаман? Сизларнинг ҳаммангизни боқишга қандай қурбим етади? Азинларим, балки тухум ичига қайтганларингиз дурустмиди? Ҳой, нима бўлди? Нима бу? Қаёққа кетдинглар?

Шаҳар, машиналар, одамчалар, темир йўл — ҳаммаси бирдан ғойиб бўлди-қолди, худди сеҳрли таёқча буйруғи билан бўлгандек, кўз очиб-юмгунча ҳеч вақо қолмади. Стол устида фақат чақилган яшил тухум тебраниб турарди, холос.

— Сизлар тухум ичидамисизлар? — сўради Омобоно.

Ҳеч ким жавоб бермади. Лекин энди тухум ичидан худди илгаригидек яна қайта гувиллаган товуш эшитиларди. Орадан бир оз вақт ўтгандан сўнг ҳамма нарса қайтадан бошланди: бўйлари тирноқча ҳам келмайдиган одамчалар югуриб ташқари чиқа бошлади... Темир йўл қуришди... Уйлар қад кўтарди, машиналар... Шаҳар кўз очиб-юмгунча тикланди. Бир соат ўтар-ўтмас бутун стол яна қайта одамчалар билан тўлди ва наушниклардан яна овоз янгради:

— Алло, алло!

— Эшитаман! — жавоб берди Омобоно. — Қаёққа йўқолдинглар?

— Ҳаттиз беҳосдан Катта Тревога эълон қилиб юбордингизку. — тушунтириш жавоби келди у ёқдан.

— Мен? Қандай қилиб? Мен ҳеч нарса эълон қилганим йўқ.

— Гапимизга қулоқ солинг, худо хайрингизни берсин, эндигисига эҳтиёт бўлинг! Гап шундаки, бу махсус сигнализация кашфиёти эди. Қўргангиздек, у мутлақо бетўхтов ишлайдиган механизм, лекин хавфли томони ҳам бор. Агар: «Тухумнинг ичига!» — дейилса борми, бўйимиз кичрайиб, ҳаммамиз бир зумда тухум ичига кириб кетамиз.

— Бу ёғи қулай экан, — қайд этди Омобоно.

— Унчалик эмас. Ахир ҳамма ишни бошқатдан қилишимизга тўғри келяпти-ку... Афсус, энди биз сизнинг ихтиёрингизда бўлиб қолдик. Қулоқ солинг, сизга бир қанча таклифимиз бор. Сиз яшаётган сайёрада инсон яшамайдиган чўллар борлиги бизга маълум, масалан, Сахрон Қабир, Гоби ва бошқалар. Улардан биттасини бизга беринглар, техникамиз ёрдамида биз уни ўзлаштирайлик-да, ерликларни ҳечам безовта қилмай, ўша ерда яшай бошлайлик.

— Бирпас сабр қилинг, — деди Омобоно, — сиз бўй ҳақида ни-

мадир демоқчийдингиз шекилли? Бўйингиз яна қанча ўсиши мумкин?

— Бизнинг ўртача бўйимиз аслида беш метр, лекин биз еранкларнинг узунлик ўлчовига мослашамиз ва ҳамма нарсада одамларга ўхшаб оламиз.

— Сизлар бизнинг сайёрамизга эга бўлиб олмайсизлар, деб ким кафолат бера олади?

— Сиз бизни истаган вақтингизда тухум ичига қайтаришингиз мумкин. Катта Тревога сигнални биламиз-ку.

Омобоно яшил тухумга қараганча ўйга ботди.

— Биласизми,— деди ниҳоят.— Мен кичик бир тажриба ўтказмоқчиман.

У атрофга кўз югуртириб, нигоҳи эшик ёнидаги миҳда осилиб турган қулоқчинда тўхтади ва амрона оҳангда:

— Қулоқчин, тухум ичига!— деди.

Шу заҳотиёқ қулоқчин кўздан ғойиб бўлди. Омобоно кўзгудан тухум ичига қаради, қулоқчин тухумда кичкинагина нуқтадек бўлиб ётарди. Буни кўриб, у кулиб юборди:

— Мана буни айтмагандингиз-ку!

— Нимани айтмабмиз? Биз сизга ҳаммасини тушунтириб бергандик.

— Тухум «ўз ичига» фақат сизларни эмас, бошқа нарсаларни ҳам олиши ҳақида ҳеч нарса демагандингиз-ку?

— Тўғриси, буни ўзимиз ҳам билмасдик! Фақат сиз ҳозир ўзингиз кўрсатдингиз.

— Бўпти, бўпти. Бир деҳқон нопоҳтадан келган ўттиз миллион келгиндидан кўра хийла мўтамбирроқ бўлиш мумкин. Бутунлай мумкин. Фақат рухсатингиз билан тухумни ўзимга оламан.

Шу орада одамчалар анча ўсиб қолгандилар. Энди улар Омобонинг жимжилогидан ҳам каттароқ эдилар, тухумдан чиқиб келаётган келгиндиларнинг эса охири кўринай демасди.

— Эҳтимол, тезроқ ҳукуматни огоҳлантириш кераклир,— деди Омобоно,— сизлар тагин уйимни портлатиб юборманглар. Биласизми, мен яна нималар ҳақида фикр юртмоқдаман? Уттиз миллион одамни Саҳрон Кабирга ўтказиб юбориш— бу ҳазиллакам иш эмас-ку. Сизларнинг ҳаммагиз вақтинчалик у ёқда, яъни изнингизга қайтиб кетганларингиз яхши эмасми?

Одамчалар ўзаро маслаҳатлашиб олдилар, кейин наушпикдаги овоз чуқур нафас олиб деди:

— Сиз ҳақсиз. Биз тухум ичига қайтамиз...

— Унда хайр,— деди Омобоно.

— Хайр! Азим халқи, тухум ичига!

Дам ўтмай, стол устидаги ҳамма нарса ғойиб бўлди, фақат чақилган яшил тухумгина мунгайиб турарди.

Омобоно уни ўзи билан олиб олди-да, мотоциклига ўтариб шаҳар томон йўл олди.

У бўлган воқеани бир бошдан ҳукумат аъзоларига айтиб бергани, яъни ҳеч нарсани ичидан тўқиб чиқармаётгани, бунинг исботи учун одамчаларни яна бир маротаба тухумдан чиқишга бу-

юргани ва қайта тухум ичига қайтаргани, сўнг ҳукумат аъзолари билан бирга самолётда Саҳрон Кабирга учгани, саҳрони Азим халқига топширгани, то уларнинг бўйи ерликлар бўйи билан барабар бўлмагунча улар билан қолгани, сўнг бўш яшил тухумни чиройли қутичага солиб ўз қишлоғига қайтгани ҳақида тўхталиб ўтирмаймиз.

«У ҳали кўп маротаба дилимни чоғ қилади», — деди ўзича Омобоно.

Ҳақиқатан ҳам, бир куни у тухумни олди-да, ўзига кўпда ёқмаган бир нарсани унинг ичига жўнатди. У шундай ҳукм қилди:

— Дунёдаги жамики замбараклар — тухум ичига!

Худди сеҳр қилингандек, қирғин урушлар таққа тўхтади.

Яна бир куни у:

— Барча чивинлар — тухум ичига! — деди.

Жанубий қутбдан то Шимолий қутбгача ер куррасининг ҳеч қеридан ҳеч ким чивин қидириб топа олмади.

Омобоно ҳеч кимга ёмонлик қилмади, чунки у ўзи яхши одам эди, ҳатто унинг исми ҳам яхши инсон деган маънони англатарди. У ўлимидан олдин яшил тухумни уриб синдирди, тухумдан бирор кимса ёмонлик йўлида фойдаланмаслиги учун пўстлоғини ҳовончага солиб туйди-да, кукунини томорқасига сочиб юборди.

Мен сизларга ҳали тухум синдирилмаган пайтда кунлардан бир куни унинг ўзи, тухум ичига кириш тажрибасини бошидан ўтказгани ҳақида гапириб беришим мумкин эди.

— Омобоно, тухум ичига! — деб буйруқ берганди у ўз-ўзига.

Лекин тухум ичи шунчалик қоронғу эдики, у ерда ўтириш гоят зерикарли бўлганидан тезроқ чиқиб кетиш тараддудига тушиб қолганди.

## НОМАЪЛУМ САМОЛЕТ

— Сильор бошлиқ, номаълум самолёт қўнишга рухсат сўрапти.

— Номаълум самолёт? У бу ёққа қандай келиб қолди?

— Билмадим, сильор бошлиқ. У билан бизнинг орамизда ялғари ҳеч қандай алоқа бўлмаган. Унинг ёқилғиси тугаётганмиш, агар биз унга ижозат бермаган тақдиримизда ҳам қўнишга мажбур эмиш. Бироқ у ғалати нусха чиқиб қолди.

— Ғалати дейсизми?

— Менимча, тентакроқ. У микроскопда масхаралаб кулганини ҳозир ўзим эшитдим: «Бунинг устига мени барибир ҳеч ким тўхтата олмайди...» дейди.

— Ҳар ҳолда қўнгани маъқул, яна бирор кор-ҳол бўлиб юрмасин.

Самолёт Марказ четидаги ёзги кичик майдонга роппа-роса соат 23 у 27 минут деганда қўнди. Ярим кечагача 33 минут қолганди. Бунинг устига йилнинг энг муҳим, бошқа кечаларга ўхшамагани, яъни 31 декабрь ярим кечаси эди. Бутун қитъадаги миллионлаб одам Янги йил киришини кутаётганди.

Ҳеч кимга таниш бўлмаган учувчи кабинасидан ерга сакраб тушди-да, буйруқ бера бошлади:

— Менинг юкимни туширинглар! У ерда ўн иккита сафар кутиси бор, биттаси ҳам эсдан чиқмасин: бир йўла учга такси чақиртиринг, бўлмаса уларни олиб кетиб бўлмайди! Балким бирор кимса менинг номимдан телефондан қўнғироқ қилар?

— Билмадим, билмадим,— мужмал жавоб берди синьор бошлиқ.— Олдин айрим нарсаларга аниқлик киритишни зарур деб билмайсизми?

— Бунга ҳеч қандай эҳтиёжни сезмаяпман!— кулди учувчи.

— Мен эсам сезаман!— унга қарши жавоб қилди синьор бошлиқ.— Сиздан илтимос қиламан, ҳужжатингиз билан бирга борт-журналингизни кўрсатинг.

— Кечирасизу, мен буйруғингизни бажаришдан бўйин товлайман.

У бу гапни шундай қатъият билан айтдики, синьор бошлиқ жаҳлдан портлаб кетишига сал қолди.

— Сиз қандай лозим топган бўлсангиз, шундай бўла қолсин,— деди у,— ҳозирча марҳамат қилиб, бу ёққа ўтинг!

Учувчи ҳурмат ила таъзим қилиб, унинг буйруғини бажо келтирди. Унинг бундай енгилгина бош эгиб ўтиши бошлиққа ўзига нисбатан ҳаддан ташқари беодобликдай бўлиб кўринди. «Устимдан кулмаяптимиқан?— кўнглидан кечирди у.— Нима бўлганда ҳам ҳузуримга бутунлай бошқача бўлиб чиқади».

— Билиб қўйинг,— дея сўзида давом этди бу орада сирли саҳ-ҳатчи,— мени кутишяпти. Жуда, жуда ҳам кутишяпти.

— Ярим кечага. Янги йилни байрам қилиш учун бўлса керак, хойнаҳой?

— Жуда тўғри, қалтироқвой!

— Мен бўлсам, кўриб турганингиздек, хизмат бурчимни ўта-япман. Янги йилнинг бутун кечасини мана шу ерда, аэропортда ўтказаман. Борди-ю, ҳужжатларингизни кўрсатишга тажанглик қиладиган бўлсангиз, унда сиз ҳам менга шерик бўлишингизга тўғри келади.

Сирли учувчи (бу орада улар биргалашиб бошлиқ хонасига кириб боришди) хотиржам креслога жойлашиб ўтирди-да, трубкасини тутатди ва ён-атрофга қизикувчанлик билан кўз югуртириб чиқди.

— Ҳужжатлар дейсизми? Улар аллақачон сизда-ку, синьор бошлиқ.

— Ростданми? Бундан чиқди сиз фирибгарга ўхшаб уларни чўнтагимга солиб қўйишга улгурибсиз-да? Ҳали бурнимдан тухум, қулоғимдан соат чиқариб юрманг тагин?

Нотаниш кимса жавоб қайтариш ўрнига ёзув столи тепасидаги янги, рангли календарга ишора қилди.

— Мана менинг ҳужжатларим. Мен — Вақтман. Менинг ўн икки қутимда ўн икки ой жойланган, яъни анақадан сўнг бошланиши керак... Қани, кўрайлик-чи... йнгирма тўққиз минутдан кейин.

— Сиз вақт бўлсангиз,— жавоб қилди синьор бошлиқ босиқлик билан,— унда мен реактив самолётман. Сиз хўп ҳазилкаш одам чиқиб қолдингиз. Жуда сози! Демак, мен зерикиб қолмас эканман. Агар йўқ демасангиз, телевизорни қўйиб қўйсам. Янги йилни ўтказиб юбормайлик.

— Қўйинг, қўяверинг! Токи сиз мени бу ерда тутиб турар экансиз, айтиб қўяй, ҳеч қандай Янги йил-панги йил бўлмайди.

Телевизорда байрам концерти намойиш қилинарди. Программани олиб борувчи сулувор диктор қиз саҳнадаги оркестрнинг орқа томонида, ноғорасознинг худди боши узра осилиб турган каттако соатга ўқтин-ўқтин кўз ташлаб деди:

— Янги йилнинг кириб келишига йигирма беш минут вақт қолди... Йигирма икки минут қолди...

Сирли учувчи телешиттиришдан мириқиб кўнгил ёзаётгандай эди. У ашулачига қўшилиб хиргойи қилар, оркестр чалаётган куйга мослаб бир маромда ерни аста-аста тепар ва масқарабозларнинг қилиқларидан завқланиб куларди.

— Янги кечагача бир минут қолди,— кулди синьор бошлиқ.— Сизга бир қадаҳ шампанский узатмаганимдан жуда хижолатдаман. Хизмат бурчимни ўтаётганимда ҳеч қачон ичмайман.

— Раҳмат, аммо шампанскийга энди ҳожат қолмади. Вақт тўхтади. Соатингизга қаранг.

Синьор бошлиқ беихтиёр кўл соатининг секунд мурватига қаради ва уни қулоғига тутиб кўрди. «Қизиқ,— ўйлади у,— чиқиллаб турибди-ку, лекин секунд мурвати жойидан силжимайди, бузилиб-нетиб қолганга ўхшайди».

У ўзича секундларни санай бошлади. Олтмишга қадар санади, минут мурвати ҳам жойидан силжимас, ўша ҳолатда бир минути кам ўн иккида турганини кўрди. Телевизор экрандаги катта соат ҳам тўхтаб қолганди.

— Бирорта жузъий шикастланиш юз берганга ўхшайди...— хижолат тортиб изоҳ берди диктор қиз.

Созандалар, ашулачилар, қизиқчилар, телестудиядаги томошабинлар, ҳаммалари буйруқ бергандай бараварига соатларини кўздан кечира бошладилар, силкиб, ҳайрон бўлиб қайта-қайта қулоқларига тутиб кўрдилар. Кўп ўтмай соат мурватлари ҳақиқатан ҳам ортиқ юрмаётганига ҳамманинг имони комил бўлди.

— Ҳа-ҳа! Вақт тўхтади!— кулги аралаш қичқирди кимдир. Балким, шампанскийдан кўпроқ олиб, ярим кечага етиб боришга ҳоли келмай ухлаб қолгандир-да.

Аэропорт бошлиғи хавотир ила сирли нотанишга кўз қирини ташлади, у бошлиққа яна бир бор таъзим бажо этиб:

— Кўрдингизми? Бунга сиз айбдорсиз!— деди мулоим оҳангда.

— Нега энди мен айбдор бўларканман? Айбим нимада?

— Сиз ҳали ҳам шонсиз менинг Вақт эканлигимга? Мана бу атиргулга бир қаранг...

Ёзув столининг устидаги гулдонда янги узилган атиргул турарди — бошлиқ иш столда гуллар турини яхши кўрарди.

— Агар мен унга теккундек бўлсам, унинг қандай ҳолатга тушишини кўришни истайсизми?

У столга яқинроқ келиб, гулга қараб аста пуфлади. Атиргул барглари шу заҳотиёқ қовжираб ерга тўкилди-да, ҳар томонга учиб кетди. Шундай ажойиб атиргул хазонга айланди-қўйди...

Синьор бошлиқ сапчиб ўрнидан тура телефонга ёпишди.

Қадимда шундай вақтлар бўлганки, ҳар бир янгиликни дунё бўйлаб отларда юриб тарқатишарди, то ер юзини айланиб чиққунларича озмунча вақт ўтмасди, Масалан, Бризговида уруш бошланди, деган хабар Брисландияга жанг аллақачон тугаб, тирик қолган солдатлар уйларига қайтиб келганларидан сўнгина етиб келган.

Бизнинг давримизда радио ва телевидение бутун ер юзини кўзга кўринмайдиган баҳайбат тўр билан қоплаб олган. Янгиликлар балиқ сингари ўша тўрға келиб тушади ва бир неча дақиқа ичида бир қитъадан иккинчисига ўтиб кетади.

Синьор бошлиқ министрға телефон қилганидан бир неча минут ўтгач, ҳамма жойда — Америка, Сингапур, Танзания ва Новосибирскда — Вақтнинг қайси бир кичик аэропортда ҳужжатлари бўлмаганлиги учун ушлаб олинганидан хабар топишди. Янги йилнинг кириб келишини кутаётган миллионлаб одамлар шу заҳотиёқ шампан шишаларини очиб, қадаҳларни тўлдириб, бир-бирларига қувончли табрик сўзлари айтишди. Тантанали байрамона юриш Милан, Париж, Женева, Лондон, «ВА ҲОКАЗО» кўчалардан ўтди. «Ва ҳоказо» сўзини катта ҳарфлар билан ёзишимиздан мақсад, барча бошқа шаҳарларни ҳам назарда тутаётирмизки, уларнинг ҳаммасини бу ерда бир бошдан санаб ўтишга асло имкониятимиз йўқ.

— Ура! — деб қичқиришди одамлар куррамизнинг ҳамма тилларида. — Вақт тўхтади! Биз бундан кейин қаримаймиз! Абадий яшаймиз!

Аэропорт бошлигининг кабинетигади телефон тинимсиз жирингларди. Бошлиқни ер юзининг турли бурчакларидан телефонга чақиришиб, ундан қуйидагиларни талаб қилишарди:

— Вақтни чиқариб юборманг!

— Қўлларига кишан солинг!

— Бўйинини салчадай узинг!

— Ухлатадиган дори беринг!

— Ухлатадиган дори эмас — каламуш дори беринг.

Бош министр бўлган воқеа ҳақида ўз ҳамкасабаларига маълум қилди. Шошиливич Министрлар Кенгаши чақирилди. Қун тартибда ягона масала бор эди: қандай чоралар кўриш лозим? Қўлга олинган Вақтни қамашсинми ёки қўйиб юборишсинми?

Ички ишлар министри дағдаға қилиб деди:

— Қўйиб юбориш дейсизми? Бўлмаган гап! Одамларга бир гал ҳужжатсиз юришга эрк берилдими, тамом, бизнинг шўримизга шўрва тўкилади! Бу синьор бизга ўз исминини, отасининг исминини, фамилиясини, туғилган жойини, пропискасини, турар жойини, қайси мамлакат фуқароси эканлигини, миллатини, паспорт номерини, оёқ ва бош кийими размерини маълум қилиши керак. У эмланган-

яғни ҳақида справка, яхши ният билан келганлиги ҳақида гувоҳнома, бошланғич мактабни тугатганлигини тасдиқловчи аттестат ҳамда солиқларни тўлаганлигини исботловчи квитанцияни кўрсатиш лозим. Ахир унинг қўлида оз эмас, кўп эмас, нақ ўн икки дона сафар қутиси бор-а! У божхона ҳақини тўлаганмикан? Боз устига қутиларини очишдан бош тортди у. Борди-ю, уларда бомбалар бўлса-чи?

Министр етмиш икки ёшдаги кекса одам эди, шунинг учун ҳам соатларнинг тўхтаб туришидан у кўпроқ манфаатдор эканини тушуниб тургандирсиз, албатта.

Министрлар Кенгаши Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фикрини билишга қарор қилди. Уша вақтда у ерда ёлғиз швейцардан бўлак ҳеч ким йўқ эди, чунки БМТ нинг ҳамма аъзолари Янги йилни кутгани уй-ўйларига тарқаб кетишганди.

— Ассамблеяни чақиртириш учун қанча вақт керак бўлади?

— Икки ҳафта. Шундай экан, агар Вақт тўхтаб қолган бўлса, унда икки ҳафта ҳам ўтмайди, Ассамблеяни чақириб ҳам бўлмайди!

Бу янгилик ҳам бутун дунёни кезиб чиқди, ҳамма ерда одамларга яна катта қувонч бағишлади.

Орадан бир оз вақт ўтгандан сўнг...

Бироқ мен бу жумлани ёзишга ҳақим йўқ: агарда Вақт тўхтаб қолган бўлса, «бир оз вақт» сўзи энди ҳеч қандай маънони билдирмайди.

Гапнинг қисқаси, кўтарилган тўполондан уйғонган бир бола, бу воқеадан хабар топиб, иккени иккига қўшса қанча бўлишини дарров ҳисоблаб чиқиб, ҳайратга тушибди:

— Нима энди? Ҳар доим ҲОЗИР бўладими? Бундан чиқди, мен улагаймас эканман-да? Отамдан доимо туртки еб юравераманми? Доимо зайтуни ёғини харид қилувчи колбасачи ҳақида масала ечишим керак бўладими? Биз бечора ўқувчилар у қанча пул сарфлаб, қанчаси ўзида қолганлигини ҳисоблашга мажбурмизми? Йўғ-е, бунинг учун сизга катта раҳмат-у, лекин мен қаршиман!

У ҳам телефон трубкасига ёпишганча ўртоқларига қўнгироқ қилиб жар сола бошлади. Унинг ўртоқларининг ҳам, ўз-ўзидан маълум, дўстлари акалари, амакиваччалари ва бошқа турли бўғинга тегишли қариндошлари бор эди. Уларни бир-бирлари билан алоқа ўрнатишларида телефон озмунча иш бермади.

Болаларнинг ҳеч нарсасига қулоқ солгилари йўқ эди. Улар камзуллари устидан елкаларига пальтолари ташлаб кўчага чиқишди ва улар ҳам намойиш уюштиришди. Аммо уларнинг талаб ва чақирқилари катталар кўтариб бораётган транспортлардан анчагина фарқ қиларди.

— Вақтни қўйиб юборинг!— деб бақириварди болалар.— Бир умрга ёш бола бўлиб қолишни истайманми?

— Усишни хоҳлайман!

— Инженер бўлишни орзу қиламан!

— Ёз бўлишини истайман!

— Денгизда чўмилишни хоҳлайман!

— Ҳай гўрғинга қоқиндиқлар-а!— дея чуқур хўрсиниб қўйди



нотаниш йўловчи.— Шундай тарихий шароитда улар денгиз қақида ўйлашадиган-я!

— Аммо,— қайд этди бошқа бир йўловчи,— бир нарсада уларнинг ҳақлигига иқдор бўлиш керак. Агар Вақт ўтмайдиган бўлса, унда донмо 31-декабрь бўлиб тураверади-ку!

— Донм Қиш бўлади...

— Донмо бир минути кам ярим кеча бўлади! Биз ҳеч қачон Қуёш чиқишини кўрмаймиз!

— Менинг эрим йўлга чиққанда,— ҳавотирланди нотаниш синьора.— Агар Вақт ўтмаса, у қандай қилиб уйга келади?

Тўшакка боғланган бемор арз қилади:

— Вой, вой... Келиб-келиб бош оғригим хуруж қилганида Вақтнинг тўхтаб қолгани-чи! Энди бундан буёқ ҳар донм бошим оғриб тураверади, бир умрга-я.

Қамалган ўзининг камераси деразасига қопланган темир панжарага ёпишиб олиб юлирди:

— Демак, мен ҳеч қачон озодликка чиқмас эканман-да?

Деҳқонлар ҳам ташвишга тушиб қолишди:

— Бусиз ҳам йилдан-йилга ҳосилнинг мазаси қочаяпти. Агар Вақт ўтмай, баҳор келмаса, ҳамма нарса нест-нобуд бўлади... Ёйишга нарсамиз қолмайди!

Қисқаси, тез орада аэровокзал бошлиғининг телефонидан бутунлай бошқа овозлар янграй бошлади:

— Шундай қилиб, сиз уни охири қўйиб юборасизми? Мен почта переводини кутиб ўтирибман. Агар Вақтни қўйиб юбормасангиз, унда переводни ўзингиз юбора қоларсиз?

— Синьор бошлиқ, илтимос, Вақтни қўйиб юборинг! Водопроводимизнинг жўмраги бузилиб қолди, агар эрта кириб келмаса, биз эртага сантехникни чақира олмаймиз...

Синьор Вақт бўлса қулай креслода дам оларди ва қувноқ кайфиятда трубкасини тутатиб, чекиб ўтирарди.

— Нима қилсам экан?— ўзини йўқотиб қўйди синьор бошлиқ.— Биттаси ундай дейди, бошқаси — бундай... Йўқ, сабрим чидамайди! Сизни қўйиб юбораман...

— Офарин, раҳмат!

— Аммо... Юқорининг буйруғисиз... Сиз тушуниб турибсиз-ку, мен ўз лавозимимни хатарга қўйялман...

— Унда мени қўйиб юбориб нима қилардингиз? Менга бу ерда жуда қулай экан!

Шу аснода яна бир қўнғироқ бўлди:

— Ўт кетди! Агар Вақт ўтмаса, ўт ўчирувчилар келишмайди! Ҳамма нарса куйиб кул бўлади! Биз ҳаммамиз ёниб кетамиз! Бу ерда кексалар ва болалар бор... Наҳотки, ҳеч нарса қила олмасангиз, синьор бошлиқ!

Шунда бошлиқ столга мушт уриб деди:

— Бўпти! Нима бўлса бўлсин! Бу жавобгарликни ўз бўйинимга оламан. Боринг. Сиз озодсиз!

Синьор Вақт дарҳол ўрнидан туриб:

— Рухсат этинг, синьор бошлиқ, мен сизни қўлявгизни бир бор сиқиб кўяй. Сиз меҳрибон инсон экансиз!— деди.

Синьор бошлиқ унга эшикни катта очиб, ташқарини кўрсатди:

— Кетинг. Тез бўлинг. Яна лафзимдан қайтиб ўтирмай.

Синьор Вақт кабинетдан чиқиб кетди. Соатларнинг мурватлари яна қайтадан юришни давом эттира бошладилар. Орадан олтинч секунд ўтиши билан соатлар ярим кечага бонг урди, ҳамма жойда бенгал чироқлари порларди. Янги йил кириб келганди?

## МАРКО БИЛАН МИРКО ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЎҒРИЛАРНИ УШЛАШДИ

Марко билан Мирко — эгизаклар. Бироқ уларни бир-бирларидан ажратиш осон эди, чунки Марко доимо ўзи билан бирга оқ дастали болғача кўтариб юрарди, Мирконинг қўлидаги болғача дастаги эса қора рангда эди. Ака-укалар ҳеч қачон, ҳатто чўмилаётиб кўзларига совун кирганда ҳам болғачаларини қўлларидан қўймас эдилар.

Уларнинг ота-оналарини — синьор Аугусто билан синьора Эмендани ҳам бир-биридан ажратиш қийин эмасди, чунки синьор Аугустонинг хўжаликка зарур бўлган электр асбоблар магазини бўлса, синьора Эменданинг эса итлар учун кийим-кечак сотадиған дўкони бор эди. Улар эрталаб ишга кета туриб болаларини эркалаб дордилар:

— Марко, Мирко, илтимос, ҳеч кимга эшикни оча кўрманглар! Ҳамма жойда толқон ўғирловчи ярамас дуздлар кезиб юрибди.

— Яхши, ойижон!

— Хўп, дадажон!

Ўз-ўзидан маълум, ота-оналари уйдан чиқишлари биланоқ эгизаклар зина майдончасида жуда бўлмаганда бирон-бир ўғрининг биқиниб турганини кўришга катта умид боғлаб, дарҳол эшикни очиб кўришарди. Аммо умидлари пучга чиқарди. У ерда ўғриларнинг арвоҳи ҳам кўринмасди. Шунда улар балконга чиқишарди-да, болғачаларини иргитиб, бумерангдай учиб-учиб яна эгасига қайтиб келишга ва бошқа турли хил ўйинчоқлар ҳаракатига ўргатишарди. Осмонга қаратиб баланд итқитилган болғачалар пастга шусиллаб тушиб, кўчада ўтиб бораётган нотаниш йўловчининг шляпаси атрофида уч бора айланарди-да, кейин визиллаганича яна балконга қайтиб келарди.

— Визиллапти,— деди Марко.— Лекин ҳали ҳақиқий ҳуштак овози чиқмаяпти.

— Ўрганишиб қолишар!— ишонтирарди Мирко.

Бирдан қаршидаги уйнинг деразаси очилиб, ҳаяжонда бошиги иккала қўли билан ушлаб олган нотаниш синьора қўрқинчли овозда қичқирди:

— Ердан беринглар! Ердан беринглар! Толқонни ўғирлаб кетишли!

— Еттинчиси!— деди Марко. У шу маҳаллада содир бўлган ўғирликлар ҳисобини олиб юрарди.

— Ердам беринглар! Ердам беринглар! Ердам!— бақирити давом этарди ҳаляги сеньора.

— Кеча уйини ўғри урган сеньоранинг тишлари оқ эди,— таъкидлади Мирко.

Аммо шу топда эгизакларнинг эътиборини бошқа ҳодиса жалб қилди. Қарши уй олдидан юзига ниқоб тутиб олган нотаниш киши чиқиб келди. У жуда ҳам шубҳали кўринарди. Боз устига, толқон қутичадарини баррига босганича тезроқ кўздан гойиб бўлишга ҳаркат қилаётганлиги шундоқ сезилиб турарди.

— Интизор бўлиб қутган вақтимиз етиб келди!— бақириб юборди Марко.

— Худди ўзи!— қўшилди Мирко.

Шу он ака-укалар унга томон болғачалари билан ҳамла қилиб қолишди-ку. Энди болғачалар ҳавода сирена овозига ўхшаш товуш чиқариб борарди. Ниқобли киши осмонга қаради... Бундан кўра оёқларига эътибор бергани яхшироқ эди. Чунки оқ дастали болғача унинг чап ботинкасини, қора дасталиси ўнгини мўлжалга олиб келарди. Ниқобли одам ҳайрәтга тушганидан толқонли қутиларини ташлаб, бақиритишга тушди:

— Ердам беринглар! Қутқаринглар!

Болғачалар жуда катта тезликда унинг оёқ панжалари устида чир айланиб, қадам босгани қўймасди.

— Бўлди!— ёлвора бошлади ниқобли киши.— Таслим бўлдим.

— Шунчалик тез-а,— кўнгли тўлмай қайд этди Марко.

— Аввало сиз батамом ва сидқидилдан айбингизни бўйингизга олмоғингиз шарт,— аниқлик киритди Мирко.— Кимсиз, нега толқонни ўғирлагингиз, шерикларингиз ким, уларни ким бошқаради, бошлингизнинг хотинининг исми нима, унинг ёши нечада ва ҳоказо.

— Мени ниқобли одам дейишадди. Мен машҳур жиноятчи Эм-Эмнинг буйруги билан ва фақат унинг учун ўғирлайман. Бошқа ҳеч нарса билмайман. Вассалом.

— Эм-Эмнинг адреси қанақа?

— Гарибальди проспекти, 3567 ярми билан, иккинчи корпус, «Гўзалнинг юраги» ашуласини айта туриб, эшикни тўрт мартаба тақиллатиш керак.

Марко билан Мирко ниқобли одамнинг чин гапирганини ҳисобга олиб, уни қўйиб юборишди. Болғачалар вазифани қойилмақом адо этиб, шодёна ҳуштак чалганча балконга қайтиб келишди, лекин уларнинг дарҳол пастга тушишларига тўғри келди. Тўғри, бу сафар бошқа йўл орқали эгизакларнинг чўнтаги ичиде. Ака-ука машҳур жиноятчи Эм-Эмнинг қароргоҳига ташриф буюргани отлангандилар.

Ака-укалар кўрсатилган адрес бўйича етиб келдилар ва эшикни тўрт карра тақиллатдилар. Ҳеч ким жавоб бермади. Улар бошқатдан тўрт карра тақиллатдилар.

— Ухшамаяпти!— эшик ортидан овоз эшитилди.— Сиз яна «Гўзалнинг юраги» ашуласини айтишингиз керак. Бўлмаса очмайман!

— Э-ҳа, ашула!

Марко билан Мирко «Гарибальди гимни»ни айта бошладилар, бирок Эм-Эм жаҳл билан уларни бўлиб деди:

— Бутунлай бошқача! Қайтадан!

Шунда Марко билан Мирко болғачаларни ишга солишди ва эшик кўз очиб-юмгунича очилди.

— Афсус-надоматлар бўлсинки,— тушунтиришди улар,— биз «Гузалининг юраги» ашуласини эсдан чиқазиб қўйибмиз.

— Сизлар эшигимни бузиб қўйдиларинг-ку!— зарда қилди Эм-Эм.

— Илтимос, бизни кечиринг. Шунга қарамай, бизга толқон ўғирловчилар ҳақида бор гапни сўзлаб берсангиз.

— Бу сизга нимага керак бўлиб қолди? Мактабда нишо ёзинишгизми?

Эм-Эм ўзи билмаган ҳолда уларни энг нозик жойидан ушлади. Эгизаклар «мактаб» сўзини эшитишлари биланоқ ўзларини йўқотиб қўйишларига сал қолди, болғачалар бўлса, ўқитувчи олиб қўймаслиги учун ўз-ўзидан кип-кичкина бўлиб қолишди. Эм-эм айнан нишонга урганди, лекин хайриятки, у буни сезмади.

— Сизлар чет эл легионига ёзилиш учун уйдан қочдиларингми? Савдо кemasига кичик матрос бўлиб боришни истайсизларми?

У яна бир неча тахминларни айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, лекин улгурмади, чунки эгизаклар ўзларига келиб, унга қарши ҳужумга ўтишди, болғачалар унинг асаб рефлексини аниқловчи тиззани уриб ўрганишга киришганди.

— Вой-дод! Золимлар! Мендан сизга нима керак? Мен бир оддий ташкилотчи бўлсам! Мени бошчилигимда йигирма етти киши толқон ўғирлаб омборхонамга олиб келишади. У ердан ҳар кун эрталаб кўк юкчи машинада келадиган кал ўша толқонни олиб кетади. У мен билан тилла ва кумушда ҳисоб-айирбош қилади. Бугун ҳам унинг йўлига кўз тутиб ўтирибман.

— Қачон келади?

— Роппа-роса икки минутдан сўнг келади. Яшириниб туринглар, ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрасиз.

Икки минут сокинлик ва осойишталикда ўтди деса ҳам бўлади. Кейин кўк юкчи машина келди, рулда аллақандай кал киши ўтирарди. Эм-эм толқон солинган қопларни машинага ортиб бўлиб, хизмат ҳақини олиш мақсадида қўлини чўзди. Аммо кал унинг башарасига туфлаб деди:

— Сўнги туркум юк учун шу шаклда тўласа ҳам бўлади!

У жўнаб кетмоқчи эди, бироқ улгурмади. Марконинг болғачаси унинг чап қўлини рулга, Мирконики эса ўнг қўлини тезлик рычагига қадаб қўйди.

— Шунақа ҳам калтаклашадими? Хонларча ва огоҳлантirmасдан туриб-а!— хафа бўлди Қал.

— Бу виждонли мутахассиснинг ҳақини тўлаб қўйинг!— тақлиф этишди Марко билан Мирко.

Эм-Эм бир неча қўйма олтинларни олиб, қўлини ювиб қўлтигини суртди-да, Ливанга қараб жуфтакни ростлаб қолди.

Марко билан Мирко юкчи машинага чиқиб олишди.

— Кетдик!— хурсанд бўлиб деди Кал.— Ҳайвонот боғига кетдик! Мен сизларга шакарли ерёнгоқдан олиб бераман. Сиз у билан маймунларни меҳмон қиласиз.

— Ҳеч қандай ҳайвонот-майвонот боғига бормаимиз! Тўғри бошлиғингиз олдига борамиз!

— Пўқ-йўқ!— зорланди Кал.— Бошқа ҳар қандай жойга борсак ҳам фақат уни олдига бормаимиз. Ундан кўра шакарсиз қаҳва маъқул!

Болғачалар уни фикрдан қайтаришга мажбур этдилар ва йўлни ўша томон бурдилар. Қал йўлда кетатуриб Марко билан Миркога юрагидаги бор гапни тўкиб солди:

— Бошлиқ — бу профессор Иблисиюс бўлади!

— Қим? Машҳур шайтон олимми?

— Ғоятда қўрқинчли одам! Зигирча гапига қулоқ солмадингми, бўлди, унинг биргина тикилиб қарашиданоқ дарҳол қорнинг бураб огришга тушади. У мени ўзига мажбурлаб ассистент қилиб олганидан хабарингиз борми?

— Йўқ, ҳеч ким ҳеч қачон бизга бу ҳақда гапириб бермаганди.

— У шундай қилдики, мен тушимда бобомни кўрдим, у мени бутун кеча давомида тарсакилаб чиқди. Мен совуқ тер босган ҳолатда уйғониб кетдим. Менинг севган юмушим эса чинорларга маҳлиё бўлиб қараш.

— Буни қандай қилинади?

— Бирорта чинорни танлайсиз, унинг ёнига қамишдан тўқилган креслони қўясиз, унга жойлашиб турасиз-да, дарахтни томоша қиласиз. Жуда ажойиб томошаларни кўришингиз мумкин. Хонаси келганда айтиб қўяй, мени Иккинчи деб чақиринишади.

— Толқонга қайтайлик. Профессор Иблисиюс уларни нима қилади?

— Толқон унга Ансельмик учун керак. Бу юқори ақл-идроқка эга бўлган робот. Иблисиюс уни бир неча йил илмий изланишдан сўнг ясади ва роботни ўзининг амакиси Ансельмо исми билан шувай атади.

— Ансельмикка толқоннинг нима кераги бор?

— У толқон ейди. Кунига бир центнердан. Робот фақат шу нш, толқон ейиш ва фикрлаш билан банд.

— Синьор Иккинчи, у нима ҳақда ўйлайди?

— У бу ҳақда фақат профессор Иблисиюсга айтади. Улар суҳбатлашаётганда мени ҳайдаб чиқаришади. Ўтин ёришга юборишади. Мана, етиб ҳам келдик! Ҳув анови унча катта бўлмаган ҳаворанг гумбазчалари бор оқ уйни кўряписизми?

Марко билан Мирко Иккинчи кўрсатаётган томонга қарашди. Мана сизга кутилмаган янгилик! Бу уларнинг уйи-ку! Улар шу уйнинг иккинчи қаватида ўзларининг ота-оналари ва болғачалари билан яшашади.

— Лаборатория тағхонада жойлашган,— деб тушунтирди Кал.— Иблисиюс уйдан фақат сантехник ускуналари сотувчиси ниқобиди чиқади.

— Синьор Жачинто! — Марко билан Мирко уни дарҳол танишди. — Бизга ўқтин-ўқтин сув қувурининг эски жўмрагини совға қилувчи ўша сантехник-ку. Буни қаранг-а!

Шайтон олим либосидаги синьор Жачинто Иккинчисининг ўзи билан бирга эгизакларни олиб келганини кўриб қаттиқ газабланди. Робот Ансельмик эса толқонни кўрган заҳотнёқ севинганидан хатто ўйинга туша кетди:

— Бебимикс! Бебимикс! Ура!

У бўйнига салфетка тутиб, қўлига катта қошиқни олди-да, очкўзлик билан толқон ейишга тутинди. Профессор Иблисинос улардан қутулиш ниятида фурсатдан файдаланиб, ўзининг шайтон қараши билан Марко билан Мирколарнинг қорнида оғриқ пайдо қилишга уринди. Бироқ мақсадига эришолмади, чунки болғачалар унинг қулоқлари атрофида тинимсиз шовуллаган овоз чиқариб, унда денгиз касалини чақиртиришганди.

— Қаршилик кўрсатишининг ҳожати йўқ, синьор Жачинто — Иблисинос! Сиз қўлга тушингиз!

— Бўлди, бўлди! — кўз ёш қилиб ёлворди олим. — Мен сизларга ҳаммасини айтиб бераман!

Барибир у бу ишни дарҳол амалга ошира олмади, чунки ўша аснода Ансельмино толқон ейишдан тўхтаб, қувонганича:

— Топдим! Топдим! Хужайни, қулоқ сол! «Толқон «Никсон»ни ҳатто ўғирлашади!» Қандай нозик шама-а! — деб бақирса бўлади.

Профессор Иблисинос баттар изтиробга тушди ва йиғламоқдан бери бўлиб гап бошлади:

— Йўқ, бу энди ҳаддан ташқари бўлиб кетди! Худди шу бугун, ёъни мен ўз машқимдан воз кечишга қарор қилаётганимда (чунки бу жуда мураккаб) хумпар Ансельмик бирдан ишлаб кетса-я! Бироқ икки минутга кечикди! Чунки сизлар мени қилдириб топдингиз ва фош этдингиз! Кўрдингизми, бир йўла қанча мослашув! Менинг ҳаётдан кўзлаган мақсадимга етишимга бир баҳя қолганди...

— Қандай мақсад экан, профессор Иблисинос?

— «Карусель» телевизион реклама эшиттиришидаги «Никсон» толқони рекламасига бопта бир жумла топмоқчи бўлгандим. Сизларга шунини айтишим керакки, бундан ўн йил илгарини «Никсон» фирмаси мени мана шундай ўта махфий мақсадда ўзига хизматга олганди. Мен ажойиб робот ясадим! У бошдан-оёқ беш тийинлик чақалардан ишланган... Кўришингиз мумкин! Ансельмик ўзининг олий идроки билан ушбу жумлани йўлаб топиши керак эди. Шунинг учун ҳам мен уни толқон билан боқардим. Ҳатто фирма мени толқон билан таъминлашдан бош тортган пайтда ҳам роботни боқишда давом этавердим. Ўғирлик қилишимга ҳам тўғри келди. Эндиликда сиз мени толқон ўғирловчи ўғирлар бошлиғи сифатида ҳибсга оляпсиз... Менга гоаят оғир меҳнатга жалб этиш жазоси беришга ҳукм чиқаришади! Борди-ю, жуфт рақамли камерага тушиб қолгудек бўлсам-чи? Ахир мен... Ахир мен тоқ сонларни шундай яхши кўраманки!.. Фожиа!

Бу орада Ансельмик хона бўйлаб сакрашда давом этаркан,

ашуласини турли оҳангга солиб тўхтовсиз: «Никсон» толқони шундай яхшики, уни ҳатто ўғирлашади!» деб хиргойи қиларди

— Бўлди қил!— буйруқ берди унга Марко.

— «Никсон» толқони — расво!— жиддий қўшиб қўйди Мирко.

— Ростданми,— ҳайрон бўлди Ансельмик.— Мен буни билмасдим!— Шундай деб туриб у ҳам йнглай бошлади.

— Қўй, йнглама!— тинчлантирди уни Марко билан Мирко.— Кўзингга совун киргани йўқ-ку! Бундай қиламиз. Биз ҳеч кимни ҳибсга олмаймиз. Аммо бир шартимиз бор. Биринчи шартимиз шуки, профессор Иблисинос истеъфога чиқади ва ўзини бутунлай сув қувури жўмраклари савдосига бағишлайди. Ўғирланган толқонларини почта орқали ўз эгаларига тарқатади.

— Лекин қандай қилиб? Мен уларнинг адресларини билмайман-ку!

— Справочникдан топиб оласиз. Хў-ўш, иккинчи шартимиз. Синьор Иккинчи ўзини чинор кузатишига бағишлайди.

— Ура! Енгил кресло сотиб олгани кетдим!

— Учинчи шарт. Ансельмикни шкафга қамаб, устидан қулфлаб қўйилади, у уердан фақат биз ва бизнинг дўстларимизнинг уй вазифаларини бажариш учунгина чиқади. Бунинг учун уни дарсликлар билан боқилади.

— Ура!— хурсанд бўлганидан қичқириб юборди Ансельмик.— Мактаб дарсликлари шундай мазалики, ҳатто уларни ўғирлашади! У шкафга кириб, устидан қулф солишлари учун ошқди. Шкафга кирди-да, эшигини қия очиб, бошини чиқариб сўради:

— Бугундан бошлаймизми?

— Йўқ, таътилдан кейин.

— Ух, таътил ҳам тезроқ ўта қолсайди!

Кутишдан бошқа нима ҳам қила оларди? Ҳеч нарса. Марко ва Мирко синьор Жачинто билан хайрлашиб уйларига қайтиб келишди. Кўп ўтмай уларнинг ота-оналари — синьор Аугусто билан синьора Эменда келишди. Улар болаларининг соғ-саломат эканликларини ва катта шаҳарнинг хавф-хатаридан четда бўлиб, кун бўйи уйда ўтирганларидан жуда мамнун эдилар.

— Сизлар оқилона иш тугдларинг!— деди синьора Эменда.— Суюнчисига бугун мен бошларингизни совунлаб ювиб қўяман.

Бундан кўра Марко билан Мирко яхшилаб бир жуфтдан «қатлама» тарсаки еганлари мнинг карра маъкул эмасмиди. Аммо бундай хоҳишлари борлигини билдиришга ғурурлари йўл қўймади. Афсуски, ҳаётда ҳамма нарса ҳам толқон ўғирловчи ўғирларини қидиришдек завқ ва шавқ бағишлайвермайди.

## КАРЛИНО, КАРЛО, КАРЛИНА

Ёки қандай қилиб болаларни ёмон одатдан қайтариш хусусида

— Мана Карлинонгиз,— деди доя синьор Альфиога, яқиндагина туғруқхонадан келтирилган чақалоқни кўрсатиб.

«Бе, нима дегани бу — Карлино! — шу заҳоти чақалоқнинг қаттиқ қиққирингани эшитди синьор Альфио. — Йўқотнинг бунақа тўмтоқ исмларини! Мени Карло, Паоло ёки Верчинжентораже деб чақиринглар, ҳеч бўлмаса Қоплон денглар, лекин росмана, тўлиқ исми билан чақиринглар! Гапимни тушундингизми?..»

Синьор Альфио ҳайрон бўлиб ҳали оғзини ҳам очмаган чақалоққа қаради. Аммо унинг сўзлари Альфионинг миёсига тобора чуқурроқ жо бўлиб борарди. Доя ҳам чақалоқнинг нима деганини англади.

— Буни қаранг, — ҳайрон бўлди синьор Альфио, — ҳозиргина тухумдан чиққан бўлса ҳам фикрини узоқдан туриб билдирипти!

«Ақлийгизга тасанно, — деди чақалоқ ўзинча, — тўғри тушуниб-сиз! Мен ҳали ўзимда йўқ овоз пайларим билан сўзлаша олмайман-да».

— Келинг, уни вақтинчалик каравотга ётқизиб турайлик, — таклиф этди синьор Альфио, бутунлай ўзини йўқотган ҳолда. — У ёни бир гап бўлар.

Улар чақалоқни авайлаб онаси ухлаб ётган каравот билан ёна-ёна қилиб ётқизиб қўйишди. Синьор Альфио бир дақиқа хонадан чиқиб турди. У катта қизига чақалоқнинг ором олишига халақит бераётган радио овозини пасайтириб қўйишни тайинламоқчи эди. Лекин чақалоқ уни тўхтатди:

«Дада, тагин бу нималар қилгандингиз! Шубертининг арпеджоне учун ёзган мана шу сонатасини охиригача эшитиб олай...»

— Арпеджоне? — ҳайрон қолди синьор Альфио. — Менимча бу виолончелнинг овози...

«Виолончеллиги шундоқ ҳам кўриниб турибди. Шуберт 1824 йилда ёзган бу асарни эндиликда фақат ўшанда ижро этишмоқда, яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда ля минорда. Аммо Шуберт бу асарни бир йил олдин веналик уста Иоганн Георг Штауфер ихтиро этган олти торли гитарага мўлжаллаб фақат арпеджоне учун ёзган. Бу музика асбобини яна сеvgи гитараси ёки гитара-виолончели деб ҳам аташади. Бироқ унга эҳтиёж топилмай, эътибордан қолиб кетди. Соната эса жуда қимли».

— Кечирасан, — тўнғиллади синьор Альфио, — аммо сен буларнинг ҳаммасини қаердан биласан?

«Ё нарвардингор! — жавоб берди ўша телепатня усули билан янги туғилган чақалоқ. — Шундоқ олдимда, мана бу шкафда музикага оид ажойиб луғат турса-ю, бунинг нимасига ҳайрон бўласиз? Биринчи жилднинг саксон иккинчи саҳифасида худди шу арпеджоне ҳақида сўз кетади, шуни ҳам кўрмай кўзим кўр эканми?»

Синьор Альфио, ўғлим нафақат узоқдан туриб фикрини билдира олади, балки китобни очмай туриб ўқий ҳам олар экан, деган хулосага келди. Ҳолбуки ҳали унинг саводи ҳам чиққани йўқ.

Чақалоқнинг онаси уйқудан уйғонди, унга жуда ётиғи билан бўлган воқеани сўзлаб беришганди, барибир у йиғлаб юборди. Боз устига кўз ёшларини артиш учун онаизорининг дастрўмоли йўқлиги ҳам маълум бўлди. Бироқ шу онда, ювилиб дазмол урилган чойшаб, дастрўмол, ёстиқ жилди ва ҳоказолар турадиган жавон торт-



маларидан бири ўз-ўзидан очилиб, ундан «Бронка»— Елизавета кириб келди. Кириб келганидан севимли порошогида ювилган қордан ҳам оқ дастурмолча чиқиб келди. У тахи бузилмаган ҳолда синьора Аделенинг ёстиғи ёнига келиб қўнди, шу он чақалоқ Карло ётган жойидан туриб унга қараганча бир кўзини қисиб қўйди.

«Ёқдимми?»— хаёлап сўради у атрофида турганлардан. Доя қўлларини осмонга кўтарганича хондан отилиб чиқиб кетди. Синьора Аделе ўз тўшагида ётган бўлса ҳам барибир ҳушидан кетиб йиқилди. Синьор Альфио сигарета олиб тутатди-ю, лекин дарҳол уни ўчирди — у бундай қилмоқчи эмасди.

— Уғилғиям менинг,— деди у кейин,— сенда ҳеч бир хулқатвор қондаларига тўғри келмайдиган аҳмоқона қилиқлар пайдо бўляпти. Қачондан бери тарбия кўрган болалар онасининг жавонини берухсат очадиган бўлишган?

Шу чоқ хонага Альфионинг катта қизи Антония кириб келди, уни яна Чиччи ҳам деб аташар, ёши ўн беш ойга тўлганди. У укаси билан қувноқ саломлашди:

— Чао! Аҳволнинг қалай?

«Умуман олганда ёмон эмас. Бир оз ҳаяжонландим. Ҳечқиси йўқ. Ахир менинг илк бор туғилишим».

— Жин урсин! Сен телепатияча гаплашяпсанми? Офарин! Бу қандай бўлишини тушунтириб бера олмайсанми?

«Ғоятда оддий! Бирор нарса демоқчи бўлсанг, оғзингни очма, уни юм — вассалом. Бунинг қайтанга соғлиққа фойдаси бор».

— Карло!— хитоб қилди синьор Альфио қаттиқ жаҳди чиқиб.— Илтимос, яхши тарбия кўрган қиз бўлмиш ўз опанга бунақа аҳмоқона таъсир кўрсатиб нима қиласан?

— Ё товба!— чуқур нафас олди синьора Аделе ўзига келиб.— Дарвозабон нималар демайди, мени отам эскича тобланган банкнинг кекса ходими ва расм-русумларга қаттиққўл, барча отлик полковниклар сулоласининг сўнгги авлоди нима дейди!

— Майли,— деди Чиччи,— мен дарс тайёрлагани кетдим. Математикани бажарсам бўлди.

«Математика?— хаёл суриб такрорлади Карло.— Ҳа, тушундим! Эвклид, Гаусс ва ҳоказолар. Агарда сен қўлингдаги дарсликдан фойдаланаётган бўлсанг, унда билиб қўй, № 18 топшириқнинг жавоби нотўғри. Икк бирдан учга эмас, иккию қирқ учга тенг».

— Йўқ, сиз аввал ўйлаб кўринг! У сўл газеталарга ўхшаб мактаб дарслиklarини танқид қилишни ўзига эп кўряпти!— куюниб гапирди синьор Альфио.

У эртасига доктор қабулида ўтириб ўгли хусусидаги гапларни унга батафсил сўзлаб берди, эшик ортидаги қабулхонада бўлса синьора Аделе кичик Карлони доктор хонасига қўймай зўр-базўр ушлаб турарди.

— Ҳа,— чуқур нафас олди доктор Фойетти,— ишонадиган ҳеч бир илоҳий нарса қолмади! Бу барча иш ташлашларнинг оқибати хайрли бўлмаса керак! Уйингга хизматкор топа олмайсан! Полицияга ўқ узмиш ман этилган! Деҳқонлар қуён боқишдан бош тор-

тишган! Бир сантехникни чақириб кўринг-чи, нақ она сутингиз..  
Ҳа, қани, болави олиб келинг.

Карло доктор хонасига қадам қўйиши биланоқ унинг бир ўзига маълум бўлган қандайдир белгидан синьор Фойеттининг бир неча йил Загребда яшаганлигини дарҳол пайқади. Шунинг учун у докторга хорват тилида мурожаат этди (фикран, албатта): «Доктор, врло Тешко пробављям, често осьекам кисели укус, особито нека йела не могу пробавити».

(Таржимаси: «Доктор, ошқозоним ёмон оғриятти, кўпинча жигилдоним қайнайди. Мен баъзи бир таомларни бутунлай ея олмаيمان».)

Доктор кутилмаганда унга ўша тилда жавоб қилди:

— Извольте лечи на постелью, молим вас... (Марҳамат қилиб мана бу тўшакка ётинг...)

Кейин у чақалоқнинг бошидан ушлаганича ишга шўнғиб кетди. Доктор назоратидан тўла ўтиш икки кун ва ўттиз олти соат давом этди. Текшириш шуни кўрсатдики, қирқ етти кунлик чақалоқ Карлонинг қўлидан:

— Доктор Фойеттининг миясидан қариндошларининг тўртинчи бўғинига мачсуб амакиваччасигача номма-ном ўқий олиши, шунингдек барча илмий, адабиётшунослик, фалсафа ва футболга оид туғилган чоғидаёқ хотирасига синғиб кетган билимларни ўзлаштира олиш;

— тиббиётга оид ўн саккиз килограммли китоб тагига яшириб қўйилган Гватемала почта маркасини топиш;

— ҳамширалар касалларни тортувчи тарозиси миллини бир қарашда истаганича чалкаштириб юбориш;

— радио эшиттиришларини, шу жумладан, қисқа тўлқинли ва стерео фонликни ҳам қабул қилиш ва қабул қилдириш;

— докторнинг куйлагидаги йиртиқни қўлини теккизиб тикиш;

— беморнинг суратига қараб, ундаги кучли қорин оғриғи ва кўричак дардини янглишмай аниқлаш;

— узоқдан туриб ва олов ёқмай сутга бўтқа пишириш келарди. Бундан ташқари у ердан беш метр ва ўн тўққиз сантиметр кўтарилса олар, биргина фикр кучи билан сигара қутиси нчидан медални чиқара олар, девордан Жулио Турканонинг сувратларини даф қила олар, тиббийлик асбоб-ускуналари турадиган жавондаги тошбақани ва кирқозондаги бўрсикни моддийлаштира олар, картошка гулларининг сўлий бошлаган гуляпроқларига оҳанрабо ёрдамида ранг ва жон кирита оларди. Урал тоғи тошини бир ишқалаб XIX аср рус адабиёти тарихини қатор далил-исботлар билан батафсил шарҳлаб бериш, ўлган балиқ ва қушларни мўмийлаш, шаробларнинг санқиб юришига чек қўйиш ва ҳоказолар ҳам унга чўт эмасди.

— Бу хавфлими?— сўради ганғиб қолган синьора Аделе.

— Умид боғлаб бўлмайдиган ҳодиса,— жавоб қилди доктор Фойетта.— Агарда у қирқ етти кунлигида шундай ишларни қила олса, кўз олдингизга келтиринг, унда қирқ ойга тўлганда нималар қилмайди дейсиз!

— Қирқ етти ёшда-чи?  
— Вой, у вақтгача неча бор сургунда ётиб чиққан бўлади.  
— Бобокалонлари шаънига иснод-ку бу!— хитоб қилди синьора Аделе.

— Ҳеч иложи йўқми?— сўради синьор Альфио.

— Аввало уни бу ердан олиб кетиш лозим,— жавоб берди доктор,— унга «Расмий газета» боғламини бериш керак. Газета билан банд бўлиб, суҳбатимизни ҳам эшитмайди. Ҳар ҳолда эшитмайди деб айта оламан.

— Энди нима қилиш керак?— яна қайта сўради синьор Альфио «Расмий газета» операциясини бажариб бўлгач.

Доктор Фойетти унинг ўнг қулогига ўн минутча нималардир пичирлади, балким бу синьор Альфио оқизмай-томизмай синьора Аделенинг чап қулогига қуйган энг муҳим топшириқ ва зарур маслаҳатлар бўлса керак.

— Ахир бу Колумб тухуми-ку!— хурсанд бўлиб хитоб қилди синьор Альфио.

«Қайси Колумб?— телепатиячасига сўради Карло эшик ортидан туриб. Христофорни ёки Эмилиоми? Гапингизда аниқлик бўлиши керак».

Доктор синьор Альфио билан синьора Аделега кўзини қисиб қўйди. Ҳамма кулди-ю, аммо саволга ҳеч ким жавоб бермади.

«Мен қайси Колумб ҳақида сўз бораётганини сўраяпман!»— жаҳли чиқиб деди чақалоқ, ўзининг кучли онги билан деворни тешиб.

Қийин шароитдан усталлик билан чиқиб кетиш. Бир кунни Христофор Колумб тўпланиб турганлардан бирортаси тухумни стол устига тикка қилиб қўя олмаганини кўриб, бу ишни ўзи амалга оширган экан: у тухумнинг тўмтоқ жойини бир оз пачоқлаб, столга қўйган экан, тухум йиқилмай тик тураверган экан. Ушандан кейин халқ орасида «Колумб тухуми» ибораси кенг ёйилиб кетибди.

Улар қайнатилган балиқ сингари яна жим бўлиб қолшди. Шунда Карло гапини эшитишлари учун бошқа алоқа йўли орқали таъсир этишга мажбур бўлди ва ўқсиниб йиғлай бошлади:

— Уа, уа, уа!

— Таъсир этипти!— хурсанд бўлиб пичирлади синьор Альфио.

Синьора Аделе доктор Фойеттининг қўлини маҳкам сиқиб, уни ўпди ва ҳаяжон билан:

— Раҳмат, сиз бизнинг халоскоримизсиз! Мен сизнинг исм-шарифингизни кундалик дафтарчамга ёзиб қўяман!— деди.

— Уа, уа!— талабчанлик билан йиғларди чақалоқ Карло.

— Таъсир этипти!— суюниб қўйди синьор Альфио вальс мақомида гир айланиб.

— Турган гап. Бунинг сирини жуда оддий — унинг фикрини гўё қабул қилмаётгандай без бўлиб турсанг бас, шунда Карло ўзини бошқа ҳамма оддий болалардек туттишга мажбур бўлади, фикр юритиши ҳам гирт саводсизлардан сира қолшмайди.

Болалар ҳамма нарсани қанчалик тез ўзлаштириб олсалар, худди шундай усулда ўрганган нарсаларини қисқа муддат ичида

унутиб ҳам юборишлари мумкин. Орадан ярим йил ўтгандан сўнг илгари ўзининг фикрлаши билан транзисторлик приёмникдан устун бўлган чақалоқ Карло эндиликда ҳеч нарса эслай олмасди.

Бу орада уйдан ҳамма китоблар, шу жумладан, қомуслар ҳам йўқотилди. Бола китоблардан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлгандан кейин унинг бу соҳадаги қобилияти ҳам барҳам топди. У Дантенинг «Илоҳий комедия»сини ёд билса, энди ёдидан кўтарилганди. Касалидан қутилгандан кейин у атрофдагилар учун анча бежавотир бўлиб қолганди.

У яна икки, уч йил бир тикилганда стулни жойидан қўзғатиш ёки қўғирчоқни ўйинга туширишга мажбур этиш, қўлини теккизмай туриб мандаринининг пўстини арчиш, бармоғини бурун тешигига тикиш орқали проигриватель пластинкасини алмаштириш билан овуниб юрди, сўнг болалар боғчасига бориш имконияти туғилиб, у ерда дўстларига қандай қилиб шифтда юришни кўрсатди. Аммо бунинг учун уни бошлаб жазолашди,— бурчакка турғазиб қўйишди. Карло шундай хафа бўлдики, у бундан кейин меҳрибон боғча опаси атайлаб унинг учун мўлжаллаб қўйган кичик латта парчасидаги тешикчаларга нина суқиб капалак расмини тўқиш билан шуғулланишга аҳд қилди.

У етти ёшида бошланғич мактабга ўқишга борди ва ўқитувчинининг столи устига ажойиб қурбақа намунасини моддийлаштириб қўйди. Бироқ ўқитувчи фурсатдан фойдаланиб сувда сузувчи ва қуруқда сакраб юривчи бу жониворнинг аҳамияти ҳамда ундан бўлган қайнатма шўрва қанчалик мазали бўлишини болаларга тушунтириб бериш ўрнига, навбатчини чақириб Карлони директор ҳузурига олиб боришни буюрди. Сийбор директор бўлса болага қурбақалар жиддий ҳайвон эмаслиги, қолаверса, у яна бир бор шундай ҳазил қилгудек бўлса, Қуёш системасидаги мамлакатларнинг ҳамма мактабларидан ҳайдаб юборишни айтиб, дўқ уриб қўйди.

— Лоақал микробларни ўлдира қолай,— ўтинди Карло.

— Йўқ! Бунинг учун докторлар бор.

Карло бу жиддий огоҳлантириш устида фикр юрита туриб, кераксиз қоғозларни ташийдиган кажавода очилиб турган атиргулни мужассамлантирди. Бахтига, у ўз вақтида кўздан йўқола қолди, директор ҳеч нарсани сезмади.

— Бўшсан,— деди тантанавор оҳангда директор, кўрсаткич бармоғи билан эшикни кўрсатиб (ишора бутунлай ортиқча эди, чунки хонада фақат битта эшик бўлиб, уни дераза билан чалиштириб юбориш амри маҳол эди)— бора қол, одобли бола бўл, ота-онангининг суянчиғи бўлиб етиш.

Карло директор хонасидан чиқиб кетди. У уйга бориб дарсини тайёрлай бошлади. Қараса, ҳамма вазифаларни нотўғри ишлаб қўйибди.

— Шунчалик аҳмоқсанки!— деди Чиччи, унинг уй иши дафтарига назар ташлаб.

— Ростданми?— деди Карло, қаттиқ севинганидан унинг юра-

ги қиндан чиқиб кетаёзди.— Наҳотки, менинг эсим пасайиб қолган бўлса?

У хурсанд бўлганидан стол устига олмахонни мужассамлаштирди, бироқ Чиччида шубҳа пайдо қилмаслик учун уни дарҳол кўздан йўқотди. Чиччи ўз хонасига кириб кетгандан сўнг у яна олмахонни пайдо қилиш учун ҳарчанд ҳаракат қилмасин, барибир ҳеч нарса чиқмади. У шунда денгиз чўчқасини, гўнг қўнғизни, бургани мужассамлантирмоқчи бўлиб ҳаракат қилди. Барибир ҳамма ҳаракатлари зое кетди.

— Қайтанга яхши бўлди,— хўрсиниб деди Карло,— демак мен ёмон одатлардан қутулибман.

Ҳақиқатан ҳам энди уни яна Карлино деб чақира бошлашди, қачонлардир бу нарсага эътироз билдирганини у эсдан чиқариб юборганди.

## ВЕНЕЦИЯНИ ҚУТҚАРИШ ЛОЗИМ ЕКИ БАЛИҚ БЎЛИШНИНГ ОСОНЛИГИ

— Аммо,— деди бир куни суғурта агенти синьор Тодаро, хотини синьора Дзанцегга,— сен газета саҳифаларида босилаётган маълумотларга эътибор бергин! Токно университетининг профессори Со Хио Со Хионинг фикрича 1990 йилда Венеция бутунлай сув остига чўкиб кетармиш. Сувдан фақат Сап-Марко қўнғироқхонасининг чўққиси чиқиб турармиш». 1990 йилга эса оз қолди. Фурсат ганиматда қочгани жой қидириш маъқулмасмикан?

— Қочиб қаерга яширишмоқчисан, азизим? Балким, Каверцердаги опамникига борармиз?

— Венециядан қочамиз дейсанми?— ҳайрон бўлди синьор Тодаро.— Ундан кўра, кел, балиққа айланамиз! Шунда шу ерда, сув остида яшайберамиз! Яна оёқ кийимини тежаймиз. Қани, чақир ҳамман!

Синьора Дзанце бир бақирганди, Сап-Паоло майдонда ўйнаб юрган болаларни унинг олдига келишди.— Бепи, Ране ва Нина. Кейин жияни Рина (ўша Каверцерда яшовчи опасининг қизи) келди. У дарвоза олдида туриб, ўтган-кетганлар орасидан ўзига муносиб қайлиқ танлаш билан банд эди.

— Гап бундай,— тушунтира кетди синьор Тодаро,— келинлар, балиққа айланиб, бўладиган экологик ҳалокатдан жон сақлаб қоламиз.

— Менинг балиққа ҳушим йўқ,— деди Бепи.— Менга кўпроқ гуручли товуқ гўшти ёқади!

— Бироқ,— эътироз билдирди синьор Тодаро,— унинг унга ҳеч қандай аҳамияти йўқ!— Шундай дея у ўглига қараб башарасини бужмайтирди.

— Аммо-лекин,— деб жавоб берди Бепи,— бу сенинг буйруқ беришни ҳаддан ташқари яхши кўришининг аломати!

— Бўпти, балиққа бўлса балиққа-да,— розилик берди Нина.— Хўш, унда қанақа балиққа айланамиз?

— Мен кит бўлишни хоҳлайман!— деди Нина дарҳол.

— Сенга нимчорак кам пкки қўйиш керак!— хитоб қилди синьор Тодаро.

— Ахир, кит балиқ эмаслигини наҳотки билмайсан. Ҳай, майли, балиқларни турларга ажратиш ҳақидаги зерикарли баҳсни аччиқичакдек чўзиб ўтирм ймиз.

— Бу билан нима демоқчисиз?— сўради синьора Дзанце.

— Нима дердим, ишга киришайлик дейман-да! «Ишнинг бошланishi — ярим битгани!», «Вақт кутиб ўтирмайди!», «Вақтнинг кетди—нақднинг кетди» деб бекорга айтишмайди-ку. Кетдик!

— Қаёққалигини билсак бўладими, азизим менинг?— ҳайрон бўлди синьора Дзанце.— Кеч кирди. Барча маданиятли венецияликлар уйларида ҳордиқ чиқаришмоқда, онаизорлар, яъниким онла фаришталари мириқиб телевизор кўришмоқда.

— Қўйсангиз-чи,— унинг сўзини бўлди синьор Тодаро,— ҳозир энг қулай пайт. Тез бўлинг! Шошилинг! Сафланинг! Қорииларни ичга тортиб, кўкракларни шиширинг. Олға томон — шагом марш! Бир дақиқа тўхтанг, ахир мен шлямани олайми?

Улар анҳор лабига келиб, бирин-кетин сувга тушишди ва балиққа айлана бошлашди.

— Олдинига сузиш учун зарур бўлган юзгичлар ҳақида ўйлашни маслаҳат берардим,— уқдирди синьор Тодаро.— Унг қўлда биттасини ўстириб олинг, иккинчисини эса чап қўлда ўстириш керак.

— Таггачалар-чи? Мен қайси рангдагисини танлай,— сўради жияни Рина.

— Балким, сиёҳранглиси маъқулдир, чунки ўзим малламан-ку?

Синьора Дзанце қизил рангли дум бўлишни хоҳлаб қолди, ammo у бошқа нарсани эслаб эридан сўради:

— Бироқ, Тодаро, эртага болалар ўқишга боришлари керак-ку?

— Хаёлингни бўлма, Дзанце, диққатингни бир жойга тўпла!

Лекин болалар ўзларида йўқ хурсанд эдилар. Олдинда турган кутилмаган каникулларни кўз олдиларига келтириб, оғизларидан сўлақлари оқди. Гранде канали кечкурун бамисоли бирон тарихий спорт кемалари пойгаси ўтаётган жойдек кўриниб кетди. Улар тирншқоқликларини икки баробар ошириб, саноқли дақиқалар ичида ўзларига биқинларидан ажойиб юзгичлар ўстириб чиқаришди. бирин-кетин юзгичлар енглари тагидан ҳам туртиб-туртиб чиқа бошладди.

— Не, мана бу яп-янги свитерларингизга нима бўлди?— афсусланиб сўради синьора Дзанце.

— Балли! Балли!— мақтаб қўйди синьора Тодаро.

Дарвоқе, унинг ўзи ҳам сувга костюмда тушганди, унинг ҳам енгидан юзгичнинг учи чиқиб турарди.

— Тагви тўсатдан митти балиққа айланиб қолсак-чи!— қўрқиб кетди Рина.— Катта балиқлар хап этиб ютиб юборишади-ку...

— Қўрқма,— тинчлантирди уни Рина.— Биз анҳорда энг катта балиқлар бўлиб оламиз ва ўзимиз ҳаммасини тинчитамиз!

— Мев гуручли товуқ гўштини маъқул кўрардим, — яна эслатди. Бепи, ҳар эҳтимолга қарши ўзини отасидан четроққа олиб.

Гранде каналининг тонги туманли бўлди. Канал трамвайчалари, моторли ва моторсиз қайиқлар гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга сузиб ўтарди. Синьор Рокко қалампир ортилган катта қайиғини бошқариб бораркан, бирдан сувда сузиб юрган катта балиққа кўзи тушди, балиқ илтифот ила бошидаги шляпасини хиёл кўтариб, у билан саломлашаркан:

— Шундай қилиб, суғурта қиласизми ё йўқми? Туманнинг қалинлигини қаранг! Бирортаси билан тўқнашиб кетгудек бўлсангиз, пулингиз ҳам, қалампирингиз ҳам шу ерда қолиб кетади! Болаларингизни ўйлаб қўйинг, аммо! — деди.

— Синьор Тодаро... Наҳотки бу сиз бўлсангиз? Бечора, сизни шаҳар соқчилари бу аҳволда кўриб қолишса борми, билмайман, нима бўлади! Гранде каналда чўмилиш ман этилганини сиз билмайсиз-ку!

— Мен чўмилиувчи эмасман. Мен суғурта агентиман.

Кичик кема, гондола ва моторли қайиқларда ўтиб бораётган одамлар сўзлаётган балиқни кўриш мақсадида унга қайрилиб қарардилар. Фақат биргина инглиз сайёҳи норози оҳангда тескари қараб тўнғиллади:

— Ё парвардигор, бу қандай кўргулик! Эғинда кул ранг костюм-у... бошида жигар ранг шляпа! Ақлдан озиниш мумкин!

Нафис санъат факультетининг талабаси, шунингдек, машҳур Тьеполо фрескалари ўймакорлик нақшлари билан безатилган вилла ҳамда донғи таралган итальян пишлоғи «речото» билан «амеренени тайёрловчи тўрт ферманинг меросхўри — падуанлик Себастиано Морозини исмли ёш йигитча Академия ёнидаги кўприк устида туриб қорақат мураббоси ортилган катта қайиқнинг сувда қолдираётган кўпикли изига хомуш қараб турарди. Ёш Себастиано графиня Новеллани севиб қолганди, лекин графиня козениалик иқтисод ва комерция фани докторини яхши кўриб, у билан бирга Мисрга жўнаб кетаётганди. Улар Янги йилни эҳромлар чўққисида кутиб олишади. Ёш Себастиано бўлса ўзини шу топда кўприкдан ташлаб жонига қасд қилишни, ёки олдинига яхшиси лояқил умрида бир маротаба очиқ кенгликда яшовчи итуанларни кўриш учун Балапагосск ороллариغا сайр қилиб келишни дилдан ўтказиб турганди.

Бирдан — тушими бу ё ўнгими? — сувда у хуш-хандон буралиб-эшилиб сузиб бораётган синьор Тодаронинг хотинининг опасининг қизи каварцерелик Ринани кўриб қолди. Қиз ўзининг олтин ранг сочлари билан йиғлаб кўришган бинафшаранг тангачасида шунақанги жозибадор ва латофатли бўлиб кетган эдики, қўяверасиз! Уни графиня Новелла билан таққослаб бўлмасди, чунки графинянинг сочлари водород ишқорига бўялган, буриш эса тўғрисиини айтганда, жуда бесўнақай ва узун эди.

— Синьорина, — дея мурожаат этди Ринага Себастиано ҳаяжонланиб, — сизни кузатиб қўйсам майлими?

Рина ёш йигитчанинг кўзи мовийлигини пайқадди, у машҳур Тъеполо бебаган вилланинг меросхўри эканлигини ички туйғу билан ҳис этди. Рина розилик билдиргандек кўзини сузиб кулиб қўйди. Сестриана ўйлаб ўтирмай ўзини сувга отди ва балиққа айланди, у гўзал Рина билан канал бўйлаб сайр қилар экан, унга ўзининг тўрт фермаси ҳақида бирма-бир сўзлаб берди. Шунингдек, у ўзининг графиняга бўлган бебахт севгисини ҳам ҳикоя қилиб берди, келгусидаги баъзи режалари ҳақида, масалан: кўрфаз сувини душанбада оққа, сешанбада — сариққа, чоршанбада — қизилга ва ҳоказо рангларга бўяшни, Италия, Австрия ва Югославияни бирлаштириб, Венецияни ягона давлат маркази этиш, минг саҳифалик роман яратиш, унинг ҳар бир бети нуқта ва вергуллардан ташкил топган бўлиб, унда бирорта ҳам ҳарф билан ёзилган сўз бўлмаслиги ҳақида гапирди. Унинг гапига жимгина қулоқ солиб турган гўзал Рина ўзини ниҳоятда бахтнёр сезарди.

Шу орада синьора Дзанце, Бепи, Нане ва Ниналар сузиб-сузиб Каннарежо районига бориб қолишди. Маҳаллий болаларнинг кўпчилиги соғлом мусобақага қизиқиб кетишиб, улар ҳам ўзларини сувга ташлаб, синьор Тодаро болаларидан балиққа айланиш усулини ўргана бошладилар. Ўргана олмаган баъзи бир болалар қирғоққа қайтиб чиқиб, кийимларини алмаштирганни ўйларига кетишди. Сувда қолганлари хурсанд бўлиб, янги туртиб чиққан юзгичларини силкиганларича қолишди.

Бироқ минг таассуфлар бўлсинки, бу манзарани уйининг равоида турган кекса муаллим кўриб қолди. Ўз ишлари билан шуғулланиш ўринга, нима бўлди-ю, ёғоч зўлдир ўйинчисининг бу тажаниг беваси бирданига болалар ҳақида ўйлаб қолса борми: «Шунча бола балиққа айланиб қолди, шўргинам курсин! Улар мактабсиз, китобсиз чаласавод бўлиб қолишади-ку, ахир болалар қўшимча топшириғи бўлмаган тарихни, географияни ва бошқа фанларни жуда яхши кўришади, ўша ажойиб диктантлар, яншолар ва эркин темаларсиз улар бир кун ҳам яшай олишмайди».

Кекса муаллима бу ҳақда ўйлагани сайин кўнгли ўксирди. Охири бўлмади, ўзини тутиб тура олмади, кўнглига хуш ёққан эски муаллимлик либосини эгннга илди, ёғоч зўлдир ўйини бўйича машҳур чемпион раҳматли эривинг расмини ўпди-да, ўзини каналга отди, сувга тушган заҳоти балиққа айланди.

— Болалар! Бу ёққа келинглар!— буйруқ берди юзгичларини қоқиб кекса муаллима.

Балиқ болалар боши оққан томонга, узоқроққа, Мурано, Бурано ва ҳатто Торчилло оролларига сузиб кетишни жуда-жуда хоҳлашарди. Бироқ уларга қарамай бўлгуси ўқувчи сифатида ўқитувчининг амрона буйруғига итоат этмай бўлмасди. Тўғри, улар шу заҳотнёқ бир-бирларини турткилаб, чақмачақарлик қилиб тилларини оғизларидан чиқариб масхаралаб, ўнликлар усулини машқ қила бошлаганди.

Ҳаммадан кўпроқ янги шароитда каникул абадий бўлади деб ўйлаган Бепи, Нане ва Ниналар хафа бўлишди. Синьора Дзанце қайганига жуда мамнун эди, чунки муаллиманинг болалар билан



шуғулланиб турганидан фойдаланиб у канал четида кўк ловия тозалаётган хотинлар билан суҳбатлашиб оларди. У ўзининг қизил думи билан хотинларни бутунлай маҳлиё қилиб кўйганди.

Эътиборга лойиқ воқеалар шаҳарнинг бошқа районларида ҳам юз берди, атрофдаги қизиқувчилар ундан фойдаланиб, синьор Тодаро ёнгиндан ҳаётини суғурта қилиш, ёмон балиқдан заҳарланиш ва ҳоказолар бўйича озмунча шартнома тузмади дейсизми. Бироқ у ҳаддан ташқари кўзга ташланиб иш кўрди. Каналда катта балиқ сузиб юрибди, у танишларини кўрганда бошидаги шляпасини хиёл кўтариб саломлашади, деган турли хил гаплар бекорчиларнинг, шунингдек синьор Тодаро ижарага олган квартиранинг ҳам хўжайинининг эътиборини ўзига жалб этди.

— Демак, сен ижара ҳақини шу усул билан тўламаслик йўлига ўтиб олибсан-да, номард!— деди ҳайрон бўлган квартира хўжайини.— Аммо сен мендан қочиб қутулиб бўпсан!

У шу заҳотиёқ ўзини сувга ташлаб, балиққа айланди ва синьор Тодародан саволига жавоб беришни талаб қилиб, ортидан сузиб кетди:

— Шундай қилиб, бу қирқ минг лирани қачон тўлайсан? Қачон? Қирқ минг лира-я!

Хўжаликка онд электр асбоблари сотувчиси пул сўзи қулоғига чалиниб, синьор Тодаро телевизорнинг навбатдаги тўловиши ҳалигача тўламаганини эслаб қолди. У ҳам ўзини кўприкдан сувга отди...

Каналнинг нариги томонида юрган бир руҳоний ёш Себастианонинг гўзал Рина билан қуюқ суҳбатлашиб сайр қилиб юганини кўриб қолди. Узоқни кўра билган, серҳаракат руҳоний балиқ бўлиб қолган ошиқ-маъшуқларнинг никоҳларини черковда ўтказма олимасликларини ҳамда уларга ёрдам зарурлигини дарҳол тушунди. У ҳам шу заҳотиёқ балиқ-руҳонийга айланди, янги балиқларга айланганларнинг руҳини кўтаришга қарор қилди. Айтилган нарса бўлмай қолармиди. Мана шу фариштанинг қанотларига ўхшаш икки сузгичини ҳаракатга солганча сузиб кетди. Қисқаси, кўрфаз борган сайин одам-балиқларга тўлиб бораверди.

Қичик Бепи саноқнинг ўнлик метрик усулнинг ҳисоблаб чиқаришнинг жинидан ёмон кўрарди. Миллиметрлар унга ҳеч нарса бермасди. Текстолитрлар ҳам унга бир чақа. Билишимча, ҳаммадан ҳам унга гуручли товук ёқарди. Мана шунинг учун ҳам у сув мактабини ташлаб, сув тагига шўнғишга ва у ерда бир ўзи ҳаловатда фикр юритишга қарор қилди. У ерда у нималарни кўрди дейсизми? Кўрфаз бутунлай ифлосланганининг шохиди бўлди. Сув остида юмшоқ қум ва майин балчиқ бўлиш ўрнига сопол бўлаклари ва сув ўтларидан ташкил топган беҳисоб ахлатлар уюми тоғтоғ бўлиб ётарди. Ҳафсала қилган одам уларнинг оғирлигини мунглаб куб метр, центнер, тонна ва мегатонналар билан ўлчашим мумкин эди, холос.

«Қаранг-а,— деб ўйлади Бепи,— ўнлик метрик усулларининг ҳамма балоси мана қаерда йиғилган экан! Сув нега бунчалик кўтарилиб кетганининг сабаби энди маълум бўлди. Чаноқларга

шунча исқирт нарсалар ташланса борми, нима бўлишини бир кўрадим!»

У кимни назарда тутаётганлигини аниқ билиб бўлмасди, аммо бизга буни аҳамияти йўқ. Лекин Бепи хабар беришга шошилди. У ўт ўчирувчилар катерини тўхтатиб, уларга сув остида кўрганларини куйиб-пишиб сўзлаб берди.

— Шунақа гаплар. Буларнинг ҳаммасига «бор отангга, бор онангга»чилик, сонсаларлик айбдор. Уларни йўқотинг, шунда ҳаммаси жойига тушади!

— Аммо,— хитоб қилди ўт ўчирувчилар бошлиғи,— балиқ эканлигининг исботловчи ҳужжатинг борми?

Унинг бундай савол беришини тушуниб тургандирсиз? Чунки у ҳазил-мазақ қилмаса туролмайдиган венециялик эди-да. Аммо кейин ҳатто Бепининг отаси ким деб суриштиришга ҳам ортиқча вақт сарфлаб ўтирмади. Ўт ўчирувчи дарҳол посбонларни йиғиб, юқорида айтилган «бор отангга, бор онангга»чиликни йўқотишга, канал остини тозалатишга киришди. Орадан бир неча соат ўтгандан сўнг кўрфаз тозалаш жараёнининг дастлабки ижобий натижалари сезила бошлади. Сув ости даҳшатли чиқиндилар юкидан қутулди ва каналда сув сатҳи пасайди. Ороллар, уйларнинг пойдеворлари, кўприклар, умуман бутун қирғоқ юзага чиқди. Венеция чўкиш хавфидан халос бўлди!

«Жаранг-журинг! Жаранг-журинг!»— кўнғироқлар байрамона бонг урди.

Синьор Тодаро оиласини йиғиб, уларга яна қайта ўзларининг илгариги ҳолларига қайтиб қирғоққа чиқишни буюрди.

— Балиқ қиёфасида юришнинг ҳожати қолмади. Энди биз яна қайта венециялик бўлишимиз мумкин. Баракалла, Бепи! Бугун кечқурувоқ бу кунни қовурилган қисқичбақа ва кальмаралар билан нишонлаймиз.

— Йўқ!— қайтариб ташлади Бепи, жаҳли чиқиб.— Мен гуручли товуқ хоҳлайман.

Ойиси, акаси ва опаси унинг гапини маъқуллашди. Гуручли товуқ таомига гўзал Рина билан Себастиано ҳам қаршилик қилишмади, улар тўйларининг эртасигаёқ Венециянинг иккинчи бўлаги бўлмиш Местрда, каналнинг нариги қирғоғидаги қуруқликда сайр қиладиган бўлишди.

— Ҳа, майли,— розилик берди синьор Тодаро,— гуручли товуқ бўлса бўпти-да!

У кредиторларидан қочиб қутулиш ниятида қадамини тезлатди.

## МАРКО ВА МИРКОНИНГ ШАЙТОН БИЛАН ҲАЗИЛИ

Эгизаклар Марко билан Мирко, мен бу номларни икки қайта тилга олдим (бошқа энди қайтармайман) икки томчи сувдек бир-бирига ўхшарди. Аммо уларни фарқлаб олиш қийин эмасди, чунки Марко доимо ўзи билан оқ дастали болғачани, Мирко эса — қора дасталигини олиб юрарди.

Бир куни Марко билан Мирко уйда ўзлари қолиб дарсларини тайёрлашарди. Улар «Шайтон ҳақида нима биласиз?» деган мавзуда нншо ёзишлари лозим эди.

Эгизаклар дафтарларига «Иншо» сўзини чиройли қилиб ёзишиб, бу ёнига нима қилишни билмай ўйланиб қолишди.

— Хўш, биз шайтон ҳақида нималарни ёзишимиз мумкин?— сўради Марко.

— Айтайлик, у аҳмоқ!— таклиф этди Мирко.

— Бўпти!— уни маъқуллади Марко.— Фақат негалигини исботлаш керак.

— У аҳмоқ, чунки товаларни қопқоқсиз ясайди.— тушунтирди Мирко.

Улар бу ақлли фикрни ёзишга киришдилар, «чунки» сўзини ёзишди-ю, ундан олдин вергул қўйишни унутишди. Шу пайт ошхона томондан ғалати товуш эшитилди, худди биров болга билан темирга: «жаранг-жаранг-жаранг!» ураётгандай бўлди.

Болалар оёқларини қўлларига олиб ошхонага югурдилар ва у ерда ўз иши билан шуғулланаётган шайтонни кўрдилар.

— Энди мен сизларга кўрсатиб қўяман!— дўқ қилди шайтон.— Кўрдиларингми, мен това ясадим, энди унга қопқоқ ишлялман. Хуллас, аҳмоқона сўзларни ёзишни тўхтатишингизга тўғри келади!

Бу ўртача катталиктаги, тўғрироғи, унча баҳайбат бўлмаган шайтон эди, аммо унинг шохидан чиқётган тутун, думи билан полга қаттиқ-қаттиқ уришига қараганда жуда жаҳлдор эканлиги кўриниб турарди.

— Мана шу товага сизларни ўтқазаман,— давом этди шайтон,— қопқоғини ёпаман-у, қовураман-қўяман!

— Қўлингдан келмайди.— жавоб қайтарди Марко.

— Овора бўласан,— қувватлади Мирко.— Бугун газчилар иш ташлаган, газ ёнмайди.

— Газчиларингга қараб ўтираманми!— деди шайтон.— Менга олов керакми, ўзимда топилади!

— Бундан чиқди, сен ҳали сотқин ҳам экансан!— жаҳллари чиқиб жеркиб беришди эгизаклар.

— Мана, бўлди!— деди шайтон.— Това ҳам, қопқоқ ҳам тайёр!

— Текшириб кўрамиз,— таклиф этди Марко ва қўлидаги болғачаси билан товага бир солди. Қопқоқ «жаранг!» деганча чапоққа бориб тушди.

— Қопқоқ бошқача жаранглаши керак эди: «Жаранг!» эмас, «Варанг!» дейиши керак эди,— жаҳли чиқди Мирконинг. Иккинчи нав темирдан ишлангани шундоқ билиниб турибди. Энди тованинг қандай жаранглашини эшитамиз.

У болғачаси билан товага бир туширган эди, идиш «Жаранг!» ўришига «Жиринг» деган овоз берди. Бу қандоқ гап ўзи! Келиб-келиб ҳали мана шулақа сифатсиз, қалбаки товада қовуриламизми? Чучварани хом санабсан, шайтон!

— Шошмай туринглар, ҳали кўрамиз!— деди шайтон това билан қопқоқни қўлига олар экан.

— Нимани кўрамиз?— сўради Мирко.

Шу орада болгачалар ўз ишларини бажариб, эгалари қўлига қайтиб келганди, чунки болгачалар уртўқмоққа ўхшаб, қўлга ўргатилганди-да!

— Сизларнинг товада қанақа қовурилишингизни кўрамиз!— деди шайтон ва ўша заҳоти гапирган гапига пушаймон еди, чунки у жуда танг аҳволда қолганди, болгачалар бирин-кетин келиб унинг шохига шунақанги урила бошладики, худди уни калласининг ичига киргизиб юбориб, қайта чиқмайдиган қилиб қўймоқчидай туюларди. Азбаройи зарбанинг зўридан шайтоннинг кўзларидан чарс-чурс учқунлар сачрай бошлади.

— Вой-дод, вой-дод, вой-дод,— деб бақира кетди у.

— Фарёдинг чакки эмас,— дейишди Марко билан Мирко.

— Шу ҳам ҳазил бўлдим! Сизлар қўрқувдан дарахтдаги кузги баргдай қалтирашларинг, тиз чўкиб йиғлашларинг, менам узи сўрашларинг лозим эди. Қўйсаларинг-чи, валлоҳи аълам, бу болгачаларингни, ҳозир бошим тарс ёрилиб кетади! Вой, вой, вой!

— Таслим бўлдингми?

— Бўлдим!

— Отинг нимаиди?

— Шайтони ражим.

— Учир қорангни, бераҳм!

Шайтон дарғазаб бўлганидан жойида бир депсинди-ю, кўздан гойиб бўлди. Марко билан Мирко кичиккина дуднинг худди сунуридан қочиб кетаётган мингоёқдай полга тўшалган кафеллар орасидаги тешикка кириб кетаётганини кўриб қолишди холос.

Шайтон ўз бошлиғи ҳузурига кириб, унга ахборот берди:

— Мен сизга айтсам, гап бундай, хўжайин, эгизаклар Марко билан Мирко шайтонларни зиғирча ҳам ҳурмат қилмас экан.

Жаҳлдор бошлиқнинг юзлари қип-қизил бўлди. Унинг қўл остидаги шайтонларнинг сони бошидаги соч толасидан ҳам кўп эди. У толалардан биттасини юлиб олганди, ҳузурда бошқа шайтон пайдо бўлди.— У фалон кўча, пистон уйдаги зумрашаларнинг яхшилаб адабини бериб қўйишга топшириқ олиб, Ерга командировкага жўнади.

Худди шу пайтда Марко билан Мирко нишо ёзишда давом этишарди.

— Энди бу ёғига нима деб ёзамиз?— сўради Марко.

— Бор ҳақиқатни,— таклиф этди Мирко,— нимани кўрган бўлсак, шунини — катак иштонли шайтон!

Улар бу тарихий жумлани ёзиб улгуришмаган ҳам эди, кимдир эшикни тақиллатди: «Тақ-тақ-тақ».

— Ким?

— Бу мен, шайтонман!

— Бояги шайтонмисан ё бошқасимисан?

Шайтон жавоб қайтариш ўрнига эшик қулфининг тешигидан шувиллаб ичкарига кирди, лекин полга оёғи тегиши биланоқ у дулигидап тутун чиқиб турган катта овчарка итга айланди. Бир-икки ҳуриб қўйди-да, сўнг кўзлари ёниб турган бойқушга айланди.

дя. Учиб бориб қандилга қўйганди, хонани нурга тўлдириб турган қандил ўчиб, хона зимистонга айланди, қоронғуликда фақат бойқушнинг бир жуфт кўзигина чақнаб турарди.

— Хўш, бу ёғи илма бўлади?— сўради Марко билан Мирко.

— Нахотки, кўрмаётган бўлсангиз?

— Тирноқча ҳам. Чунки сен олабўжини эсламадинг-да.

Бойқуш қандилдан ерга учиб тушди ва сўйлоқ тишлари тиржайган аждаҳога айланди, ҳар бир тишидан учқун сачарди.

— Яна кўрқмаяпсизларми?

— Зигарча ҳам! Сен яна олабўжини эсдан чиқардинг. Ахир биз сенга ҳозир эслатдик-ку! Тишларинг узун экан-у, ақлинг қисқа экан-да.

— Унда,— дейди шайтон,— мен сизларни қопга солиб, олиб кетаман.

— Олиб кетиб бўлсан!— деб жавоб қилди Марко.— Ойимлар уйдан чиқишга рухсат бермаганлар, биз шунақа мўмин-қобил болалармиз.

— Шунинг учун биз ҳозироқ тишларингни бир ёқлик қилишга киришамиз,— қўшимча қилди Марко.

Болғачалар бир зумда керакли томонга қараб йўл олиб, ишни бошлаб юбордилар. Аждаҳоннинг узун тишлари майда-майда бўлакларга бўлиниб, ерга жингирлаб тўкилди. Худди товага тушган қўй ёққа ўхшаб, аввал бир оз вишиллаб турди-да, кейин эриб кетди. Шайтоннинг ўзи бўлса пашшага айланди ва учиб бориб дераза раҳига қўнди.

— Энди қўлларингдан ҳеч нарса келмайди!— деди у.— Болғачаларинг билан ойнани ура олмасаларинг керак.

— Амакимиз — ойначи,— изоҳ берди унга Марко.

— У бизга ойнани текинга қўйиб беради,— қўшимча қилди Мирко.

— Ҳали амакиларинг ойначими? Вой шўрим қурсин!— Фарёд уриб юборди шайтон ва панжаси билан ойнани бир урди-ю, кўздан ғойиб бўлди, унинг ўрнида ойнада катталлиги пашшадай келадиган бир қора доғ қолди, холос.

Шайтон ўз хўжайини олдига қайтиб келиб унга бўлган воқеани сўзлаб берганди, бошлиқнинг жаҳли чиққанидан уни парча буриш қилиб ташлашга сал қолди.

— Ҳаммангиз бир гўрсиз, кўрқоқсиз!— бақира кетди у, тирноқ ва бурнидан тутун чиқиб.— Энди ўша ёққа ўзим борганим бўлсин! Мен сизларга кўрсатиб қўяман қандай қилиб иш кўришни, галварслар!

Марко билан Мирко дарс тайёрлашда давом этишарди. Улар дафтарларига чап қўл билан шундай сўзларни ёзишарди (чунки ун қўлларида болғачаларини ушлаб ўтирардилар-да): «Шайтон болалардан жуда кўрқди!»

Шайтон-бошлиқ уларнинг ҳузурига кичик расм шаклида худди дафтарлари юзида пайдо бўлди. Сал галати эди-ю, лекин расмдайин расм эди,— у кўзини қисар, ундан олтингугурт исси келар ва қаттиқ-қаттиқ ҳуштак чаларди. Кейин шайтон-бошлиқ даф-

тардан сакраб тушди-да, бўйи уч метр, эни худди диван энидек келадиган чинакам шайтонга айланди. У бир қўли билан Маркони, иккинчиси билан Миркони ушлаб олди, болаларни болгачаларидан маҳрум қилиш учун унинг думигина қолганди.

— Қандай беадаблик-а!— дейишди бараварига қичқиршиб эгизаклар,— бировнинг уйига рухсатсиз кириб бўларканми?! Биз дадамингга айтиб берамиз.

Шайтон эгизакларни қулочида кўтариб турарди, уларни яхшилаб кўздан кечириш ниятида кўзига яқинроқ олиб келди.

— Кўзларингиз қизил-ку,— дейди Марко.— Сизга альбуцид айни муддао бўларди!

— Мен бўлсам сизга яхши дезодорантни таклиф этган бўлардим,— қўшиб қўйди Марко.— Унданам кўра, тез-тез душда чўмилиб турсангиз яхши бўларди. Сиздан куйинди ҳиди буруқсиб турибди.

Шайтон хохолаб кулиб юборди:

— Мен сизларни паст оловда қовурган чоғимда сизлар менга яна қандай маслаҳатлар берар экансизлар, эшитиб кўрайлик-чи! Шу пайт қулф шикирлаб, эшик очилди ва қўрқинчли овоз деди: — Олабўжи келди!

Шайтоннинг жон-пони чиқиб кетди ва Марко билан Миркони болгачалари билан бирга қўйиб юборди.

Ким бўлди гапирган? Наҳотки! Бу синьора Де Мажистрис-ку, қўшини хотин ундан Марко билан Миркони ота-онаси болаларидан хабар олиб туришни илтимос қилишганди. У болаларга бирор нарса керак бўлиб қолмадимикин, чинчиларни ҳаддан ташқари кўп синдириб ё биронта жавоннинг абжағини чиқариб қўйишмадимикин деган ўйда хабар олгани кирганди.

Синьора Де Мажистрис диван ортига яширинган шайтонга кўзи тушди-ю, дарҳол супургига ёпишди:

— Сиз ким бўлдингиз? Дарҳол чиқинг у ердан!

Шайтон супургини кўриб терисига сиғмай кетди. У синьора Де Мажистрисни жодугар деб ўйлаганди. Яширинган жойидан чиқди-да, яна устунликни эгалламоқчи бўлди. Аммо болгачалар бунга йўл қўйишмай, бўрсиқнинг боласидай дўппослашга киришишди, оқ дасталиги думига, қора дасталиги шохига тушираверди.

— Жон синьора!— ялина бошлади шайтон оғриқдан афти-башараси қийшайиб.— Буларни инсофга чақирсангиз-чи!

— Бўлди, бўлди қилинглар, болалар!— деди синьора Де Мажистрис.— Тинч қўйинглар, бу бечора шайтонни! Менимча, у ҳеч қандай ёмонликни ўйлаётгани йўқ. Умуман олганда, кимдаким кечирим сўраса, унга нисбатан бундай муомила қилиш ярамайди. Аксинча, ёрдам қўлини чўзишга ҳаракат қилинг, бир бурда қотган нон ёки ясама сариқ чақа садақа қилиб юборинг.

— Раҳмат, синьора,— деди шайтон,— жуда тўғри айтдингиз.

Марко билан Мирко шайтонни ўз ҳолига қўйишган заҳоти у кўздан ғойиб бўлди-қўйди. Синьора Де Мажистрис ҳатто сезмай ҳам қолди, чунки у шайтонга ошхонадан қолган овқатни олиб

келгани кетган эди. У товукнинг ичак-чавоқларини кўтариб қайтиб келди-да, ҳайрон қолиб:

— Кетдимми? Уни ҳайдаб юбордиларингми?.. Кўзимга бу шайтон бинойидек кўринганди! Ҳай, майли, мен ҳозир сизга «Қизил Қалпоқча» ҳақидаги эртакни айтиб бериб, кўнгилларингизни ёзаман,— деди.

Марко билан Мирконинг ранги қув оқариб кетди. Улар бами-соли электр токи ургандай қўрқиб, баданлари жунжикиб кетди.

— Йўқ!— эътироз билдиришди эгизаклар.— Худо хайрингизни берсин, айтманг, кераги йўқ! «Қизил Қалпоқча» ҳақида эшитишга тоқатимиз йўқ.

— Нимага энди?— ҳайрон бўлди синьора Де Мажистрис.— Шундай яхши эртакни-я. Мен болалигимда уни жуда яхши кўрардим. Шундай қилиб, бир бор экан, бир йўқ экан, бир қизча бўлган экан...

Марко билан Мирко қўрқувдан бир-бирларига ёпишиб олишди. Улар ҳар гал «Қизил Қалпоқча» ҳақидаги эртакни биринчи бор тинглаётгандек ҳис этардилар. Ҳатто биринчи бор эшитгандигидан ҳам кўпроқ қўрқардилар. Чунки дастлабида саҳнада ёмон бўри қачон пайдо бўлишини билмас эдилар-да... Энди бўлса, билишди. Бу қўрқинчли бўри қачон пайдо бўлишини аниқ билишди... Ҳатто шу ҳақда ўйлашса ҳам юраклари ёрилгудек бўлади.

Синьорина Де Мажистрис бўлса ҳеч нарсага қарамай эртакни айтаверди. Мана, Қизил Қалпоқча онаси билан хайрлашиб, сўқмоқ йўлдан югуриб боряпти, мана, у қоронғи ўрмонга кириб боряпти... Мана, буталар орасидан. ...Ҳа-я, худди шундай бўлди— даҳшатли бўри кўринди! Марко билан Мирко қўрққанларидан тишлари тақирлаб, дағ-дағ қалтирашарди, раҳм қилишни сўраб, диван остига кириб кетишди. У ерда бир-бирларини қучоқлаб, нафасларини ичига ютиб, жим ётаверишди. Уларнинг болғачалари эса худди эслан чиққан матоҳдай бири у ерда, бири бу ерда ётарди.

— Бўлди! Бўлди!— деб ёлвора бошлашди охири эгизаклар.

Аммо синьора Де Мажистрис уларнинг ялинган овозини эшитмасди, чунки у фақат ўзининг овозига эътибор беради. У болаларни кўраётгани ҳам йўқ эди, чунки унинг бутун диққати тўқибётган игнасига қаратилганди. Синьор Аугусто билан синьора Эменда уйга келганларида қўшни хотинни шу аҳволда кўрдилар. Олдинга уларнинг кўзи болаларга эмас, уларнинг оёқ кийимларига тушди, ундан бошқа ҳаммаси диван остига яширинганди.

— Оббо сизлар-ей, мана қаерда экансизлар, шайтонваччалар!— эркалатиб деди синьора Эменда.

— Қани бу ёққа чиқинглар-чи, тирмизаклар!— қувноқ оҳангда қўшиб қўйди синьор Аугусто.

Марко билан Мирко диван остидан шоша-пиша чиқиб, онасининг калта юбкасига маҳкам ёпишиб олишди,— энди улар қўрқувдан халос бўлишганди. Онаси мамнун жилмайиб, эркалаб қўйди:

— Ширин болаларимдан ўзим айланай!

## ЧИВИТАВЕККЪЯЛИК ПОЧТАЧИ

Рим яқинидаги Чивитавеккья шаҳарчасини шаҳар деса ҳам бўлаверадди, чунки у деярли катта шаҳар эди ва ҳатто кемалар тўхтайдиган порти ҳам бор эди — у ердан ҳамма кемалар Сардиния томонга қараб йўл олардилар. Шаҳарда почтачи дегандан кўни йўқ — улар ўн иккитадан ҳам ортиқроқ. Почтачиларнинг ичида энг ёши Грилло бўлиб, бунинг маъноси чигиртка дегани. Унинг тўлиқ исми аслида Анжелони Жан Готтардо эди, лекин почтачилар орасида у Троттино номи билан машҳур, чунки у доимо «тротта» усулида, яъни лўк-лўк қилиб юрарди. Лекин шаҳарликлар уни Грилло деб аташарди, чунки бу лақаб унинг бувасидан қолган эди.

Грилло шунчалик ёш эдики, ҳатто ҳали рўзгор ҳам кўрмаганди. Тўғри, унинг Анжела исмли жуда ҳам келишган севган қизи бўлиб, у спортчи эди. Грилло ўзини Тернана командаси тарафдори ҳисобларди, чунки унинг отаси ўша ерда туғилиб ўсганди-да. Қиз бўлса, футбол ўйнини жинидан ёмон кўрарди, у ёлғиз Гриллони севарди.

— Сен Чивитавеккьядаги энг яхши почтачисан! — деди у. — Чивитавеккья нима бўлибди, бутун Тиррена бўйича энг зўр почтачисан! Шундай оғир сумкани бирор одам сенга ўхшаб кўтариб юриб кўрсин-чи. Сен телеграммани олиб келганингда, уни шунчалик тез топширасанки, эгаси уни жўнатган кунидан бир кун илгари олгандай бўлади.

Анжела Гриллони шу даражада қаттиқ севардики, ҳатто у ёмғирда қолган кезлари унинг ивиган соябонини елпигич билан елиб қуритиб берарди.

Грилло асосан посилкалар бўлимида ишларди. Унинг учун посилкалар билан ишлаш ҳам иш бўлибдими? Бу унга чўт эмас! У елкасига йигирматача яшикни тахлаб кўтарарди-да, ҳазил-ҳузул билан бутун шаҳарни айланиб, тарқатиб чиқарди, шунда ҳам чарчадим демасди, баданидан бир қатра тер чиқмасди. Шу бовсдан ҳам унинг дастрўмоли доимо покиза юрарди, совун пули ҳам ёнга қоларди.

Бир кун эрталаб посилкалар ўрнига почтачига бир бочка винони олиб боришни буюришди. Бочка бўлганда ҳам зил-замбияни! Ўзингиз инсоф билан ўйлаб кўринг: винонинг қуввати нақ 14 даража-я! Грилло бочкани мопедининг рул томонига ўрнаштирди-да, ҳайт деб йўлга чиқди. Бир вақт йўлда бензин тугаб, мопед тўхтаб қолди. Шунга ҳам ота гўри қозихонами! Грилло бочка оғзига бошмалдоғини тикиб, уни даст кўтарганича эгасига олиб бориб, топшириб келди.

Почтага қайтиб келиши билан уни бошлиқ чақирди:

— Хўш, мен сенга айтсам, шунақа гаплар. Айтмоқчи, бу қандай гап! Бочкани бир бармоғинг билан кўтарибсан-у, бармоғинг ҳатто майишмабди ҳам.

— Э, бу ҳали биттагина бочка экан-ку, хўжайин. Бу ёғини сўрасангиз, мен ҳақиқий қийинчиликларга ўрганганман. Ахир, бўй-



нимда каттагина оилани кўтариб юраман — ойим, бувим, икки холам, иккиси ҳам қари қиз ва етти ака-укам: Ромул, Рем, Помпилий, Туллий, Тарквиний...

— Бўлди, бас! Бу сен Рим императорларининг исмларини айтаяпсан-ку?

— Худди шундай. Рим — ҳар ҳолда пойтахт. Отам эса ажойиб фидойилардан бўлган.

— Менга қара, — деб сўзида давом этди бошлиқ, — нега сен спортнинг бир оғирроқ тури билан шуғулланмайсан? Жаҳон чемпиони бўлишинг мумкин-ку.

— Шундай деб ўйлайсизми?

— Мен ҳар доим ўйлайман. Узинг қачон ўйлаб кўрасан?

— Бугун ярим тунда, ўн тўққизу ўттизда.

Грилло ўн тўққизу ўттизда Анжела билан учрашди ва у эндиликда оғир вазнли атлетчилар тарафдори бўламан деб хурсанд бўлиб гапирди.

— Аммо буни сир сақлаш керак, — маслаҳат берди Анжела. — Машқларни фақат кечаси ўтказишинг лозим. Сен спорт майдонида қутилмаган воқеа бўласан! Қўққисдан ҳаммасини енгиб, дарҳол машҳур бўлиб кетасан. Сендан радио интервью олади, сен ҳам қайлигинг борлигини, исми Анжела эканини айтасан!

Улар шунга келишишди. Кун ботиши билан Чивитавеккьянинг барча аҳолиси уй-уйларига кириб, телевизорлари қаршисида ўтириб олдилар (ҳамма ерда шундай қилишади: Милан, Нью-Йорк ва Фортлиппополияда ҳам), Грилло машқларни бошлаб юборди. Дастлаб у оғирлиги икки центнер келадиган киминингдир япон мотоциклни, кейин — кичик метражли автомобилни, сўнг — бахайбат «КАДИЛЛАК»ни ва ниҳоят — бутун бошли автофургонни прицепи билан бирга кўтарди.

— Сен Мачистедан ҳам кучлироқсан! — қайд этди Анжела, жуда хурсанд бўлиб.

Мачисте — портда ишловчи ҳаммол бўлиб, болтлар тўлдирилган қутини бир қўлда бемалол кўтарарди. Бунинг устига унинг қарамогнда бувиси бўлмаган, ака-укаларининг миқдори бор-йўғи иккитагина эди. Бўйнида «олахуржун» йўқ.

Эртасига эрталаб хўжайини Гриллони яна ҳузурига таклиф этди:

— Хўш, ўйлаб кўрдингми?

— Ҳа. Ўн тўққизу ўттиздан то ўн биру ўн бешгача ўйладим. Аммо ҳозирча сир сақлаб турибман. Хоҳласангиз, ярим кечада келинг, кўрасиз.

— Тўғрисишни айтганда, ярим кечада ҳеч нарсани кўриб бўлмайди.

— Қайлигим ўзи билан чўнтак фонарини олиб боради.

Улар ярим кечада портга бориб қайиқ олишди. Анжела Гриллони кучини аяб, эшкакни ўзим эшаман, деб туриб олди.

Бошлиқ тўнғиллаб:

— Шуюм иш бўлди-ю... Биз кит овлаб, кит кўтаргани кетаётганимиз йўқ-ку! — деди.

Грилло битта трусикда ўзини сувга ташлади ва Туркия байроғи остидаги 1500 тонна сув сиғимига эга бўлган юкчи кема ёнига сузиб борди.

— Хўп-па! — деди-да, у кемани парраги кўрингунга қадар кўтараверди. Кемада турганлардан кимдир нимадир деб туркча бақирди, лекин Грилло туркча бирорта ҳам сўз билмаганлиги учун сукут сақлади.

— Сийёр бошлиқ, кўрдингизми?! — хитоб қилди Анжела ва чўнтак фопарини ўчирди.

Бошлиқ хурсанд бўлганидан кийим-пийими билан ўзини сувга отди. Гриллони қучоқлаб, уни чўктириб юборишига сал қолди. Бахтига Анжела ўзи билан бирга олиб келган портативлик ярим ўтказгич соч қуритадиган билан бир зумда иккала эркакни, бошлиқнинг уст-бошини, шу жумладан, костюмининг кўкрак чўнтагидаги оқ дастрўмолини ҳам қуритиб берди.

— Сен барча почта ва телеграфлар фахри бўласан! — тантавор деди бошлиқ. — Бу борада соқов бўлиб юришингни маслаҳат берардим. Сен фавқулодда чемпион бўлмагунингча, ҳеч ким ҳеч нарсани сўнгги дақиқагача билмаслиги керак. Сендан радиога интервью олишади, ўшанда бундай чемпионни ким тайёрлади деб сўрашади, шунда сен: меннинг бошлиғим доктор Фалончи бўлади дейсан!

— Сўзингнинг охирида, қайлигим бор, исми Анжела, деб қўшиб қўясан! — деди Анжела орага суқилиб.

— Мен шундай десам бўлаверадими? — сўради Грилло хўжайинига юзланиб.

— Албатта, мумкин! — жавоб берди Анжела.

Кейинги тунда гўё Гроссетого жўнашаётгандек бўлиб, улар хуфёна тарзда марказда машқ ўтказгани Римга келиб тушишди. Грилло Колизейни пойдевор-мойдевори билан қўпориб кўтарди-да, яна авайлаб жойига қўйиб қўйди.

— Одам деган ҳам шунақа шошқалоқ бўладими? — хафа бўлди бошлиқ. — Мен кўролмай ҳам қолдим. Бирам эпчил бўлиб кетгансанки.

— Э-с, хўжайин, қарамоғингда онанг, бувинг, икки холанг, — иккиси ҳам қарн қиз ва етти ака-уканг бўлгач, эпчил бўлмай ҳам кўр-чи.

— Бундан ташқари, ўзининг бошини иккита, оёғини тўртта қилиш гамида юрибди, — қўшиб қўйди Анжела.

— Мана шунисига унчалик тушунмай турибман, — деди бошлиқ Анжеллага пичирлаб. Бу пайтда Грилло фаввора сувида қўл юваётган эди.

Шундай гўзал, бўйи бир метру етмиш уч сантиметр, оғирлиги вазнлик тўрт килограмм, жозибадор мовий кўзли, ипак сочли қиз бориб-келиб одам қуригандай аллақандай шўринг қургур бир почтачини севиб қолса, бунинг устига гарданида шундай катта ойна бўлса!

— Билиб қўйинг, — жавоб қилди унга Анжела, — мен ҳам оғир шплетника билан шугулланаман. Агар оғзингиздан яна шунга ўх-

наш бирон гапли эшитиб қолсам, мен сизни Константино пештоққа ўтқазиб қўяман, ана ундан кейин додингизни худога айта-веринг...

— Мен сенга ҳеч нарса демадим, сен ҳам ҳеч нарса эшитмадинг!— шу заҳоти рози бўлди бошлиқ.— Кел, чемпионимиз ҳақида ўйлайлик. Икки ҳафтадан сўнг жаҳон чемпионати бошланади. Мен унда Гриллонинг қатнашишига маблағ ажратаман.

Бўлғуси чемпион яна бир оз машқ қилди. У қайлиғи ва бошлигининг «ҳайбаракалла»си билан қаторасига этрусларнинг мақбаралариши, Монтеранодаги канал харобаларини, Больсена кўлидаги оролни, Сораттедаги тоғни, Черветеридаги ҳукумат вино омбори ва ҳоказоларни бирин-кетин кўтарди. Қисқаси, машқлардан кўнгли тўлиб, Александрияда ўтказиладиган жаҳон чемпионати бошланишини кутишга қарор қилди.

Бошлиқ Анжеланинг йўлқирасини ҳам ўз зиммасига олди. Анжела ҳусни жамоли билан кемадагиларни лол қолдирди, унинг синглиси ҳам бормя деб сўраб-сурштирмаган, унга ўйланишга хоҳиш билдирмаган бирорта матрос қолмади.

Грилло анда асабийлашди. У ўзини ўша жўнатилишидан бир кун илгари олиб борган телеграммаси кундек ҳис қиларди, яъни ўзини қўйрга жой тополмай, типирчилайверарди.

— Ўзингни бос, — маслаҳат берди бошлиқ, — сен бутун Куёш системасидаги энг кучли оғир вазини атлётсан. Фақат шошқалоқлик қилиб, ҳамма нининг пачавасини чиқариб қўйма тагин.

— Яхши, сиёёр бошлиқ, — тўнғилади Грилло, — мен вақтни беҳуда сарфлашни ўрганмаганман, бу кема эса Мисрга шошилмаяпти, чоғи.

Лекин кема барибир Мисрга етиб келди. Александрияда спортсменлар тушиб, меҳмонхонага йўл олишди.

Бошлиқ билан Анжела Гриллога:

— Сен ўзингни босиб олиш учун бир оз пинак отиб, дам олишинг керак. Биз унгача спорт залини кўздан кечириб чиқамиз, ҳамма нарса жойидами, бирор фирибгарлик аломати йўқми, текшириб кўрамиз...

Грилло ухлагани кетди. Аммо у уйқусида шундай шошилдики, бугун эмас... кеча уйғонди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун у календарга қаради, бугун кун душанба эди, ҳолбуки улар Александрияга эртага, яъни сешанба кунни етиб келишганди.

— Шундай бўлиши кўнглимга келувди-я,— мушоҳада қилди у, — энди ўз вақтида туриш учун икки баробар секин ухлашимга тўғри келади.

Грилло яна уйқуга кетди, бироқ ундан ҳам юз чандон шошилиб ухлади ва у эрамиздан уч ёки тўрт аср илгари уйғонди. Кўзини очиб қараса, саҳрода ётганмиш, чунки у замонларда айнан шу жойда меҳмонхоналар бўлмаганди-да. Унинг рўпарасида қадимги миср кийимида бир нотаниш одам турарди. У Гриллодан:

— Квек, квак, квак ва квак? — деб сўради.

— Ҳеч нарсани тушунмадим, — одоб билан жавоб қайтарди Грилло. — Биз Чивитавеккьяда бошқа тилда сўзлашамиз.

Нотаниш одам яна бир неча бор ўз сўзини қайтарди: «Квик! Квик!» — кейин икки қулни чақиртирди, улар Гриллони кўтариб, қадимги Миср либосидаги одамлар билан лиқ тўла қайиққа олиб боришди ва унинг қўлига эшкакни тутқазди.

— Квик! — деб буюрди қайиқ хўжайини.

— Бу сўзини тушундим, — деди Грилло, — бу, эшкакни эш дегани!

У эшкакни эша бошлаши билан қайиқдаги бошқа эшкакчилар орқада қолиб кетиб, эшкакларини сувдан олишди — уларнинг хизматига муҳтожлик қолмаганди. Биргина Гриллонинг эшкак эшиши қайиқни Нилдан пастга қараб камон ўқидек учириб кетди. Тимсоҳлар қўрқанидан ўзларини дуч келган томонга урдилар, хўжайини ҳаддан ташқари хурсандлигидан ақлдан озди ва уни боғлаб қўйишга тўғри келди.

Бу орада Грилло уни миср эҳромлари қурилишига олиб кетиш аётганини пайқаб қолди. Бир оз ёрдамлашиб юборишга. Кўп ўтмай унинг тахминни тўғри чиқди, чўлда қуриб битказилмаган эҳром кўринди, унинг атрофида мишгаб қул баҳайбат тошларни базур судраб борарди. Қулларнинг тепасида фиръавининг ўзи турарди. У ўз котибига ҳалиги таниш: «Квик! Квик!» сўзини бақириб айтарди. Бироқ фиръавининг жаҳли чиқаётгани аниқ сезилиб турарди, чунки иш ҳаддан ташқари суст кетаётгани-да. Фиръавининг котиблари ўтакалари ёрилиб, дуч келган панага бекиниб олишганди — улар бошларидан на бош билан бирга қулоқларидан жудо бўлишдан қўрқардилар.

«Мен, албатта, ёрдам бера оламан, — ўзинча ўйлади Грилло, — бу менга чўт эмас. Аммо фақат тушгача, холос. Кейин авф этасиз, хайр-маъзурни насия қилишга тўғри келади, риведерчи!»<sup>1</sup>

У белини маҳкам боғлаб ҳам ўтирмади, хўппа деди-ю, баҳайбат тошларни азот кўтарди. Шу десангиз ҳар қўлида ўнтадан тош! Халқ уни ўраб олиб бир овоздан: «Ойле! Квик!» — деб бақирарди. Фиръави бўлса ҳайрон қолганидан ҳушидан кетиб йиқилди, уни ўзига келтириш учун буринга ўлик мушукни тутиб келиб, ҳидлатишга тўғри келди (Фиръавилар одатига кўра шундай қилинган).

Орадан икки-уч соат ўтмасданоқ эҳром қурилиши ниҳоясига етди. Албатта, дарҳол бошлиқлар учун нонушта келтирилди, қаддаҳлар, нутқлар, табриклар айтилди... Фиръави уни ҳайратга солиб ҳушидан кеткизган ажнабий қулни яқинроқдан кўрмоқ, бармоқлар ва баъзи бир чет тилидаги сўзлар ёрдамида Грилло билан сўзлашмоқчи бўлди, унинг қаерлик эканини сўради.

— Бобилданмисан?

— Йўқ, жаноби олийлари, Чивитавеккьяданман.

— Содом ва Гоморрами?

— Айтдим-ку сизга, муҳтарам зот, Чивитавеккьядан деб.

Сўраб-суриштириш фиръавининг жонига тегди, у: бор, қаер-

<sup>1</sup> Хайр (итальянча).

дан келган бўлсанг, ўша ёққа йўқол, деган маънода бир нималар деди. Грилло ҳар эҳтимолга қарши индамай тураверди: сўраб-сўриштиришганда, яхшиси, камгап бўлиш лозим. Фиръавн нонушта қилиб бўлганидан сўнг унга ҳам овқат тутишди, кейин бармоқ билан имо-ишора қилиб, унга хурмо дарахти остида ётиб ухлаши мумкинлигини айтишди.

«Жуда яхши, — деб ўйлади Грилло, — энди аста-секин, шошмай, имкони борича узокроқ, бизнинг кунларга қайтиб келадиган бўлиб ухлашга уриниб кўраман».

У олдинга тушида асрларни, минг йилликларни шошилмай санай бошлади, аммо одат бўлиб қолган шошмашошарлик барибир ўз ишини қилди ва у уйғониш вақти келмадимикини, ухлаб қолмадиммикини дея безовталана бошлади.

У унинг ёрдами бениҳоя зарур бўлган бир даврда, Сувайш ханалини тугатиш лозим бўлган пайтда уйғонди. Гриллонинг бахтини қарангки, бу ерда чивитавеккьялик бир ҳамшаҳарни учратиб қолди. Уни Анжелони Мартино дейишарди. У бобоколониининг мактабда бирга ўқиган ўртоғи бўлиб чиқди. Хурсанд бўлганидан Грилло у билан ўтириб ичган ичимликлари учун пулни ўзи тўлаб юборди.

Грилло яна қайта уйқуга кетар экан, ҳечам шошмасликка ва ақлли бўлишга қарор қилди. Лекин ошириб юборди. У меҳмонхонада Александрияда жаҳон чемпионати тугагандан сўнггина уйғонди. Бир Чивитавеккьядан келган қатнашчидан бўлак ҳамма ғолиб чиқди. Почта бошлиғи биринчи самолёт билан Италияга учиб кетди. Анжела бўлса у билан ёнма-ён ўтирганча қайноқ қаҳвани чойқошиқ билан кўзгар эди.

— Ич, — деди у, — совиб қолди. Уни уч кун илгари олиб келишганди. Ғолиб чиқмаслигининг учун сени алдашганга ўхшайди. Юқори дозали уйқу дорисини беришганми. Бошлиқ ишни судловчига ошираман деб кўрқитяпти. Ҳечқиси йўқ, келаси йил Олимпия ўйинлари бўлади, сен ўшанда албатта ғолиб чиқиб, чемпион бўласан!

— Йўқ, — деди Грилло, — ортиқ ғалаба қилишни хоҳламайман. Қарамоғимдаги шунча оила аъзолари билан дунё кезиб, оғирликни кўтариб юраман-қўяманми!

— Менга қара, аввало айт-чи, сен менга уйланасанми?

— Сенга мен шу соатнинг ўзидаёқ, ҳатто ўтган ҳафтада уйланишга тайёрман.

— Бўлмаган гап, менга эртага уйлансанг ҳам бўлаверади.

Тўйни ўтказиш учун Чивитавеккьяга қайтишдан илгари улар эҳромларни томоша қилдилар. Грилло ўз ишини, ўзининг почта-телеграф қўллари хизматларини дарҳол таниди. Лекин у Анжеллага бу ҳақда лом-ним демасди. Одатда буюк чемпионлар жуда камтарин бўладилар. Энг буюклари эса энг камтаринларидир. Шунчалик камтаринки, улардан кейинчалик ном-нишон қолмайдди, улар ҳар кун ақл бовар қилмайдиган оғирликларни кўтарадилар, аммо улардан интервью олиш ҳеч кимнинг егги ухлаб тушига кирмайди.

## СОВҒАЛИК СИЧҚОНЛАР

Қунлардан бир кун мушук бойиб кетиш пайига тушибди. Унинг уч амакиси бор экан, ичиди аввал нимадан бошлашни маслаҳат қилгани шуларнинг олдиға борибди.

— Уғри бўлиш керак, — дебди Биринчи амакиси. — Меҳнатсиз бойиш учун бундан бошқа йўли йўқ.

— Менга тўғри келмайди, мен ҳаддан ташқари ҳадолман, — дебди мушук.

— Нима қилибди ҳалол бўлсанг? Уғриларнинг ичиди ҳалоллари озми, тўғриларнинг орасиди уғрилар истаганингча топилади. Бирдай ўғри, бирдай тўғри ҳеч ерда йўқ. Бунинг устига кечаси юрган мушукларнинг ҳаммаси ўғри.

— Ҳа, майли, мен ўйлаб кўраман, — жавоб қилибди мушук.

— Ашулачи бўлиш керак, — дебди унга Иккинчи амакиси. — Бойишнинг бундан яхши йўли йўқ, ҳеч қандай меҳнатсиз ном чиқарсан.

— Бироқ менинг овозим йўқ.

— Нима қилибди? Кўпчилик ашулачилар хўрозга ўхшаб чираниб кичқиравереди, аммо барибир бой акулаларга айланишади. Ўхшатишни ҳам қотириб қўяман-а, аммо? Тўхта, бу доно фикрнинг ёзиб қўяй... Хўш, қандай қарорга келдинг?

— Мен ўйлаб кўраман, — жавоб қилди мушук.

Учинчи амакиси деди:

— Савдо-сотик билан шугуллан. Бирорта шинам дўконча очиб оласан, пулларнинг сенга олиб келиш учун одамлар навбат кутиб турадиган бўладилар.

— Нима билан савдо-сотик қилганим маъқул деб биласиз?

— Рояль, холодильник, электровоз...

— Бу буюмлар ҳаддан ташқари улканлик қилади.

— Бўлмаса хотинлар қўлқопи билан савдо қил.

— Унда мен ярим харидорни йўқотаман — эркакларни.

— Унда бундай қил: Қаприда тамаки дўкони оч. Ажойиб орол. У ерда йил бўйи об-ҳаво яхши бўлади. Оролга жуда кўп туристлар келишади. Уларнинг ҳар бири қариндош-уруғларига жўнатиш учун жуда бўлмаганда бир дона откритка билан почта маркаси сотиб олади.

— Бўпти, ўйлаб кўраман, — деди мушук.

У роса бир ҳафта ўйлабди, ниҳоят кичикроқ озиқ-овқат дўкони очишга қарор қилибди. Янги бинонинг биринчи қаватидан дўкон-боп хонани ижарага олиб, у ерга шкаф, пештахта, касса жойлаштириб, кассачи қизни ўтқазиб қўйибди. Чиқимдан қочиб, рассомнинг ўрнига магазин лавҳасини ўзи ёзибди: «Совғалик сичқонлар (янги тансиқ консерва)».

— Қандай ажойиб! — деди кассачи қиз. У жуда чиройли мушукча бўлиб, илк бор мустақил ишлаши эди. — Совғалик сичқонлар! Доҳиёна фикр!

— Агар доҳиёна бўлмаганда-чи, — аниқлик киритди мушук, — унда бу фикр менинг миямга келмаган бўлар эди.

Мушук бошқа бир кичикроқ эълонда: «Кимда-ким бирйўла уч банка харид қилса, мукофотига консерва очқич берилади» деб ёзди.

Кассачи хотин ўз хўжайинининг дасхатини ўта чиройли деб топди.

— Менинг бўлган-турганим шу, — жавоб қилди мушук, — фақат чиройли ёзаман. Ҳатто думимдан қисиб қолганларинда ҳам ёзувимдан адашмасдим.

— Айтмоқчи, — қайд этди кассачи қиз, — консервалар қани?

— Бўлади. Ҳаммасининг ўз вақти-соати бор. Рим ҳам бир-данига бино бўлиб қолган эмас.

— Борди-ю, харидорлар келиб қолишса, унда мен нима қиламан?

— Уларнинг буюртмаларини сиз мана бу қоғозга ёзиб қолинг. Адресларини қолдиришин. Биз молларни уйларига элтиб берамиз.

— Сизбор мушук, — сўради кассачи қиз, — молларни эгаларига элтиб берувчини ҳам ишга қабул қилиб улгурдингизми? Сўрашимнинг боиси, агар йўқ демасангиз, бу ишни менинг укам бажариши...

— Айтинг, келсин, бирор ҳафта ишлаб турсин, кўрамиз ловиқми-йўқми. Иш ҳақи — кунига икки банка.

— Менга қанча?

— Сизга — уч банка.

— Очқичи биланми?

— Сиз консерва пичоғини янги йилда, миллатлар кунин байрамида, шунингдек менинг туғилган кунимда оласиз.

Кассачи қиз хўжайинини очик қўл деб топди.

Эртаси кунин консерва банкалари қабул қилинди.

— Сизбор мушук, — деди кассачи қиз, — ахир улар бўм-бўш-ку.

— Шундай бўлиши ҳам керак. Сичқонларин менинг ўзим дўндираман. Сиз бўлсангиз ҳозирча банкаларга ёрлиқ ёпиштириб турунг. Бу ишда сизга укангиз ёрдам берсин.

Кассачи хотиннинг укаси жуда кичкина, бор-йўғи уч ойлик мушукча эди. У жуда шўх ва ҳушчақчақ бўлиб, нуқул бошнини консерва банкасига тикқанча магазинда у ёқдан-бу ёққа югуриб юрарди.

— Қани, сал ўзинини тут, — деди сизбор мушук, — бўлмаса сенга жарима ёзиб қўяман.

Ёрлиқлар рангли ва ялтироқ бўлиб, уларнинг ҳар бирига бир кўзнини қисиб турган сичқон расми ишланганди ва тагидан: «Советлик сичқонлар. Олий нав. Тамаддиқ қилишдан олдин муддатига қаралсин. Ясамасидан эҳтиёт бўлинг» деган сўзлар ёзилганди.

— Қандай қилиб? — ҳайрон бўлди кассачи қиз. — Банкалар ҳали тўлдирилмаган бўлса-ю, ясамаларига бало борми? Уларда нима бўлиши мумкин? Кўрсичқон, олмахон...

— Шубҳасиз, ясамалари ҳозирча йўқ, — тушунтирди сизбор мушук, — аммо савдо-сотиқ тўлақонли йўлга қўйилганда, улар,

албатта, пайдо бўлади. Борди-ю, бўлмаган тақдирда ҳам барибир бундай ёзув иши халал бермайди. Харидорлар, агар бу консерваларни ҳатто қалбаки ишлаб чиқишаётган бўлса ҳам барибир, улар жуда яхши, деб ўйлашади!

— Консервалар ҳақиқатан ҳам жуда яхши бўладими?

— Ажойиб! Олийларнинг олий нави!

Кассачи хотин чуқур хўрсинди. Хўжайин нақадар ақлли-а! Савдо-сотиққа ҳеч суюги йўқ. Боз устига ҳали уйланмаган бўйдоқ.

Кассачи қизнинг укаси бурнига ёрлиқни ёпиштириб олиб, энди кўчириб ололмаётганди.

— Тентак!— деди кассачи қиз койиб.— Биринчи кунидек сени ишдан бўшатиб юборишларини хоҳлаяпсанми? Ҳали бир банка «Совгалик сичқонлар»ни ишлаб топишни кўз олдинга келтира олмааяпсан!

— Сиздан илтимос қиламан, магазинга кўз-қулоқ бўлиб турунг. Мен хомашё қидиргани кетяпман,— деди синьор мушук кассачи қизга.

Кассачи қиз уни ҳушёр нигоҳлари билан кузатиб қолди. У ўз хўжайинини жуда келишган одам деб биларди ва мўйлабинини ҳам ҳақиқий ишбилармон коммерсантларга ўхшатарди. Қандай савлатли! Қарашларининг ўткирлиги-ей!

«Коммерсант,— ўйлади у,— бу генерал дегани эмас, албатта, лекин шунга яқин. Қолаверса, генераллар менга ёқмайди, чунки уларнинг ҳаммаси, одатда, уйланган бўлади».

Эртаси кун мушук биринчи сичқонни тағхонада учратди. У кўмир уюми ортига яшириниб олганди.

— Хайрли кун, — деди мушук.

— Билмайман, — жавоб берди сичқон.

— Жоним, бу қандай жавоб бўлди?

— Кун хайрли бўладими, беҳайр бўладими, буни мен қаёқдан билай? Одатда мушук зоти бахт келтирмайди.

— Ажойиб кун бўлади, — ичот-тирмоқчи бўлди уни мушук, — бу ёгини сўрасанг, тарихий кун бўлади! Сиз куррамизнинг биринчи совга сичқони деган шарафга муяссар бўласиз. Ахир бу ҳазил-лакамми?

— Билмайман, — жавоб қилди сичқон.

— Сиз ҳеч қачон ҳеч нарсани билмагансиз, — жаҳли чиқди мушукнинг. — Қани, мана бу чиройли безалган банкага кириб олиш учун бир сакранг-чи, ўшанда кўрасиз.

— Нимани кўраман?

— Менинг ҳақ-ноҳақлигимни-да.

— Бундан кўра мультфильм кўрганми маъқул. Айтгандек, эсимга тушди, у ҳозир бошланади. Хайр, яхши қолинг!

Сичқон ўз ичига шўнғиб кетди, мушук қанча илтимос қилмасин, ялиниб-ёлвормасин, ақалли думчасини учини ҳам кўрсатмади бошқа.

Иккинчи сичқонни мушук болохонада учратди, унинг ичи эски чамадонининг ортида эди.



— Сизнинг омадингиз бор экан, — деди балад овозда мушук узоқдан сичқонга кўзи тушиши билан.

— Билмадим, — жавоб берди сичқон.

— Бўлмаган гап, — жаҳди чиқди мушукнинг. — Бундай жавобни мен анави тагхонада яшовчи дугонангиздан ҳам эшитдим. Бошқа тузукроқ жавоб қуриб кетганми?

— Олдинга менинг шимада омадим келганини айтинг-да.

— Гап шундаки, сичқонжон, менинг фирмам «Совғалик сичқонлар» савдосини очиб учун айнан сизни танлашди.

— Агар менинг нутқ сўзлашим лозим бўлса, унда мени тинч қўйинг.

— Ҳеч қандай нутқ-путқ йўқ. Сиз фақат мана бу чиройли банкага кириб олсангиз кифоя. Кейин сизни яхши нарҳда сотишад ва тегишлича баҳолашади.

— Жуда соз!

— Чиндан гапиряписизми?

— Афсус, лекин мен таклифингизни қабул қила олмайман. Менга гоёнгиз ёқади, усталлик билан бажарилган ёрлиқни эътиборга олмай иложим йўқ. Айнан шу пайтда мен дам олишга кетяпман, қўлимда Палермога билетим бор. Сафаримни қолдириб, давлат темир йўлини хафа қилишим яхши эмас. Саломат бўлинг ва хотинингизга менад салом деб қўйинг.

— Мен уйланмаганман! — сабри чидамай бақирди мушук.

— Фарқи йўқ. Уйланганингизда айтарсиз.

Учинчи сичқон шаҳар четидаги очик майдонда, думини инига тикиб тоза ҳаво олиб ўтирган ҳолда учради. Ининиң ичкарисида унинг холавлччаси мабодо бирон хатар юз бергундек бўлса, уни думидан ичкарига тортиб олиш учун шай бўлиб турарди.

— Аҳволингиз яхшими? — сўради мушук сичқондан.

— Бир нави... — жавоб қилди сичқон. — Сизнинг қаршингизда мен ўзимни яхши ҳис этолмайман.

— Сиз, сичқонлар, ҳаддан ташқари қўрқоқсизлар, — деди синьор мушук. — Мен бўлсам бу ерга энг холис ниятлар билан келганман...

— Бу холис ниятлар ким учун?

— Ўз-ўзидан маълумки, сиз учун! Менинг нималар ўйлаётганимни биласизми? Сиз менинг озиқ-овқат моллари билан савдо қилишимда ажойиб шерик бўласиз деган умиддан. Қалай, маъқулми?

— Нима маъқулми?

— Мана бу банка. Қаранг, қандай чиройли! «Совғалик сичқонлар» билан савдо-сотиқ қиламиз! Мен ўз зиммамга ишнинг асосий қисмини — сотишни оламан.

— Емон эмас.

— Ташаккур.

— Емон эмас.

— Раҳмат. Лекин сиз нега бу сўзни икки қайта такрорладингиз?

— Биринчи маротаба ўнг қулоқ учун, иккинчи маротаба — чап қулоқ учун.

— Қани, кетдикми?

— Йўқ.

— Нега йўқ бўлади?

— Чунки бувимдан хабар олишим ва уни аргимчоқда учир-шим керак.

— Мана! — жаҳли чиқди синьор мушукнинг. — Мана, сиз, сичқонлар, ҳаммангиз шунақасизлар! Сизларнинг савдо-сотик би-лан асло ишингиз йўқ! Унинг ривожланишига, иқтисодий яхшила-ниши ва мустаҳкамланишига энгирча ҳам ҳисса қўшмайсиз. Устига-устак, яна қандайдир ақлдан озган бувиларнинг бўлади, улар от ўйинида учишга қодир бўлишади!

— Ҳа-да, шунингдек, аргимчоқда ҳам. Сиз, яхшиси, менинг бувимли ўз ҳолига қўйинг. У айтарлик жиншироқ бўлгани учун ҳам ажойибдир. Яхши боринг ва болаларингизга салом деб қў-йинг!

— Ахир менинг болаларим йўқ! Мен уйланмаганман.

— Уйланинг ва менга тўй конфетларидан юборинг.

Сичқон ичкарида думидан ушлаб турган холаваччасига сигнал берган эди, у шунақанги шиддат билан тортдики, мушук сичқон-нинг қаёққа гойиб бўлганини ҳам сезмай қолди.

— Ишлар жуда яхши кетяпти, синьор мушук, — дея миевлади кассачи қиз хўжайинини кутиб оларкан. — Биз аллақачон 117 буюртма қабул қилдик. Графиня де Фелинис икки юз банкага буюртма берди. Мен ҳисоблаб қўйдим, биз унга яна 66 ярим очқич қўшиб беришимиз лозим бўлади. Очқичнинг қайси томонини бе-рамыз — даста томониними ёки тиг томониними?

Синьор мушук унга мийнги остида алланима деб тўнғиллади.

— Укам қанчалик меҳр қўйиб ишлаганига бир назар солинг, — деб яна гапира кетди кассачи қиз.

Югурдак мушукча витринага банкаларни эҳром шаклида териб чиққанди. У баъзи банкаларни тескари териб юборганди, чунки у ўқишни билмасди-да. Бироқ бажарган ишдан ўзи ниҳо-ятда мамнун эди.

Синьор мушук деди:

— Бўпти, бўпти. Бугунча етарли. Уйга боринглар.

— Яхши сичқонларни топа олдингизми, синьор мушук? — қи-зиқсиниб сўради кассачи қиз пўстинини сийпаб.

— Мен сизларга айтдим-ку, бўлди қилинглар деб! Маошни бажарган ишларингизга қараб тўлайман, берган сўроқларингизга қараб эмас.

Кассачи қиз ва унинг укаси гапни чўзишнинг ҳожати йўқли-гини тушуниб, думларини қисганча магазиндан чиқиб кетишди.

Синьор мушук дўконга қулф солиб, маслаҳат олгани энди Учинчи амакиси ҳузурига равона бўлди.

— Қимматли амаки, — деб бўлган воқеани бир бошдан сўз-лаб берди-да, сичқонлар банкага киришни ҳечам хоҳлашмаётган-ини, эртага графиня де Фелиниснинг муҳим буюртмасини элтиб

Бериш лозимлигини айтиб, охирида бу ёнига нима қилиш кераклигини сўради.

— Болагинам,— деди амакиси мушукка,— сен рекламани унутибсан. Эҳтимол, рекламанинг савдо-сотиқни авжига чиқариб юборадиган нарсалигидан хабаринг йўқдир-да?

— Ёлганда қандоқ. Мен ҳатто харидорларга очқич ваъда қилдим.

— Бундай реклама харидорлар учун яхши, лекин сичқонлар учун бутунлай ярамайди.

— Агарда сичқонларга ҳам очқич берсам, улар банкаларни очиб, қочиб кетишади...

— Сичқонлар учун энг яхши реклама — бу пишлоқ.

— Швейцарияликими ёки пармезанликларликими?

— Швейцария, Пармезан, Пешехон — ҳаммаси ҳам бўлаверади, улар пишлоқда тешиқ қолдира олсалар бўлгани. Ҳатто қаттиқ тошли қачқалар ҳам бўлаверади.

— Яхши! — деди синьор мушук. — Мен ҳаммасини тушундим!

— Миянги яхши ишлайди! — мақтаб қўйди уни Учинчи амакиси. — Ҳа-да, бизни зотимизда нуқул шундайлар етишиб чиқади. Масалан, бувагининг доим иккита уйи бўлганди, ҳар бирининг ошхонасида — сутли товоқ ва гўшти тақсимча бўлган.

— Қандай қилиб?

— Қундузи у қоровулникида яшарди. Кечаси ўқитувчиникида. Ўқитувчи мактабга кетаётганида гўё уни кузатаётган бўлиб орқасидан эргашиб борарди, аслида у қоровулникига йўл олганди. Қоровул ишга кетаётганида эса уни ҳам кузатаётгандай бўлиб ўқитувчининг уйига қайтиб келарди.

— Қойил! Бувамини исмини айтиб беролмайсанми?

— Ўқитувчиникида — Пушок, қоровулникида Наполеон эди. Биз уни Иккига — Бў-Линган деб чақирардик.

Синьор мушук катта думалоқ пармезон пишлоғини сотиб олиб, уни тағхонага олиб кирди-да, сичқоннинг уни оғзига қоплаб қўйди. Сичқон ташқарига чиқиш учун пишлоқни тешиб чиқиши лозим бўларди.

— Мен шу ерда бўш банкани ҳозирлаб тураман,— кулиб қўйди мушук, пишлоқни тешиб чиқиши билан лўп этиб банкага тушади. Мен шап этиб банкани қопқоғини ёпаман-да, дўконга олиб бораман!

Дастлаб ҳамма иш у ўйлагандек силлиқ борди. Она сичқон ниндан чиқиш учун пишлоқнинг ички томонидан ўзига йўл очди. Бу иш сичқоннинг кўнглига мойдай ёқиб тушди, чунки пишлоқ мазали, тобида ва хушбўй, олий навлисида эди. Эрақ сичқон ҳам пишлоқ йўлини бир оз катталаштиришда иштирок этди. Етти сичқон боласи шўкликни обдон авжига чиқариб, пишлоқни илматешик қилиб ташлашди. Улар бу таомни иштаҳа билан шунақанги туширишардики, соат сайин тўлишиб борардилар.

Она сичқон пишлоқ ея туриб, ўзича фикр ҳам юритарди.

«Бу дунёда,— ўйларди у,— ҳеч ким сенга бекордан-бекорга пишлоқ бериб қўймайди. Бу катта думалоқ пишлоқнинг бу ерда

Ўтиши бежиз бўлмаса керак. Аввало уйим эшигига ким қўйиб кетганини билмоқ лозим».

У бу сирнинг тагига етиш учун пишлоқдан жуда ҳам кичик қилиб бир тешикча очди-да, ундан банкасини ҳозирлаб турган синьор мушукни кўрди.

— Хайрли кун, — деди сичқон.

Синьор мушук пишлоқдан чиқаётган ингичка овозни илғади-ю, аммо ҳеч нимани кўрмади. Шунга қарамай, одоб билан саломга жавоб қайтарди. Бунинг устига сичқон овозини ҳам таниганди.

— Хайрли кун!

— Сиз бу ерда нима қилиб ўтирибсиз?

— Кўрмаяпсизми? Ўз маҳсулотимни реклама қиляпман. Бу ҳақда сиз нима дейсиз?

— Ажойиб пишлоқ!

— Бўлмасам-чи. Модомки пишлоқ ажойиб экан, унда «Совгалик сичқонлар» ундан афзалроқ бўлишига ҳам қўшиларсиз? Димоқчиманки, сиз мана бу банкага жойлашнишни хоҳлайсизми? Хўп десангиз ёрдамлашиб юборай?

— Йўқ, худо ҳақи, жонингизни койитманг!

— Нима деяпсиз, сизга ёрдამим тегса беҳад хурсанд бўлардим!

— Йўқ, ташаккур. Мен ташқарига чиқишни хаёлимга ҳам келтирганам йўқ.

Синьор мушукнинг шунақанги жаҳли чиқдики, уни сўз билан таърифлаб бўлмасди:

— Мана, сиз сичқонлар қандай маҳлуқларсиз, пишлоқни еб ўрнига ҳеч нарса бергиларинг йўқ! Инсоф борми? Савдо-сотик деганида муросан-мадора бўлади-да, сиздан угина, биздан бугина.

— Яхши. Мен сизга пишлоқ пўстини қолдираман. Орамиз очиқ бўлди. — Алдамчилигингиз учун сизларни судга бераман! Сиз ҳали менга жавоб берасиз!

— Розиман. Аммо сиз орзу қилган кун ҳеч қачон келмайди.

— Йўқ! Шу бугуноқ судлашаман!

У шундай деди-да, нчидаги етти сичқон боласини жон талвасасида қийиллашига ҳам қарамай пишлоқни думалатиб олиб кетди.

— Кўрқманглар, — тинчлантирди уларни она сичқон. — Бу пишлоқ биз учун на қолқон, на қамоқ бўла олади. У бизнинг кўргонимиз бўлади. Бир кўриб қўяй, бизларни бу ердан ким олиб чиқиб кетаркан. Хотиржамлик, совуққонлик ва классик куй лозим. Кўнгилни кўтариш учун ўз гимнимизни ижро этамиз. — Она сичқон шундай деди-ю, гимнининг биринчи мисрасини куйлай бошлади:

Яшасин пишлоқдаги сичқонлар,  
Дунёдаги энг ботир паҳлавонлар.

Эркак сичқон ҳам унга қўшилди, сўнг етти кичкинтой йиғидан тўхтаб, уларга қўшилиб куйлай бошладилар:

Жаҳонга ёйилсин шухрат-шонимиз,  
Бор бўлсин пармезон пишлоғимиз!

Синьор мушук думалоқ пишлоқни худди машина шинасидек тағхонадан олиб чиқиб, суд томон думалатиб олиб кетди. Йўловчилар ҳайрон бўлиб, унга қайрилиб қарашарди.

— Куйловчи пишлоқ — ажабо!

— Нега ҳайрон бўласиз — бу Пармезан пишлоғи. Пармеда эса ҳамма опера куйини жонидан яхши кўради.

— Ҳа, пишлоқ қилишда уларнинг олдига тушадигани топилмайди, албатта. Фақат улар биргина нарсани билиша олмапти.

— Нима экан у?

— Ишламай тишлаши.

— Буни фақат сен билмайсан, тентак! Ишламай тишлайдиган одамлар хоҳлаганинча топилади.

Мушук пишлоқни судья ҳузурига думалатиб олиб келди ва ундан адолатни тиклаб беришни талаб қилди:

— Муҳтарам зот, сичқонлар пишлоғимни ўғирлаб кетишди!

— Аксинча, пишлоғингиз сичқонларни ўғирлаб қўйди десангиз тўғрироқ бўларди, — деди судья.

— Худди шундай! Худди шундай! — чийиллашди сичқонлар, пишлоқдаги тешикдан бошларини чиқариб. — Бизларни ҳибсга олади, муҳтарам зот. Бу ерда тўққиз жонимиз! Шу жумладан ўн тўрт ёшга тўлмаганлар ҳам бор!

— Бироқ сиз менинг пишлоғимни деярли еб қўйдингизлар-ку! — бақирди синьор мушук.

— Бизга таклиф қилишгани учун едик. Бу асли реклама пишлоғи эди. Яъники, фирманинг совғаси.

— Шу гап тўғрими? — сўради судья.

— Афсуски, шундай, — бўйнига олишга мажбур бўлди синьор мушук.

— Унда мен ҳам пишлоқдан тотиб кўраман, — деди судья. — Мен рекламани ёқтираман, телевизор экрани орқали бериладиган реклама кўрсатувларини сира қанда қилмайман. Сўнг эса сичқонларнинг уйларига бежавотир етиб олишлари учун қоровул ажратишни буюраман. Синьор мушук эса суд харажатларини тўлайди. Тамом!

Судья болғачаси билан бонг чалиб суд ишига яқун ясади-да, мўйлабини ялаб қўйди.

Сичқонларни уйларига кузатиб қўйишди, улар йўлда бора-боргунча Иоганн Себастьян номли авлоди томонидан ёзилган гимини куйлаб боришди.

Синьор мушук эса икки қўлини бурнига тикқанча қайтиб келди. Кассачи қиз уни қувонч тўлиб кутиб олди:

— Маркиза де Сорманис 715 банкага буюртма берди! Банкалар унга бугун йигирма минути кам саккизга керак экан. Мен аллақачон ҳисоб-китоб қилиб қўйдим, уникига ҳаммасини олиб бориш учун укам етти бор бориб келишига тўғри келар экан!

— Мен азамат эмасманми? — сўради югурдак мушукча. — Маошимни оширишга арзимайманми?

Синьор мушук индамай пештахтага чиқиб ўтирди ва хаёл суриб кетди. «Мана, — хўрсинди у, — жамоатнинг савоби, сен бо-

ғинни созуриб янги магазин очасан, банклар сотиб оласан, уларга ёрлиқлар ёпиштирасан, ишчиларни ёллайсан, харид қилувчиларнинг гамини ейсан, хўш, оқибати нима бўляпти? Ҳеч нарса. Фақат пишлоқ ва суд ҳаражатларини қопляпти, холос. Чунки ҳамма гап шундаки, сичқонлар савдо-сотик қондаларини тушунгилари йўқ ҳамда озик-овқат муоммоларига бутунлай қизнқмайдилар».

— Қиёмат қойим!— ўйлади синьор мушук, ҳали ҳам Пармезан пишлоғининг ҳиди келиб турган панжасини беихтиёр ялаб қўяркан. — Мана шундан кейин ёнингдагига яхшилик қил. Айниқса сичқонларга!

«Сичқонларнинг, — фикр юритди синьор мушук азбаройи газабдан жиз-бизи чиқиб, унинг думи мотам кўшида эгиб қўйилган Сайроқ каби пештахтадан шалвираб осилиб турар, — кўрган кунни қурсин. Мен уларга яхши келажакни таъмин қилиш, уларни витринага қўйиб ҳаммага кўз-кўз қилишга тайёр эдим. Мен уларга ўз ҳисобимдан тушукдан ясалган юқори малакали рассомлар ишлаган чиройли ёрлиқли, маҳкам ёпиладиган банклар таклиф эдим. Банкларда сичқонлар ҳатто ҳаётдагидан ҳам гўзал кўринишарди. Мен уларни харид қилувчиларга очқичини текин беришга ваъда қилдим, ҳаммага мақбул нархни ўрнатдим. Мана, оқибат-натижаси. Уларнинг таклифимга қарши чиқиб, судни Пармезан пишлоғига сотиб олиб, уни менга қарши қўйишди. Бу дунёда ҳақиқат йўқ экан! Илоҳий ҳеч нарса қолмаган. Мен асли қароқчи бўлсам дуруст экан!»

Синьор мушук бир дақиқага қароқчи қандай бўлишини кўз олдида келтирди. Мана у — қароқчи, йўлтўсар ва босқинчи. Чап кўзи қора латта билан боғланган. Думига бош суяк расми солинган қора байроқ илиғлиқ. Унда: «Қаергаки панжам етган бўлса, ўша ерда сичқонлар уруғи қурийди» деган шнор битилган.

Кўз ўнгидан энди газета саҳифаларида катта-катта сарлавҳалар остида унинг қаҳрамонликлари мадҳ этилган мақолалар ўта бошлади: «Тағхона қароқчисининг қайта ҳужуми!», «Мушук қароқчинини тутиб берганга миллион сичқон тақдим этилади!», «Шадарда ҳамма думлар зир титрайди!»

— Синьор мушук, — шу топ мурожаат этиб қолди кассачи қиз, — графина де Феликис билан маркиза де Сорнанисларнинг буюртмаларини нима қилай?

— Синьор мушук, — кассачи қизнинг укаси қизиқсиниб сўради, — молларни буюртмачиларникига элтиб бериш учун ўзининг уч гилдиракли велосипедини олайми ёки фирма фургон ажратадими?

— Синьор мушук, — яна қайта мурожаат этди кассачи қиз. — солиқ йиғувчи инспектор келганиди. У кассада сариқ чақа йўқлигини кўриб, эртага, ҳатто ёмғир ёғиб турган бўлса ҳам келишлигини айтиб кетди.

— Синьор мушук, — сўзида давом этди кассачи қизнинг укаси, — бугун менга иш йўқ кўринади, ўртоқларим билан футбол ўйнагани бормоқчийдим, жавоб беринг. Биласизми, мен дарвоза-

бонман. Энг қийин тўпларни ушлайман. Балким, келаси йил Миллатлар терма командаси ўйинида қатнашиб қоларман.

Синьор мушук чуқур хўрсиниб қўйди. Қандай масъулият! Савдо моллар, харидорлар, кассачи қиз, солиқ, югурдак-хизматкор. Миллатлар терма командаси...

— Дўстларим, — қатъий оҳангда деди мушук, — савдо-сотимнинг бошқа саҳифасини очамиз. «Совғалик сичқонлар»га чек қўйилди. Балким бу гоё бир оз эртароқ тугилгандир. Одамлар ҳар доим ҳам доҳиёна фикрга дарҳол ижобий баҳо беришга олмайди. Галилео Галилей Ер Қуёш атрофида айланади деганда, у ҳам озмунча азоб-уқубатларни бошидан кечирмаганди. Мен Христофор Колумб ҳақида гапириб ўтирмайман, у Американи очишга ҳаракат қилганида бу улуг мақсад учун ҳеч ким унга учта кема ажратмаганди. Менинг ҳақимда авлодлар ўз ҳукмини чиқаради.

— Ҳа, — деди кассачи қиз унинг гапидан мумдай эриб.

— Мен сўнги қарорга келдим. Совғабоп сичқонлар ҳақида энди гап бўлиши мумкин эмас. Эндиликда мен сичқонларга қарши заҳар сотаман.

— Қандай ажойиб фикр! — деди кассачи қиз.

— Агар ажойиб бўлмаганда эди, — деди синьор мушук, — у менинг хаёлимга келмаган бўларди. Сичқонларга қарши заҳар сота бошлаймиз, ишларимиз беш бўлади. Бу борада мен устаси фарангман.

— Э, отангга балли, азамат! — миёвлаб юборди кассачи қиз.

— Бу молларни ҳам уйга элтиб берамизми?

— Албатта.

— Сиз бизга меҳнат ҳақимизни қандай тўлайсиз? Ишонамизки, сичқон заҳари билан тўламассиз?

— Нақд тўлайман.

— Мен унда ҳисоб-китобни ўрганишим керак бўлади, — хўрсиниб қўйди югурдак. — Унгача футбол ўйнаб келсам майлими?

— Бор, бора қол! — очиқдиллик билан рухсат берди мушук. У витринадан эски эълонни олиб, дарҳол янгисини ёзди, унда: «Сичқонлар учун заҳар, олий навли. Ким бир йўла уч банканин ҳарид қилса, мукофотига тўртинчиси текин берилади», деган сўзлар битилган.

— Қандай чиройли дастхат! — ҳайратини яширолмади кассачи хотини.

— Бу ҳам ёзув бўлдими, — жавоб қилди синьор мушук, — агар машинкада ёзганимда янаям чиройли чиқарди.

— Сиз одамнинг кўз ўнгида ўсаяпсиз, — деди кассачи қиз.

— Шундай тугилган бўлсам нимаям қила олардим. Тасаввур қилиб кўринг, мен машина ҳайдаганимда, ҳатто ўзимни ўзим қувиб ўтиб кетаман.

— Қойил! Мен буни онамга сўзлаб бераман. Биласизми, улар ҳар доим сиз ҳақингизда суриштирганлари-суриштирган.

Синьор мушук буни билиш ёки билмаслигини айтмади. Аммо бора-бора охири барибир билиб олди. Улар ҳақиқатан тўй қилишди, эрталабдан то қош қорайгунга қадар бахтли ҳаёт гаштини

суришди. Улар бир-бирларининг тумшуқларини тимдалашди, захарли бапчаларни отишди, очқич билан ўқталишди. Сичқонлар бу томошадан озмулча баҳраманд бўлишмади. Бу ҳам етмагандек улардан биттаси ўз иинини магазин ичига кўчирди. Дўстлари, қариндош-уруғлари ва танишлари ажойиб эр-хотинининг фақат онлавий жанжалини кўриш учун унникига меҳмонга келишарди.

Ҳар бир шундай «томоша» учун сичқон меҳмонлардан ўн лирадан оладиган бўлди.

Ҳамма бу «томоша» пулини қиммат деса, барибир шунчадан тўлашиб кўришарди.

Пировардида, сичқон шундай бойиб кетдики, натижада исминни ўз: артириб, баронесса бўлиб олди.

## МИСТЕР КАППА ВА «УНАШГАНЛАР»

Эрталаб соат ўн. Адабиёт дарси борарди. Кекса ўқитувчи Феррети билан ўқувчилар бу қимматли эллик минут вақтдан, одатда, унумли фойдаланардилар. Ўқувчилар бир парта ва ҳатто бир неча парталар оша турли хил катта-кичик қоғозлар орқали энг долзарб мавзуда ёзишмалар билан ўртоқлашишардилар. Масалан, бўлиб ўтган икки уруш ўртасида намойиш этилган немис фильмлари ҳақида, футбол, япон оролларида кўпайиб бораётган мотоциклчилар сони, муҳаббат, пуллар, расмли китоб, сигарета ва ҳоказолар ҳақида (музқаймоқ ёки хамири ошириб пиширилган кулча нонга гаров ўйнашарди). Аммо кекса ўқитувчининг ўринга янгиси — синьор Феррени ишга келиши билан ҳаммаси тубдан ўзгарди. У биринчи кунданок унинг учун адабиёт — бу ҳақиқий адабиёт дарси эканини, адабиётнинг ўзи эса бу аввало «Унашганлар»<sup>1</sup> эканини тушунтирди. Эндиликда улар ўша романининг баёни устида тер тўкардилар.

Синьор Феррени ўқувчиларининг ҳар бирида ўлмас романининг ўн иккинчи боби баёнининг тўғри ёритилаётганига ишонч ҳосил қилиш ва улар бир-бирларидан кўчириб олмасликлари, бўлмаса ҳамма ёзилган баёнилар худди ойнадаги аксга ўхшаб, бир хил бўлиб қолиши мумкин деган хавотирда тўққиз кокилли қамчинини ёлнга олиб, синфда у ёқдан-бу ёққа юрганча дафтарларни кўздан кичирарди.

Ўқувчи Де Паолисни титроқ босиб ўтирарди — у бобнинг фахрат биринчи билан охириги парчаси баёнини ёзгани, уларнинг ераллигини эса таваккал дея «Паэзе сера»<sup>2</sup> газетасининг бош мақоласидан йиртиб олиб, шу билан тўлдириб қўя қолганди. Шундай қилиб, уни баёнини диққат билан ўқиб чиқсангиз, қуйидаги маъно элиб чиқарди: «Мазкур бобда муаллиф 1628 йилда галла маҳсулоти олдинги йилга нисбатан янада камайиб кетганигини тилга

<sup>1</sup> Дониш кетган итальян ёзувчиси Алессандро Мандонининг машҳур тарихий романи.

<sup>2</sup> «Паэзе сера» — Италия социалистларининг газетаси.



олади. Бироқ сиёсатда ҳам, жамиятнинг ижтимоий структурасида ҳам ўзгаришларни рўёбга чиқариш учун ояиб борилган қатъий кураш социалистлар учун яна ҳукуматга кириш имкониятини яратиб бериши мумкин...»

Муаллиф сўзини қоидага яраша катта ҳарф билан ёзилганига иқрор бўлган синьор Феррини энди илгари қараб юрмоқчи бўлиб турганди, бирдан тутақиб, бақриб юборди — у ўқувчи Де Паолис қоғоз ва сиёҳни тежаб, олдинги баёнининг сарлавҳасини — «Ун биринчи боб»ни «Ун иккинчи боб»га ўзгартириб қўйганини сезиб қолди. Баёни ёза олмаган ўқувчи шу заҳотиёқ жазосини олди — шимига қараб етти қамчи туширилди. Унга тан бериш керак, ёнқ этмади-я.

Кейин синьор Ферринининг важоҳатли чехрасини илиқ табасум эгаллади.

— Мен яна ўқувчи қизимиз Де Паолоттиснинг шаънига мақтов сўзларини айтишни хоҳлардим, — тантанавор қайд этди у, — ҳар қачонгидек унинг ажойиб ёзилган баёнида нафис, дидли сўзлар битилган. Де Паолоттис ўзининг возик кузатиши ва чуқур таҳлил эгаси эканини намойиш этди, боб мазмунини чуқур очиб берди, унинг баёни ажойиб чиққан, тиниш белгилари хатоларидан холи. Сиз, жаноблар, Мандзонининг тиниш белгиларига қанчалик эътибор билан қараганини яхши биласиз.

Ўқувчи Де Паолоттис нигоҳини ерга қадади, хиёл уялгандек бошини силкиди. Қизлар ва болалар уни табриклаб гулдасталар, Коинот юлдузлари туркуми белгилари солинган шоколад конфет ўрамлари ва ҳоказолар билан тақдирлашди. Яхши ўйлашибди, қойил қолмай иложнинг йўқ киши!

Синьор Феррини ўз жойига бориб ўтирганида, бирдан ҳаяжонланиб, кўзлари олайди, худди маргимуш егандай кўнгли ағдарилиб, ранги қув оқарганини ҳамма кўрди. У жаҳл билан стол устида ётган қоғозни олиб, гижимлаб чўнтагига суқди. Кейин поляневрит хуруж қилиб қолди, деди-да, синфдан отилиб кўчага чиқди-да, такси тутиб, шоферга Лационинг барча соҳалар бўйича энг машҳур ва катта пул оладиган изқувари мистер Каппа ҳузурига элиб қўйишни буюрди.

Мистер Каппа унга оғиз очирмади.

— Сабр қилинг! — буюрди у. — Мана бу ерга ўтиринг! Шяляси жигар ранг, бўйинбоғи — қора... Ўқитувчисиз, шундай эмасми? Йўқ, йўқ, гапирмай туринг. Ҳамма саволлар фақат менга тегишли. Адабиёт ўқитувчисисиз, тўғрими? Сизни ўрдакбурун ботаникангизга қараганда, гап, ҳойнаҳой, «Унашганлар» романи ҳақида борса керак, шундайми?

— Сиз қандай топдингиз?

— Мен топганим йўқ, буни асабийлашиб турганингиздан билдим. Шундай қилиб, ҳикоя қилиб беринг.

— Мен имзосиз хат олдим, унда синфнинг энг яхши ўқувчиси Де Паолоттис ўлмас роман баёнини қандайдир сирли дафтардан кўчириб олишда айбланади. Мен бунга шонмайман, аммо...

— Бўлди, тушунарли. Ҳаммадан ҳақиқат афзал! Текширув ўт-

казиш лозим. Олдиндан бир юз эллик минг лира аванс берасиз ва кундалик майда харажатларга юз минг лирадан тўлайсиз. Сиз шунга розимисиз?

Синьор Ферринининг кўз олди қоронғилашди. У оладиган арзимас маоши билан-а... бунинг устига дудланган чўчка гўшти нархи чақиб турган пайтда... Счётни тўлаш учун ҳатто бош кийимини ҳам сотишига тўғри келади. Лекин ҳечқиси йўқ — ҳаммасидан ҳақиқат устун. Нима бўлганда ҳам ҳақиқатни қарор топтириш керак!

— Розиман! Шунингдек, сиз ичадиган қаҳва ҳақини ҳам тўлайман.

— Миннатдорман сиздан! Етмиш икки соатдан сўнг биз мана шу вақтда шу ерда учрашамиз. Соатларни текшириб олайлик.

Синьор Феррини изкувар уйидан чиқа туриб, ҳаяжондан зина-пояда йиқилиб тушиб, соябонини синдириб олди, мистер Қаппа эса дарҳол ишга киришиб кетди. У болалар қомусини насияга бериб турувчи магазинчи кийимини кийиб олиб, ўқувчи Де Паоллоттисиникига борди, унинг тўққиз яшар укаси бор эди. Де Паоллоттиснинг она аъзоларига «Кичик илмий кутубхона»даги уч юз тўрт жилд ва тўқсон саккиз лугатнинг қимматини тушунтира туриб, у билдирмасдан гул тувагига телекамерани яшириб қўйди, телефон аппарати тагига кичик магнитофонни жойлади, батареяда ишловчи ҳисоблаш ускунасини лейтенант-барсельера формасидаги бувасининг портрети орқасига тиқиб қўйди. Кейин у Де Паоллоттиснинг онасига қомусни харид қилиб олиш ёки олмасликларига саккиз кун ўйлашга муҳлат бериб, ўзи тагхонага, буғ билан иситгич қозонга кириб яширинди (у юқори температурага чидаш бера оладиган қобилиятга эга эди). Яширган анжомлари ва юқорида қайд этиб ўтилган маккорлиги орқали мистер Қаппа бир неча соат ичда қуйидагиларни билиб олди:

Биринчидан, ўқувчи Де Паоллоттис ҳақиқатан ҳам баёнини сирли дафтардан ўқтин-ўқтин кўчириб олади, дафтарни ўта эҳтиёткорлик билан пайпоқ-иштонлар турадиган шкафга яширади;

иккинчидан, сирли дафтарни унга йилнинг совуқ ойларида юқори Бергамода ва иссиқ ойлари Пастки Бергамода яшовчи холаваччаси туғилган кунига совға қилган;

учинчидан, холаваччасининг исми Роберта, ёши ўн тўққизда, малла соч, бўйи бир юз етмиш сантиметр, кўзлари мовий. Худди шу тонфадаги қизлар мистер Қаппага айниқса ёқарди.

Вақтни қўлдан бой бермай мистер Қаппа ўзининг шахсий ҳарбий самолётида дарҳол Бергамога учинишга шошилди, синьора Робертага ўзини таништирди ва уни ўзига мафтун қилдириб, тўй узуги эвазига ундан ҳаммасини билиб олди:

— «Унашганлар» романи баёнимми? Ҳа, албатта, азизим! Мен бу дафтарни анча йил илгари бир боладан бир қутнча америка сигаретасига алмашиб олгандим, у бу дафтарни холасидан вақтинчаликка олгану, лекин қайтариб бермаган.

— Унинг исми нима?

— Уни эслаб қолиб бўлармиди! Балким, Доминандир, балким Теофрасто.

— Йўқ, болани исми эмас. Холасининг исми нимади деяпман?

— Анжелина Педретти. У Бусто Арсициода яшайди. Мандзонни проспекти 3456, 789-уй. Йўл бўлсин, азизим?

— Зарур юмушим чиқиб қолди. Уйланиш учун ҳузурингга эртага шу вақтда етиб келаман. Кел, соатларимизни текшириб олайлик.

Қалин туманга қарамай, мистер Қаппа Бусто Арсициога учиб кетди. У Анжелина Педреттининг уйини қидириб топди, усталик билан дарвозабондан сўраб-суриштириб, «синьорина Анжелнна» бундан бир неча ой илгари қўзиқориндан заҳарланиб ўлганлигини билиб олди.

Нима қилиш керак? Мистер Қаппа газета сотиб олди-да, шошаниша эълонлар бўлимини очди. Ниҳоят, ундан қидирган нарсасини топди: «Олий категорияли МЕДИУМ. Нариги дунё билан алоқа боғлашга кафолат берилади. Векселлар ҳисоб-китоб учун қабул қилвнмайди».

Медиум Бризигелда, Романьеда яшар ва ширинликни жонидан яхши кўрарди. Юз кило арпабодиди карамель конфети эвазига у дарҳол инсу жинслар билан гаплашди, гаплашув давомида аввало галлар доҳийсининг руҳи Верчинжеториже билан Карл Каттани чақиртирди. Аммо улар мистер Қаппани мутлақо қизиқтирмасди. Ва ниҳоят синьорина Анжелнна Педретти пайдо бўлди. Унинг очикчасига гаплашиш хоҳиши борга ўхшарди. Сухбатда Медиум-хотиннинг эри тилмочлик қилиб турди.

— «Унашганлар»? Йўқ, мен уни ўқимаганман.

— Сиз бу романи мактабда ўтмагансизларми?

— Утган бўлганмизда ўқимасмидим.

— Бироқ сиз баёнли дафтариингизни жиянингиз... Дамианоми ёки Теофрастогами вақтинча бериб турмаганмидингиз?

— Йўқ, йўқ, асло Теофрасто эмас. Унинг исми Габриелло.

— Бундан чиқди, баённи сиз ёзган экансиз-да?

— Худо сақласин! Бу дафтар менга раҳматли бувимдан мерос бўлиб қолган.

— Унда тушунарли. Демак, уни сизнинг бувингиз ёзганлар, шундайми?

— Ҳечам-да! Бу дафтарни у кишига ҳам совга қилишган.

— Унда ким ёзган, ё тавба!

— Бир гарибальдиялик ёзган, бувимнинг бобомга турмушга чиқмасларидан олдинги салкам куёвлари бўлган. У Гарибальди билан бирга жанг қилган, бувимнинг айтишларича, у жуда келишган йигит бўлган экан. Аммо бувам ундан ҳам келишган эканлар, ундан ташқари унинг Вижеванада оёқ кийимлари магазини бўлган экан. Шунинг учун ҳам бувим унга эмас, гарибальдияликка турмушга чиққан эканлар.

Мистер Қаппа унинг бу қадар батафсил ҳикоя қилиб беришини кутмаганди, лекин сабр-тоқат билан ҳикояни охиригача эшитди-да, Медиум-хотинга қараб деди:

— Синьорина Анжелинадан сўранг-чи, ўша гарибальдияликни қидириб топиб, уни бу ерга гувоҳ сифатида олиб кела олмасмикинлар.

— Ҳаракат қилиб кўраман, — жавоб қилди синьорина Анжелана. — Аммо бунга бир оз вақт керак бўлади. Бизлар бу ерда жуда кўпчиликмиз, бунинг устига ҳаммамиз аралаш-қуралаш бўлиб кетганмиз... Менга жуда бўлмаганда беш минут вақт беринг.

Мистер Каппа билан медиум-хотин чеккишга ҳозирлик кўрдилар, лекин сигареталарини чекиб тугатмаслариданоқ медиум яна ишга тушиб, гап бошлади:

— У ерда биров бор, кимдир турибди...

— Синьорина Анжелана, бу сизмисиз? — сўради Каппа.

— Йўқ, — аниқ қилиб жавоб берди кимнингдир босиқ овози.

— Мўъжиза! — хитоб қилди медиум-хотиннинг эри. — Ҳатто унга столнинг ҳам кераги бўлмай қолди. Арвоҳлар столга ўтирмай гаплашишади!

— Сен гарибальдияликмисан? — сўради медиум.

— Мен сенатор Александро Мандзонининг шахсий котиб бўламан, — жавоб берди босиқ овоз.

— «Унашганлар» романининг ўлмас яратувчисиями? — хитоб қилди мистер Каппа, ҳаяжонланганидан сигарета кулини нимчасига тушириб юбориб.

— Мўъжиза! — қайтарди медиум-хотиннинг эри. — У сенатор бўлган экан-ку!

— Жаноби олийлари, — давом этди ҳалиги овоз, — бу баёни шахсан ўзлари, хотинларининг жиянларига, яъни адабиёт ўқитувчиси билан тескари бўлиб қолганлиги учун ёрдам тариқасида ёзиб берганликларини сизларга айтиб қўйишни менга топширдилар.

— Бундан чиқди, — хулоса қилишга шовилди мистер Каппа, ўзига хос теран фикрлаш билан, — сирли дафтарни гарибальдиялик синьорина Анжеланининг бувисига совға қилган, ҳозир синьорина Де Паолоттисда сақланмоқда, бу буюк Мандзонининг бебаҳо дастхати демак, шундайми?

— Бўлмаган гап, — жавоб қилди шахсий котиб, — бу бор-йўғи нуханинг оддий нухаси. Жаноби олийлари хотинларини жиянларига баёни аслидан ўн икки нусха кўчириб олишни, аслини эса ёндириб юборишни буюрганлар. Жиянлари ўн икки нухани ўзининг энг яқин дўстларига совға қилганлар, уларнинг ҳар бирдан Александро Мандзонининг рухсати билан яна ўн иккитадан нусха олинганди. Ва ҳоказо ва ҳоказо...

— Мўъжиза! — яна хитоб қилди медиум-хотиннинг эри. — Бундан чиқди, бу синьор Мандзони узлуксиз занжирни ўйлаб топибди-да.

Мистер Каппа анчагача хаёл суриб қолди. Охири арвоҳга мурожаат қилди:

— Агар хато қилмасам, унда машҳур дафтарни ҳозир Италияда камиди олтинчи икки минг саккиз юз йигирма тўққизта нухаси бўлиши мумкин, шундайми?

— Мутлақо тўғри, — тасдиқлади арвоҳ, — Аммо бунинг ҳаммаси махфийлигича қолиши керак. Мактаб раҳбарлари ҳамда журналистларга лом-лим дейилмасин! Александро Мандзонининг буйруғи шунақа. Келишдикми? Чао!

Мистер Каппанинг оёқлари дармонсизланиб, у ерга чўккалаб қолди. Ишнинг икки-чикирларигача аниқланди. Бироқ далиллар ўта жиддий бўлиб чиқди, ҳатто имзосиз хатдан ҳам жиддийроққа айланди, шунингдек камтарин ўқувчи Де Паолоттисдан ҳам кўра обрўлироқ шахслар манфаатига дахлдор эди. Мистер Каппанинг юрагида икки қарама-қарши томонларнинг бешафқат кураши давом этарди: унга ҳақ тўловчи мижоз олдидаги мутахассиснинг бурчи, шунингдек, буюк ўзувчининг илтимосига бўлган ҳурмат сир сақлашни талаб қиларди. Бундай кучли қарама-қарши фикрлардан унинг боши айланиб, шундай қаттиқ оғриқлар бошландики, ҳатто бунга қўтослар ҳам чидай олмай, жинни бўлиб қолишлари ҳеч гап эмасди. У бирйўла якки дона аспириин таблеткасини ичиб юборди, шундан кейингина бош оғриғи сал шахтидан қайтди.

Мистер Каппа меднум-хотни билан ҳисоб-китоб қилиб, Бергамога учиб кетди, у ерда Робертага уйланиб, уни шахсий тўй самолётида Римга олиб келди-да, ўз идорасига, синьор Феррини билан ваъдалашган вақтга уч минут қолганда кириб келди. Мистер Каппа қолган бир юз саксон секунд давомида тинимсиз ўзинча: «Мен эди унга нима дейман?» — деган саволни такрорларди.

Орадал бир минут ўтиши билан эшикни кимдир тақиллатди... Бироқ синьор Феррини ўрнига югурдак бола кириб келди. У ўқитувчидан мактуб олиб келганди. Хатда: «Ҳурматли Мистер Каппа, илтимос қиламан, қидирувни тўхтатинг. Ўқувчи Де Паолоттис одамгарчилик юзасидан сидқидилдан менга беайб ёлғончиликни сўзлаб берди. Аммо мен уни жазога тортмадим, чунки ўша кун тунда тушимга Жузеппа Гарибальди кириб, қатъий: «қандай қилиб сен буюк ўзувчининг бир талай саҳифаларида ҳикоя қилиб бера олган нарсаларнинг оқддий ўқувчидан бир неча қаторда ёритиб беришини талаб қиласан?» — деди. Менимча, икки қитъа Қаҳрамони, ҳар қачонгидек, ҳақ эди. Берган авансим ўзингизда қола қолсин, шундай бўлгани маъқул. Сизнинг ибодаттўй хизматкорингиз Гвидоберто Феррини», — дейилганди.

## АТИРГУЛ ВА ХИВИЧ

Биз илгари ҳам бир неча бор ҳикоя қилганимиз шижаларнинг пўкагини бураб очадиган очқичларнинг эҳтиёт қисмлари фабрикаси хўжайини синьор Мамбретти ўзига мевали дарахтлари сероб боғ сотиб олди. У боғболикка Фортунниони илга қабул қилди.

— Отаиғ сенга намуноча аҳмоқона нем қўймаса? — деб сўради синьор Мамбретти унинг исмини эшитгани биланоқ.

— Маэстро Вердиниинг шаънига атаб, синьор.

— Аммо Вердини, менимча Жузеппе дейишарди-ку?

— Тўғри, Жузеппе дейишарди. Унинг иккинчи исми Фортуннио эди. Учинчиси ҳам бор — Франческо.

— Майли, бўпти, бўпти, — деди синьор Мамбретти. — Яхшиси, ноклар ҳақида гаплашайдик. Эртага меникига синьор Мамбретти билан синьор Мамбрелло тушликка келишадди, мен уларни боғимнинг поз-пеъматлари билан меҳмон қилмоқчиман. Шундай қилиб, столга энг чиройли ноклардан бир тақсимчада тортиқ қиласан.

Фортунионнинг ранги қув оқариб кетди:

— Синьор, лекин ҳозир ҳеч қанақа нокнинг ўзи йўқ! Мамбретти унга ҳайрон бўлиб қаради.

— Қандай қилиб нок бўлмайди? — деди у. — Нок дарахти, менимча, соғлом, бақувват...

— Гапингиз тўғри. Мен уларга яхши қараяпман, сув қўйяпман, дорилаяпман, тагини чопаяпман ва ҳоказо. Бутун қонун-қоидаларга асосланиб иш тутаяпман.

— Барака топ! Ҳосил бермаса, унда бу дарахт менинг боғимдан нима қилади? Уни яхшилаб таёқ билан адабини бериб қўйиш керак. Шундай қилдингми? Рўйхат журналида унга икки қўйдингми?

— Қанақа журнал, синьор?

— Демак, сен ҳатто журнал ҳам юритмагансан? Яна тагин «бутун қонун-қоидаларга асосланиб» деганинга ўлайми! Қимматли Фортунини, ўсимликларга нисбатан қаттиққўл бўлиш керак. Интизом ва тартиб — биринчи ўринда! Мана қара! Единида тут!

Синьор Мамбретти таёқни олиб, уни орқасига яширди ва нок дарахти томон юрди, агарда тили бўлганда нок дарахти: «Командорнинг оёқ товушларини эшитяпман...» — деган бўлармиди.

— Бу нима қилганинг? — мурожаат этди синьор Мамбретти дарахтга қараб. — Ҳа, талтайяпсизми? Кўзларингни ёғ босиб қолдингми?

— Лекин, синьор... — унинг гапиши бўлди Фортунини.

— Учир овозингни! Бу ерда хўжайин ким?

— Синьор Мамбретти.

— Баракалла! Хўш, хўжайин сифатида мен таёқдан фойдалансам, нима қилти?

У шундай дея туриб дарахтни таёқ билан савалай кетди, дарахт шу заҳотнёқ қўрққанидан гулларини дув тўкиб ташлади.

— Биринчисига етса керак, — деди синьор Мамбретти, таёқни улоқтириб, пешонасидан терини сидириб ташларкан. — Ҳамма нарсанинг меъёрида бўлгани маъқул. Инсоф — сари барака. Мана кўрасан, эртага бу дарахтда ажойиб ноклар пайдо бўлади!

Бечора Фортунини энди бу дарахт эртага ҳам, ярим йилдан кейин ҳам ҳосил бермайди, чунки у гулсиз қолди демоқчи бўлди-ю, аммо у гапга чечан эмасди, гапи бўғзида қолаверди-ю, синьор Мамбретти уйига кириб кетди.

— Ё парвардигор, — деб пичирлади Фортунини, — эртага нима бўлади? Хўжайиннинг ғазаби қайнаб, яна нок дарахтини савалаши турган гап.

У бу ҳақда кун бўйи ўйлаб юриб, охири бечора дарахтни қутқариш чорасини топди. У уйига бориб ўзининг пул сақловчи қутбесини очиб, ичидаги йиғилган пулларини олди ва шаҳарга шо-

шилди — энг эртапишар мева ҳамда сабзавотлар, шунингдек йил бўйи нок сотиладиган дўконга борди. Фортунини икки килограмм нок сотиб олиб, кун ботишини кутиб ўтирди, сўнг боққа кириб, бу ажойиб нокларни дарахт шохларига чиройли қилиб битта-битта осиб чиқди. Четдан қараганда ноклар худди дарахтнинг ўзида унгандай бўлиб кўринарди.

Тонг отди, синьор Мамбретти боғда нима юз берганлигини билиш учун боққа келди. У дарахтдаги нокларни кўриб, қувонганидан кафтларини бир-бирига ишқалади:

— Кўрдингми, қимматли Фортунини? Бу шунақа ажойиб ноклар, бундай ҳосил Веронанинг жанубидан то Пистойянинг шимолигача яқин-ўртада бўлган эмас! Бунинг ҳаммасига бонс — таёқ. Уларни териб, хотинимга олиб бор. Ёдингда туг — дарахтлар билан пачакилашиб ўтирма. Улардан кўр-кўрона, мутлақо итоат-корона бўйсунини талаб қил! Агарда улар итоат этмасалар, жазолаш даркор. Гапимни тушундингми?

Шўрлик Фортунини бу гаплардан уялиб бошини қуйи солиб тура берди. У тўғриси айти олмасди, ёлгон гапиришга виждонини чидамасди. У сукут сақлашга қарор қилди — бугун хўжайини миннатдор бўлди-ю, эртага нима бўларкин, бу ёғни худо билади.

Эртасига эрталаб синьор Мамбретти яна боққа келди ва унга атиргул кераклигини айтди.

— Албатта, оқидан бўлсин! — тушунтирди у Фортуниниго. — Чунки бу меннинг синглим учун, унинг исми Бьянка. Демак, бу оқ дегани. Қанчалик нозик ўйланганини уқдингми?

— Тушундим, синьор, — жавоб қилди боғбон. — Фақат, биласизми, оқ атиргул ҳали очилгани йўқ.

— Очилгани йўқ? Бунга қандай ҳадлари сиғипти?! Улар бу ерда мен хўжайинлигимни билишмайдимми?

— Биласизми, синьор...

— Мен ҳеч нарсани билмайман! Эшитгим ҳам келмайди. Ҳеч нарсани билишни ҳам хоҳламайман. Менга хивични олиб кел-чи!

— Сиз... бу бечора ўсимликни хивичламоқчимисиз?

— Ўсимликда ҳам ўсимлик бор. Бу ўз бурчини оқлайдиган даражада вояга етган. Ўжарликни ёшликдан йўқотиш лозим! Свганини жазолашади! Бу ёққа бер...

— Вой, шўрим қурсин...

— Сенинг бунга нима дахлинг бор? Мен сени уришга ҳозирлик кўраётганим йўқ-ку, оббо сен-е! Мен сенга фақат хўжайинига керак бўлиб қолганда қандай қилиб атиргулни очилишга мажбур этишни кўрсатиб қўймоқчиман, холос.

Синьор Мамбретти атиргулни савалаётганида Фортунини кўзларини юмиб турди. У бир пайтлар кўз кўрмаса юрак ачимайди, деган мақолни эшитганди. Бироқ унинг юраги барибир ачншди.

— Мана, ҳаммаси жойига тушди! Кўрарсан, эртага эрталаб бу нозик ойим шундай чиройли очилиб чиқадики. Бу ерда қаттиққўллик керак! Тушундингми, Фортунини? Қаттиққўллик. Темир ирода!

Фортунно бир ўзи қолиши билан у атиргул тушунадигандай уни илиқ сўзлар билан юпата бошлади. Ҳатто унинг илдизига бир жуфт аспирин хабдорисини қўйиб қўйди, балки унинг оғриғини босар. Бир оздан кейин яна хавотирлана бошлади:

— Эртага нима бўлади?

Ҳамма гап шундаки, унинг бўлак пул сақловчи қутчаси йўқ эди. У велоспедига ўтириб, беш минг лира қарз сўрагани амакиваччасининг олдига борди.

— Жуда қизиқ бўлди-ку, — деди амакиваччаси Филиппо, хижолат тортгандек, — келиб-келиб бугун эрталаб телевизор тўловини тўлаб келувдим. Енимда бор-йўғи бир лирагина қолди. Агар шу бўлади десанг...

— Раҳмат, — чуқур хўрсинди Фортунно.

Беш минг лирани йиғиб олиш учун у бирин-кетин амакиваччалари Рикардо, Радамеса (унга маэстро Жузеппе Вердининг «Анда» операсидаги қаҳрамонининг исми берилганди), холаваччаси Бертолина (уни кўриб ичак касали ҳақида унга лекция ўқиди), холаси Бенедетти (қарз беришдан олдин беҳи билан турупнинг фарқини узоқ сўраб-суришгирди, ахир турупдан беҳи ширин эмас-ку), шунингдек холаси Энеани ҳузурига ҳам боришига тўғри келди. Охири у жанубдан олиб келинган атиргуллардан беш донасини сотиб олиш учун гул дўконига бориб улгурди. Фортунно кун ботиши билан боққа борди, атиргулларни кўчат новдаларига боғлаб чиқиб, гул кўчатларига қараб пичирлади:

— Ишқилиб, гуллар унга ёқсин-да! Кўпроқ сотиб олиш учун бошқа имкониятним бўлмади. Парх-наво ҳозирги кунда қанчалик ошиб бораётганини биласизлар-ку. Синьор Мамбретти ҳам очқич эҳтиёт қисмлари нархини осмондан қилиб юборди.

Бироқ хўжайинга беш дона атиргул озлик қилди.

— Мен йигирмата деб айтгандим-ку!

— Йўқ, синьор, сиз бундай демагандингиз!

— Нима? Сен ҳали гапимни қайтарадиган бўлиб қолдингми? Ўзингни кимлигингни унутдингми? Қани, хивични бу ёққа бер!

— Йўқ, худо ҳаққи, фақат хивич эмас!

— Айни хивични бер!

Синьор Мамбретти хивични ўзи топиб олиб, атиргулларни савалай кетди. Кейин бирйўла боғдалигидан фойдаланиб, бир томони сарғайгани учун арчани ҳам жазолади, сарвини шохлари қийшайгани ва зарангни ҳосили баланддалиги, нарвон қўйиб ҳам олиб бўлмаслиги учун калтаклади.

— Мана бу мажнунто! Нимага кўкка қараб ўсмасдан ерга эгилиб ётибди? Бу арча нега қад кўтариб ўсмаётир? Бу ливан заранги қачон ҳосилга киради?

— Бўлди, бас қилинг, — дея кўз ёши шашқатор оқиб ўтинарди Фортунно.

— Бўлди?— зарда билан деди синьор Мамбретти.— Тўғриси айтсам, сен ва сенинг маэстро Вердинг билан шуғулланиш жонимга тегди? Сен ҳайдалдинг! Идорага кириб, ҳисоб-китоб қил!



Усимликлар йиғиси энди Фортунинога ўтди. Бу иш жуда ўринсиз бўлди, чунки кўзини қоплаб олган кўз ёшлари уни қайси эшикка кириб ҳақини талаб қилиб олишига халал берарди, у қайсинисига бормасин, ҳамма ёқдан уни қувиб чиқаришарди.

— Мен сизларни эртага кўргани келаман! — дея бақирди синьор Мамбретти боғидаги барча ўсимликларга қарата. — Эсларингни йиғиштириб олмасаларинг, кунларингни кўрсатиб қўяман! Ҳаммангнинг хулқингга икки баҳо!

Қуёш ботди. Тун чўкди (роппа-роса унга ажратилган вақтда: — бир дақиқа олдин ҳам эмас, кеч ҳам эмас, айни пайтда) боғ тун қоронғулгига бурканиб, атрофни сукунат чулғади. Лекин ер остида томир ва илдишлар бир-бирига илашиб, чирмашиб турли чуқурликларда хўжайинга қарши чора кўришга хуфёна тил бириктиришди. Уларни жонсиз мавжудот деб ўйламаслик керак. Улар ўзларини қандай ҳимоя қилишни биладилар ҳам.

Томирларнинг тун бўйи ер тагида гаплашиб бир қарорга келишиб олишларида сичқон, каламуш ва қурт-қумурсқалар ҳаракати халал бермади.

Эрталаб синьор Мамбретти ҳаммасини ё у ёқли, ё бу ёқли қилиш мақсади билан боққа кириб келди, гердайнб ён-атрофни кўздан кечирди ва аввало, албатта, атиргул ниҳоллари томон йўл олди.

— Биттаси ҳам очилмабди, — деди у. — Жуда яхши. Шундай бўлиши ҳам керак эди. Бундан чиқди, мен аҳмоқ эканман-да, фақат оғизда бажарарканман, ёки балким, мен сизларга турк тилида гапирётгандирман? Й-ў-қ, сен янглишяпсан, хоним! Ҳали ҳеч ким ҳеч қачон менинг сўзимни иккита қилган эмас.

Шундай деб туриб, синьор Мамбретти қўлидаги хивични кўтарганича атиргулга ташланди. Бироқ ердан туртиб чиқиб турган илдинини мажнунтол хийла кўтарганди, хўжайини қоқилиб кетди. Умбалоқ ошиб тушмаслик учун атиргул тупига ёпишганди, унинг ўткир тиканлари қўлига санчилди. Шимол арчаси ҳатто шамолсиз ҳам қаттиқ-қаттиқ чайқалди-да, хўжайиннинг устидан ўзининг энг оғир, нақ ярим кило келадиган гуддасини ташлаб юборди. У тушган заҳоти бўлиниб кетиб, ичидаги ёнғоқлари ҳар томонга сочилди, шу дамда пайдо бўлган олмахон ёнғоқларни дарҳол териб олди.

Синьор Мамбретти зарбадан ерга мук йиқилди ва жаҳл билан арчага қараб бақирди:

— Нонисоф! Шошмай тур, мен сенга ҳали кўрсатиб қўяман!

Шунда арча унинг бошига навбатдаги гуддасини ташлаб юборди. Кейин учинчисини. Тўртинчиси ҳаммасидан каттароқ эди. Синьор Мамбретти қоча бошлаганди, бундан дарҳол сарв дарахти фойдаланди. У ўзининг энг пастки шохи билан хўжайинни чалиб юборди. Мамбретти яна йиқилиб тушди, бу сафар у чалқанчасига тушганди. Нок дарахти аламинин олиш ниятида ўлган чирилдоқни унинг кўзига улоқтирди, бошқа илсжи бўлмагандан кейин нима қилсин, бечора.

— Ҳали менга қарши ҳужум уюштиришми? — қичқирди синьор Мамбретти. — Куролли кўзғолон! Исён!

Жавоб ўринга қарагай унинг оғзига қараб бир ҳовуч майда тиканакни улоқтирди. Синьор Мамбретти анчагача тиканакларни отолмай, туфлаб юрди.

— Мен ҳали сизларга кўрсатиб қўяман! — яна бақира бошлади у, гапиришга сал оғзи келиши билан. — Мен сизларни худди хазонга айлантриб, тухумингизни қуритаман! Саржинлаб гулҳанда ёқаман! Сизлардан ҳатто уруғлик ҳам қолмайди.

Шунда акация дарахти ўз шохларини чўзиб бориб, гўё бўғиб ўлдирмоққа чоғлангандай томоғидан хиппа ушлади. Ҳўжайин энди гапиролмай қолди, мимоза унинг бурни тагини қитиқлаётганини кўриб, маҳкам ушлаб тураверди.

Бир амаллаб синьор Мамбретти унинг чангалидан қутулиб чиқди ва тарвақайлаб қочиб бораркан, овозининг борича бақирди:

— Ердан беринглар! Ердан беринглар! Фортунинно!

— Мен йўқман! — жавоб қилди Фортунинно, тўсиққа миниб олганча ҳаммасини маза қилиб томоша қиларкан. — Мени бўшатиб юборганингиз дарров ёдингиздан чиқа қолдимми? Мен кинога осланаётиман.

Синьор Мамбретти уйга қайтиб келиб, эшикни нчидап қулфлаб олди. Кейин югуриб дераза олдига борди. Боғ ҳар галгидек сокин эди. Дарахтлар ҳеч нарса бўлмагандек, ўз жойларида қад кўтариб туришарди.

— Вой, фирибгарлар-е! — тўнғиллади синьор Мамбретти. Кейин у ваннахонага кириб, камида яраланган ўн жойига малҳам ёпиштириб чиқди.

## ИШҚИБОЗ БАЛИҚЧИ

Альбертоне лақабли синьор Альберто шаҳарлик балиқчи эди. У Гарибальди ҳамда бошқа Рим кўприкларидан туриб донм битта қармоқда, аммо ҳар гал бир хил хўракка Тибра дарёсида балиқ овларди. Баъзи балиқлар анжир қоқини, баъзилари чигирткани, яна бирлари бўлса оддий чувалчангни хуш кўрарди. Лекин ҳамма бало шундаки, Альбертоненинг ўзини балиқларнинг кўрган кўзи, отгани ўқи йўқ эди. Балиқлар унинг сувга ташлаган кўрагини ёзда ҳам, қишда ҳам назарга илишмасди. У бирдан лешч балиқ илиниб қолармикан ёки бирорта шафқатли қизилкўз илинади-ю, қаттиқ бир тортиб, қайсар балиқчини юрак-пураги билан қўшиб сув тагига тортиб кетармикин деган умидда кун бўйи кўприкда пойлаб ўтирарди. Агарда тонг-саҳарда Гарибальди кўпригидан йўлингиз тушиб қолгудек бўлса ва кун ботишда яна ўша йўлдан қайтишингизга тўғри келса ёки дўстларингиз сизнинг илтимосингизга кўра куннинг истаган соатида кўприкка назар ташлагудек бўлсалар, албатта, балиқчининг ўша ерда сувга қармоқ ташлаб ўтирганини кўрмай иложлари йўқ. Уни букчайган елкасидан осонгина таниса бўлади. Агар қармоққа битта ҳам балиқ

илинмаса, хафалигидан баттар букчайиб қоларди, лекши шуида ҳам у ўша-ўша ишқибоз балиқчи Альбертонелигача қол-верадн.

Ундан уч метр нарида кўприкда бир нотаниш киши балиқ тутиб ўтирарди, сиртдан қараганда унинг балиқчиликка ҳеч қандай алоқаси йўққа ўхшарди, жуда нари борганда унинг қўлидан насияга қомус сотиш келарди. Аммо у қармоғини сувга ташлаш билан бирорта лосос илинмай қолмасди, бунинг устига қармоқни сувдан тортиб чиқарганида балиқнинг хурсандликдан думини акиллашиб, ялтираб ўйнашини айтмайсизми. Қармоқдаги балиқнинг узунлиги қирқ сантиметр, оғирлиги худди икки кило келадн-я! Бироқ бирор одамни бунга ишонтириб кўринг-чи!

Омади келган балиқни балиқни саватига солиб, қармоғига бирорта арзимас чувалчангини илиб, яна сувга ташларди, орадан дақиқа ўтмай, сазан балиқни тортиб оларди, унинг ҳам оғирлиги икки кило келарди, балиқчи мамнунлигидан мийғида жилмайиб кўярди.

— Бунақа балиқни ейишмай, ҳавасга кўтариб юришади, — деб тўнғилларди Альбертоне.

Унинг ёнидаги балиқчи ҳам қармоғини сувга ташлаётганда ҳар гал ўзича нималарнидир гудранарди. Альбертоне унинг ёнига яқинроқ бориб қулоқ солган эди, унинг:

Синьорина-балиқ, Жузеппино томон сузиб кел! деганини эшитди.

Балиқ зум ўтмасдан қармоққа илинарди. Альбертоне чидаб туролмади.

— Кечирасиз, синьор Жузеппино, — деди, — мен сизнинг ишшигизга аралашмоқчи эмасман, балки, сиз менга ҳойнаҳой бу сириш тушунтириб берарсиз?

— Ҳа, бу жуда оддий, — кулди Дузеппино. — Мана, қаранг. У яна тезгина қармоғини сувга ташлади-ю, сеҳрли сўзини тақролади:

Синьорина-балиқ, Жузеппино томон сузиб кел!

Шу заҳоти қармоққа Тибранинг бу томонларида умуман учрамайдиган илон-балиқ илинди.

— Зўр-ку! — деди ҳайратда қолган Альбертоне. — Мен ҳам тажрибадан ўтказсам бўладими?

— Марҳамат! — жавоб қилди омадли балиқчи.

Альбертоне ҳам у айтгандай қилган эди, қармоққа ҳеч бало илинмади.

— Э-ҳа, ёдимдан кўтарилибди! — деди омадли балиқчи. — Сизнинг ҳам исмингиз Жоржеми?

— Йўқ, нима эди?

— Гап шундаки, менинг исми Жорже, лақабим Жузеппино. Шунинг учун балиқлар менинг сўзимга қулоқ солиб, сузиб келсалар керак. Биласизми, куф-суфлашлар доимо жуда аниқ бўлаши лозим.

Альбертоне ашёларини йиғиштириб, ўтмишга савҳат ўтказувчи Хроно Тур туристик агентлиги жойлашган Виссолати кўчасига

югурди. У навбатчига бор гапни тушунтирди. Навбатчи ЭХМ да нималариндир ҳисоблади, чиққан рақамларни оддий идора чўтида текширди, вақт машинасига планлаштириб шундай деди:

— Мана, ҳаммаси жойида бўлди. Мана бу креслога ўтирнинг ва сизга оқ йўл!.. Сабр қилинг! Ҳақини кассага тўладингизми?

— Ҳа, ўзидан маълум. Мана чеки.

Навбатчи тугмачани босди ва Альбертоне 1895 йилда пайдо бўлиб қолди, яъни отаси туғилган санада. Ҳа, эса ташландиқ чақаллоққа айланди-ю, уни етимхонага жойлаштиришди. У етимхонадан чиқиб, отаси ишлаётган шахтага ишга жойлашгунга қадар орадан анча оғир йиллар кечди. Ота-бола тез орада дўстлашиб қолдилар. Отаси уйланган йили у ўғил кўрди, Альбертоне унга маслаҳат қилди:

— Уни исмини Жорже қўй, лақаби Жузеппино бўлсин! Кўрасан, бу унга бахт келтиради!

Отаси аввалига кўнмади:

— Умуман олганда мен ўзимнинг биринчи фарзандимга Альберто деб исм қўймоқчи эдим. Ҳай майли, сенинг сазанг ўлмасин,— деди.

Қисқаси, боланинг исми Жорже, лақаби Жузеппино бўлди. У боғчага борди, кейин мактабга ва ҳоказо. Умуман олганда Альбертоненинг ҳаёт йўлини қайтарди, фақат бошқа исмда. Альбертонега, тўғриси айтганда ҳаммасини бошқатдан бошлаш жуда жонга тегди. Аммо уни қандай қилиб бўлмасин, қирқ ёшга беш ойга етказиб, ҳозирги вақтга, Гарибальди кўпригига қайтариш керак эди-да. У фақат балиқларнинг истаса-истамаса унинг ҳукмига бўйсунушлари лозимлигини ўйлаб, ўзига тасалли берарди.

Ниҳоят ўша кун ва соат — омадли балиқчи билан у учрашган аввалги вақт-соатга етиб келди. Бўлғувси Альбертоне кўприкка югуриб келиб, қармоққа чувалчанг солди-да, сувга отди ва нафасини ростлаб ҳаяжонли овозда:

— Синьорина-балиқ, Жузеппино томон сузиб кел! — деб пи-чирлади.

Пўкак қимирламади.

У яна бир оз сабр қилиб, кутиб турди.

Илгаридек ҳеч қандай натижа бўлмади.

Жузеппино яна бир оз кутди.

Яна ўзгариб юз бермади. Балиқлар пинакларини ҳам бузмай, унга без бўлиб қараб тураверишди. Альбертоне-Жорже-Жузеппинодан уч метр нарида ўтирган бошқа балиқчи спиртли суюқликда жўхори қайнатаётганди. У пишиб етган жўхори донасини олиб қармоққа иларди-да, сувдан... хурсанд бўлганидан сузғичлари қизариб кетган ўн икки килоли зогора балиқни тортиб оларди.

— Бунақаси кетмайди! — бақириб юборди бўлғувси Альбертоне. — Энди мени ҳам Жорже деб чақиринишади, лақабим Жузеппино! Нега балиқлар фақат сизга илинади? Бу зўр ноҳақлик-ку, мен сизни судга бераман!

— Нимага?! — хитоб қилди омадли балиқчи. — Парол ўзгарганидан хабарингиз йўқми! Эътибор бериб эшиттинг!

У қармоққа жўхори донасини илиб, сувга отди, қармоқ сувга чўкиб тушгунга қадар шодон овозда:

— Сеньорина-балиқ, Филиппино томон сузиб кел! — деди.

Буни қаранг-а. У яна дарёдан карп балигини тутиб олди, биричи карп балигининг туғишган укаси бўлса керак. Агарда у ўн икки кило келмаса ҳам ўн икки маротаба юз граммдан келиши аниқ эди!

— Ким бўлди бу Филиппино деганингиз?

— Менинг укам, — тушунтирди унга омадли балиқчи. — У физик-атомчи, балиқ овлашга унинг вақти бўлмайди. Менинг эса ястаганча вақтим бор, чунки мен ишсизман.

«Жин урсин! — ўйлади Альбертоне. — Филиппино исми укам қасрдан топсам бўлади? Менинг фақат синглим бор, исми ҳам бошқача. — Витториа Эмануэлла. Нима қилиш керак?»

У яна Хроно Тур агентлигига қайтиб борди ва ўз қайғусини навбатчи мутахассисга баён этди. У бир оз фикр юритиб, ҳисоблаш машинаси билан маслаҳатлашди-да, холасига телефон қилиб, шундай деди:

— Бориб кассага ҳақини тўланг.

Бу гал Альбертонега давр бўйича бобо-бобо-бобокалонларининг яқин дўсти бўлиши учун анча асрлар орқага қайтиши, бобо-бобо-бобокалонни билан бирга ҳажга бориши ва йўлда бирорта қовоқхонада қўниши лозим бўларди. Шунда у бобо-бобо-бобокалонга сездирмасдан унга укол қилди, натижада уларнинг қарнидош-уруғлиги хиёл ўзгарди, лекин бу бутунлай билинмаган аҳволда ўтди — Витториа Эмануэлланинг туғилиш вақти етиб келганда унинг ўрнинга ўғил бола туғилди, унга Филиппо ёки оддийгина қилиб Филиппино деган исм берилди. Бунинг учун озмуноча вақт йўқотмади, аммо Альбертоне бизни давримизга қайтиб келганда, унинг ўттиз олти ёшли Филиппино деган укаси пайдо бўлиб қолди. У океандаги лайнерлардан бирида ошпаз бўлиб ишлар, лекин шу пайтгача ҳам сўққабош эди.

Альбертоне қармоғини кўтарганча Гарибальди кўпригига етиб келди ва уни шундай чаққонлик ва усталлик билан сувга улоқтирдики, шу пайт троллейбусни ҳайдаб ўтиб кетаётган ҳайдовчи кабинасидан бошини чиқариб унга:

— Балли! — деб қичқирди.

У бўлса дарҳол янги паролни қайтарди:

— Сеньорина-балиқ, Филиппино томон сузиб кел!

Қаёқда! Қарнинг қулогига таибур чертган билан теги бўлди. Енидаги балиқчи эса яна кичкина қизил кўзни илинтирди, аммо уни ҳатто қармоқдан ҳам олмай сувда бир оз ушлаб турганди. Эсель сув омборининг фақат шарқда учрайдиган баҳайбат олабуға балиқ уни ютиб юборди, у афтидан омадли балиқчига алоҳида ҳузур бағишлаш учун Тибрага келган эди.

— Бу қандоқ гап! — қичқириб юборди Альбертоне, бу қичқирикдан ҳатто Аржентина майдонида машиналар қатнови қондалари издан чиқди. — Мени ҳам сизга ўхшаб Жузеппино деб қақришади! Менинг ҳам сизга ўхшаб Филиппино деган укам бор!

Дарвоқе, уни топиб олишда суюкли синглимдан айрилишимга тўғри келди. Балиқлар бўлса, ҳамон мендан балодан қочгандай четлаб ўтишади. Фақат ёдингизда бўлсин, эндингитдан нари пароль ўзгарган деб мени лақиллата кўрман!

— Худди шундай, пароль ўзгарган! Энди «Синьорина-балиқ, фра, Мартино томон сузиб кел!» дейиш лозим бўлади.

— Бу яна ким бўлди у — фра Мартино?

— Менинг амакиваччам, францисколик роҳиб, балиқ овлашга вақти йўқ, чунки у хайр-аҳсон йиғади!

— Мен ҳозир сизга хайр-аҳсонни кўрсатиб қўяман!

У омадли балиқчини маҳкам ушлаб олиб, бунинг ҳаммасини 75- троллейбус ойнасидан кўриб турган нотаниш пенсионер-ўқитувчининг таибеҳига қарамай, уни даст кўтарди-да, кўприкдан ошириб Тибрага улоқтирди.

— Ҳой, йиғитча, сизни мактабда нимага ўргатишган?— жаҳли чиқиб гапирди пенсионер-ўқитувчи.

Альбертоне унинг гапини эшитгани ҳам йўқ. Узини ҳам кўргани йўқ. Фақат кўприк тагида юзлаб омадли балиқчини камзулини сувга текизмай, авайлаб кўтарганларича қирғоққа қараб олиб келаётганларини кўрди. Афсуски, дарё тўлқини барибир унинг ишмига тегиб ўтибди, аммо қандайдир балиқ батареяда ишловчи (Гибрада штепселлар йўқ-ку) соч қуриртгич билан бир зумда қуриптиб қўйди. Синьор Жорже-Жузеппино зинапоялар орқали ўз вақтида уни кўприкдан сувга улоқтирган Альбертонени полиция ҳибсга олмоқчи бўлиб турган пайтда кўприкка чиқди ва уни озод қилишга улгурди.

— Ҳечқиси йўқ!— деди синьор Жорже-Жузеппино.— Бу шунчаки ҳазил эди, тўғри анча қўполроқ чиқди. Болаларга хос шўхлик, тушунгандирсиз?

— Бироқ, бу одам сизни чўктириб юбормоқчи эди!

— Йўғ-е! Оширворманг! Мен синьор Альбертонега ишонаман, ҳатто пул йиғишиб унга янги қармоқ сотиб олиб беришга тайёрман, чунки эскиси дарёга тушиб кетди.

Дарҳақиқат, Альбертоне жаҳл аралаш қармогини ҳам дарёга улоқтириб юборгани, балиқлар унинг пўкагини сувда ўйнаб юришарди.

Қисқаси, ҳамма нарса ўз ўрнига тушди. Полициячилар кино томон йўл олишди, тўпланган йўловчилар турли томонга тарқалишди, машиналар ўз йўлларига, тақдирга рўбарў кетишди. Альбертоне анчагача индамай нимчаси тугмачасига тикилганча бир жойда туриб қолди, синьор Жорже-Жузеппино яна балиқ овлашга киришиб кетди.

— Синьорина-балиқ, фра Мартино томон сузиб кел!

Балиқлар ёппасига унга томон сузишди. Унинг қармоғига илиниш учун ҳатто улар Фьюмичинодан сузиб келишарди. Ҳатто денгиз томондан майда балиқ ва қизилдаҳанлилар, сольоле ва тишли балиқлар, олтин ва зогора балиқлар, омбрин ва йирик тунец балиқлар гала-гала бўлиб келишарди. Улар биринчи бўлиб қармоққа илиниш учун бир-бирларини турткилашар, тумшуклари ва

думлари билан уришарди. Сувдан каттагина тунец балиқни олиб чиқиш учун синьор Жорже-Жузеппино 66-троллейбуснинг икки дайдовчиси билан Соннино майдонидан икки майхона сотувчисини ёрдамга чақиршга тўғри келди. Лекин Тиберино оролидан байрамона кайфиятда сувни фаввора қилиб отиб, деярли Моби-Дикка ўхшаш, унча катта бўлмаган кит пайдо бўлганда синьор Жорже-Жузеппино қўлларини силкиб, уни ушлашдан воз кечди.

— Ҳеч қандай сутэмизувчи керак эмас! Фақат балиқ, вассалом! — деди у.

Альбертоне булар ҳаммасининг шоҳиди бўлиб турар, лекин индамасди. У ақлдан озди, бироқ бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмади, бўлмаса уни жиннихонага жўнатиб юборишарди-да. Уни ҳар доим эрта-кеч у ёки бу кўприкда кўриш мумкин эди, чунки у аввалгидай Тибра сувини сабр-тоқат билан ўрганишини давом этарди. Агар унга яқинроқ бориб қулоқ тутсангиз унинг:

— Синьора-балиқ, Робертино томон суз... Синьора-балиқ, Женорино томон суз... Эрнестино томон суз... Гоффридино... Жокоттино... Катерино... Терезино... Аввелино... Бородино остонаси жанги томон деб миңғирлаганини эшитасиз.

Доимо ундан қочиб юрувчи балиқларни итоаткорлик билан унинг олдига сузиб келишга мажбур қилувчи паролни у ҳамон қидирарди. У ёзининг жазирама иссиғини ҳам сезмасди. Қишда Тибра водийсидан эсадиган ва барча кўприкларни шиббалаб кетувчи совуқ шимол шамолини ҳис этмасди. Бундай пайтда ҳатто қизилкўзлар ҳам яхдай сувда иссиқ пўстин ва қулоқчиндан йўқ лейишмасди. У зарур сўзни умидворона қидирарди. Ҳа, қидирган — топади, дейдилар-у, лекин ҳар доим ҳам эмас-да.

## СЕҲРГАРЛАР СТАДИОНДА

«Барбарано» футбол клуби президентининг жуда тарвузи қўлтиғидан тушган эди. Клубнинг командасида Брокко I ва Брокко II каби машҳур футболчилар ҳамда яқин келажакда яхши ўйинчи бўлиб етишиб чиқиши мумкин бўлган ёшлардан Брокко III, Брокко IV ва Брокко V (кейингисини футбол ишқибозлари «Олтин бутса» деб номлашганди) каби етук ўйинчилар нштирок этишига қарамай, ҳар яқшанба ва бошқа дам олиш кунлари бўладиган ўйинларда ютқазадиган одат чиқарганди. Президент ўз маслаҳатчилари, сарой аъёнлари, бош мулозимлари билан гапни бир жойга қўйиб, ўз салтанатида қуйидаги хабарни эълон қилди: «Кимки «Барбарано»ни мағлубиятдан қутқарса, унга ўз қизимни никоҳлаб бераман ва унга қўшиб Севимли Қўғирчоқ қасрини сеп тариқасида нинъом этаман».

Хабар эълон қилинган куннинг эртасига президент ҳузурига дилларида не-не умидлар билан кўпгина ёш йағитчалар келишди. Улардан баъзилари футбол клуби президентининг соҳибжамол қизи Лауреттани зимдан севиб қолишганди, унинг бўйи бир метру етмиш беш сантиметр, кўзлари мовий эди, ўзи олимпиада чемпи-

онатига ҳозирлик кўраётган бўлиб, пластинка қўйиб эшитишли кунт билан машқ қиларди, куёвликка талабгор йигитчалар ғалаба қозонишининг турли-туман йўлларини таклиф қилардилар. Масалан, бошқа клублардан Рив, Ривер, Нетцер ва Беккенбауер сизгари энг зўр ўйинчиларни таклиф этиш, рақиб команда ўйинчиларини заҳарли қўзиқоринлар билан меҳмон қилиш, майдон судьяларини тўнғиз овига олиб чиқиш ва ҳоказолар. Аммо Беккенбауерни сотиб олиш учун немис тилини билиш лозим бўларди, бу иш аъча мураккаб эди. Шундай қилиб, бу таклифларнинг биронтаси ҳам маъқул бўлмади.

Кечга яқин Лауреттанинг қўлини сўраб сўнги даъвогар келди — бу пишареллилик Рокко деган одам бўлиб, унинг қуён мўйнаси билан савдо-сотиқ қилишини ҳамма биларди. Аввалига у Лауреттанинг суратини талаб қилиб, уни диққат билан кўздан кечирди, сўнгра мамнун бўлгандай бўлди.

— Сизнинг футболга қандай алоқангиз бор? — сўради президент.

— Биласизми, мени иккинчи исмим Элениум<sup>1</sup>, — деб тушунтирди Рокко.

— Яхши, бу энди кафолат бера олади. Кейин-чи?

— Кейин бундай қиламиз, — таклиф этди Рокко. — Келгуси якшанба кuni ўйин бошланиши олдидан мени тренерлар ёнига ўтқазиб қўясиз, агар ўйиннинг натижаси кўнгилдагидек бўлса, унда гапимизни гувоҳлар иштирокида давом эттирамиз.

— Қелишдик, — жавоб қилди президент.

Якшанба кuni, ўша йўл-йўл оқ майкада ўйновчи «Формелло» командаси билан «Барбарано» учрашиши лозим эди. Рокко майдонга чиқиб, тренерлар ўтирадиган жойга бориб чўкди, у ерда тренер ҳаётдан аллақачон умидини узган одамдай, сўзсиз ашуладай ва ён атрофга ҳушбўй ҳид тарағаётган сўлгин хризантема<sup>2</sup>дай ломуш ўтирарди. Ҳар қачонгидек, ўйинни бошлашга рухсат этиб, судья ҳуштагини чалди ва ўйиннинг дастлабки ўн беш минутида «Формелло» кетма-кет учта тўп урди, бундан ташқари яна у киритган ўн тўпни судья ҳисобга олмади, чунки бу тўпларнинг ҳаммаси ўйиндан ташқари ҳолатда уриб киритилган эди.

Танаффус вақтида Рокко ўйинчиларнинг ечиннадиган хонасига кириб борди ва ҳар бир ўйинчининг ёнига келиб, уларнинг қўлинига нимадир деб пичирлади. Президент ҳам унинг орқасидан бориб, ҳамма ўйинчилар даврасини айлланиб чиқди ва Рокко нима деганини билмоқчи бўлиб, улардан қизиқиб сўради.

— У менга: «Уч карра тўққиз — йигирма етти!» деди, — деди Брокко I.

— Менга эса: «Олти карра тўрт — йигирма тўрт!» — дея иқдор бўлди Брокко II.

— У карра жадвалини биларкан, — хаёлга чўмиб жавоб қилди президент.

<sup>1</sup> Э л е н и у м — тинчлантирувчи дори.

<sup>2</sup> Италияда хризантемани қабристонга, марҳумнинг устига қўйгани одиб борилмади.



— Қани, бу ёғи нима билан тамом бўларкин, кўрайлик-чи.

Ўйиннинг иккинчи тайми бошланди. Орадан бир минут ўтиши билан Брокко I боши билан уриб рақиблар дарвозасига тўп киритди. Икки минутдан сўнг чап томондан Брокко II дарвозани аниқ нишонга олди. Кейин ўнг томондан кетма-кет Брокко IV ва Брокко V (кейингисини футбол ишқибозлари «Олтин бутса» дейишади) тўп киритишди. Брокко VI тиззаси билан, Брокко VII бўлса қулоғи билан уриб рақиблар дарвозасига тўп йўлладилар. «Барбарано» 12:3 ҳисоби билан ғалаба қозонди. Президент қаттиқ ҳаяжонланганидан ҳушидан кетиб йиқилди, уни команда тарафдорлари қандай қилиб қўлларида кўтариб борганларини ҳам сезмади, шунинг учун бундан ҳеч қандай наф кўрмади.

У ҳушига келиши биланоқ Роккони топгани буюрди, у бўлса мотоциклга ўтириб, ўзининг Пишареллисига жўнамоқчи бўлиб турганди, президент уни ўз командасига янги тренерликка таклиф этиб қолди. Олдингисини Португалиянинг Оporto деган чекка бир жойига қувғин қилиб юборди.

— Энди, — илтимос оҳангида деди президент, — сеҳрнинг сирини нимада эканини менга айтиб бер.

— Бунда ҳеч қанақа сир-пир йўқ, — тушунтирди Рокко. — Гап шундаки, қуён мўйнаси билан савдо қилганимда бўш вақтним жуда кўп бўлади, баҳонада руҳий фаоллият қонуниятларини ўрганиб олдим ва футбол сеҳргари бўлиб етишдим. Мен тўпни фақат фикр кучи билан истаган томонга йўпалтира оламан. Рақиб командаси ўйинчиларининг кўзига кўрқинчли нарсаларни кўрсатиб, уларни кўрқув ҳолатига соламан. Кўрдингиз-ку, бунинг ҳаммаси жуда оддий иш.

— Келишдик. Аммо, яхшиси, бу ҳақда матбуот билмагани маъқул.

— Менга шуҳратнинг ўзи етиб ортади, — деди Рокко. — Шунингдек, Севимли Қўғирчоқ қасри ҳам. Айтгандек, қизингиз майонезли балиқни яхши кўрадимиз?

— Ҳа, нимаиди?

— Йўқ, шунчаки билиб қўйиш учун сўрадим-да. Ахборот тўп-лаш — менинг севган машғулотим.

Бир неча ҳафта ичидаёқ «Барбарано» футбол жадвалининг юқори поғонасига кўтарилиб олди ва чемпионат голиби бўлиб чиқди. Рокко билан Лауретта ўз тўйларини ўтказиб, Севимли Қўғирчоқ қасрларида ҳафтада бир маротаба майонезли балиқ тамадди қилиб яшай бошладилар.

Яқин йиллар ичида «Барбарано» А группасига ўтиб, биринчилик мусобақаларида ғалаба қозонди, чемпионат кубогини ва кубоклар кубогини қўлга киритди, шунингдек Тольфеда ўтказилган туинг чемпионатда ғалабага эришди ва ҳоказо. У барча замонларнинг ҳамда халқларнинг энг машҳур футбол командаси бўлиб етишди, Рокко эса дунёдаги жуда машҳур тренер бўлиб қолди.

— Сиз, дейлик ҳатто эчкини ҳам тўп уришга ўргата оласиз-

ми?— бир куни бир номаълум журналист ҳазил тариқасида сўраб қолди.

— Шубҳасиз,— жавоб қилди Рокко. У эчкини олиб келишга буюрди. А группасидан ўн икки дарвозабонни чақиртириб, уларни ёнма-ён, тирсақларини бир-бирларига теккизиб дарвозага турғизиб қўйди. Эчки дарвозага қаратиб тўпни бир телганди, дарвозабонларнинг ҳаммаси ўмбалоқ ошиб тушди. Тўп жум-м этиб дарвозага кириб кетди. Гол! Аслида гап бундай эди: ўн икки дарвозабонга тўп ўрнига рояль учиб келаётгандай туюлганди. Бироқ бу ҳақда дарвозабонлар очиқ айтишга уялишганди, чунки улар дақиқа ўтмасдан ҳақиқатан ҳам бу учиб келаётган рояльни ёки электрон органи — бир нима дейишга иккиланиб қолишганди.

Анча йиллардан бери Рокко фақат мана шу гал биринчи мартаба ўзини тутиб тура олмади. Судья Брокко V ни (футбол ишқибозлари уни «Олтин бутса» дейишарди) «ўйиндан ташқари қолатда» деб қайд этди, аслида эса зинҳор бундай бўлмаганди. Бир вақт қараса, қора гольфли судья ҳе йўқ, бе йўқ дарвоза ён тўсиндан чирмашиб тепа тўсинга чиқиб кетса бўладими.

— Рокко, бу нима қилганинг?!— жаҳли чиқиб кетди «Барбарано» президентининг.

Рокко шунда баъзи бир ишонмайдиган ақлларда шубҳаланиш фикрини туғдираман деб руҳий таъсир кўрсатиш кучини ҳаддан ташқари ошириб юборганлигини тушунди. У судьяга дарвоза тепасидан тушиш имкониятини туғдирди ва унинг кўз ўнгига анаконда илонини келтириш билан кифояланди: судья майдон бўйлаб чопиб юрар ва ҳар доим унга ўн метру эллик сантиметрлик илонни босиб олаётгандай туюлаверди, уни босиб олмаслик учун киши ақлини лол қолдирадиган даражада жуда галати сакрашлар қиларди. Томошабинлар ниҳоятда завқ-шавқ билан уни олқишлардилар. «Барбарано» 47:0 ҳисоби билан галаба қозонди ва унинг ҳамма ўйинчилари Севимли Қўғирчоқ Ордени нишондори бўлдилар.

Бирдан аллақандай Англо-Пруссия деган ёқларда бошқа бир футбол командаси бор эмиш, у ҳам доим ўйинни 40 ёки 50:0 ҳисоби билан ютармиш, ҳатто ГФР командаси устидан голиб чиққанмиш ва Беккенбауер хафа бўлганидан футболни ташлаб, банк хўжайини бўлиб олганмиш, деган миш-мишлар тарқалди.

Рокко ўз энглини тўқимачилик саноати вакили либосига ўзгартиб, худди назоратчиларга ўхшаб сафарга отланди, аслида эса Англо-Пруссиянинг «Робур»и билан «Верталло» футбол командаларининг ўйин учрашувини кўришга жўнаганди. У машҳур тибет сеҳргарининг тренер либосига кириб олганини бир қарашдаёқ билиб олди. Буни текшириб кўриш учун у бутун диққат-эътиборини, фикру зикрини бир жойга тўплади, барча билимини ишга солди ва англо-пруссияклар командасининг ўнг қанот ҳужумчисини чигирткага айлантириб қўйди, шўрлик ҳашарот оёқ остида қолиб кетмаслик учун қўрққанидан тивимсиз чирилларди. Аммо орадан уч минут ўтиши билан чигиртка яна қайта ўнг қанот ҳужумчисига айланди-ю, ўзига оширилган тўпни рақиб дарвозасига

аниқ йўналтирди. Рокко фикр кучи билан тўпни у жойдан бу жойга олиб ўтди. «Ветралло» дарвозасига яна икки тўпни кириштишга муваффақ бўлди, ammo учинчисига келганда эплай олмади — тибетлик сеҳргарнинг фикри, шубҳасиз, кучлироқ бўлиб чиқди. Бу нарса унинг тибетчасига қадим сеҳргарлар тилида фикр юритгани учун шундай бўлган бўлса ҳам эҳтимол.

Қаттиқ ҳаяжонланганидан ҳатто Рокконинг кўзига говмичча чиқди. Турган гап, эртами-кечми, ким билади, балки бундан ҳам эртароқ жаҳоннинг энг кучли икки командаси бир-бири билан албатта учрашишини у биларди-да. Бинобарин, бу муҳим воқеага тайёргарлик кўриш лозим эди. Рокко тибет тилини ўрганишга киришди. У уч кечаю уч кундузда қирқ минг сўзни ёдлаб шунинг ўзи кифоя қилар деган қарорга келди. Бироқ бир тилдан иккитаси яхши, иккитасидан учтаси яхши, кўпроқ бўлса ундан яхши деган мақсадда у шунчаки хитой ва хиндий тилларини, шунингдек банту қабиласининг ўнлаб шеваларини ўрганди.

Мана, суперматч куни ҳам етиб келди. Уйни Римнинг Олимпия стадионида ўтказилиши керак эди. Бир юз ўн етти мамлакат билан радио ва телеэшиттириш алоқалари ўрнатилди. Ингирма минг журналист бўлиб, уларнинг кўпчилиги хотинлари ёки дўстлари билан бирга келишганди. Трибуналар турли соҳаларнинг министрлари, архиепископлар, қуён мўйнаси билан савдо қилувчилар, қашшоқлашиб қолган зодагонлар, вақтинчалик эркинликда юрган ўғрилар, турли хил иншондорлар, кал ва чапақайлар билан тўлганди. Икки тренер ўз жойларига бориб ўтиришларидан олдин бир-бирларининг қўлларини сиқнишиб: «Ғалаба кучлига насиб қилсин!» деб тилак тилашишди. Ўз-ўзидан маълум, улар буна ўзларининг ҳақиқий туйғуларини яшириш мақсадида арамаико тилида айтишди. Қўллар жуфтлашганда тибет сеҳргарининг бармоқлари заҳарли илонга айланди. Рокко ўз бармоқларини жайраларга айлантириб, унга қарши кечиктирмай зарба берди, маълум бўлишича, уларнинг ҳар иккаласи ҳам илонни ямламай ютишда устаси фаранг ҳисобланаркан. Шубҳасиз, ҳеч ким ҳеч нарса сезгани йўқ ва расм олувчилар ҳам бирор нарсани пайқамай сураатга олишни давом эттиравердилар.

Рокко судьянинг ҳуштагидан сўнг дарҳол майдонга жайралар тўдасини чиқарди, ammo ўзларини сеҳргар қилдириб олган англопруссликлар ҳам бўш келмадилар.

«Баҳайбат саккизоёқлар, чиқинглар!» — деб фикран буюрди Рокко. «Робура» командаси ўйинчиларидан ташқари бирор кимсага кўришмайдиган ҳар бир ўйинчига биттадан ўн бир баҳайбат саккизоёқ футбол майдонида пайдо бўлди. Саккизоёқлиларнинг ҳар бир пайпаслагичининг узунлиги ингирма тўрт метр бўлиб, улар ҳатто китни чирмаб ташлашлари мумкин эди, трансатлант лайнерини сув остига тортиб кетishi, атом сувости кемаларини ўзига муносиб тарзда мажақлаб ташлаши мумкин эди. Бироқ ўларнинг сеҳргарлик томонидан тайёрланган англопрусслик ўйинчилар саккизоёқлиларга тилларини чиқариб кўрсатган эдилар, улар қаттиқ хафа бўлиб, кўздан йўқолдилар.

Шу аснода Брокко I нинг кўзи ногоҳ... Оқойимга тушиб қолди-ку.

— Кечирасиз, мабодо серсоқол миттивойларимни учратмадингизми?— дея мурожаат этди у унга.

Брокко I жавобга тилн келмай оғирлашиб қолди-ю, қимматли дақиқаларин қўлдан бой бериб қўйди.

— Йўқ синьорина,— деди у,— афсуски мен уларни кўрмадим. Фақат эҳтиёт бўлинг, бу ерда туришингиз мумкин эмас, бунда аср футбол ўйини кетяпти!

— Ростданми? Бундан мутлақо хабарим йўқ!— жавоб қилди Оқойим.— Унда марҳамат қилиб, менга тушунтириб бера олмай-сизми, нега энди мана бу бечора тўпни ҳамма аямай тепгани-тепган, ахир у ҳеч кимга ҳеч қандай ёмонлик қилмаган бўлса...

Брокко I Оқойимга футбол ўйини нималигини тушунтираман дегунча англо-пруссликлар ундаи тўпни тортиб олиб қўйдилар ва тезкорлик билан «Барбарано» дарвозаси томон ҳужум уюштирдилар. Дарвозабон тепилган тўпни қайтаришга шай бўлиб турган эди, тўсатдан унга томон ҳарсиллаб келаётган Золушкани кўриб қолди.

— Синьорина,— қичқирди унга дарвозабон,— туфлингиз тушиб қолди!

— Зарари йўқ,— жавоб қилди Золушка,— уйда яна биттаси бор!

Шу топда англо-пруссликларнинг марказий ҳужумчиси дарвозага қараб тўпни шунақанги зарб билан тепдики, тўп Колизей деворини сал бўлмаса қоқ иккига ёриб ташлаёзди. Яхшиямки, бутун продасини унга жамлаган Рокко фикр кучи билан тўпнинг йўналишини ўзгартиришга муваффақ бўлди ва у гувиллаб дарвоза устуни ёнидан ўтиб кетди.

«Демак, сенинг сеҳрлаш усулинг шундай экан-да,— деб ўйлади Рокко, фикран тибет сеҳргарига мурожаат этиб.— Жуда яхши! Бу эртагингга мен ҳам ажойиб эртак билан жавоб қиламан!»

Орадан дақиқа ўтмаёқ англо-пруссликлар майдонда Қизил қалпоқчали қизча пайдо бўлганини ва уни ортидан ёвуз бўри қувиб келаётганини кўришди. Уларнинг энг олижаноб ҳис-гуйгулари бечора қизчага ёрдам беришга ундади — ҳаммалари Бўрига ташланишди. Бундан фойдаланган «Барбарано» рақиблари дарвозаларига тўп уришди. 1:0! Етти минг икки юз ўн саккиз футбол ишқибози азбаройи ҳаяжондан ҳушидан кетиб йиқилди, уларнинг ҳаммасини замбилларга солиб олиб кетдилар.

Тибетлик сеҳргар сал бўлмаса Қарабас-Барабас ушлаб олаётган кўк сочли Қизча билан жавоб қайтарди. «Барбарано» ўйинчилари унинг ҳаётини сақлаб қолмоқчи бўлиб ўйиндан чалғидилар ва бундан фойдаланган англо-пруссликлар ҳисобни тенглаштирдилар: 1:1! Яна тўрт минг футбол ишқибози билан уч юзта полиция ҳушидан кетиб йиқилди.

Шундан кейин сеҳргарлар тамом ихтиёрларини қўлдан бериб қўйдилар, футбол майдонини жодугарлар, алвастилар, аждаҳо-лар, шайтонлар, ажинлар, ўғай оналар, ўғай қизлар, фаришта-

лар, нўхат устида ухлай олмаган маликалар, дайди оловлар, сўзловчи отлар, ўғрилар, қароқчилар, бременлик созандалар, сарбонлар — қисқаси, ўтган аср ва бизнинг шу кунлардаги махлуқлар — аввало мультфильмларнинг қаҳрамонлари ва бўлғуси персонажлар билан тўлиб кетди. Лекин томошабинлар буларнинг биттасини ҳам кўрмасдилар. Улар фақат йигирма икки ўйинчи билан телбаларча майдоннинг у бошидан-бу бошига югуриб юрган судьяни кўришарди, холос, эсдан чиққан ва ҳаммадан қолган тўп эса бир чеккада думалаб ётарди. Ҳамма бало шунда эдики, иккала сеҳргарнинг фикр кучи билан мажбуран қақиртирилган бу шарпаларни майдондан эндиликда олиб ташлашга қурбилари етмасликда эди. Майдон ҳаддан ташқари торайиб қолганди, югуришга жой йўқ эди. Футболчилар нафасларини ростлаб оляш учун ерга ўтириб олишганди. Стадион томошабинларнинг қорозларча бақирӣқ-чақирӣқлари ва ҳуштак овозларидан нортлагундек эди.

Қўқисдап қизӣқ ҳодиса юз берди. Рокко билан тибетлик сеҳргар бир вақтнинг ўзида сурнайчи Гаммелин ҳақида фикр юртиб қолишди. Шунинг ҳам ҳисобга олиш керакки, фикр юритганда-ми шунақанги зўр эътиқод кучи билан фикр юритишдики, ҳалиги Гаммелин дегани майдоннинг қоқ ўртасида пайдо бўлди, шунинг билан бирга у ҳатто одам қиёфасида барча томошабинларга, шунингдек министрларга, журналистларга ва калларга ҳам кўринди.

Ҳўш, диққат марказга тушган бу сурнайчи нима иш бажарди дейсизми?

Стадионда ақл бовар қилмайдиган сукунат чўкди. Борди-ю, шу маҳалда пашша учгундай бўлса ҳам унинг овози баралла қулоққа чалинар эди. Аммо ҳозир пашша эмас, бутунлай бошқа нарсанинг овози янгради... Сурнайчининг ўз сурнайида чалган куй овози эшитилди. У нимани куйлади дейсизми? Айтсам ишонмай-сиз-да! Лекин Иоганн Себастьян Бахнинг чолгу оркестри учун ёзган машҳур музика асаридан янграган шўх куйини ҳамма эшитгани рост!

Сурнайчи сурнай партиясини ўн етти бор такрор-такрор чалди. Гап шундаки, куй анча қисқа бўлгани туфайли ундан тўлақонли ҳузурланиш учун ўн олти бор тинглаш ҳам камлик қиларди.

Сурнайчи бу куйни чалиб бўлиб, секин-аста майдондан чиқиб кета бошлади. Футболчилар хотиржам унга эргашди. Судья ҳам уларнинг изидан кетди. Икки сеҳргар ва томошабинлар ҳам улар билан изма-из йўлга тушишди. Шундай қилиб, ҳамма аср футбол ўйинини, умуман футбол деган ўйинини эсидан чиқариб (фақат уч ойга), уй-уйларига тарқалди ва сурнай чалишни ўрганишга киришиб кетди.

## УН КИЛО ОЙ НАМУНАСИ

Ойга бориб тушган биринчи одамларни мен эслай олармикинми? Бўлмасам-чи! Жуда яхши эсимда. Тўғрироғи, қайси йил ва қайси ойда бўлгани аниқ эсимда йўғу, аммо сешанба кунини эрта-

лаб эшигимнинг қўнғироғи жиринглади, мен бориб эшикни очдим ва қаршимда қаттиқ хаяжонланиб турган командор Ципни жуда яхши эслайман.

— Ақлга тўғри келмайдиган иш!—хитоб қилди у ўзини диванга гуна ташлаб.

Командор Ципнинг вазни бир центнердан кам келмасди, унинг залворидан диван пружиналари мунгли инграб юборди.

— Нима бўлди?—ташвишланиб сўрадим мен.

— Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган иш! Тарихда учрамаган буюк иш! Шахсий кутубхонамизда қанча китоб бор? Икки мингта. Сиз бисотингизда икки минг йирик қоғоз пул бор деб ҳисоблайверинг. Мен бу ҳақда дарак топишим билан дарҳол ҳузурингизга чопдим. Фақат менга қўшни бўлганингиз учунгина эмас, ўғлим қизамиқ билан бетоб бўлганда менга даража бериб турганингиз учун ҳам эмас, чунки сиз ўзингиз ақлли одамсиз, бу иш эса фақат ақлли одамларгина хоҳир. Аҳмоқларнинг бу ерга тумшуқларини суқиши қатъиян ман этилади, уқдингизми?

— Командор, мени қийнаманг, келинг, аввал анови қанақа иш эканлигини бундай тушунтириб беринг.

Командор сирли ниқобини кийиб олиб, у ёқ-бу ёққа, стол остига шубҳаланиб қараб қўйди-да, ҳеч ким унинг гапини эшитиб турмаётганигизга ишонч ҳосил қилиш учун деразадан ташқарига кўз ташлади — нега бундай қилди, тушуна олмадим, ахир мен тўртинчи қаватда яшайман-ку, бу деразадан анча йил илгари фақат бир маротаба кимнингдир савъаси адашиб кириб қолганди, холос, уни ҳам мен ўша заҳоти тутиб дарвоза қоровулига топширгандим.

Охири командор Цип яна қайтиб диванга ўтирди-да, жуда эҳтиёткорлик билан костюмининг чўнтагидан оддий қоғозга ўралган, каноп ип билан боғланган қандайдир ўрамни олди.

— Мен уни шу аҳволда олиб юрибман,— деди у чуқур хўрсиниб,— кўрганлар бу ўрам ичида икки дона сосиска ёки бифштекс, қисқаси, эрталабки нонушта бор деб ўйлашсин дедим-да. Айтинг-чи, бунинг нималигини биласизми?

— Йўқ, командор. Бироқ энди тезроқ билгим келяпти.

— Мана буни кўринг-да, ўзингиз бир нарса денг. Сиз ахир ақлли одамсиз, ҳа, ақлли одамсиз!

Ўрам ичида катталиги муштдек келадиган бўр ёки оқ гилга ўхшаш нимадир ётарди. Мен бу нарсани яхшилаб кўриб олмоқчи бўлгандим, аммо командор ўрамни дарҳол йиғиштириб, яна чўнтагига солиб қўйди.

— Кўрдингизми?

— Йўқ.

— Нега энди йўқ бўларкан? Нима, кўзингиз юмрилиб қолганми?

— Хўш, кўрдим ҳам дейлик. Фақат нималигини била олмадим.

— Аттанг. Ақлли одамлар бир дафъадаёқ тушуниб олишади деб ўйлардим. Мен сизга кўрсатган нарсам, азизим, бошқа ҳеч нарса эмас, айнан... Ойнинг бир бўлаги, намунаси!

Шу гапларни айта туриб бехосдан командор Ципнинг овози баландлашди, аммо у дарҳол ўзини қўлга олиб, мени огоҳлаштирди:

— Тш-ш! Худо хайрингизни берсин, бу ҳақда чурқ этманг! Бунинг ҳаммаси ўта махфий сир. Мен бу намунани жуда ишончли бир одамдан олдим, полковник Ноп яшайдиган уйнинг иккинчи дарвозабонининг поччасининг амакиваччасидан.

— Фазогирданми? Ойга тушган биринчи одамданми?

— Топдингиз! У ўзининг гаройиб саёҳати пайтида нақд ўн кило Ой жинсини ўзи билан бирга олиб келганини ҳеч ким биламайди — ўн кило Ой жинсидан-а. Сиз гапимни тушуяпсизми? У бунинг ҳаммасини арзон-гаровга сотишга тайёр. Унинг савдо-сотиқ билан шуғулланганини ва бу ишларни ҳаммасини ўзи олиб бориши ноқулайлигини сиз тушунасиз-ку.

— Тушунаман ноқулайлигини, лекин гап қапдай иш ҳақида бораётганини ҳеч англаб ололмаяман.

— У чоқда сизнинг кўзингизгина йўқ бўлмай, ҳатто тасаввур қилиш қобилиятидан ҳам маҳрум экансиз. Сиз бирор марта-ба Пизада бўлганмисиз?

Бу савол худди жағимга мушт туширгандай таъсир этди менга — тўғриси айтсам, мен уни кутмагандим.

— Сиз бирор марта, — у мени сўроқ қилишда давом этди, — туристларни Пиза минораси тасвирига бўлган қизиқишини ва эсдалик совғаси сифатида унга ёпирилганларини кўрганмисиз? Уни тилла баробарига баҳолашди! Қолбуки, у ўзи арзмаган пул туради. Агарда Ой намуналарини савдога қўйгундек бўлса борми, нима бўлишини энди сиз кўз олдингизга келтириб кўринг — кичкинагина ярим Ой шаклидаги, оғирлиги кўп эмас икки-уч грамм келадиган, аммо чинакам Ой тошидан ясалган ва юз фойиз каффолати билан...

— Дарвозабоннинг иккинчи амакисининг амакиваччасининг поччаси...

— Йўқ, йўқ, илтимос сиздан, ўтинаман, чалкаштирманг! Сўз амакиваччасининг акасининг поччаси ҳақида борапти, тескариси эмас. Мана, ўқиб кўринг! Мана бу бутун дунёга таниқли инглиз астрономи профессор Рапнинг хулосаси. Унда менга сотилган намуна ҳақиқатан ҳам Ой жинсидан ташкил топганлиги тасдиқланади... Мана бунисида америкалик геолог доктор Брек берган справка... Бу эса Москва Фанлар Академиясининг профессори Проппнинг хати... Сайёрамининг энг билимдонлари бўлмиш бу барча жаноблар қўлимдаги нарса Ойнинг таркибий қисми эканлигини тасдиқлашяпти!

Командор Цип математика ва химиявий формулалар битилган гербли муҳр босилган қоғозларнинг ҳаммасини менга қараб улоқтирди. Аммо дарҳол қайтадан уларни йиғиштириб олиб, чўнтагига тиқди ва менга тантанавор юзланиб деди:

— Ун миллион, бутун бўлак бизники бўлади! Ойнинг ҳар бир kilosига бир миллиондан. Бу ахир ғирт текин-ку, сиз шундай деб ўйлайсизми? Мен икки юз минг лира закат бериб қўйдим. Би-

либ қўйинг, мен тентак эмасман, мен бадал эвазига мана шу намунани олдим. Менинг мана бу ҳисоб-китобларимга бир қулоқ солиб кўринг-а. Совгаларнинг ҳар донасини йигирма минг лирадан сотадиган бўлсак, биз юз миллион лирага эга бўлишимиз мумкин. Соф фойда тўқсон миллионни ташкил этади. Кичкинагина Ой бўлагини йигирма минг лирага... Ҳа, бу совгалар қўлқўлга тегмай сотилиб кетади, сизни ишонтириб айтаман! Ҳозирчалик алоқани узмай турамыз, анови...

— Дарвоза қоровулнинг иккинчи поччасининг акаси билан...

— Илтимос қиламан, эслаб қолишга уриниб кўринг: гап яқинчи қоровулнинг амакиваччасининг поччаси ҳақида борапти. Агарда зарур бўлиб қолса, унда полковник Нопнинг ўзи билан боғланамиз, унга қўшимча ҳақ таклиф этамиз, у бизни янги моллар билан таъминлаб туради, бизда тўла монополия бўлади, энди тушунгандирсиз? Биз Ойни центнерлаб сота оламиз, пуллари жойлаштириш учун сиз мана бу китобларингизнинг ҳаммасини улоқтириб ташлашингизга тўғри келади, сиз мени яхши тушунгандирсиз?

Командор Цип шу йўсинда анчагача ишни ипидан-игнасигача қолдирмай ҳаммасини батафсил тушунтирди. «Ой совгалари» барча китоб магазинларида, барча вокзалларда, шунингдек дорихоналарда ва ҳатто қабристонларнинг дарвозалари олдида сотиладиган бўлади. Одамлар уларни харид қилиш учун навбат қутиб турнақатор тизилиб туришади. Ҳар бир совгага гувоҳнома, Рап, Брек ва Пропларнинг имзоси бор хатнинг тасдиқланган нусхаси қўшиб берилади.

— Бўлди қил,— уни сўзини кесдим мен,— хўш, менинг сизларга қандай ёрдамим тегиши мумкин?

Командор Цип менга бақрайганча қотиб қолди.

— Азизим,— деди у,— мен сизни жуда қаттиқ ҳурмат қиламан, лекин сизга қарши сўз айтишимга рухсат этинг, фақат кўзингиз ожизми десам, қулогингиз ҳам битиб қолган экан! Мен сизга ҳали пулдан сиқилиб қолганимни айтмаганимдир?

— Йўқ, командор, бу ҳақда лом-мим демадингиз менга.

— Бўлиши мумкин. Барибир олдимми ё кейинми, бу ҳақда энди сизга айтилма-ку. Мен фақат беш миллион йиғиб бера оламан. Қолган беш миллионни сиз беришингиз керак. Шунда ҳаммаси ўртада бўлади. Мен бажонидил кўпроқ қисмини сизга ипъом этган бўлардим-у, бироқ болаларим, оилам ҳақида ўйлашим кераклигини сиз тушунасиз-ку. Беш миллионни мен бераман, бешини — сиз.

Менда нафақат беш миллион, балки беш минг лира ҳам йўқлигини бўйнимга олишдан чўчидим. Мен худди шу кун эрталаб оилам бюджетидан қолган сўнгги чақаларни квартира ҳақига тўлаб келгандим. Миямга бўлак фикр келди-ю, бироқ бир нарса дейишдан андиша қилиб, шундай таклифни ўртага ташладим.

— Дарвоза қоровулнинг акасининг олдига борамиз...

— Борамиз!— қўллаб-қувватлади сўзимни командор Цип, дивандан салчиб туриб.



У хурсанд бўлганидан меннинг яна ниманидир чалкаштириб юборганимни сезмади ҳатто.

— У бизни Травя устунлари ёнида роппа-рога соат бирда кутиб туради.

— Учрашув учун ажойиб жой!

— Ростданми? Биз оддий туристларга ўхшагандай бўлиб юрмиз. Бизни кўрганлар иккимиздан биримизнинг чўнтагимизда Ойнинг намунаси борлигини сезиб қолмаслиги лозим.

Биз машҳур ёдгорлик ёнига етиб борганимизда соат ўн иккидан элик минут ўтганди. Ун минут командор Цип учун ўн юз йилдек туюлиб кетди. Тоқатсизланганидан у ҳатто ўйинга тушиб кетди ва қорозга ўралган Ой намунаси унинг чўнтагидан сирғалиб чиқиб, тўрри оёғига тушди.

— Вой!— беҳосдан қичқириб юборди у, лекин дарҳол ўзини қўлга олди.— Хайрият-е, оёғим устига тушди! Омадим бор экан!

— Офарин! Ҳатто оёғингизга тушган зарбани ҳам писанд қилмаганингизни кўриб турибман.

— Нима деганингиз бу? Ахир ерга тушганда... У майдаланиб кетарди-ку!

— Барибир совға ясаганингизда уни синдиришингизга тўғри келарди,— дедим мен.

Бироқ командор Цип энди меннинг гапимни эшитмасди.

— Ана бизнинг одам!— хитоб қилди у, йўловчилар орасидан кимшидир кўрсатиб.

Келинган гавдали, чиройли костюм кийган бир синьор тўғри биз томонга қараб келарди. Бошига бостириб кийган сомон шляпаси пешонасини, қора кўзойнак эса кўзларини қоплаб турарди. Уни узоқдан бир оз пиёда юришни кўмсаб қолган адвокат дейиш ҳам ёки бир пиёла қаҳва ичгани қаҳвахонага йўл олган префект хизматчиси ҳам дейиш мумкин эди. У мендан бошқа истаган кишини янглиштира оларди. Сабаби, мен уни яхши танирдим.

— Саломатмисиз?— қувноқ саломлашди у билан командор Цип.

— Салом, салом,— тақаллуф билан жавоб қайтарди ҳалиги одам, саломлашиш учун иккала қўлини баравар чўзар экан.— Шундай қилиб, ҳаммаси жойидами?

— Текис жойида!— жавоб берди Цип.— Мен дўстимни ўзим билан бирга олиб келдим. У ҳаммасидан хабардор. Кечирасиз, мен сизга уни таништирай — доктор...

— Ҳожати йўқ, командор,— унинг сўзини бўлдим мен,— биз илгаритдан танишимиз.

— Ростданми?— ҳайрон бўлди қора кўзойнакли синьор ва негадир бирдан безовталаниб қолди.— Тўғрисини айтсам, мен негадир эслай олмаяпман бундай ҳурматли...

— Эслай олмаяпсизми? Ҳа, бунини тушунса бўлади, сиз ҳадлаш ташқари банд одамсиз... Сизнинг ишларингиз шунчалик кўпки...

— Бундан чиқди, ҳаммаси жойида!— хурсанд бўлди завқшавққа тўлиб-тошган командор Цип.— Шундай қилиб, сизлар илгаритдан таниш бўлсаларингиз, иш битди деса бўлади.

— Худди шундай,— жавоб қилдим мен,— иш битди. Сяньор сизга ҳозироқ икки юз мингингизни қайтариб беради...

— Қандай қилиб, нега?— ҳайрон бўлди командор Цип.— Сиз нега бундай деярсиз?

— Гап шундаки, мана шу сяньор бундан ярим йил чамаси олдин менга ҳам ажойиб битимни таклиф этганди. Тасаввур қилиб кўринг, командор, у арзимаган ярим миллион лира император Калигул отининг тақасияни ундав сотиб олишни таклиф этганди. Билсангиз керак ўша отни, эгаси сенатга олиб кириб, уни сенатор қилганди-ку. Сяньор менга унинг тақаларидан биттасини ва унга қўшиб немис, француз, чехословак ва норвег олимларининг имзо чеккан турли хил ҳужжатларини кўрсатганди. Афтидан сяньор анчагина шабқўр экан, чунки орадан икки ой ўттири билан яна у хузуримга келиб, ундан ўзингиз билгандек Ромул раҳматли укаси Ремунинг калласини ёриб ташлаган сўқасини сотиб олишимни сўраганди. Шундай қилиб, кўриб турибсизки, бу сяньор турли хил дайратомуз таассурот қолдирувчи ноёб нарсалар билан саадо қилувчи йирик мутахассис. У агарда ҳозир чўнтагидаш Одам Атони йўлдан урган Момо Ҳавонинг олмасини чиқариб, уни арзонгаров сотиб олишни таклиф этса ҳам заррача ҳайрон бўлмасдингиз.

Қора кўзойнакли сяньор энди жуфтакни ростламоқчи бўлган эди, аммо мен уни енгидан ушлаб қолишга улгурдим.

— Хўш энди,— дедим мен,— ақли бўлинг, командорнинг пулини қайтариб беринг. Сиз унга бериб қўйган мана бу бир бўлак оҳак тошингиз ўзингизга сийлов.

Командор Цип айнан мана шу дақиқани пойлаб тургандек, ўзини ташлаб юборди. Кўринишидан, бечора эрталабдан бери қаттиқ ҳаяжонда юрганга ўхшарди.

Биз уни ердан кўтаргани энгашган эдик, у секин-аста ўзига кела бошлади, умуман олганда соддадил бу ойфуруш менга шундай тушунтира кетди:

— Мен шунчаки ҳазиллашмоқчи эдим! Қасам ичиб айтаманки, мен ҳазиллашганим. Хўш, Ой бўлагини сотган одам дуч келганга ишониб кетаверадими? У бўлса ишонди! У ҳам менга ўхшаш командор эканлигини фаҳмлаб қолдим. Ҳеч қачон бундайларни... бундай соддадил командорларни учратмаганман.

— У ҳечам командор эмас,— тушунтирдим мен.— Уни семизлиги учун шундай деб аташган.

— Бундан чиқди, демак, у ҳам анавилардан, Ойфурушлардан экан-да! Қани ушланг, мана унинг пуллари. Минг лира етмайди. Мен уларни бир соат илгари тушликка ишлатиб қўйгандим.

Кечки понуштага деб мен унга минг лира қолдирдим.

## БУШ БАНКАЛАРНИНГ ҚУДРАТИ

Дзербинилар оиласи дам оляш кунини тоғда ўтқавишди-да, шаҳарга қайтишда йўл-йўлакай Чивитавекьяга кириб ўттишди. Сяньор Дзербини табиат ҳамда тартибни ёқтирувчи одам бўлгани учун қолган Дзербиниларга — хотини Оттавиа, ўғиллари Аяжело

билан Пьеро, қизи Розелле, шунингдек бўлажак куёви Пьерлуи-жига ўзларидан кейин ерда ҳар турли нарсалар қолдирмасликни маслаҳат бериб туриб шундай деди:

— Фақат, одатдагидек, ахлат-чиқиндиларни бир ерга тўпламанг-лар, аксинча, уларни ҳамма жойга бир текис сочиб чиқинглар. Мана бу бутага қаранг-а, ахир сиз унинг ёнида бирорта қоғоз стакан қолдирмабсиз! Ҳа, ҳа, ҳар бир дарахтнинг ўзига яраша улуши бўлсин! Адолатсизлик бўлмасин-да. Ифлос қоғоз салфет-каларни бу ёққа, ҳу анув эман остига қўйинглар. Бўш шишаларни мана бу каштан остига ташланг. Мана шундай! Мана бу бошқа гап, энди чиройли чиқди!

Уч дона бўшаган шиша пиво, пепси-кола ва минерал сувники эди. Улар биргаликда каштан дарахти ёнида ажойиб натюртморт ташкил этганди. Анжело билан Пьеро уларни нишонга олиб тош отиши бажонидил машқ қилган бўлар эди-ю, афсуски, бунга вақт қолмаганди-да. Машинага бориб ўтиришлари, радиокарнай овозини баланд чиқариб, кучли сигнал берганча, ўрмон билан хайрлашишлари ва кейин йўлга чиқишга ҳозирлик кўришлари лозим эди. Ва ниҳоят улар йўлга тушдилар. Орадан кўп ўтмай тоғ ҳам ортда қола бошлади. Анжело билан Пьеро машинанинг орқа ўриндиғида ўтириб ойнадан томоша қилиб боришар экан, орқаларидан изма-из келаётган машинанинг шоферига қараб афтларини бужмайтиришарди. Шу чоғ бирдан каштан дарахти остида қолган пиво шишаси уларнинг машинаси ортидан чаққон-лик билан югуриб келаётганини кўриб донг қотиб қолишди.

— Ада, қаранг!— бир овоздан хитоб қилишди ака-укалар.— Пиводан бўшаган шиша ортимиздан югуриб келяпти?

— Мен ўзим қарайман,— деди синьорина Оттавина эрига.— Сен йўлдан кўзингни узма.

У орқасига бурилиб қараганди, бўш пиво шишаси билан яна пепси-кола ва минерал сувдан бўшаган шишаларни ҳам кўрди. Югуриб келаётган учта шиша ора-чора ўйинга ҳам тушиб кўяр-ди ва машинадан қолиб кетмасликка ҳаракат қиларди.

— Худди итларнинг ўзи-я,— деди Розелла ва қаллиқ унинг гапини маъдуллади.

— Ада, қани, тавни босинг-чи! Уларни бир орқада қолдириб кетайлик!— таклиф этишди Анжело билан Пьеро.

Аммо синьор Дзербяни тезликни ошира олмади, чунки олдин-да машина борар, ортидан эса асфальтни дўқиллатиб бўш шиша-лар югурарди. Унга ҳамроҳ бўлиб гўшт консерваси ва шафтоли компотидан бўшаган банкалар жаранглаб шошиларди. Энг сўн-ги маркали, жуда ажойиб машина ортидан эса ҳозиргина синьор Дзербянининг оддийгина камлнтражли автомобилни тутунга бурқаб, жирканганича ундан ўзиб олдинга ўтиб олган, энг сўнги маркали жуда ажойиб машина ортидан оқсоқлана-оқсоқлана, ду-малаб-сумалаб, бир йиқилиб-бир туриб бир неча бўш шампан ва минерал сув шишалари, шунингдек, сардина ҳамда қора икранинг бўш банкалари, ўртача пластмасса тақсимчалар югуриб борарди.

Уларнинг ҳаммаси бир бўлиб зарбли оркестрдан ҳам даҳшатлироқ товуш чиқариб ҳавони ларзага соларди.

— Кўрдингизми,— деди синьор Дзербинни,— бир бизнинг эмас, ҳамманинг ортидан югуришяпти улар. Лекин шиша ишдан чиққувдек бўлса борми, охири бахайр бўлмайди деб кўрқаман-да.

Аурелиа проспекти бўйлаб борар эканмиз, энди қаторлашиб бораётган машиналарни бўш пластмасса ва шиша идишлар ҳамда тунука консерва банкалари ҳар бири ўзига хос тарақа-туруғию оланги билан чўзилиб кузатиб борарди. Баъзилари жуда майда қадам ташлаб чопар, бошқалари йирик-йирик одимлаб, лўкиллаб чопарди, бурилишларда эса ҳаммаси талай ергача суриб кетарди. Умуман олганда завқли томоша бўлди, синьор Дзербинни болалигида ҳатто мис тақсимчада «телбалар жазни»да, яъни бундан анча йиллар илгари у ахлат челагини, амакиси печка трубасини чалганлари эсига тушиб кетди.

Анжело билан Пьеро энди адасидан тезликин камайтиришни илтимос қилишди. Улар ёнларидан ўтиб бораётган чиройли пойга машиналарни, улар кетидан синларини бузмай қамиш саватлик беш ва ўн литрли катта шишалар билан бирга турли хил муътабар идишларнинг югуришларини томоша қилгилари келиб қолганди.

Баъзи қийинчиликлар уйга борганда лифтда рўй берди. Дзербинни оиласига тегишли бўлган бўш шишалар, ҳатто синьора Оттавиадан ҳам олдин биринчи бўлиб лифтга чиқиб олдилар. Лифт кўчорига кўтарилгунча ҳам улар бир дақиқа тинчишгани йўқ. Ҳали болаларнинг оёқларини босиб олган, ҳали Розеллани колготкасида йиртиб юборган, ҳали Пьерлуижанинг шимининг почасига кириб кетган. Қисқаси, улар сайрдан таъблари хира бўлиб қайтганлари аниқ эди. Шишалар уйга киришлари билан каридор бўйлаб югуришга тушдилар, кейин ётоқхонага кириб олишди.

Пиводан бўшаган шиша синьор Дзербинининг ёстиғи остига кириб олди, пепси-коланики ерга тўшалган гилам тагига жойлашди, минерал сув шишаси ваннахонани эгаллади. Нотавон кўнгилга кўтир жомашов, деб шунга айтсалар керак-да.

Бунинг ҳаммаси болаларга чексиз қувонч бағишларди. Катталарда эса буни акси эди. Розелла Пьерлуижни билан телефонда сўзлашиб олгандан сўнг бир оз кўнгли жойига тушгандай бўлди. Пьерлуижни унга хайрли тун тилаш мақсадига ва бир йўла:

— Биласанми, меннинг тўшагимдан тозаланган помидордан бўшаган банка чиқиб қолди! Ахир мен ҳеч қачон помидор қайласи билан макарон емаганман!— деган хабарни айтиш учун кўнгиброқ қилганди.

Банка ва бутилкалар тез уйқуга кетишди. Улар бир-бирларини турткиламасдан ва хуррак отмасдан ухларди. Қисқаси, ҳеч кимга халақит бермасдилар. Улар эрталаб ҳаммадан илгари ваннахонага бордилар ва сочиқни дуч келган жойга улоқтирмай, ўз жойига илиб қўйдилар. Тез орада катта ва кичик ҳамма ўз юмушига — ким мактабга, ким ишга қараб кетди. Синьора Оттавиа эса бозорга қараб йўл олди. Шишалар уйда қолишди. Фақат энди

бўш идишларнинг сони тўртинга етди, чунки ахлат челагидан ёрлиги янги кўринган бўш қаҳва банкаси чиқиб қолди ва у дарҳол идиш-товоқ ювиладиган чаноқни тартибга солишга киришиб кетди. У тарақ-туруқ қилиб тақонмча ва отаканларни жой-жойига қўйиб, тахлаб чиқди, Ленин биттаеини ҳам еиндирмади.

— Бугунчалик мен банка ва шишаларга жойланган озиқ-овқатларни харид қилмай қўя қоламан,— деди ўзинча синьора Оттавиа.

Унга йўл-йўлакай ҳар қадамда бўш банка ва шишалар учрайверади, уларнинг ҳаммаси кўча қондаларига қатъий риюя қилган ҳолда ўз юмушига борарди. Светофорнинг кўк чироғи ёнганидагина кўчани кесиб ўтишарди. Бирдан синьора Оттавианинг кўзи ахлатдонга оёқ кийими қутисини ташлаётган нотаниш синьорга тушди. Бироқ синьор ахлатдондан узоқлай бошлаши ҳамон қути ахлатдондан сакраб чиқди-да, топ-топ-топ қилганча шоша-пиша синьорнинг кетидан йўл олди...

— Тангрига шукур, бу ерда ҳеч ким учун имтиёз йўқ!— енгил нафас олди синьора Оттавиа.

Тушки овқат пайтида Дзербини оиласига тегишли учта бўш шиша билан қаҳва банкаси балконда тоза ҳаводан нафас олишиб ўтиришарди.

— Қизик, улар кейин нима қилишмоқчи?— сўради синьора Оттавиа.

— Менимча, семришмоқчи,— жавоб қилди синьор Дзербини.

— Қандай қилиб?

— Сен бир қарагин! Пиводан бўшаган шиша икки литрли шишага айланганини кўряпсанми? Мана бу банкада қанча қаҳва бор эди?

— Ярим кило...

— Мана, кўрдингми! Энди бўлса унга беш кило сиғади, балки ундан ҳам кўпроқ.

— Улар нимадан бунчалик ўсишяпти? Нима истеъмол қилишяпти?— Ҳайрон бўлишди Анжело билан Пьеро, масалага илмий қизиқиш билдириб.

— Бўшлиқдан-да, тагин нимадан бўларди. Ахир улар бўм-бўш-ку?— тушунтирди уларга синьор Дзербини.

Кечки газеталар унинг тахминини тасдиқлашди. Улар профессор Банки-Банкин мол-буюм жойланадиган, ўраладиган қоғоз, қоп ва шунга ўхшаш идишлар мутахассиси, қутишунослик ҳамда консервалогия доцентининг сўзи берилиб, унда, жумладан, бундай дейилганди:

«Сўз бутунлай табиий ҳодиса хусусида боради. Бизга номаълум «ике сабабларига» кўра бўш идишлар қатъият билан яна ҳам бўшроқ бўлишга интилишади. Бунинг учун улар ўз-ўзидан маълум, ҳажм жиҳатидан кўпайишлари керак. Улар бора-бора ёрлиб кетишадими ёки йўқми, масаланинг шу жиҳати бизни гоёт қизиқтиради».

— Ё парвардигор!— хитоб қилди синьора Оттавиа, минерал сув шишаси унинг елкаси оша газета ўқиётганини сезиб.

Кечга бориб бу шиша ўсиб-ўсиб, музхонадан ҳам баландроқ бўлиб кетди. Иккала бошқаси ҳам бўйда ҳалигига деярли етай деб қолишди. Қаҳва банкаси шкафга ўхшаб фарвайиб кетди ва бир ўзи бутун бир болалар хонасининг ярмисини эгаллади, у бу ерга қизиқувчанлиги сабабидан кириб қолганди.

— Профессор буни бутунлай табиий ҳол деди,— синьор Дзербини хотинини тинчлантироқчи бўларди.— Бошқача қилиб айтганда, фавқулодсиз фавқулод, тушунарлими? Дарвоқе, сен феноменологияни тушунмайсан-да.

— Мен-ку тушунмасам тушунмасман, майлига,— чуқур ҳўрсинди синьора Оттавиа.— Аммо сен яхши тушунасан-ку. Худо ҳақи, менга айт-чи, биз бугун кечаси қаерда ётиб ухлаймиз?

Шундай дея туриб, синьора Оттавиа эрини ётоқхонага олиб борди ва каравотни кўрсатди. Унда пиво билан пепси-коланнинг бўш шишалари тиқинсиз бошларини ёстиққа қўйганча ширин ухлаб ётишарди.

— Бунинг зарари йўқ,— оила бошлиғи хотинини яна тинчлантиришга ҳаракат қилди.— Жойинг тор бўлса ҳам қўнглингни кенг қил! Бу ерда бизга ҳам жой етарли. Фақат ўзинг ҳақингда ўйлашинг ҳам яхши эмас.

Бир ҳафта ичида қаҳва банкаси шундай кенгайиб кетдики, болалар хонасини бутунлай эгаллаб олди, каравот билан тумбочкалар банканинг ичига қўйишга тўғри келди. Анжело билан Пьеро консерваланган кўк нўхот ўйини билан ўзларини овутишарди.

Розелланинг хонасида кремдан бўшаган сиқма идиш шундай катталашиб кетдики, унга диван-каравот, трюмо, кўптомлик «Рассомчилик санъати усталари» нашрлари, уч дона катта гулдон гуллари билан, «Битлзлар» реклама эълони, патефон, бўлғувси кўев Сараеводан Розеллага атаб олиб келган шарқ туфлиси, шунингдек қўғирчоқлар сақланадиган ва баъзида мушук ётадиган катта тўқима сават жойлашди.

Ошхонадаги минерал сувнинг бўш шишалари кенгайишга ақли етмай, фақат бўйига қараб ўсишганди, эндиликда улар худди тўп стволни сингари дераза ойнасида туртиб чиқиб турарди. Қўшни уйларнинг кўпчилик деразаларидан ҳам шундай шиша стволлар кўришиб турарди, шунинг учун ҳам бунинг унчалик таажжубланадиган ери йўқ эди.

Эр-хотин Дзербини тўшагида ухлаётган шишалар ётган ўринларига қараб ўсишарди ва улар хона бўйлаб юришга заррача ҳалақит беришмасди. Ундан ташқари, унинг афзаллиги кейинроқ маълум бўлди — эндиликда ҳар ким ўз шишаси ичида ухлаши мумкин эди. Синьора Оттавиа, ўзи-ўзидан маълум, пепси-кола шишасини танлади,— унинг пиво ҳидига сира тоқати йўқ эди. Уларни кечаси, ўз шишалари ичига кириб ётганларида кўрсангиз аломат бўларди-да, бамисоли бирорта кекса денгизчи ёни каторгада бўлган одам сабр-тоқат ва қунт билан меҳнат қилиб ясаган елханли кема моделларига ўхшаб кетарди. Аммо у кўзга кўринмасди — ахир улар кечаси чироқни ўчириб ётишарди-да.

Бунга ўхшаш воқеалар шаҳарнинг барча бошқа уйларида ҳам бўлиб ўтарди. Одамлар шишага, шунингдек илгари мураббо ёки янги яхланган мевалар сақланган банкаларга ҳам кириб-чиқишни тезгина ўрганиб олишганди. Адвокатлар энди мижозларни оёқ кийими ёки китоб қутиларида ўтириб қабул қилишарди. Истаган пайтда бўш ҳажм топиларди ва ҳар бир бўш ҳажм ўз оиласига эга эди. Банкада ёки қутида яшаш анча қулай бўлиб чиқди.

Ҳозирги уй-жой танқислиги пайтида уйларда бўш ҳажмга жой топилмаганлигини бутунлай тушунса бўлади, улар майдонларни, кўчаларни, боғларни ва хмбонларни, ён-атрофдаги тепаликларни эгаллаб, жойлашиб олмақдалар. Гўшт консервасидан бўшаган баҳайбат банка Гарибальди ҳайкалини қоплаб олганди. Уша банккаят бураб очиладиган қопқоғи машиналар қатновига бир оз ҳалақит берарди. Аммо шаҳар ҳокимлари ҳар қачонгидек: одамларга ғамхўрлик кўрсатдилар. Улар қопқоқ устидан енгил ёғоч кўприк қурдилар ва машиналар ҳеч қийналмасдан бу тўсиқни енгиб ўта бошладилар. Розелла эндиликда ўз қайлиғи билан тузланган қўзиқориндан бўшаган банкада унинг ичига жойланган кўк курсидада учрашишарди. Истаган жойингизда орзуларга берилишингиз мумкин, орзуга айб йўқ. Қўзиқорин иси ҳатто дилга хуш ёқадди ҳам.

Аммо Дзербини оиласининг ичир-чикир ташвишлари билан кимнинг қанчалик иши бор? Юз минглик шаҳар аҳолисининг ҳар бири бошида шунга ўхшаш ташвишлари бор эди. Бўш банккаларнинг қудрати бошқа яна ҳам муҳимроқ муаммоларни илгари сурарди. Бир куни эрталаб «Мембретти» макоронидан бўшаган баҳайбат картон қути Колизейни бир ямлашда ютиб юборди. Уша куни пешинда муқаддас Пётр қуббаси катта тунука банка остида йўқолди, ундаги ёзувни оддий кўз билан узоқ масофалардан туриб ўқиса бўларди: «Мармелад». Газеталар синьор Сеттимиа Дзербатти бўш банка ичиде эгизак туққанини ва эри суюлганидан унга олтин консерва очқичи совға қилганини хабар қилишарди. Телевизорларда, жойлардан олиб борилган репортаждарда консерва банккалари Червино тоғини, Эйфель миносини ва Виндзор қасрини ютиб юборганини кўрсатдилар. Ҳар қачонгидек, эшиттиришни Тито Жестоякининг ўзи қойилмақом қилиб олиб борди.

Айнан шу вақтнинг ўзида бир фарбий германиялик астроном америкалик ўз ҳамкасбаси билан шифрланган телеграмма орқали алоқа боғлаётганди. Иккаласи ҳам қандайдир ғалати нарсанинг киньот қўйнидан Ерга қараб туриб келаётганини кўришди.

— Профессор Бокс, бу думли юлдуз эмасми?

— Билмадим-ов, профессор Шахермахер, ахир унинг думи йўқ-ку!

— Фикрингиз тўғри. Бироқ шакли қандайдир ғалати... Ҳалтинга ўхшайди...

— Нимага ўхшайди, профессор Шахермахер?

— Нимага бўларди! Қутига-да! Жуда катта қутига ўхшайди!

— Ҳа, топдингиз! Қандайдир суперқутининг ўзгинаси-ку. Унга фақат Ер эмас, Ой ҳам сиғса эҳтимол!

— Айтмоқчи, профессор Бокс мен йўллаган сягарета қутичасини олдингизми?

— Ҳа, олдим, ташаккур! Унда ухлаш жуда маза экан. Мен сизга қисқичбақадан бўшаган банкани юборган эдим, олдингизми?

— Ҳа, бўлмасам-чи! Мен унинг ичига кутубхонам билан стереопривателни жойлаштиргандим.

— Унда хайрли тун, профессор Шахермахер!

— Хайрли тун, профессор Бокс!

## ПРОФЕССОР ПҮПИСАВИЙ ЕКИ ЮЛИЙ ЦЕЗАРНИНГ УЛИМИ

Бугун профессор Пўписавий ўзининг кундалик бўйидан баландроқ эди. Бундай ҳолга у тез-тез тушиб турарди, айниқса у сўроқ қилган кунлари. Студентлар унинг бўйини бир кўришдаёқ аниқ чамалаб олишни аллақачон ўрганиб олгандилар. «Оҳ! У камда чорак метрга ўсибди!» Ҳатто жигарранг шми тагидан бинафша ранг пайпоғи кўриниб турар ва унинг юқорисидан яланг оёғининг ошпоқ бир чети кўзга ташланардики, одатда кишилар уялиб бу жойни бекитиб оладилар.

— Ҳа, мана,— чуқур хўрсинишди студентлар,— бошланди. Бугун ўзи лекцияга кирмаслик керак эди.

Профессор Пўписавий қоғозларини варақлаб кўрди ва эълон қилди:

— Мен сизларни ҳақиқатни билиб олгани чақирдим, то ҳаммасининг тагига етмагунимча ҳеч ким на ўлик, на тирик бу ердан чиқиб кетолмайди. Тушунарлими? Шундай қилиб... Кўрайлик-чи, жавоб берувчиларнинг рўйхатини... Альбани, Альберти, Альбини, Альбони, Альбуччи... Ҳай, майли, Цурлеттининг бу ёққа чиқишини сўрайман.

Студент Цурлетти, алфавит бўйича рўйхатда энг охири эди, тақдир зарбасига чап бериш ниятида ўтирган столига маҳкам ёпишиб олди. Кўзини юмди ва ўзини Эльба ороли бўйида гўё сув ости ови билан шуғулланаётгандай ҳис этди. Охири у худди Панама канали шлюзида секин кўтарилаётган кўп тоннали кемадек сир ўрнидан турди ва истемайгина бир қадам олдинга, икки қадам орқага ташлаб кафедра томон юриб борди. Профессор Пўписавий унга еб қўйгудек қаради ва истехзоли луқмаларни ёғдириб ташлади:

— Қимматли Цурлетти, мен сизнинг фойдангизни кўзлаб ташлаб қиялман. Сиз қанчалик тезкорлик билан жавоб берсангиз, вунчалик тез озодликка эришасиз. Ундан ташқари сизнинг тилингизни чиқариш учун менда етарлича тадбирлар борлиги ўзингизга маълум. Ҳеч нарсани яширмай зудлик билан жавоб беринг: қачон, қандай, ким орқали, қаерда ва нимага Юлий Цезарь ўлдирилган эди. Уша вақтда Брут қандай кийинганлигини аниқлаб беринг, Кассионинг соқоли қандай узунликда бўлган ва Марк Антоний қотиллик юз бераётганда қаерда бўлган? Диктаторнинг хотини қайси катталикдаги оёқ кийими кийганлигини, шунингдек,



ўша кунн эрталаб бозордан пишлоқ сотиб олаётганда қанча ва қандай қийматдаги тивгаларни сарфлаганини айтиш эсингиздан чиқмасин.

Бу ёмғирдай ёққан саволлардан студент Цурлетти гангиб қолди... Унинг қулоқлари қалтиради... Аммо Пўписавий бешафқат эди.

— Бўйнингизга олинг!— қатъий талаб қилди у ва яна беш сантиметрга ўсди.

— Мен адвокатни талаб қиламан...— гўлдиради Цурлетти.

— Бекорларни айтибсиз! Бу ер Квестура ёки ҳарбий суд ҳам эмас. Азор оролларигача текинга билет олиш учун қанчалик имкониятингиз бўлса, сизнинг адвокат ёллашингизга ҳам шунчалик ҳаққингиз бор. Қани, қотиллик содир бўлган кунда об-ҳаво қандай бўлганини тез айтиб бериш-чи!

— Эслай олмайман...

— Турган гап! Сиз ҳатто у ерда Цицерон қатнашганини, соя-бон ёки эшитиш учун қулоққа тутадиган трубка ҳозирлаб олганини, арава ёки таксида етиб келганлигини ҳам эслай олмаслигингизга имоним комил...

— Эслай олмайман...— Яна гўлдиради Цурлетти ва охири ўзига келди. У ўртоқларининг қўллаб-қувватлашини сезиб қолди, қарасаларки, инквизиторнинг сиқувига бардош бериш учун унга қанчалик улкан кучни ишга солиш керак бўлаяпти. Буни кўриб унга имо-ишоралар орқали далда бера бошладилар. У бошини баланд кўтарди ва шундай деди:

— Сиз мендан бир оғиз сўзни ҳам суғуриб ололмайсиз!

Аудитория ичида гўлдирос қарсақлар янгради.

— Жими!— жаҳли чиқди Пўписавийнинг.— Йўқса аудиторияни бўшатиб қўйишингизни буюраман!

Аммо шу он Цурлетти тамом ҳолдан тойиб, ҳушидан кетиб йиқилди. Пўписавий хизматкорни чақириб келишни буюрди ва у бечорани устига бир пақир сув қуйди. Цурлетти кўзини очди ва ташналик билан томчиларни ялади:

— Ё тагри, сув шўр-ку!

Бу дард устига чипқон бўлди.

Шу дақиқанинг ўзида профессор Пўписавийнинг бўйи шидда билан чўзилиб бориб, дўқ этиб шифтга тегди ва бошини гурра қалиб олди.

— Бўйнингга ол, қароқчи! Бўлмасам оилангни гаровга оламан!

— Вой, энҳор ундай қила кўрманг, ўтинманан.

— Йўқ, айнан шундай қиламан! Хизматкор!

Дарҳол хизматкор пайдо бўлди. У Цурлеттининг отасини, уттиз саккиз ёшли почта ходимини туртиб-суртиб ичкарига олиб кирди. Унинг қўллари орқага боғланган, боши қуйи солинганди. Овози шунчалик кучсиз эдики, ҳатто телефонда «Алло!» дейишга ҳам қўриб келмай тўшақдан ўғлига деди:

— Қимматли Альдуччо, бўйнингга ола қолсанг-чи, отанг учун шу ишни қил! Зор-зор йиғлаётган онанг учун, роҳиба опа-сингилларинг учун...

— Бўлди! — бақриб берди профессор Пўписавий. — Олиб чиқинг!

Ҳамманинг кўз ўнгиди ота-Цурлеттининг сочларига оқ тушганди. Унинг бошидан оппоқ соч толалари қордай тўкилиб борарди.

Студент Цурлетти қаттиқ инграб юборди. Шунда ҳар қачонгидек мурувватли студент Цурлини ўрнидан турди ва қатъий оҳангда деди:

— Профессор, мен жавоб беришга тўйёрман!

— Хайрият, — енгил нафас олди профессор, — хайрият, сиз менга ҳаммасини сўзлаб берадиган бўлдингиз.

Студентлар, наҳотки ичимиздан айғоқчи чиққан бўлса, деган ҳаёлда ваҳимата тушдилар. Улар мурувватли Цурлини нимага қодир эканлигини ҳали билишмасди-да.

— Юлий Цезарь, — деб гап бошлади у ўзини хижолатга тушгандай кўрсатиб, — ханжар билан йигирма тўрт маротаба зарба олгандан сўнг ўлди.

Профессор Пўписавий қаттиқ ҳаяжонланганидан ҳатто тили калимага келмай қолди. Унинг бўйи шу заҳоти бир неча дециметрга чўкди.

— Қандай қилиб? — тўнгилади у. — Йигирма учта эмасмиди?

— Йигирма тўрт, ҳурматли зот! — ҳеч иккиланмасдан такрорлади Цурлини.

— Лекин менда исботи бор! — эътироз билдирди Пўписавий. — Сейфимда Цезарнинг фитначилар ханжарлари зарбидан йиқилиб ҳалок бўлаётган пайтда Помпей ҳайкалининг изтиробларига бағишлаб машҳур шoirимиз ёзган қасида бор. Мана унинг асл нусхасидан олинган аниқ бир мисра шеър:

Мармар Помпей ҳаракатсиз жим,  
Шивирлайди унсиз: «Эй, золим!»  
Яраданган Цезарь эди!  
Ўнақ йигирма уч ханжарли еди!

— Эшитдингизми — йигирма уч! — қайтарди профессор. — Кўрганни эшитган енгибди, деб шунга айтадилар-да.

Аммо студентлар гап нима устида бораётганини энди тушунишиб, Цурлинини қўллаб-қувватладилар ва бир овоздан «Йигирма тўрт, йигирма тўрт», — деб бақришди. Энди иккиламчи азобин чекиш навбати Пўписавийга келганди. Унинг бўйи шиддат билан чўка бошлади. У ҳатто математика муаллимасидан ҳам паканалашиб кетди. Шунчалик паканалашдики, мөнглайи кафедра билан барабарлашиб қолганди, студентларни кўриш учун у оёқ учида туришга мажбур бўлаётганди.

Бу томошадан ажойиб шрақли студент Альберти айниқса қаттиқ мутаассир бўлди. Одамларнинг гапига қараганда у Янги йилда эзгулик учун мукофотга сазовор бўлармиш.

— Профессор, — тортинчоқлик билан гап бошлади у, — Помпей ҳайкалининг далилларига сўзсиз ишониш мумкин. Бунинг учун Қадимги Римга ўқув экскурсиясини уюштириш, Цезарнинг ўлди-

рилишида қатнашиш ва у оладиган жароҳатларини ўзимиз санаб кўришимиз лозим бўлади.

Пўписавий кутулиб кетиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қила бошлади. У дарҳол телефон орқали «Хроно Тур» агентлиги билан боғланди ва бир минутдан сўнг студентлар замон машинасига ўтирдилар, учувчи асбобларни бизнинг эрамаздан олдинги қирқ тўртинчи йил март ойига тўғрилай бошлади. Асрларни на ҳаво, на сувда ҳеч қандай ишқаланишга дуч келмасдан босиб ўтишга бир неча минут кифоя бўлди. Студентлар профессор билан биргаликда сенат ёнида пайдо бўлишади, бу ерда сенаторларнинг келиши кутилларди.

— Юлий Цезарь келдимми?— деб сўради Пўписавий қандайдир исми Коит деган нотаниш одамдан.

У Пўписавийнинг гапига тушунмай, шеригига юзланиб сўради:

— Мана бу мишқиқига нима керак экан?

Пўписавий қадимги Римда лотин тилида гаплашганларини эслаб қолди-ю, саволини лотин тилида қайтарди. Аммо қадимгилар ўша-ўша ҳеч нарса тушунмай, фақат мийиқларида кулиб қўяр эдилар.

— Қизиқ, бу ёввойилар қаердан келиб қолишди ўзи? Римга келишга келибдилар-у, бирорта римча сўзни ўрганиб олишмабди-да.

Афтидан, мактабда ўрганган лотин тили қадимги римликлар билан мулоқотда бўлиш учун милан лаҳжаси ёки қорақалпоқ тилчалик ҳам ёрдам бера олмасди. Студентлар очик кўнгилик билан курашарди. Бироқ, ҳаммаси эмас, албатта, Цурлини қаттиқ ташвишда эди. У Цурлеттинни қутқараман деб ёлгон гапириб қўйганди, ҳозир ҳақиқатан ҳам Юлий Цезарга йигирма тўрт мартаба ханжар санчилгани ҳаммага маълум бўлади. Нима қилиш керак? Мана, Пўписавий ўз блокнотига йигирма тўрт доирачани чизиб ҳам бўлди, қўлида қалами шай турибди. Ҳар бир зарбадан кейин у доирачага қайд қилиб қўяди: «Мамбретта, таинқли ҳазилкаш, йигирма тўртта пуфакни шишириб қўйди. У ҳар бир зарбадан кейин пуфакни ёриб, овозини магнитофон лентасига ёзиб олмақчи. Зубрили ўзи билан бирга япон транзисторли калькуляторини олиб келган... Брагуляя икки филтрли ва телесобъективлик кинокамерани тайёрлаб турибди, бўлажак воқеани рангли лентага туширмақчи.»

«Нима қилиш керак?»— ўйлади Цурлини.

Аммо шу чоқ америкалик туристлар тўдаси тўсатдан саҳнага бостириб келишди. Улар бир-бирлари билан қаттиқ-қаттиқ сўзлашар, жағлари эса резина-сақични аямай гажярди, шундай шовқинсурон кўтаришдики, ҳатто Цезарь келганини эълон қилувчи карнай овозини ҳам босиб кетди. Тўсатдан итальян телевизорчилари группаси пайдо бўлди. Улар хўжалик пичоғини реклама қилиш, хўжатли кино олиш ниятида эдилар. Режиссёр чаққонлик билан буюрарди:

— Ҳой, сиз фитначилар, чапроққа сурилишлар!

Тилмоч унинг буйруқларини қадимги рим тилида такрорлаб

турарди. Сенаторлар кадрга тушиш учун олдинга суқилиб ўтишар ва қўлларини силкиб: «Чао, чао!» дейишарди. Бунинг ҳаммаси Юлий Цезарнинг жуда жонига текканди, лекин унинг қўлидан ҳеч нарса келмасди. Энди бу ерда унинг ҳукми юрмасди. Режиссёр унинг башарасига бир оз упа суртиб қўйишни буюрди, йўқса чеҳраси ҳаддан ташқари ялтираб кетмоқда эди. Кейинчалик воқеалар янада тез ривожлана бошлади. Фитначилар ханжарларини олиб, Цезарга аёвсиз зарбалар бера бошладилар. Лекин бу режиссёрни қаноатлантира олмади.

— Тўхтанг, тўхтанг! Нега шунчалик тирбанд бўлиб қолдинглар, ҳатто қон оқаётгани ҳам кўринмаяпти. Қайтадан бошлаймиз!

— Эсизгина-я!— тўнғиллади Мамбретти.— Бекорга ўн уч пуфакни ёриб ташладим.

— Мотор!— деган овоз эшитилди.— «Юлий Цезарнинг ўлими». Иккинчи дубль.

— Бошладик!— буйруқ берди режиссёр.

Фитначилар яна бошқатдан зарба бера бошладилар. Яна ҳамма ҳаракатлар зое кетди, чунки америкалик туристлардан кимдир чайнаётган резинкасини ерга туфлаб ташлаганди. Уни босиб олган Брут сирпаниб кетиб, Филадельфиядан келган нотаниш хонимнинг оёғи остига йиқилиб тушганди. Хоним кўрққанидан қўлидаги сумкасини тушириб юбориб, ҳаммаси яна бошқатдан бошланадиган бўлди.

«Оббо палакат-ей, шу етмай турувди!»— деб сўкинарди ичиди Цурлини.

Аммо шу ерга келганда бирдан унинг изтиробларига яқун ясалди. Студентлар яна қайта замон машинасига чиқдилар-у, йигирманчи аср томон йўл олдилар.

— Сотқинлик!— деб бақирди профессор Пўписавий.

— Бекор айтибсиз,— жавоб қилди учувчи.— Шартнома бир соатга тузилган эди, муддат тугади. Борди-ю, хоҳлаган нарсангизни кўролмаган бўлсангиз, бунинг учун бизнинг фирмамиз айбдор эмас, кўрган зарарингизга энди телевизиеня товонгар, шундан талаб қилинг. Уни-буни қўяверинг-у, мен сизга бир хушхабарни айтмоқчиман. «Хроно Тур» фирмаси совға тариқасида сизга аср ўртасида беш минутлик сайр қилишни таклиф этади, бунда сиз тугмачалар ихтиросида иштирок этишингиз мумкин.

— Тугмачалар дейсизми?— ҳайрон бўлди Пўписавий.— Сиз менга ханжарлар ўрнига тугмачаларни таклиф этяпсизми? Ахир сизнинг тугмачаларингизга бизнинг нима дахлимиз бор?

— Йўғ-е, нималар деяпсиз, бу жуда керакли буюм,— хотиржамлик билан тушунтирди учувчи.— Тугмача бўлмаса, шимингиз белингизда турармиди.

— Бўлди қилинг!— ўшқирди Пўписавий.— Дарҳол бизни ўз замонамизга элтиб қўйинг.

— Менга қолса бажонидил элтиб қўярдим-а,— жавоб қилди учувчи.— Ишни барвақт тугатиб, кинога боришдан олдин соқол-шимни олишга ҳам улгураман.

— Сиз қайси фильмни кўрмоқчисиз?— сўрашди студентлар.

— «Фантомас даргазаб бўлди» фильмини.

— Зўр-зўр!— қичқириб юборишди студентлар.— Профессор, сиз ҳам сиз билан бирга «қуён» бўлсак майлими?

Профессор Пўлисавийнинг иккилангани шундоқ кўриниб турарди. Бугун эрталаб ундан қандайдир хатолик ўтганди. Аммо қандай хатолик бўлди-а? Балки кинозалдаги нимқоронгуликда фикр юритса, эсига тушиб қолса ҳам ажаб эмас...

— Бўпти, Фантомасга борамиз,— хўрсиниб розилик билдирди у.

Цурлетти билан Цурлини бир-бирини кучоқлаб қўйишди. Бошқалар хурсандликдан қичқириб юборишди.

Улар ўтган аср чегарасидан ўтиб боришгаётганида ажойиб юрак эгаси Альберти ов пичоғини секингина машина тирқишидан ташлаб юборди. У бу пичоқ билан Цурлининг алдоқчилиги фош бўлиб қолмаслиги учун Цезарга йигирма тўртинчи зарбани бермоқчи бўлганди. Альбертидай одам бор эканми! Агарда янги йилда унга эзгулик учун мукофот берилса, жуда кўнгилдагидек иш бўларди-да.

## КЕЛГИНДИЛАР ВА ПИЗА МИНОРАСИ

Бир кун эрталаб, ҳар қачонгидек, Пиза минораси тагига совға-салом сотгани синьор Карлетто Палладино келди. Бир вақт у осмонга қараган эди, кўкда муаллақ турган каттакон тилла-кумуш рангли самовий кемага кўзи тушди. Ундан қандайдир предмет, аниқроғи, вертолёт ажралиб чиқди-да, тўппа-тўғри машҳур Пиза Мўъжиза майдонига қараб тушиб кела бошлади.

— Қаранглар!— хитоб қилди синьор Карлетто.— Самовий келгиндилар!

— Қўлидан келган қочиб қолсин!— бақиршди туристлар барча тилларда.

Аммо синьор Карлетто қочишни хаёлига ҳам келтирмади. У гипсдан, мрамардан ва алебастрдан ишланган оғма минора шаклидаги моллари қатор териб қўйилган дўкончасини қандай ташлаб кетади?

— Совға-саломлар! Совға-саломлар сотиб олинглар!— бақирарди у самовий келгиндиларга ўз санъатини таклиф этиб. Келгиндилар бўлса очиқ чехра билан унга ўн икки қўлларини баравар силкитиб қўйишди, ҳолбуки самовий кемадан бор-йўғи уч нафаргина келгинди тушиб қолганди. Маълум бўлишича, уларнинг ҳар бирида тўрттадан қўл бор экан.

— Синьор Карлетто, бу ёққа югуринг!— гўё ундан хавотир олгандек бошқа совға-салом сотувчилар уни узоқдан туриб чақришарди. Аслида улар келгиндиларнинг буларники қолиб, Карлеттонинг молларини кўпроқ сотиб олишларидан хавотирланмоқда эдилар. Лекин яқинроқ бориб, меҳмонларга ўз буюмларини таклиф этишга юраклари дов бермасди!

— Совға-саломларга кеп қолинг!

— Бўпти, пизалик, бирпас сабр қил!— жавоб берди унга тўсатдан самовий овоз.— Аввал танишиб олмаймизми бундоқ.

— Карлетто Палладино хизматингизга шай.

— Хонимлар ва жапоблар,— давом эттирди овоз ажойиб итальян талаффузида.— Сизларни безовта қилганимиз учун бизларни афв этинг. Биз сиздан ўттиз етти ёруғлик йили ва йигирма етти сантиметр узоқликдаги Карп сайёрасидан учиб келдик. Бу ерда бор-йўғи бир неча минут бўламиз. Биздан чўчиманглар, чунки биз бу ерда савдо-сотих ишлари билан командировкага келганмиз.

— Мен буни дарҳол пайқадим,— деди синьор Карлетто.— Ишнинг кўзини билладиган одамлар доим шунақа тез тил топишиб кетишади.

Кўринмайдиган раднокарнай орқали кучайтирилган самовий овоз бир неча бор мурожаатномани такрорлади, кўп ўтмай туристлар совга-салом сотувчилар, болалар ва қизиқувчилар бекиниб ётган жойларидан чиқиб, аста-секин яқинроқ кела бошладилар. Жамоат тартибини ўрнатиш сиренасини чиқиртириб полициячилар, солдатлар, ўт ўчирувчилар ва шаҳар қўриқчиларининг машиналари етиб келди. Оқ от минган шаҳар ҳокими ҳам пайдо бўлди.

— Қимматли меҳмонлар!— деди у, карнайлар овози уч маротаба янграгандан сўнг.— Биз сизларни қадимий ва машҳур Пиза шаҳрида, қадимий ва машҳур қўнғироқлар минораси тагида қўтлашдан хурсандмиз. Сизларнинг ташриф буюришингизни вақтلىроқ билганимизда сизларни қадимий ва машҳур Карп сайёрасига хос тарзда кутиб олган бўлар эдик. Афеуски...

— Ташаккур,— унинг сўзини бўлди самовий келгиндилардан бири, тўрттала қўлдан иккитасини силкиб.— Зинҳор ташвишланманг. Ишимиз узоғи билан чорак соатда битади.

— Қўлингизни чайиб олмайсизми?— таклиф этди шаҳар ҳокими.— Билгандек мен сизларга кундузги меҳмонхона учун бир нечта таклиф билети ола келган эдим.

Самовий келгиндилар унга заррача эътибор бермай, қўнғироқлар минораси томон йўл олдилар, ростданам ўшами-йўқми эканини бълмоқчидай яқинроқ келиб уни қўллари билан ушлаб кўрдилар. Кейин улар худди қорақалпоқ тилига ўхшаб кетадиган, шу билан бирга қабарда-болқор тилидан кўпам фарқ қилмайдиган тилда ўзаро нималарнидир гаплашдилар. Скафандр ичидан кўриниб турган чехраларидан маълум бўлишича, меҳмонлар ҳамма карпликлар каби қизил тавли хиндиларга ўхшаб кетишарди.

Шаҳар ҳокими яна уларга қараб илтифот билан таклиф этди:

— Бизнинг раҳбарларимиз, олимларимиз ва матбуот билан учрашишни хоҳламайсизми?

— Бунинг нима ҳожати бор?— ҳайрон бўлди уч келгиндининг бошлиғи.— Шундай мўтабар зотларни безовта қилишимиз ўринлимикин? Биз минорани оламиз-у, учиб кетамиз.

— Нимани оласизлар?..

— Минорани.

— Кечирасиз, синьор карплик, балки нотўғри тушунгандирман. Эҳтимол, минорага қизиқиб қолдим демоқчидирсиз? Тўғри-

роги, сиз ва сизнинг дўстларингиз минора тепасига чиқишни истаётгандирсизлар! Ҳам манзарадан завқланиб, ҳам бирйўла пайдан фойдаланиб бирор илмий тажриба ўтказмоқчидирсизлар?

— Йўқ,— яна астойдил тушунтирди карплик,— биз бу ерга минорани олиб кетгани келганмиз. Уни ўз сайёрамизга олиб кетивимиз керак. Анови турган синьорани кўряпсизми?— шундай дея у ўз ҳамроҳларидан бирини кўрсатди.

— Бу синьора Болл-Болл бўлиб, Шўрва шаҳрида, Шимолий Карп республикасининг марказидан бир неча километр нарида яшайди.

Самовий синьора ўз исмини эшитиб дарров қайрилиб қаради-да, расмга олишади деган хаёлда қотиб турди. Шаҳар ҳокими расм олишни билмаслигини айтиб, ундан уэр сўради ва яна муҳим масала юзасидан гапирга кетди.

— Бу ерда синьора Болл-Боллнинг нима даҳли бор? Гап шундаки, осори-антиқаларни қўриқлаш бошқармаси бошлиғининг рухсатисиз сиз уни олиб кетиш у ёқда турсин, ҳатто минорага қўлингизни ҳам теккизишга ҳаққингиз йўқ.

— Сиз менн тушунмадингиз,— уқдирга кетди бош карплик,— синьора Болл-Болл биринчи савдо-сотиқ конкурсимизда Пиза минорасини ютиб олди. У доимо машҳур «Брик» кубикларининг шўрвасини сотиб олавериб, миллион очколар ҳисобига эга бўлди, унга якинчи мукофот тариқасида, яъни сизнинг Олма минорангизни бериш лозим бўлади.

— Шунанга денг ҳали!— хитоб қилди шаҳар ҳокими.— Чакки эмас!

— Биз эса бу фикрни бошқача талқин қиламиз, яъни «Брик» шўрвасини ичмабсан, дупёга келмабсан!» деймиз.

— Шундай денг... Биринчи мукофотга нимани қўйгансизлар?

— Урта ер денгиздаги бир оролни.

— Чакки эмас! Сизлар бизнинг Ернимизга бошқача иштиёқ билан қарар экансизлар.

— Ҳа, сизнинг сайёрангиз бизда жуда машҳур. Бизнинг учувчи тарелкаларимиз уни энига ва бўйига расмга олган ва кубиклар шўрвасини ишлаб чиқарувчи кўпчилик фирмалар, турли хил ерлик молларни ўз конкурсларига мукофот тариқасида қўйиш ниятидалар. Аммо «Брик» фирмаси ҳукумат орқали бунинг устидан монополияга эга бўлди.

— Энди мен сизни жудаям яхши тушундим!— хитоб қилди шаҳар ҳокими.— Сизнинг фикрингизча, Пиза минораси ҳеч кимники эмас, шундайми? Уни ким хоҳласа ўзи билан бирга олиб кетавериши мумкин экан-да?

— Уни синьора Болл-Болл ўз боғига ўрнатади. Минора, албатта, муваффақият, катта муваффақият қозонади. Унинг атрофига томоша қилиш учун сайёрамизнинг ҳамма бурчакларидан карпликлар тўпланишади.

— Бувимлар!— хитоб қилди шаҳар ҳокими.— Кўряпсизми, мана бу фотосуратдаги менинг бувим бўладилар. Мен сизга шуларни совға қиламан! Майли, синьора Болл-Болл ўз дугоналарж

олдида мақтаниш учун уни ўз боғига қўя қолсин. Аммо минорга қўл теккиза кўрман! Сиз мени тушундингизми?

— Кўрдиларингизми?— сўради самовий келгиндилар бошлиғи, костюми тугмачаларидан бирини кўрсатиб.— Сиз бунни кўряпсизми? Агар уни босгудек бўлсам, сизнинг бутун Пизангиз минора-пинораси билан осмонга учиб кетади ва қайта ҳеч қачон Ёрга қайтиб тушмайди.

Шаҳар ҳокими ҳаяжондан тош қотиб қолди. Ён-атрофда тўп-ланиб турган одамлар ҳам қўрққанларидан серрайиб қолишди. Фақат майдоннинг бошқа томонидан қандайдир хотиннинг:

— Жоржина! Ренато! Жоржина! Ренато!— деган овози эшитиларди.

Синьор Карлетто Палладино эса ўзича: «Мана, мулойимлик билан хоҳлаган карсанга эришсанг бўларкан!» деб ўйлади.

У бу муҳим фикрни айтиб ҳам улгурмагандики, минора... кўздая гойиб бўлди-қолди, унинг ўрнида эса ичига ҳаво гувиллаб ўриб турган чуқур хандақ пайдо бўлди.

— Кўрдиларингизми?— сўради самовий келгиндилар бошлиғи.— Ҳаммаси жуда оддий.

— Нима қилиб қўйдингиз?— бақриб юборди шаҳар ҳокими.

— Э-э, мана-ку, у,— деди карплик.— Биз уни олиб кетишимиз қулай бўлсин учун фақат бир оз кичрайтирдик холос. Кейин синьора Болл-Боллнинг боғига қўйганимизда уни яна қайта ўз ҳолига келтириб қўямиз.

Ҳақиқатан ҳам ҳозиргина оғиб турган минора ўрнида энди синьора Карлетто Палладино дўкондагиларга ўхшаш кичкинагина минорача турарди.

Тўда: «Вой шўри-и-ям!» деб юборди чўзиб. Бир вақтнинг ўзида майдоннинг нариги томонидан яна ҳалиги хотиннинг болаларини чақирган овози эшитилди:

— Ренато! Жоржина!

Синьора Болл-Болл энди митти минорани олиб, сумкачасига жойламоқчи бўлиб энгашган ҳам эдики, синьор Карлетто Палладино ундан чаққонроқ чиқиб қолди, худди хўжайинининг гўрига ўзини ташлаган кўппакдек (ҳар ҳолда шундай дейишади), у бу кичкинагина қадимий ва машҳур ёдгорлик қолдирғига ўзини отди. Қутилмаган бу ҳолдан ҳайрон қолган карпликлар бир дақиқа қотиб қолишди, бироқ кейин ўзларининг кўпсонли қўллари билан синьор Карлеттонин авайлаб кўтариб, бир четга олиб қўйдилар.

— Мана энди ҳаммаси жойига тушди,— деди келгиндилар бошлиғи.— Энди бизнинг минорамиз бор, сизларга эса кўпгина бошқа чиройли буюмлар қоляпти. «Брик» фирмаси ҳисобидан бу ерга қилган командировкамизнинг иши тугади. Энди сизларга чуқур миннатдорчилик билдирамиз-да, хўшлашиб қоламиз.

— Жин урсин сизларни!— ҳокимнинг жаҳли чиқди.— Қароқчилар! Сизлар ҳали бу қилмишларингиз учун пушаймон ейсизлар! Эртами-кечми биз ҳам ўз учувчи тарелкамизга эга бўлармиз...

— Кубиклар шўрваси билан хўрандалар конкурси бошлаб юборилди!— қўшиб қўйди кимдир оломон орасидан.



— Сизлар ҳали бу қилмишингиздан пушаймон ейсизлар!— қайтарди ҳоким.

Синьора Болл-Болл карликларга ҳос жўшқинлик билан сумкачаси қулфини қирсиллатиб ёнди. Шаҳар ҳокимининг оти қаттиқ кишнади, бу билан у нима демоқчи эканини тушуниш қийин эди. Кейин эса синьор Карлеттонинг заиф овозини ҳамма эшитди:

— Кечирасиз, синьор карлик...

— Ҳўш, яна нима?

— Сизга бир илтимосим бор эди...

— Илтимос? Марҳамат, фақат гербли марка билан.

— Э, жуда арзимас бир иш ўзи! Ҳамонки синьора Болл-Болл мукофотга сазовор бўлган экан... Балким, сиз...

— Яна нима?

— Биласизми, менда ажойиб қўнғироқхонамизнинг кичик нусхаси бор. Кўриб турибсизки, мрамрдан ясалган бир ўйинчоқ. Уни табиий катталиқка айлантириб бериш сизга чўт эмас-ку. Бизга эса минорамиз ҳақида бир яхши хотира бўлиб қолар эдим.

— Аммо бу қалбаки бўлади-ку, миноранинг ҳеч қандай тарихий бадий оғувчанлик қиммати қолмайди,— ҳайрон бўлди келгиндилар бошлиғи.— Бу қаҳва ўрнига цикорий ичган билан барабар.

— Бу ёғи билан иш тутманг,— оёғини тираб олди синьор Карлетто,— бизга шуниси ҳам kifоя.

Келгиндилар бошлиғи бу ғалати илтимосни ўзи ҳамкасабаси билан синьора Болл-Боллга тушунтириб берганди, улар хахолаб кулиб юборишди.

— Қандай тентаклик!— зарда қилди ҳоким.— Бизга ҳеч қандай цикорий-пикорий сирак эмас!

— Сабр қилинг, синьор ҳоким, шошманг!— илтимос қилди ундан синьор Карлетто.

— Майли,— дея розилик берди келгиндилар бошлиғи,— бер бу ёққа.

Синьор Палладино қўлидаги минора нусхасини унга узатди. Келгиндилар бошлиғи уни миноранинг асил жойига қўйди-да, костюми тугмачасини (портлатмайдиган бошқасини) унга тўғрилади ва ...Мана у! Таёёр! Пиза минораси яна ўз жойида бино бўлади-қўйди.

— Шу ҳам иш бўлди-ю!— ҳамон жаҳлидан тушмай гапирди ҳоким.— Иудадай ясамалиги бир чақирим наридан кўрииб турибди. Бу шармандали буюмин бугуноқ ағдариб ташлашни буюрмади.

— Билганингизни қилинг,— жавоб қилди келгиндилар бошлиғи.— Биз учдик бўлмаса. Хайр, оилангизга салом айтиб қўйинг!

Карликлар ўз вертолётларига ўтириб, тилла-кумуш рангла самовий кемаларига қайтиб бордилар ва зумда кўздан ғойиб бўлдилар, осмонда пайдо бўлган ягона чумчуқ учиб келиб миноранинг энг учига бориб қўнди.

Кейинига жуда ғалати ҳодиса юз берди. Қайғуга ботган одамларнинг кўз ўнгиди, йиғлаб турган шаҳар ҳокимининг шундоқ рў-

парасида синьор Карлетто Палладино тарантелло рақсига ўйинга туша бошлади.

— Бечора,— деди кимдир.— Қайғуви кўтаролмай ақлдан озибди.

— Сиз ўзингиз ақлдан озгансиз!— бақриб берди унга синьор Карлетто.— Сизларнинг кимлигингизни айтайми— эсидаст ва ақли йўқларсиз. Ҳокимнинг отига ўхшаб ҳеч нарсани пайқамасизлар ҳам, сезмайсизлар ҳам. Мен минорани карпикларнинг кўз ўнгидан алмаштириб қўйганимдан хабарларнинг йўқми?

— Қачон?

— Қачон бўларди, ит хўжайини гўрига ўзини отгандай, мен ҳам гўёки талмовсираб келиб ўзимни кичик минора устига ташланганимда-да. Мен уни ясама совғачаларимдан бирига алмаштириб олдим. Синьора Болл-Боллнинг сумкасидаги минора ясама эди! Ҳақиқийси эса мана бу бўлади! Улар бўлса минорани яна ўзидай катталаштириб кетишди... Тағин устидан кулишди ҳам. Ҳа, кўринглар, томоша қилинглар! Унга тирнаб ёзилган ёзувларни ўқиб кўринглар...

— Тўғри айтибди! Тўғри!— бақриб деди нотаниш хотин.— Мана бу менинг болаларимнинг исми — Жоржина билан Репато. Улар бунн шарикли ручка билан бугун эрталаб ёзишганди!

— Оббо азаматлар-е!— деди шахар қоровули, ёзувни диққат билан текшириб.— Ростданам шарикли ручка билан ёзилган. Сиз, синьора, жаримани ҳозир тўлайсизми ёки сўётни уйингизга юборайми?

Бироқ бу галги жаримани синьора учун ҳокимнинг ўз бажонидил ўз ҳаменидан тўлади. Синьор Карлетто Палладинони эса ҳамма мақтаб кўкларга кўтарди. Лекин бу иш унинг учун фақат вақтни исроф қилишдан бошқага ярамади, чунки у харидорларни қўлдан чиқариб юборганди, туристлар совға-саломларни унинг рақибларидан харид қила бошлашганди-да.

## УЧ КАМПИР ҚИМ УЧУН ИП ЙИГИРАДИ

Қадимий афсоналарда худолар шунақанги шафқатсиз бўлишган эканки, масалан бир хуни Зевс Аполлонни шунчаки шўхлик қилиб дилини огритиб қўяди. Аполлон эса буни кўнглига тугиб қўйган экан, бир қулай пайти келганда бошлаб ўчини олибди, бир кўзли афсонавий маҳлуқ циклоплардан бир нечасининг ёстигини қурятибди.

Ег билан темир йўл орасида ҳеч қандай умумийлик бўлмаганидек, Зевс билан циклоплар ўртасида қандай боғлиқлик бўлиши мумкин деб сўрарсиз.

Боғлиқлик бор! Бўлганда ҳам қандоқ! Ахир циклоплар унга яшин олиб келишарди-да. Зевс уларга қараб тўймасди. Чунки худди шундай аъло сифатли яшин чиқарадиган бошқа фирманинг ўзи бўлмаса. Аполлон туфайли яшин ишлаб чиқариш тўхтаб қолганини эшитиб, Зевс қаттиқ дарғазаб бўлди ва унга жиноятчи

деган ном тақиб, айбнома юборди. Аполлон оёғини қўлига олиб Зевс хузурига етиб келди.— Ахир Зевс худолар подшоши эди-да.

— Мен сенга айтсам, гап бундай,— деди Зевс.— Жазо сифатида сен сургун қилинасан. Ерга. Етти йилга. Шу муддат мобайнида Фессалия қироли Адметга қул бўлиб хизмат қиласан.

Аполлон Зевс билан пачакилашиб ўтирмади. У норғул, бақувват йиғит бўлиб, кўрганининг ҳавасини келтирарди. У Адмет билан аҳил-иноқ яшадн ва ҳатто дўст киришиб кетди. Орадан етти йил ўтгандан сўнг Аполлон Олимпга қайтиб келди. У уйи томон келатганида болконда чарх йиғириб ўтирган уч кампирга дуч келди.

— Бодларингиздан халос бўлдингизми?— хушмуомалалик билан сўради у кампирларнинг саломига алик олиб.

— Шукур, шукур,— жавоб қайтаришди учала Парки бир овоздан. (Фаҳмлагандирсиз? Ҳа-да, ердаги ҳар бир инсоннинг дунёга келишидан тортиб то ҳаётдан кўз юмгунига қадар тақдир тизгини шу учала илоҳа измида бўлади. Улар ҳар бир одамнинг тақдир ипини йиғирадилар, ипни узингандан сўнг, билингки, энди васиятнома ёзавериш мумкин.)

— Кўриб турибман,— ишларингиз юришиб кетибди,— қайд эди Аполлон.

— Шундайликка, шундай-а. Мана бу ипни биз тез кунда тугатсак керак. Ҳа, айтганча, биласанми, бу кимникилигини?

— Йўқ.

— Қирол Адметники. Кўпи билан икки ёки уч кунлик ипни қолди.

«Жян урсин!— деди ўйланиб Аполлон.— Бечоранинг омади йўқ экан. Мен билан хайрлашаётганида соғ-саломат эди, энди билсам умри тугабди-ку».

— Менга қаранглар,— деди у кампирларга.— Адмет менинг дўстим бўлади. Сиз унинг умрини яна бир неча йил чўза олмай-сизми?

— Қандай қилиб?— ҳайрон бўлишди Паркилар.— Бизларнинг унга қарши ҳеч қандай адоватимиз йўқ. Ажойиб инсон! Аммо вақт-соати етгач, иложимиз қанча. Ажал ўз ишини қилмай қўймайди.

— Лекин у унчалик кексайган ҳам эмасди!

— Гап унинг ёшида эмас, қароғим! Нима, сен у билан шунақа қалин дўстмисан?

— Ҳа-да, мен сизга айтдим-ку, биз қадрдон дўстлармиз деб!

— Унда биз бундай қилишимиз ҳам мумкин. Биз унинг ипини бир неча муддат узмасдан холи қўйиб тура қолайлик. Аммо бир шарт бор,— унинг учун ўлишга рози бўладиган бирорга бошқа одам топилс керак. Шунга розимисан?

— Бўлмасам-чи! Қатта раҳмат!

— Арзймайди!

Аполлон ҳатто почта қутисини қараш учун уйига ҳам кириб ўтмади, дарҳол Ерга қайтиб тушди ва Адмет хузурига шошилди. У театрга отланиб турган экан.

— Адмет, гапимга қулоқ сол,— деди у.— Хуллас, мен сенга айтсам, шунақа гаплар. Қисқаси, сенинг вақт-соатинг тугаб, қил устида турган экансан, лекин сенинг ўрнингга бошқа бир одамнинг таъзиясини ўтказишга тўғри келади. Ўзингнинг гўрингга кириб ётишга рози биронта одам топа оласанми?

— Топа олсам керак,— жавоб қилди Адмет кўрқувни босиш учун қадаҳига қуввати кучлироқ мусалласдан қуяр экан.— Ахир, кимсан қиролман-а, ёки гапим нотўғрими? Менинг ҳаётим давлат учун жуда катта аҳамиятга эга. Уни-бунни қўяверу, ҳар ҳолда мени бир оз безовта қилиб қўйдинг-да!

— Нимаям қилардим! Се-ля-ви!<sup>1</sup>

— Йўқ, йўқ! Бу ерда бошқа гап бор...

— Ҳа, майли, чао!

— Чао, Аполлон, чао! Сенга қандай қилиб миннатдорчилик билдиришимни ҳам билолмай қолдим. Бир пайтлар ёқтириб қолганинг ҳалиги мусалласдан бир қутисини сенга юбортираман.

«Жин урсин!— ўйга толди Адмет, хонада танҳо қолгач.— Нима бўлаётганига ҳам ақлим етмай қолди! Яхшиямки, юқорида танишларим бор!»

У ўзининг энг содиқ хизматкорини чақириб келишни буюрди, унга ҳаммасини очиқ-ойдин айтди-да, елкасидан қоқиб қўйиб, тайёрланишга амр қилди.

— Нимага тайёрланиш керак, ҳазрати олийлари?

— Нимага деганинг нимаси? Улимга-да, тагин нимага бўларди. Ё сазамни ерда қолдириш ниятинг борми? Ё мен сенга шунақа ёмон хўжайин эдимми? Ҳар доим ишдан ташқари ишлаганларингга ҳақ тўлаб келган, узоқ муддатга қарзлар бериб турган, ўн учинчи мояна ёзган ким эди? Меними? А, баҳай?

— Бўлмасам-чи, шубҳасиз, сиз, албатта.

— Мен ҳам худди шундай ўйлайман. Шундай қилиб, чаққонроқ бўл, вақтни чўзма. Сен ўлишинг ҳақида ўйла, мен эса қолган ҳамма нарса ҳақида — мотам маросимини юқори даражада ўтказишни, гўрингга мрамартош қўйишни, бевангга нафақа тўлашни, ўглингга стипендия... Розимсан?

— Розиман, ҳазрати олийлари. Эртага эрталаб тайёр бўламан.

— Нега эртага эрталаб дейсан? Бугунги ишни эртага қўйма, дсб эшитмаганмисан?

— Мактуб ёзишим, баъзи бир кўрсатмаларни бажаришим керак...

— Ҳай, майли, эртага эрталаб бўлса, эртага эрталаб. Фақат барвақт кел.

— Тонг отарда, ҳазрати олийлари, тонг отарда.

Лекин тонг отарда финикиялар кемаси содиқ хизматкорни узоқ денгизда Сардиния томон олиб кетарди. Ҳатто газеталарда «Уни ким кўрган» рубрикаси остида расмни беришга ҳам имконият бўлмади, чунки у пайтларда ҳали вақтли матбуот ихтиро этилмаганди-да. Расмга тушириш деган гаплар ҳам йўқ эди.

<sup>1</sup> Ҳаёт шунақа! (фр)

Бу иш Адметга жуда оғир зарба бўлиб тушди. У ҳатто йиғлаб юборди. Мана шундан кейин энг оғир дақиқаларингда содиқ хизматкорингга ишониб бўлсап.

Адмет аравани келтиришни буюрди ва бу ёрдамида иситилувчи ва бошқа қулайликлар муҳайё этилган шаҳар чеккасидаги ажойиб борада яшайдиган ота-онаси ҳузурига жўнади.

— Нимаям қилардим,— деди у,— сизлар менинг чин юракдан севадиган ягона одамларимсиз.

— Нимасини айтасан, болам, бунга тарикча шубҳа қилмасанг ҳам бўлади!

— Сизлар мен ҳар қандай илтимос билан мурожаат қила оладиган ягона кишиларимсиз?

— Боғимизда етилган мана бу ажойиб редискадан тотиб кўрмайсанми?— астагина сўрашди қариялар.

Улар фарзандларининг муддаосидан хабар топдилару, асабдан аъзойи баданлари қалт-қалт титрай бошлади.

— Адметжон,— дейишди улар,— биз сенга ҳаёт бағишладик, бунинг эвазига сен бизнинг ҳаётимизни олмоқчи бўлаётирсан. Бу қандай оқибат бўлди?

— Барибир ҳам бир оёғингиз тўрда бўлса, бир оёғингиз гўрда-ку.

— Биз вақт-соатимиз етгандагина ҳаётдан кўз юмамиз. Ҳозирча етгани йўқ. Етган тақдирда ҳам биз сендан ўрнимизга ўлишингни сўраб ўтирмаймиз ҳам.

— Билдим, билдим, сизлар мени жуда сева экансизлар, қойил...

— Тагин хафа бўлаяпти-я! Тахт билан узумзорни топширганимиз ҳам камлик қилибди, шекилли.

Адмет шартта онаси тақсимчада тутиб турган редискадан олиб, оғзига солди-да, туфлаб ташлади ва сакраб аравачага чиқиб ўз саройига қайтиб келди.

У бирин-кетин министр, генерал, адмиралларини, сарой амалдорларини, хизматкорларнинг катталари, адвокат, нотариус, астролог, драматургларни, илоҳиёт мутахассисларини, созаанда, ошпаз ва шикорбодларни ҳузурига чорлади... Уларнинг ҳаммаси бир оғиздан шундай жавоб қиларди:

— Ҳазрати олийлари, мен сиз учун бажонидил ўлган бўлардим, лекин қариб қолган уч холам бор! Уларнинг тақдири нима кечади?!

— Жаноб, шу дақиқада, ҳозироқ ўла олмайман! Узи кун-кеча отпуссага чиққанман...

— Хўжайин, худо ҳаққи, тушунинг, мен эсдаликларимни ёзиб тугатишим керак...

— Пасткашлар!— бақирди Адмет, ер депсиб.— Бундан чиқди, сизларнинг ҳаммангиз ўлимдан қўрқар экансизлар-да? Мен бошларингизни танангиздан жудо қилишни буюраман! Барибир бу ҳам менга ёрдам бермайди, чунки ўз хоҳиши билан ўлган одамгина мени ўлимдан қутқариши мумкин, ҳар ҳолда бир ўзим дунё-

дан кўз юмиб кетавермайман... Улсак ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, дўзахга кириб борамиз.

Сарой уламоларининг кўз ёшлари шашқатор бўлиб, қўрқанларидан дағ-дағ қалтирашарди. Адмет ҳаммасини битта қолдирмай энг қоронғу ҳужрага қамаб қўйишни ва жаллодга болтасини чархлашни буюрди. Кейин ўзи чанқоғини босиш ниятида апельсин шарбати ичгани хотинининг олдига кетди.

— Аљчести, жонгинам,— деди у хотинига ўлимга маҳкум этилган чеҳра билан,— биз энди видолашишимизга тўғри келади. Ҳар ҳолда мен сенга айтсам, шундоқ ва ҳоказо. Парклар шундоқ-шундоқ ва ҳоказо. Аполлон ҳақиқий дўстим ва ҳоказо. Ҳамма мени жонидан яхши кўради-ю, аммо ҳеч ким менинг ўрнимга ўлишга рози эмас.

— Шунга ҳам ота гўри қозихонами? Нега аввалдан менга бир оғиз айта қолмайсан?

— Сенга?

— Албатта-да! Мен сен учун ўлишга тайёрман. Бундан осон иш бор эканми?

— Ақлдан озибсан, Аљчести! Мен бунга чидай олмайман! Сени дафн қилиш маросимида йиғлашимни, наҳотки кўз олдинга келтира оласан?!

— Бир оз йиғлайсан, кейин ҳаммаси унут бўлиб кетади.

— Йўқ, унут бўлиб кетмайди.

— Сен менга ишонавер, унут бўлиб кетади ва сен яна бахтиёр, узоқ ҳаётингдан мамнун бўлиб яшайверасан.

— Шундай бўлишга аминмисан?

— Аминман.

— Унда майли... Агарда шундай бўлса... Модомики ўзинг шуни хоҳлар экансан...

Улар ўлим олдидан ўпишдилар. Аљчести жон таслим қилгани ўз хонасига кириб кетди. Салтанатни йиғи-сиғи ва қий-чув овози тутди. Адмет ҳаммадан қаттиқ овоз бериб ўқиб йиғларди. Шунинг орасида министр, ошпаз ва қолган ҳамма қамоқдан озод этилди, марҳумнинг хотирасини ҳурматлаш юзасидан қўнғироқларни чалиш буюрилди, салтанат байроғи эгиб қўйилди. Дафн бюроси вакили чақирилиб, у билан дафн маросимини қандай ўтказиш келишиб олинди. Адмет тобут тутқичи қандай бўлиши устида фикр юритиб турганида хизматкор унга меҳмон келганлигини хабар қилди.

— Геракл, дўстим!

— Чао, Адмет! Мен олтин олма ўғирлагани Гесперид боғидан ўтиб бораётиб бирров сени кўриб ўтай дедим.

— Жуда яхши қилибсан-да! Агар кириб ўтмаганинда мен сени икки дунёда ҳам кечирмасдим.

— Айтганча,— деди Геракл,— сизларда мотам тутилаётганини кўраяпман, тинчликми ўзи?

— Ҳа,— жавоб қилди Адмет шошиб,— бу ерда бир хотин вафот этганди. Аммо сен қайғу-аламга ботишинг шарт эмас. Биз

учун меҳмон ҳамма нарсадан улуғ. Мен сенинг яхшилаб ваннада чўмляиб олишингни маслаҳат бераман. Кейин кечки овқатни ей-миз-да, ўтган кунларни эслаб отамлашамиз.

Афсонавий паҳлавон ваннада чўмилгани кетди. Бу таклиф жуда ўрилли бўлди. Ўзининг қаҳрамонона жасоратларини доимо амалга ошириб, афсонавий махлуқларни ўлдириб, Авгий отхоналарини<sup>1</sup> тозалаб, шунингдек бошқа турли хил бири-биридан мушкул ишларни бажариб юрган Геракл, шубҳасиз, ҳар доим ҳам ваннада чўмилишга имкон тополмасди. У орқасини чўтка билан роҳатланиб ишқаларкан, ўзи ёқтирган ашуласини хиргойи қиларди:

О. Геракл  
Менинг Гераклми,  
Қудратлисан Геракл мисол,  
Қудратлисан...

— Хўжайин,— деб пичирлаб мурожаат қилди унга хизматкор,— ашула айтмай турсангиз бўлармиди, чунки меҳрибон бекамиз вафот этганлар.

— Нима? Ким вафот этди?

Қисқаси, Геракл воқеани билиб олди ва Адмет ундан яширганига жуда ҳайрон бўлди. Бечора Альчести! Бечора Адмет! Ўйлаб туриб йиғлаб юборишга оз қолди...

— Тўғриси айтганда, йиғлашнинг нима кераги бор!— хитоб қилди у ваннадан сакраб тушиб, бу ерда йиғлаш эмас, ҳаракат қилмоқ керак. Эй, ким бор? Хизматкор! Гурзим қани? Мен уни соябон билан бирга даҳлизда қолдирувдим, шекилли.

Геракл гурзисини олиб мазорга югурди ва Альчестининг жасадни қўйиладиган лаҳад ортига яшириниб олди. Бир вақт Азроилга кўзи тушди-ю, унга ташланиб гурзиси билан сола кетди-ку. Азроил чалғи билан ўзини ҳимоя қиларди-ю, бироқ ақл-фаросатда етук бўлгани учун Гераклни энга олмаслигига фаҳми этиб, иссигида жуфтакни ростлаб қолди.

Геракл ўлим чекинганидан хурсанд бўлиб, хохолаб кулиб юборди ва ашуласини вадаванг қўйганча саройга қайтиб келди. Саройдагилар уни ўқрайиб қарши олишди, мамлакат мотам ичида-ю, бу одам бўлса ашуласини ванг қўяпти! Аммо Геракл нима қилаётганини яхши биларди.

— Адмет! Адмет! Ҳаммаси жойида.

— Нима жойида?

— Мен Азроилни қувиб юбордим! Альчести даврон суради.

Бу сўзларни эшитиб, Адмет энг оппоқ нарсадан ҳам оқариб кетди. Юрагига қўрқув яна чанг солди. Кимнингдир оёқ товуши қулоғига чалиниб, ўша ёққа қайрилиб қаради. Бу Альчести эди! Хотини тирик! Алчести эри ҳузурига гўё узр сўрамоқчидай бир-бир қадам ташлаб келарди.


<sup>1</sup> Авгий отхоналари—қадимги грек мифологиясида неча йиллардан бери тозаланиб келган шоҳ Авгий отхоналарини Геракл дарёни олиб келтириб, бир кунда тозалаб берган эмиш. (Р е д.)

— Сиз ҳали ҳам хурсанд эмасмисиз?— деди ўзини йўқотиб қўйган Геракл.— Нима гап ўзи? Келинг, чақчақлашайлик!

Қаёқда! Дафн маросими эндигина бошланган кўринарди. Адмет креслога шилқ этиб тушди ва уни шундай қалтироқ босдики, қараб юрагинг ачиб кетарди. Альчести айбдордек кўзларини ерга қадаганча тек туриб қолди.

— Мен...— деди Геракл пешонасидан оқаётган терни сириб.— Мен сизларни хурсанд қилмоқчи эдим, аксинча бўлиб чиқди, шекилли... Ҳа, бизнинг замонда дўстларинг билан қандай муомала қилишингни ҳам билмайсан киши! Хўп, майли, мен яхшиси, кета қолай... Агарда бирор нарса бўлса, ёзинглар...

Геракл гурзисини саланглатиб, кўнгли хижил бўлиб йўлга тушди. Адмет ён-атрофга қулоқ солди. У жуда йироқдан келаётган қандайдир овозни эшитаётгандай бўлди... Узоқда болконда уч кампир ип йигириб ўтирарди... Қизиқ, бу гал улар кимга ип йигиришаётганикин...







УчТадан  
ОХИРИ БОР  
ЭРТАКЛАР

## СЕҲРЛИ НОҒОРА

Кунларнинг бирида бир ноғорачи аскар урушдан қайтаётган экан. У жуда камбағал экан. Бисотидаги бор-йўқ бойлиги биргина ноғораси экан. Лекин шу топда унинг қувончи чексиз экан: ахир узоқ йиллардан бери туғилган гўшасига энди қайтаётибди-ю, қувонмай бўладими! Шу боис унинг ноғорасидан чиқаётган «тарака-турум-так-так! Тарака-турум-так-так!» овози олис-олисларгача таралар экан.

Аскар ноғорасини чалиб кетаверибди, кетаверибди, бир вақт бир кампирга дуч келибди.

— Ассалому алайкум, аскаргина болам! Бир сольдогина пул хайр қилиб юборолмайсанми, жоним қоқиндиқ?— дебди кампир.

— Ҳай аттанг-а, кампиршо,— деб жавоб қилибди аскар йигит, бошини чайқаб,— агар ёнимда пул бўлганда бир эмас, икки сольдо, ҳатто ўн сольдон «мана, олинг!» деб бажонидил чиқариб берган бўлардим. Худо ҳаққи, онажон, ёнимда ҳемирим ҳам йўқ!

— Жуда ҳам қуриб қолмагандирсан, аскаргина болам,— дебди кампир қўлини узатганича.

— Ишонмайсиз-да, кампиршо, ҳали азонда чўнтакларимни бир бошдан ковлаб чиқиб, лоақал увоқ донасини ҳам тополмагандим.

— Яна бир тузукроқ ковлаб кўр-чи, зора насибага яраша чиқиб қолса.

— Чўнтакларимними? Келинг, саянгиз учун бир ковласам ковлай қалай, кўпглингиз қолмасин. Лекин сариқ чақам ҳам йўқ деб... Не, мана бу нима бўлди экан?

— Сольдо бўлади-да, тагин нима бўларди! Ахир, насибага яраша чиқадн, демовидим?

— Худо урсин агар, билмаган эдим! Ана холос! Олинг, кампиршо, сизга насиб қилган экан! Югурганники эмас, буюрганники, деб шунга айтадилар-да! Мингдан-минг розиман.

— Умрингдан барака топ, аскаргина болам!— деб миннатдорчалик билдирибди кампир.— Бунинг эвазига мен ҳам сени қуруқ қўймайман.

— Ростданми?— дебди аскар йигит таажжубланиб.— Лекин менга ҳеч нарса керак эмас, онажон!

— Мен сенга бир кичкина сеҳр тақдим қиламан. Диққат билан эшитиб ол. Ҳар гал ноғорангининг овози янграши билан атрофингдаги жамики зот ўйинга тушиб кетади.

— Жуда ажойиб сеҳр экан-ку, онажон! Раҳмат сизга!

— Шошмай тур, ҳали бу ёғини эшитганинг йўқ. То сен ногора чалишдан тўхтамагунча одамлар ўзини тушаверади, ўйини тушаверади, ўйини тушаверади, сира ўзларини тўхтатолмайдилар.

— Ана буниси зўр экан!— дебди ҳаяжондан қичқириб аскар йигит.— Ростини айтсам, кампиршо, бундай совгани қандай уд-далашимга ҳам ҳайронман, лекин, хайр, бирон пайти келиб, асқотиб қолар.

— Асқотганда ҳам шундай асқотадики, ўзинг балли дейсан.

— Хайр, кампиршо!

— Хайр, аскаргина болам!

Шундан кейин аскар ногорачи яна йўлга тушибди. У кетаверибди, кетаверибди. Бир вақт ўрмон ичидан учта қароқчи отилиб чиқиб, унга ташланибди.

— Ё ҳаёт, ё ҳамён!— дебди улар аскар йигитга милтиқларини ўқталиб.

— Оббо сизлар-ей,— дебди аскар йигит уларга ачинганидан.— Қерак бўлса мана бу халтамни ҳам қўшиб ола қолинг. Фақат унинг ичидан ҳаводан бўлак ҳеч вақо тополмайсиэ.

— Қўлингни кўтар, бўлмаса отиб ташлаймиз!

— Хўп бўлади, хўп бўлади, қароқчи жаноблар!

— Пулни қаерга яширгансан?

— Агар пулим бўлганда, мен уни албатта қалпоғим остига яширган бўлардим.

Қароқчилар унинг қалпоғини олиб қарабдилар — қалпоқнинг ичидан ҳеч бало йўқмиш.

— Ёки бўлмаса, қулогимнинг ичига тикиб олган бўлардим.

Қароқчилар унинг қулоғи ичини ҳам қарабдилар — қулоғи ҳам бўм-бўш эмиш.

— Йўқ, йўқ, жаноблар,— дебди шошиб аскар йигит,— агар пулим бўлганда-чи, биласизларми, мен уни қаерда сақлаган бўлардим? Шундоқ бурнимнинг учидан сақлардим!

Шундан кейин қароқчилар аскар йигитнинг авра-астарини титкилаб қараб чиқибдилар, бироқ ундан ақалли занглаган мис чақа ҳам тополмабдилар.

— Фирт гадой экансан-ку!— дебди қароқчиларнинг сардори жаҳл билан.— Бўпти, унинг ногорасини ола қоламиз, ҳар замон-ҳар замонда чалиб, кўнгилхушлик қилиб турамиз-ку ҳеч бўлмаганда.

— Начора, олсангиз ола қолинг,— дебди аскар йигит хўрсаниб.— Эски дўстингдан жудо бўлиш оғир, албатта, ахир неча йиллик қадрдон эдик. Модомики, у сизларга шунчалик зарур бўлиб қолган экан, нима ҳам дей олар эдим...

— Ногора бизга зарур!

— Ундай бўлса, охирги марта уни чалиб кўришимга рухсат берсангиз. Кейин, майли, сизларники бўла қолсин. Бир йўла уни қандай чалиш кераклигини ҳам кўриб оласизлар. Хўпми?

— Бўпти, чалсанг, чала қол бир карра.

— Қандай сўз!— деб суюниб кетибди ногорачи аскар.— Мен

«тарака-турум-так-так, тарака-турум-так-так» машқиға чаламан-да, сизлар унинг оҳангида ўйинга тушасизлар!

Эҳ, бу ярамае ўғриларнинг ўша пайтда қандай ўйинга тушганини бир кўрсангиз эди. Худди бозор майдоидаги томоша кўрсатаётган айиқполвоннинг ўагинаси бўлишди-қолишди!

Бошда ноғора куйи ҳам, ўйин ҳам ҳаммаларига ёқиб тушди. Мириқиб кулишди. Бир-бирларини туртиб ҳазиллашишди:

— Чал, чал, ноғорачи, ноғорангни! Ҳа, қани, шўхроғидан бўлсин.

— Қани энди, ўйноқироғидан бўлсин!

— Энди жазави ўйинига чал!

Бир вақт қароқчилар чарчаб, ўпкалари оғизларига тиқилибди, ўйиндан шунча тўхтаётган десалар ҳам, сира ўзларини тўхтатиша олмабди. Ҳаммалари роса ҳолдан тойибдилар, оёқларида мажол қолмабди, бошлари айланибди. Сеҳрли ноғора эса уларни баттар жазавига солармиш.

— Ердан беринг!

— Ўйнаг!

— Шафқат қил!

— Ўйнайверинг!

— Е товба!

— Ўйнайверинг, ҳа, қани, ташланг!

— Бўлди! Бўлди!

— Ноғорамни олиб қўймайсизларми?

— Олмаймиз, олмаймиз. Фақат куйингни бўлди қил, барака топкур!

— Менга бошқа тегмайсизларми?

— Йўқ дедик-ку, биродар, сен биздан нстаган нарсангни ол, фақат мана бу куйингни тўхтатсанг бўлгани!

Бироқ ноғорачи аскар йигит то қароқчилар бутунлай ҳолдан тойиб ерга йиқилиб тушмагунларича ноғорасини уриб чалаверибди.

— Мана, кўнгилдагидек бўлди!— дебди аскар йигит ерда юмалаб ётган қароқчиларга қараб куларкан.— Энди мени икки дунёда ҳам қувиб етолмайсиз!

Шундай дея у орқасига қарамай у ердан қочиб қолибди. Қочиб кетаркан-у, ҳар эҳтимолга қарши ноғорасини «тарака-турум», «тарака-турум» деб чертиб қўяркан. Ноғора овози қулоқларига чалинган қуёнлар ўз ичларида, олмахонлар дарахт бошида дикирдикир сакраб, ўйинга тушиб кетар эмиш. Ҳатто бойўғлилар ҳам купла-кундузи уйқуларидан уйғониб, пат-пат қилишиб, қанот қоқиншар эмиш.

Ўйинга қайтаётган ботир ноғорачи аскар йигит ана шу тариқа йўл юриб кетаверибди, кетаверибди.

## ЭРТАҚНИНГ БИРИНЧИ ТУГАШИ

Аскар йигит йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Бир жойга етганда миясига бир гап келибди-ю, ўйлаб қолибди:

«Менинг сеҳрли ноғорам бор, ахир, бу ҳазилакам гап эмас. Қароқчиларни бўлса, роса лақиллатдим, ҳаммасининг она сутти-

ни оғзига келтирдим. Лекин мен уларнинг бисотидаги ҳамма парсаани шилиб, шип-шийдон қилиб қўйишим ҳам мумкин эди-ку. Ҳали ҳам кеч эмас, изимга қайтиб, уларни қидириб топсаммикни?

Аскар йигит энди изига қайтмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, ҳув нарида келаётган бир почта аравасига кўзи тушибди.

— Узоқдаги қўйруқдан яқиндаги ўпка дейдилар. Менга шунинг ўзи ҳам бемалол етиб-ортади!

Қўнғироқчаларини жириглатганча отлар шамолдай елиб келарди, ўриндикда ўтирган извошчи эса ҳуштак чалиб, аллақандай қувноқ кўшиқни хиргойи қиларди. Унинг ёнида қуролли жандарма ўтирарди.

— Салом ноғорачи! Йўл бўлсин?

— Ҳеч қаёққа! Менга шу ер ёқиб қолди.

— Ундай бўлса, йўлдан қоч, биз ўтиб кетайлик.

— Аввал бир ўйнаб, «битингизни тўкиб» олинг, кейин кетасизлар!

Шу заҳоти «тарака-турум-так-так», «тарака турум-так-так» деб ноғора овози янграбди. Ноғора овозини эшитиб отлар ирғишлай кетибди, извошчи сакраб ерга тушибди-да, чарх уриб рақсга туша бошлабди. Айниқса милтигини қўлидан тушириб юборган жандарманинг ўша пайтдаги ўйинини кўрганингизда, кула-кула ўлардингиз! Аравада ўтирган йўловчилар ҳам шунақанги жазвага тушибдики, қўяверасиз!

Сизга шу нарсани айтиб қўйишим керакки, ҳалиги аравада уч қути соф олтинни банкка олиб кетишаётган экан. Уч қути бемалол уч юз кило келарди. Аскар йигит бир қўли билан уриб ноғора чалса, иккинчи қўли билан қутилари битта-битта аравадан ерга итқитибди-да, оёғи билан буталар орасига суриб қўяверибди.

— Ҳа-а-а, ўй-на-анг! Бўш кел-м-а-а-нг!

— Бўлди қил, ҳой ноғорачи! Мадоримиз қолмади, бас қил!

— Шунақами? Ундай бўлса, аравангизга чиқинг-да, орқангизга қарамай жўнаб қолинг ҳаммангиз!..

Почта араваси ўзининг олтинларисиз кўз очиб-юмгунча гойиб бўлибди. Аскар йигит эса чиннакам миллионерлардай бирданга беҳисоб бойликка эга бўлибди. Энди бу бойликка у ўзига дала ҳовли сотиб олиши ҳам, ишламасдан дўпписини яримта қилиб юриши ҳам, биронта катта амалдорнинг қизига уйланиб олиши ҳам мумкин экан. Борди-ю, яна пулга зарурият тугилиб қолгудек бўлса, банкка бориб ўтиришга ҳам ҳожат йўқ экан — ноғорани бир ишга солса, шунинг ўзи кифоя экан.

## ЭРТАКНИНГ ИККИНЧИ ТУГАШИ

Аскар йигит йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Бир вақт у бир овчини кўриб қолибди. Овчи милтиғи билан бир чумчуқни мўлжалга олиб турган экан.

— «Тарака-турум-так-так», «тарака-турум-так-так!»

Овчи милтигини тушириб юборибди-да, ўйинга тушиб кетди. Чумчуқ эса учиб кетибди.

— Ҳой, бадбахт, шашмай тур, бу қилигинг учун ҳали жавоб берасан!— деб қичқирибди овчи аскар ноғорачига қараб.

— Жавоб бериш қочмайди, оғайни, аввал ўйнаб қолсанг-чи,— дебди аскар йигит қаҳ-қаҳ уриб кулиб.— Қалай, ўйишга ҳолинг борми?

— Силлам қуриб, адоин тамом бўлдим!— дебди овчи.— Аъзо-йи баданимдан шов-шов тер оқяпти.

— Агар ўйиндан тўхташни истасанг, бундан кейин қушларни отмайман деб сўз бер,— дебди аскар йигит.

— Сўз бераман!— дебди овчи.

Аскар йигит йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Бир вақт эшагини жон-жаҳди билан аямай савалаётган бир деҳқонни кўриб қолибди.

— «Тарака-турум-так-так!» Қани, ҳой деҳқон, бир мириқиб ўйнаб ол-чи.

— Ҳой, ким бор, ёрдам беринг!— бир оз ўйнар-ўйнамас деҳқон қичқира бошлабди.

— Қичқирма! Уйна, ўйнайвер!— дебди аскар йигит ноғорасини бешбаттар тарақлатаркан.— Бундан кейин эшагимни сира урмайман, унга озор бермайман деб оит нчсанг, ноғора чалишни тўхтатаман.

— Оит нчаман!

Шу тариқа аскар йигит йўлда давом этаверибди. Қаердаки бирон бемазагарчиликка дуч келса, адолат ўрнатиш талаб этилса ёки золимни жазолаш лозим бўлиб қолса, дарров ноғорасини ишга солаверибди. Лекин ҳар хил золимлару турли-туман адолатсизликлар нима учундир шу қадар кўп йўлиқар эканки, аскар йигит сира уйлага етай демасмиш. Лекин у бундан ҳечам қайғурмабди. «Мен ноғорам ёрдамида яхшиликлар қила олган жойни ҳақиқий бошпанам деб биламан»,— дебди аскар йигит ўз кўнглида.

## ЭРТАҚНИНГ УЧИНЧИ ТУГАШИ

Аскар йигит йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Оёғи юришдан, миёси ўйлашдан тўхтамасмиш: «Жуда ажойиб ноғора эканми! Қизиқ, у қанақа ясалган экан-а? Унинг сеҳри нимада бўлса?» Аскар йигит қўлидаги ноғорачўпларини уёқ-буёғини айлангириб разм солиб қарабди,— кўриниши одатдаги ёнғоқ чўплардан сира фарқ қилмайди-ку.

— Балки тилсимот ноғоранинг ичига, таранг тортилган мана бу тери тагига яширингандир? Уша ерни очиб қарай-чи,— дебди аскар йигит ва пичоқ билан ўйиб, теридан бир кичикроқ тешикча очибди. Ноғоранинг ичида ҳеч вақо йўқ, бўм-бўш эмиш!

— Хуллас, шу экан-да, бу сеҳрининг тагига етиб бўлмас экан...

Шундай дея аскар йигит ноғорачўпларини қувноқ тарақлатганча йўлда давом этибди. Бироқ бу сафар на қуёнлар, на олмаҳонлар ва на қушлар унинг ноғорасига ўйнабди, бойўғлилар ҳам уйқудан бош кўтаришмабди...

— «Тарака-турум-так-так, тарака-турум-так-так!»

Ие, бу қанақаси! Ногоранинг товуши ўша-ўша эмиш-у бироқ сеҳрдан асар йўқмиш!

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бундаи ногорачи аскар негадир сўнганмиш.

## АЙЕР БУРАТИНО

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир... Пинноккио — Буратино бўлган экан. Йўқ, бу ҳалиги италия ёзувчиси Карло Коллоди ҳикоя қилган, Алексей Толстой эртак ёзган Буратино эмас, балки муглақо бошқа Буратино экан. Тўғри, бу ҳам ёғочдан ясалган экан-у, лекин барибир у Буратино эмас экан-да. Уни папа Карло ҳам ясамаган экан, балки уни ясаган уста ҳам унинг ўзи бўлган экан.

Эртактаги машҳур ёғоч одам сингари бу Буратино ҳам ёлгон гапиришни ўлсудай яши кўраркан. Ҳар гал ёлгонни қилиб, саржиндай тахлаб ташлаётган пайтларда унинг бурни ҳам ҳамманинг кўз олдида ўсиб, чўзилиб кетавераркан. Шунга қарамасдан ҳам бу бутунлай бошқа Буратино экан. Тағни шуниси борки, унинг бурни чўзилиб кетаётган пайтда у сира қўрқмас, йиғламамас экан, «ёрдам беринг» деб айюҳаннос солмас экан, шартта пичоқ ё аррани оларкан-да, бурнининг ортиқча жойини шартта кесиб ташлайвераркан. Ахир у ёғочдан ясалган-ку, шундай эмасми? Шу бонсдан ҳам у заррача оғриқ ҳис қилмас экан. Буратино тез-тез ёлгонни дўндириб тургани, ҳаттоки баъзида устмас-уст, пайдар-пай ёлгонни тўқиб ташлайвергани туфайлидан унинг уйида бир дунё ёғоч бўлаклари, яъни бурнининг ортиқча жойлари хирмон бўлиб уюлиб қолган экан.

— Жуда соз бўлди-да!— дебди у ёғоч уюмига қараб туриб,— тузуккина уй жиҳози ясаб олишимга бемалол етиб-ортади. Дуррадгорга пул сарф қилиб ўтираманми, жиҳозни шартта ўзим ясаб ташлайман.

Буратино ўша заҳотиёқ енг шимариб ишга тушиб кетибди.

Гайрат билан меҳри-жонини бериб шуидай тер тўкибдики, кўп ўтмаёқ унинг уйида каравот, стол, шкаф, стуллар, китоб тоқчалари, скамейка сингари уй жиҳозлари пайдо бўлибди. Ниҳоят, у телевизор қўядиган жавон ясашга киришган ҳам эканки, бирданига ёғоч тахчил бўлиб қолганини пайқабди.

— Ҳечқиси йўқ!— дебди у.— Бир гал ёлгонни дўндириб ташласам, шунинг ўзи кифоя!

У югуриб кўчага чиқибди-да, кимндир толиб, ёлгон сўзлар билан лақиллатиш учун уёқ-буёққа кўз югуртира бошлабди. Шунда у бир деҳқонни кўриб қолибди.

— Ассалому алайкум!— дебди Буратино.— Омадингиз чопиб, ошиғингиз олчи турганидан хабарингиз борми ўзи?

— Менингни? Қандай қилиб омадим чопиб, ошиғим олчи бўларкан?

— Ҳали ҳеч нарсадан хабарим йўқ, денг-а? Сиз лотореяга

юз миллион сўм пул юрдингиз-ку! Ҳозиргина радиода шу хабарни беришди.

— Бундай бўлиши мумкин эмас!

— Нега энди «бундай бўлиши мумкин эмас» бўларкан?.. Кечирасиз, исми шарифингиз нимаиди?

— Роберто Бизлунги.

— Ана, кўрдингизми! Радиодан худди сизнинг исми шарифингизни, яъни Роберто Бизлунгини айтишди. Ўзингиз нима иш қиласиз?

— Мен бир деҳқонман, ер ҳайдайман...

— Э-э, бўлди, энди тариқча шак-шубҳа қолмади. Юз миллион сўм пул худди сизга насиб қилган экан. Табриклайман сизни, Роберто Бизлунги!..

— Раҳмат, раҳмат...

Синьор Бизлунги бундай янгиликдан довдираб, ҳаяжондан ўзини йўқотгудай бўлибди ва бир қултум сув ичиб, ҳушини тўплаш учун қаҳвахонага кирибди. Сув-пув ичиб, сал ўзини босиб олганидан кейингина деҳқон умрида лоторея билети олмаганини англабди. Демак, бу ерда бир оз англашилмовчилик юз берганга ўхшайди...

Буратино эса бу орада уйига қайтиб келибди. У ҳозиргина ўйлаб топган найрангидан ўзида йўқ хурсанд экан, чунки унинг бурни шунчалик узун бўлиб кетибдики, ундан бемалол жавонга битта оёқча чиқарса бўлар экан. У шартта бурнидан керагича арралаб олибди-да, тери билан ишқалаб ялтиратибди, сўнг керакли жойга қоқиб қўйибди — қарабсизки, жавон тийёр! Аммо қулишг ўргулсин жавон бўлибди-да, ўзиям! Агар бозордан шунақасини сотиб олмоқчи бўлсангиз, оз эмас-кўп эмас, нақд йиғирма минг лирани чўнтагингиздан қуртдай санаб берган бўлардингиз! Кўрдингизми, қанча пул ёнга қолди. Уйини рисоладагидай жиҳозлаб олибди-да, Буратино савдо билан шуғулланишга жазм этибди.

— Қурилишбоп ашёлар сотиб, бойиб оламан!— кўнглидан ўтказибди у.

Ҳақиқатан ҳам у ёлғону ўтрик гаплар тўқнишга шунақанги устаси фарағ бўлиб кетибдики, кўп ўтмай қурилишбоп ёноч ашёлар сақланадиган жуда катта омборхона қурибди. У ерда юзта ишчи ва ҳисоб-китоб ишларини юритувчи ўн иккита бухгалтер ишлай бошлабди. Тўртта автомашина билан иккита автопоезд тиним билмай уёқдан-буёққа гир қатнаркан. Улар шунчалки сайру саёҳат мақсадида юрмай, Буратинонинг бурни бўлакларини ташир экан. Буратино уларни ҳатто чет элларга, Франция ва Шотландияга жўнатар экан.

Ёлғону ўтрик-ўшак гапларни эса у тобора авж олдираверибди. Бурни ҳам унга сайни чўзилиб, ўсиб чиқаверибди. Буратинонинг бойлиги устига бойлик қўшилиб, эндиликда унинг омборларида уч минг беш юз ишчи тер тўкиб ишлар, тўрт юз йиғирмата бухгалтер тўхтовсиз чўт қоқар экан.

Бахгга қарши, тинимсиз ёлғон тўқийверганидан охири Бура-



тно сўз тополмай қолибди. Энди у бирон маталми ё ёлгон тўқимоқчи бўлса, бошқаларнинг оғзини пойлашга мажбур бўларкан. Хоҳ катта ёшдаги кишилар бўлсин, хоҳ ёш болалар бўлсин, улар қанақа ёлгонларни тўқиништи, қанақа найранглар ишлатишяпти, ҳаммасини кўнглига жойлаб оларкан-да, буёққа келиб, бир бошдан такрорлайвераркан... Лекин булар бари майда-чуйда ёлгон-яшиқлар, уйдирмалар, миш-мишлар бўлгани учун ҳам унинг бурни бор-йўғи бир неча сантиметргина ўсиб чиқаркан.

Охири Буратино ёлгон-яшиқ гаплар тўқинишда ўзига ёрдамчи ёллашга қарор қилибди. Янги ходим кун бўйи идорада ўтириб, ҳар хил ёлгон-яшиқ гаплар тўқир, уларни қоғозга туширар ва келтириб, хўжайинига тақдим қилар экан:

— Бу гал сиз, авлиё Пётр соборининг гумбазини Микеланжело эмас, мен барпо қилганман, деб айтинг...

— Бу сафар, Фордипоноли шаҳарининг филдираклари бор, унда бемалол сайри жаҳон қилиб юрса бўлаверади, денг...

— Бу гал эса, мен шимолий қутбда пайдо бўлиб қолибман, ерининг киндигидан ўйиб кирган эдим, Жанубий қутбдан чиқиб қолибман, денг...

Бундай ёлгонлар учун Буратинонинг ёрдамчиси анчагина пул ишлабди, бироқ тўхтовсиз ёлгон-яшиқ гапларни тўқийверганидан кечга бориб унинг боши қаттиқ оғриб бошлабди.

— Айтинг, Монблан тоғи — менинг холам бўлади, денг.

— ...филлар ётиб эмас, туриб ҳам эмас, хартумларида тик туриб ухлайди, денг.

— ...Адриатика денгизга қўйилаверниш жонига текканидан По дарёси энди Ҳинд дарёсига қараб оқишни истаяпти, денг.

Давлатининг сассингига чидай олмай қолган Буратино ўсиб чиққан бурнини ўзи арраламайдиган бўлибди. Буни унинг ўрнига энг қўли гул усталар адо этишадиган бўлибди. Усталар қўлларига оқ қўлқоплар кийиб, олтин арраларда ишлашаркан. Хўжайин эса уларга икки марта маош тўларкан — даставвал қилган ишлари учун, кейин эса унинг ғаройиб бурни борлигини сир тутиб, бу ҳақда ҳеч кимга лом-мим демаганлари учун тўларкан. Агар иш барорига олиб, одатдагидан унумлироқ меҳнат қилишса, ўша кун Буратино ходимларини ҳатто бир стакандан минерал сув бериб сийлаган пайтлари ҳам бўлиб турар экан.

## ЭРТАКНИНГ БИРИНЧИ ТУГАШИ

Буратино кунлаб эмас, соатлаб бойиб кетаверибди. Бойиб, жуда ҳам зиқна бўлиб кетгандир, деб асло хаёлингизга келтира кўрманг. Ёлгон тўқиб берувчи ёрдамчисига, масалан, у ҳатто совға-саломлар ҳам бериб тураркан. Бу сафар, дейлик, ялпизли қандолат билан сийласа, бошқа сафар нок берар, яна бир гал сенегал маркаси инъом қилар экан ва ҳоказо...

Ҳамшаҳарлари Буратино билан жуда фахрланишаркан, ҳаттоки уни бир қур шаҳар мэри қилиб кўтаришга ҳам қарор қилиш-

ган экан-у, бироқ Буратино бунга рози бўлмабди. Чунки, шундай катта масъулиятни зиммасига олишни истамабди.

— Ахир сиз шаҳримизнинг ободончилиги ва фаровонлиги учун жуда кўп ишлар қилишингиз мумкин,— деб уқдирмоқчи бўлишибди унга.

— Бусиз ҳам қўлимдан келганча яхши ишлар қилишга тайёрман,— дебди Буратино уларга жавобан.— Болалар боғчаси қуриб бераман, фақат шу шарт биланки, бу боғча менинг номим билан атала бошлайди, албатта. Кекса ёшдаги ишчилар толиққан пайтларида ўтириб ҳордиқ чиқаришлари учун шаҳар паркига скамейкалар қўйдираман.

— Яшасин Буратино! Яшасин Буратино!

Одамлар азбаройи қувонганларидан шаҳардаги энг катта майдонда Буратинога мрамар ҳайкал ўрнатишга қарор қилибдилар. Ҳайкал ўрнатибдилар ҳам. Мрамар Буратино ҳайкалининг бўйи аса атиги тўқсон беш сантиметр экан. Мрамар Буратино мрамар тиланчи болага бир соьдо садақа қилиб тургани тасвирланган экан. Ҳайкал ёнида оркестр гумбураб, осмонга ранг-баранг мушаклар отилибди... Ҳайкалининг очилиш маросими катта байрамга айланибди.

## ЭРТАКНИНГ ИККИНЧИ ТУГАШИ

Буратино кунлаб эмас, соатлаб бойибди. Бойинган сари зикра бўлиб кетаверибди. Унинг ёлгон тўқиб берадиган ёрдамчиси кунни кун демай, тунни тун демай бири-биридан янги, бири-биридан таройиб ёлгонлар тўқиб бераверибди. Бечора, қилган машаққатли меҳнатлари эвазига маошини ошириш ҳақида хўжайинига кеча марта арз қилса ҳам ҳар гал бир нарсани баҳона қилиб, Буратино галга солар экан.

— Ҳам хўрдасини, ҳам бўрдасини уришга ўрганиб қолгансан ҳамманг,— дер экан у ёрдамчисига.— Қилган ишинг кўзга кўринмайди-ку. Масалан, кеча кечқурун топиб келган ёлгоннинг бор-йўғи тўрт соьдолик чиқди, бурним атиги ўн икки миллиметргина чўзилди, холос. Шунча бўлак ёғочдан лозқал тиш тозалагич чиқса ҳам баҳарнав эди!

— Жўжабирдек жонман, хўжайин,— деб тушунтирибди ёрдамчиси унга,— бозорда картошканинг нархи қимматлашиб кетган.

— Картошка қиммат бўлса, нон арзон. Картошканинг ўрнига нон сотиб ола қолмайсанми?

Хуллас, ёрдамчи хўжайинини ёмон кўриб қолибди ва ундан бошлаб ўч олишга қасд қилибди.

— Мен унга кўрсатиб қўяман!— деб тишларини гижирлатибди у варақларга навбатдаги ёлгонларни ёза туриб.

Бир куни ёрдамчи мана шу варақлардан бирига ўзи ҳам бе-хабар ҳолда: «Пинаккноннинг саргузаштлар»нинг муаллифи — Карло Коллоди, «Олтин калитча»нинг муаллифи — Алекстей Толстой» деб ёзибди.

Ёлғон-яшиқ гаплар ёзилган бу варақ бошқа варақлар орасига тушиб қолибди. Умрида биронта китоб ўқимаган Буратино бўлса буни ҳам ёрдамчим ўйлаб топган бир ёлғон бўлса керак, деган хаёлга борибди-да, кези билан айтиб, биронтани лақиллатиш ниятида ёдлаб олибди.

Шундай қилиб, Буратино умрида биринчи марта, бу ҳам бўлса ғафлат туфайлисидан, рост гапириб қўйган экан. Рост гапириб қўйибди-ю, шунча муддат давомида ёлғон гапириб йиққан тоғ-тоғ қурилишбоп ёғоч ашёлари бирданига чанг ва қипиққа айланибди, барча олтин-кумушлари-ю топган-тутган чексиз бойлиги ер ютгандай тўсатдан ғойиб бўлибди. Буратино яна аввалгидек қашшоқ бўлиб қолибди. Ҳозир у шоҳона қасрда эмас, ўтирган лоқал стули ҳам бўлмаган, кўз ёшини артгани рўмолча ҳам топилмайдиган ўша ўзининг эски уйида турган эмиш.

### ЭРТАҚНИНГ УЧИНЧИ ТУГАШИ

Буратино кунлаб эмас, соатлаб бойиб кетаверибди. Агар ўша кунлари ўша жойларда бир қув, ҳамма нарсани биладиган кимса учраб қолмаганида у бориб-бориб дунёдаги энг бой одамга айланган бўлар эди. Агар Буратино бир оғиз рост гапиргудек бўлса, ўша заҳоти унинг бутун бойлиги кунпаяқун бўлиб кетишини ҳам ҳалиги кимса яхши биларкан.

— Сийёр Буратино, хўш, бу, албатта, шундоқ бўлади. Менга қаранг, озингизга жуда эҳтиёт бўлинг-а, тасодифан бўлса ҳам зиғирча рост гапириб қўймаг тагин, акс ҳолда ҳаммаси асфалософилинга кетади. Тушундингизми? Мана бу бошқа гап! Дарвоқе, анави сизнинг дала ҳовлингизми?

— Йў... йўқ,— дебди Буратино тутилиб.

— Ундай бўлса у ерга мен жойлашиб оламан. У менга жуда ёқиб қолди! Мана бу омборхоналар ҳам сизники эмасми?

— Й-ўўқ,— дебди Буратино кўнгли бўлмайгина, чунки рост гапириб қўйишдан чўчиётган экан-да.

— Қандай ажойиб! Демак, улар ҳам меники бўлди...

Шу тариқа ҳалиги кимса Буратинонинг машиналарини, автопоездларини, телевизорини, олтин аррасини олиб қўйибди... Буратинонинг тобора авзойи бузилиб, юзини ташвиш чулғай бошлабди, бироқ, ишқилиб рост гапириб қўймай-да, деб тишини тишига қўйиб тураверибди.

— Ҳа, айтмоқчи,— дебди ҳалиги муттаҳам кимса,— мана бу бурун сизникими?

Шу ерга келганда Буратинонинг тоқати тоқ бўлиб, ортиқ чидаёлмабди.

— Меники бўлмай, кимники?! Сен уни менадан тортиб олишга ҳақнинг йўқ! Бу бурун — меники, кимда-ким унга қўлининг учини тегизса, балога гирифтор бўлади!

— Мана бу соф ҳақиқат! — дебди ҳалиги киши жилмайиб.

Шу лаҳзада Буратинонинг барча бойликлари ростдан ҳам кукунга айланиб, ҳар томонга сочилиб кетибди. Кучли шамол ту-

рибди-да, кукунга қўшиб ҳалиги сирли кимсани ҳам узоқ-узоқларга учириб кетибди. Сўппайиб Буратинонинг бир ўзи қолибди. Ғанида эса ҳаттоки йўтални босувчи ялпизли қандолат бўлаги ҳам қолмаганмиш.

## ЭҲ, БЕЧОРА АРВОҲЛАР

Борт деган сайёрада жуда кўп арвоҳлар яшар эди. Яшар эди дедимми? Йўқ, қандайдир ночор махлуқот судралиб, бир амаллаб кун кўрарди деб айтсам, тўғрироқ бўлар эди. Бошқа ҳамма арвоҳлар сингари улар ҳам дуч келган жойда — мағораларда, кўҳна, ярим вайрона ҳолидаги қалъаларда, ташландиқ кимсасиз уйларда, чордоқларда истиқомат қилар эдилар. Қоқ ярим тунда улар бекиниб олган жойларидан чиқардилар-да, бортликларни қўрқитгани бутун сайёра бўйлаб тарқаб кетишарди.

Лекин бортликлар улардан асло чўчимас эдилар. Улар бағоят ақлли одамлар эдилар. Арвоҳларга улар ишонмасдилар. Ногаҳон дуч келиб қолган пайтларида эса улар шунақанги қотиб-қотиб кулишардики, бечора арвоҳлар уялганларидан шолғомдай қизариб, дарров жуфтакни ростлаб қолишарди.

Масалан, арвоҳлардан биронтаси занжирни қаттиқ-қаттиқ шалдиратиб шовқин сола бошласа, дарров бортликлардан бири қичқириб шундай дерди:

— Эй, арвоҳ, занжирларингни мойлаб олсанг бўлмайдами? Шақирлаши миямни тешиб юборди-ку!

Бошқа бир арвоҳ эса, масалан, кучининг борича оппоқ чойшабинни шатир-шутир қилиб қоқа бошларди... Бортликлардан бири киши, яниқроғи, қандайдир бола унга қараб қичқирарди:

— Намунча нимилламсанг! Чойшабингни дарров бу ёққа келтир-да, кир ювиш машинасига тиқ. Уни аллақачон биологик ювишга жўнатиш лозим эди.

Тонгга яқин арвоҳлар масканларига кайфлари учган, руҳлари тушган, бир-бирларини ёзгурган ҳолда қайтиб келишарди.

— Нималар бўляпти ўзи бу дунёда? Айвончасида тунги салқиндан ором олиб ўтирган бир синъора менга қараб нима деганини биласанми? «Тағин,— дейди,— кечикиб қолмагин. Соатинг орқада қоляпти. Наҳотки, сиз арвоҳлар ичда битта-яримта соатсоз бўлмаса? Тузатиб беришга ярамаса?»

— Сеники ҳолва экан. Менга бир йўла мактуб тиқиштиришса-я! Мактубни шундоқ эшикка тугмача мих билан қоқиб қўйишди, биласанми, унда «Муҳтарам синъор арвоҳ, сайрингизни тугатганингиздан кейин эшикни ёпиб қўйинг. Утган тунда эшикни очиқ қолдирган экансиз, дайди мушуклар уйга кириб мушукчамга қўйиб қўйган сутни уриб кетибди...»

— Арвоҳларни сира ҳурмат қилмай қўйишди!

— Юз-хотир қолмади!

— Қандай чора кўрсак экан? Нима маслаҳат берардинг?

— Бирон чора кўрмасак бўлмайди!

Кимдир норозилик намоёниси ўтказиш ҳақида таклиф кирит-

ди. Яна бир арвоҳ эса сайёрадаги жамики қўйғироқларни жаратглатиб, бортликларнинг уйқусини ҳаром қилиш керак деган фикрни ўртага ташлади.

Охири энг кекса ва энг доно арвоҳ сўз олди.

— Хонимлар ва жаноблар!— деди у ҳилвираган чойшабининг йиртиғини бекитар экан.— Азиз дўстлар! Беҳуда чираниш кимга керак? Бу бортликларни ҳеч нарса билан чўчитиб бўлмайди! Эинҳор ва минбаъд! Улар бизнинг шовқинимизга кўникиб қолишган, ҳамма найрангларимизни миридан-сиригача билдилади. Бизнинг норозилигимизни эса уч пулга ҳам олишмайди. Йўқ, бу ерда бизнинг қиладиган ишимиз қолмади...

— «Бу ерда» деганингиз нимаси?

— Яъни, бу сайёрада демоқчиман. Бу ерни тарк этиб, бошқа жойга ҳижрат қилганимиз маъқул...

— Ол-а, шундай яхши сайёрани ташлаб, пашша-чивиллар макони бўлган сайёрага борарканмизми?

— Ўзингизни босинг, жаноблар, мен бир ажойиб сайёрани билман.

— Унинг номи нима экан?

— Унинг номи — Ер. Мен бир ишончли ва ўзимга яқин бир кишидан шу нарсани билдимки, Ерда миллионларча болалар яшар экан, улар арвоҳ сўзини эшитишлари билан бошларини кўрпа остига буркаб олишар экан.

— Қандай сўз!

— Бўлмаган гап!

— Биласизми, бу гапни менга ким айтди?— деб сўзида давом этибди кекса арвоҳ.— Умида бирон марта ёлгон гапирмайдиган бир киши айтди.

— Ундай бўлса, келянглар, овозга қўямиз, овозга!

— Нима деб овозга қўямиз!

— Кимки Ерга кўчиб боришга рози бўлса, чойшабини сикитсин. Қани, ҳозир санаб кўрамиз... бир, икки, уч... қирқ... қирқ минг... қирқ миллион... Ким қарши? Бир, икки... Нима ҳам дердик энди, кўпчилик овоз билан қарор қабул қилинди — кўчамиз!

— Қарши овоз берганлар ҳам бирга борса бўлаверадими?

— Бўлмаса нима қилади? Озчилик кўпчиликка эргашиши лозим.

— Қачон йўлга тушамиз?

— Эртага кечкурун, қош қорайиши билан.

Эртаси куни кечкурун, ҳали Ой чиқмасдан олдин (айтмоқчи, Борт сайёрасида ҳаммаси бўлиб ўн тўртта ой бор, шуниси қизиқки, улар сайёра атрофида тўхтовсиз айланиб турса ҳам бирон марта тўқнашиб кетмайди) Борт арвоҳлари бир сафга тизилишди ва худди катта-катта шовқинсиз қанотларга ўхшаган чойшабларини қоқа бошладилар... Ҳаял ўтмай ҳаммалари ҳавога кўтарилдилар. Бамисоли оппоқ ракеталардай, улар фазовий кенгликда учиб борар эдилар.

— Тагин йўлдан адашиб кетмайлик.

— Хотиржам бўлинглар, чол самовий йўлларни чойшабининг биртиқларидай аниқ биледи...

## ЭРТАКНИНГ БИРИНЧИ ТУГАШИ

Нур тезлигида учиб борар экан, бир неча минутдан кейин бортлик арвоқлар Ерга яқинлашдилар ва унинг ҳали соя қоплаб турган қисмига келиб қўндилар. Бу ерда ҳали тун ҳукмрон эди.

— Энди равош сафларимизни бузамиз-да, ҳар тарафга ёйиламиз,— деди кекса арвоқ.— Ҳар ким атрофини яхшилаб қараб чиқсин ва шароит тақозосига кўра ҳаракат қилсин. Тонгга яқин яна шу ерда тўпланиб, аҳволни муҳокама этамиз. Тушундиларингми?

Арвоқлар тунги зулмат қўйнига сингиб кетишди.

Тонгга яқин улар қайта тўпланишганда ҳаммаларни севинчдан чойшабларига сиғмасмиш.

— Болалар, бу ер чинакам жаннат экан-ку!

— Омадимиз чопди!

— Нуқул байрам деявер!

— Ҳали шунча одам арвоқларга ишонади деб кимнинг хаёлига келибди дейсан.

— Болаларни қўявер, ҳатто катта ёшдаги одамлар ҳам ишоншар экан!

— Уқимишли одамлар ҳам!

— Мен бир докторнинг ўтакасини ёрдим!

— Мен-чи, бир министрини бопладим! Қўрққанидан бечоранинг сочларига оқ тушиб кетди!

— Жуда ўзимизбоя сайёра топдик-ку! Мен донмий шу ерда қолиш учун овоз бераман.

— Мен ҳам!

— Мен ҳам!

Бу сафар овоз беришда ҳамма чойшаблар баравар силкинбди, силкинмаган битта ҳам чойшаб қолмабди.

## ЭРТАКНИНГ ИККИНЧИ ТУГАШИ

Нур тезлигида учиб борар экан, бир неча минутдан кейин арвоқлар ўз сайёраларидан жуда олислаб кетибди. Бахтга қарши, шошилинича жўнашдан олдин саф бошида Ерга кўчишга қарши чиққан ҳалиги иккала арвоқ турганини ҳеч ким сезмай қолибди. Шунини айтиб қўяйки, бу иккаласи асли ерлик арвоқлар экан. Яна ҳам аниқроғи, улар миланлик арвоқлар бўлиб, болаларнинг чириган помидорлар билан помидорбўрон қилганларига бардош беролмай, ломбард пойтахтидан қочиб қолишган эди. Шериклари Борт сайёрасига ҳеч кимга билдирмай бориб қўниб, маҳаллий арвоқлар ичига яширинишганди. Ерга қайтиш ҳақидаги гапни, ўз-ўзидан маълумки, эшитишга ҳам тоқатлари чидамади. Агар, борди-ю, уларнинг асли ерлик эканликлари битта-яримтага аён бўлиб қолса, таъзирларини ёйиши турган гап эди. Шунинг учун улар ўйлашиб қолишибди... Дарвоқе, нимани ўйлаган бўлишса, шунга амал қилишибди ҳам.

Улар сафнинг бошида боришибди. Ҳамма, йўлни кекса, доно арвоқ бошлайди, деб ўйлаган эди, лекин қариллик енгиб, бир пайт-

да доно чол арвоҳ пинакка кетибди. Ерлик икки арвоҳ эса Ер сайёрасини буёқда қолдириб, бошқа томонга — Пиккино сайёрасига қараб учибди. Бу сайёра уч юз миллион-миллиард километру етти сантиметр узоқликда жойлашган эди. У ерда қанақадир гапирувчи қурбақалар истиқомат қиларкан. Бортлик арвоҳлар у ерда кам деганда бир неча аср кўнгилдагидек умргузаронлик қилибдилар. Кейин эса бора-бора қурбақалар ҳам улардан қўрқмай-диган бўлиб қолибди.

## ЭРТАКНИНГ УЧИНЧИ ТУГАШИ

Нур тезлигида учиб борар экан, бир неча минутдан кейин Бортлик арвоҳлар Ой яқинига бориб қолишибди ва эндигина Ерга қўниб, ишга киришишга ҳозирлик кўраётганларинда бирдан кўзлари Ердан ўзлари томон учиб келаётган зич арвоҳлар сафига тушибди.

— Ҳой, кимсизлар?

— Ўзларингиз ким бўласизлар?

— Инсоф керак. Аввал биз сўрадик. Сиз жавоб беринг.

— Биз Ер сайёрасининг арвоҳларимиз. Ерни тарк этаямиз, сабабки, у ерда ҳеч ким биздан қўрқмай қўйди.

— Хўш, қаяққа йўл олаяпсизлар?

— Борт сайёрасига кетаямиз. У ерда қўрқитса бўладиган махлуқот ичиб ётибди деб эшитдик.

— Оббо соддадил арвоҳлар-ей! Бу ёғини сўрасангиз, у ерда арвоҳлар учун ҳеч қанақа иш қолмагани туфайли биз бу сайёрани ташлаб чиқдик.

— Оббо падарига қусур, энди нима қилдик?

— Келинглр, бирга бўлиб оламиз-да, қўрқоқвойлар яшайдиган бирон-бир сайёрани қидириб топамиз. Шундай кенг Қоинот бағрида, наҳотки шунақа сайёранинг уруғи қуриб кетган бўлса...

— Топдингиз, келинглр, шундай қилайлик...

Улар шундай қилибдилар ҳам. Бортлик ва ерлик арвоҳлар бирлашибдилар-да, бир оз маслаҳатлашиб, Қоинот бағрига кириб, кўздан ғойиб бўлишибди.

## ҲУРИШНИ ЭПЛОЛМАГАН КУЧУКЧА

Бир бор экан, бир йўқ экан, ҳуришни эплолмайдиган бир кучукча бўлган экан. У на ҳура оларкан, на миёвлай оларкан, на маърашани ва на кишнашни биларкан, қисқаси, ҳеч бир махлуқ тилида гапиришни уддалай олмайдиган шундай бир гўрсўхта экан. Асли-наслини сўрасангиз, ўзи бир муштдайгина, жуда ҳам оддий кучукча экан. Илгарилари кучуқ асари кўринмайдиган бу кишлоқда унинг қаердан пайдо бўлиб қолганини ҳеч ким билмас экан. Албатта, шундоқ бўлгандан кейин «мен нега ҳуришни билмайман-а?»— деган ўйни хаёлига ҳам келтирмас экан. Лекин кунларнинг бирида кимдир уни саволга тутибди:

— Қизиқ, сен нега сира ҳурмайсан?

— Хуриш?.. Бу нима деганингиз? Ахир мен бу ерлик эмасман, мен хуришни билмайман...

— Оббо жинқарча-ей! Наҳотки, ҳамма кучуклар вов-вов деб хуришини билмасанг?

— Нимага ҳуради?

— «Нимага» деганинг нимаси? Ахир кучук бўлгандан кейин ҳуради-да! Уткинчиларга қараб ҳуради, кўзига шубҳали кўринган мушукларга қараб ҳуради. Ойга қараб ҳуради, ҳаётидан мамнун бўлганда ҳуради. Жаҳли чиққанда, гаши келганда ҳуради. Кўпинча кундуз кунлари ҳуради, лекин тунда ҳурган пайтлари ҳам бўлади.

— Гапингизда жон борку-я, лекин мен...

— Сен жуда ким бўлибсан? Еки сен тўғрингда газеталарда ёзишларини хоҳлайсанми?

Кучукча нима деб жавоб беришни билмай, жимиб қолибди. У хуришни билмагани учун ҳам уни қандай ўрганишга ақли етмабди-да.

— Ундай бўлса, мен нима қилсам, сен ҳам шундай қил,— кучукчага ичи ачиганидан маслаҳат солибди хўрозча. У ўзининг жарангдор товуши билан бўйини гажак қилиб бир неча марта «Қу-қу-қувв!» деб қичқирибди.

— Бу сен ўйлаганчалик осонга ўхшамайди,— дебди кучукча.

— Бе, шу ҳам гап эканми! Яхшилаб қулоқ сол, менинг тумшугимга диққат қил. Қисқаси, мен нима қилсам, сен ҳам шундай қил.

Хўрозча яна «қу-қу-қувв!» деб қичқирибди.

Кучукча унга тақлид қилмоқчи бўлибди-ю, бироқ томоғидан қандайдир беўхшов «қиқ-қиқ» деган овоз чиқибди, холос. Шу ерда доилаб юрган товуқлар чўчиб, ҳар томонга қочиб қолибди.

— Ҳечқиси йўқ,— тасалли берибди хўрозча,— биринчи марта бу жуда яхши чиқди. Энди эса такрорла. Қани!

Кучукча яна бир марта қичқиришга уриниб кўрибди, бироқ яна ҳеч нарса чиқмабди. Шунда у кунда-кунда оз-оздан машқ қила бошлабди, гоҳо у ўрмонга кириб кетаркан-да, у ерда ҳалақит берувчи ҳеч ким бўлмай, кўнгли истаганча қичқирар экан.

Куллардан бир кун эрталаб у шунақанги қотириб қичқирибдики, азбаройи овози тиниқ ва жарангдор чиққанидан ўзи ҳам завқланиб кетибди. Хўроз қичқирғи қулоғига чалинган тулкивой ўзи-ча: «Худога шукур, хўрозвой ҳолимдан хабар олгани келди! Бу ҳиммати учун унга дарров миннатдорчилик изҳор қилиб қўйишим керак», деб ўйлабди ўзида йўқ суюниб. У хўрозча истиқболига ошиқибди. Албатта, пичоқ, вилка ва салфетка олиб олишни ҳам унутмабди, чунки ўзингизга маълумки, тулки учун бабақ хўроздан ширинроқ таом дунёда бўлмайди. Лекин бабақ хўроз ўрнига думида чўнқайиб ўтирганча овозининг борица пайдар-пай «қу-қу-қувв!» деб қичқираётган кучукчани кўрганда, тулкивойнинг қанчалик ҳафсаласи пир бўлганини айтмаса ҳам ўзингиз билсангиз керак.



— Эҳ,— дебди тулқивой,— бу аҳволда қопқонга тушиб қолмасам гўрга эди!

— Қопқонга дейсанми?— ажабланиб сўрабди кучукча.

— Ҳа-да! Мен сени атайлаб ўзини ўрмонда адашиб қолганига солиб, хўроз бўлиб қичираялсанми деб ўйлабман. Яхшиямки, пайтвда кўриб қолдим сени. Лекин бундай ов қилиш фирромликдан бошқа нарса эмас. Кучуклар одатда овчи келаётганидан огоҳлантириб, ҳуриб овоз берадилар.

— Елғон гапирсам, ўлай агар... Ов қилиш менинг хаёлимга ҳам келгани йўқ. Мен бу ерга фақат машқ қилгани келганман.

— Машқ қилгани келганман дейсанми? Нимани машқ қиласан?

— Мен ҳуришни ўрганаёлман, анча ўрганиб қолдим ҳам. Қулоқ солгин-а, жуда яхши ҳура оламан.

Шундай дея кучукча яна «қу-қу-қу-қувв!» деб баралла қичқарибди.

Тулқи ичаклари узилгудек қотиб-қотиб кулибди. Ерга думалаб, қорнини ушлаб шунақанги кулибдики, сира ўзини тўхтатолмабди. Қалака қилиб кулганларидан кучукча қаттиқ хафа бўлибди,— ахир буни ўргангунча озмунча меҳнат қилдим! Бечора йиғламоқдан бери бўлиб, думини қисганча уйга қайтибди. Бир вақт йўлда у бир каккуга дуч келибди. Ғамгин кетаётган кучукчани кўриб, каккунинг унга раҳми келибди ва кўнгил сўрабди:

— Сенга нима бўлди, кучуквой, тинчликми?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ.

— Бўлмаса нега бунча ғамгин кўринасан?

— Эҳ... сўраб нима қиласан?.. Ҳамма бало ҳуришни эплолмаганимдан. Бунинг устига биров ўргатиб қўяй ҳам демайди.

— Гап фақат шунда қолган бўлса, мен сенга кўз очиб-юмгунча ўргатиб қўйганим бўлсин. Яхшилаб қулоқ сол, мен сайрайман, кук-ку, кук-ку! Билдингми?

— Унчалик қийинга ўхшамаяпти...

— Э, олла-осон! Мен жуда кичкиналимдан кукулашни билламан. Қани, такрорла: «Кук-ку, кук-ку, кук-ку, кук-ку!»

— Ку,— сайрашга уринибди кучукча,— ку...

У мана шу «кук-ку»ни яна кўп марталаб такрорлабди, ўша кунни кечгача ва эртасига ҳам фақат шуни машқ қилибди, бир ҳафтадан кейин эса ажабтовур кукулайдиган бўлиб қолибди. У ўзига ўзи қойил қолиб, ўйлабди: «Мана, ниҳоят мен чинакам ҳурадиган бўлиб қолдим. Энди мени ҳеч ким калака қилиб, устимдан кулолмайди».

Айни шу кунлари ов мавсуми бошланган пайтлар экан. Ўрмонда кўп овчилар пайдо бўлибди. Улар ичидан тўғри келган томонга га дуч келган жониворга қараб ўқ отаверадиганлари ҳам бор экан. Агар овозлари қулоққа чалингудек бўлса, булбулларни ҳам аяб ўтиришмас экан. Ана шундай овчилардан бири ўрмонда кетаётиб, буталар орасидан: «Кук-ку, кук-ку...» деган овозни эшитиб қолибди. Овчи дарҳол милғинини қўлга олиб мўлжаллабди-да, устмауст: «Пақ-пақ!»— ўқ узибди.

Хайрият, ўқ кучукчага тегмабди. Худди қулоғининг остидан визилаб ўтиб кетибди. Бечора кучукчанинг шунақанги ўтақаси ёрилибдики! Қочиб кетаётиб, ўзича ўйлар эмиш: «Ҳойнаҳой, бу овчининг эси жойида бўлмаса керак, бўлмаса келиб-келиб ҳуришни биладиган кучукка қараб ўқ узадими...»

Овчи эса бу пайтда ўлжасини қидириш билан овора экан. У мўлжалга аниқ урганига шубҳа қилмаган экан-да.

«Ҳойнаҳой урган қушимни аллақадан пайдо бўлган ҳалиги кучукча илб кетган», ўйлабди у.

Аламини босиш учун овчи инидан мўралаб турган сичқон боласига қараб ўқ узибди, лекин бу ҳам мўлжалга тегмабди.

Кучукча бўлса чопиб кетаверибди, кетаверибди...

## ЭРТАКНИНГ БИРИНЧИ ТУГАШИ

Кучукча чопиб кетаверибди, кетаверибди, бир вақт бир сигир бемалол ўтлаб юрган ўтлоқзордан чиқиб қолибди.

— Қаёққа шошиб кетаяпсан, кучуквой?

— Ўзим ҳам билмайман.

— Ундай бўлса тўхтаб, бирпас дамнингни ол. Бу ернинг ўтлоғини қара, кўм-кўк.

— Эҳ, гап ўтлоқда бўлганда-ку, ўзим билардим-а...

— Ҳа, нима бўлди? Тобинг йўқми?

— Ундан баттари. Мен ҳуришни билмайман!

— Сени қара-ю, дунёда энг осон нарса шу-ку! Қулоқ сол: «Мў-ў! Мў-ў! Мў-ў!...» Хўш қалай, ёқадими?

— Дуруст. Лекин бир нарсани кўнглим сезиб турибди, менга керак бўлган нарса бу эмас. Чунки, сен сигирсан...

— Ҳа, албатта, сигирман...

— Мен эса сигир эмас, кучукчаман.

— Кучукча бўлмай нимасан? Кучукчасан. Хўш, нима бўпти шунга? Менинг тилимда гапиришни ўрганиб олсанг, бунинг нимаси ёмон экан?

— Бу билан сен жуда зўр фикрни ўртага ташлаганнингни биласанми?

— Қанақа фикрни?

— Мана, ҳозиргина менинг миямга келган фикрни-да. Мен барча ҳайвонлар тилини ўрганиб оламан-да, циркда томоша кўрсатаман. Ҳамма мени олқишлаб, қарсак чалади, мен бойиб кетаман ва шоҳ қизига уйланиб оламан. Кучуклар шоҳининг қизига, албатта...

— Баракалла, жуда яхши ўйлабсан бунинг! Қани, белни маҳкам боғлаб, ишга киришавер. Яхшилаб эшитиб ол: «Мў-ў-ў! Мў-ў-ў!»

— Мў-ў...— Ўзича гўнгиллабди кучукча.

Ҳуришни эпловмаган, лекин бошқа тилларни ўрганишда зўр қобилиятга эга бўлган кучукча қайси деса, ҳеч иккиланмай шуни кўрсатаверинг, янглишмайсиз.

## ЭРТАКНИНГ ИККИНЧИ ТУГАШИ

Кучукча чопиб кетаверибди, кетаверибди... Йўлда унга бир деҳқон учрабди.

— Бунча шошиб, қаёққа кетяпсан, ҳой кучуквачча?

— Ҳзим ҳам билмайман...

— Унда мен билан юр. Менга худди сендай бир кучуквачча жуда зарур эди — товуқхонамни қўриқлайсан.

— Сиз билан жон деб борар эдим-у, лекин бир айбим бор — ҳуришни билмайман.

— Айни муддао-да! Ҳуришни биладиган кучуклар фақат ўғриларга қўл келади — чўчитиб, ўғрини қочириб юборади. Сенинг овозингни эса улар эшитмайди, яқинроқ келади, шунда сен уларни шаппа тутиб олиб, талаб-талаб ташлайсан, улар қилмишига яраша жазосини олади.

— Бўпти, розиман, — деб жавоб берибди кучукча.

Шу тариқа ҳуришни билмайдиган кучукча ўзига муносиб иш топиб олибди, бир умр бўйига занжир тушиб, кунда бир коса суюк насибаси бўлибди.

## ЭРТАКНИНГ УЧИНЧИ ТУГАШИ

Кучукча чопиб кетаверибди, чопиб кетаверибди... Бирдан қулоғига қандайдир махлуқнинг: «Вов-вов! Вов-вов!» деган галати овози чалинибди-ю, таққа тўхтабди.

«Қулоғимга таниш ва иссиқ эшитиляптими?» — ўзича ўйлабди кучукча. — Гарчи бу қанақа жонивор овози эканлини билмасам ҳам юрагимга жиз этиб теккандай бўлди-я.

— Вов-вов!

— Балки бу жирафадир! Йўқ, бу тимсоҳ бўлса керак. Ҳа, бу худди ўша сержаҳл тимсоҳ... Эҳтиёт бўлиш керак.

Буталар орасига бекинганича кучукча «вов-вов!» деган овоз келаётган томонга эмаклаб кетибди. Ё худойим, бу овоз унинг юрагини бунча ўйнатиб юбормаса!

— Вов-вов!

— Бу ҳеч шубҳасиз, кучук бўлиши керак!

Тўппа-тўғри! Тағин келиб-келиб кимнинг кучуги денг: кукулаган овозни эшитиб, ҳалигина ўқ узган овчининг кучуги бўлиб чиқса-я!

— Салом, кучук!

— Салом, кучук!

— Нега бунақа овоз чиқараяпсан?

— Овоз! Шунинг билиб қўйки, бу шунчаки овоз эмас, балки ҳуришдир.

— Ҳуриш дейсанми? Ҳали сен ҳуришни биласанми?

— Билганда қандоқ. Ахир, кўриб турибсан-ку, филга ўхшаб дунёни бошимга кўтараётганим ёки шерга ўхшаб наъра тартаётганим йўқ.

— Унда менга ҳам ўргат ҳуришни.

— Ие, ҳали сен ҳуришни билмайсанми?

— Йўқ...

— Ундай бўлса қулоқ сол. Бу мана бундай қилинади: «Вов-вов!..»

— Вов-вов!— кучукча бирданига ҳура кетибди. Севинчи ичига сиймай: «Ниҳоят, яхши устозни топиб олдим!» деб ўйлабди ўзича. Шу топда дунёда ундан бахтиёр махлуқ йўқдай туюлибди ўзига.

## САҲРОДАГИ УЙ

Бир вақтлар бир бадавлат синьор бўлган экан. У энг бой Америка миллиардерларидан ҳам бойроқ экан. Қисқа қилиб айтганда бойларнинг бойи экан. У пулларини улкан омборларда сақлар экан. Омборни ердан шифтгача зич қилиб олтин, кумуш ва никел тавгалар билан лиммо-лим тўлдириб ташлаган экан. У ерда Италия лираси, Швейцария франки, инглиз фунт-стерлинг, Америка доллари, рус сўми, Польша злотаси, Югославия динари — қўйинг-чи, дунёдаги жамики мамлакатлар ва миллатларнинг тавгалари центнер-центнер, тонна-тонна босилиб ётаркан. Қоғоз пуллари ҳам унда чексиз миқдорда экан — минглаб лиқ тўлдирилган, сургуч билан муҳрлаб қўйилган қоғозчиқлар қалаштириб ташланган экан.

Бу синьорнинг исми Тангатти экан.

Бир куни у уй қурмоқчи бўлибди.

— Уйни саҳрода, одамлардан хилватроқ жойда қураман,— деб аҳд қилибди синьор.

Лекин саҳрода на қурилишбоп тошлар бор экан, на ғишт, на оқач, на тахта, на мрамор топиларкан... Биргина қумдан бўлак ҳеч вақо йўқ экан.

— Ҳечқиси йўқ,— дебди тантанавор оҳангда синьор Тангатти ўзига ўзи.— Уйни тангалардан қураман. Тош, ғишт, тахта ва мрамор ўрнига тангалардан фойдаланаман.

У меъмори чақиртирибди ва унга уйнинг режасини тузишни буюрибди.

— Уйнинг уч юз олтимиш бешта хонаси бўлсин,— амр қилибди Тангатти.— Илнинг ҳар бир кунига биттадан хона тўғри келсин. Уй ҳар бир ойга бир қаватдан жами ўн икки қаватли бўлсин. Зинапояс эллик иккита бўлсин — эллик икки ҳафтанинг биттаси ҳам қуруқ қолмасин. Шулар ҳаммаси нуқул тангадан бунёд этилсин, уқдингми?

— Ҳалиги... мих-чи? Михсиз уй қуриб бўлмайди... Михни ташқаридан келтиришга тўғри келади.

— Зинҳор-базинҳор! Мих керак бўлса, олтинимдан олинглавда, олтиндан мих қўйинглав.

— Томини ёпиш учун эса сопол тахтачалар керак...

— Сопол тахтачани билмайман! Ана, кумушларим ачиб ётибди, керагича олинглав-да, томини кумушдан ёпинглав. Кумушдан ажойиб том чиқади.

Шундай қилиб меъмор режа тузибди. Уй қурилишига етарли миқдорда кумуш тангаларни саҳрога келтириш учун уч минг беш юз автопоезд керак бўлибди, қурувчи усталарни жойлаштириш учун эса тўрт юзта чодир тикишга тўғри келибди.

Иш қайнагандан қайнаб кетибди, аввал пойдеворга хандақ қазилибди, лекин уни темирбетон қозилар қоқиб, плиталар ётқизилмабди, балки тангалар билан тўлдирилибди. Лиммо-лим қилиб пул ортилган самосваллар бирин-кетин келиб қимматбаҳо юкларни хандаққа ағдара бошлабди. Ундан кейин тангаларни биттама-битта қалаб, девор кўтара бошланбди. Танга устидан бир чимдим қоришма тўшалиб, устидан яна танга қаланибди... Биринчи қават девори ҳар бири 500 лиралик нукул италия кумуш тангасидан тикланибди. Иккинчи қаватни эса бутунлай америка долларидан кўтаришибди...

Тангаларни жуда устамонлик билан бир-биринга улаб, ёпиштириб, эшиклар ясаибди. Навбат деразаларга келганда бундай қилинмабди. Тангалар ўрнига қоғоз пулларни ишлатишибди — австрия шиллинги билан немис маркасини бир-биринга ёпиштириб, қулниг ўргилсин ромлар ясашибди. Бу — уйнинг ичидан шундай қилинибди. Хоналар томондан эса худди пардадай қилиб турк ва швед қоғоз пулларидан қоплаб чиқишибди.

Том, мўри ва каминларни ҳам металл пуллардан ясашибди. Мебель, ванна, сув крани, гиламлар, зина пиллаоялари, тағхона деразаларининг панжаралари — булар ҳаммасини тангалардан қилинибди. Қаёққа кўз солманг, қаерни ушлаб кўрманг, нукул тангаларни кўра экансиз...

Кечқурун эса синьор Тангатти, ишдан қайтаётган ишчиларни бирма-бир тинтувдан ўтказар экан: тагин ичларидан битта-яримтаси чўнтагига ё ботинкасининг ичига бир нечта сольдон солиб, ўмариб кетмасин!

Эҳтиёт юзасидан у ишчиларни тилни кўтариб кўрсатишга ҳам мажбур қилар экан, чунки хоҳласалар рупия, пиастр ёки пазетани оғзига солиб яширишлари ҳам мумкин экан-да.

Уй битгандан кейин яна тоғ-тоғ металл пуллар ортиб қолибди. Синьор Тангатти уларни тағхоналарга тўкишга, чордоқларга босиб қўйишга ва ҳамма хоналарни тўлдириб чиқишга фармон берибди. Зарурият туғилган пайтда санаб чиқиш ва уёқ-буёққа ўтиш учун пул уюмлари орасидан торгина йўлақлар қолдирилибди, холос.

Шундан кейин меъмор, ишбоши, ишчилар, юк машина ҳайдовчилари — ҳаммалари кетишибди. Саҳронинг қоқ ўртасида қўққайиб турган ҳайҳотдай пул саройида биргина унинг ўзи сўппайиб қолаверибди. Ерга, шифтга, ўнгга, сўлга, олдинга, хуллас, қаёққа қараманг, фақат пулгагина кўзингиз тушар экан. Чунки деворда осиглиқ юзлаб қимматбаҳо сувратлар ҳам пулдан ясалган экан. Залларда савлат тўкиб турган юзлаб ва минглаб ҳайкаллар ҳам бринч, мис ва жез сынгари қимматбаҳо маъданлардан қўйилган экан.

Синьор Тангаттининг саройи атрафида чексиз саҳро ястаниб

Старкан. У ёруғ дунёнинг тўрттала томонига қараб ёйилиб кетган экан. Шундай лойтлар ҳам бўлар эканки, шимол ё жануб томондан кучли шамол туриб, дераза қопқоқлари ва эшикларни тарақлатиб ўйнарган. Шунда худди енгил, шўх мусиқа овозига ўхшаган қандайдир гаройиб овозлар тараё бошларкан. Шунда синьор Тангатти ўзининг зийрак зеҳни ва ўта ҳушёрлигидан жаҳоннинг турли мамлакатларига тегишли тангалар овозини бемалол фарқлай оларкан.

«Мана бу «жилинг-г» деган овоз Дания кронидан чиқаяпти,— дер экан у қўлогига қўлини қўйиб диққат билан тингларкан.— «Тюринг-г-г-г» этган мана буниси эса Голландия флориниясники. Кейинги овозлар Бразилияники, Замбияники, Гватемаланики...»

Синьор Тангатти зинадан кўтарилаётган чоғида пиллапояларга ўкчаси тегиб чиққан овозлардан қайси давлат пулини босганини қарамасдан ҳам аниқ-таниқ айта олар экан (чунки унинг оёқлари ҳам ўта сезгир экан-да!) Шу тариқа зинадан кўтарилиб борар экан, овозини чиқариб тўхтовсиз бидирларкан: «Руминия, Хиндистон, Индонезия, Исландия, Гана, Япония, Жанубий Африка...»

Синьор Тангатти тунда, ўз-ўзидан маълумки, тангалардан ясалган каравотда ухларкан: бош томони қадимий тилла тангалар — маренгалардан тахлаб қилинган, чойшаби эса ҳар бири юз минг лиралик қоғоз пуллардан тикилган экан. Ўзини гоёт ботартиб ва озода туттишга одатланганидан у чойшабини кунда алмаштириб тураркан. Туттилган чойшабларни пўлат сандиққа тахлаб қўяркан.

Уйқуга кетишдан аввал синьор Тангатти, одатда, кутубхонасидаги биронта китобни олиб мутодоа қиларкан. Унинг китоблари барча беш қитъа мамлакатларининг қоғоз пуллари билан жилдлаб чиқилган экан.

Синьор Тангатти ўзи жуда ҳам ўқимишли одам бўлгани учун бу китобларни ўқишдан сира чарчамас экан.

Бир кун тунда у саҳифалари Австралия давлат банкасининг қоғоз пулларидан ясалган китобни мутодоа қилиб ўтирган экан...

## ЭРТАҚНИНГ БИРИНЧИ ТУГАШИ

Бир кун тунда синьор Тангатти қўққисдан кимдир эшикни чертаётганини эшитиб қолибди. У қайси эшик черталаётганини беҳато топибди: «Кўҳна Австрия қироличаси Мария Терезия кумуш тангаларидан ясалган эшик тақиллаяпти».

У тўғри ўша эшикни бориб очибди ва ҳато қилмаганига амин бўлибди. Эшикни қароқчилар тақиллатган экан.

— Ё жон, ё ҳамён!

— Қани, қани; жаноблар, ичкарига марҳамат. Ўз кўзингиз билан кўриб, менда ҳамён йўқлигига ўзингиз амин бўласиз.

Қароқчилар ичкарига киришибди-ю, деворларга, эшикларга, деразаларга, мебелларга қарашни хаёлларига ҳам келтирмай, пўлат сандиқни қидира кетишибди. Пўлат сандиқ тезда топилибди-ю, бироқ ичида чойшабдан ўзга ҳеч вақо йўқмиш. Улар канон-

дан қилинганми ё сув тасвири бўлган қоғозларданми, ишнинг бу томони қароқчиларни заррача қизиқтирмас экан. Биринчи қаватдан тортиб то ўн иккинчи қаватгача — бутун уйда ҳақиқатан ҳам на биронта ҳамён, на биронта халта, на биронта сумка топилди. Фақат барча хоналарнинг ерида қандайдир нарсалар уюм-уюм бўлиб ётганмиш-у, лекин қоронғида уларнинг нима эканини билди бўлмасмиш. Билганда ҳам қароқчиларга барибир экан, чунки улар ўзларига нима кўпроқ зарур эканини яхши билдишарканда.— уларга қоғоз пуллар керак экан. Сийёр Тангаттида эса бундай пуллар йўқ экан.

Аввалига қароқчиларнинг қаттиқ жаҳли чиқибди, кейин аламларига чидалмай, ҳўнграб йўғлаб юборишибди. Ахир мана шу талончилик деб-ку улар қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган шундай поёнсиз саҳродан ўтиб келдилар, энди юрларига иккала қўлларини бурунларига тикиб қайтишадими? Уларни тинчлантириш ниятида сийёр Тангатти музли лимонад ичишни таклиф қилибди. Қароқчилар ташналикларини қондирибдилар-да, аччиқ-аччиқ кўз ёшлари билан қумларни жиққа ҳўл қилганча қоронғиллик қўйнига кириб, кўздан гойиб бўлибдилар.

## ЭРТАКНИНГ ИККИНЧИ ТУГАШИ

Бир кун тунда сийёр Тангатти кимдир эшикни чертаётганини эшитибди. Қайси эшик чертилаётганини у бехато топибди: «Кўҳна эфнопия кумуш тангаларидан ясалган эшик тақиллаяпти». У пастга тушибди-да, бориб ўша эшикни очибди. Унинг қаршисида саҳрода йўқолиб қолган иккала бола турганмиш. Болалар очликдан ва совуққотгандан аччиқ-аччиқ йўғлар эмш.

— Бизга ёрдам беринг, жон амакижон.

Сийёр Тангатти жаҳл билан эшикни қарсиллатиб ёпибди. Бироқ болалар эшикни тақиллатишда давом этаверибдилар, этаверибдилар, охири сийёр Тангаттининг уларга раҳми келибди.

— Бўпти, мана шу эшикни ола қолинглар, бўлмаса.

Болалар эшикни олибдилар. Эшик жуда оғир, залворли экан, чунки у бутунлай олтиндан қуйилган экан-да. Борди-ю, уни уйларигача кўтариб олиб боришолмаса, пулига нон ва сут, ҳаттоки оз-моз қаҳва сотиб олса ҳам бўларкан.

Бир неча кундан кейин сийёр Тангаттининг олдига яна иккита ғариб бола келибди, у бу болаларга иккинчи эшикни ишбум қилиб юборибди. Шундан кейин унинг сахий ва очикқўллиги оғизга тушиб, ҳар томондан, ер юзининг барча бурчагидан ғарибу гураболар уникига чопиб кела бошлашибди. Лекин у ҳеч кимни қуруқ қайтармас экан. Бировга деразани, бировга 50 центезимдан ясалган столни, яна бировга тағини бир буюминини шу тариқа улашиб юбораверибди. Бир йилдан сўнг том билан биринчи қаватга напбат келибди.

Уникига келаётган қашшоқ-камбағалларнинг эса охири кўринмасмиш. Улар ер куррасининг ҳамма томонида саф тортиб, напбат билан келаверибдилар, келаверибдилар.

«Камбағал-ғарибларнинг шунчалик кўплиги етти ухлаб тушмига кирмаганди», — деб ҳайрон бўлармиш синьор Тангатти.

У эса йиллар санаб, қасрни аста-секин емириб, камбағалларга улашиб юбораверибди. Охири қасрдан ном-нишон қолмагач, синьор Тангатти кўчманчи бадавний ёки жаҳонгашта сайёҳга ўхшаб бир чодирга кўчиб ўтибди. Шундагина у ўзини елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил ҳис этибди, яъни ўзини жуда бахтиёр сезибди.

## ЭРТАКНИНГ УЧИНЧИ ТУГАШИ

Бир кун тунда синьор Тангатти ухладан олдин қоғоз пуллардан чоп этилган китобни варақлаб ўтирган экан, бирдан саҳифалар ичида қалбаки пулни кўриб қолибди. Товба, қалбаки пул бу ерда қандай келиб қолди? Ҳали бу ерда қалбаки пуллар талайгина бўлса-чи? У ҳаяжон ичида китобларининг ҳаммасини бири-бирига варақлаб чиқибди ва ана шундай қалбаки пуллардан яна ўн иккитасини топибди.

— Уйимда тасодифан ана шундай қалбаки пуллар йўқмикан ишқилиб? Бир қараб чиқмасам бўлмайди!

Ўзингизга маълумки, синьор Тангатти ер тагида илон қимирласа биладиган сезгир одам. Агар миясига қасрининг қайси бир пучмоғида — хоҳ томида бўлсин, хоҳ паркетда бўлсин, хоҳ эшик ё деворида бўлсин, биронта қалбаки танга бор деган фикр келиб қолсами, тамом, бутунлай тинчи йўқолади, кўзига уйқу кўнмайди.

Шундай қилиб, у қалбаки тангани қидириб топиш мақсадида қасрини тафтиш қилишга тушибди. У ишни томдан бошлабди ва қаватма-қават пасига тушиб кетаверибди. Ҳар гал қалбаки танга топилганда у ўзида йўқ суюниб, шундай деб қўяркан:

— Шошмай тур ҳали! Бу тангани менга фалон муттаҳам, фалон қаллоб тикиштирган! Мендан қочиб қутулиб бўлибсан!

У ўзининг тангаларини биттама-битта танир экан. Пулга қолганда у доим ҳаддан ташқари тартибли ва ҳушёр бўлгани туфайлидан тангалар ичида қалбакилари аҳён-аҳёнда битта, бармоқ билан саварлигина учрабди. Барибир, тан олнш керакки, пулларнинг ҳам ҳар бири бир-бир ярим минут вақтини олибди.

Ниҳоят, синьор Тангатти бутун уйни майда-майда бўлақларга ажратиб чиқибди. Бир вақт қараса, олтин ва кумуш уюмлари устида ўтирганмиш. Уйни бошқатдан тиклашга унинг кўнгли бўлабди. Шунчаки эринчоқлиги тугибди. Тоғ-тоғ пулларни ташлаб юборишга эса кўзи қиймабди. Жаҳлнинг чиқса, бирининги тишла деганларидек, у нима қилишга ақли етмай ўтираверибди, ўтираверибди. Кейин нима бўлибди дерсиз? Жуда қизиқ бўлибди. Ё ҳаддан ортиқ ғазабланганиданми, ё тангалар уюми устида узоқ муддат ўтирганиданми, нима бўлганда ҳам у бирданига аста-секин кичрая бошлабди. Кичрайиб-кичрайиб, охири унинг ўзи ҳам бир дона тангачага айланиб қолибди. Тагин қанақа танга денг — қалбаки танга! Кейинчалик унинг пулнин олган одамлар у ён-бу ёнига қараб туриб иложни борича узоққа, саҳро ичкарасига қараб улоқтираверибдилар.



## СУРНАЙЧИ ВА АВТОМОБИЛЛАР

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир сеҳргар-сурнайчи бўлган экан. Дарвоқе, бу жуда қадимий эртақ бўлиб, уни ҳамма билади. Эртақ шундайким, шаҳарни сичқон босиб кетади-да, бир бола сеҳрлик сурнайчини чалиб, уларнинг ҳаммасини дарёга бошлаб борди ва сичқонлар битта қолмай сувга чуқиб кетади. Шаҳар мэри эса бола-нинг бу хизматини назарига илмаганидан кейин сурнайчи шаҳардаги ҳамма болаларни олиб чиқиб кетади...

Менинг эртагим ҳам худди шундай бир сурнайчи ҳақида. Айнан ўша сурнайчи ҳақида бўлса ҳам, ажаб эмас. Балки, буниси бошқа сурнайчидир.

Бу гал шаҳарни сичқон эмас... автомобиллар босиб кетибди. Улар барча кўча, барча тротуар ва барча майдонларни лиммо-лим тўлдириб, эшикларининг олдин тўсиб қўйибди. Қаёққа қараманг, минг хил автомобилга кўзингиз тушар экан — енгил автомобиль, юкчи автомобиль, қутнамо кичкина-кичкина автомобиль, автобуслар, самосваллар, бутун-бутун автопоездлар, фургонлар, фургоначалар... Уларнинг кўплари жойидан базўр кўзгаларкан, таррутур қилиб, бамперлари тарақлаб, қанотлари майишиб кетаркан. Бироқ ўрnidан бир қадам ҳам жиллолмайдиган машиналар бундан ҳам кўпроқ экан, уларнинг жиллолмасликларига сабаб шу эканки, жилишнинг иложи йўқ экан — жой етишмас экан! Улар бир жойда қотиб туришга мажбур экан. Шу бонсдан ҳам одамлар яёв юраркан. Лекин яёв юриш айтишгагина осон. Ахир, машиналар дастидан кафтча бўш жой қолмаган экан-да. Одамлар машиналарини гоҳ айланиб ўтар, гоҳ устидан ошиб ўтар экан. Эртаю кечни ҳамма жойда бир хил оҳ-уҳ овозлари қулоққа чалинар экан.

— Оҳ! — дер экан ўзини капотга уриб олган бир йўловчи.

— Уҳ! — дер экан юк машинаси тагидан эмакляб ўтаётиб, пешоаларини уриб олган иккинчи киши. Хуллас, бу ҳолдан ҳамманинги она сути оғзига келиб, сабр-тоқатлари адоин тугаб бўлган экан.

— Бу бемазагарчиликдан қачон қутуларканмиз-а!

— Бир чорасини топмаса бўлмайди!

— Мэр нима учун бу ҳақда ўйлаб кўрмайди?

Мэр бўлса бу гапларни эшитиб тураркан ва ўзича мингирлаб қўйаркан: «Ўйлаб кўришга роса ўйладим. Кечасию кундузи ўйладим. Ҳаттоки, бутун дам олиш кун ҳам ўйладим. Нима қилай, ўйлаб, ўйимнинг тагига етолмайман! Нима қилишга, нима дейишга ва умуман қаеридан тутишга ақлим етмайди, вассалом! Нафсиламрини айтганда менинг бошим бошқалардан аҳмоқроқ эмас».

Бир кун мэрнинг ҳузурига бир ғаройиб бола ташриф буюрибди. У эгнига чарм курткача, оёғига ёғоч бошмоқ кийган, бошига эса кўк лента жигали қалпоқ қўндириб олган экан. Шу туришида у гирт қишлоқ сурнайчисига ўхшаб кетаркан. Лекин унинг сурнай-пурнайи йўқ экан. Бола ичкарига қўйиб юборишларини сўраган экан, бироқ қоровуллар рад этишибди:

— Мэрни ўз ҳолига қўй! Юрагига сеннинг сурнайнинг сиемайди шу тонда.

— Менда сурнайнинг ўзи йўқ-ку.

— Унда яна ҳам ёмон. Сурнайнинг йўқ экан, сен унга нега даркор бўлиб қолдинг?

— Унга айтинглар, мен шаҳарни автомобиллардан сақлаш йўлини биламан.

— Нима-нима? Менга қара, ҳой зумраша, қани, иссиғинг борда туёғингни шиқиллатиб қол-чи, йўқса бунақа ҳазиллар учун яхшигина адабингни бериб қўйишимиз мумкин!

— Сизлар бир хабар беринглар мен ҳақимда мэрға, сизлардан нима кетади? Мана, айтди дерсизлар, кейин хурсанд бўласизлар... Бола ёлинибди, ёлворибди, охирида қоровулларнинг кўнгли юмшаб, уни ичкарига қўйиб юборибдилар.

— Қалайсиз, синьор мэр?— дебди бола ўзини тутиб.

— Бир қарасанг қалайман, бир қарасанг қўрғошни, лекин иккови ҳам бир гўр,— дебди мэр ҳамон хаёлдан бўшамай,— чиннакам метин бўлишим учун...

— ...шаҳарни автомобиллардан халос этиш керак!— деб унинг гапини илиб кетибди бола.— Бунинг қандай уддасидан чиқишни эса мен яхши биламан.

— Сен-а? Сенга буни ким ўргатди? Битта-яримта шохдор эчкидан дарс олмаганмисан мабодо?

— Ким ўргатганининг аҳамияти йўқ. Майли десангиз, бир си-наб кўрар эдим. Бунда сиз зигирча зиён кўрмайсиз. Агар меҳнатини муносиб тақдирласангиз, эртагаёқ автомобиллар ташвишдан бутунлай фориг бўласиз.

— Қизиқ, мен сенинг меҳнатингни қандай тақдирлашим мумкин?

— Жуда осон. Эртадан бошлаб шаҳарнинг бош майдонда болалар яйраб ўйнашлари учун ҳалинчаклар, дорлар, «от»лар ва бошқа ўйин анжомлари бисёр қилиб қўйишга фармон берасиз.

— Бош майдонда дейсанми?

— Ҳа, шаҳар бош майдонда.

— Бор-йўқ истагинг шуми ё бошқа талабларинг ҳам борми?

— Бошқа ҳеч нарса керакмас.

— Унда қўлингни бер! Худди айтганингдай бўлади! Қачон бошлайсан ишни?

— Ҳозир, шу топда, синьор мэр...

— Қани, бошла бўлмаса! Бир минут ҳам вақт зое кетмасни!

Ғаройиб бола ҳатто бир секунд вақтни зое кетказмабди. У чўнтагидан ёсуман бутондан ясалган жажжигина сурнай-часини олибди-да, шу ерда, мэрнинг кабинетида бир шўх куйни чала кетибди, кейин кўчага чиқибди ва шу чалгангча дарё томонга қараб йўл олибди. Шунда...

— Қаранглар, қаранглар! Ана у машинага қаранглар! Ўз-ўзи-дан мотори гуриллаб юриб кетяпти!

— И-е, ана униси ҳам!

— Ҳой, бу менинг машинам-ку! Машинамни олиб қочаётган ким? Ушланг ўғрини! Уғрини ушланг!

— Унда ўғри-пўғри йўқ-ку, кўрмаяпсизми? Машиналар ўз-ўзи-дан юриб кетяпти!..

- Тезлигини оширишини қара!.. Уқдай учиб кетишини қара!
- Улар бунчалик қаёққа шошишяпти, а?
- Машинам! Тўхта, тўхта! Қайт орқага!

Шаҳардаги ҳамма машиналар моторларини гувиллатганича, дудутлаганча, сирена чалиб чиқириганча кўз кўриб, қулоқ эшитмаган шовқин-сурон билан бир томонга қараб елдай учиб кетаверибди... Ҳаммаси ҳеч қандай ҳайдовчи-пайдовчисиз ўзлари ҳаракатга келаверибди!

Агар диққат билан қулоқ солсангиз, шаҳар узра кўтарилган даҳшатли шовқин-сурон орасида бола ўзининг жажжигина сурнайчаси билан чалаётган қувноқ ва ёқимли куй шундоқ эшитилиб тураркан...

## ЭРТАҚНИНГ БИРИНЧИ ТУГАШИ

Машиналар дарё томонга қараб кетаверибди. Сурнайчи бола эса кўприк ёнида туриб, сурнайнин бемалол чалаверибди... Кўприкка дастлабки машина чиқиб келганда — тасодифни қарангки, бориб-келиб бу шаҳар мэрининг машинаси бўлиб чиқибди! — бола секин куй мақомини ўзгартириб, баландроқ пардани таппабди. Худди шуни кутиб тургандай, кўприк гумбурлаб қулаб тушибди. Машина дарёга ағдарилибди-ю, ўша заҳоти оқиб кетибди. Иккинчи машина ҳам худди шундай бўлибди, кейин учинчи машина... бирин-кетин қолган машиналар ҳам дарёга шўнғий бошлабди. Гоҳида улар уч-тўртталаб сакраркан. Улар видолашув сигналини чалганча сўнгги бор моторларини бир гувиллатаркан-да, шиддат билан дарё қаърига кириб, кўздан йўқоларкан.

Машиналардан бўшаган кўчалар эса болаларга тўлибди. Улар шўх ва шодон қийқиришиб, ҳар тарафга қараб чопишар, копток ўйнашар экан. Қизалоқлар ўйинчоқ аравачаларига қўғирчоқларини солиб айланиб юришар, ўғил болалар эса велосипедларда учиншар экан...

Лекин катта ёшдаги кишилар жуда тажанг бўлишибди. Улар бошларини чапгаллабдилар, ўт ўчирувчи ва полициячиларга қўчғироқ қилишибди, тартиб ўрнатишни талаб этишибди.

— Нега ҳеч ким бу телбанинг мушугини пишт демайди? Ушласаларнинг бўлмайдими у жаннини! Бу лаънати сурнайчининг овозини ўчирасизларми, йўқми?

— Сурнай-сурнай билан қўшиб уни дарёга улоқтириш керак!

— Мэр ҳам эсини еб қўйибди. Ҳамма автомашиналаримизнинг бошига етди!..

— Кошки арзон бўлса!

— Сарниғ ҳам ундан арзон эмас!

— Йўқолсин мэр! Истеъфога чиқариш керак уни!

— Сурнайчига ўлим!

— Машинамни қайтарсин!

Юрагида ёлини бор уч-тўрт мард тутиб олиш учун сурнайчи болага ташланибди-ю, бироқ унга қўлларининг учини ҳам теккиза олмабди. Бола билан оломон ўртасида уларни тўсиб турувчи қан-

дайди кўзга кўринмас девор пайдо бўлибди. Одамлар эса унга бе-худа муштлаб, тепишар экан. То сўнгги машина сув қаърига кириб йўқолмагунча сурнайчи бола кутиб тураверибди, кейин эса у ҳам ўзини дарёга отибди ва нариги қирғоққа сузиб ўтибди-да, ҳаммага қараб таъзим қилиб, ўрмон ичига кириб кетибди.

## ЭРТАКНИНГ ИККИНЧИ ТУГАШИ

Машиналар дарё томонга ўқдай учиб бораверибди ва видолашув гудогини чалганча сув тубига фарқ бўлаверибди. Энг охири мэрнинг машинасини дарё ўз комига тортибди. Бу пайтга келиб, шаҳар бош майдони аллақачон болалар билан гуж тўлган экан. Болаларнинг жарангдор, қувноқ овозлари машиналарининг ғойиб бўлаётганини кўриб, йиғлаб юборай деб турган шаҳарликларнинг шикоятларини босиб кетибди.

Ниҳоят, сурнайчи бола сурнай чалишдан тўхтабди, кўзларини кўтарибди ва мэр бошчилигида дарғазаб оломон унга томон бос-тириб келаётганини кўрибди.

— Қалай, мэр, хурсандмисиз энди?— деб сўрабди бола.

— Хурсандлигимни ҳозир кўрсатиб қўяман сенга! Ҳали сен буни хайрли иш деб ўйлаганмидинг? Ҳар бир машинага қанча меҳнат, қанча пул сарф бўлганини биласанми? Ўргилдим шаҳарни халос қиладиган бунақа усулингдан...

— Ахир мен... Ахир сиз...

— Учига чиққан ярамас экансан, билдингми?! Қолган умринг турмада ўтмасин десанг, ҳозироқ сурнайингни ол-да, ҳамма машиналарни қайта дарёдан олиб чиқ! Биттама-битта олиб чиқасан! Биринчисидан тортиб сўнггисигача олиб чиқасан!

— Қойил! Қандай саз! Яшасин синьор мэр!— деган олқишлар ҳавони тўлдирибди.

Бола худди улар айтгандай бажо келтирибди. Сурнайининг сеҳрли овозига бўйсунган ҳолда машиналар қирғоққа қайтиб чиқибди ва яна шаҳар кўчалари ва майдонлари бўйлаб физиллаб қатнай бошлабди, копток ўйнаб юрган ва велосипед учган болаларни тум-тарақай қилиб, яна ўзларининг аввалги жойларини эгаллабди. Хуллас, ҳаммаси яна ўз ҳолига қайтибди. Сурнайчи бола эса индамай аллақакча ғойиб бўлибди. Чуқур қайғуга битиб, хафа бўлиб кетибди. Шундан кейин ҳеч ким ҳеч қачон у ҳақда ҳеч нарса эшитмабди.

## ЭРТАКНИНГ УЧИНЧИ ТУГАШИ

Сурнай овозига бўйсунганча машиналар ўқдай учиб кетаверибди. Худди Гаммелин сичқонларига ўхшаб, тўғри дарёга тушиб кетавергандир дерсиз? Ҳе, йўқ! Мутлақо ундай эмас! Машиналар кетаверибди, кетаверибди... Бирпасда шаҳарда битта ҳам, ҳатто энг кичкина машинагача қолмабди. Шаҳар бош майдони, кўчала-

ри, хиёбону буглари бутунлай хувиллаб қолибди. Машиналар қаёққа гойиб бўлди экан?

Бундоқ диққат билан қулоқ солинг-а, гап нимадалигини ҳозир билиб оласиз. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, энди машиналар ерга кириб кетаётганмиш! Сеҳрли сурнай ёрдамда бу ғаройиб бола шаҳар кўчалари ва майдонлари тагидан ерости йўллари қурган экан. Машиналар ана шу йўллардан визиллаб қатнай бошлабди. Улар тўхтаб, эгаларини бағрига ўтқазар ва йўлларида давом этар эканлар. Энди ҳаммага жой бемалол бўлиб қолганмиш Ер ости — машиналарга, ер усти — одамларга бўлибди. Одамлар шаҳарни ҳеч бир қийналмасдан, бемалол сайр қиладиган, ўзларини ҳадеб ўтдан-чўққа урмайдиган, турли нарсалар — сиёсат, футбол, ой ҳақида истаганча гап сотадиган бўлибди... Болаларга ҳам жой бемалол етиб-ортаркан. Улар истаганча чопадиган ва сакрайдиган бўлишибди. Магазинга шошувчи аёллар учун ҳам йўллар кенг очилибди.

— Энди билсам, ғирт аҳмоқ эканман! — дебди ҳаяжондан қичқириб мэр.— Ҳа, ғирт аҳмоқ эканман! Ахир шугина нарсага илгарироқ ўзининг ақлим етса бўлмасмиди!

Сурнайчи болага эса ҳайкал ўрнатилибди. Битта эмас, иккита ҳайкал ўрнатилибди. Биттаси шаҳар бош майдонда қад кўтарибди. Иккинчиси ҳам бош майдонда экан-у, бироқ ернинг остида экан. Ер остидаги ҳайкал ер ости йўлларидан тўхтовсиз қатнаб турган машиналарнинг ўртасида савлат тўкиб тураркан.

## ШАҲАР АЙЛАНИШ

Паоло ғоятда ишчан бола эди. Бир дақиқа ҳам бирон-бир қизикроқ ва фойдали иш қилмасдан туролмасди. У зерикти деган нарсани билмасди, чунки қандайдир ўйин, иш ё машғулот топиб, ўзини овутишга устаси фаранг эди. Бундан ташқари у ўзинга етганча қайсаргина ҳам эди: бир нарсани кўнглига келтирдими, шундан қайтмасди, ташлаб ҳам қўймасди, то охирига етказмагунча тиришгани-тиришган эди. Кунларнинг бирида Паоло столга шаҳарнинг улкан харитасини ёйди-да, ўргимчак уясига ўхшаш кўчаларни, хусусан шаҳар ўртасидаги чалкаш-чулкаш ва шаҳар чеккаларидаги хиёл сийракроқ кўчаларни диққат билан кўздан кечи-ро бошлади.

Паоло олдида ётган компасни харита устига қўйди-да, гирдидан айлантириб қалам юргизиб чиқди. Нега бундай қилганини ўзи ҳам билмайди. Компасни бир четга олиб қўйиб қараса, қулнинг ўргилсин доира ҳосил бўлибди. Болакай доирага қараб ўйланиб қолябди: агар шундай қилинса жуда ғаройиб иш бўларди-я! Турри-да, бу анов-манов қизиқ гап эмас, лекин бир шунга қўл уриб кўрса, ундан нима кетарди? У шу ондаёқ компас ёрдамда харитада қандай доира ҳосил қилган бўлса, шу доира чизиги бўйлаб шаҳарни айланиб чиқишга жазм қилибди. Асли ўқдай тўғри кўчалар камдан-кам учрайди. Кўп ҳолларда улар қаёққадир оққан бўлади, ўнгга ё сўлга бурилиб кетган бўлади, турли томонларга

бошлаб кетади. Ҳаттоки «ҳалқа боғлар» ҳам шунчалик номига ҳалқа деб айтилади. Сабаби, ҳеч ким уларни компас ёрдамида қоғозда аниқ тасвирлаб ўтирмайди. Паоло эса худди харитага тушган ҳалқа бўйлаб шаҳар айланишга аҳд этди. «Ажойиб фикр каби аниқ ва ёрқин ҳалқа чизигидан бир қадам ҳам нари-берига чиқмай айланганим бўлсин!» — деб сўз берди у ўзига-ўзи.

Иттифоқо ҳалқа чизиги келиб-келиб Паоло яшайдиган мана шу кўчадан ўтганини айтмайсизми! Бола харитани буклаб, чўнтагига жойлабди. Иккинчи чўнтагига битта булка нонни тиқибди (тагин йўлда очқаб қолса, асқотади-да) — ва бир лаҳзагина тин олибди-да, «ҳайт» дея йўлга тушибди.

Уйдан чиқибди-да, сафарини чап томондан бошлашга қарор қилиби. Анчагача ҳалқа уни тўғри йўлдан олиб кетибди. Кейин эса тўсатдан йўли «пиёдалар учун» ажратилган тарам-тарам белгилари бўлмаган от-арава ва машиналар ўтувчи жойга тўғри келиб қолибди. Бироқ Паоло аҳдидан қайтишни хаёлига ҳам келтирмабди. Чунончи, ҳалқа чизик бориб дарвоза олдида тўхтабди. Кўча-ку, ўз йўналиши бўйича тўғрига қараб кетаркан, бироқ ҳалқа чизиги болани мана шу дарвозага олиб келиб тақабди. Бундан нариёғи афтидан, узоқдан кўриниб турган уйларга олиб борарди, уйларнинг нариги ёғида бир кичик майдонча бўлиб, хиёл чапроқда жойлашган экан. Паоло яна харитага қараб олибди. Дарвозани очиб, ичкарига кирибди ва ўзини бир ҳовлида кўрибди. Ҳовлини кесиб ўтибди, бу унча қийин бўлмабди. Хўш, у ёғига нима қилади? У ёғи подъезд экан. Подъездда зинапоялар бор экан. Зинапоядан чиқиб кетаверсинми? Охирига борганда тагин томинг устидан чиқиб қолса-чи? Унда нима қилади?.. Қўшни уйнинг томига чиқишга унинг қурби етмайди-ку. Уйдан-уйга осонгина сакраб ўтиш қаламининг қўлидан келади, холос. Яёв ёки қанотсиз одамга эса бу анойининг иши эмас.

Хайриятки, зинапоя майдончасида бир дарча бор экан. Тўғри, сал баланд ва бунинг устига анча тор ҳам экан. Паоло яна харитага қарабди — янглишгани йўқ: ҳалқа чизигидан бориш учун айман шу ердан ўтишга тўғри келаркан. Демак, бирдан-бир йўл дарчадан ошиб ўтиш.

У энди дарча ромидан ушлаб интилган ҳам эканки, тўсатдан кимдир овоз бериб қолибди. Паоло, худди чўчиган ўргимчакдай, деворга маҳкам қапишганча тош қотибди.

— Ҳой бола, қаёққа чиқяпсан? Эс-песингни еб қўйганмисан? Қани, дарров туш! — буйруқ берибди зинадан тушиб келаётган бир киши.

— Менга айтяпсизми?

— Бўлмаса кимга айтаяпман? Қани, тўғрисиная айт, ўғри-пўғримасмисан? Ҳе, йўқ, афти башаранг унақаларга ўхшамайди! Бўлмаса бу ёқларда нима қилиб юрибсан? Балки, гимнастика билан шуғуллапаётгандирсан?

— Тўғрисиини айтсам, сянбор... Мен фақат нариги ҳовлига ошиб ўтмоқчи эдим...

— Унда подьезддан чиқишинг, уйни айланиб ўтишинг, бошқа дарвозадан киришинг керак эди.

— Йўқ-йўқ, унақаси шетмайди...

— Бўлди, тушундим. Бир ишқал чиқаргансан-у, таъзиригини ейишдан қўрқаясан, шундайми?

— Йўқ, худо ҳақи, мен ҳеч қанақа ишқал чиқарганим йўқ...

Паоло ўзини тутиб олган одамга диққат билан разм солиб қарабди. Кўринишдан яхши одамга ўхшайди. Қўлида эса калтак тутган. Лекин у калтагини ўқталаётгани йўқ, фақат унга таяниб турарди, холос. Ўзи сира кулмайди. Паоло бу одамдан қўрқмасликка ва мақсадини очиқ айтишга қарор қилди ва ҳаммасини бир бошдан сўзлаб берди.

— Харитадаги ҳалқа чизиққа қараб шаҳар айланмоқчи бўлдим де ҳали?— дебди синьор унинг гапини такрорлаб.— Шу бондан дарчаларга тирмашиб юрибман де?

— Шундай, синьор.

— Уғлим, бундай қилишнинг сира иложи йўқ! Хўш, борди-ю, ҳеч қандай дераза туйнуги бўлмаган деворга рўпара келиб қолсанг, унда нима қилардинг?

— Ошиб ўтардим!

— Агар девор жуда баланд бўлиб, ошиб ўтолмасанг-чи?

— Деворни ўйиб, туйнук очиб ўтардим.

— Борди-ю, қаршингдан дарё чиқиб қолса-чи? Қара, ҳалқа чизигинг дарёнинг айви кенг жойидан кесиб ўтган, у ерда кўприк ҳам йўқ.

— Мен сузишни билман-ку!

— Тушунарли, тушунарли. Сен осонликча бўй бермайдиган, бир сўзли бола экансан, шундай эмасми?

— Шундай.

— Худди харитадаги ҳалқага ўхшаб, сенинг ҳам миёнига бу нарса қаттиқ муҳрланиб қолибди ва... Нима ҳам дердим сенга? Майли, урниб кўр!

— Мана шу дарчадан ошиб ўтсам уришмайсизми?

— Нега уришар эканман? Ҳатто ёрдамлашиб юборишим ҳам мумкин. Қани, оёғингни мана бу ерга қўй, ҳа... эҳтиёт бўл, тағин йиқилиб тушма!

— Раҳмат, синьор! Хайр!

Шундай қилиб, Паоло йўлида давом этибди. У компас ёрдамида харитага туширган доира чизиқдан бир қадам ҳам уёқ-буёққа жилмасдан ҳалқа йўлдан кетаверибди. Бир вақт от ҳайкали олдидаги катта майдондан чиқиб қолибди. Мармар тамалдаги биринчи от ҳайкали ўзининг абадийлик ҳаракатида қотиб турар экан. Исминини Паоло билмайдиган отлиқ қаҳрамон бир қўли билан юганини ушлаб, иккинчи қўли билан олисларни кўрсатиб турарди. Ўзини худди ҳалқа чизиги Паолони бошлаб кетаётган томонни кўрсатаётган, шекилли. Нима қилиш керак? Отнинг оёқлари орасидан ситилиб ўтсинми? Қаҳрамоннинг бошига тирмашиб чиқсинми? Еки осонгина ҳайкални айланиб ўтиб қўя қолсинми?..

## ЭРТАКНИНГ БИРИНЧИ ТУГАШИ

Энди нима қилсам экан, деб Паолонинг роса боши қотиб тургани, бирдан отда ўтирган одам унга қараб, им қоққандай бўлибди. Тўғри, жуда унақа қаттиқ им қоқмабди-ю, лекин им қоқибди.

— Энди кўзимга ҳар хил ғалати нарсалар кўрина бошлади,— дебди кўрқиб кетган Паоло.

Бироқ бринч ҳайкал им қоқишни қўймабди. Энди у олисларни кўрсатиб турган қўлни аста туширибди-да, болани имлаб чақирди.

— Қани,— дебди у тилга кириб,— чиқ бу ёққа! От устида иккаламиз учун жой етарлик.

— Лекин мен... Кўриб турибсиз-ку...

— Бўлди! Етар шунча бардошимни синаганинг! Циркуль ёрданисиз мени тўғри айлана бўйлаб юриб ўтолмайди деб ўйлабдинг? Геометрик саёҳатингда мен сени ўзим олиб юраман. Сен бунга тамоман ҳақлисан, чунки ҳеч қандай қийинчилик олдида эканкираб қолмайсан.

— Раҳмат! Катта раҳмат! Фақат...

— Оббо, жуда ҳам эзма экансан-ку! Бу ҳам етмагандай, маъзилгинг ортиқча. Ё биров сенга ёрдам қилса ёқтирмайсанми, шунақа одадинг борми?

— Гап бунда эмас...

— Ундай бўлса гап шундаки, сен ортиқча сафсата сотишни ҳуш кўрар экансан! Қани, мин, жўнаймиз! Сен менга ёқиб қолдинг, чунки турли қизиқ нарсаларни ўйлаб топишга уста экансан, қийинчиликлардан чўчимас экансан. Чаққонроқ қимирласанг-чи! Бўлмаса отим ухлаб қолади. Бу сеҳрданми ё бошқа нарсаданми, билмадим-у, лекин сен менинг тамалдан тушиб, худди қадимги замонлардагидай отни совутиб келадиган пайтда келиб қолдинг, бу ҳол йил — ўн икки ой бадалига бир кунгина юз беради, холос. Ҳўш, мен билан борадиган бўлдингми ёки йўқми?

Паоло «бораман» дегандек бош иргабди ва қаҳрамоннинг қўлидан тутибди-ю... ўша лаҳза ўзини эгарда кўрибди! Мана, улар бамисоли ҳавода парвоз қилиб кетишяпти... Бутун шаҳар гўё унинг оёғи остида! Шаҳар узра олтин ҳалқа ярқираб кўринибди, аслида бу чарақлаган, теп-текис ва равон йўл экан. Компас ёрдамида у харитага чизган йўлга жуда-жуда ўхшаб кетаркан.

## ЭРТАКНИНГ ИККИНЧИ ТУГАШИ

«Энди нима қилдим?» дея Паолонинг роса боши қотибди ва ҳайкал турган майдонни синчиклаб кўздан кечирибди. Ҳалқа чизиги ҳайкалнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтиб, баланд гумбазли кўҳна собор томон олиб бораркан. Чизиққа нима, эшик-тешик бўлма-са ҳам унга жин урмайди, бироқ, Паоло нима қилади? Худди кўҳна қалъа деворидек қалин мана бу девордан қандай ўтиб олади? Ҳалқа чизигидан тойилиб кетмаслик учун гумбаз устига чиқиб олиш лозим. Лекин бу айтишгагина осон! Энг тажрибали алпи-



вист, энг довярак қоячи ҳам ип-арқонсиз ва мих-қозиқсиз бунинг уддасидан чиқиши амри маҳол. Йўқ, бу ерда ҳеч қандай иложи йўқ. Орқага қайтишга тўғри келади. Орзуси ушалмайди. Ҳаёт йўллари ҳеч қачон геометрик шакллардек раvon, аниқ ва текис бўлган эмас ва бўлмайди ҳам.

Паоло қаҳрамонга яна бир бора кўз ташлабди. У қимир этмай қовоғини солганча ҳамон тамал устидан туриб, аллақандай узоқ ва эришиб бўлмайдиган мақсад сари қўли билан ишора қилиб тураркан. Паоло одатдаги йўлларнинг антиқа ва тушуниб бўлмайдиган муюлишларига беихтиёр бўсунган кўйи секин ва маънос ҳолда уйи томон битта-битта одимлаб кетибди.

## ЭРТАҚНИНГ УЧИНЧИ ТУГАШИ

Ҳайкал олдида нима қилишини билмай боши қотиб турар экан, бирдан кимдир жажжигина илиқ қўли билан Паолони тургандай бўлибди.

— Уйга кетаман!— дебди бир бола овози.

Бу уч ёшлардаги бир муштдайгина болакай экан. Унинг кўзларида филт-филт ёш ўйнар ва Паолога умид ва илтижо билан мўлтиллаб қараб тураркан.

— Уйларинг қаерда?

Болакай аллақаяёққа ишора қилибди.

— Ойимга бораман!

— Ойинг қаерда?

— Ҳув анави ерда!

«Ҳув анави ер»ни ҳам у жуда ноаниқ қилиб кўрсатибди. Фақат бир нарса аён экан — гўдаккина адашиб қолган ва уйга бориш йўлини билмайди. У Паолонинг қўлидан маҳкам ушлаганча сира кўйиб юбормасмиш.

— Мени ойимга олиб бор!

Паоло бунинг иложи йўқлигини, ундан кўра муҳимроқ ишлари борлигини айтмоқчи бўлибди-ю, лекин бола унга шу қадар умид ва ишонч билан қараб турганини кўриб... Кел, ҳалқа қочиб кетмас... Кейин ҳам бўлаверади...

— Кетдик!— дебди Паоло.— Ойингни қидириб топамиз.

## МИЛАНДА ЕҚҚАН ШЛЯПА ЁМФИРИ

Бу воқеа Миланда бўлган экан. Бир кун эрталаб ҳисобчи Бнянкини банкдан ўзининг савдо фирмасига йўл олибди. Кун ғоят чароғон бўлиб, осмонда битта ҳам булут йўқ экан. Ҳолбуки, ноябрь ойи бўлиб, одамнинг сира ишонгиси келмаскан,— қуёш чарақлаб турар, кўм-кўк осмон артилган шишадай тиниқ экан. Ҳисобчи Бнянкининг кайфияти жуда кўтарилиб кетибди. Шахдам одимлар билан юриб бораркан, ўзича қувноқ бир қўшиқни хиргойи қила бошлабди: «Қандай яхши кун бу кун, Кун бу кун! Қулмайди ким бўлса хун, Бўлса хун!» Нима бўлибди-ю, ҳисобчининг кўзи шундоқ осмонга тушган экан, ҳайратдан оғзи очилиб, донг

қотиб қолибди. Бир йўловчи унга тўқнашиб кетиб, тўнғиллаб жеркиб берибди:

— Қанақа одамсиз ўзи! Войвойкининг боласини кўриб қолдингизми? Кўзингизга қараб юрсангиз бўлмайдингизми?!

— Мен юрганам йўқ, бир жойда турибман... Аввал анави ёққа қарасангиз-чи!

— «Анави ёқ»да пишириб қўйибдими менга! Ўзим шошиб турибман-у... Ие, вой товба! Бу нима бўлди? Ҳой! Вой! Эй!

— Ана-ана, кўрдингизми? Хўш, бунга нима дейсиз энди?

— Ахир бу... ахир бу... шляпалар-ку...

Ростдан ҳам кўм-кўк, бегубор осмондан кутилмаганда ерга шляпалар ёмғири шаррос қуйиб юборибди. Шунчаки бировнинг бошидан шамол учириб, ҳавога кўтариб кетган битта-яримта шляпа бўлса ҳам баҳарнав эди! Еки тасодиф билан дераза раҳидан тушиб кетган бир жуфт шляпа учиб келаётган бўлса кошки. Осмондан юзлаб, минглаб, юз минглаб шляпа тўкилмоқда, тўғрироғи, оҳиста тушиб келмоқда эди. Уларнинг ниҳда қанақанги шляпалар йўқ эди дейсиз: эркаклар ва аёллар шляпаси, уқпарли шляпалар, гул тақилган шляпалар, фуражкалар, сонбоксиз фуражкалар, пойгачи-чавандозлар қалпоқчалари, мўйна қалпоқ-қулоқчинлар, попоқлар, беретлар, чанғичилар тўқима қалпоқлари — ҳамма-ҳаммасидан бор эди!..

Ҳисобчи Бияннин ва унга тўқнашиб кетган ҳалиги сньюор ёнига яна жуда кўп бошқа йўловчилар келиб тўхтабди. Нон дўконидаги болакай ҳам, Мандзоне ва Монтенаполеоне кўчалари чорраҳасида турувчи регулировкачи ҳам, ўн саккизинчи трамвай ҳайдовчиси ҳам, ҳаттоки биринчи трамвай ҳайдовчиси ҳам — барибари бошини орқага ташлаганча осмонга қараб турарди... Вагон мазоратчилари ҳам трамвайлардан тушиб, осмонга қарай бошлашди, йўловчилар ҳам ерга тушиб олди, ҳаммалари гал бермай бир-биринга сўз қота бошладилар.

— Мана бу мўъжизани қаранг-а!

— Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодиса!

— Бунинг таажжубланидиган жойи йўқ! Яна обшонини реклама қилишаётган бўлса керак-да!

— Обшонга бунинг нима дахли бор?

— Бўлмаса пишлоқни-да!

— Э, қўйинг-е! Сизнинг фикри-ёдингиз томоқ экан-да. Менинг билишимча, ҳали ейиладиган шляпа бую бўлганича йўқ.

— Қизик, булар ростдан шляпаларми ўзи?

— Йўқ, велосипед қўнғироқчалари! Ахир кўзми у ёки пўстакнинг йиртигимми?

— Шляпага ўхшаб кетяпти. Дарвоқе, ўша — бошга кийиладиган шляпа бўлса керак, а?

— Ие, сиз шляпани қаерингизга киясиз бўлмаса? Бурнингизгами?

Лекин баҳслар узоққа чўзилмабди. Шляпалар тротуарларга, йўлларга, автомобиллар устига келиб туша бошлабди, баъзилари трамвай ойналаридан кириб кетаверибди, яна бошқалари тўғри

магазинларнинг ичига келиб тушаётганмиш. Одамлар уларни қўлига олиб, ўзларига ўлчаб кўришармиш.

— Мана бу катта келди!

— Бунисини кийиб кўринг-чи, сеньор Биянкини!

— Аёллар шляпаси-ку, бу!

— Унда рафиқангизга олиб бера қоласиз.

— Маскарадга кийиб чиқади-да.

— Тўпла-тўғри! Мен аёллар шляпасида идорага бормайман-ку...

— Менга ҳў ановисини узатиб юборинг, ҳа-ҳа, ўшани! Бувимга лойиқ келади!

— Лекин уни аввал мен таяладим.

— Йўқ, мен!

Баъзилар бутун овла аъзолари учун деб бир йўла учтадан, турттадан шляпани қўлтиқларига тиқиб олишди.

Одамлар қанчалик кўпроқ териб олишса, осмондан шляпалар шунчалик кўпроқ ёғилар эди. Тротуарлар ва кўчаларнинг юзига, айвонлар ва томларга шляпалар кўрпадай тўшалиб қолибди. Улар минг хил эди: оддий шляпалар, шляпачалар, беретлар, қозонча шляпалар, цилиндрлар, сомбреролар, ковбойча шляпалар, чўққинамо шляпалар, лентали ва лентасиз шляпалар... Ҳисобчи Биянкини қўлидаги шляпалар ўн еттигага етса ҳамки, ҳамон кетгиси келмасмиш.

— Кунда-кунда шляпа ёмғири ёғиб турибдим, — деб мулоҳаза юритибди у. — Бундан фойдаланиб қолиш керак. Бир умрлик қилиб йиғиб олишим керак, бунинг устига бошим энди ўсиб катталашмайди ҳам...

— Катталашмайди-ку, лекин кичрайинши мумкин!

— Нега кичраяркан?! Сиз нимага шама қилаяпсиз бу билан? Ақлинг қисқариб қолади демоқчимисиз?

— Қўйинг, шунини ҳам кўнглингизга олиб ўтирибсизми! Ундан кўра мана бу соябонсиз шляпани олсангиз-чи.

Осмондан эса шляпалар ёққани-ёққан эди...

Бир шляпа тўғри регулровкачининг бошига келиб тушса бўладими! Бечора, кўча ҳаракатини йўлга солишни ҳам йиғиштириб қўйганди, чунки шляпалар дуч келган ерга келиб тушмоқда эди-да. Регулровкачининг бошига тушган шляпа генерал фуражкиси бўлиб чиқди, ҳамма буни яхшилик аломатига йўйиб, яқинда унинг хизматида кўтарилиш бўлади, деган яқдил қарорга келди.

Хўш, шундан кейин нима бўлди дейсизми?

## ЭРТАКНИНГ БИРИНЧИ ТУГАШИ

Орадан бир неча соат ўтгач, Франкфурт Майидаги аэропортга «Алиталия» авиакомпаниясига қарашли улкан ҳаво лайнери келиб қўнибди. Айнан мана шу ерда ўтказиладиган гаройиб халқаро шляпалар кўргазмаси учун турли-туман бош кийимлар тўплаш мақсадида бу самолёт ер юзи бўйлаб саёҳатга чиққан экан.

Қимматбаҳо юкни кутиб олгани мэрнинг ўзи чиқибди. Шаҳар

оркестри мана шу улуг таптанага атаб профессор Иоганн Себастьян Людовик Бахлейн ёзган «О шляпа, шляпа, сен — бошларнинг беэаги!» деган гимнини ижро эта бошлабди.

Бироқ гимини охиригача ижро этишнинг иложи бўлмабди, кейинроқ аниқланишича, ҳаво лайнери фақат... кема командири билан экипаж аъзоларининггина шляпаларини келтирибди, холос.

Маълум бўлишича, пилот янглишиб, рекламага мўлжалланган кўрғазма плакат ва варақалари ўрнига Милан узра шляпаларни сочиб юборган экан, Ломбард пойтахти устига шаррос куйган шляпалар жаласининг асил сабаби шундан иборат экан. Бундай зўр боқибегамликка йўл куйгани учун учувчи жуда муносиб тарзда жазога тортилибди — роппа-роса ярим йил у самолётини шляпаларсиз бошқаришга маҳкум этилибди.

## ЭРТАҚНИНГ ИККИНЧИ ТУГАШИ

Уша куни осмондан шляпалар ёғилибди.

Эртасига эса соябонлар ёғилибди.

Учинчи кун бўлса шоколад конфет қутилари тўкилибди. Ундан кейин холодильниклар, кир ювиш машиналари, прогревателлар, ҳар пачкасида юзтадан бульон кубиклари, галстуклар, пирожнийлар қиймаланган курка товуқлар ёғибди. Ниҳоят, минг хил совғачалар билан безатилган янги йил арчалари учиб тушибди... Шаҳар турли-туман нарсалар остида қолиб кетибди. Уйларнинг еридан тортиб шифтгача нарсалар билан тўлиб-тошибди. Айниқса савдогарларнинг ҳоли жуда танг бўлибди, чунки уларнинг чўнтақларини қаппайтириб олиш борасидаги барча режалари чиппакка чиқибди-да.

## ЭРТАҚНИНГ УЧИНЧИ ТУГАШИ

Шляпалар ёмғири соат тўртгача давом этибди. Бу пайтга келиб машҳур Милан собори олдидаги майдонда шляпалар тоғи ҳайкалдан ҳам юқорилаб кетибди. Галереяга олиб кирадиган йўлакни похол шляпалар девори тўсиб қолибди. Сўнгра соат тўрту бир минутча кучли шамол кўтарилибди ва шляпаларни кўчалардан думалатиб кетибди. Шляпалар тобора шиддат билан думалабди, кейин эса ҳавога кўтарила бошлабди, баъзилари трамвай симларига илниниб қолибди.

— Шляпалар учиб кетяпти! Учиб кетяпти!— деб қичқирибди одамлар.— Лекин нима учун учиб кетяпти?

— Ҳойнаҳой, шу кетишда улар Римга бориб тушса керак?

— Сиз буни қаердан биласиз? Улар ўзи сизга шундай дедими?

— Рим қаёқда! Ана, кўрмаяпсизми, улар Комо кўлига қараб йўл олган-ку!

Шляпалар, бамисоли қалдирғочлар галасидек, худди йўловчиларнинг боши узра, уйларнинг томи устидан жуда-жуда балаандликка кўтарилибди-да, кўздан ғойиб бўлибди. Шу-шу, уларнинг

қаёққа учиб кетганини ҳеч ким билолмабди. Чунки улар на Комога, на Бусто Арсицияга бориб қўнибди. Милан савдогарлари ҳам энгил нафас олишибди — улар учун бу чиндан ҳам қора кун бўлган экан-да.

## ОДАМЛАРНИНГ БИР ХИЛЛИГИ НИМАДА

Кунларнинг бирида кечки пайт бир бола ўйинчоқларини саралаб ўтирган экан. Дафъатан у қути ичидан тоғни суғуриб олибди. Бу ўйинчоқни у дадаси ёрдамида оҳор елими билан ёпиштириб-ёпиштириб, эски газеталардан ясаган эди. Мана буниси эса жажжи пластмасса арча, мана бу ойна парчаси бўлса худди чинахам кўлдай ярақлайди, энг охирида арчани безантиришда керак бўладиган ялтироқ юлдузчалар чиқибди. Иккинчи қути ичидан бола бир нечта пластмасса қўғирчоқ — иккита чўпон билан бир қанча қўйни, капитан билан ўчоқ олдида ўтирган кампирни, каттакоп салла ўраган савдогар сеҳргарни олиб қўйибди. Бола чўпон билан қўйларни тоғ ён бағрига терибди, энг чўққига эса сеҳргарни ўтказибди. Кампирни эса йўл ёқасига жойлабди. Одамлар жуда камку! Хув шакаф устида турган қутида нима бор бўлса? Э-ҳа! Унда эски, ҳамманинг эсидан чиқиб кетган қўғирчоқлар бор-ку! Қани, бир очиб кўрайлик-чи! У қути ичидан қизил танли ҳиндини, қайсидир қабиланнинг сўнгги вакилини, кабинасида учувчи ўтирган пропеллерсиз кичкинагина самолётни, шим кийган ва қўлида гитара тутган қандайдир қизчани (қизиқ, у бу ерга қандай келиб қолган экан!) олиб қўйибди. Одатда ўғил болалар қўғирчоқ ўйнамайдилар... Лекин яхшилаб назар солиб қараса, мана бу қизалоқ чакки эмасга ўхшайди... Бола уни каштан қовуриб ўтирган кампирнинг ёнига қўйибди. Жанговар болтасини елкасига қўйиб олган қизил танли ҳиндини бўлса қўйлардан сал нарига турғазиб қўйибди. Учувчили самолёт билан юлдузларни арчага илиб чиқибди. «Ёмон чиқмади чамамда,— деб ўйлабди бола.— Театрнинг худди ўзи бўлди-қўйдн!» Шу топ онаси чақириб қолди-ю, бола ионлож у ердан кетди. Ухлаш вақти бўлганди. Кўп ўтмай бола ухлаб қолди.

У ухлабди-ю, буёқда унинг қўғирчоқлари уйғонибди. Энг аввал чўпонлардан бири кўзини очибди. У атрофни кўздан кечирибди-да, нима гаплигини билгач, қаттиқ хафа бўлибди. «Қўлида болтаси билан сурувимга қараб келаётган анови одам ким бўлди экан?» деб кўнглидан ўтказибди чўпон.

— Ҳой! Қимсан? Сенга нима керак бу ерда? Қани, жўнаб қолчи, бўлмаса итларга талатаман!

— Ауф!— деб жавоб қилибди қизил танли одам ва жим бўлиб қолибди.

— Нима? Бундоқ одамга ўхшаб гапирсанг-чи! Дарвоқе, гапиршингнинг ҳожати йўқ, фақат тезроқ бу ердан қорангни ўчирсанг бўлгани!

— Мен кетмайман,— дебди қизил танли одам.— Ауф!

— Нега болта кўтариб олгансан бўлмаса? Тагин қўйларимдан ўғирлаб кетишни мўлжаллаётган бўлмагин?

— Болта билан дарахт йиқитаман. Тун совуқ. Мен олов ёқмоқчиман.

Бир вақт кампир уйғониб қолибди ва рўпарасида турган қизга кўзи тушибди.

— Қўлингдаги анави нарса нимаиди?

— Гитара.

— Кўрмасманки, унинг гитара эканини кўрмасам. Мен уни ҳозир бошингга урасанми демоқчиман! Биз кўпроқ карнай билан сурнайни ёқтираман.

— Лекин гитаранинг овози жуда ёқимли бўлади. Бир эшитиб кўринг-а.

— Вой-вой, йиғиштир бу матойингни, худо урди-кетди! Одамнинг жиннисни чиқариб юбордиларинг-ку! Вой товба! Бу ҳозирги ёшлардан худонинг ўзи асрасин! Менга қара, мана бу каштанлар билан савалаб қолмасимдан иссингнинг борида тезроқ бу ердан туёғингни шиқиллатиб қол-чи! Каштанларим нақ жонингни сугуриб олгудек бўлиб турибди. Оловда хўп товланиб, теккан жойини узиб олади-я!

— Мен каштани жонимдан яхши кўраман!— дебди қиз.

— Ҳали масхара қилишни ҳам биласанми? Каштанларимни тортиб олмоқчимисан? Хув сендақа виждонсиз ўғри қизни кўтарсин! Ҳозир кўрсатиб қўяман сенга!.. Ҳой, одамлар, ёрдам бериңг! Ўғри, ўғрини ушланг! Ўғри қиз пайдо бўлибди, ҳой одамлар!

Бироқ шу аснода уйғониб кетган учувчи моторни гуриллатиб юргизибди-да, кампирнинг дод-фарёдини ҳеч ким эшитмабди. У кўл ва тоғ устини икки-уч айланиб учибди, ҳаммага ҳушчақчақлик билан қўл силкибди ва қизил танлининг олдига бориб қўнибди. Бундан жаҳли чиққан чўпонлар дарҳол унинг олдига чопачопа келишибди.

— Нега учиб келдинг? Қўйларимизни чўчитмоқчи бўлдингми?— деб уни қийин-қистоққа ола бошлашибди.

— Е бомба ташлаб, кулбаларимизни вайрон қилмоқчимидинг?

— Менда бомба деган нарсанинг ўзи йўқ-ку,— деб жавоб берибди учувчи.— Бу спорт самолёти. Хўп десангиз, сизларни учиршиш мумкин.

— Учавер ўзинг! Фақат бу ердан тезроқ қорангни ўчириб, бизни тинч қўйсанг, шунинг ўзи етарли!

— Ҳа, ҳа!— деб шовқин солибди кампир.— Менинг каштаимни туйиб олмоқчи бўлган мана бу шумтаха қизни ҳам бирга ола кет...

— Буви-и-жон,— дебди қиз,— ёлғон гапириб нима қиласиз! Агар берсангиз, каштанларингизни нақд пулга сотиб оламан.

— Мана бу ер юткур гитара-питараси билан қўшиб ола кет!

— Менга қара, ҳой қизил башара,— дебди чўпонлардан бири қизил танлига мурожаат қилиб,— сен ҳам иситманг борида жўнаб қол-чи! Биз а сендақа қароқчиларнинг кераги йўқ!

— Қароқчилар ҳам, гитара ҳам керакмас бизга,— қўшимча қилибди кампир.

— Гитара — бу энг дилбар куй, дегани-ку,— жавоб берибди қизил танли.

— Ана, эшитдиларингми! Мен буни тўла қўллаб-қувватлайман.

— Онажон,— гапга аралашибди учувчи,— нега бунчалик жаҳлингиз чиқади! Ундан кўра синьорадан битта яхши куй чалиб беришини сўранг. Ҳаммамиз барабар яйрардик.

— Қани, йиғиштиринглар майнавозчиликни,— деб хитоб қилибди чўпонлардан бири.— Ҳозир учалангиз ё яхшиликча жўнаб қоласиз, ё мен сизларга бошқача куй чалиб бераман.

— Мен ҳеч қаёққа кетмайман,— дебди қизил танли.— Мен сўзимдан қайтмайман.

— Мен ҳам кетмайман,— уни қувватлабди қиз,— дўстим Шиддатли Ҳўкиз айтганидан чиқмайман. Менинг ҳам сўзим битта...

— Мен ҳам,— дебди учувчи,— узоқлардан учиб келганман. Аслида-ку сира кетгим йўқ эди-я. Қани, қизалоқ, бизга битта қувноқ куй чалиб бер-чи, зора кайфиятимиз кўтарилиб, бошқача ўйлай бошласак.

Қиз ортиқ таранг қилиб ўтирмай, гитара торларини черта кетибди.

## ЭРТАКНИНГ БИРИНЧИ ТУГАШИ

Уша заҳоти чўпонлар таёқларини ўйнатиб, қизга ўқтала кетишибди, итларини чақириб, олқишлай бошлашибди.

— Қани, йўқолинглар! Кетинглар!

— Ол, Қопқир! Бос уларни, Бўрибосар!

— Ҳайда ҳаммасини!

Қизил танли жойидан бир қадам ҳам жилмабди, фақат жанговар болтасини хиёл тепага кўтарибди.

— Мен ҳеч қаёққа кетмайман,— дебди у.— Ауф!

Лекин учувчи бошқача йўл тутибди.

— Бўпти,— дебди у,— ёқалашишинг нима кераги бор. Қани, чиқ самолётга, қизалоқ! Сен ҳам чиқ, Шиддатли Ҳўкиз! Мотор юриб турибди. Хўш, ҳамма чиқиб бўлдями? Кет-гдик!

Моторини гуриллатганча самолёт кўл ва тоғ узра ҳавога кўтарила бошлабди ва хонани айланиб парвоз қила бошлабди.

— Қаёққа учиб кетяпмиз?— деб сўрабди қиз, шамол учуриб кетмаслиги учун гитарасини маҳкамроқ ушлаб.

— Мен илгари эмин-тинч яшайдиган жуда ҳам бир яхши улкан қутини биладман,— дебди учувчи.

— Уша қутини мен ҳам биладман!

— Мен ҳам! Ауф!

— Ундай бўлса, ауф, тўғри ўша қутига қараб учдик! Ҳу ана у, пастда кўрнинг турибди. Худога шукур, оғзи ҳали ҳам очиқ турган экан. Ушанга бориб қўнамиз!

— Ауф!— дебди қизил танли ҳинди. Афтидан, у унчалик хурсанд эмасга ўхшарди.

## ЭРТАҚНИНГ ИККИНЧИ ТУГАШИ

Қизча гитара чала бошлаган ҳам эканки, чўпонлар таёқларини уйнатиб, унга таҳдид қила бошлашибди.

— Бўпти, бўпти!— дебди қиз хўрсиниб,— гитара сизларга ёқмаяптими? Унда мен уни уриб синдираман. Фақат итларингизни бу ердан даф қилинг, йўқса улар шимимни тилка-пора қилиб ташлайди.

— Мана бу бошқа гап,— дебди кампир.— Кел, мен сенга каштан бераман.

— Аввал менга бир оз ун беринг,— илтимос қилибди қиз.— Шиддатли Хўкизни бошқа рангга бўяб қўяйлик. Шунда чўпонлар уни кўриб гашланмайдиган бўлишадди.

— Бу ўйинг чакки эмас!— дебди чўпонлар,— сен ўзинг бунга нима дейсан, ҳой қизил танли жонивор?

— Ауф,— жавоб берибди қизил танли. Кейин оқ рангга бўяб қўйишлари учун ўзини итоткорона тутиб берибди.

— Самолёт-чи?— сўрабди чўпонлар.

— Биласизларми, самолётни нима қиламиз?— дебди учувчи,— самолётни ёқиб, гулхан қиламиз ва атрофида ўтириб, исинамиз.

— Бу ҳам яхши маслаҳат! Бугун, айниқса, тун жуда салқин келди.

Шундай қилиб, гулхан уларнинг барчасининг жонига ора кириб, иноқ қилиб қўйибди. Ҳатто чўпонлар ҳам сурнайлари овози мақомида гулханны айланиб, ўйинга тушинибди.

## ЭРТАҚНИНГ УЧИНЧИ ТУГАШИ

Қиз энди гитара чала бошлаган ҳам экан, чўпонлар бирданига чақирилмаган меҳмонларга ташланишибди. Бироқ кимнингдир амрона товуши янграбди:

— Тўхтанглар!

Ҳамма жой-жойида қотиб қолибди.

— Ким у?

— Сеҳргар-ку! У тоғдан тушиб келди ва бизга яқинлашмоқда. Сизнинг келганингиздан бошимиз осмонга етди, меҳрибон зот!

— Менинг ўз исимим бор — Гаспар, «меҳрибон зот» эмас.

— Ассалому алайкум, Гаспар!— дебди қиз.

— Ваалайкум ассалом, қизалоғим! Сен чалган куйни эшитдим, у менга жуда ёқди.

— Ауф!— деб юборди қизил танли.

— Салом, салом, Шиддатли Хўкиз, Қора Лочин, Қалдироқ Булут ёки сени тағни нима деб чақирсам экан. Салом, салом, учувчи. Сизларга ҳам салом, чўпонлар, сизга ҳам салом, бувижон! Қовурилган каштан ҳиди димоғимга урилгандай бўлаяптими?..

— Мана бу қиз мендан тортиб олмоқчи бўлувди..

— Бе, бўлмаган гап! Сизга шунақа туюлган. Қиз асло ўғриларга ўхшамайди!



— Унда мана бу болтали рўдапо нима қилиб юрибди?— кичиришибди чўпонлар.— У бу ерга нима учун келган?

— Буни ўзидан сўраб кўрдиларингми?

— Сўраб нима қиламиз? Қўйларимизни ўмариб кетмоқчилиги шундоқ ҳам кўриниб турибди-ку.

— Мен тинчлик истайман...— дебди қизил танли ҳинди,— мен тинчлик севаман.

— Ана, эшитдиларингми?— дебди Гаспар.— Тинчлик ҳаммага — оқларга ҳам, қораларга ҳам, яёв юриб кетаётганларга ҳам, самолётда учиб кетаётганларга ҳам, сурнай чалаётганларга ҳам, гитара чалаётганларга ҳам — ҳаммасига фақат тинчлик керак. Одамлар асло бир-бирига ўхшамайди, улар ранг-баранг, турли-туман. Лекин улар фақат бир нарсада бир хил — ҳаммалари тинчлик истайдилар.

Чўпонлар истиҳола ичида жим бўлиб қолишибди. Кейин кампирнинг қизга айтган гаплари эштилди:

— Менга қара, ҳой қоқвош, сен ростдан ҳам каштанини хуш кўрасанми? Ма, ол! Олавер, мен сени меҳмон қиляпман, сотаётганим йўқ... Сиз-чи, ҳай учувчи болам, каштан емайсизми? Сиз-чи, синьор Шиддатли Хўкиз... Кечирасиз, сизнинг исмингизни яхши эшитолмай қолдим... Каштанини яхши кўрасизми?

— Ауф!— деб жавоб берибди қизил танли ҳинди

## ПРОФЕССОР ДАҲШАТЛИНУС

Профессор Даҳшатлинус шогирди Иблисинус билан биргаликда анчадан бери бир жуда ҳам хатарли кашфиёт устида иш олиб борар эди. Исмига қараб шу нарсани билиб олиш унчалик қийин эмаски, у ўтакетган даҳшатли олим бўлган, истеъдоди қанчалик ўткир бўлса, ундан ўн баравар разил ҳам экан. Ўзининг барча билимларини ва ақл бовар қилмас қобилиятини мутлақо қабиҳ мақсадларини амалга ошириш йўлида сафарбар қилар экан.

— Мана кўрарсан, азиям Иблисинус,— дер экан у шогирди-га,— бизнинг атом улкан кўтаргичимиз тайёр бўлиб қолди, у бутун оламни зир титратиб юборишга қодир.

— Бунга заррача шубҳа қилмайман, синьор профессор! Сиз бу улкан кўтаргич ёрдамида Пиза минорасини жойидан кўтариб, уни Европадаги энг баланд Монблан тоғининг чўққисига қўйганингизда қадрдон ватандошларимизнинг нечоғли ҳайратга тушишларини шундоқ кўз олдимга келтириб турибман!

— Пиза минорасини дейсанми?— киноя билан кулибди Даҳшатлинус,— Монблан тоғига дейсанми? Бу қанақа густохлик? Бу гапларни қаердан топдинг?

— Ахир, профессор, лойиҳа тузаётганимизда...

— Нима дединг? «Лойиҳа» тузаётганимизда дейсанми? Айнан сен, муҳтарам зот синьор Иблисинус, инмани лойиҳалаштирган эдинг? Шахсан сен қандай кашфиётга қўл ургансан? Шоколад ўрайдиган қоғозинми? Сопсиз соябонинми? Қайноқ сувинми?

— Хатоим учун мингдан-минг узр, профессор Даҳшатлинус,—

нтоаткорона нидо солибди хижолат ичида Иблисинус. — Сиз, айнан ва фақат сиз улкан кўтаргичли лойиҳалаштираётганнингизда, Пиза минораси ва энг баланд Альп чўққиларини мен эслаган... ҳаҳ эсим қурсин, сиз эслатган эдингиз...

— Ҳа-ҳа, бу ҳақда гапирганимни аниқ эслайман. Лекин мен буни фақатгина эҳтиёт юзасидан эслатган эдим, жоним ва ҳурматлим Иблисинус. Дунёдаги жамикки одам боласи билан влақлашиб кетаверадиган ёмон одатинг борлигини билиб, шундай қилгандим, ахир сенга сутчининг югурдагию новвойнинг шогирди ҳам, эшикбону эшикбоннинг ўғай аммасининг олеси ҳам баб-баравар-ку...

— Мен уни танисам ўлай агар! Қасам ичиб айтаманки, синьор профессор, эшикбоннинг ўғай аммасининг олесини танимайман ва сўз бераманки, у билан танишишга зивдор-базиндор ҳаракат ҳам қилмайман!..

— Яхши, ундай бўлса бу ҳақда бошқа оғиз очиш йўқ. Мен сенга шу нарсани айтмоқчи бўлиб юрардим. Меҳрибон ва аҳмоқларнинг аҳмоғи Иблисинус, мен сенга кўлда ишонмас эдим. Ва ўзининг ҳақиқий режаларини сендан пинҳона тутиб мақсадида Пиза минораси билан боғлиқ воқеани атайлаб нчимдан тўқиб чиқарган эдим. Режаларим ўта махфий сақланиши лозим эди.

— Қачонгача махфий сақламоқчи эдингиз, ўртоқ профессор?

— Кечаги кунгача, ҳар нарсага қизиқувчанам Иблисинус. Менинг ўша режаларим нималардан иборатлигини бугун бемалол билиб олсанг бўлаверади. Яна бир неча соатдан кейин ишимизга хотима ясаймиз. Кечкурун эса кетамиз.

— Кетамиз?

— Ҳа-да! Мана шу улкан кўтаргичда, албатта.

— Қаёққа йўл оламиз, сир бўлмаса айтнинг?

— Коинотга, азизим Иблисинус, сўроқ белгисини нақдлар ёқтирадиган қадрдоним!

— Коинотга!

— Яна ҳам аниқроғи — Ойга!

— Ойга!

— Янглишмасам сен сўроқ аломатдан ундов аломатига ўтиб кетясан. Лекин имиллагандан фойда йўқ. Менинг режаларим бундай. Атом улкан кўтаргичим билан Ойни кўтараман-да, уни меҳваридан чиқариб юбораман ва ҳолат-имкониятига кўра самовий кенгликдаги бошқа бирор жойга кўчириб ўтқазаман.

— Қойил!

— Ўша жойдан туриб, азизям Иблисинус, биз ерликлар билан гаплашамиз.

— Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган мўъжиза!

— Ой яна ўз жойига қайтишини хоҳлайсанми? Уни энди янги эгаси — профессор Даҳшатли Даҳшатлинуздан сотиб олсанг. Қанчага сотиб оламиз дейсанми? Унинг вазни қанча бўлса, шунча олтинга.

— Ақл бовар қилмайди!

— Олтин ҳисобига! Тушундингми, Иблисинус! Ол-тин-га!

— Минг бор ақл бовар қилмайди!

— Энди маъззини чаққандирсан?

— Чақдим, профессор! Бу йигирманчи асрнинг энг шох ғояси.

— Мен ҳам шундай ўйлайман — ва энг мудҳиш ғояси. Мен тарихга барча замонларнинг ва халқларнинг энг иблисона, энг даҳшатли олами бўлиб киришга жазм этдим. Энди, Иблисинус, белни боғлаб, ишга кириш!

Тезда атом улкан кўтаргич узил-кесил тайёр бўлибди. Бу галакти аппарат тешилган галктирагини алмаштириш учун автомобилни кўтариш лозим бўлганда қўлланиладиган одатдаги ўша кўтаргичга жуда ўхшаб кетаркан. Фақат буниси хиёл каттароқ бўлиб, ичида яхкита ўрнидиги бор самовий кабинага келиб туташар экан. Узининг иблисона мақсадини бошлаш учун профессор Даҳшатлинуc шогирди билан белгиланган вақтда худди шу кабинага кириб жойлашди. Қашфётчи билан шогирди қўққисдан вужудларида пайдо бўлган тятроқни босиб, бир-бирга билдирмасликка тириша бошлашди.

— Тинчлан, Иблисинус!

— Ҳ-ҳ-ҳа... синьор... проф-ф-фе-ссор...

— Бунча тутиласан, ўзингни қўлга олсанг-чи!

— Ҳ-ҳ-ҳа... с-с-синьор... проф-ф-фе-ссор-р-р...

— Ма, мана бу халдорини ютиб юбор. Бирдан енгил тортасан.

— Раҳмат, профессор Даҳшатлинуc, мен бутунлай ўзимга келдим!

— Жуда сөз! Тескари сана, Иблисинус...

— Минус беш... минус олти... минус етти...

— Мен сенга тескари сана дедим, тескари!

— Э-ҳа, кечирасиз, мана, мана, ҳозир! Минус беш... минус тўрт... минус уч... минус икки...

— Старт!

## ЭРТАҚНИНГ БИРИНЧИ ТУГАШИ

Ўша куни кечқурун Ой осмонга чиқмади. Аввалига одамлар уни булутлар орасига яширинган деб ўйлашди. Бироқ осмон мусаффо эди, юлдузлар чарақлаб турарди, бироқ Ойдан ҳамон дарак йўқ эди.

Узоқ қидирувлардан сўнг астрономлар охири уни топиди. У жуда ҳам узоқда, тахминан Чиён юлдузлар туркуми орасида миттигина нуқтага ўхшаб кўриниб турарди.

— Яширинган жойини қаранглар-а! Бу ер унинг хаёлига қандай келди экан-а?

Шу аснода профессор Даҳшатлинуcнинг овози, худди Ердагига ўхшаб, барча радиоприёмникларда баралла жаранглади:

— Дикқат! Дикқат! Даҳшатлинуc гапиради! Даҳшатлинуc Ерни чақиради! Узингиз кўриб турганингиздек, мен сиздан Ойни тортиб олдим. Агар унинг ўз жойига қайтишини хоҳласангиз, олтин ҳисобида ҳақини тўлаб қўйинг. Унинг вазни қанча бўлса, шунча олтин тўлайсиз. Астрономлар унинг оғирлигини грамм-граммигача биладилар. Жавобни роса бир кеча-кундуз кутаман. Агар шартимга рози бўлмасангиз, мен Ойни портлатиб юбораман

ва сиз уни ҳеч қачон кўролмайсиз! Гапларимни тўлиқ англаган бўлсангиз керак? Ҳеч қачон кўрмайсиз! Диққат-диққат! Даҳшатлинус гапиради...

Ёрдагилар унинг айтганларини яхшироқ уқиб олишлари учун иблисона олим ўз шартини яна икки марта такрорлади. Бағоят ноёб истеъдод соҳибни бўлгани жонибидан унинг учун сайёранинг барча радиостанцияларига бирваракай чиқиш, ўзингиздан қолаган йўқ, тирноқча ҳам қийинчилик туғдирмабди. Бироқ уларни қаттиқ қайғуга солган нарса шу бўлибдики, Ойнинг йўқолиб кетиши Ёрдагиларни заррача ташвишга солмабди. Америка Қўшма Штатлари, Совет Иттифоқи, Италия, Франция, Хитой, Япония ва бошқа жуда кўп йирик мамлакатлар ўша заҳоти кинотга бирибидан чарақлаган кўплай Ой йўлдошларини йўллабдилар. Бундан Ой нури илгаригидан ҳам кўпроқ ёрита бошлабдики, ҳатто ёруғдан уйқумиз харом бўляпти, деб баъзилар норози ҳам бўлишибди.

Профессор Даҳшатлинус эса аламидан бурнини тишлаганча Ойда қолишга мажбур бўлибди.

## ЭРТАКНИНГ ИККИНЧИ ТУГАШИ

Ойнинг йўқолиб қолиши Ер юзидаги барча одамларни қаттиқ ҳаяжонга солибди.

— Ой нурисиз энди қандай қилиб нафас оламиз?— деб сўрашаркан хаёлпарастлар.

— Электр қувватини тежайман деб мен ҳар кун Ой нурида ўрнига ётар эдим. Начора, энди лампочкани ёқишимга тўрри келаркан-да?— деб ёзғираркан аллақандай қурумсоқ.

— Ойимизни қайтиб беринг,— талаб қилар экан газеталар.

Аллақандай муттаҳам эса, Ойни сотиб олиш учун олтин йиғишни махсус комитет менга топширди, деб уйма-уй, эшикма-эшик юра бошлабди. Унинг ёлғонига учиб, узуги, сирғаси, маржони ва муночоғини бериб юборган соддадиллар ҳам талайгина топилди. Бир неча килограмм олтинни йиғиб олгач, ҳалиги муттаҳам Венесуэлага жуфтани ростлаб қолибди ва шундан кейин у ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса эшитмабди.

Башариятнинг ва Ой нурининг жазманлари бахтига ўша пайтларда Орта кўли бўйидаги Даҳшатлинуздан ҳам истеъдодлироқ ва кашфиётчироқ бўлган, бироқ ундай гаддор ва олчоқ бўлмаган бир олим яшар экан. Унинг исми Оҳанрабоюс экан. Атиги бир неча соат ичидаёқ, ҳеч кимга бир оғиз айтмай ва билдирмай, у атом улкан оҳанрабосини ихтиро қилибди ва шу оҳанрабо ёрдамида Ойни ўзининг илгариги эски меҳварига қайтарибди. Профессор Даҳшатлинусининг улкан кўтарғични бутун даҳшатли кучи билан ҳаракатга келтирмоқчи бўлган ҳамма уринишлари чиппакка чиқибди. У Оҳанрабоюснинг улкан оҳанрабоси олдида пашшачалик ҳам бўлмай қолибди. Қаттиқ қайғуга ботган аламзада Даҳшатлинус Юпитер сайёрасида қўнм топилди.

Одамлар эса Ойни ким ва қандай қилиб, боз устига бир чақа

ҳам сарф-харажатсиз жойига келтириб қўйганини билншолмабди. Оҳанрабоюс эса шуҳратга сира қизнқмас экан ва ҳеч кимга бир оғиз бир нарса айтмабди. Дарвоқе, у бу пайтда бошқа бир буюк кашфиёт билан банд экан — умрбод узилмайдиган тугма ихтироси устида иш олиб бормоқда экан. Айнан шундай тугмалар ихтироси сифатида тарихга кирганининг сабаби ҳам шу экан.

## ЭРТАКНИНГ УЧИНЧИ ТУГАШИ

Профессор Даҳшатлинуc берган «Старт!» командаси эшитилиши ҳамоноқ кескин овоз янграбди, уйдаги қўшнилари буни полициячилар машинасининг сиренаси деб ўйлашибди. Ихтироси билан шогирд эса бир неча лаҳзадан кейиноқ Ойдаги қандайдир кичкинагина бир кратерга бориб қолишибди.

— Қойил, синьор профессор!— ҳаяжон ичида қичқириб айтибди Иблисинуc қўлларини ишқалаб.— Минг карра қойил!

— Жим!— жаҳд билан дебди Даҳшатлинуc.— Гарчи Иблисинуc бошқа миқ этиб оғиз очмаган бўлса ҳам у бир оздан кейин яна:— Жим!— деб қичқирибди.

Профессор Даҳшатлинуc учинчи марта: «Жим!» деб қичқиргандан кейин Иблисинуc қандайдир ишқаллик содир бўлганини англабди. Кейин билса баҳайбат улкан кўтаргич ўзининг иблисона қувватини бекорга ҳайф қилмоқда экан. Ой ўзининг азалий ва абадий меҳваридан тирноқча ҳам нари-бери бўлмасмиш. Сизга шуни айтиб қўйишим жонзки, фаннинг барча соҳалари бўйича истеъдодли ва ихтироси олим саналган профессор Даҳшатлинуc узунлик ва оғирлик ўлчовлари билан асло чиқишолмас экан. Ойнинг вазнини аниқлаш чоғида тонналарни центнерга айлантиришда у хатога йўл қўйган экан. Маълум бўлишича, унинг улкан кўтаргичи аслида бизнинг Ойимиздан ўн баравар енгил бўлган ойга мўлжаллаб ясалган экан. Аламдан профессор Даҳшатлинуc ҳатто ниграб юборибди. Кейин эса у самовий кемачасига ўтирибди-да, шўрлик шогирди Иблисинуcни бир стакан сувсиз, қўрқувдан ўзига келнши учун бир дона карамелсиз Ой кратерида ташлаб, кониот бағрига сингиб кетибди.

## КИМДИР ИИГЛАЯПТИ

Етти қават кўрпаси тагида бир дона нўхат қолганидан ухлай олмаган малика ҳақидаги эртакни эшитганмисиз? Эшитган бўлсангиз, бир ёши улуг, гоят одамшаванда, эҳтимолки, ер юзидаги энг одамшаванда киши ҳақида ҳозир мен сизга айтиб бермоқчи бўлган бу эртакнинг мазмунини дарров англаб оласиз.

Бир куни у ўринга ётиб, энди чироқни ўчирмоқчи бўлган ҳам эканки, бирдан кимнингдир йиғлагани қулоғига чалинибди.

«Ажаб,— деб ҳайрон бўлибди ёши улуг синьор,— бу ким бўлнши мумкин? Ёки уйда қандайдир бегона зот борми?»

У ўрнидан турибди, елкасига ҳалатини солибди ва ўзи истиқо-

мат қиладиган мўъжазгина хоначасини айлашиб чиқибди, ҳамма чироқларни ёқиб, бурчак-бурчакларни кўздам кечирибди...

— Ие, ҳеч ким йўқ-ку! Балки, қўшмилардан биротасиникида бўлса керак...

У яна ўринга кириб ётибди, бироқ кўп ўтмай унинг қулоғига яна кимнингдир йиғлагани эшитилибди...

— Овоз, ҳойнаҳой, кўчадан келяпти,— дебди ўзинга-ўзи синьор.— Бўлмаса-чи, кимдир ўша ёқда йиғлаяпти! Бир ров чиқиб, қараб кўрай-чи, ўзи нима гап экан.— У ўривдан турибди, қалинроқ кийиниб олибди, чунки тун жуда совуқ экан-да, кейин кўчага чиқибди.

— Ана, сенга йиғлаётган одам! Худди биқинимда йиғлаётганга ўхшаётувди, бу ёқда бўлса ҳеч зор йўқ-ку! Балки қўшни кўчададир?..

Шу тариқа у йиғи кетидан қувиб, кўча кетидан кўча, майдон кетидан майдон ошиб, бутун шаҳарни юриб ўтибди ва ўзини шаҳарнинг энг чеккасида кўрибди. Шу аснода унинг кўзи йўлакда турган бир чолга тушибди. У бир уюм жавда-жуңдалар устида ётганча куйиб-ўртаниб инграр экан.

— Нима қиляпсиз бу ерда?— ҳайрон бўлиб сўрабди ёши улуғ синьор.— Тобингиз йўқми?

Ўзига мурожаат қилишаётганини кўриб, чол қўриқиб кетибди.

— А? Ким бу? Уй соҳибимсиз?.. Хўп-хўп, мен кетаман... Ҳозир, ҳозир кетаман...

— Кетиб, қаёққа борасиз?

— Қаёққа дейсизми? Қаёққа бўларди, бошим оққан томонганда... Менинг уйим йўқ, яқин қарииндошларим ҳам йўқ. Мен шу ерга келиб ўрнашиб олдим... Бугун тун шунақаянги совуқ келдики! Боғдаги скамейкада устингизга газета ёниб бир ухлаб кўрмиш-а. Бунақада абадий уйқуга кетиш ҳеч гап эмас... Сиз мен билан иш тутманг. Мен кетаман, кетаман...

— Йўқ, шошманг, тўхтаб туринг! Мен уй соҳиб эмасман...

— Унда мендан нима керак сизга? Э-ҳа, сурилиброқ ўтираймай?.. Келинг, ўтиринг! Менинг кўрпа-кўрпачам йўқ. Жой эса иккаламизга етади!

— Мен, биласизми, нима демоқчи эдим... Уйимда, ҳалигиндай... бир оз илиқроқ... Диваним ҳам бор...

— Диван дейсизми? Иссик дедингизми?

— Қани туринг, кетдик! Кейин, биласизми, нима қиламиз? Уйқуга ётишдан илгари бир пиёладан қайпоқ сут ичамиз...

Шундай қилиб, ёши улуғ синьор билан уй-жоғсиз чол иккалови узун-қисқа бўлиб йўлга тушишибди. Эртасига эса ёши улуғ синьор чолни касалхонага жўнатибди. Чунки, боғда ва боғ йўлақларида ўтказган саноқсиз тунлардан кейин у қаттиқ ша моллаб қолган экан. Ёши улуғ синьор уйга келга яқин қайтиб келибди. У энди ўринга кириб ётмоқчи бўлган экан, тағин кимнингдир йиғлагани қулоғига чалинибди.

— Яна ўша гап,— уҳ тортиб дебди у.— Уйни қидириб ўтирсам ҳам бўлади. Уйда ҳеч ким йўқлигини шундоқ ҳам биламан.

Уйку шунақанти кестокқа олжатики... Лекин мана бу йиғи овози миангни кемириб, ухлагани қўярми? Чиқиб бир қарай-чи...

Кеча кечқурун бўлганидек, ёши улуғ синьор уйдан чиқибди-да, афтидан аллақасдандир жуда узоқдан эшитилаётган йиғи овозини қувиб кетибди. Юриб бораверибди, бораверибди, бутун шаҳарни юриб ўтибди. Ана шундан кейин бўлган гаплар чинданами ғаройибдан-ғаройиб-да! Буни қарангки, не мўъжиза рўй берибди-ю, у бошқа шаҳарга келиб қолибди! Кейин ўзини учинчи бир шаҳарда кўрибди, бироқ ҳамон ким йиғлаётганини билолмай ҳайрон бўлибди. Мана, у энди бутун вилоятни юриб ўтибди. Ва охирида баланд тоғлар бағридаги бир кичкинагина қишлоққа бориб қолибди. Шу ерда у бир ғариб аёлни кўрибди. Аёл тўшакда ётган бемор боласи олдида ўтириб юм-юм йиғлармиш, чулки врачга борувчи одами йўқ эмиш.

— Мен болани ёлғиз ташлаб кетолмайман-ку! Кўчага олиб чиқишнинг эса сира иложи йўқ — қор гупиллаб уряпти.

Теварак-атроф ростданами оппоқ қор билан қопланган эди.

— Йиғидан фойда йўқ, — аёлни тинчитишга уриниб дебди ёши улуғ одам. — Менга айтнинг-чи, доктор қаерда туради? Унга ўзим бориб келаман. Сиз ҳозирча боланинг бошига ҳўл латта босиб туринг, енгил тортади.

Ёши улуғ синьор аёлга ёрдам бериш учун қўлидан келган ҳамма нарсани қилибди. Шундан кейин у уйга қайтибди. Энди ётиб ухламоқчи бўлган ҳам эканики, жуда яқинда, ёнгинасида, шундоқ ошхонада кимнингдир йиғлаётгани алайна-ошкор эшитилибди. Бир инсон боласи кўз ёши тўкиб, йиғлаб турганда қайси бағритош жим қараб тура олади дейсиз! Ёши улуғ синьор хўрсинибди, кийинибди, кўчага чиқибди ва товушни қувалаб кетаверибди. Шунда у вужудида яна ғалати бир туйғу ҳис қила бошлабди, яъни мўъжиза билан ўзини қандайдир ёт бир мамлакатда, денгизнинг нариги томолига ўтиб кетгандай сеза бошлабди. У ёқда эса уруш кетаётган бўлиб, жуда кўп одамлар бошпанасиз қолган экан, чунки уларни бомбардимон қилиниб, ер билан яқсон бўлиб кетган экан...

— Маҳкам бўлинг, бардам бўлинг! — деб уларга далда берибди ёши улуғ синьор. Яна қўлидан келганча ёрдам ҳам берибди. Шунга қараганда, қўлидан унча-мунча иш ҳам келар экан-да. Ҳар қолда одамлар йиғлашдан тўхтабди. Ва ёши улуғ синьор уйга қайтибди. Бироқ бу пайтга келиб тоғ отиб қолганидан ётиб ухлашга ҳожат қолмабди.

— Бутун кечқурун, — деб ўзича аҳд қилибди ёши улуғ синьор, — эртарақ ётиб ухлайман.

Шунга қарамай, қаердадир, кимдир ҳар доим йиғлаб туради-ку. Ҳар доим кимгадир қаердир ёқмайди — бу хоҳ Европада бўлсин ёки Африкада — барибир. Ёши улуғ синьорнинг қулоғига эса ҳар доим кимнингдир йиғиси чалғиб турар, сира унга тинчлик бермас экан. Бу ҳол ҳар кунги, ҳар тунга содир бўлар экан. Йиғи уни таъқиб қилиши бир зум қўймаскан. Гоҳида эса кимдир жуда-жуда узоқдан, ер куррасининг нариги чеккасида туриб йиғлар экан-у, барибир ёши улуғ синьорнинг сезгир қулоғи уни илғаб оларкан. Йиғилар келаверар ва сира ухлагани қўймас экан...

## ЭРТАКНИНГ БИРИНЧИ ТУГАШИ

Бундай бўлишига сабаб ёши улуғ синьор жуда ҳам яхши одам экан. Бахтга қарши, муттасил кам ухлаганликдан у жуда тажанг, ҳаттоки ҳаддан ташқари тажанг бўлиб кетибди.

— Бир тинчгина ухлай олсам эди,— дер экан у армон билан хўрсиниб.— Кунора бўлса ҳам рози эдим! Айтмоқчи, товба, бу ёруғ сламда мендан бошқа инсон зоти қуриб кетганми? Наҳотки, бу йиғи мендан бошқа бирон кимсани ташвишга солмайди? Наҳотки, ўрнидан туриб, бу йиғлаётган ким бўлди экан, деб бундоқ уёқ-буёққа қараш мендан ўзганинг хаёлига ҳам келмайди!

Баъзида эса йиғи овози яна эшитила бошлаганда у ўзига-ўзи тасалли беришга ҳаракат қиларкан:

— Бугун бормайман! Шамоллаганман, белим оғриб турибди... Бас, шундай бўлгач, ҳеч ким мени худбинликда айблай олмайди.

Бироқ кимдир, қаердадир шундай алам билан, ўртаниб йиғлар эканки, бечора ёши улуғ синьор қандай ўрнидан туриб кетганини ва ёрдамга шошилганини ўзи ҳам билмай қоларкан.

У ўзида тобора кўпроқ чарчоқ ҳис қила бошлабди. Баттар тажанг бўлиб кетибди. Бир гал ҳатто йиғини эшитмаслик ва бирпасгина бўлса ҳам мириқиб ухлаб олиш учун ётишдан олдин қулоғига пахта тиқиб олишга қарор қилибди.

«Фақат бир ё икки марта шундай қиламан, вассалом,— дебди у ўзига-ўзи,— бирпасгина одамга ўхшаб ором олиш учун шундай қиламан. Ахир, гоҳо инсон ўзига жиндай дам бериб турмаса бўларканми».

Шу-шу у қулоғига бир ой пахта тиқиб ётибди.

Бир кун кечқурун у қулоғига пахта тиқмабди. Ётиб, жим қулоқ солибди. У ярим тунгача ухламабди, кутиб ётаверибди, ананана эшитилиб қолади деб ўйлабди, бироқ ҳеч қандай йиғи-пиғи овози келмабди. Ҳеч ким йиғламабди, фақат аллақер — узоқ-узоқлардан итларнинг ҳуриши эшитилибди, холос.

— Ё ҳеч ким йиғламай қўйган,— дебди у охири,— ё мен қар бўлиб қолганман. Инма ҳам дердим, қайтанга яхши бўлди.

## ЭРТАКНИНГ ИККИНЧИ ТУГАШИ

Шундан кейин жуда кўп йиллар мобайнида ҳар кун тунда ёши улуғ синьор ўрнидан турар ва ҳар қандай об-ҳавода бировларнинг жонига ора киргани ер юзининг у чеккасида-бу чеккасига бўзчининг моксидек зир қатнар экан. У энди жуда кам ухлар, шунда ҳам тушликдан кейин ухлар, ҳаттоки ечинмай, ўзидан ҳам кексароқ ўриндиқда ўтириб ухлар экан.

Бу одамга бир нарса бўлиб қолмаганмикан, деб қўшнилари турли шубҳаларга бора бошлашибди.

— Қизиқ, тунлари у қаёқларда юрар экан-а?

— Қаерларда санқиши бир худога аён! Бунақаларни саёқ дейди, наҳотки шунга ҳам ақлинг етмайди?

— Уғрилиқ қилиб юрса ҳам, ажаб эмас...



— Ҳақиқат дейсизми? Бўлмаса нима қиларди тунда? Лекин жуда топиб айтдингиз!

— Изидан тушиб кўриш керак...

Кунларнинг бирида ёши улуг синьор турадиган кўпқаватли уйдан бир кишиникига ўғри тушибди. Қўшнилари бир овоздан буни ёши улуг синьорга тўнкашибди. Унинг хонасига кириб тинтув қилишибди, ҳамма нарсани остин-устин қилиб юборишибди. Ёши улуг синьор эса қаршилиқ кўрсатишга тиришибди:

— Мен айбдор эмасман! Мен айбдор эмасман!

— Шунақами ҳали? Хўш, бўлмаса айтинг-чи, тунлари қасрларда санқиб юрасиз?

— Мен... мен... Ҳалиги... Мен Аргентинада эдим, бир деҳқон сигирини йўқотиб қўйиб, тополмай юрган экан, шуни...

— Вой, беҳаё-ей! Аргентинада эмиш!.. Сигир қидиришиб юрган эмиш!..

## ЭРТАҚНИНГ УЧИНЧИ ТУГАШИ

Учинчи тугаши ҳали ниҳоясига етгани йўқ.

Ниҳоясига етганда ҳам тахминан мана бундай бўларди. Ажойиб тунлардан бирида бутун ер юзида биронта ҳам киши, ҳаттоки биронта ҳам чақалоқ кўз ёши тўкмабди... Эртаси кун тунда ҳам шундай бўлибди... Шундан кейин ер юзида кўз ёши тўкувчи ва бахтидан нолувчи биронта инсон зоти қолмабди.

Эҳтимол, қачонлардир шундай бўлар ҳам. Афсуски, ёши улуг синьор мана шу бахтли кунгача барҳаёт бўлиши учун жуда кексалик қилар экан. Лекин у илгаригидек тунлари ўрнидан туриб, йиғи овози келган томонга шошар экан, чунки у шундай яралган бўлиб, яхши замонлар келишидан асло умидини узмас экан.

## СЕҲРГАР ЕҚА-МАН

Бир ғариб сеҳргар бўлган экан... Эҳтимол, не, ўзи, сеҳргар бўллатуриб қанақасига ғариб бўларкан, деб ҳайрон қолаётгандирсиз? Одатда эртақларда бу икки сўзнинг ёнма-ён келишига ҳеч кўзингиз тушмайди. Лекин мана бу сеҳргаримиз эса ўзи сеҳргарларнинг сеҳрлари бўлса ҳам, барибир жуда ғариб яшар экан. Шунинг учун у барча мижозларидан маҳрум бўлганга анча замонлар бўлибди.

— Наҳотки,— дер экан у туриб-туриб тутаклиб кетган пайтларда,— энди ҳеч кимга керак бўлмай қолган бўлсам?! Илгариларги буюртмачиларим кўплигидан қайси бирининг илтимосини бажаришни билмай, шошиб қолар эдим! Бировга у керак бўларди, бировга — бу. Мен ҳеч бир мақтанмасдан айта оламанки, ўз ишимни жуда пухта биламан!.. Бундоқ атрофни айланиб, нима бўлганини бир қараб чиқмасам бўлмайди, шекилли. Эҳтимол, мендан ҳам зўрроқ яна бошқа сеҳргар пайдо бўлгандир? У билан танишиб олишим керак...

Сеҳргар айтганидай қилибди ҳам. У ўзининг қимматбаҳо асбоб-ускуналарини — сеҳрли таёқчасини, афеунлар китобини ва бир

неча хил тилсизли кукунларни олибди-да, «хув» дея бўлга тушибди.

Кетаверибди, кетаверибди, кун бўйи йўл юрибди. Кечқурун, ниқоят, қандайдар бир уйчага дуч келбди. Сеҳргар уйин дукил-литибди: «Дук, дук, дук!»

— Ким?— ичкаридан аёл кишининг овози келибди.

— Дўстларингизданман, синьора, дўстларингиздан!

— Жуда сиз! Кетаверинг! Дўстларим мени кўргани кам келишади. Қани, ўтиринг! Сизни нима билан сийласам экан-а? Сизга қандай ёрдамим тегиши мумкин?

— Бу гапларни менга айтмасизми? Пўк, синьора, ташаккур! Сизга безовта бўлманг! Балки, менинг сизга ёрдамим керакдир? Биласизми, мен сеҳргарман. Менинг исми Еқа-Ман.

— Сеҳргарман дейсизми? Жуда қизиқ-ку!

— Ҳа-ҳа, сеҳргарман. Мана бу таёқчани кўрайсизми? Кўринишдан оддий бир таёқча, лекин аслида-чи? У сеҳрли таёқча! Мен бор-йўғи иккитагина сўз айтсам бўлгани. Ҳа, бор-йўғи иккитагина. Бу сўзларни менидан бошқа ҳеч ким билмайди. Айтишим билан осмондаги юлдуз ерга яниб тушади-да, уйингизни чароғон қилади...

Шу ерга келганда уй соҳибаси унинг сўзини бўлибди:

— Ҳаҳ, эсим қурсин, шожманг, мен ҳозир чироқни ёқаман! Хаёл суриб ўтириб, қоронғи тушганини ҳам пайқамабман. Мени маъзур тутасиз-да! Мана, ҳаммаси жойида бўлди. Дарвоқе, сиз менга чироқ хусусида сўз юритаётган эдингиз, шекилли?

Бироқ сеҳргар шундай ҳайрон бўлибдики, бир оғиз бир нарса дейишга ҳам тили айланмабди. У оғзини катта очганича, худди «ҳал» этиб ютиб юборадигандек, лампочкага ағрайиб қараб қолибди.

— Аммо... Синьора, бу қандай қилиб қўлингиздан келади?

— Нимани айтаяпсиз? Э-ҳа, чироқми! Шунчаки улаган эдим, лампочка ёнди-ку! Электр деганларни бу жоннинг ҳузурни экан-ку!

Сеҳргар Еқа-Ман ўзинча янги «электр» сўзини дарров кўнглига жо қилиб олибди. «Мана, кўрдингми,— кўнглидан ўтказибди у,— менидан кучлироқ сеҳргарнинг исми нима экан-а?!»

Кейин у ўзини ўнглаб олибди-да, суҳбатни давом эттирибди:

— Боя айтганимдек, синьора, мен сеҳргарман, ақл бовар қилмайдиган мўъжизалар кўрсатишга қодирман. Масалан, сувли стаккага мана бу кукундан бир чимдим ташлаган заҳоти бу ердан жуда узоқда турган одамнинг овози қулоғингизга баралла эшитилади.

— Вой, буни қаранг-а,— деди синьора яна унинг сўзини бўлиб,— бу гапингиздан сантехникка кўнглироқ қилишим кераклиги эсимга тушди-я! Мени маъзур тутасиз! Мана номери... Алло? Бу сантехникми? Эртага келиб, ошхонадаги крани тузатиб бера олайсизми? Раҳмат, раҳмат! Хайр! Мана, ҳаммаси жойига тушди.

Сеҳргар Еқа-Ман анчагача ләм-ним деёлмай қолибди.

— Синьора, айтинг-чи, сиз ҳозир ким билан гаплашдингиз?

— Сантехник билан... Ахир ўзингиз эшитиб турган эдингиз-ку! Бу телефон дегани жуда жоннинг ҳузурди-да...

Сеҳргар яна ўйга толибди: «Илгари эшитмаган ва кўрмаган тагин бир ажойиботнинг шоҳиди бўлдим! Қара-я, дунёда шунча рақобатчиларим бор экан-у!...»

Кейин шундай дебди:

— Менга қаранг, синьора, мабодо бу ердап жуда ҳам узоқда турган бирои-бир кимсани кўришни истар эдингизми? Айтган заҳотингиз бажо келтираман! Менда яна бир хил кукун борки, унинг ёрдамда...

— Ҳай, бутун ўзи менга нима бўлган-а?— деб синьора яна сеҳргарнинг гапини оғзидан олибди.— Ҳозир телевизорни қўяман. Ахир чанғичилар мусобақасини кўрмоқчи эдим-ку. Бяласизми, ўғлим тор чанғиси спорти бўйича чемпион! Ҳозир қўяман, балки кўришга уагурармиз ҳали... Ҳа, ана айтмадимми, қаранг, қандай яхши-я! Мана бу менинг ўғлим бўлади! Ана-ана, кўрдингизми, ҳамма билан бориб кўришяпти! Бундай чиқди, у яна голиб бўлибди! Кўрдингизми, қиличдай йигит бўлган! Ҳа-я, сал бўлмаса гафлатда қолиб, кўрсатувни кўролмай қолар эканмиз. Сизнинг эслатиб қолганингиз жуда соз бўлди-да... Ростдан ҳам сиз сеҳргар экансиз!

— Ҳа, синьора, мен бошда сизга айтган эдим-ку, сеҳргарман деб. Менинг исмим Еқа-Мани!

— Қўяверасиз!— дебди синьора ҳаяжондан сўхбатдошнинг сўзлари қулоғига ҳам кирмай.— Бу телевизор деганлари турган-битгани ҳикмат экан!

Бечора сеҳргар бу янги сўзни ҳам эсда сақлаб қолиш учун икки қайта сўрашга тўғри келибди ва кўнглидан шундай ўйлар кечибди. «Мана, сенга яна бир рақобатчи! Нима учун менга қиладиган иш қолмаганини энди англадим — ҳаммаёқни турли сеҳргарлар тутиб кетган экан, тагин ҳаммаси менинг номимга даъво қиладди...»

Кейин у астойдил яна ҳар қанақанги хизмат бўлса, тайёр эканлигини баён қила кетибди:

— Шу десангиз, синьора, боя айтганимдай, мен буюк, машҳур сеҳргарман! Мен сизнинг бирои хизматингизга яраб қолармикинман — шуни билгани келган эдим. Мана, ўзингиз қаранг: мана бу — афсуслар китоби, мана бу — сеҳрли таёқча...

## ЭРТАКНИНГ БИРИНЧИ ТУГАШИ

Уша кунн сеҳргар Еқа-Манининг биронта ҳам мўъжиза кўрсатолмаганини тушунтириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. У жаҳон бўйлаб сўнгги бор саёҳат қилиб чиққандан бери ер юзнда жуда кўп ўзгаришлар содир бўлибди. Электр чироғи, телефон, телевизордан сўнг боёқиш сеҳргар яна юзлаб мўъжизаларнинг гувоҳи бўлябди. Илгари минглаб сеҳргарлар роса тер тўккан бу мўъжизалар эндиликда оддий одамлар ихтиёрида бўлиб, ҳаммасини уларнинг ўзлари ботқарар эканлар. Бунинг учун тугмачани босиб, шунчаки ёқар эканлар, вассалом.

Еруғ дунё асли қандай тузилганини обдон билиб олиш мақсадида сеҳргар бир қучоқ газета сотиб олибди. Улардан маълум бў-

лишича, сайёрамизда ҳали рақобатчиларнинг қадами етмаган жойлар тўлиб-тошиб ётибди экан — электр, телефон, телевизор ва шунга ўхшаган қулайликлар ҳамма ерда ҳам мавжуд эмаскан, ўзларига бундай замонавий мўъжизаларни сотиб олиш учун ёнларида пули йўқ одамлар дунёда ҳали жуда кўп экан.

«Мана бу зўр иш бўлди! — деб сеҳргар ўзинча қўлларини бир-бирига ишқалаган экан, улардан чирс-чирс учқунлар сачрабди. — Уша ёққа бораман! У ёқда ҳали мен қиладиган ишлар кўп экан! У ерда, ҳойнаҳой, менга ўхшаган софдил, кекса сеҳргарлар ҳурматини жойига қўйсалар керак!»

## ЭРТАКНИНГ ИККИНЧИ ТУГАШИ

Сеҳргар кекса синьоранинг сўзларини диққат билан эшитибди, унинг уйини кўздан кечирибди. Уйнинг турли-туман маиший техника билан жиҳозланганини кўрибди-ю, ҳозирги замонда гаройиб мўъжизалар учун ўрни қолмаганини англабди.

«Одамлар анча ақлли бўлиб қолибди. — деб ўйлабди у, — биз сеҳргарларнинг етти ухлаб тушганимизга кирмаган қаёқдаги балобаттарларни ўйлаб топадиган бўлиб кетишибди. Шунинг учун, азизим Ёқа-Ман, қўлингни ювиб, қўлтигингга суртавер. Ҳозирги замон тили билан айтганда, мослашмасанг, ишинг пачава эканлиги шундоқ кўриниб турибди. Бошқача қилиб айтганда эса ё ҳунарингни ўзгартир ёки танама тақдир қўйиб, хаста кексаликни бўйинингга ол».

Сеҳргар, албатта, аҳмоқ одам эмас эди, яна бир оз мулоҳаза қилибди-да, кўп ўтмай ўзининг иш режаларини туза бошлабди. У бир хона ажратиб, унда маиший электр асбоблари дўкони очибди. У молларини насияга ҳам сотар экан. Бинобарин, тез орада бойиб кетибди, машина сотиб олибди, Лаго Мажоро кўлидаги энг яхши курортда қўлнинг ўргулсин вилла қурибди, яхта ҳам сотиб олиб, ҳар яхшианбада кўлда яхта учадиган бўлибди. Агар шамол турмаса, у қайгурмас экан, ўзининг кичикроқ сеҳри билан елканларга пуфлар экан-да, бир неча минут ичидаёқ нариги қирғоққа етиб оларкан. У яхтасига мотор ўрнатишдан буткул воз кечибди — бензин пулини тежаркан.

## ЭРТАКНИНГ УЧИНЧИ ТУГАШИ

Уша кунги воқеа сеҳргар Ёқа-Ман учун қанчалик сабоқ бўлганини қай сўз билан айтса бўлади! Агар у аҳмоқроқ бўлганда борми, мутлақо ўзини йўқотиб қўйиши ҳеч гап эмасди-ёв. Яхшиямки, у аҳмоқ эмас эди, шунинг учун ҳам синьоранинг уйда кўрган нарсалари мўъжизага ҳеч қандай дахл қилмай, фан ютуқлари эканини англабди. Воз устига нидрок этишдан маҳрум бўлмаган одамзот наслига мансуб хилқат бўлгани учун ҳам у шундай мулоҳаза юри-тибди:

— Қаранг, ҳеч қанақа сеҳрли таёқча-паёқчасиз ҳам одамлар қанақанги ажойиботлар ижод қилмайди-я! Топган бор-йўқ қуроллари эса ақл билан қўлдан иборат, холос. Қим билиб ўтирибди дейсиз, ҳали бундан кейин яна нималар ихтиро қилмайди! Афтидан, мен учун бирдан-бир мақбул йўл — бу истеъфога чиқиш, оддий одамга айланиш ва билимини оширишга киришишга ўхшаб қолди. Шояд шундагини бирон янги нарса ўйлаб тополсам.

Истеъфога чиқиш учун сеҳргар сеҳргарлар жамиятига илтимоснома ёзиб ўтирмабди ҳам. Бунинг учун барча кераксиз сеҳрли асбоб-ускуналарини энг яқиндаги хандаққа ташлаб юборса, шунинг ўзи етиб-ортаркан. У шундай қилибди ҳам. Худди елкасидан тоғ ағдарилгандай, ўзини енгил ҳис этиб, мамнуи ҳолда янги ҳаёт сари шахдам йўл олибди.

## РИНАЛЬДОНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

Бир кун Ринальдо велосипеддан йиқилиб тушибди-ю, пешонасида муштдай гурра билан уйига кириб келибди. Иш қидириб бошқа мамлакатга кетган ота-онаси уни холасига ташлаб кетишган экан. Холаси Ринальдонинг аҳволини кўриб, капалаги учиб кетибди. Келиб-келиб бу ҳам ҳар донм ва ҳар нарсдан кўрқиб кетаверадиган холалар тонфасидан эканини айтмайсизми!

— Ринальдо, қўзичоғим, сенга нима бўлди?!

— Ҳеч нима бўлгани йўқ, Роза хола. Велосипеддан йиқилиб тушдим. Бор гап шу.

— Вой, ўлмасам, аҳволингни қара!

— Бу қандай бўлганини сиз ақалли кўрганингиз ҳам йўқ-ку?

— Ҳамма гап шунда-да, кўрганимда бунчалик кўрқмаган бўлардим.

— Кейинги сафар йиқилишимдан олдин, албатта, сизни чақираман!

— Оғзингга шамол, Ринальдо, шу ҳам ҳазил бўлдимиз? Яхшиси, айт, нега велосипедни уйнинг ичига судраб кирасан?

— Уйнинг ичига дейсизми? Йўқ, мен уни ҳар доимгидек, пастая, подъездда қолдирдим.

— Унда мана бу велосипед кимники?— деб холаси ошхона бурчагида турган велосипедни кўрсатибди.

Ринальдо қайрилиб қарабди ва деворга суялиб турган қизил велосипедни кўрибди.

— Буми? Бу меники эмас, Роза хола! Менинг велосипедим яшил-ку.

— Айтмоқчи, яшил эди-я... Унда кимники бўлди бу? Велосипед ўзи бу ерга чиқиб келолмайди-ку?

— Нима бўпти, балки бу ерда арвоқлар иш кўрсатган бўлиши мумкин.

— Ринальдо, улар тўғрисида гапирма, ўтниман сендан!

— Лекин чиройли велосипед экан-а?

Роза хола қаттиқ чинқириб юборибди.

— Сизга нима бўлди, холажон?

— Уни қара, тасни битга!

— Ие, ростданга яна битга велосипед пайдо бўлиб қолди.

Буниси ҳам чиройли экан.

Синьора Розани бутунлай ваҳима чулвабди — шу пайтга у

ҳеч қачон шунчални кўрқмаган экан.

— Ахир бу велосипедларнинг бари қардан келяти?

— Жуда оддий, — деб тушунтирибди Ринальдо, — қандайдир ажойиб мулкчага ўз кучини кўрсатаётибди, шекилли! Қани, бориб кўрайлик-чи, ҳали менинг манамга ҳам кириб қолган бўлса-я? Ана, айтмадими, қаранг, Роза хола, у ерда ҳам велосипед турибди! Ҳасмакни бўлиб учга бўлди! Агар шундай давом этаверса, кўп ўтмай бутун ўй велосипедга лим-лим тўлиб кетади-ку...

Шу он Роза хола кўрққанидан шунчални қаттиқ чинқирибдики, Ринальдо ҳатто қулоқларини бекитиб олибди. Ҳали оғзидан «велосипед» сўзи чиқиб улгурмасиданоқ хола ичи иўз очиб-юмгунча велосипедга лиқ тўлибди.

— Ун иккига велосипедга ваннахонада, — деб бепхтиёр санашга тушибди Роза хола, ўша томонга катта-катта очилган кўзлари билан ваҳимали қараб кўрган. — Иккитаси бўлса ванна қозонининг ичида. Бас қил, Ринальдо! Бўлди, мен ортиқ бардош беролмайман! — ёлворибди у янанига.

— Нимани айтмоқчи «бўлди» деб? Бунга менинг нима дахлим бор? Уларин мен ясаб чиқармаганман-ку! Топган гапингизни қаранг. Ақалли уч гилдиракли велосипедни йнғиш қўлимдан келмайди-ю, бунақаларга йўл бўлсин!..

— Жиринг-жиринг!

Худди осмондан тушгандай етол устида йилт янги, ҳали қоғозлари олинмаган ҳашаждор уч гилдиракли велосипед бино бўлиб қолибди. Қўнғироғи эса, гўё: «Мен ҳам шу ердаман!» дегандек қувноқ жаранглаб қўйибди.

— Жон Ринальдо, бас қил!

— Хола, ҳасмак, наҳотки бу нарса өз бўлса ҳам менга боғлиқ деб ўйлаётган бўлсангиз?

— Бўлмагани-чи, ўшди! Мен айтмоқчиманки... Йўқ, мен унақа ўйлаганим йўқ... Лекин барибир, Ринальдо, илтимос қиламан, эҳтиёт бўл, оғзингдан бошқа бир марта ҳам «велосипед» ёки оддий «учгилдиракли велосипед» сўзини чиқара кўрма!

Ринальдо кулаб юборибди:

— Агар гап фақат шунда бўлса, мен мутлақо бошқа нарсалар тўғрисида бемаълум гапмашасираман. Будильниклар ҳақида дейсизми, ёки тарвузлар ҳақидами... Ёки бўлмаса дейлик, шоколад бўтқаси ёки резинка эппетитлар ҳақидами...

Хола ҳушидан кетиб йиқилибди. Ринальдо бу буюмларнинг отини айтгани билан ўй ичи будильникларга, тарвузларга, бўтқаларга ва этикларга тўлиб бораверибди. Бу фавқулодда ва мутилмаган буюмлар худди ариқчаларга ўлишга, тўғридан-тўғри йўқ жойдан пайдо бўлмоқда экан.

— Хола! Холажон!

— А? Нима? Оҳ! — сал ўзинга келган Роза хола лаблари билан аранг шивирлабди.

— Ринальдо, азизим, ҳув азизи ерга бориб ўтириччи-да, башқа гиринг этма! Сен холаингни яхши кўрасанми? Уйда ўтир-да, жонингдан қимирлама! Мен эса профессор Де Сехргарисга бориб йўлиқай. Нима гаплигини у яхши билади.

Роза хола йўлиққани кетган профессор Де Сехргарис пенсионер экан ва қўшни уйда турар экан, Роза хола бирор мушкул масалани дал этмоқчи бўлса, доим униккига чопар экан, чунки профессор сира ялнгириб ўтирмас, ҳар доим унинг гапларини диққат билан эшитар ва маслаҳатлар берад экан. Фақат улур ёшдаги одамларгина ана шундай сабр-тоқатли ва инсофли бўладилар! Бу гап ҳам профессор ялнгириб ўтирмасдан, ўша заҳоти етиб келибди.

— Узи нима гап!— сўрабди у Ринальдодан,— ҳой йнгитчча, нима иш қилиб қўйдинг?

— Салом, профессор! Билмадим! Афтидан бу уйда ар...

Бироқ у арвоқлар сўзини айтиб улгурмаган ҳам эканки, Роза хола қўли билан шаппа унинг оғзини бекитибди.

— Йўқ, Ринальдо, керак эмас, гапирма бу сўзини! Башқа ҳар қандай сўзни айтсанг айтки, лекин арвоқлардан оғиз оча кўрма!

— Синьора, бундоқ тушунтирсангиз-чи, ўзи нима гап?— давом этибди профессор Де Сехргарис.— Нима бўлапти ўзи?

— Бунинг нимасини тушунтиради одам? У велосипеддан йнқилиб, пешонасида гурра орттириб олибди. Энди бўлса, мана, ўзингиз кўриб қўйинг; у қайси буюмнинг отини айтмасин, оғзидан чиқар-чиқмас ўша буюм дарров шу ерда пайдо бўлиб қолапти...

— Қаранг, профессор,— дебди Ринальдо,— масалани, мен «мушук» дейишим билан...

— Миёв!— деб миёвлабди печка ёнидаги стол устида бөр бўлиб қолган мушук.

— Ҳм!— дебди профессор.— Ҳм! Тушундинг!..

— Ана, кўрдингизми, шунақа гаплар! Унинг ота-ониси эса чет элга кетган! Шунақа бир дарди бедавого йўлиқиб қолган...

— Бунинг нимаси дарди бедаво бўлarkan?— қайроқ бўлибди Ринальдо.— Бу жуда ажойиб яраса! Масалани, пистали музқаймоқ егим келса...

Лоп этип стол устида пистали музқаймоқ солинган идиш пайдо бўлибди.

— Кўрнинишдан жуда зўр музқаймоққа ўхшайди!— дебди профессор.— Аттани, қошиқчаси йўқлиги чатоқ бўлди-да

— Қошиқча!— амр қилибди Ринальдо.— Яна бир кишилик! Яна битта қошиқча! Сиз-чи, холажон, музқаймоқ емайсизми?

Бироқ Роза хола жавоб бермабди. У яна ҳушидан кетиб қолган экан.

## ЭРТАКНИНГ БИРИНЧИ ТУГАНИ

Профессор Де Сехргарис бемалол музқаймоқни жингилдонига урибди ва суҳбатни ҳам давом эттирибди.

— Шундай қилиб,— дебди у,— велосипеддан йнқилиб тушганда рўй бериши мумкин бўлган ҳодиса чоғида Ринальдомизга жин ҳам урган йўқ. Қайтага номини бир оғиз атиши билан ҳар қандай

буюмнинг ўзига эга бўлиш имкониятини тугдирувчи мўъжизавий қудрат унинг вужудига жо бўлибди.

— Ё фалак!— нидо солибди Роза хола.

— У ёққа шошманг, синьора,— давом этибди профессор.— Энди сизга жаннат ер юзнда насиб бўлгай.

— Қандай қилиб?

— Жуда осон. Ринальдо «миллиард» сўзини оғзидан чиқарса кифоя, сиз миллиарддер хоним бўлиб турибсиз-да. Борди-ю, «ҳовузли дала ҳовли» деса-чи, ўзингизни сувга отаверинг. «Шофёрли автомобиль» деса, сиз сайрга отланаяпсиз. Унинг ота-онаси чет элларда иш қилдириб юриши шарт эмас. Ким билади, балки Ринальдо ўзининг эски қадрдоня, профессорни ҳам эслаб қолса, ажаб эмас. Унинг учун... Шошма, шошма! Ҳеч нарса айтмай тур... «Кучук!» — мана сен нима дейишни керак. Жуда ёш ҳам, жуда қари ҳам бўлмасин, яхши бир такса зотли кучук керак... У менга содиқ дўст бўлади. Биласизми, бир ўзим уйда шунақанги зерикаманки...

— Ҳам унақа, ҳам мунақа такса!— дарҳол такрорлабди Ринальдо.

Такса қувноқ ақиллабди, орқа оёқларида тик туриб, олдинги панжаларини профессор Де Сеҳргариснинг тиззаларига қўйибди. Профессорнинг кўзларидан миннатдорлик ёшлари қалқибди.

## ЭРТАҚНИНГ ИККИНЧИ ТУГАШИ

Хуллас, профессор Де Сеҳргарис гап нимадалигини тушунтириб берибди.

— Маслаҳатим шуки,— деб қўшиб қўйибди у,— ҳеч кимга ломим демайсиз. Акс ҳолда Ринальдонинг боши хатардан чиқмайди.

— Вэй, худойим нега ахир?

— Жуда оддий: унинг вужуддаги мўъжизавий қудрат битмас-туганмас бойлик манбаига айланиши мумкин. Борди-ю, бу ҳақда билиб қолшсам, у ёғини ўзингиз тасаввур қилаверинг, унинг бу қудратидан фойдаланиб қолш учун қанчалаб ярамас инсонлар Ринальдоня қўлга туширишга ҳаракат қилмайди, дейсиз!

— Ё худойим-ей!

Хола билан жиян бир-бирларига қараб қўйишибди ва жимиб қолишибди.

— Нима қилиш кераклигини,— дебди профессор, ўридан тураркан,— нима қилиш кераклигини эртага ҳал қиламиз.

— Эртага...

Кези келганда шунини айтиб қўйишим керакки, профессор Де Сеҳргарис икки тарафлама ҳаёт кечираркан. Қундузи у профессор, пенсионер экан, кечалари эса бутун Европа банкларини шип-шийдон қилувчи машҳур қароқчилар тўдасига раҳбарлик қилар экан. Де Сеҳргарис ўз одамларига қўнғироқ қилиб, уларга Ринальдоня олиб қочишни буюрибди. Кейин уни тўхтовсиз «олтин, олтин» деб гапиришга мажбур қилишибди, натижада олтин шу қадар кўп тўпланибдики, уни ўнта шатакли автопоездга лиммо-лим тўлдириб ортилганда ҳам бари жой бўлиши амри маҳол экан. Де Сеҳргарис



биринчи автопоездга ўтирибди-ю, қаттиқ бир сигнал берганча жўнаб қолибди. Шундан кейин ҳеч ким унинг қорасини кўрмабди. Ринальдо бўлса бу бадбахт «олтин» сўзини такрорлайвериб, говуши битиб, хириллаб қолибди. Лекин шунда ҳам бирон-бир нарсани тилга олиши билан сеҳр ўз кучини кўрсатаверибди! Барибир Роза хола ҳам қуруқ қолмабди — велосипед, будильник, тарвуз ва бошқа лаш-лушларни пуллаб, чўнтагини қаппайтирибди.

## ЭРТАҚНИНГ УЧИНЧИ ТУГАШИ

Музқаймоқни еб бўлгач, Ринальдо яна беришларини сўрабди. Лекин у бунини шунчалик тез бажарибдики, музқаймоқли идиш ҳали столга қўйилмасдан илгари тўғри унинг бошига келиб тушибди. Агар гап фақат музқаймоқнинг ўзида бўлганида, ўзингизга маълум, иш ҳамирдан қил суғургандай осонгина битарди-қўярди. Лекин ҳамма бало шундаки... музқаймоқли идиш келиб-келиб Ринальдо велосипеддан йиқилганда орттирган ғуррага келиб урилибди. Ҳа-ҳа, шу урилгани жуда чатоқ бўлибди-да. Шу дақиқадан бошлаб Ринальдонинг нарсалар номини айтиши беҳуда кетаверибди — унинг олдида автомобиль у ёқда турсин, бир чирик картошка ҳам пайдо бўлмабди.

## ЧҲПОННИНГ УЗУГИ

Энди мен сизга Римдан унча узоқ бўлмаган водийда отарини боқиб юрган бир чўпон ҳақидаги эртақни сўзлаб бераман. Кечқурун қўйларини кўрага қамаркан-да, чўпон нонни пишлоқ билан еб оларкан, кейин ерга похол тўшаб, донг қотиб ухларкан. Эрталаб эса об-ҳаво қандай бўлишидан қатъий назар, жазирама иссиқми, чирсиллаган совуқми, қорми, ёмғирми, довулми, бўронми — ҳеч нарсага қарамай, қўйлари ва ити билан яйловга қараб йўл олар экан. Шу тариқа кўп ойларни уйдан узоқда айру ҳолда ўтказибди. Бир ҳисобда ҳамма маза шу чўпонники экан.

Бир кун кечқурун у энди похол тўшагига ётмоқчи бўлиб турганида бирдан кимнингдир уни чақирган овозини эшитибди:

— Чўпон! Ҳой чўпон!

— Ким у?

— Дўстларинг келди, чўпон, дўстларинг!

— Нафсиламрини айтганда, менинг дўстларим унчалик кўп эмас. Биттаси мана бу содиқ кўппагим бўлади. Сиз кимсиз? Сизга нима керак?

— Йўловчиман. Бугун кун бўйи йўл юриб келяпман. Эртага ҳам узоқ сафар пойлаб турибди. Поездга чиқай десам, ёнимда сариқ чақа ҳам йўқ... очман... Ўзимча, кел, шу ерга бир қўниб ўтайчи, дедим.

— Келинг-келинг, марҳамат, ўтиринг. Бисотимда шу нону пишлоқдан бошқа ҳеч вақо йўқ. Агар кўнглингиз тортса, ичшига суғбор. Тортинмасдан бемалол тамадди қилиб олаверинг!

— Ташаккур, жуда ҳам танги йиғит экансан! Ўнчилорнинг жуда ҳам ёғлиқ, мазалик экан! Узинг қилганимсан?

— Албатта, ўзим қилганиман. Лекин мен қотган. Юмшоқ нонни энди эртага олиб келиб беришади. Агар бугун эрхага айланиб қолганда-ку...

— Ташвиш қилма! Шунисига ҳам шукур. Қорин оятанда эртанги юмшоқ нондан бугунги қотган нон илгари туради.

— Сезишимча, қурсоқ масаласига келганда сиз талай нарсаннинг фарқига борар экансиз.

Йўловчи еганича ебди, ичганича ичибди. Кейин, ётиб дамнини олсин, деган ниятда чўпон тагидаги похолдан бир қисмини унга томон суриб қўйибди. Эрталаб улар қуёшнинг илк нурлари чарақлаганда уйқудан туришибди.

— Раҳмат сенга, чўпон!

— Арзимаёйди... Бир тутам похол учутми...

— Лекин мен шоҳ тушагида ётгандан ҳам мирқиброқ ухладим!

— Сезишимча, уйқу масаласига келганда сиз талай нарсаннинг фарқига борар экансиз...

— Мен шундай яхши ҳордиқ чиқардимки,— дебди йўловчи гапига давом этиб,— эвазига сенга бир совға бермоқчиман, эслаб юрарсан. Мана, ол!

— Совға дедингизми? Ахир, бу... ахир бу — узук-ву!..

— Ҳа-да, оддийгина темир узук. Эсдалик учун дедим-ку. Лекин ёдинда бўлсин — йўқотиб қўйма уни!

— Ҳаракат қиламан...

— Асқотиб қолиши мумкин...

— Сиз шундай дегач...

Шундан кейин улар ажрашиб, бири у ёққа, бири бу ёққа кетибди. Чўпон узукни чўнтагига солиб қўйибди—да, ўша зақоти эсидан чиқарибди.

Шу кунги кечаси унинг қўрасига тини-тирмоқитгача ўролланган икки қароқчи бостириб кирибди.

— Қани, дарров сўй қўзичоқни!— деб буйруқ беришибди улар чўпонга.— Сихга тортиб, кабоб қил!

Бунақа худонинг балолари билан ади-бадига бориб бўларканми!

— Тузига эҳтиёт бўл — кўп ҳам бўлмасин, кам ҳам!— дўқ уришибди улар.

Чўпон кабобнинг тузини расо қилишга тиришибди, ҳудота шукурки, овқат чақирилмаган меҳмонларнинг кўнглидагидек бўлибди. Ҳадеб дўқ уриши, бўлар-бўлмасга буйруқ бероларинга қараганда бошлиқдай кўринган биттаси ҳатто қўл суртилгачдан кейин шундай дебди:

— Қўлнингга гулдай хунаринг бўла туриб, нега қўй боқиб юрганингга ҳайронман. Ҳақиқий боварчи экансан-ку...

— Қўлдан келганича, тақсир...

— Тўғри айтасан, сенинг қўлингдан нима келерди? Кабоб пишриш экан, кабоб пишриб бердинг. Бизнинг қўлимиздан нима келади? Уни ейиш. Мана, пок-покизи туширдик. Қилган гаплар эса кейин бўлаверадим.

— Қолган паллар, дедингизми? Тушунмадим..

— Тушунасан, чўпон, тушунасан! Бахтсизлигинг шундаки, сен бизнинг башарамизни кўрдинг!

— Ундалик бахтсизман деб бўлмайди,— деб жавоб берибди чўпон. Бу билан у, жуда ҳам моховбашара эмассизлар, дегандек бўлибди.

Бироқ қароқчи унга нимада янглишаётганини тушунтирибди.

— Гап шундаки, азизим, қишлоққа қайтгач, сен биз ҳақимизда одамларга сўзлашинг турган гап, шунда иш чаппасига кетиши мумкин. Е ногўғрими? Сен биз ҳақимизда полицияга етказишинг мумкин: ҳа, биттаси кексароқ, букчайганроқ эди, иккинчиси эса ёшроқ, бурнингиз ушда бир тутам соқоли бор эди, дейсан...

— Бурнингизда ҳеч қанақа соқол-поқолингиз йўқ-ку!..

— Мен шунчаки айтаман. Хулласи калом, сен биз учун хавфли одам бўлиб қолдинг. Лекин кўрқма, биз сенга қулинг ўргулсин қилиб қабр қазамиз, ҳатто чеккаларига гуллар ўтқазиб қўямиз...

— Қабр? Аммо... Сизларнинг мақсадингиз нима ўзи?

— Оғзингга қараб гапир — наҳотки биз сени қабрга тириклайин тиксак?

— Мени ўлдирмоқчимисизлар ҳали?

— Одам деган даргом тушуна қолса-да, чўпонвой! Ўлдирмасак бўлмайди. Қолаверса, бу унчалик қийин иш эмас. Ишлашдан кўра ўлиш анча осон нарса. Бу ахир... Ҳой чўпон... Шошмай тур! Қаёққа кетдинг? Чўпон! Қани, бўл, шерик, сен авани ерни қидир, мен бу ерни қарайман. Чўпон, чиқ бу ёққа, ахир биз шунчаки ҳазил қилган эдик! Сени ҳеч ким ўлдирмоқчи эмас! Ҳозир бекишмачоқ ўйнайдиган маҳал эканми?.. Чўпон!

Нима гап бўлган экан ўзи, деб сўраяписизми? Бўлган гап шуки, қароқчиларнинг дўқ-пўписаларини эшитган чўпон кўлини чўиталига тикқан экан, ҳалиги темир узукка тегиб кетибди. Шу лаҳзада у кўринмас одамга айланиб қолибди. У ҳеч қаёққа жилгани йўқ, ўша-ўша жойда олов ёнида ўтирган экан, лекин қароқчилар уни кўришмаётган экан! Улар чўпонни роса-чақиринибди, кўрани бошдан-оёқ қидиришибди, ҳар даҳзада отишга ҳозирланиб, милтиқларининг тиккисини кўтариб ҳам қўйишибди, бироқ барча ҳаракатлари зое кетибди! Чўпон чўпон ўзини билдириб қўймаслик учун жойидан қимир этмай қаққайганча ўтаверибди.

## ЭРТАКНИНГ БИРИНЧИ ТУГАШИ

Охири қароқчилар излайвериб роса тинкаси қурибди ва тоққа, ўзларининг яширын ёрларига қайтишибди. Чўпон эса қўйларини ўзининг бирдан-бир содиқ ҳамроҳи бўлмиш садоқатли кўплагига қолдирибди-да, ўзини билдириб қўймасликка тиришиб, овоз чикармай, қароқчилар изидан кетибди. Барибир у оёқ остидан чиқиб қолган қуруқ барг ё шағал тошларни босиб оларкан. Шунда қароқчилар тўхтаб, кўрқа-писа атрофни кўздан кечира бошлар, ҳеч ким кўринмагач, енгил нафас олиб, яна йўлда давом этар экан.

— Қажжқ,— дебди охирида бошлиқ,— менга ҳаминша орқамиздан кимдир таяқиб қилиб келаётганга ўхшаб туюлади.

Наригиси уни маъқуллагандек бош ирғаб қўйибди.

— Ҳолбуки, ҳеч бало кўришмайди,— давом этибди бошлиқ.

Нариги қароқчи бунга ҳам дарров бош ирғаб жавоб қайтаришти. У бирдан-бир қоидага амал қилар экан — бошлиғининг ҳамма гапларини маъқуллаб турар экан.

Ўрмон ва тоғлар оша чўпон икки қароқчин издан жуда узоқ юрибди. Ниҳоят, улар бошқа қароқчилар кутиб турган ғорга етиб келишибди. Шунда унинг қулоғига қароқчиларнинг суҳбаги чалинибди ва уларнинг гап-сўзларидан қандайдир поезд йўлини тўсмоқчи, йўловчиларни тунамоқчи бўлаётганларини билиб олибди. Кўп ўтмай ҳамма қароқчилар яхшилаб қуролланиб олибди-да, йўлга тушибди. Бир ўзи қолган чўпон ғорни кўздан кечира бошлабди, ҳамма бурчак-кавакларни қараб чиқибди, ҳали у тош, ҳали бу харсанг тағларини тимироскилабди. Охири похол остини тизкилаб, бир чуқурчани кўриб қолибди. Аслида бу ерга қароқчилар талон-торож қилиб келган хазиналар, кўпдан-кўп олтин, қимматбаҳо буюмлар ва пуллар бўри терисига ўраб, кўмиб қўйилган экан.

Чўпон хазинадаги нарсалардан халтасини тўлдириб олибди, сўнг ёмғирпўшини ерга ёйибди-да, унга ҳам олтин-кумушлардан кетганича ўраб-чирмабди. Изига қайтаркан, кўтарган юкининг вазминлигидан букчайиб, ихраб-сихраркан. Хойнаҳой, сиз уни қадрдон кўраси ва вафодор ити олдига шошаяпти деб ўйлаётгандирсиз? Энди бу отарнинг унга нима кераги бор? Шунчалик бойиб кетибдики, истаса бундай отардан юзтасини сотиб олишга қурби етаркан. Бас, шундай экан, нега у ёлғиз яшайди? Чўпон тўғри шаҳарга қараб йўл олибди. Йўлда у қувноқ бир қўшиқни хиргойи қила кетибди: «Рим, эй гўзал Рим, Чўпонни қабул қил, шоҳдан бой чўпон келди! Ҳай, ёр-ёр, айланай, ҳай ёр-ёр, айланай! Чўпонни қабул қил, шоҳдан бой чўпон келди!»

## ЭРТАҚНИНГ ИККИНЧИ ТУГАШИ

Қидиравериб, қидиравериб роса ҳолдан тойган қароқчилар охири кетишибди. Чўпон эса унинг ҳаётини сақлаб қолган узукни ўшиб қўйибди. Ана шу ўпиши чакки бўлган экан-да. Чунки у яна кўринадиган бўлиб қолибди-да. Чўпон бунга дарҳол англабди, чуқки шу пайтгача жимгина мудраб ётган кучук тўсатдан сапчиб тушибди-да, суюнганидан қаттиқ-қаттиқ ҳура бошлабди.

— Баракалла!— дебди чўпон.— Омадимиз чопганини сен ҳам билар экансан. Шунақа, дўстим, энди бу тузсиз турмушимизнинг баҳридан ўтмасак бўлмайдиганга ўхшайди. Мана бу кўнгилга энгир ёғдай теккан овсар қўйлар билан видолашув онларни келди! Мен изқувар, чакана изқувар бўламан! Ахир, мана бу узук ёрдамида мен ҳар қандай ва энг чингал ишларини ҳам осонгина бир ёқлик қила оламан-ку! Уйларга бемалол кира оламан, безориларни тута оламан, далилларни тўплай оламан, изларни қидириб топа оламан, сувратга тушира оламан ва ҳоказо, ва ҳоказо. Қисқаси, энг элчил ва абжир ўғриларини, энг моҳир пул қаллобларини ва энг

давгалчи талончиларни шаппа-шаппа ушлайман. Бир вақт қаряб-санки, бутун Италия ва Швейцарияга донғим ёйилган. Ҳаттоки бутун Африкада доврұқ қозонсам ҳам, ажаб эмас!

Шундай бўлибди ҳам. Бир неча ойдан кейин қарийб бутун Европа газеталари фақат «Изқуварлар шоҳи», яъни ўзига бошқача лаҳаб — Доктор Кўрнимаснус номини тақиб олган киши ҳақидагина ёзадиган бўлибди.

## ЭРТАҚНИНГ УЧИНЧИ ТУГАШИ

Омади чопганидан чўпон ўзида йўқ севнибди.

— Жуда баҳоси йўқ узук экан!— дебди у.— Уни менга берган одам икки дунёда ҳам кам бўлмасин!

Бироқ уни йўқотиб қўйишдан қўрқиб, энди кечаси ҳам, кундузи ҳам ташвишдан боши чиқмай қолибди.

— Чўнтакда,— деб мулоҳаза юритибди у,— узукни олиб юриш мумкин эмас — дастрўмолни олаётиб тушириб қўйишим мумкин. Бир тушдими, тамом деявер! Қўлга тақиб юришга эса арзинмайди — бор-йўғи темирдан-да. Яхшиси, яшириб қўйганга не етсин... Лекин қаерга яширай? Ҳа, топдим, мана бу ерга! Мана бу дарахтда бонга қонак бор экан...

У шундай қилибди ҳам — узукни дарахт ковагига яшириб қўйибди. Кейин отарини ййловга ҳайдаб борибди-да, «бу узукдан қандай фойдалансам экан», деб хаёл сура кетибди. Унинг кўнглига жуда кўп, бир-биридан ғаройиб гаплар келиб-кетибди, бироқ улардан биттаси ҳам амалга ошмабди. Сабабки, у отарини боқиб юрганда узукни бир майна кўриб қолибди. Қуш уни панжасида чапгаллаганича ўз уясига олиб кетибди, унинг уяси қаердалигини эса бир ўзи-ю, худо биларкан! Шу-шу, чўпон кўринмас одамга айланшдан абадий маҳрум бўлибди, узук эса беному нишон йўқолибди.

## САИЕРАЛАРГА ҚАТНАЙДИГАН ТАКСИ

Бу саргузашт эса миланлик такси ҳайдовчиси Пеппино Компанининг бошидан ўтган экан. Бир кун кечқурун у машинасини гаражга қўйгани Генуя дарвозаси томон шошмасдан кетиб борарди. Унинг шахти пастроқ экан, чунки ўша кун иш унча юришмабди, бунинг устига қаёқдаги шаллақи ва ёқимсиз миждозлар учраб, таъбини хира қилибди. Айниқса, бир синьора уни худди она сутини оғзига келтириб юборибди. Уни магазин олдида пойлаб оз эмас, кўп эмас нақ қирқ саккиз минут қолиб кетса-я! Бунинг учун жарима ҳам тўлашга мажбур бўлибди. Мана, ҳозир ишдан қайтар экан, битта-яримта ҳожатманд чиқиб қолмасмикин дея Пеппинонинг кўзи йўловчиларда эди. Ҳа, ана, қандайдир бир синьор қўлини силкитаяпти!

— Такси, такси!

— Марҳамат!— Пеппино дарҳол тормоз бериб, машинани тўхтатибди.— Фақат шуни айтиб қўяйки, менинг иш вақтим тугаяпти, Генуя дарвозаси томон кетаяман. Сизга йўл бўлсин?

— Қаёққа бўлса, ўша ёққа, фақат тезроқ ҳайданг!

— Пўқ-йўқ, аввал қаёққа боришингизни айттинг, барака топ-кур, узоқками, яқингами... аммо жуда ҳам узоққа бўлмасин...

— Ҳайдайверинг! Ҳеч қаёққа бурилманг, фақат тўғрига ҳайданг. Тезроқ!

— Хўп бўлади, синьор!

Пеппино газ педалини босибди-ю, машина шамолдай елиб кетибди. Орқани кўрсатиб турадиган кўзгудан Пеппино миждозига рази солиб қарабди. Садқан одам кет! «Қаёққа бўлса ўша ёққа» эмиш... «Ҳеч қаёққа бурилманг, фақат тўғрига ҳайданг, эмиш!» Миждозинг бўлса юзи кўринмасди — бошини кўтарилган ёқаси ичига тикиб, шляпасини бостириб кийиб олганди. «Ана холос! — деб ўйлабди Пеппино. — Балки бу ўғри бўлса-чи? Изидан ҳеч ким қувиб келмаётибдими, ишқилиб, бир қараб қўйиш керак... Пўқ, изидан тушмаганга ўхшайди. Қўлида на портфели, на сумкаси бор — салт-сувой. Фақат аллақандай халтача кўривади. Ана, у халтачани очаяпти... Ажаб, буниги нима бўлди экан? Шоколад донасими? Худди ўзи! Фақат негалир бу кўк туслими? Кўк тусли шоколадни умримда кўрмаганмав... Бу бўлса оғзига солиб еяпти-ку. Дарвоқе, ҳар кимнинг ўз таъби... Бировга у ёқади, бировга бу. Ана, кўз очиб юмгунча манзилимизга етиб келибмиз...»

— Ҳой, менга қарал... Ўзи нима гап? Нима бўляпти? Нима қиляпти? Муддаонгиз нима?

— Ташвиш қилманг, — хотиржам жавоб берибди миждоз. — Сиз ҳеч қаёққа бурилмай, фақат тўғрига қараб ҳайдайверинг.

— Қанақа тўғрини айтаяптисиз тағин? Қаер тўғри, қаер қий-шиқлигини фарқлаб бўлмаяпти-ку! Ахир биз ҳавода учиб кетяп-миз! Ердан беринг! Қўтқаряпти!

Қайсидир осмонпар бино устида тиккайиб турган телевизор антеннасига урилиб кетмаслик учун Пеппино рулни кескин ўнгга қараб бурибди ва яна безовталана бошлабди:

— Машинами нима қилиб қўйдингиз? Бу қандай номаъқул-чилик?

— Қўрқманг. Ҳеч нарса бўлмайди.

— Яна ҳеч нарса дейсиз-а! Такси осмонда учиб кетяпти-ю, тағин ҳеч нарса бўлмайди, деб уқдирмоқчи бўласиз? Ҳеч нарса деб айтишга осон... У-ў, қаранг-қаранг, Милан собори устидан ўтаётимиз! Ҳозир тўғри унинг найзасига бориб уриламиз... Э-боре-е, менга деса баттар бўлсин! Ҳар ҳолда аҳмоқона ҳазилдан кўра муддаонгиз нималигини айтсангиз бўлармиди?

— Бу ерда ҳеч ким ҳазил-пазил қилмаётганини аллақачон аниқлашингиз лозим эди, — жавоб берибди миждоз. — Ҳа, биз уч-ямиз. Тағин нимада денг!

— Нимада деганингиз нимаси? Менинг таксим ракета эмас!

— Энди буни самовий такси деб ҳисоблайверинг.

— Қанақанги «самовий такси» бўларкан? Бунинг устига са-молёт бошқарги ҳуқуқин ҳам йўқ. Сизни деб ҳали жарима ту-ламасам гўрға эди. Инсоф билан бундоқ тушунтирсангиз-чи, қандай қилиб учиб кетяпмиз ўзи?

— Дунёда бундан жўл нарса бўлмаса керак. Мана бу кўк шоколад донасини кўряпсизми?

— Кўрганда қандоқ. Ундан бир тишлам узиб еганингизни боя кўрган эдим.

— Тўғри, ундан бир тишлам тановул қилсангиз, бас, у ишга тушиб кетади. Бу антигравитацион двигателъ бўлиб, у бизга тезликни нур ва яна бир метрга ошириш имконини беради.

— Яхши, булар ҳаммаси жуда яхши! Айтиш мумкинки, минг-минг чандон гўзал! Фақат, ҳурматли снйбор, мен уйга кетишим керак. Мен Ойда эмас, Генуя дарвозасида тураман!

— Тўғри, бизлар Ойга учаётганимиз йўқ.

— Шунақами? Унда қаёққалигини билсак бўладими?

— Альдебаран юлдузининг еттинчи сайёрасига. Мен ўша ерда тураман.

— Жуда соз. Лекин мен Ерда яшайман-ку.

— Хуллас, тагига етмагунча қўймайдиганга ўхшайсиз. Биласизми, мен ерлик эмас, альдебаранликман. Мана, кўринг!

— Тагин нимани кўришим керак экан?

— Мана бу еримда учинчи кўзим бор!

Ху падарига қусур, ростдан ҳам учинчи кўз.

— Энди қўлларимга қаранг. Бармоқларимни сананг-чи.

— Бир, икки, уч... олтя... ўн икки... Бир қўлингизда ўн иккита бармоқ борми?

— Худди шундай. Хўш, энди ишонгандирсиз? Мен Ерга командировкага келган эдим. Сизларнинг қандай яшаётганларингизни билгани юборишган эди мени. Ҳозир ўз сайёрамга қайтиб кетяпман.

— Қойил! Уз бурчингизни ҳалол бажараяпсиз. Мен-чи? Мен нима қилганим керак? Энди мен уйга қандай қайтаман?

— Сизга бир дона кўк шоколад бераман, чайнайсиз-у, бир минутдан кейин ўзингизни Миланда кўрасиз.

— Шундоқ сеҳрли кўк шоколадингиз бўла туриб, нега такси кира қилиб юргангизга ҳайронман.

— Бир гал ўтириб саёҳат қилишни кўнглим тусаб қолди. Шундай жавоб қайтарсам, кўнглингиз жойига тушар? Кўзингизга қаранг, келиб қолдик.

— Ана у кўриниб турган соққа, ҳойпаҳой, сизнинг сайёрангиз бўлса керак?

«Ана у соққа» яна бир неча дақиқадан кейин улкан куррага айланди-ку, Пеппино Компаньонинг таксиси даҳшатли тезлик билан унинг сиртига яқинлаша бошлади.

— Ху анави жойга, чапроққа,— деб йўл кўрсатди мижоз.— ҳов анави майдонга кўнамиз.

— Таажжуб, у ерда сиз қанақа майдонни кўра қолдингиз? Ҳаммаёқ бийдай дала-ку.

— Менинг сайёрамда дала деган нарса бўлмайди.

— Унда бу майдон яшил рангга бўялган жой бўлиб чиқар?

— Уҳ!.. Пастроқ... Яна пастроқ тушинг... Ана, бўлди! Эсон-омон етиб ҳам келдик!

— Мен сизга нима деган эдим? Бу ўт эмасми? Вой товба, ана у нима бўлди?

— Нимани айтаяпсиз?

— Қаранг-а!.. Улкан товуқлар... Ҳаммаси ўқ-ёй билан қуролланиб олган, тўғри биз томонга бостириб келяпти!

— Уқ-ёй дейсизми? Улкан товуқлар дейсизми?.. Менинг сай-срамда бунақа нарсалар йўқ эди-ку!

— Йўқми? Ундай бўлса, биласизми, сизга бир гап айтаман!

— Керак эмас! Биламан. Биз йўлдан адашдик. Шошманг, ўйлаб олай...

— Ўйланг, тезроқ ўйланг, акс ҳолда улар бизга жуда яқинлашиб қолишди. Епирай, эшитдингизми? Уқ ҳуштак чалиб ўтди! Бўлинг, синьор Альдебаран, тезроқ шоколадингиздан ютиб олинг-да, дарҳол бу ердан туёғимизни шиқиллатиб қолайлик, ахир Пеппино Компаниони Миланга ўлик эмас, тирик қайтишни хоҳлайди. Тушундингизми?

Пеппино Компаниони кўк шоколад деб атаган тилсимли моддадан само сайёҳи тезроқ бир тишлам узиб олишга шошилди.

— Ютсангиз-чи, имилламасдан! Чайнамасдан ютаверинг, бўлмаса ҳалок бўламиз!— деб қичқирибди такси ҳайдовчиси.

## ЭРТАКНИНГ БИРИНЧИ ТУГАШИ

Такси бир силтаниб жойидан қўзғалибди-ю, шамолдай елиб кетибди. Барибир орқа гилдирагига бир ўқ келиб санчилибди ва вишиллаб гилдиракнинг дами чиқиб кетибди.

— Эшитдингизми? Тешилди!— алам билан дебди Пеппино.— Бунинг пулини тўлаб қўйишингизга тўғри келади!

— Бу ёғидан гап еманг, тўлайман!— дебди синьор Альдебаран.

— Ҳўш, у ёғига адашмасдан тўғри келяпмизми? Ёки яна бошқа бир ёввойи сайёрага келиб қолдикми?

Бахтга қарши, шошганидан миждоз шоколадни меъёридан кўпроқ ютиб юборган экан, самовий такси Альдебаран сайёрасига етиб боргунча у ёқдан-бу ёққа, у галактикадан бу галактикага қатнайвериб, роса овра бўлибди.

Улар ниҳоят, Альдебаран сайёрасига келиб қўнишибди. Пеппино қараса, бу чинакамга гўзал сайёра экан, унда яшовчилар ҳам гоят олижаноб одамлар экан. Аҳолисининг миллий таомни ҳисобланган кўк тусли рагу эса шунақанги хуштаъм, тотлик эканки, ундан бир карра тотиб, Пеппино Компаниони Миланга қайтиш учун сира шошилмай қўйибди. Бу сайёрадаги мўъжизот билан танишар экан, у роса икки ҳафта ўша ерда қолиб кетибди. Ва гоят бой хотиралар орттирибди. Ерга қайтиб келгандан кейин у китоб ёзибди ва китобга икки юздан ошнқ фоторасм жойлабди. Китоб тўқсон етти тилга таржима қилинибди ва муаллифга Нобель мукофоти берилибди. Ҳозир Пеппино Компаниони Қуёш системасидаги энг машҳур таксичи-ёзувчи-тадқиқотчи экан.



## ЭРТАКНИНГ ИККИНЧИ ТУГАШИ

Такси ҳавога кўтарилибди-ю, уни таъқиб қилган ёя ўқларидан анча тезроқ шитоб билан илгарилаб кетибди. Шу бондам ҳам иккала саёҳатчи кўп ўтмаёқ хатардан холи бўлибди.

— Сирасини айтганда,— дебди Пеппино,— самовий йўлларни сиз ҳам ҳаминқадар билар экансиз, шундай эмасми?

— Сиз машина ҳайдашни билинг, вассалом,— тўнғиллабди самовий сайёҳ,— қолганини менга қўйиб беринг.

— Ҳўп бўлади, фақат хатони такрорламасликка ҳаракат қилинг-да.

Шу тариқа нур тезлиги-ю бир метр шитобликда улар яна бир неча минут парвоз қилишибди. Ақл бовар қилмас самовий масофаларнинг танобини тортиб, ниҳоят, тагин ўзларини... Миланда, собор ёнидаги майдонда кўришибди.

— Падарига минг лаънат! Яна хато қилибман!— қичқириб юборибди синьор Альдебаран ўзининг йнгирма тўртта бармоғи билан бошини чангаллаб.— Кетдик!

— Э йўқ, раҳмат!— дебди такси ҳайдовчи ва машинадан тушибди.— Менга шу ер ҳам бўлаверади. Сиз эса, албатта, виждонингиз йўл қўйса, мендан бу машинани тортиб олишингиз мумкин, лекин бир нарсани унутмангки, бола-чақамни боқиб турган мана шу тўртта ғилдирак бўлади.

— Начора,— тўнғиллабди мижоз,— яёв бора қоламан...

У машинадан тушибди, кўк тусли «шоколаддан» бир тишлабди-да, кўздан ғойиб бўлибди. Пеппино Компаниони эса уйга боришдан аввал юрагидаги кўрқув ва ҳаяжонни босиб олиш ниятида қаҳвахонага кирибди ва бир пиёла қуюқ қаҳва ичиб олибди.

## ЭРТАКНИНГ УЧИНЧИ ТУГАШИ

Эртакнинг бу хотимаси тўғрисида жуда узоқ сўзлашим мумкин эди-ю, бироқ мен сизга гапнинг пўскалласини айтмоқчиман. Такси ҳайдовчи билан ҳалиги мижоз Улкан Товуқ юлдузлар буржида асир тушиб қолибди. Тухум уларда қамоқхона ҳисобланаркан, асирларни тухумга қамаб қўйишибди. Лекин кўп ўтмай Пеппино билан синьор Альдебаран ўзларининг турмалари билан қочиншга муваффақ бўлишибди. Шундан сўнг синьор Альдебаран ўз сайёраси томон сафарини давом эттирибди, Пеппино эса учар тухум ва «кўк шоколад»нинг қолгани билан Милаяга қайтиб келибди. Қадрдон шаҳрида у Ер — Марс — Сатурнга бориш-келиш йўли билан самовий саёҳатлар бўйича агентлик очибди. Бундан ташқари, у тухум қиладиган товуқлар боқилдиган товуқчилик фабрикаси ҳам қурибди. Товуқларнинг тухуми у қадар йирик бўлмаса-да, қуймоқ учун бемалол ишлатса бўлавераркан.

## БЕМОР ТИНО

Миланда бир бухгалтер яшар экан. Унинг исми Бианки бўлиб, ўзи банкда хизмат қилар экан. Хотинининг исми Роза экан. Уларнинг ҳали кичкина, жуда ҳам кичкина, кўкракдан ажралмаган ўғилчалари бор экан. Гўдаккина жуда ҳам жажжи, ёқимтой, жингалак сочлари қоп-қора экан, тийрак, ақлли кўзлари билан одамга жавдираб қараб тураркан.

Гўдакнинг исми Жованни-Батиста экан, жажжигина бола учун бу исм ҳаддан ташқари узунлик қилаётгандай бўлиб, ота-онаси уни жўнгина Тино деб чақирар экан.

Аввалига ҳамма болалар сингари Тино бир зайлда вояга етибди. У бир ешга тўлибди, кейин иккига кирибди, лекин учинчи ешга қадам қўйибди-ю, унда қандайдир ғайриоддий бир беморлик аломатлари сезила бошлабди.

Бир куни синьора Роза магазиндан қайтаётиб боланинг ердаги гиламда резина ўйинчоқлар ўйнаб ўтиганини кўрибди. Шунда синьора Розанинг юраги орқасига тортиб кетибди... Тино... ҳа, ҳа, унинг Тиноси у магазинга кетганидан анча кичрайиб қолгандек туюлибди... Она бечора ўзини болага ташлаб, қўлига олибди, «жоним-жоним»лаб чақириб, эркалата бошлабди... Худога шукур-ей, унга шундай туюлган экан, холос!

Тино илгари қандай тўла, қандай вазмин бўлса, ҳозир ҳам шундай экан ва яйраб-қунаб резина отни ўйнаётган экан.

Бошқа бир сафар эса бухгалтер Бианки билан синьора Роза ўғилларини бирпасгина меҳмонхона уйда қолдиришиб қайтиб келганларида мудҳиш можаро устидан чиқишди:

— Тино!

— Тино!

Бола кўзларини кўтариб ота-онасига қарабди-да, жилмайиб қўйибди... Синьора Роза енгил нафас олиб, хўрсиниб қўйди.

— Ё, худойим-ей, юрагим тарс ёрилабди.

— Менинг ҳам!

— Назаримда у бирдан... худди кичрайиб қолгандай туюлиб кетди — шунчалик кичкинамак, арвакдай.

— Мен ҳам дафъатая қараганимда у кўзимга бамисоли қўтирчоқдай кичкина бўлиб кўринди.

— Ўзи нима гап бўлди?

— Иккаламизга ҳам бир нарса...

— Биласанми, илгари ҳам бир марта шундай бўлган эди.

Мен магазиндан қайтиб келсам у кичкинагина, ернинг битидайгина бўлиб ўтирибди...

Уша куни бухгалтер Бианки билан синьора Роза бир амаллаб ўзларини босиб олишибди. Лекин кейинчалик бу ҳол яна бир неча марта такрорланибди. Шунда улар бетўхтов врачга муурожаат этишга қарор қилишибди. Врач Тинони текшириб кўрибди, бўйини, вазнини ўлчабди, «ўттиз уч» сўзини айттирибди, йўталтирибди, ўпкасига қулоқ солибди, оғзига қошиқча тикибди, томоғини кўздан кечирибди ва охирида шундай дебди:

— Менимча, бола миҳдай. Етти мучали соппа-соғ, ҳеч қандай дард-пардга йўлққани йўқ, соғлом, бақувват!

— Бироқ, доктор... Унда ҳалигиёя қалдоқ тушуниш...

— Нямани тушуниш?.. Келинг, бир тажриба ўтказиб кўрайлик бўлмаса. Биз хонадан чиқиб турамыз, қаян, уни бирон дақиқа ёлғиз қолдириб кўраймиз-чи, нима бўларкин.

Улар шундай қилмишбди — хонадан чиқмишбди ва эшик орқасига ўтиб, ичкарига қулоқ солишбди, ичкаридан... ҳеч қандай сас-садо эшитилмабди. Тинно, гўёки ичкарида йўқдай, на йиглаб, на қимирлаб овоз берибди! Қайтиб киришгач, не кўз билан кўришсиники, Тино яна кичкина, жуда ҳам кичкина, бор-йўғи муштдеккина болага айланиб қолибди. Лекин бу ҳол бир неча дақиқагина рўй берар экан! Отасини, онасини ва докторни кўришни билан яна илгаригидай дўмбоқ, ёшига нисбатан бир оз катта, бўлаликкина, гулдай болага айланибди-қўйибди.

Шу онда доктор дебди:

— Тушундим! Гап нимадалигиёя тушундим! Бу шунчаки беморлик эмас! Бу қамдан-кам учрайдиган ноёб ҳодиса. Бундай ҳол юз йил аввал Америкада ҳам бир марта учраган.

— Бу нимадаш бўлар экан-а?— ҳаяжон билан сўрабди бухгалтер Биянки.

— Хавфли эмасми?— ташвишланибди синьора Роза.

— Йўқ, хавфли эмас, ҳар ҳолда мен шундай ҳисоблайман. Бу... Сизларга қандай айтсам экан...

— Хўш-хўш?

— Айтинг, айтинг, доктор, бизни қийнаманг!

— Тинчланинг, синьор,— жавоб қайтарибди врач.— Ташвишланишга ҳеч қандай асос йўқ. Болани сира ёлғиз қолдириб мумкин эмас, вассалом. У ёлғиз қолди демасгунча кичраб бoshлайди. Бор гап шу. Унинг ёнда ҳаммаша қимдир бўлиши шарт. Тушундингизми?

— Лекин биз уни сира ёлғиз қолдирмаймиз-ку!

— Деярли ҳеч қачон...

— Биламан, биламан. Лекин гап бунда эмас. Бола ўз тенгқурлари билан ўйнаши керак, тушундингизми? Ака ё укаси, дўстлари, қўшни болалар билан бирга ўйнаши лозим! Ўз-ўзидан маълумки, бирга ўйнайдиган ўртоқлари бўлиши учун уни болалар боғчасига юбориш керак бўлади. Хўш, гапимни тушундингизми?

— Ҳа, доктор!

— Раҳмат, доктор. У ҳали узоқ оғрийдими?

— Узоқ деганингиз нимаси?

— Айтмоқчиманки... Катта бўлганда ҳам ёлғиз қолдирмаслик керакин? Акс ҳолда яна кичраяверадими?

— Ҳозир бунга бир нарсa дейиш қийин,— жавоб қайтарибди доктор.— Борди-ю, сиз айтганчалик, катта бўлганда ҳам ёлғиз қолдирмаслик тақозо этилса, қайтанга яхши эмасми?

Бухгалтер Биянки билан синьора Роза кичкина Тинони олиб, уйга қайтишди. Дарвоқе, ўғилчалари энди жуда ҳам кичкина

эмас экан, бунинг устига уни олдингидан ҳам яхшироқ парварни қила бошлашибди. Вақт-соати билан Тино укачалик ҳам бўлибди. Ҳзи эса болалар боғчасига қатнай бошлабди, ундан кейин мактабга борибди. Бўйдоргина, бақувват, соғлом ва ҳаддан ташқари ҳаракатчан бола бўлибди. Айниқса Тинонинг ақллилигини айтмайсизми! Уни ҳамма яхши кўрар экан, чунки у ҳеч ким билан уришмас, муштлашмас, аксинча, уришқоқларни яраштиришга ҳаракат қилар экан. Кейин у ўсмир йигит бўлиб, университетга ўқишга кирибди...

Тино йигирма ёшга етганда бир куни ўз хонасида ўтириб, дарс тайёрлаётган экан. Гарчи унинг олдидан дўстлари ва ўртоқлари бир зум аримаса-да, бу сафар ёлғиз қолган экан. Бухгалтер Биянки билан синьора Розанинг кўнглига тўсатдан бир хил фикр келиб, шундай дейишибди:

— Бориб кўрайлик-чи, а?

— Билмадим... Шунча йил ўтди...

— Юр, бориб қараймиз!.. Ахир, наҳотки шунча йилдан кейин ҳам...

Улар оёқ учида юриб эшикка яқинлашишибди ва бирин-кетин калит соладиган тешикдан ичкарига мўралашибди...

## ЭРТАКНИНГ БИРИНЧИ ТУГАШИ

...Тешикдан мўралаб, эр-хотин Биянкилар бир-бирининг қучоғига отилиб, ҳўнграб йиғлаб юборибди.

— Шўрлик Тино!

— Бечора ўғилгинамиз!

— Барибир тузалмайди, энди умрбод тузалмайди...

Бир ўзи қолгач, Тино ростдан ҳам кичрая бошлабди ва уч ё тўрт яшар боладай бўлиб қолибди. Башараси катта одамлардай, эғнидаги узун майкаси ҳам ўша-ўша—яшил экан-у, бироқ ўзи папкана бўлиб кўринар экан.

— Бундан чиқди, илгаригидай уни бир дақиқа ҳам танҳо қолдириш мумкин эмас экан-да,— деб хўрсиниб бухгалтер Биянки.

— Қим билади, балки айб биздадир, эҳтимол биз унга яхши ватақинлардан кам бераётгандирмиз,— дебди пиқ-пиқ йиғлаганча синьора Роза.

— Нима қилиш керак?—деб сўрашибди улар докторга қўнғироқ қилиб.

— Фақат ўзингизни қўлга олинг,— деб жавоб қайтарибди доктор. Негаки, қийин вазиятдан қутулишнинг ажойиб йўли бор. Ўзингизни биронта хушрўй қизга уйлантириб қўйсангиз, улар бир этак бола кўришади. Ана унда бир дақиқа ҳам ёлғиз қолиб кўрсан-чи! Ўғлингиз бамисоли ҳеч нима бўлмагандек, бу касалликдан бир умрга халос бўлмаса, кейин айтасиз!

— Ақлингизга тасанно!— шодон қичқирибди бухгалтер Биянки.

— Тўғриси ҳам шу-ку!—суяниб кетибди синьора Роза.— Шулгина нарсага нега ўзимизнинг ақлимиз етмади-я?

## ЭРТАКНИНГ ИККИНЧИ ТУГАШИ

Эшик тирқишидан мўралаб, эр-хотин Биянки бир-бирининг кучига отилибди ва хурсандликдан йнглаб юборибди.

— Пешонамиз ёрқин экан!

— Омадимиз бор экан!

— У кичраймабди!

— У соғ-саломат!

Типо бир сантиметр у ёқда турсин, ҳатто бир миллиметр ҳам кичраймабди, бемалол дарсини тайёрлаб ўтираверибди. Ота-онасининг куйиб-пишаётганлари унинг хаёлига ҳам келмабди.

Энди унинг дўстлари беҳисоб экан, уни ҳаётга боғлаб қўювчи бир-биридан мароқли иш ва машғулотлардан бош қашигани қўли тегмас экан, келажак режалари, юрагида орзулари шу қадар кўп эканки, ишлаган сайни ишлагиси келавераркан. Бу эса инсонга ҳамиша ҳамроҳлик қилувчи нарсалар бўлиб, ҳатто у хонада танҳо ўтирган чоғда ҳам, ёнида ҳеч ким бўлмаган пайтда ҳам ёлғизлатиб қўймас экан. Гапнинг индаллосини айтганда бу дунёда ҳеч ким, ҳеч қачон бутунлай танҳо қолиб кетмас экан.

## ЭРТАКНИНГ УЧИНЧИ ТУГАШИ

...Қалит тешигидан мўралаб, бухгалтер Биянки билан синьора Роза ҳайратдан оғизларини очганча бир-бирига бақрайиб қараб қолибди, тиллари калимага келмай, роппа-роса бир минут ҳаракатсиз қотиб қолшибди.

— Бу қандай гап бўлди?

— Бу қандай сир бўлди?

— Роза, худо хайрининг берсин, дарров менга қаҳва қилиб бер, қуюқроқ дамла, илтимос...

— Тўғри айтасан, мен ҳам бирон пиёла ичиб олсам, ёмон бўлмасди... Бу қандай гап ўзи-а?

— Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган нарса!

Дарвоқе, эр-хотин ичкарида нимани кўришибди ўзи?

Улар ичкарида Тинонинг икки баравар ўсиб кетганини, бошини шифтга уриб олмаслик учун эгилиб юрганини кўришибди. Қўл ва оёқлари жирафага ўхшаб, жуда узун бўлиб кетибди. Лекин у ҳеч нима бўлмагандек, парво қилмасмиш. Дарсини тайёрлашда давом этар ва қалам билан қитир-қитир қилиб алланарсалар ёзарди. Баҳайбат қўлидаги қалам худди тишқавлагичдай митти кўринаркан.

— Энди у бошқача касалликка гирифтор бўлибди,— дебди чуқур хўрсиниб бухгалтер Биянки, қаҳвали пиёлага пуфларкан.

— Буниси олдингисидан ҳам антиқароқ,— деб хулоса чиқарибди синьора Роза.

## ТЕЛЕВИЗОР ҲАНГОМАСИ

Бир куни кечқурун синьор Беруччи ишдан чиқиб, уйга қайтар эди. Агар янглишмасам, у почта ходими бўлиб ишларди. Сирасини айтганда, уни истаган касб эгаси қилиб кўрсатиш мумкин, дейлик,

врачми ё инженерми ё бошқа биттасими?.. Қерак бўлса, уни мўйловдор киши қиёфасида ҳам тасаввур қилишимиз мумкин. Соқолли киши қиёфасида тасаввур қилсақ бир нима бўлиб қолармиди? Демак, келишдик, уни мўйловдор ва соқолли киши деб тасаввур қиламиз, хўпми? Энди унинг қандай кийинишини, юриш-туриши қанақалигини, гапириш тарз-тариқаларини ҳам ўзимизча кўз олдимизга келтиришга ҳаракат қилиб кўрамиз. Келинг, аввал унинг сўзларига бир қудоқ солайлик-чи.

— Ниҳоят, уйга кетиш вақти ҳам бўлди. Уйга! Қандай ёқимли сўз-а! Қадрдон уйим, ўлан тўшагим, тинч, осойишта, шинам ошиним... Ортиқ чидолмайман, тарс ёрилиб кетаман! Итдай чарчадим! Қуни билан сақиллаб у ёққа чоп, бу ёққа чоп, уйга кирсанг ҳам одам, кўчага чиқсанг ҳам одам, ғув-ғув машина... Ҳозир бораман-да, шартта эшикни ёпаман, хонимлар ва жаноблар, кейин — хайр-маъзур! Туя кўрдингми — йўқ! Жонажон остонамдан ҳатлаб уйга кираман-кетаман, қарабсанки, бутун олам нарёқда, эшик ортида қолади... Лоақал қўлимдан шу иш келади-ку... Мана шундай! Хайрият, танҳо қоладиган пайтим ҳам бўлар экан... Қандай ажойиб!.. Аввал мана бу сиртмоқ — галстукдан бўйинини халос қилайлик!.. Энди ботинкалардан озод бўламиз... Телевизорни қўйиб қўямиз... Ниҳоят, ўриндиққа жойлашамиз-да, оёқларни скамейкага узатиб, сигаретни оламиз... Мана буни чинакам ҳузур деса бўлади! Ҳаммадан ҳам зўри — бир ўзимман, танҳоман! Мен... Не, сиз қаёқдан пайдо бўлдингиз, хоним? Ким бўласиз ўзингиз?

Назокатли синьора синьор Веруччига қараганча ширин жилмайиб турарди. Бир лаҳза олдин у хонада йўқ эди, энди бўлса синьор Веруччининг қаршисидаги диванда ўтириб, мунчоқларини тартибга келтирганча нуқул жилмаярди, холос.

— Таннмайяписизми мени? Мен телевидения дикториман-ку. Сиз телевизор қулоғини бурашингиз ҳамон ҳузурингизда ҳозир бўлдим. Ҳозир мен сизга сўнгги ахборотларни ўқиб бераман...

Синьор Веруччининг қошлари чимирилди:

— Оўзингизга қараб гапиринг! Сиз қондага мувофиқ ҳолда ўз жойингиз, яъни телевизор экранида эмас, менинг диванимда ўтирибсиз-ку...

— Хўш, ўзингиз инсоф билан айтинг-чи, бунинг нима фарқи бор? Ахир телевизорингиз экранида чиққанимда, барибир сизнинг ўйингизда ўтирган бўламанми? Барибир, сиз билан гаплашаётган бўламанми?..

— Лекин... сиз бу ерга қандай келиб қолдингиз? Мен ҳатто пайқамабман ҳам... Ё мендан паналаб, яширинча кириб олдингизми?

— Бу бош қетириб ўтиришга ҳам арзинмайди... Хўш, сўнгги ахборотга ҳушингиз қалай?

Синьор Веруччи таслим бўлди:

— Бу, албатта, куракда турмайдиган ҳол... начора, билганингизни қилинг...

Назокатли синьорина енгил томоқ қириб олди-да, ахборотни ўқинишга киришди:

— Ундай бўлса, бошладик: «Бутун Англия бўйлаб «Ридинг» қамоқдонасидан қочган хавфли каллакесарни қидириш давом этмоқда. Полиция комиссарининг махфий баёнотига қараганда, каллакесар ўрмонга кириб яширинган...»

Шу топ синьор Веруччининг қулогига телевизор экранидан ҳам эмас, диктор қиз оғзидан ҳам эмас, мутлақо тескари ёқдан, ўзининг орқа томонидан аллакимнинг овози чалинибди.

— Сафсата!— дебди ўша овоз.

— Бу ким бўлди тагин?— Синьор Веруччи сапчиб тушибди.

— Бу ўша каллакесарнинг ўзи!— дебди диктор қиз, бироқ у ўтирган жойидан қилт этмабди.— Қараинг, у ўриндиғингиз ортига бекиниб олаяпти.

— Бўлмаган гап!— такрорлабди бояги овоз.— Қаерда яширинганини шундоқ ҳам ўзим айтиб бераман...

Синьор Веруччи сакраб ўрнидан турибди, овоз келган томонга кўз югуртирибди ва зарда билан дебди:

— Уйимга киришга қандай ҳаддингиз сизди? Тагин қуроқланган ҳолда-я! Вой-дод, уйимни ўғри босди! Ҳозир жинни бўламан!

— Ахир, мени ўзингиз таклиф қилдингиз-ку!— жавоб қайтарибди каллакесар, яширинган жойидан чиқиб келар экан.

— Мен-а? Бундан яшироқ баҳона тополмадингизми? Ҳали мен бир қадаҳ коньяк билан меҳмон қилгани одам қуриб кетгандай, уйимга ўғрини таклиф қилиб қолибманми?

— Дарвоқе, йўқ демас эдим.

— Нимага «йўқ» демас эдингиз?

— Бир қадаҳ коньякка-да!

— Сиз шунчаки каллакесар эмас экансиз! Сиз учита чиққан доғули ҳам экансиз! Биринчидан, иккала қулогингиз билан эшитиб қўйингки, мен сизни билмайман ҳам, танимайман ҳам! Иккинчидан, сиз бу ерда менинг хоҳиш-иродамга мутлақо хилоф равишда турибсиз! Сиз, синьорина, бунга гувоҳсиз.

— Йўқ, синьор Веруччи,— жавоб қайтарибди диктор қиз,— чучварани хом санабсиз, мен гувоҳ бўлишга тайёр эмасман. Ахир телевизор қулогини ўзингиз бурадингиз-ку...

— Эҳ, бундан чиқди, каллакесар...

— Кўряписизми, мен уйингизга қандай кириб қолган бўлсам, каллакесар ҳам уйингизга телевизордан кириб олган.

— Хуллас,— дебди каллакесар,— мени бир қадаҳ коньяк билан сийлайсизми ёки йўқми?

— Марҳамат,— деб жавоб қайтарибди ночор қолган синьор Веруччи.— Ўтиринг, ўтиринг, ўзингизни ўз уйингиздагидай ҳис этинг! Энди билсам, мен бу ерда ҳеч ким эмас эканман. Бу уй меники-ю, лекин унинг соҳиби мен эмас эканман! Эшик қулфлог, деразалар берк, лекин одамлар бу ерга бемалол кириб-чиқиб юрадилар. Ва кўнгиллари истаган нарсани қиладилар...

— Аммо сиз бир қадаҳ коньякка шундай интиқ қилиб юбордингизки,— дебди каллакесар.

— Ҳўш, ахборот ўқишда давом этаверайми?— сўрабди диктор қиз.

Синьор Веруччи шошиб жавоб қайтарибди:

— Бўлмасам-чи, мана бу ҳангома нима билан тугаши мени жуда қизиқтириб қўйди.

Синьорина дикторларга хос равои овозда дона-дона қилиб ўқий кетди:

— «Мантиқий қўшинлар қўмондонни генерал Болоннинг баёнот беришича, Планавия республикасига қарши ҳарбий ҳаракатлар нима бошланиб кетган ва урушнинг янги йилдан олдин тўхташи амри маҳол».

— Бўлмаган гап.— диктор қизнинг гапини бўлибди аллақандай овоз ва кўйлақ жавонининг эшиклари шарақлаб очилибди.

Синьор Веруччи учиб тушибди.

— Нима? Э-ҳа, тушундим... Сиз генерал Боло бўласиз, шундайми? Менинг жавонимда нима қилиб юрибсиз?

— Кошки сиз бундай нарсаларга қизиқсангиз,— деб пинагини бузмай жавоб берибди генерал.

— Барибир, билгим келяпти,— оёгини тираб туриб олибди синьор Веруччи.— У ерда нима қилаётган эдингиз? Бомба? Менинг жавонимда бомба бўлиши... Менинг уйимда-я? Мумкин бўлса, айтинг-чи, сизнинг ўша урушингизга менинг нима дахлим бор асти?

— Менинг ишим, азизим, синьор,— дебди генерал Боло,— сизнинг саволларингизга жавоб қайтариш эмас, балки мантиқий қўшинларга қўмондонлик қилиш ва Планавия ерларини забт этишдир. Мен бу ерга баёнотим нотўғри эълон қилганини синьоринага айтгани келдим. Менинг гапларим мутлақо бошқача эди! Мен бундай деган эдим: «Уруш Янги йилгача муқаррар тугайди, чунки планавияликларни битта қўймай қириб, шаҳарларини ер юзидан сулуриб ташлайман, боғу бўстонларини чўлу биёбонга айлантираман».

Шунда илтифот билан каллакесар суҳбатга аралашиб, сўз қотибди:

— Ана, эшитяпсизми генералнинг гапларини? Журъату жасоратига балли унинг! Режаларининг улуғлигини қаранг! Мен-чи? Бор-йўғи бечора ўғри бўлсам. Тагин бутун Англия бўйлаб қувиш гапи ортқича. Хўш, энди нафсиламрини айтинглар-чи, иккаламизда қайси биримиз чинакам каллакесармиз?..

— Шошманг,— деб қичқирибди синьор Веруччи,— аввал менга айтинглар-чи, қачон ҳаммангиз бу ердан даф бўласиз? Сиз ҳам, гўзал синьорина, сиз ҳам, синьор каллакесар, сиз ҳам, синьор генерал!.. Бу — менинг уйим, мен бу ерда танҳо қолишни истайман! Сизнинг нима ишлар билан шуғулланишингиз, нималар деб владақлашингиз мен учун бир чақага қиммат! Ҳозир маҳкамага арз қиламан-да, ҳаммангизни ҳайдаб чиқартираман бу ердан! Полция чақираман-да, булар менинг уйимга бостириб кирди, деб ҳаммангизнинг устингиздан шикоят қиламан. Ҳа, шунақа. Куролли сипоҳийларни ҳам, кўча ҳаракатини тартибга солувчиларни ҳам, ўт ўчирувчиларни ҳам чақираман!.. Ҳамма-ҳаммасини чақира-



ман! То бу уйнинг соҳибманми ёки йўқми — тагига етмагунча қўймайман... Ҳа, тагига етмай қўймайман...

Бироқ телевидения диктори сўнгги ахборотни ўқиб бориши билан бараварига мириқиб ҳордиқ чиқармоқчи бўлган синьор Веруччининг уйи турли-туман одамларга тўлиб бораверди. Бу ерда аллақандай очликдан эти бориб устихонига ёпишган ғариблар, машқлардан силласи қуриган сипоҳийлар, путқлар ирод қилувчи сивёсий арбоблар, кўча «тиқин»ида тўхтаб қолган машина ҳайдоқчилари, спорт билан шуғулланувчилар, исён кўтарган ишчилар ва ҳатто бомба ташлаши лозим бўлган учувчи ҳам — бари-бари тўнланган эди. Дунёнинг барча тилларида бақриб-чақриб айтилган маърузалар, қичқариқлар, шовқин-суронлар, қарс-қурслар, қўшнқлар ва болохонадор қилиб сўкишлар, моторларнинг гувиллаши, бомбаларнинг гумбурлашию танкларнинг гуриллаган овози билан қоришиб кетибди.

— Ба-а-ас-с-с! — овозининг борича қичқирибди синьор Веруччи.— Бу сотқинлик! Зўравонлик! Бас!! Бас!!!

## ЭРТАҚНИНГ БИРИНЧИ ТУГАШИ

Бирдан эшик қўнғироғи қаттиқ жириглабди.

— Ким у?

— Очинг!

Эҳ, худога шукур, қуроли сипоҳлар етиб келибди-я! Уларни синьор Веруччининг уйдаги кучли шовқин-сурон ва портлаш овозларидан ташвишланган қўшниси чақирган экан.

— Ҳеч ким жойидан қимирламасин! Қўлларингизни кўтаринг! Хужжатларингизни кўрсатинг!

— Раҳмат,— хўрсиниб дебди синьор Веруччи, қадрдон диванига ўзини шилқ этиб ташларкан.— Раҳмат! Ҳаммасини олиб кетинг! Ҳеч бирини кўришга тоқатим йўқ! Буларнинг ҳаммаси шубҳали одамлар.

— Синьорина ҳамми?

— У ҳам шубҳали аёл! Бир дунё жанжалкашу можаропарастларни уйимга олиб киришга унинг сира ҳақи йўқ эди.

— Гапингизни қўлаб-қувватлайман, синьор Веруччи,— дебди милтиқли сержант,— ўз шахсий ҳаётингизга эгалик қилишга тўла ҳуқуқингиз бор. Мен буларнинг ҳаммасини олиб бориб қамайман. Сизга қаҳво дамлаб берсам майлими?

— Раҳмат, қўяверинг. Ўзим дамлаб ола қоламан. Фақат кёфе-нисиз бўлсин. Акс ҳолда уйқум қочиб кетади.

## ЭРТАҚНИНГ ИККИНЧИ ТУГАШИ

Бирдан... синьор Веруччи жим бўлиб қолибди. Унинг миясидан бир риекорона фикр йилт этиб ўтибди. Унга ҳайрат ва қизиқиш билан тикилиб турган кишиларга илжайиб қараганча у аста теле-визорга яқинлашибди ва унга ҳеч ким халақит беролмаслигига

ўзи етиб, кутилмаганда кескин ҳаракат билан шартта уни ўн-рибди.

Биринчи бўлиб диктор қиз кўздан йўқолибди. У билан изма-из каллакесар билан генерал, қўшиқчилар билан атлетачилар, аскарлар билан халқлар ҳам бирин-сирин ғойиб бўлишибди. Хайрият-е, хамирдан қил суғургандай битди-я, шундайми?

Телевизор қулоғини шундоқ бураб қўйсангиз, бўлди, олам тинчийди-қолади, ёруғ дунё ғалваларини уйимиздан ҳайдаб чиқариб, бизга осойишталик ҳамроҳ бўлади...

Жанг майдонида бир ўзи ғолибона кўкрак кериб турган синьор Веруччи ўзича мамнун кулиб қўйибди-да, труба чека бошлабди.

## ЭРТАКНИНГ УЧИНЧИ ТУГАШИ

Бирдан... синьор Веруччи жим бўлиб қолибди.

У тушундими?

Ҳа, у англади.

Нимани англади?

Эшик яхши ёпилмаганини, серғалва олам ташвишларидан нари бўлмаганини, одамлардан, уларнинг гам-қайғуларнио муаммоларидан бирпас хориж бўлолмаганини англади.

Яна шу нарсани англадики, ҳеч ким ҳаётидан хурсанд бўлолмайди, чунки ёмон яшайдиган одамлар ҳали жуда кўп, жабрдийдэллар тўлиб-тошиб ётибди, очилмасдан сўлаётганларнинг ҳисоби йўқ, шуниси қизиқки, улар ҳаммаси хоҳ узоқда бўлсин, хоҳ яқинда, биз билан бирга, битта Заминда истиқомат қилади, Замин эса бор-йўги биттагина, у — ҳаммамизнинг ягона бошпанамиз. Буларнинг ҳаммасини англаш учун телевизор қулоғини шундоқ ўнгга бураб қўйсангиз, кифоя!

## ЧУНТАҚДАГИ ЮЗ ЛИРА

Уч ака-ука бўлган экан. Улар шунчалик қашшоқ эканки, қўл учида кун кечирিশар экан. Бир кунни кечаси, одатдагидек, улар очдан-оч ухлаш учун ўринларига чўзилишар экан, тўнгич акалари бирдан шундай дебди:

— Менга қаранглар, укажонларим, токайгача шундай яшаймиз? Бир парчагина еримиз барчамизни боқишга қодир эмас. Эртага мен сизлар билан хайрлашаман. Толемини излаб, жаҳонгашталиқни ихтиёр этаман. Агар толем кулиб боқса, уйга қайтиб келаман ва ҳаммангизни бойитиб юбораман.

Шундай қилиб, эртасига азонда у «ҳайт» дея йўлга тушибди. У йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Туш бўлибди, кун оғиб кеч бўлибди ҳамки, у йўл юришда давом этаверибди.

Охири у бир емакхонага дуч келибди, бир бурда нон ва бир чимдим пишлоқ билан тамаддиқ қилиб олибди-да, туваш учун жой қидирибди. Емакхонада одам гавжум экан, лекин бир кишилик каравот топила қолибди. У ўзини каравотга тапла ташлабди-ю, донг қотиб ухлаб қолибди.

Барча деҳқонлар сизгари у кун чиқмасдан бурун уйғонибди. Уридан туриб, кийимларини кийибди, юзини чайибди, емакхона соҳибни билан ҳисоб-китоб қилибди ва яна йўлида давом этибди. У анча йўл юриб қўйган экан, нима бўлибди-ю, бир вақт унинг чучкурғиси келибди. Дастрўмолини олгани шуңдоқ қўлини чўнтагига тикқан экан, во ажабо, ҳайратдан унинг оғзи очилиб қолибди.

— Бу қанақаси? Юз лиралик танга пулни? Ахир, умр бўйи чўнтагимга шунча пул тушмаган эди-ку... Э-ҳа, бўлди, мен адашиб бировнинг шимини кийиб олганга ўхшайман. Қоронгида танимай кийиб олаверган бўлсам керак-да. Қизиқ, бу ҳам ўшандай минг-ямоқ бўлиб ётибди. Алмаштиргани яна шунча йўлдан қайтиб боришга арзаймади ҳам. Чўнтагида тагин бир нарса борга ўхшайдими? У нима бўлди экан? Не, буниси ҳам юз лиралик танга пул-ку!.. Менга биргина юз лиралик танга пул бордай кўринган эди... Пул пулни чақиради, деган гап ҳаққост рост экан. Яна чўнтагимни ковлаб кўрай-чи, балки тагин бордир... Ростданам бор экан! Омадимни қаранг-а, бирваракайига уч юз лиралик бўлдим! Бир кушлик маошим тайёр!

Тўнғич аканинг пули бир кушлик маошдан ҳам кўпайиб кетибди. Чунки ҳар гал қўлини чўнтагига суққанда ундан юз лиралик танга пул чиқаверибди. Турган гапки, бу тангаларни чўнтакдан олиб чиқишда у сира эринмабди — олиб чиқаверибди, олиб чиқаверибди. Тангалар бир уюм бўлиб кетибди ҳамки, ҳар қўл суққанида яна юз лирадан олаверибди. Шунча олса ҳам чўнтагидаги тангалар адо бўлмасмиш... Йигитча севинчидан ўзини қўйгани жой тополмай, ўқдай учганча нзига қайтибди. Уйга яқинлашгани сайин овозининг борича қичқирармиш:

— Укаларим! Укажонларим! Омадим чопди! Қаранглар-а, нима топдим!— дея у чўнтагидан бирин-кетин тангаларни ола бошлабди.

— Вой-вуй, ановини қаранглар, ростданам бари пул-ку!

— Мен яна олиб берншим мумкин!

— Керагича олаверинглар!

— Балки, пул ясайдиган машина топиб олган чиқарсиз, ака?

— Ол-а, машина эмнш! Бунинг олдида машина нима бўпти!..

Мана сизга юз лира... Мана, тагин... Мана... Мана...

— Қойил!— дебди ўртанча оғайни.— Лекин биз сенга боқимонда бўлиб қолишни нистамаймиз-да. Бу нисофдан бўлмайди. Эртага мен ҳам бахтимни излаб, сафарга отланаман. Модомки, омад сенга ёр бўлган экан, менга ҳам ёр бўлмай қолмайди. Ундан кейин учаламиз чинакам хонлардай умргузаронлик қила бошлаймиз... Еганимиз олдимизда, емаганимиз кетимизда бўлади!

Шундай қилиб, эртасига саҳарда ўртанча оғайни йўлга тушибди. Худди акаси сизгари у ҳам ҳални емакхонада кўнибди, ўша каравотда тунни ўтказибди, эрталаб эса уйқудан уйғонибди-да, қўшнисининг шимини кийиб, йўлида давом этибди. Сал нарига бориб, у тўхтабди ва чўнтақларини ковлаштиришга тушибди:

— Қани, кўрайлик-чи, менга ҳам омад кулиб боқармикан, йўқмикан... Бу чўнтак бўм-бўш... Буниси-чи... Нимадир борга ўхшаяп-

ти.. Йўқ, бу тапга эмас... Қандайдир қоғоз... Ие, бу минг лиралик қоғоз пул-ку! Балки, яна бордир? Ҳая, яна бор экан! Яна битта чиқди!.. Яна битта!.. Буни қаранг-а, туриб-туриб «бой ота» бўлдим-қолдим.

Дарҳақиқат, ҳар гал қўлини суққани ҳамон чўнтак унга минг лирадан инъом қилаверибди! Бундан чиқди, бу шим ҳам сеҳрли экан-да!

Турган гапки, тўнғич нима қилган бўлса, ўртанча ҳам шуни қилибди Севинчдан ўзини йўқотгудай бўлиб, уйи томон шошибди ва узоқданоқ овозининг борича қичқирибди:

— Оғайнилар! Жигарбандларим! Менинг ҳам омадим кулиб боқди! Акамдан ҳам кўпроқ кулиб боқди. Мана, қаранглар!

— Вой-бўй! Анави пулнинг кўплигини қаранглар!

— Қанча хоҳласангиз, шунча чиқариб беришим мумкин!

— Демак, сиз ҳам пул ясайдиган машина топиб олибсиз-да,— дебди хўрсиниб кенжа ука.— Бўпти, эртага мен ҳам омад излаб, сафарга чиқаман. Модомики, иккалангизга омад кулиб боққан экан, мен ҳам бир уриниб кўрсам нима қилибди!

— Овора бўлиб нима қиласан, ука?— дебди иккала ака.— Қанча пул керак бўлса, мана. Биз иккаламиз топамиз.

— Яхшиликларнигиз учун раҳмат, лекин мен сизларнинг ҳисобингизга яшашни истамайман. Мен ўз бахтимни ўзим топмоқчиман.

Шундай қилиб, сафар халтасини елкасига илибди-да, кенжа оғайни ҳам йўлга тушибди. У йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, бир вақт ҳалиги емакхонага етиб келибди, тамадди қилибди-да, ухлагани етибди. Эрталаб уйғониб қараса...

Шу ерга келганда эртақ узилибди, энди уни давом эттириш ва тугатиш сиз билан бизга тан.

Менга қолса, масалан, уни уч йўсинда тугатган бўлар эдим.

## ЭРТАКНИНГ БИРИНЧИ ТУГАШИ

Кенжа оғайнининг чўнтагидан миллион лира пул чиқибди. Ҳар сафар қўлини чўнтакка тикқанида шунчадан чиқаверибди. Миллион кетидан миллион, миллион кетидан миллион... Хулласи калем, унинг чўнтагида пул шунчалик кўп эканки, эҳтимол Италия банкасида ҳам шунча пул бўлмаса керак.

Кенжа оғайни уйга қайтибди. Учовлон катта базм қилибди, мусиқалар янграб, мушакбозлик бўлибди. Одамларнинг ҳасани келмасин, деб улар пулларидан қўни-қўшниларга ва ҳаттоки етти ёт бегоналаргача улашиб чиқишибди.

Шуниси ажабланарлики, уларнинг сеҳрли шимларини ўғирлаш ҳеч кимнинг хаёлига келмасмиш. Балки, бунинг тагида бир гал бордир? Ҳа, албатта. Гап шундаки, уч оғайини пул сўраб келган одамни сира қуруқ қайтармас экан, юз лирами ё юз миллион лирами — ким қанча сўраса, ўша заҳоти чиқариб бераверар экан.

Ҳозир уч оғайини ҳам ҳаётдан аллақачон кўз юмиб кетган

экан. Лекин улар яшаган шаҳарга йўлнигиз тушгудек бўлиб қолса, шаҳар аҳли сизга уларнинг шимини, албатта, кўрсатишадди. Бу шимлар машҳур генерал Бастрүфацетто шамшири билан ёнма-ён музейдаги ойнаванд витринада ётибди.

## ЭРТАҚНИНГ ИККИНЧИ ТУГАШИ

Кенжа оғайнининг чўнтагидан шундай хат чиқибди: «Энди бас қилинглар. Ҳаммангиз ўтакетган баднафс экансизлар». Тагида шим зоси ҳам бор экан: «Кўнгли хоҳлаган одамга сеҳрли шим инъом этувчи Сеҳргар».

## ЭРТАҚНИНГ УЧИНЧИ ТУГАШИ

Кенжа оғайнининг ҳам чўнтагидан миллион лира пул чиқибди. У пулни халтага солибди-да, яна чўнтакка қўл суқибди. Ундан яна миллион лира олибди. «Қизик, бу пуллар кимники бўлса?— йўлабди у.— Уларни олишга ҳаққим борми, йўқми? Балки, кимдир менга инъом қилаётгандир? Бировнинг ҳақига сира кўз олайтирган одам эмас эдим. Бу сирнинг тагига етиш керак».

У ўша заҳоти емакхонага қайтиб борибди-да, одамлардан суриштира бошлабди:

— Ҳой, яхшилар, инсоф қилинг, ким меннинг шимини алмашиб кийиб олди?

Мусофирлар шимларига разм солиб қарай бошлашибди. Базилар қатто эгниларидagi камзул ва кўйлақларини ҳам пайпаслаб кўздан кечирибди.

Хув бурчакда ўтирган бир киши шимига қайрилиб боқмабди ҳам, ўтириб овқатини ураверибди. Кенжа оғайнининг шимини ўшз одам кийиб олган экан.

— Кечирасиз,— дебди кенжа оғайни,— шимларимиз алмашиб қолди. Малол келмаса, балки алишиб олганимиз маъқулдир?

У одам бўлса индамай, қаҳвасини ҳўплаб ичаверибди.

— Нега индамайсиз?— дебди кенжа оғайни.

Ҳалиги киши бир бурда нонга ёғ сурибди ва яна ҳеч нима эшитмагандай, жим ўтираверибди.

— Уз шимингизни олмоқчи эмасмисиз?

— Оббо, жуда жонимни кескирдагимга келтириб юбординг-ку!— бирдан жаҳли чиқиб кетибди ҳалиги одамнинг.— Бир бурда шимингни ҳалол ютиб ололмайсан бу одамларнинг дастидан! Ма, пишириб е, лаънати шимингни...

У шимини ечибди-да, столга улоқтирибди. Кенжа оғайни шимини алмаштирибди-да, бегона шимни қолдириб, чиқиб кетибди.

Кейин нима бўлибди дейсизми? Сал нарига боргач, қўлини чўнтагига суққан экан, ундан... миллиард лира пул чиқибди! Кейин яна миллиард. Кўрдингизми, бунақа гапларни эшитган одам жинни бўлиб қолиши ҳеч гап эмас!

## УЛКАН САВЗИ

Энди мен сизга энг катта савзи ҳақидаги эртакии сўзлаб бераман. Бу эртакии, албатта, сиз кўп марталаб эшитган бўдсангиз керак, лекин, менимча, яна бир эшитиб қўйсангиз, ёмон бўлмасди.

Кушларнинг бирида бир деҳқон томорқасига савзи экибди ва уни меҳр билан парвариш қила бошлабди: сугорибди, ўтабди, хуллас, қўлдан келганча ва қилиниши лозим бўлган барча ишларни қилибди. Вақти-соати билан савзи хўп етилибди, ҳосилини йиғиштириб олиш пайти келибди. Деҳқон энгини шимариб, савзининг баргидан тутамлаб тортиб кўрган экан, ҳайратдан оғзи очилиб қолибди. Қараса, у оддий савзи эмас, қандайдир аломат савзи эмиш. Чунки, шунча тортса ҳам сира суғурилмасмиш. Унақасига тортиб кўрибди, бўлмабди, бунақасига тортиб кўрибди бўлмабди, охири хотинини чақиршига мажбур бўлибди:

— Жузеппина!

— Нима гап, Оресте?

— Бу ёққа кел! Бир аломат савзи чиқиб қолди... Сира ердан чиққиси келмайди! Келиб ўзинг бир кўргин-а...

— Ростданам... унинг катталигини қараңлар!.. Вуй-й...

— Бундай қиламиз: мен савзини тортаман, сен менинг камзулимдан ушлаб тортасан. Тайёрмисан? Қани! Торт, торт! «Ҳа» де...

— Яхшиси, қўлингдан ушлаб торта қолай, камзулинг йиртилиб кетмасин.

— Майли, қўлимдан ушлай қол. Қани, қаттиқроқ торт! Ҳа! Ҳа! Йўқ, чиқмайди! Уғлингни чақир, менинг ўпкам оғзимга тиқилиб қолди...

— Ромео! Ҳой Ромео!— чақирибди Жузеппина.

— Нима, ойн?

— Бу ёққа кел, югур!

— Мен дарсимни қилаяпман-ку.

— Кейин қиласан дарсингни, аввал бизга қарашиб юбор! Кўр-ясанми, мана бу савзининг сира ердан чиққиси келмаяпти. Мен отангнинг бир билагидан ушлаб тортаман, сен бошқа билагидан ушлаб тортасан. Отанг савзини тартади. Зора шунда чиқиб қолса...

Оресте кафтига туфлябди-да, қўлларини ишқалаб, кучини тўп-лабди.

— Тайёрмисизлар? Бир-икки! Ҳа, ҳа! Тортинглар, тортинглар! Яна, яна!.. Йўқ, чиқмади, занғар...

— Бу дунёда энг йирик савзи бўлса керак,— дебди Жузеппина.

— Бобомни чақирин керак ёрдамга,— таклиф киритибди Ромео.

— Чақирсанг, чақира қол!— рози бўлибди отаси.— Барибир, ёлғиз ўзим суғуролмайман.

— Бобо! Ҳой бобо! Бу ёққа келинг! Тезроқ келсангиз-чи!

— Келяпман, болам, келяпман!.. Қарилик қурсин, чопишга ярамасам... Сендай пайтимда шамолни ортада қолдириб кетардим, болам, энди бўлса... Ҳа, намуноча ҳасилиқмасаларинг, осмон узалиб, орта тушдими?

Бобо ихраб-сихраб етиб келгунчаёқ чарчаб бўлибди.

— Еримиздан дунёдаги энг катта савзи ўсиб чиқибди,— дед  
тушунтира кетибди Ромео.— Уч киши бўлиб ҳам суғуролмадик.  
Ёрдамлашиб юборасизми?

— Нега ёрдамлашмас эканман, бўтам?

— Бундай қиламиз,— дебди Ромео.— Сиз мендан ушлайсиз,  
биз онам никаламиз отамдан ушлаймиз, у эса савзини ушлаб  
тортади... Борди-ю, шунда ҳам суғуролмасак...

— Бўпти,— рози бўлибди бобо,— лекин, шошмай тур бир оз...

— Нимайди?

— Мана бу трубкални бир четга қўйиб қўяйми? Икки ишви  
бирданга бажариб бўлмайди-ку. Ё чекиш керак, ё ишлаш керак,  
шундай эмасми?

— Қани, бошладик!— дебди Оресте.— Ҳамма тайёрми? Бир!  
Икки! Уч! Ҳа! Ҳа! Тортинглар, тортинглар!

— Вой, ўлдим!

— Нима бўлди, бобо?

— Кўрмаясанми — йиқилиб тушди шўрлик чол! Сирганиб ке-  
тиб, йиқилиб тушди! Тагин келиб-келиб трубканинг устига йиқил-  
ганини айтмайсанми?..

Шўрлик чол ҳатто иштонини куйдириб ҳам олибди.

— Йўқ, бунақада ҳеч иш чиқмайди,— дебди Оресте.— Ромео,  
чопиб бориб Видреани айтиб кел, ёрдамлашиб юборсин.

— Бир йўла хотини билан ўғлини ҳам чақираман, бутун оиласи  
билан,— таклиф қилибди Ромео.

— Тўғри қиласан,— рози бўлибди отаси,— бўлмаса-чи, озмунча  
катта савзимин!. Бунақа ҳосил тўғрисида газетага ҳам ёзиш керак.

— Ё телевиденияни чақирамизми?— таклиф қилибди Жузеппи-  
нина. Лекин ҳеч ким уни қўллаб-қувватламабди.

— Телевидениями...— гудраниб дебди Оресте.— Яхшиси, қўш-  
ниларни чақирайлик-да, аввал буни суғуриб олайлик...

Хулласи қалом, Андреа келибди, унинг хотини келибди, улар-  
нинг ўғиллари келибди, тўғри, ўғилчалари ҳали жуда кичкина  
экан, эндигина бешга қадам қўйган мурғак бола бўлиб, кучи ҳам  
ёшига ярашагина экан...

Бу орада улкан савзи ҳақидаги гап бутун қишлоққа ёйилибди.  
Бир-бири билан ҳазил-мутойиба қилиб, ўзаро суҳбатлашганча  
одамлар Орестенинг томорқасига тўплана бошлабди.

— Бу ўзи савзига ҳам ўхшамайди-ку,— дебди кимдир,— бутун  
бир наҳанг денг!

— Наҳанглар денгизда сузиб юради!

— Ҳаммаси ҳам эмас! Мен биттасини ярмаркада кўрганман!..

— Мен бир китобчада кўрганман...

Одамлар бир-бирларини ундай бошлабди:

— Қани, Жироламо, сен ҳам бир урниб кўр-чи, ахир полвои  
деган номинг бор!

— Савзини кўпда жиним суймайди! Қартошка менинг жоним.

— Мен эса қайлани яхши кўраман.

Ҳазил-мутойиба, аскиял-кулги қанчалик зўр бўлмасин, бу би-  
лаш жўякдаги савзини суғуриб олиш амри маҳол, албатта. Кун  
эса қиёмга келиб қолган экан...

## ЭРТАКНИНГ БИРИНЧИ ТУГАШИ

Савзини эса ҳеч ким суғура олмабди.

Бутун қишлоқ кўмакка келибди, бироқ савзини ўрнидан қилт этказиша олмабди.

Узоқ-узоқ қишлоқларнинг одамлари ҳам ёрдамга келибди — қани энди савзини ўрнидан қўзғата олишса?

Охири шу нарса маълум бўлибдики, улкан савзи ўсиб-ўсиб, ер қуррасининг нариги томонидан тешиб чиқибди, у томонда ҳам бир леҳдон савзини суғуриб олишга ҳаракат қилиб, ёрдамга бутун қишлоқни чақирибди. Қиссадан ҳисса шулким, айлана йўлининг охири бўлмагандек, иккала учидан тортилган савзининг қачон суғурилишини ҳеч ким айтолмас экан.

## ЭРТАКНИНГ ИККИНЧИ ТУГАШИ

Соялар чўзилиб, қуёш уфққа ёнбошлай бошлабди ҳамки, одамлар ҳамон савзини тортганлари-тортган экан. Охири суғурибдилар ҳам! Лекин савзи эмас, ошқовоқ суғурилиб чиқибди. Ёриб қарашса, ичида еттига митти этикдўз ўтирган эмиш ва етталови ҳам этик тикаётган эмиш.

— Бу қандай гап?— дея миттивойларнинг жаҳли чиқиб кетибди.— Уйимизни, устахонамизни тортиб олишга нима ҳаққингиз бор? Қани, ҳозироқ ошқовоқни қайта ерга суқиб қўйинглар-чи!

Одамларнинг ўтакаси ёрилиб, тум-тарақай қочиб қолишибди. Ҳамма қочиб кетибди-ю, ёлғиз бобо жойидан қимирламабди. У миттивойларни саволга тутибди:

— Гугутларингиз йўқми, мабодо? Трубкама қурмагур ўчиб қолибди.

Шундай қилиб, бобо миттивойлар билан дўст киришиб олибди.

— Мен ҳам жон-жон деб сизларнинг ошқовоқларингизга кўчиб ўтган бўлар эдим,— дебди бобо,— уйларингизда менга ҳам бир кишилик жой топилмасмикан?

Унинг гапларини Ромео эшитиб қолибди ва узоқдан қичқириб дсбди.

— Бобо, агар сиз ўша ёққа кетсангиз, унда мен ҳам борамам! Кейин Жузеппина қичқирибди:

— Ромсо, болагинам, мен ҳам сен билан кетаман!

Сўнг Орестеннинг овози эшитилибди:

— Жузеппина, сенсиз менинг қандай куним ўтади?!

Миттивойларнинг чапараста жаҳли чиқиб кетибди ва ҳаммалари ошқовоқ-пошқовоқлари билан ернинг тагига кириб яширинишибди.

## ЭРТАКНИНГ УЧИНЧИ ТУГАШИ

Улар тортаверишибди, тортаверишибди... Одам беҳадди ҳисоб тўпланибди,— демак озмунча куч билан тортишмаётган экан! Охири савзи ўрнидан кўчиб, аста-секин, бир-бир сантиметрдан суғурила бошлабди. Секин бўлса ҳам, ишқилиб, суғурила бошлабди.



ку. У шунақанги баҳайбат савзи эканини, қўяверасиз! Уни бозорга олиб бориш учун йигирма еттига юк машинаси билан битта уч гилдиракли велосипеддан иборат улов керак бўлибди.

Дунёда одамларнинг қўлидан келмайдиган иш бор, дейснэмиз. Агар бир ёқадан бош чиқариб, иноқлик ва очикқўнгиллик билан ҳаракат қилинса, ҳеч иш битмай қолмайди.

## САЕҲАТЧИ МУШУК

Куллардан бир куни Римдан Болоньяга жўнайдиган поездга бир мушук кириб қолибди. Бундоқ олиб қараганда мушукларнинг поездга чиқиб қолиш ҳоллари тез-тез рўй бериб туради, тўғри, кўпинча уларни корзинкаларда ёки нафаси бўғиллиб қолмаслиги учун тешиклар очиб қўйилган қулларда олиб юришади. Баъзан поездма-поезд кўчиб юрувчи дайди мушукларни учратамиз. Гоҳида эса эгасиз, шунчаки сичқон пойлаб, тасодифан вагонларга кириб қолган мушуклар ҳам бўлади... Лекин биз ҳикоя қилмоқчи бўлган мушук эса буларнинг ҳеч бирига ўхшамайди, аксинча, бу чинакамга саеҳатчи мушук бўлиб, ўз инон-ихтиёри билан поездда сафарга чиққан эди.

Мушук, суд оқловчиларидай, елкасига қора сумка осиб олган экан, лекин ҳар нима бўлганда ҳам у ҳеч қанақа оқловчи эмас, бор-йўғи бир мушук экан, холос. У, рақамларни хира кўрадиган ҳисобчилардай, бурнининг учига кўзойнак қўндириб олган экан, аслида мушук ҳеч қанақа ҳисобчи-писобчи ҳам эмас экан. Боз устига кўзи ҳаддан ташқари ўткир экан. Худди машҳур артистлардай у эсинга ўта замонавий пальто, бошига ундан қолишмайдиган илғала кийиб олган экан, лекин у ҳеч қанақа артист-партист ҳам эмас, оддий бир мушук экан.

Мушуквой биринчи даражали вагон купесига кирибди-да, дераза ёнидаги бўш ўрнига бориб жойлашибди. Купеда бошқа йўловчилар ҳам аллақачон келиб, жой-жойларида ўтириб олишган экан. Бири Арцекодаги опасини кўргани кетаётган синьора, иккинчиси иш билан Болоньяга бораётган мўътабар жаноб ва учинчиси қаёққа кетаётгани помаълум ёш бир йигитча. Мушуквой кириб келиши билан йўловчилар ўртасида қандайдир жонланиш рўй берибди.

Синьора биринчи бўлиб сўз қотибди:

— Жуда ҳам чиройли мушукча эканми! Пиш-пиш-пиш... Худди катталардай, бир ўзинг қўрқмай йўлга чиқибсан-да, мушуквой?

Мўътабар жаноб дебди:

— Бурга-мурга илаштириб келмаган бўлса яхши эди.

— Унда бурга нима қилади, тозалигини қаранг,— эътироз билдирибди синьора.

— Ҳа, тозага ўхшаяпти... Лекин, ҳурматли синьора, шунини ҳам айтиб қўйишим керакки, мушукни кўрсам, баданимга қичима тошиб кетадиган одатим бор. Ишқилиб, тумов билан оғриб қолмасам гўрга эди.

— У тумов билан оғриганга ўхшамаяпти-ку, ўзингизча нималар деяпсиз ҳадеб?

— Мен сизга айтсам, ҳурматли синьора, ўзи ҳеч нарса билан оғримаганлардан ҳам менга тез юқади.

— Пиш-пиш-пиш... Чамаси беканг учун жой эгаллаган кўринасан, шундайми?

— Миёв!

— Овозининг ширинлигини қаранглар! Қизиқ, у ўз тилида нимани гапирган бўлса?

Шунда ёш йигитча биринчи марта суҳбатга аралашиб дебди:

— У, менинг бекам йўқ, деяпти. Ўз эрким ўзим билан, бунинг устига шоҳ қошоналарининг томида вояга етиб, дунё таниганман, деяпти.

— Жуда таажжуб-ку!

— Ундан кўра жўнгина, дайди мушук, денг-қўйинг,— дебди хушламайгина мўътабар жаноб.— Ишқилиб, кўкйўтал хуруж қилиб қолмаса гўрга эди.

— Кўкйўтал?— ҳайрон бўлиб сўрабди синьора.— Мушукларнинг кўкйўтал билан касалланишини умрим бино бўлиб эшитмагандим. Кўкйўтал болалар касали-ку.

— Мен, ҳурматли синьора, болалигимда бунақа касалга чалинмаганман. Лекин катта ёшдаги одамлар учун бу дарднинг нақадар хатарли эканини билиб қўйсангиз яхши бўларди.

Шу аснода поезд ўриндан қўзғалибди ва купега паттачи кириб келибди.

— Билетларингизни кўрсатинг, жаноблар!

Синьора сумкачасини очибди:

— Уҳ, балога йўлуққур бу билетни қаерга қўювдим-а?.. Ҳозир, мана... бу ерга солиб қўювдим, шекилли... ҳа, ҳа, худога шукур-ей.

— Ташаккур, синьора. Мана бу мушукка-чи?

— Бу менинг мушугим эмас!

— Унда сизники бўлса керак, синьор?

— Шу етмай турувди ўзи!— жаҳл билан дебди мўътабар зот.— Мушук зотини кўргани кўзим йўқ! Шуларни кўрдим дегунча қов босимим ошиб кетади!

— Биласизми, у менга ҳам қарашли эмас,— дебди ёш йигитча.— У ўзи саёҳат қилиб юрибди.

— Барибир билетни бўлиши керак-ку, унинг ҳам?

— Уйғотманг уни! Шундай ширин ухляптики у... Бирам ёқимли мушук эканим... қаранг юзининг жажжилигини!

— Афт-башараси қанақа бўлишидан қатъий назар, мен унинг билетини тешиб беришим керак.

— Пиш-пиш-пиш!— чақирибди синьора.— Мушуквой, ҳо Қорамош, қани бундоқ кўзининг оч, қара, ким келди...

Мушук аввал бир кўзини, кейин иккинчи кўзини очибди ва:

— Миёв, миёв!— деб қўйибди.

— Бошим кал, кўнглим нозик!— гудранибди мўътабар жаноб.— Димоғдорлик ҳам эви билан-да! Унга балки, юмшоқ вагон керак-дир? Ё ундан ҳам зўрроғими?

— Ҳеч ҳам ундай эмас,— тушунтирибди ёш йигитча,— у «кечиринг, кўзим кетиб қолибди», деди.

— Чарчадингми, а?

— Ҳа, афтидан у дилидагини ўта назокат билан изҳор этишни ёқтирар экан...

— Миёв, миёв,— яна овоз чиқарибди мушук.

— Энди нима деди? — қизиқсинибди синьора.

— У: «Марҳамат, мана билетим», деди,— таржима қилибди ёш йигитча.

— Сиз уни яхшилаб текширинг,— деб маслаҳат берибди паттачига мўтабар жаноб.— Йўқса шундай сурбет йўловчилар ҳам бўладики, иккинчи даражали вагон билети билан биринчи даражали вагонда кетаверишади.

— Билети жойида экан, синьор.

— Миёв, миёв, миёв,— қаттиқ-қаттиқ овоз берибди мушук.

— У,— деб тушунтира кетибди ёш йигитча,— гапирган ҳуда-беҳуда гапларингиз учун сизлардан ҳар қанча хафа бўлишга ҳаққим бор, лекин сочингизнинг оқи ҳурмати тишимни тишимга босиб ўтирибман, деди.

— Сочимнинг оқи дейсизми? Бошимда сочинг ўзи йўқ-ку! Теракалман!

— Миёв, миёв!

— Мушук, ҳаммасини кўриб-билиб турибман, лекин сочингиз бўлганда, у оппоқ бўларди, деяпти,— тилмочлик қилибди йигитча.

Синьора хўрсиниб қўйибди.

— Сизга қойил қолиш керак, мушукларнинг тилини тушунасиз. Бу қандай қўлингиздан келади?

— Унчалик қийин эмас. Фақат одам жуда диққатли бўлсин керак.

— Миёв! Миёв!

— Мунча сергап бўлмасал— Тўнғиллабди эътиборли жаноб. — Бир дақиқа ҳам жағи тинмайди-я?

— Ҳозир миёвлаганда нима деди мушуквой?— яна бидирлаб сўрабди синьора.

— У, чексам, эътирозларчигиз йўқми, деб сўраяпти,— таржима қилибди йигитча.

— Вой, бўлмасам-чи, бемалол чекаверсин! Вой ўлмасам, қаранглар у менга ҳам сигарета илтифот қиляпти... Гугуртини ҳам ўзи чақиб берапти? Фирт кашанданинг ўзи-я.

— Модомики сигарет чекар экан, кашанда бўлмай тагин нима бўларди,— гўлдирабди эътиборли жаноб.— Еки сизнингча у шер овлайдиган шикорбоз бўлсинми?

— Миёв, миёв!

Ёш йигитча дарҳол таржима қилиб ташлабди:

— У шундай деди: «Бугун об-ҳаво қандай ажойиб! Кеча шунақанги ҳавонинг авзойи бузуқ бўлдики! Айтнинг-айтинг, эртага ҳам бугунгидай ҳавонинг чиройи очиқ бўлсин-да. Сизлар узоққа кетяписизларми, синьорлар? Мен оилавий ишлар билан Венецияга кетяпман».

## ЭРТАҚНИНГ БИРИНЧИ ТУГАШИ

Маълум бўлишича, қаёққа кетаётгани номаълум ёш йигитча одамнинг кўнглидан ўтган ўйларни сезиб турувчи кўзбойлогич ва айёрлардан бўлиб, булар ҳаммаси унинг найранглари экан.

## ЭРТАҚНИНГ ИККИНЧИ ТУГАШИ

Маълум бўлишича, бу ҳақиқий мушук бўлмай, жуда қиммат турадиган, фақат янги йилга яқин сотувга чиқариладиган ажойиб ўйинчоқ-робот экан.

## ЭРТАҚНИНГ УЧИНЧИ ТУГАШИ

Бундай мушук, албатта, йўқ ва ҳеч қачон бўлган ҳам эмас. Бироқ биз, одамлар, қачонлардир ҳайвонлар тилини ўрганиб, улар билан тил топишиб, тўғридан-тўғри муомалада бўлсак, бунинг савобига ким етсин! Бордию, ҳамма ҳайвонларнинг тилини ўрганиш қийин бўлса, лоақал мушуквойлар билан гаплашадиган бўлсак ҳам майли эди!

Муаллиф эртақлар хотималарининг қайси бирини маъқул топади?

## СЕҲРЛИ НОҒОРА

Эртақнинг биринчи тугаши менга ёқмайди, ахир ўзингиз ўйлаб кўринг-а, дилкаш бир ноғорачи қандай қилиб бирданига ҳе йўқ, бе йўқ, катта йўлларни тўсадиган йўлтўсарга айланиб қолар экан. Эртақнинг учинчи тугаши ҳам маъқул эмас. Гарчи қизиқиш айб саноалмаса-да, шундай бир гаройиб сеҳрни арзимаган қизиқиш қурбони қилиб уни йўққа чиқариш, менимча, бориб турган калтабинликдир. Агар олимларда қизиқиш бўлмаганда улар ҳеч қандай кашфиёт қилолмаган бўлишарди. Мен эртақнинг иккинчи тугаши-ни ёқтираман.

## АЙЁР БУРАТИНО

Эртақнинг биринчи тугаши бир пулга арзимади, чунки одамларга шунчаки дакки-дашном, панд-фириб бергандан кейин ҳам айёр Буратино ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ, яхши одамга айланиб қолиши асло мумкин эмас. Тўғриси, қайси тугашни афзал кўришимни ҳам билмай қолдим,— иккинчиси яхшими ё учинчиси. Иккинчи тугаш завқироқ, учинчиси — ёмонроқ.

## ЭҲ, ШУРЛИҚ АРВОҲЛАР

Эртақнинг биринчи тугаши кўпда ақлга сиғмайдиган ҳол. Чунки барча ваҳималарнинг она-Ерминда пайдо бўлиб қолишига ўзим ҳам ишонмайман. Эртақнинг иккинчи тугаши хийла завқли-

роқ, лекин бечора қурбақалар бундан мустасно. Мен учинчи тугаш тарафдориман, бунинг яна бир сабаби шундаки, бу тугаш эртакни давом эттиришга ҳам имкон туғдиради.

## ХУРИШНИ ЭПЛОЛМАЙДИГАН КУЧУКЧА

Мен астойдил эртакнинг учинчи тугашини ёқлайман. Инсон учун аввало яхши бир устоз даркор. Бу от ўйинида довруқ қозониш ёки кунда бир коса овқат ейишдан ҳам муҳимроқдир.

## САҲРОДАГИ УИ

Эртакнинг биринчи тугаши анча қувноғ-у, лекин одам ишонгани келмайди. Иккинчи тугаш яхши бўлиши ҳам мумкин эди, бироқ синьор Тангатти киши бошига кулфат тушганда хайрихоҳлик кўрсатишга, ҳамдард бўлишга ярамайдиган шахс. Гарчи бир оз қайғули бўлса ҳам мен учинчи хотимани афзал кўраман.

## СУРНАЙЧИ ВА АВТОМОБИЛЛАР

Менга учинчи хотима ёқади. Фақат, нима учун, деб сўрашса, бунисини ўзим ҳам билмайман.

## ШАҲАР АЙЛАНИШ

Эртакнинг биринчи тугаши хаёлпарастларга мўлжалланган. Иккинчи тугаши эса ҳиссиётга берилувчанларга. Менга учинчи тугаши хуш ёқади, чунки бунда гарчи хаёлий бўлса-да Паоло орзулари ҳар қанча эзгу, ҳар қанча гўзал бўлмасин, ҳаммасидан воз кечиб, унинг ёрдамига муҳтож бўлган одамга амалий иш билан кўмаклашишга ҳаракат қилади.

## МИЛАНГА ЕҚҚАН ШЛЯПА ЁМҒИРИ

Эртакнинг биринчи тугаши ҳаддан ташқари жўв, иккинчи тугаши эса гоёта сирли. Учунчи тугаши-ку, аслида ёмон эмас, лекин нима учун келиб-келиб шляпа ёмғири ёққанини тушуниш қийин. Балки, ким билади дейсиз, бунинг айнан шундай талқин қилиш мақсадга мувофиқдир? Ахир осмондан шляпа ёмғири ёғишдан ҳам ажиброқ, мароқлироқ манзара бўлиши мумкинми? Бейхитёр дилмизда, эҳтимол осмондан ҳеч қачон бошқача, хатарлироқ нарсалар, дейлик бомбалар, снарядлар ёмғири ёғмас, деган эзгу умид туғилади.

## ОДАМЛАР НИМАЛАРИ БИЛАН БИР-БИРИГА УХШАЙДИ

Эртақнинг биринчи тугаши кўнгилли эмас. Иккинчи тугашда адолатсизликка йўл қўйилган — шўрлик хинди болани оқ бўёққа бўяшнинг нима кераги бор эди? Учинчи тугашга келганда унинг баҳоси йўқ, лекин, ўзингиздан ўтар гап йўқ, мен янглишишим ҳам мумкин.

## ПРОФЕССОР ДАҲШАТЛИНУС

Очингини айтсам, қандай қарорга келишимни ҳам билмайман. Учала тугаш ҳам, назаримда, мазмундор ва ибратомуз кўринади, Сизга-чи?

## КИМДИР ИИҒЛАЯПТИ

Мен ўзи асли йўқ бўлган ўша учинчи тугаш тарафдориман. У хийла ғамгин, албатта, лекин ҳамма эртақларнинг ҳам охири яхшилик билан тугайвермайди-ку.

## СЕҲРГАР ЁҚА-МАН

Эртақнинг биринчи тугашини яхши чиққан деб айтиш қийин: қолақ, ғариб мамлакатлар сеҳргарларга эмас, балки бошқаларнинг, анча тараққий қилган мамлакатларнинг ёрдамига муҳтож бўлади. Иккинчи тугашда сеҳргар фақат ўзи ҳақида ўйлайди. Бу— ёмон, албатта. Менга учинчи тугаш ёқади, чунки сеҳргар ўз ҳаётини қайтадан бошлашдан ҳайиқмайди.

## РИНАЛЬДОНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

Ғарчи бир оз ҳазилнамо бўлса-да, эртақнинг учинчи тугаши, назаримда, энг оқилона топилганга ўхшайди. Биринчиси ҳаддан ташқари суюқ, иккинчиси ҳаддан ташқари қайғули.

## ЧУПОННИНГ УЗУГИ

Биринчи дафъадаёқ эртақнинг аввалги тугашидан воз кечаман. Чунки бу шўрнинг қургур қароқчиларнинг шундай хазиналари борлигига сира ишонгим келмайди. Эртақнинг иккинчи тугаши кўпроқ саёҳатпарастларга, ҳаётни севувчиларга мақбул келади. Учинчи тугаш эса эзгулик ташналарига хуш ёқади. Менингча, ҳам иккинчи, ҳам учинчи тугаш жуда кўп ранг-баранг ҳангома ва саргузашт воқеалар тўқиб чиқаришга имкон беради.

## САЙЕРАЛАРГА ҚАТНАЙДИГАН ТАКСИ

Менга ҳаммадан ҳам эртақнинг учинчи тугаши ёқади, чунки мен тухумни ўлгудай ёмон кўраман. Бундай олиб қараганда учин-

чи тугаш ниҳоясига етмай қолгандек кўринади, шунинг учун агар ҳушингиз келса, уни ўзингиз батафсил ёзиб чиқсангиз ҳам бўла-  
верадн.

### БЕМОР ТИНО

Эртакнинг биринчи тугаши анча мазмундор чиққан. Учинчи тугаш эса эси пастнинг алжирашига ўхшайди. Менимча, энг яхши тугаган қисми — бу иккинчиси, чунки халқ мақолида ҳам бежиз айтилмаган-ку: дўсти кўп одам ҳеч қачон ёлғиз қолмайди, деб.

### ТЕЛЕВИЗОР ҲАНГОМАСИ

Қанақа жанжаллар бўлмайди бу дунёда! Учинчи тугаш — энг азълоси. Негалиги ўз-ўзидан кундай равшан.

### ЧУНТАҚДАГИ ЮЗ ЛИРА


Эртакнинг учала тугаши ҳам бир чақага қиммат. Гап шундаки бу эртак аслида эртак эмас, меҳнат қилишни хоҳламаган одамнинг бекорчиликда нчидан тўқиб чиқарган сафсаталари, холос. Лекин бир бечора банданинг аҳволини тушуниш ҳам керак-да, ахир. Умр бўйи боши меҳнатдан чиқмаса, кечани кеча, кундузни кундуз демай қора тер тўкса-ю, чўнтагида лоақал юз лира пул орттиролма-  
маса.

### УЛҚАН САВЗИ

Эртакнинг биринчи тугаши шунчаки кулгиликка тўқилган. Иккинчиси сиз болаларни чўчитиш учун ўйлаб чиқарилган. Учинчиси жуда қисқа бўлса ҳам маъноси чуқур — ахлоққа тегишли. Ҳозир ахлоққа оид воқеаларни ёзиш удумдан чиқиб кетганини биламан. Лекин бир гал ёзсак ёзибмиз-да...

### САЕҲАТЧИ МУШУК

Бу эртакда эса мен охири йўқ хотима тарафдориман. Мен до-  
им келажакка интиламан!



## СУНГСҮЗ

### Римлик сеҳргар

Ҳеч бир одам йўқки, мўъжизотларга қизиқмайдиган бўлсин. Гарчи очиқ-ойдин иқроп бўлмасак-да, қандайдир ғайриоддий, сирли, ақлу гидрокимизни ҳайратга солувчи нарсалар ҳақидаги эзгу орзулар ҳар биримизнинг вужудимизда, қалбу шууримизда муқаррар жой олган бўлади. Бу гўзал орзулар аслида биз дилу жонимиз билан берилиб эртақлар тинглаган олис болалик чоғларимизда ниш урганлиги шубҳасиздир.

Камалакнинг етти ранги жилва қилиб турган тонгги шабнам ила музайян шеърнятнинг хушбўй гуллари мисол жозибу соҳир бу эртақлар умр бўйи бизга ҳамроҳу ҳамқадам бўлиб қолади. «Эртақ инсонни кичикдан катта қилади» деб халқ бежиз айтмаган-да. Эртақлар ҳамиша яхшилик қилишга ўргатиб келган, юзаки, миннатли, ғаразли эмас, чинакам, самимий, пок ният билан яхшилик қилишга ундаган. Ўзи бошдан-оёқ афсонаю тўқима гаплардан иборат бўлишига қарамасдан бизлар чинакам ҳақиқатни даставвал эртақлар тимсолида теран ва яққол ҳис этамиз ва англаймиз.

Болалик пайтида бўлажак буюк эртақчи Ҳанс Кристиан Андерсен отасидан, эртақлар нима дегани, деб сўраганида, у ўғлига шундай жавоб қилган экан:

— Агар ҳаётни бекаму кўст ва ҳаққоний акс этдирган бўлса, ҳақиқий эртақ дегани ўша бўлади. Бундан ташқари, чинакам эртақ кишини ўзига тортиб, юрагингга жиз этиб тегади.

Бола онгида ҳаёт билан эртақ ҳайрон қоларли даражада бири бири билан омухта бўлиб кетган. Ташқи оламда содир бўлаётган ҳар бир воқеа-ҳодисани у ўзининг сеҳрли тасаввурот ойнаси орқали кузатиб боради.

Ажойиб римлик эртақчи, машҳур итальян ёзувчиси Жанни Родари мамлакатимизга даставвал ташриф буюрган пайтида ўзининг қорасоч қизи Паолина (ҳозир у улғайиб, рассом бўлиб етишган) билан Москва кўчаларини айланиб юрар экан, қизча отасини «Болалар дунёси» витринаси олдида тўхтатиб, ҳаяжон ичида шундай дейди:

— Ана уни қаранг, дада, ахир, бу Чиполлино-ку! Ана у бўлса, Шаҳзода Лиму! Буниси эса барон Пўртаҳол!

Жанни Родарининг бой тасаввуротлари туфайли дунёга келган қаҳрамонлар эндиликда китоб саҳифаларини тарк этиб, ҳаёт



қўйнига сингиб кетишганди. Ўзининг қаҳрамон пиёзчасининг қувноқ неополитанча башарасини эртакчи ўз қизи билан Пионерлар саройида, қўғирчоқ театри фойесида, уларни меҳмондорчиликка таклиф этган москвалик болаларнинг уйларида, мактаблардаги пионер бурчақларида учратдилар. Ҳа, ёзувчининг барча орзулари рўёбга чиққанди. Китобларни сўзлардан бунёд этилган унинг қўғирчоқлари ҳақиқий қўғирчоқларга айланиб, энди уларни бутун оила, бутун синф, ўқитувчилар билан биргаликда бемалом ўйнайверса бўлар эди. Родарининг китоблари ота-оналар ва тарбиячиларнинг болалар билан яқинлашувларида, улар билан бирга ўйнаб-кулишларида, баҳслашишларида ёрдам берувчи аниқ шундай қўғирчоқлар ўрнини босадикки, уларнинг ёшларидаги тафовут асло сезилмайди. Италия сеҳргарининг эртаклари ҳам кичик, ҳам катта — барчани баб-баравар маҳлиё этиб, ҳамма эртаклар каби дилларда «қанотли севинч» туйғуларини уйғотади (М. Горький).

Ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, мамлакатимизда Жанни Родари асарларини каттаю кичик бирдай севиб ўқийди. Унинг китоблари ўзининг қувноқлиги, битмас-туганмас хаёлот манбаи, самимийлиги, кўнгилочар ҳазиллари билан ўқувчилар қалбини ром этади. Уларда меҳнаткашларнинг моҳир қўлларига писбаган чуқур ҳурмат туйғуси жилва қилиб туради. Бу эса асар қимматини яна ҳам оширишга хизмат қилган. Ёзувчи касб-ҳунарнинг асил маъносини теран тушуниш билан бирга унинг аҳамиятини, инсон учун печоғли азизу ардоқли эканини, тўқилган кўз ёшларининг салмоғию қадр-қимматини бошқалардан кўра равшанроқ ва кенгроқ ҳис этади. «Инжиқ боланинг кўз ёшлари шамолчалик тош босмайди,— дейди Родари «Телефонда айтилган эртаклар» дан бирида.— Очликдан қийналган боланинг кўз ёшлари эса Ёр куррасидан ҳам вазминроқдир!»

Ҳамма нарсани пул ҳал қиладиган оламда ҳали ноҳақликлар тўлиб-тошиб ётганини яширмаган ҳолда ёзувчи эзгулик ва маърифатнинг охир-оқибатда ғалаба қилажagini ишонади ва ўзининг мана шу мустаҳкам садоқати билан ўз ўқувчиларининг меҳрини қозонади. Унинг шеърлари ва хаёлий ҳикояларида тасвир этилмиш тўқима воқеа-ҳодисалар тафсилоти замирида доим чинакам ҳаёт манзаралари акс этиб туради, Андерсеннинг таъбири билан айтганда, «ҳаётнинг ўзи яратган эртактан яхши эртак бўлмайди».

Жанни Родари ўз эртақларини етти ёшдан етмиш ва ундан ҳам улуғ ёшдаги кишиларга мўлжаллаб ёзади. «Жуда кўп эртақларим катта ёшдаги одамлар учун ёзилган,— деб таъкидлайди ёзувчи.— Дарвоқе, болалар учун асар ёзар эканман, бир кўзим билан эртак ўқийётган ўғли узра эгилиб турган отани кўриб турман. Ўғилчаларимизнинг ўзлари ҳам биз тасаввур қилгандан кўра кўпроқ нарсани фаҳмлашади. Фаҳмлари етмаган нарсани ҳам улар вужудларига сингдириб олишга ҳаракат қиладилар ва бунинг уддасидан чиқадилар...»

Ёзувчи ҳали ҳеч нарсага ақли етмайдиган фаросатсиз бола

даражасидан туриб мулоҳаза юритишга асло журъат қилмайди. У болалар билан худди катта ёшдаги кишилар билан гаплашгандай муомала қилади, болалар ўзларига кўрсатилган бундай илтифотдан кўнгиллари кўтарилиб, донишманд суҳбатдошларига комил ишонч билан қарайдилар.

Жанни Родари болаларга иложи борича кўпроқ мустақиллик бериш кераклигини, ўзларининг шахсий қобилиятларини мумкин қадар чуқурроқ такомиллаштиришларига алоҳида аҳамият беради. У тубандаги бир воқеани такрорлашни хуш кўрарди: кунларнинг бирида ёзувчининг саккиз яшарлик қизи Паоло йирик-йирик ҳарфлар билан батартибгина қилиб ёзилган «шартнома»ни отаси ҳузурига кўтариб киради, унда қуйидаги арзлар баён этилган эди: «Мен, Паоло Родарининг отаси, арз қиламанки, қизим ўн саккиз ёшга тўлганда унга ўзи хоҳлаганча яшаб ҳуқуқини муҳайё этаман». Ота бу «ҳужжатни жуда жиддийлик билан» қабул қилади ва бажонидил имзо чекиб, тасдиқлайди.

— Мен қизим Паолога ҳамиша ҳурмат билан қарар эдим,— дейди Родари,— ҳатто у ҳали муштдеккина қизалоқлик чоғида ҳам бошга кўтарар эдим. Ташқи дунёга меининг кўзим билан қарашни асло истамасдим — унинг ўз дунёқарашин билан яшашини хоҳлардим. Ҳар бир бола оламга келган бутун бир янгиликдан иборат, борди-ю, биз уни мажбуран ўзимизга ўхшагмоқчи бўлсак, олам ҳалоқатли тарзда тез кексайган бўлур эди.

Ёзувчининг ўзи ҳам бир умрга ёш бўлиб қолди.

Жанни Родари 1920 йил 23 октябрда Италия шимолида, Альп тоғлари этагида жойлашган Оменья шаҳарчасида дунёга келди. Оменья кўчалари тор-тор, пастак уйлари кўм-кўк дов-дарахт ва гулларга кўмилган кўркам шаҳарча бўлиб, ён-атрофда жойлашган қишлоқлардан кўпда фарқ қилмасди. Бу ернинг кўзга кўринган, энг ажойиб диққатга сазовор жойи д'Орта кўли эди. Унинг суви Мотгароне тизма тоғлари узра чарақлаб турувчи ҳамиша мовий осмон сингари тилиқ ва шаффоф товлаарди. Айниқса, қуёш чиқиш чоғида у ўзгача латофат ва жоизбадорлик касб этарди. Кўлнинг қоқ ўртасида эски қалъа қад кўтарган Сан-Жудно оролчаси бор эди. Бола ўзига ўхшаган шўх тенгдошлари билан бу оролчага кўп марталаб сузиб борар ва сирли оролнинг барча бучакларини ҳайрат билан томоша қилар эди. Кейинчалик «Сан-Жудно ороли мўъжизалари»га ҳам кенг ўрин берилган, ёзувчининг сеҳргарлик ҳақидаги эртақларига мавзу бўлиб кирган саргузаштларга оид илк таассуротлар ўша пайтда ниш урган бўлса, ажаб эмас.

Жанни кўлни жонидан севарди. Байрам кунлари қўшни қишлоқлардан ранго-ранг миллий либосларга бурканган қизлар келиб, кўл атрофида тўнланишарди-да, жўр бўлиб ҳар хил қўшиқлар айтишарди. Оҳангдор ва мазмундор халқ қўшиқлари ўзининг ёқимли навоси билан боланинг зеҳну гидрокини бутунлай сеҳрлаб олар эди.

Бироқ байрамлар нашъу назмосидан ҳайратга тушиш узоққа чўзилмади. Бола машаққатли меҳнатнинг туб мазғини эрта тушу-

қиб етди. Унинг отаси Жузеппе Родари булочка пиширувчи новвой бўлиб, каталакдайгина новвойхона ва «Нон маҳсулотлари ва озиқ-овқатлар» дўконининг соҳиби эди. Жаннининг деярли бутун ёшлиги олов жазиллаб турадиган тандир ёнида, ун ва кўмир солинган қоплар орасида ўтди. «Чап томонда хамир қорғич бўлиб, тўғрида ғиштин тандир аждаҳодай оғзини гоҳ очиб, гоҳ ёпиб турарди,— деб эслайди ёзувчи.— Отам эса нон пиширади: ана, у хамир қораяпти, кейин зувалалар қилади, нон ясайди ва белигача тандир ичига кириб, нон ёпади, сўнг понларни узиб олади. Укам иккаламининг кулчага ўчлигимизни яхши билган отам ҳар кун ўнтача кулчани алоҳида меҳр билан қип-қизил қилиб пишириб берар эди». Ўз-ўзидан маълумки, болалар ҳам қўлларидан келганча оталарига қарашиб туришган.

Кейинчалик Родарининг дилидаги ҳис-туйғулар шеърий сатрларда ўз ифодасини топа бошлайди:

Ана у, қаршингизда  
Новвой турибди оппоқ,  
Қош, киприги, сочи  
Оппоқдир бошдан-оёқ.  
Ҳар кун уйқудан турар  
Қушлардан ҳам эртароқ.

Ҳали қушлар навоси субҳидам ҳавосини тўлдирмай туриб ака-ука биргаликда отаси билан каттақон қозондаги оппоқ хамирни қоришганча новвойхонада куйманишарди. Хамир денгиздаги пўртанадай тошар, нафас олиш тобора оғирлашарди. Жанни бўлса хамирнинг «ҳансирашлари»нигина эшитиб қолмасди. Унинг назарида қозонда митти-митти сеҳргарлар яшаб, ташқарига чиқиш учун ўзларига йўл қидираётгандай туюларди. Бир дақиқа орқага ўгирилдимиз, тамом, гўё улар бебошлик қилишга тушадигандек бўлаверарди.

Ота оламдан ўтгандан кейин оила бошига чинакам оғир кунлар туша бошлади. Иш топиш хийла осон бўлган Қомо провинциясидаги Варезе деган округ шаҳарига кўчиб ўтишларига тўғри келди. Оналари бир бойнинг уйида оқсочлик қила бошлади.

Беканинг жағи тинмас, ё  
Ёзгуради оқсочдан:  
Ер юткур, кўйлагинга  
Текис дазмол урмабсан...

Хуллас бирор кун йўқки,  
Ўтмасин беғишова:  
Гоҳ овқатнинг тузи паст,  
Гоҳ қатиксиз наставка...  
Гоҳ синган бирор идиш,  
Гоҳ чада қолган иш...  
Шундоқ бўлгандан кейин  
Кимга — оқсочга қийин!

Болалигида Жанни жуда кўп нарсаларни орзу қиларди. У гижжакчи бўлиш ниятида бир эски гижжакни ғийтиллатгани-ғийтиллатгани эди. Мусиқага бўлган унинг ҳаваси дилдан бир умр жой олиб қолди. Унинг шеърларида ҳам, наср асарларида ҳам мудом муси-

қий оҳанг эш бўлиб, китобхон дилда акс садо бериб туради. Жельсоминнинг ҳайратомуз овозини бир эслаб кўринг-а, «у шу қадар ажойиб, шу қадар жўшқин оҳангда баланд овоз билан куйлар эдики, дастлабки ноталарни ижро этиши ҳаманоқ театр деворлари чок-чокидан сўкилиб кетарди». Узининг «Темир панжара қўшиғи» деган шеърйй ҳикоясида ёзувчи эски панжара чивигига линейка шикқалаб чалаётган бола қалбининг сирли торларини шу қадар нозикат билан чертиб ўтадики, бу чертишдан бола мўъжизавий оҳанглар қулоғига келиб урилаётгандай ҳис этади: «Чивикларни бир маромда чертар экан, унинг шуурида шеърйй сатрлар қатма-қат тахланиб борар эди. У боғдаги ҳар бир дарахт — хоҳ қарағай ва хоҳ арча бўлсин, хоҳ ливан зарангию хоҳ булутлар бағрига ханжардай қадалган сарв бўлсин, ҳаммасига атаб қўшиқлар тўқир эди. У яна боғ тўридаги уйга олиб борувчи хиёбонга, ҳар томонга ўрмалаб кетган сўқмоқларга, бута ва қийгоч очилган қучоқ-қучоқ гулларга атаб қўшиқлар ёзарди». Бироқ атрофдагиларнинг унинг бу мусиқавий хазинасидан баҳра ололмай, фақат чивикларни савалаганда чиққан бетартиб овозларнигина эшитиб, шундан жигибийронлари чиқса, болада нима айб? Қизиқ, нега ҳамманинг ундай бирдай жигибийронини чиқади ўзи? Ахир унинг қалбидан бири-биридан ёқимли куйлар қайнаб чиқаяпти-ку. Бу ҳикоя, албатта, ёзувчи онгида болаликдан ўрнашиб қолган — шў бонсдан ҳам у гоъят ҳаққоний ифода этилган бўлиб, инсоннинг абдий қайтиб келмас даврини самимий қўмсаш туйғуси билан йўрилгандир.

Кичкина Жанни кўғирчоқ ясовчи уста бўлишни ҳам орзу қилган. «Кўғирчоқлар тасодифий тарзда бир-биринга ўхшамайдиган, барчаси бирдай ёқиб тушадиган бўлишини хоҳлар эдим, — деб эслайди у. — Бундай кўғирчоқларнинг умри узоқ бўлиб, ҳеч қачон кўпгилга урмайди. Менимча, кўғирчоқнинг ҳам китобдан қолишадиган жойи йўқ, агар бундай бўлмаганда эди, болалар кўғирчоқни бу қадар севмаган бўлардилар. Модомики, болалар уларни севар эканлар, демак, кўғирчоқларда шундай ибратли хислатлар бор эканки, уни бошқа нарсаларда қидириб топиш амри маҳолдир».

Родари расом бўлишни ҳам ният қилган. Бироқ диний мактаб чангалига тушиб қолиб, бу орзуси ушалмай қолади. «Афсуслар бўлсинки, — деб ёзган эди адиб, — мактабда бизни шунақанги зерикарли ишларни бажаришга мажбур қилар эдиларки, бундан тоқатимиз төк бўлиб, тарс ёрилар даражасига келар эдик». Бироқ Жанни ҳаммасига чидашга мажбур эди, чунки бу ерда овқат ва кийим-кечак текинга бериларди. Бундан ташқари бу мактабда мажбурий тарздаги Инжил қироати билан бир қаторда буюк ёзувчилар яратган бошқа китобларни ҳам ўқиш имконияти бор эди.

Жанни Родари авлиё бўлиб етишмади, ўзини худо йўлига бағишлаш учун у ҳаётни керагидан ортиқ даражада севарди. Жаннат ва нариги дунё тўғрисидаги эътиқодлар унинг учун ёт нарсалар эди. У жаннатнинг ер юзида барча учун баб-баравар тегишли бўлишини хоҳларди.

Диний мактабда Родари икки йилдан ортиқ чидалмади. 1937

йилда у ўн етти ёшида таъқиблардан қочиб, Варезеда яширинган германиялик муҳожирларга италян тилини ўргата бошлади. Бироқ кўп ўтмай улар италян фашистлари таъқибига учраб, қочиб кетишга мажбур бўлдилар.

Родари университетда лекциялар тинглар экан, бир вақтининг ўзида бошланғич мактабда ўқитувчилик ҳам қила бошлади, чунки унинг болаларга меҳри беқиёс эди. Унинг фикрича, ёмон болалар бўлмайди, ҳамма болалар бирдай яхши. Айниқса совға олмайдиган ва шу бондан ҳам қўл учиди куи кўрадиган болалар айниқса яхши бўладилар. Жанни «олим» ўқитувчи бўлмаган эса-да, қувноқликда унинг олдига тушадигани топилмасди. «Мен болаларга турли воқеаларни ҳикоя қилиб берардим,— деб ёзганди Родари.— Бир-биридан кулгани бу воқеалар қанчалик бемаъни бўлса, болалар шунчалик завқланиб кулар эдилар. Демак, бунда бир гап бор. Мен билган бошқа мактабларда, чамамда, болалар шунчалик кўп кулмас эдилар. Одам ачиқ ва беҳуда кўз ёшлари тўкиб кулганда ҳам жуда кўп нарсаларни ўрганиши мумкин». Болалар ҳам ўрганишга қизиқадилар, чунки ёзувчининг гапларига қараганда, «бино ичига катта эшикдан кириш мумкин, бироқ дарчадан ошиб кириш эса болалар учун ўзгача завқ бағишлайди».

Бу эртаклар ёрдамида ўқитувчи болаларга жуда кўп бошқа фойдали нарсаларни ҳам сўзлаб берар эди, ҳаммадан ҳам улар зехинда кенг тасаввуротлар оламини очар эди. У ўқитувчиларни ўйинларга жалб қилар экан, уларда ижод қилиш қобилиятини уйғотадди. Масалан, у болаларга қўйилмаган савол билан мурожаат қилди: «Агар эшикни тинсоҳ тақиллатиб қолса, сен нима қилар эдинг?» «Агар Милан денгизнинг ўртасида пайдо бўлиб қолса, унда нима қилар эдинг?» «Агар дарёга тўр ташлаб, балиқ эмас, сув парисини тутиб олсанг, унда нима қилар эдинг?» Мазкур саволларга жавоб беришга бир урниниб кўринг-а, бу қанчалик мароқли машғулот эканига ўзингиз амин бўласиз. Яна бир савол: «Борди-ю, лифт қулаб тушиб, тўғри ернинг қаърига кириб кетса ёки учиб чиқиб, Ойга бориб қўнса, унда нима бўларди?» Жанни Родарининг ўзи бу саволга ушбу китобда ўқиб чиққанингиз «Юлдузлар сари учган лифт» эртаги билан жавоб қайтарган. Бу эртак ҳам мактаблардан биринда ёш бир ўқитувчи дарс ўтаётган пайтда бошқа эртаклар сингари тўсатдан олаimg келган.

Қизиқарли саволга жавоб беришнинг ҳам ўзига яраша гашти бўлади. «Агарда»... сўзининг ҳар қандай ижодий жараён эшигини очиб берувчи сирли кучи борлиги тўғрисида гапирганда буюк рус режиссёрни К. С. Станиславский ҳақ эди. «Агар Букри Тойчоқ ўрнида бўлиб қолсам-у, Ҳумо қушини туттишимга тўғри келиб қолса, қўлимдан нима келар эди?»— дея ўзига-ўзи савол беради актёр янги ролини ижро этишга киришиш олдида. Бу саволига жавоб топиш учун, аввало, ҳаётот кучини обдон пешлаш олади, шундан кейингина Букри Тойчоқ образига тамоман мосланиб, ўзида кучли ишонч туйғусини ҳис қилган ҳолда ролин адо этишга киришади.

Родарининг ўқитувчилик фаолияти иккинчи жаҳон уруши ту-

файли бўлиниб қолди. Бир дақиқа ҳам ўйланиб ўтирмасдан у итальян Қаршилик кўрсатиш сафларига бориб қўшилди ва фашизмга қарши фаол кураш олиб борди. Айни ўша пайтда Родари Италия Коммунистик партияси — ИКГга аъзо бўлиб кирди.

Урушнинг сўнги гумбур-гумбурлари тиниб, Италия фашизм бўйинтуруғини улоқтириб ташлагач, Жанни Родари Варезедаги маҳаллий ёшлар федерациясининг «Ордине нуово» («Янги тартиб») ҳафталик органига бошчилик қилади. Ёш журналист ёшган мақолалар унинг ноёб истеъдодини, ҳаётдаги энг муҳим воқеа-ҳодисаларни илғаб олишдаги зийраклигини, булар ҳақда жароқли ҳикоя қилиб бериш лаёқатини намойиш этди. Ҳафталик саҳифаларида Франческо Арикокки лақаби остида унинг илк ҳикоялари чоп этила бошлади.

1948 йилда Жанни Родарини итальян коммунистларининг органи бўлмиш «Унита» («Бирлик») газетаси редакцияси билан ҳамкорлик қилиш учун Миланга таклиф этишди. Журналист мамлакат бўйлаб кўпгина сафарларда бўлди, фабрика ва заводларни бориб кўрди, қишлоқ ва кентларни кезди. Бағраклар исёми, деҳқонларнинг бир парча ер учун жон олиб-жон бериб курашилари, ишчиларнинг ўз меҳнат ҳуқуқларини қандай ҳимоя қилдилари ёзувчининг кўз ўнгиде содир бўлди. Оддий халқнинг турли жазоларга маҳкум этилишларидан газаби туғён урди. У она юрти Италияга шунчаки саёҳатчи-жаҳонгашта кўзи билан қарагани йўқ, унинг манзараларини жимжимадор откритка мисоли томоша қилиб, ҳаяжонга тушмади. Уни кўпроқ ўша «откритка»лар ортидан меҳнат кишиларининг ҳақиқий ҳаёт тарзлари қизиқтирар эди.

Билмоқ бўлсанг ичкарида нелигин  
Сен сувратнинг ортига солгил зеҳн...  
Унда биров гам-қайғуда, биров шод,  
Қуи бўйи туз тотмай ётар биров, дод!  
Бировлар бор — бошпанасиз, натамасиз,  
Қор-ёмғирда азоб чекар, ҳай эсиз!  
Биров-чи, зўр ухладим деб керишар,  
Лек қачон у бошпанага эришар?..

Жанни Родари ўз газетаси учун ҳақиқатпарвар мақолалар ёзибгина қолмайди, балки ўзи ҳам адолат учун курашга отланади.

— Мен урушга қарши намойишларда иштирок этардим, озошлик учун курашнинг олдинги сафларида бўлардим,— деб ҳикоя қилади журналист.— Шулар ичида яшаб турганингдан кейин фақат гуллар ва совуи кўпиклари ҳақида гашираверишининг иложи бўлмай қоларкан, тўғрироғи, бу қўлингдан келмас ҳам экан! Энди мен ўз шеърларимда мамлакат бўйлаб кезиб юрганамда кўрган-кечирганларимни ҳикоя қила бошладим.

Мухбир Родарининг болалар ёзувчисига айланиб қолиши, адабнинг ўзи иқдор бўлшича, «тасодифан» содир бўлган. Бир куни «Унита» газетасининг бош муҳаррири унинг учун газетанинг яқшанба сониде «Болалар бурчаги» ажратади.

— Бу ўзига хос ҳазил бурчаги бўлши керак эди,— деб эслайди Жанни Родари.— Мен қўлимдан келганча уришиб кўрдим, қарасам ажабтовур бир нарса чиққанга ўхшайди. Мен ёзган ҳикояни катталар ҳам, болалар ҳам завқ билан ўқишди. Шунда муҳаррир «Болалар бурчаги»ни ҳар якшанбада мунтазам бериб боришга қарор қилди. Уни тайёрлашни эса шахсан менинг ўзимга топширди. Ҳазил йўсинидаги илк шеърларимни шу тариқа чоп эта бошладим.

Шоир бу ҳазил шеърларини филасдроккалар деб атаб, уларга Лино Пикко лақаби билан имзо чекар эди. Филасдрокка — бу соф италянча сўз бўлиб, гирт беҳудалик деган маънони билдиради, замрида эса қандайдир жиддий нарса яширинган бўлади. Болаларнинг пойинтар-сойинтар ва тумтароқ гапларни ёқтиришларини Родари сезиб қолади. Шу ўринда унинг мазкур китобдан жой олган «Ҳикоя сўзлашни эпломайдиган бобо» эртагини бир эслаб кўринг-а. Бутун жаҳон болаларига маълуму машҳур Қизил шапкача эртагининг хотири паршон бобо томонидан бузиб айтилиши митти тингловчида самимий кулги уйғотади. Агар қувноқ тумтароқли гапларни сатрларга тизиб, шеър ҳолига келтирилгудек бўлса, болалар жон-диллари билан такрорлашларини гапириб ўтирмаса ҳам бўлади: улар шеър замирида яширинган «коса тағида нимкоса»ни жуда яхши ҳис қиладилар ва бу уларга чексиз завқ бағишлайди.

Қаймоқ деса ўзинг томдан ташловчи  
Уша Сусанна-да, мен шеър айтмоқчи.  
Қаранг, ишқи тушиб велосипедга  
Ўқдай учар, қарамайди эт-бетга:  
Бола десаиғ, бола эмас, шумшуквой,  
Шумшуквой ҳам гап эканим, мушуквой!  
Гаядаси ҳам келса мушукча келар,  
Думи йўғу лекин мушукдай елар...

— Болалар учун шеър ёзиш менинг ўзим учун ҳам бир кашфиёт бўлган эди,— деганди Родари.— Мен шеър ёзишга бир киришдим, қайта уни тарк этолмай қолдим.

«Болалар бурчаги» китобхонлар ичида зўр муваффақият қозонди. Еш журналистнинг шеър ва эртаклари ўша пайтда Италияда босиб чиқариладиган болалар оммавий адабиётлари ичида яққол ажралиб турарди. Деярли барча болалар ёзувчилари ўзларининг митти китобхонлари учун қирминзи жирафа ёки фаришталар саргузаштлари тўғрисидаги боши-кеги йўқ гаплардан иборат «чучук китобчалар» ёзишни афзал билар эдилар. Бироқ италян ишчиларининг болаларига меҳнат, ўқиш, меҳнат кишиларининг чинакам ҳаёт тарзлари ҳақида ҳикоя қилувчи «нон китобчалар» кўпроқ зарур эди.

Чиччо яшар тағхонада, ювиндилар олдиди,  
Етар жойи гичир-гичир эски шадож каравот.  
Ўтирмоққа майиб-майирм бир столу бир стул,  
Ўзга бирон буюм-суюм кўринма бунда, ҳайҳот!

— Мен дуч келган болалар учун ёзавермайман,— деган эди Жанни Родари,— фақат қўлларидида сиёсий газета, коммунистлар

газетасини тутган болалар учун ёзаман. Улар билан гаплашганда ҳам болалар адабига қондаларига ёзилганидан ўзгачароқ тарзда муомала қилишга мажбур эдим.

«Болалар бурчаги» саҳифасида Лино Пикко (Жанни Родари)нинг қувноқ шеър ва эртаклари шу тариқа мунтазам равишда бо-силлиб чиқа бошлайди. Унинг барча шеърлари ғоят таъсирчанлиги ва сермазмунлиги билан ажралиб туради.

Стул тўқир тинни билмай у,  
Сизни ўқазмоққа гўё тахт қураб,  
Ўзи эса мук тушгандир қоқ ерга тақир,  
Шундоқ экан... бунёд қилган зўр автомобилни  
Қўчаларда яёв кезар тўзиб оёқдан.  
Сизга қўлини ўргулсин зўр ботинка тиккан  
Уста ўзи оёқаланг қолар дафъатан.  
Асалари уясида қатра бол бўлмас,  
Ер битмайди деҳқон шўрлик пешонасига.  
Айтишар-ку, белбоққа ҳеч ёлчимас бўзчи,  
Тан бераман ҳикматларнинг дурдонасига.

— Менинг эртаклар ёзишга ҳавасим зўрлиги сир эмас,— деб иқрор бўлади ёзувчи,— чунки болалар тушунадиган соддагина тил воситасида ҳар қандай муаммо ҳақида бемалол гапириб имкониёти мавжудки, бунинг учун эртақ шакли менга жуда қўл келади.

Жанни Родарининг шеърларини болалар завқ-шавқ ва меҳр билан ўқийдилар ва ёд олиб, такрорлаб юрадилар. Улар редакциянинг саволга кўниб юборадилар, бу саволларга жавоб бериш учун ёзувчи тиниб-тинчимайдиган, ҳар нарсага қизиқувчан Нима-учун образини ўйлаб топади. Бирон-бир иш йўқки, мана шу Нима-учун аралашмаган бўлсин, фақат угина ҳар кимга қувноқ, шу билан бирга ибратли жавоб қайтаришга қобилу фозил.

Дейлик, Нимаучунга шундай савол билан мурожаат этишди: гуллар нега ҳид таратади? У пайсалга солиб ўтирмай, ҳозиржавоблик билан ўша заҳоти жавоб қайтаради:

— Гуллар қўнғизларни, ипачиларни, чигирткаларни ва асалариларни ўзига чорлаш учун ҳид таратадилар. Чунки гулдан гулга учиб-қўниб юрган ҳашарот ўзлари билан чанглагинчи олиё юрадилар-да! Бир гулнинг чанглагинчи иккинчи гулга ўтган тақдирлагина ёз охирига бориб дон ҳосили бериши мумкин... Тўғри, баъзан одамга унча хуш ёқмайдиган ҳид таратувчи гуллар ҳам бўлади. Шу бондан ҳам ундай гулларни пашшадан бошқа бирон зот ёқтирмайди... Ҳа, айтмоқчи, сал бўлмаса эсимдан чиқаёзибди, гоҳи қалбами, қоғоздан ясалган гуллар ҳам учрайди. Бироқ ўзингизга маълумки, бундай гулларда ҳиддан асар ҳам бўлмайди.

Елгон нима?—  
Қоғоз гулдан  
Йўқдир унинг заррача фарқи.  
Уни кўриб  
Баёвлар «оҳ» дея оширар наркин  
Ҳай-ҳай,  
Гар ёлгоннинг



Пояси кўп узун бўлса-да,  
Елгондан рост  
Ҳидин туйган  
Ким бор ва қайда?

Демак, ўзи таъкидлаб ўтганидек, Жанни Родарининг болалар ёзувчиси бўлиб етишиши ҳеч ҳам тасодифий эмас экан. Ҳали дарс чоғи болаларга қизиқ-қизиқ воқеаларни ҳикоя қилиб берганда, тараққийпарвар газеталарга мухбирлик қилиб юрганда, италян халқи ҳаётига синчиклаб назар ташлаганда ёхуд эрта ёшлик палласида ўзининг «Хаёлот дафтари»да «сўз ва образларни» қандай жонлантириш борасидаги фикр ва мулоҳазаларини қайд этиб юрган онларидаёқ у болалар ёзувчиси бўлган эди.

1950 йилда Жанни Родарини «Уинта» газетасининг пойтахтдаги редакциясига таклиф этишадди ва газетага илова тарзида «Пионьер» («Пионер») болалар ҳафталик журнали ташкил этишни топширишадди. «Бошда,— деб эслайди ёзувчи,— бу таклифни эшитиш ҳам менга малол келди. Бироқ бу партиявий топшириқ эди, гарчи ўзимда бирон-бир жиддий қизиқиш бўлмаса-да, рози бўлишдан ўзи чорам йўқ эди. Чунки партия топширган ҳар қандай ишни бажаришга ҳар биримиз астойдил бел боғлаган эдик».

1950 йил сентябридан 1953 йил декабрига қадар Родари ёзувчи Дина Ринопльда билан биргаликда «Пионьер» журналига раҳбарлик қилди. Шу йиллари унинг болалар учун ёзилган биринчи китоби босмадан чиқди. Журнал саҳифаларида эса Родарини бутун дунёга танитган машҳур «Чиоллинонинг саргузаштлари» қиссасартаги биринчи марта босилиб чиқа бошлади.

Жанни Родарини хаёлотнинг мўъжизакор оламига олиб киришида, унинг ўз сўзига қараганда, Карло Коллодиннинг «Пиноккионинг саргузаштлари» классик болалар китобчаси сабабчи бўлган. У бу китобчани деярли ёддан биларди. Топқир пиёзбола Чиоллинонинг саргузаштлари ҳам Коллодиннинг эртаклари таъсири остида ёзилганди (рус адабиётида уни «Олтин калитча ёки Бурагининг саргузаштлари» номи билан А. Н. Толстой қайта ҳикоя қилиб берган). Жанни Родарининг эртагида пиёз ҳиди анқиб турувчи қашшоқларга нисбатан ўша-ўша ҳамдардлик, чуқур инсонийлик, ўша-ўша ҳазил, хаёлот, ўша-ўша ёрқин, жонли характерларни кўрамиз. Гарчи бу ўринда полиз экинлари ҳаракат қилса-да, Сироқ улар ҳайрон қоларли даражада одамларга ўхшаб кетади — бири яхши, бири ёмон, бири ундай, бири бундай, чунки, муаллифнинг таъкидлашига кўра, «мушуклар тўғрисида гапириб туриб одамлар ҳақида мулоҳаза юргизиш мумкин, қувноқ эртаклари бўлаб туриб, ўта жиддий ва муҳим муаммолар хусусида мушоҳада қилиш бир қадар қулайдир ҳам».

«Чиоллинонинг саргузаштлари» жаҳон халқларининг ўттиздан ортиқ тилига таржима қилинган. Уни француз тилидан тортиб қабардин-болқор, немис тилидан тортиб япон, швед тилидан тортиб ёқут тилигача қилинган таржималарини учратиш мумкин.

Рус китобхонини Жанни Родарининг ижоди билан илк марта С. Я. Маршак таништирган. Ҳали Родари бадий адабиётда илк марта қадам ташлаётган пайтлардаёқ Маршак унинг шеърларини

рус тилига ўгиришга муваффақ бўлган эди. Мазкур таржималар классик бўлиб, бу ҳақда ўзининг «Нима учун Жанни Родари шеърларини таржима қилдим» мақоласида рус шоири тубандагича изоҳ беради: «Халқ қўшиқлари ва термалари билан бир ўринда туришга муносиб шеърлар ёзиш халқ билан бевосита ҳамнафас яшайдиган ва унинг тилида гапирадиган шоирларнинггина қўлидан келади. Жанни Родарини мен ана шундай шоирлардан деб биламан. Унинг шеърларидан мен Рим, Болонья, Неаполь шаҳарларининг кўчаларида ўйнаб юрган болаларнинг шўх суронини эшитаман». Ажойиб совет ёзувчисининг таҳрири остида Родарининг бош китоби «Чи-поллинонинг саргузаштлари» рус тилига таржима этилди ва мамлакатимизда йигирма мартадан кўпроқ нашр қилинди.

Жанни Родарининг буюк истеъдоди ўз ватанидан кўра Совет Иттифоқида эрта қадр топди.

— Совет Иттифоқи,— деб суюниб ёзади адиб,— менинг эртак ва болаларга аталган шеърларимга бу қадар илиқ ва яхши муносабат билдирган биринчи мамлакатдир, у Италиядан илгарироқ менга таъбирдан, ватанимда эса фақат сўнгги йиллардагина асарларим мактаб дарсликларига киритила бошланди.

Жанни Родари турли делегациялар ва халқро кинофестиваль жюриси аъзоси сифатида (сўнгги марта 1979 йили) мамлакатимизда бир неча бор бўлган эди. У совет мактабларида ўқитиш системасига қизиқди, СССРнинг бир қанча шаҳарларини айланиб чиқди. Ўз таассуротларини у Италияда чоп этилган бир туркум мақолаларида баён этди. «Совет болалари биз, италияликларнинг, болаларидан ўзгачароқми?— деб ёзган эди адиб мақолаларидан бирида.— Бу болаларнинг ҳаётини шароитлари, мактаб ишларининг қандай йўлга қўйилганлиги, мактабда ва мактабдан ташқаринда ишларнинг бориши, ўқитувчи ва ўқувчилар, мактаб ва ота-оналар ўртасидаги алоқалар ҳамда таълим бериш жараёнининг бошқа жиҳатлари билан танишиш мақсадида менга ўхшаб Совет Иттифоқида бўлган ҳар қандай кишига бериладиган биринчи саволдир. Мен оддийгина қилиб: совет болалари бизнинг болаларимизга икки томчи сувдай ўхшаш экан, биздаги ютуқ ва камчиликлар уларда ҳам бор, гоҳ одатда биз, катталарнинг, ғашимизга тегувчи шўхликлар уларга ҳам хос экан, деб жавоб беришим мумкин эди... Бироқ даставвал шу нарсани таъкидлаб ўтиш жонзек, совет ўқувчиларининг фаолият кўлами уларнинг итальян тенгқурлариникидан кўра анча кенгроқ экан, уларнинг катта ёшдаги кишилар билан ўзаро муносабатларида ҳам тафовут анчагина экан... Совет муассасалари (мактаблар, спорт ва турли ўйин комплекслари, дарсдан ташқари тарбия, мактаб билан онла ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва ҳ. к.)ни Италиядаги муассасалар билан таққослаб кўрилса, афсуски, бизнинг ютқазинимиз муқаррар: ҳатто Италиянинг анча-мунча ривожланган областларида ҳам бундай нарсаларни учратишимиз амри маҳол... Тўғри, совет мактабининг ҳам ўзинга яраша камчиликлари бор, бироқ улар совет кишилари томонидан ҳар тарафлама, очиқ-ойдин ва кенг муҳокама қилинади, у ўзи билан ўзи ўралашиб қолмаган, чиннакам ҳаётини воқеликлар ва биз яшаб тур-

ган замон руҳи кириб келадиган эшикларни ёпиб қўйилмаган, афсуски, шундай иллатларни бизда тез-тез учратишга тўғри келади».

Эллигинчи йиллардан кейинги ўттиз йил Жанни Родари учун энг маҳсулдор йиллар бўлди. 1953 йилда унга ёш итальян коммунистларининг органи бўлган «Авангард» номли журналга раҳбарлик иилиш топширилади. Бу ерда у итальян ёшларининг энг сеvimли асарлари қайсилар деган саволга жавоб бериш сўралган анкета ташкил этади. Маълум бўлишича, Италияда совет адабиётини, хусусан, Н. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» романини кўпчилик билар ва яхши кўрар экан. Уч йилдан сўнг ёзувчи социалистик партиянинг органи бўлган ва шу ерда умрининг охиригача ишлаб қолган «Паэзе сера» («Юрт оқшоми») номли бошқа демократик газетага ишга ўтади.

Барибир Жанни Родари учун асосий иш — бу бадний ижод бўлиб қолаверди. Адиб қаламига мансуб ўндан ортиқ шеърлар, эртаклар ва хаёлий ҳикоялар тўплами оламга келди. Одатдаги нарсалар ҳайратомуз мўъжизотга айланган, ақл бовар қилмайдиган воқеалар оддий гап бўлиб қолган бу китобларнинг номлари ҳам ўзига хос оҳангда жаранглайди: «Шеърлар поезди», «Жельсоминно ёлгончилар мамлакатида», «Мовий камон саргузаштлари», «Телефонда айтилган эртаклар», «Янги йил арчалари сайёраси», «Телевизор ичига кириб қолган Жип», «Осмондаги торт», «Икки марта барон Ломберто бўлган эди» ва бошқалар. Мазкур китобларнинг даярли ҳаммаси рус тилига таржима қилинган.

Фақатгина эртакларда бўладиган, киши ақлига сиғмайдиган воқеа-ҳодисалар тафсилоти билан тўлиб-тошган бу китобларнинг ҳар бири замирида чуқур маъно яширинганки, у ҳеч бир қийинчиликсиз, қандайдир ўйшоқи тарзда болалар онгига бориб ета олади. Жельсоминно ҳақидаги эртакни нега ёзгансиз, деб берилган саволга жавоб қайтарар экан, Родари совет болаларига мурожаат этиб, шундай ёзганди: «Менимча, одамзотнинг энг хатарли душмани — бу ёлгончилик. Еруғ оламда юз минглаб ёлгончи бор. Масалан, «озодлик» дея жар соладиган, аини ҳолда ишчиларнинг сармоядорлар томонидан кўпроқ эзилишларига, империалистлар эса мустамлака халқларнинг қонини кўпроқ сўришларига хизмат қилувчи бошқача озодлик тўғрисида ўйлайдиган журналист учига чиққан ёлгончидир. Оғизда «тинчлик» деса-ю, амалда урушни ёқласа, у ҳам ёлгончи... Ҳақиқатни мен азбаройи кучли жаранглаганидан дераза ойналарини зириллатиб юборадиган қўшиқчининг наърасига ўхшатаман».

Нақадар хаёлотга бойлиги, самимий ҳазил ва беҳиёс ҳаётбахш руҳи билан кишини ҳайратга солувчи «Телефонда айтилган эртаклар»нинг ҳар бирида мустақил бир фикрга дуч келасизки, у эртакнинг сўнггида ифодаланиб, халқ ҳикматлари шаклини олади. Дейлик, Жованнинно «оламдаги энг боодоб қонунларга амал қилиб яшамок» учун «Ҳеч қандай аччиқ нарсаси бўлмаган мамлакатга қайтишни орзу қилади. «Ҳеч қаёққа олиб бормайдиган йўл»да эса ёзувчи «ҳеч ким юрмаган йўлдан илк марта ўтган кишиларгагина жуда кўп хазиналар эшиги очилади» деган хулосага келади. «Ҳам-

ма сўзларни «эмас» билан айтилувчи мамлакатда эса ҳеч ҳам уруш бўлмас экан. «Борди-ю, тўсатдан уруш бошлангудек бўлиб қолса,— деб изоҳ беради бир шаҳарлик,— биз шу заҳоти карнай-эмасни пуфлай бошлаймиз, замбаракэмаслардан ўт оча бошлай-миз, бир вақт қарабсизки, уруш ўз-ўзидан тўхтаб қолади». Аллақандай манжалақидан «Стокгольмни сотиб олган киши» эса ҳозиргина оламга келган чақалоқ бутун оламнинг эгаси эканига, бунинг эвазига у бир соьльдо ҳам тўлашига тўғри келмаслигига ўла қолса ҳам ақли етмайди! Чақалоқ егини шимариб ишга киришса, ҳалол тер тўкса, бас, ер юзидаги ҳамма нарса унинг қўлига кирди-қўяди». «Телефонда айтилган эртақлар»ни бир карра зеҳн қўйиб ўқиб чиқинг-а, улардан ўзингизга жуда кўп фойдали нарсалар олишингиз шубҳасиз.

Чорак аср муқаддам ёзилган «Телевизор ичига кириб қолган Жиг» эртаги бизнинг кунларимизда ҳаддан ташқари замонавий жаранлайди. У бутун жаҳон олимларини киннотви тинчлик мақсадида ўзлаштиришда, самовий урушларга қарши курашда ҳамкорлик қилишга даъват этади. Самовот қаърида қандайки жамият маъжуд бўлмасин, барчаси бир ёқадан бош чиқармоғи даркор, деб ҳайитиради «Янги йил арчалари сайёраси» эртаги.

Жашии Родариннинг бошқа бир «Осмондаги торт» эртаги воқеа-ҳодисаларнинг ўта хаёлпарастларча йўналиш касб эгишига қарамай (бунда Рим устида портлаган атом бомбаси улкан тортга айланаб қолади), барча кишиларга, ҳатто болаларга тинчлик учун, ядро урушига қарши курашиш зарурлиги тўғрисида гапирилади. Совет матбуотида эълон қилинган бир мақоласида ёзувчи «Осмондаги торт» эртагини ёзиш фикри қандай туғилгани ҳақида батафсил сўзлаб беради: «Баъзилар торт ҳақидаги фикрга келиб тўхтаганимча бу мавзу устида роса бош қотирган бўлса керак, деб ўйлаш мумкин. Аслида бунинг акси бўлганди.

Бир кунги биз бир неча ўртоқлар билан «Паэзе сера» газетаси редакциясида у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирар эдик. Орамиздан кимдир сира рўёбга чиқиши мумкин бўлмайдиган бир орзуси борлигини айтиб қолди. Гап нима ҳақида кетаётганини ҳозир эслашим амри маҳол, лекин узоқ вақт Америкада яшаган бир кекса ҳамкасбимиз унинг галига жавобан: «Ие, ахир бу осмондаги торتنинг ўзингиз-ку!» деб юборди. Эҳтимол, «осмондаги торт» ибораси америкаликнинг қулоғига сингаб кетган бўлиб, кўнглига ҳам бир оз оғир ботар, лекин у менга жуда қизиқ туюлиб кетди ва шошлангича тугурт қутиси устига бу иборани қайд қилиб қўйдим...

Ордан бирмунча вақт ўтгандан кейин мени Рим атрофидаги бир бошлангич мактабга таклиф қилишди ва ўзимнинг янги эртақларимдан биронтасини ўқиб ё сўзлаб беришимни илтимос қилишди. Шунда «осмондаги торт» эсимга тушди. Агар торт худди мана шу жойда (Римдаги энг оялоқ ва зерикарли бир жой) пайдо бўлиб қолса-ю, мактаб ёнидаги теналик устига келиб тушса, қандай саз бўларди, ҳамма болалар у ерга чиқишарди-да, оғиз-бурунларидан чиққунча маза қилиб тортга тўйиб олишарди, деган ўйлар кечди хаёлимдан...

Аста-секин кўз олдимда хаёлий манзара жонлана бошлади: торт атрофига одамлар йиғилиб кела бошлади ва суҳбатлар қизи-гандан қизиб кетди. Сюжет ўз-ўзидан ривожлана бошлади ва шикор қилиб бўлмайдиган манتيқ касб этди: модомки осмонда торт пайдо бўлибдими, энди ҳалиги гап шундай бўлиши керак, ундай кейин бундай бўлиши керак ва ҳоказо, ва ҳоказо...

Энди нима учун булар ҳаммасига атом бомбаси баҳона бўлганини сизга (ёки тўғрироғи ўзимга) тушунтириб беришимга тўғри келади. Агар мен диндор бўлганимда тортнинг худо гомонидан болаларга юборилган ризқ, уларнинг насибасини бутун қилмиш учун иноят кўрилган бир эҳсон деган қарорга келган бўлардим. Булар ҳаммасини ўзимга тасаввуримда қайта гавдалантириб, кейин бу мўъжизавий воқеани болаларга сўзлаб берган бўлардим. Бундан худого ишонсангиз, дилингиздаги ҳамма армонлар рўёбга чиқмай қолмайди деган бошқача тарбиявий хулоса юзага келган бўларди. Бироқ мен диндор эмасман, шунинг учун ҳам ҳаётдан олган тажрибаларим туфайли бошимда маълум ғоялар пишиб етмади, сабабки, мен тарихда ўз ўрни мажбур бўлган ва маълум мақсад йўлида кураш олиб бораётган ҳаракатнинг фаол иштирокчиси эдим-да... Эртакнинг тарбиявий аҳамияти ва мақсади ҳар бир кишига кундай аён: агар инсоният қуролланиш пойгасига сарф қилинган катта-катта бойликлар ва харажатлар эзгу ишлар йўлида фойдаланилганда эди, фақат миллион-миллион оқларни боқнишгина эмас, шоколадли торт билан барчани баравар таъминлаш ҳам мумкин бўлар эди.

Шу тариқа образдан четланган ҳолда мен унинг туб маънавия ҳам чақнишга муяссар бўлдим».

«Осмондаги торт» китоби учун Жанни Родари умумевропа мукофоти ва медалга сазовор бўлди. «Телевизорга кириб қолган Жип» ва «Хатолар китоби» («Қандай хатолар ўтмайди») асарлар ҳам юксак мукофотлар билан тақдирланди. Мазкур эртакларда гоҳо «хатолар худди ризқи-рўзимиз — нондек зарурий ва фойдали» бўлиши ҳам мумкин, лекин «фақат болалар хато қилишганда эди, дунё ҳаддан ташқари гўзал бўлган бўлур эди». 1967 йили Жанни Родари Италиянинг энг яхши ёзувчиси деб тан олинди. 1970 йилда эса ўзининг бутун ижодий фаолияти учун у болалар адабиётида Нобель мукофоти билан тенг турувчи Халқаро Андерсен мукофотини олишга сазовор бўлди. Мукофот топширилиши маросимида ёзувчи шундай деди:

— Эртак сўзлаётиб муҳим ва жиддий нарсалар ҳақида гапирмиш мумкин. Дарвоқе, «жиддий» одамлар деганда биз кимларни назарда тутамиз? Мисол учун синьор Исаак Ньютонни олайлик. Менимча, бу жуда жиддий одам эди. Агар ривоятларга ишонадиган бўлсак, бир кун унинг босинга олма келиб тушади. Унинг ўрнида бошқа одам бўлганда бир-икки сўкниб қўярди-да, дам олиш учун бошқа бир дарахт қидирган бўларди. Синьор Ньютон эса, аксинча, ўйга толибди: «Нега олма осмонга учиб кетмай, пастга келиб тушди? Унга ҳам, чапга ҳам эмас, тўғри пастга келиб тушишнинг босиши нима? Ҳойнаҳой уни қандайдир сирли куч ўзи томон торт-

ган». Калтабин одам Ньютоннинг бу мулоҳазаси ҳақида бутунлай бошқача хулоса чиқарган бўларди — модомки эртақларга ишондими, бу Ньютон деганлари бир содда одам экан-да, Ернинг қурсоғида қандайдир сеҳргар ўтиради-ю, олмани ўзи томон тортади, деб ўйларкан-да, дейиши мумкин... Шундай улуғ ёшдаги одам, наҳотки кўришиб турган ёлгонга ишонса... Синьор Ньютон эса эндиликда бутун оламга маълуму машҳур қонунни кашф этади. У чекланмаган, яхшигина тасаввуротга эга бўлгани, ҳеч кимга маълум бўлмаган яширин нарсаларни идрок эта билши салоҳияти борлиги учун ҳам шу ҳол юз берган. Буюк олим бўлиб етишиши учун одам жуда катта ҳаёлот кучига эга бўлиши керак. Кучли тасаввуротга эга бўлган тақдирдагина киши келажакни ёрқинроқ тасаввур қилиши ва унга яқинроқ боришга ҳаракат қилиши мумкин. Мен, хоҳ эски бўлсин, хоҳ янги бўлсин, эртақлар киши онгини тарбиялайди, деҳ ҳисоблайман. Эртақлар — турли хил фаразьялар манбаи. Эртақлар воқелик замирига янги йўللар билан кириб боришимизда бизга калид вазифасини ўташи мумкин, чақалоққа борлиқ оламни англаб етишида ёрдам бериши мумкин, унинг тасаввурот қобилиятини ўсдириб, ўзини қуршаб турган ташқи оламга ўз кўзи билан қарашга ўргатиши мумкин... Дунёда чақалоқ кулгусидан кўра гўзал нарса бўлмайди, агар бир ажойиб кунда болалар билан бир қаторда каттаю кичик ҳамма қўшилиб бирданига, биргаликда кула бошласа борми, аминманки бу энг улуғ кун бўлар эди!

Жаҳоннинг энг машҳур эртақчиси Ханс Кристиан Андерсен мукофоти тақдим этилган кун Жанни Родари учун ана шундай улуғ кун бўлган эди. «Бу мукофот мен шундай илҳомлантириб юбордики, ўзимни мисоли шердек ҳис қила бошладим, суткасига ўттиз соат бўлса-ю, ўттиз соат ҳам тиним билмай ишлагим келиб кетди...» — деб ёзган эди Жанни Родари Андерсен мукофотининг жюриси аъзоси, профессор Пертинига.

Ёзувчи ўзига исбатан ҳаддан ташқари талабчан эди. У тез-тез болалар билан учрашиб турар ва қандай қабул қилишаётганини ўз кўзи билан кўриш учун уларга янги эртақлар сўзлаб берарди. Борди-ю, адолатсизлик содир бўлаётган пайтда болалар нафасларини ичига ютиб тинглашса, қаҳрамонлар тақдирига ҳамдард бўлишса, кулишса ё муштумларини туғиб ғазабланишса, демак, ҳамма иш жойида — эртақ маъқул бўлаётибди, болаларнинг юрагига етиб бораётибди. Борди-ю, болалар диққатлари бўлиниб, зериклишса, демак, иш ҳали хом, уни матбуотга беришдан аввал маромига етгунча пишитиш зарур.

— Фалон жойига етганда болалар, албатта, кулиб юборишларига аминсан, — деб ўз таассуротларини ўртоқлашарди Родари. — Бироқ улар кулмадилар. Шунда қайсидир сўз ёки иборани улар ҳазм қилишолмаётганини, тушуниб етишлари қийин бўлаётганини сезиб турасан. Сен ўзинг ҳам кутмаган жойда эса улар бирданига хаҳолаб кулиб юборадилар, бу билан гўё, мана шундай ёзишнинг керак эди, жуда зўр толгансан, деб шама қилаётгандай бўладилар...

Жанни Родарининг энг яхши ният билан тутган ўз «Оқ китоб»

булар эди. Ҳз кузаатишлари, ўйлари, қизиқ-қизиқ далиллар, теша тегмаган иборалар, кулгили гапларни у доим ана шу китобга қайд қилиб қўярди. Хаёлотлар хусусияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам бу китобда анчагина жамланиб қолган эди. Ёзувчи-эртакчи ҳақидаги ўйлар якуни 1973 йилда нашрлан чикқан «Хаёлот грамматикаси (Эртак тўқиш санъатига кириш)» китобида ўз аксини топган эди. Бу китобда Родари ўзининг болаларга оид сеҳрли эртакларни қандай ёзиш усуллари ҳақида сўзлаб беради. Гарчи бу катта ёшдаги китобхонларга мўлжаллаб ёзилган бўлса-да, кўпгина болалар, ёзувчининг ҳазил тариқасида айтган таъбири билан «янглишиб» ўқиб қўйганлар. Китоб родарича зукколик билан гоят содда тилда ёзилган эди. «Хаёлот грамматикаси» асосида ётган бош гоё,— деб таъкидлайди ижодкор,— тасаввурот ҳамма нарса қўл остимизда деб ҳисобловчи бир ҳовуч машҳур одамлар учун қандайдир имтиёз эмас, деган хулосага олиб келади». Эртакчи ўз болаларининг хаёлот дунёсини бойитишлари учун ота-оналар қандай қилиб қизиқарли воқеа-ҳодисаларни ўйлаб топишларида, одамзот учун гоёят қимматли ҳисобланган бу фазилатни ривожлантиришда ёрдам беришга ҳаракат қилади. Бироқ, деб огоҳлантиради муаллиф, мазкур китобчани минбаъд эртак тайёрлаш учун тайёр қўлланма деб ўйламаслик лозим: «У бор-йўни хаёлотлар оламига бир ров сайр қилиш учун воқеликни англаш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин, холос. У булутлар орасида саргардон этувчи эмас, балки жўшқан ҳаёт қўйнига бошловчи йўлдир».

Бизга маълумки, хаёлот биргина ёзувчи, рассом ёки артистгагина эмас, балки математикка, инженерга, ишчи ёки дала меҳнатчиларига ҳам бирдай зарур. Мантиқий фикр юритишдаги ўқув сингарни тасаввурот ҳам инсон учун керакли нарсадир.

— Хаёлот ва фан,— деб таъкидлайди Жанни Родари,— бир-бирига рақиб, душман эмас, улар иттифоқчилардир, бир жисмдаги қўл ва оёқлар кабидир, бир аждоддан дунёга келган она билан бола сингаридир.

Табиатан эртак учун туртки бўлмайдиган бирон-бир нарса, бирон-бир сўзининг бўлиши амри маҳол, деб қайта-қайта такрорлайди ёзувчи. Дейлик, шаҳзода Пломбирни ўйлаб толдингизми, энди унинг яшайдиган жойини ҳам тасаввур қилиш унча қийин эмас, бу жой, албатта, холодильник бўлади. Шаҳзода жаноби олийлари ўз фуқаролари билан ҳамма ёғи муз билан қопланган сайёрадан учиб келади. Бироқ у ўзига яраша қонун-қондалари жорий бўлган Италияга келиб қолади: навбатдаги взнос тўланмагани учун холодильникни фирмага қайтариб юбориш лозим бўлади. Шунда шаҳзода Пломбир телевизорга чиқиб, бу холодильник дунёдаги энг яхши фирмага қарашли экани ҳақида баёнот беради. Реклама ўз ишини қилади — холодильник эгасида қолади. Шу билан, қарабсизки, битта эртак тайёр!..

Хаёлий эртак дунёга келиши учун, деб маслаҳат беради Родари ўзининг «Хаёлот грамматикаси» китобида, оддий бир сўз, дейлик, «тош» сўзи кифоя. Агар бу сўзни ёш болага айтсак, у бамисоли

сувга ташланган тошдай боланинг ёш онгани туғёнга келтиради. Шундан кейин воқеалар бир-бирига уланиб кетаверади. Пастга думалаб тушаётган тош сув ўтларини тўзғитади, балиқларни чўчитади, сувнинг тубига тушгач, бақатўнларни қўзғотади, аллақачонлар унутилиб кетган нарсаларга бориб тўқинади, улардан баъзиларининг усти очилиб қолса, баъзиларини, аксинча, қум босади. Қисқагина муддат ичида жуда кўплаб воқеа-ҳодисалар ёки митти гоқеа-ҳодисачалар содир бўлади. Шунинг сингари болалар онгига жо бўлган сўз ҳам қатор образлар силсиласини юзага келтиради, ўзининг мана шу «жо бўлиш» жараёнида товушлар ва манзаралар, тасаввурот ва орзулар дунёга келишига сабабчи бўлади.

«Хаблот грамматикаси» китобида биз ижод табияти хусусидаги теран мушоҳадаларга дуч келамиз.

«Ижод,— деб ёзди Родари,— фикр қилишнинг ўзига хос омборига ўхшаган нарсая, яъни тўпланган тажрибалар қуюшқонини муттасил парчалаб, ундан чиқиб кетиш қобилиятидир. Ижодий ақл — бу фаол, зийрак ақл бўлиб, бошқаларнинг нигоҳи илғамайдиган муаммоларни очиб ташлайди, ҳамма нарсага барабар жавоб қидириб топади, ижодий ақл ўзини сувдаги балиқдай ҳис эгади, бир жойда муқим турмайди, у бўлган жой бошқаларга хатарли бўлиб кўринади, у фақат ўзига мақбул бўлган, ҳеч ким (на отаси, на профессор, на жамият) билан боғлиқ бўлган мустақил қарор қабул қилади, атайлаб тиқиштирилган нарсаларни инкор этади, ҳар бир нарсая, ҳар бир тушунчани ўзинча таҳлилу тадқиқдан ўтказиши, ўзини келишувчилик маъносидagi ҳар қандай фикрга ўралашиб қолишдан асрайди. Бу фазилатларнинг барчаси ижодий жараёнда ўз ифодасини топади. Мазкур жараён эса, мен сизга айтсам, «ҳшилар, ҳатто «қийин» математика ҳақида сўз кетган пайтда ҳам ҳаммиша қувноқ, шўх садо беради».

Жанни Родари жуда кўп нарсаларни орзу қилар эди, бироқ заммасини рўёбга чиқаришга муяссар бўлди дейиш қийин, албатта. Ёзувчи 1980 йил 14 апрелда, олтинчи ёшлик умр тўйига бир неча ой қолганда тўсатдан вафот этди. Бироқ ёзувчининг ўй-фикрлари, меҳнатлари, зукко ва шўх эртаклари ёруғ оламда узоқ йиллар яшаб қолишига асло шубҳая йўқ. Ажойиб фикр ва ҳис-туйғулар билан тўлиб-тошган сара китоблар яратар экан, эртақчи-ёзувчи эртанги кун одамларнинг тарбиялашда беқийёс хизматлар қилаверади. У болаларимизнинг мард ва оққўнгил, меҳрибон ва ҳалол, қувноқ ва силкаш, теран ақл ва бой ўй-фикр эгалари бўлиб етишишларини ин дилдан истар эди. Чунки, бой ўй-фикрлар «ҳеч ким қул бўлиб қолмаслиги учун ҳам ҳар бир кишига гоят зарур нарсасидир. Жанни Родари ўзининг бутун ижодий фаолияти билан ана шу мақсад сари ниқилиб келган эди.

*Л. Тарасов.*